Ўтган асрнинг сўнгги ўн йилликларининг баъзи тадқиқотчилари фикрига кўра, рекреацион район шаклланиши учун худудда туризм, кишлоқ хўжалиги (кишлоқ хўжалиги истеъмол маҳсулотлари билан рекреантларни таъминлаш мақсадида), саноат ишлаб чиқариши (рекреантларни зарур саноат моллари билан таъминлаш мақсадида) мажмуали шаклланган бўлиши зарур. Бироқ, рекреацион районлаштиришда бундай ёндошувлар ўз давридаёқ инкор этилган эди. Рекреацион районларнинг ҳар бирида рекреантларни жалб этувчи ўзига хос омиллар мавжудки, улар ҳар бир район учун бетакрор ҳисобаланади ҳамда рекреантларни ҳам мазкур худудга мана шу омиллар жал қилади. Бошқа иккиламчи омилларни эса шартли равишда қўшимча ҳолда бошқа худудларнинг потенциалидан фойдаланиб, келтириб шакллантириш мумкин.

Профессор А.Ниғматов ўз ишларида Ўзбекистон худудини 14 та экотуристтик районга ажратган. Унинг фикрига кўра, экотуристтик районлаштириш - маълум бир худудни, унинг экотуристтик ҳолати, имконияти ва келажак истиқболлари нуқтаи назаридан бўлимларга ажратишдир.

А.Ниғматов бўйича Ўзбекистон экотуристтик районлари куйидагилар:

1. Устюрт экотуристтик райони;
2. Орол ва Орол бўйи экотуристтик райони;
3. Амударё экотуристтик райони;
4. Қизилкум экотуристтик райони;
5. Нурота экотуристтик райони;
6. Зарафшон экотуристтик райони;
7. Айдаркўл экотуристтик райони;
8. Сирдарё экотуристтик райони;
9. Чирчиқ экотуристтик райони;
10. Фарғона экотуристтик райони;
11. Туркистон экотуристтик райони;
12. Қашқадарё экотуристтик райони;
13. Ҳисор экотуристтик райони;
14. Сурхондарё экотуристтик райони.

Олим Ўзбекистон худудини экотуристтик районларга ажратишда худудий бир бутунлик, комплекс ёндашув, генетик ўхшашлик ва индивидуаллик қоидаларига амал қилган ва куйидаги геоэкологик принципларга амал қилиш лозимлиги илгари сурилган:

- геотизмларнинг антропоген, табиий ва табиий-техноген ўзгарувчанлиги;
- экотуризмни бошқа туризм турлари билан биргаликда олиб бориш
- самарадорлиги;
- маданийлаштирилган ландшафтларда агроэколуристтик имкониятларнинг
- юқорилиги;
- экологик тадбирларни олиб бориш имкониятининг яратилганлиги.

Табиий рекреация ресурслари Ўзбекистон миқёсида ҳам Бухоро вилояти мисолида ҳам районлаштирилмаган. Рекреацион районлаштириш бу худуднинг рекреацион мақсадларда фойдаланишига ҳамда рекреацион ресурсларининг таркиби ҳамда салоҳиятига боғлиқ ҳолда қисмларга ажратилишидир.

Муаллифлар Бухоро вилояти худудини рекреация мақсадларида шартли равишда 3 кичик минтақага ажратишни таклиф қилади. 1-минтақа Бухоро ва Когон шаҳарлари худуди; 2-минтақа Бухоро вилоятининг воҳа қисмидан иборат худуд; 3-минтақа Бухоро вилоятининг чўл майдонларини камраб олган худуд. Мазкур минтақаларни ажратишда худудий бир бутунлик, комплекс ёндашув, тарихийлик, генетик ўхшашлик ва индивидуаллик тамойилларидан фойдаланилди.

Бухоро ва Когон шаҳарларининг рекреация ресурслари таркибида тарихий маданий ресурсларнинг устунлик қилиши, шаҳар инфраструктурасининг мавжудлиги, рекреация

хизматлари даражасининг нисбатан юқорилиги асосий сабаб бўлмоқда. 2-минтақанинг ажратилишида воҳа худуди ландшафтлари, қишлоқ инфраструктураси шаклланганлиги, рекреация хизматларининг шаҳардагига нисбатан пастроқлиги каби омиллар сабаб бўлди. 3-минтақанинг ажратилишида чўл ландшафтлари устунлиги, рекреация ресурслари деярли тўлиқ табиийлиги, инфраструктуранинг паст даражаси каби омиллар асос бўлди.

Кейинги тадқиқотларимизда минтақа худудларининг рекреация-туристик жиҳатдан районлаштириш ва рекреация-туристик маршрутлар схемасини аниқлаштириш, рекреация мажмуалари имкониятларидан тўлалигича фойдаланиш, рекреация худудларини карталаштириш ҳамда уларни илмий асосда ечиш бўйича устувор йўналишларни белгилаш кабиларни тадқиқ қилиб борамиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Кусков А.С., Голубева В.Л., Одинцова Т.Н. Рекреационная география. М., 2006. 275 с.
2. Назаров Х.Т. Самарқанд вилоятининг рекреация ресурслари ва улардан фойдаланишни географик жиҳатлари. Монография. – Самарқанд: СамДЧТИ, 2016, 59 бет.
3. Ниғматов А., Шамуратова Н. Ўзбекистонни экотуристлик районлаштириш тажрибаси. Экология хабарномаси. 2007, №2, 40-49 б.

ЎЗБЕКИСТОНДА МУСУЛМОН ҲАЙИТЛАРИ

*Усмон Қорабоев, Камолиддин Бехзод номидаги
Миллий Рассомлик ва дизайн институти
профессори, фалсафа фаилари доктори*

Дунёдаги барча динлар ўзига хос одат, маросим ва байрамларга эга. Уч йирик диннинг бири бўлган исломнинг анъанавий маданияти ва амаллари алоҳида эътиборга лойиқ. Исломий одатлар шу динга оид таълимотлар, қонун-қоидалар ва ақидалар асосида пайдо бўлиб, уларнинг асосийларига ақиқа, амри маъруф, хатна, рўза ва рамазон ҳайити, қурбонлик ва қурбон ҳайити, намоз, ҳаж ва бошқа маросимлар киради. Бу одатлар ичида икки байрам – “Қурбон ҳайити” (арабча ийд ал-кабир) ва “Рўза ҳайити” (арабча ийд ал-фитр) мўҳим ўрин тутди. Мазкур ҳайитлар (арабча «ийд» – байрам) ҳижрий йил ҳисоби бўйича нишонланиб, барча мусулмонлар учун умумий хурсандчилик куни ҳисобланади.

Иккала ҳайит ҳам Муҳаммад (с.а.в.)нинг Маккаи мукаррамадан Мадинаи мунавварага ҳижрат қилиб келган даврларида, яъни ҳижрий сананинг биринчи йилларидаёқ жорий қилинган. Уларнинг вужудга келишига мадиналикларнинг қадимий байрамлари асос бўлган. Имом Насафий ҳадисида айтилишича: «Расулulloҳ Мадинага ҳижрат қилиб келганларида мадиналиклар қадимдан бир йилда икки кунни байрам қилар эдилар. Ул зот Оллоҳнинг амри билан шу икки кунни улардан яхшироғига, яъни Рамазон ва Қурбон ҳайитларига алмаштирадилар» (Мансуров А. Ҳайит қачон бошланган? //«Фан ва турмуш», 1990, 4-сон).

Манбаларда Муҳаммад алайҳиссаломнинг ҳайитларда қатнашганлари хусусида анчагина маълумотлар мавжуд. Чунончи Имом Бухорий ва Муслим ривоятларига кўра, Биби Ойшаи Сиддиқа (Расулulloҳнинг жуфти ҳалоллари) ҳикоя қиладилар: «Мен ҳайит кунлари Расулulloҳ билан бирга ҳабашлар ўйинини томоша қилар эдим. Роса мириқиб томоша қилганимиздан кейин қайтар эдик». Яна Ойшаи Сиддиқа айтадилар: «Бир ҳайит куни икки жория қизнинг ашулаларига қулоқ солиб ўтирган эдим, бехос отам Абу Бакр Сиддиқ келиб қолдилар. Бизни бу ҳолда кўриб, уч марта «Бу шайтон наволари-ку!» деб койий бошладилар. Шунда ногоҳ Расулulloҳ: ...«Эй Абу Бакр, уларни ўз ҳолига қўйинг, зеро, ҳар бир халқнинг ўз байрами бўлади. Бугун – бизнинг байрамимиздир, – дедилар».

Қурбон ҳайити ҳижрий зулҳижжа ойининг 10-кунида, Рўза ҳайити шаввол ойининг 1-кунида байрам қилинади. Ислом таълимотларига кўра ҳайит кунлари фақирларга садақа берган, ихлос билан ибодат, тавба қилган кишиларнинг гуноҳлари авф этилади. Шу боис ҳайит шодлик ва хурсандчилик куни ҳисобланади.

Бирок шўролар даврида дин ва диний одат ва байрамлар тақиқланиб келинди. Мустақиллик туфайлигина жамиятимизда рўй берган мафқуравий ўзгаришлар натижасида элимизда диний байрамлар, жумладан, Рўза ва Қурбон ҳайитлари яна эркин ўтказиладиган бўлди. 1992 йил 27 мартда Ўзбекистон Президентининг «Рўза ҳайитини дам олиш куни деб эълон қилиш тўғрисида» Фармони эълон қилинди. Фармонда жумладан, шундай дейилади: «Мустақил Ўзбекистон Республикаси мусулмонларининг истак ва хоҳишларини инобатга олиб, ҳамда фуқаролар ўртасида меҳр-оқибатни барқарорлаштириш мақсадида диний байрам – Рўза ҳайитининг биринчи куни дам олиш куни деб тайинлансин». 1992 йилдан бошлаб ҳар йили мамлакатимизда Рўза ва Қурбон ҳайитларини умумхалқ байрами сифатида нишонланмоқда. Ҳар йили ҳайит арафасида оммавий ахборот воситаларида Давлат раҳбарининг табриги янграйди. Ўзбекистон телеканалларида Рўза намози кўрсатилиши, Қурбон ҳайити арафасида Маккага ҳаж сафарига бориши каби тадбирлар муҳим воқеа бўлиб, амалда виждон эркинлигининг рўёбга чиқаётганлигидан далолат беради.

Ислом ҳайитлари мазкур диний маросимларга асосланган бўлиб, мусулмончиликни қабул қилган халқларнинг урф-одати, анъаналари, ҳаётий тажрибалари билан боғланиб кетган. Шунинг учун ҳам кўпгина мусулмон халқлари бу ҳайитларни ҳам диний, ҳам ўзларининг миллий байрамлари деб қабул қилишган. Турли мусулмон халқлари (араб, туркий ва эроний халқлар)да бу ҳайитларни нишонлаш борасида муайян фарқли жиҳатлар мавжуд бўлса-да, бироқ ислом дини байрамларига хос умумий маросим, одатлар сақланиб қолган. Ислом ҳайитларининг бош маросими тонг сахарда намозгоҳлар, масжидларда ўқиладиган ҳайит намозидир.

Мусулмонлар ҳайит намозига тоза, чиройли кийимлар кийиб, хушбўй атирларни сепиб, яхши кайфият ва эзгу ниятлар билан чиқишади. Аввал, бомдод намози ўқилади. Сўнг имом хатиблар кишиларни эзгуликка даъват этувчи таъсирли ва мазмунли маъруза қилишади. Ундан кейин эса асосий ҳайит намози ўқилади.

Намоз ўқиш маросими тугаганидан кейин ҳамма бир-бири билан кўришиб, ҳол-аҳвол сўрашиб, бир-бирларини ҳайит билан қутлайдилар. Ҳайит намозидан чиққанлар яхши кайфиятда уйга боришади, оила аъзоларига, фарзандларига ҳайитликлар совға қилишади. Бу улуг айёмда устозлар зиёрат қилинади, марҳумлар эсланиб, дуои фотиҳа қилинади, қариндошлардан ҳол-аҳвол сўралади, кексалар ва беморлардан хабар олинади.

Ҳайит кунлари одамлар орасида гина ва кудуратлар унутилади. Ҳайит арафасида ҳамма хонадонларда байрамона таомлар пиширилиб, қўшниларга, яқинларга улашилади, дастурхонлар безатилади, меҳмон кутилади. Ҳайит кунлари камбағал, бева-бечора, етим-есирларга, тиланчиларга ҳайитлик, ҳайрия ва садақалар бериш савоб ҳисобланади.

Ўзбек халқининг маҳаллий анъаналари орасида инсонпарварликка йўғрилган удумлар, жумладан, ҳайит байрамларида кексалар ва беморларни йўқлаш, ўтганлар руҳини ёд олиш, фақирларга садақа бериш каби одатлар ҳам бор. Улар асрлар оша ўз кадр-қимматини йўқотмай келмоқда. Шунингдек, ҳайит арафасида уй-жой, ариқ, кўча ва хиёбонлар, қабристонлар тозаланади. Арафа куни хонадон бекалари турли ширинликлар тайёрлаб, палов дамлайдилар. Оқшом вақтида қўшнилари бир-бирларига таом (асосан палов) ва ширинликлар улашиб, ҳайит билан муборакбод этадилар.

Ҳайитлар байрам, хурсандчилик куни ҳисобланишига қарамай, уларга баъзи ўзига хос кайғули одатлар ҳам аралашиб кетмоқда. Вафотига бир йил тўлмаган марҳумлар хонадошида ҳайит кунлари уч кунгача аза маросими ўтказилмоқда. Бу одатлар байрамга хос эмаслиги ҳақида халқ орасида тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Ҳайит билан боғлиқ исломий одатларни том маънодаги хурсандчилик, меҳр-оқибат, бирдамлик, инсонпарварлик байрамга айлантиришга интилиш даркор. Энг муҳими, улар одамларнинг руҳини кўтаришга таъсир кўрсатиб келган.

Рўза ҳайити. Рамазон - ҳижрий йил ҳисобининг 9-ойи бўлиб, ислом ақидалари бўйича бу ойда Аллоҳ Муҳаммад алайҳиссаломга Қуръонни ваҳий қилган. Шунинг учун ҳам ислом дунёсида рамазон муқаддас ҳисобланиб, бу ойда мусулмонлар рўза тутишади. Рамазон

якунида эса исломнинг катта байрамларидан бири – Рўза ҳайити бошланади. Бу ҳайит рамазон ойи тугагач 10-шаввал ойининг дастлабки уч кун ичида нишонланади.

Рамазон ҳайити рўза тутиш одати билан боғлиқ. «Қуръон»нинг «Бақара» сурасидаги 183-187-оятларда рўза тутиш ҳақида шундай дейилади: «Эй, мўминлар, тақволи кишилар бўлишингиз учун сизлардан илгари ўтганларга фарз қилингани каби сизларга ҳам санокли кунларда рўза тутиш фарз қилинди. Энди сизлардан бирор киши хаста ёки мусофир бўлса, у ҳолда (рўза тутолмаган кунларининг) саногини бошқа кунларда тутсин... Оллоҳ сизларга енгилликни истайди, сизларга оғир бўлишини истамайди... Ва тонгдан оқ ип қора ипдан ажраладиган пайтгача еб-ичаверинглар. Сўнгра кечгача рўзани бенуқсон қилиб тутинглар» (Қуръон. Иккинчи жуъз. //«Шарқ юлдузи», 1990, 4-сон).

Қуръон ва ҳадисларда рўза тутиб, тақводор бўлишга алоҳида эътибор берилади. Такво – кундуз кунлари ейиш ва ичишдан ўзини тийиш билан бирга, барча ёмон иллатлар (масалан, ёлғон сўзлаш, бировнинг кўнглини оғритиш, пора бериш ва пора олиш, ноҳақ зуғум қилиш, шахвоний ишларга берилиш кабилар)дан ҳам сақланишдир. Имом Бухорий ҳадисида ёзилган ривоятлар бўйича Муҳаммад (с.а.в.) шундай деган эканлар: «Албатта, рўза бир сақловчи нарсадир. Сизлардан кимки рўзадор бўлса, фахш сўзларни сўзламасин, жоҳил кишиларнинг ишини қилмасин. Агар бир киши у билан уришса ёки сўкишса «мен рўзадорман, мен рўзадорман», – деб айтсин».

Дин тарихига оид манбаларда қайд қилинишича, мусулмонлар биринчи марта (624 йил, февралда) Муҳаммад (с.а.в.) бошчилигида рўза тутишган экан. Рўза тугагач, арабча «Ийд ал-Фитр» – «оғиз очиш байрами» номи билан биринчи ҳайит ўтказилган. Шундан бошлаб, бу кунни байрам қилиш барча мусулмон халқлари орасида анъанага айланган. Шунини таъкидлаш керакки, Муҳаммад (с.а.в.)дан олдинги пайғамбарлар ва уларнинг умматлари ҳам рўза тутишган. Айтишларича, Довуд пайғамбар йилнинг олти ойи мобайнида рўза тутган эканлар. Муҳаммад (с.а.в.) ҳар душанба ва пайшанба кунлари рўза тутишни одат қилганлар. Бундан ташқари, у ҳар ойнинг боши, ўртаси ва охирида рўза тутган дейишади.

Рўза тутиш кишининг иродаси ва саломатлигини мустаҳкамлайди, ўзини тута билишга ўргатади. Киши рўза туфайли *оч-ялангочлар, етим-есирлар аҳволини ҳис этади ва уларга нисбатан кўнглида меҳр-шафқат тўйғуси кучаяди.*

Тарових намози. Рамазон кунлари ифторликдан кейин эркаклар масжидларга бориб жамоа билан тарових намозини ўқишади. Ушбу намозни жамоат билан ёки танҳо ҳолда ҳам ўқиса бўлади. Лекин жамоа билан ўқиш савоблироқдир. Тарових намозидан олдин масжид имоми йиғилганларга диний-маърифий мавзуларда маърузалар қилади. Аёллар эса ўз уйларида танҳо ҳолда ёки бир нечта аёл биргалашиб бирор хонадонда тарових намозини ўқишади. Бу ўзига хос диний маросим ҳисобланади. Аёллар Қуръони Каримдан, Ҳадиси Шарифдан сура ва оятлар ўқишади, кейин биргаликда тарових намозини ўқишади. Рамазон ойи тугагунга қадар ҳар кеча йигирма ракат тарових намози ўқишлик суннатдир.

Ифторлик маросими. Рамазон ойида ифторлик қилиш одат тусига кирган маросимлардан ҳисобланади. Ифтор (араб. – оғиз очиш, рўзани очиш) – ислом динида рўзадорларнинг «оғиз очиши» билан боғлиқ одат. Ифторлик ўтказишнинг туб моҳияти камбағаллар, бева-бечоралар, етим-есирларни тўйдиришдан иборатдир.

Ифторлик маросими фақат рамазон ойида рўзадорлар учун ўтказилади. Уни ўтказишни ният қилган киши маҳалла ва қариндош-уруғлари билан маслахатлашиб, бирор кунни белгилайди. Шом (оғиз очиш) вақтига тўғрилаб дастурхон безатилади, турли таомлар тайёрланади. Қурби етган жонлиқ сўяди. Одатда эркаклар ифторлигига имом ёки домла, аёлларникига отинойи таклиф қилинади. Улар тўпланганларга рўза, шариат, ахлоқ кабилардан панд-насихат қилиб, Қуръон оятларидан мисол келтирадилар, дуо ўқийдилар ҳамда саволларга жавоб берадилар.

Ифторлик маросимида дўсту-биродарлар, қавму-қариндошлар аҳилликда йиғилиб меҳр-оқибат, диёнат, ҳалоллик, рўза кунларининг хусусиятлари ҳақида самимий суҳбат курадилар.

Рўзадорларга, мухтожларга зиёфат беришнинг савоби катта саналади. Шу боис ўзбек халқида ифторлик маросимини ўтказиш кенг тарқалган. Аммо кўп ҳолларда ҳақиқий мухтожлар ва рўзадорларни ифторликка таклиф этмасдан, обрў олиш ва ўз манфаатини кўзлаш мақсадида бой-бадавлат кишиларга, мансабдорларга зиёфат бериш урф бўлмоқда. Баъзан меҳмонларнинг аксарияти рўза тутмаган бўлади. Бу каби меҳмондорчиликларни ифторлик эмас, балки ўз номи билан зиёфат деб аташ тўғри бўлади.

Исломда *Рўза ҳайитининг* биринчи куни мусулмонларга эрта тонгда туриб ғусл қилиш, янги ёки тоза либослар кийиш, астойдил тавба ва истиғфор қилиш, ҳайит намози ўқиш, байрамни хурсандчилик билан ўтказиш буюрилган. Рамазон ҳайити намози қуёш чиққач, тахминан 15 дақиқадан сўнг Жомеъ масжидларида ўқилади.

Рўза ҳайитида ҳамма учун байрам қувончини улашиш мақсадида ўзига тўқ оилалар камбағалларга, бева-бечораларга фитр – садақа беришлари керак. Ҳайит намози ўқилмасдан аввал имконияти бор одамлар фитр садақаси берадилар. *Фитр садақа* (араб. – рўза яқуни садақаси) – исломда рамазон ойи тугагач фитр ҳайити куни бериладиган садақа, ўзига тўқ мусулмонларнинг мухтожларга хайр-эҳсон, вожиб амал. Ўз ҳолатидан ортиқ тегишли мол-мулкка эга бўлган ҳар бир мусулмон фитр беради. Фитр садақаси ҳайит кунлари мискин ва камбағаллар ҳам тўқ бўлсин, хурсандчилик қилсин, деган ниятда жорий қилинган. Фитр садақасини беришда ёш ва жинснинг аҳамияти йўқ, оиланинг ҳар бир аъзоси номидан закот бериладиган фақир кишилар ва илм толибларига берилади. Фитрни барча оила аъзолари номидан оила бошлиғи бериши ёки балоғатга етган фарзанд ва аёл ўзи бериши мумкин. Фитр садақаси Аллоҳга яқин бўлиш, ҳайит хурсандчилигини барча аҳоли бирдек баҳам кўриши, фақирларга ёрдам бериш, гуноҳлари кечирилиши ниятида берилади. Фитр садақасининг миқдори киши бошига 2,5 кг ғалла ёки шу миқдордаги қийматга эга бўлган пул билан белгиланади.

Фитр-садақани беришдан мақсад аввал камбағалларга ёрдам, сўнгра ўз бошидан садақа, ундан кейин рўза кунлари билиб-билмай қилган гуноҳлари учун каффоратдир.

Халқимизда ҳайит кунлари «ҳайитлик бериш» одати ҳам мавжуд. Ҳайитлик бериш – хурсандчилик, меҳр-оқибат, иззат-хурмат белгисидир. Кишилар ҳайитда ота-оналарига, оила аъзоларига, фарзандларига кийим-кечак, совға-саломлар инъом этишади.

Қурбон ҳайити. Қурбон ҳайити (Ийд ал-кабир) – Ислом динидаги икки катта байрамнинг бири, Аллоҳ йўлида қурбонлик қилиш билан боғлиқ маросим. Рўза ҳайитидан 70 кун ўтгач, ҳижрий Зулҳижжа ойининг 10 – 12-кунларида нишонланади. Қурбон ҳайитининг биринчи куни (Рамазон ҳайити каби) қуёш чиққач, тахминан 15 дақиқадан сўнг Жомеъ масжидларида имом ва жамоат билан биргаликда Ҳайит намози ўқилади. Қурбон етганлар қурбонлик қиладилар. Шунингдек ислом динининг бешинчи фарзи – Ҳаж амалга оширилади.

Мусулмонлар орасида Қурбон ҳайити кечалари дуо ва ибодат қилиш, Ҳайит куни эрта тонгда ювиниб-покланиш, рўзадор каби саҳарда «Оғзини ёпиш» (яъни ейиш-ичишдан тийилиш), янги ва тоза кийимлар кийиш, хушбўй ҳидли сувлардан сепиш, иложи борича ҳайит намозига пиёда бориш ва йўлда такбир келтириш, садақа бериш, очиқ чехрали бўлиш, намоздан сўнг оиласи, фарзандлари учун совға-салом олиш, ифторлик(оғиз очиш)ни қурбонлик гўштидан тайёрланган таом билан қилиш анъанага айланган. Ушбу ҳайитда қурбонлик одати алоҳида ўрин тутади.

Қурбонлик – (араб. яқинлик, худога яқинлашув) – Аллоҳ йўлида жонлиқ сўйиб, қон чиқаришни англатади. Қурбонлик инсоннинг Аллоҳ наздида севимли ва унга яқин бўлиш ниятида амалга оширилади ҳамда банданинг Аллоҳга шукронасини билдиради. Ислом ақидаларига кўра қурбонлик Қурбон ҳайити куни ҳайит намозидан кейин уч кун ичида кундуз кунлари қилинади. Қурбонлик қилиш эркак ва аёл мусулмонларга вожибдир. Фақирлар ва сафардаги кишиларга вожиб эмас. Қурбонлик ақл ва ёшга боғлиқ эмас. Ақли заиф ёки ёш болаларнинг номидан ҳам уларнинг яқинлари қурбонлик қилиши мумкин. Қўй, эчки, қорамол, туя каби ҳайвонлар қурбонлик қилинади. Қўй, эчки бир ёш (семиз ва бир ёшга ўхшаб кўринса олти ойлик ҳам бўлади), қорамол икки ёш, туя беш ёш бўлиши лозим. Қўй ва эчкини бир кишининг номидан, қорамол ва туяни бир кишидан етти кишининг

номигача қурбонлик қилиш мумкин. Касал ва қусури бор ҳайвонлар қурбонлик қилинмайди. Дин қоидаларига кўра, қурбонлик қилаётган одам гуноҳлари тўкилиши учун жонлик сўйилаётганида унинг тепасида туриши керак.

Динда қурбонлик гўштнинг тақсимоти ҳақида махсус қонун-қоидалар йўқ. Ўзбек халқи орасида қурбонлик гўштини уч қисмга бўлиб, бир қисмини йўқсилларга, бир қисмини яқинларига бериш ва қолган қисмини ўзига олиб қолиш одатга айланган.

Ислом динида ҳаж маросимининг мажбурий амалларидан бири қурбонлик ҳисобланади. Ҳажга борганларнинг ҳар бири биттадан жонликни қурбонлик қилишади.

Ислом дини тараккий этган сари қурбон ҳайити мусулмонлар бирлашадиган, ҳамдард бўладиган кунга ҳам айлана борган. Шунингдек, у мусулмонларга фарз бўлган бешинчи рукн – *ҳаж*ни адо этадиган, яъни Исломнинг муқаддас марказларини зиёрат этадиган асосий кунга ҳам айланган. Ҳозирги пайтда ҳар йили Қурбон ҳайити кунларида миллионлаб мусулмонлар Маккада жамланадилар, муқаддас жойларни зиёрат этиб, қурбонлик қиладилар. Дунёнинг турли ўлкаларидан келган мўминлар биргаликда ҳайитни нишонлайдилар.

Қурбон ҳайити муносабати билан 1990 йилда Ўзбекистон Президенти Фармони асосида ilk бор мамлакатимиздан 500 кишининг Саудия Арабистонидаги Макка ва Мадинага бориб, ҳаж қилиш шарафига муяссар бўлиши улкан воқеа бўлди. Шундан сўнг ҳар йили Ватанимиздан минглаб киши ҳаж сафарига борадиган бўлди. Уларнинг сони йил сайин ошмоқда.

Ислом одатига кўра, ҳажга бориб, муқаддас Каъбани зиёрат қилган кишилар Ватанига «ҳожилар» фахрий унвонига эга бўлиб қайтишади.

Кейинги вақтларда Қурбон ҳайити юртимизда кўпроқ мотам маросимига, яъни марҳумлар ўтган хонадонларга бориш, қабристонларни зиёрат қилиш кунига айланиб қолган. Бу юмушлар бошқа кунларда ёки ҳайит арафасида бажарилса ҳам бўлаверади. Қурбон ҳайити – хурсандчилик куни. Қурбон ҳайити байрами, энг аввало, тирикларнинг бир-бирини йўқлайдиган кунидир. Шу боисдан бу кун ота-оналар, қариялар, етим-есирлар йўқланиб, уларга қўлдан келганча муруватлар кўрсатилади, совға-салом («*ҳайитлик*»)лар берилади.

Қурбон ҳайити барча кишилар учун хурсандчилик ва иноқлик куни бўлиши лозим. Шунинг учун бу кун одамлар, миллатлар ўртасидаги низолар, келишмовчиликлар унутилиб, гина-кудуратлар кечириладиган санага айланмоғи лозим. Бу кунда одамлар ўртасидаги меҳр-оқибат, иззат-ҳурмат, кадр-қиммат, инсонийлик каби хислатлар улуғланмоғи зарур.

ECONOMICAL AND TOURISTICAL BASES OF INNOVATIVE DEVELOPMENT IN BUKHARA REGION

*Associate Professor, Ashurov Sh.S.,
(Samarkand State Institute of Foreign Languages, Candidate of philological sciences)*

The emphasis of tourism industry as one of the economic priorities our country not only contributes to the exploration of rich potential in cultural and historical tourism but also undoubtedly involves emerging of ecological, sportive, educational and other tourism modes. Inscription of historical part of Bukhara in UNESCO World Heritage List in 1993 considerably contributed to its preservation and development. The further development of the tourism industry of the city requires the efforts of archaeologist, historians, experts in architecture and culture, as well as local and international expertise in these domains, establishment of cultural and scientific cooperation with international organizations such as UNESCO and World Tourism Organization of United Nations (UNWTO). This process is instrumental in making Bukhara a world tourist destination. It is also noteworthy that the region is becoming a center of trade and tourism, and it is expected that Bukhara will be recognized as a center of Islamic culture by 2020. Adoption of the President Decree No 4861 "On measures to assure an accelerated development of the tourism industry in the Republic of Uzbekistan" dated December 2, 2016 is a vital document which has

impact on Bukhara's touristic potential. Tourism industry actually becomes one of leading factors of our national economic system. Bukhara may be considered as one of the best-known historical cities of Uzbekistan, and almost all tourists coming to our country aspire visiting it, for there are approximately 700 sites of historical and touristic value in Bukhara. Except from abovementioned decree, there are several governmental resolutions which contribute to the enhancement of tourism industry in Bukhara region. Summarizing vital measurements for the development of the tourism industry, several priority steps should be undertaken. According to these legislative acts, a plan of measures was developed in order to create favorable conditions for foreign tourists visiting our region, and to improve the quality of services supplied to them.

Today there are more than 30 large industrial enterprises in region. More than half of gross regional product is produced in Bukhara city. The enterprises process mainly local raw materials. Some businesses specialize in the gas and oil industry and agriculture. Bukhara Textile Complex ("Bukhorotex"), Karakul sheep factory, gold-embroidery and silkworm factories, cotton, oil, bricks and other construction materials, remodeling plants, flour, meat, cereal factories, footwear and clothing factories and crafts may be provided as examples. There are joint ventures with more than 10 foreign countries, among which BukTel (Israel), OmegaSitora (Greece), GufikAvitsenna (India), Marmar (USA) and others. In 1996, telephone stations manufactured by the Republic of Korea were installed in Bukhara. Bukhara International Airport serves to establish relations with the regions of the Republic and more than 20 foreign countries through Tashkent. More than 100 major historical architectural monuments in Bukhara, among which Bukhara Ark, Samanids mausoleum, Chashmai Ayyub mausoleum, Matki Attori mosque, Namazgah mosque, Poyi Kalon Ensemble, Minorai Kalon, Masjid Kalon, Mir Arab Madrasah, Abdulazizkhan's Tim, Ulugbek Madrassah, Chor Minor, Bolohovuz Mosque, Sitorai Mohi Khosa Ensemble and others are best known.

Tourism provides benefits not only for tourists themselves. There are many organizations that are directly or indirectly involved in this industry. In order to develop tourism industry in Bukhara governmental organization should respond to basic needs, establish rules and contribute to their implementation. It includes the following services:

1. Travel accommodation (hotels, camping, boarding houses, sanatoriums, tourist bases, etc.).
2. Travel food (restaurants, cafes, bars, etc.)
3. Traveling around the country in different types of passenger transport and taking it from other countries.
4. Excursion services (translators, groups, tour guides).
5. Services for satisfying cultural interests (visits to theaters, cinemas, concert halls, parks and other nature and sporting events).
6. Satisfaction of practical and scientific interests of tourists (participation in congresses, assemblies, scientific conferences, seminars, fairs and exhibitions, participation in general and special trade events).
7. Trading services of general and special trading enterprises (sale of gifts, cards, etc.)
8. Insurance and medical services
9. Advertisement and service (sale) services (growth of itineraries, booking of transport, accommodation).
10. Services of administrative organizing (rent, quarantine, currency, customs, police, as well as visa, passport).
11. Information services (tourist resources in a particular region of the globe, means of residing, customs and border procedures, currency rates in the country of origin, newspapers, magazines, travel guides about the types and directions of transport).
12. Inspections on the protection of historical and cultural places.

Reforms undertaken by our government in order to develop tourism infrastructure have been yielding positive results. However, due to the complexity of the transition period, there are some drawbacks in this area, as we shall cover more in the following topics. For instance, the public catering system should be improved and the conditions for the organization of meaningful leisure time for tourists should be set. It involves, in particular, construction of restaurants, organization of

national concerts and cultural performances. It is also planned to improve transport services, develop air and rail infrastructure, increase the number of flights and high-speed Afrosiab trains. Highways leading to tourist facilities will be built and reconstructed. In the center of Bukhara there will be a new "shopping street" with a network of specialized souvenirs and gift shops. ATMs and terminals will be installed on tourism infrastructure facilities, currency exchange points and Wi-Fi zones will be established in most popular and visited areas. There are also concrete plans to improve the tourism infrastructure around Lake Ogugma in Shafirkan district, overhaul the Visitor Center at the Jayran Ecological Center, and establish a zoological park in the Peshku district. It is expected to create the necessary conditions for beach and sports tourism, as well as improvement of the territory of the "Afshona" museum and construction of specialized medical houses. Urgent measures for the complete restoration of the Ark complex will be undertaken: restoration of the destroyed area of the courtyard should be completed by 2021. Leading European expert and consultants will be involved in the planning of the historic part of Bukhara and the restoration of material and cultural monuments. Repair and restoration works in the specially protected historical and cultural areas of the Bukhara region will be undertaken with minimal interference with their architecture.

In modern Western economies, tourism is viewed as a complex socio-economic system, and the tourism industry is considered as a whole phenomenon including tourism, politics and economics. At the same time, economic problems cannot be analyzed separately from the social environmental aspects of tourism. There is a growing trend for travelers to expand their interest into sports, treatment and other types of tourism.

As a result of reforms in tourism industry, the number of hotels has gone up to 124, and the figure of tourism organizations in the region is actually 35. This will lead to the creation of new jobs. The rate of tourists has been increasing year by year. All hotels in city are able to accommodate up to 4,000 guests by night with luxurious standards and allow them to enjoy our rich cultural heritage.

БАҲОУДДИН НАҚШБАНД ТАЪЛИМОТИДА ҲАЛОЛ ЛУҚМА ТУШУНЧАСИ

*Наврӯзова Гулчеҳра Нейматовна
Бухоро мухандисдик-технология институти
“Ижтимоий фанлар” кафедраси профессори,
фалсафа фанлари доктори*

Ислом динининг асосий тушунчаларидан бири ҳалолликдир. Ҳалоллик ҳақидаги ғояларни жуда кўп олиму уламолар таҳлил ва тарғиб этганлар. Жаҳоншумул Нақшбандия таълимоти асослаган Баҳоуддин, Шох Нақшбанд, Балогардон, Хожаи Бузург номлари билан машҳур Муҳаммад ибн Муҳаммад Бухорий (1318-1389) яратган таълимотда ҳам ҳалоллик масаласи асосийдир. Суннатга мувофиқ бўлган Нақшбандия тасаввуфдаги мўътадил, хушёрликка асосланган камолот йўлидир.

“Ҳалол” араб тилидан олинган сўз бўлиб, рухсат этилган, йўл қўйилган, қонуний, асосли, виждонга мувофиқ маъноларни англатади. Ҳадиси шарифда: “Ҳалол – очиқ, ойдиндир” дейилган. Аввало, ҳалол деганда очиқ, ойдин ҳалоллиги кўриниб турган сув, сут, мева сувлари каби ичимликлар, нон, мева, полиз экинлари, Аллоҳнинг исми айтиб сўйилган ҳалол ҳайвонлар гўшти каби таомлар, рухсат берилган кийимлар ва никоҳга олинган шахслар назарга олинади. Ҳалолликнинг асосий меъзони ҳалол касбу кор билан топиш бўлиб ҳисобланади. Ҳалол касб, ҳалол меҳнат, ҳалол йўл билан топилган, ҳадя, икки тараф розилиги билан бўлган тижорат туфайли қўлга киритилган мулк ҳам ҳалол бўлади. Ҳар бир ўзини Ҳазрати Инсон деб ўйлайдиган одам учун ҳалол нарсани талаб қилиш, ҳалолдан молу мулк топиш фарздир. Ҳалол бўлган нарсани ҳалол қилинган йўл билан топиб фойдаланиш керак. Масалан, нон ҳалол бўлсада, уни ҳаром йўл билан топгани учун у ҳалол бўлмайди.

Баҳоуддин Нақшбанд таълимотида ҳалол тушунчасига махсус эътибор берилган. Баҳоуддин Нақшбанд асослаган йўл тасаввуфнинг мўътадил, хушёрлик йўли бўлиб, суннатга тўла мувофиқ келади. Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Али томонидан ёзилган “Мақомоти Хожа Баҳоуддин Нақшбанд” китобининг иккинчи мақсадида Баҳоуддин Нақшбанднинг биринчи халифалари Алоуддин Атторнинг шундай нақли келтирилган: “Ҳазрати Эшоннинг қадамлари суннатга тобе бўлишликда мустаҳкам эди. Ҳалолга интилиш ва шубҳали нарсалардан қочиши, айниқса, ҳалол лукмани таъкидлаб гапирардилар. Сухбатларида доимо қуйидаги ҳадис ўтар эди: “Ал-ибадату ашарати ажзоин тисъату минҳо талабу-л ҳалоли ва жузъун ваҳидун минҳо соиру-л ибодоти” – “Ибодат ўн қисм, ундан тўққиз қисми ҳалолни қидириш, бир қисми эса бошқа ибодатлардир.[1. 83-бет]

Баҳоуддин Нақшбанд асослаган Нақшбандия таълимотининг асосий шиори: “Даст ба кору дил ба Ёр” – “Қўл ишда ва қалб Ёр (Аллоҳ) билан”. Бу шиор инсонни мукамал ҳаракатга ундайди. Бу шиор асосида инсон доимо ҳалол меҳнат қилиши, яъни унга берилган вужуд имкониятларидан эзгулик йўлида фойдаланиши лозим. “Даст ба кор”лик шундай ҳаракатни тақозо этадики, у ҳолис, Аллоҳ ризолиги учун, розилик ва мамнуният билан қилинган бўлсин. Бундай меҳнат “Дил ба Ёр”лик ҳолати натижасида вужудга келади. Шунинг учун бу тариқат аҳли ҳалол меҳнат қилиб, оила, маҳалла, эл-юрт ва ватанлари учун фойда келтирганлар ва халқни фаровон яшаши учун имконлари даражасида меҳнат қилганлар.

Баҳоуддин Нақшбанд ҳалол лукмага жуда катта эътибор берганлар. Бунга сабаб бу улуг зот инсонга берилган энг қимматбаҳо илоҳий неъмат бўлган вужудни барча имкониятларидан эзгулик, ҳалоллик йўлида фойдаланиш учун, вужудда ҳалолу пок ва ижобий қувватлар жамланиши лозимлигини ҳис қилганлар, кўра олганлар ва устозларидан бу мазмунда сабоқлар олиб, ўрганганлар. Абдуҳолик Гиждувоний Баҳоуддинга руҳий устоз бўлиб, ҳалол масаласига махсус эътибор бериш лозимлигини уқтирганлар.[1. 35-бет] Баҳоуддин устозлари Хожа Али Ромитанийнинг ҳам ҳалол лукма ҳақидаги ғояларига амал қилганлар.[2. 21-бет]

Манбада шундай нақл келтириладики, Баҳоуддин Нақшбанд бир куни Ғадиютга борганлар. Бир дарвеш таом келтиради Баҳоуддин: “Бу таомни ейиш бизга тўғри келмайди, негаки у ғазаб устида пиширилибди, унни элашда ва хамир қоришда кимдир ғазабда экан”, дедилар. Баҳоуддин кимки капкирни қозонга қаттиқ урса ўша қозондаги овқатни емас эдилар ва айтар эдиларки: “Ғазаб, иштиёқсизлик ва ғафлат билан қилинган ҳар бир ишда хайру барақа бўлмайди, унга шайтон ва нафси аммора йўл топган бўлади. Демак, ундан қандай яхши натижа кутиш мумкин?! Яхши амаллар ва гўзал ишлар биносининг юзага келиши ҳалол таомга боғлиқдир. Агар у таом воқиф ҳолда ейилса, барча ишларда, хусусан, намозда яхши натижа ҳосил бўлади”.[3. 87-бет]

Манбада Баҳоуддин Нақшбанд ҳаётига оид шундай нақл келтирилган. Бу табаррук зот Сарахсда бўлган пайтларида Малик Ҳусайннинг хабарчилари Ҳиротдан Малик Ҳусайннинг: “Бизда дарвишлар билан мулоқот иштиёқи бор, қандай йўл кўрсатадилар?” деган сўровини келтиришди. Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд Малик Ҳусайн билан учрашиш истаги бўлмасада, бироқ подшо Сарахсга келса, бу йер халқига оғирлик пайдо бўлмасин, деган андишада Ҳиротга жўнадилар. Маликнинг мажлисига келганларида уламою машойихлардан катта йиғин ҳосил бўлди. Таом келтирдилар ва Ҳазрати Хожанинг олдида қўйдилар. У киши емадилар. Ов гўшти келтирдилар ва: “Бунда ҳеч қандай шубҳа йўқ”, дедилар шундахам Хожа: “Менга подшоҳ дастурхонидан ейиш ярамайди” деб ҳеч нарса емадилар.[1. 110-бет]

Манбада келтирилган юқоридаги маълумотлар гувоҳлик берадики, Муҳаммад исми билан туғилган бу инсоннинг Баҳоуддин, Шоҳ Нақшбанд, Балогардон номлари билан танилишига асосий сабаб унинг вужуди, қалби ва руҳининг илоҳий шаффоф ва мусаффолигидир. Бу даражага етишувнинг асоси эса ҳалол лукмага эътибор берганликларидир. У киши ғазаб, иштиёқсизлик ва ғафлат билан пиширилган таомни ўзлари ҳам емас, шогирдларига ҳам ейишни таъқиқлаб қўйган эдилар.

Баҳоуддин ҳаётидаги бу ҳолатларни тадқиқ этганимизда инсоннинг ҳолати ботинидаги, яъни ичидаги қувватларнинг сифатига боғлиқ экани маълум бўлади. Инсон ўз меҳнати билан ҳалол топган нарсасини шукроналик билан истеъмол қилганида ичидаги қувватларда сифат ўзгариши бўлиб, ижобийлик хусусиятини эгаллайди. Ботиндаги ижобий сифатлар таъсирида ижобий ният, ижобий фикр ва ҳиссиётлар туғилади. Бу ижобий қувватлар инсонни ижобий амалларга томон ғайрат ва иштиёқни ҳосил қилади. Ғазаб, нафрат, ишқмаслик, ғафлат билан пиширилган нарсалар эса инсон ботинида ўзига уйғун салбий ҳолатларни ҳосил қилиб, салбий ўй-хаёлларни туғдиради. Бундай салбий фикрлар салбий иштиёқ ва ғайратни туғдириб, жамиятга зарар келтиради. Айниқса ғафлат ҳолати инсонни тубанлик ва таназзулга етаклайди.

Умумий хулоса қилиб айтганимизда, Баҳоуддин Нақшбанднинг ҳалол лукмага оид қарашлари суннат ва шариатга уйғун бўлиб, соғлом, баркамол инсонни тарбиялаш учун асосдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Али. Мақомоти Хожа Баҳоуддин Нақшбанд. / Форсийдан таржимон, сўз боши, изоҳ ва луғат муаллифи Маҳмуд Ҳасаний. Тошкент: “O‘zbekiston” НМИУ, 2019. 336 бет.

2. Маноқиб Хожа Абдулҳолиқ Ғиждувоний./ Хожа Абдулҳолиқ Ғиждувоний. Сўз боши, таржима луғат ва изоҳлар муаллифи Маҳмуд Ҳасаний. Тошкент: “Ўзбекистон”, 2003 128 бет.

3. Рисолаи Ҳазрати Азизон/ Наврўзова Ғ.Н Хожа Али Ромитаний ва Баҳоуддин Нақшбанд. Бухоро: 1994. 35 бет.

ILMIY TADQIQOT NATIJALARINI GIDLAR FAOLIYATIDA QO'LLASH

*Klichev Oybek Abdurasulovich, tarix fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD),
Buxoro davlat universiteti, Buxoro tarixi kafedrasi*

Buxoroning asrlar osha tarixiy- madaniy markaz sifatidagi o'zni bugungi kunda ham shaharga tashrif buyuruvchi sayyohlar e'tirofidadir. Shahar jahon tamaddunida ilm-fan, madaniyat hamda savdo iqtisodiy munosabatlar chorrahasi vazifasini bajargani bilan bevosita mashhur hamdir. Bunday salohiyat asrlar davomida shakllanib rivojlanib borgan. Shahar infratuzilmasi, unda istiqomat qilgan turli-tuman millat va elatlarning bahamjihat bir makonda istiqomat qilganliklari uning taraqqiyotini belgilab bergan desak xato bo'lmaydi. Tarixiy taraqqiyotning deyarli barcha bosqichlarida shahar o'z nufuzini deyarli yo'qotmagan. Har bir tarixiy davrni tahlil etar ekanmiz unda Buxoro va poytaxt tushunchalari o'zaro hamohang bir qatorda ko'rilganligiga amin bo'lamiz. Tarixiy yodgorliklarning kompleks tarzida qurilganligi, ularni bunyod etishda qo'llanilgan murakkab arxetekturik yechimlar umuminsoniyat tafakkurining mahsuli ekanligidan dalolatdir.

Bugungi globallashuv, internatsionallashuv hamda intellektual informatsion- axborot asrida shaharning turistik salohiyati ham o'z ahamiyatini yo'qotmagan. Albatta sayyohlarning shaharga tashrifini tashkillashtirishda turli xildagi axborot va media ma'lumotlari bugungi tur operatorlarning yordamchisidir. Sayyohlar oqimi va miqdorini oshirishda sifatli xizmat ko'rsatish tizimi yaratilmoqda. Bu yo'nalishdagi ishlarni manzilli va hudud xususiyatlaridan kelib chiqqan holda amalga oshirishda davlatimiz katta e'tibor qaratyapti. Sayyohlarga shahar tarixi, tarixiy yodgorliklar - turistik resurslar bilan tanishtirish hamda ularning mintaqa va jahon tarixidagi o'rnini ko'rsatish albatta gid (tarjimon) zimmasidagi vazifalaridan biridir.

Ushbu soha xodimlarining malakasi va ularning kasbiy ko'nikmasi soha rivojini belgilashda muhim. Ya'ni turistlarga hudud haqida berilgan tarixiy- badiiy qiymatdagi ma'lumotlarga ega bo'lishlik xodimning kasbiga bo'lgan munosabatini belgilaydi. Shuning uchun O'zbekiston

Respublikasining Turizm to'g'risidagi qonunida turizm sohasida kadrlarni tayyorlash, qayta tayyorlash va ularning malakasini oshirishga ham e'tibor qaratilgan.²

Gidlarda mavjud tarixiy bilimlar sayyohning hudud to'g'risidagi ma'lumotlarini boyitishga xizmat qiladi. Biz mazkur tadqiqotimizda aynan ushbu masalaning ayrim jihatlariga e'tibor qaratishni joiz deb bildik. Birinchidan ham xorijiy, ham respublika va mahalliy hududda faoliyat olib borayotgan gidlar Buxoro haqidagi qanday tarixiy bilimlarga ega ekanligi, Ikkinchidan ularning turistik yo'nalishdagi obyektlar haqidagi ma'lumot matnlarining ishonchliligi, Uchinchidan ekskursion faoliyat davrida tarixiy obyekt yoki shahar tarixiga oid sayyohlar tomonidan berilgan savollarga qay darajada aniq va asosli ma'lumotlar bera olishi muhimdir.

Har bir ekskursioning o'z tajribasi, malakasi va salohiyati mavjuddir. Buni inkor etib bo'lmaydi. Ammo ularning bilimlari nimaga – qanday manbalarga tayanganligi muhimdir. Chunki ekskursion yoki gid umume'tirof etilgan ma'lumot va faktlarni bilishi hamda o'z ekskursion matnini hudud tarixiga oid tor yo'nalishda olib borilgan tadqiqotlar - maqola, ilmiy qiymatga ega risola va kitoblardan xabardor bo'lishi darkor. Bu o'z navbatida birinchidan o'z kasbiga munosabati va o'ziga yuklatilgan vazifasini qay darajada amalga oshirishi bilan belgilanadi ham.

Shaharning tarixiy taraqqiyoti yoki turistik-tarixiy obyekt haqidagi ma'lumotlar bilan yaxshi tanishgan ekskursion-gid o'z ish faoliyatida bir jihat bilan to'qnashadi. Bu sayyoh tomonidan berilgan hamda o'zi uchun qiziq deb tuyilgan savollardir. Bu masala juda keng qamrovlidir. Chunki har bir hudud o'zining siyosiy, ijtimoiy, iqtisodiy va madaniy taraqqiyotiga egadir.

Biz mazkur masalada o'zimizning ba'zi bir sayyohlar tomonidan berilgan an'anaviy savollardan bir nechtasiga ilmiy va manbalarga tayanilgan ma'lumotlarni taqdim etish bilan birga ularga aniq arxiv manbalariga tayangan faktlarni ham taqdim etish kerak deb o'ylaymiz.

Shaharga tashrif buyurgan sayyohlar asosan, bevosita XVIII-XX asrning birinchi choragida mavjud bo'lgan Buxoro amirligi tarixiga qiziqishadi va o'z navbatida sulola hukmdorlarining biografik ma'lumotlariga katta e'tibor bilan qarashadi. Buxoroda hukmronlik qilgan so'nggi ikki amir ya'ni Amir Abdulahad va Amir Olimxon faoliyati sayyohlarning ayniqsa mahalliy sayyohlarning etiboridadir. Ular tomonidan berilgan savollar orasida sulola vakillarining almashinuvi hamda taxt vorisligi masalalariga oidlari yetakchilik qilmoqda. Ushbu savollarga javobni bevosita internet, ijtimoiy tarmoqlarda berib boriladigan hamda turli-tuman risolalardagi ma'lumotlardan bilish mumkin. Ammo bunda ma'lumotning ishonchliligi masalasichi? Bu jihat juda muhim. Shuningdek hukmdor tomonidan xotira shaklida yozilgan asarlar ham mavjudki, bu turdagi manbalar umumqabul qilingan ma'lumotlardir.

Lekin ushbu masalaga oid ekskursion-gidlarning bilim ko'nikmasini oshishiga xizmat qila oladigan yana bir manba turi mavjudkim – bu arxiv hujjatlaridir. O'zbekiston Respublikasi hamda Rossiya Federatsiyasidagi arxiv jamg'armalarida mazkur masalaga oid keng turdagi hujjatlar saqlanmoqda. Ular orasida Amir Abdulahadning avtobiografiyasiga doir ma'lumotlar muhim tarixiy ahamiyatga egadir. Masalan, Rossiya imperiyasi tashqi siyosati arxividagi (*Архив внешней политики Российской империи - АВПИИ-О.К*) hujjatlar orasida Amir Abdulahadning faoliyati-hukmronligi, taxtga chiqishi, vafotiga doir muhim qaydlar mavjud. Ushbu yig'ma jildni tadqiq etish jarayonida quyidagi ma'lumotlar aniqlandi:

1. Ma'lumotlar yillar kesimida berilgan. Masalan, 1889 yil 14 dekabrda qaydlarga ko'ra Amir Abdulahadning 11 yoshli Said Mir Olim, 7 yoshli Said Mir Husayn og'illari hamda 1888 yilda 11 yoshda vafot etgan Said Mir Abdullo hamda 1889 yilda esa 4 yoshda Said Mir Abdullo hamda 3 yoshda Said Mirxo'ja To'ralar haqidagi ma'lumotlar mavjud³. ЦГА РУз. ф.И-1, оп.34, д.504, л.7.

2. Amir Abdulahadning biografiyasiga oid ikkinchi turdagi ma'lumotlar bevosita uning aka va ukalari hamda ularning egallab turgan lavozimlari xususidadir. Unga ko'ra, 1885 yilda ya'ni Abdulahadning taxtga chiqishidan oldin Amir Muzaffarning quyidagi farzandlari bo'lgan. Ular o'z navbatidan Abdulahadning yaqin qarindoshlaridir. Said Abdul Malik - 1868-1869 yillardagi voqealardan keyin Afg'oniston keyinchalik Hindistonga borib yashashga majbur bo'lgan,

² O'zbekiston Respublikasi Qonunchilik palatasi tomonidan 2019-yil 16-aprelda qabul qilinib, Senat tomonidan 2019-yil 21-iyunda ma'qullangan Turizm to'g'risidagi qonun // <https://www.lex.uz/docs/-4428097>.

³ Rossiya imperiyasi tashqi siyosat arxivi (keying o'rinlarda RITSA), 147 - fond, 485- ro'yxat, 268 - yig'ma jild, 24- varaq

Abdulmo'min- Hisor bekligining begi, Abdulahad –Karmana bekligining begi, Said Akram – G'uzor bekligining begi, Said Abdul Samad- Chiroqchi bekligining begi, Said Sodiq- Chorjo'y bekligining begi hamda 1885 yilda 4 yoshda bo'lgan Said Nosirxon Buxoroda eng kichik farzand⁴. 1885 yilda taxt vorislari orasidan Abdulahad taxtga chiqadi hamda hudud ma'murlari sifatida o'z yaqinlariga nisbatan o'ziga xos siyosat(*buning o'zi alohida tadqiq etiladigan masalalardan biridir –O.A.*) yuritadi.

Amir Abdulahadning yaqinlaridan yana biri bu Said Mir Mansurdir. U 4 iyun 1864 yilda tavnallud topgan. 1876 yil 15 dekabrda Sankt- Peterburgdagi Pojerskiy korpusga ta'lim olish uchun yuborilgan. Ta'lim yakunida 1886 yilda avgust oyida Moskvadagi 3- Dragum Sumskiy polk korneti etib tayinlangan⁵. Shu yilning sentabr oyida Buxoroda tantanali kutib olinib Dilkusho bog'idagi xonalarda joylashtirilgan. U 1889 yil avgust oyida ham Buxoroga tashrif buyurgan. Ammo keyinchalik esa ushbu amirzoda amirlik ta'minoti asosida Moskvada yashagan⁶.

Ushbu hujjatlarni tahlil etish natijasida deyarli barcha sayyohlarning qiziqishiga sabab bo'lgan amir xarami bilan bog'liq ma'lumotni ham uchratishga muyassar bo'ldik. Hujjatlarga tayangan holda Buxoro amiri Muzaffar xaramida 150 tadan ziyod ayol bo'lganligini ta'kidlash mumkin.

Mazkur fikrlarni bir misol sifatida keltirib o'tdik. Ularni tadqiq etib, taqdim etishdan asosiy maqsad bu ekskursavodlarning hudud tarixiga oid umume'tirof etilgan ma'lumotlardan tashqari bugungi tadqiqotlar natijasida Buxoro tarixiga oid arxiv hujjatlardagi ma'lumotlardan ham xabardor bo'lishlari, qolaversa tarix va manbashunoslik yo'nalishida olib borilayotgan izlanishlar bilan tanishishlari kerakligini ko'rsatishdan iboratdir. Yuqorida bildirilgan fikrlar asosida quyidagi takliflarni bildirishimiz o'rindir.

Birinchidan, ekskursion faoliyat bilan shug'ullanuvchi xodimlar –gidlar uchun Buxoro tarixiga oid o'tgan asrda asosli ma'lumotlar asosida yaratilgan adabiyot, manbalarni bugungi kundagi yangi tadqiqotlar bilan umumlashtirgan holda tarixiy obyekt yoki hudud tarixiga doir qo'llanma tayyorlash;

Ikkinchidan, Buxorodagi asosiy turistik yo'nalishdagi joylar haqidagi ishonchli ekskursion matn namunasini tayyorlash va ularni ommalashtirish.

Mazkur birlamchi takliflar mamlakatimizda turizm sohasidagi davlat siyosatining asosiy yo'nalishlardan biri bo'lgan sohada ilmiy tadqiqotlarni tashkil etish va rivojlantirish orqali bu sohadagi kadrlarni tayyorlash, qayta tayyorlash va ularning malakasini oshirishda muhim yutuqlarga erishish mumkin. Zero ilm-fan davlat va jamiyatning barcha jabhalariga kirib borib ular faoliyatini takomillashtirishi va rivojlantirishiga xizmat qilishi bugungi davr talabidir. O'z navbatida tarixchi va manbashunoslar faoliyatining turizm sohasini yanada rivojlantirishiga xizmat qilishi buning yaqqol isboti bo'la oladi.

Foydalanilgan adabiyot va manbalar ro'yxati

1. O'zbekiston Respublikasi Qonunchilik palatasi tomonidan 2019-yil 16-aprelda qabul qilinib, Senat tomonidan 2019-yil 21-iyunda ma'qullangan Turizm to'g'risidagi qonun // <https://www.lex.uz/docs/-4428097>.

2. Rossiya imperiyasi tashqi siyosat arxivi (keying o'rinlarda RITSA), 147 - fond, 485- ro'yxat, 268 - yig'ma jild, 24- varaq

3. RITSA, 147 - fond, 485- ro'yxat, 268 - yig'ma jild, 44-45 varaq

4. RITSA, 147 - fond, 485- ro'yxat, 268 - yig'ma jild, 54 varaq

5. RITSA, 147 - fond, 485- ro'yxat, 268 - yig'ma jild, 55-56 varaq

⁴ RITSA, 147 - fond, 485- ro'yxat, 268 - yig'ma jild, 44-45 varaq

⁵ RITSA, 147 - fond, 485- ro'yxat, 268 - yig'ma jild, 54 varaq

⁶ RITSA, 147 - fond, 485- ro'yxat, 268 - yig'ma jild, 55-56 varaq

ҲАДИД (ТЕМИР) СУРАСИНИНГ КИМЁ ФАНИГА АЛОҚАДОРЛИГИ

*Ғаниев Б.Ш., Умаров Б.Б.,
Худойназарова Г.А., Олимов М.С.,
Бухоро давлат университети*

Ҳозирги вақтда маълум бўлган элементлардан 85 таси металллардир. Металл ишлаб чиқариш жуда қадимдан пайдо булган, Эрамиздан 2-3 минг йил илгари ҳам айрим металлларни олишни билганлар масалан Ҳиндистонда, Мисрда олтин, кумуш, мис, сурьма, қалай, симоб, кўрғошин каби металлларни темирнинг ва унинг қотишмалари - чўян ва пўлатни олишни билганлар. Эрамиздан 2900 йил олдин қурилган Хуфу пирамидасида топилган пўлат искана бунинг далили бўла олади. Арман тоғлари худудида жойлашган Урарту давлати энг қадимги металлургия марказларидан бири бўлган. Уларга мис ва бошқа айрим металллар эрамиздан 2-3 минг йил илгари маълум бўлганлиги археологик текширишлар натижасида аниқланган. Энг биринчи оксидларидан осонликча қайтариб олинган металл, кўрғошин ва қалайдир. Кейинчалик мисни қалай билан қўшиб суюқлантириш усуллари топилгач бронза ишлаб чиқарила бошлади. (Эрамиздан илгари III-I асрлар бронза асри).

Кейинчалик бронза суюқлантирилиб олиш печларининг такомиллаштирилиши натижасида темир олиш учун топилиб уни ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. (темир асри, эрамиздан илгари I асрда бошланди) XIV асрга келиб домна усулида чўян олиш ва XIX асрга келиб пўлат ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Шу ўринда яна бир фикрни таъкидлаш жоизки, ҳатто барча мусулмон аҳлининг муқаддас китоби Қуръони каримда ҳам темир метали ҳақида маълумот келтирилган. Яна бир эътиборли жиҳати шундаки Қуръони каримдаги Ҳадид 57 сурасининг айни маъноси темир деб эътироф этилган.

Ушбу суранинг 25 оятида шундай ёзилади:

لِلنَّاسِ وَمَنَافِعٍ شَدِيدٍ بَأْسٍ فِيهِ الْحَدِيدُ وَأَنْزَلْنَا ۞ بِالْقَسْطِ النَّاسَ أَيُّوْمَ وَالْمِيزَانَ الْكِتَابَ مَعَهُمْ وَأَنْزَلْنَا بِالْبَيِّنَاتِ رُسُلَنَا أَرْسَلْنَا لَقَدْ
57:25 - عَزِيزٌ قُوِيٌّ اللَّهُ إِنَّ ۞ بِالْغَيْبِ وَرُسُلَهُ رُفِينَصٌ مِنَ اللَّهِ وَلِيَعْلَمَ

“Биз ўз элчиларимизни ҳужжат (мўжиза)лар билан юбордик ва улар билан бирга Китоб ҳамда одамлар адолатни барпо қилишлари учун мезон (тарози ёки меъёр) туширдик. Яна, Биз темирни туширдик. Унда қувват ва одамлар учун манфаатлар бордир. Аллоҳ Ўзига ва пайғамбарларига (Аллоҳ йўлида жиҳод қилиш билан) ғойибона ёрдам берадиган кишиларни билиш учун ҳам (темирни яратди). Албатта, Аллоҳ кучли ва қудратлидир.”

Ҳадид сураси борлиқдаги барча нарса мудом Яратганга тасбеҳ айтиб, улуғлаб туриши ҳақида хабар бериш билан бошланади. Шундан кейин Аллоҳ таолонинг илоҳий сифатлари баён қилинади. Бу сурадан мўминларни Аллоҳ уларга ато этган нарсалардан хайр-саховат қилишга чорлаган оятлар ҳам ўрин олгандир.

Сура мўминлар билан мунофиқларнинг охиратдаги аҳволи тўғрисида хабар бериб, у жойда мунофиқлар дунёдаги каби мўминлар орасига қўшилиб кета олмасдан, ажралиб қолишларини уқтиради ва бу ҳаёти дунёнинг ўткинчи эканлигини баҳор ёмғири остида тўрт кун барқ уриб очилиб, сўнг ёз иссиғига бардош бера олмай қуриб, қовжираб қоладиган чечакларга ташбеҳ қилинади. Сура Ийсо пайғамбар йўллари эргашган аҳли китобларни Аллоҳдан қўрқишга ва У зотнинг сўнгги пайғамбари Муҳаммад алайҳис-саломга иймон келтиришга даъват қилиш билан хотима топади.

Бу сурада кишиларнинг тинчлик-осойишталик кунларида ҳам, ҳарбу-зарбларида ҳам бирдек зарур ва фойдали бўлган темир моддаси ҳақида зикр қилингани учун у «Ҳадид»— «Темир» сураси деб номлангандир. Юқоридагилар чуқур англаган кимёгарларнинг ҳар бири нафақат темир балки бошқа металллар ва уларнинг бирикмаларини бевосита ўрганишлари лозимдир.

Aytib o'tish kerakki Buxoro qadimiy qadamjolarga boy makandir. Bu zaminda buyuk allomalar, din va diniyoviy ilmlarni egallangan ulamolar yashab ijod qilgan. Bugungi kunda biz yoshlarga ma'naviy me'rosimizni, tariximizni o'rganish, milliy qadriyatlarimizni yana tiklash va buyuk avliyolarimizning ruhi poklarini shod etish imkoniyati berilganidan biz xursand bo'lishimiz kerak.

Shu nuqtai nazardan bu muqaddas zaminda qo'nim topgan yetti buyuk avliyo – ya'ni Hojagoniya tariqatining yetti ulug' pirlarining yashab o'tganligi so'zimizga dalil bo'ladi. Buxoro xalqi ruhlanib ketadi bunday ketma –ket avliyolarning bizning yurtida yashab ijod qilganligidan. Abduxoliq G'ijduvoni, Xo'ja Orif ar-Revgariy, Xo'ja Mahmud Anjir Fag'naviy, Xo'ja Ali Romitaniy(xo'jai Azizon), Boboyi Samosiy, Sayyid Amir Kulol, Bahouddin Naqshbandlardir. Yana ko'plab muqaddas avliyolar yashab o'tganligini ham aytib o'tishimiz kerak. Jumladan, Sayfiddin Boxarziy, Buxoro shahri yaqinida joylashgan Chor bakr majmuasida qo'nim topgan Cor bakrlardir. Hozirgi kunda bu qadanmjolarga ziyorat qilish yildan-yilga oshib bormoqda. Albatta islom olamida pirlar va fozillar ko'p bo'lgan. Ammo Hojagon Naqshbandiya tariqatining asrlar silsilasida hamisha obro'- topishiga sababi shundaki, u insonni hamisha yaratuvchanlikka, halol mehnatga, halol rizq topishga undaydi. "Dil ba yoru- dast ba kor" ya'ni "Qo'ling mehnatda, qalbing Ollohda bo'lsin" aqidasi jamiyatning barcha qatlami uchun birdek ahamiyatga ega.

XXI asrda- taraqqiyot asriga kelib hojagon –Naqshbandiya tariqati Hindistonu Pokiston, Malaysiyyayu Turkiya, qolaversa G'arbda ham ildiz otmoqda, unga bo'lgan qiziqish kundan-kunga ortmoqda edi. Chunki Hojagon-Naqshbandiya tariqati Qur'oni Karim va Hadisi sharifdagi ta'limotga asosan shakllangan.

Davlatimiz rahbarining Yetti pir ziyoratgohlari majmualarini rekonstruksiya qilish va yangi sayyohlik yo'nalishini ochish borasidagi ko'rsatmalari nafaqat buxoroliklar balki ma'rifatdan xabari bor barcha ziyo ahlining ko'nglini ravshan etdi. Endilikda umumiy uzunligi 120 kilometr bo'lgan ushbu majmualar yagona sayyohlik marshruti orqali tutashmoqda. Ziyoratgohlar atrofi, ularga olib boradigan yo'llar obodonlashtirilib, ta'mirlanmoqda. Ziyoratchilarga qulaylik yaratish maqsadida majmualar negizida mehmonxona, choyxona, savdo shahobchalari, avtoturargohlar bunyod etilmoqda. Bunga yaqqol misol shu yil Yetti pir bo'ylab ziyoratga kelgan Samarqandlik ziyoratchilarga gid tarjimon bo'lib chiqqanimda, ular har bir qadamjoga ziyoratga borganlarida juda xursand bo'lardilar ya'ni avtoturargohlarning mavjudligidan va ziyoratchilarga shart sharoitlarning yaratilganligidan. Ikki yil avval kelganlarida bunaqa sharoitlar yo'q edi, - deb eslaydilar. Har bir majmuada ayni paytda barpo etilayotgan yangi ayvon, minora va masjidlarni qurilayotganligi va yaqin kunlarda foydalanishga topshirish ko'zda tutilayotgan edi. Ba'zi majmualardagi masjidlarni kengaytirish ishlari olib borilayotgani, muzeylar tashkil qilinib unda XV-XX asrga oid eksponatlarning joy olganligi mehmonlarning diqqatiga sazovar bo'ldi.

Ma'lumotlarga ko'ra ushbu majmualarga kuniga 200 ga yaqin mahalliy, 50ga yaqin xorijiy sayyohlar tashrif buyurgan. Bu albatta turistlar oqimi davrida.

Demak, ko'rinib turibdiki, keyingi yillarda sayyohlar soni oshib bormoqda. Shuningdek, O'zbekistonda ziyorat turizmi ham rivojlangan turlaridan biri hisoblanadi. Masalan ba'zi ziyoratchilar Toshkent shahrida saqlanayotgan "Usmon Qur'oni"ni ko'rish uchun tashrif buyursa, boshqalari Imom al Buxoriy, Imom at Termiziy, Payg'ambarimiz Muhammad allayhissalomning amakivachchalari Qusam ibn Abbosning qabrini ziyorat qilishga kelsalar, yana ayrimlari Yetti pir, Abu Mansur Moturidiy, Zangi Ota, Anbar Otin, Go'ri amir, kabi yuzlab ziyoratgohlarga tashrif buyurmoqdlar.

O'zbekiston Prezidentining 2017 yil 16 avgustdagi chiqqan qarori quyidagilarni o'z ichiga oladi. O'zbekistonda sayohat qilishni yengillashtirish, turizm infratuzilmalarini rivojlantirish va yangi turizm ob'ektlarini tashkil etishga qaratilgan 2018-2019 yillarda turizm sohasini rivojlantirish bo'yicha birinchi navbatdagi chora tadbirlar dasturi tasdiqlangan edi.

Shuningdek, 2019 yil fevral oyida bo'lib o'tgan "Xalqaro ziyorat turizmi Forumi" bo'lib o'tdi. Bu xalqaro forum Buxoroda tashkil qilingan bo'lib, Buxoro deklaratsiyasini imzolashdilar. Unda 34 davlatdan 120 nafardan ortiq xorijiy vakilning ishtiroki ularning ona zaminimizdagi madaniy-tarixiy obidalarga bo'lgan katta qiziqishidan dalolatdir. Bundan tashqari, bu forumda vazirlik va idoralar, xalqaro toifadagi mehmonlar, tadbir ishtirokchilari, shuningdek, mahalliy va xorijiy OAV vakillari ishtirok etishdi.

Aytib o'tish kerakki, Buxoro deklaratsiyasining imzolanishi O'zbekiston tarixidagi muhim yangiliklardan biridir, ya'ni sayyohlik infratuzilmasining rivojlanishi, hamda turistik oqimining kuchayishida muhim rol o'ynaydi.

Ziyorat so'zi asli Sharqda "muqaddas joylarga tashrif buyurish" degan ma'noni anglatadi. Musulmonlarning Yer yuzi bo'ylab turli maqsadlarda, diniy ibodatlarini ado etishi bilan bog'liq va boshqa sabablar bilan sayohat qilishi turizm sohasiga kiradi. Shu nuqtai nazardan, turizm mutaxasssilarini musulmonlarning diniy talablaridan chiqmagan holda, barchaga tushunarli bo'lishi uchun turli atamalarni tavsiya qildilar. Masalan: ziyorat turizmi, islomiy turizm, diniy turizm, halol turizm va hakazo.

O'zbekiston Islom hamkorlik tashkiloti (IKT) mamlakatlari orasida eng jozibali o'n mamlakatlar qatoriga kiradi. Bu atamalarning barchasining o'ziga xos jihatlari bor. Misol uchun ziyorat turizmi deyilganda ko'pchilik musulmonlar faqat umra va haj ziyoratlarini tushunardilar. Hozirgi kunda esa bu atama juda keng qamrovli bo'lib, sayohat, shopping, dam olish, va qadimiy yodgorliklarni tomosha qilish ham o'z ichiga oladi. So'nggi ikki yil ichida turizm sohasida juda ajoyib o'zgarishlar kuzatilmoqda. Ta'kidlab o'tishimiz joizki, buning barchasi davlatimiz rahbarining tashabbusi bilan amalga oshmoqda.

Ziyorat turizmini rivojlantirish maqsadida "yo'l xaritasi" ishlab chiqarilishiga alohida e'tibor qaratilgan. Bunga Toshkent, Samarqand, Buxoroda ziyoratchilar uchun halol taomlar pishirilishi uchun, oshpazlarni o'qitish tashkil etilmoqda. Keyingi yillarda Buxoroda ziyorat turizmi bo'yicha

sayyohlar oqimi yanada ortib bormoqda. Muqaddas joylarni ziyorat qilishlari uchun Indoneziya, Malayziya va Turkiya fuqarolariga vizasiz rejim kirildi. «Pilgrim visa» joriy etildi. Bu visa O'zbekistonda ziyorat qilish, madaniy-tarixiy va diniy-ma'naviy meros hamda an'analarimizni o'rganishi uchun kelganlarga ikki oy muddatga beriladi. Shu o'rinda aytish kerakki, Ziyorat turizmi uchun malakali gidlarni ham tashkil qilish kerak.

Har bir xalq o'z tarixini avaylab keladi, bu tarix ne'matlari bo'lmish merosni, kelajak avlod sari asrash va ildam qadamlar bilan yo'l bosish uchun kuch-quvvat kerak bo'ladi. Buyuk ajdodlarimiz va ularning xotirasini abadiylashtirish esa bugungi va kelgusi avlodlarning muqaddas burchidir.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Sadriddin Salim Buxoriy "Bahouddin Naqshband yoki Yetti pir"
2. S.Husenov, I. Rajabova. "Chor Bakr"
3. O'zA- "Yetti pir bo'ylab sayohat" Zarif Komilov
4. Kun.uz. Lola Rahmonboyeva
5. Gazeta.uz
6. Said Komil Xolxo'jayev. "Turizm – rivojlanishning yangi tarmog'i"
7. © 2019 «Pravda Vostoka» tahririyati» DK

ЖАҲОН МАДАНИЯТИ ВА БАШАРИЯТ МАЪНАВИЙ ТАКОМИЛИНИНГ ШАКЛЛАНИШИДА ИСЛОМ МАЪРИФАТИНИНГ АҲАМИЯТИ

*Касимова Муқаддас Бекнўлатовна, Низомий номидаги
ТДПУ Термиз филиали ўқитувчиси.*

Ислom дини теран маънавият, юксак маданият ва инсоният учун нажот динидир. Бу ҳақиқатни бизнинг замонамизда бутун дунё эътироф этмоқда. Илм-фаннинг, маданиятнинг бутун дунёга тарқалиши Ислom дини ақидалари билан боглиқ. Ислom дини олимлари диний ахкомлар билан бир қаторда табиий фанларда ҳам етук бўлишганлиги тарихдан маълум. Буни ҳозирда илм-фан ривожланган Ғарб давлатлари олимлари ҳам эътироф қилишмоқда. Аждодларимиз иймон-этиқодлари, ихлослари билан илм-фан ва маданиятда ҳам юқори чўккиларга эришишди, керак бўлса, жаҳон илм-фани тамаддунига ҳисса қўшиб, дунёга устоз бўлиш шарафига мушарраф бўлишди. Абу Наср Форобий, Беруний, Абу Али ибн Сино, Аҳмад Фарғоний, Ал Хоразмий, Махмуд Замахшарий, Мирзо Улугбек каби буюк тафаккур ва иймон эгалари асос солиб кетган илмлар, назарий ва амалий хулосалар бутун инсониятнинг ривожланиши учун пойдевор бўлиб хизмат қилганини бутун дунё олимлари тан олишади. Тасаввуф урфонининг буюк намоёндалари Абдуҳолиқ Ғиждувоний ва Баҳоуддин Нақшбандий, Абу Исо ат-Термизий, Ҳаким ат-Термизийлар Ислom зиёсини тарқатиб миллатимиз маънавиятини шакллантиришда умрбоқий хиссаларини қўшишди. Жоҳилият даврида маънавиятдан йироқ халқлар иймон ва Ислom неъматини билан сарафроз бўлганидан сўнг дунёнинг энг маданиятли халқига айланиб, умматнинг афзали бўлишга муяссар бўлишди. Айнан Арабистон ярим оролидан дунёнинг барча бурчига тарқалган Ислom инсонларни залолатдан нурга олиб чиқди. Бу нур шундай нур эдики, жоҳилиятда, адашишда юрган миллатларни илм ва маданиятнинг султони даражасига олиб чиқди.

Инсоният маданиятида Ислom таъсир ўтказган майдонларни аниқлаш ва белгилаш мушкул. Чунки ислom динининг инсоният маданияти ва илм-фанига таъсири қон билан жон мисоли аралашиб, сингиб кетган. Ер қуррасидаги турли миллат ва элатлар Ислom маданиятидан таъсирланганликларини сезмайди. Улардаги инсоний маданият аслида ёт, ислomий маданият эканини ҳеч ким хаёлига келтирмайди. Чунки ислomий маданият фалсафаси аллақачон ҳамма миллатнинг ажралмас бир бўлаги, маданияти ва ҳаётига айланган.

Ислom таъсири турли миллат ва элатларнинг фалсафаларида, динларида, маданиятларида намоён бўлар, ички дунёлари эса буни фoш этарди. Мусулмонлар

таназзулидан кейин ислохот ҳаракатларини гайримуслимлар олиб боргани, уларнинг Исломдан таъсирланганидан дарак беради.

Исломнинг башарият илм-фани ва маданиятига ўтказган улкан таъсирини кўплаб инсофли гайримусулмон гарб олимлари эътироф этишади.

Франциялик олим Жоливет Костелот ўзининг “Тарих қонуни” китобида бундай ёзади: “Пайгамбар вафотидан кейин араблар катта тараққиётга эришдилар. Ислом ёйилиши замон талаби эди. Шу боис мусулмонлар тараққиёти жуда тезлаб кетди. Натижада акли лол қолдирувчи Ислом маданияти юзага келди. Фатҳлар билан бирга Ислом маданияти ҳамма жойга ёйилди. Ислом маданиятининг асари санъат, адабиёт, шеър ва илмларда акс этди. Шу билан фалсафа, фалакиёт илми, кимё, тиббиёт ва руҳий илмлар машъали бир қанча аср мусулмонлар кўлида қолди. Улар ихтирочиларга айландилар. Шунчаки ихтирочилар эмас, балки илм асосларини жуда ўткир ва ўта қобилият билан қўлга киритган ихтирочилар эди. Ислом маданиятининг қолдирган асарлари ҳаммани лол қолдирганди. Дарҳақиқат, X асрдан то XIV асргача тараққиётга сабаб бўлгани ва Европада ўрта асрларда султ ҳаракат қилган илмий фалсафий фикрни Ислом маданиятидан олгани ҳеч кимга сир эмас. Ислом маданияти, мусулмонларнинг илми, одоб-ахлоқи, санъати олдида Европа жамиятининг муаммолари яққол кўринади. Илм ва маданият байрогини мусулмон олимлари кўтарган, ҳатто Европада ҳам Ислом маданиятидан ўзга маданият бўлмаган тўрт аср мобайнида мусулмонлар фикридан фойдаланганини Европа тан олади”.

Густав Лебон бундай дейди: “Одамлар тажриба, мулоҳаза ва айрим фактлардан умумий хулосага келишларни Францис Баконга нисбат қиладилар. Бу иккиси янги илмий тадқиқотнинг негизи ва асосидир. Лекин бугун ҳам шуни тан олиш керакки, бу йўлларнинг барисини аслида мусулмонлар ихтиро қилганлар”.

Яна Густав Лебон ўзининг “Араблар маданияти” номли китобида бундай дейди:

“Мусулмонларнинг тадқиқотга бағишлаган ҳиммати кишини ҳайратга солади. Илм ва тадқиқотда мусулмонлар билан тенг миллат бўлиши мумкин, аммо тахминимча мусулмонлардан устуни бўлмаган. Мусулмонлар ҳукмига ўтган шаҳарларда масжид ва мадраса қуришга катта эътибор берардилар. Агар шаҳар катта бўлса, у ҳолда бир эмас, бир нечта масжид ва мадраса қуриларди. Ана шулар қаторида 1173 йилда вафот этган Бенямин Тотбалий гувоҳ бўлган Искандариядаги 20 та мадраса ҳам туради. Бундан ташқари Бағдод, Қоҳира, Кордова ва шунга ўхшаш катта шаҳарларда лаборатория, расадхона ҳамда илмий тадқиқотга асқотадиган барча шароит яратилган, китобга бой кутубхоналарга эга жомеъа – университетлар қад кўтарганди. Мусулмон тарихшунослари ривоятига кўра, биргина Испанияда арабларга тегишли етмишта кутубхона бўлган. Халифа “Ал-ҳакамус-саний”нинг Кордова шаҳридаги хос кутубхона тоқчаларида олти юз минг китоб терилганди. Шулардан қирқ тўрт жилди фикрист – мундарижа бўлган. Шу сабабли доно Чарл тўрт юз йилдан кейин Франциянинг қирол кутубхонасида тўққиз юз жилдан зиёда китоб жамлай олмаган. У жамлаган китобларнинг учдан бир қисми илоҳиёт илмига тегишли бўлган, дейилади”.

Роберт Бриффаулт “The Marking Humanity” номли китобида бундай ёзади: “Европанинг барча соҳасидаги тараққиётида Ислом маданиятининг хизмати беқиёс ва Европа тараққиётга катта таъсир ўтказган кескин асарлари бор”. Яна у бошқа ўринда шундай деганди: “Европага ҳаёт бағишлаган нафакат табиат илмлари, балки Ислом маданияти Европага илк нуруни юборганидаёқ ҳар томонлама Европага ўз таъсирини ўтказган эди”.

“Тадқиқотчи олимлар иттифоқ қилган нарсалардан бири шуки: Қуръон охириги китоб бўлишига қарамасдан тарих асоси бўлмиш катта диний саҳифалар – самовий китоблар орасида олий ўринни эгаллайди. Айни пайтда Қуръон инсониятга катта таъсир ўтказишда бошқа китоблардан олдинда туради. Шубҳасиз, Қуръон янги инсоний фикр яратди. Ўзига хос хулқий мадрасанинг мустаҳкам асосини барпо этди”.

Тарихчиларнинг айтишича, мусулмон олимлари 100 йил ичида шундай муваффақиятларга эришиб, бутун дунёга устоз бўлдилар. Қуръони Каримнинг нозил бўлиши

билан умумбашарий микёсда асотирий тафаккурдан илмий тафаккурга ўтишнинг эътиқодий асослари мукаммаллашди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Мирзиёев Ш.М. “Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан қураимиз”-Т. “Ўзбекистон” НМИУ, 2017.
2. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” 2-жилд. Абу Абдуллох Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий.
3. “Ислом маърифати: аслият ва талқин”. Ўқув-услубий қўлланма. Масъул муҳаррир Усмонхон Алимов. -Т. “Тошкент Ислом университети” нашриёти. 2011.
4. Islom.uz. “Исломнинг дунё илм-фан ва маданиятига таъсири” мақола. У.Турсинов.
5. Қаршиев Ш. “Маънавий маданият ва исломий қадрият”.Зарафшон нашриёти. Самарқанд.2010.

ХОЖА МУҲАММАД БОБО САМОСИЙНИНГ ҲАЁТИ ВА ФАОЛИЯТИ

*Комилжон РАҲИМОВ, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси
Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти
катта илмий ходими, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)*

Аннотация. Хожагон-нақшбандия тариқатининг бешинчи пири Хожа Муҳаммад Бобо Самосий (тахм. VII/XIII а. ўрт.-736/1335) хожагон силсиласининг олдинги пирлари, жумладан, ўз муршиди Хожа Али Ромитаний таълимоти давом эттириб, устози каби зикрнинг икки турини – *зикри жаҳрий* ва *зикри хафий*ни қўллаган. Бироқ хожагон-нақшбандия тариқатини ислом дунёсидаги энг нуфузли ва кенг тарқалган йирик тариқатлардан бирига айлантирган Хожа Баҳоуддин Нақшбанднинг (718/1318-791/1389) майдонга келишининг муайян даражада Хожа Муҳаммад Бобо Самосий билан боглик эканлиги, шунингдек, унинг давридан бошлаб зикри хафийга қайтишнинг бошланиши ушбу сўфийнинг мазкур тариқат тараққиётидаги ролини белгилаб берувчи асосий омиллардан ҳисобланади.

Ушбу мақолада тарихий манбалар ва ҳозирги замон тадқиқотларига таянган ҳолда, Хожа Муҳаммад Бобо Самосий ҳаёти ва фаолияти тўғрисида сўз юритилади.

Калит сўзлар: Хожа Муҳаммад Бобо Самосий, тасаввуф, хожагон-нақшбандия тариқати, хожагон-нақшбандия таълимоти, зикри жаҳрий, зикри хафий, галаба, ризо, жамъ, тафрика.

Бир қараганда XII асрда хожагон силсиласининг биринчи пири Хожа Абдулхолик Гиждувоний (тахм. 496/1103-575/1179) томонидан асос солинган, ундан кейинги пирлар даврида ривожлантира бориб, еттинчи пир Хожа Баҳоуддин Нақшбанд (718/1318-791/1389) томонидан тамомила мукаммал бир таълимотга айлантирилган хожагон-нақшбандия таълимотининг шаклланиши ва тараққиётида мазкур силсиланинг бешинчи пири Хожа Муҳаммад Бобо Самосийнинг (тахм. VII/XIII а. ўрт.-736/1335) роли унчалик кўзга ташланарли эмасдек кўринади. Бироқ XII асрдан то XIV асрнинг ўрталарига қадар асосан Бухоро ва Урганч шаҳарлари ҳамда уларнинг атрофларидан ташқарига чиқмаган маҳаллий бир тариқат бўлиб қолган хожагон-нақшбандия тариқатини ислом дунёсидаги энг нуфузли ва кенг тарқалган йирик тариқатлардан бирига айлантирган Хожа Баҳоуддин Нақшбанднинг майдонга келишининг муайян даражада Хожа Муҳаммад Бобо Самосий билан боглик эканлиги, шунингдек, унинг давридан бошлаб зикри хафийга қайтишнинг бошланиши ушбу сўфийнинг мазкур тариқат тараққиётидаги ролини белгилаб беради.

Хожа Муҳаммад Бобо Самосий тахминан VII/XIII аср ўрталарида Бухоро яқинидаги Ромитан қасабасига қарашли Самос қишлоғида дунёга келган.

Бизгача Самосийнинг тугилган йили ва қанча умр кўргани тўғрисида аниқ маълумот етиб келмаган, унинг вафот этган йили бўйича эса манбаларда икки хил сана кўрсатилган. Жумладан, Хожа Муҳаммад Бобо Самосийнинг вафоти санаси «Матлаб ут-толибин»да

734/1333 йил [7:26], «Хазинат ул-асфиё»да эса 755/1354 йил [6:546] деб кўрсатилган. Бирок 718/1318 йил тугилган Баҳоуддин Нақшбанднинг ўн саккиз ёшида, яъни 736/1335 йили Самосий билан учрашганлиги тўғрисидаги маълумот [1:24] унинг вафот этган йили сифатида келтирилган вариантлардан биринчиси – 734/1333 йилнинг ҳақиқатдан узоқлигини кўрсатади. Шунингдек, манбаларда Самосийнинг ушбу воқеадан кейинги ҳаёти тўғрисида бирор маълумот келтирилмагани унинг 736/1335 йилдан кейин кўп ўтмай оламдан ўтганлиги тўғрисида тахмин қилиш имконини беради.

Хожа Муҳаммад Бобо Самосий саййидзода ҳисобланиб, унинг отаси Саййид Абдуллоҳ пайгамбар (с.а.в.) авлодларидан, Имом Мусо Козим (р.а.) наслдан бўлган [7:26]. Исломиий илмлар ва тасаввуфга бўлган қизиқиш Хожа Муҳаммад Бобонинг оила муҳитида шаклланганлиги, шунингдек, унинг бошлаб ўз уйида, отасининг қўлида таълим олганлигини тахмин қилиш мумкин. Чунки «Матлаб ут-толибин»да Самосийнинг дастлаб ўз қишлоғида таҳсил олганлиги, кейин эса отасининг кўрсатмаси билан Бухорога келганлиги эслатилади [7:26].

Унинг Бухорога келишидан мақсад ислом илмларини ўрганиш бўйича таҳсилни давом эттиришига эмас, балки сўфийлик йўлига кириш ҳам эди. Мазкур манбада айтилишича, у Бухорога келиши билан ўзига муршид излаб хожагон силсиласининг учинчи пири Хожа Маҳмуд Анжирфагнавий ҳузурига боради, Хожа Маҳмуд эса унинг тарбиясини Хожа Али Ромитанийга топширади [7:26]. Ромитаний муршидлигида сайру сулук боскичларини босиб ўтишни бошлаган Самосий доимо ўз пири ёнида бўлиб, у билан бошқа жойларга, жумладан, Хоразмга ҳам боради [6:543]. У охир-оқибат Ромитанийнинг энг буюк халифаларидан бирига айланади [8:73]. Хожа Али Ромитаний ўлими олдидан Хожа Муҳаммад Бобо Самосийни ўз ўрнига қолдириб, барча муридлар ва халифаларни унинг тобелигига топширганидан [8:73] кейин ўзи тугилиб-ўсган Самос қишлоғида муридлар тарбиялашга киришади.

Хожа Муҳаммад Бобо Самосийнинг таржимаи ҳолидаги энг муҳим ўринлардан бири у билан Баҳоуддин Нақшбанд ўртасидаги муносабатдир. Хожагон-нақшбандия тариқати манбаларида ҳикоя қилинишича, Хожа Муҳаммад Бобо ҳали Баҳоуддин Нақшбанд тугилмасидан туриб унинг дунёга келиши ва «замона пешвоси» бўлишини башорат қилади, таваллуд топганидан кейин эса уни маънавий фарзандликка қабул қилиб, тарбиясини Саййид Амир Кулолга топширади. Кейинчалик Баҳоуддин Нақшбанд уйланиши арафасида совчиликка боришини сўраш мақсадида яна бир бор Самосий билан учрашиб, унинг валийлик даражасига эришганлигига гувоҳ бўлади [5:79-80; 1:24-25; 4:386; 2:256-258; 8:74].

Манбаларда Хожа Муҳаммад Бобо Самосийнинг валий сифатидаги кароматлари тўғрисида ривоятлар келтирилади. «Мақомоти Амир Кулол» («Амир Кулол мақомлари»)да келтирилган ривоятга кўра, Самос қишлоғида бир неча киши ўзаро муштлашиб, улардан бирининг тиши синиб тушганида, улар бу жанжални адолатли тарзда ҳал қилишни сўраб Хожа Муҳаммад Бобонинг олдига боришади. Шунда Саййид Амир Кулол ўз пири Самосийнинг кўрсатмаси билан синган тишни ўз ўрнига ўрнатиб, дуо қилганида тиш ўзининг асл ҳолатига қайтади [3:62-63]. Бошқа бир ривоятда Хожа Муҳаммад Бобо Самосий узоқдан туриб Баҳоуддин Нақшбанднинг кечаси масжидда нима деб дуо қилганини, йўлда бирга кетишаётганида унинг хаёлидан нималар ўтаётганини билгани ҳикоя қилинади [1:24-25; 4:386-387; 2:256-258].

Бундан ташқари Хожа Муҳаммад Бобо Самосийда юз берган сўфиёна ҳоллар тўғрисида ривоятлар ҳам мавжуд. «Рашаҳот айн ал-ҳаёт» ва «Матлаб ут-толибин» асарларида ёзилишича, Самосий ўз боғида ишлаб турган чоғларида унда *ғалаба*²³ ҳоли юз бериб, бир муддат ўзидан *гойиб*²⁴ бўларди [8:74; 7:26].

²³ **ғалаба** [арабча غلبه қамраб олиш] – тасаввуфда: банданинг ҳақ жалоли ва азамати, қиёмат даҳшати, дўзах азобидан қўрқиши натижасида балоларни ёхуд ҳақ карами, фазли ва миннатига шукр қилиши натижасида неъматларни бутунлай ёддан чиқариб қўйиши қўринишида ўзини йўқотиб қўйиши ва ундан унинг ўзи истамаган хатти-ҳаракатлар содир бўлиши.

²⁴ **гайбат** [арабча غيبت гойиблик, қўринмаслик] – тасаввуфда: банданинг ўзини йўқотиб қўйиши натижасида ўзлигини бутунлай унутиши, жисмоний ва руҳий сезгилардан маҳрум бўлиши.

Хожа Муҳаммад Бобо Самосий хожагон силсиласининг бошқа пирлари каби касб-кор ахли – богбон бўлиб, ўз ҳалол меҳнати орқали кун ўтказган. У ўзининг Самос қишлоғидаги боғида ўзи меҳнат қилиб, турли мевалар, жумладан, узум етиштирган [8:74; 7:26].

Хожа Муҳаммад Бободан икки ўғил қолган. Манбалар Самосийнинг катта ўглининг исмини маълум қилмаган ҳолда, унинг мажзуб²⁵ бўлганлигини, иккинчи ўғли Хожа Маҳмуднинг эса ўз отасининг халифаларидан бирига айланганлигини эслатишади [7:26;8:75].

Хожа Муҳаммад Бобо Самосий тахминан 736/1335 йили ўзи тугилиб ўсган Самос қишлоғида оламдан ўтади ва ана шу ернинг ўзида дафн этилади.

Хожа Муҳаммад Бобо Самосийнинг кўп сонли муридлари орасидан тўрт киши – Хожа Сўфий Сухорий, Хожа Маҳмуд Самосий, Мавлоно Донишманд Али ва Саййид Амир Кулол унинг халифалари сифатида танилган. Юқорида эслатиб ўтилганидек, Самосийнинг иккинчи ўғли Хожа Маҳмуд ҳам ўз отасининг халифалари қаторидан жой олган, яъни Самосийнинг тўрт халифасидан бири Хожа Маҳмуд аслида унинг ўғли бўлган. Гарчи Хожа Муҳаммад Бобо вафотидан кейин унинг барча халифалари муридлар тарбиялашга киришган бўлсаларда, халифалари орасида энг етуғи Саййид Амир Кулол тариқат раҳбарлигини ўз зиммасига олди [8:75].

Хожа Муҳаммад Бобо Самосий ўзидан бирор асар қолдирмаган, бунинг устига манбалар ҳам унинг сўфийлик ва сайру сулук тўғрисидаги бошқалардан фарқланиб турадиган қарашлари тўғрисида алоҳида ёки махсус маълумот бермаган бўлса-да, унинг хожагон силсиласининг олдинги пирлари, жумладан, ўз муршиди Хожа Али Ромитаний таълимотини давом эттирганлигини тахмин қилиш мумкин. Жумладан, Самосий устози каби зикрнинг икки турини – *зикри жаҳрий* ва *зикри хафий*ни қўллаган бўлиши мумкин. Чунки *зикри хафий* тарафдори бўлган Баҳоуддин Нақшбанд *зикр талқини* (зикр айтиш қоидаси)ни айнан Хожа Муҳаммад Бобо Самосийдан ўрганганлигини маълум қилган [1:84].

Бундан ташқари Баҳоуддин Нақшбанднинг ўн саккиз ёшида Хожа Муҳаммад Бобо Самосий билан учрашуви қиссасида унинг *ризо*²⁶, *жамъ*²⁷ ва *тафриқа*²⁸ борасидаги қарашларига ишора қилиб ўтилган. Жумладан, Самосий ҳузурига борган Баҳоуддин кечаси туриб, масжидда худодан балолари юкини кўтаришга куч ва муҳаббати машаққатини тортишга чидам беришини сўраб дуо қилганида, буни узоқдан туриб билган Самосий эрталаб унга дуони бошқача қилиш кераклигини, худодан «мени ўзинг рози бўладиган нарсада тутгин», деб сўраши лозимлигини айтади. Шундан сўнг улар биргаликда йўлда кетаётганларида Баҳоуддиннинг хаёлига ҳар хил нарсалар келиб, диққати пароканда бўлганида унга танбеҳ бериб, кўнгилни кераксиз ўй-хаёллардан асраш кераклигини таъкидлайди [1:24; 4:386; 2:257].

Шундай қилиб, Хожа Муҳаммад Бобо Самосийнинг хожагон-нақшбандия тариқати тараққиётидаги ўрни, бир томондан, Хожа Баҳоуддин Нақшбанднинг майдонга келишининг муайян даражада Хожа Муҳаммад Бобо Самосий билан боғлиқ эканлиги, иккинчи томондан, унинг давридан бошлаб зикри хафийга қайтишнинг бошланиши ушбу сўфийнинг мазкур тариқат тараққиётидаги ролини белгилаб берди.

ФЙДАЛАНИЛГАН МАНБАЛАР ВА АДАБИЁТЛАР

Ўзбек тилида:

1. Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Али. Баҳоуддин Балогардон (Мақомоти Хожа Баҳоуддин Нақшбанд) / Таҳрир ҳайъати: А. Рустам ва бошқ.; Форсийдан

²⁵ *мажзуб* [арабча *مجنوب* тортилган, жалб этилган] – *тасавуфда*: жазба ҳолатига тушган сўфий; ўз саъй-ҳаракати, яъни сайру сулукдаги риёзатлари ва мужоҳадатлари натижасида эмас, балки худо ўзига томон торганлиги, жалб этганлиги натижасида юксак мақомларга етган сўфий.

²⁶ *ризо* [арабча *رضا* розилик] – *тасавуфда*: банданинг худо томонидан унинг учун белгилаган ҳар қандай тақдир ва унга нисбатан қиладиган ҳар қандай иродага рози бўлиши, худонинг унга нисбатан фақатгина маъқул ишни қилишига бўлган ишончи.

²⁷ *жамъ* [арабча *جمع* тўпланиш, йигилиш] – *тасавуфда*: банданинг барча ўй-хёллари ва саъй-ҳаракатлари ягона саъй-ҳаракатга айланиб, фақатгина бир нарсага – худога етишиш учун амалга ошиши.

²⁸ *тафриқа* [арабча *تفرقة* сочилиб кетиш] – *тасавуфда*: бандадаги ўй-хёл ва саъй-ҳаракатнинг турли нарсаларга эришиш учун амалга ошиши ва натижада худодан чалгиши.

таржима, сўзбоши ва лугат муаллифи Маҳмудхон Махдум Ҳасанхон Махдум ўгли. – Тошкент: «Ёзувчи», 1993. – 208 б.

2. Навоий, Алишер. Насойим ул-муҳаббат. Мукамал асарлар тўплами. Йигирма томлик. Ўн еттинчи том /Нашрга тайёрловчилар: С. Ғаниева, М. Мирзааҳмедова. Арабча ва форсча матнларни таржима қилиб, нашрга тайёрловчи ва масъул муҳаррир: С. Рафиддинов. – Тошкент: «Фан», 2001. – 520 б.

Рус тилида:

3. Шихаб ад-дин б. бинти Амир Хамза. Житие Амира Кулала (Макамат-и Амир Кулал). [Пер. с персид. О. М. Ястребовой] // Мудрость суфиев / Пер. с персид. О. М. Ястребовой, Ю. А. Иоаннесяна, Б. М. Бабаджанова. — СПб.: Азбука; Петербургское Востоковедение, 2001. — 448 с. С. 27-271.

Форс тилида:

4. جامي، نورالدين عبدالرحمان، نفحات الانس / با مقدمه و تصحيح: محمود عابدي، تهران، اطلاعات، چاپ چهارم، 1382. 1214 ص.

[4. Жомий, Нуриддин Абдурахмон ибн Аҳмад. Нафаҳот ул-унс мин хазарот ал-қудс [Таҳрир ва сўзбоши муаллифи Маҳмуд Обидий]. Тўртинчи нашр. – Техрон: «Эттелот», 1382/2003. – 1215 б.]

5. صلاح بن مبارك بخارى. انيس الطالبين و عدة السالكين / به تصحيح و مقدمة خليل ابراهيم صاري اوغلي؛ به كوشش توفيق صبحاني. – تهران: كيهان، 1371.

[5. Салоҳ бин Муборак Бухорий. Анис ат-толибин ва уддат ас-соликин [Таҳрир ва сўзбоши муаллифи: Халил Иброҳим Сорий ўгли; Тавфиқ Субҳоний томонидан нашрга тайёрланган]. – Техрон: «Кайҳон», 1371/1992.]

6. لاهوری، غلام سرور. خزينة الاصفيا. ج 1. كانبور، 1312. – 542 ص.

[6. Лоҳурий, Ғулом Сарвар. Хазинат ул-асфиё. 1-жилд. – Конпур, 1312/1894. Б. 542.]

7. محمد طالب بن تاج الدين حسن حواجه الحسينى الصديقى. مطلب الطالبين / فرهنگستان علوم جمهوری ازبکستان، انستيتوى شرق شناسى ابو ريحان بيرونى؛ تصحيح غلام كريمى و ايرکين ميرکاملوف؛ زیر نظر حکيم توراييف. – تاشکند: ماوراءالنهر، 2012. – 376 ص.

[7. Муҳаммад Толиб ибн Тожиддин Ҳасанхожа Ҳусайний Сиддиқий. Матлаб ут-толибин / ЎЗР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти; нашрга тайёрловчилар: Ғулом Каримий, Эркин Миркомиллов; масъул муҳаррир: Ҳалим Тўраев. – Тошкент: «Movarounnahr», 2012. – 376 б.]

8. مولانا فخرالدين على بن حسين واعذ كاشفى. رشحات عين الحيات / با مقدمه و تصحيحات و حواشى و تعليقات دكتور على اصغر معينيان. در 2 جلد. جلد اول. – تهران: بنياد نيوكارى نورانى، 2536. – 361 ص.

[8. Мавлоно Фаҳриддин Али бин Ҳусайн Воиз Кошифий. Рашаҳот айн ал-ҳаёт [Муқаддима, таҳрир, изоҳлар ва иловалар муаллифи доктор Али Асгар Маъиниён]. 2 жилдлик. 1-жилд. – Техрон: «Нуроний» хайрия жамгармаси нашриёти, 2536/1977. – 361 б.]

КАДРОВЫЕ ПРОБЛЕМЫ В СФЕРЕ ТУРИЗМА УЗБЕКИСТАНЕ

*Ёрматов И.Т., – кандидат экономических наук, доцент
Комилжанов Ш.И., – студент III курса направление Менеджмента,
факультет управления в производстве, Ферганский политехнический институт,
г. Фергана, Республика Узбекистан*

Развивая экономику страны, мы можем достичь социального развития, улучшить качество жизни и развить экономическое, политическое и правовое сознание. Развитые страны Азии или Европы прошли этот этап после 1950 года. Поняв, что они не могут развивать общество с помощью войны или насилия, они поняли, что можно продвигать свою страну с помощью развития интеллектуального интеллекта.[1. 293 с.]

Поскольку главная цель сейчас - удовлетворить неудовлетворенные потребности ограниченных ресурсов, разумно выбрать путь интенсивного развития. Это путь к интенсивному развитию туризма в стране. Если мы говорим, что есть несколько элементов экономики страны, то туризм является одним из них. Если мы хотим достичь высокого уровня развития туризма, мы должны преодолеть проблемы в этой области. [2. 477 с.]

На сегодняшний день существует множество проблем в туристической сфере государства. К основным проблемам, которые мешают этому направлению стремительно расти, процветать и развиваться, относят слабую правовую базу и регулирование субъектов туризма, недостаточные инновации в туризм, отсутствие налаженной и разработанной индустрии туризма и многие другие. [3. 165 с.] Важную и основополагающую роль в проблемах туризма занимает, непосредственно, человеческий фактор, который берет свое начало в высоких государственных структурах и заканчивается в учреждениях по организации уровня обслуживания на местах.

Также, в туризме постоянно имеет место проблема некачественного и неоптимального управления кадрами. На данный момент ни одна сфера туристического обслуживания не сможет организовать для своих клиентов необходимый и высокий уровень сервиса, хоть приближенно похожего на уровень международного сервиса. [4. 191 с.]

Туристическая деятельность всегда тесно связана с проблемой низкого организационного статуса кадровых служб. Это вызвано отсутствием морального и материального стимулирования в деятельности персонала, что порождает непрофессионализм и низкую культуру обслуживания. Большинство работников, занятых в сфере туризма не понимают всю важность межличностного общения с клиентами, что приводит к недовольствам туристов и не желанию их посетить место еще раз. [5. 340 с.]

Для решения кадровых проблем необходимо привлекать иностранных экспертов в ту же туристическую организацию. Они учатся мастер-классам, а их работа записывается в качестве модели. Таким образом, услуги предоставляются туристам, а местное или государственное управление определяет путь развития туризма.

Профессионалы в каждой области туризма обучаются прежде, чем они начнут. Когда они готовы обслуживать клиентов, им разрешается обслуживать. Экзамены всегда будут проводиться иностранным экспертом.

Если мы сначала решим проблему с персоналом и достигнем самого высокого уровня обслуживания клиентов, само-сабой другие проблемы будут устранены. [6. 340 с.]

Сегодня, основными задачами в туризме при условиях развития рыночных отношений, являются внедрение эффективных методов регулирования отношений, проведение полезных социально-психологических диагностик, устранение возможностей возникновения конфликтных ситуаций, усовершенствование работы и повышение профессионального уровня персонала, обеспечение современной информационной и технологической базой, проведение маркетинговых исследований и другое.

Кроме социальных проблем, в туризме существуют и развиваются проблемы, связанные с политическими и экономическими перепадами и нестабильностью, устаревшими системами связи и коммуникаций, а также экологические проблемы.

Все проблемы не только существенно тормозят развитие данной сферы деятельности, а и способствуют массовому оттоку доходов, которые приносят государству туристические учреждения и организации.

СПИСОК ЛИТЕРАТУРЫ

1. Боголюбов, В. С. Менеджмент в туризме и гостиничном хозяйстве : учебник для академического бакалавриата / В. С. Боголюбов. — 2-е изд., испр. и доп. — М. : Издательство Юрайт, 2019. — 293 с.
2. Березовая, Л. Г. История туризма и гостеприимства : учебник для СПО / Л. Г. Березовая. — М. : Издательство Юрайт, 2019. — 477 с.
3. Бугорский, В. П. Организация туристской индустрии. Правовые основы : учеб. пособие для СПО / В. П. Бугорский. — М. : Издательство Юрайт, 2019. — 165 с.

4. Восколович, Н. А. Маркетинг туристских услуг : учебник и практикум для бакалавриата и магистратуры / Н. А. Восколович. — 3-е изд., перераб. и доп. — М. : Издательство Юрайт, 2019. — 191 с.
5. Ветитнев, А. М. Информационные технологии в туристской индустрии : учебник для академического бакалавриата / А. М. Ветитнев, В. В. Коваленко, В. В. Коваленко. 2-е изд., испр. и доп. М. : Издательство Юрайт, 2018. 340 с.
6. Ветитнев, А. М. Информационно-коммуникационные технологии в туризме : учебник для СПО / А. М. Ветитнев, В. В. Коваленко, В. В. Коваленко. — 2-е изд., испр. и доп. — М. : Издательство Юрайт, 2019. 340 с.
7. География туризма. Западная и северная Европа. Япония : учебник для СПО / Ю. Л. Кужель, М. В. Иванова, Л. А. Полынова, Л. В. Сазонкина ; под науч. ред. Ю. Л. Кужеля. — М. : Издательство Юрайт, 2019.
8. География туризма. Южная Европа : учеб. пособие для СПО / М. В. Иванова, Л. В. Сазонкина, Е. Д. Салас Лусуриага, Ю. Л. Кужель ; под науч. ред. Ю. Л. Кужеля. — М. : Издательство Юрайт, 2019.
9. Джанджугазова, Е. А. Маркетинговые технологии в туризме: маркетинг туристских территорий : учеб. пособие для СПО / Е. А. Джанджугазова. — 3-е изд., испр. и доп. — М. : Издательство Юрайт, 2019.
10. Золотовский, В. А. Правовое регулирование туристской деятельности : учебник для СПО / В. А. Золотовский, Н. Я. Золотовская. — М. : Издательство Юрайт, 2019.

QADIM DARVOZALAR – MILLIY BOYLGIMIZ, TARIX VA BUGUN ORASIDAGI KO’PRIK

*Ilmiy rahbar: Farmanov E.A.,
Sharipov B.Sh., Buxoro davlat universiteti talabasi*

O'zining uzoq o'tmishiga ega, tarixiy an'analari, madaniyati va urf odatlari bilan faxrlana oladigan mamlakatlar jahonda nihoyatda ozdir. Shuning barobarida uzoq tarixga egaligini isbot eta oluvchi, moddiy va madaniy meroslari cheksiz, ajdodlarining zakosi olamga tanilgan, bugunga kelib ham tarixiga urf-odatlari, an'analariyu yuksak e'tibor qaratadigan yurt har qanday insonni havasini keltirib, diqqatini jalb etishi hech shubhasizdir. O'zbekiston hududida qadim-qadimdan mavjud bo'lib kelgan davlatlar shaharsozligi bu borada chuqur o'rganilishi lozim bo'lgan jihatlarni o'zida mujassamlaganki har bir ilmiy izlanishlarning natijalari yurtimiz tarixining ochilmay qolgan ma'lum qirrasini namoyon etishi mumkin. Dono xalqimizda har bir uyning ilk taasuroti uning darvozasidan boshlanadi degan purmano hamda hikmatli gap bor.

Qadimgi shaharsozlik an'analariyu e'tibor bersak har bir shaharda 10-12 tadan darvoza qurilgan. Albatta buning o'ziga yarasha ham ijobiy ham salbiy jihatlari bor. Ijobiy jihati avvalo shahardagi oqimni meyorda bo'lishida ko'zga namoyon bo'lgan ikkinchidan, shahardan chiqish uchun ma'lum hududdan ikkinchi bir hududga borishga ko'p vaqt sarflashga hojat qolmas edi. Uchinchidan, savdo-sotiq nuqtayi nazaridan ham darvozalarning ko'p bo'lganligi nihoyatda muhim bo'lib, darvozalar yaqinidagi mahallalar ma'lum bir hunarmandchilik turlariga ixtisoslashgan ham edilar. Karvonsaroylarga tashrif buyuruvchi sayyoh, savdogar, tabiblar aynan qaysi darvozadan kirish o'zlari uchun qulay ekanligini bilib shunga monand harakatlanishgani ham manbalardan ma'lum.

Salbiy jihatlariyu to'xtalib o'tadigan bo'lsak birinchi navbatdagi eng katta muammo mudofaa masalasiga borib taqaladi. Tarixdan tushunarliki shaharlarga hujum uyushtiradigan dushman avvalo shaharning zaif nuqtalaridan zarba berishga urinadi. Darvozalarning ishg'ol etilishi esa ko'p hollarda dushmanning g'alabasiga olib kelgan. Demak, agar yirik shahar darvozalari soni o'rtacha 10-12 tani tashkil etganligini inobatga oladigan bo'lsak, u holda bir vaqtning o'zida kuchlarni turli nuqtalarga tog'ri taqsimlashga to'g'ri kelgan. Agar darvozalardan biridagi mudofaa tizimi zaiflasha boshlasa o'z-o'zidan bu butun boshli shaharni xavf ostida qoldirar edi. Biz aslo ota bobolarimizning

shaharsozlik borasidagi ulkan iste'dodlariga shubha bilan qaramaymiz faqatgina vaziyatga real ko'z bilan boqishga xolisona urinamiz.

O'rta Osiyo xususan, O'zbekiston hududlarida ming yillar mobaynida yashab kelgan xalqlar hudud iqlimi, sharoitlari va davrga moslashib boravergan. Shaharsozlik va bunyodkorlik borasida ularning ne chog'lik katta mahoratga ega ekanliklarini biz ochiq osmon ostidagi muzey nomiga mos qadim shaharlarimizdagi tarixiy yodgorliklar, masjidlar, madrasalar, xonaqohlar, karvonsaroylar, timlar, qal'alar, minoralar misolida guvohidirmizki, bularning barchasi o'zbek xalqining o'tmishi nechog'lik o'rganilishi, tadqiq etilishi lozim bo'lgan jihatlarga boy ekanligini takror va takror tasdiqlab turadi.

Qadimgi shaharlarning darvozalari xususida so'zni eng avvalo poytaxtimiz navqiron Toshkent shahridan boshlasak. X asrda yashab ijod etgan arab geografi va sayyohi asli kelib chiqishi Bog'dodlik bo'lgan Ibn Havqalning yozishicha "Binkat (Toshkent) o'sha davrda 3 qisimga bo'lingan: ark, shahriston va tashqi rabotdan iborat bo'lgan. Ularning har birining alohida mudofaa devori va darvozasi bo'lgan. Jumladan arkning 2 ta darozasi mavjud bo'lgan.

XV asr oxiri XVI asr boshlarida yashagan tarixchi olim Muhammad Solihning yozishicha "XIV asr oxirida Toshkentning 12 darvozasi bo'lgan. Ular : Qiyot, Turk, O'zbek, Taxtapul, Qorasaroy, Chig'atoy, Suboniyon (Sag'bon), Ko'kcha, Kamondaron, Qang'li, Beshyog'ch, Qatag'on kabilar". Ularni qo'riqlash har bir qabilaning sardoriga topshirilgan edi. Ahamiyatlisi shundaki aynan shu sababli darvozalar qabila nomlari bilan nomlangan. Abdullaxon II 1580-yil Toshkent egallanoyatganida 6 tomondan hujum qilishni buyurgan. "Abdullanomada" qayd etilishicha Firkat, Shibli, Ko'kcha, Turkiston kabi yangi qurilgan shuningdek, Samarqand, Registon darvozalaridan hujum qilina.

Qo'riqchilar uchun darvoza yaqinida boshpana ajratilgan. Masalan, Qiyot qabilasi vakillari Qiymas darvozasini himoya qilganlar va Qiyot nomli mahallada yashaganlar. Bu mahalla hozirgi Navoiy ko'chasi, 0 'rda yonida boigan. Ko'kcha darvozasini Yobu qabilasi vakillari qo'riqlagan, shuning uchun shu darvozaning sharq tomonidagi mahalla Yobunazir deb atalgan. Chig'atoy darvozasi Qo'shchiota darvozasi deb ham atalgan. Bu darvozani muhofaza qilish o'zbek millati tarkibiga kirgan chig'atoy qabilasining zimmasida boigan, qabila vakillari shu darvoza atroflarida yashagan, keyinchalik bu yerlar Chig'atoy mahallasi nomini olgan. Chig'atoy toponimi Chingizxonning ikkinchi o'g'ining nomidan olingan emas. Chingizxonning o'g'ii XIII asrda yashagan, turkiy chig'atoy qabilasi undan ancha oldin mavjud edi. Chig'atoy tili, chig'atoy adabiyoti atamalari o'sha qabila nomidan olingan. Toshkentning uzun ko'chalaridan biri Chig'atoy, shu ko'cha yoqasidagi mozor Chig'atoy qabristoni deb ataladi. Yuqorida ta'kidlangani kabi shahar darvozalaridan ko'pchiligi etnik nomlar bilan atalgan. Tarixchi Muhammad Solih Qorasaroy, Beshog'och, Kamondaron darvozalari ham urug'-qabila nomlari bilan atalgan deydi. (Kamondaron keyinchalik Kamolon bo'lib ketgan). Darvozalarning nomlari o'zgarib turgan. XIX asr oxiri — XX asr boshlarida Toshkent darvozalari quyidagicha nomlangan: 1) Samarqand darvozasi; 2) Ko'kcha darvozasi; 3) Chig'atoy darvozasi; 4) Sag'bon darvozasi; 5) Qorasaroy darvozasi; 6) Taxtapul darvozasi; 7) Labzak darvozasi; 8) Qashqar darvozasi; 9) Beshog'och darvozasi; 10) Qo'qon darvozasi; 11) Qo'ymas darvozasi; 12) Kamolon darvozasi. Ko'rinib turibdiki ba'zi bir darvozalar yo'l qayerga borishiga qarab nomlangan. Ayrim darvozalarning nomlari hozir ham saqlanib qolgan. Shahar darvozalarini ramziy bo'lsa ham tiklash, o'sha joylarda biror yodgorlik lavhalari o'rnatib belgi qo'yish maqsadga muvofiq. Katta bunyodkorlik ishlari natijasida bugunga kelib Samarqand darvozasi o'rniga pishgan g'ishtdan chinakam darvoza arki o'matildi.

Tarixchi olimlarning yozishlaricha, 18 asrning oxirlarida shahar mudofaa devorining balandligi salkam 8 metr, tepa qismining kengligi 2 metrgacha bo'lgan. Devoraylanasining uzunligi 18,2 km, shaharning umumiy maydoni esa 26,4 kv. km.ni tashkil etgan.

Bu davrda ham shahar mudofaa devorining 12 ta darvozasi bo'lgan. Bular: Taxtapul, Labzak, Qashqar, Qo'qon, Qo'ymas, Beshyog'och, Kamolon, Samarqand, Ko'kcha, Chig'atoy, Sag'bon, Qorasaroy darvozalaridir. Bu darvozalardan tashqari shaharning ikkita qo'qasi, ya'ni bir nafar otliq kirib chiqadigan tuynukchasi bo'lgan. Qadimgi darvozalar hozirgi bojxona, chegara vazifalarini bajargan. Dushmanlarning to'satdan bostirib kirishidan asragan. Bu darvozalarning

hammasi katta yo'l ustida qurilgan bo'lib, darvozalar mustahkam, qattiq yog'och – tog' archasidan yasalgan va ust tomoniga naqshinkor bezaklar berilgan. Har bir darvozada juft halqalar va kalitlar bo'lgan. Kalitlar darvozabonlarning qo'llarida saqlangan. Darvozabonlar darvozani tongda ochib, quyosh botganda berkitganlar. Darvoza yopilgandan so'ng, uni ochishga hech kimning haqqi bo'lmagan. Faqatgina shahar hokimining o'ta zarur farmoyishi bo'lgandagina darvozani ochishga ruhsat berilgan.

Toshkent darvozalari kalitlari sof oltindan quyilgan. Har bir kalitda tegishli darvoza nomi va yasalgan yili yozilgan. 1865yil iyun oyida Toshkent Rossiya imperiyasi tomonidan bosib olingandan keyin, 12 ta darvozaning ramziy oltin kalitlari yasilib, rus general-gubernatori Mixail Chernyayevga topshirilgan. Chernyayev esa kalitlarni Peterburgdagi harbiy muzeyga topshirgan. Bu kalitlar darvozani ochuvchi haqiqiy kalitlardan ancha kichik bo'lgan. Ular Peterburgda 1917 yilgacha Rossiya imperiyasi, undan keyin sho'rolar hukumati qaramog'ida bo'lgan. 1933 yil 14 iyunda Toshkent darvozalari ramziy kalitlari O'zbekistonga qaytarib berilgan. Hozirda bu kalitlarning o'n bittasi O'zbekiston Respublikasi Markaziy Bankida saqlanayotgan bo'lsa, bittasi O'zbekiston xalqlari tarixi muzeyida ko'rgazmaga qo'yilgan. Qadimiy Toshkentning yuragi hisoblangan, xalq osoyishtaligini ta'minlagan ushbu 12 ta darvoza muhim tarixiy ahamiyatga ega. Shuning uchun ham davlatimiz rahbari 2017 yildagi yig'ilishda "Do'stlik bog'ini yaratib", uning hududida O'zbekistonda istiqomat qilayotgan barcha xalqlar, millat va elatlarning o'ziga xos madaniyati, urf-odati, madaniy an'analarini namoyish qiladigan majmua loyihasini tayyotlash yuzasidan topshiriq bergan edi. Bu taklifdan kelib chiqib Toshkent shahar hokimligi poytaxtimizning katta turistik qiymatga ega bo'lgan qo'hna va zamonaviy tashqi ko'rinishini shakllantirish, xorijlik sayyohlar uchun ma'qul bo'ladigan qiyofani yaratish, ramziy darvozalarni tiklash bo'yicha eng yaxshi taklif uchun tanlov e'lon qildi. Shundan kelib chiqib "Dunyo darvozalari" xalqaro madaniy turistik majmuaning loyihasi yaratildi.

Majmuada Toshkentning 12 ta darvozasi barpo etildi. Yopiq markaziy akvapark, qishki bog', amfiteatr, velosiped yo'lakchalari, gullar, manzarali daraxtlar bilan o'ralgan piyodalar sayr qiladigan yashil yo'laklar, sport maydonlari, qahvaxona, bolalar maydonchasi qurildi. Shunday qilib, Toshkentning 12 ta darvozasi tiklandi. Ular to'rt tomonga qaragan bo'lib, har biri shu yo'nalishdagi davlatning qo'hna me'morchilik namunalari: Hindistonning Toj-Mahali, mashhur Xitoy devori, Misr ehromlari, Angliyaning Bing-Bong soati, Frantsiyaning Eyfel minorasi tasvirlari bilan o'z aksini topgan darvozalar, karvon yo'llari-yu karvonsaroilar, quduqlari-yu hayotbaxsh sardobalar bilan qad ko'tardi.

Xulosa o'rnida shuni ta'kidlab o'tishimiz joizki, qadim shaharlarimizning barchamiz bilgan va bilmagan obidalarini, yodgorliklarini chuqurroq o'rganib chiqsak, bu borada ilmiy izlanishlar olib borsak hamda rivojlangan mamlakatlarning yodgorliklarni qayta tiklash va o'rganish borasidagi yuksak tajribalarini o'z amaliyotimizda joriy eta olsak nur ustiga a'lo nur bo'lardi. Buning natijasi o'laroq nafaqat xalqimizning tarix zarvaraqlarida qoldirgan o'chmas izlarini zarhal harflarda bitishimiz shuning barobarida moddiy va madaniy me'ros obyektlarimizni to'la ma'noda anglab yetish uchun asosli manbalarga, dalillarga ega bo'lishimiz aniq. Toki o'zbek xalqi asrlar mobaynida butun dunyoning e'tibor markazida bo'lib, o'z o'rnini va munosib o'rniga ega bo'laversin.

O'ZBEKISTONDA GASTRONOMIK TURIZM

Buron Jumayev, O'zRFA huzuridagi O'zbekistonning eng yangi tarixi masalalari bo'yicha Muvofiqlashtiruvchi-metodik markazi stajyor tadqiqotchisi

Bugungi kunda turizmni rivojlantirish davlat siyosati darajasiga chiqqanligi bejizga emas. Keyingi o'n yillikda dunyo miqyosida 120 million ushbu tarmoqda ish bilan ta'minlanishi kutilmoqda. Turizm mamlakatlar o'rtasidagi hamkorlikni rivojlantirish hamda investitsiya oqimini ta'minlash uchun muhim vosita bo'lib hisoblanadi.

O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyev 2020 yil 24-yanvarda Oliy Majlisga Murojaatnomasida "turizmni iqtisodiyotning strategik tarmog'iga aylantirish biz uchun ustuvor vazifa ekanligini, 2020 yilda yurtimizga keladigan turistlar sonini 7,5 millionga yetkazishni, yurtimizda 8 ming 200 dan ziyod madaniy meros ob'ekti mavjud bo'lib, turizm marshrutlariga ularning atigi 500 tasi kiritilganligini, shuning uchun ham ziyorat va an'anaviy turizmni rivojlantirish mumkin bo'lgan marshrutlardagi ob'ektlar sonini 800 taga yetkazish bo'yicha chora-tadbirlarni belgilash, YUNESKOning Umumjahon moddiy madaniy merosi va nomoddiy madaniy merosi ro'yxatiga O'zbekistondagi yangi ob'ektlarni kiritishni tezlashtirish lozimligini"²⁹, ta'kidladi. Ushbu bildirilgan takliflar turizm sohasi uchun yana bir bor kerakli chora – tadbirlarni ishlab chiqish zarurligini ko'rsatib berdi.

O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning 2018 yil 28-dekabrda Oliy Majlisga Murojaatnomasida ham turistik imkoniyatlar haqida quyidagilarni keltirib o'tgan edilar: "Hozirgi kunda milliy iqtisodiyotga yuqori daromad keltiradigan istiqbolli tarmoqlardan biri bu turizmdir. O'zbekiston turizm sohasida ulkan salohiyatga ega bo'lgan davlat hisoblanadi."³⁰

Turizm – bu fuqarolarning vaqtincha ketishi (sayohat) chet el fuqarolari va fuqaroligi bo'lmagan shaxslar sog'lom turmush sharoitida doimiy yashash joylari, ta'lim, professional biznes, sport, diniy va boshqa maqsadlarsiz vaqtinchalik biror mamlakatda (joyda) pullik faoliyat bilan shug'ullanish tushuniladi.

Shu o'rinda biz turizm turlaridan biri bo'lmish gastronomik turizm haqida to'xtalib o'tmoqchimiz. Gastronomik turizm bugungi kunda turistlarning ovqatlanish bilan bogliq xarajatlari 30–40% foizini tashkil qiladi.³¹ BMT tarkibidagi kiruvchi Jahon sayyohlik tashkilotining (UNWTO) Oziq-ovqat turizmi bo'yicha global hisobotiga ko'ra, sayohatchilarning 79 foizi gastronomik hodisalar taqvim va mahalliy oshxonaning o'ziga xos xususiyatlarini o'rganib chiqqandan so'ng, sayohat marshrutini rejalashtirishadi. Tadqiqotga ko'ra, har uchinchi sayyoh milliy oshxonani sayohat qilish muhim deb biladi.³²

Shu o'rinda gastronomik turizmning o'ziga xos xususiyatlari va umumiy tarixiga to'xtalib o'tsak. Turizmning ushbu turi garchi qadimdan mavjud bo'lsada, ammo bunga doir atama va izohlar uzoq tarixga borib tarqalmaydi. 1998 yilda Bowling Green Universiteti (AQSh) olimlari birinchi bo'lib "pazandalik turizmi" atamasini qo'lladilar. 2003 yilda tashkil etilgan Xalqaro gastronomik turizm assotsiatsiyasi taklifi bilan 2012 yilda "gastronomik turizm" atamasidan rasman foydalanishga o'tildi.³³

Gastronomik turizmning rivojlanish bosqichlari quyidagicha:

I. (1998–2000 yy.) Gastronomik turizmning kelib chiqishi (mos kelgan atama). "Pazandalik turizmi".

II. (2001–2002 yy.) Gastronomik turizmning jahon sahnasiga chiqishi (birinchi maqola va oshpazlik turizmi bo'yicha birinchi kitob).

III. (2003–2011 yy.) Gastronomik turizmni boshqarish tuzilmasini amalga oshirish. (Xalqaro gastronomik turistik uyushmasi – Xalqaro pazandalik turizm uyushmasi).

IV. (2012–2015 yy.) Asosiy tushunchalarni takomillashtirish ("pazandalik turizm" atamasi "gastronomik turizm" ga o'zgartirildi).

V. (2016 yildan hozirgi vaqtgacha) Jahon turizm mintaqalarida gastronomik turizmni joriy etish (universitetlar, restoranlar va boshqalar ochilishi).

Bugungi kunda jahon gastronomik turizmida "Gourmeton Tour" (AQSh), "The International Kitchen" (Buyuk Britaniya), "Gourmet Getaways" (Italiya), "Sirnaya derevnya" (Oltoy, Rossiya) kabi yiriksayohat agentligi va milliy turizm kompaniyalar mavjud.³⁴ Keltirayotgan

²⁹ <https://www.pv.uz/oz/news/calendar?dates=2020-02-10>

³⁰ Mirziyoyev Sh.M. Oliy Majlisga Murojaatnoma. <http://www.gov.uz>

³¹ Handbook on tourism destination branding [Electronic resource]. World Tourism Organization, Madrid, Spain. 2009.

³² <http://www.biznes-daily.uz/ru/mening-mulkim/47471-gastronomichskiy-turizm-istoriya-razviti-standartlari>

³³ Официальный сайт Международной ассоциации гастрономического туризма - 2016. – [Электронный ресурс]. Режим доступа: <http://www.worldfoodtravel.org> (дата обращения 23.08.2016). Заглавий с титульного экрана.

³⁴ Микула, Я.Д. Гастрономический туризм и его характеристика / Я.Д. Микула // Дорожная карта мировой экономики: II Междунар. науч.-практ. интернет-конф., 17 ноября, 2017 г., г. Донецк. – Донецк: ГО ВПО «ДонНУЭТ имени Михаила Туган-Барановского», 2017. – С. 71-74.

yuqoridagima'lumotlar gastronomik turizm tarixiga bog'liq bo'lmay, faqatgina gastronomik turizm atamasigagina xosdir.

Tarixga nazar tashlaydigan bo'lsak eng qadimgi odamlar yashash uchun o'zlariga ozuqa topish maqsadida, turli o'lkalar bo'ylab kezib yurib, hayvonlar va qushlarni ovlaganlar, turli xil mevali daraxtlarni hamda insonlar istemol qiladigan o'simliklarni terib, iste'mol qilib kun kechirishgan. O'zbekiston hududidagi sayr–sayohatlar bayon qilingan juda ko'p manbalarni uchratishimiz mumkin. Qadimgi ajdodlarimiz ijtimoiy turmush kechirish davomida ko'chmanchi sifatida ham har tomonga o'tib hayot kechirganlar. Bunday ko'chib yurish ularga oson bo'lmagan. Lekin tabiiy sharoitlarda, yaylovlarda mol boqish, hayot kechirish, zilol suvlardan miriqib ichish, sut–qatiq, go'sht va mevalarni iste'mol qilishning o'ziga xos lazzatlarini totganlar.

Иккинчидан, миллий ўйинлар – кўпқари, яъни улоқ, белбоғли кураш, турли ҳайвон ва паррандалар “жанг”лари, яъни хўроз, ит, қўчқор уриштириш, масҳарабозлик, аскиябозлик, дор ўйинлари, арқон тортиш, халқ томошалари ўтказиш сайёҳларда катта қизиқиш уйғотибгина қолмай, (сайёҳлар бу мусобақаларда қатнашиши режалаштирилса, янада қизиқарли бўлади – М.Т.) уларни Ўзбекистонга яна қайта ташриф буюришга, нафақат қайта ташриф буюришга, дўстлари, ёр-биродарларини ҳам жалб этишларига сабаб бўлади.

Учинчидан, экологик туризмни ривожлантириш борасида сайёҳларни Устюрт, орол ва Оролбўйи, Амударё, Қизилқум, Нурота, Зарафшон, Айдарқўл, Сирдарё, Фарғона, Ҳисор каби экотуристтик ҳудудлар зиёратига жалб этиш, бу ҳудудлар бўйлаб пиёда, от-арава, туя, от, вертолётда саёҳат уюштириш, бу ҳудудлар ҳақида реклама роликлари тайёрлаб, интернет сайтларига жойлаш сайёҳларнинг қизиқишини орттиради.

Тўртинчидан, гастрономия туризмни ривожлантириш борасида асрлар давомида сақланиб келинган рецептлар асосида тайёрланган миллий таомларни истеъмол қилиш орқали сайёҳлар мамлакат халқининг руҳияти, маданияти, менталитетини ўрганади, маҳаллий ошхона ҳақида тасаввурга эга бўлади. Мисол учун, биргина ўзбек палови вилоят, ҳатто туманларда ҳам турлича тайёрланади, паловнинг ўндан ортиқ турлари ҳам сайёҳларни бефарқ қолдирмаслиги аниқ⁷⁰. Сайёҳларни “палови софий”, тандир кабоб, ғилминди, юпқа, нишолда, холвайтар, норин, кабоб, тухум барак каби ўзбек миллий таомларини тайёрлаш

⁶⁸ Тухлиев Н., Таксанов А. Экономика большого туризма. – Т.: 2001. 12-стр.

⁶⁹ Сафаров Б. Миллий туризм хизматлар бозорини инновацион ривожлантиришнинг методологик асослари. Монография. – Т.: Фан ва технология нашриёти, 2016. 13-бет.

⁷⁰ Данилов С. Туризм со вкусом узбекского плова. – Т.: 2013. 23-стр.

жараёни катта қизиқиш уйғотиши, хоттоки, сайёҳларда ушбу таомларни татиб кўриш билан бирга, таомларни тайёрлаш жараёнида бевосита қатнашиш имконини яратиш мақсадга мувофиқ. Шунингдек, гастрономия туризми мамлакат иқтисодиётига ижобий таъсир этиш билан бирга маҳаллий аҳолининг иш билан таъминланиши учун ҳам имкон яратади.

Бешинчидан, қишлоқ туризмини ривожлантириш борасида сайёҳларни маҳаллий аҳоли турмуш тарзи билан яқиндан танишиш имконини яратиш, қишлоқ ҳаёти билан ҳамнафас бўлиши, масалан, қишлоқ аёлларининг тандирда нон ёпиши, ўчоқда таом тайёрлаши, ўзбек аёлларининг меҳмоннавозлиги, муомала маданияти⁷¹, уй тутиши, миллий маросимлар, қишлоқ тўйлари сайёҳларда қишлоқ ҳаётига қизиқишни ортттиради. Бу йўналиш ривожини қишлоқ аҳолисининг иш билан таъминлашини, меҳмонхона туризмнинг кенгайиши, янги иш ўринларининг яратилиши, миллий ҳунармандчилик кучайишига олиб келади.

Хуллас, мамлакатимизда туризм соҳасини раванқ топтириш учун имкониятлар етарли. Туризмнинг салоҳиятли турлари – зиёрат, экологик, маърифий, этнографик, гастрономик, спорт, даволаш-профилактик, агротуризм каби турларини ривожлантириш орқали туризмнинг ижтимоий аҳамияти ортади. Туризмнинг бугунги кундаги салоҳияти, яъни жаҳон иқтисодиётининг юқори даромад келтирувчи ва барқарор ривожланиб бораётган тармоқларидан бири эканини эътиборга олинса, Ўзбекистон туризми жадал ривожлантириш орқали иқтисодий юксалишга эришиш, халқаро туризм бозорида салоҳиятли ўрин эгаллаши мумкин.

ТУРИЗМ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНИШИДА ИНВЕСТИЦИОН МУҲИТ

А. Ч. АБДИЕВ, ҚАРДУ “Иқтисодиёт ва сервис” кафедраси доценти.

Н. БАДАЛОВА, Туризм 2-босқич магистранти.

Ҳозирги кунда миллий иқтисодиётга юқори даромад келтирадиган истикболли тармоқлардан бири - бу туризмдир. Ўзбекистон туризм соҳасида дунё бўйича улкан салоҳиятга эга бўлган давлат ҳисобланади. Юртимизда 7300 дан ортиқ маданий мерос объектлари мавжуд ва уларнинг қарийб 200 таси ЮНЕСКО рўйхатига киритилган. Шу билан бирга, мамлакатимизнинг бетакрор табиати, гўзал дам олиш масканлари имкониятларидан фойдаланиб, янги туристик йўналишлар очиш мумкин. Бу соҳага жаҳон брендларини фаол жалб этган ҳолда, биз зиёрат туризми, экологик, маърифий, этнографик, гастрономик туризм ва бу соҳанинг бошқа тармоқларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратишимиз зарур.

Маълумки, сайёҳлик соҳаси дунё иқтисодининг энг жадал ривожланаётган тармоқларидан биридир. Туризмнинг кенг қамровли тараққиёти эса, кўплаб мамлакатлар учун катта даромад манбаига айланиб бормоқда. Сайёҳлик соҳаси энг муҳим иқтисодий йўналишлардан бирига айланган. Шу боис бу борадаги тегишли инфратузилмани шакллантириш, кадрлар салоҳиятини жаҳон стандартлари даражасига кўтариш ва сайёҳлар оқимини ошириш бўйича барча чора тадбирларни амалга ошириш зарур. Бозорда рақобат кучайиб бораётган бугунги кунда, сайёҳлик соҳасида сервис ва хизмат кўрсатиш муаммоси ҳал қилиш асосий вазифалардан ҳисобланади.

Ҳозирги пайтда мамлакатимизда туризм соҳаси жадал суратларда ривожланиб бораётган бўғиндир. Мустақилликнинг илк йилларида бу соҳага қаратилган эътибор натижаси ўлароқ, яъни ўша пойдевор асосида бугунги кунда катта ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Диёримиз жаҳон сайёҳлик бозорида ўз ўрнига эга, шундай бўлсада, дунё тараққиёти бугунги кунда туристларга қулай шароит яратиш, сервис хизматини яхшилаш, тарихий обидаларининг жозибадорлигини ошириш ва рекламани кучайтириш даражасига янада кўпроқ эътибор қаратилмоғи зарурлигини кўрсатмоқда. Шунинг учун мамлакатимиз туризмнинг ривожланиш ҳолати ҳақида фикр юритишда ана шу омилларга ҳам урғу берилиши керак. Чунки улар ўзаро чамбарчас боғлиқдир.

⁷¹ Хусанов Б. Фуломов В. Муомала маданияти. Дарслик. –Т.: Иқтисод-молия, 2010. 6-бет.

Сайёҳлик соҳаси бугунги куннинг энг муҳим иқтисодий соҳаларидан бирига айланди. Шу боис дунёнинг кўплаб давлатлари ушбу соҳани янада ривожлантириш, бу борада тегишли инфраструктурани жаҳон стандартлари даражасида яратиш ва сайёҳлар оқимини ошириш бўйича барча чора-тадбирларни амалга оширмоқда.

Сайёҳлар оқимини янада ошириш, уларни жалб қилиш учун юртимиз сайёҳлик салоҳиятини жаҳон миқёсида реклама қилиш масаласига жиддий эътибор қаратишимиз Ўзбекистонга инвесторларни жалб қилишга ҳам ёрдам беради. Бунинг учун эса, мамлакатимиз инвестиция муҳитини, бу борада нима ишлар қилиниши кераклигини ва қандай муаммолар мавжудлигини ўрганиш лозим. Хусусан, бугунги кунда юртимизга ташриф буюраётган аксарият сайёҳлар туризм фирмалари томонидан жалб этилмоқда. Европанинг деярли барча мамлакатларида Ўзбекистон ҳақида аҳолида етарлича маълумот йўқ. Улар айнан турфирмалар орқали эшитиб, қизиқиш билдириб келишмоқда. Агар Ўзбекистон ҳақида дунёга кўпроқ маълумот тарқатилса, бу албатта, хорижликларда кўпроқ қизиқиш уйғотади.

Ўзбекистоннинг туристик салоҳияти дунё мамлакатлари орасида ўртача ҳўрсаткичдан баланд ҳисобланади. Демак, мамлакат экспортида ва ЯИМда туризмнинг улуши юқори бўлиши лозим. Лекин ҳозирги кунда Ўзбекистон ЯИМда туристик хизматларнинг улуши анча кам. Бундан кўриниб турибдики, республикада мавжуд туристик ресурслардан етарлича самарали фойдаланилмаяпти. Бунга асосий сабаблардан бири меҳмонхоналарда сервис шароитда кун тартибига турли янги ва ўта муҳим масалаларни қўймоқда. сифатининг талаб даражасида эмаслиги ва самарадорлигининг пастлиги ҳамдир.

Республикада хизмат кўрсатиш соҳаси бозор муносабатларининг шаклланиши ва чуқурлашиб бориши билан янада ривожлантириш, унда рақобат муҳитини вужудга келтириш, туризм соҳасида хизмат кўрсатишнинг юқори даражадаги кўрсаткичларига эришишда инновациялар устида изланиш, соҳа инновацияларини амалда татбиқ этиш ҳозирги глобаллашув шароитда кун тартибига турли янги ва ўта муҳим масалаларни қўймоқда. Булар сафида туризм соҳасидаги меҳмонхоналар сервисининг сифати ва самарадорлигини ошириш масаласи муҳимдир.

Инвестиция муҳитини тўғри ташкил этиш масаласини ривожланаётган мамлакатлар мисолида қарайдиган бўлсак, уларнинг биринчи навбатдаги ишлари бу ташқи иқтисодий муносабатларга доир қонунлар, фармойишлар ва бошқа ҳуқуқий меъёрлар қабул қилишдир. Чунки, ташқи иқтисодий алоқалар миллий иқтисодиётни қайта шакллантиришга ҳамда халқаро ҳуқуқ ва келишувлар асосида иқтисодий алоқаларни янги босқичига олиб чиқишга олиб келади. Бу жараёни амалга оширишда ички ва хорижий инвестицияларни миллий иқтисодиётга жалб этиш алоҳида ўрин тутади. Бунинг аҳамияти шундаки, шу давлат ҳўжалигини таркибий қайта қуриш ва ишлаб чиқаришни янгидан яратиш, қисқа вақт ичида йирик капитал қўйилмаларини фақат давлат ўз молиявий ресурсларидан келиб чиқиб амалга ошираолмаганлиги билан боғлиқ ҳисобланади.

Юқорида таъкидланган омиллар чет эл инвесторлари билан ўзаро манфаат асосида ҳамкорлик қилиш вазифасини юзага чиқаради. Лекин, капитал миграцияси суст бўлиши, капитал киритилаётган миллий мамлакатнинг инвестиция муҳитини яхши эмаслигидан далолат беради. Агар инвестиция муҳити яхши ташкил этилса, чет эл капиталларининг ривожланаётган миллий мамлакат иқтисодиётга кириб келиши кучаяди.

Бизга маълумки, ривожланиш йўлидаги миллий давлатларнинг кўпчилиги асосан аграр индустриал мамлакатлардир. Хорижий инвестицияларни жалб этиш орқали улар саноатини янги замонавий технологиялар билан қуроллантириш, қишлоқ ҳўжалигида қайта ишловчи саноат мажмуини яратиш ва бошқа соҳаларда туб ўзгаришлар ясаш ҳаракатидадир.

Инвестиция муҳити жаҳон иқтисодиётда янгилик эмас, аммо бозор иқтисодиётга ўтаётган миллий мамлакатнинг бу соҳада тажрибаси бўлмаслиги мумкин. Бу ҳол миллий мамлакатнинг инвестиция муҳитини яратиш учун бир қатор тадбирларни ишлаб чиқаришни талаб этади.

Инвесторлар инвестиция муҳитини ўрганган ҳолда сармоя киритмоқчи бўлган давлатнинг инвестиция муҳитини қулай ва ноқулай томонларини баҳолайди ва бу жараёнда улар ўз капиталини киритмоқчи бўлган мамлакат мафкураси, иқтисодий сиёсати, иқтисодий имконияти каби масалаларга катта аҳамият беради. Чунки, баҳолаш жараёнига инвесторларнинг таҳликаси ва таваккалчилиги ётади.

Иқтисодиётда инвестиция муҳити ўзининг мураккаблиги ва мукамаллиги билан характерланади. Шунинг учун ҳам макро ва микро иқтисодиёт даражасида кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ. Инвестиция муҳити макроиқтисодиёт даражасида сармояни қабул қилувчи мамлакатдаги мавжуд сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳолатларни ўз ичига қамраб олади. Макроиқтисодиёт даражаси инвестиция муҳити хорижий инвестицияларга нисбатан давлатнинг иқтисодий сиёсати, халқаро шартномалар шартларини бажариш ва ҳар хил муаммолар бўйича бундай шартномалар тизимида иштирок этиш, давлат бошқарув тизимининг мустахкамлиги, сиёсий раҳбариятнинг муқаррарлиги, давлатнинг иқтисодиётга аралашishi даражаси; иқтисодий сиёсатнинг мукамаллиги, давлат аппарати ишининг самарадорлиги, банклар тизимининг ривожланганлик даражаси; пул муаммоси ва давлат бюджетининг барқарорлиги, давлатнинг ички ва ташқи қарзлар миқдори ва бошқа омиллар билан белгиланади.

Ўзбекистоннинг туристик салоҳияти дунё мамлакатлари орасида ўртача кўрсаткичдан баланд ҳисобланади

Маълумки, инвестиция муҳити микроиқтисодиёт даражасида бир томондан инвестор ва иккинчи томондан хорижий инвестицияни қабул қилувчи хўжалик субъектлари, яъни сотувчилар, сотиб олувчилар, банклар ҳамда қасаба уюшма ва бошқа жамоат ташкилотлари ўртасидаги иккиёклама муносабатларни акс эттиради. Демак, бу даражада инвестиция муҳитини умумлаштирилган баҳолари иқтисодий, ҳуқуқий ва маданий жабҳаларда яққол кўринади.

Инвестиция муҳити давлатнинг хорижий инвестицияларга нисбатан сиёсати, сиёсий ва иқтисодий барқарорлик, аҳолининг ижтимоий аҳволи ва бошқа инвестиция жараёни учун муҳим бўлган кўрсаткичларни баҳолайди. Инвестиция муҳити сиёсий, иқтисодий, ижтимоий омиллар таъсирида ўзгариб туради.

Бу борада Президентимизнинг соҳа мутахассисларига қўяётган асосий талаблари мамлакатимизда мавжуд бўлган туризм индустриясидан оқилона фойдаланиб уни янада яхшилашдир. Бу ўринда албатта хизмат кўрсатиш сифатини янада яхшилаш ва такомиллаштириш алоҳида аҳамиятга эга. Шу билан бирга Ўзбекистон ҳаво йўллари ва Ўзбекистон темир йўлларининг моддий-техник базасини янада яхшилаш, сайёҳларга кутиш учун яратилган махсус залларда уларнинг вақтларини унумли ўтказишлари учун барча шарт-шароитларни яратиш муҳим рол ўйнайди.

Туризм – иқтисодиётнинг асоси, ҳар қандай минтақа ва барча мамлакатларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг катализаторидир.

Ўзбекистон Республикасининг деярли барча минтақаси катта туристик салоҳиятга эга, лекин ундан фаол фойдаланиш даражаси, кўп ҳолларда, минтақавий туризмнинг инновацион ривожланиш даражасига боғлиқдир.

Туризмни инновацион ривожлантириш – тармоқ ривожланишида янгиликлари билан фарқланадиган ва ижобий бурилиш ясовчи тизимли тадбирлардир. Туризмда инновациялар ўзига хос ёндашувни ишлаб чиқишни, янги ресурсларни излаб топиш билан бир вақтда мавжуд ресурслардан фойдаланишнинг янги йўллари излаб топишни тақозо этади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш Давлат қўмитаси маълумотлари. www.uzbekturizm.uz
2. www.lex.uz. Ўзбекистон Республикасини Президентининг “Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги Фармони”.
3. “Ўзбекистон сайёҳлар эътиборида”. Халқ сўзи. № 264. 2018 йил декабрь.

4. Б.Х.Тўраев. “Организационно-экономические механизмы регионального туризма”. Ташкент-Фан. 2009 г.
5. Б.Ш.Сафаров. “Миллий туризм хизматлари бозорини инновацион ривожлантиришнинг методологик асослари”. Монография. Тошкент. “Фан ва технология”. 2016 й.
6. Файзиева Ш.Р. “Ўзбекистонда туризмни ривожланишининг иқтисодий механизмини такомиллаштириш”. Номзодлик диссертацияси. Тошкент. ЎЗМУ.
7. www.uza.uz. Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги маълумотлари.
8. www.stat.uz. Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

БУХОРОДА ИСЛОМ МАДАНИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ВА ТУРИЗМНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ МИСОЛИДА

*Абдуллаев Ё.З., БухДУ Ҳарбий таълим факультети бошлигининг
ёшлар билан ишлаш бўйича ўринбосар, доцент*

Ўтмишдан маълумки, юртимизда азалдан зардуштийлик, буддавийлик, насронийлик, монийлик ҳамда ислом дини вакиллари ўзаро иноқ ва тинч – тотувликда истиқомат қилишган. Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев қайд этиб ўтганларидек бизнинг қадимий ва саховатли заминимизда кўп асрлар давомида турли миллат ва элат, маданият ва дин вакиллари тинч-тотув яшаб келган. Меҳмондўстлик, эзгулик, қалб саховати ва том маънодаги бағрикенглик бизнинг халқимизга доимо хос бўлган ва унинг менталитети асосини ташкил этган.

Айниқса, юртимиздаги маданият марказлари ҳисобланган кўплаб шаҳарларда масжид, черков, синагоғлар фаолият кўрсатган. Ўз навбатида, ушбу муқаддас масканларда турли динга мансуб миллат ва элатлар ўзларининг диний маросимларини эмин-эркин адо этиши юртимизда диний бағрикенглик ва конфессиялараро ҳамкорликнинг ижобий кўринишини намоён этган. Ўзбекистон Республикаси ўзининг давлат мустақиллигини эълон қилгандан кейин, миллатлараро тотувлик, диний бағрикенглик ва конфессиялараро ҳамкорликни таъминлаш орқали тинчлик ва барқарор тараққиёт асосларини мустаҳкамлаш борасида ижобий ишлар амалга оширилди.

Хусусан, мазкур соҳада амалга оширилаётган ишларнинг ижобий давоми сифатида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги қабул қилинган фармони муҳим аҳамият касб этади. Мазкур фармонга мувофиқ, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг “Хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий руҳдаги ташқи сиёсат юритиш” деб номланган бешинчи йўналиш доирасида давлатимиз мустақиллиги ва суверенитетини мустаҳкамлаш, Ўзбекистоннинг ён – атрофида хавфсизлик, барқарорлик ва ахил кўшничилик муҳитини шакллантириш, мамлакатимизнинг халқаро нуфузини мустаҳкамлаш стратегик вазифа сифатида белгиланганлигини айтиб ўтиш лозим. Айнан, мазкур йўналиш доирасида миллатлараро муносабатлар соҳасидаги сиёсатнинг устувор йўналишлари концепциясини ҳамда Диний соҳадаги давлат сиёсати концепциясини ишлаб чиқиш назарда тутилган эди. Мазкур омиллар юртимизда жамият хавфсизлиги ва мамлакат барқарорлигини таъминлашда миллатлараро тотувлик, диний бағрикенглик ва конфессиялараро тотувлик ҳолатини ижобий кўринишда эканлигини намоён этади. Мазкур ҳолат, ўз навбатида Ўзбекистонда миллатлараро тотувлик, диний бағрикенглик иноқлик ва бирдамликнинг нодир тимсоли сифатида намоён бўлиб, барча дин вакилларига нисбатан бағрикенгликнинг ижобий намунаси эканлигидан далолат беради. Бинобарин, дунёдаги мавжуд динлар ўз моҳиятига кўра, ўзида эзгулик, тинчлик, яхшилик, дўстлик ҳамда

бунёдкор гоёларни мужассам этади. Айниқса, Ислом маданияти инсонларни ҳалоллик ва покликка, меҳр-шафқат, биродарлик ва бағрикенгликка даъват этади.

Таъкидлаш жоизки, мустақиллик йилларида ижтимоий ҳаётнинг барча соҳалари қатори Ўзбекистоннинг диний-маданий ҳаётида ҳам ижобий ўзгаришлар амалга оширилди. Ислом ҳамкорлиги ташкилоти (ИХТ) га аъзо давлатлар маданият вазирларининг 9-анжумани қарорига кўра, 2020 йилда Ислом маданияти пойтахти сифатида Бухоро (Ўзбекистон), Қоҳира (Миср) ва Бамако (Мали) шаҳарлари тасдиқланганлиги таъкидлаб ўтиш мақсадга мувофиқ деб ўйлайман. Бухоро шундоқ ҳам бир неча асрлардан буён ислом маданияти пойтахти сифатида намоён бўлиб келмоқда. Мусулмон оламида Бухоро бежизга «Қуббатул Ислом» ва «Ғумбази Ислом» деб сифатланмайди, бу арабча ва форсчадан таржима қилинганда Ислом ғумбази деган маънони беради. Шаҳарнинг ислом маданияти пойтахти ўлароқ эътироф этилиши шаҳар ва унда яшаб ўтган олимларнинг ислом цивилизацияси ривожига қўшган улкан ҳиссасининг яна бир тасдиғи сифатида баҳолаш мумкин. Мазкур ижобий ишлар самараси Республикада барча ислом маданияти вакиллари учун диний бағрикенглик муҳитини мустаҳкамлаш, мамлакат фуқаролари ўртасидаги ўзаро бирдамлик, тотувлик ва иноқликни таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистонда Бухорони ислом маданияти пойтахти бўлиши ўз навбатида, турли динларга эътиқод қилувчи ва уларга эътиқод қилмайдиган фуқаролар, ҳар хил эътиқодларга мансуб диний ташкилотлар ўртасида ўзаро мурося ва ҳурмат ўрнатилишига кўмаклашади, диний ва ўзга мутаассибликка ҳамда экстремизмга муносабатларни қарама-қарши қўйиш ва кескинлаштиришга, турли конфессиялар ўртасида адоватни авж олдиришга қаратилган хатти-ҳаракатларга йўл қўймайди. Айниқса, мазкур ҳолат Ўзбекистонда барча динлараро муносабатларда бағрикенгликнинг таъминланиши, аввало, динлараро зиддиятларни олдини олишда муҳим аҳамият касб этиб, турли дин вакилларида ўзаро ҳамкорлик, бирдамлик ва ҳамжиҳатликнинг шаклланишига замин яратади. Мазкур омил юрт тинчлиги ва тараққиётига, умуминсоний маданият ва маънавият ривожига бевосита хизмат қилади.

Кўхна ва боқий Бухонинг миллий ва диний қадриятларга ўта садоқатли ва эътиборли экани дунёга маълум. Бугунги кунга қадар асарлари машҳур бўлиб келаётган Имом Бухорий, Абу Али Ибн Сино, Абдуҳолик Ғиждувоний, Муҳаммад Ориф Ревғарий, Маҳмуд Анжир Фағнавий, Хожа Али Ромитаний, Муҳаммад Бобойи Самосий, Саййид Амир Кулол ва Баҳоуддин Накшбанд ҳамда бошқа буюк олим ва мутафаккирларимиз айнан шу заминдан етишиб чиққанлар.

Айниқса, Давлатимиз раҳбарининг бевосита ташаббуси билан Самарқанд вилоятида Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази, Бухоро вилоятида “Мир Араб” Олий мадрасасининг очилиши, Тошкент шаҳрида “Ўзбекистондаги Ислом сивилизатсияси маркази”ни ҳамда “Ўзбекистон Ислом академияси”ни ташкил этилиши ҳамда “Қуръони қарим мусобақаси”нинг туман (шаҳар), вилоят ва республика босқичларини юқори даражада ўтказилаётгани ҳамда Бухоро ислом маданияти пойтахти деб эътироф этилгани диний соҳада олиб борилаётган ислоҳотларнинг амалий ифодаси ҳисобланади. Диний таълим соҳасидаги ислоҳотлар қаторида Бухоро вилоятида “Мири Араб” Олий мадрасаси ҳамда Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Ислом академияси фаолиятининг бошланиши, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 мартдаги қарори асосида Самарқанд вилоятидаги Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази ҳудудида янги олий диний таълим муассасаси – “Ҳадисшунослик” мактаби ташкил этилаётганини алоҳида қайд этиш зарур.

Бухорога дунё халқлари эътиборининг кучайиб бораётгани бу қадимий маконда туризм индустриясини ривожлантириш учун катта имкониятлар мавжудлигидан далолат беради. Мутахассислар сайёҳлик замонавий иқтисодиётнинг истиқболли тармоғи эканини таъкидлайди. Бошқа соҳалар равнақи хом ашё, ишчи кучи, маблағ ва яна кўплаб ресурсларни доимий талаб этса, туризм учун замонавий талабларга мос, бекаму кўст ишловчи инфратузилма бўлиши, мевали дарахт мисоли узоқ йиллар наф келтиришини назарда тутаман.

Президентимиз мамлакатимиз тараққиёти, халқимиз фаровонлигини таъминлашга қаратилган кенг кўламли ислохотларда ана шу жиҳатга ҳам алоҳида эътибор қаратмоқда. Тармоқни ҳар томонлама ислох этиш бўйича қатор ҳужжатлар қабул қилинган. Уларга мувофиқ, мамлакатимизда сайёҳлик саноати субъектлари фаолияти учун қулай шароитлар яратилмоқда, соҳа равнақи йўлидаги тўсиқлар олиб ташланиб, чет элликлар учун виза ва рўйхатдан ўтиш тартиблари, божхона назорати соддалаштирилди. Тармоқнинг янги салоҳиятли турлари, хусусан, зиёрат туризмини ривожлантиришга эътибор кучаймоқда.

Бухорога йилига дунёнинг турли нуқталаридан минглаб сайёҳлар келади. Улар бу шариф заминда тарих билан юзлашадилар. Инсониятнинг асрлар оша яшаб келатган эзгу тутумлари, маданияти ва қадриятларига гувоҳ бўлиб, уларнинг моҳиятида ётган умумбашарийлик, боқийлик сирларини англашга уринадилар. Исломи дини пешволари, алломалари, азиз-авлиёлари босган тупроқни, қўлларининг қайноқ тафти қолган масжиду минораларни, руҳлари кезиб юрган манзилларни зиёрат қилишга ошиқишлари сир эмас.

Бугунги мақсадимиз эса тобора катта аҳамият касб этаётган динлараро ва цивилизациялараро мулоқотни самарали йўлга қўйиш мақсадида Ўзбекистондаги Иломи цивилизацияси марказининг жаҳондаги нуфузи халқаро илмий муассаса ва тузилмалар, жумладан, ЮНЕСКО, АЙСЕКО каби халқаро ташкилотлар билан яқин ҳамкорлик алоқаларини ўрнатишдан иборат.

Фойдаланган адабиётлар рўйхати

1. Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги (янги таҳрири) // Ўзбекистоннинг янги қонунлари. 19-сон.-Т.: Адолат, 1998.
2. И.Каримов “Энг асосий мезон - ҳаёт ҳақиқатини ақс эттириш”, - Т, Ўзбекистон 2009.
3. Ҳошимов М. “ЮНЕСКО фаолиятида диний бағрикенглик тамойиллари” (Ўзбекистон Республикаси мисолида): Тар. фан. номз. дисс . автореф. –К Т.: Тошкент ислом университети, 2009.
4. Мансуров Р. “Меморий ёдгорликларни сақлаш ва тамирлаш” // Мозийдан садо.-Тошкент, 2004.
5. Шавкат Мирзиёев. “Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз”. – Т.: “Ўзбекистон” 2017.

АҲМАД ЗИЁУДДИН КУМУШХОНАВИЙ ҲАЁТИ ВА МАЪНАВИЙ МЕРОСИ

*Гуламова М.Т., кимё фанлари номзоди, доцент,
Бухоро давлат тиббиёт институти*

Ҳар йили Иломи ҳамкорлик ташкилоти мусулмон мамлакатларидаги учта шаҳарни Иломи маданияти пойтахти деб, эълон қилади. Уларнинг бири араб мамлакатларидан, иккинчиси Осиё ва учинчиси Африкадаги мусулмон мамлакатлардан биридаги шаҳарлардир.

Иломи ҳамкорлик ташкилоти маданият вазирлари томонидан IX Иломи конференциясида 2020 йилда Бухоро, Қоҳира (Миср) ва Бамако (Мали) шаҳарлари Иломи маданияти пойтахти деб, тасдиқланди. “Бухорода ислом маданиятини модернизациялаш ва туризмни барқарор ривожлантириш истикболлари” халқаро илмий-амалий анжуманнинг ўтказилиши шу санага муносиб тўхфадир.

Иломи маданияти моҳиятини, ўзига хослигини чуқур ўрганиш ва ёшларимизга ўргатиш айниқса туризм соҳасида таълим олаётган талабаларимиз учун жуда зарур ҳисобланади.

Иломи олами миқёсида шуҳрат қозонган, асарлари бутун дунёда машҳур бўлган Нақшбандия тариқати таълимоти Қуръони карим ва Ҳадиси шарифга асослангандир.

Нақшбандия таълимотини дунё бўйлаб кириб тарқалишига сабабчи бўлган “Сисилаи шариф” “олтин занжир”да 32 - халқанинг пири муршеди Аҳмад Зиёуддин ал-Кумушхонавий ҳисобланадилар.

Ахмад Зиёуддин Кумушхонавий ҳижрий 1228 (милодий 1813) йилда Рум диёри ҳозирги Туркиянинг Кумушхона шаҳрининг “Амирлар” маҳалласида бой хонадонда дунёга келган, аждодлари Бухорои Шарифдан бўлган. Оталари солиҳ инсон бўлиб, тижорат билан шуғулланган[1:8].

Ахмад Зиёуддин Кумушхонавий беш ёшида ўқишни бошлаб, саккиз ёшида Қуръони карим ёд олиб, “Ҳофизи Қуръон” бўлган, “Далоили хойрот”, “Қасидаи Бурда” ва “Ҳизбул Аъзам” каби китобларни кироат қилишга устозлардан рухсат олганлар. Ўн ёшида оталари Қора денгиз атрофидаги шаҳарлардан бири Турабзонга ҳижрат қиладилар. У ердаги пешқадам олимлардан олат(балогат), сарфу нахв, маъоний (адабиёт, бадиият) ва мантиқ билимларини, ҳамда шариат илмларини ўргана бошлайдилар. Ёш бўлишига қарамай, дўконда отасига ҳам ёрдам бериб, бир томондан илоҳий ишқ ва шавқ билан илм таҳсилига сайъ ва гайрат қилар эди, аммо мақсади кўпроқ илм олишда эди. Ёшликгида ҳалол пул топишга ҳаракат қилиб, ўз куллари билан ҳамён тўкиб сотганлар ва топган пулларини илм излаш йўлида сарфлаганлар. 18 ёшларида амакиси билан Истанбулга келиб, отаси учун керакли тижорат молларини олиб, амакиларига топширадилар-да ва бундай дедилар: “Мухтарам амакижон, мен шу лаҳзада илм ва маърифат шаҳри бўлган Истанбулдатурганимдан улуг бир саодат ва бахтиёрлик огушидаман. Мен учун илм ва маърифатни қўлга киритиш ҳамма нарсадан ортиқ туради. Зинҳор мендан ражиб, хафа бўлманг. Вақтида, келажакда керак бўлади, деб, ўз қўлим билан ҳамёнлар тўкиб, уларни сотиб, бир қанча пул йиққан эдим. Ўзимда ҳеч нарса қолдирмасдан, буларни ҳам сизга топшириб, отамга жўнатаман”[1:8].

Зиёуддин Ахмад Кумушхонавий Истанбулдаги Боязид, кейин Махмуд пошшо мадрасасига кўчиб, Сулаймония мадрасасидаги дарсларни ўзлаштиришда давом этди. Мукаммал илми сабабли Боязид жомеъсига дарсиомлик – илм талабида бўлган кишиларга исломий дарс берувчи уламо вазифасига тайинландилар. Шариат илмларини мукаммал ўргангандан кейин тасаввуф ва тариқат соҳасида ҳам камол топмоқни истади. Шундан сўнг замонасида зоҳирий ва ботиний илмларда кутб деб танилган зот Мавлоно Холид ал-Богдодий (қуддиси сирруху)нинг назарига тушади. Ана шу зотнинг амри билан шайх Ахмад Зиёуддин Арводийдан дарс оладилар. Шайх Кумушхонавийга пири муршидлари 240 та асарни ўқитиш ва ўргатиш вазифасини топширди[1:9].

Кумушхонавий ҳазратлари Махмуд пошшо мадрасасидаги хужрадан, Истанбулда “Вилоят” атрофида жойлашган жомеъи шарифга кўчиб, умрларининг охиригача талаба ва зикр аҳли билан машғул бўлди. Икки марта ҳаж сафарида бўлиб, уч йилдан ортиқ Носирия ва Жомий ул-Азҳар дорилфунинида ўз таснифлари бўлган “Ромуз ул аҳодис” ҳадислар денгизи китобини етти марта ўқитиб, юзлаб араб олимларига илм йўлига ижозат беради. Бу китоб ҳазратнинг талабалари ва яқин дўстларининг илтимоси билан ёзилган бўлиб, унда кўп китоблардан ҳадислар саралаб олинган бўлиб, ҳадис охирида унинг қайси китобдан олинганлиги ҳижо ҳарфлари билан кўрсатилган (Бухорий учун **хо**, Муслим учун **мим**, Термизий учун **та** ваҳоказо). Ҳазрат Кумушхонавий тариқат йўлида беш нафар араблардан шогирд тайёрлаб, Истанбулга қайтди[2:10].

Шайх Кумушхонавийнинг муридларининг сони миллиондан ортиқ эди. У киши нафақат илм олиш, одоб ахлоқ соҳасида, балки халқни иқтисодий томондан қўллаб турди. Фоизсиз банк туздириб, муҳтож бўлганларга ҳожатларини қоплайдиган миқдорда қарз бердириб, қулай шартлар асосида имкониятлари бўлганда қарзини тўлашини айтди.

Ҳазрат Кумушхонавий илм олувчилар, китобхонлар сонини кўпайтириш, халқ маънавиятини юксалтириш мақсадида босмаҳона қурдириб, илмий китобларни илм толибларига бепул тарқатган[1:9].

Тадқиқотчиларнинг қайд қилишларича Ахмад Кумушхонавийнинг шахсий кутубхоналарида 18 жилд асар бўлган. Шайхнинг ўзи олтимишга яқин тасаввуф, ҳадис, фикҳ, сарф, нахв ва бошқа мавзуларда араб тилида қимматли асарлар битган. Бу асарларнинг қўлёзма ва бошқа нусхалари Туркия, Миср, Европадаги катта кутубхоналар фондида, шу

катори Республикамиз Фанлар академияси ҳузуридаги Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар хазинасида ҳам сақланган.

Зиёуддин Аҳмад Кумушхонавийнинг энг машхур асарлари қуйидагилар[3:308]:

1. “Жомиъул - усул Фий - л - авлиёи ва анвоихим”. Асар номи четига:

“Ас- суфийяту ва фаовиди соир” деб қайд этилган. Ҳозир турк тилига таржима қилиниб, нашр этилган.

2. “Жомиъ ул-мутун фий ҳаққи анвоис- сифатил илоҳийа вал -

Бақоидил - Мотурилийа ва алфозил куфри ва тасдиқил- аъмалил - ъажибийа”. (“Аллоҳ таолонинг анвойи исм сифатлари. Мотуридия эътиқоди, куфр сўзлар баёни ва амалларнинг дуруст бажарилмоғи ҳақида матнлар тўплами”). Турли нашрлари мавжуд. Ўзбекистонда 2000 йил Тошкент, “Мавароуннаҳр” нашриётидан Мирзо Кенжабек таржималари асосида чоп этилган.

3. “Ромузул - аҳодис ъала тартиби хуруфил хижо”, (“Ҳадислар денгизи”). Турли нашрлари мавжуд. Ўзбекистонда 2007 йил “Мавароуннаҳр” нашриётидан Баҳриддин Умрзоқ таржимаси асосида чоп этилган.

4. “Мажмуатул аҳзоб”. (“Катта дуо ва зикр”). Ўзимизда 2014 йили

“Шарқ” нашриётидан бир гуруҳ таржимонларимиз томонларидан, ҳазрат Кумушхонавийнинг 2000 саҳифалик китобларидан саралаб олинган энг зарурий дуолар китоби чоп этилди.

5. “Ҳадиси арбаъийн”. (“Қирқ ҳадис”). Сулаймония кутубхонасида қўлёзма нусхаси сақланади.

6. “Ғароиб ул аҳодис”. Турли нусхалари бор.

7. “Нажот ул гофилийн”. Бир нечта нашрлари мавжуд.

Ҳазрат кексалик ва беморлик туфайли 1893йил 25 май куни вафот этган[3:306].

Ҳазрат Кумушхонавийнинг муборак қабрлари Истанбулдаги Сулаймония жомеъсининг қабристониди бўлиб, ҳар кун зиёратчи ва саёҳатчилар билан гавжум.

Ҳазрат Кумушхонавий дину диёнатни, инсоф ва адолатни, ҳаллолик ва мардликни, ватанпарварлик ва элу юрт хизматиға камарбаста бўлишни ўзининг олий мақсадларидан бири деб билган. Кумушхонавийнинг ана шундай чиройли ҳаёт йўли ёшларимиз ибрат олиши учун, биз зиёлилар учун у кишининг асарларини чуқур ўрганиб халқимизга етказишни ўз вазифамиз деб ҳисоблашимиз зарур.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ғуламова М.Т. “Силсилаи шарифдаги пири комил - Зиёуддин Аҳмад ал - Кумушхонавий” “Жаҳон маданий цивилизацияси контекстида хожагон, нақшбандия тасаввуфий таълимотлари илмий маънавий меросининг умумбашарий аҳамияти” мавзусидаги халқаро илмий конференция материаллари. 2 - китоб, Навоий: 2019 й.

2. Зиёуддин Аҳмад Ал-Кумушхонавий “Ромузул - аҳодис” – Ҳадислар денгизи, таржимон Баҳриддин Умрзоқ, Т.: 2007 й.

3. Зиёуддин Аҳмад Ал-Кумушхонавий “Жомиъ ул-мутун”, таржимон Мирзо Кенжабек, Т.:Мавароуннаҳр; 2000й.

ТУРИЗМ ТАЪЛИМИ МУАССАЛАЛАРИДА ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ЖАРАЁНИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ УСУЛЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Саидкулова Ф., Шожонова Ф. БухДУ Таълим сифатини назорат қилиш бўлими бош мутахассислари

Бозор муносабатларининг ривожланиши, миллий анъаналаримизнинг ўзига хос хусусиятлари, узлуксиз таълим тизимининг олдидаги давлат ва ижтимоий буюртмалар унинг мақсад ва вазифаларини ҳисобга олган ҳолда иқтисодчи мутахассислар тайёрлаш сифатини яхшилаш, уларнинг маҳоратини юқори даражага кўтариш, кадрлар малакасини ошириш, уларни қайта тайёрлаш жараёнини такомиллаштириш учун қатор зарур шарт-

шароитлар яратилди. Бўлажак иқтисодчи мутахассисларнинг касбий тайёргарлик даражасини ошириш кадрлар тайёрлаш тизими барча бўгинларининг ўзаро алоқаси ва изчиллигига боғлиқ. Ўқитишнинг самарали шакл ва методларини излаб топиш, бўлажак иқтисодчи мутахассисларнинг касбий тайёргарлик фаолиятини кучайтириш, уларнинг маҳоратини ошириш шарт-шароитларини белгилаш бугунги кунда ҳал қилиниши лозим бўлган ишлардандир. Иқтисодиётга йўналтирилган таълим муассасаларида бўлажак иқтисодчи мутахассислар тайёрлаш, малакасини ошириш ва уларни қайта ўқитиш тизимини таҳлил қилишда, биз мутахассислар тайёрлаш тизимида ва фан соҳасида бўлаётган ўзгаришлар ҳақида фикримизни давом эттирмоқчимиз. Кадрлар тайёрлаш миллий модели салмоқли элемент сифатида бир қатор фанларни ўз ичига олади, бу соҳада:

- табиат ва жамият тараққиёти қонуниятлари тўғрисидаги янги фундаментал ва амалий билимлар шаклланади, кадрлар тайёрлаш тизимида оммалаштириш, ўрганиш ва фойдаланиш учун керакли илмий натижалар жумланади;
- олий малакали иқтисодчи мутахассислар тайёрлаш амалга оширилади;
- республикамизда иқтисодчи мутахассислар тайёрлаш жараёнини илмий-тадқиқот жиҳатдан таъминлаш инфратузилмаси вужудга келтирилади, таълимнинг ахборот тармоқларидан кенг фойдаланиш мақсадида билимларнинг турли соҳалари бўйича ахборот базаси шакллантирилади;
- мамлакатимиз илм-фанининг жаҳон илм-фанига интеграциялашуви чуқурлашиб, замонавий илм-фан ва технологияларнинг энг муҳим муаммоларини ҳал этиш учун илмий ютуқлар ва кадрларни халқаро миқёсда алмашинуви амалга оширилади.

Туризм факультетларида мутахассисларни тайёрлаш, уларнинг малакасини ҳар уч, беш йилда ошириш энг аввало, фан-техника соҳасидаги бугунги кундаги янгиликларни ўзида мужассам этган олий таълим муассасаларига боғлиқдир. Шу нуқтаи назардан оладиган бўлсак, таълим муассасалари замонавий ахборот технологиялари билан узвий равишда боғланган ҳолда бўлажак иқтисодчи мутахассисларни малакасини ошириш ва қайта ўқитиш тизимини шакллантириб олиб боришлари талаб этилади. Бугунги кунда бўлажак иқтисодчи мутахассислар ўз ихтисослигига оид билимлар билан бир қаторда муайян психологик билимларга ҳам эга бўлиши зарур. Шулар ёрдамида мутахассис ходимларни тарбиялаш ва мукамаллаштиришлари таъсир этувчи шакл ҳамда усулларнинг янада самаралилигини топиши мумкин. Олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида, тарбия жараёнида бўлажак иқтисодчи мутахассислар қуйидаги педагогик муаммоларни ҳал этиши керак: ақлий ривожланиш (ходимларнинг умумий ва касбий маълумоти); маънавий бойиш (маданий тадбирлар ташкил этиш, этик муаммоларни ечиш); Бунда қуйидаги педагогик тамойилларга риоя қилиш лозим: эзгу идеаллар билан машғул бўлиш; шахсий хислатларни такомиллаштириш.

Тарбиявий таъсир усуллари бошқарув педагогикаси ва психологиясининг асоси бўлиб ҳисобланади. Бошқарув тарбияси шаклларида қуйидагиларни таъкидлаш зарур: - дунёқарашни кенгайтириш таълими, бу - иқтисодий, ҳуқуқий, ахлоқий ва экологик таълимни ўз ичига олади, унинг кўлами раҳбар ёши, маданий савияси ва иш тажрибасига боғлиқ бўлади. Дунёқарашни шундай ўстириш туфайли маънавий замин барпо этилади; - меҳнат мусобақаси, бу - касбий мусобақалашув, малака оширишда кучли омил саналади. Бошқарув тарбиясининг бу шакли турли танловлар, рационализаторлик таклифлари ва ҳоказолар ёрдамида амалга оширилади; - бошқарувда иштирок этиш - бошқарувга оид қарорларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишга оддий ходимларни жалб этиш.

Меҳнат жамоаси шахс камолга етишадиган асосий ижтимоий муҳитлардан ва усуллардан биридир. Шахснинг шаклланиши ва камолга етишиш жараёни оила – таълим муассасаси - меҳнат жамоаси тизимида амалга ошади, бу унсурлар орасида шахсий хислат - ишбилармонлик сифатлари ижтимоий шаклланиши жараёнининг ворислиги ва узлуксизлигини таъминловчи жипс алоқа бўлиши керак. Меҳнат жамоаси раҳбари зиммасига салмоқли рухий-педагогик оғирлик тушади. У жамоа билан оила ва ўқув юртида олган

кўникма ва малакаларини мустаҳкамлаши, унинг аввалги шаклланиш жараёнида орттирган салбий хислатларини бартараф этиши ёки йўқотиши лозим. Меҳнат жамоасидаги тарбия касбий, ҳуқуқий, ахлоқий ва эстетик тарбияга бўлинади. Тарбиянинг бу турлари ходимлар жамоавий масъулиятини юзага келтиришга, шунингдек, ўз меҳнати натижаси бўйича шахсий жавобгарликни кучайтиришга йўналтирилади.

Бўлажак туризм соҳаси мутахассиснинг меҳнат жамоасига тааллуқлилигига қуйидаги (объектив ва субъектив) омиллар таъсир этади:

- мутахассисликни тўғри танлаш;
- иш манфаати йўлида биргаликдаги ҳаракатни таъминлаш; соғлом норасмий муносабатларга қўшилиш;
- турли маслаҳатларни амалга ошириш;
- адолатли моддий ва маънавий рағбатлантириш;
- хизматдаги муваффақиятлар келажagini белгилаш.

Бу барча усуллар меҳнат жамоаси доирасида самарали ҳал этилади. Кўрсатиб ўтилган усуллар бўлажак иқтисодчи мутахассиснинг меҳнат жамоасига уйғунлашиб кетишига ҳам таъсир этади. Бундай уйғунлашишнинг бир неча тури мавжуд:

- касбий-технологик, бу–бўлажак иқтисодчи мутахассисни иш фаолиятининг мазмуни ва жамоанинг касбий мақсад ҳамда вазифасидан келиб чиқиб, буларни бажаришнинг ўзига хос томонлари билан таништириш;
- ижтимоий-руҳий, бу - бўлажак иқтисодчи мутахассисни анъаналар ва меҳнат жамоасидаги шахслараро муносабатлар тавсифи, норасмий етакчилар билан таништириш;
- хизмат одоби, бу - бўлажак иқтисодчи мутахассисни меҳнат жамоасида қабул қилинган ахлоқий қадриятлар ва муомала одоби қоидалари билан таништириш;
- бошқарув, бу - бўлажак иқтисодчи мутахассисни меҳнат жамоасини бошқариш органларининг тузилиши, муайян раҳбарнинг лавозим ваколати ва у билан бошқарув муомаласи қоидаси билан таништириш.

Туризм соҳаси мутахассисларининг мослашуви кўрсатилган муаммоларини ҳал этиш учун қуйидагилар зарур: - жамоанинг унга хайрихоҳ муносабатда бўлиши; - касбни ўзлаштиришида мураббийлик ва ёрдамлашиш; - яхши жиҳозланган иш ўрни ва меҳнат интизومي қоидаларини аниқ тушунтириш; - уни жамоа ижтимоий ҳаёти турли йўналишларига жалб этиш; - ходимнинг ўз иши натижасидан қониқиш мониторинги кабилар. Бугунги кунда иқтисодчи мутахассис ўз олдига қўйган вазифаларга эришиш мақсадида бўйсунувчиларга ўз таъсирини ўтказиш учун ишонтириш воситасидан фойдалана олиши лозим. Ишонтириш усули бажарувчи онгига, шундай қилса, яъни раҳбар хоҳлагандек, у ўз шахсий манфаатини ҳам қаноатлантирган бўлишини етказди, бугун бажарувчи манфаатдор шахсга айланади. Бу ҳақида образли қилиб М.Мескон шундай деган эди: «Бажарувчига нима қилиш кераклигини айтмайдиган, ишонтириш усули билан таъсир этадиган раҳбар унга нима қилиш зарурлигини «сотади». Шунда бажарувчи қандайдир гоёси ўзига ҳам тегишлилигини ҳис этади». Ишонтириш усули таъсир этиш тўрт турини ўз ичига олади: маълум қилиш, тушунтириш, исботлаш ва рад этиш.

Туризм соҳаси мутахассисларида бошқарувчилик сифатларини шакллантиришда самарали таъсир этиш учун қуйидаги тавсиялардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ:

1. Бажарувчи эҳтиёжини аниқ белгилашга ҳаракат қилиш.
2. Сухбатни шундай фикр билан бошлаш керакки, у бажарувчининг кўнглига мос тушсин.
3. Катта ишонч ва хотиржамлик туйғусини уйғотадиган образ яратишга ҳаракат қилинг ва дўстона муносабат кўрсатинг.
4. Ходимларнинг ўз фикрини айтиб олишига йўл беринг.
5. Диалогингизни шундай тузингки, ходим бошданок «ҳа» деб жавоб беришга мажбур бўлсин.
6. Шундай қилингки, ходим гоё ўзига тааллуқлилигини ҳис қилсин.
7. Ўз манфаатингизни кўзлаб эмас, балки ходимлар манфаати нуқтаи назарини фахмлаб гапиринг.
8. Агар бир неча хил фикр айтилса, кейин гапиришга ҳаракат қилинг, сизнинг далилларингиз ходимларга таъсири бўйича кўпроқ имкониятга эга бўлади.
9. Ўз гоёнгизга кўрғазмалилик бахш этинг, уни намойиш қилинг.

Ҳар бир бажарувчининг шахсий кадр-қиммати - раҳбар учун дахлсиздир. Ўзаро муносабатларда бўйсунувчилар шахсиятига бирон-бир эҳтиёжсизликка йўл қўйиш, унинг фуқаролик ҳуқуқини чеклаш мумкин эмас. Бўлажак иқтисодчи мутахассислар ва бўйсунувчилар ўртасидаги расмий ва норасмий муносабатларнинг мустаҳкамлиги жамоа аъзоларининг биргаликдаги меҳнат фаолиятдан қанчалик маънавий қониқиш ҳосил қилишларига боғлиқ. Агар улар ўзига нисбатан адолатли ва тўғри муносабат мавжудлигига ишонқирамасалар, унда бу уларнинг ўзаро муносабатларига салбий таъсир этади. Натижада раҳбар ўз фаолиятида муваффақиятга эриша олмайди ва низолар, келишмовчиликлардан четлаб ўта олмайди. Бўйсунувчилар билан ўзаро муносабат ижобий бўлиши учун ҳар қандай раҳбар, шу жумладан, таълим соҳасидаги, бошқарувнинг жаҳон тажрибаси асосидаги тавсияларга амал қилиши мақсадга мувофиқдир.

Республикада бозор ислохотлари талабларидан келиб чиққан ҳолда, иқтисодчи-мутахассислар тайёрлаш бўйича давлат, жамият ва инсон фаолиятининг барча соҳаларини камраб оладиган махсус миллий дастур ишлаб чиқилганлиги алоҳида эътиборга сазовардир. Мамлакатда туб ижтимоий иқтисодий ўзгаришлар, меҳнат ва таълим хизматлари шаклланаётганда бу жамиятни ривожлантириш муаммолари билан жипс боғлиқ жаҳон хўжалигига уйғунлашаётган, юқори рақобатбардошликка эга бозор иқтисодини иқтисодчи-мутахассислар билан таъминлаш давлатнинг стратегик мақсади бўлиб қолмоқда. Мустақил давлатимизнинг сиёсати, жамият ривожланишининг ҳозирги даражаси, унинг маданияти, фан ва техникаси, бозор иқтисодиётига ўтиш, олий мактаб олдида турган янги вазифалар фақат сифат жиҳатдан янги бўлган таълим мазмуни ва технологиясини, балки, республика иқтисодий ривожланиш динамикасини, тарихан шаклланган вазиятни хўжалик юритишнинг замонавий шароитларида ҳисобга оладиган бозор иқтисоди қонунларига риоя этадиган мутахассислар тайёрлаш ва бунга бўлган талаб йўналишини белгилашга янгича ёндашишни ҳам талаб этади. Бозор иқтисодиётининг моҳияти республикада яшаётган ҳар бир фуқаронинг ижодий ва меҳнат фаолиятини такомиллаштириш, ташаббускорлик ва тадбиркорликни ривожлантириш, ишлаб чиқаришни истеъмолчи манфаатига бўйсундириш, уларнинг маҳсулотга бўлган талабини аниқ ҳисобга олиб, шунга яраша тезлик билан иш тутиш, хўжаликда тежамкорликка эришиш, харажатларни камайитиришдан иборат.

БУХОРО ЯХУДИЙЛАРИ МАҲАЛЛАРИ ТУРИЗМ ОБЪЕКТИ СИФАТИДА

Раунов.С.С. – БухДУ Миллий зоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими кафедраси даъвати, тарих фанлари номзоди.

Қудратов А.А. – БухДУ Миллий зоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълим йўналиши IV босқич талабаси

Мамлакатимизда, шу жумладан кўҳна ва боқий Бухорода туризмни ривожлантириш учун жуда улкан имкониятлар мавжуд. Жумладан, юртимизда қадим – қадимдан турли халқлар, миллат ва элатлар вакиллари ҳамжиҳатликда, ёнма – ён, аҳил яшаб келганларки, бу қадриятларимизни туризм орқали ўрганиш ва тарғиб қилиш имкониятлари каттадир. Юртимизда маҳаллий халқлар билан ёнма – ён яшаган Бухоро яхудийлари маҳаллалари тарихи фикримизнинг исботи бўлиб хизмат қилади.

Кишиларнинг тарихан шаклланган, оиладан кейинги бирлиги – бу маҳалладир. Маҳаллаларнинг шаклланишида у ерда яшаган аҳолининг касб- қори, мавзенинг иқлими, герграфик ўрни ва тузилиши каби омиллар таъсир кўрсатган.

Маҳалла институти халқимизнинг узоқ ўтмишига бориб тақалади. Маҳалла арабча “Маҳаллун”, яъни одамлар яшайдиган, тирикчилик қиладиган жой, макон ёки шаҳар қисми деган маъноларни беради. Археологик изланишларга қараганда маҳалла институтининг шаклланиши бронза даврига бориб тақалади [1-17]. Сополитепада топилган манбаларнинг гувоҳлик беришича, 8 оиланинг манзилгоҳи маҳалла ҳисобланган. Бу манзилдаги 8 та оила

таркибида патриархал тизим асосида кўрилган 100 дан ортик жуфт оилалар уюшган. Бу маълумотлар маҳалланинг нақадар қадимийлигидан далолат беради. Тарихий адабиётларда ҳам маҳаллаларнинг кўп минг йиллик тарихга эга эканлиги тўғрисида маълумотлар келтирилган. Жумладан, Наршахий ўзининг “Бухоро тарихи” номли асарида Бухорода X асрда ҳам бир қанча маҳаллалар бўлганлигини кўрсатиб ўтган.

Ўтмишда катта шаҳарларимиз аввало даҳаларга, даҳалар эса маҳаллаларга бўлинган. Маҳаллалардаги ҳокимиятни элликбоши бошқарган, диний ишларга маҳалла масжидининг имоми етакчилик қилган. Маҳаллаларга бўлишганда катта қишлоқларни амин бошқарган, кичик қишлоқларни қишлоқ оқсоқоли идора қилган. Ҳар бир маҳалланинг ўз гузари бўлган. Гузарда чойхона, новвойхона, бақоллик, қассоб дўкони, масжид, ҳовуз, сартарошхона, ямоқчилик дўкони бўлган. Масжидда имом хатиб, мутавалли, сўфи ишлаган. Улар масжидга бириктирилган вақфдан келган маблағдан маош олган.

Ўтмишда кўп ҳолларда ҳар бир маҳаллада бир касб – кор одамлари – ҳамкасблар истиқомат қилишган, маҳаллалар шунга қараб номланган: заргарлик, мисгарлик, кўнчилик, парчабоб, косибчилик, пичоқчилик, эгарчи, темирчи, такачи, ўқчи, ва ҳоказо. Булардан ташқари, уруги, элати ва миллатига қараб шаклланган айрим маҳаллалар ҳам мавжуд бўлган. Бухоро яҳудийлари маҳаллари фикримизнинг исботи бўла олади.

Тарихий маълумотларга қараганда, Ўрта Осиё ҳудудларига биринчи яҳудийлар Вавилионнинг форс подшоси Кир томонидан истило қилинишидан (э.р. авв. 539 й.) кейин келиб, ўрнаша бошлаган. Ўрта Осиёда яшаган яҳудийлар ҳақидаги илк маълумотлар эрамизнинг VIII – IX асрларига таалуклидир. Илк ислом манбаларида Ўрта Осиёда яшаган яҳудийлар тилга олинади. Яҳудийлар Ўрта Осиёда ислом динини қабул қилмаган ягона халқдир. Маълумотларга кўра, IX – XII асрларда Балх, Хоразм ва Самарқанд шаҳарларида яшаган яҳудий жамоалари гуллаб яшнаган.

XVI асргача Эрон, Ўрта Осиё ва Афғонистон яҳудийлари битта жамоа бўлиб яшаганлар. Ўзаро келишмовчиликлар натижасида улар иккига – Эрон ҳамда Ўрта Осиё ва Афғонистон яҳудийлари жамоаларига бўлиниб кетадилар.

XVIII аср ўрталарига келиб Бухоро амирлиги билан Афғон подшолиги ўртасидаги муносабатларнинг ёмонлашуви бу ҳудудларда яшовчи яҳудийларнинг алоқалари узилишига сабаб бўлди ва шу вақтдан бошлаб Ўрта Осиёда яшовчи яҳудийлар “Бухоро яҳудийлари” номи билан юритила бошланди.

Бухородаги дастлабки яҳудий жамоалари ҳақидаги маълумотлар VIII асрга таалуклидир. XVI асрга келиб Бухоро Ўрта Осиёдаги яҳудийларнинг марказига айланди ва дастлабки яҳудий маҳалласи – эски(кўхна) маҳалла ташкил топади. XVII аср биринчи чорагида ушбу маҳалла ҳудудида ҳозиргача ягона бўлган синагога қурилади.[2]

XIX асрнинг бошларида Бухоро яҳудийларининг яна бир маҳалласи “Маҳаллаи нав” – Янги маҳалла ташкил топади. XIX аср ўрталарига келиб эса яҳудийлар яшаши учун Бухорода яна бир ҳудуд – Амиробод ажратилади. Шундай қилиб, Бухорода 3 та яҳудий маҳалласи – Эски маҳалла, Янги маҳалла ва Амиробод(амир томонидан асос солинган) маҳаллари ташкил топади. XIX аср 60 – йилларида бундай маҳаллалар Самарқанд, Қарши, Марв, Кармана, Хатирчи, Каттакўрғон, Маргилон, Душанбе каби шаҳарларда ҳам фаолият кўрсатар эди.

XVIII аср ўрталари ва XIX аср бошларида Бухоро яҳудийларини оммавий равишда маҳбурий ислом динига киритиш учун уринишлар бўлди. Ушбу сиёсат оқибатида Бухоро яҳудийларининг “чала” деб аталадиган жамоаси шаклланди. Улар расмий равишда Ислом динига сизинишсалар – да, аслида яширин равишда иудизм амалларини бажарганлар.[3] Бухоро яҳудийлари мусулмонлардан ажратиб турувчи кийим кийиб юришлари лозим эди. Уларнинг 13 ёшга тўлган эркеклари алоҳида солиқ тўлашга мажбур эдилар. Анъанага мувофиқ солиқ терувчи мусулмон киши солиқ тўлаган яҳудийни 2 марта шапиллатиб қўяр эди. Бухоро яҳудийларининг асосий машгулотлари тўқимачилиқдан иборат бўлган. Улар шаҳи, қалгай ишлаб чиқарганлар, савдо билан шугулланган. Оёқ кийимларини таъмирлаш, сартарошлик яҳудийларнинг сеvimли касбларидан бўлган. Европача эркеклар кийим бошини тикишни ҳам Ўрта Осиёда биринчи бўлиб улар бошлаб берганлар.

Бухоро яҳудийлари маҳаллалари бошида сайлаб қўйиладиган дунёвий бошлиқ – калонтар турган. Унинг вазифасига савдо, ижтимоий ҳаётига муаммолар, маиший кичик жиноий ишларни кўриб, ҳал қилиш кирган. Шунингдек, у расмий ҳукумат олдидада яҳудийлар вакили ҳисобланган.

Чоризмнинг мустамлакачилик сиёсати бошланиб, Туркистон генарал – губернаторлик таркибига кириб қолди. Бу ҳудуддаги яҳудий маҳалларига маҳалла жамоаси томонидан сайланиб, чоризмнинг идоралари томонидан тасдиқланадиган раввин ловазими жорий этилган. Бу ҳолат яҳудий маҳаллаларининг мустақиллигига путур етказиб, уни чор Россияси ҳукуматига қарамлигини таъминлаган. Бухоро амирлиги ҳудудда яшовчи яҳудийларга эса савдогарлар гилдиясига аъзо бўлиш шарти билан Россия фуқаролигини олиш имконияти берилган.

Шўро ҳокимияти йилларида эса барча маҳаллалар каби Бухоро яҳудийлари маҳаллалари ҳам ўзининг моҳиятини йўқотиб, турли диний маросим ва маъракаларни уюштирувчи кўшнилари уюшмаси сифатида сақланиб қолди. Чунки бу даврда Шўроларнинг тоталитар ҳокимияти бошқарувнинг энг қуйи бўгинларигача тушиб, ўз – ўзини бошқарувнинг қарийб барчи кўринишларига барҳам берди. Шўро ҳокимиятининг дастлабки йилларида Бухоро яҳудийларининг бир қисми турли фабрика ва заводларда ишчи сифатида ишладилар. Ўтган асрнинг 20 – 30 йилларида 10 га яқин яҳудий жамоа хўжаликлари (колхозлар) тузилди. Лекин бу хўжаликлар турли сабаблар билан узок фаолият кўрсата олмади ва тезда тарқалиб кетди. Шўра ҳокимияти йилларида Бухоро яҳудийлари, асосан, Самарқанд, Тошкент, Душанбе, Бухоро, Қўқон, Андижон, Маргилон, Хотирчи, Шаҳризабз шаҳарларида яшаганлар. 1940 йилгача мамлакатда яҳудий мактаблари фаолият кўрсатган, яҳудий тилида даврий матбуот чиқиб турган, Самарқандда театр фаолият кўрсатган. Бу мактаб, матбуот ва театрнинг ёпилиши яҳудийларнинг маҳаллий аҳоли билан ассимиляциялашув жараёнини кучайтирган.

Бухоро яҳудийлари билан билан боғлиқ яна бир муаммо, бу уларнинг ўз тарихий ватанларига кўчиб кетиши билан боғлиқ муаммодир. Бу жараён XIX асрнинг 80 – йилларидан бошланган бўлиб, тарихий маълумотларга қараганда, 1914 йилгача 1500 га яқин Бухоро яҳудийлари Фаластин ҳудудига кўчиб кетганлар. Бу жараён Шўро ҳокимияти йилларида ҳам давом этган. Биргина ўтган асрнинг 20 – 30 йилларида 4 мингга яқин яҳудий яширинча йўллар билан Фаластинга ўтганлар. [4-88] Айниқса 70 – йиллардан бошлаб бу жараён янада кучайди. Энди улар ўзларининг тарихий ватанларига, II жаҳон урушидан кейин ташкил топган Исроилга, шунингдек, АҚШ ва Ғарбий Европа давлатларига ҳам кўчиб кета бошладилар. Ҳозирда улар мамлакатимиз ҳудудида жуда озчиликни ташкил этади.

Мустақиллик шарофати билан мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислохотлар ва “Кучли давлатдан – кучли жамият сари” концепсиясида маҳалла институтига катта эътибор қаратилмоқда. Лекин Бухоро яҳудийлари жуда озчиликни ташкил этганлиги сабабли ҳозирда соф яҳудий маҳаллари қолмади.

Шунга қарамасдан, шаҳримиздаги яҳудий маҳаллаларини туризм маршрут- ларига киритсак, уларни тарихий кўринишларини тиклаб, Бухоро яҳудийлари тарихи, турмуш тарзи, урф – одатлари ва маданиятини тарғиб қилсак ҳам туризмни ривожлантиришга, ҳам халқимиз бағрикенглигини тарғиб қилишга эришиамиз.

MARKETING - TURISTIK BIZNES RIVOJINI TA’MINLASHNING ASOSIY OMILI SIFATIDA

*Alimov Islomjon Sunnatullayevich
Toshkent moliya instituti magistranti*

Bugungi kunda turizm sohasi xalqaro ijtimoiy-iqtisodiy, madani aloqalarni mustahkamlashga o'z hissasini qo'shib, dunyoda tez rivojlanayotgan hamda yuqori daromad keltiradigan sohalardan biridir. Butunjahon turizm tashkiloti (UNWTO) tomonidan berilgan statistik ma'lumotlarga ko'ra, “mazkur sohaning dunyo YaIM dagi ulushi 10 % ni tashkil qilgan va jahon

iqtisodiyotining asosiy eksport sanoatiga aylanib bormoqda. Oxirgi 40 yil davomida turistlar soni deyarli 20 barobarga, turizmdan daromad 60 % ga ortgan” [3].

O'zbekiston zamonaviy turizm industriyasini rivojlantirish uchun barcha zarur manbalarga ega. Mamlakatimizning Buyuk Ipak yo'li ustida joylashganligi, qulay tabiiy-iqlim sharoit hamda boy tarixiy-madaniy merosga ega ekanligi, turizm sohasini rivojlantirishni davlat tomonidan qo'llab-quvvatlanishi ham ichki ham xalqaro turizmni rivojlantirish uchun keng imkoniyatlar taqdim etmoqda. Soha mutaxassislarining ta'kidlashicha, O'zbekiston Respublikasining turizm sohasi jahon turistik jarayonlarining ajralmas tarkibiy qismi bo'lib hisoblanadi.

“2010-2017 yillar davomida turizm xizmatlari eksporti hajmi ikki baravar oshdi va 2017 yilda 546,9 million AQSh dollari, 2018 yilda esa - 1 041 million AQSh dollarini tashkil etdi. 2016 yilgacha xorijiy tashrif buyuruvchilar sonining o'sish sur'ati o'rtacha yillik 8 foizni, 2017 yilda - 7 foizni tashkil qilib, 2,69 million nafardan oshdi. 2018 yil yakunlari bo'yicha respublikaga 5,3 million xorijiy turistlar tashrif buyurdi. Xususiy sektorni qo'llab-quvvatlash va muhofaza qilishga qaratilgan choralar ko'rilgani natijasida, 2015 yilda 398 tani tashkil qilgan turizm tashkilotlari soni 2018 yil yakuni bo'yicha 950 taga, mehmonxona xo'jaliklari soni - 661 tadan 900 taga yetdi” [1].

Bozor munosabatlarining tobora kuchayib borishi hamda kuchli raqobat muhiti sharoitida turistik xizmatlarga mijozlar talablarining o'sishi ko'pgina mamlakat turistik firmalarni tashqi muhit o'zgarishlariga moslashishi uchun marketingga murojaat qilishga olib keladi. Iqtisodiyotda innovatsiyalar va raqamli texnologiyalarning ahamiyati tobora ortib borayotganligi turistik biznesda zamonaviy marketing texnologiyalaridan foydalanishni obyektiv zaruriyatga aylantirmoqda.

Marketing alohida korxonalar samaradorligini oshirish bilan birga tarmoqlar faoliyati samaradorligini ta'minlab, mamlakat milliy iqtisodiyotini rivojlantiradi. Marketingning bozorni har tomonlama o'rganish va bozorga oid ma'lumotlarni to'plash, ishlab chiqarishni iste'molchi ehtiyojlariga mos hamda zarur bo'lgan mahsulot turlari ishlab chiqarishga moslashtirish, talabni shakllantirish va sotuvni rag'batlantirish kabi funksiyalari ishlab chiqarish jarayonida marketingning o'rni muhim ekanligini ko'rsatadi.

Turizmda marketing - bu turistik tovarlar va xizmatlarni rejalashtirish va rivojlantirish, sotish, tovarlar va xizmatlarni ilgari surish, ularga bo'lgan talab va narxlarni rag'batlantiruvchi faoliyat bo'lib hisoblanadi. Turizmda marketingning o'ziga xos xususiyati turistik mahsulotning xususiyatlari (boshqa iste'mol tovarlari va xizmatlari bilan solishtirganda), shuningdek iste'molchilar va turistik tovarlar va xizmatlar ishlab chiqaruvchilarining xususiyatlari bilan belgilanadi.

Bugungi kunda turizm sohasining intensiv rivojlanishi uni global miqyosda tadbirkorlik faoliyati uchun jozibador bo'lishiga olib kelmoqda. V.Middleton va J.Klark marketing strategiyasiga bo'lgan talabni kuchayishini quyidagicha izohlaydilar: “kelajakni ko'rishga va yetakchi bo'lishga intilish, tez o'sib borayotgan global bozorlar miqyosida biznes bilan shug'ullanish istagi turizm kompaniyalaridan o'z faoliyatini marketing strategiyasi asosida rejalashtirishni taqozo etmoqda. Shuning uchun ular o'zlarining faoliyatini marketing strategiyasi asosida tashkil etishlari lozim” degan fikrni bildirgan [2].

Turizm marketingining mohiyati shundaki, turistik xizmatlarning taklifi iste'molchiga yo'naltirilishi hamda turistik korxonaning imkoniyatlarini bozor talablariga mos ravishda doimiy muvofiqlashtirishdir.

Butunjahon turizm tashkiloti turizmda marketingning uchta asosiy funksiyalari mavjud ekanligini qayd etgan bo'lib, ular quyidagilardan iborat:

- turistik xizmatlar iste'molchilari bilan aloqalarni shakllantirish;
- innovatsiyalar orqali aloqalarni rivojlantirish;
- xizmat natijalari monitoringi.

Turistik biznesda, ya'ni turistik mahsulotlar ishlab chiqarish hamda turistik xizmatlar ko'rsatishda marketing mahsulotni ishlab chiqarishdan boshlab iste'molchiga yetib borungacha qadar muhim ahamiyatga kasb etadi. Chunki mahsulot ishlab chiqarishdan oldin bozor konyunkturasi tahlil qilinadi, ya'ni talab holati, taklif, raqobat va narx atroflicha o'rganiladi. Iste'molchining xohish va istaklarini o'rganishda esa marketing tadqiqotlari amalga oshiriladi.

Mahsulot ishlab chiqarilgandan so'ng uni reklama qilishda ham marketingdan foydalaniladi, bunda marketing kommunikatsiyalari muhim rol o'ynaydi. Marketingning asosiy maqsadi korxonalar rentabelligini oshirish, biznes jarayonlarni tezlashtirish va takomillashtirish bo'lib, mazkur maqsadlarga erishishda marketing kommunikatsiyalari dasturulamali bo'lib xizmat qiladi.

Umumiy xulosa qilib aytganda, iqtisodiyotda innovatsion va raqamli texnologiyalarning ahamiyati tobora ortib borayotgan sharoitda iqtisodiyotning strategik tarmoqlaridan biri hisoblangan turizm sohasining taraqqiyotini ta'minlashda hamda mazkur sohada biznes subyektlarining rivojlanishida zamonaviy marketing vositalaridan foydalanish ayni maqsadga muvofiqdir. Chunki marketing turistik xizmatlar va mahsulotlarning raqobatbardoshligini oshirishga hamda turizm sohasining rivojlanishini ta'minlaydi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati

1. 2019-2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини ривожлантириш Концепцияси. <http://lex.uz/docs/4143188>
2. Victor T.C. Middleton with Jackie Clarc. The need for strategic planning. Marketing in Travel and Tourism. Third edition. p.190. 2001.
3. www.unwto.org Butunjahon turizm tashkiloti rasmiy veb-sayti

BUXORODA HOZIRGI TURIZM HOLATI

Davronov I.O., Buxoro davlat universiteti o'qituvchisi
Ismoilova F.U., Buxoro davlat universiteti talabasi

Yer zahirida ko'plab shaharlar mavjud. Ularning hammasi o'z xalqi uchun qadrlidir. Ammo yer yuzida ko'hna, tarix sar varaqlaridan joy olgan shaharlar sanoqli. Ana shunday navqiron shaharlardan biri – Buxoro.

Ko'hna va boqiy Buxoro shahri 2020- yilda “Islom madaniyati poytaxti” deb e'lon qilindi. Shuni ham ta'kidlash lozimki, Islom hamkorlik tashkiloti tomonidan har yili 3 ta shahar Islom madaniyati poytaxti deb e'lon qilinadi. Buxoro shahri bu nom e'tirof etilishi ming yillar davomida yetishib chiqqan allomalarning Islom dini sivilizatsiyasiga qo'shgan hissasini yana bir bor tasdig'idir. Aslida Buxoroyi sharif bir necha asrlar davomida Islom madaniyati poytaxti bo'lib kelgan. Uning “ Qubbatul Islom”, yani “Islom gumbazi”deb nomlangani ham bejiz emas.

Uch ming yildan ziyod tarixga ega Buxoro jahon tamadduniga beqiyos hissa qo'shgan shaharlardan biri. Qadimdan ilmu ma'rifat, madaniyat maskani bo'lgan bu go'sha ta'rifi butun olamga yoyilgan. Necha yillar davomida chet xalqlariga katta qiziqish uyg'otmoqda. Hayratini ichiga sig'dira olmagan insonlar albatta o'zi ishonch hosil qilish maqsadida Buxoroyi sharifga tashrifi yildan yilga ortmoqda. Darhaqiqat, faqatgina islom dini vakillari emas, balki, boshqa din vakillari ham tashrif buyuradilar. Albatta, o'zbek xalqi azaldan mehmondo'st, barcha din vakillarini xushmuomalalik bilan qarshi oladi.

Turizm sohasi mamalakatda to'la soha sifatida namoyon bo'lishi uchun uni har tomonlama o'rganish va turlicha mazmunini to'liq ochib berish hamda ta'sir doiralarini tadqiq qilish ustuvor yo'nalishlardan biri bo'lib qoladi. O'zbekiston respublikasi Prezidentining “2018- 2019 yillarda turizm sohasini rivojlantirishi birinchi navbatdagi chora-tadbirlar to'g'risida” gi qarori qabul qilinishi turizm sohasini jadal rivojlantirish uchun qulay iqtisodiy ma'muriy va huquqiy muhitni yaratgan holda eng samarali tartibni joriy etish, hududlarning iqtisodiy salohiyatini kengaytirish ilgari surilgan.

Ammo shuni ta'kidlash kerakki, mintaqaning mavjud sayyohlik salohiyatidan samarali foydalanilmayapti. Yevropa, Afrika, Osiyo va MDH mamlakatlaridan sayyohlar oqimini samarali jalb qilish maqsadida Buxoro viloyati uchun emas balki, mamalakatda yangi zamonaviy qiyofani yaratish, malakali kadrlarni tayyorlash zarurati tug'ilmoqda. Xususan Buxoro viloyatini oladigan bo'lsak, turistik mavsum davri – mart, aprel may, sentabr oylariga to'g'ri keladi. Bu davrda turistik joylashtirish vositalariga ehtiyoj kuchayadi. O'z-o'zidan mehmonxonalar faoliyati yo'lga qo'yiladi.

Shu o'rinda ishchi kuchida ham talab oshadi. Malakasi yetarli bo'lmagan kadrlarni ham ishga qabul qilishi turizm sohasini rivojlanishiga salbiy ta'sir ko'rsatadi.

Mehmonxonalarda ham bir nechta kamchiliklar ko'zga tashlanadi:

- Xizmat ko'rsatish sifati;
- Xodimlarning muomala madaniyati;
- Ba'zilarida transfer xizmatlari yo'qligi;
- Narx borasida chegirmalar ko'zdan yiroqligi;

Yuqoridagilarni hisobga olgan holda narx borasida chegirmalar haqida aytib o'tilganda, asosan, xorij tajribasini misol qiladigan bo'lsak, Germaniyada yoshlar turizmini rivojlantirish maqsadida nufuzli mehmonxonalar har oyda 10 nafar yosh turistga bepul xizmat ko'rsatishi, shu davlatda turizm jadal rivojlanayotganidan dalolat beradi. O'z- o'zidan yosh kadrlar malakasini oshirish maqsadida ushbu davlatga tashriflari tobora o'sib boradi. Kundan – kunga yosh serg'ayrat turistlarning O'zbekiston hududiga ham tashrifi kuchaymoqda. Bu tizimni ham O'zbekiston bo'ylab keng targ'ib qilish lozim. Darhaqiqat, turistik mavsumi bo'lmagan vaqtlarda ham ichki turizmni rivojlantirish chora-tadbirlarni qo'llash lozim. Vatandoshlarimiz ziyorat qilish maqsadida ko'plab viloyatlardan tashrif buyuradilar. Ular ham hamyonbop mehmonxonalardan foydalanadilar. Shu o'rinda aytish joizki, xodimlarning muomala madaniyati alohida e'tibor qaratish lozim.

Ichki turizmni rivojlantirishda biz quyidagi natijalarga erishamiz.

- Malakali kadrlarni doimiy ish o'rni bilan ta'minlanadi;
- Mehmonxonalar ham mavsumi bo'lmagan davrlarda faoliyatini to'xtatmaydi;
- Aholi qatlamini turizm sohasiga bo'lgan talabi kuchayadi va aholi savodxonligini oshiradi;
- Ta'lim muassalarida tehsil olayotgan yoshlarning falsafiydunyoqarashini kengaytiradi.

Xulosa qilib aytganda, Buxoro- O'zbekistonning islom madaniyati markazidir. Buxoroning tarixiy obidalari, ko'hna shaharlari, pirlar makoni, albatta bir mo'jizadir. Ajdodlarimiz qoldirgan izlar mahsulidir. Yosh avlodning vazifasi har tomonlama nazariy yondashib, bu zaminni dunyoga tarannum etishdir.

TURIZM SOHASINI RIVOJLANTIRISH UCHUN RAG'BATLANTIRISH MEXANIZMLARINING AHAMIYATI

Muxamedjonova M. Buxoro davlat universiteti o'qituvchisi

Mamlakatimizda turizm sohasini rivojlantirishga alohida e'tibor berilmoqda. Masalan, 2016-yil 2-dekabr sanasida qabul qilingan PF-4861-sonli "O'zbekiston Respublikasida turizm sohasini jadal rivojlantirishni ta'minlash chora tadbirlari to'g'risida"gi farmoni soha rivojida juda katta qadam bo'ldi. 25 yillik mustaqil O'zbekiston tarixida ilk bora turizm iqtisodiyotning muhim sektori, strategic yo'nalish sifatida talqin qilina boshladi. Bu esa turizm sohasini rivojlantirish endi favlat siyosati darajasiga yetganligini ko'rsatardi. Farmonda Shuningdek, quydagilar dolzarb qilib belgilandi:

- 2017 yilning 1 apreliyacha Toshkent, Samarqand, Buxoro va Urganch shaharlarining xalqaro aeroportlarida xorijiy turistlar uchun "yashil yo'lak" bojxona nazorati tizimini, pasport va bojxona nazoratidan o'tishning, bagajni olishning soddalashtirilgan tartib-taomilini joriy etish hamda transport xizmati ko'rsatishni yaxshilash yuzasidan zarur chora-tadbirlar ko'rish;
- aeroportlar va vokzallarda rezidentlar va norezidentlarning pasport nazoratidan alohida alohida o'tishlarini tashkil qilish;
- aeroportlar va temir yo'l vokzallarida qulay turizm axborot makonini, shu jumladan turizm-axborot punktlari faoliyatini tashkil etish va rivojlantirish. {1}

Mazkur tadbirlarni amalga oshirish asosiy transport uzellarida xizmatlar ko'rsatish sifatining eng ilg'or jahon standartlariga mos kelishini ta'minlashga, mamlakat xalqaro aeroportlari va vokzallarining reytingini oshirishga qaratilgan. Turizm sohasidagi tadbirkorlik faolligini

yanada rag'batlantirish, turizm infratuzilmasini rivojlantirish, turizm tashkilotlariga qo'shimcha quyidagi imtiyoz va preferensiyalar berish maqsadga muvofiqdir:

- turizm operatorlari ular tomonidan ko'rsatiladigan turizm xizmatlari uchun tushadigan xorijiy valyutadagi tushumni majburiy sotishdan ozod qilinadi;
- mehmonxonalar xorijiy valyutadagi tushumning faqat 25 foizini belgilangan tartibda majburiy sotadilar;
- xorijiy fuqarolar tomonidan mehmonxonalar xizmatiga haq to'lash erkin ayirboshlanadigan valyutada amalga oshiriladi, ular uchun to'lov respublikaning davlat va byudjyet tashkilotlari tomonidan amalga oshiriladigan hollar bundan mustasno;
- yuridik shaxslar kamida 4 yulduzli darajadagi mehmonxonalar va motellarni foydalanishga topshirganda ular yuridik shaxslarning foyda solig'i, yer solig'i va mol- mulk solig'idan, Shuningdek yagona soliq to'lovidan 5 yil muddatga ozod qilinadi;
- turizm faoliyati sub'yektlari tomonidan sig'imi 9 kishidan ortiq bo'lgan yangi avtotransport vositalari sotib olinganligi uchun Respublika yo'l jamg'armasiga yig'im avtotransport vositalari qiymatining maksimal darajadagi 20 foizi emas, balki 3 foizigacha miqdorda undiriladi.[1]

Farmonda Turizmni rivojlantirish davlat qo'mitasiga manfaatdor idoralar bilan birgalikda 3 oy muddatda O'zbekiston Respublikasining turizm sohasini o'rta muddatli istiqbolda rivojlantirish Kontsepsiyasini, Shuningdek 2017-2021 yillarda Kontsepsiyani amalga oshirish yuzasidan aniq chora-tadbirlar Dasturini Vazirlar Mahkamasiga taqdim etish vazifasi topshirilgan. {2}

Farmonni bajarish yuzasidan O'zbekiston Respublikasi Prezidentining Turizmni rivojlantirish davlat qo'mitasi faoliyatini tashkil etish to'g'risidagi qarori qabul qilindi. Qarorda davlat qo'mitasi faoliyatining asosiy vazifalari va yo'nalishlari belgilab berilgan, davlat qo'mitasining tashkiliy tuzilmasi va Nizomi tasdiqlandi, Shuningdek milliy turizm mahsulotini xorijga namoyish qilish, turizm sohasida kadrlar tayyorlash va turizm xizmatlarini sertifikatlash bo'yicha bir qator idoraviy tashkilotlar tuzildi.

Mazkur Farmonni amalga oshirish iqtisodiyotni barqaror rivojlantirishga, tarkibiy o'zgartirishlar va diversifikatsiya qilishga, barcha mintaqalarni va turdosh tarmoqlarni kompleks ravishda ildam rivojlantirishning yetakchi kuchi bo'lish imkoniyatiga ega mamlakat iqtisodiyotining strategik tarmog'i sifatida turizmni jadal rivojlantirishni ta'minlashga, Shuningdek O'zbekistonning jozibador turizm markazi sifatidagi ijobiy qiyofasini shakllantirishga butun choralar bilan ko'maklashadi.

Bundan tashqari xuddi shu sanada qabul qilingan PQ-2666-sonli Prezident qarori, 2017-2021-yillarda O'zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo'nalishlari bo'yicha Harakatlar Strategiyasida belgilangan vazifalar hamda 2017-yil 16-avgustda qabul qilingan PQ-3217-sonli Prezident qarori aynan turizm sohasini rivojlantirishga qaratilgan chora-tadbirlarni dolzarb va ahamiyatli qilib belgilagan.

Har qanday soha qonunchilik va davlat tomonidan beriladigan imtiyozlar orqali o'z rivojini topadi. Turizm sohasi ham bevosita erkin tadbirkorlikka asoslangan bo'lib, dunyo miqyosida qilinayotgan yangiliklar va mamlakatdagi islohotlar bevosita ta'sir ko'rsatadi. Xalqaro tajribada Shuni ko'rish mumkinki, soliqlar tizimi aynan turizm sohasi uchun turli imtiyozlarni joriy qilganlar. Yevropa Ittifoqi mamlakatlari turizm va mehmonxonalar faoliyati uchun 6- 25% atrofida bo'lgan qo'shimcha qiymat solig'ini (QQS) tenglashtirishga yo'naltirilgan siyosatni olib boradilar. Misol uchun, Germaniya va Luksemburgda o'rtacha QQS miqdori 15% qilib belgilangan. Daniya va Shvetsiyada maksimal QQS miqdori 25%ga teng. Ispaniyada joylashtirish uchun QQS o'rtacha 7% ni tashkil qiladi mehmonxonalar darajasiga qarab o'zgarishi mumkin, ovqatlanish (restoran xizmatlari), avtomobillarni ijaraga olish uchun QQS esa 16%gacha yetadi. Gretsiyada joylashtirish va ovqatlanish uchun QQS 8% ni tashkil qiladi va hukumat nomavsumiy paytlarda turistik xizmatlar ko'rsatuvchifirmalarga imtiyozlar tizimini ishlab chiqqan. Fransiyada turizm faoliyati uchun QQS o'rtacha 10% ni, shu jumladan joylashtirish uchun 6% ni, ovqatlanish xizmatlari uchun 19% ni tashkil qiladi. Avstriyada joylashtirish va ovqatlanish uchun QQS 10% miqdorida belgilangan. Lekin turistik soliqlar to'g'risidagi federal qonunga asosan barcha turistik

tashkilotlari har bir turistning yashashi uchun mahalliy to'lov to'laydilar (jamoahududida-jamoaga, kurortlarda-kurort jamg'armasiga).

Shuningdek davlat tomonidan yangi turistik ob'yektlarning qurilishi uchun yerlarni past narxlarda sotish va ma'lum muddatga ijaraga berish (Kiprda 99-yilga, Isroil va Turkiyada 49-yilgacha) yo'li bilan rag'batlantiriladi, bunda ijara muddati tugagach yana Shuncha yilga cho'zilishi mumkin.

Atrof-muhitning tez sur'atlar bilan ifloslanib ketayotganligi munosabati bilan turizm sohasidagi davlat siyosati ko'proq atrof-muhitni muhofaza qilishga yo'naltirilmoqda. Bir qator mamlakatlarda turizm atrof-muhitni himoya qilishni ham rejalashtirishni nazorat qiluvchi maxsus hay'atlar faoliyat yuritadilar (Buyuk Britaniya, Fransiya, Skandaviya davlatlari).

Rio-de Janeyro shahrida, 1992 yilda Jahon turizm tashkiloti XXI asr uchun ish dasturini qabul qilgan bo'lib, unga 182 davlat birikkan. Ushbu dasturning amalga oshirishda asosiy vakolat turizm bo'yicha davlat muassasalariga berilgan. Reja uzoq muddatli dasturlarni yaratish uchun ishlatilishi mumkin bo'lgan uch asosiy qurolga urg'u beradi.

- atrof-muhitni himoya qilishni nazarda tutuvchi yangi tovarlar ishlab chiqish yoki amaldagi choralarni kuchaytirish;
- turizm industriyasida mahsulot tozaligini kafolatlash uchun mo'ljallangan dasturlarni yaratish.

Turizm davlat idoralari uzoq muddatli dasturlarni yaratishda yetakchi o'ringa ega. Bir qator mamlakatlar bunday dasturlarga ega (Rossiya, Finlandiya, Avstria, Filipin va boshqalar). XXI asr uchun ish dasturi turizm bo'yicha davlat idoralari oldiga quyidagi asosiy masalalarni qo'yadi:

- nazorat qiluvchi iqtisodiy va boshqa tizimlarni kamaytirish;
- turizmning iqtisodiyotga, jamiyatning ijtimoiy va madaniy hayotiga va atrof-muhitga ta'sirini baholash;
- turizm sohasida xizmatchi kadrlar tayyorlash;
- turizmning uzoq muddatli barqaror taraqqiyotini rejalashtirish,
- rivojlangan va rivojlanayotgan mamlakatlar o'rtasida ma'lumot almashish;
- jamiyat barcha qismlarining turizmni rivojlantirishda qatnashuvi;
- yangi turmahsulot tuShunchasi;
- amalga oshirilgan chora-tadbirlar natijalarini baholash;
- xalqaro faoliyatda hamkorlik o'rnatish.

Mazkur dasturda quyidagi vazifalar belgilangan:

- dastur maqsadlarini amalga oshirish bilan shug'ullanuvchi, turizmning rivojiga yo'naltirilgan mavjud milliy, xalqaro va boshqa tizimlarning faoliyatini baholash;
- turizmning xususiy va davlat tarmoqlari o'rtasida hamkorlik;
- turizm tarmog'iga soliq va to'lovlar solish shu tariqa belgilanishi kerakki, turizm infratuzilmasini kengaytirish, atrof-muhitni yaxshilash va boshqa maqsadlar uchun yetarli mablag'lar bo'lsin;
- tovar va xizmatlar uchun turizm bilan bog'liq ekologik xarajatlarni hisobga oluvchi narxlarni kafolatlovchi iqtisodiy chora-tadbirlar qabul qilish.

Rag'batlantiruvchi choralar Shuningdek turistik firmalarning atrof-muhitni muhofaza qilish borasidagi yutuqlarini rag'batlantirish uchun ham ishlatilishi kerak. Ikkinchi vazifa o'z ichiga turizm taraqqiyoti jamiyatning ijtimoiy-iqtisodiy va madaniy hayoti uchun oqibatlarini baholashni oladi. Bu esa o'z navbatida suv resurslari, elektr quvvati, transport vositalaridan samarali foydalanish, turizm sohasida ish bilan ta'minlash, mahalliy aholi qatnashuvi siyosatining mavjudligi, atrof-muhit, madaniy, tabiiy va tarixiy qadriyatlarni muhofaza qilish kabi masalalar ko'rib chiqish zaruratini tug'diradi.

Mamlakatimizda ham turizm sohasi bo'yicha ko'plab samarali islohotlar amalga oshirilmoqda. Yuqoridagi mamlakatlardagi kabi O'zbekiston ham soliq tizimida turizm sohasi uchun turli imtiyozlar belgilangan. Faoliyatining ilk davrida (6 oygacha) daromad solig'idan ozod qilinganligi, agar to'rt va undan yuqori yulduzli mehmonxona tashkil qilingan taqdirda 5 yilgacha turli to'lovlardan imtiyozlar berilganligi aynan turizm sohasining rivojlanishi uchun muhim manbadir.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1. “O‘zbekiston Respublikasida turizm sohasini jadal rivojlantirishni ta‘minlash chora tadbirlari to‘g‘risida”gi farmon, Toshkent 2016-yil 2- dekabr, Sh.Mirziyoyev.
2. “Turizm sohasida qo‘shimcha imtiyozlar yaratildi” tahliliy maqola. 2016-yil 6-dekabr.
3. Боголюбов В.С. Экономика туризма. Учебное пособие. - М.: Академия. 2005. – 94 -96 с

SUGGESTIONS ON FURTHER DEVELOPMENT OF TOURISTIC POTENTIAL OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

Inamova M.T.,

(Teacher of Foreign languages faculty, ASU, Andijan city)

Abdumannonov X.A.,

(Student of the 3rd course of Foreign languages faculty, ASU, Andijan city)

Abdumannonov A.A.,

(10th grade pupil of school №22, Bo‘ston district, Andijan region)

Human being was always fascinated in knowing more about himself and the world wholly, wanted to discover new and strange territories since the beginning of his existence. These actions, mainly, were carried out, if we speak in a current style, through tourism. “*Tourism*”, according to ‘*Britannica*’ (online Internet resource), means the act and process of spending time away from home in pursuit of recreation, relaxation, and pleasure, while making use of the commercial provision of services. As to their purpose, tourism has several special fields such as pilgrimage tourism, business tourism, sports tourism, agro tourism, gastro tourism, heritage tourism and others.

[1]

In our modern world, tourism is thought to be one of the most profitable sectors of the country’s economic policy. As in the whole world, in Uzbekistan, tourism is developing nowadays in accelerated form. The number of foreign visitors coming to our country and their interest is increasing more and more year by year. Statistics will serve as the evidence. If in 2017, the number of tourists that came to Uzbekistan was approximately 2.7 million people, then by the end of 2018 this number almost doubled and amounted to more than 5 million people. By the end of 2019 the number of travelers attained 6.7 million tourists. For this enhancement, certainly, helped the number of tourist companies (1482 by 2019 year) and touristic stays (1188 by 2019 year) according to statistics of the State Committee of the Republic Uzbekistan on tourism development (Uzbekturizm.uz). [2]

Particular attention is paid to the reformation of the sphere by the head of state and government bodies. Such care can be seen in the decrees and resolutions of the President of the Republic of Uzbekistan, such as “On additional measures for the implementation of an effective public security system at the objects of transport and tourism” № RP-4229 by 06.03.2019; “On additional measures for the accelerated development of tourism in the Republic of Uzbekistan” № DP-5611 by 05.01.2019; “On establishing The Silk Road international university of tourism” № RP-3815 by 28.06.2018; “On measures to ensure accelerated development of domestic tourism”

№ RP-3514 by 07.02.2018; “On measures for further improvement of activity of the State committee of the Republic of Uzbekistan for the development of tourism” № RP-3510 by 06.02.2018 and others. [3]

In connection with the ongoing changes in the field of tourism and pursuant to a number of the above mentioned government decrees, in front of the representatives of touristic and other areas there are a number of tasks for solving. Some of these problems include:

- a) Updating the state’s touristic infrastructure;
- b) Continuous improvement of the tourist services sector;
- c) Attracting professionals and retraining of personnel in this field, guides and translators and others.

Foreign language proficiency is one of the key factors in the training of modern and competitive guide-translators. Consequently, foreign languages serves as a the basis for the interpretation of cultural heritage. It is also desirable to develop not only their linguistic, but also socio-cultural potential. In other words, professional linguo-cultologic development in conversation of the guide-translators primarily opens the way to international tourism prospects.

Training in terms of foreign experience, provided for guides and translators in the institutions of personnel training, presence of such disciplines in teaching process like *The theory and practice of language*, *Theory and history of culture*, and such special subjects as, *History of monuments*, *Hotel service*, *Cross-cultural dialogue in the field of tourism*, *Etiquette of communication* will significantly contribute to the development of the sector. Unfortunately, such curricula are not included in our curriculum as core subjects. Therefore, special attention should be paid to teaching them as a science of choice.

One of these serious problems is also the language barrier facing many foreign travelers. In the light of the decision of the context of linguistic issue, it seems to us, it is urgently necessary to compile various types of mobile, short-pocket multilingual dictionaries and phrasebooks. It is known that, in recent years, many of this kind of dictionaries have been created to help guides, translators and tourists themselves. Among these works can be attributed Uzbek-English-Russian phrasebook (K. Shadmanov, D. Abdullaev and others); Chinese-Uzbek short thematic dictionary (I. Kasimov); and many mobile applications (mainly based on Android OS), for example, Uzbek-Russian reference book; English-Uzbek phrasebook; Uzbek-Turkish phrasebook; Uzbek-French phrasebook, etc.

These above mentioned handbooks may somehow compensate the current situation of touristic potential of the state, but not the whole. Therefore, it is proposed first of all to draw up two-, three- and multilingual dictionaries based on Asian and Middle Eastern languages, taking into consideration that a large number of tourists (80%) fall precisely on residents of the CIS countries, the Middle and Far East. For example, short and mobile dictionaries of phrasebooks such as Indian-Uzbek-Russian; Japanese-Uzbek; Korean-Chinese-Uzbek; Arabic-Uzbek and others. Considering that 20% of the total number of tourists accounts for residents of Europe and the Far West, the compilation of dictionaries is requested by. For instance, English-German-French-Russian-Uzbek; Brazilian-English-Russian; Italian-Uzbek; Spanish-Uzbek dictionaries and others will be highly needed.

When compiling such kind of dictionaries, linguists-lexicographers face a number of tasks for solutions. First of all, it's important to compile a dictionary where you need to choose the most frequent words, found both throughout Uzbekistan and in a specific area. For example, Short Uzbek-Russian frequency dictionary of tourism, Frequency dictionary of ecotourism (ethno tourism, agro tourism, pilgrim tourism, etc.), which will include words and definitions that reflect the current real tourist map of Uzbekistan. Here you need to find active and everyday words and terms. One more stumbling-block is the translation of the peculiar realities of the unique words of Uzbek people. For example, realities of Uzbek life as *tandir*, *do'ppi*, *alla*, *o'lan*, *sumak*, *beshtik*, *kelin salom*, *maqom*, *chopon*, *osh-palov* and many others. [4]

Indeed, learning foreign languages by the residents of the country is very important in the development of tourism. Consequently, we need to learn and teach more foreign languages today, because in our country there are a small minority of people who speak several foreign languages. We consider that we should teach more languages in order to interpret our cultural heritage, culture, traditions and our ancient heritage of almost 4,000 years in languages of overseas countries. For example, when it comes to national cuisine, it is easy to cook and how attractive and delicious it is and it is desirable for us to demonstrate the benefits of health in many languages. There are many travelers, from foreign countries, who are not capable of speaking English or Russian, and if we speak 5-6 languages instead of 2-3 our state would have been very interested in by tourists from abroad. For this we need to do more.

As an alternative ways for the development of tourism we may consider the followings:

- ◆ Government should simplify the system of issuance and issuance of electronic entry visas.
- ◆ Setting up an international TV channel to show a variety of exciting travel programs.
- ◆ Privileges ought to be provided to business entities that establish wireless access points in the network.
- ◆ Increasing the number of Wi-Fi zones in sightseeing places.
- ◆ All products that attract tourists should be labeled with QR-codes.
- ◆ It is highly needed to hire authoritative foreign professionals for advertising our countries cultural heritage for tourists.

As our President Shavkat Mirziyoyev has noted: *“A tourist should travel, not to be concerned in Internal Affairs Agencies. If we want to create jobs for the sake of tourism, we must not set an ultimatum for the tourist, but we must create conditions for his stay.”*

Taking into account that the Republic of Uzbekistan possesses one of the greatest opportunities among the countries of the globe, it is quite possible for us to enhance the touristic potential. Uzbekistan has such touristic cities as Samarkand, Bukhara, Khiva, Tashkent, Ferghana and others. We should thoroughly think about this and meet the requirements of all institutions associated with tourism in showing the history and cultural heritage of Uzbekistan, the historical and cultural heritage of the regions, introducing tourists some knowledge of Uzbek etiquette, airport, train station, knowledge of the required vocabulary in hotels, restaurants, historical monuments and its practical application skills. In particular, the staff of guide-translators should be professionals in translation and interpretation.

In conclusion, we would like to emphasize that in connection with the development of multiscale relations of our Republic with foreign countries, expanding opportunities provided by the regional government tourism, both external and internal. If we follow the above suggestions, the arrival of tourists will be increased by ten times. As a result, many job opportunities will be created. We hope that in the near future we will solve the problem of the sphere we are addressing. As a result, the economic indicators of our country can reach high levels.

List of used literature:

1. www.Britannica.com
2. www.Uzbektourism.uz
3. www.Lex.uz
4. Intercultural communication through the prism of tourism: experience, current issues and perspectives. Proceedings of international scientific- practical conference. – Samarkand: SamSIFL, 2019. – 366p.

ISLOM MADANIYATINING BEBAHO MA'NAVIY QADRIYAT SIFATIDA MILLIY G'OYANI RIVOJLANTIRISHDA TUTGAN O'RNI

Ashuroxunova Shahnoza Toxir qizi, Guliston davlat universiteti talabasi

Ma'lumki, har qanday mamlakatning, har qanday jamiyatning rivojlanishi, taraqqiyot cho'qqilarini zabt etishi uchun o'z oldiga qo'ygan ulkan maqsadlari va bu maqsadlarga erishishi uchun belgilab olgan bir qator vazifalari mavjud bo'ladi. Bu maqsadlarni esa millatning o'tmishi, buguni va istiqbolini o'zida mujassamlashtirgan, uning tub manfaatlarini ifodalab, taraqqiyotga xizmat qiladigan ijtimoiy g'oya shakli bo'lmish milliy g'oya tushunchasi tashkil etadi. Shu ma'noda bugungi kunda Vatanimizni yanada rivojlantirish yo'lida amalga oshirilayotgan bir qator islohotlar jarayoni mazmunini muhtaram yurtboshimiz Shavkat Mirziyoyev ta'biri bilan aytganda Milliy tiklanishdan milliy yuksalish sari deb nomlangan bosh g'oya, ya'ni xalqimizning bugungi kundagi shu nomdagi milliy g'oyasi tashkil etmoqda. Milliy g'oya tushunchasiga bevosita to'xtalib o'tar ekanmiz, uni rivojlantiruvchi eng muhim omillardan biri ham madaniyat tushunchasi ekanligi, madaniyat fenomeni sifatida esa bevosita islom madaniyati maydonga chiqishi tabiiy hol ekanligini ta'kidlab o'tish o'rinlidir.

Birinchi navbatda "Islom madaniyatining tarkibiy qismini nimalar tashkil etadi?" degan savolga javob topib olsak. Ya'ni "Islom madaniyati" tushunchasi mohiyatini mazkur dinda ilm olishga va ilm ahliga bo'lgan munosabat, muomala madaniyati, oila va farzand tarbiyasi, sabr-bardosh, shukronalikka da'vat, o'zaro mehr-oqibat, inoqlik, mehmondo'stlik hislatlarining birinchi o'ringa qo'yilishi, halollik va poklikka katta e'tibor berilishi va shu kabi bir qator fazilatlar tashkil etadi. Sanab o'tilganlardan ham ko'rishimiz mumkinki, ularning barchasi asrlar davomida xalqimizning qon-qoniga singib, milliy ma'naviy qadriyatimizga aylanib ulgurgan tushunchalardir..

Shu o'rinda O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning 2017 yil sentyabr oyida Nyu-Yorkda bo'lib o'tgan Birlashgan Millatlar Tashkiloti Bosh Assambleyasining 72-sessiyasida qilgan ma'ruzasida Islom dini haqida bildirgan fikrlarini keltirib o'tishni joiz deb bildik:

"Biz butun jahon jamoatchiligiga islom dinining asl insonparvarlik mohiyatini yetkazishni eng muhim vazifa, deb hisoblaymiz. Biz muqaddas dinimizni azaliy qadriyatlarimiz mujassamining ifodasi sifatida behad qadrlaymiz. Biz muqaddas dinimizni zo'rovonlik va qon to'kish bilan bir qatorga qo'yadiganlarni qat'iy qoralaymiz va ular bilan hech qachon murosa qila olmaymiz. Islom dini bizni ezgulik va tinchlikka, asl insoniy fazilatlarni asrab-avaylashga da'vat etadi".

Darhaqiqat, Islom madaniyatining eng muhim va salmoqli vazifasi kishilarda yusak insoniy fazilatlarni shakllantirishdan iborat ekanligidir. Shu bilan birga undagi ota-onaga muosabat, ilmga munosabat, insoniyat uchun bebaho ma'naviy qadriyatlar silsilasini tashkil etadi.

Biz yuqoridagi fikrlarimizda Islom madaniyatini bebaho ma'naviy qadriyat deb atadik. Va shu ma'naviy qadriyat Milliy g'oyamizni rivojlantiruvchi omil ekanligini ta'kidlab o'tdik. Xo'sh, "qadriyat" tushunchasining "Islom madaniyati" tushunchasi bilan bog'liqlik nuqtasi qayerda? Ilmiy adabiyotlarda, atamalar lug'atlarida ta'rif berilishicha qadriyatlar axloqiy qoida va me'yorlar, ideallar va maqsadlardagi baholash mezoni va usullarini ham o'zida aks ettiradi. Ular halollik, poklik, o'zaro yordam, adolatlilik, haqiqatgo'ylik, ezgulik, tinchlik, shaxs erkinligi, mehr-muhabbat, mehnatsevarlik, vatanparvarlik kabi fazilatlar, burch, vijdon, or-nomus, mas'uliyat kabi ahloqiy tushunchalar shaklida namoyon bo'ladi.⁷²

Xuddi shunday, Islom dinining muqaddas kitobi hisoblanmish Qur'oni Karimda ham insonlar go'zal, yaxshi, ezgu amallar qilishga buyurilganligini, solih amallar kishilarga faqat naf keltirishi, yaxshi amallar deyilganda namoz, zakot, ro'za kabi farz amallarni ado etish bilan bir qatorda, ilm o'rganish omonatga xiyonat qilmaslik, yolg'on so'zlamaslik va xayrli ishlar qilish deb e'tirof etilganligini ko'rishimiz mumkin. Go'zal va xayrli ishlar bilan mashg'ul bo'lish bilan bir qatorda insonning yomon xulqlardan ham boxabar bo'lishi va ulardan saqlanishi lozimligi Islom dini shartlaridan biridir. Zero Islom dinining asosiy mohiyati ham yomon axloqdan holi, yaxshi xuqli insonni shakllantirishdir.

Muhtaram prezidentimiz o'z nutqlaridan birida "Ko'p asrlik milliy va diniy qadriyatlarimizni asrab-avaylash, dunyo ilm-fani va madaniyati rivojiga ulkan hissa qo'shgan ajdodlarimizning bebaho merosini o'rganish, uning asosida yoshlarni komil inson etib tarbiyalash jamiyatda barqaror ijtimoiy-ma'naviy muhitni ta'minlashning muhim shartlaridan biri", - deb ta'kidlab o'tadilar. Darhaqiqat, bizning zamindan yetishib chiqqan alloma-yu mutafakkirlar nafaqat dunyoviy bilimlar, ilm-fan sohasida, balki, diniy ilm borasida ham o'zlarining durdona fikrlari bitilgan asarlari bilan butun dunyoga ma'lum-u mashxurdir. Fikrimizni xuddi shunday daholarimizdan biri, o'z davrining ko'zga ko'ringan ilohiyotchi olimi, Qur'oni karim va hadislar bilimdoni, Qur'oni Karimga yozilgan to'rt kitobdan iborat sharh muallifi Xusayn Voiz Koshifiyning "Axloqi muhsiniy" asarida ifodalangan islomiy madaniyatga oid mulohazalar bilan davom ettirsak.

Mazkur asarning bugungi mavzuimizga bevosita aloqador bo'lgan, ijtimoiy axloq qoidalari ya'nikim madaniyat qoidalariidan biri hisoblangan "chiroyli xulq" va "muloyimlik"ka bag'ishlangan bobidan bir parchani hukmingizga xavola etamiz.

"...xulqdan murod xushxulqlik, xushfellikdir va muloyimlikdan maqsad yumshoqlik va toza qalblikdir. Yana biridan murod lutfli va ko'ngil ovlovchi bo'lishdir, boshqa biridan maqsad

⁷² (MILLIY G'OYA: targ'ibot texnologiyalari va atamalar lug'ati. "Akademiya" nashriyoti. Toshkent - 2007. 330-331 betlar)

murosali bo'lmoqdir. Ammo xushxulqlik va xushfe'llik hamma ne'matlarning yaxshirog'i va sifatlarning go'zalrog'idir. Alloh taolo iymonni yaratdi, iymon dedi: "Iloho, menga quvvat ber". Haq taolo xushxulqlik va saxovat bilan unga quvvat berdi. Kufрни yaratdi, kufр dedi: "Iloho, meni kuchli qil!" Haq taolo uni badfe'llik va baxillik bilan baquvvat qildi.

Hadisi sharifda aytilishicha, badfe'l odam jannatga kirmaydi..."

Xudi shu asarda insoniy go'zal fazilatlaridan yana biri muloyimlik haqida quyidagicha fikr bildiriladi:

"Muloyimlikning ma'nosi xalq ichida yumshoqlik bilan muomla qilishdir ... Xabarda kelishicha, har bir ishda muloyimlik yor bo'lsa, shu ishning yaxshilik bilan tugashidan o'zga ehtimoli yo'q. har bir ishda qo'pollik va dag'allik hamroh bo'lsa, vayron bo'lishdan o'zga chora yo'q. Hazrati Haq o'z habibini mana bu sifat bilan ta'rif qiladi: Alloh taoloning so'zi "Fa-bima rahmatin minallohi linta lahum" ("Oli Imron" surasi, 159-oyat), ya'ni "Allohning rahmati sababli, (Siz, ey Muhammad) ularga (sahobalarga) muloyim bo'ldingiz", demakdir.

Qo'pol so'z do'stlik rishtasini uzadi, yumshoq so'z adovat pog'onasidan do'stlik martabasiga yetkazadi." ⁷³

Yuqoridagi parchadan ko'rinib turibdiki, islom dini insoniyatga xos eng go'zal fazilatlarini sharaflovchi, insonlarning o'zaro munosabatlarida yuksak axloqiy qoidalarni qo'llashga da'vat etuvchi mukammal dindir. Shuningdek, dinimizning muqaddas kitobi Qur'oni karimda keltirilgan xushxulqlik, muloyimlik va shu kabi bir qator insoniy fazilatlar allaqachon xalqimizning azaliy va o'chmas qadriyatlaridan biriga aylanib ulgurganligini hisobga olgan holda Islom madaniyati bebaho ma'naviy qadriyat sifatida xalqimizga xos milliy g'oyani rivojlantirishda eng yuksak pog'onada turuvchi kuch deb bema'lol aytishimiz mumkin.

Xulosa o'rnida ta'kidlash joizki, Islom madaniyati xalqimizning bebaho qadriyatini tashkil etib, milliy g'oyamizni rivojlantiruvchi asosiy kuch ekan, demak bu madaniyatni jahon miqyosida yoyilishiga o'zimizning munosib hissamizni qo'shmog'imiz, buning uchun esa yosh avlod tarbiyasida, ularni komil inson qilib voyaga yetkazish jarayonida Islom madaniyatini singdirib boorish yo'llarini tobora kengaytirmog'imiz lozim. Bu xususda, ta'limga oid adabiyotlar sirasiga dunyoga mashhur mutafakkirlarimizning islom diniga oid asarlaridan ham namunalar kiritilishini taklif sifatida bergan bo'lardim. Zero, dono xalqimizda "Yoshlikda olingan bilim – toshga o'yilgan naqsh kabidir" iborasi mavjudki, shu fikrdan kelib chiqqan holda farzandlarimizni dunyoqarashi shakllana boshlagan ilk davrlaridan boshlab Islom madaniyati sarchashmalari bilan sug'orib borsak, ular kelajakda komil inson bo'lib voyaga yetishlari, har bir ishga yuksak insoniy fazailatlar bilan yondashishlari va pirovardida yurtimiz nomini xuddi buyuk ajdodlarimiz singari butun dunyo bo'ylab yuksaklarga ko'tarishi zamin hozirlagan bo'lamiz.

ТУРИЗМ ИНДУСТРИЯСИ РИВОЖЛАНИШИДА ДАВЛАТНИНГ ТУРИЗМГА ТАЪСИР КЎРСАТИШ МЕХАНИЗМИ

Boltayeva Moxichexra Sharipovna, Buxoro davlat universiteti o'qituvchisi

Turizming industriyasining rivojlanish yo'llari- davlat miqyosida turizmning o'sishini ifodalaydi va kompleks o'sish yo'llarini turizmning turlari bilan ifodalovchi yaxlit bir kompleksni bildiradi.

Turizm industriyasining rivojlanish konsepsiyasi- ma'lum davrga rivojlangan dasturiy maqsad bo'lib, bajarish uchun tuziladi. Bu hujjat ilmiy izlanishlar uchun asosan tuzilib, o'z davri, zaxiralari, bajaruvchilari va erishadigan natijalari aniq bo'ladi. Davlat miqyosida tuzilgan konsepsiya tizimini dunyo bozoriga olib chiqishini asosiy maqsad qilib oladi.

Turizm industriyasining rivojlanish modeli- turizmning iqtisodiy va ijtimoiy rivojlanishi yo'lining hozir markazlashgan, monitoring va bozor rivojlanishi model lari. Har bir davlat o'z modelini tuzadi. Respublikamizda turizm sohasida bozor munosabatlariga asoslangan modeli

⁷³ Husayn Voiz koshifiy. Axloqiy muhsiniy. "O'zbekiston milliy ensiklopediyasi" davlat ilmiy nashriyoti. Toshkent – 2011y. 182-183 betlar.

tuzilyapti. Turizm industriyasining rivojlanishi asosida talab va taklif, raqobat, qiymat, qonunlari yotadi.

Respublika turizm industriyasining boshqaruvi tarmoq miqyosidagi ko'p mulkchilik hozirgi holati va unda xususiy mulkning ustuvorlik tamoyili, xususiy turistik biznesning ulushini yalpi ichki mahsulotda tobora ortib borishi, Xalqaro turistik andozalari darajasiga ko'tarish masalalarida xususiy biznesni va tadbirkorlar miqdorini yanada ortib borishi, xususiy mulkdorlar foydasiga qaytadan rasmiy ravishda ko'rib chiqishni taqozo etadi. Chunki tarmoq miqyosida nohukumat ijtimoiy turistik firma va korxonalar, eng avvalo, milliy xususiy turistik korxonalar, tashkilotlar shaklida ko'payib, bu sohada ular o'z mazmun va ahamiyatiga ega bo'lib bormoqdalar, Xalqaro turistik firmalar darajasiga chiqishga harakat qilmoqdalar. Hozir Respublikada xususiy turistik firma va tashkilotlarning soni 1300 ga yaqinlashib qoldi.

Mehmonxona va shunga tenglashtirilgan joylardagi kommunikatsiya va muxandislik tarmoqlarida ham muammolar bo'lmasligi turizm sohasining yangi pog'onalariga ko'tarilishida o'ziga xos o'rinni egallaydi. Bir tasavvur qilib ko'raylik: issiqlik tarmog'i ishlamaydigan, elektr tarmog'i past, kanalizatsiya tarmog'i bo'lmagan yoki ichimlik suvi talab darajada bo'lmagan mehmonxonalarda turistning bo'lishi, bular va boshqalar turizm sohasining rivojlanishidagi kechiktirib bulmas va tezda xal qilinishi zarur bo'lgan muammolardir. Ayniqsa, olis, tog'li joylar, yo'l trassalari kabi hududlarda bumuammolarni hal etish katta kapital mablag' talab qiladi. Hozir respublikamizning avtomobillar qatnaydigan trassalarida shoh bekatlarning ahvoli xorijiy turistlarga xizmat ko'rsatadigan darajada emas. Turist tezda hojatini chiqarib oladigan yoki zarur tibbiy yordam beriladigan ob'ektlarning yo'qligi, achchiq bo'lsa ham aytish kerak: turistlar xojaxonalari-yu boshqa karvonsaroylar qurilishi zamon talabi darajasida emas.

Bir vaqtlar Buyuk ipak yo'li o'tgan joylardagi muhim maskanlarda karvonsaroylar bo'lgan. Karvonsaroylar savdo karvonlari uchun hozirgi vaqtlardagi mehmonxonalar xo'jaligi vazifasini o'tagan. Unda karvonlar va savdogarlar tunaydigan xonalardan tortib, ichimlik suvi, ovqatlanish xizmati va boshqa xizmatlar (tabiblar, mashshoqlar, qo'riqchilar) o'z joyiga qo'yilgan. Yurtimiz ko'hna tarix va madaniyatga ega. Hozirda kanalizatsiya deb ataluvchi tarmoq bundan uch ming yil avval xizmat ko'rsatganligini isbotlovchi dalillarni arxeologiya sohasi olimlarimiz tadqiqot ishlarida ko'rsatib berishgan. Bu esa kommunikatsiya tarmoqlari, ichimlik suvi (sardobalar) maxsus quvurlar kulolchilik mahsulotlari sopol quvurlar orqali olib kelingan-ligidan daloldatdir. Mana shunday tarixiy, an'anaviy merosimizni yana tiklash, zamonaviy holatga keltirish ham bugungi kunning dolzarb masalasidir.

Hozirgi paytda turizm infratuzilmasida bank va moliyaviy tashkilotlar - xizmatlarning o'rni alohida. Turistlar sayohatda va dam olishda xilma-xil xizmat turlaridan foydalanishni xoxlaydilar. Ya'ni, o'z xohishi bo'yicha biror narsa sotib olishni istashadi. Bunda ular ko'ngil ochish uchun har kuni ko'p miqdorda pul sarflashadi. Pulni ayniqsa, katta miqdordagi pulni ko'tarib yurish, turistlarga noqulaylik va qiyinchiliklar tug'diradi. Turistlarning katta miqdorda pulni olib yurishi o'g'rilarni, qaroqchi va tovlamachilarni va har-xil turdagi jinoyatchilarni jinoiy harakat qilishlariga olib keladi. Turizm sohasi tashkil topishi bilanoq, to'g'rilanishi va tartibga olinishi mumkin bo'lgan xavfsiz pul bilan ta'minlash muammosi paydo bo'ldi.

Dastlab Tomas Kuk turizmni tashkil etishdagi ushbu muammoni hal etish bilan shug'ullangan va turistik faoliyatni tashkil etishning hamma tomonlarini o'rganib chiqqan. Natijada, u yo'l cheklarini ixtiro qilgan. Bu xavfsiz pul tizimi turizm maqsadida yaratilgan bo'lib, uni butun dunyo banklarida bemalol mahalliy valyutaga almashtirish mumkin bo'lgan. Bir qancha vaqt o'tib, bu tashabbusni Amerikan Ekspress firmasi o'ziga qabul qildi. Turizm sohasidagi bu ikki gigant sug'urta moliyaviy xizmatlar bo'yicha yetakchi korxonalariga aylandi. Keyinroq, plastik kartalar ixtiro qilindi. Viza, Amex, Diner Klub kabi dunyo miqyosidagi to'lov tizimlari yaratildi. Ushbu to'lov usullarining qo'llanilishi bilan turistlarning o'zlari bilan katta miqdorda pul olib yurishlari cheklandi. Barcha do'konlar, restoranlar va boshqa turistik markazlarning korxonalari kartalar bo'yicha naqd pulsiz to'lovlar qabul qila boshladilar.

Axborot xizmati ham turizm infratuzilmasida turistlarga ham va uning tashkilotchilariga ham juda zarurdir. Turist sayohatga tayyorlanayotganda hamda sayohat vaqtida o'zi boradigan joy

haqida o'sha mamlakat yoki boradigan hududning qonun-qoidolari, odatlari, mexmondo'stligi haqidagi qo'shimcha ma'lumotlarga, shuningdek, o'sha joyning haritasiga, transport magistrallari sxemasiga muhtoj bo'ladi. Sayohat va turistlarning sarguzashtlari haqidagi ma'lumotlar ommabop va maxsus adabiyotlar ko'rinishida chop etiladi va bu holat turistlarni sayohat qilishga chorlaydi. Zamonaviy turizm bo'lajak turistlarga bepul tarqatiladigan axborotlarni rang-barang ko'rinishida chop etishga e'tibor qaratiladi. Turizm sohasi boshqa sohalarga qaraganda 3-5 marta ko'p reklama qiladi. Hamma yirik turistik markazlar turistlar va turizm xizmatlari uchun axborot CD ROM disklarini chop etadi.

Turizm infratuzilmasini zamonaviy kompyuter xizmatlari bilan ta'minlash qiyin. Tezkor axborot va so'zlashuv, yangiliklardan xabardorlik turizmning yana bir jihatidir. Hozirgi turist internet, faks va boshqa zamonaviy texnika vositalaridan foydalanishi turizm infratuzilmasini qay darajada ekanligidan yana bir nishonadir. Zamonaviy elektron vositalari, shu jumladan, turistik xizmatlar turistik markazlar haqidagi ma'lumotlar joylashgan millionlab saytlarga ega bo'lgan internet tarmoqlari nafaqat sayohat va turistik agentliklarni tanlash, xattoki, tursayohatning chiptalari, xizmatlar uchun to'lovlarni ham oldindan tayinlab qo'yish mumkin. Turizm tashkilotchilari axborot xizmatidan keng ko'lamda foydalanadilar. Ular ham turistik mahsulotni tashkil etayotganida maxsus yo'l ko'rsatkichlarini o'rganadilar. Kolumbs Press nashriyatida har ikki yilda qayta chop etiladigan dunyoga mashhur yo'l ko'rsatkich World Travel Guide da 200 mamlakatning sxemalarini turistik markazlarning va agentliklarning har xil kataloglari mamlakat va butun dunyo bo'yicha transportning harakat jadvali chop etiladi.

Turizm industriyasi – bu mehmonxonalar va joylashtirish vositalari, transport vositalari, umumiy ovqatlanish ob'ektlari, ko'ngil ochish ob'ektlari va vositalari, bilim o'rnatish, davolash, sog'lomlashtirish, sportga doir, diniymarosimchilik, ishbilarmonlikka va boshqa maqsadlarga molik vositalar, turizm operatorlari va turizm agentligini amalga oshiruvchi, shuningdek, turistik ekskursiya va gid-tarjimonlik xizmatlarini taklif qiluvchi tashkilotlar majmuidir.

O'zbekiston Respublikasining «Turizm to'g'risida» gi Qonunda turistik industriya tushunchasi quyidagi tarzda ta'riflanadi: Turistik industriya – turistik faoliyatning turistlarga xizmat ko'rsatishini ta'minlovchi turli sub'ektlar (mehmonxonalar, turistik komplekslar, kempinglar, motellar, pansionatlar, umumiy ovqatlanish, transport korxonalari, madaniyat, eksport muassasalari va boshqalar) majmui.

Taraqqiyotning hozirgi bosqichida mamlakatning yoki turistik markazning ijtimoiy tuzilishidan qat'iy nazar turizm sohasida turistik faoliyatni amalga oshiruvchi bir qancha turli xildagi korxonalar, chunonchi: turizmni tashkillashtiruvchi turoperator va turistik agentliklar mavjud. Bundan tashqari turistlarni tashuvchi, mehmonxonalar va joylashtirish tizimining boshqa korxonalari, umumiy ovqatlanish, attraksionlar va ko'ngil ochar joylari, shuningdek, ular qatoriga bank sohasidagi muassasalar, sug'urta xizmati va boshqalar kiradi. Turizmning maxsus turlarida davolash muassasalari, o'qitish tizimi muassasalari hamda aniq turistik mahsulotning maqsadlariga muvofiq keladigan sport va boshqa muassasalar ishtirok etishlari mumkin. Bu tashkilotlarning barchasi bir-birlarini uyg'un ravishda to'ldirishi va iste'molchi uchun zarur bo'lgan hamda assortiment bo'yicha yetarli darajadagi barcha xizmatlarni ko'rsatadi.

Turizm tashkilotchilariga turizm sohasidagi ikki xil korxonalar mansubdir: turoperatorlar va turistik agentliklar. Bu korxonalar turizm xizmatining o'zi bilan bevosita shug'ullanmaydilar, balki faqat iste'molchi (turist) bilan bevosita xizmat ko'rsatuvchining o'rtasida vositachilik vazifasini bajaradilar. O'z navbatida ularning faoliyati - bu ham xizmat ko'rsatishdir. Fransiyaning turistik qonunchiligida bu korxonalarni ularning mohiyati va vazifasining harakteriga muvofiq ravishda turizm tashkilotchilari deb to'g'ri nomlaydilar.

**ИСЛОМ МАДАНИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА БУЮК МУТАФАККИР
БУРҲОНИДДИН АЛ-МАРГИНОНИЙ «ҲИДОЯ» АСАРИДАГИ ИҚТИСОДИЙ ФИКРЛАРИ**
Халикова Лола Назаровна, и.ф.н., доцент
Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти.

Аннотация: Ушбу мақолада буюк мутафаккирнинг солиқ илмига оид иқтисодий қарашлари таҳлил қилинган бўлиб бу борадаги илмий хулосалари ҳозирги кун ижодкорлигида ҳам эътиборга лойиқлиги муаллиф тамонидан талқин этилган.

Калит сўзлар: закот, мол-мулк, ушр миқдор, садақа.

Шарқ уйғониш даври шундай қомусий олимларни юзага чиқардики, уларнинг жаҳон маданияти ва илм фанга қўшган ҳиссаси ҳанузгача ҳайрат билан эътироф этилади. Бурҳониддин Маргиноний ҳам ана шундай буюк сиймолардан биридир.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримов таъкидлаганларидек «Ислом дунёсининг буюк алломаси, машҳур «Ҳидоя» асарининг муаллифи, XII аср бошида таваллуд топган улуг зот Бурҳониддин Маргиноний ҳам шу замин фарзандидир».

Бурҳониддин Маргинонийнинг тугилган ватанлари бугунги Ўзбекистондир. Улар Фарғона водийсининг Риштон қишлоғида таваллуд топганлар ва Маргилоннинг Пирсиддик маҳалласида 13 йил яшаганлар ҳамда шу ерда ўзларининг машҳур «Ҳидоя» китобларининг биринчи қисмини ёзганлар. Умрларининг сўнгги йилларини Самарқандда ўтказиб ушбу китобни (ҳижрий) 1178 йилнинг апрел ойида тугаллаганлар.

«Ал-Ҳидоя» арабча сўз бўлиб, «тўғри йўлдан олиб бориш» - ишончли қўлланма маъносидадир. «Ҳидоя» китоби бутун мусулмон оламида машҳур бўлиб келган Ислом ҳуқуқий-фикҳ илми бўйича энг аниқ изчил, мукамал асар сифатида тан олинган. Бу асарнинг учинчи жилдида олди-сотди, пул муаммолари, қафолат, бир ишда пул билан шерик бўлиш, пулни сақлашга бериш, қарз бериш, совға, ижара, муайян шарт асосида чекланган озошлик берилган куллар ва шу каби иқтисодий фикрларга бой бўлган маълумотлар ҳақида гапиради. Тўртинчи жилдида эса, деҳқончилик, богдорчилик хусусида шартнома ташландик ерларни ўзлаштириш хусусида, гаровга бериш, васият каби иқтисодий масалалар ёритилган. «Ҳидоя» энг мўтабар қўлланма яъни Ислом дунёсида энг ишонарли манбалардан бири бўлиб келмоқда.

Бурҳониддин Ал-Маргинонийнинг «Ҳидоя» асаридаги Закот китобидаги иқтисодий фикрлар

Закот бериш учун киши мусулмон бўлиши шарт, чунки закот бериш ибодат ҳисобланиди (яъни, закот бериш билан Оллоҳдан савоб умид қилинади). Ва яна: ҳисобга (мол-мулкнинг белгиланган миқдорига) эга бўлиши лозим. Расулulloҳ (с.а.в.): «Могу мулкка то бир йил вақт ўтмагунча закот йўқдир», деганлар.

Закот бериш ушр ва хирож ҳукмидадир. Бизнингча (яъни, ҳанафий мазҳабига кўра), закот ибодат ҳисобланади (яъни, молиявий ибодат), ибодат эса фақат ихтиёрий тарзда амалга оширилади. Хирож унинг аксичадир (закот ҳукмида эмас). Чунки хирож ернинг тўловидир.

«Могу закот ҳисобига етган, аммо ушбу маблағ миқдорига қарзи бор киши ҳам закот бериши вожиб эмасдир».

«Агарда молининг миқдори зиммасидаги қарздан зиёда бўлса ва ушбу ошган молининг миқдори ҳисобга етса, шунгагина закот беради, чунки бу қарздан зиёда маблағни аслий ҳожатидан ортиқчадир».

Аслий ҳожат деб эътироф қилинадиган қарз деганда эгалари талаб қилиб турган қарзи тушунилади. Чорва молларидаги закотнинг берилишини подшоҳ талаб қилиб туради, тижорат молларидан закот берилишини подшоҳнинг ноиблари яъни, ҳокимлар талаб қиладилар, чунки ҳокимлар подшоҳнинг ноибларидир.

«Яшаш жойлари (уйлар), киядиган кийимлар, уй анжомлари, улов учун мириладиган хайвонлар, хизмат учун тайинланган куллар ва ишлатиладиган курол-аслаҳалардан закот берилмайди».

Чунки мазкур нарсалар аслий эҳтиёжга (яъни, кундалик ҳаётга) зарур нарсалардир. Шунингдек, улар ўсмайдиган (кўпаймайдиган) нарсалардир.

Илм аҳлининг (олимларнинг) китоблари ва ҳунармандларнинг асбоблари ҳам ушбу ҳукмдадир (яъни кўпаймагани учун булардан ҳам закот бериб бўлмайди).

Ҳазрати Али (р.а.): «Кўлда бўлмаган ва умид узилган мулкда закот йўқдир», деган.

Шунингдек, молда закот вожиб бўлишининг асосий сабаби молу-мулкнинг ўсувчи (кўпаювчи) бўлишидир.

«Кимки закот бериш ниятида бўлмасдан, бутун мол-мулкни садақа қилиб бериб юборса, у кишидан фарз бўлган соқит бўлади».

Чорва молларидан закот бериш учун, бештадан кам бўлмаган туядан закот бериш вожиб эмас. Агарда туялар бештага етса ва шундан сўнг бир йил ўтса, то улар тўққизтага етгунча ҳар йили биттадан қўй бериш вожибдир.

Агарда туялар ўнтага етса, то ўн тўрттага етгунча йилига иккитадан қўй бериш вожибдир.

Ўттизтадан оз бўлган чорвада, сигирда садақа (яъни закот) йўқдир, агарда чорва, сигирлар ўттизта бўлса ва бунга бир йил ўтган бўлса, унда икки ёшга ўтган букача ё таначани закот қилиб бериш вожибдир.

«Қирқтадан оз бўлган чорва қўйларида закот йўқдир».

Зеро, Расулulloҳ (с.а.в.) айтадиларки: «қирқта қўйга битта қўй вожибдир».

Ишлатишга ажратилган, юк кўтарадиган ва уйда овқат бериб боқиладиган моллардан закот берилмайди. Закот олишга ҳақли бўлган киши эса, фақир киши бўлади ва уни закот берувчининг ўзи аниқлайди.

Тилла, кумуш ва тижорат молларидан закот бериш – қуйидагича «Икки юз дирҳамдан оз бўлмаган кумушда закот вожиб эмасдир».

«Беш уқиядан кам кумушда закот йўқ», деган ҳадисларига биноандир. Бир уқия – қирқ дирҳамдир.

«Кумуш икки юз дирҳамга етиб, бунга бир йил ўтса, ундан беш дирҳам закот бериш вожибдир».

Яъни: «Ҳар икки юз дирҳам кумушдан беш дирҳам ва ҳар йигирма мисқол тиллодан ярим мисқол закот олгин», деб ёзган эдилар.

«Йигирма мисқолга етмайдиган тилладан закот вожиб эмас, агар тилла йигирма мисқол бўлса, ундан ярим мисқол закот бериш вожиб». Ҳар етти мисқол ўн дирҳамга баробардир.

Ҳар бир динор тилло, шариатга кўра, ўн дирҳам кумушга тенгдир. Демак, тўрт мисқол тилло қирқ дирҳам кумуш каби бўлади⁷⁴.

Абу Ҳанифа (раҳимахуллоҳ) айтадики «Тилло ва кумушнинг хомидан, улардан ясалган зийнатдан ва идишлардан закот бериш вожибдир».

Бизнинг (ханафийларнинг) фикримизча, закот вожиб бўлишининг асосий сабаби молнинг ўсувчи бўлмоғидир ва бу нарсаларда ўсиш белгиси мавжуддир, чунки бу нарсалар аслида тижорат учун ясалган.

Тижорат молларидан закот бериш фасли қуйидагича: яъни, «Тижорат молларини нархга бичиб, ҳар икки юз дирҳамдан беш дирҳам закот берилади», деганлар. Чунки бу молларнинг соҳиби тижорат учун ҳозирлагани боис, улар кўпайишининг тайёрлангани мол ҳисобланади.

Закотни кимга бериш мумкин ва мумкин эмаслиги ҳақида **Мусанниф** (раҳимахуллоҳ) айтади: «Бу борадаги асос Оллоҳ таолонинг: «Албатта, садақалар (яъни закотлар) Оллоҳ томонидан фарз бўлган ҳолда, фақат фақирларга, мискинларга, садақа йиғувчиларга, кўнгиллари (Исломига) ошна қилинувчи кишиларга, бўйинларни (қулларни) озод қилишга,

⁷⁴ Бурҳониддин ал-Марғиновий. Ҳидоя 1 жилд 371 бет.

қарздор кишиларга ва Оллоҳ йўлида (яъни, жиҳодга ёки ҳажга кетаётганларга) ҳамда йўловчи мусофирларга берилади».

«Фақир деб озгина нарсаси бор кишига айтилади, мискин эса ҳеч нарсаси йўқ кишидир».

Бизнинг улламоларимиз фикрларига кўра, закот йигувчиларга бериладиган ҳақ эҳсон тарзида бериладиган улуш эмас, балки бажарилган маълум иш эвазига бериладиган ҳақдир, шунинг учун ҳам закот йигувчиларга, гарчи ўзлари бой бўлсалар ҳам, бажарган ишлари учун ушбу закотдан ўз ҳақларини олаверадилар. Оллоҳ йўлида жиҳодга чиқадиган бойларга закотдан берилмайди, чунки закот фақат камбағалларга берилади. Закот Оллоҳнинг ҳақи бўлиб, мазкур одамлар фақирликлари сабабли закот олишга мустаҳиқ бўладилар.

«Хур (озод) бўлган мусулмон киши агарда ўзининг турар жойидан, кийимидан, уй асбобларидан, от-уловидан қурол-аслаҳасидан ва қулларидан ташқари, нисоб миқдорига этадиган мулкка эга бўлса, унинг зиммасига фитр садақасини бериш вожиб бўлади». Фитр садақаси бериладиган нисобда молнинг ўсувчан бўлиши шарт эмас, зеро, фитр садақаси бош, яъни жон садақасидир. Бунинг «фитр садақаси» деб номланишига сабаб, ушбу садақанинг «фитр» кунни бериш (яъни огиз очган) вожиб бўлгани учундир.

Шу боисдан, биринчи Ийд кунда оилада нечта одам бўлса, уларнинг ҳар бири учун фитр садақаси берилади. Демак, фитр садақасининг вожиб бўлишида асос бошдир (яъни инсондир). Ота нечта болага эгалик қилиб, уларни моддий таъминлаб турган бўлса, шуларнинг ҳаммаси учун фитр садақаси беради. Қуллари учун ҳам фитр садақаси беради, аммо ўз хотини учун фитр садақасини бермайди. Шунингдек, у аёлига кундалик ҳаёт учун зарур бўлган нарсалардан (нафақаси, кийими ва турар жойидан) бошқа нарса бериши лозим эмас. Масалан, даволаш каби (яъни, аёли касал бўлиб қолса уни даволатиш эрнинг зиммасида эмас).

«Шунингдек вояга этган фарзандлари учун ҳам фитр садақаси бермайди, гарчи улар унинг қарамоғида бўлсалар ҳам».

Фитр садақасининг миқдорига келсак, баъзи ривоятларда фитр садақа учун ун бериш ҳам мумкинлиги айтилган бўлсада, эҳтиёт юзасидан буларнинг қийматини ва миқдорини эътиборга олиш қулайроқдир.

Нондан фитр садақаси беришда унинг қийматини эътиборга олиш тўғрироқдир.

«Одамлар фитр садақаларини ийдул фитр кунни намозгоҳга чиқишларидан олдин беришлари мустаҳабдир».

Чунки Расулulloҳ намозгоҳга чиқишдан олдин фитр садақасини берар эдилар, зеро, фақирлар тиламчилик қилиб намоздан қолиб кетмасликлари учун ҳам намоздан олдин уларга фитр садақасини бериб, уларни тиламчиликдан баҳожат қилиб қўйишга амр қилинган.

Юқорида мутафаккирнинг асарларидаги айрим иқтисодий фикрларни кўриб чиқишга муяссар бўлдик, уйлаймизки бундан татигулик озуқа ола олдик.

Бурҳониддин Маргинонийнинг бу борадаги илмий хулосалари ҳозирги кун ижодкорлигида ҳам эътиборга лойиқдир. Шу сабабли алломанинг нодир «Ал-Ҳидоя» асари. Ислом дунёсининг энг асосий қўлланмаси ҳисобланиб, ўқувчиларга етказилса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Бурҳониддин Маргиноний «Ҳидоя». 1-жилд. «Адолат». Тошкент 2000. 644 б.
2. Мухтасар (Шариат қонунларига қисқача шарҳ) Тошкент. Чўлпон нашриёти. 1994 й. 332 б.
3. Бегматов А. Моваруннаҳрнинг иқтисодий ривожланиши «Иқтисод ва ҳисобот»журнали, 1996, 11-сон, 68-69 бет.

РАҚАМЛИ ТУРИЗМ ИМКОНИАТЛАРИ ВА УНИНГ ТУРИСТИК ХИЗМАТЛАР БОЗОРИ РИВОЖЛАНИШИДАГИ ЎРНИ

Хуррамов Ортикжон Каюмович
БухДУ, Сервис соҳаси иқтисодиёти кафедраси катта ўқитувчиси

Ҳозирги босқичда глобал туризм индустриясининг ривожланиш тенденцияларидан бири Интернет технологияларининг ривожланиши, бошқача айтганда, туризмнинг замонавий ривожланиши рақамли иқтисодиётда кечмоқда. Яъни дунё бўйича рақамлаштириш жараёни барча соҳалар каби туризм соҳасини четлаб ўтмади. Туризмда рақамлаштириш сайёҳлик бизнесини нафақат замонамизнинг вокеларига мослашувчан, балки ривожланаётган "рақамли дунё"да янада рақобатбардош бўлишини таъминлайди. Меҳмондўстлик саноатини рақамлаштириш мижозлар яхши натижаларга эришиши ва туристик компанияларнинг эгалари юқори даромад олишлари мумкин бўлган вазиятни таъминлашга ёрдам беради.

Аввало, рақамли туризм деганда туризм фаолиятини илгор ахборот технологиялари ва телекоммуникацион тизимлар орқали амалга оширишга айтилади. Рақамли туризм саёҳатчиларга саёҳатдан олдин, саёҳат давомида ва ундан кейин тақдим этиладиган электрон хизматлар мажмусидир.

Ҳозирги кунда анъанавий сайёҳлик саноатини рақамли туризм индустриясига «алмаштириш» тенденцияси намоён бўлмоқда. Рақамли туризм нафақат пулни, балки асабни ва қимматли вақтингизни тежашнинг ажойиб усулидир.

Рақамли туризм, шунингдек, саёҳатчиларнинг онлайн харид қилиш усулларини ўзгартиришга ёрдам беради. Marriott, Best Western, Kayak, Carlson Rezidor ва бошқалар каби жаҳон сайёҳлик бозорининг таниқли субектлари ушбу технологиялардан аллақачон унумли фойдаланишмоқда.

Туризм саноатининг ҳозирги ҳолати кўп жиҳатдан Интернет тармоғига уланиш, тармоқ орқали тақдим этиладиган электрон транзакциялар ва хизматларга боғлиқ, шу муносабат билан рақамли ечимлардан фойдаланишни кенгайтириш сайёҳлик корхоналарини бизнес эҳтиёжларига мослаштириш учун зарур шартдир.

Шунга ўхшаш вазият иқтисодиётнинг бошқа тармоқларида ҳам содир бўлаётганлиги аниқ, аммо шуни таъкидлаш керакки, бу туристик индустрия турли воситачилик схемалари билан ажралиб туради, шунинг учун бу эрда Интернет технологияларидан фойдаланиш зарурати ортиб бормоқда. Интернет таркибий қисмларга, хизматлар, иловалар ва воситаларга бирлаштирилган кириш имкониятини беради, корхонанинг самарадорлигини оширишга ёрдам беради, ишчи гуруҳларни мувофиқлаштиришни соддалаштиради ва лойиҳаларда реал вақт режимида ўзаро таъсир қилади.

Мутахассисларнинг фикрига кўра, бугунги кунда дунёда 3,5 миллиарддан ортиқ одам Интернет-ресурсларидан фойдаланиш имкониятига эга ва бу рақам ҳар йили тобора ортиб бормоқда. Шу билан бирга, Интернет фойдаланувчилари турли ёшдаги, турлича даромадли ва ижтимоий мавқега эга бўлган одамлардир. Шуниси қизиқки, Интернет ресурсларидан фаол фойдаланувчилар орасида ҳар йили ижтимоий тармоқларда мулоқот қиладиган ва маълумот кидириш учун Интернетдан фойдаланадиган кекса одамлар кўпайиб бормоқда.

Туристик бизнесни рақамлаштириш шароитида мижоз ўзи маълум бир тур ҳақида маълумот кидиради, маълум бир компанияни танлайди ва хизматларнинг нархларини таққослайди. Жараён мижозга ўзи ёқтирган турни сотиб олиш билан якунланади ва хизматлар унга кечаю кундуз тақдим этилади, бу эса хизмат сифатини яхшилади ва мижознинг қониқишини оширади. Эътибор беринг, рақамли имкониятлар доимий равишда кенгайиб бормоқда ва ундан фойдаланиш имконияти ошмоқда.

Сайёҳлик соҳаси учун рақамли трансформациянинг афзалликларига сайёҳнинг дам олиш ва саёҳат жойлари тўғрисида батафсил маълумот бериш орқали билимларини ошириш, оқилонга тўлов механизмларининг мавжудлиги ва мижоз ўзи томонидан истеъмол қилинган хизматлар учун тўловларни тез ва қулай амалга ошириш имкониятларини санаб ўтишимиз мумкин.

Рақамли туризмнинг асосий йўналишларидан бири булутли технологиялардан фойдаланиш бўлиб, сайёҳлик компанияларида булутли технологияларнинг қўлланилиши, барча иловаларнинг онлайн режимида ишлашига боғлиқ бўлишидир. Бунда маълумотларни чексиз сақлаш ҳажми, тизимларга хизмат кўрсатиш ва дастурий таъминотни янгилаш, бошқарув реал вақт режимида амалга оширилади. Бошқача айтганда, сайёҳлик компаниялари учун булутли технологиялар бу бошқарув технологияларига эмас, балки мижозларга кўпроқ эътибор қаратадиган воситадир, компаниялар кўшимча ресурсларга ёки офис ва ходимларнинг кўп сонини ижарага олишга муҳтож бўлишмайди.

Рақамли туризмнинг яна бир ёрқин мисоли бу ҳозирги кунда кўплаб саёҳатчилар мобил қурилмалардан фаол фойдаланувчига айланишидир. Шу муносабат билан, мобил алоқа, бир томондан, саёҳатлар пайтида мижозларнинг эҳтиёжлари ва муаммоларига зудлик билан жавоб беришга имкон беради, бошқа томондан, компанияларнинг офисларга мижозларнинг ташрифлари сонининг камайиши ва шунга мос равишда сайёҳлик агентликларининг маслаҳат хизматларига талабни камайишига олиб келади.

Сайёҳлик бизнесида мобил технологиялардан фойдаланишнинг афзалликлари мижозларга хизмат кўрсатиш соҳасида шахсийлаштириш, сайёҳлик компаниялари ўртасида ҳамкорликнинг инновацион моделларини шакллантириш ва туристик ҳудудларнинг инфратузилмасини янада ривожлантиришдир. Мобил иловалардан фойдаланган ҳолда, компаниялар мижозлар билан боғлиқ бўлган катта ҳажмдаги, уларнинг жойлашуви, харажатлари, афзалликлари, дўстлари каби маркетинг тадқиқотлари ва мижозлар сегментацияси учун зарур бўладиган маълумотларни тўплаш ва таҳлил қилиши осонлашади. Рақамли туризм ақлли соатлар, геолокацияли билакузуклар, виртуал ҳақиқат кўзойнаклари, чипталарни тўлаш учун мобил иловалар, электрон чипталарнинг пайдо бўлиши билан янада ривожланмоқда.

Рақамли туризм ривожига ижтимоий тармоқларнинг ўрни ҳам бекиёсдир. Улар ёрдамида замонавий туристик корхоналар янги бозорларни аниқлаш, сайёҳлик брендларини тараққий этиш имкониятига эга бўлиб, ўз мижозлари, потенциал мижозлари билан алоқа ўрнатиш имкониятига ва улар билан ишончли муносабатларни ўрнатишга эришишмоқда.

Шундай қилиб, туризм соҳасида рақамли трансформациянинг муҳим тенденциялари пайдо бўлди ва ушбу технологияларнинг туризм маҳсулотлари ва хизматларига интеграцияси рақамли туризмга олиб борадиган инновацион жараённинг асосий элементидир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. *Першина Э.С., Дараган С.В.* Индустрия туризма в цифровую эпоху//Индустрия туризма: возможности, приоритеты, проблемы и перспективы, 2016, том 9, №2, С.98- 107.
2. *Градинарова А.А.* Современные тенденции цифровой трансформации в туристической отрасли. Симферополь, 2017 – с.69-73.
3. *Хуррамов О. К.* Как мы можем использовать интернет-маркетинг в сфере гостиничной индустрии //Современные тенденции и актуальные вопросы развития туризма и гостиничного бизнеса в России. – 2017. – С. 344-349.
4. *Хуррамов О.* Особенности использования маркетинговых инструментов в социальных медиа //Alatoo Academic Studies. – 2016. – №. 2. – С. 236-249.
5. *Хуррамов О.К.* Электрон туризм имкониятлари ва уларни қўллашнинг ўзига хос хусусиятлари. «Халқаро туризм индустрияси замонавий жиҳатлари ва Ўзбекистонда туризм ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари» мавзуидаги халқаро туризм конференцияси. Тошкент Сингапур институти. 2014 йил 15-16 октябр. Б.35-39
6. *Хуррамов О.К., Тохиров Ж.Р.* Ижтимоий медиа маркетинг-замонавий электрон маркетингнинг самарали воситаси. “Biznes-Экперт” журнали, 1-сон, 2016 йил. Б.72-78
7. *Kayumovich K. O., Annamuradovna F. S., Kamalovna S. F.* Features of electronic online market in tourism //Вестник науки и образования. – 2019. – №. 24-3 (78).
8. *Khurramov O.K., Fayzieva S.A., Saidova F.K.* The aspect and influence of use the global internet in tourism // Достижения науки и образования. – 2019. – №. 13 (54).

9. *Kayumovich K. O., Kamalovna S. F. Social media-marketing-a forceful tool for tourism industry //European science. – 2019. – №. 7 (49).*
Khurramov O.K. Prospects of digital tourism development// Economics. – 2020. – №. 1(44).

ИСЛОМ ҚАДРИЯТЛАРИ: КЕЧА ВА БУГУН

*Юлдуз Ортиқова, ЎзЖОКУ катта ўқитувчиси
филология фанлари номзоди*

Юртимизга ташриф буюрган хорижлик журналист билан суҳбат жараёнида Ғарб давлатларида Ислом цивилизацияси, Ислом эътиқодидаги инсонлар ҳақида, аксарият ҳолатларда, салбий муносабат шаклланганлигини эшитиб хайрон бўлгандим. Тошкент шаҳри азалдан Ислом маданияти марказларидан бири сифатида эътироф этилгани учун лондонлик мутахассисни Ҳазрати Имом мажмуасига олиб бориб, диний идорамиз вакили билан суҳбатга чорладим. Олимнинг кенг дунёқараши, ҳам дунёвий, ҳам диний билимларга эга эканлиги, бемалол инглиз тилида суҳбат қура олиши меҳмонимизни яхши маънода хайратлантирди. Интервью чогида юртимизда Ислом маданияти, қадриятлари, урф-одатлари, ахлоқий меъёрлари ҳақидаги мазмунли суҳбат англиялик тажрибали журналистнинг юртимиз маданияти ҳақидаги тасаввурини янада кенгайтирди. Тасвирга олиш жараёни ва унинг натижасидан кўнглим тўлган бўлса-да, мавзунини кенгроқ ёритишга эҳтиёж, талаб, шу билан бирга ечимини қутаётган муаммолар борлигини тушундим.

Мавзуга чуқурроқ ёндашиш учун, кўпмиллатли, турфа дин ва эътиқод вакиллари истиқомат қиладиган юртимизда Мустақиллигимизнинг илк йилларида чоп этилган “Ислом дини нима” рисоласига мурожаат қилайлик. “Ислом ҳаққоният ва инсонийлик динидир. У поклик, хушхулқлик, ҳаё, инсоф, меҳр – оқибат ва ватанпарварлик каби инсоний фазилатларга чақиради. Ислом оққўнгил, тоза виждонли, ҳақиқий инсонни яратишда тарбиянинг икки воситасини қўллайди: илмга асосланган эътиқод ва ибодат”⁷⁵. Рисола муқаддимасининг илк сатрлариданок инсоний тарбия, гўзал фазилатлар шакллантириш ҳақида сўз кетган. Яъни, Ислом дини негизда инсонийлик, маънавий камолот мавжуд. Ислом динининг ана шундай эзгу асослари мана неча асрлардан бери халқимизнинг миллий маданияти, қадриятлари, урф-одатлари, ахлоқий мезонлари, оилавий муносабатларда, ҳатто, илмий йўналишларда ўз аксини топиб келмоқда. Масалан, мумтоз адабиётимизни тушуниш учун тасаввуфни англаш, ҳис қилиш, ҳеч бўлмаганда, бу борада маълум бир маълумотга эга бўлиш керак. Тарихга назар солсак, Ислом илмини дунёга танитган муҳаддис олимларнинг аксарияти юртимизда вояга етиб тарбияланганига гувоҳ бўламиз. Имом Ал Бухорий, Ат Термизий, Ал Маргиноний каби маънавиятимиз даргалари қаторида аниқ фанлар тараққиётига ўз хиссасини қўшган Абу Али Ибн Сино, Ал Беруний, Ал Хоразмий каби тафаккур соҳибларининг дунё тамаддунида тутган ўрнини ёдга олиш зарур. Бир неча йўналишда изланишлар олиб борган ушбу файласуф олимлар Ислом илми тараққиётига ҳам ўз хиссаларини қўшганлар. Минтақанинг бир неча давлатларида яшаб араб ва форс тилларида ижод қилганлар. Бундай тарихий мисоллар орқали биз Ислом динида маънавий поклик, илмга интилиш борлигини тушунамиз. Бугунги кунда юртимизда Ислом цивилизацияси маркази қад ростламоқда, Ислом академияси фаолият кўрсатмоқда, Ислом оламида ўз ўрнига эга бўлган олимларининг руҳига ҳурмат бажо келтирилмоқда – бу каби ижобий ишларнинг саногини яна узоқ давом эттириш мумкин. Аммо бугунги кунда Исломни ниқоб қилиб олганлар бу каби тарихий фактларни ё билишмайди, ёки билишни исташмайди.

Маълумки, жаҳонда дин ниқоби остида турли тажовузкор гоёларни тарғиб қилиб, миллатлараро зиддиятларни келтириб чиқараётган кучлар турли низоларга сабаб бўлмоқда. Диний экстремистик оқимлар фаолияти, террорчилик ҳаракатлари кимларнингдир манфаатлари учун беғуноҳ одамларнинг ҳаётига зомин бўлмоқда, содда инсонларни йўлдан

адаштирмоқда. Ачинарлиси бу каби оқимларга билиб-билмай қўшилиб қолган одамларнинг оила аъзолари, норасида болалари бир умрлик рухий зарбага дучор бўлишмоқда. Тинч-осойишта ҳаётга раҳна солинмоқда. Шу билан бирга, бошқа дин вакилларида Ислом дини ҳақида салбий тушунча ҳосил бўлишига ҳам олиб келмоқда. Узоқ тарихий негиз, инсонларнинг онг ости даражасидаги эътиқодидан фойдаланганлар - динни никоб қилиб олиб, ўзларининг қандайдир сиёсий, иқтисодий манфаатларида фойдаланишмоқда. Диний илмдан беҳабар инсонлар уларнинг тузогига тез илинишмоқда. Мисол учун Тошкент шаҳар жиноят ишлари бўйича судидан олинган маълумотларга кўра 2018 йилда пойтахтимизда диний экстремистик, сепаратистик, фундаменталистик ёки бошқа тақиқланган ташкилотлар тузиш, уларга раҳбарлик қилиш, уларда иштирок этиш билан боғлиқ жами 28 та жиноий иш кўрилиб чиқилиб, уларда 36 нафар шахсга нисбатан ҳукм чиқарилган. Статистик маълумотларга кўра уларнинг 4 нафари аёл киши бўлган. 20 нафар шахсга озодликни чеклаш, 14 нафарига эса, озодликдан маҳрум қилиш жазоси белгиланган. Улар орасида шартли ҳукм чиқарилганлар ҳамда ахлоқ тузатиш ишларига юборилганлар ҳам бор. Шу билан бирга жамоат ҳавфсизлиги ва тартибига таҳдид соладиган материалларни тайёрлаш ёки тарқатиш билан боғлиқ 14 та жиноий кўрилиб чиқилиб, 8 нафар шахс озодликдан маҳрум қилинган, икки нафари озодликдан чекланган бўлиб, жиноятчилардан биттаси аёл киши экан. Албатта, бундай статистик маълумотларни яна кўплаб давом эттириш мумкин. Ҳар бир рақам остида бир бахтсиз оила, завол бўлган умр, адашган қалб бор. Сабаби эса, оддий-билимсизлик... Тўғри йўлдан адашишлик. Ислом арконлари, ҳукмларини ўзининг шахсий манфаатлари йўлида нотўғри талқин қилган кимсалар сўзларига ишониш, динимизнинг асл моҳиятини билмаслик... Ислом илми аслида, фақат эзгуликка, фақат покликка етаклайдиган муқаддас илмдир. Сўзларимиз исботи учун илмий адабиётга мурожаат қилдик. “Аҳкоми аҳлиз-зимма (“мусулмонлар зиммасидаги ҳукмлар”) деган қонунлар йигиндиси китобида (муаллифи Ибн ал-Қаййим ал-Жавзийя): “Мусулмон билан бирга уларнинг ҳимоясида яшовчи гайридинлар барча тегишли ҳуқуқларга эгадурлар”, дейдилар. Уларни камситув оғир гуноҳлардандир. Аллоҳ таоло Қуръони каримда равшан баён этади (...) Яъни, “Аллоҳ сизларни сизга қарши дин учун қурол ишлатмаган ва юртингиздан ҳайдаб чиқаришга уринмаган гайридинлар билан эзгуликда яшаш, уларга инсоф қилишдан сизларни манъ қилмайди. Батакқак Аллоҳ адолатли кишиларни яхши кўради (...) Шу даъватларга мувофиқ ҳар бир мусулмон киши ўзи билан бир жойда яшаётган ва ишлаётган гайридинлар билан тинч-тотув яшашга, унга адолат ва инсоф билан муомалада бўлишга даъват қилинган. Уларга умумий раҳмдиллик ва шафқат назари билан қараш, ҳаётининг барча соҳаларида ҳамкорлик қилиш буюрилган”⁷⁶. Ислом динининг ана шундай умуминсоний пок асоси туфайли неча асрлардан бери турли дин вакиллари ўзаро ҳамжиҳатликда келишиб яшаб келишмоқда. “Масалан, (...) Сурия ва Мисрда миллионлаб насронийлар, Ироқда Собинлар, Бухоро ва Самарқандда кўплаб яҳудийлар минг йил давомида яшаб келмоқдалар. Мусулмонлар уларни тазйик остига олинганлари ва мажбуран ислом динига киргизиш учун ҳаракат қилмаганлари тарихда аёндир”⁷⁷. Хўш, нима учун сўнгги ярим асрлик давр ичида диний кесимдаги зиддиятлар дунёдаги нотинчликка сабаб бўлмоқда? Нима учун одамлар ўз ихтиёрлари билан бундай оқимларга қўшилиб қолишмоқда? Нима учун ота-оналар ҳеч қандай педагогик, тиббий талабларларга жавоб бермайдиган, малакали мутахассислар жалб қилинмаган ҳужраларда фарзандларини дин асосларидан сабоқ олишига йўл қўйиб беришмоқда? Ечилмаган муаммолар, жавобини кутаётган саволлар бисёр... Биргина мақола, ҳужжатли фильмни тайёрлаш орқали уларни ҳал қилиб бўлмайди. Неча асрлардан бери маънавий камолотга етаклаган Ислом дини бугунги кунда бузгунчи гоёларга асос бўлаётгани кишини ҳайратлантиради.

Илм-фан тараққий этган бугунги аҳборот асрида инсон психологияси, физиологияси ўзгармаган. Барча физиологик эҳтиёжлари билан бирга ҳар бир одамда рухий, маънавий эҳтиёжлари ҳам мавжуд. Ишониш, эътиқод қилиш шулар жумласидандир. Эътиқодларига

кўра маълум бир билим, маърифатга эга бўлиш ҳар бир инсоннинг табиий эҳтиёжидир. Балки ёмон ниятда эмас, ана шундай ота-боболардан мерос бўлиб келаётган диний маърифатни ўрганишни мақсад қилиб туриб, баъзилар йўлдан адашаётгандир? Соҳа мутахассисларини тайёрлайдиган махсус билим юртларида Ислом илмини ўргатиш баробарида, оддий одамларга бу борада маълум билимларга эга бўлиш учун шароит қилиб бериш - бугунги кунда давр талаби бўлмадимикан?... Бу борада соҳа мутахассислари билан бирга мутасадди раҳбарларнинг зарур қарорларни чиқаришларини кутиб қоламиз.

Мақола муқаддимасидаги ҳолатга қайтадиган бўлсак, сўнгги йилларда бутун дунёда Ислом динига бўлган салбий муносабат шаклланган. Бу эса, нафақат сиёсий, ижтимоий муаммоларга сабаб бўлмоқда. Балки, иқтисодиёт ривожига ҳам салбий таъсир қилмоқда. Мисол учун, юртимизнинг туристик салоҳияти, туризми йўналишида инвестиция киритиш имконияти ниҳоятда юқори. Ташриф буюраётган хорижлик меҳмон мутахассисларни, бой-бадавлат ишбилармонларни миллий маданиятимиз, тарихимиз, динимиз ҳақидаги тасаввурини бойитсак уларнинг сони янада ортади. Ислом динига эътиқод қилувчи халқимизнинг барчага ўрнатилган ахлоқий меъёрлари, қадриятлари ҳақида сўзлаб бериб, чет элликларни ҳавасини келтириш мумкин эмасми? Ҳозирда маънавий инқирозга юз тутиб, эътиқодсиз қолган жаҳон оmmasига Ислом цивилизациясининг асл тарихий моҳиятини тушунтириш вақти келмадими? Бунинг учун, аввало, ўзлигимизни ўзимиз тушунишимиз, англашимиз, пок динимиз, покиза эътиқодимиздан фаҳрланишимиз керак.

....Биз учун Ислом илмини ўрганиш, ўргатиш вақти келди.

Адабиётлар рўйхати

¹ Раҳматуллоҳ Расулжон ўгли. Ислом дини нима. Т.: Мадина. 1992 й. -4 б.

² Абдугани Абдулла ўгли. Мусулмонлик ҳақ-ҳуқуқлари ва вазифалари. Т.: Адолат. 1993 й. -39-40 б.

³ Абдугани Абдулла ўгли. Мусулмонлик ҳақ-ҳуқуқлари ва вазифалари. Т.: Адолат. 1993 й. - 40 б.

ИСЛОМ МАДАНИЯТИ ШАКЛЛАНИШИДА ИСЛОМИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИНГ ЎРНИ МАСАЛАСИ

*Қамбаров А.А.,
Фаргона давлат университети доценти, фалсафа фанлари номзоди
Қамбарова Д.А.,
Марғилон шаҳар 10-ўрта мактаб ўқитувчиси, Фаргона вилояти*

Кўп асрлик миллий ва диний қадриятларимизни асраб-авайлаш, дунё илм-фани ва маданияти ривожига улкан ҳисса қўшган аждодларимизнинг бебаҳо меросини ўрганиш, унинг асосида ёшларни комил инсон этиб тарбиялаш жамиятда барқарор ижтимоий-маънавий муҳитни таъминлашнинг муҳим шартларидан бири ҳисобланади.

Жамият маънавий янгилашиши жараёнида қадриятларни, шу жумладан исломий қадриятларни тадқиқ этишнинг назарий-методологик асослари топиш ва уларни такомиллаштириш зарурияти вужудга келмоқда. Бу эса аждодларимизнинг исломий урф-одатлари ва илмий меросини комплекс ўрганиш изчиллик билан давом эттирилишини тақозо этади. Шунингдек, қадриятлар ижтимоий тараққиётнинг муҳим кўрсаткичи сифатида улар доимо файласуф олимларнинг эътибор марказида бўлган.

Исломий қадрият деганда Ислом динининг асрлар давомида башариятни эзгуликка, маърифатга чорлаб келаётган, йиллар давомида ҳаётбахш маънолари кишилар қалбидан ўрин олиб, тарихнинг турли мураккаб даврларида ҳам ўзининг беназир жиҳатлари билан ҳамдард, дилларга малҳам бўладиган жиҳатларни тушунамиз. Қадриятлар иймон, эътиқод, виждон, диёнат, маънавият каби ўлмас ва енгилмас туйгулар самараси ва натижасидир. Барча қадриятлар сингари исломий қадриятлар ҳам олий даражадаги юксак одоб-ахлоқ, чуқур билим ва маърифат натижасидир. Бу исломий қадриятлар инсонпарварлик, халқпарварлик,

ватанпарварлик тинчликсеварлик, маърифатпарварлик, меҳнатсеварлик ва бунёдкорлик каби умуминсоний фазилатларга эга бўлган, жаҳон цивилизацияси тараққиётига мисилсиз ҳисса қўшган асрлар оша етиб келган анъаналар ҳосиласидир. Ўзбекистоннинг биринчи Президенти Ислом Каримов таъкидлаганидек, - “Барчамизга яхши маълумки, дин азалдан инсон маънавиятининг таркибий қисми сифатида одамзотнинг юксак идеаллари, ҳақ ва ҳақиқат, инсоф ва адолат тўғрисидаги орзу-армонларини ўзида мужассам этган, уларни барқарор қоидалар шаклида мустаҳкамлаб келаётган гоё ва қарашларнинг яхлит бир тизимидир. Айниқса, кўп асрлар мобайнида халқимиз қалбидан чуқур жой олиб, ҳаёт маъносини англаш, миллий маданиятимиз ва турмуш тарзимизни, кадриятларимиз, урф-одат ва анъаналаримизни безавол сақлашда муқаддас динимиз қудратли омил бўлиб келаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Нега деганда, инсонийлик, меҳр-оқибат, ҳалоллик, охиратни ўйлаб яшаш, яхшилик, меҳр-шафқат сингари халқимизга мансуб бўлган фазилатлар айнан ана шу заминда илдиз отади ва ривожланади” [1,36].

Исломий кадриятлар орасида биринчи ўринда турувчи бу албатта иймондир. Иймон барча эзгуликлар манбаи, яхшилик ва гўзаллик асоси сифатида қаралади. Мўъмин сўзининг маъноси – иймонли, иймон эгаси деганидир. Пайгамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) айтганларидек, “Ўзингиз яхши кўрган нарсани биродарингизга раво кўрмагунингизча ҳеч бирингиз чинакам мўъмин бўла олмайсиз” [2,15]. Кўриниб турибдики, иймон эгаси бўлган ҳар мўъмин киши ҳалоллик, поклик, ҳаё, вафо, тўғрисиўзлик, садоқат сингари барча маънавий фазилатларга эга бўлиши кераклиги таъкидлаб ўтилмоқда. Бу борада буюк мутафаккир, шоирлар султони Алишер Навоий инсониятга ибратдир. Алишер Навоийнинг умрини буюк ишларга багишлашига сабаб бўлган туйғу комил иймон эди. Шунинг учун ҳазрат: “Нақди жон чиққанда иймон гавҳарин кўнглимга сол, Айлагил жондин жудо, лек этма иймондин жудо” дея муножот қилдилар.

Исломдаги энг муҳим кадриятлардани яна бири ҳалолликдир. Буюк бобокалонимиз Баҳоуддин Нақшбанднинг: “Ибодат ўн қисм бўлса, шундан тўққиз қисми ҳалолликни талаб қилиш, қолган бир қисми бошқа ибодатлардир” деган фикрлари ҳалоллик мақоми қанчалар юксак эканини кўрсатиб беради. Ҳалоллик ҳар томонлама покликни ифодалайди.

Ҳалоллик муҳимлигидан, унга олиб борувчи воситаларнинг барчаси, айниқса, меҳнат қилиш, касбу ҳунар билан шугулланиш ҳам исломий кадриятлар орасида алоҳида ўрин тутаяди. “Касб қилиш инсон ҳаётидаги доимий ва зарурий амал бўлгани учун Қуръони каримда, Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи вассалламнинг суннатларида ва шарият аҳкомларида бу амалга катта аҳамият берилган” [3,392].

Ислом динидаги эътиқод қилувчи халқлар фаолияти натижасида юзага келган моддий ва маънавий бойликларни акс эттирувчи тушунчалардан бири – бу Ислом маданиятидир. Ислом маданияти мусулмон халқлар томонидан яратилган жаҳон тамаддуни хазинасидан муносиб ўрин олган беназир илмий асарлар, санъат намуналари, бетакрор обида ва зиёратгоҳларни, шунингдек, Қуръони карим ва ҳадиси шарифларда зикр этилган, олимлар, фозиллар, мутафаккирлар томонидан жамланган, инсоният маънавияти тараққиётига улкан ҳисса қўшган иймон, виждон, диёнат, ҳалоллик, поклик, бағрикенглик, инсонийлик, меҳр-оқибат, ҳалоллик, охиратни ўйлаб яшаш, яхшилик, меҳр-шафқат каби ахлоқий фазилатларни ўзида акс эттиради.

Ўзбекистон ислом маданиятининг ривожланишида ўрни бекиёс. Бу диёрдан чиққан бухорийлар, самарқандий, термизий, хоразмий, насафий, маргиноний, шошийлар асарларисиз ислом илм-фани ва адабиётини тасаввур этиб бўлмайди. Маданий ва маънавий меросимизнинг бир қисми бўлган, Шарқ қўлёзмалар марказида сақланаётган 40 мингга яқин қўлёзма ва тошбосма китобларда акс этган маънолар хазинаси фикримизни исботлайди. “Шунчалик бой, маънавият ва маърифат жиҳатдан юксак даражада ривожланган ва жаҳон илм-фан хазинасига улкан ҳисса қўшган халқнинг илмий, маданий мероси бугунги кунда тўла ўрганилдими? Фақат қисман” [4,369].

Ислом маданияти тараққиётига ўзининг буносиб ҳиссасини қўшган буюк аллома, хидоят соҳиби Бурҳониддин Марғилоний яшаб ўтган XII аср Мовароуннаҳр халқлари

тарихида илм-фан ва маданият гуркираб яшнаган давр сифатида баҳолаш мумкин. “Айнан шу даврда дунё илм-фани ва ислом маданияти ривожига улкан ҳисса қўшган алломаларнинг аксарияти Турон заминининг фарзандлари эди” [5,89].

Ислом маданиятини равнак топишида Бурҳониддин Марғинонийнинг илмий мероси алоҳида аҳамият касб этади. Жумладан, олимнинг ислом оламида машҳур бўлган “Ҳидоя” асари ҳуқуқ илми борасида ўта мукамал эканлигини нафақат ислом олами, ҳатто Европа аҳли илмлари ҳам эътироф этишган.

Ислом маданияти тараққиётига илми калом йўналишида ўзининг беназир ҳиссасини қўшган ва айнан шу йўналишда юксак мартабаларга кўтарилиб, ўз даврининг тенгсиз шайхи бўлиб танилган имом Мотирудий ўз даврининг исломий илмлари соҳасида энг етук билим соҳиби ҳисобланиб, мусулмон дунёси олимлари томонидан тан олинган ва ҳозирги кунда ҳам турли диний асарларда унинг номи зўр эҳтиром билан тилга олинади. Жумладан, Имом Мотирудийни улуғлаб “Имом ал-Худа” ва “Имом ал-мутакаллимин” (Ҳидоят йўли имоми ва мутакаллимлар имоми) каби номлар шулар жумласидандир.

Ўзбекистон ҳудудида жойлашган обида ва зиёратгоҳлари халқимиз маънавиятини юксалтиришда, Ислом маданияти тушунчаларини шаклланишида муҳим омил бўлиши билан бирга дунё аҳлини, хусусан, диёримизга ташриф буюрувчи меҳмонлар, сайёҳлар ва зиёратчиларни ўзига ром этиб келмоқда. Жумладан, “Мамлакатимиз ҳудудида мавжуд бўлган тўрт мингдан зиёд моддий-маънавий обида умумжаҳон меросининг ноёб намунаси сифатида ЮНЕСКО рўйхатида киритилгани ҳам бу фикрни тасдиқлайди” [6,30]. Айниқса, ушбу улкан мероснинг асосий қисмини ислом маданиятига оид меъморий ёдгорликлар ташкил қилиши қувонарли хол.

Бугунги кунда мамлакатимизда муқаддас динимиз софлигини сақлаш, ислом маданияти ривожига улкан ҳисса қўшган улуг алломаларнинг илмий меросини ўрганиш, қадамжоларини обод этиш, янги масжид-мадрасалар барпо этиш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Қорақалпоғистон Республикасида “Имом Эшон Муҳаммад”, Хоразмда “Охун бобо”, Тошкентда “Имом Термизий”, “Сузук ота” масжидлари бунёд этилди, Сурхондарёдаги Имом Термизий зиёратгоҳи, Қашқадарёдаги Абу Муъин Насафий мажмуасида қурилиш-таъмирлаш, ободонлаштириш ишлари олиб борилди. Бухорода Мир Араб олий мадрасаси, Термиз шаҳрида Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази, Самарқандда “Ҳадис” ва “Калом” илмий мактаблари ташкил этилди. Айниқса, Президентимиз ташаббуси билан Самарқандда Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази, пойтахтимизда Ислом цивилизацияси маркази ташкил этилаётгани, ушбу марказ қошида Ислом академияси очилиши белгилангани ана шу йўналишдаги эзгу ишларга ёрқин мисолдир.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси 72-сессиясида сўзлаган нутқларида “Биз муқаддас динимизни зўравонлик ва қон тўкиш билан бир қаторга қўядиганларни қатъий қоралаймиз ва улар билан ҳеч қачон мурося қила олмаймиз.

Ислом дини бизни эзгулик ва тинчликка, асл инсоний фазилатларни асраб-авайлашга даъват этади” [7,253] - деган сўзлари сессия қатнашчиларида жуда катта тассурот қолдирди.

Бугунги кунда Ислом маданияти шаҳри деб ном олган Бухоро Ўрта асрлардаёқ “Ислом оламининг қуввати” деб ном олган. Ўша замоннинг илгор дорилфунунлари саналган мадрасаларда таҳсил кўрган ёшлар кейинчалик улуг олиму фузалолар бўлиб етишишган. Улар тафсир, фикҳ ва бошқа диний илмлар қаторида риёзиёт, ҳандаса, жугрофия, илми нуҷум сингари дунёвий билимларда ҳам юксак камолот касб этишарди. Мирзо Улугбек Бухоро ҳамда Самарқандда ўзи бунёд қилган мадрасалар пештоқларига барча замонда ибрат олса арзийдиган оятлар ва ҳадисларни ўз даврининг машҳур хаттотлари томонидан ёздириб қўйгани ҳам бежиз эмас. Бу ёзувлар бугунги Ўзбекистон ёшлари учун ҳам ибратдир. Юксак санъат даражасидаги ушбу ёзувлар мазмун-моҳиятининг ўзи ислом маданиятини дунёга соф ҳамда тиниқ тарзда кўрсата олишга арзийди.

Юкоридаги фикрлардан хулоса қилиш мумкинки, ислом маданиятини тараққий топишида диний кадриятларнинг тизим сифатида шахс бунёдкорлик фаолиятига ижобий таъсир этувчи ижтимоий омилларни топиш, диний кадриятларни ижтимоий максадлар ечимига йўналтиришда давлатнинг ролини тавсифлаш, янги ривожланиш босқичида амалга оширилаётган кадрлар сиёсати тизимида диний кадриятлар мақомини такомиллаштириш каби йўналишларини аниқлаш долзарб вазифалардандир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – энгимас куч. –Т.: Маънавият. 2008. Б-36
2. Ҳадис. –Т.: Қомуслар бош таҳририяти. 1том. Ал-Жомийъ Ас-Саҳих. (Ишонарли тўпلام). 6-боб. Б- 15
3. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Ижтимоий одоблар. –Т.: Ҳилол нашр. 2018. Б- 392
4. Ҳожи Исмадуллоҳ Абдуллоҳ. Марказий Осиёда Ислом маданияти. –Т.: Шақт нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти. 2005. Б- 369
5. Абдулахатов Н., Ғозиев Т. Бурхониддин Маргиноний., тарихий ҳақиқат ва асотирлар. –Т.: Янги аср авлоди. 2010. Б- 89
6. Каримов И.А. Юксак маънавият – энгимас куч. –Т.: Маънавият. 2008. Б- 30
7. Мирзиёев Ш.М. халқимиз розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. – Т.: Ўзбекистон. НМИУ. 2018. Б - 253

БУХОРО ВОҲАСИ БҮЙЛАБ ЯНГИ ЗИЁРАТ МАРШРУТЛАРИ

Шавкат Бобожонов, ЎзР ФА Тарих институти таянч докторанти

2017-2020 йиллар оралигида Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш бўйича қатор меъорий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Жумаладан, 12 та Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари, 13 та Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорлари, 1 та Президент фармойиши, 21 та Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, 8 та Вазирлар Маҳкамаси фармойишлари қабул қилинди⁷⁸. Соҳани ривожлантиришга қаратилган мазкур эътибор сабаб, мамлакатимиз туризми жаҳон миқёсида эътироф этилмоқда. UNWTO (Бутунжаҳон сайёҳлик ташкилоти)нинг сўнгги маълумотларига кўра, Ўзбекистон туризм соҳаси энг жадал суръатларда ривожланаётган топ-20 мамлакат рўйхатидан ўрин олган. Жумаладан, “Indepent” нашри маълумоти кўра мамлакатимиз туризм соҳасида энг тезкор ривожланаётган давлатлар рўйхатида тўртинчи ўринда қайд этилган. Ушбу рўйхатда шунингдек Озарбайжон ҳамда Қозогистон мамлакатлари ҳам келтирилган бўлиб, улар ўз ўрнида 17-ва 20-ўринларни эгаллаган⁷⁹. Рўйхатда Мянма 1-ўрин, Пуерто-Рико 2-ўрин, Эрон 3-ўринни эгаллаган⁸⁰.

Бугун жаҳон жамоатчилиги Ўзбекистонга юкори потенциалга эга, туризм ресурсларига бой, зиёрат ва саёҳат учун ҳар томонлама мақбул мамлакат сифатида қарамокда. Машҳур немис саёҳатчиси Марги Крекел 2009 йилда Германияда нашр этган “Менинг Ўзбекистон” китобида муқаддас қадамжоларга ташрифи билан боглик таассуротларини баён этган. Ўзбекистоннинг ислом цивилизацияси, жаҳон илму фани ривожига ҳисса қўшган йирик уламолари, алломалари ва буюк шахсларининг қадамжолари мустақиллик йилларида тўлиқ таъмирланди ва умумбашарий зиёратгоҳларга айланди⁸¹. 2020 йилнинг 17 январ куни UNESCO халқаро ташкилотининг умумжаҳон мероси маркази ICOMOS экспертлари Фенг Джинг ва Ричард Маккейлар Бухорога ташриф буюришди. Халқаро ташкилотга айна кунда 190 та давлат аъзо сифатида қабул қилинган бўлиб, улардаги 1120 тадан ортиқ маданий мерос объекти алоҳида рўйхатга киритилган. Шундан

⁷⁸ “Ипак йўли” туризм халқаро университети маълумотлари. 2020 йил, феврал.

⁷⁹ Ўзбекистон дунёнинг туризм соҳаси энг тез ривожланаётган мамлакатлари сафида! // uzbektourism.uz/ 03.02.2020 йил.

⁸⁰ Ўзбекистон дунёнинг туризм соҳаси энг тез ривожланаётган мамлакатлари сафида! // www.UzA.uz 04.02.2020 йил.

⁸¹ Альмеев Р.В. Духовные ценности семи пиров Бухары // Древнее наследие Бухары. Сборник научных и научно-познавательных статей. – Бухара.: Дурдона. 2016.-С.39.

800 дан ошиги қадимий меъморий обидалардир. Бухоро шаҳридаги қатор обидалар ҳам бутунжаҳон номоддий мерос объекти сифатида рўйхатга киритилган⁸².

Бухоро воҳасида зиёрат туризмини ривожлантириш учун кўплаб объектлар мавжуд. Уларни тўғри ташкил қилиш асносида янги тур йўналишларни очиш мумкин.

1. *Исломгача бўлган сигинадиган жойлар*
2. *Пайгамбарлар ва уларнинг авлодлари билан боғлиқ қадамжолар*
3. *Тасаввуф алломалари билан боғлиқ зиёратгоҳлар*
4. *Авлиё даражасига кўтарилган машойих ва олимлар зиёратгоҳлари*
5. *Хунармандчилик тирлари билан боғлиқ қадамжолар*
6. *Подшо ва амалдор тоифаларининг зиёратгоҳлари*
7. *Аёллар номи билан боғлиқ зиёратгоҳлар*
8. *Тиббий хусусиятга эга бўлган зиёратгоҳлар*

Ҳар бир зиёрат йўналиши бўйича йўл харита тузиб, саёҳатни ташкил этиш мақсадга мувофиқ. Таснифий зиёрат турини ташкил этишда объектларга бориладиган йўллар чизмаси ва масофасини аниқлаш, объектлар ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлиш, зиёратгоҳлар тарихи бўйича йўлқўрсаткич тайёрлаш тақозо этилади. Зиёрат йўналишларининг ҳар бири саёҳат дастурига қатор объектларни ўз ичига олади.

1. *Исломгача бўлган сигинадиган жойлар. Сиёвуш вали, Афросиёб, Жонмарди Қассоб, Қўчқор Ато, Хожа Гойиб, Бурқи Сармаст.*

- Сиёвуш Бухоро Аркининг асосчиларидан. Сиёвушнинг қабри Акрнинг шарқий дарвозасидан кираверишда “Дарвозаи Гўриён” деб аталган “Дари алаффурушон” (“Сомонфуруштлар дарвозаси”)дан ичкарида дафн этилган⁸³.
- Бухоро шахристонини бино қилган Афросиёб⁸⁴ қабри Бухорода маъбад дарвозаси (ҳозирги “Ҳазрати Имом” дарвозаси)да Хожа Имом Абу Хафси Кабир тепалигига туташган катта тепалик устидадир. 1950 йилда совет ҳукумати томонидан Афросиёб тепалиги бузиб ташланган.
- Жонмарди Қассоб. Бухоро шаҳрининг собиқ Тўпхона гузарига қадамжо. Мажусийлар Жонмардни Гавомард деб талқин қилганлар. Ярим хўкиз, ярим инсон шаклида тасаввур қилинган Джумардни қассоблар ҳомийси⁸⁵, одамларга қассобликни ўргатган деб ҳисоблайдилар.
- Қўчқор Ато. Бухорхудотлар⁸⁶ сулоласидан подшо Бидун замонида подшо кўйларига чўпонлик қилган. Маҳаллий халқ Қўчқор Атони нафақат “чўпонлар ҳомийси”, балки, бандилар ёки махбусларнинг пири деб ҳам билишган⁸⁷.
- Хожа Гойиб. Бухоро шаҳридаги қадимий пушта (қабр)лардан бири. Мукаддас одамлар ўлмаслиги, балки гойиб бўлиши сабаб шундай номланган⁸⁸.
- Бурқи Сармаст мазори. Шофиркон туманидаги Вардонзе тепалигида жойлашган. Ривоятларга қарагандан Бурқи Сармаст 40 йил бир оёқда туриб, худодан дўзахни йўқ қилишни талаб қилган⁸⁹.

2. *Пайгамбарлар ва уларнинг авлодлари билан боғлиқ қадамжолар. Аюб алайҳиссалом, Довуд алайҳиссалом, Малик Аждар, Ҳазрат Каъбул Ахбор, Ҳазрат Хўжа Уббон (Аббон).*

- Чашмаи Айюб зиёратгоҳи (рамзий қабрлари) Бухоро, Вобкент ва Қарши шаҳарларида ханузгача сақланган⁹⁰. Бухоро шаҳридаги қадамжо Марказий бозор ёнида, Вобкент туманидаги қадамжо эса шаҳардан 35 чақирим узоқликда жойлашган Вобкент

⁸² Ўқтам Барноев UNESCO халқаро ташкилотининг умумжаҳон мероси маркази ICOMOS экспертларини қабул қилди // telegra.ph/ 2020 йил, 17 январь.

⁸³ Наршахий М. Бухоро тарихи. Т. “Камалак”. 1991. –Б.104.

⁸⁴ Дониёров Х. Афросиёб: афсонавийми ёки тарихий шахс. //Шарқ юлдузи. 1991 йил. №7, 191-194 бетлар.

⁸⁵ Снесаров Г.П. Реликты домусулманских верований и обрядов узбеков Хорезма. М.:Наука.1969. –С.294.

⁸⁶ VI-VIII аср бошларида Бухорода подшоҳлик қилган сулола.

⁸⁷ Қадимий Бухоронинг музейлари (тузувчилар: Арсланова Ф., Алиев Р). “Бухоро”.2015. -Б.64.

⁸⁸ Йўлдошев Н. Бухоро авлиёларининг тарихи. –Бухоро.: Бухоро.1997.-Б.21.

⁸⁹ Йўлдошев Н.Бухородаги айрим авлиёлар тарихи.-Бухоро.: Бухоро.1993. –Б.26.

⁹⁰ Жумаев Қ. Хайриободаги Чашмаи Айюб макбараси // Бухоронома. 2004 йил, 13 март. №22. –Б.4.

туманининг Хайриобод (маҳаллий аҳоли кишлоқни “Хайрабодча” деб юритади) кишлоғида⁹¹ жойлашган.

- Довуд алайҳиссалом. Қадамжо Бухоро вилояти, Жондор туманидаги Хўжахайрон кишлоғида жойлашган⁹². Довуд а.с. хонанда, хофиз, темирчиларнинг пири ҳисобланган.
- Ҳазорнур авлиё. Шофиркон тумани чўл бағрида жойлашган. Ҳазор Нур дейилишига сабаб, бу ерда дину диёнат йўлида минг нафар киши шаҳид бўлган⁹³.
- Ҳазрат Каъбул Ахбор. Ул зот 4444 йил умр кўрганлиги келтирилади. Зиёратгоҳ Бухоро вилоятининг Когон туманида жойлашган⁹⁴.
- Ҳазрат Хўжа Уббон (Аббон). Бухоро шаҳридан Ғазли томон 80 км узоқликда чўл бағрида жойлашган. Авлиё Ҳазрат Усмон ибн Аффоннинг ўғиллари саналади⁹⁵.

3. Тасаввуф алломалари билан боғлиқ зиёратгоҳлар. Абдул Қодир Ал-Желоний, Зинда фил Аҳмади Жомий, Абу Ҳамид ал Ғаззолий, Хожа Юсуф Ҳамадоний, Абдулҳолиқ Ғиждувоний, Шайх Сайфиддин Бохарзий, Имом Қозихон, Хожа Ориф Ревгарий, Хожа Махмуд Анжир Фагнавий, Хожа Али Ромитаний, Хожа Муҳаммад Бобойи Самосий, Саййид Амир Кулол, Ҳазрат Баҳуоддин Нақшбанд, Хожа Порсо, Хўжа Исмаилулоҳ Бухорий, Абдурахмон Мушфиқий, Поянда Муҳаммад Шохи Ахсий Файзобод, Шайх Жалол.

- Абдул Қодир Желоний (Бухоро халқи орасида Желоний номи билан тилга олинади). “Пири Дастгир”- “сақловчи пир” номи билан машҳур авлиё. “Шайхи Машриқ”, “Кутби Аъзам” номлари билан улуғлашган⁹⁶. Қодирия тариқати асосчиси. Зиёратгоҳ Бухоро шаҳрининг замонавий қисмида жойлашган.
- Зинда фил Аҳмади Жомий. Бухоро шаҳрининг Зинда фил Аҳмади Жомий номли мавзеида учналик катта бўлмаган мазорада ул зот қабри мавжуд. Унинг лақаби Зинда фил (тирик фил) деб аталган. Унинг иккинчи қабри Жондор туманига қарашли Тали Аҳмади Жомий кишлоғидадир⁹⁷.
- Абу Ҳамид ал Ғаззолий. Бухоро шаҳрида Имом Муҳаммад Ғаззолий маҳалласида унинг қабри мавжуд.
- Хожа Юсуф Ҳамадоний. Унинг рамзий қадамжоси Бухоронинг Корхона маҳалласида жойлашган. Этикдўзлик каби билан шугулланган бўлган. Тасаввуфнинг йирик вакиллари билан⁹⁸.
- Шайх Сайфиддин Бохарзий. Кубравия тариқати давомчиларидан. Зиёратгоҳи Бухоро шаҳристондан ташқарида, шаҳарнинг жануби-шарқий қисмида жойлашган⁹⁹. Ҳазратнинг тўлиқ исми Сайфиддин Абул Маълоий Саъид ибн Мутоҳхар ибн Саъид ибн Али Қоидий Бохарзийдир¹⁰⁰.
- Имом Қозихон. Мақбараси Бухоро шаҳрида. Қозилик мансабида ишлаган. Вобкент туманида ҳам унинг рамзий қадамжоси мавжуд¹⁰¹.
- Нақшбандия тариқатининг етти пиру комиллари зиёратгоҳлари. Ғиждувон-Шофиркон-Вобкент-Ромитан-Когон туманлари бўйлаб 150 км масофадаги зиёрат¹⁰².
- Хожа Порсо. Мирзо Улугбек замонида Бухорода яшаган. Ҳақиқий қабри Мадина шаҳрида. Бухоро шаҳрида рамзий қабри мавжуд.

⁹¹ Дала ёзувлари. Бухоро вилояти, Вобкент тумани, Қумработ кишлоғи. 2018 йил, октябр.

⁹² Садриддин Салим Бухорий. Бухоронинг табаррук зиёратгоҳлари. Тарихий – маърифий рисола (тўлдирилган, қайта ишланган иккинчи нашр). Т. “Наврўз”. 2015. –Б.16.

⁹³ Дала ёзувлари. Бухоро вилояти Шофиркон тумани Назаробок кишлоғи. 2019 йил декабр.

⁹⁴ Садриддин Салим Бухорий. Бухоронинг табаррук... –Б.18.

⁹⁵ Дала ёзувлари. Бухоро вилояти Ромитан тумани Шўрча кишлоғи. 2020 йил, январ.

⁹⁶ Муҳаммад Сиддиқ Рушдий. Ҳазрати Гавсул Аъзам Муҳйиддин Саййид Абдуқодир Гилоний (авлиёлар султони). Тадбил қилиб, нашрга тайёрловчи ва сўзбоши муаллифи Икромиддин Остонақул ўғли. –Т.: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти. 1992.-Б.5.

⁹⁷ Ўлдошев Н. Бухородаги айрим авлиёлар тарихи.-Бухоро.: Бухоро. 1993. –Б.60.

⁹⁸ Ўлдошев Н. Бухородаги айрим... –Б.62.

⁹⁹ Немцева Н.Б. Ханака Сайф ад-дина Бахарзи в Бухаре (к истории архитектурного комплекса).–Бухоро.: Бухоро. 2003.-Б.9.

¹⁰⁰ Имом Абу Абдуллоҳ Шамсиддин Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Усмон Заҳабий. Сияру Аъламин нубало. “Машҳур даҳолар сийрати”. Арабчадан Азизхўжа Иноятов таржимаси (китобдан сайланма). Алломалар тўғрисида маълумот. - Т.: Шарк. 2015.-Б.170.

¹⁰¹ Ўлдошев Н. Бухородаги айрим авлиёлар тарихи.-Бухоро.: Бухоро. 1993. –Б.71-73.

¹⁰² Садриддин Салим Бухорий. Баҳуоддин Нақшбанд ёки етти пир. –Т.: Янги аср авлоди. 2006; Наврўзова Г., Зоиров Э. Бухоронинг шарифининг етти пири.-Т.: Муҳаррир. 2018.

- Хўжа Исматуллоҳ Бухорий. Бухоронинг жануб томонида жойлашган Шайх Жалол¹⁰³ дарвозасидан¹⁰⁴ ташқарида тахминан ярим чақирим узоқликда макбараси ўрин олган.
- Абдурахмон Мушфиқий. Бухоронинг Шайх Жалол мазоридида жасади қўйилган ва макбара бунёд этилган. Латифалари билан машҳур.
- Поянда Муҳаммад Шоҳи Аҳсий Файзобод. Макбараси Бухоро шаҳрининг Файзобод мавзеида.
- Шайх Жалол. Нақшбандия тариқати пирларидан. Подшо Убайдуллахоннинг пири муршиди бўлган. Хозирги Шайх Жалол дарвозаси¹⁰⁵ яқинидаги Хиёбон даҳасида дафн этилган¹⁰⁶.

4.Авлиё даражасига кўтарилган машойих ва олимлар зиёратгоҳлари. *Абу Хафс Кабир Бухорий, Хўжа Ғунжори, Абу Бакри Исҳоқ Калободи, Турки Жанди, Саид Абулҳасани Побанд.*

- Абу Хафс Кабир¹⁰⁷ Бухорий. Бухоро шаҳрининг қадимий “Нов” дарвозаси¹⁰⁸ ёнидаги кўхна тепаликда жойлашган. “Ҳазрати Имоми ҳожатбарор”¹⁰⁹ номи билан шуҳрат қозонган¹¹⁰.
- Хўжа Ғунжори. Бухоро шаҳрининг Пардозгарон гузарида. “Ғунжони” (сигдирадиган) деган номи ҳам мавжуд¹¹¹.
- Абу Бакри Исҳоқ Калободи. “Бухоро дарбони” унвонига сазовор бўлган. Қабри Калобод мадрасаси ёнида.
- Турки Жанди. Макбараси Бухоронинг Тайи Пушта мазоридида.
- Саид Абулҳасани Побанд. Побанд – оёғи кишанли, боғлиқ деганидир. Макбараси Бухоро шаҳрининг Дегрези кўчасида¹¹².

5.Хунармандчилик пирлари билан боғлиқ қадамжолар. *Хожа Косагар, Хўжа Сабатбоф, Нуриддин Хилвати, Махмуд Самбўсапаз, Шайхи Рангрез, Шермуҳаммад жувозкан, Хожа Асгардон, Хожа Нуробод, Хожа Сесарон, Усто Рухий, Бобойи Порадўз, Хожа Булгор, Тавбатун Насви (Насиҳо)*

- Хожа Косагар. Бухоро шаҳрининг Косагар гузарида. Кулол косагарларнинг пири ҳисобланади.
- Хўжа Сабатбоф. Қамиш ва дарахт новдаларидан сават ва бошқа маҳсулот тўқийдиганлар пири. Унинг қабри “Куйи Мурғкуш” маҳалласида.
- Нуриддин Хилвати. Ҳолвапазларнинг маҳаллий пири ҳисобланган. Унинг қабри Араблар замонидаги шаҳарнинг етти дарвозасидан бири Оҳангарон томонда, “Тоқи телпақфурушон” бозорининг жанубида бўлган.
- Махмуд Самбўсапаз. Бобойи Порадўз мазоридида бўлган.Сомса ва бошқа ноз-неъматлар пиширувчиларнинг маҳаллий пири.
- Шайхи Рангрез. Қабри Шайх Рангрез (Шайх Ғулрез), яна бир номи Дарвозайи Қавола маҳалласида. Матога гул босувчи, рангловчи бўлган.
- Шермуҳаммад Жувозкан. Дарвозаи Ўғлон¹¹³ маҳалласида қабри бўлган. Жувоз ясайдиган усталарнинг маҳаллий пири.
- Хожа Асгардон. От, арава, фойтун билан боғлиқ кишиларнинг авлиёси. Қабри Масжиди Баланд яқинида бўлган. Хожа Асгардоннинг Хожа Нуробод, Хожа Сесарон номли ҳаққа етган ака-укалари бўлиб, улар уч авлиё ҳисобланишган.
- Бобойи Порадўз. Бухоронинг Саллохона дарвозаси яқинида жойлашган.Игна билан ишлайдиган жамики хунармандларнинг пири.

¹⁰³ Ҳазрат Шайх Жалол нақшбандия тариқатининг буюк пири муршиди, муҳаддис, олим, воиз, шоир бўлган.

¹⁰⁴ Мухсинов И., Мухсинова М. Ғўзаликнинг боқий умри (Бухоро обидалари тарихидан лавҳалар). “Бухоро”.2011.

¹⁰⁵ Бухоронинг 11 дарвозасидан бири. Дарвоза эски ўрнида қайта бунёд этилди.

¹⁰⁶ Садриддин Салим Бухорий. Бухоронинг табаррук... –Б.258.

¹⁰⁷ Кабир - буюк, улуғ маъноларини билдиради. Бу зот Бухорода руҳсат берувчи пир даражасига кўтарилган.

¹⁰⁸ Бухоронинг 7 та (кейинчалик 11 та) дарвозаларидан бири

¹⁰⁹ Мушқулларни осой айлагувчи, инсонларнинг ҳожатини чиқарувчи зот.

¹¹⁰ Ўғлошев Н. Ҳожат барор Имом Абу Ҳафз Кабир Бухорий (Ота ва ўғли Абу Ҳафз Бухорийлар). Бухоро.1994.

¹¹¹ Ўғлошев Н. IX-XIV асрларда авлиё даражасига кўтарилган Бухоролик машойих ва олимлар. –Бухоро.: Бухоро.1992.-Б.20.

¹¹² Ўғлошев Н. IX-XIV асрларда....-Б.29.

¹¹³ Ўғлон дарвозаси Бухоронинг 11 дарвозасидан бири ҳисобланади.

- Хожа Булгор. Бухоро шахрининг Жожа Булгор гузари. Булгори чарм тикувчилар, чармгарлар авлиёси, кўнчиларнинг пири¹¹⁴.

6. Подшо ва амалдор тоифаларининг зиёратгоҳлари. *Амир Исмоил Сомоний, Амир Шохмурод, Даҳмаи Шохон (Шохлар хилхонаси) – Имомқулихон, Абдулазизхон, Субҳонқулихон даҳмалари.*

- Исмоил Сомоний. Сомонийлар подшоси мақбараси Бухоро шаҳридаги Марказий истироҳат богида. Мақбара атрофи қадимда “Науканда” қабристонидан иборат бўлган¹¹⁵.
- Бухоро ҳукмдорларининг айримлари, жумладан, Амир Шохмурод ва бошқалар Бухоро шаҳридаги Халифа Худойдод ва Эшони Имло қабристонларида дафн этилган. Ҳозир бу қабристонлар ўрнида 14-мактаб ва ёнида халифа Худойдот мажмуаси мавжуд.
- Баҳоуддин Нақшбанд зиёратгоҳидаги Шохлар хилхонасида темурийзодалардан то мангит амирларигача бўлган кўплаб ҳукмдорлар дафн этилган¹¹⁶.

7. Аёллар номи билан боғлиқ зиёратгоҳлар. *Биби Орифа, Биби Махсумаи Пок, Қиз Биби, Чилдухтарон.*

- Биби Орифа. Баҳоуддин Нақшбанд мажмуасидан ярим километрча шимоли-шарқроқда унчалик катта бўлмаган меъморий мажмуа. Баҳоуддиннинг аёл авлодлари дафн этилган хилхона¹¹⁷.
- Биби Махсумаи Пок. Жондор туманининг Сомончук қишлоғида жойлашган.
- Қиз биби. Жондор туманининг Варахша чўлида жойлашган. “Бикир¹¹⁸” ўтганлиги сабаб шундай номланган.
- Чилдухтарон (Қирққиз). Бухоро вилоятининг 18 жойида шу номли зиёратгоҳлар мавжуд¹¹⁹. Масалан, Бухоро туманининг Навметан тепалиги яқинидаги тепалик, Шофиркон тумани тепаликларининг бири ҳамда Ғиждувон туманидаги Қумработ қишлоғида зиёратгоҳлари шулар жумласидан.

8. Тиббий хусусиятга эга бўлган зиёратгоҳлар. *Хожа Уббон, Хожа Зафарон. Саричашма, Туяовул чашмаси, Қўтирбулоқ, Биби Кабуднўш ва бошқалар.*

- Хўжа Зафарон. Газли йўли ёқасида, Ромитан туманининг Янгиер қишлоғида жойлашган. Бу ердан пес ва сариқ касал (саргайма)га учраганлар шифо топишади.
- Хўжа Уббон. Бухородан 40 км гарбий-жанубийдаги чўл ўртасида жойлашган. Тери ва боткина касалига чалинганлар шу жойдан шифо топишган.
- Пешку туманидан 7 км узоқликдаги Гулхалон қишлоғида Сари чашма булоғи мавжуд. Илк баҳор кунларида бу жойда бўладиган катта сайлда узоқ яқиндан келганлар тўпланишиб, байрам қилишган. Булоқ иссиқ бўлиб, унда чўмилган инсоннинг танасини турли дардлардан, айниқса, қишдаги нам, захлардан фориг этган. Сувидан истъемол қилишган, балки олиб ҳам кетилган¹²⁰.
- Туяовул иссиқ булоғи. Пешку марказидан тахминан 80 км узоқликда, Варахша чўл массивидаги Туяовулда жойлашган. Овулнинг туячилик билан шугулланувчи козоқлар оиласи булоқ таркибидаги фосфор ошқозон, ичак касалликларига даво бўлаётганини таъкидлашган¹²¹.
- Қўтирбулоқ. Вобкент туманининг Кумушкент қишлоғи. Танадаги хуснбузарларни йўқотиш хусусиятига эга. Шунингдек, етти хил тери касаллиги (яра, кутир, гулафшон, қизилча, агаз, чилла, тебратки)га даво саналади¹²².

¹¹⁴ Йўлдошев Н. Бухоро авлиёларининг тарихи. – Бухоро.: Бухоро.1997.-Б.123-127.

¹¹⁵ Булатов М. Мавзолей Саманидов – Жемчужина архитектуры Средней Азии. –Т.: изд.Гафур Гулям.1976.-С.13.

¹¹⁶ Йўлдошев Н., Бобожонов Ш. Баҳоуддин Нақшбанд тарихий-меъморий мажмуаси.-Т.: Наврўз.2019.-Б.63-65.

¹¹⁷ Раззоков Ғ. “Биби Орифа” мажмуаси // Ҳидоят.2017 йил №9. –Б.9.

¹¹⁸ Бикир – турмушга чиқмаган, хур.

¹¹⁹ Йўлдошев Н. Бухородаги айрим... –Б.88.

¹²⁰ Дала ёзувлари. Бухоро вилояти, Пешку тумани Гулхалон қишлоғи. 2020 йил, декабр.

¹²¹ Дала ёзувлари. Бухоро вилояти, Пешку тумани. 2020 йил, январ.

¹²² Дала ёзувлари. Бухоро вилояти, Вобкент тумани Қўнғирот қишлоғи. 2018 йил, май.

- Биби Кабудпўш. Шофиркон тумани, тали Сафед қишлоғида жойлашган. Кўк йўтал касалига чалинганлар зиёратгоҳдаги кўнг рангли тошга сув қуйиб, уни ялашган ва тузалишган.

Бундан ташқари, Бухоро воҳасининг қатор худудларида турли касалликларга шифо бўлувчи табиий шифобахш чашма ва булоклар мавжуд. Уларнинг аксарияти обод этилиб, зиёрат манзилларига айлантирилган.

Бухоро шаҳрида 160 та, шаҳар ташқарисида 700 га яқин турли-туман маълум ва ноъмаълум муқаддас қадамжо ва зиёратгоҳар ҳозирги қадар сақланган. Юқорида фақатгина маълум ва машҳур зиёратгоҳлар ҳақида маълумотлар келтирилди. Зиёрат туризми учун катта ресурсга эга бўлган воҳа имкониятларидан фойдаланиш сайёҳлик соҳасида катта муваффақиятларни олиб келиши шубҳасиз.

БУХОРО ОБИДАЛАРИНИНГ БАДИИЙ-ТАМСИЛИЙ ТАЛҚИНЛАРИ – ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ОМИЛИ СИФАТИДА

Башират Жамилова, БухДУ доценти

Бухоронинг ўрта асрларданок илм-маърифат ва маданият маркази, шариф шаҳарлиги билан эътибор қозонгани замондош авлод учун мустақиллик арафаси ва истиклол йилларида аёнлашди, десак хато бўлмайди. Мустабид тузум талотўплари бу юртнинг бой тарихига залворли соя ташлаган эса-да, шуқуҳли кунлар қадим юрт қадриятларини тиклаётгани таҳсинга сазовор. Жумладан, ижодкорлар насрида, назмида Бухоронинг салобатли минораю обидалари, жаҳон фани ва маданиятига улкан ҳисса қўшган буюк мутафаккирлари, муқаддас заминнинг эътиқоди янглиг бўй кўрсатиб турган қадамжолари, зиёратгоҳлари бадиий талқин этилиб келмоқда. Бу ўз навбатида бугунги ёш авлодга ўз юрти билан фахрланиш туйғусини уйғотиш билан бирга, шариф шаҳарга бўлган қизиқишни, туризми ривожлантиришга ҳам асос бўлади. Шу маънода, етук шоир ва ёзувчилар ижодида бўй курсатган шариф шаҳарнинг бадиий-тамсилий талқинлари эътиборга лойик.

Дарҳақиқат, бу юртнинг таърифи ва тавсифи талай ижодкорлар учун етакчи мавзу ҳисобланади. Биргина бухоролик етук олим ва шоир Садриддин Салим Бухорийнинг бу борадаги хизматларини эслаш кифоя. “Садриддин бадиий ижодга ўз мавзуси, ўз эътиқоди билан кириб келди, -деб ёзади Н.Аминов. Гўё унинг тили “Она”, “Бухоро” сўзлари билан чиққандек. У Бухоронинг Бухоролигини азалий ва абадий шарифликда кўрди. Садриддин бухорони бу ёруг оламда энг олий қадрият деб тушунди... Бухорони “Қуббатул ислом” даражасига кўтаришда хизмат қилган авлиёю киромларни, она шаҳарнинг ўтмишию бугунини қаламга олиб чарчамайди”. Дарҳақиқат шоир шеърларида Бухоронинг обидалари, пирлари, зиёратгоҳлари жуда юксак эътиқод, пафос билан қуйланадики, унинг:

Эй Бухоро! Оқ сочли онам!

Сен муқаддас Маккам, Мадинам!

Таърифингга ожиздур қалам,

Бухорога Бухоро келди,– дея шарафловчи мисралари бугун шиор даражасига кўтарилаётгани сир эмас.

Жумладан, **Омон Мухтор** ижоди ҳам бунинг ёрқин далили. Унинг асарларида икки нарса яққол кўринади: биринчиси ижодкорнинг Бухоро – тарихий обидалар заминида таваллуд топиб, умр бўйи ана шу шариф шаҳар васфини ранг-баранг жилоларда бадиий талқин эта олгани; иккинчиси унда шоир ва носирлик истеъдодининг ҳамиша уйғун келиши. Ана шу бахт ва қисмат Омон Мухтор номини камолот сари етаклади.

Энг муҳими эса тарих ва тақдирлар уни кўпроқ эътиборини тортади. Жумладан, адиб Бухоро ва бухороликлар мавзусини алоҳида меҳр-муҳаббат, маҳорат билан талқин этади. Бу ҳақда профессор О.Сафаровнинг эътирофи диққатга сазовор: “Омон Мухтор қалбида ҳам, лафзида,– деб ёзади олим,– қолаверса бутун жисму жонида ҳам Бухоро шундай оташин оҳангга айланган, унинг шахси учун ҳам, ижоди учун ҳам Ватан бухородан бошланган, у

наинки ўзлигини, балки ҳам оламдаги, ҳам озод Ватанимиздаги барча жараёнларга хос ўзгаришларни Бухоро ва бухороликлар тимсолида кўради, севади, таърифлайди, тавсифлайди ва ифода этади.”

Дарҳақиқат, ёзувчининг ўнлаб қисса ва ҳикоялари, Насриддин афанди туркумидаги битиклари, “Хотин подшоҳ”, “Афлотун” романларида бу хусусият яққол кўзга ташланади. Жумладан, “Хотин подшоҳ” романи адабиётда қаламга олинмаган мавзулардан. Муаллиф уни ёзишда ўзи таъкидлаганидек, узоқ тарихга тегишли ёзувлар, эски халқ ривоятлари ва кўшиқлари, Наршахий, Вамбери китоблари, устод Садриддин Айнийнинг тарихий мақолалари, академик Иброҳим Мўминовнинг айрим кузатишларидан фойдалангани, шунингдек, А.Навоий, Машраб, Муқимий, Ҳ.Олимжоннинг шеърӣ сатрларига мурожаат қилгани англашилади. Шунга кўра романни чин маънодаги маърифий-тарихий асар дейиш мумкин. Унда Бухоронинг минг йил илгариги тарихи китобхон кўз олдида гавдаланиб, халқ меҳридан ривоятларгача, чет мамлакат босқинчиларидан тортиб, қўшни подшоҳликларгача доврқ таратган оқила аёл – Ойнур – хотин подшоҳ – Тагшоданинг онаси ҳақида ҳикоя қилинади. Ёзувчи фақат тарихий воқеалар атрофида фикр юритиб қолмай, қаҳрамонлар руҳияти, аёл қалбининг нозик туйғулари, ботинидаги зиддиятларни тасвирлашга эътибор беради. Асар давомида Хотин подшоҳ аввало она, аёл, салтанат ҳукмдори, юртини босқинчилар қўлидан қутқариб турган тадбирли, оқила, доно хотин, халқпарвар, саховатпеша подшоҳ сифатида намоён бўлади. Айни пайтда адиб тарихий ҳақиқатдан кўз юммай, Бухоро тахтига ўтирган подшоҳлар қисматини, турли сулолалар фожеасини реалистик акс эттиради. Айниқса, Тагшоода ҳукмронлиги даврида шариф шаҳарнинг босқинчилар, сотқинлар қўлига ўтиб, талон-тарож қилиниши, турли фитналар бадийий ва тарихий ҳақиқат уйғунлигида талқин этилган. Роман мустақиллик шарофати туфайли дунёга келгани учун ўтмиш тарихимизга холис баҳо берилгани билан аҳамиятли.

Истеъдодли болалар ёзувчиси, Сафар Барноев ҳам Бухоро юртининг фарзанди. Унинг болалиги шу қадим шаҳар кўчаларида ўтган. Лабиҳовуз, Регистон, мовий гумбазлар, Минорайи қалон, ҳатто унда ин қўйган оқ лайлақлар... Буларнинг барчаси адиб ижодига умр бўйи илҳом бахш этиб келди. Яна шариф шаҳар жинкўчалари, мухташам ёдгорликлару залворли тошдеворлар ижодкор армонларининг тилсиз гувоҳи... Сафар Барноев Бухоронинг нафақат ўзи истиқомат қилган азиз гўшалари – Ромитан, Богитуркон, Арк атрофи, “Ҳаммоми кунжак” ёнидаги эскигина ҳовлилари, балки болалигида бобо ва бувисидан эшитган ҳаётӣй воқеалар, она шаҳрининг чинакам тарихини кўнгил қатида мангу сақлади. Аммо адиб болалик хотираларини ўзи билан мангуга олиб кетгани йўқ. Энг муҳими, у она шаҳри тарихини ёш авлодга бадийий қайта жонлантириш бахтига муяссар бўла олди.

Болалик таасуротлари тошга ўйилган хатдай, сира ўчмайди. Хира тортмайди. Аксинча давр ўтиб, узоқлашган сари йириқлашиб, ўша пайтда мавҳум бўлган нарсалар ойдинлашиб боради. У онаси ва бувиси билан Бухорода, Лабиҳовуз яқинида яшарди. Онаси нонвойлик қиларди. Сафар ёш боши билан нон сотарди. Кейинроқ бўйи ўсиб, ўзи ҳамир қориб, нон ёпадиган бўлди. Мактабда бир куни муаллим кўпчилик олдида уни изза қилди “Пионер бўла туриб, нон сотиб юрибди” деб.

У анчагача ўксиб юрди. Воқеадан хабардор булган бир кекса ўқитувчи унинг кўнглини кўтармоқчи бўлиб бир воқеани айтиб берди.

Ўттизинчи йилларда муаллим ўз ўқувчиларини сафга тизарканда:

– Сиз янги замон болаларисизлар. Янги замон боласи қандай бўлиши керак? Ҳа, балли, эскилик қолдиқларига қарши курашиши керак. Шундайми? Сиз янги замон учун нима қилдингиз?

Шунда бир бола икки қадам олдинга чиқди.

– Иккита гишт кўчириб келдим.

– Қаердан кўчирдинг?

– АРКнинг орқа деворидан.

Муаллим мамнуният билдириб, болага яқинлашди ва бошини силаб туриб, ўқувчиларга деди:

– “Чапак чалмайсиларми? Қани бир қарсак бўлсин”

Болалар қарсак чалиб, синфдошини олқишлади.

Шундай қилиб, қарсак олишни истаган, оқ-қорани билмаган болалар мадраса, мачит гиштарини кўчириб, мактабга олиб кела бошлади. У гиштарнинг ўқитувчига ҳам, мактабга ҳам кераги йўқ... Ота – боболар фарзандим маърифатли булсин деб курган биноларни йўқотиш, халқни ўтмишдан жудо қилиш, шўролар мавқурасини сингдириш учун ўйлаб топилган “тадбир” эди бу.

Сафар Улуг минор, Лабиховуз яқинида қанча кўркам бинолар шу тариқа йўқ қилинганлигини кўп эшитган, қанча мадраса ва мачитлар омборхонага айланганини, баъзиларига қаерлардандир кўчиб келган одамлар ўрнашиб олганини, оёқ ости қилинганини ҳар куни кўрарди. Умр-оқар дарё. Ҳаёт-синов майдони. Инсон бу дунёга синов учун келаркан...

Шоир Маъруф Жалилнинг эътирофи фикримизни бу жиҳатдан тўла асослайди: “Сафар Улуг минор, Лабиховуз яқинида қанча кўркам бинолар шу тариқа йўқ қилинганлигини кўп эшитган, қанча мадраса ва мачитлар омборхонага айланганини, баъзиларига қаерлардандир кўчиб келган одамлар ўрнашиб олганини, оёқ ости қилинганини ҳар куни кўрарди. Сафарнинг ёзувчи бўлишига бобосидан отасига, ундан ўзига қадар ўтиб келган оччиқ фожиалар сабоги сабаб бўлган назаримда.

“Мен тенгилар,—деб ёзади муаллиф, – Бухорои Шариф ўртасидан оқиб ўтадиган тош ариқни биламиз. Аслида эса шаҳарнинг ўртасидан, остидан ўтадиган худди ана шундай 32 та катта-ю кичик, устивори тош ариқ ўтган. Буларнинг бариси шаҳарнинг об-ҳавосини мўътадил асрашга хизмат қилган. Гап шундаки, қизил аскарлар шаҳарга сув олиб кирадиган ариқлар бошини кўмади. Натижада шаҳар ҳавоси бузилади”.

Урушдан қўл-оёқсиз қайтган “амаки”ни Мансурнинг онаси (ўз хотини) “бу мундини нима қиламан, қўл-оёғи борлигида ҳукуматингга керак эди, энди боқиб олишсин”, - деб уйга киритмайди. Ноилож “амаки” ўғли Мансурни ҳам кўролмай, замбил билан машинага юкланиб, қайтариб олиб кетилади... Машина ордидан “дада”лаб югурган Мансур, Арк дарвозасига етганда, тошга қоқилиб кетади. Тирноғи кўчиб, бош бармоғи жароҳатланган болакай оғриқ зарбидан беҳуш йиқилади. Шу ўринда ёш Сафарнинг аламли хотиралари қалқиб чиқади: “Биз болалар деярли яланг оёқ юрардик, ким билади, тошлар шу қадар кўпмиди, уйга ҳар куни, албатта, бир бармоғимиз қонаб келар эди”, - дея ўз болалигини эслайди адиб.

Мақолада келтирилган тасвир ифодалари аввало, болаларга таниш манзара, ўйинқароқлик, йиқилиб оёқ қонашларнинг илиқ хотиралари тарзида танланиши билан диққатга сазовор. Ушбу ҳолатнинг рамзий маъноси эса публицистик долзарбликни белгилайди. Муаллиф Мансурнинг Арк дарвозаси олдидаги йиқилишини таъкидлаши ҳам бежиз эмас. Бу тасвир билан болалик шўхликлари оромини анчайин эрта бузган, ёшлар жисмига кўп жароҳатлар етказган тарихдаги мудҳиш воқеалар ифодаланмоқчи. Адиб публицистга хос журъат билан ҳаётдаги депсинишларнинг асл сабабини кўрсатиш, улар ҳақида мушоҳада юритишга ҳаракат қилади: «Ҳеч ким Бухоройи Шариф кўчаларига тош бўлақларини экиб кетмагандир, булар аслида тўпларга тутилган масжиду мадрасалардан учиб тушган тош парчалари эди. Улар йиллар давомида тупроққа кўмилиб, қайси бир қирраси тупроқдан чиқиб ётарди”. Бу – “ҳикоя”даги ҳақиқат.

Умуман, бу сингари тарихий воқелик талқини Бухоронинг ўтмишдаги бой маданиятини қайта тиклаш заруратини бугунги авлодга англаштишга ҳам хизмат қилади. Шу каби тарих ва тақдирлар залворидан хабардор ижодкоргина Бухоро ҳақида фидойилик билан ёзади, қайгуради, уни оламга дoston бўлгулик қадриятлари, маданияти, зиёратгоҳларини қайта тиклашга даъват этади. Зотан, С.Воҳидов, И.Субҳон, Т.Аҳмад, И.Ражабова, Б.Ражабов, Ш.Сулаймон, Л.Шарипова сингари шоирлар ижоди орқали буни яққол англаш мумкин. Алалхусус, бу каби ўз юртини тараннум қилувчи ижодкорлар шеърларини республика, халқаро миқёсда оммалашувига эришиш, уларнинг энг сара намуналарини жаҳон тилларига таржима қилиш орқали ҳам Бухоройи шарифнинг нафақт улугланиши, зиёрат

туризими ривожлантиришига, балки ҳар асори-атиқаларнинг ҳар бири ҳақида талай дostonлар яратишга асос бўлади.

Президентимиз таъкидлаганларидек, зиёрат туризмини жадал ривожлантириш, маданий мерос объектларини туризм маршрутига киритиш жоизлиги бежиз эмас. Таъбир жоиз бўлса, бунда ижодкорлар бадиий талқин этган тарихий қадамжоларга алоҳида диққат қаратилиши мақсадга мувофиқ.

ИСЛОМ МАДАНИЯТИ АСОСИДА ДИНИЙ БАГРИКЕНГЛИК ВА МИЛЛАТЛАРАРО ТУТУВЛИКНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

Жарқинов Зарифжон, ФарДУ мустақил изланувчиси

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг бешинчи устувор йўналиши сифатида хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний багрикенгликни таъминлаш, яқин кўшничилик муҳитини яратишга қаратилган пухта ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсатни юритиш белгиланганлиги бу борадаги ишларни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаришга замин яратмоқда. “Миллатлараро тотувлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, - деб таъкидлайди Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев, - турли дин вакиллари ўртасида ўзаро ҳурмат ва дўстона муносабатларни ривожлантириш, қайси дин ва эътиқодга мансублигидан қатъи назар, барча фуқароларнинг тенг ҳуқуқлилигини таъминлаш бундан буён ҳам энг муҳим вазифаларимиздан бири бўлиб қолади”¹. Шу нуқтаи назардан, жамият демократлашувида миллатлараро муносабатларни такомиллаштиришни тадқиқ этиш ҳамда илмий-назарий аҳамиятга эга бўлган хулосаларни ишлаб чиқиш долзарб вазифа ҳисобланади.

Ислom дини, унинг кадриятлари, Қуръон, ҳадис, ижмо ва қиёс асосида ишлаб чиқилган шариат аҳкомлари асрлар давомида мусулмон халқлари, хусусан ўзбек халқи ижтимоий-маънавий ҳаётида ўта муҳим ўрин эгаллаб келгани, шубҳасиздир. Биз буни халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган халқаро диний багрикенглик, халқаро тотувлик ва ҳамжиҳатлик, ўзга миллат ва дин вакилларига нисбатан ҳурмат-эҳтиром, диний муросасизлик каби фазилатларнинг намоён бўлишида ҳам кузатишимиз мумкин.

Ислom дини кадриятларининг халқимиз ижтимоий-маънавий ҳаётида тутган бундай муҳим аҳамиятини таъкидлаб, Биринчи Президентимиз И.А.Каримов шундай деб ёзади: «Шарқ фалсафасининг муҳим бир қисми бўлган ислom маданиятининг ўзбек халқи маънавияти тарихида тутган муҳим ўрни шундаки, у одамларни ахлоқий покликка, маънавий баркамолликка ундаган. Умуминсоний ва маънавий-ахлоқий мезонларга таянган ҳолда кишиларни ҳамжиҳатликка, тотувликка, адолатга, меҳр-мурувватга, саховатга, сабр-бардошликка чақирган»¹.

Муҳими шундаки, ислomий кадриятларда юқоридаги ахлоқий фазилатларга даъват факат ушбу динга эътиқод қилувчиларга нисбатан бўлган муносабатлардагина эмас, балки бошқа динларга эътиқод қилувчи халқларга нисбатан бўлган муносабатларда ҳам намоён бўлган. Багрикенглик ва муросасизлик тўғрисида ислomшунослар томонидан хилма-хил фикрлар билдирилган. Жумладан, тунислик ислomшунос олим Муҳаммад Талби “Қуръон диний плюрализм, хилма-хиллик, эътиқод эркинлигига бўлган ҳуқуқни очиқ-ойдин кўрсатиб берган ягона муқаддас китобдир”, - дея таъкидлаб, ислomдаги багрикенгликни ифодалайдиган бир неча оятларни шарҳлаган². Шу билан бирга, у динлар тарихидан мисоллар келтирган:

¹ Мирзиёев Ш.М. Демократик ислохотларни изчил давом эттириш, халқимиз учун тинч ва осойишта, муносиб ҳаёт даражасини яратиш-барқарор тараққиёт кафолатидир. “Халқ сўзи”, 2 ноябрь 2016.

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Тошкент: Ўзбекистон, 1999. 35-бет.

² Mohammed Talbi. Tolerance et intolerance dans la tradition musulmane. Corporate author: Acadmie universelle des cultures (France). L'intolerance: Forum international sur l'intolerance, (la Sarbonne, 27-28mars 1997). – Paris: Editions Grasset & Fasquelle, 1998. – P. 54.

“Халифа Умар (581-644) Қуддус шаҳрини забт этгандан сўнг яҳудийларга у ерда жойлашишга рухсат берди. Улар ва мусулмонлар орасида деярли барча соҳада ҳамкорлик алоқалари ривожланиб, Х асргача давом этган”.

Биринчи Президентимиз И.А.Каримов: «Бундай хулосалар чиқаришга ота-боболаримизнинг дини бўлмиш ислом дини мисолида айтиш учун ҳамма асосларга эгамиз»³, – деб таъкидлайди. Шунини алоҳида қайд этиш жоизки, мусулмон халқлари ижтимоий, ҳуқуқий, гоъвий, маънавий-ахлоқий, маърифий ҳаёт тарзининг асосий манбаи ҳисобланган Қуръонда инсонларнинг турли миллатларга ва динларга мансублиги жиҳатидан бир-бирларидан фарқ қилишлари табиий эканлиги, лекин бу нарса улар ўртасидаги адоват низо ва урушлар учун сабаб бўла олмаслиги, зеро Оллоҳ барча инсонларни азиз-мукаррам қилиб яратганлиги, миллатлар ва динлар ўртасидаги тафовут уларнинг ҳамкорлик ва ҳамжиҳатликда яшашларига халақит бермаслиги ҳақида кўпгина оятлар мавжуд. Бунинг далили сифатида Қуръондан қуйидаги оятларни келтириш мумкин. «(Аввалда) одамлар фақат бир миллат (яъни бир динда) бўлган эдилар. Сўнгра бўлиниб кетдилар»¹. Яна: «Агар Оллоҳ хоҳлаганда, албатта уларни (яъни барча инсонларни) бир миллат (бир динда Исломда) қилган бўлур эди»².

Демак, инсонларнинг турли динларга эътиқод қилишлари бир-бирларидан фарқланишида Оллоҳ хоҳиш-иродасининг намоён бўлишини назарда тутган ҳолда, бошқа динга эътиқод қилувчиларга нисбатан қандайдир гайриинсоний, гайриахлоқий бир мавжудотга бўлган муносабатдек бўлиш жоиз эмас. Шундай экан, бутун башариятга, инсон зотига нисбатан бўлган ҳурмат-эҳтиром уларга ҳам тааллуқлидир.

Шуниси муҳимки, Қуръонда бутун инсониятнинг бир ота ва бир онадан яратилганлиги ҳақидаги оят турли миллат, халқ ва элатларнинг бир-бирлари билан ҳамжиҳатликда яшашларига, дўст-биродар бўлишларига, ҳамкорлик қилишларига муҳим сабаб эканлиги ҳақида хулоса чиқаришга асос бўлиши мумкин. Чунончи, Қуръон оятида шундай таъкидланади: «Эй инсонлар, дарҳақиқат Биз Сизларни бир эркак (Одам) ва бир аёл (Ҳаво)дан яратдик ҳамда бир-бирларингиз билан танишинглар (дўст-биродар бўлишинглар) учун сизларни (турли-туман) халқлар ва қабила-элатлар қилиб қўйдик»³.

Шу ўринда Қуръони Каримнинг таржимаси, республикамизда илоҳиёт илмининг нуфузли билимдони Аловуддин Мансурнинг ушбу оятга берган қуйидаги изоҳини келтириб ўтмоқ жоиз, деб ҳисоблаймиз: «Ушбу оятда Ислом динининг инсоният оламига нисбатан бўлган кўз қараши баён этилгандир. Биринчидан барча инсонлар бир ота-онанинг фарзандларидир. Иккинчидан инсонларнинг турли эл-уруғларга бўлинишлари бир-бирлари билан мол-дунё талашиб уруш-жанжал билан умр ўтказишлари учун эмас, балки бир-бирлари билан танишиб, ҳамкорлик қилишлари ва биргаликда ўзлари халифа бўлган заминни обод қилишлари учундир»⁴.

Жаҳон халқлари ва миллатларини биродарликка одоб, ва инсофга чақиради. У ҳеч бир кишини бошқасининг камчилиги учун айбдор қилмайди ва ҳар бир кишининг масъулияти унинг ахлоқи билан белгилайди.

Юқоридигалрдан келиб чиққан ҳолда қуйидагиларни тақлиф қилмоқчимиз.

1. Миллатчиликка қарши кураш олиб бориш мақсадида “Агрессив миллатчилик ва унинг ҳар қандай шакл ва кўринишларига қарши кураш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунини қабул қилиш. Қонуннинг мақсади агрессив миллатчиликнинг мазмунини ойдинлаштириш, унинг шакл, кўринишларини аниқлаштириш ҳамда уни олдини олиш ва оқибатларини бартараф этиш, қарши кураш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишдан иборат бўлади.

³ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Тошкент: Ўзбекистон, 1999. 35-бет.

¹ Қуръони Карим. Юнус сураси, 19-оят, Тошкент: «Чўлпон» 1992. (Таржима ва изоҳлар муаллифи Алоуддин Мансур). 138-бет.

² Қуръони Карим. Шуаро сураси. 8-оят. 352-бет.

³ Қуръони Карим. Хужурот сураси. 13 –оят. 392-бет.

⁴ Қуръони Карим. Хужурот сурасининг. 13- ояти таржимасига берилган изоҳ. 392-бет.

2. Ўзбекистон ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тили, урф-одатлари ва анъаналарини авайлаб-асраш ва янада ривожлантириш учун барча шарт-шароитлар яратиш; “Ўзбекистон-умумий уйимиз” гоёсини рўёбга чиқариш; миллатидан катъий назар фуқароларнинг қонун олдида тенглиги таъминлаш; уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилиш, манфаатларини рўёбга чиқариш ва ривожланиши учун керакли бўлган барча шароитлар яратиш учун “Ўзбекистон Республикаси давлат миллий сиёсати концепцияси”ни қабул қилиш. Ушбу концепция миллий муносабатлар соҳасида Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолиятининг асосий йўналишлари ва тамойилларини, замонавий илғор қарашларни ўзида мужассам этган дастуруламал бўлади.

3. Ўзбекистонда демократик ислохотларни чуқурлаштириш жараёнида миллатлараро муносабатларни янада такомиллаштириш учун маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари раҳбарларининг миллий масала бўйича маслаҳатчи лавозимини жорий этиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

4. Ёшлар ўртасида глобаллашув жараёнининг салбий иллати сифатида намоён бўлаётган 31 октябрда “Хэллоуэн” байрамини нишонлаш ҳолатларига барҳам бериш мақсадида “Меҳржон” байрамини умумхалқ байрами ва дам олиш куни сифатида эълон қилиш. Бу таклифни амалиётга татбиқ этилиши ёшларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни миллий ва умуминсоний кадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, онги ва қалбида мустақиллик гоёларига содиқлик, миллий ўзликни англаш, Ватанга муҳаббат ва унинг тақдирига даҳлдорлик, фидойилик ҳиссини қарор топтириш ва ривожлантириш, турли мафкуравий таҳдидлардан асраш, хусусан, диний экстремизм, терроризм, “оммавий маданият” ва бошқа ёт гоёларга қарши мустаҳкам иммунитетни шакллантиришга ёрдам беради.

5. Мамлакатимизда хавфсизлик, миллатлараро тотувлик, диний бағрикенгликни таъминлаш мақсадида оммавий аҳборот воситаларининг ролини ошириш ҳамда демократик андозалар асосида янада ривожлантириш мақсадида интернетнинг миллий сегментида миллатлараро тотувлик, диний бағрикенглик тамойилларини қарор топтиришга хизмат қилувчи маҳсус веб-сайтларни босқичма-босқич шакллантириш.

6. Ўзбекистон Республикаси Президенти ПҚ-5046 – сонли қарорининг 2 қисми 6-бандида кўрсатилган миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада ривожлантириш ва уйғунлаштиришга бағишланган илмий-тадқиқот ишларини ташкил қилишда кўмаклашиш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари кўмитаси муассислигида “**Миллатларо тотувлик ва диний бағрикенглик**” номли **илмий журнали**ни нашр этишни тавсия этамиз.

7. Мамлакатимиз аҳолиси этник таркибидаги ўзгаришлар динамикаси, мамлакатимиздаги сиёсий жараёнлар, шунингдек, миграциянинг миллатлар ҳаётига таъсири, давлат ва жамият бошқарувида этник нуфус ҳолати, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликга таҳдид солувчи реал хавфлар даражасини аниқлаш асосида тегишли органларга хулоса ҳамда таклифлар тайёрлаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари кўмитаси **ҳузурида Мониторинг маркази**ни ташкил этишни тавсия қиламиз.

8. Ўзбекистон Республикаси Президенти ПҚ-5046 – сонли қарорининг 2- қисми 4-бандида кўрсатилган вазифаларни амалга ошириш доирасида Кўмита ихтиёридаги Дўстлик боғида **инновацион “Этнопарк”** мажмуасини барпо этиш лозим.

PROBLEMS AND PROSPECTS FOR THE DEVELOPMENT OF HALAL TOURISM IN UZBEKISTAN

*Kodirov D.Kh, Mavlonova U.Kh.,
Senior Lecturers of the Bukhara State University,
Kodirov T.D., The 2nd year student of the
Bukhara State University, Bukhara, Uzbekistan*

Uzbekistan, being part of the Islamic world, was considered the cultural center of Central Asia. Even in the time of the Eastern Renaissance, this region contributed to the development of Islamic culture, science and art. The heyday of Islamic culture in this country fell in the Middle Ages, namely from the 9th to the 17th centuries, since the development of the Samanids, Karakhanids, Khorezmshahs dynasties, as well as after the Mongol conquests and centuries-old decline by the revival of Islam of Sufi-Amaritic orders such as Kubravia and Naqshbandiya and Timurid dynasties, and after the Sheybanids [1].

Recently, from January 1, 2020, the Uzbek city - Bukhara became the capital of Islamic culture. This decision was made at the 9th conference of the Ministers of Culture of the Member States of the Organization of Islamic Cooperation (OIC). On December 18, 2019, at the 11th Islamic Conference, three cities - Bukhara (Uzbekistan), Cairo (Egypt) and Bamako (Mali) were approved by the capitals of Islamic culture in 2020. And also, besides this 2020, the Khiva city of the Republic of Uzbekistan was declared by the organization as the Turkic capital of culture of the Turkic world.

This tradition of announcing the three cities of Muslim countries every year is carried out by the Islamic Organization for Education, Science and Culture (ISESCO). Cities from three Islamic regions — the Arab world, Asia, and Africa — are elected annually. Prior to this, in 2007, the Islamic Organization for Education, Science and Culture (ISESCO) declared Tashkent, the capital of Uzbekistan one of the three capitals of Islamic culture.

As you know, Bukhara, in fact, for several centuries has been the capital of Islamic culture. It is not surprising that in the Muslim world, epithets in the Arabic “Kubbatul-Islam” and in the Persian “Gumbazi Islom”, which means “the Dome of Islam”, are firmly entrenched in Bukhara [2]. The fact that the city was recognized as the capital of Islamic culture once again confirms the contribution of this city and region to the development of Islamic civilization and culture.

As a rule, the capital of Islamic culture is obliged to hold a conference of Islamic culture ministers, which takes place every two years. Throughout the year, the city, chosen as the capital, hosts events and occasions aimed at the presentation of its culture and Islamic heritage. And this, in turn, helps in the development of the field of pilgrimage, halal, or as it is called Islamic tourism. In the future, for the development of halal tourism in Uzbekistan, it becomes important to resolve some issues and problems associated with the provision of halal facilities and services.

It is well known that Uzbekistan is famous in the world for its hagiotope places and sacred Islamic shrines. Based on this, our country is an attractive tourist destination for pilgrims who want to visit due to the presence of the pilgrimage places of the great scholars of the Islamic world, and so for Ziyarats of Sufi sheikhs and saints. As well as being the cultural center of Islam in the country, there are many different historical places, madrassas, mosques, mausoleums and Sufi monasteries-khanakas. Tourists can be attracted by Muslim halal gastronomy and local crafts.

Islam forbids things that harm a person, his mind, body, religion and life. Such things pose a threat to society, both materially and spiritually. Allah sends down the verses in the Sura Al-Ma'ida, where he forbids bad deeds: “Oh you who believe! An intoxicating drink, maysir (sacrifice) on stone altars (and fortune telling) by arrows - bad acts inspired by the shaitan. Avoid this, maybe you will succeed. Verily, the shaitan, with the help of wine and maysir, wants to sow enmity and hatred between you and turn you away from the remembrance of Allah and Namaz. Will you stop (these obscenities)?” [3.5: 90.91]

In these verses, Allah forbids alcohol and gambling, altars and fortune-telling, considering them an abomination and calls these acts obscene and disgusting in the Qur'an, and also relates

them to the acts of Satan, since his acts are filthy and evil. Therefore, Islam calls on believers to refrain from these vices and deeds, and this is the path to success and happiness. Muslims avoid these actions in order to find happiness in two Worlds, ceasing to do what Allah forbade.

First of all, halal is pure food. The holy book of the Qur'an in the 31st verse of the 7th Surah Al-Araf (Fences) says: *المسرفين يحب لا انه تترفوا ولا اشربوا و كلوا و* - "Eat and drink, but do not excess, because He (Allah) doesn't love excesses" [4.7: 31]. The great poet and thinker Saadi interprets it this way: "By this Allah commands people to eat and drink the permitted and pure blessings with which He endowed the creations. But you can't overdo it by eating too many foods that can cause harm to the body, either by purchasing very expensive and sophisticated dishes, drinks and clothes, or by eating prohibited foods. Allah does not like wasteful people, because wastefulness causes His anger and causes harm to the body and human well-being. And in some cases, it leads to the fact that a person is deprived of the opportunity to give obligatory donations. In a word, this beautiful ayah orders to eat food and drinks, forbids refusing to give up food and drink, and forbids excess in this" [5].

About food is also given in the Hadith. The Prophet Muhammad (peace and blessings of the Lord be upon him) said: "The worst vessel that can be filled with man is his stomach. It is enough to eat as much as it is necessary to maintain strength. If this is too little, then: a third (of the stomach) - for food, a third - for drinking and a third - for breathing" [6]. Another hadith says: "Respect bread" [7]. As it is said in one reliable hadith: "A person does not know in what remnants of food God's grace - barakat is laid" [8]. In the vaults of the hadiths of the imams al-Bukhari and Muslim from Jabir, the words are given: "The Prophet (peace and blessings of Allah be upon him) forbade the eating of a donkey and allowed him to eat horse meat" [9]. From the above words one can find out what a Muslim can eat, and what he or she need to refrain from and not to eat.

According to the Global Muslim Tourism Index (GMTI), by 2020, the number of Muslim tourists will increase to 156 million. According to experts, the costs will be up to 220 billion dollars. These data were prepared by analysts of MasterCard and KressentRating. Indices are compiled annually and show not only a growing number of tourists, but also the sustainable development of the halal tourism industry [10]. As you know, Muslim travelers are looking for a vacation home that meets their needs. Such places should meet such needs as halal food, clothing and tradition. That is, it should be a clean, Islamic halal brand. Halal in Arabic means what is permitted in Islam and compatible with Sharia. According to Islamic canons - Sharia, Islam forbids carrion, pork, alcohol, half-naked and naked clothes of women, gambling and finding women and men alien to each other in one place and dancing together.

The development of halal tourism is associated with rising middle-class incomes. That is why many countries are trying to attract tourists of this category, whether Muslim, Christian, Buddhist or secular. Among the members of the Organization of Islamic Cooperation (OIC), Malaysia, the UAE, Indonesia and Turkey are the highest in the number of tourists. In the future, from these and other Muslim countries an influx of tourists to Uzbekistan is expected. Among non-OIC countries that accept Muslim tourists and provide them with services, the leaders are Singapore, Thailand and the United Kingdom. Interestingly, as a Buddhist country, Thailand has become an attractive halal tourist destination for Indonesian and Malaysian Muslims. Interest in Muslim tourists is also aroused by the UK. It is predicted that by 2020 the turnover from Islamic tourism will reach \$ 4.1 billion [11]. This trend continues to grow, despite the escalation of Islam phobia in Europe and other non-Muslim countries.

References:

1. Ziyoy A. Uzbek davlatchiligi tarixi. Tashkent, Shark, 2001, p.102.
2. Narshakhiy. Bukhoro Tarikhi. Tashkent, Kamalak, 1991, p.131.
3. The Qur'an, Sura Al-Ma'ida, 5: 90.91.

ИМОМ ҒАЗЗОЛИЙНИНГ АХЛОҚ ФАЛСАФАСИ

Музаффаров Ф.Д., БухДУ фалсафа доктори (PhD)

Абдурахмонова М.М., Фарғона давлат университети доценти, и.ф.н.

Мақола тасаввуф асосчиларидан бири ва ўрта аср мусулмон шарқининг улкан мутафаккири Имом Ғаззолийнинг ахлоқий қарашлари таҳлиliga қаратилган.

Таянч сўзлар: *Хулқ, ахлоқ, инсон камолоти, тана, руҳ, ақл, мўътадиллик, қалб, ирода, ихтиёр.*

Имом Ғаззолий (1058-1111) ўз ҳаёти ва фаолияти ҳамда шахсияти билан фалсафа тарихига сезиларли даражада таъсир этган буюк донишманд ва ажойиб ҳаким сифатида ислом фалсафасининг ривожланишида унутилмас ва абадий сўнмас из қолдирган. Унинг ҳаёт йўли Аббосийлар халифалиги ва Салжукийлар султонлигининг мураккаб даврларидан бири XI асрнинг иккинчи ярми XII аср бошларига тўғри келади. Бу даврда сунний ислом дунёсининг етакчилигини Аббосийлар халифалиги (750-1258) ва Салжукийлар султонлиги (1040-1157) юритган. Салжукийлар давлатининг иқтисодий соҳадаги фаровонлиги, вазир Низом ул-мулкнинг илм аҳллари ҳимоя қилиши ва Низомия мадрасасининг қурилиши ҳамда мазкур маданий сиёсат натижасида Хуросон ва Ироқда бир қанча алломалар етишиб чиқди. Ғаззолий шу даврда ўртага чиққан энг машҳур ва буюк олимлардан биридир. Имом Ғаззолий яшаган даврда жамиятда турли хил гоялар ва фалсафий оқимлар мавжуд эди. Бу гоявий мактабларнинг хилма-хиллиги туфайли аллома уларга шубҳа билан қараб, тасаввуф таълимотининг уларга нисбатан устунлигини ҳаётий тажрибалари орқали асослаб берган. Маълумки, тасаввуфий ҳаракатлар Шарқ фалсафий тафаккурида салафий, сунний ва фалсафий тасаввуфга ажратилади. Мутафаккир фалсафий тафаккур ёрдамида шариат билан тасаввуф ўртасидаги муносабатни уйғунлаштириб, меъёрга солди ва шу тариқа Хорис Мухосибий ва Жунайд Бағдодий билан шаклланган сунний тасаввуфни такомилга олиб чиқди. Бунда Ғаззолийнинг муҳожирликда ўтказган йиллардаги руҳий камолот йўлидаги изланиш натижалари ўз таъсирини кўрсатди.

Имом Ғаззолийнинг ахлоқий қарашлари асосан унинг “Ихёу улумид-дин” (Диний илмларни жонлантириш), “Кимиёи саодат” (Бахт-саодатга эришув қалити), “Мезон ул-амал” (Амал тарозиси). “Ал қустас ул-муस्ताким” (Энг тўғри ўлчов) ва бошқа кўплаб асарларида кенг ёритилган. У ўзининг ахлоқий қарашларида инсон ҳаётига тўғри келувчи ахлоқ тузулмасини яратишга эътибор қаратди. Аллома мулоҳазаларига кўра, инсон билим ва тоза ниятлар орқали олий бахтга эришади. Инсон бунда ахлоқий бурч ва амалий мулоҳазакорлик ўртасида бўлиб, ўзининг хулқ-атворини тартибга солишда мўътадилликни сақлаши лозим. Ғаззолий хулқ-атворни баён этиш учун ёзади: “хулқ қалбдаги қатъий ва ўзгармас одатлар йигиндисидир. Барча ҳаракатлар у туфайли юзага келади. Агар ундан ақл ва шариатга тўғри келувчи, мақтовга арзигулик ҳаракатлар келиб чиқса, бу хулқ фазилат деб номланади, мабодо, ундан танбеҳга лойиқ ҳаракатлар келиб чиқса, бундай хулқни қойишга молик бўлган хулқ деб атайдилар”. [3,16]

Ғаззолий ҳам перипатетиклар сингари, ўз таълимотида, инсоннинг тугма салбий хусусиятлари ва уларнинг қалб билан богликлигига алоҳида ўрин ажратади. Алломанинг деярли барча асарларида инсоннинг табиий ахлоқий тузилиши баён қилинади. Инсон моҳиятан мойилликлар, қобилиятлар ёки инстинктларнинг йигиндисидир. Ғаззолийнинг фик-рига кўра, инсонда олий инстинкт мавжуд бўлиб, шу орқали инсон Худони билишга интилади. Худонинг моҳиятини билиш “инсон камолотининг чўққисидир”. [11,66]

Ғаззолий мулоҳазаларига кўра, бу олий инстинкт камолотга етган инсоннинг асоси бўлиб, у илоҳий қалбга ўхшайди. Ғаззолий ўзининг ахлоқий таълимотида ҳар бир инсоннинг ўз қалбини англашнинг кўзда тутати. Ғарчи Ғаззолий, инсон руҳини ўлмаслигининг рационал исботи ёки раддияси йўқлигини таъкидласада, у руҳни 3 қисмга ажратади: ҳайвоний, инсоний ва илоҳий. Ғар бир руҳ ўзига хос қувватга эга. Ғайвоний руҳ – “ўзида жаҳл ва истак кучини йигувчидир”, у инсондаги барча нуқсонларни бирлаштиради ва у билан курашиш

лозим. “Маломат килувчи рух” инсонга, ҳайвоний рух билан курашишга тўсқинлик қилса, “осойишта рух” ўзида инсон ахлоқий камолотининг чўққисини ифода этади. [11,66] Ғаззолий инсонда илоҳий ва ҳайвоний хислатларнинг йигиндисини кўради. Ғарчи инсон икки табиатнинг йигиндисидан иборат бўлсада, унда мутлақ рухнинг бўлакчаси мавжуд.

Имом Ғаззолий ўзининг ахлоқий қарашларида хулқ-атвордаги турли фарқларни баён қилади. Бошқа перипатетиклар каби, Платонга эргашиб, қалбни 3 қисмга ажратади: 1) илм қуввати; 2) газаб қуввати; 3) шаҳвоний қувват. Бу қувватларнинг ҳар бири мақбул характерга эга. Моҳиятан улар бир-бирига зид бўлиб, турли истак-майлларнинг тўқнашувига олиб келади. Охир-оқибатда улардан бири бошқаларидан устун келади. Уларнинг қай бири устун келишига қараб, инсонда шунга мос ахлоқий хусусиятлар шаклланади: инсондаги фаҳм-фаросат ва эзулик “илм қувватига” боғлиқ, чунки у “тўғри фикрлашга ўргатиб, ёлгон ишлатишга имкон бермайди”. [3,17] У донишмандлик ва яхши фазилат юзага келиши учун асос бўлади. Ушбу фикрлардан кўринадики, Ғаззолий Шарқ перипатетиклари каби яхши фазилатларни баён қилишда, уларни ҳар бирини очиб беришга эътибор қаратмаган бўлсада, аммо бу тамойилларнинг муҳимлигини баён қилишга интилади. [12,326]

Имом Ғаззолий таълимотида адолат муҳим ахлоқий тушунча ҳисобланади. Адолатда, ижтимоий ахлоқ идеал мужассам бўлади. Унингча, бу тамойил инсонларнинг ахлоқий ҳаётида муҳим ўрин тутаети. Агар адолат адолатсизликка қарши турмаса, у ўзининг асосий вазифаси – мувозанатни сақлашни амалга оширолмайди. Ғаззолий кўпинча инсон руҳидаги адолат ҳақида сўз юритганда, бу адолатга мос келиши ҳақида ёзаети. [8,91]

Ғаззолийнинг фикрига кўра, олий адолат фақат Худодагина мавжуд. Бошқа ахлоқий тамойиллардан фарқли ўлароқ, адолат мувозанатни англатади, унинг кўплиги ва етишмовчилиги уйғунликнинг йўқлиги ёки бузилишига олиб келади.

Ғаззолий “Ихёу улумид-дин” асарининг “Тавба китоби”да инсоний гуноҳларни тасниф қилади. Ғаззолий бу китобда, инсон табиатининг барча нуқсонларини келтиради, очкўзликдан бошлаб инсонга қарши жиноятгача, диний соҳада ҳам оғир гуноҳларни ҳам четда қолдирмайди. Биз бунда ахлоқий, ҳуқуқий ва диний омиллар кўшилиб кетганлигининг шоҳиди бўламиз. Ғаззолий фикрича, инсон томонидан содир этиладиган катта ва ки-чик гуноҳлар, инсонларнинг тўртта хислати билан боғлиқ. Биринчиси – *бахимийа* – ҳайвонийлик хислати; иккинчиси – *сабуийа* – ёввойилик хислати; учинчиси – *шайтонийа* – даҳрийликка, муқаддас жойларни топташга бўлган мағрурлик; тўртинчиси – *рубубийа* – ўзида буюк кучни мавжудлиги ҳақида фикрлашга мойиллик. Ҳайвонийлик хусусиятидан қуйидагилар юзага келади: очкўзлик, жаҳл, ичкилик ва бузуклик, ўғрилиқ, етимлар молини ўзлаштириш ҳамда дунё бойликларини тўплаш. Ёввойилик хусусиятига қуйидагилар киради: газаб, инсонга ҳамла қилиш (калтаклаш, ўлдириш ва ҳақоратлаш), исрофгарчилик ва бошқалар. Шайтонийликдан қуйидагилар келиб чиқаети: фирибгарлик, сотқинлик, хиёнат, иккиюзламачилиқ, шошқалоқлик ва адашишга игво қилиш. Рубубийа асосида қуйидаги гуноҳлар келиб чиқаети: кибр, фаҳр, ғурур, мақтовни севиш, боқий қолишни орзу қилиш, ҳам-мадан устун бўлишни исташ. [4,39]

Ғаззолий инсоннинг ёмон хислатлари ҳақида “Кимиёи саодат”нинг бир қисмида муфассал фикр юритади. Аллома эътирофига кўра, ақлсизлик қуйидаги иллатларни тугдиради: мутақаббирлик, манманлик ва мақтанчоқлик. Ичиқоралиқ эса, нафрат, бахтсизлик, сабрсизлик, қасос ва камситиш каби иллатларни юзага келтиради. Эҳтирос кучини ошиб кетиши қуйидагиларни юзага келтиради: дагаллик, меҳрсизлик, нопоклик, ҳасад, мулкдорлар олдида камситилиш. Агар бу куч етарли бўлмаса, у кучсизлик, қўрқоқлик ва ўзини тута олмаслик каби иллатларни тугдиради. Ушбу кучнинг мўътадиллиги ифбатни юзага келтиради. Ифбат уят, қаноат, сабр, юмшоқлилик ва разилликни юзага келтиради. Исталган бир ҳаддидан ошган ҳолат қораланади. [2]

Ғаззолийга эътирофига кўра, санаб ўтилган фазилатлар ва иллатлар инсон ташқи ҳаракатининг ички сабабий манбаларини яратади. Мўътадиллик ақл ва шариат доирасида белгилангани билан, бу тамойил нисбийдир: у инсонлар ва ҳолатларда ҳам турлича намоён бўлади. Мутафаккир айрим файласуфларнинг, инсон характерини фазилатга содиқлиги

хакидаги қарашларига қарши чиқиб, фазилатга инсон мукамалликка интилиши орқали эришиши мумкин деган хулосага келади.[3,62]

Имом Ғаззолий ўзининг ахлоқий таълимотида асосий эътиборни, инсон ўз характери тарбиялаш ва мукамаллаштириш жараёнида ахлоқий фазилат ва мақтовли ахлоққа эришишига қаратади. Шундан келиб чиқиб, у ҳисоблайдики, “болада яхши хулқни тарбиялаш лозим. Уни мақтовга лойиқ бўлган ҳаракатларга ўргатиш лозим. Уни ёмон суҳбатлардан асраш керак. У шунингдек бекорчилик, тақинчоқлар ва тўқликка ўргатмаслик лозим, акс ҳолда у буни бутун умри давомида излайди. Ота-она унинг тугилганиданок тарбияси билан шугулланишлари лозим.

Тарбиялаш билан овқатлантириш учун соғлом ва художўй энагани ёллаш лозим, чунки болани лозим бўлмаган сут билан катта қилса, бундан баракат бўлмайди. Уни кейин мактабга юбориш, тарбиялаш, ҳаётга ўргатиш лозим.

Ота суҳбатда жиддий кўринишга эга бўлиши ва баъзан жазолаши лозим. Она уни ёмон ҳаракатлардан қайтариши учун, отаси билан кўрkitиши лозим. Болани кундузи ухлашга йўл қўймаслик лозим, бу уни ялқовликка олиб келади, бироқ шундай шароит яратиш лозимки, у кечаси яхши ухласин.

Машгулотдан сўнг чарчоқдан ҳоли бўлиши учун у дам олиши ва ўйнаши лозим. Кучайтирилган машгулот унинг руҳиятини бузади. У юзага келган вазиятдан ўзи чиқишга интилади”. [3,67]

Юқорида келтирилган парчадан маълумки, у инсон характери ўзгарувчанлигини билади ва болани яхши хулқли қилиб тарбиялашни маслаҳат беради.

Ғаззолий ўз қарашларини исботлаш учун кўплаб мисолларни келтиради. У шундай таъкидлайди “қалб билан тана ўзаро боглиқлигининг мўъжизаси шундаки, қалб билан эришилган ҳар бир ҳислат, тана билан шунчалик ҳис қилинадики, унинг розилигисиз у ҳаракатга ҳам келмайди. Тана билан боглиқ таъсир ҳам, қалбда айланма ҳаракат каби намоён бўлади. Энди эса бунга ойдинлик киритиш учун мисол келтираман, кимки ёзув, унинг мукамал табиий тугма ҳислатига айланишини хоҳласа қўлини машқ қилишга ўргатиши лозим. У буни ҳуснихати чиройли бўлмагунча давом эттираверади. Бошланишида, у қийинчилик билан чиройли ёзади, кейинчалик эса ҳаттотлик уни руҳий ҳислатига айланади, худди бошқа ҳислатлар сингари” [3,31]. Бундан кўринадики, инсоннинг қизиқиши эҳтиёжга, эҳтиёжи эса унинг табиатига айланиши керак.

Ғаззолий инсоннинг ахлоқий тарбиясида эркин танловнинг ўрни юқорилигини таъкидлайди. Ғаззолий учун муаммо иродани белгиланишида эмас балки, инсон ўз ҳаракатларининг ижодкорими ёки улар худо томонидан белгиланганми? Ғаззолий фатализмга элтувчи пантеистик Худо мавжудлигини тасдиқлаш ва теистик Худони инкор этиш ўртасида усталик билан ҳаракат қилади. Маълумки бу икки йўналишни синтези ашъарийлар-нинг “қасб” концепциясига олиб келади.

Ғаззолий таъкидига кўра, инсон ўз хоҳиши билан бирор-бир ҳаракатни содир эта олмайди, буни фақат Худонинг хоҳиши билан амалга оширади. Худо барча ҳаракатларни яратувчиси бўлса, инсон уларни амалга оширувчидир. Шу сабабли инсон буларнинг барчаси учун жавобгар ҳисобланади. “Барча ҳаракат кучга боглиқ, у эса ирода ва ният билан боглиқ” [12,338], деб ёзади Ғаззолий. Куч худо томонидан яратилган бўлиб, инсоннинг ҳислати ҳисобланади. Шунинг учун танлаш кучи инсоннинг сифати ҳисобланади.

Ғаззолий ахлоқий танловни ролини бутунлай инкор этмайди, унингча ҳаракат танловида инсоннинг иродаси намоён бўлади. Бир томондан иродавий фаолиятнинг мазмун ва йўналиши турлича бўлиб, муқаддас матнларда белгиланган ахлоқий тамойилларга мос келиши ёки мос келмаслиги мумкин. Бошқа бир томондан, бу ерда фақат танлов эмас, балки инсон ахлоқий онгининг йўналганлиги муҳим рол ўйнайди. Бошқача қилиб айтганда, инсонларнинг ҳаракатлари Худо томонидан белгиланган бўлсада, улар эркин ҳаракат қиладилар, демак ўз ҳаракатлари учун ахлоқий жавобгардирлар.

Ғаззолий бу муаммони ечиб, шу хулосага келади, ақл қарор қабул қилишда эркин, ирода эса эзгулик ва ёвузликни танлашда. Инсон нимани хоҳласа ўшани амалга оширишга ҳақли, аммо у ўз хоҳишини назорат қилиш кучига эга эмас.

Имом Ғаззолий мулоҳазаларига кўра, инсон мукамалликка эришиш учун, ўзини танқидий нигоҳ билан кузатиши лозим. Мутафаккир рухий ва ахлоқий хусусиятларнинг ҳақиқий ўрнини кўриб чиқар экан, инсонни ўз-ўзини ахлоқий шакллантириш жараёнида чегарадан чиқиб кетиш унинг ҳалокатига олиб келиши мумкинлигини айтиб, ҳақиқат фақат “*ўрталикда*” мавжуд бўла олишини баён қилади.

Хулоса қилиб айтганда Ғаззолий ўзининг ахлоқий мушоҳадаларида шариатнинг асосий қоидалари ва Аристотел системасига таянади ва яхши фазилат инсон борлигининг ўзига хос ўлчами деган хулосага келади. Ғаззолий эркин ирода ва илоҳий тақдир масаласида ашъарийларнинг “касба” концепциясини ҳимоя қилади ва ривожлантиради. Инсон мукамаллиги муаммосини ечишда у инсоннинг бу асосий мақсади эканлиги ва уни Ҳақиқатга кўшилиб кетиши ҳақида сўз юритади. Ҳар бир инсон тарбия ва ўз-ўзини тарбиялаш орқали бахтга эришиш учун ҳаракат қилмоғи лозимлигини уқтиради.

ФҲЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Арасту. Ахлоқи кабир. Тошкент: Янги аср авлоди, 2015. – 350 б.
2. Абу Ҳомид Ғаззолий. Кимиёи саодат (Рух ҳақиқати). Тошкент: Адолат, 2005. – 411 б.
3. Абу Ҳомид Ғаззолий. Риёзатун-нафс (Нафс тарбияси). Тошкент: Мовароуннахр, 2006. – 79 б.
4. Абу Ҳомид Ғаззолий. Тавба китоби. Тошкент: Мовароуннахр, 2003. – 139 б.
5. Болтаев М.Н. Аристотель. Бухоро: Бухоро нашриёти, 2008. – 159 б.
6. Ғусейнов А.А. Иррлиц К. Краткая история этики. Москва: Мысль, 1987. – 589 с.
7. Идибеков Н. Этика Насириддина Туси в свете его теории свободы воли. Душанбе: Дониш, 1987. – 92 с.
8. Кирабаев Н.С. Идея совершенства человека в этике аль-Ғазали // Философия зарубежного Востока о социальной сущности человека. Москва: УДН, 1986. – С. 88-98.
9. Лей Ф. Очерки истории средневекового материализма. Пер. с нем. – Москва: Изд-во восточ. Лит., 1962. – 587 с.
10. Муҳаммад Ғаззолий. Мусулмон хулқи. Ўш: 2013. – 298 б.
11. Наумкин В.В. Трактат. Ғазали “Воскрешение наук о вере” // Абу Хамид Ғазали. Воскрешение наук о вере. Москва: Наука, 1980. - С. 9-86.
12. Шамолов А.А. Философско-теологические воззрения Ғазали. Диссертация на соискание ученой степени доктора философских наук, Душанбе: 2003. – 379 с.
13. Шейх Муҳаммад Аль-Ғазали. Нравственность мусульманина. Пер. с арабского А.И. Рустамова. Казан: Ансар Фаундейшн, 2003. – 364 с.

ТУРИЗМ ВА ЁШЛАР БАНДЛИГИ: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР

*Исақова З.Р.,
Наманган давлат университети доценти, фалсафа фанлари номзоди
Тожибоева М.Т.,
Ўзбекистон Халқаро ислом академияси “Зиёрат туризми”
II босқич талабаси*

Туризм миллий иқтисодиётга юқори даромад келтирадиган истиқболли тармоқ бўлиб, туризмдан келаётган даромад нефть ва автомобиль саноати билан рақобатлашмоқда. Яъни, туризм имкониятлари мавжуд мамлакатларда иқтисодиётнинг кўплаб тармоқлари жадал тараққий этиб, туризмдан келаётган даромад ялпи ички маҳсулотнинг 15-35 фоизини ташкил

эtgанидан англашиладики, туризм соҳаларини янада ривожлантириш иқтисодий соҳадаги устувор вазифалардан биридир¹²³.

Мамлакатимиз туризм индустрияси жадал ривожланиши учун қисқа муддатда энг қулай шарт-шароит, иқтисодий, маъмурий ва ҳуқуқий муҳит яратиш¹²⁴ мақсадида ишлаб чиқилган 2018-2019 йилларда туризмни ривожлантириш чора-тадбирлари дастурида белгиланган вазифалар ичида туризмнинг янги соҳаларига алоҳида эътибор қаратилган. Матбуот саҳифаларида 2019 йилнинг биринчи ярмида Ўзбекистонга ташриф буюрган сайёҳлар сони икки миллиондан ошган бўлса, бу кўрсаткич йил охирига бориб икки баробарга ўсган. Бундан кўринадики, Ўзбекистон туризм соҳасида улкан салоҳиятга эга бўлган давлат¹²⁵ лар каторидан жой олмоқда. Бу эса, ўз навбатида, миллатлараро алоқаларни кенгайтириш, халқаро туристик бозорни интеграциялаш, Ўзбекистоннинг маданий-тарихий ва маънавий меросини тарғиб қилиш, сайёҳларга хизмат кўрсатиш сифатини жаҳон стандартлари даражасига олиб чиқишни тақазо этади¹²⁶.

Бугунги кунда сайёҳлар учун кўплаб кемпинглар, овқатланиш ва маиший хизмат кўрсатиш масканлари барпо этилаётгани аҳоли, энг аввало, ёшларни иш билан таъминлаш, уларни кичик бизнес ва тадбиркорлик билан шугулланишлари учун имконият яратадики, бу юртимизда олиб борилаётган ёшлар сиёсати, ёшларнинг келажаги, фаровон турмуши, барча соҳалардаги ҳуқуқ ва эркинликларининг кафолати бўлиб хизмат қилади. Зеро, ёшларнинг бандлигини таъминлаш, уларнинг ҳаётда ўз ўрнини топишлари, жамиятнинг муносиб аъзосига айланишлари, меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш вазифаси кундалик фаолият мезонига айланиб бормоқда¹²⁷.

Туризмни ривожлантириш соҳасидаги Фармон ва қарорлар туризмнинг Ўзбекистон иқтисодиёти ривожига қўшадиган хиссасини ошириш, тарихий ва маданий кадриятларимизни тарғиб қилиш, шунингдек, валюта захиралари тўлдириш бўйича аниқ чора-тадбирлар билан кучайтирилиши зарур¹²⁸ ки, туризм салоҳиятини такомиллаштиришда ёшларнинг ўрни беқиёс. Ўзбекистонда аҳолининг 60%дан зиёдини ёшлар ташкил қилади, мамлакат аҳолисининг ўртача ёши эса 25 ёшдир. Шу боис, қўшимча иш жойлари ҳамда турмуш фаровонлигини ошириш учун имконият яратиш орқали ёшларни кўллаб-қувватлашга жиддий эътибор бериш зарур. Ёшлар бунёдкорлик салоҳиятига эга бебаҳо ресурс бўлиб, фикримизча, ёшларнинг ўз салоҳиятларини намоён қилишлари учун зарур шароитлар яратиш, ёшларнинг илмий, ижодий, яратувчанлик, тадбиркорлик, ишчанлик, инновацион фаолиятдан унумли фойдаланиш, туризмни жадал ривожлантиришга тўсиқ бўлаётган сабаблар ва уларга ечим топиш бугуннинг долзарб вазифасидир.

Амалий таклифлар:

а) Ташқи ва ички туризмни янада ривожлантириш ҳамда хизмат кўрсатиш соҳасини яхшилаш учун мамлакатимизнинг туристик харитасини тузиш ва ҳар бир туристик объектда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга йўл очиш. Илмли, ҳунарли, ташаббускор ёшларнинг гид-таржимонлик, маиший хизмат кўрсатиш иншоотлари ташкил этишлари, ҳунармандчилик соҳаларини кенгайтириш мақсдида энг чекка ҳудудларда ҳам ҳунармандчилик мактаблари ташкил этиш. Бугунги кунда унутилиб кетаётган кўплаб ҳунар турларини тиклаш. Биргина тўқувчилик санъатининг бир неча ўнлаб турлари мавжуд: атлас

¹²³ Мирзиёев Ш. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқ. – Т.: Ўзбекистон, 2017. 24-бет.

¹²⁴ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг “2018-2019 йилларда туризм соҳасини ривожлантириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори. Халқ сўзи газетаси. 2017 йил 17 август. 1-бет.

¹²⁵ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисага МУРОЖААТНОМАСИ. 2017 йил 22 декабрь. . – Т.: Ўзбекистон, 2017. 67-бет.

¹²⁶ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 5 июндаги “Туроператор ва меҳмонхона хизматларини сертификатлаштириш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги Қарори. Халқ сўзи газетаси. 2017 йил 6 июнь. 1-2-бетлар.

¹²⁷ Мирзиёев Ш. Ўзбекистон ёшларига байрам табриги. 2018 йил 29 июнь / Мирзиёев Ш. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2 жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2018. 490-бет.

¹²⁸ Мирзиёев Ш. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилда мўнжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруза. 2017 йил 14 январь. – Т.: Ўзбекистон, 2016. 38-бет.

тўқиш, гилам тўқиш, сават тўқиш. Мамлакатимизнинг тарихий шаҳарлари сурати тасвирланган ликобчалар, расмлар, гиламчалар, эсдалик буюмлари, масалан, дўппи, пичоқ, шоҳи сўзаналар, яқтаклар, миллий чопонлар, нафис гуллар билан тўлдирилган ихчам саватчалар, миллий менталитет акс этган кулолчилик буюмлари сайёҳларнинг диққатини жалб этиш билан бирга, буюмларни эсдалик учун сотиб олиш истагини тугдиради.

б) юртимизга келадиган сайёҳлар учун нафақат тарихий обида ва зиёратгоҳлар, шунингдек, ўзбек халқининг бой маданияти, асрлар оша юксалиб келаётган маънавияти, ўлмас қадриятлари, анъана ва маросимлари, меҳмоннавозлиги, муомала маданияти ҳам эътиборлидир. Ҳар бир туристик мажмуада миллий маданият ва қадриятларимиз акс этган музейлар ташкил этиш сайёҳларнинг диққатини жалб этади. Шунингдек, ўзбек халқининг ўлмас анъана ва маросимлари акс этган театр томошалари уюштириш ҳам мамлакатимизнинг туристик салоҳияти юксалиши учун хизмат қилади. Бу борада газетонамис туризм имкониятлари чексиз. Зеро, ҳар бир сайёҳ ўзбек миллий таомларига ўзгача қизиқиш билан қарайди. Ҳар бир туристик мажмуада шинам ва озода, санитария талабларига жавоб берадиган овқатланиш шохобчалари бунёд этиш, меҳмонхоналар, пансионатлар, оилавий меҳмонхоналар қуриш, сайёҳларга намунали хизмат кўрсатиш, миллий таомлар кўргазмаси ташкил этиш нафақат сайёҳларнинг эҳтиёжи учун, шунингдек, халқимиз, айниқса, ёшларнинг иш билан бандлиги учун ҳам аҳамиятлидир. Бугунги кунда миллий таомлар рўйхатида бор бўлган, лекин унутилиб кетаётган миллий таомлар менюсини тиклаш мақсадга мувофиқдир.

в) Ҳар бир сайёҳ учун Ўзбекистон очилмаган кўриқ, хайрат ва завқ, олам-олам қувонч манбаи бўлиши лозим. Бу борада гид-таржимонлар олдида муракаб вазифа борки, ҳар бир сайёҳнинг қизиқишидан келиб чиққан ҳолда унинг таъби ва истагига қараб, меъморий обида тарихи, миллий ҳунармандчилик намуналарининг тавсифи, миллий таомларнинг шифобахш хусусиятлари қизиқарли ва ишонарли ҳикоя қилиниши лозим. Бунинг учун гид-таржимонлар ўз устида ишлаши, изланиши, мамлакатимиз тарихини чуқур билиши, миллий қадриятларимиз ҳақида маълумотга эга бўлиши, миллий таомларнинг ўзига хос хусусиятларини ўрганиши, юртимизнинг тарихий гўшалари ҳақидаги афсона ва ривоятлар ҳақида тасаввурга эга бўлиши лозим. Гид-таржимоннинг биргина хатоси, муайян меъморий обида ёки қадрият ҳақидаги нотўғри ёки ёлгон маълумоти сайёҳларнинг юртимизга бўлган қизиқишини сўндириши аниқ. Нега? Чунки мамлакатимизга ташриф буюришга бел боғлаган сайёҳ мамлакатимиз тарихи ва бошқа маълумотлар билан танишиб, сўнг уни ўз кўзи билан кўришни мақсад қилади.

г) бугуннинг талабидан келиб чиққан ҳолда, ошпазлар уюшмасини ташкил этиш, мавжуд ресторан, кафе ҳамда чет эл саёҳатчиларига хизмат кўрсатадиган овқатланиш масканларида мусулмон давлатлар фуқаролари учун “халол” тизимини йўлга қўйиш лозим. Шунингдек, тарихий обида ва маданий ёдгорликлар учун турникетлар, видеокамералар ва йўл кўрсаткичлари ўрнатиш, ахборот марказлари ташкил этиб, уларда сайёҳларни қизиқтирувчи хизматларни йўлга қўйиш орқали ёшларнинг бандлигини таъминлаш мумкин. Тезкор ва арзон фотостудиялар, коммуникация иншоотлари, савдо шохобчалари, сервис хизмати ва овқатланиш масканларининг ёнма-ён қурилиши сайёҳларнинг талабини қондириш билан бирга уларнинг вақти тежалишига имкон яратади.

д) Меҳмонхоналарда хизмат кўрсатишнинг сифатини жаҳон стандартлари даражасига олиб чиқиш учун хизмат кўрсатувчи ходимлар малакасини ошириш, уларнинг тил ва тарихни билиш даражаларини кўтариш, уларни турли мамлакатларга малака ошириш учун юбориш лозим. Меҳмонхоналар баҳоси ҳамма сайёҳнинг чўнтагига мос келмайди ёки меҳмонхонага берилган “уч юлдуз” ёки “беш юлдуз” унинг аслиятига мос келмайди. Шунинг учун кичик туристик гуруҳлар ва оилавий сайёҳлар учун хусусий меҳмонхоналар тармогини оммалаштириш бугуннинг талабидир. “Оилавий меҳмонхоналар”нинг афзал жиҳати шундаки, сайёҳлар бир вақтнинг ўзида ҳам ўзбек менталитетининг ўзига хос томонлари билан танишади, ҳам уй тутиш маданиятини кўради, овқат тайёрлаш жараёнида бевосита иштирок этади, ўзбекона меҳмоннавозликнинг барча қонун-қоидаларидан баҳраманд бўлади,

хам оилавий меҳмонхонанинг чўнтакбоплиги сайёҳларнинг эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда тўлиқ кондиради. Оиладаги барча иш билан таъминланади. Оиладаги ёшлар сайёҳларга таржимонлик қилиши, зиёратга олиб бориши, ўша жойнинг тарихини сўзлаб бериши мумкин. Оилавий меҳмонхоналарнинг кўплаб ташкил этилиши оилаларнинг иқтисодий барқарорлигига олиб келади.

е) мамлакатимизда туризм саноатини юксак даражага кўтариш учун туризм равнак топган ва асосий иқтисодий ўсиши туризм ҳисобига амалга оширилаётган Испания, Франция, Туркия, Япония, Хитой, Корея, Миср каби давлатларнинг тажрибасини ўзлаштириш лозимки, кўрсатиладиган сервис хизматлари сифатини яхшилаш, сайёҳларни жалб қилишнинг замонавий ва самарали воситаларидан фойдаланиш, миллий туристик индустрияга замонавий технологияларни жорий этиш, янги йўналишдаги мутахассислар: менежер, хорижий тилни билувчи тадбиркор ёшларни тайёрлаш учун янгича фикрлайдиган, новатор, бозор шароитларида муваффақиятли иш юритадиган, юксак малакали, чуқур билимли ёшларга эҳтиёж сезилмоқда. Зеро, билимли ва малакали ёшлар мамлакат келажagini белгилайди. Мамлакатимизга ташриф буюраётган сайёҳлар ёшларнинг одоби, ахлоқи, билими, савиясига қараб мамлакатимиз ҳақида муайян тасаввурга эга бўлади. Бу эса, ўз навбатида, ҳар жиҳатдан намуна бўла оладиган, билимли, ўз касбининг устаси бўлган, айниқса, муомала маданиятини чуқур эгаллаган жўшқин табиатли, мамлакатимизда ўтказилаётган ислохотлар моҳиятини чуқур англаган ёшларни тарбиялашни тақазо этади. “Ўзбек” деганда қайсидир сайёҳ тасаввуридаги “террорчи” тушунчаси бутунлай ўзгариши, ўзбек ёшларига нисбатан ҳурмат ва ҳавас туйғуси жонланиши лозим.

е) ёшларнинг ҳар жабҳада фаол, ижодкор ва изланувчан бўлиши, эртанги келажак учун бугундан мустаҳкам пойдевор қўйиши давр тақазосидир. Зеро, ёшларнинг таълим, зиёлилик даражаси, интеллектуал салоҳияти, одоб-ахлоқи, зукколиги, ҳаракатчанлиги ва шижоати, ислохот ва ўзгаришларга тайёрлиги жамиятнинг умумий тараққиёт даражасини белгилайди. Бу борада таълим муассасаларида “устоз-шогирд” тизимини йўлга қўйиш ижобий самара беради.

Туризм иқтисодиётнинг таркибий қисми сифатида давр талаблари даражасида фаолият кўрсатишига эришиш кўплаб тармоқларнинг бир-бирига узвий боғланиши, яхлит тизим шаклига келтирилиши, ишлаб чиқариш жараёнлари ва хизмат кўрсатиш турларининг бевосита ва бавосита ривожланишига замин яратади. Туризм мамлакатимиз иқтисодиёти ривожига, қўшимча иш ўринлари яратиш, шунингдек, маданий ва халқаро алоқаларни мустаҳкамлаш каби масалалар ечимида муҳим аҳамиятга эга. Туризм барқарорлигига эришиш истиқболдаги имкониятларни яхшилаш ва кенгайтириш, ҳудуд эҳтиёжи ва фаровонлигини таъминлаш имконини беради, яъни аҳолини, айниқса, ёшларни иш билан таъминлаш имконияти кенгайтирилади, миллий ҳунармандчилик ривожланади, турмуш фаровонлигига эришилади, сайёҳлар оқими кўпайиб, мамлакатимизнинг бой маънавий мероси ва маданий мерос объектларига қизиқиш кучаяди.

ТУРИЗМ ИНДУСТРИЯСИ ТАРАҚҚИЁТИДА ЗИЁРАТ ТУРИЗМИНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

Жумаева Ш.Б.-Тошкент вилояти

Чирчиқ давлат педагогика институти докторанти


Марданова Р.Р.-Тошкент вилояти

Чирчиқ давлат педагогика институти талабаси

Глобаллашув жараёни кучли кетаётган бугунги кунда мамлакатлар тараққиётида туризм индустриясининг ўрни ва нуфузи юқори босқичга кўтарилмоқда. Туризм - шахснинг маънавий ва жисмоний ривожланишига хизмат қилиб, маълумот алмашиш ва ўрганишнинг самарали усули бўлиш билан бир қаторда, давлат ва жамият ҳаётидаги ижтимоий ва иқтисодий муаммоларни ҳал қилишга ёрдам беради. Чунки, у иқтисодиёт ва жамиятни

барқарор ривожлантириш ҳамда даромад олишининг юқори самарадор тармоги ҳисобланади. Техника тараққиёти, урбанизация жараёнининг кучайиб бориши, аҳоли даромадининг ошиб бориши натижасида давлатларнинг тарихи, экологик тоза ҳудудларни, қадимий обидаларини томоша қилиш, халқларнинг урф-одатларини, қадрият ҳамда анъаналарини яқиндан билиш ҳамда маданий дам олишлари учун саёҳатлар уюштириш жараёни одат тусига кириб бормоқда. Бу эса туризм индустриясининг сўнгги йилларда шиддатли равишда ривожланишига туртки бўлмоқда.

Бугунги кунда халқаро ва ички туризм йўналишлари ичида зиёрат туризми жадал суръатлар билан ўсиб бормоқда ва жаҳон туризм бозорининг энг тез ривожланаётган сегментларидан бирига айланди. Халқаро тадқиқодларга кўра зиёрат туризми йўналишида саёҳат қилаётган сайёҳлар сони йилдан-йилга ортиб бормоқда. Жумладан, 2017 йилда 131 млн. [1], 2018 йилда бўлса 140 млн.[2] нафар мусулмон сайёҳлари туризми амалга оширилган бўлиб, 2020 йилда бу рақам 158 млн кишига (умумий туристик сигментнинг 10%), туризм бозори 220 млрд. АҚШ долларига,[3] 2026 йилга борганда 230 млн. нафарга, туризм бозори 300 млрд. АҚШ долларига етиши башорат қилинмоқда.[4] (1-расм)



1-расм. Зиёрат туризмида сайёҳат қилувчилар сонинг ўсиш динамикаси.

Юқоридаги рақамлардан келиб чиқиб, дунёнинг аксарият давлатлари зиёрат туризмнинг истиқболлини инобатга олган ҳолда бу соҳага фаол сармоя жалб этмоқда. Жумладан, жаҳон цивилизацияси ўчоқларидан бўлган Миср, Юнонистон, Италия, Хитой, Саудия Арабистони каби давлатлар зиёрат туризми бўйича етакчилик қилиб келмоқда. Шунинг таъкидлаб ўтиш керакки, Ўзбекистон ҳам ўзининг Самарқанд, Бухоро, Хива, Термиз, Тошкент, Шаҳрисабз, Қўқон ва Марғилон каби шаҳарлари билан зиёрат туризми бўйича дунёнинг ҳар қандай мамлакатлари билан тенглаша олади.

Зиёрат туризми диний туризмнинг бир йўналиши бўлиб, аслида дунё динларида тарихан мавжуд бўлган. Бир пайтлар европалик христиан пилигримлар катта йўл босиб, Яқин Шарқдаги “муқаддас замин” зиёратини (паломничества) амалга оширган,[5] буддавийларда бўлса олис ҳудудларда қурилган қадимий машҳур муқаддас будда ибодатхоналарини зиёрат қилиш одатлари мавжуд, муқаддас ислом динида ҳаж зиёрати диннинг фарзларидан бири бўлса, қолаверса динда ўтган аждодлар мангу кўним топган масканлар зиёрати даъват этилади.

Зиёрат туризмида асосан сайёҳлар диний марказлар, зиёратгоҳлар ва муқаддас қадамжолар билан танишиш, диний маросимларда иштирок этиш, ибодат ва қурбонлик келтириш учун ташриф буюрадилар. Уларни асосан ибодатхона, муқаддас қадамжо ва зиёратгоҳлар кизиқтириб, экскурсиялар, музей ва кўرғазмаларга бориш улар учун иккинчи даражали ҳисобланади. Одамлар зиёратга турли сабаблар билан борадилар: ибодат қилиш, шахсий муаммоларига ечим излаб, кўнгил хотиржамлиги, диний дунёқарашини ошириш,

мамлакатнинг маданий мероси билан таниш ва бошқалар. Зиёрат туризмнинг асосий объектлари диний марказлар, зиёратгоҳлар ва муқаддас кадамжолар ҳисобланиб, асосан диний байрамлар, баҳор ва куз фаслларида зиёратчилар билан гавжум бўлади. Бугунги кунда зиёрат туризми билан шугулланувчи бир қанча фирмалар дунё бўйлаб фаолият олиб бориб, зиёратгоҳларга ташрифлар буйича туристик хизматларни кўрсатиш билан шугулланадилар.

Дунёнинг аксарият давлатлари зиёрат туризмнинг истиқболлини инобатга олган ҳолда бу соҳага фаол сармоя жалб этмоқда. Жумладан, зиёрат туризми йўналишида энг кўп харажат қилган саёҳатчилар Саудия Арабистони (21 млрд. АҚШ доллари), Бирлашган Араб Амирлиги (16 млрд. АҚШ доллари), Қатар (13 млрд. АҚШ доллари), Қувайт (10 млрд. АҚШ доллари), Индонезия (10 млрд. АҚШ доллари), Эрон (8 млрд. АҚШ доллари) ва Малайзия (7 млрд. АҚШ доллари) мамлакатларига тўғри келади.[8]

Зиёрат туризми ўзига хос менежментга эга бўлиб, зиёратчиларнинг диний қарашлари асосида туристик хизматлар таклиф этилиши лозим. Масалан, 2017 йилда Туркия курортлари анъанавий мусулмон меҳмондўстлиги хизматлари билан бир қаторда аёллар учун алоҳида сузиш ҳавзалари, СПА хизматлари, оила давраси учун кўнгиш очар дастурларни таклиф этиш орқали 184 млрд. АҚШ доллари миқдорида умумий даромад олди.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, зиёрат туризми энг сердаромад соҳа бўлиб, туризм бозори татқиқодларини олиб бориш, талаб ва таклиф асосида зиёрат туризми йўналишининг салоҳияти ва имкониятларини аниқлаб олиш орқали рақобатбардош зиёрат туризмни ривожлантиришга эришиш мумкин. Бу соҳанинг ривожланиши орқали бир қанча ижтимоий-иқтисодий муаммолар ҳам бартараф этилади. Жумладан, :

-Ёшларни ватанпарварлик, поклик, ҳалоллик руҳида тарбиялашда ва уларни турли бузгунчи гоялардан ҳимоя қилишда тарбия ўчоги вазифасини бажаради;

-Халқ хунармандчилиги, озиқ-овқат, қурилиш, меҳмонхона, алоқа, транспорт тизими, умумий овқатланиш каби соҳаларнинг ривожланишига олиб келади.

-Янги иш ўринлари яратилади;

-Дунё халқлари ўртасида ўзаро маданият алмашинувида ижобий таъсир кўрсатади;

-Мамлакат бюджетига солиқ тушими ортади;

-Валюта тушуми кўпайиши ва экспортнинг ошишига хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Global Muslim Travel Index 2018// By Mastercard-CrescentRating. GMTI 2018. – P.3.
2. Global Muslim Travel Index 2019// By Mastercard-CrescentRating. GMTI 2019.– P.18.
3. Global Muslim Travel Index 2018// By Mastercard-CrescentRating. GMTI 2018. – P.3.
4. Global Muslim Travel Index 2019//By Mastercard-CrescentRating. GMTI 2019. – P.18.
5. Христов Т.Т. Религиозный туризм: учеб. пособие. 2-е изд., испр. – М.: Издательский центр «Академия», 2005. – С.10.
6. CrescentRating, 2015
7. Thomson Reuters, 2018, CrescentRating, 2018

TURIZMDA MUTAXASIS VA XODIMLARNI RAG'BATLANTIRISHNING MOHIYATI

Aripova M.S., BuxDU o'qituvchisi

Turizm sohasida mehnatni tashkil qilishdagi asosiy o'zgarishlar ichki va tashqi faoliyat jihatlari, nafaqat iste'molchilar ustuvorliklarini, balki xodimlarning so'rovlari va afzalliklarini ham hisobga olish zaruratini belgilab beradi. Mehmonxon xo'jaligi xodimlarining tafakkuri va ta'lim darajasi yuqoriligi shunga olib keldiki, mehnatni tashkil qilishning teyloristik usullari samaradorligi pasayib ketmoqda. Turizm muvaffaqiyatga erishishning asosiy omili — bu mehmonxonalarning ichki im- koniyatlaridan oqilona foydalangan holda xarajatlarni kam aytirishga shuningdek, barcha turdagi resurslardan samarali ish va mehnat unum dorligini oshirishga qodir bo'lgan ratsional boshqarish tuzilmasi hisoblanadi.

An'anaviy «iqtisodiy samaradorlik» tushunchasi bilan bir qatorda «ijtimoiy samaradorlik» tushunchasi ham tobora keng qo'llanilmoqda. Iqtisodiy samaradorlik – bu mehmonxon xo'jaligining maqsadlarini cheklangan resurslardan tejamkorlik bilan foydalanish evaziga amalga oshirish (mehnat mahsuldorligi, rentabellik, muntazam o'zgarib turuvchi sharoitlarga moslashuvchanlik va b.). Ijtimoiy samaradorlik esa xodimlarning manfaatlari, ehtiyojlari va hohishistaklarini qoniqtirishni tavsiflaydi (mehnatga haq to'lash, jamoadagi muloqotdan qoniqqanlik va b.). Zamonaviy mehmonxon xo'jaligining iqtisodiy samaradorligi ijtimoiy samaradorlik bilan bevosita va uzviy bog'langan bo'ladi.

Turizm subektlari bir vaqtning o'zida ham xo'jalik sub'ekti, ham insonlar hamjamiyati hisoblanadi. Har qanday insoniy hamjamiyat kabi, mehmonxon xo'jaligining mehnat jamoasi uchun ham uning a'zolari o'rtasidagi o'zaro aloqalarni tartibga soluvchi umumiy qadriyatlar va me'yorlar mavjudligi xarakterlidir. Shunday qilib, mehmonxon xo'jaligining zamonaviy madaniyati xo'jalikning faoliyati xarakteri hamda ularning xulq-atvor me'yorini belgilab beruvchi qadriyatlar va e'tiqodlarni qamrab oladi. Zamonaviy bozor iqtisodiyoti madaniyat mehmonxon xo'jaligining individualligini, uning o'zini va atrof-muhitdagilarni qabul qilish xususiyatlarini aks ettiradi. U ko'plab sohalarni qamrab oladi.

O'zbekistonda olib borilayotgan ijtimoiy va iqtisodiy islohotlar natijasida iqtisodiyotni rivojlanishini alohida ta'kidlab o'tish zarur. Mamlakatimiz Prezidenti Shavkat Mirziyoev 7-fevral kungi farmoni bilan 2017—2021-yillarda O'zbekistonni rivojlantirishning beshta ustuvor yo'nalishi bo'yicha —Harakatlar strategiyasini tasdiqladi. Avvalo, ushbu ustuvor yo'nalishlar va ulardagi amalga oshirilishi nazarda tutilgan vazifalar hamda chora-tadbirlarning ijrosi bugungi kunning hayotiy va ijtimoiy zarurati ekanligini ta'kidlash lozim. Shu jumladan milliy iqtisodiyotning mutanosibligi va barqarorligini ta'minlash, uning tarkibida sanoat, xizmatlar ko'rsatish sohasi, kichik biznes va xususiy tadbirkorlik ulushini ko'paytirish, xizmatlar ko'rsatish sohasini jadal rivojlantirish, yalpi ichki mahsulotni shakllantirishda xizmatlarning o'rni va ulushini oshirish, ko'rsatilayotgan xizmatlar tarkibini, eng avvalo, xizmatlarning zamonaviy yuqori texnologik turlari hisobiga tubdan o'zgartirish zarurdir. {1}

Ma'lumki, motivatsiy- insonga uning mehnat faoliyati natijalarini munosib ko'rish sifatida taklif etiladi. Rag'bat – bu tashkilot maqsadlariga erishishning umumiy rejasiga binoan korxon xodimlarida ularga topshirilgan vazifalarga muvofiq holda harakat qilishga intilish yaratishdir. {2}.

Demak, motivatsiya insonni maqsadga erishish uchun faoliyatga undash jarayonidir. Motivatsiyaning inson o'zini tutishiga ta'siri ko'plab omillarga bog'liq, u individual holat va motivlar ta'sirida hamda inson bilan teskari aloqa ta'sirida o'zgarishi mumkin. Motiv insonning ma'lum bir harakatlarga undaydigan, uning ichki va tashqi harakatlantiruvchi kuchlaridir. Bugungi kunda juda ko'p mashhur olimlar tomonidan yaratilgan motivlashtirish nazariyalari mavjud. Korxon boshqaruvchilari bu nazariyalardan foydalanib xodimlar mehnatini rag'batlantirish va natijada xo'jaliklar boshqaruv samaradorlidini oshirish mumkin. Masalan A.Maslou nazariyasi qiziqtirishning eng mashhur nazariyasi hisoblanadi. Bu nazariyaga binoan insonlar hamisha qandaydir narsaga ehtiyoj sezadilar. Ehtiyojlar birlamchi va ikkilamchi, besh darajali bo'ladi. Bu ehtiyoj darajalari ustuvorligi bo'yicha bosqichma-bosqich joylashadi. A.Maslouning fikricha, inson eng avvalo ana shu bazis ehtiyojlarini qondirish uchun ishlaydi. bazis ehtiyojlar, ya'ni oziq-ovqatga, kiyim-kechakka, uy-joyga, uyquga blgan ehtiyoj qondirilgan, boshqa darajadagi ehtiyojlar ham asta-sekin ahamiyat kasb etib boradi. Masalan, xavfsizlikka, ya'ni tinchlik, tartib, himoyaga bo'lgan ehtiyoj ham birlamchi bosqichdagi ehtiyojning yangi darajasidagi zaruriyatdir. Biron ijtimoiy guruhda bo'lish, boshqa kishilar bilan aloqaga kirishish ehtiyoji iearxiyaning uchunchi bo'g'iniga kiradi. Bu guruhdagi ehtiyojlarni sotsial ehtiyojlar deb ham yuritiladi. {2}

Mehmonxon xo'jaligi jamoasi a'zolari bo'lgan shaxslar o'zaro bir-birlariga bog'liq holda faoliyat ko'rsatadigan tizimni tashkil etadi Korxon o'z mehnat jamoasi a'zolariga rag'batlantirish orqali ta'sir ko'rsatadi, ana shu rag'batlantirish hisobiga xodimlar korxon maqsadlariga erishish uchun o'zlaridan talab qilinadigan mehnat ulushini qo'shadilar Xodimlarni rag'batlantirish ularning korxonaga qo'shayotgan hissalariga mos kelsa yoki bu hissadan ortiq bo'lsagina ularning mehnat samaradorligi yuqori bo'ladi.

Mening fikrimizcha, mehmonxona xo'jaligida xodimlarni boshqarish jarayoniga rahbarlarni kengroq jalb etish uchun ushbu shartlarni bajarish darkor. Jumladan:

- samarali kommunikatsiya tizimini yo'lga qo'yish. Bu tizim rahbarlarga xodimlarni boshqarish jarayonida ularning faol ishtiroki nima uchun muhim va ahamiyatli ekanini anglatishni ifoda etadi;
- xodimlar bilan ishlash jarayoniga rahbarlarni ularni qiziqtirishi mumkin bo'lgan ish uslublari vositasida jalb eta bilish.

Ta'kidlash lozimki, motivatsiya-bu faqat mukofotlarni tarqatish emas. O'z xizmat vazifalarini bajara olmagan xodimni, mehnat intizomini buzgan ishchilarni adolatli jazolash ham bo'lib, bunday tadbir ularni o'z faoliyatlarini yaxshilashga undaydi. Nemis olimlari V. Zigert va L. Langlarning mehnatni tashkil qilish va uni motivlashtirish bo'yicha takliflariga ko'ra:

- har bir harakat, ayniqsa mazkur harakatni bajarilishini talab qiluvchining harakati obdon o'ylangan bo'lishi kerak;
- kishilar mehnatidan zavq olishi kerak, ishi uchun javob berishi lozim, natija uchun birga kurashi darkor;
- har bir kishi o'z ish joyida o'zini nimaga qodir ekanligini ko'rsatgisi keladi;
- kishilarning o'z ishlarini takomillashtirish to'g'risidagi fikrlarini bilish lozim;
- kishilarni o'zligini anglashga imkon berish kerak;
- maqsadga erishishga o'z daxldorligini his etgan xodim yanada ko'proq kuch bilan ishlashga, o'zini ko'rsatishga harakat qiladi;
- yaxshi ishlaydigan kishilar ham moddiy ham ma'naviy tomondan tan olinishiga haqlidirlar;
- har bir xodimga barcha axborotlarga kira olish huquqi bo'lishi kerak, buning ustiga tez bo'lishi muhimdir;
- xodimlarning ish faoliyati yo'nalishini o'zgartirish to'g'risidagi qaror ularning ishtrokida, ularning tajribasi, bilimiga asoslangan holda qabul qilinishi kerak;
- o'z- o'zini nazorat bo'lishi kerak;
- ish jarayonida xodimlar yangi bilimlarni ola olishi lozim va boshqalar.

Mehmonxona xo'jaliklarida xodimlar mehnatini rag'batlantirishda xodimlar o'zlari ishlayotgan mehmonxonaning strategiyasi, yo'nalishi, maqsadlari va istiqbollarini yaxshi o'rgangan bo'lishi lozim, tashkilot menejerlari xodimlar mehnatini adolatli tarzda, kerakli vaqtda rag'batlantirib turishlari kerak. Barcha imkoniyatlardan, insonda mujassamlashgan tuganmas qobiliyatlardan foydalanish, umuman, xodimlar faoliyatini samarali tashkil qilish nafaqat firma darajasidagi muvaffaqiyatni, balki butun jamiyatning ham ijjimoiy va ham iqtisodiy jihatdan rivojlanishini ta'minlovchi asosiy manba bo'lib xizmat qilishi mumkin.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1. Mirziyoyev Sh.M. —2017-2021-yillarda O_zbekistonni rivojlantirishning beshta yo'nalishi bo'yicha —Harakatlar strategiyasi|| Farmoni. 7 fevral 2017 yil.
2. Ziyavtidinova N. M., O'rinov Y. M, Menejment. O'quv qo'llanma./T.: "Tafakkur -Bo'stoni ", 2012. - 312 c.

O'ZBEKISTONDA TURIZMNI RIVOJLANTIRISHNING AHAMIYATI

Axmedova Hilola Farmonovna, BuxDU, magistrant

Annotatsiya. Hozirgi kunda turizm sanoati mamlakatimizda kundan kunga rivojlanib bormoqda. Bilamizki, O'zbekistonda turizm sohasida keng qamrovli ishlar amalga oshirilyapti. Shunday ekan yurtimizda yangi turizmning turlarini tashkillashtirib ularni amaliyotga tadbir etish kerak. Quyidagi maqolamda turizm sohasi imkoniyatlarini o'rgangan holda maxsus turlarini shakllantirishni taklif etmoqchiman.

Kalit so'zlar: milliy turizm, ma'rifiy turizm, etnografik turizm, milliy o'yinlar turizmi, hunarmandchilik turizmi

Turizm mamlakat iqtisodiy o'sishida, davlat imidjini va uning o'ziga xosligini ta'minlashda muhim rol o'ynaydi. Shuning uchun ham nafaqat rivojlangan mamlakatlar balki O'zbekiston ham yangi turistik infratuzilmalar yaratish, borlarini rekonstruksiya qilish, turizm industriyasini rivojlantirishga alohida e'tibor qaratmoqda. Turizm sohasini rivojlantirish uchun malakali kadrlar tayyorlash, ularning tajribasini oshirish, tadbirkorlik faoliyatini boshqarish va keng imkoniyatlar yaratish, turistlarga xizmat qiluvchi: mehmonxona transport, ovqatlanish, gid xizmatlarini tashkillashtirish va tartibga solish sohasida muhim ahamiyatga ega bo'lgan ishlar amalga oshirilmogda. Ma'lumki, yurtimiz qadimiy obidalar, muqaddas ziyoratgohlar, tarixiy va madaniy yodgorliklar bilan bir qatorda, betakror madaniyati va an'analari, xushmanzara tabiati hamda fayzli go'shalari, qulay joylashuvi bilan sayyohlarni o'ziga rom etib kelayapti. Eskilik bo'yog'ini yo'qotmay kelayotgan Buxoro, Samarqand, Xiva, Shaxrisabz kabi qadimiy shaharlarimiz YUNESKOning Umumjahon merosiga kiritilganligi ham tarixni qardrlash, ajdodalar merosini kelajak avlodga qimmatini yo'qotmay yetkazish uchun muhim asos bo'lib xizmat qiladi. Ushbu shaharlar tajribasidan o'rinni foydalangan holda yurtimizda turistik potensialga ega bo'lgan hududlarni topish va shu hududlarga turistik distenatsiyalarini tashkil etish maqsadga muvofiqdir.

Buni Jahon sayohat va turizm kengashi tomonidan "Sayohat va sayyohlik sanoatining iqtisodiy natijalari" bo'yicha o'tkazilgan tadqiqotlarda respublikamiz sayyohlik sohasi jadal taraqqiy topayotgan besh davlatning biri sifatida qayd etilgani misolida yaqqol ko'rishimiz mumkin.

Darhaqiqat, turizm nafaqat iqtisodiy rivojlanish hamda yalpi ichki mahsulot hajmining ortishi, balki aholi bandligini ta'minlash, turmush darajasi va sifatini oshirish, yurt farovonligi va taraqqiyoti yuksalishiga ham katta ta'sir ko'rsatadi. Mutaxassislarning hisob-kitoblariga ko'ra, har 30 nafar sayyoh mamlakat turizmi sohasida bitta, unga turdosh tizimlarda esa ikkita yangi ish o'rini yaratishga turtki beradi. Shularni inobatga olgan holda yurtimizda turizm sohasini tartibga solish, uning huquqiy me'yorlarini mustahkamlash uchun qator qaror va farmonlari shlab chiqildi.

Xususan, Prezidentimizning 2016-yil dekabrda "O'zbekiston Respublikasining turizm sohasini jadal rivojlantirishni ta'minlash chora-tadbirlari to'g'risida"gi Farmoni hamda "O'zbekiston Respublikasi Turizmni rivojlantirish davlat qo'mitasi faoliyatini tashkil etish to'g'risida"gi qarori sohada tub burilish yasalishiga, taraqqiyotda yangi sahifalar ochilishiga xizmat qilmoqda. Davlatimiz rahbarining 2017-yil 16-avgustdagi "2018-2019 yillarda turizm sohasini rivojlantirish bo'yicha birinchi navbatdagi chora-tadbirlar to'g'risida"gi qarori ushbu yo'nalishdagi islohotlarni yanada kengaytirishda muhim ahamiyatga ega hujjat bo'ldi. Shuningdek O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019-yil 5-yanvardagi PF-5611-sonli "O'zbekiston Respublikasida Turizmni jadal rivojlantirishga oid qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida"gi farmoniga ko'ra turizm sohasininig 2019-2025-yillarda rivojlanish Konsepsiyasi yaratidi va bunga binoan mamlakatda turizmni milliy iqtisodiyotni diversifikatsiya qilish, hududlarni jadal rivojlantirish, yangi ish o'rinlarini yaratish, aholining daromadlari va turmush darajasini oshirish, mamlakatning investitsiyaviy jozibadorligini oshirishni ta'minlovchi strategic tarmoqlardan biri sifatida rivojlantirish bo'yicha kompleks chora-tadbirlar bosqichma-bosqich o'tish, viza rejimining liberallashtirish, chet el fuqarolarini ro'yxatga olish tartibining soddalashtirish, turizm tarmog'ini rivojlantirish uchun imtiyoz va preferensiyalar berilishi milliy turizm salohiyatini ichki va tashqi bozorlarda samarali targ'ib qilish ko'zda tutilgan. Qarorlarda belgilangan chora-tadbirlarni hayotga samarali tatbiq etish iqtisodiyotimizni yanada rivojlantirish, mamlakatimizning boytarixi, madaniyati, me'moriy yodgorliklari hamda noyob an'alarini butun jahonga tanitishga hamda O'zbekiston dunyo davlatlari sayyohlari uchun eng sevimli turistik yo'nalishlardan biriga aylanishiga xizmat qiladi. Yurtimizda turizm sohasini rivojlantirish uchun Prezidentimiz Sh.M.Mirziyoyev sayyohlar kayfiyatiga ta'sir ko'rsatuvchi ko'p jihatlarga ham e'tibor qaratish lozimligini ta'kidlab o'tdilar. Masalan

- aeroportlarda passport nazorati xonalari yorug'ligi,
- xodimlarning muomala va malakasi,
- taksi xodimlarining odobi,

- xizmat ko'rsatish sifati va tezligini oshirish, turizm sohasida faoliyat yuritmoqchi bo'lgan tadbirkorlar uchun imkoniyat va shart-sharoit yaratish,
- avtomagistral yo'llar ravonligi va bu yo'llar bo'yida sanitariya-gigiyena shaxobchalarini ko'paytirish shular jumlasidandir.

Shuningdek turizmning maxsus turlarini mamlakatimizda ommalashtirishimiz kerak. Xususan ekologik, gastronomik, etnografik, madaniy, ma'rifiy arxeologik, agroturizm, milliy o'yinlar, xalqaro polvonlar bellashuvi, dorbozlik, qo'shiqchilik va baxshilar faoliyati, milliy folklor san'ati, madaniyatga va hunarmandchilikka qiziqish, tabiat muzeylari, tabiiy-tarixiy tasvirlar, sirk turizmi kabi turlar uchun mamlakatimizda imkoniyat bor shuni hisobga olgan holda O'zbekistonda yuqoridagi turlarni asosiy turlardek yuqori darajaga ko'tarishni asosiy maqsad qilib olishimiz lozim. Mazkur turlarga ichki va ayniqsa xalqaro turistlarni jalb qilish, taklif qilishdagi tashkiliy tadbirlar ishlab chiqilsa, maxsus turlardan turizmda foydalanishning dastlabki rejaları amalga oshirilgan bo'ladi. Ichki turizmda maxsus turlarning ommaviy rivojlanmayotganligining bosh sababi maxsus turlar manzillariga marshrutlarning yo'qligi, bu turlar manzillarini hatto ekskursiyaga chiquvchilar ham, shuningdek shaharlarda yashayotgan aholining ham ko'pchiligi bilmasligidir. Shunday ekan ushbu maxsus turlar haqida yurtimiz va dunyo ommaviy axbarot vositalarida reklama yoki video-roliklar orqali tadbiriq qilishimiz maqsadga muvofiqdir. Mazkur harakatlar O'zbekistonda turist oqimining ko'payishiga salmoqli hissa qo'shadi

MIRZO ULUG'BEK MADRASASI TURIZM OBYEKTI SIFATIDA

*Xaitov.A.A., Buxoro avtomobil va yo'llar
kasb-hunar kolleji o'qituvchisi*

Yurtimizda qadimiy obidalar, muqaddas ziyoratgohlar, tarixiy va madaniy yodgorliklar bilan bir qatorda, betakror madaniyati va an'analari, xushmanzara tabiati hamda fayzli go'shalari bilan sayyohlarni o'ziga rom etib kelayotgan mamlakatimizda ushbu yo'nalishda amalga oshirilayotgan sa'y-harakatlar turizm industriyasi hamda infratuzilmasini yanada rivojlantirishda muhim ahamiyat kasb etmoqda. Yurt dovruq'ini olamga mashhuri jahon qilgan allomalar ham aynan shu yurtdan Buyuk Amir Temurning nabirasi, benazir alloma Mirzo Ulug'bekning o'rta asrlar sharoitida namoyon etgan ilmiy jasorati bugungi kun olimlarini ham hayratga solmasdan qo'ymaydi. Taqdir bu ulug' zotning zimmasiga behad ulkan va mashaqqatli vazifalar yukladi. Buyuk sarkarda Amir Temur bunyod etgan saltanatning vorisi bo'lishdek o'ta mas'uliyatli vazifa aynan unga nasib etdi. Mirzo Ulug'bek qariyb qirq yil mobaynida Movarounnahr diyorining donishmand hukmdori sifatida xalqning azaliy orzusi-tinchlik, totuvlik, ilm-fan va madaniyatni taraqqiy toptirish yo'lida ulkan shijoat va matonat ko'rsatdi.¹²⁹ Ulug'bek o'z saltanatida ma'rifat, fan va ta'lim ravnaqi uchun keng imkoniyatlar yaratib berdi¹³⁰. Jumladan, Buxoradagi madrasa eshigiga " Bilim olish har bir musulmon va musulmaning burchidir", degan shiorning o'yib bitilganligi buning yaqqol dalilidir. Ulug'bek Movarounnahrni butun musulmon mamlakatlarining ilmiy markaziga aylantirishga harakat qildi. 1417 yilga kelib Samarqandda yuzdan ziyod olimlar to'plagan. Ular orasida, adiblar, muarrixlar, xattotlar, musavvirlar, geograflar bor edi. Ulug'bek mamlakatda fanni rivojlantirishni o'z dasturiga ko'ra amalga oshirdi va bu yaxlit "fan va ta'lim dasturi" edi. Ulug'bek "o'zi va maslahatchilari tomonidan ishlab chiqilgan ilmiy dasturini amalga oshirish uchun"¹³¹ ma'lum obyektlarni qurishni rejalashtirgan. Chunonchi hozirgi zamon ta'biri bilan aytganda, ta'lim markazi bo'lmish madrasa (Ulug'bek madrasasi) laboratoriyasini¹³² - rasadxona va kutubxonalar majmui holda bunyod etish, dasturning asosiy elementlaridan bo'ldi.

¹²⁹ Islom Karimov. Yuksak ma'naviyat-yengilmas kuch. -T: Ma'naviyat.-2008. 45-46 b

¹³⁰ Bo'riyev O. M. Ulug'bekning fan-ta'limni rivojlantirish bo'yicha faoliyati va uning islom sivilizatsiyasidagi o'rni // O'zbekistonning islom sivilizatsiyasi rivojiga qo'shgan hissasi. Ta'lim, fan va madaniyat bo'yicha islom tashkiloti-ISESCO tomonidan Toshkent shahrining 2007 yilda Islom madaniyati poytaxti deb e'lon qilinishiga bag'ishlangan xalqaro konferensiyaga yo'llagan ma'ruzalar va tabriklar tezislari to'plami. - Toshkent: Samarqand, 2007. -B.118-120.

¹³¹ Keren L. Ulug'bek maktabi va uning usmonli turklar astronomiyasiga qo'shgan hissasi. Mirzo Ulug'bek tavalludining 600 yilligiga bag'ishlangan xalqaro ilmiy anjumaning materiallari. Toshkent-Samarqand, 1994. 12-16 oktyabr.-B. 208.

¹³² Abdullayev V. Navoiy Samarqandda. - Toshkent: 1968. -B.58.

Ayni paytda ta'lim dasturida butun Movarounnahr hududida ilmiy salohiyatini ko'tarishdek katta g'oyani amalga oshirish ko'zda tutilgan va shu maqsadda qator madrasalar barpo etildi. Buxoro (1417 y), Samarqand (1417-1420 y) va G'ijduvon (1433 y) shaharlarida o'sha davrning oliy o'quv yurtlari –madrasalarning bunyod etilganligini bunga dalil qilib ko'rsatish mumkin. „Bibixonim“ masjid, „Go'ri Amir“ maqbarasi, „Shohizinda“ ansambllari qurilishi ham Ulug'bek zamonida nihoyasiga yetadi. Keyinchalik Samarqandda Registon deb nom olgan joyda Ulug'bek madrasasi bilan yonma yon Sherdor (1619-1636) y y va Tillakori (1647-1660) y y madrasalari barpo etildi. Madrasalar bunyod etish ananasi Alisher Navoiy davrida Xurosonda ham davom etdi. Yana shuni alohida qayd qilish lozimki, Buxoro va Samarqand madrasalari XIX asrga qadar o'z vazifalarini bajarib keldi¹³³. Tarixiy manbalarga ko'ra Samarqanddagi Ulug'bek madrasasi ikki qavatli, to'rt burchidagi salobatli to'rt gumbazli, to'rt minorali va har bir xonasi ikkiga ajratilgan bo'lib, unda 100 dan ziyod talaba ta'lim olgan¹³⁴. Madrasalarda gumanitar va aniq fanlar yo'nalishida turli fanlar o'qitilgan; bilimga qo'yilgan talab nihoyatda yuqori bo'lgan. Buni 1420 yili Samarqand madrasasining ochilishida Muhammad Havofiyning chuqur mazmunli ma'ruzasini hozir bo'lgan 90 olimdan faqat Ulug'bek va Qozizoda Rumiylargina tushuna olishganligidan¹³⁵ ham bilsa bo'ladi. Zero, o'sha davr tarixchisi Davlatshoh Samarqandiy “Tazkirat ush shuaro” (“Shoirilar zikri”) asarida, “Mirzo Ulug'bek xandasa” (geometriya) ilmida majastiykusho erdi”¹³⁶, deb ta'kidlaydi. Ulug'bek Qadimgi Yunon olimlaridan Platon(Aflotun), Aristotel(Arastu), Gipparx(Ibbarxus) va Ptolomey(Batlimus) ilmiy merosidagi astronomik tushunchalari bilan ham tanish edi¹³⁷. Madrasalar turli o'lkalardan kelgan olimlar maskani ham bo'lgan. Unda Markaziy Osiyoning turli hududlaridan kelgan talabalarga o'qiladigan ma'ruzalarda bahs-munozaralar uyushtirilgan va ilgari yashab o'tgan olimlarning asarlari sharhlanib tadqiq qilinardi. Madrasada asosiy ma'ruzalarni Qozizoda Rumi, Ulug'bek, Jamshid Koshiy, Ali Qushchi, ustod Ismoil, Mavlono Ibrohim, Mavlono Badriddin va boshqa olimlar o'qiganlar¹³⁸. Ulug'bek madrasasi-Buxoro shahridagi arxitektura yodgorligi bo'lib, 1417 yilda Ulug'bek qurdirgan uch madrasaning eng qadimgisidir. Ulug'bek madrasasini qurilishiga me'mor ustalar buxorolik Najmiddin Buxoriy va isfaxonlik me'mor usta Ismoil Isfaxoniy rahbarlik qilgan. U o'rta asrlarda yirik madaniyat va ma'rifat maskani vazifasini bajargan. Madrasa Abdullaxon II davrida Xo'ja Sa'd Jo'yboriy tomonidan (1586 yilda) butunlay qayta tiklangan. Madrasa to'g'ri to'rtburchak shaklida, old eshigi serxasham peshtoqli, kiraverish-yo'lak (miyonxonona), uning bir tomoni darsxonona, ikkinchi tomoni masjid. Miyonxononaning ikkinchi qavati kutubxonona bo'lgan. Madrasa hovlisida yana 2 peshtoq bor, ularning har ikkala tomoniga minoralar qurilgan. Peshtoqlar pastidan yuqorisigacha bejirim g'ishtchalar, guldor koshinlardan ishlangan xoshiyador naqshlar bilan bezatilgan. Ulug'bek madrasasining koshin bezaklari 3 davrga oid: qo'ng'ir ko'k va tilla rang fonga ishlangan oq va havo rang bezaklar Ulug'bek davriga borib taqaladi, ba'zi joylari tiniq, yorqin bezaklar 16 asrga, qora fonga ishlangan havo rang guldor qadama naqsh 17 asrga taalluqli. Madrasaning ichki va tashqi bezaklari rangini yo'qotmagan. Ulug'bek madrasasi tez-tez ta'mir qilib turilgan naqshlarida yulduzsimon shakllar ko'p. Ayvon ustunlari zarxallangan bo'lib Masjid Kalon ustunlari o'xshash.¹³⁹ Madrasada 40 ta hujra bo'lib, unda 80 talaba yashagan. Yozda hujralar salqin, qishda issiq, ichi kamxasham bo'lgan. Madrasada diniy va dunyoviy bilimlar o'rgatilgan. Jumladan Qur'on, hadis, tafsir fiqh, handasa, jug'rofiya, arab tili, riyoziyot o'rgatilgan. Ta'lim 15-20 yilgacha davom etgan. 1419 yil 28 noyabrda Ulug'bek bir muddat Buxoroda bo'lib, madrasaga kelib talabalarga ehsonlar qilgan. Qadimiy va dunyoviy bilimlar olishga moslashtirilgan bu madrasa bitiruvchilari ilm fan taraqqiyotiga munosib hissa qo'shdilar. Mustaqillik yillarida ham madrasa ta'mirdan chiqarildi. Hozirgi kungacha bu ishlar davom etmoqda. Yuneskonning 602 obyekt sifatida ro'yxatga olingan, muzeyga aylantirilgan. Prezidentimiz Shavkat Mirziyoyev fikricha bunday ezgu sa'y-harakatlar zamirida istiqloq farzandlarini boy o'tmishimiz, ulug' bobokalonlarimizning

¹³³ Матвиевская Г.П., Соколовская З.К, Улугбек.- Москва: 1997. –С. 29

¹³⁴ Бартольд В.В. Улугбек и его время.- Москва: 1964 Т.ИИ ч 2.-С. 126.

¹³⁵ Матвиевская Г.П., Соколовская З.К. Улугбек.- Москва: 1997.-С. 30

¹³⁶ Davlatshoh Samarqandiy. Tazkirat ush-shuaro. Amir Temur va Ulug'bek zamondoshlari xotirasida.- Toshkent: 1996.-B.10.

¹³⁷ Ahmedov Ashraf. Ulug'bek.- Toshkent: 1991.-B. 49.

¹³⁸ Ahmedov Ashraf. Ulug'bek.- Toshkent: 1991.-B. 50.

¹³⁹ J.Barakayev, Y. Xaydarov. Buxoro tarixi. T.- O'qituvchi. 1991 y 129 b

betakror ma'naviy merosi bilan yaqindan tanishtirish maqsadi yotadi. Darhaqiqat, ma'naviyati yuksak, ilmu adabda yetuk elning farzandlari ham g'ururi baland, iftixori tunganmas bo'lib kamol topishlari, shubhasiz.

AGROTURIZMINI RIVOJLANTIRISHNING XORIJ TAJRIBASI

Raxmatullayeva F.M. i.f.n., dotsent, Iqtisodiyot kafedrası, BuxDU

Agroturizmning turizm sanoatining alohida yo'nalishi sifatida kelib chiqishi 20-asrning ikkinchi yarmidan boshlanadi. Ko'plab tadqiqotchilar buni o'tgan asrning oxirida ekologik muammolar to'g'risida xabardorlikning oshishi, jamiyatdagi texnogen bosimlarning oshishi va urbanizatsiya o'sib borayotgani bilan izohlashadi, bu esa tabiiy ravishda qadriyatlar va ustuvorliklar tizimining o'zgarishiga olib keladi. Qishloq (agrar) turizmi dastlab, chet ellarda keng tarqalib, bu mamlakatlar hunarmandchilik, milliy urf-odatlar va madaniy qadriyatlarni rivojlantirish orqali qishloq aholi punktlarining yo'qolishini saqlab qolishga intildilar¹⁴⁰. Tushkunlikka uchragan qishloq joylariga sayyohlarni jalb qilish mahalliy ishlab chiqariladigan mahsulotlarga talabni yaratdi va Yevropaning qishloq xo'jaligi hududlarida ma'lum bir turmush darajasini ta'minladi¹⁴¹.

Yevropada qishloq turizmi tarixi 200 yildan ko'proq vaqtni tashkil etadi, ammo tarmoq XX asrning 50-yillarida Frantsiyada birinchi marta sayyohlarni qishloq joylarda joylashtirish uchun mehmon uylari uyushmasi paydo bo'lganida tizimli rivojlana boshladi. Aynan o'sha paytda ushbu sohaning iqtisodiy, siyosiy va ijtimoiy salohiyati ko'rindi.

Agroturizmning tashkiliy va qonunchilik asoslari birinchi marta Frantsiyada 1955 yilda Qishloq xo'jaligi va turizm uyushmasi tashkil etilganda shakllandi. 10 yil o'tgach, 1965 yilda Italiyada shunga o'xshash uyushma tashkil etildi. Bugungi kunda bunday uyushmalar Evropaning aksariyat mamlakatlarida faoliyat ko'rsatmoqda. Agroturizm uyushmalari doirasida turoperatorlar, agroturizm biznesi va hukumat vakillari bilan o'zaro aloqalarni o'rnatish, ularning hamkorligini ta'minlash, turizm xizmatlarini yetkazib beruvchilarning umumiy manfaatlarini ifoda etish, agroturizmni rivojlantirish strategiyalarini ishlab chiqish, turistik mahsulotlarni siljitish va hk. kabi asosiy vazifalar amalga oshiriladi.

Xorijiy davlatlar tajribasini o'rganish shuni ko'rsatmoqdaki, qishloq joylarda noagrar faoliyat turlarini, xususan, agroturizmni rivojlantirish yangi muqobil ish o'rinlari yaratish va qishloq joylarini rivojlantirish orqali qishloqlarda ijtimoiy keskinlikni kamaytirishga yordam beradi¹⁴². Agroturizmning rivojlanishi ham ijtimoiy, ham iqtisodiy jihatdan samarali bo'lishi mumkin. Qishloq xo'jaligi turizmiga kirish to'siqlari kam, umumiy qishloq va turistik infratuzilmani yaratishga, shuningdek mahalliy aholining hayot sifatini yaxshilashga yordam beradi.

Mutaxassislar jahon agroturizmining rivojlanishidagi bir nechta "to'lqinlarni" ajratib ko'rsatadilar.

Agroturizm rivojlanishining "birinchi to'lqini" G'arbiy Yevropada, masalan, Frantsiya, Italiya, Angliya, Germaniya, Ispaniya va boshqa mamlakatlarda paydo bo'lganligi tan olinadi. Agar ushbu hodisaning paydo bo'lishiga turlicha sabablar mavjud bo'lsa, u holda qishloq xo'jaligi sohasidagi iqtisodiy inqiroz asosiy omil sifatida qaralishi kerak. Ushbu iqtisodiy inqiroz Yevropa ittifoqi doirasida qabul qilingan qishloq xo'jaligi mahsulotlarini ishlab chiqarish hajmlarini kvotalash choralari, AQSh qishloq xo'jaligi ishlab chiqaruvchilarining raqobati va milliy qishloq xo'jaligi ishlab chiqaruvchilarining manfaatlarini himoya qilish imkoniyatining yo'qligi bilan bog'liq.

Agroturizm rivojlanishining "ikkinchi to'lqini"ga mutaxassislar, iqtisodiy (qishloq xo'jaligini qo'llab-quvvatlash istagi) va ijtimoiy-psixologik sabablar (qishloq joylarida dam olish

¹⁴⁰ Songkhla T.N. Interactions between agro-tourism and local agricultural resources management: a case study of agro-tourism destinations in Chang Klang District, Southern Thailand // Discourse journal of agriculture and food sciences. 2013. Vol. 1. No. 4. P. 54-67.

¹⁴¹ Leco F., Hernández J.M., Campón A.M. Rural tourists and their attitudes and motivations towards the practice of environmental activities such as agrotourism // International journal of environmental research. 2012. Vol. 7. No. 1. P. 255-264.

¹⁴² Воробчуков, С.А. Проблемы и пути повышения конкурентоспособности аграрного туризма/ Теория и практика управления современной организацией. Сборник научных трудов кафедры менеджмента СГУТ и КД – Сочи: РИО СГУТ и КД, 2007–210 с.

jozibadorligini sayyohlar ongida oshirish) bilan bir qatorda, ekologik omillar (an'anaviy ravishda katta sayyohlar oqimini jalb qiladigan tabiiy muhit va madaniy-tarixiy markazlarga yuklarni kamaytirish zarurati bilan bog'liq) oldinga chiqqan mamlakatlarni, Kipr, Gretsiya, AQSh va b. kiritadilar. Bu mamlakatlarda agroturizm rivojlanishining asosiy xususiyati shundan iboratki, ushbu sohadagi yetakchi mamlakatlar tajribasiga asoslanib, ushbu muammoni davlat tuzilmalari darajasida hal etishda yuqori markazlashtirish mavjud edi.

Agroturizm rivojlanishining "uchinchi to'lqini" keyinchalik Evropa Ittifoqiga qo'shilib, ushbu sohadagi tajribasining davomchilari bo'lgan Sharqiy Yevropa mamlakatlarini o'z ichiga oladi. Ushbu davlatlarda agroturizmning rivojlanishiga davlat tomonidan qo'llab-quvvatlashdan tashqari Yevropa Ittifoqining katta moliyaviy yordami sabab bo'ldi. Turizm sanoatining ushbu sektorini nisbatan kech faol o'zlashtirilishiga qaramay, ushbu mamlakatlarning bir qismi bu sohada katta yutuqlarga erishdilar. Bunday rivojlanishning misoli Polshadir, u agroturizmning ba'zi ko'rsatkichlariga ko'ra tan olingan Yevropa agroturizm ilg'orlaridan orqada qolmaydi.

Sobiq ittifoq mamlakatlari dunyoda agroturizm rivojlanishining "to'rtinchi to'lqini" deb nomlanadi. Bu mamlakatlarda agroturizm turizm sanoatining mustaqil tarmog'i sifatida faqatgina 2000-yillarda rivojlana boshladi.

Ijtimoiy-falsafiy, iqtisodiy va ijtimoiy adabiyotlarda agroturizm modellarining tarkibiga har xil baho berilgan. Tahlilchilar ta'kidlashlaricha, birinchidan, ushbu modellar doirasida taqdim etilayotgan agroturizm mahsuloti maqsadli, keng qamrovli va moslashuvchan hisoblanadi. Ikkinchidan, ushbu modellar qishloq aholisini agrar ishlab chiqarish sektoridan xizmat ko'rsatish sektoriga o'tkazishga qaratilgan. Uchinchidan, ular iqtisodiy jihatidan tashqari muhim mafkuraviy yukni - milliy urf-odatlarini, etnik-madaniy merosni va tarixiy-madaniy yashash joylarini asrab-avaylashni o'z zimmalariga oladilar.

D.N. Panova xorijiy mamlakatlarda agroturizmning rivojlanishini tahlil qilib, shartli ravishda G'arbiy Evropa, Sharqiy Evropa, Angliya-Amerika va Osiyo deb ataydigan agroturizmning to'rtta asosiy modeli mavjudligiga ishora qiladi¹⁴³.

Yevropa agroturizmining evolyutsiyasi "Britaniya", "frantsuz", "nemis" va "Italyan" modellari kabi etalon modellar paydo bo'lishiga olib keldi. Ushbu modellarning mazmunida jiddiy farqlar mavjudligi bilan birga Yevropa agroturizmining umumiy mafkurasi o'zgarishsiz qolmoqda. G'arbiy Yevropada agroturizm sohasida taklif etiladigan turistik mahsulotlar umumiy o'xshashliklarga ega bo'lishiga qaramay, qishloq xo'jaligi faoliyatining o'ziga xos sharoitlari, qishloq joylarining tabiiy, etnografik, tarixiy-madaniy va boshqa resurslarining xususiyatlari bilan belgilanadigan mintaqaviy farqlarga ega.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Songkhla T.N. Interactions between agro-tourism and local agricultural resources management: a case study of agro-tourism destinations in Chang Klang District, Southern Thailand // *Discourse journal of agriculture and food sciences*. 2013. Vol. 1. No. 4. P. 54-67.
2. Leco F., Hernández J.M., Campón A.M. Rural tourists and their attitudes and motivations towards the practice of environmental activities such as agrotourism // *International journal of environmental research*. 2012. Vol. 7. No. 1. P. 255-264.
3. Воробчуков, С.А. Проблемы и пути повышения конкурентоспособности аграрного туризма/ Теория и практика управления современной организацией. Сборник научных трудов кафедры менеджмента СГУТ и КД – Сочи: РИО СГУТ и КД, 2007–210 с.
4. Организация сельского туризма. Практические рекомендации по организации альтернативной занятости сельского населения. Выпуск 5. – М.: ФГНУ «Росинформагротех», 2009. – 170 с.

¹⁴³ Организация сельского туризма. Практические рекомендации по организации альтернативной занятости сельского населения. Выпуск 5. – М.: ФГНУ «Росинформагротех», 2009. – 170 с.

O'ZBEKISTONDA TRANZIT TURIZMNI RIVOJLANTIRISHNING AHAMIYATI *Qilichova O.Z., Samarqand iqtisodiyot va servis instituti talabasi*

ANNOTATSIYA: Ushbu maqola O'zbekistonga tashrif buyurayotgan turistlarning iqtisodiy, satastatik tahlili haqida bo'lib, asosan yurtimizning asosiy tarnsport yo'laklari keltirilgan. Bunda tranzit hamda turistik maqsadlardagi turistlar yo'nalishi va oqimi haqida ma'lumotlar tahlil qilingan hamda ularga tayanilgan holda xulosalar chiqarilgan. Taklif sifatida esa, tranzit maqsadlarda tashrif buyurayotgan turistlarga keng assortimentli xizmatlarni taklif etish keltirib o'tilgan.

KALIT SO'ZLAR: *Xalqaro transport yo'laklari, korridorlar, TPACEKA, transafg'on, tashqi savdo, turistlar, tranzit turistlar, turistlar oqimi.*

Mamlakatning itimoiy – itisodiy rivojlanishida aholiga xizmat ko'rsatuvchi sohalarning o'rni va roli g'oyat sezilarli bo'lib, bunda turizmning ahamiyati boshhqa xizmat ko'rsatuvchi sohalariga qaraganda yuqori sur'atlar darajasida rivojlanishi bilan belgilanadi. Shuning uchun ham keyingi yillarda O'zbekistonda turizmni rivojlantirish bilan bog'liq bo'lgan masalalarga katta e'tibor berilib, uning turistik salohiyatidan samarali foydalanish yo'llari shakllanmoqda. [1]

O'zbekiston Respublikasi dunyo okeanidan kamida ikkita davlat hududi bilan ajratilgan jahondagi ikki davlatdan biri hisoblanadi. Sobiq Sovet tizimi inqirozga uchraganidan so'ng, dunyoda dengizga chiqish imkoniyati bo'lmagan mamlakatlar soni 29 taga yetgan. Vaholangki, yurtimiz geografik joylashuvi jihatidan juda ham qulay va tarnzit hudud sanaladi.

Tashqi savdoda yuklarni tashish uchun muqobil transport yo'laklarini izlash va ulardan samarali foydalanish bo'yicha O'zbekiston Respublikasi Hokimiyatining faol chora – tadbirlari hamda mustaqil vazirlik va idoralarning muvofiqlashtirilgan ishi natijasida xalqaro transport yo'laklari tarmog'i tashkil etildi va hozirda ham takomillashtirilib borilmoqda.

Ma'lumki, yuksak sifatli transport infratuzilmasiga ega bo'lgan mamlakatgina barqaror taraqqiyotga erishadi, xalqining turmush farovonligini ta'minlaydi. Keng va ravon yo'llar, zamonaviy magistrallar, eng so'nggi texnologik yutuqlarni o'zida mujassam etgan muhtasham ko'priklar, yerosti yo'llari infratuzilmaning tarkibiy qismi hisoblanadi. Shuning uchun ham mustaqillikning ilk yillaridan boshlab yurtimizda barcha turdagi yo'llarni sozlash, ta'mirlash, yangilarini qurishga alohida e'tibor berib kelinayapti.

Ayni paytda O'zbekiston Respublikasining tashqi savdo yuk tashishlari quyidagi asosiy transport yo'laklari orqali amalga oshiriladi:

1-yo'lak — Boltiqbo'yi mamlakatlari portlari yo'nalishida (Qozog'iston va Rossiyadan tranzit orqali) — Klaypeda (Litva), Riga, Liyepaya, Ventspils (Latviya), Tallinn (Estoniya);

2-yo'lak — Yevropa Ittifoqi (Yel) mamlakatlari yo'nalishida, Belarus va Ukraina orqali (Qozog'iston va Rossiyadan tranzit orqali) — Chop (Ukraina) va Brest (Belarus) chegarasi;

3-yo'lak — Ukrainaning Ilichevsk portiga (Qozog'iston va Rossiyadan tranzit orqali), Qora Dengizga chiqish bilan;

4-yo'lak — TRASEKA yo'lagi sifatida ma'lum bo'lgan Transkavkaz yo'lagi yo'nalishida (Turkmaniston, Qozog'iston va Ozarbayjondan tranzit orqali), Qora Dengizga chiqish bilan;

5-yo'lak — Eronning Bandar Abbas portiga (Turkmanistondan tranzit orqali), Fors ko'rfaziga chiqish bilan;

6-yo'lak — Qozog'iston – Xitoy chegarasi orqali sharqiy yo'nalishda (Dostiq/Alalshankou) Xitoyning sharqiy portlarigacha, shuningdek Uzoq Sharqning Naxodka, Vladivostok va boshqa portlarigacha;

7-yo'lak — Xitoy portlariga (Qirg'izistondan tranzit orqali) Sariq, Sharqiy-Xitoy va Janubiy-Xitoy dengizlariga chiqish bilan;

8-yo'lak — afg'on muammosining tartibga solinishi munosabati bilan Afg'onistondan tranzit orqali Eron va Pokistonning Bandar Abbas, Chaxbaxar (Eron Islom Respublikasi, EIR), Gvadar va Karachi (Pokiston Islom Respublikasi, PIR) portlariga janubiy muqobil transport yo'laklarini ishlab chiqish bo'yicha yangi istiqbollar ochib berilmoqda [1]

Shulardan ba'zi transport yo'lagiga qisqacha to'xtalib o'tamiz.

TRASEKA (TRACECA – Transport Corridor Europe Caucasus Asia) Yevroosiyo transport koridorining Yevropadan G‘arb — Sharq yo‘nalishida Qora dengiz, Kavkaz, Kaspiy dengizi orqali Markaziy Osiyoga chiqadigan yo‘nalish bo‘yicha juda ko‘plab qatnovlarning mavjudligiga alohida e‘tibor qaratildi. Yevropa va Osiyo o‘rtasidagi savdo munosabatlarining rivojlanishi hamda asosiy tovar ishlab chiqaruvchilari Osiyo, iste‘molchilar esa Yevropada joylashishi, ikkinchi yomondan yuk egalari bo‘lgan yirik mamlakatlar yuk oqimining yuzaga kelishi talqinida TRACEKA yo‘nalishini ko‘rib chiqqan holda shunday xulosaga kelish mumkinki, tovarlarni Yevropaga TRACEKA transport yo‘lagi orqali yetkazib berish g‘oyat jozibador ko‘rinadi. Yokogamadan eng yirik G‘arbiy Yevropaa portlarigacha bo‘lgan asosiy transokean yo‘nalishi masofasi TRACEKA yo‘nalishiga nisbatan kamida 2 baravar uzoq. O‘zbekistonda yo‘nalish bo‘yicha harakarlanish Buxoro – Navoiy – Samarqand – Jizzax – Toshkent – G‘ishtko‘prik ketma-ketlikda amalga oshiriladi va u 672 km masofadan iborat.

2003-yilning 18-iyunida Tehron shahrida (Iron) O‘zbekiston Respublikasi, Afg‘oniston Islom Respublikasi va Iron Islom Respublikasi davlat rahbarlari tomonidan “Xalqaro transafg‘on transport yo‘lagini tashkil etish to‘g‘risida bitim” imzolanib, mazkur bitim respublikaning tashqi savdo yo‘klarini Iron portlariga tashish masofasini 1500 km ga qisqartirish imkonini yaratdi.

Bundan tashqari, 2018 yilning 2 avgust kuni O‘zbekiston Respublikasi hukumati bilan Afg‘oniston Respublikasi hukumati o‘rtasida yuklarni tranzit tashish to‘g‘risidagi Bitim kuchga kirdi. Bitim tomonlarning ikki davlat hududi orqali yuklarni tranzit tashishni amalga oshirishdagi rasmiyatchiliklarni qisqartirish va mexanizmlarini belgilash bo‘yicha hamkorligi uchun huquqiy asos yaratadi.[3]

2011 – yil mart oyida “O‘zbekiston Respublikasi Hukumati bilan Pokiston Islom Respublikasi Hukumati o‘rtasida transport va tovarlar tranziti sohasida hamkorlik to‘g‘risidagi bitim”ning kuchga kirishi hamda Afg‘onistondagi holatning barqarorlashishi munosabati bilan O‘zbekistondan yuklarni tranzit olib o‘tish uchun afg‘oniston hududidan foydalanish yuzasidan yangi istiqbollar ochilmoqda, bu eas tashqi savdo yuklarini Eron va Pokiston portlariga tashish yo‘nalishlari diversifikatsiyaga ijobiy ta‘sir etmoqda.[2]

Bu kabi ma‘lumotlarni keltirishimizdan asosiy maqsad yurtimiz duyno iqtisotiy aloqalari uchun muhim tranzit hudud ekanligini ko‘rib chiqish hisoblanadi. Quyida esa yurtimizga 2018 – yil tashrif buyurgan tranzit turistlar sattistikasi tahlilini keltirib o‘tamiz.

2018-yil O‘zbekiston Respublikasiga turizm va tranzit maqsadlarida kelgan chet el fuqarolarining soni

MDH mamlakatlaridan kelgan turistlar

Maqsad	Turistik	Tranzit
MDH	239709	575580
Ozarboyjon	1924	126
Armaniston	306	11
Belarus	1241	123
Qozog‘iston	14986	16039
Qirg‘iziston	4432	10570
Moldova	639	64
Rossiya	37685	39180
Tojikiston	28342	497351
Turkmaniston	147350	11873
Ukraina	2804	243

Uzoq xorijiy mamlakatlardan kelgan turistlar

Maqsad	Turistik	Tranzit
---------------	-----------------	----------------

Xorijiy mamlakatlardan	218410	5699
Afg'oniston	31993	2788
Germaniya	13836	103
Gruziya	628	50
Isroil	5816	47
Hindiston	17185	343
Iron	824	93
Italiya	11699	11
Kanada	1405	26
Xitoy	13414	809
Latviya	632	20
Buyuk Britaniya	6324	196

Keltirilgan ma'lumotlardan ma'lumki, O'zbekistonga MDH davlatlaridan tashrif buyurayotgan tranzit maqsadidagi turistlar soni uzoq xorijiy mamlakatlar tranzit maqsadli turistlar sonidan ancha yuqori. Tranzit maqsadli turistlar soning ko'pligi mehmonlarning yurtimizda juda kam vaqt bo'lishini hamda keng xizmatlar assortimentidan foydalana olish imkonining kam ekanligini ifodalaydi. Bunday sharoitda tranzit turistlarga xizmat ko'rsatish qobiliyatining mavjudligi juda muhim sanaladi. Bunda faqat yo'l infratuzilmasining anglanishi noto'g'ri, bundan tashqari yo'l bo'yi infratuzilmasi ham ahamiyatlidir.

O'zbekiston xalqaro asosiy transport yo'laklari muhim choraxalardan biri, shunday ekan yitik magestral yo'llar va yo'l bo'yi infratuzilmasining shakllantirilishini o'z – o'zidan talab qiladi. Yo'l bo'yi infratuzilmaga motellar, sanitariya – gegiena shaxobchalari, ovqatlantirish korxonalari, avtoservis, yoqi,g'i quyish shaxobchalari, savdo do'konlari va shu kabi obyektlarni misol qilib keltirish mumkin.

Yurtimiz hududidan to'tayotgan tranzit turistlarning oqimi orqali yirik daromad ko'rish mumkin bo'lmagan hollarda ham, ular uchun turistik salohiyatga boy davlat sifatida taassurot qoldirish soha rivoji uchun katta ahamiyatga ega sanaladi, chunki tranzit turistlar reklama tashuvchi oqim bo'lib xizmat qiladi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

- [1] Z.O. Rahimov, R.Haitboyev, N.E. Ibadullayev, B.Sh. Safarov. Turopereyting. O'quv qo'llanma. – T.: "Fan va texnologiya" 2018, 300 bet
- [2] <https://www.trt.net.tr/uzbek/turk-dunyosi/2018/08/04/o-zbekiston-bilan-afg-oniston-o-rtasida-yuklarni-tranzit-tashish-to-g-risidagi-bitim-kuchga-kirdi-1025774> (23.11.2019)
- [3] <http://uzsm.uz/uz/investorlar-diqqatiga/transport-corridors/> (24.11.2019)

ТУРИСТИК-РЕКРЕАЦИЯ ФАОЛИЯТИ КЛАСТЕРЛАРИНИ БОШҚАРИШ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Мирзаев Абдуллажон Тошилович

Фаргона политехника институти катта ўқитувчиси, PhD

Жаҳон мамлакатларининг иқтисодий ривожланиш жараёнида сўнгги йилларда алоҳида тармоқ ёки соҳаларни кластерли ёндашув асосида ривожлантирилиши тадқиқотлар соҳаси бўлган масалани кўриб чиқишда бугунги кун ҳолати доирасидаги тадқиқотларни талаб қилади. Шунинг

эътиборга олган ҳолда, мамлакатимиз ҳудудларида туристик-рекреация фаолиятини самарали фойдаланиш йўналишларидан бири бўлган рекреацион хизматлар кластерларини бошқариш асосида хизматлар бозорини ривожлантириш истикболли йўналиш сифатида эътироф этилмоқда.

М.Портер фикрича, кластерларнинг муваффақиятли ривожланиши барқарор ривожланиш стратегиясини қўллашни талаб қилади, яъни гуруҳлар – турли хил манфаатдор томонларнинг бирлаштирилиши, иқтисодийнинг рақобатбардош устунлигига эришишга йўналтирилган соғломлаштиришнинг янги ташкилий шаклидир¹⁴⁴. Кластер сиёсатининг мақсади – бизнес ва минтақанинг ривожланиши учун истикболли имкониятлар яратишдир. Шундай қилиб, кластерга бирлашган ҳар бир гуруҳ 5-10 йил давомида узоқ муддатли бизнесни ривожлантириш стратегиясига таъсир қилади.

А.Александрованинг халқаро сайёҳлик тадқиқоти натижаларига кўра, туризм соҳасида кластерларни ривожлантириш унинг самарадорлигини оширишини исботлади¹⁴⁵. Туристик маҳсулотни ишлаб чиқариш ва сотиш билан шугулланадиган корхоналар ва иқтисодий тармоқлари ўртасида технологик алоқаларни (асосан, бизнес алоқаларини) ташкил этиш зарурати туризм кластерини ривожлантиришда асосий туртки бўлади.

Шу нуқтаи назардан, бугунги кунда мамлакатимиз ҳудудларида мавжуд рекреация фаолиятини самарали бошқаришни йўлга қўйиш учун кластерли ёндашув мақсадли ҳисобланади.

Рекреацион хизматлар кластерида, мавжуд шарт-шароитлардан келиб чиқиб, рекреацион хизматларни таклиф этувчи корхоналар кластернинг ядроси сифатида қаралса, ҳудуд администрацияси, кластер таркибидаги ёндош ва қўшимча хизматларни таклиф этувчи корхоналар ҳамда кластер ривожланаётган ҳудуд ёки минтақа кластер билан алоқадаги элементлар сифатида эътироф этилади.

Рекреацион хизматлар кластерининг шаклланиши, юқорида айтиб ўтилганидек, бир томондан, асосий хизматларни таклиф этувчи рекреация корхоналарининг ривожланиши учун қулай шароитлар яратса, иккинчи томондан, кластер билан алоқадаги элементлар учун ҳам бир қатор устунликлар яратиб беради.

Рекреацион хизматлар бозорининг ҳозирги кундаги ҳолатини таркибий жиҳатдан ўрганиб чиқиш, ушбу тизимдаги корхоналарнинг аксарияти кластер шаклида ташкил топмаганлигини, аниқроқ айтадиган бўлсак, асосий хизматлар атрофида шаклланган хизматлар асосан талабдан келиб чиқиб, уюлмаган ҳолда алоҳида мустақил ва стихияли тарзда шаклланганлигини кўрсатади. Чунки рекреация корхоналари атрофида шаклланган инфратузилма тизимлари алоҳида, бир-бири билан боғланмаган ва умумий ташкилланмаган тарзда фаолият олиб борувчи тузилмалар кўринишида шаклланган. Бу тузилмалар қувватларининг асосий хизмат қувватларига боғланмаганлиги, бир томондан, уларнинг қисман ноаниқ бозорга ишлашига олиб келса, иккинчи томондан, рекреантларнинг ушбу маҳсулот ва хизматларга бўлган талабининг қондирилишида қўшилмаган узилишлар юз бериши хавфи юқори бўлади. Бундай ҳолатлар рекреация фаолияти хизматларини таклиф этувчи корхоналарнинг “жозибадорлик” даражаси пасайишига олиб келади.

Юқоридаги ҳолатлар ҳамда ривожланган мамлакатлардаги рекреацион хизматлар кластерлари фаолиятидаги илгор тажрибаларни ҳисобга олган ҳолда биз томонимиздан мамлакатда алоҳида таркибий тузилишга эга рекреацион хизматлар кластерини шакллантириш таклиф этилади (1-расм).

Таклиф этилаётган кластер рекреация хизматлари билан боғлиқ бўлганлиги учун унинг ядросида рекреация объектлари туради.

Таклиф этилаётган кластернинг асосий хизматларни таклиф этувчи таркиби қуйидаги тузилмалардан иборат:

Рекреация объектлари (кластер ядроси):

- кластер администрацияси (кластер фаолиятини мувофиқлаштирувчи тузилма); ихтисослашган санаторийлар; санаторий-профилакториялар; пансионатлар; туристик уйлар;

¹⁴⁴ Porter M. The competitive advantage of nations. - New York: The Free press. 1990. - P.270 p.

¹⁴⁵ Aleksandrova, A. 2007. Tourism clusters: contents, borders, operating mechanism // Contemporary problems of service and tourism. No 1. P. 51 □ 61.

реабилитация (ижтимоий рекреация) марказлари; тиббий-диагностика марказлари; тематик боғлар; турфирмалар.



1-расм. Рекреацион хизматлар кластери таркиби¹⁴⁶

Жойлаштириш объектлари:

- меҳмонхоналар; мотеллар; кемпинглар; хостеллар; тураржойлар (меҳмон уйлари).

Овқатланиш ва гастрономик хизматлар:

- ресторанлар; кафе ва барлар; кафетерийлар; ошхоналар.

Савдо ва маиший хизмат корхоналари:

- савдо марказлари (озик-овқат, ноозик-овқат, сувенирлар ва бошқ.); савдо ярмаркалари; дорихоналар ва фитобарлар; маиший хизмат марказлари; алоқа ва ахборот хизматлари.

Маданий хизматлар кўрсатиш:

- кинотеатрлар; концерт заллари; амфитеатрлар; дискотекалар, караокекелар; музейлар; кутубхоналар; интернет кафелар; ландшафтлар; аттракционлар.

Спорт-соғломлаштириш хизматлари:

- чўмилиш ҳавзалари; сауналар; спорт иншоотлари (стадион, теннис корти, спорт заллари ва бошқалар); маслаҳат хизматлари.

Техник хизматлар кўрсатиш:

- транспорт воситалари ижараси; транспортларга техник хизмат кўрсатиш; транспорт воситалари учун тураргоҳлар.

Моллиявий хизмат кўрсатиш муассасалари:

- минибанклар; суғурта; валюта айирбошлаш шаҳобчалари.

Рекреацион хизматлар кластерини юқорида таклиф этилаётган таркибда ташкил этилиши хизматлар бозорини ҳудуд миқёсида тўлақонли қамраб олиш имконини беради. Бироқ, биринчи навбатда, кластерни шакллантиришда мулкий масъулиятни тўғри тақсимлаш, яъни кластернинг таркибий тизими қайси фаолият ким томонидан олиб борилишини аниқ юклатилиши кластер тизимларининг мутаносиб фаолият олиб боришида муҳим ўрин тутади.

Таклиф этилаётган кластернинг мулкий асосини шакллантиришнинг бир неча йўллари мавжуд.

¹⁴⁶ Тадқиқотлар асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Биринчи йўл. Кластернинг барча бўгинлари бир тадбиркорнинг маблағлари асосида ташкил этилганда, асосий хизматлар билан инфратузилма тизимлари фаолиятни бир-бирининг кўрсаткичларидан келиб чиққан ҳолда ташкил этади. Бундай шароитда кластер яхлит бир тадбиркорлик фаолияти кўринишида ташкил этилади. Бироқ кластерни ушбу шаклда ташкил этиш ҳамда фаолиятни амалга ошириш жуда катта пул маблағларига эга бўлган ягона шахс ва унинг ўз маблағларини ушбу фаолиятга киритишини талаб этиши тизим фаолиятида муаммоларни келтириб чиқариши мумкин. Бундан ташқари ҳам горизонтал, ҳам вертикал алоқаларга эга бўлган кластер кўринишидаги йирик ташкилий тузилмани бошқаришда вақт ҳамда иш ҳажми бўйича муаммоларнинг юзага келиш эҳтимоли юқори бўлади.

Иккинчи йўл. Кластер таркибидаги тизимлар бошқа-бошқа тадбиркорлар мулки асосида ташкил этилиб фаолият кўрсатади. Бунда кластер бўгинлари фаолиятини мувофиқлаштириш ҳар бир тизим вакилларида ташкил топган кластер дирекцияси томонидан амалга оширилади. Дирекциянинг асосий вазифаси кластер ядроси ҳисобланган корхоналар хизматлари ҳажми доирасида инфратузилма тизимлари фаолиятини ўзаро мувофиқлаштиришдан иборат бўлади. Бунда алоҳида тизимлар таркибидаги корхоналарни ташкил этиш ва фаолиятини амалга ошириш учун сарфланадиган маблағ ҳам иш ҳажмидан келиб чиқиб тақсимланади. Шунинг учун жуда катта ҳажмда молиявий ресурслар талаб этилмайди. Бошқарув жараёнида ҳам вақт ва хизматлар ҳажми доирасида муаммолар келиб чиқиш эҳтимоли нисбатан паст бўлади.

Ҳар икки ҳолатда ҳам кластерлар фаолиятдан олинadиган даромадлар қисқа вақтда харажатларни қоплай олмайди. Бу эса хусусий тадбиркорларни кластерга жалб этишда маълум қийинчиликларни юзага келтириши мумкин. Шунинг эътиборга олган ҳолда, бугунги кунда айрим хорижий мамлакатлар, жумладан, Россия Федерациясида кластерлар фаолиятини ташкил этишда қўлланилган тажрибалардан фойдаланиш таклиф этилади. Бунда кластерларни ташкил этиш ва ривожлантириш мақсадли давлат дастурлари доирасида амалга оширилади ва кластерлар маълум бир давр оралиғида давлат-хусусий шериклик муносабатлари доирасида субсидиялаб борилади (2-расм).



2-расм. Рекреацион хизматлар кластерини шакллантиришда давлат-хусусий шерикчилик механизми¹⁴⁷

¹⁴⁷ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Биз томонимиздан рекреацион хизматлар кластерини иккинчи йўл асосида ташкил этиш таклиф этилмоқда. Бунда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 октябрдаги “Давлат-хусусий шерикликни ривожлантиришнинг ҳуқуқий ва институционал базасини яратиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”¹⁴⁸ги ПҚ-3980-сонли қароридан келиб чиқиб, рекреацион хизматлар кластери давлат ҳамда хусусий шериклар маблаглари иштирокида шакллантирилади. Бунда, биринчидан, кластер молиявий фаолиятида рисклар тақсимланса, иккинчидан, соҳани ривожлантириш борасидаги дастурларнинг амалга оширилишида давлат бевосита иштирок этади. Учинчидан, рекреацион фаолиятини бошқариш тизимини самарали ташкил этиш учун сарфланган маблагларнинг қайтиш даражаси нисбатан секин бўлган шароитда тадбиркорлар фаолияти давлат томонидан тўғридан-тўғри қўллаб-қувватланади ва давлат тадбиркорлиги ҳам юз беради.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, юқоридаги механизм ва амалга оширилиши мумкин бўлган чора-тадбирлар асосида туристик-рекреация фаолиятини бошқариш тизимини мақбуллаштириш ва соддалаштириш, соҳани тизимли ташкил этиш имкони ҳосил бўлади.

BUXORO MILLIY HUNARMANDCHILIK TARIXINING TURIZMDA O'RNI

F.N. Xodjayeva, Buxoro davlat universiteti o'qituvchisi

E.A. Farmanov, Buxoro davlat universiteti o'qituvchisi

Yunusov Otabek, Buxoro davlat universiteti talabasi

Qadimgi Buxoro vohasi azaldan o'zining tarixiy obidalari, xalq hunarmadchiligi, qo'li gul ustalari va ularning ijod mahsullari bilan dunyoga tanilgan. Buxorodan Evropa, Xitoy va Hindistongacha paxta tolasi, chit, spool, kandakorlik buyumlari, ipak gilamlar, yog'och o'ymakorligi va zardo'zlik san'ati durdonalari sotilgan. Ammo, Sovet mustabid tuzumi davrida bunday buyumlar u yoqda tursin, hatto ming yillar davomida rivojlangan hunar turlarining o'zi ham qatag'onga uchragan. O'z kasbiga sodiq ustalar esa jonlarini xatarga qo'yib, yashirin ravishda faoliyat yuritib, otameros hunarlarning bugungi kungacha yetib kelishini ta'minlaganlar.

Har bir hunarmand umumiy usta nomi bilan atalib, yana ismiga o'zining shug'ullanadigan aniq hunari nomi qo'shib aytilgan. Bu bilan uning malakasi va hunari boshqa shaharlikdan ajralib turgan.

Hunarmandlar yashagan mavze ularning hunarlari nomi bilan atalgan. 1544-1555 yillardagi Buxoro shahri kartasida adras to'qiydiganlar yashaydigan ko'cha – Adrasbofon; kulolsozlar yashaydigan ko'cha – Kulolgaron deb atalgan¹⁴⁹

Bunga birgina misol Buxoroda Ko'kaldosh mavzesidagi Ko'chai chodirdo'zondir. Bu hunar juda nozik va qunt bilan yasatilgan. Shaharlik boy-badavlat kishilar yozning jazirama kunlarida bo'g'da chodir o'rnatib olishgan. Chodirni tiklash uchun 15-20 daqiqa kifoya bo'lgan. 1887- 1888 yillarda O'rta Osiyoda sayohat qilish uchun kelgan rassom L.E. Dmitriy Kavkaskiy shunday chodirda bir muddat dam olgan. U chodir to'grisida “Juda chiroyli, to'rt burchak, 4 kv arshinni egallagan, tashqi tomoni to'q yashil rangli kanop matoli, ichki tomoni adras, naqsh-bezakli, yorqin rangli, ikki tarafidagi eshikdan shabada o'tadi” deb yozgan.¹⁵⁰ O'sha davrlarda ham Buxoro qo'li gul hunarmandlari hunarlari bilan sayyohlar diqqatini torta olishgan.

O.A.Suxareva **chodirdo'zlik** juda qadimiy kasb-kor ekanligini takidlaydi. Chodirdo'zlar ham boshqa hunarlar kabi oila a'zolari bilan birgalikda ishlangan. O.E. Suxareva hunarmandchilik va kosiblik to'g'risida so'z yuritarkan, chodirdo'zlik bilan kam odam mashg'ul bo'lganini qayd etadi.¹⁵¹

Buxoro **yog'och o'ymakorligi** –amaliy san'atning Buxorodagi keng tarqalgan turlardan biri. O'rta asrlarda barpo etilgan masjidning yog'ochdan yasalgan ustunlari, eshik va darvozalariga

¹⁴⁸ Конун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 22.10.2018 йил, 07/18/3980/2072-сон

¹⁴⁹ A.R.Muhammadjonov. A.Donishning Buxoro tarixiy – topografik kartasi. ONU, 1965, №5, 34 bet.

¹⁵⁰ Udovenko Olga "Buxoroning g'aroyib chodiri" San'at jurnali 2011-yil 4-son

¹⁵¹

uyilgan chiroyli naqshlar bunga dalildir. Ayniqsa, Buxorodagi Shayx Sayfiddin Boharziy (XIV asr) maqbarasidagi yog'och o'ymakorligi namunalari g'oyat murakkab va nafisdir. Xo'ja Zayniddin va Baland masjidлари (XVI asr) hamda Bohouddin Naqshband majmuasidagi ayvon shiftlari va ustunlari Bolo-hovuz masjidi ayvoni (XX asr)dagi yog'och o'ymakorligi namunalari Buxoro o'ymakorlik maktabining XVIII –XX asrlarda nihoyatda rivojlanganligidan darak beradi.¹⁵² Qadim Buxoroning saroy va masjidlari, maqbaralar va minoralarini, qadimgi abadiy go'zallikdan bahramand bo'lishga, o'tmishga oshno etib o'tgan kunlar me'morlari, hunarmand ustalarining buyuk mahorati bugungi kunda ham butun dunyodan tashrif buyurgan sayyohlarni o'ziga rom etmoqda.

Buxoroning **zargarlik** san'ati an'analari tarixi asrlar qariga yetib boradi. Toqi Zargaron zargarlar gumbazi XVI asr zargarlari haqidagi xotira sifatida saqlanib qolgan. Uning qurilishi haqidagi afsonalar honuz og'izdan-og'izga ko'chib yuradi. Naql qilishlaricha, bundan ming yil muqaddam "Buxoroda katta to'y bo'lgan to'yga har bir korxonadan 50 nafardan hunarmand kelgan, zargarlar oxirida kelganlaridan ularga joy qolmagan. Shuning uchun ular tokchalarga chiqib o'tirishgan. Amir bundan hayratlanib: ular kimlar, nega hammadan balandda o'tirishibdi deb so'raydi. Shunda zargarlar oqsoqoli o'tirishimizga bizga boshqa joy yo'q, hammadan balandda o'tirishimizning boisi shundaki, biz oltindan buyumlar yasaymiz. Tilla hunarmandchilik ashyolari ichida eng yuqorisidir. Amir bu javobdan mamnun bo'lib, ular uchun 21 ta do'kon-ustaxonali Toqi Zargaronni qurishni buyruq bergan ekan.¹⁵³ Bu do'kon ustaxonalar vorislik asosida otadan o'g'ilga o'tishi kerak bo'lgan. Bu yeda XVII-XIX asrlarda ham ish qizg'in davom etgan. Manbalarning guvohlik berishicha XX asr boshlarida Buxoroda 400 ga yaqin zargar bo'lgan. Zargarlik san'ati bilan asosan o'zbeklar va tojiklar shug'ullanishgan, biroq boshqa millatga mansub zargar ustalar haqida ham ma'lumotlar saqlanib qolgan.

Hozirgi kunda ham bu hunarmandchilik turi Buxoroda milliy hunarmandchiligida kulolchilik, kandakorlik, zargarlik, muhrsozlik, yog'och o'ymakorligi, zarboflik, kashtachilik, chodirdo'zlik, chilangarlik, qolinboflik, porado'zlik, sangtaroshlik va boshqa shu kabi hunarlar keng tarqalib rivojlangan.

O'zbekiston mustaqillikni qo'lga kiritgandan so'ng hunarmandchilik rivojida yangi davr boshlandi, xalq hunarmandchiligi bozor qoidalari zahirida qaytadan tiklandi. O'zbekistonda mahalliy sanoat korxonalarining birinchilar qatori xususiy lashtirilishi natijasida mayda davlat korxonalarini hunarmandlarning xususiy korxonalariga aylantirildi, yangi hunarmandchilik korxonalarini ochildi. Hunarmandchilik faqat ichki bozorga emas, balki eksportga ham ishlay boshladi. Hunarmandchilikning tashkiliy shakli ham o'zgardi: kichik oilaviy korxonalar, yakka tartibdagi mehnat faoliyati shaklida rivojlana bordi.

1995 yil 24-25 oktabrda Toshkentda BMTning O'zbekistondagi doimiy vakolatxonasi bilan amaliy hamkorlikda O'zbekiston xalq ustalarini va 58 hunarmandlari bilan birinchi Respublika yarmarkasi o'tkazildi. 1997 yilda Respublika xalq amaliy san'ati va hunarmandlari ustalarining "Usto" ijodiy ishlab chiqarish birlashmasi tashkil topdi. Hunarmandlar dastlab O'zbekiston Tovar ishlab chiqaruvchilar palatasiga, so'ngra Savdo-sanoat palatasiga kirdilar.

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 17 noyabrdagi PF 5242-sonli farmoni 1- ilovasida xalq badiiy hunarmandchiliklari va amaliy san'ati buyumlari asosiy turlari sifatida quyidagi 34 turdagi hunarmandchilik yo'nalishlari kiritilgan. Ular quyidagilar: ganch o'ymakorligi, qo'lda gilam to'qish, qo'lda gazlamalar to'qish, tosh o'ymakorligi, minyatura, rang tasvir, naqqoshlik va sirlangan buyumlar, kandakorlik, misgarlik buyumlari; metall dan yasalgan buyumlar; tunikadan yasalgan buyumlar; milliy poyabzal tayyorlash; milliy liboslar tayyorlash; bosh kiyimlar tayyorlash; yog'och o'ymakorligi; suyakka o'yama naqsh solish; gul bosilgan gazlamalar va choklik buyumlar; kashtachilik; zardo'zlik buyumlari va boshqalar

O'tgan davr ichida G'ijduvon tumanida "G'ijduvon kulolchilik markazi", Vobkent tumanida "Hunarmandchilik markazi", Buxoro shahrida "Buxoro mis kandakorligi", "Sovg'a" zardo'zlik

¹⁵² Buxoro hunarmandchiligi zebulari Toshkent 2017 yil

¹⁵³ Buxoro sharq durdonasi Toshkent 1997-yil 117-118 betlar

markazi, “Buxoro zargarligi”, “Buxoro ipak gilamlari” va Shofirkon tumanida “Kashtado`zlik” maktablari tashkil etildi.

O`zbekistonimizning turizmida tutgan o`rnini oshirish uchun hunarmandchiligimizni asrab avaylashimiz va undan unumli foydalanishimiz zarur. Chunki, ular bizning o`zligimizni ko`rsatib turadi. Hunarmandchiligimizni rivojlantirish va shu bilan birga chet ellik sayyohlarni o`zimizga jalb qilish bizning ustuvor maqsadimiz bo`lmog`i zarur. Prezidentimiz tashabbusi bilan tarixiy qadamjolarining qayta rekonstruksiya qilinishi, hunarmandchiligimizning rivojlanishida, hunarmandlarni qo`llab quvvatlash maqsadida 2017-2020 yillarda Buxoroda sayyohlikni rivojlantirishga qaratilgan yirik loyihalar amalga oshirishi, “Shahriston” deb nomlangan hunarmandlar shaharchasini barpo etish kabi katta loyihalar o`zligimizni saqlab qolish, ming yillardan buyon saqlanib kelayotgan hunarmandchiligimizni yuksaltirishga qaratilgan g`amxo`rlik deyish mumkin.

ПРОБЛЕМЫ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ ФИНАНСОВОГО УЧЕТА В ТУРИСТИЧЕСКИХ КОМПАНИЯХ

*Д.э.н., доцент, Г.Ш. Хонкелдиева
Ферганский политехнический институт*

Сфера туризма является одним из наиболее доходных и развивающихся высокими темпами видов бизнеса в мире, доля которой в валовом мировом доходе составляет почти 10,0 процентов, каждое седьмое рабочее место, создаваемое в мире, приходится на долю сферы туризма (статистика туризма стран «третьего мира» показывает, что в денежном выражении эта сфера составляет до 50% и более внутреннего валового дохода, занятость населения в сфере обслуживания варьируется от 80 до 90%).¹⁵⁴ Всемирная туристская организация предлагает странам внести предложения по увеличению туристического потенциала, предоставлению новых услуг, созданию новых туристических брендов и повышению конкурентоспособности туризма. Это, в свою очередь, иллюстрирует дальнейшее расширение географии туризма, долю в ВВП и туризм как одну из областей рентабельности. Важно оценить процессы и тенденции развития предпринимательства в мировой экономике туризма, повысить экономическую эффективность сектора туризма, полностью использовать возможности для занятости и роста доходов в отрасли, улучшить финансовый учет и отчетность.

За годы независимости были проведены масштабные реформы для расширения сферы услуг в Узбекистане, в частности туристических услуг. В целях повышения качества туристических услуг в стране и улучшения бухгалтерского учета были разработаны ряд изменений, нормативные правовые документы, стандарты и новые требования, улучшены структуры управления. В свою очередь, увеличение числа туристов, туризма и других видов туризма, а также увеличение количества потоков иностранных туристов и туристических услуг, создание новых рабочих мест в отрасли является одной из актуальных задач сегодняшнего дня. Соответственно, в Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан в 2017-2021 годах было определено как одно из важных направлений ускоренного развития индустрии туризма диверсификация и качество туристических услуг, а также расширение инфраструктуры туризма. Эффективное выполнение этих задач требует повышения конкурентоспособности туристических предприятий, совершенствования научно-методических основ международных стандартов бухгалтерского учета, финансового учета и отчетности.

Одним из основных вопросов является совершенствование финансового учета и отчетности на основе международных стандартов туризма в мире, экономической эффективности туристических предприятий и оценка их инфраструктуры. Формирование

¹⁵⁴<http://vavilon.ru/statistika-v-turizme/>

финансовой отчетности в туристических предприятиях на основе международных стандартов предоставляет им информационную поддержку. Учитывая это, большое значение имеет развитие рынка туристических услуг в нашей стране, совершенствование научно-методических основ расчета системы учета и отчетности на основе международной методологии.

В результате осуществляемых в нашей стране работ по развитию сферы туризма наблюдаются значительные изменения. Согласно проведенным статистическим анализам, за 9 месяцев 2017 года нашу страну посетили около 2 миллионов иностранных граждан, данный показатель вырос на 25 процентов в сравнении с соответствующим периодом прошлого года.

Основную часть, то есть 92,7% наши граждане посещали страны Содружества независимых государств (СНГ). Структура посетителей из стран дальнего зарубежья имеет следующий вид: граждане посещали Турцию – 26%, Южную Корею – 18%, КНР и Индию – 8%, Германию и Францию – 4%. Заслуживает внимания, что в целях ознакомления с уникальными историческими, культурными и архитектурными памятниками и национальными ценностями они, в основном, посещают такие города, как Самарканд, Бухара, Хива, Шахрисабз¹⁵⁵.

Концептуальная основа для подготовки и представления финансовой отчетности имеет важное значение при организации финансового учета в туристических компаниях. Только для одной подготовки и представления финансового отчета концептуальная основа включает подготовку финансовой отчетности, ее элементов, принципов и правил. Эта концептуальная основа была разработана для всех субъектов хозяйствования в общем виде. По нашему мнению, целесообразно разработать новый проект концептуальной основы для субъектов малого бизнеса с учетом их особенностей. Данная концептуальная основа охватывает не только порядок подготовки и представления финансовой отчетности, но и вопросы организации финансового учета.

С учетом особенностей сферы туризма в организации финансового учета в туристических предприятиях в исследовании выражен следующий подход: “Целью финансового учета в сфере туризма оценка имущественного и финансового состояния, обобщение информации об активах, обязательствах и состоянии частного капитала, составление периодических и годовых финансовых отчетов”.

По нашему мнению, учетная политика становится одним из необходимых инструментов правильной организации финансового учета в туристических предприятиях, своевременного определения себестоимости предоставляемых услуг и принятия эффективных управленческих решений, своевременного учета поступления денежных средств, в частности, учета валютных операций, командировочных расходов и другой дебиторской и кредиторской задолженности, учета различных инвестиций в отрасль. Следовательно, считаем целесообразным разработать эффективную учетную политику формирования туристических услуг под брендом “Uzbekistan”, способных конкурировать с мировыми туристическими брендами (“Третьяковская галерея”-Россия, «Welcome to Great Britain»- Великобритания, «España - I need Spain»-Испания, «Visit Finland»-Финляндия, «Кивиана»-Новая Зеландия, «Lithuania - Real is beautiful»-Литва, Rio 2016- Бразилия)¹⁵⁶. Понятию учетная политика предприятий, действующих в сфере туризма, дано следующее определение: “Учетная политика – комплекс приемлемых методов и правил, принятых руководством предприятия, основываясь на альтернативные принципы и правила организации и ведения финансового учета и составления финансовой отчетности в туристических предприятиях”.

¹⁵⁵ Данные Таможенного комитета Республики Узбекистан.

¹⁵⁶ <http://www2.unwto.org/annual-reports>.

<http://rustur.ru/nacionalnyi-rejting-turisticheskix-brendov-top-100> сайтлари.

По нашему мнению, учетную политику в туристических компаниях целесообразно формировать разделив на три части:

представление положений, выражающих выбранные методы признания, измерения и отображения в счетах объектов учета финансового учета, а также представление методологических аспектов по каждому элементу других форм баланса и отчетов; техника финансового учета, при этом введение рабочего планасчетов, необходимых для ведения финансового учета, прикрепление учетных регистров к счетам, первичные формы всех документов, сроки и порядок проведения инвентаризации, а также кодирование и классификаторы, необходимые для применения современных компьютеров и других средств оргтехники;

представление выбранной организационной формы работы бухгалтерии при организации финансового учета, методов организации труда сотрудников службы финансового учета, выбранного варианта распределения функциональных обязанностей между бухгалтерами, организации документооборота, назначения руководителя службы бухгалтерского учета, его прав и обязанностей.

Как показывают исследования, на практикеструктура учетной политики в туристических предприятиях ограничивается лишь только полным копированием национального стандарта НСБУ-1 “Учетная политика и финансовая отчетность” по объектам бухгалтерского учета. С учетом этого нами предложены общие аспекты, которые необходимо отобразить в учетной политике туристических компаний.

По нашему мнению, формирование конкретных указаний по принципам организации отдела бухгалтерского учета и ведения финансово учета, методах налаживания документооборота и обслуживания клиентов с учетом особенностей деятельности туристических компаний имеет важное значение.

Результаты исследования показывают, что на должности главного бухгалтера должны работать, как указано в законах, специалисты с высшим образованием. Тем не менее, на данный момент большинство бухгалтеров данной сферы в более чем 430 туристических компаниях в нашей стране, не имеют высшего образования¹⁵⁷. А между тем, они должны иметь стаж работы, связанной с ведением бухгалтерского учета или составлением финансовой отчетности либо аудиторской деятельностью, при наличии высшего экономического образования — не менее трех лет из последних пяти календарных лет, а при наличии высшего неэкономического образования — не менее семи лет из последних десяти календарных лет¹⁵⁸. Если туристическая компания должна пройти обязательную аудиторскую проверку, то в этом случае руководитель предприятия должен обеспечить ежегодное повышение квалификации своих бухгалтеров.

По нашему мнению, хотя и в действующем законодательстве о бухгалтерии и аудите не предусмотрена обязательность проведения аудиторских проверок для туристических компаний, целесообразно ввести службу внутреннего аудита для контроля правильного и надежного формирования финансовой информации. Это обеспечит полное соблюдение принципов нейтральности финансовой отчетности предвидения (осторожности) финансового учета в туристических предприятиях.

По нашему мнению, на сегодняшний день целесообразно подходить к бухгалтерскому балансу, используемому инвесторами, кредиторами, поставщиками, правительственными органами и другими пользователями не только как средству обеспечения методического равенства, но и содержательно исходя из целей бухгалтерского учета.

По сведениям бухгалтерского баланса ООО “ENJOY TRAVEL”, являющегося объектом исследования, проведен анализ критериев разделения на текущие и долгосрочные активы и обязательства по требованиям, установленным в международных стандартах.

¹⁵⁷<https://uzbektourism.uz/uz/interaktivnye-uslugi/statistika>.

¹⁵⁸Закон Республики Узбекистан “О бухгалтерском учете” (новая редакция), 13 апреля 2016 г., №404, ст.12.

Таблица 1

Анализ статей актива и пассива бухгалтерского баланса ООО “ENJOY TRAVEL”

(тыс. сум)

Структура статей актива и пассива баланса	К началу 2016 года		К концу 2016 года		Изменение (+:-)		
	Сумма	в %	Сумма	в %	Сумма	в %	По сравнению с началом года
1. Долгосрочные активы	24973	70,3	21350	10,5	-3623	-59,8	85,4
2. Текущие активы	7 419	29,7	181 564	89,5	+174 145	+59,8	244,7
Активы баланса, всего	32 392	100,0	202 914	100,0	+170 522	-	6,2 раза
1. Источники собственных средств	30764	93,7	54002	26,7	+23238	-67,0	175,5
2. Обязательства	1628	6,3	148912	73,3	+147284	+67,0	914,6
Пассивы баланса, всего	32392	100,0	202914	100,0	+170522	-	6,2 раза

Можно увидеть положительные результаты в анализе структуры, динамики и состава балансовых активов в компании. Несмотря на то, что долгосрочные активы предприятия имеют тенденцию снижения (-3623 тыс. сум или 85,4%) (такое положение связано с учетом устарения основных средств) характеризуется увеличением текущих активов компании (оборотных средств), что (+174 145,0 тыс. сум или +244,7), активная часть баланса имело тенденцию роста в 6,2 раза в сравнении с отчетным периодом. Это, в свою очередь, указывает на увеличение платежеспособности и ликвидности компании. Источники собственных средств (+23238 тыс. сум или 175,5%) и сумма обязательств (+147284 тыс. сум или 914,6%) компании имели тенденцию роста. Источники собственных средств выросли в основном, за счет нераспределенной прибыли (15560 тыс. сум). Также, обязательства выросли за счет поставщиков (65384 тыс. сум), полученных авансов (42357 тыс. сум) и задолженности перед бюджетом (38710 тыс. сум). В целом, общие балансовые активы предприятия увеличились в 6,2 раза.

В результате мы получили следующие выводы:

во-первых, сведения, полученные при составлении и анализе бухгалтерского баланса предприятий и фирм, действующих в туристической сфере и являющихся объектом исследования (ООО "GRAND COMFORT TRAVEL", ООО "MITRA TRAVEL", ООО "ENJOY TRAVEL") олицетворяют для пользователей важную информацию о финансовом состоянии и ликвидности фирмы. Важность баланса отражает лучшую финансовую информационную систему, которая оценивает финансовое положение фирмы. Его полезность заключается в том, что баланс является важным источником оценки большинства финансовых коэффициентов, включая ликвидность, финансовую гибкость, рентабельность и оценку его активов;

во-вторых, в международных стандартах (МСБУ-1) понятие бухгалтерский баланс заменено более широким понятием, то есть именуется как "Отчет о финансовом состоянии". По нашему мнению, целесообразно заменить название бухгалтерского баланса туристических предприятий вышеуказанным понятием. Это дает возможность привлечения внешних инвестиций для туристических предприятий, создания почвы для повышения доверия к компаниям и приближения к МСБУ;

в-третьих, финансовые результаты являются системой взаимосвязанных экономических показателей, которые определяются на основе сопоставления доходов и расходов туристических предприятий. Трактовка финансовых результатов в качестве

системы экономических показателей в виде доходов, расходов, прибыли и убытка, возникающего в результате деятельности предприятий, показывает необходимость основывания на определенную последовательность при его учете и анализе.

По нашему мнению, расчет конечных финансовых результатов по данной формуле даст недостаточную информацию для менеджеров компаний, учредителей, лиц, занимающихся финансовым управлением, анализом и других заинтересованных сторон. Сегодня туристические компании рассматривают свои финансовые результаты в основном на основе налогового законодательства и международных и национальных стандартов бухгалтерского учета.

ХИЗМАТ КЎРСАТИШ БОЗОРИДА ТУРИЗМ ИНДУСТРИЯСИНИ БОШҚАРИШНИНГ СТРАТЕГИК МАРКЕТИНГ УСУЛЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ЙЎЛЛАРИ

Дилмонов Қудратжон, Бухоро давлат университети ўқитувчиси

Хизмат кўрсатиш соҳаси ва туризмда стратегик нуқтаи назарни амалга оширишнинг яна бир долзарб йўналиши, умуман, хизмат кўрсатиш соҳаси ва хусусан туризм хизматлари соҳасида мижозларга хизмат кўрсатиш нуқтаи назарини яратишдир. Маълумки, номоддий бўлган маҳсулот турини сотишнинг ўзига хослиги унинг аҳамиятини тўлик очиб берган ҳолда тақдим этишнинг муҳимлигидир. Нуқтаи назарнинг бу ўзига хослиги юқорида қайд этилган йўналиш — барча ходимлар билан боғлиқ нуқтаи назарни яратиш билан узвий боғлиқ. Туризм корхоналари фаолиятини ташкиллаштириш туризм маҳсулотининг бир қисми бўлган мутахассислар томонидан хизматларнинг сотилишига асосланган. Агар бундай ходим таклиф этаётган маҳсулотнинг стандартлашган характеристикаси эмас, балки корхона қай йўналишда ривожланишни режалаштираётгани ҳақида тасаввурга эга бўлса, унинг мижоз билан бўлган мақсадга йўналтирилган мулоқотини етакчи мутахассиснинг маслаҳатига тенглаштириш мумкин. Кўпгина корхоналар маркетинг тадқиқотларини ўтказиш ва иккиламчи ахборот олиш учун кўп вақт ва маблағ сарфлайдилар. Масалага онгли ёндашилганда эса худди шу маълумотни бевосита маълумот ташувчи бўлган шахс — мижоздан олиш мумкин. Туризм корхонасининг мижози туризм корхонасининг хизмати қандай бўлиши кераклиги ҳақида ўз шахсий тасаввурига эга ва стратегик нуқтаи назардан у ҳам корхонанинг маълум бир маънода ходими ҳисобланади. Шу тариқа у (талаб соҳасидаги мутахассис сифатида) корхонанинг стратегик нуқтаи назарига ўзининг ҳиссасини кўшади. Стратегик нуқтаи назарнинг бу қисми Ўзбекистондаги мазкур соҳанинг ўзига хослигини ҳисобга олганда ўта муҳим ҳисобланади.

Стратегик нуқтаи назар ўз моҳиятига кўра, ходимларнинг самарали фаолиятига туртки бўлувчи кучли номоддий воситадир. Замонавий ривожланган жамиятда номоддий бўлган воситалар самарали эмас, деган фикрлар ҳам бор. Аммо имкон қадар батафсил таҳлил этилганда, қуйидаги манзара ҳосил бўлиши мумкин. Яъни туризм соҳасида маошни шакллантиришнинг энг кенг тарқалган тизимларидан бири бу ходимларни вақти билан рағбатлантиришдир. Бу белгиланган ойлик маош миқдорига ҳамда бутун бир корхона ёки айрим ходимларнинг иш самарасига қараб белгиланади. Юқорида рақобат позициялари ва шундан келиб чиққан ҳолда корхона даромадларини яхшилашга стратегик нуқтаи назарнинг тўғридан-тўғри таъсири исботлаб берилганидек, ходимларнинг ушбу жараёнда иштирокидан моддий манфаатдорлиги яққол намоён бўлади.

Корхонада стратегик нуқтаи назарни шакллантиришда қайси жиҳатларга эътибор қаратиш керак? Уларнинг асосийлари қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин.

1. Диққатни стратегик устунликка қаратиш.
2. Турли қарорларни қабул қилишда фойдаланиш учун нуқтаи назарни содалаштириш.
3. Нуқтаи назарни кенг қўллаб-қувватланишини таъминлаш.

Биринчи жихат кўшимча изоҳга муҳтож эмас, фақатгина бу нуқтаи назарга асос бўладиган корхонанинг стратегик устунлигини аниқлаш учун пухта ишлаши керак бўлади. Нуқтаи назарни кенг доирада тушунарли бўлишини таъминлаш учун ушбу жараёнга глобал микёсда ёндошиш керак.



1-расм. Туризм хизматларини ишлаб чиқувчи корхонани стратегик бошқариш тизими

Манба: Муаллиф ишланмаси

Стратегик нуқтаи назарни шакллантириш бўйича қилинган ишларнинг якуний натижаси барча туризм корхоналарига тааллуқли бўлганлиги сабабли мазкур жараённинг мақсад ва вазифаларини ходимларга расман баён этиб, муҳокама орқали пайдо бўлган кўшимча фикр ва маълумотларни олиш имконияти берилиши керак.

Стратегик маркетингнинг фарқли ўзига хослиги шундаки, унда "бозорга ихтисослашганлик" тушунчаси нафақат "мижозга ихтисослашганлик"ни, балки амалда таъсир кўрсатувчи барча гуруҳларга ихтисослашиш маъносини билдиради. Айтиш керакки, ривожланган бозор ва банкротликнинг авж олган шароитида муайян даражадан туриб узоқ муддатли стратегия ярата оладиган ва уни амалга оширадиган корхоналарга омад қилиб боқади. Ҳозирги кунда стратегия яратиш ва уни амалга ошириш корхонани олиб қолишнинг асосий шартидир.

Туристтик корхонанинг бозордаги узоқ муддатли муваффақияти корхоналарнинг барча корхоналарнинг таъсир доирасидаги гуруҳлар билан ўзаро доимий мувозанатли (яъни икки томонлама манфаатли) муносабатларини ўрнатиш билан таъминланганлигидир. Бугунги кунда рақобатбардошлилик хусусиятини орттириш ва уни сақлаб қолиш учун ўзига хос саъй-ҳаракатни, шу билан бирга моддий ва номоддий шаклдаги қўшимча ресурсларни талаб қилади. Мавжуд моддий ва номоддий ресурсларнинг чегараланганлиги стратегик маркетинг олдида қуйидаги вазифаларни (ишни оптималлаштириш орқали харажатларни камайтириш, маҳсулот ва хизмат таннархини пасайтириш, янги потенциалларни топиш ва улардан фойдаланиш) кўндаланг қилиб қўймоқда. Стратегик маркетинг асосида туристик корхоналарни бошқаришда бошқарувга оид қарорлар қабул қилиш жараёнига жамоат омилларини жалб этиш тобора фаоллашиб бормоқда.

Ўзбекистонда стратегик маркетингнинг долзарблиги ва уни туризм корхоналари томонидан ишлатилишининг мақсадга мувофиқлиги мазкур ривожланиш босқичда зарурий бўлиб, унинг учта шarti бор. Биринчидан, ўз бозорини стратегик маркетинг даражасига лойиқ, – деб билмаган корхоналар ҳам ўз фаолиятида энг илгор тажрибани ўзлаштириш орқали қўшимча рақобатбардошлик устунлигига эга бўлади. Мазкур тажрибадан фойдаланиш мамлакатдаги корхоналар учун замонавий бозор шароитида ўз рақобатчиларига

нисбатан муваффақиятли дифференциацияга эришиш имконини беради. Бундан ташқари, ишлатилмаган ресурсларни фаоллаштириш эвазига ижобий натижага эришилади. **Иккинчидан**, миллий иқтисодиётнинг ҳозирги эркинлиги нафақат илгор тажрибадан фойдаланиш имкониятини беради, балки туризм корхоналарининг ўзаро рақобатининг кучайишини рағбатлантиради. **Учинчидан**, маҳаллий стратегик маркетингнинг маҳаллий шароитга мослашиб фаолиятини олиб бораётган Ғарбнинг етакчи компанияларининг "бююртмачи-ижрочи"ларининг замонавий усулларини рағбатлантиради.

Туризм соҳасида кластер моделларни вужудга келтириш бир қатор имкониятларни яратиб бериши мумкин:

минтақавий тизимда кластер моделларни тузиш учун барча имкониятлар мавжуд;

туризм соҳаси азалдан инновацион тараққиёт омилига таянади. Демак, туризм индустриясини инновацион тараққий эттириш учун барча туризм омилларини таҳлил этиш зарур;

минтақавий хўжалик мажмуасини рағбатлантириш омилларини ҳам модернизациялаш заруратини кўрсатади.

Кластер доирасида иқтисодий жараёнга инновацияларни жорий этиш учун қўшимча шарт-шароитлар яратилади. Илмий тадқиқотда минтақавий туризм кластерининг таркиби таклиф этилган. Бу кластер туризм ҳудудларининг инновацион жозибадорлигини оширади. Ушбу таркибга турмаҳсулотни шакллантирадиган корхоналарни, меҳмонхоналарни, овқатланиш, транспорт ташкилотларини ва бошқа қўшимча хизмат кўрсатувчи (экскурсия бюролари, спорт ва соғломлаштириш мажмуалари, таълим ташкилотлари), жамоа ташкилотларини, туризмга билвосита ва бевосита боғлиқ бўлган инновацион инфратузилмаларни киритиш мумкин.

Стратегияларни таснифлашнинг энг муҳим жиҳатларидан бири туризм корхона маркетингининг асосий функцияларини амалга оширишдаги анъанавий афзалликлардир. Катта корхоналарнинг кенг тарқалган стратегияларидан бири — бу корхонанинг ўзига хос бўлган маҳсулот стратегиясидир. Бу стратегиянинг тўртта шarti бўлиб, улар куйдагилардан иборат: маҳсулот ва хизматларнинг доимий сифатли бўлиши; нархлар барқарорлиги (маҳсулотни сотиш билан боғлиқ ўзгариб турувчи харажатлар, транспорт чикимлари, инфляцияни ҳисобга олмаганда); маҳсулотнинг тарқалганлик даражаси, корхонадан узоқда бўлган жойларда ҳам маҳсулотни сотиб олиш имконияти борлиги; реклама асосида маҳсулотни сотиб олиш ҳақида олдиндан келишиб олиш имконияти. Кейинги йилларда мазкур стратегияни қўлловчи корхоналар анъанавий хусусиятларни ва устунликларни сақлаган ҳолда (айниқса, ишга доир ошқоралик ва ишончлилик) маҳсулот ўзгарувчанлиги ва хизматларнинг хилма-хиллиги каби омилларнинг фойдаланишга ҳаракат қилишмоқда.

Туризм корхоналарида амалга ошириладиган барча стратегиялар бир-бирига мос келиши, корхонанинг глобал мақсади, ташқи атроф-муҳитнинг истиқболлилиги, корхонанинг рақобатчилик қобилиятига мувофиқ бўлиши керак. Юзага келган шароитда туризм корхоналарининг самарали ишлаши учун маҳаллий бозорлардаги маркетинг стратегияларини ҳисобга олиб, конверсион маркетинг стратегиясини, ўрта ҳол туризм корхоналари учун пациент ("ниша") стратегиясини қўллаш мақсадга мувофиқдир.

Туризм-рекреацион хизматларга оид бўлган дифференциаллашган талабни ҳисобга олиб, оммавий маркетингни қўллаш унчалик самара бермаслиги мумкин.

Туризм хизматлари маркетингининг энг самарали модели — бу М.Биттнернинг сегментация модели бўлиб, у маркетинг сегментацияси жараёнида аниқланган мақсадли мижозга қаратилган. Ҳар қандай ҳолда ҳам исталган бозорда стратегияни танлаш имконияти мавжуд. Стратегиянинг қандай сифатли эскизи танланганлиги унинг келажакдаги ривожланиши йўналишларида намоён бўлиб боради.

COOPERATION BETWEEN UZBEKISTAN AND ISESCO

*Xatamov Shaxzod Timurovich, O'zbekiston xalqaro islom akademiyasi
"Islom tarixi va manbashunosligi IRCICA" kafedrası stajyor-tadqiqotchisi*

The phenomenon of the modern stage of social development is the revival and wide spread of Islamic values. Similar trends are taking place in the countries of Central Asia, which are characterized by a long history of Islamic civilization. The acquisition of state sovereignty was the beginning of a new stage in the revival of Muslim values in Central Asian countries, and in particular, in Uzbekistan. As is known, Uzbekistan is widely known to the world community by those cultural and intellectual traditional values, which in many respects were shaped under the influence of Islam.¹⁵⁹

– davlatning viza berish tartibini soddalashtirishga qaratilgan viza siyosatini davom ettirish, bu borada, ayniqsa, biz bilan uzoq muddatli strategik sheriklik aloqalarini o'rnatgan va barqaror turistik bozorga ega bo'lgan davlatlardan kelayotgan fuqarolarga e'tiborli bo'lish, o'zaro vizalar almashish sohasida interaktiv davlat xizmatlarini joriy etish.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati

1. Alimov Q.A., Xolov B.B. "Turizm infratuzilmasi" ma'ruzalar matni. T.:, 2012 y. 16-19-b.
2. Tuxliev I.S, Qudratov G.X. Turizm iqtisodiyoti. –S.: SamISI., 2007 y.
3. Tuxliev I.S. va boshqalar. "O'zbekistonda turizm xizmat bozorini rivojlantirishning ijtimoiy – iqtisodiy muammolari" nomli monografiya. T.: "Iqtisodiyot" 2012 y.

BUXORODA ZIYORAT TURIZMNI RIVOJLANTIRISH IMKONIYATLARI

*Ergashev Davron Ulug'bek o'g'li, Jizzax viloyati Sharof Rashidov,
29-umumta'lim maktabi 11-sinf o'quvchisi*

Buxoroga yiliga dunyoning turli nuqtalaridan minglab sayyohlar keladi. Ular bu sharif zaminda tarix bilan yuzlashadilar. Insoniyatning asrlar osha yashab kelayotgan ezgu tutumlari, madaniyati va qadriyatlariga guvoh bo'lib, ularning mohiyatida yotgan umumbashariylik, boqiylik sirlarini anglashga urinadilar. Islom dini peshvolari, allomalari, aziz avliyolari bosgan tuproqni, qo'llarining qaynoq tafti qolgan masjid-u minoralarni, ruhlari kezib yurgan manzillarni ziyorat qilishga oshiqadilar.

Prezidentimiz mamlakatimiz taraqqiyoti, xalqimiz farovonligini ta'minlashga qaratilgan keng ko'lamli islohotlarda ana shu jihatga ham alohida e'tibor qaratmoqda. Tarmoqni har tomonlama isloh etish bo'yicha qator hujjatlar qabul qilinyapti. Ularga muvofiq, mamlakatimizda sayyohlik sanoati subyektlari faoliyati uchun qulay sharoitlar yaratilmoqda, soha ravnaqi yo'lidagi to'siqlar olib tashlanib, chet elliklar uchun viza va ro'yxatdan o'tish tartiblari, bojxona nazorati soddalashtirilyapti. Tarmoqning yangi salohiyatli turlari, xususan, ziyorat turizmini rivojlantirishga e'tibor kuchaymoqda.

O'zbekiston Respublikasi Prezidenti huzurida 2017 yil 2 oktabrda turizmni rivojlantirish bo'yicha istiqbolli davlat siyosatini amalga oshirish yuzasidan o'tkazilgan yig'ilishda belgilangan vazifalarni bajarish, viloyatda ichki turizmni yanada rivojlantirish bo'yicha yangi loyiha va sayyohlik dasturlari ishlab chiqilmoqda. 2017 yilgi qishloq xo'jaligi mavsumini muvaffaqiyatli yakunlagan fermer xo'jaliklari rahbarlari va a'zolarini rag'batlantirish, ularning maroqli dam olishlari uchun qiziqarli tadbirlarni tashkillashtirish, madaniy meros obidalari bilan tanishtirish hamda muqaddas qadamjolarga ziyorat qilishlarini tizimli amalga oshirish maqsadida "Buxoro fermerlari sayohati" dasturining amalga oshirilayotgani ham ana shunday yangiliklardan biridir.

Jumladan, Prezidentimiz shu yilning 16 fevral kuni Buxoro viloyatiga tashrif buyurganida insoniyat tamadduni beshiklaridan bo'lmish ushbu zaminda ne-ne buyuk allomalar, diniy va dunyoviy ilm egalari yashab, ijod qilganini ta'kidlar ekan, ular mangu qo'nim topgan maskanlarni yanada obod etib, bu joylarda ziyoratchilar uchun zarur sharoitlar yaratish borasida mutasaddilarga tegishli ko'rsatmalar berdi. Yurtboshimiz Yetti pir — Abduxoliq G'ijduvoni, Muhammad Orif Revgariy, Xoja Ali Romitaniy, Muhammad Boboyi Samosiy va Bahouddin Naqshband me'moriy majmualari nafaqat yurtdoshlarimiz, balki butun dunyo musulmonlari uchun tabarruk maskanlar hisoblanishini qayd etar ekan, ularning zamon talablari darajasida rekonstruksiya qilinishi O'zbekistonga yangi sayyohlik yo'nalishini ochishda muhim ahamiyat kasb etishini ta'kidladi. Bugungi kunda Buxorodagi tabarruk majmualarga yurtdoshlarimizdan tashqari, Hindiston, Malayziya, Indoneziya, Turkiya, Saudiya Arabistoni, Eron hamda Markaziy Osiyo mamlakatlaridan ziyoratchilar kelmoqda. Ular O'rta asrlarda "Qubbat ul-islom" — "Islom dinining gumbazi" deb ta'riflangan bu muborak maskanda bugun ham diniy ta'lim muassasalari qizg'in faoliyat yuritayotgani, musulmon axloqi va madaniyatini rivojlantirishga katta e'tibor berilayotganidan mamnun.

Prezidentimizning 2017 yil 1 iyuldagi "Abduxoliq G'ijduvoni tavalludining 915 yilligini va Bahouddin Naqshband tavalludining 700 yilligini nishonlashga tayyorgarlik ko'rish hamda uni o'tkazish to'g'risida"gi farmoyishi bilan bu boradagi ishlar ko'lami yanada kengaydi. Hozirgi kunda majmua to'liq rekonstruksiya qilinmoqda. Yo'laklarga maxsus toshlar yotqizilib, yon-atrof obodonlashtirilyapti. Sayyohlik iqtisodiyot tarmoqlarining etakchi bo'g'inlaridan biriga aylanayapti. Buxoro shahri esa bu borada benihoya katta salohiyatga ega. 660 ta moddiy madaniy meros ob'ekti ro'yxatga olinganining o'ziyoq juda ko'p narsani anglatadi. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 19 maydagi "2017-2019 yillarda Buxoro shahri va Buxoro viloyatining turistik salohiyatini jadal rivojlantirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi hamda 2017 yil 16 avgustdagi "2018-2019 yillarda turizm sohasini rivojlantirish bo'yicha birinchi navbatdagi chora-tadbirlar to'g'risida"gi qarorlari shu imkoniyatlarni ro'yobga chiqarish sari tashlangan muhim qadam bo'ldi. Mazkur qarorlarga muvofiq, viloyatga tashrif buyurayotgan chet ellik turistlar va mamlakatimiz

sayyohlariga qulay shart-sharoitlar yaratish, ularga ko'rsatilayotgan servis xizmatlari sifatini yanada yaxshilash bo'yicha chora-tadbirlar rejasini ishlab chiqildi.

Buxoro shahrida yangi mehmonxonalar, madaniy-ko'ngilochar maskanlar va 500 kishiga mo'ljallangan zamonaviy amfiteatr kabi ob'ektlarni o'z ichiga oluvchi "Qadimiy Buxoro" turistik hududini barpo etish uchun 10 gektar er maydoni ajratilib, xorijiy me'morlar bilan birgalikda loyihalash ishlari olib borilmoqda. Buxoro shahridagi sobiq "Shahriston" bozori hududida hunarmandlar markazini qurish, muqaddas qadamjolar — Xoja Abdulxoliq G'ijduvoni, Xoja Orif ar-Revgariy, Xoja Mahmud Anjir Fag'naviy, Xoja Ali Romitaniy, Xoja Muhammad Boboyi Samosiy, Sayyid Amir Kulol, Xoja Bahouddin Naqshband va Chorbakr majmualarida keng ko'lamli qurilish-ta'mirlash ishlari amalga oshirilayapti. Hududning turistik salohiyatini yanada kengroq targ'ib qilish maqsadida "Ipak va ziravorlar", "Buxoro shahri kuni", "Qovun sayli" va "Buxoro hunarmandlari" festivallari tashkil etildi. Xorijiy mamlakatlar bilan hamkorlik mustahkamlanmoqda. Jumladan, Xitoyning Loyan va Rossiyaning Vladimir shaharlari bilan Buxoro shahri o'rtasida birodarlik aloqalarini o'rnatish memorandumlari imzolandi. Ispaniya, Yaponiya, Singapur, Indoneziya, Malayziya, Rossiya, Latviya va Turkiya kabi davlatlar bilan shu yo'nalishda muzokaralar olib borildi.

2017 yilda xorijiy turistlarga xizmatlar eksporti qiymati 76,3 million AQSh dollariga etkazilib, o'sish sur'ati 110 foizni tashkil etdi. Ichki turizm bo'yicha individual tartibdagi ziyoratchilarni hisobga olganda mahalliy sayo-hatchilar soni qariyb 2 million nafarni tashkil etdi. Bu 2016 yildagiga nisbatan 15 foizga ko'p. 2018 yilda ham bu yo'nalishdagi ishlar Abu Ali ibn Sino hayoti va ilmiy merosiga bag'ishlangan xalqaro ilmiy-amaliy konferentsiya, "Nasriddin Afandi" va "Sharq taomlari" kabi festivallar hamda Abdulxoliq G'ijduvoni tavalludining 915 yilligi, Bahouddin Naqshbandning 700 yillik yubileyiga uyg'un tarzda amalga oshiriladi.

Turkiya shahrida bo'lib o'tgan xalqaro "Travel Turkey Izmir 2017" xalqaro sayyohlik ko'rgazmasida Buxoro viloyatining turizm imkoniyatlari va salohiyatini alohida yo'nalishlar bo'yicha namoyish etgan "Bukhara Eco Tour" va "East Line Tour" turistik kompaniyalari ko'plab xorijiy hamkorlar bilan kelishuv va bitimlar tuzishga erishdi. Jumladan, "Bukhara Eco Tour" turistik kompaniyasi Turkiyaning "Ginger Travels", "Kemer Travel", "Sefir Tour", "Golden Tours", "Movvlana Istanbul", "Betatur", "OBT Travel", "Sinaia Tours", "Folo Travel" va boshqa 100 dan ortiq turistik kompaniyalar bilan hamkorlik kelishuvlarini tuzdi.

Umr bo'yi gilkorlik qilib, halol mehnat bilan ro'zg'or tebratgan Xoja Mahmud komillikka yetishgan, serkaromat zot bo'lgan. Hazrati Dahbediyning "Maqomati Xoja Abduxoliq o'ijduvoni" kitobida qayd etiladiki, har gal Mahmud Anjir Fag'naviy: "Yo Rabbii!" desalar, Hazrat Borii taolodan "Labbayka, yo abdi!" degan bevosita javobni eshitganlar. Yetti pining barcha qadamjosida bo'layotgani kabi bu yerda ham katta bunyodkorlik ishlari olib borilmoqda. Buxoro shahrida ziyoratgoh hududida uch gumbazli darvozaxona, maqbara, minora, hovuz, kushxona va boshqa inshootlarga yondosh qilib hunarmandlar rastalari ham tiklanayotganini ta'kidlaydi.

Bizning ajdodlaringiz bilan haqli ravishda faxrlansangiz arziydi. Buxoro shahrida Naqshbandiya tariqati keng tarqalgan. Shu bois ko'plab vatandoshlarimiz Yetti pir qadamjosini ziyorat qilishni, xalqingizning boy madaniyati bilan tanishishni istaydi. Shu o'rinda bir masalani ta'kidlasam, bo'adi. Yaqinda Buyuk Britaniyaning dunyoga mashhur "The Independent" gazetasida sayohatchi jurnalist Kler Vutning O'zbekistonga safari haqidagi maqolasi chop etildi. Muallif o'z chiqishida O'zbekistonga tashrif buyurishning sakkizta sababini keltirib o'tadi hamda yurtimizdagi naqshinkor gumbazli obidalar, ularni bezashda ishlatilgan murakkab va nafis sopol koshinlarni har bir inson ko'rishi, ulardan zavqlanishi, hayratlanishi lozimligini ta'kidlaydi. Shuning uchun majmuani obodonlashtirish jarayonida atrofda gulzor va yashil maysazorlar tashkil qilinyapti. Mahalliy daraxtlar bilan birga, chet davlatlardan keltirilgan qimmatbaho ko'chatlar ham ekilmoqda. Bino-inshootlarni qurish va ta'mirlashda milliylik hamda zamonaviylikning uyg'unlashuviga e'tibor qaratilmoqda.

Qadamjo ziyoratchilar va xorijlik sayyohlar bilan gavjum. Quloqqa, yapon, koreys, nemis, fransuz, arabcha so'zlar chalinadi. Buning sira ajablanarli joyi yo'q. Negaki, Naqshbandiya ta'limoti zamirida millati, dini, tilidan qat'i nazar, insonni aziz bilish, odamlar o'rtasiga mehr-

shafqat, muruvvat urug'ini sochish, ehtiyojmandlarga yordam qo'lini cho'zish, ular ko'nglida ertangi kunga umid uyg'otish singari olijanob maqsadlar mujassamki, bu ezgu tushunchalar har bir xalqda yuksak qadrlanadi.

Ma'naviyat va ma'rifatni hayotining bosh a'moli deb bilgan ko'hna va boqiy Buxoro xalqi bugungi kunda Prezidentimiz rahnamoligida o'z tarixining yangi sahifalarini ochmoqda. Yoshu kekxa — har bir inson o'tgan ulug'larning, jumladan, Yetti pirning muborak qadamjolarini yanada obod etish, ularga munosib bo'lish ishq, mehri bilan, olib borilayotgan bunyodkorlik ishlariga o'z ulushini qo'shish ilinjida yashamoqda. Zero, aziz-avliyolarning avlodlariga nasihati yanglig' yangragan quyidagi misralar bugun ham tillardan-tillarga ko'chib yuribdi:

ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАЛАРИ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ АҲОЛИ БАНДЛИГИГА ТАЪСИРИ

*Асрақулов Абдураҳмон Султонович,
Фарғона давлат университети таянч докторанти*

Annotation. *The article analyzes the trends arising in the modern process of employment, based on the nature and characteristics of world-class employment models that occurred during certain periods of socio-economic development. The study showed that the peculiar feature peculiar feature of a new employment model is based on the trend towards an increase in the number of people employed in the service sector due to the increase in the number of temporary workers.*

Key words: *employment model, employment theory, post-industrial model, service sphere, nature of employment, job satisfaction, level of consumption.*

Аннотация. *В статье анализируются тенденции, возникающие в современном процессе занятости, исходя из характера и особенностей моделей занятости мирового уровня, которые имели место в определенные периоды социально-экономического развития. Исследование показало, что появление новой модели занятости основано на тенденции к увеличению числа занятых в сфере услуг из-за расширения числа временно занятых работников.*

Ключевые слова: *модель занятости, теория занятости, постиндустриальный модел, сфера услуг, характер занятости, удовлетворенность трудом, уровень потребления.*

Бугунги тараққиёт даврида меҳнат бозоридаги ўзгаришларнинг асосий хусусияти илмий-техникавий тараққиётнинг тобора ортиб бораётганлиги билан изоҳланиб, у меҳнат бозори таркиби ва меҳнат шароитларини, шунингдек ишчиларнинг малакасига қўйиладиган талабларни тубдан ўзгартиради.

Назарий жиҳатдан бандлик ва ишсизлик муаммоларига бир қанча назарий ва услубий ёндошувлар ишлаб чиқилган бўлиб, уларнинг ҳар бири жаҳон иқтисодиётидаги иқтисодий тараққиёт даврларининг маълум бир босқичига тўғри келади. Ушбу назарияларнинг энг машҳурларидан бири – бандликнинг классик назарияси бўлиб, у аҳолининг тўлиқ бандлигини мавжуд бозордаги рақобат мавжудлигининг зарурий шарти сифатида белгилайди, бу эса ялпи талабнинг ялпи таклифга мос келишига асосланади [1, 73 б.].

Бандлик классик назариясининг асосий тамойиллари ташқи бозор аралашуви натижасида мувозанатдан чиқиб кетиши мумкин бўлган эркин бозор фаолияти механизмини такомиллаштириш бўйича ёндошувга асосланган эди. Шу билан бирга, ушбу назария тарафдорлари бозор механизмини ишлаб чиқаришни тиклайдиган ҳамда даромадлар ва харажатлар балансини таъминлайдиган ўз-ўзини тартибга солувчи механизм сифатида талқин қилишган [2].

Бандлик назариясининг янги концепциясини Ж. Кейнс ўзининг 1936 йилда нашр этган фундаментал асари “Бандлик, фоизлар ва пулнинг умумий назарияси” [3] да эълон қилди,

унда бандлик назариясига янги концептуал ёндашув кўрсатилган бўлиб, у бандликни тартибга солиш механизми бозор иқтисодиётига хос эмаслигини асослаган ҳолда классик назарияни бутунлай рад этади ва иқтисодиётнинг мувозанатлилигига давлатнинг тартибга солувчи роли орқали эришилишини асослаб беради.

Йигирманчи асрнинг иккинчи ярмида Кейнснинг бандлик модели унинг ўзига хос хусусиятлари куйидагиларда намоён бўлувчи индустриал жамият модели билан алмаштирилди:

1. Иқтисодиётнинг барча соҳаларида устун бўлган саноат технологик уклад шаклланди.
2. Иқтисодиётнинг асосий тармоқларида бандлик нисбати ўзгарди: қишлоқ хўжалигида банд бўлганларнинг улуши пасайди, саноат тармоқлари ва хизматлар соҳасида бандликнинг улуши ўсди.
3. Шаҳарлар ва шаҳар аҳолисининг жадал ривожланиши юз берди.
4. Жаҳон миқёсида бандликнинг сифат жиҳатларини белгилаб берувчи умумий саводлилик даражаси ва миллий таълим тизимларининг ривожланишига устувор аҳамият берилди бошланди.
5. Аҳоли истеъмоли даражаси сезиларли даражада ошди.
6. Умумий инсон харажатлари таркибида меҳнат вақти қиймати қисқариб бормоқда.
7. Жамият ривожланишидаги демографик кўрсаткичларининг ўзгариши, жумладан, тугилиш ва ўлим даражасининг пасайиши, умр кўриш давомийлигининг ўсиши билан боглик ўзгаришлар кузатилмоқда.

Тараққиёт қонуниятларига асосан йигирманчи асрнинг иккинчи ярмининг охирида индустриал жамият модели постиндустриал моделга айлана бошлади. Ушбу ўзгаришларнинг асосий хусусиятларидан бири – моддий ишлаб чиқариш даражаси ўсиши билан саноатда банд бўлганлар улушининг камайишидир. Шундай қилиб, ривожланган мамлакатларда саноат ишлаб чиқариши ва унда ишлайдиган ишчилар улушининг пасайиши бир вақтнинг ўзида унинг умумий ҳажмининг ошиши билан рўй беради [4, с. 170].

Иқтисодий адабиётларда хизмат кўрсатиш соҳасининг жадал ривожланишини ушбу соҳадаги бандлик жараёнининг шарти сифатида қаралади. М.Портернинг сўзларига кўра, бандлик жараёнидаги бундай ўзгаришлар бир қатор омиллар – хизматларга бўлган эҳтиёжнинг ўсиши ва унинг ўзгариши, яъни ишлаб чиқаришга хизмат қиладиган аниқ функцияларни корхонадан ташқарида бўлган корхоналарга топширишга боглик. Натижада жалб қилинган мутахассисларга бўлган талаб ташқи меҳнат бозорига йўналади ва бу, ўз навбатида, компания харажатларини минималлаштиришни таъминлайди [5].

Ўтган асрнинг 80-йиллардан бошлаб, дунёда меҳнатни бандлик (асосий ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш) турлари бўйича фарқлана бошланди. Бунда ушбу соҳада малакали ишчи кучига талабнинг ўсишига олиб келадиган, мустақил бизнес тури сифатида ажралиб чиқадиган юқори технологияли хизматларнинг роли ортиб бормоқда.

Бир қатор иқтисодчиларнинг фикрига кўра [6], 90-йилларнинг охирида, хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланишига эҳтиёжларнинг тортилиши қонуни, интеллектуал ресурслар миқдорининг ўсиши ва инсон капитали сифатининг ўзгариши билан юзага келувчи иқтисодий ривожланишнинг узоқ муддатли омиллари таъсир кўрсатди.

Аҳоли бандлигини шакллантиришнинг асосий омили сифатида жаҳон иқтисодиётида уларнинг жадал ривожланишининг зарурий шарти бу – юқори даражада ривожланган моддий ишлаб чиқаришдир, чунки айнан шу шартга асосланган ҳолда ишчиларни хизматлар соҳасида қайта тақсимлаш учун шарт-шароитлар юзага келади. Бу тенденцияга биринчи бўлиб А. Тоффлер ўтган асрнинг 60-йиллари ўрталарида эътибор қаратган бўлиб, унинг тадқиқотларида меҳнат шакллари сарфидаги асосий ўзгариш сифатида ривожланган мамлакатлар аҳолиси фаолиятида жисмоний меҳнат 50% дан кўпроқ пасайишни бошлаганлиги аниқланган [7].

Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш учун зарур шароитларни яратадиган ушбу омиллар қаторига илмий ва техникавий тараққиётнинг таркибий эҳтиёжлари, аҳоли турмуш

даражаси динамикаси, жамиятда истеъмолчи психологиясининг ўзгариши каби омилларни киритиш киритиш мумкин:

Хизмат кўрсатиш соҳасининг кенгайиши қуйидагиларда намоён бўлувчи ишчиларга бўлган талабни таъминлайди:

1. Ишлаб чиқаришнинг тобора мураккаблашиб бориши ва кундалик ҳаёт учун ишлаб чиқаришнинг ўсиши ушбу маҳсулотни истеъмолчига етказиш билан боглик меҳнат харажатлари ошиши билан бирга юзага келади.

2. Таълимга бўлган эҳтиёжнинг ортиши янги талабларга мувофиқ ходимларни шакллантириш жараёнига бевосита таъсир қилади.

3. Даромадларнинг ўсиши билан аҳолининг ўз саломатлигига муносабати ўзгаради, бу эса инсон капиталини шакллантириш омилига айланади. Бунинг натижасида соглиқни сақлаш ва тиббий хизматни ривожлантириш жараёни тез суръатларда кенгайиб боради.

4. Ҳаёт сифатининг сезиларли яхшиланиши ривожланган мамлакатларда умр кўриш давомийлигининг ошишига олиб келди, бу эса ижтимоий хизматларнинг, хусусан, қарияларга хизматларнинг кенг спектрини ривожлантириш, соғломлаштириш марказларини яратиш, дам олиш хизматларини ривожлантириш каби хизматлар ҳажмининг ортишини рағбатлантиради.

5. Мураккаблик нуқтаи назаридан, хизмат кўрсатиш соҳасида кўпчилик аёллар, шу жумладан махсус маълумотга эга бўлмаганлар ва уй бекаларининг банд бўлиши учун имкониятлар кенгайди.

6. Шаҳарлашув даражасининг ортиши шароити шаҳарларда яшаш билан боглик бўлган янги хизмат турларини, шу жумладан: ҳаёт хавфсизлигини таъминлаш ва бошқа маиший хизматлар турларининг ривожланишини таъминлайди.

Иқтисодиётда рўй бераётган таркибий ўзгаришлар хизмат кўрсатиш соҳасида меҳнат ресурсларига талабни оширувчи омиллар таъсирида меҳнат оқимларини кучайтиради. Бундан ташқари, хизмат кўрсатиш соҳаси замонавий ишлаб чиқаришга йўналтирилган янги, юқори самарали иш ўринларини ва аҳолига тўғридан-тўғри хизмат кўрсатиш билан боглик бўлган иш жойларини шакллантиради.

Бандликнинг янги модели постиндустриал моделга ўхшаш бўлиб, унда ишлаб чиқариш анъанавий омилларининг роли ўзгаради, бунда ахборот ва билим алоҳида ўрин эгаллайди, асосий ривожланиш интеллектуал фаолиятга қаратилган. Ушбу моделда ишлаб чиқариш хизматлари учун янги, юқори малакали иш ўринларини ва аҳолига хизмат кўрсатиш билан боглик паст малакали иш ўринларини шакллантириш функциясини ўз ичига оладиган хизмат кўрсатиш соҳаси алоҳида ўрин тутади.

Шундай қилиб, бандликнинг замонавий модели қуйидаги ўзига хос асосий тенденциялар билан тавсифланади:

1. Ривожланган мамлакатларда иш билан бандликнинг асосий тенденцияси сифатида иқтисодий фаол аҳоли таркибининг моддий ишлаб чиқариш тармоқларидан хизмат кўрсатиш соҳасига ўтишини кўрсатиш мумкин.

1-жадвал

Бандлик моделлари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари

Бандлик моделлари	Бандлик моделларининг хусусиятлари
Бандликнинг классик назарияси	Аҳолининг тўлиқ бандлиги мавжуд бозордаги рақобат мавжудлигининг зарурий шarti сифатида белгиланади, бу эса ялпи талабнинг ялпи таклифга мос келишига асосланади.
Кейнс модели	Бандлик бозор механизми томонидан мувозанатга келмайди, балки у давлатнинг ишсизлик ва инфляция даражасини тартибга солиш билан боглик иқтисодиётга аралашуви натижасида барқарорлашади.

Бандликнинг индустриал моделли	Моддий ишлаб чиқариш соҳасининг ривожланишига мутаносиб ҳолда соҳада банд бўлганлар миқдорининг ортиб бориши кузатилади.
Бандликнинг постиндустриал моделли	Моддий ишлаб чиқариш ва унда ишлайдиган ишчилар улушининг пасайиши бир вақтнинг ўзида унинг умумий ҳажмининг ошиши билан рўй беради. Бандликнинг моддий ишлаб чиқаришдан хизматлар соҳасига кўчиш жараёни бошланади.
Бандликнинг янги моделли	Ишлаб чиқариш анъанавий омилларининг роли ўзгаради, бунда ахборот ва билим алоҳида ўрин эгаллайди, асосий ривожланиш интеллектуал фаолиятга қаратилади. Ушбу моделда ишлаб чиқариш хизматлари учун янги, юқори малакали иш ўринларини ва аҳолига хизмат кўрсатиш билан боглиқ паст малакали иш ўринларини шакллантириш функциясини ўз ичига оладиган хизмат кўрсатиш соҳаси алоҳида ўрин тутаяди. Меҳнат мотивацияси тизими ўзгаради, “иш” тушунчасига нисбатан ёндашув ўзгаради.

2. Хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланиши билан вақтинчалик ёлланувчи ишчиларни ишлатиш кенг тарқалмоқда. Шу муносабат билан, бандликнинг янги модели вақтинча меҳнатдан фойдаланишни кенгайтириш билан тавсифланади.

3. Хизмат кўрсатиш соҳасининг жадал ривожланиши билан боглиқ бўлган яна бир тенденция мавжуд, бу – ишчиларнинг умумий таркибидаги аёллар улушининг ортишидир.

4. Бандлик моделидаги меҳнат интенсивлиги даражасига қараб, ишчиларни икки гуруҳга тақсимлаш мавжуд: меҳнат сизими паст, аммо ишчиларнинг юқори касбий тайёргарлиги (телекоммуникация, компьютер технологиялари, молиявий хизматлар ва бошқалар) юқори бўлган гуруҳ; юқори меҳнат сизими ва касбий тайёргарлик даражасига талаблар паст (савдо, умумий овқатланиш, хизмат кўрсатиш ва бошқалар) бўлган гуруҳ.

5. Меҳнат муносабатларининг қонунийлик ҳолатига кўра янги бандлик моделида бандлик расмий ва норасмий, шунингдек, ўз-ўзини иш билан таъминлаш (ўз бизнеси ўзини ўзи бошқариш) шаклидаги бандлик шакллари фарқланади.

Эркин бозор муносабатларини шакллантириш жараёни юз бераётган мамлакатимизда меҳнат бозорини шакллантиришда юқорида кўриб ўтилган бандлик моделлари моҳиятидан келиб чиққан ҳолда ташкилий-иқтисодий ўзгаришларни амалга ошириш миллий меҳнат бозорининг халқаро меҳнат бозорига интеграциясини тезлаштириш, бандликка таъсир этувчи омилларни бошқариш самарадорлигини ошириш ҳамда бандлик самарадорлигини ошириш имконини кенгайтиради.

Адабиётлар

1. Abdurahmonov Q.X., Shoyusupova N.T., Bakieva I.A., «Mehnat iqtisodiyoti» (Darslik) – T.: TDIU, 2011 y.
2. Сэй Ж.Б. Трактат по политической экономии. Серия «Политическая экономия: степени познания». - М.: Дело, 2000.
3. Кейнс Дж. М. Общая теория занятости, процента и денег. Избранное. / Дж. М. Кейнс. - М.: Эксмо, 2007.
4. Базылев Н.И. Макроэкономика / Н.И. Базылев, С.П. Гурко, М.Н. Базылева. - М.: ИНФРА-М, 2003.
5. Портер М. Конкурентное преимущество: Как достичь высокого результата и обеспечить его устойчивость / пер. с англ. Е. Калининой. — М.: «Альпина Пабlishер», 2008. — 720 с.
6. Иноземцев В.Л. За пределами экономического общества. М.: Академия — Наука, 1998.

БУХОРО ЗИЁРАТГОҲЛАРИДА ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

*Исмоилова Маҳсума Нарзикуловна-
Бухоро давлат университети АТ кафедраси катта ўқитувчиси*

Бугунги кунда яқиндагина ҳар томонлама демократик тамойиллар асосида ўтказилган сайловлардан тортиб, II Жаҳон уруши қатнашчиларига бўлган эътибор, буюк алломаларимиз Имом ал Бухорий ва Б.Нақшбанд хотираларини кадрлашдан тортиб, замонавий тадбиркор аёлларга берилаётган ёрдамгача, Суд тизимидаги тўлиқ мустақиллик бериш, турар жойларида рўйхатдан ўтиш, ёшларга эътибор, ночорликка қарши кураш, солиқ, инфляция, ташқи сиёсатнинг йўналишлари, эришилган натижалар, мавжуд муаммоларнинг ечими тўғрисидаги Ўзбекистон давлатининг Олий мажлисга мурожаатномаси бошлаган йилимиз ва яқин келажак учун дастур бўлиб хизмат қилиши аниқ. Давлатимиз Раҳбари 2020 йилни “Илм-маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш” йили, деб эълон қилишни таклиф қилди. Бошланган йилда Маҳмудхўжа Бехбудийни 145 йиллиги нишонланиши, маърифатпарвар аждодларимиз – жадидчилик ҳаракати аъзолари фаолиятини ўрганиш режелаштирилганлиги айтилди. Барча амалга оширилаётган ислохотлар халқ учун, халқ манфаатлари учун хизмат қилиши таъкидланди.

Маълумки, халқимиз азалдан ватанимиздаги барча зиёратгоҳларни азиз ва муқаддас деб билиб келишади. Бухорода зиёрат қилинадиган жойларга сайёҳатчиларни жалб қилиш ва туризмнинг бу турини ривожлантириш учун малакатимиз юқори салоҳиятга эга. Мамлакатимизда зиёрат туризмни ривожлантиришда халқимиздаги ушбу зиёратгоҳларга бўлган ҳурмати ва бошқа хусусиятларини эътиборга олишимиз ва фойдаланишимиз лозим. Айниқса, давлатимиз президентининг Олий Мажлисга мурожаатномасида: 86 та давлат фуқароларига визасиз ва 57 та давлат фуқароларига соддалаштирилган виза режими жорий этилиши натижасида ўтган йили юртимизга 6,7 миллион нафар хорижий сайёҳ ташриф буюрди. Бу 2016 йилга нисбатан 4,7 миллион нафарга ёки 3,3 баробар кўп демакдир, -деган гаплари бунга янада йўл очиб беради. Шунинг учун ҳам зиёрат туризмни нафақат ички балки халқаро даражада ривожлантиришда ҳар бир вилоятлардаги ва ҳар бир туманлардаги зиёратгоҳларнинг рўйхатини, манзилини ва зиёрат қилиш хусусиятлари ҳақидаги ахборот маълумотларни пухта ишлаб чиқиши талаб қилинади. Бухорода зиёрат туризмни ривожлантириш ва Қувейт, Қатар, Оман, Саудия Арабистони, Индонезия, Малайзия, Туркия, Покистон, Эрон каби давлатлардан мусулмон халқларини Бухорога жалб қилиш бўйича куйидаги ишларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

- Бухорога диний зиёратгоҳларни зиёрат қилиш учун ташриф буюриши мумкин бўлган ва ислом дини устун бўлган мамлакатларни аниқлаш;

- ушбу давлатлар билан туризм соҳасида ўзаро ҳамкорлик фаолиятини йўлга қўйиш;

- мамлакатлар ўртасида туризм соҳасини ривожлантириш ва туристлар оқимини кўпайтириш мақсадида экспертлардан иборат ишчи гуруҳларини ташкил этиш ва учрашувлар ўтказиш;

- Бухоро ва бошқа мамлакатлар ўртасида зиёрат туризмни ривожлантириш бўйича икки томонлама ҳуқуқий асослар ва келишувларни белгилаб олиш;

-зиёрат туризмни ривожлантириш бўйича чет мамлакатларнинг туризм компаниялари ўртасида учрашувлар ёки семинарлар ташкил этиш;

- Ислом давлатлари учун Бухоро зиёратгоҳларини ёритиб берувчи махсус ахборот ресурсларини тайёрлаш ва диний зиёратгоҳлар бўйича нашрлар чоп эттириш;

- Бухородаги диний уламолар ва зиёратгоҳлар тўғрисидаги маълумотларни ўзида мужассамлаштирган музейлар ташкил этиш.

Бухорода зиёратгоҳларга ташриф буюрадиган сайёҳлар учун қуйидаги шароитларни яратиш лозим:

- Ислом дини бўйича билимга эга бўлган ва араб ҳамда инглиз тилини билладиган гид-таржимонларни тайёрлаш;

- Бухорода ислом дунёсида машхур бўлган диний уламолар ва уларнинг зиёратгоҳлари рўйхатини тузиш;

-Бухоро бўйлаб диний зиёратгоҳларни ўзида мужассамлаштириган ягона туризм маршрутни ишлаб чиқиш;

- Бухоро, Самарқанд, Фаргона ва Сурхондарё минтақаларининг ҳар бирида алоҳида диний зиёратгоҳлар харитасини ва туризм маршрутини ишлаб чиқиш;

- ҳар бир зиёратгоҳ бўйича ислом дини ривожланишига қўшган ҳиссасини инобатга олувчи ахборот маълумотларини тайёрлаш;

-зиёрат туризм бўйлаб ташриф буюрувчи сайёҳлар учун ва уларнинг талабига мос равишда кичик меҳмонхоналар ташкил этиш;

- мусулмон мамлакатларидан ташриф буюрган сайёҳларни ўзига жалб қиладиган асосий зиёратгоҳларни давлат томонидан таъмирлаш ва дотациялар ажратиш;

-зиёратгоҳларга экскурсия ва саёҳатларни ташкил этиш бўйича қоидаларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

-зиёратчилар учун овқатланиш жойларида Халол овқатларни тайёрлашни ташкил этиш;

- халол овқат таёрлайдиган овқатланиш корхоналарини рўйхатини тузиш ва уларнинг электрон харитасини ишлаб чиқиш;

- мусулмон халқлари учун «Khalal Food» каби гастрономия турларини ташкил этиш;

- масжидларда ва зиёратгоҳларда зиёрат туризми бўйича келган аёл сайёҳлар учун махсус алоҳида таҳорат оладиган ва намоз ўқийдиган жойларни ташкил этиш;

-зиёратгоҳларда саёҳатчилар дам олиши учун махсус жойлар ташкил этиш ва инфратузилмани ривожлантириш;

-зиёратчилар учун махсус “Очиқ эшиклар куни” каби тадбирларни ташкил этиш;

-зиёратгоҳларга ташриф буюрадиган сайёҳлар ҳисобини юритиш ва хориждан келадиган зиёратчиларни жалб қилиш учун махсус чегирмалар асосида диний туризм маршрутлари ишлаб чиқиш;

- оммавий ахборот воситаларида Бухорода зиёрат туризминини ривожлантириш бўйича тарғибот ишларини олиб бориш ва Зиёрат туризм бўйича келадиган сайёҳлар учун виза олиш жараёнларини соддалаштириш;

-зиёрат туризми бўйича келадиган сайёҳлар учун аэропортларда алоҳида йўлақлар ташкил этиш ва Зиёрат туризми бўйича келадиган сайёҳлар учун давлатлар ўртасида махсус авиарейсларни ташкил этиш;

-зиёрат туризми билан шугулланадиган туризм корхоналари учун бир қатор молиявий ёрдам ва имтиёзлар тизимини ишлаб чиқиш;

-зиёрат туризминини ривожлантиришнинг давлат ҳисобидан бепул ахборот ва рекламалар тайёрлаш марказларини ташкил қилиш;

- мамлакатимизда зиёрат туризминини ривожлантириш бўйича алоҳида давлат дастурини ишлаб чиқиш.

Зиёрат туризминини ривожлантиришда вилоятлар ва туман ҳокимликлари ҳам ўз ҳокимликлари тасарруфида янги иш ўринларини яратиш, аҳолини дам олиш тизимини самарали ташкил қилиш, зиёратгоҳларга зиёрат ва дам олиш инфратузилмаларини яратиш, ишламаётган ва таъмирталаб зиёратгоҳлар ва объектларини тадбиркорларга бериш, “Ватанимизни ўрганамиз” каби дастурларини яратиш талаб этилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. “Бухоро Республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шартшароитлар яратиш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги Бухоро Республикаси Президентининг 2018-йил 3-февралдаги ПФ-5326-сон Фармони,

2. “Бухоро Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Бухоро Республикаси Президентининг Фармони. 2019 йил 05 январь, ПФ-5611 сон.
3. Ш.С. Сайфутдинов. Туризм: назария ва амалиёт. УУМ. -ТДИУ. 2018 й. -240 б.
4. Ш.С.Сайфутдинов. Халқаро туризм: тажриба ва амалиёт.УУМ. –ТДИУ. 2017 й. -240 б.
5. М.А. Морозов, Н.С. Морозов, Г.А. Карпова, Л.В.Хорева. Экономика туризма. Учебник. – М:Федеральное агентство по туризму. 2014. – 320 с.

БУХОРО ШАҲРИ ЗИЁРАТ ТУРИЗМИ БИЛАН БОҒЛИҚ АЙРИМ ТОПОГРАФИК НОМ ВА АТАМАЛАР ХУСУСИДА

*Жўраева Нафиса Олимовна-БухДУ,
Тарих ва маданий мерос факультети, катта ўқитувчи*

***Таянч сўзлар:** шаҳарнинг чегаралари, муқаддас жойлар, зиёратгоҳлар, қабристонлар, турар жой, қалъа, тарихий кўриниш, сарой, демографик жараёнлар, тарихий топография, мақбара*

Мақолада Бухоро шаҳри зиёрат туризми билан боғлиқ айрим топографик ном ва атамаларнинг изоҳи келтирилган. Шунингдек, топографик ном ва атамаларнинг маъно ва мазмуни, таснифи, топографик тавофутлари кўрсатиб берилган. Бухоро шаҳри зиёрат объектлари гуруҳлаштирилган.

Юртимизда кейинги йилларда аждодларимиз хотирасини улуглаш мақсадида муқаддас қадамжолар ва зиёратгоҳларни ободонлаштириш, уларнинг мусулмон оламида нуфузини янада ошириш борасида кенг кўламли бунёдкорлик ишлари олиб борилмоқда. Президентимиз Ш.Мирзиёевнинг қатор маъруза ва чиқишларида муқаддас қадамжоларни обод этишга, уларни замонавий усулда таъмирлашга катта эътибор берилмоқда

Давлатимиз раҳбари Бухоро зиёратгоҳларига алоҳида эътибор билан қарамоқда. Негаки Бухорода зиёраттуризмни ривожлантириш учун барча манбалар мавжуд. Бухоро шаҳри муқаддас зиёратгоҳлари зиёраттуризмадаги муҳим туристик объектлар қаторига киради. Шу ўринда муқаддас қадамжоларни обод этиш, уларни замонавий усулда таъмирлаш билан бирга Бухоро шаҳри зиёрат туризми билан боғлиқ айрим топографик ном ва атамаларнинг асл тарихий маъно ва мазмунини аниқлаш, таҳлил қилиш ҳамда улардан тўғри ва ўз ўрнида қўллай олишмасаласи тарих фанлари учун долзарб аҳамиятга эга вазифа ҳисобланади.

Кейинги йилларда “зиёратгоҳ”, “зиёрат жойи”, “муқаддас жой”, “муқаддас қадамжой”, “қадамжой”, “қабристон”, “мозор” деган топографик атамалар ишлатилмоқда.

Тилимизда одатда зиёратгоҳлар *мозор* номи билан атаб келинган. Мозорсўзи араб тилида зиёрат қилинадиган муқаддас жой маъносини англатган¹⁶².

Шунингдек, марҳумни дафн этиш учун тайёрланган махсус жойлар қабристон деб аталиб, бу сўзнинг лугавий маъносини изоҳлайдиган бўлсак, “қабр” сўзи ва “истон” кўшимчасидан иборат. Қабр арабча гўр, “истон” эса макон, жойни англатиб, қабристон гўрлар макони деган маънони беради¹⁶³. Манбаларда Ўзбекистонда бундан 3500 йил илгариги жез даврига тегишли қабристонлар мавжуд бўлганлиги ҳақида ёзилади. Ўликларни кўмадиган халқларда, жумладан, ўзбекларда ҳам қабрларнинг лаҳад, камин, тик чуқур ва сағана типларига ажратиш мумкин¹⁶⁴. Сағана, асосан, ер ости сувлари юза бўлган жойларда —Бухоро, Самарқанд, Хоразм, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятларида тарқалган, ўзбекларда бой табақалар сағана қурдириб қўйиш одати бўлган (яна қаранг Дахма). Дафн этиш жойлари

¹⁶² Арабско–русский словарь (составлен Х.Х. Барановым). – М.: Русский язык. 1989. – С. 338.

¹⁶³ Ўзбек тилининг изоҳли лугати. (А.Мадвалиев таҳрири остида). Т.2006.198 бет.

¹⁶⁴ Ўзбекистон миллий энциклопедияси. «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти Тошкент. “қ” ҳарфи.2000, 3-бет.

антик даврда ва қадимий Шарқда некрополь деб аталган. Ўзбекистонда қабр қурилишига қадимдан алоҳида эътибор берилган. Қабристон учун кўпинча тепалик жойлар танланган, атрофи девор ёки панжаралар билан ўралган. Машҳур кишилар учун эса мақбаралар қурилган. Ўрта Осиёда яшовчи бошқа динга мансуб халқларнинг алоҳида қабристонлари бўлган (масалан, Бухоро яҳудийлари қабристони, эронийлар қабристони (шиалар учун), европаликлар қабристони ва бошқалар.

Зиёраттуризми билан боғлиқ яна бир атама қадамжойлар хусусида, уларнинг маъно ва мазмуни ҳақида куйидагиларни айтиш мумкин. Қадамжо(й)- арабча ва форсча сўзлардан таркиб топган бўлиб, авлиёлар қадами теккан жой. Зиёрат қилиш, сизиниш учун бориладиган, мўъжизали, муқаддас деб саналувчи жой, зиёратгоҳ деган маънони англатади¹⁶⁵.

“Муқаддас қадамжо”-сўзида эса муқаддас арабча сўз бўлиб, пок, тоза, азиз, илоҳий, олижаноб деган маънони англатади. Диндорлар назарида илоҳиёт билан боғлиқ бўлган азиз ва табаррук¹⁶⁶. Демак, иккала сўзни биргаликда таҳлил қиладиган бўлсак, “муқаддас қадамжо”-сўзи табаррук, пок, тоза, авлиё қадами теккан жой маъносини билдириши ойдинлашади. Демак, мазор сўзи қабристон сўзининг форсча вариантлигини ҳисобга оладиган бўлсак, тилимиздаги қабристон, мазор, зиёратгоҳ сўзлари бир маънони англатадиган сўзлар эканлиги келиб чиқади. Бундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, қадамжо, муқаддас қадамжо, муқаддас жой, табаррук қадамжо сўзларининг маъноси бир эканлиги келиб чиқади. Кўп ҳолларда тилимизда зиёратгоҳ ва қадамжоларни синоним сифатида қўллаймиз. Аммо бу тўғри эмас деб ҳисоблайман. Сабаби зиёратгоҳ ва қадамжо ўртасида тавофутлар мавжуд. Негаки рамзий қабрлари мавжуд қадамжолар ҳам мавжуд. Зиёратгоҳда эса кўпчилик ҳолларда зиёрат объекти бўлган машҳур авлиё, мутасаввуф ва тариқат пирларининг қабрлари мавжудлигини инобатга олиб, қадамжоларни муқаддас қадам етган жой маъносида ҳам қўллаш мумкин. Шунинг учун зиёратгоҳ ва қадамжо сўзларини бир ўринда қўллаш маъно жиҳатидан нотўғри бўлиб чиқади. Айни пайтда Бухоро шаҳри мазорларини ҳам таснифлаш зиёраттуризми объектларини аташда анчагина қулайликлар яратиб беради.

Бухоро шаҳрида мазорлар жамият ҳаётида муҳим рол ўйнайди. Айниқса, юзлаб олиму имомлар, муҳаддису муфассирлар, шайху қозилар дафн этилган Бухорои Шариф мазорлари бутун мусулмон оламида шуҳрат топган. Бухоро “шариф” шаҳар ҳисоблангани боис у жойлашган тупроқ муқаддас ҳисобланган. Шу сабабдан ҳар қандай мусулмон ушбу “муқаддас ер”да кўмилишни истарди¹⁶⁷

Йирик тадқиқотчи олима О.А.Сухарева асарларига таяниб Бухоро шаҳри мазорларини куйидагича таснифлаш мумкин:

1. Мазорлар ва муқаддас зиёратгоҳларни шаклланиш даврига қараб таснифлаш мумкин. Манбаларга таяниб айтиш мумкинки, шаҳардаги муқаддас зиёратгоҳларнинг шаклланиши қадим давлардан бошланиб ўрта асрларда ҳам бу жараён давом этган. Чашмаи Айюб алайҳи-с-салом мазори қадим давлардан бошланиб шаклланган мазорлар сирасига қиради. “Тарихи Муллозода” асарининг муаллифи Аҳмад ибн Маҳмуд Бухорийнинг маълумотларига асосланиб айтиш мумкинки, шаҳардаги мазорларнинг кўпчилиги X асрга тегишли бўлиб, энг охириги мазорларнинг даври XIX асрнинг ўрталарига тўғри келади. Ўрта асрларда вужудга келган мазорларга сўфи-эшонлар Олим Хўжа ва Хальфа Хусайнларнинг қабрлари қиради. Давр жиҳатидан энг сўнги мазор бу Чўмоки эшон қабри ҳисобланади.

2. Шаҳарда маълум бир авлиё ёки шайхлар номи ва фаолияти билан боғлиқ мазорлар кўп учрайди. Улар аҳоли орасида муқаддас саналиб авайлаб сақланади. Ҳавзи Миқдом, Сабзамун, Хожа Порадўз мақбараси, Фатҳобод, Тали Судур мақбараси, Оли Бурхон мазорлари, Нуриддин Хилват, Нурмухаммад, Хўжа Нуробод Охунд Хованд, Садри Бадри Майдони, Сайид Бандқушо, Сайид Тожиддин каби мазорлар шулар жумласидандир.

¹⁶⁵ Ўзбек тилининг изоҳли лугати. (А.Мадвалиев таҳрири остида), Т.2006, 204-бет.

¹⁶⁶ Ўзбек тилининг изоҳли лугати. (А.Мадвалиев таҳрири остида), Т.2006, 660-бет.

¹⁶⁷ Туркестанский сборник. С.Петербург. 1871. Т.XXXII. стр.84.

3. Баъзи мазорлар хунармандчилик пирлари даражасига кўтарилган авлиё ва тасавуф пирларининг муқаддас кадамжолари ҳисобланади. Хўжа Сабатбоф, Хўжа Косагар, ШерМухаммад жувозкаш, Шайх Рангрез, Гулрез Шакшаки Балхи, Эшони Имло, Мирзо кассоб, Хўжа Аспгардон, Хўжа Лофбоз, Ахли наматпўш каби мазорлар мазкур туркумга кирадиган мазорлар ҳисобланади. 4. Бундан ташқари, Бухоро шаҳрида аҳоли томонидан даволаш хусусияти мавжуд деб ҳисобланиладиган мазорлар ҳам мавжуд бўлган. Буларга Ҳаузи лесак, Хўжа Таббанд, Чашмаи Айюб алайҳи-с-салом, Имом Мухаммад Газоли мазорларини киритиш мумкин. Шифобахшлик хусусияти билан машҳур бўлган бу мазорларни архаик мазорлар ҳисобланади. Ҳаузи Лесак кварталда дудукланиб гапирадиганларни даволайдиган “санги лесак” тошидан фойдаланишган. Нуробод кварталда кўк йўтални, Хўжа Таббанд кварталда безгакни, Имом Мухаммад Газоли мазори бош огригини даволайдиган мазорлар ҳисобланган ¹⁶⁸.

5. И.Т. Пославскийнинг ёзишича, ҳовлиларда қабрлардан иборат мақбаралар бўлган ¹⁶⁹. Бухороликларнинг маълумотлари бўйича шаҳарнинг баъзи яшовчилари ўзининг шахсий уйида кўмишларини васият қилган. Бундай фактлар манбаларда келтирилади. Шаҳарда жойнинг етишмовчилиги натижасида мана шундай мақбаралар пайдо бўлган. Ҳозиргу кунда Бухоро шаҳрида Арабон кўчасида ҳам худди шундай ҳовлида жойлашган мазорни учратиш мумкин.

6. Рамзий қабрларга эга бўлган мазорлар ҳам мавжуд: Имом Мухаммад Газоли, Чашмаи Айюб алайҳи-с-салом, Махдуми Аъзам, Хўжа Булгор.

7. Оилавий мазорлар мавжудлиги. Бухоро шаҳри Дегрези кварталда Сейид Абулҳасан Ҳамадонии-оила аъзолари мазори бўлган. Бундай маълумотларни “Китоби Муллозода” да ҳам кўриш мумкин.

Бухоро шаҳри зиёраттуризмни ривожлантириш бўйича тавсиялар:

1. Қадимий хунармандчилик турларини қайта тиклаш

2. Шаҳар дизайнига кўхна тарихийлик руҳини бериш

3. Сайёҳ шаҳарнинг эски шаҳар қисмига ўтганида Бухоро шаҳри тарихини ёритувчи буюк аллома ва фузалоларимиз ҳаётини ёритувчи тасвирлар инглиз тилида замонавий коммуникация воситалари орқали ёритилса

4. Муқаддас кадамжо ўзи лекин ҳозирги жойи жамоат иншоотларига айлантирилган жойларда ҳам ўша шахслар фаолиятини ёритувчи манбалар бўлса (тасвирлар)

Хулоса қилиб айтганда, Бухоро зиёраттуризми билан боглиқ атама ва номлар зиёратгоҳларни аташда тўғри қўлланилса мақсадга мувофиқ бўларди. Зиёратгоҳлар билан боглиқ атама ва номларнинг тарихини чуқурроқ ўрганиш- Бухоро шаҳри ижтимоий ҳаётига доир айрим маълумотларга аниқлик ва ойдинлик киритишга хизмат қилади.

TURIZMNING IQTISODIYOTGA TA'SIRINI FUNKSIONAL O'RGANISH

Iroda Nurmatova

Farg'ona davlat universiteti, Ijtimoiy ish kafedrasi o'qituvchisi

Nilufar Xamidova

Farg'ona davlat universiteti, Ijtimoiy ish yo'nalishi talabasi

Turizm sohasi dunyo iqtisodining eng jadal rivojlanayotgan sohalaridan biridir. Uning keng qamrovli taraqqiyoti esa, ko'plab mamlakatlar uchun katta daromad manbaiga aylanib bormoqda. Jamiyatning rivojlanishi bilan sayyoramizning tobora ko'plab aholisi turizm sohasiga jalb qilinmoqda. Bugungi kunda turizm kuppina mamlakatlarda shiddat bilan rivojlanayotgan industriyaning ijtimoiy- iqtisodiy tarmog'idir. Butun jahon turistik tashkilot(BTT)ning baholashiga ko'ra, turistik servis rivojlangan shaharga tashrif buyurgan 100 nafar turist 20 ming AQSH dollari

¹⁶⁸ О.А. Сухарева Бухара XIX-начало XX в.(Позднефеодалный город и его население)-М.: Наука.1966.79-80 с.

¹⁶⁹Сухарева О.А. К истории городов Бухарского ханства. Тошкент: Ўзбекистон ССР Фанлар Академияси нашриёти.1958.43 б.

atrofida sarflaydi, ya'ni har bir turist tomonidan bir sutkada shaharga 200 AQSH dollari miqdorida foyda keladi. Taqqoslash maqsadida, bu miqdordagi foydani olish uchun xatto rivojlangan mamlakat ham kamida jahon bozoriga 1 tonna paxta yoki 2 tonna bug'doy olib chiqishi kerak bo'ladi.

Hozirgi paytda dunyoning ajoyib, jozibador turistik resurslariga ega bo'lgan barcha burchaklari hali yaxshi o'zlashtirilmaganligi va keng turistlar ommasi uchun ochiq emasligini ham hisobga olish lozim. Bunda tabiiy-iqlim sharoitlari va siyosiy-iqtisodiy omillar, mintaqadagi tinchlik, turizm industriyasining rivojlanishi kabilar muxim rol o'ynaydi. Turizm infratuzilmasi va industriyasi turizmga turdosh bo'lgan bir necha tarmoqlarni ham rivojlanishiga sabab bo'ladi.

Bundan tashqari turizmning rivojlanishini yana bir katta muammo bo'lgan ishsizlikni hal qilishga yordam beradi. Statistik ma'lumotlarga ko'ra, mamlakatga tashrif buyurgan har 20 nafar turist, 1 ta bevosita turizm sohasida va 2 ta turizmga bog'lik bo'lgan xalq xo'jaligining boshqa tarmoqlarida yangi ishchi joylarning ochilishiga yordam beradi. Shu bilan birga mahalliy mintaqalarning rivojlanishiga ham ijobiy ta'sir qilib, jumladan qishloq xo'jalik mahsulotlarini, mahalliy mahsulotlarini va milliy hunarmandchilik mahsulotlarini sotishga yordam beradi.

Turizm xizmat soxasi XXI asrda iqtisodiyotni rivojlantirishning eng istiqbolli ijtimoiy-iqtisodiy yo'nalishlaridan biri bo'lib bormoqda.

Turizmning iqtisodiyotga ta'sirini quyidagi funksiyalarida ko'rishimiz mumkin (1-rasm):



1-rasm. Turizmning iqtisodiyotga ta'siri


1) Milliy foydani yaratish. Turistik tovarlar va xizmatlar ishlab chiqish boshqa tarmoqlar hamda sohalar faoliyati bilan birgalikda milliy mahsulotni shakllantiradi. Turizm sohasining YAIMda hamda mamlakat to'lov balansidagi ulushi doimiy ravishda o'sib bormoqda shuningdek, turizm bugungi kunda foydaliligi bo'yicha neft qazib olish va uni qayta ishlashdan keyingi ikkinchi o'rinda turadi (turizmga ixtisoslashgan mamlakatlarda bu tarmoqning YAIM dagi ulushi 10-14%ni tashkil qiladi).

Turizm sohasi YAIMga to'g'ridan-to'g'ri tushum qilishidan tashqari, tovar va xizmatlarga bo'lgan ikkilamchi talabni qondirish bilan birga o'zaro bir-biriga yaqin bo'lgan sohalarining rentabelligini oshiradi.

2) Yangi ishchi o'rinlarini tashkil etish ya'ni aholini ish bilan ta'minlashga ko'maklashish. Turizm faoliyatida mehmonxona xo'jaligi va ovqatlanish korxonalariga,

sanatoriya-kurort tarmoqlariga, turizmning davlat va jamiyatni bog'lovchi boshqa faoliyat sohalariga ishchi kuchi talab qiladi, ya'ni turizm faoliyati aholini ish bilan ta'minlashga ko'maklashadi. Butunjahon turistik tashkilotining ma'lumotlariga qaraganda turizm sohasida yaratilgan 100 ta ish joyi boshqa sohalarda 150 ta ish joyi yaratilishiga sabab bo'ladi jumladan, savdo, joylashtirish, ovqatlantirish, transport, bank, sug'urta xizmatlari va boshqalar.

3) Davlat byudjetiga valyuta tushumini ta'minlovchi manba. Turizm turistik tovarlar va xizmatlarni import shu bilan bir katorda eksport qilish jarayonlarini amalga oshiradi. Turistik tovar va xizmatlarni import qilish jarayonida mazkur davlat iqtisodiyotining aktiv ikkinchi holatda esa passiv turi to'g'risida gap boradi. Tarmoqning o'ziga xos xususiyatlaridan biri shundan iboratki, turistik tovarlar va xizmatlar eksport qilinishida chetga chiqarilmaydi balki, turistlarni qabul qiluvchi mamlakatning o'zida iste'mol qilinadi buni biz quyidagi (2-chizma) chizmada ham ko'rishimiz mumkin.



2-rasm. Turistik tovarlar va xizmatlar eksporti jarayoni

4) Aholi farovonligini oshirish. Turizm xizmat sohasi faoliyat ko'rsatayotgan kichik biznes korxonalariga ijobiy ta'sir ko'rsatadi, mahalliy infrastrukturaning rivojlanishiga imkon tug'diradi va aholi yashash darajasi hamda daromadlarini oshiradi.

5) Iqtisodiy infrastrukturaning rivojlanishiga ko'maklashadi. Turizm sohasida boshqa tarmoq va sohalarda faoliyatlari bilan bog'lik ravishda xizmat ko'rsatish tarmog'ini yaratish ularning rivojlanishini tezlashtiradi hamda iqtisodiyotni diversifikatsiyalash imkonini beradi.

6) Mintaqaviy rivojlanishni tenglashtirish. Turizm shu sohaga ixtisoslashgan mintaqa va mamlakatlarga milliy foydani qayta taqsimlash imkoniyatini yaratadi. Turizmni rivojlantirish ko'plab olisdagi aholisi kam va sanoati past darajada rivojlanayotgan lekin o'zining tabiati, tarixiy-madaniy obektlari bilan o'ziga tortadigan mamlakatlar (mintaqalar)ning yuqori sur'atlar bilan iqtisodiy o'sishini ta'minlaydi.

7) Investitsiyalarni jalb qilish jumladan, xorijiy investitsiyalarni jalb qilish, turizm tarmog'ining dinamik ravishda rivojlanishi hamda sarflangan mablag'larning tez va yuqori darajadagi foydaliligini ta'minlaydi.

8) Tabiiy va madaniy yodgorliklardan foydalanishga ko'maklashish. Aynan ana shu unsurlar turizm sohasining asosiy resurslar bazasini tashkil etib, turistik xizmatlar (mahsulotlar) sifatining o'ziga xosligi va jozibadorligini oshiradi.

O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyev parlamentga Murojaatnomasida barcha sohalarda qatorida turizm sanoati borasida quyidagi fikrlarni bildirdi: "Hozirgi kunda milliy iqtisodiyotga yuqori daromad keltiradigan istiqbolli tarmoqlardan biri – bu turizmdir. O'zbekiston turizm sohasida dunyo bo'yicha ulkan salohiyatga ega bo'lgan davlat hisoblanadi. Shu bilan birga, mamlakatimizning betakror tabiati, go'zal dam olish maskanlari imkoniyatlaridan foydalanib, yangi turistik yo'nalishlar ochish mumkin. Bu sohaga jahon brendlarini faol jalb etgan holda, biz ziyorat turizmi, ekologik, ma'rifiy, etnografik, 272astronomic turizm va bu sohaning boshqa tarmoqlarini rivojlantirishga alohida e'tibor qaratishimiz zarur. Bu borada davlat-xususiy sheriklik munosabatlarini qo'llash sohani taraqqiy ettirishda keng imkoniyatlar ochishini hisobga olishimiz lozim.

Samarqand, Buxoro, Toshkent shaharlaridagi muqaddas qadamjolar va yodgorliklarni ziyorat qilish dasturini rivojlantirish va jadallashtirish zarur. Ichki turizm sohasidagi katta imkoniyatlarni ham to‘liq ishga solish lozim”.

Ta’kidlash lozimki, mamlakatimizda turizm sanoatini rivojlantirish, iqtisodiyotning tez o‘shishini ta’minlashda uning rolini oshirish va shu orqali yangi ish o‘rinlarini yaratish, dunyo bozorida milliy turistik mahsulot salohiyatini yuksaltirishga xizmat qiluvchi tashkiliy sharoitlar yaratilmoqda. Mazkur faoliyat shak-shubhasiz milliy turizm sohasini axborot bilan ta’minlash, turistik operatorlar uchun zamonaviy axborot texnologiyalari yechimlari va kompyuter dasturlarini ishlab chiqish, axborot bozori subyektlariga uyg‘unlashgan holda ishlash, jumladan, xalqaro miqyosda mamlakatimizning haqiqiy imijini shakllantirish bo‘yicha ommaviy axborot vositalarida zarur chora-tadbirlarni amalga oshirishni talab etadi. Bu o‘rinda, turizm sohasidagi munosabatlarni tartibga soluvchi samarali me‘yoriy-huquqiy maydon, sohani yaqin va o‘rta istiqbolda rivojlantirishning strategik rejalari bo‘yicha qabul qilingan hujjatlar mazkur faoliyatning asosini tashkil etishi lozim. Milliy turizm tizimini rivojlantirishda mazkur sohada samarali axborot almashinuvini ta’minlash zarur. Bu o‘z navbatida, iste‘molchilarning mamlakatimiz haqidagi axborotdan erkin foydalanishlariga, turistik xizmatlarni taqdim etish sharoitlari, xususiyatlariga hamda ularning xavfsizligini ta’minlashga xizmat qiluvchi axborotlardan iborat bo‘lmog‘i va milliy qonunchiligimizga mazkur masalalarni kompleks va tizimli huquqiy jihatdan tartibga soluvchi qoidalarning kiritilishini ta’minlash zarur.

O‘ZBEKISTONDA ETNOGRAFIK TURIZMNING HUQUQIY TA‘MINOTI

*PhD, dots. v.b. Norkulova Dilfuza Zoxitovna
Qilichova Orzigul Zafar qizi, SamISI MXT-118 guruh talabasi*

Annotatsiya: Ushbu maqolada hozirgi kunda yurtimizda ziyorat hamda tarixiy turizm boshqa turizm turlarga nisbatan yaxshi rivojlanayotganligi ammo bu turizm turlaridan farqli o‘laroq etnografik turizm xalqimizning, yurtimiz hududida yashab kelayotgan boshqa barcha millatlarning aynan o‘ziga xos, betakror jihatlarini ochib berish uchun eng muhim vosita ekanligi ta’kidlangan. Aynan etnografik turizmga oid me‘yoriy hujjatlar tahlil qilingan. Taklif sifatida esa yurtimizning barcha hududlarini etnik va turistik jihatdan o‘rganich va targ‘ib qilish maqsadida tegishli fan – soha mutaxassislarini jalb qilish keltirilgan.

Kalit so‘zlar: Turizm, iqtisodiyot, turistik resurslar, qonunlar, me‘yoriy-huquqiy hujjatlar, etnografik turizm.

Turizm bugungi kunda iqtisodiy sohalar ichida daromad keltirishi bo‘yicha yuqori o‘rinlardan birini egallaydi, mehnatga layoqatli aholining ko‘pgina qismini ish bilan bandligini, ijtimoiy-iqtisodiy ko‘rsatkichlarning yuqori bo‘lishini ta’minlaydi va shu jihatdan ham u har doim barqaror rivojlanishga ega sanaladi [1].

Jahondagi globallashuv sharoitida turizm muhim ijtimoiy, iqtisodiy va madaniy omillardan biriga aylandi. Iqtisodiyotning ushbu sektorida umumiy daromad hajmi trillionlab dollarni tashkil etmoqda, har yili butun dunyoda bir milliarddan ziyod kishi sayohat qilmoqda. [2] Hozirgi kunda yurtimizda ziyorat hamda tarixiy turizm boshqa turizm turlarga nisbatan yaxshi rivojlanmoqda. Ammo bu turizm turlaridan farqli o‘laroq etnografik turizm xalqimizning, yurtimiz hududida yashab kelayotgan boshqa barcha millatlarning aynan o‘ziga xos, betakror jihatlarini ochib berish uchun eng muhim vosita hisoblanadi. Turizmni rivojlantirishda turistik resurslardan qay darajada samarali hamda oqilona foyalanish bevosita turizm istiqbolini belgilab beradi. Mutaxassislar turistik resurslarga quyidagicha ta’rif berishgan: **turistik resurslar**- tabiiy, tarixiy, ijtimoiy-madaniy va boshqa obyektlar bo‘lib, turistlarni sayohatga qiziqtiradigan, insonning jismoniy, ruhiy va aqliy kuchini tiklashi va rivojlanish ehtiyojlarini qondirishga qodir bo‘lgan obyektlardir [2]. Shu kabi

turistik resurslardan biri etnografik resurslar sanaladi. Etnografiya atamasi juda keng tushunchalarni o'z ichiga oladi, shunday ekan bevosita uning resurslari ham keng ko'lamlidir.

Etnografik resurslar nafaqat iqtisodiy obyekt balki, ijtimoiy sohadagi tarixiy madaniy me'ros sanaladi. Hozirgi texnologiyalar rivojlangan bir davrda har bir xalq o'z milliyligini (urf-odatlarini, milliy taomlari, kuy-qo'shiqlari, milliy liboslarini va b.q) saqlab qolishga, o'z milliy madaniyatini kengroq yoyishga harakat qilmoqda. Etnografik turizm turining rivojlanishi natijasida biz milliy madaniyatimizni butun dunyoga yoyishga, o'z hududlardagi aholining bandligiga ko'maklashishga, aholining ham iqtisodiy ko'nikmasini ham etnik madaniyatini oshirishga erisha olamiz.

Har qanday turizm turining rivojlanishi uchun eng muhim va eng asosiy asos bu huquqiy ta'minotdir, ya'ni turizmni rivojlantiruvchi asosiy qonuniy hujjatlar sohani harakatga keltiruvchi muhim vosita sanaladi. 2019-2025-yillarda O'zbekiston Respublikasida turizm sohasini rivojlantirish konsepsiyasining 3-bob. "Turizmni rivojlantirishning asosiy yo'nalishlari"da ham sohaning huquqiy ta'minoti uning iqtibolini belgilab beruvchi asosiy vosita ekanligi keltirilgan "Turizm sohasida qisqa muddatli istiqbolga mo'ljallangan maqsadli vazifa va ustuvorlardan kelib chiqib, quyidagi asosiy yo'nalishlar bo'yicha chora-tadbirlarni faol amalga oshirish ko'zda tutilgan:

turistik faoliyat sohasiga oid normativ-huquqiy bazani takomillashtirish, turizm sohasini rivojlantirish uchun qulay sharoitlar yaratishga qaratilgan xalqaro me'yor va standartlarni joriy etish, shu jumladan:

turistik faoliyatni qo'llab-quvvatlashga qaratilgan qomunchilikni takomillashtirish, bunda qomunchilik asosini kuchaytirish va turizm sohasida tadbirkorlik subyektlarini qo'llab-quvvatlovchi normalarni yagona hujjatga birlashtirishni nazarda tutish;

respublikaga asosiy turistik oqimini ta'minlovchi, iqtisodiy barqaror va xavfsiz davlatlarning viza rejimini yanada liberallashtirish bo'yicha bosqichma – bosqich chora –tadbirlarni amalga oshirish;

xususiy sektorni jalb qilish va tadbirkorlar faolligini rag'batlantirish bo'yicha manzilli chora – tadbirlarni amalga oshirish, sohani barqaror rivojlantirish uchun zarur shart – sharoitlar yaratish; davlat xususiy sherikchilik mexanizmlarini joriy etish va keng qo'llash." [3]

Yurtimizda etnografik turizmning huquqiy salohiyati qanday ko'rsatkichga ega?

2019-2025-yillarda O'zbekiston Respublikasida turizm sohasini rivojlantirish konsepsiyasining 2-bob "Yakuniy qoidalar" 2-ilova "Respublika hududida turizm va u bilan bog'liq infartuzilmani rivojlantirish" bo'limida quyidagicha keltirilgan:

Quyidagilarni o'z ichiga olgan agroturizmni rivojlantirish bo'yicha takliflarni ishlab chiqish:

-turizm aylanmasi (biznes)ga fermer va dehqon xo'jaliklarini, qishloq joylardagi mahalliy aholini (asosan uzoq va tog'li hududlardan) jalb qilish;

-qishloq va etnografik turlar (an'anaviy turmush tarzi, hunarmandchilik, taom tayyorlash va boshqalar) doirasida sayyohlarni qabul qilish istagiga va imkoniyatiga ega bo'lgan dehqon va fermerlar uchun namunaviy "turistik mahalla" tipdagi uy-joy komplekslari (an'anaviy ushbdagi) qurish;

-fermer xo'jaliklarining faoliyatini kengaytirish va diversifikatsiya qilish, qishloq xo'jaligi mahsulotlari, shu jumladan, sharob mahsulotlari, quritilgan mevalar, shirinliklar va boshqalarni joyida tatib ko'rishni tashkil qilish yo'li bilan ular hududida yagona tuzilmaga (qishloq turistik klasteri) biriktirilgan agro-etno-qishloq shaklidagi model uyushmalar barpo etish.[3]

"2013-2016 yillarda qishloq joylarda xizmat ko'rsatish va servis sohasini jadal rivojlantirish yuzasidan qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida", 2013 yil 17 aprel, PQ-1957-son. [4] Ushbu qarorda qishloq joylarida xizmat ko'rsatish va servis sohasini jadal rivojlantirishda tadbirkorlik subyektlariga imtiyoz va yengilliklar berilishi nazarda to'atilgan. Turizm sohasida servis juda muhim ammo, o'ziga xoslik va jozibadorlik birinchi o'rinda to'radi. O'zbekistonning har bir viloyati va tumanlari alohida etnik manzaradir. Shunday ekan har bir qishloqni rivojlantirar ekanmiz uning o'ziga xos, turistik jozibadorligini chuqurroq o'rganish va targ'ib qilish muhim omil sanaladi.

2019 yil sentabr oyida Qashqadaryo viloyati Kitob tumani Varganza qishlog'i O'zbekistonning birinchi "agroturizm qishlog'i" deb nomlandi. [5] O'zbekiston ming – ming yillik tarixga ega bo'lgan navqiron davlat. Uning shunday gushalari borki uning tarixi juda ko'plab jahon

xalqlari tarixidan han so'zlab turadi. U yerda xalq madaniyatini, turmusg tarzini va etnogenezini o'rganish va tadbqiq qilish uchun juda ko'plab osori – atiqalar va madaniyat turlari saqlanib qolgan.

Har qir qaror, farmon va qonunlarda ham etnografiyaning o'ziga yoki etnografik turizmga aynan, alohida to'xtalib o'tishlar yo'q, uni boshqa bir turga bog'lash orqali yoki vosita sifatida qaralib o'tilmoqda. Buning sababi eng avvalo etnografik turizmni turistik obyekt sifatida chuqur o'rganib, tadbqiq qilinmaganligi hamda ma'lum bir huquqiy, me'yoriy hujjatlarga to'laqonli ega emasligi hisoblanadi. Ta'kidlab o'tilganidek etnografiya juda ko'p fan va sohalarini o'z ichiga oladi, ammo uning o'zi alohida soha sifatida rivojlanishga ega. Etnografik turizmning rivojlanishi bevosita etnografik-iqtisodiy bilimlarga hamda huquqiy ta'minotga asoslanadi. Hozirgi kunda etnografik turizm eng avvalo asosli nazariy bilimlarning chuqur o'rganilishini talab etmoqda. Bunga esa turli fan soha vakillarining jalb qilinishi lozim. Bu turizm turining huquqiy ta'minoti va uning ijrosi jihatidan shakllantirilishi natijasida etnografiyaning saqlanishi hamda qayta tiklanishiga nisbatan e'tibor va tartib oshadi va bundan tashqari aholi o'rtasida ham huquqiy munosabat shakllana boshlaydi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

- [1] R.S.Amriddinova, Z.O. Rahimov, M. T. Aliyeva, N.E.Ibadullayev, S.A. Abduxamidov. Mehmonxonalarda xodimlar faoliyatini boshqarish. O'quv qo'llanma.-T.: "Fan va texnologiya", 2018 298 bet [Uzbek]
- [2] M.R.Boltaboyev, I.S. Tuxliyev, B.SH.Safarov, S.A. Abduxamidov Turizm: nazariya va amaliyot. Darslik.-T.: "Fan va texnologiya" 2018 398 bet. [Uzbek]
- [3] "Turizm to'g'risida konsepsiya" [Uzbek] <http://lex.uz/docs/-4143188>
- [4] "Qishloq joylarda turizmni rivojlantirish" [Uzbek] <https://www.lex.uz/docs/-2156381>
- [5] "Agroturizm qishlog'i" [Russian] <https://uzbektourism.uz/ru/newnews/view?id=769> (23.11.2019)

AGROTURIZM VA BUXORODA AGROTURIZMNI RIVOJLANTIRISHNING IMKONIYATLARI

Yoriyeva Farangiz Murodillayevna, magistrant, Buxoro davlat universiteti

Annotation: Nowadays Large-scale reforms implemented by the government in our country open up more opportunities for sustainable tourism development in Uzbekistan. One of the main tasks in this area is the diversification of tourism in the country. In particular, it is desirable to promote branches of agro-tourism. The article aims to study opportunities for further development of agro-tourism in the Bukhara region.

Annotatsiya: Hozirgi kunda respublikamizda hukumat tomonidan joriy etilgan keng miqyosdagi islohotlar O'zbekistonda turizm sohasini barqaror rivojlantirishning yanada katta imkoniyatlarini ochib beryapti. Bu sohaning eng asosiy vazifalardan biri mamlakatda turizm turlarini xilma-xillashtirishdir. Shu jumladan, ko'p tarmoqli agroturizmni yuksaltirish maqsadga muvofiq. Maqolada Buxoro viloyatida agroturizmni yanada rivojlantirishning imkoniyatlari o'rganish maqsad qilib olingan.

Key words: Agro-tourism, tourism infrastructure, rural tourism, branches of agrotourism.

Tayanch so'zlar: Agroturizm, turizm infratuzilmasi, qishloq turizmi, agroturizm tarmoqlari.

Agroturizm - ishlab chiqaruvchilar daromadlarni ko'paytirishga harakat qilganligi sababli, tobora ommalashib borayotgan soha. Qishloq xo'jaligi va turizmni birlashtirgan holda, agroturizm yangi daromad manbalarini taklif etadi. Oddiy qilib aytganda, agroturizm- turizm va qishloq xo'jaligining chorrahasi deb hisoblash mumkin. Texnik jihatdan, agroturizmni sayyohlar va tashrif buyuruvchilarni ferma yoki boshqa qishloq xo'jaligiga jalb qiluvchi va qishloq xo'jaligining faoliyatini turizm bilan bog'lovchi tijorat korxonasi shakli sifatida aniqlanishi mumkin.[1]

Agroturizm-fermaga yoki fermer xo'jaligiga tashrif buyuruvchilarni jalb qiladigan qishloq xo'jaligiga asoslangan har qanday operatsiyani yoki faoliyat turlarini o'z ichiga oluvchi keng qamrovli turistik sohadir. Agroturizm Italiyada bo'lgani kabi dunyoning turli burchaklarida turli xil

ta'riflarga ega. [2] Agroturizm tushunchasidagi "agro" bu siz qishloq xo'jaligi ekinlarini o'stirishingiz hamda hayvonlarni yetishtirishingiz mumkin bo'lgan maydon. Turizm esa asosan belgilangan ma'lum bir muddatni dam olish maqsadida turli ko'ngil ochar maskanlarga sayohatlar bilan o'tkazishdir. Qayerda bo'lmasin, agroturizm qishloq hayoti, urf-odat an'analari bilan tanishish, qishloq xo'jaligi fermalariga tashrif buyurish, to'g'ridan-to'g'ri fermadan ferma mahsulotlarini sotib olish, makkajo'xori labirintini kezish, meva va sabzavotlarni terish yoki ularni o'stirish jarayonida ishtirok etish, hayvonlarni boqish hamda fermada qolib ovqatlanish va nonushta qilish kabi turli xil tadbirlarni o'z ichiga oladi.

Agroturizm faoliyati kamida agroturizmning besh toifasidan bittasiga kiradi va ular bir nechta toifalarni o'z ichiga olishi ham mumkin. Beshta toifaga quyidagilar kiradi: iste'molchilarga to'g'ridan-to'g'ri sotuvlar (masalan, qishloq xo'jaligi anjomlari, poliz ekini mahsulotlari, mevalar), qishloq xo'jaligidagi ta'lim, mehmondo'stlik (bir kechada fermada qolish, ferma bo'ylab sayr qilish), hordiq chiqarish (masalan, ov qilish, ot minish), va ko'ngil ochish (masalan, pichan o'rini, o'rim-yig'im). [3] Qisqacha qilib aytganda agroturizm bu - qishloq sharoitida sodir bo'ladigan sayyohlik faoliyati. Shu sababli agroturizm qishloq turizmi deb ham nomlanadi.

Sershovqin shaharda uzoq muddat yashab, hayot tashvishlari bilan band bo'lgan sayyohlar uchun tinch, shovqinsiz, toza havodan bahramand bo'lgan holda qishloq hayoti, urf-odatu an'analari bilan tanishib, samimiy insonlar bilan suhbat qurish, hamda hayvonot dunyosini shahar hayvonot bog'laridagidek uzoqdan emas, balki yaqindan ko'rish va ular bilan bevosita muloqotda bo'lib, ularni ovqatlantirish, chiroyli tabiat qo'ynida kundalik tashvishlarni unutib, sayr qilish va tabiat yaratgan shirindan shakar mevalar-u vitamanga boy sabzavotlarni keng daladan, o'z qo'llari bilan uzib iste'mol qilishlari yoki bu meva va sabzavotlarni o'stirish jarayonida bevosita ishtirok etish imkoniyatlarini beruvchi agroturizm sohasi bugungi kunda jadal rivojlanib borayotgan turistik sohalardan biridir.

Agroturizm Ispaniya, Italiya, Buyuk Britaniya, Gretsiya va Fransiyada yaxshi rivojlangan. Bu mamlakatlarga borgan sayyohlar muayyan vaqt davomida qishloq joylarda yashab, mahalliy xalq madaniyati, urf-odatlari, turmush tarzi bilan tanishishadi, an'anaviy qishloq xo'jalik ishlarida ishtirok etishadi. [4]

Yurtimizda ham turizmning mazkur yo'nalishini rivojlantirish uchun keng imkoniyatlar mavjud. Boisi, o'ziga xos tabiatga ega so'lim qishloqlarimiz, u yerdagi sayyohlar e'tiborini tortadigan turmush tarzi, mahalliy urf-odatlar ko'pchilik uchun qiziq. Turizmni rivojlantirish davlat qo'mitasi tomonidan xorijiy sayyohlarning yurtimizda bo'lish muddatlarini uzaytirish, mahalliy sayyohlar uchun yangi dam olish turlarini tashkil etish maqsadida agroturizmni rivojlantirish bo'yicha tizimli ishlar olib borilmoqda.

2018 yil uchun davlat dasturining 104-punkti - Faol tadbirkorlik, innovatsion g'oyalar va texnologiyalar ijrosi maqsadida 4 aprel kuni O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi tomonidan "Agroturizmni rivojlantirish dasturi" tasdiqlandi. 2017-2021-yillarda O'zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo'nalishi bo'yicha Harakatlar strategiyasida amalga oshirishga oid Davlat dasturida namunali fermer xo'jaliklarini sayyohlarga xizmat ko'rsatishga moslashtirish, ularga sayyohlarni jalb qilish hamda xorijliklarning mamlakatimizda bo'lish muddatlarini uzaytirish maqsadida agroturizmni rivojlantirishga doir vazifalar belgilangandi. [5]

Agroturizmni rivojlantirishda katta salohiyatga ega bo'lgan Buxoro viloyatining o'ziga xosligi shundaki, Buxorodagi issiq iqlim har qanday quyosh nurlarini sevuvchi meva va sabzavotlarning takrorlanmas ta'mga hamda inson organizmi uchun kerakli bo'lgan vitaminlarga boy bo'lishidagi yagona omil bo'lib hisoblanganligidir. Serquyosh zaminimizda yetishtirilayotgan meva-sabzavotlar salomatlik uchun g'oyat muhim bo'lgan mikroelementlar va oziq-ovqat ratsionida o'rini almashtirib bo'lmaydigan turli biologik moddalarga boyligi, yuqori sifati, ekologik tozaligi va xavfsizligi bilan boshqa mintaqalarda yetishtirilgan turdoshlaridan alohida ajralib turadi.

Buxoro viloyati Vobkent tumanidagi Fag'naviy anjiri, Shofirkon tumanidagi Jilvon uzumi, Romitan tumanidagi tilimi tilni yorar anori-yu uzumi, olma-yu shaftolisi, qovun-tarvuzi dovrug'ini

yoki bo'lmasa o'sha qimmatbaho qorako'l terisiyu Buxoro go'sht va sut mahsulotlarining ta'rifini bilmagan yoki eshitmagan bo'lmasa kerak.

Aynan manashu Buxoroning juda katta ahamiyatga ega bo'lgan agroturistik salohiyati qadim va ko'hna Buxoro zaminida agro turizmni yanada rivojlantirishning keng imkoniyatlarini beradi. Bu uchun avvalambor ayni mana shu ta'rifi tillarda doston meva-yu poliz ekinlari yetishtiriladigan dalalarda, fermer xo'jaliklarida sayyohlar uchun zarur bo'lgan turistik infratuzilmalarni yaratishimiz zarur. Shundagina biz agroturizmdagi ko'zlangan maqsadlarga erishishimiz mumkin.

Bunga yaqqol misol qilib Buxoro viloyati Shofirkon tumani "Jilvon Jilosi 2020" agroturizm dam olish maskanini olishimiz mumkin. Uyerda turli xil parrandalarni oddiy chumchuqdan tortib o'rdak kabutar, bedanayu va hatto tuyaqushlargacha ko'rishingiz nafaqat ko'rishingiz, balki ularning go'shtidan tayorlangan taniq taomlargacha totibham ko'rishigiz mumkin. Hayvonot olamida esa chorva mollari, qoramol, quyon, uchqur otlaru, nor tuyalargacha bo'lgan hayvonlarni ko'rish tuyay va otlarni minib sayr qilish Imkoniyatlari mavjud. Bundan tashqari u yerda sun'iy plaj yaratilgan. Yana baliq oviga qiziquvchilar uchun maxsus suv havzasi ham bor. Qush uchsa qanoti odam yursa oyog'i kuyadigan jazirama cho'l markazida barpo etilgan mazkur ko'p tarmoqli agroturistik majmuaning o'simlik dunyosiga keladigan bo'lsak, rangbarang manzarali daraxtlar bor va shu bilan bir qatorda bu bog'dagi ko'plab turdagi olma, o'rik, olxo'ri, olcha, bexi, bodom, jiyda, anor, shaftoli-yu uzumgacha bo'lgan tabiat noz nematlarini tabiiy holda istemoi qilish, shahardagi, kimyoviy yo'llar bn saqlangan mevalarni iste'mol qilishga odatlanib qolgan har qanday sayyoh uchun juda zavqlanarli jarayondir.

Buxoro mevalari, ayniqsa, uzum o'zining xushxo'rliqi, tarkibida shakar miqdori yuqoriligi bilan g'oyat xaridorgir. Mutaxassislarining ta'kidlashicha, uzumning shiradorligi nafaqat tok parvarishiga, balki viloyat iqlimi, tuproq tarkibining o'ziga xosligiga ham bog'liq.

Mazkur agroturizmga mo'ljallangan dam olish maskani 20 gektar yer maydoni tashkil etilgan. U yerda 2000 ga yaqin mevali daraxtlar, 200dan ortiq manzarali daraxtlar mavjud. Umumiy maydoni 10 gektar bo'lgan suv havzasida baliqchilikham yo'lga qo'yilgan. Shuningdek sayyohlar uchun 20 o'rinlik mehmonxona va bog' markazidagi daraxtlar ustida, dam olishga mo'ljallangan hayratomuz ochiq ayvonlar o'zigaxos uslubda yaratilgan.

Demak Buxoroda agroturizmdan ko'zlangan maqsadlarga erishish uchun mavjud bo'lgan agroturistik resurslar patensialidan oqilona foydalanib turistik infratuzilmalarni tashkil etish zarur. Yuqorida sanab o'tilgan, Buxoroda mavjud qishloq turizmi manbalaridanham ayni manashunday samarali foydalanish chora tadbirlari ishlab chiqilsa agroturizm sohasi yanada rivojlanib boradi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati

1 <https://nationalaglawcenter.org/overview/agritourism/>

2 Biuso, Emily (November 23, 2007). "Down on the Farm With Your Sleeves Rolled Up". The New York Times. Retrieved 2009-07-04.

3 Chase, Lisa C.; Stewart, Mary; Schilling, Brian; Smith, Becky; Walk, Michelle (2018-04-02). "Agritourism: Toward a Conceptual Framework for Industry Analysis". Journal of Agriculture, Food Systems, and Community Development.

4 <https://kun.uz/uz/news/2018/05/25/agroturizm-uzbekistonda-turizm-soasidagi-angi-junalis>

5 <http://uza.uz/uz/tourism/agroturizm-vo-nalishida-turistlarni-qabul-qiladigan-obyekt/>

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИНИНГ ДЕМОГРАФИК ВА ТУРИСТИК САЛОҲИЯТИ

Никадамбаева Хилола Батировна -

ЎзЖОКУ, Илмий-тадқиқотлар, инновациялар ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш бўлими бошлиғи, п.ф.н., доцент

Батирова Шаҳноза Қаршибаевна-ЎзМУ, География ва табиий ресурслар факультети иқтисодий ва ижтимоий география кафедраси магистранти

Саинов Улғабек Муратович-ЎзМУ, География ва табиий ресурслар факультети иқтисодий ва ижтимоий география кафедраси магистранти

*Худоёров Лочинбек Хонназарович-ЎЗМУ, География ва табиий ресурслар факультети
иктисодий ва ижтимоий география кафедраси магистранти*

Барчамизга маълумки, Қашқадарё вилояти ўзининг демографик кўрсаткичлари ва туристик имкониятлари билан ажралиб туради. Вилоят аҳолиси 2020 йил 1 – январь ҳолатига кўра 3280130 кишини яъни Республика аҳолисининг 9,6 % аҳолисини ташкил қилди. Вилоятда оилалар сонининг ошиб боришида ёшларнинг, айниқса, 15-19, 20-24, 25-29 ёшли гуруҳларнинг жинсий таркиби алоҳида аҳамиятга эга. Чунки аҳоли асосан ана шу ёшларда никоҳга кириб, оила курадилар.

2010-2018 йиллар оралигида 10-14 ёш гуруҳидаги аҳоли сони – 9,4 фоизга, 15-19 ёш гуруҳидаги аҳоли сони эса 12,5 фоизга камайган. Бу кўрсаткичларни шу ёш гуруҳларидаги аҳолининг жинс таркибида ҳам кўришимиз мумкин. Яъни таҳлил қилинаётган йилларда 10-14 ёш гуруҳидаги аёллар сони 9,6 фоизга, эркеклар сони – 9,2 фоизга, 15-19 ёш гуруҳидагилар сони эса мос равишда 12,9 ва 12,1 фоизларга камайган.

Агар аҳоли таркибида ёшлар, яъни 20-29 ёшли гуруҳлар салмоғи юқори бўлса, янги оилалар пайдо бўлиши ва оилалар сонининг ошиб боришига замин бўлади. 20-29 ёшдаги доимий аҳоли сони 2012 йилдаги 142,9 минг кишидан 2017 йилда 280,8 минг кишига ёки ўтган 6 йилда уларнинг сони 2,0 фоизга ортган.

Вилоят аҳолисининг жадал суръатларда кўпайиб бораётганлиги ўз навбатида вилоятнинг туризм салоҳиятини ҳам оширишга хизмат қилади. 2018 – 2019 йилларда туризм инфратузилмаси объектларини барпо этиш режасига кўра 167 та лойиҳа амалга оширилади. Уларда тарихий – маданий обидаларни таъмирлаш, тармоқни ахборот технологиялари билан таъминлаш кўзда тутилган. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг “Тадбиркорлик фаолияти учун солиқ юқини камайтириш, солиқ тўловчиларини тўлиқ қамраб олиш ҳамда маҳаллий бюджетлар даромадлари базасини мустаҳкамлаш чора – тадбирлари тўғрисида”ги қарори лойиҳасида кўзда тутилган таклифлар, Қашқадарё вилояти бўйича асосий иктисодий кўрсаткичлар ва солиқ тўловчилар сони борасидаги прогноз кўрсаткичлари соҳа ривожига воҳа вилоятлари ичида анча юқори эканлигини билдиради.

Қашқадарё вилоятида бугунги кунда 1 минг 311 та маданий мерос объекти рўйхатга олинган бўлиб, уларнинг 1 минг 41 таси археология, 200 архитектура, 43 таси ҳайкал ва 27 таси диққатга сазовар жойлардир. Китоб, Шаҳрисабз, Ғузор, Қарши, Яқкабоғ туманларида маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш билан бирга реконструкция қилиш ва ички ҳамда хориждан меҳмон бўлиб, келувчи хорижлик меҳмонларни кўтиб олишга тайёр бўлмоғи лозим. Бундай маданий объектларимизга хизмат қиладиган савдо, тиббий, спорт, уй меҳмонхоналар, ижарага автомобиль хизмати, интернет, шаҳар ва очик табиат қўйнида туристик ёъналишлар асосидаги хизматларни ташкил қилиш, вилоят туризмнинг ижтимоий – демографик жараёнлар билан ривожланишини уйғунлаштиради.

Вилоятда ҳар бир тумanning туристик харитасини тузиш, экотуризмни кўълаб – қувватлаш бўйича чора – тадбирлар режасини қабул қилиш, туризмни ривожлантириш ёъналишида фаолият юритмоқчи бўлган ёш тадбиркорларга имтиёзли банк кредит маблағларини бериш, туристик ёъналишда фаолият юритувчи фирмаларга лицензия бериш тартибини соддалаштириш, агротуризм, экологик туризмни ривожлантириш, меҳмонхона ва сервис хизмати имкониятларини кенгайтириш, туристик маршрутлар, ҳостеллер, овул меҳмонхоналари ҳамда қўриқхоналарни жаҳон стандартлари даражасида жиҳозлаш лозим бўлади.

Вилоятда малакали гидларни тайёрлашга қаратилган ишларни ташкил қилиш доирасида Қарши Давлат университетига инглиз тили кафедраси билан ҳамкорликда гидларни ўқитишни ташкил қилиш орқали вилоят бўйича ташкил қилинадиган барча маршрутлар доирасида чуқур билимга эга бўлган гидларни етиштириб бериш орқали вилоят эҳтиёжларини қондириш зарур бўлади.

Қарши шаҳрида жойлашган Абу Убайда ибн ал – Жарроҳ ёдгорлик мажмуаси зиёрат туризми учун энг қулай ва барчанинг сеvimли масканларидан бирига айланган. Зиёратгоҳ ҳудуди 5 гектар майдондан иборат бўлиб, ҳафтанинг чоршанба куни барча зиёратчиларни

кабул қилади. Бу ерга зиёрат туризми доирасида юртимизнинг турли вилоятлари билан биргаликда хорижий мамлакатлардан келган зиёратчилар ҳам келишади. Зиёрат қилиш учун келган хорижий зиёратчилардан Ислом олами вакиллари Қарши шаҳрига келганда бу зотнинг қабрини зиёрат қилмасдан кетмайдилар. Маълумотларга кўра, мажмуага ҳар ойда 2,5 – 3 мингга яқин сайёҳ зиёратга келади. Мажмуа асосида туризмни ривожлантириш асосида у кишининг ёзган китоблари, қолаверса ўша давр ҳаётидан баён қилувчи асарларни топса бўлади. Мажмуа таркибида музей ҳам ташкил қилинган. Музейда Куръони карим, қадимги кўлёмалар, Қарши шаҳридаги “Одина” ва “Кўкгумбаз” масжидларининг лойиҳаси ўрин олган. Бундан ташқари мажмуа ташкил топгандан ҳозирги кунгача бўлган даврдаги буюмлар ҳам сақланмоқда. Бу эса туристлар оқимини бир маромда келишини таъминлаб туради.

Республикамизнинг турли ҳудудларидан ҳамда чет эллик меҳмонлар учун хизмат қиладиган меҳмонхоналар сони ҳам ошиб, хизмат кўрсатиш сифати ошиб бормоқда. Қарши, Шаҳрисабз, Китоб, Яккабоғ ҳудудларида туристлар сонидан келиб чиқиб ҳозирги вақтда уч ва тўрт юлдузли меҳмонхоналар қурилмоқда. Тогли ҳудудларда табиий рекреацияга бой бўлган табиат ёдгорликлари, горлар, ўрмонлари ва бошқалар билан ўзига жалб қилади. Китоб туманида жойлашган “Китоб геологик кўриқхонаси” ноёб бўлган Ер қатламлари шундоқ инсон кўзига кўриниб туради. Дунёнинг камдан кам жойларидагина бундай геологик даврларга хос бўлган ётқизиқли қатламларни учратиш мумкин. Шу сабабдан дунёнинг турли бурчакларидан шу соҳа олимлари ва мутахассислари ташриф буюриб ҳудуднинг туристик салоҳиятини янада ривожлантириш имкониятлари мавжуд эканлигини кўрсатмоқда. Қуйида вилоятнинг туманлар бўйича аҳоли кўрсаткичлари келтирилган.

Ҳудудлар кесимида доимий аҳоли сонининг ўтган йилнинг шу даврига нисбатан таққосланиши

(2018-2019 йиллар 1 январь ҳолатига, минг киши ҳисобига)*

1- жадвал

2018 йил	2019 йил	Ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати, % ҳисобида	
Қашқадарё вилояти	3148,4	3213,3	102,1
Қарши ш.	267,6	271,3	101,4
Шаҳрисабз ш.	134,5	137,2	102,0
<i>туманлар:</i>			
Ғузор	195,8	199,2	101,7
Дехқонобод	140,7	143,7	102,1
Қамаши	259,5	264,8	102,0
Қарши	236,4	241,7	102,2
Косон	272,4	278,2	102,1
Китоб	254,1	259,2	102,0
Миришкор	114,7	116,8	101,8
Муборак	83,1	84,8	102,0
Нишон	144,9	148,6	102,6
Касби	188,1	191,7	101,9
Чироқчи	389,6	400,0	102,7
Шаҳрисабз	214,7	218,2	101,6
Яккабоғ	252,3	257,9	102,2

*Жадвал Қашқадарё вилоят статистика бошқармаси маълумотлари асосида тузилган

Юқоридаги жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, ҳар бир туман ўзининг демографик кўрсаткичларидан келиб чиқиб, туризм салоҳиятини ривожлантириш

имкониятига эга. Бундай имкониятлар вилоятнинг чўл, тоғолди ва тоғли ҳудудларида бир – бирини такрорламайдиган хусусиятга эга имкониятларга бойлиги билан фаркланади.

Қашқадарё вилояти Республиканинг қолган вилоятларига караганда фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органларида (ФХДЁ) кўпроқ рўйхатга олиниши билан характерлидир. Статистик маълумотлар йил сайин никоҳ сони ошаётганлигини кўрсатмоқда. Бунга сабаб – бир томондан, аҳоли, биринчи навбатда ёшларнинг сони ошганлиги, уларда расман қурилган оила институтига нисбатан муносабатнинг ижобий томонга ўзгарганлиги бўлса, иккинчи томондан, жамоатлик, маҳалла фаоллари, ҳокимликларнинг оталиқни белгилаш ҳолатларини камайтиришга қаратилган самарали сайъи - ҳаркати натижаси дейиш мумкин.

Оила - никоҳ ёки туғилганликка асосланган кичик гуруҳ. Унинг аъзолари рўзгорининг бирлиги, ўзаро ёрдами ва маънавий масъулияти билан бир-бирига боғланган¹⁷⁰.

Оила масаласи, никоҳ - оила муносабатлари азал - азалдан инсониятнинг кенг илмий - ижтимоий жамоатчилиги диққат марказида бўлиб келган энг долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Шунинг учун ҳам айнан шу масалага деярли барча ривожланган мамлакатларда алоҳида эътибор берилади. Жумладан, Республикамиз ҳукумати томонидан юритилаётган демографик сиёсат, иқтисодий, ижтимоий ва ҳуқуқий тадбирлар бунга яққол мисол бўла олади. Гап, оила ривожланиши ва оилавий муносабатларга таъсир кўрсатувчи демографик омиллар ҳақида борар экан, даставвал, ҳозирги замон оилаларида, умуман никоҳ-оила муносабатларида юзага келиши мумкин бўлган айрим ноҳуш ҳолатларнинг асл сабаби, шу муносабатларнинг юзага келиши ва ривожланиши билан узвий боғлиқ эканлигини назарда тутиш лозим. Бугунги кун оиласида қузатилаётган айрим ноҳуш ҳодисалар сабабларини, уларнинг юзага келиши ва ривожланиши тарихи ҳақидаги маълумотларга мурожаат қилиш орқали аниқлаш фойдадан холи бўлмайди.

Оила - инсонларнинг табиий биологик, никоҳ, қон-қариндошлик, иқтисодий, ҳуқуқий, маънавий муносабатларга асосланган, турмуш бирлиги ва ўзаро жавобгарлик орқали боғланган ижтимоий гуруҳдир¹⁷¹.

Оила ва унинг фаолияти (ота-оналар ва болалар ўртасидаги тарбия усуллари) ҳуқуқий ва ижтимоий нормалар билан белгиланади. Маълумки, оила асосини эркак билан аёл ўртасидаги никоҳ бирлиги ташкил этади. Аммо оила фақат эркак билан аёл муносабатини эмас, балки эр билан хотин, ота-оналар билан болалар муносабатини ҳам ифодалайди. Оила социологияси оилани тиббий-биологик, никоҳ, қариндошлик, маънавий, иқтисодий ва ҳуқуқий муносабатлар асосида инсонларни бириктирувчи энг кичик бир бўлаги сифатида ўрганар экан, унинг жамият билан ўзаро боғлиқлигига асосий эътиборни қаратади.

Шу ўринда оила социологиясининг ҳам алоҳида ўз вазифалари мавжуд бўлиб, уларга жамият таракқиёти давомида оиланинг моҳияти ва фаолияти ўзгариб боришини аниқлаш, никоҳ ва оила ривожланишини ўрганиш, оиланинг ташкил топиши ва таракқиётида авлодларнинг ўзаро таъсирини аниқлаш, оила тарбияси, оиланинг реактив фаолиятининг ва оила ҳуқуқининг ижтимоий моҳиятини очиб бериш, меҳнат тақсимотида оиланинг ўрнини ўрганиш киради.

Никоҳ. 2018 йилнинг январь-декабрь ойларида ФХДЁ органлари томонидан 31,6 минг никоҳ қайд этилди, мос равишда 1000 аҳолига нисбатан никоҳ тузиш коэффиценти 9,9 промиллени ташкил этди.

Тузилган никоҳлар сони 2017 йилнинг мос даврига нисбатан юқори ўсиш суръатлари Қарши шаҳрида (118,7%), Деҳқонобод (112,3%), Миришкор (78,6%), Касби (106,5%) ва энг юқори камайиш суръатлари Деҳқонобод (88,0%), Косон (92,8%), Чироқчи (93,5%), Яккабоғ (97,0%) туманларига тўғри келмоқда.

Вилоят бўйича ўтган 2018 йил давомида оилавий ажримлар сони ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 9 тага кўпаган. Оилавий ажримлар сонидagi ўсиш бўйича «етакчи»лик

¹⁷⁰Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 6 том. – Тошкент, 2003. – 469 бет.

¹⁷¹Бўриева М.Р. Ўзбекистонда оила демографияси. – Тошкент, 1997. – 5 бет.

Миришкор туманида. Шу давр мобайнида ҳудудда 19 та оила бузилган, мос даврга нисбатан бу борадаги ўсиш 17 та.

Чирокчи туманида январь-февраль ойларида 40 та оилавий ажрим қайд этилган, ўсишдаги кўрсаткич эса 11 тани ташкил этмоқда. Шунингдек, Китоб туманида 58 та (ўсиш 9 та), Нишон туманида 16 та (ўсиш 7 та), Ғузур туманида 16 та (ўсиш 7 та) оилавий ажримлар ҳисобга олинган. Олиб борилган ўрганишлар шуни кўрсатмоқдаки, ажримларнинг 145 тасига эр-хотин, қайнона ва келин ўртасидаги келишмовчиликлар 89 та ҳолатда эса, эр бошқа аёлга уйлангани ёки узоқ муддат хорижга чиқиб кетгани сабаб бўлган. Бефарзандлик 76 ҳолатда оилавий муносабатлар ниҳояланишига олиб келган. 17 киши эса ичкиликка ружу қўйгани боис муқаддас оила қўргонини сақлаб қололмаган бўлса, қолган ажримларга ҳам шу каби маиший муаммолар сабаб бўлган. Айти пайтда вилоятда оилавий ажрим ва низоларнинг олдини олиш, улар сабабларини ўрганиш, оилаларни яраштириш бўйича вилоят ишчи гуруҳи ва унинг жойларда яраштирув муҳокамаларини ўтказиш жадвали асосида ишлар олиб борилмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 6 том. – Тошкент, 2003. – 469 бет.
2. Бўриева М.Р. Ўзбекистонда оила демографияси. – Тошкент, 1997. – 5 бет.
3. Бўриева М.Р. Ўзбекистонда оила демографияси. Монография. – Т.: "Университет", 1997. -158 б.
4. Мамадалиева Ҳ. Ўзбекистонда оиланинг ижтимоий-демографик ривожланиши. Монография. – Т.: Global books, 2017. 148 б.
5. Солиев А.С., Усмонов М. Туризм географияси. – Самарқанд, 2005.
6. Усмонова Р. Рекреацион география. – Қарши, 2015.
7. Низомов А., Аманбаева З., Сафарова Н. Ўзбекистоннинг экотуристтик ресурслари ва йўналишлари. – Т.: “Фан” ва технология”, 2014.

BUKHARA IS THE PEARL OF THE EAST

Norova. M. F.

Bukhara State University, teacher

Norova. M. F.

Master's student of French philology department

Bukhara State University

As a site of an important oasis, Bukhara was a major stopping point on the Silk Road. Merchants came from a far to trade in its arcades and covered bazaars, bringing silks and spices from the east and exchanging them for precious metals and carpets.

The city's entrepreneurial past remains alive today, with many commercial madrassahs, and arcades scattered around the old city now acting as malls. Silks and puppets are on sale along with ceramics and miniature paintings.

The metalworkers still struggle in the narrow streets of the old town and produce knives and metal plates finely engraved. Carpets are another item associated with Bukhara, with the city's name given to the carpets that were on sale in its markets, though most often these carpets were made by nomadic Turkmen tribes from desert areas rather than in the city.

In recent years, attempts have been made to revive rug making in the Old City, transforming ancient madrassas into workshops where agile fingers can be seen creating their masterpieces. The president of Uzbekistan Sh. M. Mirziyoyev is paying much attention to preserve the national heritage of the country. All year round different kind of festivals and events are organized by the government to show up to the World. Festivals in Uzbekistan are a great way to experience the rich culture and traditions of Uzbekistan, passed down from generation to generation, and today, shared and celebrated with the whole world.

The legendary city of Bukhara in Uzbekistan, full of hundreds of historical monuments and buildings, is an open-air museum. The strata of the long history of the city unfold before your eyes. Its well-preserved center is home to mosques, mausoleums and madrassahs, as well as an imposing fortress and domed trading halls. Surprises await visitors on every street corner as strata of the city's long history unfold before your eyes. Walking the streets of the old city of Bukhara is walking through the ages. The history of the city began about 2500 years ago and today it houses an astonishing collection of medieval buildings in their original urban setting. As appropriate to the holiest city of Central Asia, it is richly endowed with mosques, mausoleums and madrassahs, but it also has an impressive selection of secular architecture. In the mid-19th century Bukhara had more than 200 mosques, and students flocked to its 100 madrassahs, to learn more about Islamic theology. It has also been home to many caravanserais where traders and merchants would rest after their arduous journeys through the deserts of Central Asia before trading their goods in the covered bazaars of the city.

The heart of the city of Bukhara.

Many religious buildings are still standing today and the most impressive is the Kalon minaret, which stands on a square in the heart of the old town. The 47-meter high minaret is flanked by the huge Friday mosque on one side and the Mir-i-Arab madrassah with two turquoise domes on the other side.

Legend has it that the Kalon minaret was erected in the 12th century after Aslan Khan, the ruler of the city, was visited in a dream by an imam he had killed in an argument. The Imam asked the Khan to bury his head in a place where no one could walk on it and so the minaret was built over the final resting place of the unhappy imam. Over the centuries, it has withstood the earthquakes and attentions of Genghis Khan, who was so impressed by the tower that he spared her from the destruction that was brought to the buildings around her.

You can climb the 105 steps of the minaret to admire the view of the old city and the huge mosque, which can accommodate up to 10,000 worshipers, on the side of the tower. The mosque was built in the 16th century on the ruins of an ancient place of worship that was swept away after the destructive visit of Genghis Khan.

In front of the mosque is the Mir-i-Arab madrassah, which is still used as an active Islamic school with about 250 students studying the Koran, Arab law and Islamic law. Its facade is adorned with intricate tiling in shades of blue and green. Inside the complex are the tombs of its founders topped with beautiful turquoise domes. The Arabs did not really conquer Bukhara until after the Battle of Talas in 751 AD. Islam gradually became the dominant religion at that time and remains the dominant religion nowadays. Qutaiba ibn Muslim built a great mosque inside the citadel in the year 712-3. This place formerly was a temple. The inhabitants of Bukhara became Muslims, but each time after the Muslims withdrew, they apostatized. Qutaiba ibn Muslim converted them three times to Islam, but they apostatized and became unfaithful. The fourth time he went to war, he seized the city and established Islam after many difficulties. For a century after the Battle of Talas, Islam slowly took root in Bukhara. In 850 AD, Bukhara became the capital of the Samanid Empire, which brought about a revival of the Iranian language and culture after the period of Arab rule. Under the control of the Samanids, Bukhara was a rival of Baghdad in his glory. Scholars note that the Samanids revived Persian more than the Buyids and Saffarids, while continuing to patronize Arabic to a significant degree. Nevertheless, in a famous edict, the Samanid authorities declared that "here in this region, the language is Persian, and the kings of this kingdom are the Persian kings." During the Golden Age of the Samanids, Bukhara became the intellectual center of the Islamic world and therefore, at that time, of the world itself. Muhammad Al-Bukhari, a prominent Islamic scholar who gathered the authentic sayings (hadiths) of the Prophet Muhammad, was born in this city. During this period, Bukhara was by far the largest city in Central Asia and one of the largest and most popular. The city was also a center of Sufi Islam, notably The Naqshbandi Order. In 1005, Bukhara was included in the Turkish state of Karakhanids. Karakhanid ruler Arslan Khan ordered the construction of one of the most beautiful minarets in the Islamic world - Minora-I Kalon. In the early 13th century, it was invaded by khorezmshakh Muhammed (1200-1220).

An impregnable fortress in Bukhara.

The Ark is considered the oldest building in Bukhara and has housed the city's rulers for centuries, until 1920 when the Red Army artillery hammered the fortress into submission.

Its imposing walls have been restored to give an impression of how much the fortress was to be impregnable at its peak. The Ark formed a royal city within the city, with palaces, a throne room, a mosque, barracks, stables and workshops contained within its walls. It was the fortified fortress from which the city was governed. Today, it houses a museum covering the history, architecture and nature of Bukhara.

Tea time, in the city of Bukhara.

Bukhara is not only a city of tourism and shopping. To relax, join locals for a pot of green tea in the shade of the mulberry trees that surround the city's original water source, a pool known as Labi Hauz.

As you curl up on a topchan, an elevated sitting area covered with floor cushions, sipping green tea, it's not hard to imagine you being transported back in time to the 1001 nights, with the domes and the minarets of the old city illuminated around you and the exotic perfumes that fill the air.

References:

1. "The growing importance of tourism in the world economy and international affairs". journal.georgetown.edu. Accessed April 9, 2017, p-105.
2. "International tourism facing the deterioration of the global economy" (PDF). UNWTO World Tourism Barometer. 7 (1). In January 2009. Archived from the original (PDF) on October 17, 2013. Accessed November 17, 2011, p-202.
3. Google.com
4. Wikipedia.fr

ОИЛАВИЙ МЕҲМОН УЙЛАРИНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ

*Абдуллаев Зафарбек Сафибуллаевич,
Наманган давлат университети катта ўқитувчиси*

Мамлакатимизда туризм фаолияти субъектларини ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, минтақа ва ҳудудларнинг туристик салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ҳамда туристларни яхши дам олиши ва туризм учун етарлича шарт-шароитларни яхшилаш, шунингдек, туристик хизматларни кўрсатиш соҳасида янги иш ўринларини ташкил этиш, аҳолининг бандлиги ва фаровонлигини ошириш ҳозирги давлат сиёсатининг мақсадларида биридир. Яқин истиқболда туризм соҳасини иқтисодиётнинг стратегик тармоғига айлантириш мамлакатимиз учун устувор вазифа бўлиб қолмоқда.

Жаҳоннинг бир қатор нуфузли хорижий оммавий ахборот воситалари томонидан 2020 йилда Ўзбекистон туристик саёҳатга албатта бориш тавсия этилган мамлакатлар қаторига киритилгани, мамлакатимизда фаолият олиб бораётган туристик субъектлар учун қулай имконият тақдим этмоқда ва бундан унумли фойдаланиш жуда муҳимдир. Шунини таъкидлаш лозимки, ўтган йилларда 86 та давлат фуқароларига визасиз ва 57 та давлат фуқароларига содалаштирилган виза режими жорий этилиши натижасида, 2019 йили юртимизга 6,7 миллион нафар хорижий сайёҳ ташриф буюрди. Бу 2016 йилга нисбатан 4,7 миллион нафарга ёки 3,3 баробар кўп демакдир. Ҳукумат олдидаги энг муҳим вазифалардан бири – жорий йилда юртимизга келадиган туристлар сонини 7,5 миллионга етказишдан иборатдир.

Айни пайтда, тадбиркорликни кенг ривожлантириш ва бу соҳа учун янада кенг шарт-шароитлар яратиш борасида бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, “Ҳар бир оила – тадбиркор” дастури доирасида ўз бизнесини бошлаётган оилаларга 5,9 триллион сўм кредит ажратилди. Шунингдек, мамлакатимизда фаолият олиб бораётган тижорат банклари томонидан Оилавий меҳмон уйлари ва хостеллар ягона реестрига киритилган

хусусий тадбиркорлар ва оилавий тадбиркорлик субъектларининг буюртмаларига биноан базавий ҳисоблаш **(2020 йил учун 223 000 сўм)** миқдорининг 300 баробаригача **(66 900 000 сўм)** миқдорда, беш йил муддатга, шу жумладан, 2 йиллик имтиёзли давр билан Марказий банкнинг қайта молиялаштириш **(2020 йил учун 16 фоиз)** ставкасидан юқори бўлмаган ставка бўйича имтиёзли кредитлар ажратилиши белгиланган. Бунда тижорат банклари томонидан ажратилаётган кредитларга белгиланган фоиз ставкаси Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкасининг 1,5 баробаридан ортиқ бўлмаган кредитлар бўйича ҳисобланган фоизлар миқдорининг 50 фоизи, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат фонди маблағлари ҳисобидан қопланиши белгиланди.

Олиб борилган ислохотлар натижасида 2019 йили 93 мингта ёки 2018 йилга нисбатан қарийб 2 баробар кўп янги тадбиркорлик субъектлари ташкил этилди. Бунинг замирида солиқ тизимидаги унификациялаш жараёнининг жадал олиб борилаётганлиги, солиқ тўловчилар учун бир қатор қулайликлар яратилаётганлиги билан боғлиқдир. 2020 йилдан яқинда қабул қилинган янги Солиқ кодексига мувофиқ, бу йилдан бошлаб солиқ амалиётига кўплаб янгиликлар жорий этилмоқда. Бу борада солиқ турлари 13 тадан 9 тага камайтирилганлигини эътироф этиш мақсадга мувофиқ. Олиб борилаётган солиқ ислохотлари кенг қамровли бўлиб, унда туризм соҳасига ҳам алоҳида эътибор қаратилганлиги эътиборга молик. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси билан биргаликда оилавий меҳмон уйлари хизмати кўрсатувчи хусусий тадбиркорлар учун уларнинг жойлашиш минтақаси ва тоифасига қараб, белгиланган солиқнинг алоҳида ставкасини белгилаш тизими жорий этилди.

Оилавий меҳмон уйлари ташкил этиш борасидаги тадбиркорлик фаолияти мамлакатимиз учун нисбатан янги фаолият туридир. Шу билан бирга бу турдаги фаолиятга биринчи марта давлат миқёсида аҳамият берилди. Шу боис оилавий меҳмон уйлари ўзи қандай тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш жараёнини тавсифлаш зарурияти юзага келмоқда. Бу турдаги тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш тартиби Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 7 августдаги 631-сонли қарори билан тасдиқланган “Оилавий меҳмон уйлари фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги низомга асосан белгиланган. Унга мувофиқ, **оилавий меҳмон уйи** — мазкур меҳмон уйида уй эгасининг оила аъзолари билан бирга яшаш тамойили бўйича бир вақтнинг ўзида 10 нафаргача ташриф буюрувчиларга (туристларга) вақтинча яшаш ва (ёки) овқатланиш бўйича хизматлар кўрсатувчи, шунингдек, ҳар бир яшовчи шахсга 3 кв. метр ҳисобидан тўғри келадиган тураржой майдонига эга бўлган хусусий уй-жой ҳисобланади. Оилавий меҳмон уйлари хизматлари оилавий меҳмон уйи ташкил этиш учун яроқли турар-жой биносига эга бўлган ва унда яшовчи хусусий тадбиркорлар ёки оилавий тадбиркорлик субъектлари томонидан кўрсатилади. Оилавий меҳмон уйлари хизматларини сертификатлаштириш соддалаштирилган ҳолда, оилавий меҳмон уйлари ўрганиш далолатномаси асосида уларни Оилавий меҳмон уйлари ягона реестрига киритиш ва Оилавий меҳмон уйлари ягона реестридан тегишли кўчирма бериш йўли билан амалга оширилади. **Оилавий меҳмон уйлари ва хостеллар ягона реестри** — юритилиши Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан амалга ошириладиган меҳмон уйлари тўғрисидаги маълумотларнинг ахборот базасидир. Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси оилавий меҳмон уйлари рўйхатга олиш ва Оилавий меҳмон уйлари ягона реестрини юритишни амалга оширувчи орган бўлиб ҳисобланади.

Оилавий меҳмон уйлари хизматларини амалга оширувчи хусусий тадбиркорлар ёки оилавий тадбиркорлик субъектлари томонидан президентнинг 2018 йил 26 декабрдаги ПҚ-4086-сонли қарорининг 9-иловасига асосан товарни реализация қилишдан тушган тушуми 100 млн. сўмгача қатъий белгиланган солиқ тўловларини тўлайди. Агар календарь йилида товарлар (хизматлар) реализациясидан даромади белгиланган миқдордан ошса, яқка тартибдаги тадбиркор Солиқ Кодексда назарда тутилган тартибда айланмадан солиқ ёхуд

кўшилган қиймат солиги ва фойда солиги тўлашга ўтади. Оилавий тадбиркорлик субъекти номидан иш юритадиган якка тартибдаги тадбиркор ҳар ойда базавий ҳисоблаш миқдоридан кам бўлмаган миқдорда ягона ижтимоий тўловни тўлайди. Оила аъзолари томонидан қатъий белгиланган солиқ тўловидан озод этилган бўлиб, Солиқ кодексига асосан оилавий корхона иштирокчиси бўлган (бундан ўн саккиз ёшга тўлмаганлар мустасно) ҳар битта оила аъзолари учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 фоизи миқдорида ягона ижтимоий тўлов амалга оширилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ Кодекси (янги таҳрири).
2. Ўзбекистон Республикасининг “2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги қонуни ЎРҚ-589-сон 09.12.2019.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг «2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида» қонуни ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4555-сонли Қарори.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 июндаги “Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида”ги ПФ-5468-сонли Фармони.
5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. // 24 январь 2020 йил. / <https://president.uz/uz/lists/view/3324>

ОЛИЙ МАЪЛУМОТЛИ МУТАХАССИСЛАРНИ ТАЙЁРЛАШДА ЗАМОНАВИЙ ЎҚИТИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ МАЗМУНИ ВА МЕТОДЛАРИ

Ж.Э.Рустамов СамИСИ Ахборот технологиялари ўқитувчиси

Аннотация: Мақола иқтисодчи кадрларни электрон ахборот муҳитида қуникма малакасини ошириш мазмуни ва сифатига қўйиладиган талабларни замонавий ёндашувлар асосида такомиллаштириш, касбий фаолияти давомида даврий ва узлуксиз методик тайёргарлигини ошириш технологиялар масалалари баён қилинган. Шунингдек, масофавий таълим шакллари, масофавий таълим олиш методлари ва бу методларнинг аҳамияти ҳақида келтирилган.

Калит сўзлар: масофавий таълим олиш шакллари, маъруза, консультациялар, лаборатория ишлари, намойиш тажрибалар, назорат ишлари, мустақил иш, вебинар, масофавий таълим олиш методлари, хулоса, ахборот-рецептив методи, репродуктив метод.

Ривожланган демократик давлатлар даражасидаги олий маълумотли юқори малакали кадрларни тайёрлаш замонавий ўқитиш технологияларини асосида амалга оширилиши лозим.

Илм-фан ривожи, бу олий маълумотли мутахассисларнинг фаолиятидир. Шу жумладан олий маълумотли мутахассисларни тайёрлашда уларнинг ўта иқтидорлиларига замонавий ахборот оқимини ўзлаштиришга, илмий текшириш фаолияти индивидуал ва мустақил ишлаш кўникмаларини ривожлантиришга, илмий-техникавий информация ва ўқув илмий адабиёт билан ижодий ишлай олишга имконият бериши лозим.

Маълумки, таълим жараёнига замонавий ўқитиш технологияларини тадбиқ этиш орқалигина замон талабига мос мутахассис кадрларга эришиш мумкин.

Технологияларидан ва замонавий таълим усулларида, зарурий ўқув материалларидан фойдаланиб, мустақил билим олиш ва амалий фаолиятга ўргатиш назарда тутилади [7, 8].

Умумқасбий фанларни ўқитишдаги дастурли-услубий тизимида назарий маълумотлар муҳим роль ўйнайди. Айниқса талабаларни фанга тегишли бўлган белгилар, қонунлар, тушунчалар, моделлар ҳақидаги назарий аҳамиятга эга бўлган маълумотлар пропедевтик

маълумот бўлиб ҳисобланади [10]. Бундай, мавжуд илмий-назарий маълумотлар асосида амалий аҳамиятга эга бўлган аниқ муаммо ҳал бўлади ва таълим методи танланади. Танланган таълим методи бўйича иш олиб борилиб таълим сифати ва самарадорлиги назорат қилинади.

Ишлаб чиқилган амалий дастурлар мажмуи қуйидагиларни ўз ичига олади:

- умумқасбий фанларни ўқитиш учун зарур бўлган ахборот технология воситаларини аниқлаш;

- ахборот технологиялари воситаларининг қўлланилиш даражасини аниқлаш;

- илгор педагогик технологиялар бўйича кўрсатмалардан фойдалана олиш қобилиятини аниқлаш;

- ўқув жараёнини назорат қилиш ва бошқариш методикасини жорий эта олиш қобилиятини аниқлаш;

- назария билан амалиёт алоқасини ўрната билишни аниқлаш;

- мавжуд илгор технологияни бошқа фанларни ўқитишга жорий қила билиш қобилиятини аниқлаш;

Амалий дастурлар мажмуи мазмунига кўра қуйидагиларни ўз ичига олади:

- барча академ гуруҳлар бўйича дастлабки маълумотлар йиғиш;

- ўрганиладиган фан бўйича ҳар бир талабада маълумот бўлиши;

- талабаларнинг рейтинг баллари натижалари (ҳар бир гуруҳ бўйича) бир фан бўйича (ойлик, ҳафталик, ярим йиллик, йиллик);

- фан бўйича ўтилган ўқув соатлари миқдори;

- фан бўйича ўзлаштириш натижалари жадвали.

Маълумки, ҳар қандай педагогик натижа талабаларнинг ўзлаштириш даражаси бўлади. Бунда ўзлаштириш даражаси ўқув режаси, улардаги фанлар ҳамда ҳар бир фан бўйича давлат таълим стандарти талабларидаги билим, кўникма ва малакалар эътиборга олинади [3].

Буларни эътиборга олиб, дастурли-услубий тизимни умумқасбий фанларини ўқитиш ва шу асосда уларни ўқитиш мониторингини аниқлаш қуйидаги кетма-кетликда амалга ошириш мумкин эканлигини илмий асосланди:

- ўрганиладиган фан бўйича дастлабки маълумотларни йиғиш ва синфларга ажратиш;

- маълумотлар ҳажмини аниқлаш (назарий, амалий, справочник ва мустақил таълим бўйича);

- дастлабки маълумотлар ўртасидаги боғланишларни ўрнатиш;

- бу боғланишлар моделлаштирилади ва улардан амалий ишларда фойдаланиш мезонлари аниқланади;

- талабани дастурли-услубий таъминот бўйича таълим олишга ўргатиш;

- компьютердан фойдаланган ҳолдаги таълимни олиб боришга талабани тайёрлаш;

- мунтазам равишда талаба билимини кузатиб бориш ва тузатиш ишларини амалга ошириш.

Бизнинг фикримизча, қаралаётган дидактик босқичнинг миқёсида маърузаларнинг аҳамияти катта. Маърузаларнинг таъриф тавсифи ва типологияси хусусидаги мунозараларга тўхталмасдан, шуни таъкидлаймизки, айти босқичнинг маърузалари бу - аввало ўрганиш предметининг асосий мазмунини тизимли равишда юксак савияда (юқори малакали) баён қилишдир (тақдим этиш). Бундай маърузаларнинг ўқув мақсадлари талабаларни фаннинг маълум соҳаларидаги асосий назарий қонун ва қоидалари, ўрганиш предметининг тамойиллари ва қонуниятлари, амалий қўлланилиш соҳалари, бугунги аҳволи ва ривожланиши истикболлари билан таништиришдир. Бундай маърузалар бўлажак мутахассиснинг гоъвий-назарий ва қасбий-малакавий шаклланишининг ибтидоси бўлиб хизмат қилади.

Маълумки, танишиш бу ҳис қилиш ва ўзлаштиришдан иборат. Ҳис қилиш (сезиш) – сезги аъзоларига таъсир қилувчи предметлар ёки ҳодисаларнинг хусусиятлари ва сифатларининг онгда акс этишининг дастлабки руҳий жараёнидир (акти), ҳис қилиш (сезиш) сифати сезги аъзоларининг сезувчанлигига ва таъсир қилувчининг (кўзгатувчининг) хусусий

характеристикаларига боғлиқ. Қабул қилиш, ҳис қилиш (сезиш) асосида содир бўлади ва моҳиятни англаб етиш ва тушуниш билан чамбарчас боғлиқ [4, 9]. Ўзлаштириш - бу фикрлаш жараёни бўлиб, бунинг натижасида онгда ўрганиш объектининг аниқ тимсоли ҳосил бўлади. Таълимдаги зарур ўзлаштириш, ҳам бевосита, ҳам кўргазмалилик воситаларини, белгиларни ва илмий усулларни қўллаш билан воситали равишда юз бериши мумкин. Воситали ўзлаштириш бевосита ўзлаштиришга нисбатан ахамиятлироқ, чунки бунда нафақат ҳодисанинг ташқи кўриниш, балки унинг моҳияти ва қонуниятини очиқ бериш ва тушунтириш мумкин бўлади [1, 5].

Тадқиқотлар кўрсатадики биринчи курс талабалари воситали равишда ўзлаштиришга тўла даражада тайёр бўлмайдилар: улар учун формулалар ва белгиланишлар (символлар) ортида реал шакл(тимсол)ни кўриш қийин бўлади. Бир қанча фундаментал фанларнинг юқори даражада математикалашганлиги тамойил жихатидан замонавий фан талабларига жавоб бериши билан бирга ўзининг салбий дидактик оқибатларига ҳам эга.

Масалан, иқтисодий масалалар натижасини топиш мавзуси каби, маърузалардан секин-аста маърузавий эксперимент чекиниб бормоқда, кўргазмавий воситалар (макетлар, моделлар, иллюстратив жадваллар ва бошқалар) кам қўлланилмоқда. Икки соат давомидидаги математик амаллар талабаларга ўрганаётган ҳодисанинг физик моҳиятини пухта (синчиклаб) тушунтириш ва кўргазмали тасвирлаш учун вақт қолдирмайди. Натижада талаба ўқув материалларини юзаки ўзлаштиради, тажрибали педагогларнинг таъкидлашича, талаба хулоса ва формулаларни билади, аммо мутлақо ҳеч нарсани тушунмайди [2].

Шундай қилиб, қаралаётган босқичдаги маърузаларда конкрет ва мавҳум томонлар пухта ўйланган, қатъий аниқланган бўлиши зарур. Бундан ташқари, аввалгидек ўзининг имкониятлари билан мавҳум тушунчаларни маълум даражада моддийлаштира оладиган (материаллаштирадиган), уларни талабалар учун тушунарли бўлган конкрет шаклларда тақдим этадиган ўқитиш воситаларини қўллаш зарур.

Бугунги кунда бундай ўқитиш воситаларига асосан статик ва динамик проекцион жиҳозлар, модел қурилмаларини киритиш мумкин. Статик проекцион жиҳозлар ёрдамида бу муаммони ҳал қилиш қийин, чунки жараёнларнинг динамикасини акс эттириш имконияти йўқ. Динамик проекция жиҳозларининг имкониятлари юқори: ўқув кинофильмларида, мультимедиа, компьютер экранларида кўринмайдиган жараёнлар ва ҳодисаларни кўрсатиш, мультимедиа воситалари билан жараёнларнинг қонуниятлари ва физик моҳиятини қайд этиш мумкин. Аммо методик нуқтаи назардан маъруза жараёнида кинофрагментлар ва компьютер технологияларидан фойдаланиш бир қанча жиддий чекланишларга эга. Ўқув фильми, айниқса мультимедиа (мультимедиа) ўзига хос даражада шартли, маълум рангли ахборотга ва одатда ортиқча эмоционалликка эга. Тасвир қатъий дастур бўйича кечади, жадаллик маърузачига боғлиқ бўлмай, у ўзининг баён қилиш услубини экрандаги тасвир мазмунига мослаштиришга мажбур. Тасвирни намойиш қилиш талабанинг диққатини унга йўналтиради ва конспект ёзишда маълум қийинчиликлар тугдиради. Маърузачининг аудитория билан алоқасининг узилиб қолиш эҳтимоли мавжуд бўлиб, уни қайта тиклаш маҳсус чоралар талаб қилади. Ўқув фильмлари, мультимедиа ва бошқа кўргазмали воситалар(қурилмалар)нинг ролини инкор қилмаган ҳолда биз умумилмий циклнинг фундаментал фанлари бўйича маърузаларда абстрактликни “жонлантириш”нинг оптимал воситаси модел қурилмалари деб ҳисоблаймиз.

Натурал моделларни, ҳодисалар ва жараёнлар моделларини, илмий назариялар ва комбинациялашган моделларни маъруза тажриба-синови ёки намойиш шаклида қўллаш мавҳумликни аниқлик билан боғлаш вазифасини ҳал қилади ва шу асосда талабаларнинг мураккаб ўқув ахборотини (бошлангич) ўзлаштириш сифатини яхшилади [6].

Педагогик дастурий воситаларнинг гиперматн ҳужжатларини ишлаб чиқишда Microsoft Front-Page (HTML-Hyper Text Markup Language), Alliare Home Site (HTML), Microsoft Power Point, Microsoft Word каби дастурий воситалардан фойдаланилади¹⁷².

¹⁷² Бегимкулов У.Ш. ва бошқалар. Педагогик таълимни ахборотлаштириш: назария ва амалиёт – Тошкент: Фан, 2011. – 178 б.

Мавзунинг асосий тушунчаларига оид ўқув материалларини яратишда растрли ёки векторли расмлар билан ишловчи дастурлардан фойдаланиш зарур бўлади. Улар қаторига Corel Draw, Corel Xara, Corel Photo Paint, Adobe Photo Shop, Adobe Illustrator кабиларни киритиш мумкин.

Динамик иллюстрацияли ўқув материаллари яратишда Disreet 3D Studio MAX, Alais Wave Front, Maya, Light Wave, SoftImage 3d, Adobe Image Ready, Gif Animator, Macromedia Flash, Adobe Premier каби махсус дастурлардан фойдаланилади.

Овозли жараёнларни тақдим этиш ва овозни таҳрир қилиш Sonic Foundry Sound Forge, Wave Lab, Sound Recorder ва бошқа дастурлар ёрдамида амалга оширилади.

Маълумотлар базаларини яратишда Microsoft Excel, Microsoft Access каби дастурлар қўлланилади.

Педагогик дастурий воситаларни Интернет тармоғига жойлаштиришда HTML гиперматн ҳужжатларидан фойдаланилади, чунки у Интернет тизимининг гиперматнли тили ҳисобланади ҳамда унда яратилган ҳужжатларни ўқиш дастури Microsoft Windows нинг операцион тизими таркибига киради. Шунини таъкидлаш жоизки, бунда педагогик дастурий воситаларнинг имкониятлари ва мукамаллиги фақат дастурчининг қобилият даражаси билан чегараланади. Мультимедиа дастурий маҳсулотларини яратиш учун жуда катта тайёргарлик зарур. Бу ерда тайёргарликни қуйидаги босқичларда амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

- информатиканинг умумий асослари;
- графика билан ишлаш;
- овоз билан ишлаш;
- интеграциялашган муҳитда ишлаш;
- ўргатувчи дастурларни яратиш методикасини эгаллаш.

Одатда ўргатувчи мультимедиа дастурий воситалар яратиш билан компьютер дастурчилари шуғулланидилар. Аммо бу дастурчилар ўзлари яратаётган маҳсулот сифати бўйича етарли билимга эга бўлсаларда, кўп ҳолларда ўқитиш методикасини етарлича ўзлаштирмаган бўлишлари мумкин. Бу эса ўргатувчи дастурий воситанинг методик талабларга тўлиқ жавоб беришини таъминлай олмайди. Шу сабабдан, дастурий мультимедиа маҳсулотларни ярата олиш малакасини шакллантиришда кўп босқичли тайёргарликни амалга ошириш зарур.

Ривожланган демократик давлатлар даражасидаги олий маълумотли юқори малакали кадрларни тайёрлаш, қуйидаги шартлар асосида амалга оширилиши лозим.

1. Электрон ахборот таълим муҳитида касбий таълим жараёнларини ташкил этишда касбий таълимнинг электрон ахборот таълим муҳитини, интеграллашган ахборот-таълим ресурсларини яратишни таълим сифатини оширувчи омил сифатида тадқиқ этишни тақозо этади. Бундай муҳитда бўлажак иқтисодчиларни тайёрлаш сифатини янада ошириб боришга қаратилган қуйидаги илмий-методик вазифаларни амалга ошириш лозим деб ҳисоблаймиз: олий таълим муассасаларида иқтисодчиларни тайёрлашга нисбатан технологик ёндашувга эришиш; олий таълим тизимида ахборот технологиялари имкониятларидан касбий таълим жараёнида фойдаланиш имконини берувчи электрон ўқув-методик таъминотни ҳамда ундан фойдаланиш методикасини ишлаб чиқиш; касбий таълим йўналишлари педагоглари ва талабаларда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилувчи кўп босқичли тизимни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш.

2. Касбий таълим жараёнларини такомиллаштиришга хизмат қилувчи қуйидаги масалаларга эътибор қаратиш зарурияти мавжуд деб ҳисоблаймиз: эришилган ижобий натижаларни умумлаштириш ва ривожлантириш асосида касбий таълим соҳалари бўйича таълимнинг ягона ахборот-таълим порталларини яратиш; касбий таълим тизимида фанларнинг ягона ахборот-методик таъминотини амалга ошириш имкониятини берувчи фан порталларини яратиш; ахборот-таълим порталининг ресурсларидан касбий таълим ўқув жараёнида фойдаланиш методикаларини ишлаб чиқиш.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Амонашвили Ш.А. Психологические основы педагогики сотрудничества. – Киев: “Освита”, 1991. – 111 с.
2. Гершунская Р.С. Дидактические условия применения средств обучения в профессиональной подготовке учащихся: Автореф. дисс. ... канд.пед.наук. – Казань, 1987. – 22 с.
3. Наумкина Ю.Б. Самосовершенствование учителей с разными уровнями профессионально-педагогической компетентности. // Социальная психология XXI столетия. Т. 3 / Под редакцией проф. Козлова В.В. Ярославль, 2002. – С. 285.
4. Пинчук В. Инновационные процессы - основа проектирования новых образовательных технологий // Образование и управления. 1998. – № 3. - С. 96.
5. Рогов Е.И. Личностно-профессиональное развитие учителя в педагогической деятельности: Дисс. ... докт. пед. наук. – Ростов на Дону, 1999. – 341 с.
6. Рубашкин А.Г., Чернишевский Д.В. Лаборатно—практический работы по технической механике. М.: «Высшая школа», 1975.
7. Сайидахметов Н.С, Очилов А. Янги педагогик технология мохияти ва замонавий лойихаси. Т.: ХТВ РТМ. 1999.
8. Сайидахмедов Н. Янги педагогик технологиялар (назария ва амалиёт) – Т.: Молия, 2003 –172 б.
9. Chambers, W.N. Creative Scientist of Today/ W.N. Chambers// Science.– L., – Vol. 145.
10. Ходжабоев А.Р. Научно — педагогические основы учебно — методического комплекса подготовки учителя труда. Автор. док дисс... Т.: 1992. – 42 с.

ПАЛОМНИЧЕСКИЙ ТУРИЗМ В БУХАРЕ И РОЛЬ МАРКЕТИНГА В ЕГО РАЗВИТИИ

Г.А.Солиева, доктор философии (PhD)

Р.М.Каримжанова, старший преподаватель

Наманганский инженерно-технологический институт

Туризм в Узбекистане сегодня – это разнообразные виды турпродукта на самый взыскательный вкус: исторический и культурный туризм, этнический туризм, экологический туризм, оздоровительный туризм и МICE-индустрия (от англ. аббревиатуры MICE - meeting - встречи, incentive – инсентив-туры, conference - конференции, events - корпоративный отдых).

Туризм в Узбекистане традиционно ассоциируется с городами-объектами Всемирного наследия ЮНЕСКО –Самаркандом, Бухарой и Хивой.

Растёт количество туристов, ежегодно приезжающих в Узбекистан: в 2005 году количество туристов, посетивших Узбекистан, составило 240 тысяч человек из 117 стран мира, а в 2017 году Узбекистан посетили более 2,5 миллиона туристов. Количество туристов в 2018 году составил 5,3 миллионов, из них 5 миллионов из стран СНГ, 325 тысяч из дальнего зарубежья.

Бухара — один из древнейших городов Средней Азии и один из наиболее великих торговых центров на Шелковом пути. Древнее поверье гласит: на все мусульманские города с неба нисходит благодатный свет, и только над Бухарой он поднимается к небу. Город не зря зовется «опорой ислама». В Средние века мусульмане называли этот город Бухоро-и-Шариф, то есть «Священная Бухара». Здесь сосредоточено небывалое количество мечетей, а также находятся усыпальницы многих исламских святых. Действительно, Бухара не уступает Самарканду по обилию и значимости святых мест и архитектурных шедевров. Такие достопримечательности, как небольшой мавзолей Саманидов, недавно отметивший свое

тысячелетие, Кош-Мадрас, минарет Калон и архитектурный комплекс Пои-Калян, были выстроены примерно 2300 лет назад и привлекают множество туристов.¹⁷³

Из года в год увеличивается спектр туристических услуг, предоставляемых местными туроператорами для привлечения большего количества путешественников. Важнейшим направлением деятельности фирм, работающих в туристической сфере, являются продвижение турпродукта на рынок, реклама и реализация подготовленного турпакета. В настоящее время средства массовой информации, специальные издания, рекламные проспекты буквально переполнены разнообразными туристскими предложениями, и путь турфирмы к успеху заключается в том, чтобы довести до потенциального клиента соответствующую информацию и вызвать его ответные действия. Эта задача выполнима, если руководство фирмы обладает знаниями в области маркетинга или в фирме существует отдел маркетинга и рекламы.

Маркетинг в туризме представляет собой процесс организации деятельности турфирмы по разработке, формированию и продвижению новых видов туристских и экскурсионных услуг с целью получения прибыли на основе повышения качества туристского продукта и учитывая особенности потребностей туристов. Маркетинг в индустрии туризма предназначен для того, чтобы помочь в оценке услуг турфирмы, а также совершить клиентам верный выбор.¹⁷⁴

Чтобы понять, насколько важна роль маркетинга в сфере туризма, необходимо обратить внимание на следующее:

1. Основной задачей маркетинга является не пассивное следование за спросом, а активное его формирование на основе прогноза его развития. Для этого конечно же надо проводить маркетинговые исследования. Цель маркетингового исследования — создать информационно-аналитическую базу для принятия управленческих решений, что позволяет быть ближе к потребителю, понимать и чувствовать его потребности и настроение.

2. При реализации туристического продукта особенно важно проводить достоверные информационные мероприятия по отношению к клиентам. Применение средств маркетинговых коммуникаций, таких как реклама, PR (public relations), sales promotion (стимулирование сбыта), директ-маркетинг и брендинг может помочь при решении этой задачи.

3. В системе управления маркетингом в туризме необходимо учитывать кроме материальных аспектов, психологическое и эмоциональное состояние потребителя, а также его индивидуальные особенности. Необходимо провести психографическое и поведенческое сегментирование потребителей. Здесь нужно учесть демографические и социальные факторы, такие как, возраст населения и др., исходя из этого обратить внимание на развитие семейного туризма, на туризм для людей пожилого возраста.

Таким образом, мы видим, что маркетинг в сфере туризма служит основой планирования каждого аспекта ее деятельности.

Список использованной литературы:

1. Ф. Котлер. Краткий курс. Издательский дом "ВИЛЬЯМС" Москва. Санкт-Петербург. Киев 2007

2. А. Солиев. Маркетинг. Бозоршунослик. Тошкент "ART-FLEX" нашриёти, 2008-416 б.

3. Т. М. Братенкова. Маркетинг в туристической индустрии: тексты лекций для студентов специальности 1-89 02 02 «Туризм и природопользование». Минск: БГТУ, 2014. — 127 с.

¹⁷³ <https://tonkosti.ru/>

¹⁷⁴ Т. М. Братенкова. Маркетинг в туристической индустрии. Тексты лекций для студентов специальности 1-89 02 02 «Туризм и природопользование». Минск 2014. БГТУ

ПРОБЛЕМЫ ВНЕДРЕНИЯ ИННОВАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ В УЧЕБНЫЙ ПРОЦЕСС ДЛЯ ПОДГОТОВКИ КАДРОВ СФЕРЫ ТУРИЗМА

*Усманова Нигина Маруповна
преподаватель СИЭС кафедры «Менеджмента»*

Қисқача шарх: Мақола туризм ва сервис соҳасида кадрларни тайёрлашда ходимлари учун чет тилини ўқитиш таълим жараёнида инновацион технологияларни жорий этиш тамойилларини очиқ беради. Мақолада турли суҳбат усуллар кўриб чиқилади.

Калит сўзлар: Нутқ, мулоқат, таклиф, мақсад, чексиз, бадиий адабиёт, танишув, санъат, мустақил.

Глобальной целью образование является предоставление равных возможностей получения образования высокого уровня всем желающим, независимо от места их проживания и времени, дня полноценного и эффективного участия в общественной и профессиональной областях в условиях информационного общества.

Благодаря высокому интеллектуальному потенциалу и творческим подходам к управлению кадрами созрели все условия для освоения инновационных, образовательных технологий и создание коммерческих учебных заведений, ориентированных на потребности рынка, участие молодежи в развитии сферы услуг, сервиса и туризма.

Решается и проблема занятости молодежи, их участие в сфере услуг, сервиса и туризма. Молодые специалисты могут с помощью Интернета находить работу на мировом рынке и плодотворно трудиться, не меняя места жительства.

Главным способом комплексного решения этой проблемы может стать повсеместное внедрение обучения проблем разработки терминов сферы услуг, сервиса и туризма. Это позволит восполнить отсутствие достаточного количества высококвалифицированных кадров в регионах. Уровень знаний студента мало будет зависеть от неспособных, не творчески относящихся к своему делу педагогов, которые, к сожалению, встречаются еще в наших учебных заведениях. Кроме того, они сами, в ходе учебного процесса, станут повышать свою квалификацию ориентируясь на виртуальные лекции лучших профессоров. То есть 2-3 высококвалифицированных педагога по каждому предмету займутся разработкой образцовых лекций с учетом международных стандартов, затем их будут распространять повсеместно и транслировать во время занятий в аудитории или самостоятельной работы. По этой же схеме и для преподавателей будут организованы занятия по основам развития инфраструктуры туризма. Таким образом, соблюдаются два важнейших условия: значительно сокращают сроки подачи учащимся новой и качественной учебной информации и, одновременно, налаживается процесс массового непрерывного повышения квалификации кадров без отрыва от обучения учащихся. К тому же, со временем отпадет необходимость в огромном количестве преподавателей, а значит, больше внимания и средств можно будет уделять повышению качества их профессиональной подготовке.

Конец XX века и начало нынешнего столетия ознаменовались бурным развитием туристического бизнеса. Столь значительный рост этого бизнеса об условен не высоким уровнем первоначальных капиталовложений, особенно в сферах связанных с оказанием услуг и производство потребительских товаров.

Как правило туристический бизнес представлен небольшими предприятиями, где работают не более 15-20 человек, однако именно они обеспечивают около 60% прироста новых рабочих мест.

Одной из первоочередных проблем при создании туристического бизнеса становится кадровая политика. В связи с тем, что на протяжении многих лет подавляющее большинство предприятий были государственными, отсутствовала четко выработанная система использования и развития человеческих ресурсов.

В настоящее время при многообразии форм собственности и строящихся рыночных отношениях, возникает конкуренция при которой не обойтись без продуманной системы стратегии управления человеческими ресурсами.

Любое предприятие независимо от его размеров требует правильного управления предприятием подразумевает действия его руководителей направленные на достижение той или иной поставленной цели.

Туристический менеджмент как система управления предприятием действующим в условиях рыночной экономики предполагает создание условий, необходимых для их эффективного функционирования, развития производственно- хозяйственной деятельности.

Речь идет о такой системе управления, которая порождена объективной необходимостью и закономерностями рыночных отношений хозяйствования, связанными с ориентацией фирмы на спрос и потребности рынка, на запрос индивидуальный потребитель; обеспечением заинтересованности работников наивысших конечных результатах; широким использованием научно-технических достижений; регулированием межфирменных отношений.

Однако многие предприниматели недооценивают или вообще игнорируют человеческий фактор, и как следствие испытывают трудности в развитии бизнеса, сами того не понимая, от чего это происходит. Опыт зарубежных фирм показывает, что успех сопутствует тем компаниям, которые ориентируются на перспективу инновационного управления трудом, что означает поворот туризма к формированию новых моральных ценностей, разделяемых всем персоналом фирмы. «Туристический менеджмент» прежде всего означает сферу деятельности, связанную с организацией работы людей в организациях различного рода. Следовательно, особое место в работе туристических компаний занимает управление персоналом.

Управление персоналом является одним из трех блоков составляющих экономический механизм. Он направлен на решение конкретных проблем взаимодействия в реализации социально-экономических задач, возникающих в процессе хозяйственной деятельности. Экономический механизм туристической компании объективно обусловлен осуществлением хозяйственной деятельности фирмы в рыночных условиях, когда результаты управленческой и хозяйственной деятельности получают оценку на рынке в процессе обмена.

Вот тут и начинается проявляться необходимость слаженной структуры управления человеческими ресурсами.

Чтобы нанять соответствующих работников руководство обязано знать какие задачи им предстоит решать в процессе трудовой деятельности. Эти сведения обеспечивают анализ содержания работы, служащий надежным основанием для принятия необходимых решений.

Исходя из вышеизложенного задачами управления персоналом является:

Политики и стратегия развития управления персоналом

Организация системы селекции, продвижения кадров, обучение персонала.

Оценка мотивации труда

Управление конфликтами

Делегирование полномочий

Выработка политики и стратегии управления персоналом является важным моментом успешного туристического менеджмента. Здесь важно знать вопрос планирования трудовых ресурсов. Планирование трудовых ресурсов по существу представляет собой применение процедур планирования для комплектации штатов и персонала. Этот процесс включает в себя: оценку наличных ресурсов, оценку будущих потребностей, разработку программ удовлетворения будущих потребностей. Очень часто в сфере туристического бизнеса практически не решается в системе управления. У руководителей фирм нет четкой картины по стратегии развития кадрового потенциала, планирования штатов. Набор имеет целью создания резервов кандидатов на все должности, из которого менеджер отбирает наиболее подходящих для неё работников, причём используются как внешние так внутренние источники.

На этапе отбора кадров руководство выбирает наиболее подходящих кандидатов из созданного резерва. Учитывается образование кандидата, уровень его профессиональных навыков, опыт предшествующей работы, личные качества. Используются испытания, тесты, собеседования.

Список использованных литератур

1. Наумкина Ю.Б. Самосовершенствование учителей с разными уровнями профессионально-педагогической компетентности. // Социальная психология XXI столетия. Т. 3 / Под редакцией проф. Козлова В.В. Ярославль, 2002. – С. 285.
2. Пинчук В. Инновационные процессы - основа проектирования новых образовательных технологий // Образование и управления. 1998. – № 3. - С. 96.
3. Рогов Е.И. Личностно-профессиональное развитие учителя в педагогической деятельности: Дисс докт. пед. наук. – Ростов на Дону, 1999. – 341 с.
4. Рубашкин А.Г., Чернишевский Д.В. Лаборатно—практический работы по технической механике. М.: «Высшая школа», 1975.

ПУТИ РАЗВИТИЯ ОТЕЧЕСТВЕННОЙ ИНДУСТРИИ ТУРИЗМА

*Маликова Дилрабо Муминовна,
ассистент, Самаркандский институт экономики и сервиса*

Аннотация: в данной статье рассматриваются индустрия туризма, ее значимость для экономики страны, а также пути повышения туристической привлекательности.

Ключевые слова: туризм, турист, индустрия туризма, туристский продукт, золотые монеты и слитки.

В соответствии с приоритетными направлениями развития и либерализации экономики определенных согласно Указу Президента Республики Узбекистан «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года за регистрационным номером УП-4947 ускоренное развитие индустрии туризма, повышение ее роли и вклада в экономику, диверсификация и улучшение качества туристских услуг, расширение туристской инфраструктуры.

В целях исполнения указанных в третьем направлении мер по развитию и либерализации экономики, предусматриваются обеспечение стабильности национальной валюты и цен, поэтапное внедрение современных рыночных механизмов валютного регулирования, расширение доходной базы местных бюджетов, расширение внешнеэкономических связей, внедрение современных технологий для производства экспортоориентированной продукции и материалов, развитие транспортно-логистической инфраструктуры, повышение инвестиционной привлекательности для развития предпринимательства и иностранных инвесторов, улучшение налогового администрирования, внедрение современных принципов и механизмов регулирования банковской деятельности, развитие многопрофильных фермерских хозяйств, а также ускоренное развитие индустрии туризма.

В настоящее время в международной практике широко используется определение, выработанное Международной конференцией по статистике путешествий и туризма (Оттава, 1991 г.) и одобренное ВТО и Статистической комиссией ООН. Согласно ему, турист - это посетитель, т.е. «лицо, которое путешествует и осуществляет пребывание в местах, находящихся за пределами его обычной среды, на срок не более 12 месяцев с любой целью, кроме занятия деятельностью, оплачиваемой из источников в посещаемом месте».

Отправиться в путешествие каждый год стремятся миллионы людей во всем мире. Индустрия туризма в новом веке занимает первое место в мировом экспорте товаров и услуг. Туристический поток уже превышает один миллиард человек в год. Менее известно, что

туризм является одной из крупнейших высокодоходных и наиболее динамичных отраслей экономики.

В стране насчитывается более 7 тысяч объектов культурного наследия, уникальных памятников истории, древней архитектуры и культуры. Четыре узбекских города – Самарканд, Бухара, Хива и Шахрисабз уже давно включены в список Всемирного Наследия ЮНЕСКО.

Все туристы стремятся получить как можно больше услуг, сделать покупки по своему усмотрению, причем на развлечения и магазины тратят ежедневно значительно больше, чем в повседневной жизни. Собственно, свободная трата денег и является расслаблением и удовольствием для многих людей.

Правительством страны уделяется большое внимание развитию сферы туризма. Расширение сферы услуг, включая отрасль туризма, определено как один из важнейших приоритетов развития социально-экономического развития страны. В стране созданы все условия для того, чтобы сфера туризма стала одной из важных составляющих социально-экономического комплекса страны. А это огромный вклад в создание новых рабочих мест, повышение благосостояния населения, рост валютных и налоговых поступлений.

Разветвленная сеть коммерческих банков представляет большой спектр банковских услуг, включая оплату за товары и услуги банковскими картами.

В соответствии с Указом Президента Республики Узбекистан «О мерах по обеспечению ускоренного развития туристской отрасли Республики Узбекистан» от 2 декабря 2016 года за регистрационным номером УП-4861 предусмотрено формирование и последовательную реализацию целостной концепции развития туризма, придание туризму статуса стратегического сектора экономики, превращение этой отрасли в мощный инструмент устойчивого развития, структурных преобразований и диверсификации экономики, который должен стать локомотивом для ускоренного комплексного развития всех регионов и сопряженных отраслей, осуществление системных мер по увеличению вклада туризма в создаваемом валовом внутреннем продукте, доходах местных бюджетов, обеспечению занятости, повышению уровня и качества жизни населения.

Согласно Указу Президента Республики Узбекистан «О дополнительных организационных мерах по созданию благоприятных условий для развития туристского потенциала Республики Узбекистан» от 3 февраля 2018 года за регистрационным номером УП-5326 в целях создания наиболее благоприятных условий для развития туристского потенциала республики, в первую очередь за счет активного привлечения инвестиций, внедрения инновационных идей и технологий в данную сферу, а также всестороннего использования имеющихся возможностей и ресурсов богатого природного, культурного и исторического наследия страны предпринимателям предоставлены ряд льгот для развития индустрии туризма. Помимо этого, Постановлением Президента Республики Узбекистан «О мерах по дальнейшему совершенствованию деятельности Государственного Комитета Республики Узбекистан по развитию туризма» от 6 февраля 2018 года за регистрационным номером ПП-3510 пересмотрена деятельность Государственного Комитета Республики Узбекистан по развитию туризма.

На основании Постановления Президента Республики Узбекистан «О мерах по организации производства мерных слитков из драгоценных металлов и регламентации функционирования рынка драгоценных металлов в Республике Узбекистан» от 7 июня 2018 года в Навоинской области завершат строительство комплекса по производству золотых и серебряных мерных слитков, а продавать слитки смогут и частные компании. Мерные слитки из драгоценных металлов – золота и серебра – весом от 5 до 1000 г будут производиться в новом комплексе на базе Навоинского горно-металлургического комбината с начала весны 2019 года. Туристы смогут покупать в Узбекистане золотые мерные слитки. Кроме того, в продажу поступят монеты Центрального банка из драгоценных металлов.

Индустрия туризма – это соответственный производственный комплекс, который включает в себя много отраслей, занимающихся развитием туризма и создающих условия

для путешествий и отдыха. Другими словами индустрия туризма производит туристический продукт, который востребован как на внешнем, так и на внутреннем рынке. Главной задачей индустрии туризма является создание качественного и востребованного туристического продукта.

Продажа золотых монет и слитков окажет позитивное влияние на повышение привлекательности Узбекистана как туристического направления. Туристы из многих стран, в особенности из Индии и Китая любят приобретать золотые изделия в процессе путешествий – это их своеобразная традиция. К этому можно также отнести покупку золотых слитков, что поможет развить рынок драгоценных металлов и сделать Узбекистан еще привлекательнее для туристов.

Рассмотрим преимущества вложения денег в золотые слитки:

✓ золото всегда, во всех странах является ценностью. Оно не дешевеет, а в периоды кризисов, наоборот, поднимается в цене;

✓ золото ценится во всем мире, т.к. это редкий металл. Его запасы в мире не очень велики;

✓ золото – не подвержено коррозии, не теряет своих свойств со временем, не взаимодействует с другими химическими веществами, красивый, надежный металл.

Совокупность этих свойств позволила золоту стать материалом, который так высоко ценится по всему миру. Золото никогда не обесценится, и этот факт должен стать решающим для принятия решения об инвестировании в золотые слитки.

Однако, следует отметить, что основной проблемой препятствующей внедрению нового туристского продукта является отсутствие нормативно-правовой базы, а именно в части норм ввоза и вывоза драгоценных металлов из Узбекистана.

В заключение можно сказать, что во исполнение поставленных задач законодательными актами по развитию индустрии туризма в нашей стране, а именно с целью разработки, с учетом тенденций развития международного туризма и применения современных маркетинговых инструментов, конкурентоспособных туристских продуктов и услуг, выработку стратегии по их продвижению на внутреннем и международном туристских рынках, формированию положительного имиджа страны в сфере туризма путем создания и развития комфортной информационной туристской среды, осуществления широкой рекламно-информационной деятельности, открытия туристских информационных центров в регионах страны и туристских представительств за рубежом, активного использования сети «Интернет», ежегодного проведения Ташкентской международной туристской ярмарки создание подобного рода нового туристского продукта как продажа золотых монет и слитков, будет способствовать повышению туристической привлекательности страны и развитию индустрии туризма, а также расширению источника привлечения иностранных капиталов.

СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННОЙ ЛИТЕРАТУРЫ:

1. Указ Президента Республики Узбекистан «О мерах по обеспечению ускоренного развития туристской отрасли Республики Узбекистан» за №УП-4861 от 2 декабря 2016 года.
2. Указ Президента Республики Узбекистан «О дополнительных организационных мерах по созданию благоприятных условий для развития туристского потенциала Республики Узбекистан» за №УП-5326 от 3 февраля 2018 года.
3. Постановление Президента Республики Узбекистан «О мерах по организации производства мерных слитков из драгоценных металлов и регламентации функционирования рынка драгоценных металлов в Республике Узбекистан» от 7 июня 2018 года.
4. Александрова, А.Ю. Международный туризм / А.Ю.Александрова. - М.: Аспект пресс, 2016. - 470 с.

«ШАЙХ ДОВУД» МУҚАДДАС ҚАДАМЖОСИ ХУСУСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Миромонович Мирзиёев таъкидлаганларидек, «Мовароуннахр гўзал ва бетакрор шаҳарлари Самарқанд, Бухоро. Тошкент, Хива кўп асрлар давомида ислом илм фани, маданияти ва бутун мусулмон цивилизациясининг марказлари сифатида шухрат қозонган. Бу саховатли заминдан Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий, Абу Муин Насафий, Бурҳониддин Марғиноний, Баҳоуддин Накшбанд каби кўплаб буюк аллома ва азиз-авлиёлар етишиб чиқди. Инсоният тарихидаги ноёб ҳодиса бўлган мусулмон ренессанси буюк аждодларимизнинг диний бағрикенглик ва инсонпарварлик борасидаги эзгу ғоялари билан йўғрилган эди. Бу ғоялар бизнинг давримизда Ўзбекистон мустақиллиги йилларида алоҳида, янада теран маъно-мазмун касб этиб бормоқда».¹⁷⁵

Бухоро вилояти Жондор тумани ҳудудида юздан ортиқ қадамжолар, инсонларнинг мангу хобгоҳи ҳисобланмиш қабристонлар мавжуд. Шулардан бири тумандаги йирик, аҳолиси кўп, обод қишлоқлардан бири Далмун маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудига кирувчи Далмун қишлоғи бўлиб, ушбу жой Бухоро – Чорбакр – Далмун – Қизбиби – Варахша тарзида бир чизиқ бўйлаб жойлашган. Бу йўл қадимда Буюк ипак йўлининг Бухородан Хивага элтувчи қадимий ҳамда обод шаҳар ва қишлоқларни бир-бирига боғлаб турган.

Далмун қишлоғи, унинг тарихий этнологик топониими хусусида гапирилганда, X асрнинг Бухоролик тарихчи олими Абу Бакр Муҳаммад ибн Жаъфар ан-Наршахий томонидан 943-944 йилларда ёзилган манба ҳисобланган “Бухоро тарихи” асарида атрофлича маълумотлар келтирилган. Асарнинг XIII боби “Бухоро ва унинг атроф ерларидаги анҳорлар” қисмида Карманадан Бухорогача ўн иккита сунъий сув иншоотлари (анҳорлар) мавжудлиги бирма-бир санаб ўтилган. Манбада номлари келтирилган анҳорларнинг тўққизинчиси “Фаровиз ис-Суфро ёки Коми Даймун” деб таъкидлаб ўтилган¹⁷⁶. Буни филология фанлари доктори Р.Ж.Воҳидов “Бугунги Далмун Муҳаммад Наршахий эслатган Даймундир. Давр ўтиши билан “Й” товуши “Л” айланиб кетган” деб таъкидлайди¹⁷⁷.

Анҳор номидаги “Коми” сўзи – кўп маънони “Мақсад, орзу, ният” маъноларини англатса, Р.Ж.Воҳидов таъкидлаганларидек, “Ком” – Дех, қария, қишлоқ маъносини англатган. Адиб Садриддин Айний эса, “Ком”нинг катта ариқ, катта анҳор маънолари борлигини қайд этган. Демак Далмун, энг аввало сув иншооти номини билдирса, иккинчидан, қишлоқ, ўтроқ жой маъносини ҳам англатади.

Далмун қишлоғида жойлашган Шайх Довуд тепалигининг пайдо бўлиши ҳам тарихан узоқ даврларга бориб тақалади. Тепалик икки қисмдан юқори – шимол томондагиси айлана шаклда бўлиб, жуда баланд, иккинчи, жануб томондагиси чўзинчоқ шаклда нисбатан биринчи тепанинг ярмича баландликка тенгдир. Қадимда баланд тепалик аҳоли яшаш манзилгоҳи бўлган. Баланд тепалик қадимданок қабристон бўлиб, айни пайтда тепалик юзаси ва атрофи бўйлаб, қирқка яқин қабр тошлари мавжуд. Шу ерлик аҳоли вақт-вақти билан ҳашар ташкил этиб қабристондаги тошларни тупроқ ва чангдан тозалаб туради, алоҳида ғишт курсичалар устига тошлар ўрнатиб қўйилган. Қабр тошларининг кўпчилигида чиройли ва битик геометрик шакллар берилган, араб тилидаги хатлар билан безатилган. Тошлардаги битикларнинг айримлари ўз чиройи ва жимжимадорлигини йўқотган бўлсада, айримларидаги ёзувларини ўқиш мумкин.

Шайх Довуд тепалигини рус археологи В.А.Шишкин томонидан ўрганилган. Археологнинг таъкидига кўра бу тепалик Шайх Довуд номи билан манбаларда тилга олинган. Тепалик иккита бир-бирига туташ – юқорисидаги баланд кўрғон шаклида, айлана

¹⁷⁵ Шайх Умар Форук сайдо ал-Жазарий-Нақшбандий. Ўзбекистон авлиёлар ватани. Т., 2019. –Б.3.

¹⁷⁶ Абу Бакр Муҳаммад ибн Жаъфар Наршахий. Бухоро тарихи. Т., 1993.-Б.34., В.А.Шишкин. Варахша.М.-С.24.

¹⁷⁷ Р.Ж.Воҳидов. “Жондор тарихидан лавҳалар”. Жондор овози. 1994 йил, 23 февраль.

кўринишда, иккинчиси ундан жануб томонда анча пастроқ, узунчоқ тепа бўлиб, қадимда ҳам қабристон вазифасини ўтаган бўлиши мумкин. Баланд тепа эса қисман кейинчалик қабристонга айлантирилган ва амирлар, уларнинг яқин кишилари, саййидлар ҳамда уламолар дафн этилган. Шайх Довуд тепалиги устидаги қабр тошлари ўнтаси рус археологи В.Шишкин томонидан ўрганилган ва кимга тегишлилиги аниқланган¹⁷⁸. Битиклардан маълум бўлишича, бу тепаликка асосан XV-XVI асрларда яшаб, оламдан ўтган Бухоронинг мўътабар ва улуг зотлари: амирлар, уларнинг суюкли хотинлари, қизлари, саидлар дафн этилган.

Дала тадқиқотлари натижасида шунга амин бўлдики, тепаликдаги қабр тошларида дафн этилганларнинг кимлиги ва қачон вафот этганлиги даврдан ташқари, Қуръон оятларидан ҳам ўйиб ёзилган¹⁷⁹. Тепаликдаги қабр тошлари бир-биридан фарқ қилади. Ҳозирги даврда тепаликдаги айрим ҳажми ва кўриниши жимжимадор бўлган тошлар атрофида пиёла ва ярим косалар қалашиб ётибди. Тадқиқот сўровлари натижасида шу нарса аниқландики, ушбу ашъёлар айрим шахслар томонидан қадамжодаги тошлар олдида донлар сепиш ҳамда пиёла ярим косаларга сув солиб қўйиш (қушлар еб кетиши) шунингдек, айрим касалга чалинган кўпинча қаттиқ шамоллаб, йўтали кучайиб тез тузалмаётганлар шу тошларга айрим расм-русумларни амалга оширар экан. Бу жараёнда тепаликдаги тошни яхшилаб ювиб тозалаб, унинг устига сув солинган ва касалга чалинган шахс уни ниёт қилиб ялаган. Шунингдек, айрим ҳолларда тошга қаттиқ суртилган ва касалга чалинган шахс ушбу тошдаги қаттиқни ялаб чиққан. Бу жараён икки маротаба қайтарилармиш, шу билан касалликка шифо топиларкан. Дала тадқиқотлари жараёнида ҳудуднинг кекса авлод вакиллари ҳамда айрим исломшунослардан ушбу маросимларнинг ўтказилиш сабаблари сўралган пайтда, халқ эътиқодида тошлардан шифо топиш мақсадида топинишлар мавжуд, аслида эса ушбу тошларда битилган Қуръон оятларининг кучи деб таъкидладилар.

Адабиётлар рўйхати

1. Абу Бакр Муҳаммад ибн Жаъфар Наршахий. Бухоро тарихи. Т., 1993.
2. В.А.Шишкин. Варахша.М.1963.
3. Ҳамро Асадов. Аждодлари қимматли юрт. Бухоро.2011.
- 4.Шайх Умар Форук сайдо ал-Жазарий-Нақшбандий. Ўзбекистон авлиёлар ватани. Т.,2019.

ЎЗБЕКИСТОНДА ТУРИЗМ СОҲАСИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙўНАЛИШЛАРИ

*Раимова М.Дж., Қарши ДУ
Махатов С.И, ТДШИ докторанти*

UNWTO статистика маълумотларига кўра, 2019 йилда дунё бўйлаб хорижий сафарлар 1,5 миллиардга етган ҳамда бу кўрсаткич 2018 йилга нисбатан тўрт фоиз юқори натижани қайд этган. Франция 90 миллиондан зиёд сайёҳ ташриф буюрган мамлакат сифатида энг юқори натижани кўрсатган.

Бутунжаҳон сайёҳлик ташкилотининг сўнги маълумотларига кўра, Ўзбекистон туризм соҳаси энг жадал суръатларда ривожланаётган топ-20 мамлакат рўйхатидан ўрин олган. Мамлакат туризм соҳаси энг тезкор ривожланаётган давлатлар рўйхатида тўртинчи ўринда қайд этилган.

Туризм жаҳон иқтисодиётининг динамик ривожланиб бораётган самарадорлик кўрсаткичи юқори бўлган асосий тармоги ҳисобланади. Айниқса мамлакат валюта тушумлари ва ташқи алоқаларда экспортнинг етакчи кўринишларидан бири сифатида унинг ахамияти кун сайин ортиб бормоқда. Жаҳон миқёсида интеграция жараёнлари ва мамлакатлар иқтисодиётининг ягона иқтисодий маконда яхлит тизим сифатида шаклланиб

¹⁷⁸ Ҳамро Асадов. Аждодлари қимматли юрт. Бухоро.2011.-Б.57-58.

¹⁷⁹ Дала тадқиқотлари. Бухоро вилояти, Жондор тумани. 2018 йил ноябрь.

бораётганлиги сабабли глобаллашув жараёнлари мамлакатимиз иқтисодиётига ҳам ўз таъсирини ўтказмасдан қолмайди.

Барча соҳаларда бўлгани каби туризм соҳасида ҳам ҳал қилиниши керак бўлган қатор муаммо ва камчиликлар мавжуд, албатта. Логистика, инфратузилма, меҳмонхона ва тезюарар поездларда жой етишмаслиги, ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, туризм тармоги кадрлари салоҳиятини ошириш билан боглиқ қатор муаммолар ечими изланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида туризмни иқтисодиётнинг стратегик тармоғига айлантириш устувор вазифа эканини таъкидлади. Жорий йилда хориждан келадиган сайёҳлар сонини 7,5 миллионга, 2022 йилда 10 миллионга ва 2025 йилда 12 миллионга етказиш режалаштирилганлиги, бу орқали туризм хизматлари экспорти жорий йилда 1,5 миллиард доллар, кейинги 5 йилда 3 миллиард долларгача ошириш кўзда тутилганлиги таъкидлаб ўтилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2020 йил 28 январь кuni туризмни ривожлантириш, жисмоний тарбия ва спортни янада оммалаштириш масалалари бўйича йиғилиш ўтказди ва қуйидагиларни таъкидлаб ўтди:

“Бугунги кунда жаҳон туризм бозори ҳажми қарийб 9 триллион долларни ташкил этмоқда. Дунёда иш билан банд аҳолининг ҳар ўнинчиси ушбу соҳада фаолият юритмоқда.

Таҳлилларга кўра, туристлар ҳаво транспортида учиб вақти 5 соатгача бўлган ўлкаларга энг кўп сайёҳат қилади. Мамлакатимиз атрофида бундай масофада 60 га яқин давлат, 3 миллиард аҳоли бор. Йилига уларнинг қарийб 360 миллиони хорижга сайёҳат қилади. Бу улкан туризм бозори дегани.

Ўтган йили юртимизга 6,7 миллион нафар сайёҳ келган. Диёримиз 10 дан ортиқ нуфузли халқаро наирларда энг жозибали туристик маскан сифатида эътироф этилди”.

Ўзбекистон Республикасининг “Туризм тўғрисида”ги Қонуни янги тахрирда 2019 йил 18 июлда ЎРҚ-549-сон билан эълон қилинди.

Янги қонуннинг алоҳида боби туристик зоналар ва кластерларга багишланган. Биринчиси учта турга бўлинади: эркин туристик зона (шу каби зона Чорвоқда ташкил этилган), кичик туристик зона (Сурхондарё вилояти, Урганч ва Хивада мавжуд) ва махсус туристик зона.

Қуйидагилар тармоқни давлат томонидан тартибга солиш дастаклари ҳисобланиши белгиланди:

- тулоператорлар ва турагентларни лицензиялаш (экскурсия хизматлари кўрсатувчи якка тартибдаги тадбиркорларга лицензия талаб қилинмайди).
- тулоператор хизмати, жойлаштириш воситалари, тоғ чангиси трассалари ва пляжлар, шунингдек гидлар (гид-таржимонлар), экскурсия етакчилари ва йўриқчи-йўл бошловчиларни мажбурий равишда сертификатлаштириш;
- тулоператорлик, турагентлик фаолиятини ва туристик индустрия объектларини стандартлаштириш.

Бундан ташқари, қонунда туристик маҳсулотни шакллантириш, тарғиб этиш ва реализация қилишнинг ўзига хос хусусиятлари, соҳа субъектларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, уларни бирлаштириш тартиби, шунингдек туристлар ва экскурсантларнинг хавфсизлиги кафолатлари акс этган.

Туризмнинг миллий иқтисодиётдаги ўрни ва роли туристик бизнеснинг ривожланишидаги бекиёс устунликлари билан белгиланишини кўрсатади. Жаҳон иқтисодиётининг муҳим компоненти бўлган халқаро туристик бизнес ташқи иқтисодий фаолиятнинг ўзига хос соҳасидир. Унинг бутун дунёда гуркираб ривожланиши бугунги кунда бошқа халқларнинг тарихи, маданияти, иқтисодий ва ижтимоий соҳасига қизиқиш

билан боғлиқ. Туристик мажмуа доирасида шахс томонидан у қаерда яшаши ва келиб чиқишидан қатъий назар ягоналик – инсониятга тегишли эканлигини ҳис қилиши жамланади. Халқаро туризм бизнесининг ривожланиши жисмоний, интеллектуал ривожланиш ва ҳордиқ чиқаришга сарфланадиган бўш вақтнинг кўпайишига боғлиқ. Бу жаҳон ишлаб чиқаришининг ривожланиши, меҳнат тақсимотининг чуқурлашиши, транспорт воситаларининг мукамаллаштирилиши билан боғлиқ. Кўплаб мамлакатлар учун туризм валютанинг муҳим манбаига айланган. У савдо, саноат ва хизматнинг айрим соҳалари ривожланиши, аҳоли бандлигини таъминлашга ёрдам беради.

Учинчи мингйилликда сайёҳлик жаҳон иқтисодиётининг етакчи тармоғига айланди. Товар ва хизматлар экспорти бўйича у кимё, электроника, озиқ-овқат ва ҳатто автомобиль саноатини ортда қолдирмоқда. Жаҳон сайёҳлик ташкилотининг маълум қилишича, дунё ялпи ички маҳсулоти ҳажмининг ўндан бир қисми, халқаро инвестицияларнинг 11 фоиздан ортиғи туризм ҳиссасига тўғри келади.

Бугунги кунда жаҳон иқтисодиётида халқаро туризмдан тушаётган йиллик даромад 1 триллион АҚШ долларидан ошади. Ўтган йилги натижаларга асосланадиган бўлсак, Америка Қўшма Штатлари (128,6 млрд.), Испания (55,9 млрд.), Франция (53,7 млрд.), Хитой (50 млрд.), Италия (41,2 млрд.) сайёҳликдан энг кўп даромад олган мамлакатлардир. Дунё миқёсида иш билан банд аҳолининг 8 фоизи ушбу соҳада меҳнат қилапти.

Туризм соҳасида улкан салоҳиятга эга Ўзбекистон ўзининг қадимий обидалари, муқаддас зиёратгоҳлари, хушманзара табиати ва файзли гўшалари билан сайёҳларни ўзига ром этмоқда. Маълумотларга кўра юртимиз сайёҳлик кўлами ва тарихий жойлар кўплиги бўйича дунёдаги етакчи ўн мамлакат қаторида туради. Мамлакатимизда тўрт мингдан зиёд тарихий ва маданий ёдгорликлар мавжуд бўлиб, уларнинг айримлари ЮНЕСКОнинг бутунжаҳон маданий мероси рўйхатига киритилган. Юртимизда ҳукм сураётган тинчлик ва барқарорлик, халқимизнинг бағрикенглиги ва меҳмондўстлиги мамлакатимизга келаётган сайёҳлар оқимини янада кўпайтиришга хизмат қилмоқда.

Мамлакатимиз дунёнинг 24 мамлакати қатори юртимиз Бутунжаҳон туристик ташкилотининг «Буюк ипак йўли» дастурида иштирок этмоқда. 1995 йилдан бошлаб ҳар йили «Ипак йўли бўйлаб туризм» деб номланган Тошкент халқаро туристик ярмаркаси ташкил этиб келинапти. Туризм соҳасида рақобат муҳити жадал ривожланмоқда.

Қолаверса, миллий туризм туроператорларнинг халқаро ярмарка ва кўрғазмаларида фаол иштирок этаяпти. Ўзбекистоннинг салоҳияти Истанбул (Туркия), Мадрид (Испания), Рига (Латвия), Берлин (ГФР), Москва (Россия), Париж (Франция), Римини (Италия), Токио (Япония) ва Лондон (Буюк Британия) халқаро сайёҳлик ярмаркаларида муваффақиятли намоиш қилинмоқда. Ўзбекистон билан Жаҳон сайёҳлик ташкилоти (ЖСТ) ўртасидаги алоқалар изчил тараккий этмоқда.

Ўзбекистонда сайёҳликнинг экотуризм, маърифий, маданий ва жисмоний саёҳат, экстремал, археологик, рафтинг, хелиски, спорт, фольклор-этнографик, тиббий ва рекреацион туризм, агротуризм, геотуризм каби турлари ҳам жадал ривожланаётир. Сайёҳлар орасида алпинистлар, чаңғи спортига кизиқувчилар кўпаймоқда. Туризм йўналишлари диверсификация қилиниб, янги йўналиш ва дастурлар ишлаб чиқилапти.

Сўнги ўн йиллик ичида миллий ва халқаро сайёҳлик бозорларида рақобат курашининг кучайиши туризм соҳаси ривожланишининг ўзига хос хусусиятига айланди. Ҳозирда туризм соҳасида чет эллик сайёҳларни жалб қилиш бўйича замонавий технологиялар ва ечимлар фаол жорий этилиб, сайёҳлик ҳудудларини ривожлантиришда инновацион ёндашувлар тобора кўпроқ қўлланмоқда. Бу борада, Ўзбекистон Республикаси Марказий Осиёдаги энг иқтисодий барқарор ва хавфсиз ҳудудлар сирасига кириб, салоҳиятли инвесторлар учун катта инвестициявий жозибадорлик касб этади. Республиканинг салмоқли табиий, маданий-тарихий, моддий-техник, кадрларга оид, инновацион ва инфратузилмавий салоҳияти бир қатор истиқболли сайёҳлик йўналишларини ривожлантириш имконини беради.

Бундан ташқари, Ўзбекистондаги сайёҳлик соҳасига спорт туризми, тоғ-чанғи туризми, мамлакатнинг археологик ва диний тарихига оид маърифий саёҳатлар каби фаол хордиқ чиқариш турларини киритиш мумкин. Бугун туризм соҳаси Ўзбекистонда жами хизматлар соҳаси ривожланишини ҳаракатга келтирувчи кучига айланиши, мамлакат иқтисодиётига валюта тушумларининг салмоқли даражада ошишига хизмат қилиши, шунингдек, республика ёшлари учун минглаб иш ўринларини яратиб берадиган янги корхоналар ташкил этилишини таъминлаши мумкин.

Халқаро туризмни янада ривожлантириш учун қуйидаги таклифларни амалга оширишни тавсия этамиз:

1. Мамлакатимизда туризм статистикасини юритиш самарадорлигини ошириш;
2. Туризм соҳасига хорижий инвестицияларни жалб этишга эътибор қаратиш;
3. Туризм инфратузилмасини ривожлантириш;
4. Соҳага халқаро стандартларни жорий этган ҳолда Ўзбекистон миллий стандартларини ишлаб чиқиш;
5. Хизмат кўрсатиш сифатини ошириш;
6. Юртимизга хорижий сайёҳларни жалб этиш имконияти ва мамлакатимизнинг туристик салоҳиятидан оқилона фойдаланиш;
7. Соҳага оид қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий асосни такомиллаштириш;
8. Туризмни ривожлантиришнинг миллий, тармоқ ва минтақавий дастурлари бажарилишини сўзсиз таъминлаш;
9. Спорт туризми, экотуризм, агротуризм, соғломлаштириш туризмнинг замонавий турларини ривожлантириб бориш;
10. «Буюк ипак йўли» йўналишини замонавий автомобиллар билан таъминлаш, соҳага чет эл сармоясини олиб кириш ва инвестицион муҳитни ривожлантириш, қўшимча дам олиш жойларини ташкил қилиш ҳамда туристларга хизмат кўрсатишни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиш;
11. Туристлик эркин иқтисодий ҳудуд яратишни кўпайтириш;
12. Турфирмаларни, меҳмонхоналарни ва умумий овқатланиш корхоналарини бирлаштирган ҳолда занжирлар тузиш;
13. Турпакетларнинг хилма-хиллигини яратиш, нархни арзонлаштириш;
14. Мутахассислар тайёрлаш сифатини яхшилаш ҳамда улар малакасини ошириб бориш тизимини такомиллаштириш: аудиторияларни замонавий технологиялар (компьютер, телевизор, лингафон хоналар ва ҳ.к) билан тўла таъминлаш, кўпроқ туризмга оид конференцияларнинг ташкил этилиши, талабаларни ўқишга ва изланишга янада кизиқтириш мақсадида ютуқли танловлар ўтказиш, шаҳар кутубхоналарини асосан туризмга оид китоблар билан тўйинтириш, ишлаб чиқариш амалиётини кучайтириш, хорижий мутахассисларни он-лайн тарзда маъруза ва амалий машғулотларин ташкил этиш, талабаларни алмашинувини йўлга қўйиш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 24.01.2020й.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 январдаги “Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5611-сонли Фармони
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 6 февралда “Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3510-сонли қарори
4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида туризмни ривожлантириш бўйича 2018 йилнинг 22 февраль куни бўлиб ўтган видеселектор йиғилиши.
5. www.lex.uz

МЎМИНЖОН ҲАКИМ МАРҒИЛОНИЙ ХОТИРАЛАРИДА БУХОРО МЕЪМОРИЙ ЁДГОРЛИКЛАРИ

*Нодиржон Абдулаҳатов, тарих фанлари номзоди,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси тадқиқотчиси*

Яқин йигирма йиллар ичида мангит амири Сайид Олимхоннинг Бухородаги ҳукмронлик даври (1910-1920) муҳожирликдаги турмуши ва шахсий ҳаёти қирралари (1921-1944) билан боглик анчагина объектив маълумотларга адабиётлар дунё юзини кўрди. Бирок ханузгача ушбу мавзу билан боглик қатор адабиётларнинг катта қисми нашр қилинмаган ва илмий истеъмолга киритилмаган. Шулардан бири Бухоро амири Олимхоннинг хос табиби “Ҳаким” тахаллуси билан ижод қилган Мўминжон Ҳаким Марғилоний (1894-1973) томонидан ёзилган “Хотиралардир”.

Изланишларимиз давомида Мўминжон Ҳаким томонидан 1970-72 йиллари мобайнида ёзилган хотира 2 та хотира дафтари сақланиб қолганлиги аниқланди. Мўминжон Ҳакимнинг биринчи хотиралар китоби унинг болалик давридан тортиб, токи Бухорода кечган ҳаётида юз берган воқеаларни қамраб олади. Биринчи қўлёзма 338 бет, иккинчи қўлёзма 165 бетдан иборат бўлиб, қўлёзманинг охирида Қўқон хони Худоёрхон, шахзода Насриддинбек, Мангит сулоласининг ҳукмдорлари Амир Музаффар, амир Абдулахад ва амир Олимхоннинг ҳамда амирликнинг юқори мартабали шахсларининг суратлари илова қилинган.

Мўминжон Ҳаким хотираларининг муҳим хусусияти шундаки, унинг маҳаллий халқ билан яқиндан алоқада бўлиб келгани ва Амир Олимхон саройида юз берган тарихий воқеаларнинг жонли гувоҳи бўлганидадир.

Мўминжон Ҳаким ўз хотираларида Бухоро амирлигининг сўнги давридаги ижтимоий-иқтисодий ҳолати юзасидан сўз юритиши баробарида амирликнинг бошқарув тизими, уламолар фаолияти, Бухородаги зиёратгоҳлар ва бошқа меъморий обидалар тўғрисида қимматли маълумотларни келтириб ўтган.

Бухоро кўп асрларнинг айрим даврларида Ўрта Осиёнинг асосий шахри бўлиб келди. Бу эса архитектура ёдгорликларининг ниҳоятда кўпайиб кетишига сабаб бўлди. Шу сабабдан Бухорони ҳозирда шаҳарни “очиқ музейлар шаҳри” дейдилар. Дарҳақиқат Бухоро — бир канча асрларнинг (IX — XX асрлар) архитектура ёдгорликлари сақланган шаҳарлардан биридир, бунда ўша даврда қурилган биноларнинг деярли ҳамма турларидан намуналар бор.

Бу ёдгорликлар ичида Минора калон жуда машҳурдир Афсуски, ушбу ёдгорлик советлар даврида “Ўлим минораси” деган номни олган. Бу ҳақда ўша давр адабиётларида шундай ёзилади: “Мангитлар ҳукмронлиги даврида ўлим жазосига ҳукм қилинган кишиларни минорадан туриб пастдаги тош майдончага ташлаганлар. Шунинг учун ҳам кейинги вақтларда уни “ўлим минораси” деб атаганлар”.

Мўминжон Ҳаким ўз хотираларида бу ёдгорликни “ўлим” минораси деб номланишини “беномуслик сўз ва диний ҳақорат” дея таъриф беради. Шу билан бирга советлар томонидан Бухоро зиндони ҳақидаги маълумотлар ҳам ҳақиқатга тўғри келмаслигини, бу зиндон кўринишидаги макетлар атайин Амир Олимхонни обрўсини тўкиш мақсадида яратилганлигини таъкидлайди:

“Агарда амир ҳукумати вақтида уламолар ёки эътиқодлик бухороликлар олдидан бу муборак саналган минорани “Ўлим минораси” ёки “Ўлимга ҳукм бўлган кишиларни бу минора устидан ташлармиш” деган сўзни айтсалар эди, тошбўрон қилиб, ўлдирадирлар эди.

Бу сўз катта диний ҳақорат бўлган бўлур эди. Бу ер анча чуқур эди. Масжиди калон дарвозасига чиқиш учун ўн икки зина (ступенки) босиб чиқилар эди. Минора атрофини Мадрасаи Олимхон (музей Абу Али ибн Сино), Томгок масжиди ва Тим Абдуллахон ўзлик Бухорони энг қимматли камзул, шоҳи баҳмал моллари ва доруфурушилик юзларча дўкон ва Ҳиндустон катта савдогарлари ва моллари билан турагон қози Бадриддин саройи булар, ҳаммалар бузилиб, бу Мир Араб мадрасаси билан Масжиди калон орасидаги пастлик тўлдирини сабабли Масжиди калон ва Мир Араб мадрасаси ер билан баробар бўлиб қолиши

бирлан бир вақтда минора тагидан уч метрдан зиёда минорани асоси ва минорага чиқар эшиги туфроқ тагида қолибдир.

Ҳатто эшикдан асар йўқдир. Музейи тарафидан бир ярим, икки метрлик эшик бўлиб, эшикдан кирганда азончи муаззинларни махсус минорага чиқарда кийиладирган покиза либосларни турадиргон хужра бор эди. Ҳамма туфроқ тагида қолибдирлар.

Бу минорада етти киши муаззинлари, ҳар бири 60–65 ёшлар кишилар бўлиб, булардан бири бошлиғи эди. Ҳар жума куни уйларида чўмилиб, тоза либослар кийиб келишиб, яна минора ичидаги хужрадан ҳар бири тоза махсус либосларни кийиб, минорани зиналарига настдан то тепасигача тоза гиламлар солинган бўлиб, булар саловатлар ўқуб таъзим билан юқорига чиқарлар эди.

Юқорида ҳар бири бир тешикка рўбарў бўлиб, кундузи соат бирда бошлиғи “Аллоҳ” дейиши билан булак олтилари ҳам “Аллоҳи акбар” деб жума намозига чақириви азонини айтар эдилар. Тамоми Бухоро шаҳрига бу овоз эшитилар эди. Маълумки, шундай динни табаррук ҳисобланган бир нарсага “ўлум минораси” дейиши ўта кетган ҳақоратни ўзгинаси эди.

Бу минорани юқорисида тепадан келиши мумкин эмас жойда иккита қадимий мусулмон гиштини миҳ билан қоқилган бўлиб, бир-биридан бирон метрлар настикиси кўб замонлар ўтиши билан ёки қоқар вақтида андак ёрилган бўлса керак. Хишти тушиб миҳи қолгандир. Юқориги қоқилган жойда ҳозиргача турибдир. Бу хишлар нима учун ва кимлар тарафидан ва қачон қоқилгандирлар.

Амир Олимхонни тўртинчи бобоси амир Ҳайдар замонида (амир Ҳайдарни охириги вақтида ёш Хўқанд хони амир Умархон Хўқанд тахтига ўлтурган. Амир Ҳайдар хонни “ўғлум” хат қилган эди) ака-сингил икки ўғри Бухорода пайдо бўлиб, халқни қимматли нарсаларинигина ўғирлайдирлар. Ҳеч ким уларни кўролмайдди.

Амир Ҳайдар фармон берадир. “Нима билан бўлсада тутунглар”,– деб. Кўб вақт қаттиг тарадудлар билан ваниҳоят тутадирлар. Амир ўлдиршига буюрадир. Вазирлар амирдан уларни хунарларини кўришини истайдирлар. Амир: “Нима хунарлари бор?”,– деб сўраганда айтадирларким, “Уйларини шиғида кўришаналакдак ётишиб турар экан. Одамлар уйларини қараб тополмас эканлар”,– дейдилар. Амир Ҳайдар: “Кўрсат хунарингни”, –деса “Бир қошиқ қонимиздан кечсангиз, кўрсатурмиз”,– дейдилар. Амир “Кечдим. Лекин бошқа ўғирлик қилмасангизлар”,– дейди.

Булар ака ва сингиллар бир донадан хишт, миҳ ва болға олиб настдан бу силлиг минорага чиқиб бу хил гишларни қоқиб тушадирлар. Амир Ҳайдар уни Бухоро миришаби (ички ишлар министри) қилиб таъйин қиладирлар. Уни миришаблик даврида Бухоро ўғриларидан бутунлай тинчланадир.

Агарда бир кишига ўғри кирса сўрар экан: “Қаердан қандай кирди ва нимани олди?”,– деб. Дарҳол “фалон, фалонни олиб кел”,– дер экан. Демак ўғрини ҳаракатини характеридан бу ўғрилиқни ким қилгани дарҳол билур экан.

Бу минора Бухорода масжиди Калон билан андак сомонийлар даврини қолдиқларидан бўлиб, Абу Али ибн Сино шу масжиди дарвозаси устидаги уч хужрани ўнгдан биринчисида истиқомат қилиб ўқугандир. Чингизхон келиб Бухорони олганда энг катта бино масжиди Калон бўлиб, Чингизхон “Бу Хорамшоҳни Бухородаги уйими?” деб сўраганда “Йўқ. Бу Худони уйи”, – деганлар. Чингизхон “Андог бўлса, мен шунда бўлурман”,– деб, масжидни минбарида ўлтуриб, ўртадаги иккинчи азон пештоқига музикантларини қўйиб, масжидни ҳар бир дарвозасига Хорамшоҳни хотун-қизлари ва онасини ўтқузиб, гўёки қочмиши Хорамшоҳни ўлган ҳисоблаб, йиғлашга мажбур қилган.

Бу тарихий архитектурани ва миллий фахрий бино мингдан ортиқ йиллар бу хил маҳкам турмишини қандай ақлсизлик эшигини туфроқ билан кўмиб, ичидаги спирал зиналарга ҳаво киритишини ман қилиб, тездан рутубат кўтарилиб яна минглар йиллар турувчи минорани хароб қилмоқчилар. Одамлар тепасига чиқмаслик учун бўлак хил йўллар билан эшикни беркитиб қўйиши мумкин эдику!?!...

Бухоро аркини дарвозасидан кирганда, бевосита чап қўлдаги “обхона” номли уч хона тўғрисида. Қандай бир тарихий юзига бир қора сиёҳ суртиб халқини очикдан очик нотўғри йўлдан йўлловчи ҳақиқат душманларини хиёнатни деб ҳисоблайман. Хусусан уларни ичларига қўйилган макетлар тарих учун катта жиноят ва тарихни ифлослантиришидан бўлак гап эмасдирлар. Бу кимнидир ҳақиқатни ҳақиқат кўзи билан кўрмай. Душманлик назари билан боқувчи бир тарих хоинини хиёнатни келажак ёш авлодларни фикрларини адаштиришидан бошиқа нарса эмасдирлар.

Бу обхоналар эски вақтларда мириабхона, ҳозирги шўро ҳукуматида милициядаги вақтинча айбдорларни бир-икки кун қамаб ёки безориликда айбланганларни 15 кун қамаб қўйиб турадиргон жой бўлиб, бир ҳафтадан кўб ётмай то айби маълум бўлгунча ётиб, ҳақиқатдан айбдор бўлса зиндонга, бе айб бўлса қўйиб юборадиргон жой бўлгондирлар. Лекин ҳақиқатда ул уйлардагина кўб бўлиб қамалганларни қаттиг азоблар эдилар. Аммо ҳеч қачон кўрсатилган шармандали макет ҳолига етгунча етар даражада ҳеч ётмас эдилар. Бу макетлар амирга бўлган ёлгон бўҳтонларни ёлгонлигини энг равшан далил бўлмаслиги учун олиб ташланса яхши бўлар эди...

Фаҳш тарқалган сўзлардан бири Ситораи Моҳи хосанинг хотунлар бўлимидаги ҳовуз тўғрисида. Бу ҳовуз шарқида уч метрлар баландликда бир кичикгина шийпонча бўлиб, бу шийпончада амир ўлтуруиб чиройлик ёш хотин-қизларни қиб ялангоч қилиб чўмилишига буюрар эмиш.

Амир бу шийпончадан тамошо қилиб, хушлаганини чақириб бу шийпончада яқинлик қилар эмиш. Бу амир ҳаққиға ниҳоят туҳмат. Менимча айтувчига катта уятдир”.

Мўминжон Ҳаким Маргилоний ўз вақтида саройда амир ва унинг яқинларидан кўп илтифотлар кўрган. Бироқ 1972-73 йилларда советлар ҳокимиятини кучга тўлган даврида амир Олимхон ҳақида бундай фикрларни шу давлатнинг фуқароси томонидан очикдан-очик ёзишнинг ўзи ҳайратланарли хол албатта.

Мўминжон Ҳаким ёзган мазкур хотираларда шу давр сиёсий воқеалари жумладан шиа ва суннийлар ўртасидаги можаролар, жадидлар билан боглик воқеалар, Фарғонада 20-йилларда юз берган ҳолатлар муаллифнинг ўзи гувоҳ бўлган воқеалар асносида яратилгани ва унда географик ва ижтимоий-иқтисодий аҳволнинг батафсил ёритилиши шу давр тарихини объектив ёритилишида катта рол ўйнайди. Шу сабабдан Мўминжон Ҳақим хотиралари XX асрнинг бошларидаги Бухоро амирлиги тарихига оид ўта бой, тарихий маълумотлар ва талқинларга эга бўлиш имкониятини беради.

Мўминжон Ҳаким Маргилонийнинг ушбу хотиралари ҳозиргача нашр этилмаган. Асар жиддий ўрганилиб, тадқиқ этилиб нашр этилса, мангитлар даври тарихи бўйича муҳим тарихий манба бўлиб хизмат қила олади.

РОЛЬ ИСЛАМА В БОРЬБЕ С КОРРУПЦИЕЙ

Мухаммедов. М. М.

Самаркандский институт экономики и сервиса;

Исхакова. С. А.,

Самаркандский филиал ТУИТ.

Коррупция самый злейший враг экономического роста и развития. По мнению исследователей, коррупция воздействует на экономику страны весьма неблагоприятным и губительным образом.

Все чаще учёные разных стран аргументировано и не без оснований заявляют, что коррупцию невозможно полностью искоренить и с таким мнением трудно не согласиться. Доказательством тому является многовековая история борьбы с этим коварным социальным недугом общества, которая продолжается на протяжении многих тысячелетий. Не случайно учёные коррупцию назвали раковой опухолью на теле государства. Это означает, что учёные

и специалисты способы лечения этой коварной болезни национальной экономики и общества в целом, пока не нашли. Президент Монголии Цахиагийн Эльбегдорж (2009-2017гг.) коррупцию назвал настоящим врагом развития.¹⁸⁰ Академик А. Аскарлов в своей книге «История происхождения узбекского народа» взяточничество назвал «отвратительным пороком», который в психологии человека появился за последние сто и сто пятьдесят лет назад.¹⁸¹ Действительно это отвратительный порок, который губит человека, дезориентирует его, делает разум индивида мутным и слабым. Что касается сроков появления этого порока в психологии человека, то здесь явное несходство с действительностью. Подверженность государственных служащих к коррупции и взяточничеству, по всей видимости, проблема не одного и не двух столетий. К великому сожалению, она имеет очень давние и глубокие исторические корни (примерно это возникновение государственности на Древнем Востоке)¹⁸² и пропитала кровь многих поколений на протяжении тысячелетий. О беспощадной борьбе Тимура с коррупцией и взяточничеством в своём государстве ещё 600 лет тому назад, свидетельствуют многие источники. Он, как прозорливый государственный деятель и мудрый руководитель, усмотрел в коррупции зло, которое может сильно ослабить экономическую мощь созданного им государства. В священной книге мусульман – в Коране, первое издание которого датируется 632 годом до н.э., много великолепных аятов, строго осуждающих противонравственные действия государственных служащих.¹⁸³ Следовательно, к моменту появления на свет этой священной книги коррупция и взяточничество среди государственных служащих, имели, достаточно широкое распространение и поэтому предотвращение коррупции превратилась для общества в проблему первостепенной важности.

Нет никаких оснований, в обозримом будущем преодолеть абсолютно все барьеры на пути победы над коррупцией. Нам представляется, что никогда не наступит день, когда коррупция будет окончательно уничтожена и общество сумеет избавиться от нее навсегда. Безусловно, будут крупные успехи, новые средства и новые методы борьбы с этой коварной болезнью. Однако полная победа над коррупцией не наступит никогда. Ибо всегда были, есть и будут недобросовестные люди, которые ни при каких обстоятельствах не могут позволить себе отказаться от лёгкой наживы. Доживёт ли человечество до великолепного века, когда во всём мире не будет ни одного недобросовестного чиновника?

А пока ни одно государство в мире не может считать себя застрахованным от коррупции. Не нашла на неё управу ни одна религия в мире: ни католическая и протестантская в странах Европейского Союза, ни православная в России, ни мусульманская на Востоке, ни буддизм в Индии. Между тем опыт стран с развитой экономикой показывает, что при разумном подходе уровень коррупции можно контролировать и снизить её до приемлемых размеров. Только борьба с этим злом должна носить постоянный и целенаправленный характер, бороться должны все вместе и каждый в отдельности, начиная от главы государства и кончая просто гражданином, сложные проблемы коррупции должны решаться на государственном уровне, на уровне региона, коллектива и семьи. Только человеческий разум, высокая порядочность, нравственность, честность, воспитанность, искренняя вера в бога, беспредельная любовь к Родине, культура, доброта, человеколюбие, высокое чувство чести и достоинства и другие человеческие качества в купе с жёсткой дисциплиной способны, на наш взгляд, противостоять этому злейшему врагу человечества.

Таким образом, многовековая и богатая история борьбы против коррупции свидетельствует, что коррупцию невозможно искоренить полностью. Но можно, а самое главное очень нужно, существенно снизить уровень этого разрушительного для всего

¹⁸⁰ Интернет ресурс: eadaaily.com/ru/news/2019/06/27/korruptsiya-v-mongolii-prezident-priostanovil-polnomochiya-17-sudev
<https://eadaaily.com/ru/news/2019/06/27/korruptsiya-v-mongolii-prezident-priostanovil-polnomochiya-17-sudev>

¹⁸¹ Аскарлов А. История происхождения узбекского народа. - Т.: «Узбекистан», 2018. - С.546.

¹⁸² Необходимость коллективного освоения земель (консолидации усилий) привела к формированию надобщинных структур. В 4-3 вв. до н.э. древневосточные родоплеменные структуры уже трансформируются в протогосударства, возникшие как группы общинных поселений, объединённых вокруг царско-храмовых хозяйств. Административные функции в первых гос. образованиях выполняли либо жрецы, либо племенные вожди.

¹⁸³ Согласно исламскому вероучению, он был передан путем откровения пророку Мухаммаду.

общества и страны порока, без избавления от которого национальная экономика процветать никак не может.

Ученые предлагают различные методы борьбы против коррупции. За всю историю человеческого развития странами мира накоплен огромный опыт по борьбе с коррупцией. Арсенал методов и средств борьбы против коррупции во всем мире неуклонно растет, благодаря совершенствованию техники и технологий, повышается их эффективность.

Нам представляется, что в борьбе с коррупцией целесообразно широко использовать возможности религии. Дело в том, что подавляющее большинство населения Узбекистана – это мусульмане. Однако потенциал Ислама в борьбе против коррупции почти не используется. Объясняется это, прежде всего, тем, что многие верующие хорошо не знают подлинное отношение Шариата к коррупции, его святые заповеди относительно этого зла. Между тем, Ислам создал уникальную философию противодействия коррупции и взяточничеству. Он очень суров к коррупции, ко всем формам ее проявления, особенно к взяточничеству. Шариат предписывает строго пресекать коррупцию, а виновных в коррупции сурово наказывать. Сам пророк Мухаммед проклял всех, кто принимает участие в коррупционных сделках: кто предлагает взятку, кто берёт взятку и кто является посредником при ее передаче: «Да проклянет Аллах дающего и берущего взятку и посредничающего в этом»¹⁸⁴. Исследуя отношение Ислама к такому человеческому пороку, как коррупция, следует заметить, что система Ислама идеальна и она, вне всякого сомнения, может быть успешно использована в борьбе с этим злом. Согласно незыблемым канонам Священного Корана строго карается любое неправомерное (незаконное) присвоение чужого имущества. Большим грехом является подкуп должностных лиц с целью присвоения чужого имущества и наживы. По этому поводу Аллах в священном Коране говорит: «Не присваивайте незаконное имущество друг друга и не подкупайте этим (имуществом) судей, чтобы намеренно присвоить часть собственности (других) людей грешным путем».¹⁸⁵

Наглядный пример для подражания те моральные заповеди Ислама, строгое соблюдение которых залог успешного экономического развития и процветания государства. Это - честность, добропорядочность, правдивость, неприятие лжи и обмана, причинение вреда, ненависть к воровству и т.д. Известно, что Шариат очень суров в отношении кражи и воровства, совершаемых верующими. Особенно тяжким преступлением является кража, если она совершается должностным лицом. Напротив, трудолюбие, умение производительно трудиться на благо самого себя, семьи и общества, самосодержание за счет заработанного неизменно возводится в ранг нравственного долга каждого правоверного. Ислам возвеличивает личность, способную к саморазвитию, ведущую предприимчивый и активный образ жизни. В одном Аяте Корана Всевышний Аллах говорит о коррупционном грехе прежних поколений и строго предупреждает верующих, чтобы они не совершали подобных грехов: «Ты (воочию) видишь, что многие из них (т.е. представителей прежних верований) стараются превзойти друг друга в грехе, вражде и поедании запретного, мерзко то, что они совершают»¹⁸⁶.

В соответствии с мусульманской традицией пророк Мухаммед является идеалом для мусульманского мира. В ссылках на его личный пример обращается особое внимание на то, что возвеличивая Ислам, пророк был усерден в труде, проявлял огромную трудовую активность, уважительно относился к трудовому люду. Ярким примером служат предания об успешной торговой деятельности пророка. Об этом же свидетельствуют и некоторые его изречения, как например - «бедность – путь к неверию», «правоверным не следует пренебрегать» заботой о достатке, об экономическом процветании мира ислама, борьбой с нищетой и бедностью.

В соответствии с нормами Ислама подлинное благочестие - не в фатальном уповании на волю Всевышнего. Ведь Аллах наделил человека разумом и возможностями

¹⁸⁴ Коран. М.: Из-во «Феникс», 2018. 2/188.

¹⁸⁵ Коран. М.: Из-во «Феникс», 2018. 2/188.

¹⁸⁶ Коран. М.: Из-во «Феникс», 2018. 2/188.

саморазвития за исключением немногих случаев, когда вмешивается провидение. В Шариате религиозное рвение и упование на Аллаха в ущерб людским обязанностям и собственному благополучию совсем не поощрялись («На бога не надейся, цепляйся за соломину» - гласит закон Ислама). Есть очень содержательный хадис, проповедующий трудовое происхождение источника существования человека. Это хадис о том, как однажды пророку Мухаммеду довелось увидеть мусульманина, проводящего все свое время в молитвах, не проявляя никакой заботы зарабатывать. «А кто же кормит его?» - спросил окружающих пророк. «Брат», - ответили они. Пророк заключил коротко и ясно: «Тогда брат лучше его».

Примечательно, что в Исламе очень строго караются коррупционные деяния и взяточничество именно должностных лиц. Так, например, Абдуллах ибн Аббас рассказывал, что Посланник Аллаха сказал: «Взявший на себя обязательство руководить десятью людьми и выносящий среди них решения, которые нравятся им или нет, в судный день будет приведен на страшный суд с закованными в цепи руками, если выносил решения, идущие в разрез с велениями Аллаха, получал взятки, был халатным, руки будут связаны еще крепче, и его бросят в Ад. Он скатится в такую бездну Ада, что не достигнет её и по истечении 500 лет». Имея достаточно прочные знания об отношении Шариата к коррупционным деяниям, настоящий мусульманин всегда найдет в себе силу воздержаться от соблазнов лёгкой наживы.

Таким образом, в борьбе с коррупцией больших успехов можно добиться на основе глубокого изучения и умелого их использования норм Ислама. Однако, в настоящее время изучению и возможностям его применения с учетом наших реалий, придается недостаточное внимание. Нам представляется, что изучение возможностей религии в борьбе с коррупцией и его творческого применению у нас в стране должно уделяться серьезное внимание. Такой подход может способствовать обузданию коррупции с меньшими затратами.

Адабиётлар руйхати:

1. Мирзиёев Ш.М. Послание Президента Республики Узбекистан Олий Мажлису. 28 декабря 2018. Интернет ресурс: <http://uza.uz/ru-28-12-2018>.
2. Закон Республики Узбекистан. «О противодействии коррупции». Газета «Народное слово» от 4 января 2017 года.
3. Аскарлов А. История происхождения узбекского народа. - Т.: «Узбекистан», 2018.
4. Коран. - М.: Из-во «Феникс», 2018. 2/188.

BUXORODA ISLOM MADANIYATINI MODERNIZATSIYALASH VA TURIZIMNI BARQAROR RIVOJLANTIRISH ISTIQBOLLARI

Umida Sulaymonova Pulat qizi
O'zbekiston jurnalistka va ommaviy kommunikatsiyalar
universiteti harbiy jurnalistika yo'nalishi talabasi

Buxoro islom madaniyati markazi hisoblanadi. Shu sababli islom madaniyati ezgu g'oyalarini keng targ'ib qilish, uning asil mohiyatini yosh avlodga tushuntirish va uni moderizatsiyalash vazifasi bugungi kunda ham dolzarb mavzu bo'lib kelmoqda.

Allohga ming shukurlar bo'lsinki, istiqlol tufayli imkoniyatlar eshigi ochildi. Qadriyatlarimiz qayta tiklandi, ko'plab masjidlar qurilib zamon talabiga mos jihozlandi. Minglab yurtdoshlarimiz haj safariga borib, haj ibodatlarini ado etib qaytdilar. Ona diyorimiz kundan kunga gullab-yashnab chiroy ochmoqda. Qad rostlayotgan masjid-u madrasalar obod etilayotgan ziyoratgohlar yurtimizning ko'rkiga ko'rk qo'shmoqda. Tarixga bir nazar tashlaylik, qadim Buxoroiy sharifda xalq orasida mashhur bo'lgan „Mir Arab“ madrasasi bor. Bu madrasani hijriy 936-942 yillari Buxoro amiri Ubaydulloxon inom etgan mablag' hisobiga Shayx Mir Arab qurdirgan. Bu madrasada Afg'oniston, Eron, Markaziy Osiyo mamlakatlari,

Rossiya va Xitoydan ham juda ko'p talabalar ta'lim olgan. Bugungi kunda bu madrasada savodli imom-xatiblar yetishib chiqib, qalblarga islom nuri ziyosini sochmoqdalar. Biz yoshlar uchun ulug' ajdodlarimiz merosini o'rganish ham qarz ham farz. Bu borada mening bir taklifim bor. Buxoroda hadis ilmini o'rgatuvchi Imom Al Buxoriy maktabi tashkil etilsa maqsadga muvofiq bo'lar edi. Shuningdek, Buxoro tadbirkorlar yurtidir. Islom madaniyatini moderzitasiyalash har bir insonning alloh bergan tinch va farovon hayotda to'g'ri yo'l tanlashi, umr mazmunini anglashi, avvalom, bor ruhiy poklanishi, yaxshilik va ezgulikka intilib, baxtli yashashi demakdir. Eng avvalo, islom madaniyatining rivojlaniga betakror hissa qo'shgan „Muhaddislar sultoni“-deya ulkan shuhrat qozongan Imom Buxoriy bobomizning muborak nomlarini hurmat-ehtirom ila tilga olamiz. Bu zot merosining gultoji bo'lmish eng ishonchli hadislar kitobi, „Al jome as-sahih kitobi“ islom dinida qu'roni karimdan keyingi ikkinchi manba bo'lib ahli islom e'tiqodiga ko'ra bashariyat tomonidan bitilgan kitoblarning eng ulug'i hisoblanadi. Bu kitob ko'plab insonlar qalbini imon nuri bilan munavvar etib, xaq va diyonat yo'liga chorlab kelmoqda. Qu'roni karim 114 sura, 6236 oyatdan iborat. Buxoroda butun dunyoda ma'lum va mashhur bo'lgan aziz avliyolarimiz orasida Abduxoliq G'ijduvoni va Bahuddin Naqishbandiyning siymosi alohida ajralib turadi. Ota-bobolarimiz ulug' avliyo Bahuddin Naqishbandga chin dildan ixlos qo'yib, uni „Bahouddin balogardon“-deb ta'riflab kelishida teran ma'no bor. Uning „Dilining allohda, qo'ling mehnatda bo'lsin“-degan hayotbaxsh hikmati dinimizning oliyjanob ma'no-mohiyatini yorqin ifodalab, xuddiki, shu bugun aytilgandek jaranglaydi.

Muqaddas Buxoro - ko'p asarlik an'analar va qadimgi urf-odatlarini o'zida saqlab kelgan shahar aynan shunday ataladi. Rivoyatlardan birida aytilishicha, barcha musulmon shaharlari muborak nurga munosibdir, biroq Buxoro ustidagi nur osmonlarga ko'tariladi. Islom ulamolarining eng ko'p maqbaralari, qabrlar va masjidlar aynan shu yerda. Shahar tom ma'noda Islom dini ustuni hisoblanadi.

Buxoro- nodir diqqatga sazovor joylar mujassamlashgan shahardir. Bu yerda qad ko'targan qadimiy yodgorliklar va qurilmalar butun dunyoga mashhur. Ularning ko'pchiligi UNESCO vasiyigidadir. Buxoroda Ark qa'lasini, Poyi Kalon ansabini, Bahouddin Naqshbandiy majmualari bor. Bular ajdodlarimizning me'moriy mohirligi juda yuqori darajada bo'lganini namoyish etuvchi qadimgi me'morchilik yodgorliklarning ayrim namunalar xolos.

So'ngi yillarda Buxoro viloyatida xalqaro va mahalliy turizm oqimining barqaror ravishda oshib borayotganligi kuzatilmoqda. 2013-yil oxiriga kelib, xorijlik sayyohlar soni 100mingni tashkil etgan bo'lsa, ushbu ko'rsatkich, yildan- yilga oshib bormoqda. Sanatoriya - kuror tashkilotlari hamda dam olishni tashkil etuvchi boshqa korxonalaridagi, turizm sektori tomonidan bevosita yaratilgan ish o'rinlari, turizmning viloyatda ish bilan bandlik ko'rsatkichlariga qo'shayotgan salmoqli hissasi namoyon bo'ladi.

Zamonaviy turizm industiyasini rivojlantirishda internet tizmining o'rni beqiyos. Talabalar va professor o'qituvchilar viloyat turizm korxonalarida internet texnologiyalaridan foydalanish borasida maslahat- konsalting xizmatlari faoliyat ko'rastmoqda. Viloyatning turizm salohiyatini yanada kengroq namoyish qilish maqsadida talabalar tomonidan ijtimoiy tarmoqlarda, „Other Bukhara“ „Bukhara open your fairyland“ kabi nomlar osida sahifalar yuritilmoqda.

Bozor munosabatlariga o'tish davrida respublikamizda ro'y beratoygan milliy iqtisodiyotning muhim va istiqbolli sohalaridan biri bo'lgan turizm faoliyatida ham o'z ifodasini topmoqda. O'zbekiston xalqaro turizimini rivojlantirishda o'zining salohiyatiga va yuqori raqobatbardoshlikni ta'minlashda nisbiy ustunliklarga ega bo'lgan mamlakatlar qatoriga kiradi. O'zbekiston Respublikasining Birinchi Prezidenti Islom Karimov „O'zbekiston sayr-u sayohatlarni rivojlantirishda ajoyib imkoniyatlarga egadir. Samarqand, Buxoro, Xiva kabi o'zbek shaharlari butun dunyoga mashhur. Respublikamiz hudidida to'rt mingdan ko'proq me'morchilik yodgorliklari bor. Tabiat- iqlim sharoitlari qishin-yozin sayohlarni qabul qilish imkoniyatiga egadir.“ -deb ta'kidlab o'tgan edilar. Turizmning asosini noyob tabiiy shart-

sharoitlar qadimdan O'rta Osiyoda yashab o'tgan xalqlarning uyg'onish davridan boshlab madaniy va etnik merosini tashkil etuvchi ko'p sonli tarixiy- arxitektura yodgorliklari, sayr-sayohat obyektlari tashkil etadi. Respublikamiz Birinchi Prezidenti Islom Karimov turizm sohasini rivojlantirish va uning imkoniyatlaridan samarali foydalanish dolzarb vazifalardan biri ekanligini alohida ta'kidlab „ Turizm sodda qilib aytganda dunyoni tushunib , dunyoni anglash, shu bilan birga dunyo sahniga chiqish demakdir. Toshkent, Samarqand, Buxoro va Xiva kabi shaharlarimizning 2500-3000 yillik tarixi bor. Bu juda katta ma'naviy boylik. Uni sayyohlikni rivojlantirish yo'li bilan moddiy boylikka aylantirish mumkin.” Turizm sohasi uchun jadal rivojlanish xos bo'lib, qator mamlakatlarda yillik o'sish sur'atlari yuqoriligi 24%gacha tavsiflangan. Davlatimiz rahbari 2019-yil 29-mart kuni Buxoro viloyati G'ijduvon tumaniga tashrifi davomida Abduxoliq G'ijduvoni maqbarasi ziyorat etdi va maqbarada amalga oshirilgan qurilish - ta'minlash ishlarini ko'zdan kechirdi. Bu yerga imom-xatiblarni jalb etib, ularga allomalar ma'naviy merosini to'g'ri va chuqur o'rgatish, xalqqa yetkazish bo'yicha topshiriqlar berdi. Prezidentimiz islom hamkorlik tashkilotining Ta'lim, fan va madaniyat bo'yicha tashkilot - ISESCO tomonidan Buxoro shahri 2020 yila Islom madaniyat poytaxti deb e'lon qilindi. Yurboshimiz Abduxoliq G'ijduvoni tavalludining 915 yilligi va Bahouddin Naqishbandiy tavalludining 700 yilligi bilan hamohang nishonlash , xalqaro ilmiy konferensiya o'tkazish bo'yicha ko'rsata berganlari, biz yoshlarni juda quvontirdi. Buxoro o'zining betakror tarixiy obidalari, osori- antiqalari, asrlar osha davom etib kelayotgan milliy hunarmandchilik an'analari bilan yurtimiz turistik jozibadorligini oshirishda ulkan salohiyatga ega.

Menday shunday buyuk bobolarimizning ibratli hayoti va faoliyati, betakror ilmiy ishlarini o'qir ekanman, Buxorada islom madaniyani rivojlantirishga qo'shgan hissasi bilan butun dunyo ahlini hayratga solayotganidanidan g'ururlanaman. Buxoriylar izdoshlari bo'lganligimdan faxrlanaman.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. I.A.Karimov „Yuksak ma'naviyat-yengilmas kuch’’36-40 bet
2. „Hidoyat’’ jurnali 2010yil
3. „Islom nuri’’2015yil
4. „Kun.uz’’saytidan foydalanilgan
5. Abdulaziz Nansur „Musurnomlikdan ilk saboqlar’’22-29bet
6. M.A Usmonov „Islom isprashnik’’197-199 bet

TURIZM SOHASI UCHUN MAKAKALI KADRLAR TAYYORLASH: MUAMMO VA YECHIMLAR

*Saidova Nilufar 1 kurs talabasi
Turizm va mehmonxona xòjaligi kafedrasi, Buxoro davlat universiteti*

Mamlakatimiz mustaqillika erishganidan song turli xil sohalarda rivojlanishlar sodir boldi. Shu jumladan turizm sohasida ham .Songgi ikki yil ichida turizm sohasida ijobiy o'zgarishlar kuzatilmoqda.Xususan mamlakatda vizasiz kirish siyosati ,O'zbekiston boylab sayohat qilishni yengillashtirish va ommalashtirish uchun pensionerlarga imtiyozlar berilishi, sayyohlar oqimini oshirish uchun mediasohadagi o'zgarishlar bunga misol bola oladi. Bular ning barchasi davlatimiz rahbari tashabbusi bilan amalga oshirilayotgan islohotlar tufaylidir.Bugungi kunga kelib O'zbekiston bo'yicha 1188ta joylashtirish vositalari ,1482 ta turistik tashkilotlar ochildi.Shulardan 300ga yaqin joylashtirish vositalari Buxoro viloyatiga tegishlidir.Bunday korxonalar yetakchi o'rinlarni egallashi uchun yuqori makakali kadrlar kerak boladi.

Mamlakatda yuqori makakali kadrlar tayyorlashga alohida e'tibor qaratilmoqda. Shu maqsadda yangi o'quv dargohlari ochildi,talabalarni rivojlangan xorijiy mamlakatlarga kasb egallashlariga keng yo'l ochib berildi. Xususan ,Buxoro viloyatida turizm sohasi uchun kadrlar Buxoro Davlat Universiteti va Buxoro Turizm kollejida tayyorlanadi . Buxoro davlat universiteti

"mehmonxona xójaligini tashkil etish va boshqarish ", "Xizmatlar sohasi", "Turizm" bakalavriyat ta'lim yónalishlarni hamda Buxoro Turizm kollejini bitirib chiqayotgan mutaxassislarni qóshganda ,sohada malakali kadrlar bilan ta'minlash borasida ijobiy natijalarga erishilayotgani kuzatiladi.

Turizm sohasida kadrlar tayyorlash va malakasini oshirish bo'yicha O'zbekiston Respublikasi Prezidentinig 2016 yil 2 dekabrda, PQ-2666-sonli qarori bilan tashkil etilgan. Turizm sohasida kadrlar tayyorlash va malakasini oshirish Respublika markazi davlat unitar korxonasi tashkiloti vazifasi turizm sohasi bo'yicha malakali xodimlarni tayyorlash, malakalarini oshirish, turizm sohasini rivojlantirish bo'yicha ilmiy ishlarni qo'llab-quvvatlashdan iborat.

Turizm sohasini yanada rivojlanish uchun yuqori makakali kadrlarni tayyorlashda quyidagi takliflarni keltirish mumkin:

-Turizm sohasida xizmat ko'rsatuvchi xodimlar, gid-ekskursovodlar, turizm korxonalarini rahbarlari uchun har yil seminar-treninglar o'tkazish;

-Belgilangan tartibda o'z turistik firmalarini ochmoqchi bo'lgan korxonalarga sohaviy konsultatsiya berish;

-Turizm bo'yicha faoliyat ko'rsatayotgan tashkilotlarni zamonaviy o'quv uslublari va darsliklari bilan o'qtishni ta'minlovchi materiallarni ishlab chiqish;

-Milliy an'analar va urf odatlar, yangi turistik ob'ektlar bo'yicha tavsiyanomalar va ishlanmalar tashkillashtirish;

-Gid-ekskursovodlarning "Portfeli" uchun broshyuralar, bukletlar, zaruriy metodik adabiyotlar, ekskursion matnlar ishlab chiqish.

-Yirik turistik kompaniyalar, mehmonxonalar, restoranlar, xorijiy hamkorlar va investorlar bilan birga amaliy seminarlar tashkil qilish;

-Respublika tarixiy-madaniy salohiyatidan maksimal foydalangan holda mashrutlar va ekskursiyalarni ishlab chiqish va amalga oshirish.

-Respublika ekskursovodlari va gid-tarjimonlari bankini shakllantirish va uni muntazam yangilab turish;

-Sayyohlarga xizmat ko'rsatish darajasini oshirish bo'yicha dasturlar va ishlanmalarni yaratish va amalga tatbiq etish;

-Xalqaro turizm sohasida xizmat ko'rsatuvchi tashkilotlar bilan fikr almashish va ma'lumot olish.

Xulosa qilib shuni ayting mumkinki, Bozor munosabatlarga o'tish davrida respublikada ro'y berayotgan chuqur siyosiy va ijtimoiy-iqtisodiy o'zgarishlar milliy iqtisodiyotning muhim va istiqbolli sohalaridan biri bo'lgan turizm faoliyatida ham o'z ifodasini topmoqda.

O'zbekiston xalqaro turizmni rivojlantirishda o'zining salohiyatiga va yuqori raqobatbardoshlikni ta'minlashda nisbiy ustunliklarga ega bo'lgan mamlakatlar qatoriga kiradi. Mamlakatimizning birinchi Prezidenti I.A.Karimov: "O'zbekiston sayr-u sayohatni rivojlantirish uchun ajoyib imkoniyatlarga egadir. Samarqand, Buxoro, Xiva kabi o'zbek shaharlari butun dunyoga mashhur. Respublika hududida to'rt mingdan ko'proq me'morchilik yodgorliklari bor... Tabiat-iqlim sharoitlari qishin-yozin sayohatchilarni qabul qilish imkoniyatini beradi"- deb ta'kidlab o'tgan edilar. Turizmning asosini noyob tabiiy shart-sharoitlar, qadimdan O'rta Osiyoda yashab o'tgan xalqlarning uyg'onish davridan boshlab madaniy va etnik merosni tashkil qiluvchi ko'p sonli tarixiy-arxetektura yodgorliklari, kurortlar, dam olish uylari, sayr-sayohat ob'ektlari, milliy park va qo'riqxonalarining zamonaviy shaxobchalari tashkil qiladi. Mana shunday maskanlarni yanada rivojlantirishda malakali kadrlarning ornini beqiyos. Sababi O'zbekistonning go'zal tabiatini ma'naviy madaniy boyliklarini bevosita kadrlar orqali namoyon etamiz. Ularning bilim, tajriba va xizmat ko'rsatishi qanchalik yuqori bo'lsa, rivojlanish shunchalik jadallashadi, qolaversa sayyohlar oqimining oshishiga sabab bo'ladi.

МЕҲМОНХОНА-ТУРИЗМ КОМПЛЕКСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИМКОНИЯТЛАРИ

Жўраева. 3. Т.

Меҳмонхона хўжалиги- жаҳон хўжалиги мамлакатлари иқтисодиётининг йирик комплекслари таркибига кирувчи меҳмонхона-туризм комплексининг асосий иқтисодий субъектлардан бири ҳисобланади.

Меҳмонхона-туризм комплексининг асосий таркибий унсурлари:

- Туристлар/бизнесменларни жалб қилиш объектлари- улар инсонларнинг саёҳатга чиқиш мақсадларини ташкил этади: бу тарихга, маданий ёдгорликларга, бизнес муассасаларига, давлат ташкилотларига қизиқиш ва бошқалар бўлиши мумкин.

- Туристларни жалб қилиш каналлари- мамлакатда туристик маҳсулотлар савдоси билан амалда шугулланувчи каналлар мансуб ҳисобланади.

- Таксимот воситалари- туристларни таксимлаш билан шугулланувчи корхоналар.

- Туризмни транспорт билан таъминлаш – туристларни мамлакат бўйича жойлаштиришга хизмат қилувчи транспорт воситалари.


- Назорат қилувчи ва бошқа структуралар- МТК ривожланишини назорат қилувчи ҳокимият органлари, меҳмонхона ва туристик ассоциациялар, туристик агентлик ва операторлар, меҳмонхона менежментини амалга оширувчи миллий ва хорижий компаниялар.

Меҳмонхона –туризм комплекси барча иштирокчиларининг фаолияти анча чуқур интеграциялашган- улар барчаси у ёки бу даражада ўзаро шартномавий ёки оддий ишбилармонлик муносабатларини ўрнатадилар. Бундан ташқари, уларнинг фаолияти умуммиллий аҳамиятга эга туристик маҳсулотни матбуот ва туроператорларга таништириш, халқаро кўргазмаларда иштирок этиш орқали ҳаракатлантириш учун йўналтирилган бўлиши керак. Интеграцион жараён иштирокчиларининг фаолияти бир-биридан чуқур боғлиқ бўлиб, қайсидир тармоқдаги ҳатто кичик бир ўзгариш ҳам турли натижаларга олиб келиши мумкин. Масалан, ёқилги нархининг ошиши туристларни ташиш нархлари ошишига олиб келади, демак, турпакет нархининг ошиши, охир-оқибат эса- мамлакатга туристик оқимнинг ўзгаришига, меҳмонхоналар, музейлар ва бошқалар даромадларининг ўзгаришига сабаб бўлади.

Инфраструктуранинг мукамал эмаслиги Ўзбекистон бўйлаб саёҳатлар интенсивлигини чеклайди ва турпакет қийматини оширади. Ўзбекистон визасини олиш мураккаблиги ўзбек меҳмонхоналари даромадларининг ошишига салбий таъсир кўрсатади.

Меҳмонхона –туризм комплекси Ўзбекистон бутун халқ хўжалиги комплекси билан чамбарчас боғлиқдир. (1-расм).

Барча тармоқлар, жумладан меҳмонхона-туризм комплекси ҳам таркибан, ҳам бир-бирининг тараққиётига боғлиқ равишда ўзгаришда бўлади ва мамлакат ЯИМ ҳажмига ўз улушини қўшади.





1-расм. Мамлакат меҳмонхона хўжалиги комплексининг алоқалари

Ҳозирги кунда Тошкент шаҳри Ўзбекистонда меҳмонхона хўжалиги фаолияти ҳисобидан олинadиган даромад бўйича биринчи ўринни эгаллайди.

Турли мамлакатлар туристик саноати маълумотлари шуни кўрсатадики, бугунги кунда 10 дан 100 гача номерга эга бўлган кичик меҳмонхоналар келажаги бор рентабеллиги юқори ҳисобланади. Бироқ, шу билан бирга, улар бизнес юритишда қатор муаммоларга дуч келишади:

- менежмент ва маркетингнинг илгор усуллари қўллаш;
- автоматлаштириш масаласини ҳал қилиш;
- бронлаштиришда;
- персонални ўқитиш ва малакасини ошириш;
- техник таъминот;
- классификацияга мувофиқлаштириш ва даражасини ошириш борасидаги муаммолар уларни жуда ўйлантиради.

Чунки, юқоридаги масалаларни ҳал қилиш кичик меҳмонхоналарнинг молиявий ресурслари билан чекланган ва улар ўз маҳсулотларини бозорда тўла ҳаракатлантира олмайдилар.

Шу сабабли ҳам Ўзбекистон давлат ҳукумати, шунингдек, меҳмонхона операторларининг асосий вазифалари сифатида кичик меҳмонхоналар тармогини ривожлантириш, менежментнинг замонавий инструментларини жорий этиш ва бу хизматларга мавжуд ва ўсиб бораётган талабни қондириш учун ташкилий қарорларни қабул қилиш муҳим ҳисобланади.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, туристик корхоналар, жумладан, меҳмонхоналарда билимлар, тажриба ва унинг инструментларини имкон даражасида қўллаш зарур, деб ҳисоблаймиз.

Туристтик корхоналарда билимлар менежменти тизимининг қўлланилиши деганда менежментда бошқарув объектлари, жараёнлари, инфраструктуралар, технологияларнинг билимлар туфайли самарали қўллаш орқали компанияларда кўшимча кадриятлар, мустаҳкам рақобатбардош имкониятларнинг яратилишини тушуниш лозим.

Меҳмонхона хўжалигини ривожлантиришда хизмат кўрсатиш персоналнинг маълумотлилик даражаси муҳим омил ҳисобланади. Туризм соҳасидаги узлуксиз таълим олий таълимгача бўлган таълим дастурлари, олий таълим ва кўшимча касбий таълим дастурларининг реализациясини кўзда тутати. Юқори даражадаги туристик таълим шуни кўрсатадики, узлуксиз таълим концепциясини реализация қилиш самарадорлиги куйидагилар билан изоҳланади:

- 1) Туризм соҳасидаги таълим дастурини яратиш. Туристтик профилдаги мутахассиснинг профессионал муҳим сифатларни шакллантириш;
- 2) Таълим ва тарбия услубларини инновацион, педагогик мақсадга йўналтирилган асосда ва дидактик жиҳатдан ишлаб чиқиш;
- 3) Илмий-педагог кадрларни тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш ва педагогик маҳоратини юксалтириш ишларини олиб бориш;
- 4) Кўргазмалар, фестиваллар, танловлар, намоишлар ва турли тадбирлар ташкил этиш, бунда маҳаллий ва хорижий иштирокчиларни жалб қилиш;
- 5) Маҳаллий ва хорижий масштабда талабалар алмашинувини амалга ошириш;
- 6) Туризм соҳасидаги таълимнинг маҳаллий авторитетни ошириш мақсадида ғоялар ва таълим жараёнлари натижаларини пропаганда қилиш. Нашриёт фаолиятини ташкил этиш;
- 7) Четки ҳудудларда филиаллар ташкил этиш, шу жумладан, юридик шахс ҳуқуқи асосида.

Ҳар қандай компания учун юқори даражадаги корпоратив интеллектуал кўрсаткич (IQ) – маъмур компаниянинг ахборотлари, билимлари ва профессионализи зарурдир. Бозорнинг етакчи иштирокчилари доимий тарзда янада яхшироқ ишлашга ўрганадилар ва бу билимларни ўз ташкилотлари ичида тизимли равишда тарқатишади. Таҳсил- барқарор рақобатбардошлик хусусиятларини яратиш учун катализатор ва интеллектуал ресурс ролини бажаради.

TURIZMNI RIVOJLANTIRUVCHI OMILLARDAN SAMARALI FOYDALANISH YO`LLARI

Narzullaeva G., Buxoro davlat universiteti

O'zbekistonda turizm resurslari salohiyatini yuqoriligi, ya'ni bu yerda madaniy – tarixiy yodgorliklarning mavjudligi, boy tarixiy merosi, diniy, ekologik, ilmiy, hamda o'ziga xos an'analari va boshqa xislatlari turizmni rivojlanishini zamon talablari asosida yo'lga qo'yishni taqozo etadi. Ayniqsa turistik resurslar salohiyatidan samarali foydalanish, iqtisodiy jarayonning faol kechishiga sababchi bo'lib, uning imkoniyatlari respublikamiz olimlari tomonidan yetarli darajada o'rganilmagan. Mamlakatimizda turizm rivojlanishi jamiyatning yangilanish davriga to'g'ri kelib, u asta-sekinlik bilan sodir bo'layotgan o'zgarishlar jarayonini hisobga olgan holda, uning sifatini yanada yaxshilashga qaratilgan. O'zbekiston sharoitida turizmni hozirgi zamon talablariga javob bera oladigan darajada rivojlantirish uchun yetarlicha turistik resurs imkoniyatlari mavjuddir.

Turistik resurslardan samarali foydalanish imkoniyatlarini tadqiq etishda, ulardan foydalanishning samaradorligini oshirish yo'llari, ularga ta'sir etuvchi omillar va ularni aniqlash, hamda turistik resurslaridan foydalanish imkoniyatlarini baholash, iqtisodiy samaradorligini oshirishning nazariy va amaliy jihatdan o'rganish lozim. SHuning uchun, respublikamizda ushbu mavzuda ilmiy – tadqiqot ishlarini olib borish, uning ko'plab nazariy va amaliy masalalari bo'yicha tegishli taklif va tavsiyalar ishlab chiqilishi lozimdir.

Iqtisodiyotimizda turizmning o'rniga nazar tashlaganda, shu narsa ko'rinadiki, mavjud resurslardan har doim ham samarali foydalanishga erishilmayapti. Mamlakatimizda turizm rivojlanishi jamiyatning yangilanish davriga to'g'ri kelib, u asta-sekinlik bilan sodir bo'layotgan o'zgarishlar jarayonini hisobga olgan holda uning sifatini yanada yaxshilashga to'g'ri kelmoqda. Rivojlangan mamlakatlar tajribasidan ma'lumki, iqtisodiyotning rivojlanishi turizm sohasi bilan ham bog'liq. SHuning uchun ham, bozor iqtisodiyoti asosida xo'jalik yuritishga o'tayotgan mamlakatlarda halqaro turizmga katta e'tibor qaratish muhim ahamiyatga ega.

Turistik resurslar muhim ijtimoiy – iqtisodiy ahamiyatga ega bo'lib, ayniqsa ulardan samarali foydalanish mahalliy aholi hayotiga ijobiy ta'sir ko'rsatadi. Bu ijobiy xususiyatlar quyidagilar orqali asoslanib berildi:

- ish o'rinlarining yaralishi;

- daromadning ko'payishi, mahalliy aholini yashash darajasini oshishi;
- ijtimoiy va madaniy jarayonlarning tezlashishi;
- mahalliy madaniyat o'choqlarining yaralishi, xalq ijodiyoti, an'analari, udumlarining rivojlanishi;
- qishloq xo'jaligi mahsulotlari va mahalliy ishlab chiqarilgan tovarlarga talabning oshishi;
- mahalliy madaniy yodgorliklarni tiklanishi va muhofazasi;
- tabiiy komplekslarning kengayishi;
- mintaqa jozibadorligining oshishi;
- mahalliy madaniy hayotning jonlanishi va boshqalar.

O'zbekistonning turistik salohiyati dunyo mamlakatlari orasida o'rtacha ko'rsatkichdan baland hisoblanadi. Demak, mamlakat eksportida va YAIMda turizmning ulishi yuqori bo'lishi kerak. Lekin hozirgi kunda O'zbekiston YAIMda turistik xizmatlarning ulushi kam. Bu ko'rsatkich ham mavjud turistik resurslardan samarali foydalana olmayotganligimizni bildiradi. Tadqiqotlar natijasi ko'rsatdiki, turistik resurslarga boy bo'lgan mintaqa iqtisodiyotida turizm boshqa tarmoqlar bilan bir qatorda rivojlanib, boshqaruvchi, yetakchi tarmoqqa aylanish imkoniyatlari bor.

Milliy iqtisodiyotda turistik resurslardan foydalanish samaradorligini oshirishda tabiat resurslaridan oqilona foydalanish lozim. Tabiatdan hamda milliy merosdan foydalanishda va muhofaza qilishda turli shakllardan foydalanish samarali hisoblanadi. Masalan, AQSHda 20 xil kategoriyadagi muhofaza qilish hududlari ajratilgan. Ularga milliy bog', milliy rezervat, milliy tarixiy joy, milliy yodgorlik, milliy tarixiy bog', milliy tarixiy yodgorlik, milliy memorial va boshqalar kiradi. SHu kabi bizda ham ayrim qo'riqxonalarni milliy bog'larga aylantirish turizm faoliyatini rivojlantiradi.

Hozirgi kunda turizm infratuzilmasi jahon iqtisodiyotining yetakchi tarmoqlaridan biri bo'lib, mamlakat iqtisodiy rivojlanishida katta ahamiyatga ega. Bu sohada rivojlangan davlatlarda juda katta bunyodkorlik ishlari amalga oshirilmoqda. Shu sababli turizmni rivojlantirishda ilg'or mamlakatlar modelidan foydalanish va ular erishgan yutuqlarni respublikamiz turizmiga tatbiq etish yo'llarini o'rganish lozimdir. Shundan kelib chiqqan holda turizm sohasida davlat boshqaruvi funksiyasi sifatidagi rejalashtirishning samaradorligi, uni tuzishda quyidagi tamoyillardan foydalanilganligiga bog'liq bo'ladi:

- Turizmga xususiy sektor rolini oshirish;
- Xususiy mehmonxonalarni ishga tushirish uchun kreditlar ajratish;
- Xalqaro yarmarkalarda surunkali qatnashishni ta'minlash;
- Rejalashtirishning aniqligi, reja tuzishda istiqbolni aniqligini ta'minlavchi zomanaviy metodlar, vositalar, taktika va jarayonlardan foydalanish;
- Rejalashtirishning uzluksizligi - bu bir marta bajariladigan emas, balki uzluksiz jarayondir.

60-yillarda jahon turizmida operativ tadqiqot degan uslub keng tapqalgan edi. Bu erda zamonaviy turizm modellarini (navbatlar, o'yinlar nazariyasi, imitacia modellari) muammoni tahlil qilish va qarop qabul qilish uchun foydalanish nazarda tutiladi. U yoki bu modelni tatbiq qilish jarayonida qo'llanilishi ob'ektiv axborotning to'planganligi va tahliliga bog'liq. Turizmga eng dolzarb muammolardan biri, axborot boshqaruv kanallariga yetarli hajmda va kerakli vaqtda kelishi zarurdir. Bu eng muhim erishuv hisoblanadi. Agarda axborot kerakli vaqtda etib kelmasa bozorda katta yo'qotishlarga olib kelinishi mumkin.

Turizmning milliy modelini yaratishda boshqaruv asosiy o'rin tutadi. Shuning uchun ham menejmentni jahon talablari darajasiga yetkazishda quyidagi omillar dolzarb hisoblanadi:

- turizmga kichik va xususiy tadbikorlik faoliyatini to'g'ri yo'naltirish;
- O'zbekistonning turistik imkoniyatlari bilan chet ellik investorlarni tanishtirish va ulardan unumli foydalanish;
- ichki turistik bozorda o'zaro raqobatni yanada kuchaytirish;
- zamonaviy turistik komplekslarni bunyod etishda chet el sarmoyasini jalb etishga erishish;
- jahon bozorida talab katta bo'lgan xalqaro turistik yo'nalishlarni yo'lga qo'yishda va ishlab chiqishda qatnashish:

- milliy urf -odatlar va tarixiy arxitektura yodgorliklarini asl ko'inishda saqlab qolishga erishish:
- milliy turistik mahsulotlarni yagona markaga birlashtirish:
- turizm sohasi uchun malakali mutaxassislarni tayyorlashni takomillashtirishdan iborat bo'lishi kerak.

Butun dunyoga o'zining shonli tarixi bilan tanilgan Buxoroi sharifda turizm borasida amalga oshirilishi va yo'lga qo'yilishi kerak bo'lgan ishlar anchagina hisoblanadi. Biroq, bugungi kunda hukumat tomonidan berilayotgan e'tibor asosida Buxoroning turizmdagi hozirgi holatini yanada yaxshilash imkoniyatiga egamiz. Birinchiidan, regionda mavjud resurslardan unumli foydalanish, ularni takomillashtirish va xilma-xilligiga erishish. Bilamizki, Buxoro o'zining tarixiy ahamiyatligi bilan turistlar e'tiborini qozonib kelmoqda. Biroq bu faqatgina tarixiy yo'nalishga qiziquvchi turistlarni jalb qilish imkoniyatini yaratadi. Buxorodagi mavjud ekologik resurslarni hisobga olgan holda ekoturizmni xalqaro miqyosda rivojlantirish imkoniyatiga egamiz. Hali o'rganilmagan yoki kam o'rganilgan hududlar anchagina. Bu orqali boshqa segmentga tegishli bo'lgan sayyohlarni jalb qila olamiz. Ekologik, gastronomik, ekstremal, ilmiy izlanishga doir maxsus turlar, davolanish maqsadidagi turlarni misol keltirish mumkin.

Buxoro viloyatining o'zini katta bir turistik hududga aylantirish. Mazkur taklifni yuqoridagi taklifning davomchisi desak ham bo'ladi. Negaki, infratuzilmaning mukammal darajadaliqi orqali Buxoro viloyati bo'ylab ziyoratgohlar-u turistik ob'ektlari orasida uzviy bo'lmagan holda aloqa o'rnatish evaziga katta bir turistik hududni barpo etish mumkin. Buxoroning har bir tuman va shaharining o'zida bir nechta resurs sifatida namoyon bo'luvchi turistik ahamiyatga ega bo'lgan hududlar mavjud. Masalan, Kogon shahridagi "Ahadxon" majmuyidagi saroy, Qorako'l tumanidagi "Poykent" aexeologik yodgorlikda infratuzilmani shakllantirish, Shofirkondagi "Og'itma" ko'li, To'dako'l suv omborida atrofida yangi turistik yo'nalishlarni tashkil etish zarur. Ishonchli statistik bazani yaratish. Bugungi kunda O'zbekiston va uning ichidagi regionlarda turistik resurslari va barcha turizm infrastrukturasi o'z statistika ma'lumotlari to'plami mavjud emas, borlari ham taxminiy hisob-kitoblarga asoslangan. Iqtisodiy yuksalish bo'lishi, sohadagi kamchilik va yutuqlarni aniqlashda statistik ma'lumotlar, tahliliy jadvallarning o'rni beqiyos. Demak, turizm uchun ham shunday bir yagona baza yaratish lozim.

Buxoroning turistik salohiyati va imkoniyatlari juda ham ko'p. Yuqoridagi vazifalarni amalga oshirish orqali mamlakatimizdagi turizm sohasini jahon hamjamiyatida o'z o'rnini egallashida birmuncha o'z hissamizni qo'shgan bo'lar edik. Shuningdek, ichki turizmning yaxshilanishi, xalqimizda turistik madaniyatning shakllanishuvi, ichki turizmdagi infratuzilma xalqaro sayyohlar uchun ham bir qancha qulayliklar tug'dirib, to'siqlarni bartaraf etgan bo'lar edi. Shu singari ba'zi kamchiliklarni tuzatish va mavjud qulayliklarni takomillashtirish orqali ko'hna va boqiy shahrimizda turizm sohasining rivojlanish cho'qqisiga yeta olamiz.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 5-yanvardagi "O'zbekiston Respublikasida turizmni jadal rivojlantirishga oid qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida"gi PF-5611-sonli Farmoni
2. "Turizm tarmog'ini jadal rivojlantirishga oid chora-tadbirlar to'g'risida"gi PQ-4095-sonli qarori

O'ZBEKISTONDA ISLOM MADANIYATINING MILLATLARARO TOTUVLIKNI TA'MINLASHDAGI O'RNI

*Xudoyberdieva Xuriyat Karimberdievna,
Samarqand davlat chet tillar instituti tadqiqotchisi*

O'zbekistonda islom dini kirib kelgandan boshlab barcha millat va elat vakillarini birlashtirishga asosiy e'tibor qaratib kelingan. O'tgan asrlar davomida ajdodlarimiz tomonidan dinning mazmun-mohiyati rivojlantirilib, mintaqada o'ziga xos diniy san'at asarlari yaratilib, millatlararo totuvlikni ta'minlash jamiyatda dolzarb masalalardan biriga aylangan. Natijada tarixiy taraqqiyot rivojida islom dini bilan uyg'un ravishda "ruhiy, badiiy, estetik, ma'rifiy, falsafiy va

tarbiyaviy imkoniyatlari sharqona axloq-odob va milliy hayot tarzini shakllantirishda juda katta ahamiyat kasb eta boshladi”¹⁸⁷. Bunday yuksak falsafiy tafakkur durdonalari O‘zbekistonda istiqomat qilayotgan millat va elatlarni islom dini atrofida birlashtirib, jamiyatda o‘ziga xos millatlararo totuvlikni vujudga keltirdi.

Yurtimizda O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 7-fevraldagi PF-4947-sonli “O‘zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo‘yicha harakatlar strategiyasi to‘g‘risida”gi farmoni bilan tasdiqlangan 2017-2021 yillarda **O‘zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo‘nalishi bo‘yicha Harakatlar strategiyasi ishlab chiqildi**. Bu borada davlatimiz rahbari Sh.Mirziyoev o‘zining fikrlarini bildirar ekanlar, “strategiyada davlat va jamiyat qurilishini takomillashtirish, qonun ustuvorligini ta‘minlash va sud-huquq tizimini isloq qilish, iqtisodiyotni yanada rivojlantirish va liberallashtirish, ijtimoiy sohani rivojlantirish, xavfsizlik, millatlararo totuvlik va diniy bag‘rikenglikni ta‘minlash, chuqur o‘ylangan, o‘zaro manfaatli va amaliy ruhda tashqi siyosat yuritish kabi masalalar taraqqiyotimizning asosiy yo‘nalishlari sifatida belgilab olindi”¹⁸⁸, - deb ta‘kidladilar. Ushbu strategiyaning beshinchi ustuvor yo‘nalishida jamiyatdagi millatlararo totuvlik va diniy bag‘rikenglikni ta‘minlash masalasiga alohida e‘tibor qaratildi. Natijada ijtimoiy hayotning barcha jabhalarida islom dini bilan uyg‘unlashgan millatlararo totuvlikni mustahkamlashga alohida e‘tibor berildi. Jamiyatda dinalararo va millatlararo manfaatlarini himoyalaydigan o‘ziga xos va mos bo‘lgan O‘zbekistonning barqaror taraqqiyoti hamda yurt tinchligiga xizmat qiladigan qo‘ni-qo‘shnichilik islohotlari amalga oshirilmoqda. Bunda turli millatlarning madaniyati, milliy qadriyatlarini, an‘ana va udumlari, diniy e‘tiqodlari asosida xavfsizlikni ta‘minlash, millatlararo totuvlikni kuchaytirish, diniy bag‘rikenglik tamoyiliga amal qilish islohotlarini yuritishga alohida e‘tibor berildi.

O‘zbekiston hududida yashagan insonlar va jamiyatning o‘tmishi, hoziri va kelajagi haqida islom dini o‘n uch asrlar tarixga ega. Unda turli millatlararo munosabatlarning namoyon bo‘lishi, insoniyat ma‘naviy olamining yuksak diniy kamolot darajasini ko‘rish mumkin. “SHu munosabat bilan millatlararo totuvlik, jamiyatdagi ijtimoiy va milliy guruhlar o‘rtasida o‘zaro ishonch va hurmatni mustahkamlashga ko‘maklashuvchi partiyalar va harakatlar, jamoat fondlari va uyushmalar, diniy konfessiyalarning tarbiyaviy sa‘y-harakatlari yo‘nalishining o‘zgarishi bilan bog‘liq barcha jarayonlarni ijtimoiy-falsafiy jihatdan tahlil qilish zarurati tug‘iladi”¹⁸⁹.

Jamiyatda millatlararo totuvlikni ta‘minlashda islom dinining ham o‘ziga xos ta‘sir kuchi mavjud bo‘lib, san‘at asarlarida mana shu jarayonlar zamon ruhini ifodalab keladi. Din bilan uyg‘unlashgan san‘at asarlarida muayyan dinning insonga estetik zavq beruvchi jihatlari ifodalanadi. Masalan, islom dini bilan uyg‘unlashgan me‘moriy obidalar, masjid va madrasalardagi o‘ziga xos jozibadorlik boshqa dinga e‘tiqod qiluvchilarning e‘tiborini qanday tortsa, xristianlikdagi cherkovlar ham boshqa din vakillarini shu tarzda yuksak san‘at namunalarini orqali o‘ziga jalb etadi. Aslini olganda, din ham, san‘at ham ijtimoiy ong shakli sifatida millatlarning voqelik haqidagi badiiy obrazli tasavvurlarini idrok etish asosida vujudga keladi. Ularda insonning yuksak did bilan yaratilgan dunyo haqidagi obrazlari, timsollari aks etib, yuksak san‘at asari sifatida hayotning maqsad va ideallari ifodalanadi.

Islom dinida ilgari surilgan g‘oya va qarashlarda insonlarni ichki kechinmalarining pokligi va tabiiyligi, turli xalqlar ma‘naviy olamining kamolot darajalari o‘zini namoyon qiladi. Islom madaniyati orqali odamlarga inson hayoti va jamiyat haqida yangi bilimlar beriladi. Unda butun insoniyatning go‘zallik olamiga intilishi, yuksak ma‘naviyat sari borishi, dunyoning ulug‘vorligidan lazzatlanishi, kelajakka bo‘lgan umidlari qaytadan nish urishi, ko‘ngli tog‘dek ko‘tarilishi, bu olamning naqadar keng va jozibador ekanligi, Olohga e‘tiqodning mustahkamligi haqida mulohazali tasavvurlar shakllanadi.

¹⁸⁷ G‘aybullaev O. SHaxs ma‘naviy kamoloti va estetik madaniyat. –T.: Chashma print, 2008. 133-bet.

¹⁸⁸ Mirziyoev SH.M. Xalqimizning roziligi bizning faoliyatimizga berilgan eng oliy bahodir. –T.: O‘zbekiston, 2-jild, 2018. 178-bet.

²Musaev O. O‘zbekistonda millatlararo munosabatlar rivoji. Monografiya. – T.: “Istiqol nuri”, 2016. 8-9-betlar.

O'zbekistonda dinlarlararo va millatlararo totuvlikni ta'minlashda jamiyatning har bir fuqarosi o'ziga xos rol o'ynaydi. Ayniqsa, turli millat vakillari o'rtasida bo'ladigan insonparvarlik, mehr-muhabbat va diniy munosabatlarda islom madaniyatining pok qiyofasi yaqqol namoyon bo'ladi. Agar jamiyat a'zolari qanchalik ma'naviyatli, ma'rifatli, madaniyatli bo'lsa, o'zi bilan yashayotgan turli millatlar, elatlarning ma'naviyati va san'ati haqida ijobiy taassurotlarga boy bo'ladi. Tarixdan ma'lumki, islom dini asosida millatlararo munosabatlarning mustahkamligi tufayli yurtimizda milliy urf-odatlar, an'analar, milliy qadriyatlarni asos qilib buyuk ajdodlarimizning noyob diniy meroslari yaratilgan. SHu boisdan jamiyatda islom dini asosida turli millat va elatlar birga yashab, milliy g'oya ruhida yurtimizga xizmat qilmoqdalar.

Yurtimizda barcha millatlarning milliy qadriyatlarni asrab-avaylash, turli millatlarning ajdodlari yaratgan milliy qadriyatlarini jamiyatda keng amalga oshirishlariga shart-sharoitlar yaratilgan bo'lib, ayniqsa, dinlararo totuvlikni mustahkamlashda ularning azaldan shakllanib kelgan islom diniga hurmat bilan qarash, milliy an'alarini rivojlantirish kabilar uchun zarur imkoniyatlar yaratilgan.

Qaysi bir jamiyatda dinga e'tiqod kuchli bo'lsa, o'sha joyda fuqarolar farovon va ahil yashab, millatlararo totuvlikka, hamjihatlikka katta e'tibor qaratiladi. Har qanday salbiy holatlar yoki ichki va tashqi ziddiyatlarga yo'l qo'yilmaydi. O'zbekiston bugun mana shunday islom dini asosida tinchlikni ta'minlayotgan davlat bo'lib, unda 130 dan ortiq millat va elat vakillari bir oila sifatida totuvlik, inoq yashamoqda. SHu asosda madaniyat, san'at, musiqa, teatr va boshqalarning keng qamrovli amalga oshirilayotganligini ko'rishimiz mumkin.

Jamiyatda ma'naviy etuk insonni tarbiyalash masalasi Yurtboshimiz tomonidan amalga oshirilayotgan islohotlarda muhim ahamiyat kasb etib, ta'lim-tarbiyaning innovatsion yutuqlari bilan boyib bormoqda. Yoshlarning tarbiya jarayonida komil inson sifatida mafkuraviy, axloqiy, diniy, estetik va siyosiy tarbiyasida zamonaviy bilim va tafakkur masalalariga ayni chog'da alohida e'tibor qaratilmoqda. Mana shu jarayonda fuqarolarimizning, ayniqsa yoshlarning islom dini va uning jamiyatdagi mavqeiga nisbatan qiziqishlarini kuchaytirish dolzarb masalaga aylanib bormoqda. Davlatimizda islom madaniyatiga bo'lgan e'tiborning bir ko'rinishi sifatida yoshlarimizning har tomonlama etuk va komil, baquvvat, epchil bo'lib voyaga etishishlari uchun barcha shart-sharoitlar yaratilgan. Prezidentimiz Sh.M. Mirziyoev bu borada so'z yuritib, yoshlarga "mamlakatimizda hukm surayotgan tinchlik va xotirjamlikni ko'z qorachigidek asrab-avaylash, bunday barqaror va osoyishta muhit osmondan tushmayotganini targ'ib etish, ota-bobolarimiz ming yillardan buyon pok saqlab kelayotgan islom dini har qanday zo'ravonlikka, buzg'unchilikka, begunoh insonlarning qonini to'kishga mutlaqo qarshi ekanini oyat va hadislar asosida, jonli misollar yordamida ta'sirchan etkazib berishlari zarur"¹⁹⁰ - deb aytadilar.

Bu jarayonni amalga oshirishda yurtimizda qadimdan islom dini asosida hamjihat bo'lib yashab kelayotgan turli millat vakillarini hurmat qilish, ularning ertangi kunga umid va ishonchlarini millatlararo totuvlik g'oyasi asosida ro'yobga chiqarish dolzarb masala sanaladi. Biz bugun jamiyatda ezgu g'oyalariimizning ro'yobi asarlar davomida rivojlanib kelgan islom dini bilan uyg'unlashib ketganini chuqur his etishimiz lozim. Har birimiz yurtimizda amalga oshirilayotgan islohotlarning samarasi sifatida O'zbekistonda istiqomat qilayotgan barcha millat va elatlarning maqsad-muddalari shu aziz Vatan uchun tinmay izlanayotgan fuqarolarimizning islom dini rivojiga qo'shayotgan hissalarini jamiyatdagi o'zgarishlarda ko'rishimiz mumkin. So'nggi yillarda ijtimoiy hayot va islom diniga bo'lgan munosabatda shaffoflik, oshkoralik qaror topgan sari millatlararo totuvlikka bo'lgan intilishda ijobiy o'zgarishlar sodir bo'la boshladi. Jamiyatda diniy erkinlik bilan inson erkinligi o'rtasidagi farqni to'g'ri anglab bormoqdalar.

Jamiyatda millatlararo totuvlikni kuchaytirishga xizmat qiluvchi islom dinida yuksak insonparvarlik va axloqiy qadriyatlar mujassam bo'ladi. Bunda din jamiyatdagi ma'naviy hayotning bir butun tizimi sifatida shakllanishida katta rol o'ynaydi. Yurtimizda millatlararo totuvlikni ta'minlash va inson manfaatlarini amalga oshirishda islom madaniyatiga asoslanish muhim

¹⁹⁰ Mirziyoev SH. Milliy taraqqiyot yo'limizni qat'iyat bilan davom ettirib, yangi bosqichga ko'taramiz. – T.: O'zbekiston, 1-jild, 2017. 485-bet.

ahamiyat kasb etmoqda. Biz tarbiya jarayonining muhim tarkibiy qismi bo'lgan islom dinini yoshlarimizning ongu tafakkuriga singdirish ishlarini rivojlantirib, jamiyatda millatlararo totuvlik g'oyalari negizida hamisha innovatsion fikr va g'oyalar asosida kelajakka intilishimiz zarur. Bunday xayrli va samarali faoliyatni yo'lga qo'yish uchun biz o'sib kelayotgan avlodning qalbida islom madaniyati va uning pok g'oyalarini kengroq singdirib, milliy va umuminsoniy qadriyatlarga bo'lgan qiziqishlarini yanada rivojlantirib borishimiz darkor.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati.

1. Mirziyoev SH.M. Xalqimizning roziligi bizning faoliyatimizga berilgan eng oliy bahodir. – T.: O'zbekiston, 2-jild, 2018. 178-bet.
2. Mirziyoev SH. Milliy taraqqiyot yo'limizni qat'iyat bilan davom ettirib, yangi bosqichga ko'taramiz. – T.: O'zbekiston, 1-jild, 2017. 485-bet.
3. Musaev O. O'zbekistonda millatlararo munosabatlar rivoji. Monografiya. – T.: "Istiqlol nuri", 2016. 8-9-betlar.
4. G'aybullaev O. SHaxs ma'naviy kamoloti va estetik madaniyat. –T.: Chashma print, 2008. 133-bet.
5. Milliy g'oya va ma'naviy taraqqiyot tamoyillari. -Toshkent: Akademiya nashriyoti, O'zbekiston Faylasuflari milliy jamiyati nashriyoti, 2005.

THE ROLE OF ISLAMIC SERVICE IN THE CULTURE OF THE PEOPLE

Rashidova Nodira Habibullayevna the English teacher of NamSU.

The word Islam comes from the root word 'aslama', which means either: to 'be safe', 'peace', 'surrender to Allah'. As the youngest and second largest religion (19.6% (approx 20%) of the total world population) around the world, Islam has become an interesting subject to be explored. This monotheistic religion (believing in only one God; Allah Subhannahu Wa Ta'ala / "Glory to Him! He is high") holds the Koran (Qur'an) as the eternal and direct revelation of Allah Hattstein, 1998), and the Sunnah (the recorded sayings and behaviour of Prophet Muhammad Salallahu Alaihi Wassalam/ "Peace be upon him!") as a practical guidance. With five pillars of Islam (Rukun Islam) that regulate the religious life of the believers, and practically oriented legal system (Syari'ah) , all Muslims share a common religious and social way of life. This is an important aspect for consumer behaviour. Moreover, regulation of lawful (Halal) and unlawful actions/behaviour (Haram) in Islam has created a fixed direction of a Muslim's social life, including handling business transactions (Al-Qaradawi, 1985). The prohibition on selling Haram goods (e.g. wine); prohibition on selling uncertainty as well as frequent swearing, the prohibition of price manipulation, the prohibition of exploitation, permission to add brokerage, and other rules has built a common understanding and regulation between seller and buyer in Islam (Al-Qaradawi, 1985). Hence, this uniqueness of Islam, compared with other cultures and/ or religions, provides a rich opportunity for deeper investigation in consumer behaviour.

Consideration of Islamic Influence on Perceived SQ

Muslims believe that since humans are accountable and responsible directly to Allah (God Almighty), they have to surrender themselves to the will of Allah (Kadivar, 2003; Rice, 1999). This realization also leads to a belief that one's success in the after world (i.e. after death) depends on one's performance in this life on earth (Rice, 1999). Guidance for performing a daily life according to Islamic norms and values (Syari'ah) is taken from the Qur'an and Hadith with the objective of bringing wisdom and welfare to the people (Siddiqui, 1997). Honesty is believed to be the basis of creating trust and loyalty in customers. A company should therefore adhere to fair and honest trading practices (Bashir 1998). Fair and honest business is an important element/feature/characteristic of Islamic Marketing. For instance, when service providers communicate their product through advertising or personal selling, they have to be honest about disclosing the particular service they offer without any deceit or lies.

Closely related to Riba provision, service providers cannot make an arbitrarily high profit by overpricing the product and over charging the customers, especially with a bad intention to conceal it, since it is against an Islamic Syari'ah. When service providers 'over promise' the service offering they mislead the customer., Muslim customers will likely spread the information of such fraudulent acts to their Muslim fellows quickly through religious networking (such as bulletins and religious speeches/khutbah) as engaging in businesses with such a service provider means committing a sin. Moreover, not passing the information to fellow Muslims and warning of such activities is also a sin in Islam.

However, a number of themes have emerged that differ from Brady and Cronin's (2001) findings. The first is regarding the 'humane' treatment from the service provider towards the customer that is believed to influence the latter's perception toward the quality of services. Different from 'attitude', 'behaviour' or 'valence' sub dimensions from Brady and Cronin (2001) study, the term 'humane' is not solely defined by the single or several actions made by the staff from one service company to its customer during the transaction/'moment of truth' process. It also involves the finer attributes of human beings and implies how the service providers design/develop the interaction-approach with their staff and execute the service to fulfil the requirement of 'what is properly deserved' for human-standard in general. Specifically some respondents expressed:

"When the staff greeted me, I felt a psychological touch like human relation, it is so humane"(Respondent three, line 71-75)"There is no Jum'ah prayer held for the staff inside (the complex). And they are not allowed to leave their shift as well. Actually it is a bit inhumane." (Respondent two, line 694-696)

The second is related to 'trustworthiness'. In terms of social life, Indonesian customers are living in a low trust society. This condition implies generalizations that all individuals tend to break existing rules, undisciplined and dishonest i.e. are not well behaved. In business contexts this preconception leads to some negative treatments from company to its customer. Interestingly, the customers in this country (Indonesia) had been forced into disharmonious circumstances and have already accepted this unfairness for many years. Therefore, once there is a service provider assuming the customers are trustworthy (and shows trust to the customer during the service transaction); the Indonesian customers seem to appreciate it and perceive that particular service provider more positively. Several respondents expressed the following:

"I felt comfortable there, because I could carry my bag inside the store. Apparently the owner held the customers as trustworthy. There was no detector or camera surveillance. The customers could feel comfortable without being suspected"(Respondent three, line 51-62) "I bought a salty egg. Unfortunately it was rotten. I went back to get the replacement. To be honest, I was doubtful whether they would treat my case positively. Fortunately, their response was great! They replace my eggs. It fulfilled my wish (Respondent nine, line 28-33).

Muslim specific attributes Along with SQ key issues, there are some other variables that can be categorized as 'Muslim specific' key attributes. These variables are the differentiated factors that distinguish Muslim customers from the others (non Muslim) customers in evaluating the quality of services.

The first variable is regarding Halal (lawful) and Haram (unlawful business transaction) that create the fixed-direction of a Muslim's social life, (Al-Qaradawi, 1985). All respondents of the sample expressed their demeanour of refusing Haram business transaction and accepting only definite Halal business process. For example:

"If I have to choose restaurant, I will select those which substantively has Halal certificate, those which are closely related with sha'riah of Islam" (Respondent one, line 123-130)

The second is about the attention of the service providers to the Islamic religious activities. The compulsory Islamic religious activities in a day are likely to occur and coincide during people's common activities. Therefore, the service providers that provide the proper

facilities for Muslim religious activities or provide increased attention toward religiosity details are more favoured by Muslim customer. Some of the respondents' expressions are cited below: "They always announce the time for Maghrib prayer... we were about to go, but the staff said:

"you do not have to go home; we provide the place for you to say prayer upstairs!" I put them in very high esteem. They did not have to spend much money for that, but people would remember. I am happy (Respondent four, line 441-457; Respondent 10, line This study offered insight into how culture influences the nature of the SQ judgments. This research offers "cultural" themes of service quality that advanced Brady and Cronin (2001) and our understanding of the role of culture in SQ measurement. There is still a lack of evidence about the efficacy of service quality instruments in its application towards the growing potential Muslim market. This research has only begun to explore this area. The scarcity of research and the important influence of Islamic values provide plenty of support to explore this topic further with future research focusing on the Islamic Cultural considerations. Furthermore, the application of the verbal protocol method as an alternative data collection method in this exploratory stage provides a methodological contribution for services quality research.

The need for research on Islamic cultural influence on service quality is also emphasized. Whereas the significance of Islamic influence on consumer behaviour is evident (Delener 1990; Lam 2002), the deeper exploration on Islamic cultural influence on service quality, how significantly it affects different perceptions, is still far from adequate. Furthermore, it is concluded that the multi-hierarchical and multi-level service quality model as developed by Brady and Cronin (2001) is the most comprehensive model to measure service quality however, despite the applicability of this model within different service sectors, there is little done to test its applicability in different cultural settings.

References

1. Al-Qaradawi Y. (1985), The Lawful and the Prohibited in Islam (Al-Halal wal Haram fil Islam), Malaysia: Islamic Book Trust.
2. Kadivar, M. (2003), "An introduction to the public and private debate in Islam", Social Research, Vol. 70, No. 3, pp. 659-80.
3. Siddiqui, A., 1997. Ethics in Islam: Key concepts and contemporary challenges. Journal of Moral Education, Vol. 26 No. 4, pp. 423-31.
4. Bashir, A. (1998). "Ethical norms and enforcement mechanism in profit-sharing arrangements", The Mid-Atlantic Journal of Business, Vol. 34 No 3, pp. 255-271.
5. Brady, M.K. and Cronin, J.J. Jr. (2001), "Some new thoughts on conceptualizing perceived SQ: A hierarchical approach", Journal of Marketing, Vol. 65, No. 3, pp.34-49.
6. Delener, N. (1990), "The Effects of Religious Factors on Perceived Risk in Durable Goods", Journal of Consumer Marketing, Vol. 7, No. 3, p. 27.

ЖАМИЯТНИНГ РИВОЖЛАНИШИДАГИ ДИНИЙ ҚАРАШЛАР

*Акаева Маърифат Абдухаликовна
НамДУ юридик фанлар номзоди*

Демократия ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мустақиллигимиз қомуси бўлмиш Конституциянинг асосий тамойили, Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-сиёсий тизимни ислоҳ қилишнинг устувор йўналиши ва якуний мақсадидир.

биринчидан, демократия ва инсон ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини ҳимоя қилишнинг самарали механизмни таъминлаш;

иккинчидан, демократия ва инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган тамойиллари ва нормалари асосида миллий қонунчиликни такомиллаштириш;

учинчидан, қабул қилинган қонунларга оғишмай амал қилиш механизмни ишлаб чиқиш ва ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида қонун устуворлигини таъминлаш;

тўртинчидан, судлов ислоҳотини амалга ошириш йўли билан бутун суд тизимини демократлаштириш;

бешинчидан, аҳоли, айниқса ёшлар ва аёллар, мансабдор шахслар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари ўртасида ҳуқуқий тарбия ишларини тубдан яхшилаш, уларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириш.

Демократия ва инсон ҳуқуқлари муаммоси ҳозирги замоннинг энг долзарб муаммоларидандир. Демократия ва инсон ҳуқуқлари - бу жамиятнинг энг олий қадриятидир. Демократия ва инсон ҳуқуқлари - бу муҳим конституциявий институтдир. Демократия ва инсон ҳуқуқлари - бу бутун инсониятнинг интилишлари, орзу-умидларини ўзига жамлаган кенг қамровли тушунчадир. Демократия ва инсон ҳуқуқлари - бу ҳозирги замон тараққиётининг асоси ва давр талабидир.

Инсон ҳуқуқлари - бу демократик ҳуқуқий давлатнинг энг муҳим белгисидир. Инсон ҳуқуқлари - ҳар бир давлатнинг демократик тараққиёти даражасини кўрсатувчи муҳим мезондир. Шунинг учун ҳам инсон ҳуқуқлари халқаро ҳуқуқда ва миллий ҳуқуқий тизимда муҳим ўрин тутди.

Инсоният ўз тарихий ривожланиши жараёнида демократия ва инсон ҳуқуқларига оид қонунчилик тизимини яратган. Демократия ва инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунчилик - бу инсон ва фуқаро ҳуқуқлари ва эркинликлари ҳақидаги қонунлар мажмуидир. Бу қонунлар қаторига демократия ва инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳужжатлар ва миллий қонунлар қиради.

Жамият инсонсиз бўлиши мумкин эмас. Инсон жамиятнинг тузилишида ва унинг ривожланишида асосий ролни ўйнайди. Жамият инсонларнинг бир-бирлари билан жамоа бўлиб яшашга табиий эҳтиёжлари асосида пайдо бўлган.

Жамият пайдо бўлганидан бошлаб бугунги кунга қадар ривожланишда мураккаб, турли шакллар ва тарихий босқичлардан ўтди. Масалан, илк бор жамиятнинг пайдо бўлишини оладиган бўлсак, уни адабиётларда *ибтидоий* жамоа тузуми деб юритадилар. Ибтидоий жамоа тузуми узоқ йиллар давомида мураккаб бўлмаган, яъни табақа, синфларга бўлинмаган оддий шаклда амал қилди. Бугунги кундаги жамият ўта мураккаб кўринишда бўлиб, уларнинг кўпчилига бир миллат асосида бошқа миллатлар вакиллари бирлаштирган, масалан, Хитой, Япония, Ҳиндистон, Франция, Олмония, Ўзбекистон каби мамлакатларда. АҚШни оладиган бўлсак, бундай жамиятлар турли-туман миллатлар иттифоқидан ташкил топганини кўрамиз.

Инсоният тарихида илк бор жамият, давлат, қонунлар тўғрисидаги қарашлар Турон, Миср, Бобил, Ҳиндистон ва Хитой каби мамлакатларда мифология шаклидаги илоҳият билан боғлиқ ҳолда пайдо бўлган ва ривожланган. Масалан, қадимги Турон ва Эрон, яъни Ажам давлатида «Авесто» - зардуштийларнинг диний китобида ердаги ҳокимият ва тартиб, қонун-қоидалар қонинот қонун-қоидаларининг давоми, ажралмас қисми сифатида ўрганилади. Куч, қудрат, адолат, ҳақиқатнинг барчаси Худонинг сифати, шу жумладан давлат ва қонунлар ҳам унинг иродаси билан пайдо бўлган деб уқтирилади ва ҳоказо[1].

Худди шу тарзда барча китобий динларда давлат ва ҳуқуқнинг келиб чиқиши ва моҳияти ўрганилади. Бу ерда шуни айтиш керакки, ҳар бир мамлакатдаги сиёсий-ҳуқуқий қарашларнинг ўзига хос томонлари ҳам мавжуд бўлган. Масалан, қадимги Хитой манбаларида ёзилишича: император ерда осмон томонидан тайинланган ва у худо билан муносабатда. Унинг ҳокимияти мутлақ. Давлат хизматидаги бошқа мансабдор шахслар ва барча фуқаролар фақат унинг иродасини, фармонларини амалга оширувчилардир. Миср, Бобил, ҳинд халқлари ҳаётида эса Оллоҳ бир вақтнинг ўзида бутун қонинотни ва ердаги жамиятни, давлатни бошқарувчи куч сифатида ўрганилган. Қадимги яҳудийлар диний китоби - Мусо қонунлари тўғридан тўғри Оллоҳдан олинган, аниқроғи Мусога нозил бўлган. Шу сабабдан ҳам Оллоҳ бутун яҳудий халқи билан алоҳида шартнома асосида, зарур бўлганда унинг ўзи жамиятни тўғридан-тўғри идора қилади. У Олий соҳиби қонун, бошқарувчи ва қозидир. Исломда ҳам муқаддас Қуръон оятлари пайгамбар Муҳаммад алайҳу вас-сал-ламга нозил бўлган. Демак, Олий соҳиби қонун Оллоҳнинг ўзи. Унинг

талаблари, қоидалари пайғамбар орқали одамларга етказилади. Пайғамбар ва муқаддас қонунлар орқали давлат бошқарилади.

Хаммурапи қонунлари (эр.ав. XVIII аср, Бобил), Ману қонунлари (Ҳиндистон, тахминан эр.ав. II аср) ва кўплаб бошқа қонунлар мажмуаси ана шу қадимги динлар асосида вужудга келган эди.

Эрамининг бошида пайдо бўлган христианлик дини, унинг манбалари - Инжил китоби ҳамда йирик диний арбоблар китобларида ҳам давлат ва ҳуқуқ масалалари ўзига хос тарзда илоҳийлаштирилган. Масалан, Аврелий Августиннинг (354-430, Шимолий африкалик) «Яратувчи таянчимиздир» деган китобида унинг қарашлари баён этилган. Унинг фикрича, икки дунё, икки давлат ва икки қонун мавжуд. Биринчиси Оллоҳнинг номи билан боғлиқ, иккинчиси эса инсонга боғлиқдир. Инсон ўзининг азим хатоси, жинояти туфайли Оллоҳ томонидан жаннатдан чиқарилиб, у гуноҳкор ва қунини яшаб бўлганлиги учун умрининг сўнгида ўлимга ҳукм қилингандир. Инсон Оллоҳ йўлида, унга итоат қилиб яшаса, у яхшидир, ва аксинча, у инсон сифатида ўз таъбирича яшаса, у ёмон, гуноҳкордир. У одамларни икки тоифага бўлади: биринчи тоифадагалар Оллоҳнинг марҳамати билан фақат унинг қонун-қоидаларига мувофиқ яшовчилар ҳамда иккинчилари инсон сифатида ўз қонун-қоидаларига биноан яшовчилар. Биринчилар абадий Оллоҳ билан бирга бўлсалар, иккинчилари абадий адашишда, азобдадирлар. Шу йўналишда у қонунларни ҳам икки тоифага бўлади: «илоҳий» ва «инсоний» қонунлар. Биринчиси иккинчиси учун асос ҳисобланади, яъни давлат томонидан қабул қилинаётган қонунлар аввало илоҳий қонунларга биноан қабул қилиниши керак деган таълимотни илгари сурди.

Бизнинг мамлакатимизда диний таълимотлардан ислом, исломга қадар зардуштийлик (Авесто) кўп асрлар давомида одамларнинг ижтимоий-сиёсий дунёқарашларини шакллантирган динлардир. Қадимги Турон ва Эрон заминиде (араблар уларнинг ҳар иккаласини Ажам давлати деб ҳисоблаганлар, яъни арабдан ташқари деган маънода) энг қадимги йирик дин зардуштийлик дини бўлди. Унинг таълимотлари «Авесто» китобида баён этилган. Унинг асосчиси Зардушт тахминан милоддан аввалги 630-553 йилларда яшаган. У туркий тилда гапирувчи халқлар вакили бўлган, масалан, Беруний уни озарбайжонлик деб ҳисоблаган. Зардуштийлик қонунларида ҳақиқат, адолатлилик уч ахлоқий-ҳуқуқий таянчга асосланади: эзгу фикр (ғоя), эзгу калом (сўз), эзгу амал (иш). «Мен яхши фикр, яхши сўз, яхши ишга шон-шавкат бахш этаман. Мен яхшиликдан иборат Ахура Мазда қонунига шон-шавкат бахш этаман» («Ясна», 14). «Инсон қалби чироғини ёқишда икки қарама-қарши куч: Воху Мана («Эзгу фикр») ва Ако Мана («Ёвуз фикр») таъсир кўрсатади. Барча фикр, ғоя, ва сўзлар заминиде эзгулик ва ёвузлик ётади» («Ясна», 30). Эзгуликка асосланган сўз, ғоя, ҳаракат - тинчлик, ғамхўрлик кабилардир. Ва, аксинча ҳасадгўйлик, ёмонлик, уруш ва жанжаллар ёвузликдан дарак беради.

«Авесто»да тинчлик, дўстлик, яхшилик, адолат ғоялари билан бирга жиноят ва жазо, табиатни муҳофаза қилишга тегиши кўпдан-кўп, бугун ҳам ибратли қоида (норма)лар мавжуддир.

Ислом масаласига келганда шуни айтиш керакки, бу дин ўзидан аввалги энг йирик динлар орасида ёш дин бўлганлиги сабабли унинг қонун ва қоидалари (Қуръон, Ҳадис) фалсафий, ҳуқуқий фикрлар илоҳий таълимотлар асосида инсон ҳаётининг турли соҳалари ва қирраларини тартибга солади. Инсоннинг пайдо бўлиши ва унинг яшаш, турмуш қоидалари; инсон ва Оллоҳ, инсон ва пайғамбар, инсон ва табиат ўрта-сидаги муносабатлар; инсон билан инсон ўртасидаги муносабат ибратли тарзда изоҳланади. Жамият ҳаётида давлат тартибининг ўрнатилиши, айниқса қонунчиликка риоя қилиш тўғрисидаги жуда кўп фикр ва мулоҳазалар битилган. Уларни билиш бугун ҳам аҳамиятлидир.

Табиий ҳуқуқнинг ўзи қандай ҳуқуқ? Биринчидан, абадий; иккинчидан, инсон ҳуқуқидан устун туради ва учинчидан, инсон ҳаётида, барча мавжудотлар ҳаётида хал қилувчи кучга эгадир. Бизнинг фикримизча, теологик, яъни диний таълимотларда барча оламнинг эгаси Оллоҳ дейилганидек, табиий ҳуқуқ ҳам табиат ва жамият тараққиётини белгилаб беришда танҳодир. Шу маънода улар бир-бирига яқин тушунчалардир.

Табиий ҳуқуқларга, масалан, инсоннинг дунёга келиши на унинг яшаш ҳуқуқи, оила қуриш ҳуқуқи, ота ва оналик ҳуқуқи, болаларнинг ҳуқуқи, меҳнат қилиш ҳуқуқи ва хоказолар киради. Бу ҳуқуқлар табиатдан инсонга ато этилган бўлиб, уни бирор ҳукмдор ёки конун бекор қилиш ҳуқуқига эга эмас.

Г.Гроций, Б.Спиноза, Ж.Локк, Ш.Монтескье, Т.Жефферсон ва кўплаб бошқа олимлар, сиёсий арбоблар ҳар бир инсон яшаш, эркин бўлиш ва мулкдор бўлиш ҳуқуқига эгадир, деб ҳисоблайдилар. Улар ўзларининг асарларида янги давлатларнинг тузилишини белгилаб, унда инсон ва унинг ҳуқуқпарини аниқ кўрсатиб беришга муваффақ бўлдилар. Фуқароларнинг давлат билан бўладиган муносабатлари йигиндиси сифатида «Фуқаролик ҳуқуқи» фани вужудга келди. «Фуқаролар ҳуқуқи», «фуқаровий ҳуқуқлар», «инсон ҳуқуқи» каби тушунчалар пайдо бўлди[2].

Табиий ҳуқуқ назарияси таълимотлари асосида Эркинликнинг буюк хартияси (1215 й.), Ҳуқуқ тўғрисидаги петиция (1628 й.), Ҳуқуқ тўғрисидаги билл (1689 й.), Америка Қўшма Штатларининг Мустақиллик декларацияси (1789 й.), Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик декларацияси (1990 йил 20 июнь) яратилган. Ана шу декларациялар асосида эса бугун амалдаги АҚШ Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва яна кўплаб жаҳондаги илгор дунёвий давлатлар конституциялари қабул қилинган. Франция декларацияси инсон ҳуқуқлари қаторига эркинлик, мулк, хавфсизлик ҳақида, зулм ва зўравонликнинг ҳар қандай кўринишига қарши кураш ҳуқуқларини киритган бўлса, Ўзбекистон Мустақиллик декларацияси эса мустақиллик, ўз тақдирини ўзи белгилаш, ҳар бир кишининг фаровон ҳаёт кечирish ва хавфсизлик ҳуқуқларини белгилади.

Табиий ҳуқуқ назарияси бугун дунёвий демократик ҳуқуқий давлатларнинг Конституцияси ва конунларига асос қилиниб олинган. У ўзининг ҳаётийлиги, тўғрилиги билан барча бошқа назариялардан фарқ қилади. Ўзбекистон Республикаси конунлари ва давлат қурилиши ана шу табиий ҳуқуқ таълимотлари асосида ривожлантирилиши жамият ва давлатнинг истиқболлини белгилаб бермоқда.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Чудаков М.Ф. Конституционное (государственное) Право зарубежных стран. – Мн.: “Харвест”, 1998.
2. Ф.Мухитдинова. Сиёсий ҳуқуқий таълимотлар тарихи. Т: ТДЮИ. 2006 йил

ЗАМОНАВИЙ ЎЗБЕКИСТОНДА ДИНИЙ СОҲАДАГИ ИСЛОҲОТЛАР ЗИЁРАТ ТУРИЗМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ОМИЛИ СИФАТИДА

Ахмедов Эргаш Қулдашевич

Тошкент кимё технология институти,

“Ижтимоий сиёсий фанлар” кафедраси докторанти

Ҳар бир мамлакатнинг таракқиёти, жаҳон ҳамжамиятидаги обрў-эътибори унда қарор топган тинчлик-тотувлик, бағрикенглик муҳитига боғлиқдир. Бугунги кунда турли миллат ва элат, дин ва конфессия вакиллари дўстлик, ҳамжихатлик ва ўзаро ҳурмат шароитида бир оила бўлиб яшаётган Ўзбекистон таракқиётнинг янги босқичига қадам қўймоқда. Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан мамлакатимизда кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда, бу ислоҳотлар негизида сиёсий ва иқтисодий модернизация, яъни Ўзбекистонни замонавий давлатга айлантириш гоёси мужассам. Замонавий давлатга айланиш инсон ҳуқуқларини таъминлашни назарда тутлади. Аслида ҳеч бир жамиятда барқарор ривожланишга диний эркинликни таъминламасдан эришиб бўлмайди. Зиёрат туризмини ривожлантириш учун ҳам, аввало, диний эркинлик ва бағрикенглик юксак даражада таъминланган бўлиши шарт. Турли дин вакилларининг, хусусан, мусулмонларнинг юртимизга ташриф буюришида улар учун яратилган шарт-шароитлар жуда муҳим. Шунинг учун ҳам диний эркинлик ва бағрикенглик Ўзбекистонда давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири этиб белгиланди. Президент

Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармонида биноан 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тасдиқланди¹⁹¹. Ҳаракатлар стратегиясининг бешинчи устувор йўналиши бўйича белгиланган истиқболли вазифалар, жумладан, хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий руҳдаги ташқи сиёсат юритиш, давлатимиз мустақиллиги ҳамда мамлакатимизнинг халқаро нуфузини мустаҳкамлашда диний бағрикенглик ва конфессиялараро ҳамжиҳатликни таъминлашни тақозо этади. Бу омиллар дунёда глобал миқёсда тинчлик, барқарорлик, миллатлараро тотувлик, диний бағрикенгликни таъминлаш орқали халқ фаровонлиги, мамлакат тараққиёти, Ватанимиз обрў-эътиборини янада ошириш учун замин яратади.

Замонавий Ўзбекистон халқаро майдонда тобора очиқ жамият хусусиятларини ифода этиб бормоқда. Айниқса, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасида амалга оширилаётган қатор чора-тадбирлар, жадал сайъ-ҳаракатлар мазкур жараённи тезлаштириб юборди. Бунда, албатта, давлатимиз раҳбарияти томонидан виждон эркинлиги ва диний эътиқод эркинлигини таъминлашга, диний маърифатни оширишга ва умуман, маънавий соҳани янги сифат босқичига кўтаришга қаратилган сиёсати асосий туртки бўлди. Чунончи давлат раҳбарияти томонидан жамиятда диний бағрикенгликни таъминлашга қаратилган бир қатор Фармонлар, Қарорлар ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди, учрашувлар ва видео-селекторлар ўтказилди, ҳам диндор ходимларга, ҳам кенг аҳоли қатламига мўлжалланган узлуксиз маърифий тадбирлар ўтказиб келинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йил 19 сентябрь куни БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқида сессия иштирокчиларига БМТ Бош Ассамблеясининг “Маърифат ва диний бағрикенглик” номли махсус резолюциясини қабул қилиш таклифи билан мурожат қилди¹⁹². Бу ҳужжатнинг асосий мақсади – барчанинг таълим олиш ҳуқуқини таъминлашга, саводсизлик ва жаҳолатга барҳам беришга кўмаклашишдан иборат. Мамлакатимиз раҳбари изоҳлаб берганидек, ушбу резолюция бағрикенглик ва ўзоро ҳурматни қарор топтириш, диний эркинликни таъминлаш, эътиқод қилувчиларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш, уларнинг камситилишига йўл қўймасликка кўмаклашишга қаратилган.

“Маърифат ва диний бағрикенглик” тўғрисидаги резолюция жаҳонда экстремизм, терроризм муаммоси авж олиб, турли дин ва эътиқод вакилларига нисбатан тоқатсиз, муросасиз муносабатлар кузатилаётган бир вақтда глобал таҳдидларга қарши курашишнинг самарали воситаси сифатида маърифат, таълим-тарбия масаласини илгари сургани билан, айниқса, аҳамиятлидир.

Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари ва диний эркинликни таъминлаш борасида ривожланган мамлакатлар билан тизимли ишларни амалга оширмоқда. Хусусан, 2017 йилда БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг дин ва эътиқод эркинлиги масаласи бўйича махсус маърузачиси Аҳмад Шаҳиднинг мамлакатимизга ташрифи доирасида диний эътиқод эркинлиги шароитларини яхшилаш мақсадида амалга оширилаётган чора-тадбирлар “Йўл харитаси” ишлаб чиқилди¹⁹³ ва амалиётга тадбиқ қилинмоқда.

Президентимизнинг 2018 йил 16 апрелдаги “Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони ижросини таъминлаш мақсадида шу йили 1 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ҳадис илми мактаби фаолиятини ташкил этиш ва қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”¹⁹⁴ ги қарори қабул қилинди. Самарқанддаги Имом Бухорий ёдгорлик мажмуаси

¹⁹¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармони. <http://uza.uz/oz/documents/zbekiston-respublikasini-vanada-rivozhlantirish-b-vicha-arak-07-02-2017>

¹⁹² Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида нутқ сўзлади <http://uza.uz/oz/politics/zbekiston-prezidenti-shavkat-mirziyev-bmt-bosh-assamblevasi-20-09-2017>

¹⁹³ Диний бағрикенглик: Ўзбекистон ва АҚШ тажрибаси. <http://uza.uz/oz/society/diniy-ba-rikenglik-zbekiston-va-a-sh-tazhribasi-18-09-2018>

¹⁹⁴ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ҳадис илми мактаби фаолиятини ташкил этиш ва қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарори. <https://lex.uz/ru/docs/4033921?otherlang=1>

ёнида ташкил этилган илмий-тадқиқот маркази ва унга ёндош жойлашган Ҳадис илми мактаби Имом Бухорий ва бошқа мусулмон дунёси буюк мутафаккирларининг бой меросини чуқур тадқиқ этиш ва кенг тарғиб қилиш, ёш авлодни ислом динининг асл қадриятларига садокат руҳида тарбиялаш, халқаро ҳамкорлик ва мулоқотни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази, Имом Бухорий, Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот марказлари, Ўзбекистон халқаро ислом академияси – буларнинг барчаси халқаро даражадаги йирик лойиҳалардир. Ушбу ташаббусларнинг аҳамияти шундаки, илм-маърифат, маданият замини бўлган Ўзбекистондан маърифий ислом гоёлари тарқалиши, муқаддас динимизнинг асл инсонпарварлик таълимотларини ёйиш бўйича Мовароуннаҳрда шаклланган тарихий мактаблар анъанасининг давом этиши, “Жаҳолатга қарши – маърифат” билан курашишнинг энг самарали ечими бўлади.

Сўнгги йиллардаги ўзгаришларга кўра, ҳукумат диний таълим беришни кенгайтириш ва ижтимоий муҳокамаларда диний мавзуларда фикр билдиришга руҳсат бериш билан ушбу соҳадаги эркинликларни янада кенгайтирмоқда. 2018 йил январида Адлия вазирлиги ислом тадқиқотларига оид олий таълим муассасаси – Ўзбекистон Халқаро ислом академиясини давлат рўйхатидан ўтказди. Шунингдек, ҳукуматимиз раҳнамолигида Қуръон ва ҳадислар қироати мусобақаси ташкил этилди, ҳамда ушбу жараён оммавий ахборот воситалари орқали батафсил ёритилди.

Ўзбекистонда тизимли тарзда дин билан боғлиқ жиноятларда айбланганлар орасида жиноятчилик ва радикаллашувнинг олдини олиш, экстремизм сабаблари ҳақида олдиндан огоҳлантириш бўйича ишлар амалга оширилмоқда. Шунингдек сўнгги йилларда президент Ш. Мирзиёев раҳбарлигидаги ҳукумат инсон ҳуқуқлари ҳимоясига ва қийноқларга қарши курашишга қаратилган саъй-ҳаракатларга эътибор қаратди. Сўнгги уч йил ичида диний сабаблар билан судланган 20 мингдан ортиқ маҳбуслар афв этилган ҳамда “қора рўйхат”дан чиқарилган¹⁹⁵.

Бундай ўзгаришлар эътиборга лойиқ, аммо ҳар доим юртимизда ҳам, бутун дунёда ҳам диний эркинлик ва бағрикенгликни юқори даражада таъминлаш учун қилиниши керак бўладиган вазифалар мавжуд бўлади. Ўзбекистонда диний эътиқод эркинлиги шароитлари ижобий томонга ўзгарган бўлсада, ушбу соҳада ҳам ўз ечимини кутаётган бирқанча муаммолар мавжуд. БМТнинг Дин ва эътиқод эркинлиги масаласи бўйича махсус маърузачиси Аҳмад Шаҳид Ўзбекистондаги вазият билан танишиб, дастлабки хулосаларини билдирди: "Ўзбекистон Конституциясида дин ёки эътиқод эркинлиги кафолатланган бўлса ҳам, амалда хавфсизликни эркинликдан усутн қўйиб, дин ёки эътиқод эркинлиги ҳаддан зиёд назорат қилинмоқда. Ҳукумат танлаган ёндашув эркинликдан кўра кўпроқ тоқатлилиқни тарғиб этишни кўзлайди. Дин ёки эътиқод эркинлигини тушуниш чеклангандир ва бу барча даражаларда ҳам диний ва ҳам диний эркинликлар борасида саводхонликни оширишни талаб қилади"¹⁹⁶. Мамлакатда турли дин вакиллари ўз эътиқодларига очик амал қиладиган ва ўзлари танлаган йўсинда динни амалда қўллайдиган, одамлар ўз муқаддас китобларини эркин ўқийдиган ва муҳокама этадиган, ибодатхоналарда хотиржамлик билан йигила оладиган ва ибодат қиладиган бўлсагина диний эътиқод эркинлигини таъминладик дея оламиз.

Чет мамлакатлардаги дин ёки эътиқод эркинлиги тўғрисидаги универсал ҳуқуққа риоя этилишини кузатиб борувчи АҚШнинг Халқаро диний эркинлик бўйича комиссияси (USCIRF) “Халқаро дин эркинлиги тўғрисида”ги қонунга (IRFA) кўра, Ўзбекистонни яна 2019 йилда ҳам “алоҳида ташвиш уйғотувчи мамлакат” деб белгилашни лозим топади. 2018 йил ноябрида АҚШ давлат департаменти Ўзбекистонни ўзининг “алоҳида ташвиш уйғотувчи мамлакат” рўйхатидан чиқариб, “диний эркинликларнинг жиддий бузилиши”да қатнашган ёки шунга тоқат қилган ҳукуматлар киритиладиган “Махсус кузатув рўйхати”га киритган эди. Бу Ўзбекистонда ушбу масалада олга силжиш бўлганини кўрсатади, чунки

¹⁹⁵ АҚШ Тинчлик институтида Ўзбекистонда диний эркинлик соҳасида амалга оширилаётган ҳуқуқий ислохотлар муҳокама қилинди. <https://www.minjust.uz/uz/press-center/news/98065/>

¹⁹⁶ Ўзбекистонда диний эркинлик ҳаддан зиёд чекланган. <https://www.bbc.com/uzbek/uzbekistan-41600518>

мамлакатимиз 2006 йилдан 2017 йилгача “Алоҳида ташвиш уйғотадиган мамлакатлар” рўйхатига киритилиб келинаётган эди. USCIRF ҳукуматнинг ислохот ўтказиш истаги ва бундан манфаатдор эканини тан олади, бироқ шунга қарамасдан, Давлат департаментига Ўзбекистонни “Халқаро дин эркинлиги тўғрисида”ги қонунга кўра, “алоҳида ташвиш уйғотувчи мамлакат” деб белгилашни ҳамда диний эътиқод эркинлиги шароитлари барқарор тарзда яхшиланишини таъминлаш учун таъсир этувчи воситалардан фойдаланишни тавсия қилади¹⁹⁷.

Ҳокимият тепасига Ш.Мирзиёевнинг келиши билан бошланган кенг кўламли жадал ислохотлар дунё жамоатчилиги томонидан юқори баҳолансада, афсуски диний барқарорлик ва дин эркинлигини таъминлаш масаласида ҳанузгача муаммоларимиз мавжуд. Ушбу муаммоларни ўз вақтида бартараф этиш юртимизда зиёрат туризмни янада ривожлантиришга имкон яратади.

Замонавий Ўзбекистонда зиёрат туризмни ривожлантириш учун қуйидаги вазифаларга алоҳида эътибор бериш мақсадга мувофиқ бўлади:

- Ҳар қандай ривожланиш даврида диний эркинлик ва бағрикенгликни энг устувор мақсад қилиб белгилаш;
- Ҳар бир инсонда диний бағрикенгликни шакллантириш, бағрикенглик – барқарорлик ва таракқиёт омили эканини юртимиз келажаги бўлган ёшлар онгига синдириш;
- Оилада, маҳаллада, таълим-тарбия масканларида диний маърифатни тўғри ва самарали йўлга қўйиш.
- Диний конфессиялар ва этник гуруҳлар ўртасида соғлом мулоқот муҳитини яратиш;
- Юртимизга ташриф буюрган барча дин вакилларига ибодатларини ёлғиз ёки омма билан биргаликда бажариши учун барча шароитларни яратиш;
- Республикаimizдаги барча зиёратгоҳларга бориш йўналишларини ишлаб чиқиш ва ушбу ҳудудлардаги инфратузулмани яхшилаш;
- Муқаддас зиёратгоҳлар атрофида меҳмонхоналар қуриш ва уларда диний кадриятларга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Шу каби вазифаларни амалга ошириш учун 2019 йил декабрь ойида “Янги сайловлар – Янги Ўзбекистон” шиори остида ўтказилган сайловларда ғалаба қозонган депутатлар ҳамда 2020 йил январь ойида шакллантирилган янги ҳукумат ишга киришиши зарур.

АБУ БАКР ИБН МАСЪУД КОСОНИЙ-УЛАМОЛАР СУЛТОНИ

*Чубоева Озода Қувончбековна
НамДУ доценти*

Сўнги йилларда республикаimizда маданий мерос, ўтмиш алломалар ҳаёти ва ижодини ўрганиш, миллий кадриятларни қайта тиклаш борасида самарали ишлар қилинганини кўриш мумкин. Узоқ тарихимизга оид илмий меросни қайта тиклаш, уни келажак авлодга етказиб бериш ҳамда улардан кенг фойдаланиш асосий эътиборга кўтарилди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2018 йил 2-3 май кунлари Наманган вилоятига қилган ташрифларида буюк аждодларимизнинг илмий меросини тадқиқ этиш, ўрганиш масаласига алоҳида эътибор қаратди, жумладан Наманган заминидан етишиб чиққан диний ва дунёвий илмларда юксак даражага эришган аллома Алоуддин Косоний номини эҳтиром билан тилга олиб, у кишининг илмий-маънавий меросини чуқур ўрганиш ва халқимизга эътиборига олиб чиқиш бўйича бир гуруҳ олимларга тавсиялар берди[1].

¹⁹⁷ Ўзбекистон/Uzbekistan https://www.uscifr.gov/sites/default/files/Uzbekistan%202019_Uzbek%20translation.pdf

Ушбу тавсиялардан келиб чиқиб, Наманган давлат университети профессори Т. Файзуллаев бошчилигида ташкил этилган ишчи гуруҳ томонидан Абу Бакр Алоуддин Косоний ҳаёти ва ижоди бўйича бир қанча изланиш ва тадқиқотлар ўтказилди.

Тошкент Халқаро Ислом Академияси, Ўзбекистон Мусулмонлар идораси, Тошкент Шарқшунослик институти билан ҳамкорлик олиб борилди.

Маълумки, фикҳ илми нафақат диний ва ҳуқуқий масалалар, балки маънавий, ахлоқий кадриятларни ҳам ўрганadi. Академик. А.Саидов ёзганидек, «Фикҳ — ислом қонуншунослиги Шарқ халқлари ва ислом маданияти эришган буюк кадриятдир».[2].

Мовароуннаҳр фикҳ мактаби буюк намояндалари ёзган нодир асарлар туфайли ўз тараққиётига кўтарилган Ислом қонуншунослиги халқимиз маънавий-ҳуқуқий меросининг узвий ажралмас қисми сифатида асрлар давомида Марказий Осиё халқлари ҳаётида муҳим омил бўлиб хизмат қилиб келган. Алоуддин Абу Бакр ибн Масъуд ибн Аҳмад Косоний Малик ал-уламо, Султонул уламо (уламолар султони), ва Алоуддин (динни улуғловчи) каби унвонлар билан шуҳрат топган[3].

Олимлар Хомиджон Хомидий, Адхамжон Аширов ва Мамажон Умаралиевлар томонидан ёзилган “Косонсой тарихи” китобида берилган маълумотга кўра, Алоуддин Косоний туғилган вақти 1110 йил деб ёзилган. Мутафаккир ижодини ўрганган ҳамюртимиз М. Хамидов, у кишининг вафотлари 1191- йилдалиги ҳақида маълумот берган.

Косон - Мовароуннаҳрдаги Шош вилоятининг орқасида, ҳавоси тоза, тупроғи унумдор бўлган Фарғона водийси минтақаси - Сайхун (Сирдарё)нинг шимолий қисмида жойлашган шаҳарлардан бири. Бу шаҳар ҳозирги вақтдаги Наманган вилоятининг Косонсой диёри ҳисобланади. Мана шу шаҳарда туғилганлиги сабабли унга Косоний, деб нисбат берилган [4].”-деб ёзган.

Алоуддин Косоний илм талабида Бухоро шаҳрига келиб, замонасининг буюк факих олими имом Алоуддин Муҳаммад ибн Аби Аҳмад ас-Самарқандийга шогирд тушган. Устозининг барча китобларини, хусусан, «Тухфатул фуқаҳо» китобини яхшилаб ўрганган. У зукко, доно ва зехни ўткирлигидан илмни жуда ҳам тез ўрганadi ва устозининг “Тухватул фуқаҳо” номли асарига шарҳ сифатида китоб ёзиб, уни устозига туҳфа қилади. Юксак маҳорат билан ёзилган асардан Алоуддин Самарқандий жуда ҳам қаттиқ мамнун бўлиб, етук олима ва фақиҳа бўлиб ўша даврдаги ўзининг тенгли қизларнинг орасида танилган қизи Фотимани шогирди Алоуддин ал-Косонийга никоҳлаб беради, деган маълумотлар бор. Шу сабабли ҳам “устозининг китобини шарҳлаб, қизига уйланди”, деган гаплар ўз даврида тилдан тилга ўтиб юрган. Бу маълумот жуда кўп муаллифлар томонидан ёритилган.

Оила қурилганидан сўнг фикҳ, ҳадис ва ҳуснихат илмида беназир бўлган Фотима ва Алоуддин Косоний ҳамда уларнинг устози Алоуддин ас- Самарқандий ҳаммаслак бўлиб фаолият юритишган.

Фотима ҳам отасининг «туҳфа»сини ёдлаган ва илмдан кўпгина эркаклардан ўтиб кетган эди. Кейинчалик ҳам эрига тўғри маслаҳатлар бериб, илмий йўналишини тўғрилаб турган. Отаси чиқарган фатвода, албатта, Фотиманинг ҳам имзоси бўлар эди. Кейин уларга куёвнинг имзоси ҳам қўшилди.

Косоний юксак савияли олим, шу билан бирга ўткир зехнли нотик бўлган. У илмий баҳсларда турли ақидавий оқимларга қарши кураш олиб борган. Мана шундай мунозараларда аллома бошқа оқимдаги ҳамсуҳбатларининг номақбул қарашларининг асл мазмун – моҳиятини рад этиб бўлмас далиллар асосида рўй-рост очиб ташлаши ва ҳар бир фикрга ҳақийқий ислом таълимоти асосида ҳолис, ҳаққоний жавоб бера олгани билан атрофидагиларнинг эътиборига мушарраф бўлган.

Рум, яъни ҳозирги Туркияда яшаган пайтларида бу мамлакатнинг энг катта олими бўлмиш Шаъроний билан бир масалада тортишиб қолади. Шаъронийга раддия берди. Салжуқий Султон шундан сўнг, Косонийни Шомга, Нуруддин Маҳмуд Занкийнинг ҳузурига юборadi. Косоний Ҳалабга Маҳмуд Занкийнинг ҳузурига келиб, у ернинг волийлари ва

аҳолиси дан катта эҳтиром кўради ва подшоҳнинг қарори билан Ҳалабийя мадрасасига раҳбар этиб тайинланади[5].

Косоний Ҳалабда яшаган даврида ҳокимиятни Зангийлар ва Айюбийлар бошқарган бўлиб, мамлакатда илмий муҳит барқарор эди. Косоний бу ерда қисқа вақт ичида катта шухрат қозонади ва маҳаллий фақиҳларнинг талаблари билан Нуриддин Зангий томонидан курдирилган Ҳалабийя мадрасасига бош мударрис қилиб тайинланади. Косонийнинг мадрасада ҳурмати ниҳоятда улуг эканини, манбаларда таърифланганидек, мударриснинг йўқлигида ҳам унга атаб жойнамоз солиб қўйишгани ва у киши келганларидан то туриб кетгунларигача атрофида ўтиришганидан англаш мумкин.

Косоний учун ўша пайтнинг одати бўйича, махсус тадрис (дарс бериш) гилами тўшалди ва у мазкур гилам устида атрофига тўпланган кўп сонли олимлар, мударрислар ва фақиҳларга дарс бера бошлади. Косоний кўп сафарларда юрарди. Салжукийлар Султони ҳам баъзан уни ўз мамлакатига таклиф этиб турарди. Шундай пайтларда ҳам, яъни ўзи сафарда бўлган вақтларда ҳам у дарс берадиган кунлари унинг сажжодаси ўша жойга тўшалар ва унинг ҳурмати учун атрофида олиму мударрислар тўпланиб, ўтирар эдилар. Косоний нафақат фикҳ ва унинг асослари, балки ҳадис илмида ҳам дасти баланд ва пешқадам олим эди. Ҳафтанинг маълум кунлари Ҳалабдаги жомеъ масжидида ҳадис ва унинг илмларидан сабоқ берар эди.

хавога берилиб, инсонга сажда қилишдан бош тортганлиги ва бунинг учун лаънатланиб, жаннатдан қувилганлиги ҳақидаги оятларни келтириш мумкин.

Ушбу фикрларимизнинг исботи сифатида, Қуръони каримдан бир неча оятларни келтириб ўтмоқчимиз. «Дарҳақиқат, Биз Одам фарзандларини (азиз ва) мукаррам қилдиква уларни... ўзимиз яратган кўп жонзотлардан афзал қилиб қўйдик»²⁰⁸, «Эй, инсонлар! Дарҳақиқат, Биз сизларни бир эркак (Одам) ва бир аёл (Ҳаво) дан яратдик ҳамда бир-бирларингиз билан танишишингиз учун сизларни (турли-туман) халқлар ва қабила (элат) лар қилиб қўйдик»²⁰⁹.

Ушбу оятда, ислом динининг инсоният оламига, шахс тарбиясига ва жамият муносабатига қараши баён этилгандир. Биринчидан, барча инсонлар бир ота-онанинг фарзандларидир. Иккинчидан, инсонларнинг турли табақаларга, эл-уруғларга бўлинишлари бир-бирлари билан мол-дунё таллашиб уруш-жанжал билан умр ўтказишлари учун эмас, балки, бир-бирлари билан танишиб, ҳамкорлик қилишлари ва биргаликда ўзлари халифа бўлган заминни обод қилишлари учундир. Шу муносабат билан ушбу фикрларимизнинг исботи учун маълум асос бўлиб хизмат қиладиган бир маълумотни келтирмоқчимиз.

Мисрдаги «Айн-Шамс» университетининг профессорлари Сумайя Муҳаммад Афибий ва Салом ал-Мансийлар томонидан Қоҳирада нашр қилинган «Қуръони каримнинг араб ва рус тилларидаги қисқача тафсири» да юқоридаги оят таржимаси ва қисқача тафсири ҳам Абдулазиз Мансурнинг ўзбек тилидаги таржимаси ва унга берган изоҳига яқиндир. Фикримизнинг асосли бўлишини назарда тутиб, ушбу тафсир-таржиманинг рус тилидаги асл матнини келтиришни лозим кўрдик: «О люди! Мы сотворили вас равными от одного мужчины и от одной женщины Адама и Хаввы-и, размножив вас, сделали многими народами и разными племенами, чтобы вы знали друг-друга и сотрудничали друг с другом»²¹⁰.

Бизнинг фикримизча Қуръонда баркамол шахс тарбияси масаласини, инсонларнинг ўзаро муносабатлари масалаларини худди ана шу тамойил нуқтаи-назаридан ўрганишимиз мақсадга мувофиқ.

Исломий қадриятлар тизимида диний-фалсафий тафаккурнинг ўзига хос йўналиши бўлган тасаввуф таълимоти ҳам баркамол шахс тарбияси масаласида муҳим ўрин эгаллаган. Ўрта Осиёдан етишиб чиққан Абдуҳолик Ғиждувоний, Аҳмад Яссавий, Нажмиддин Кубро, Баҳоуддин Нақшбанд каби йирик тасаввуф намоёндалари ва тариқат асосчиларининг диний-фалсафий қарашларида ижтимоий-ахлоқий, инсоннинг маънавий камолоти масалалари тасаввуф фалсафасининг асосий жиҳатларидан бири сифатида айниқса, баркамол шахс муносабатлари масаласида яққол кўзга ташланади. Солиқнинг жамиятдаги мол-мулкка, бойликка қараб интилиши эмас, балки, Аллоҳнинг душмани бўлган шайтон қутқусини енгиб, раҳмоний фазилатларга эга бўлиши лозим.

Будиний-фалсафий қарашларда, шахснинг моддий дунёга, инсоний фазилат ёки хислатларга муносабати фақат бир томонга, яъни, фақат Худонинг борлигини англашга йўналтирилган бўлсада, кишиларнинг жамиятдаги тутган ўрнига алоҳида эътибор қаратилиб, мол-мулкка ҳирс қўйиш каби эгоистик хусусиятларидан фориғ бўлишга даъват этилади.

Яна тасаввуф фалсафасида шахснинг ҳаётдаги тутган ўрни, ижтимоий ҳаётга муносабати, жамиятдаги мулкий тенгсизликлар, умуман, инсон қалбидаги салбий ҳолатларнинг барчасини суфийликда ахлоқий жиҳатдан тузатиш керак, деб тушунилади, чунки, уларнинг ҳаммасининг сабабчиси нафсдир. Демак, нафсни тийиш, «ўз нафси устидан ҳукмронлик ўрнатиш»²¹¹ тартибга солиш орқали баркамол шахсга оид масалалар ўз ечимини топади.

Ушбу фикрлар бугунги кунда баркамол шахсни шакллантиришда муҳим омил эканлигини таъкидлаш ўринли.

²⁰⁸ Қуръони карим. Таржима ва тафсир муаллифи Шайх Абдулазиз Мансур. Масъул муҳаррир: Баҳром Абдуҳалимов. – Тошкент: Тошкент ислом университети, 2007. Ал-Исроураси, 70-оят. – 289 б.

²⁰⁹ Уша жойда. Қуръони карим. Хужуротсураси, 13-оят. – 517 б.

²¹⁰ Каранг: Толкование Священного Корана на арабском и русском языках. – Каир. – 145 с.

²¹¹ Абдулҳаким Шаръий Жузжоний. Тасаввуф таълимотида комил инсон сиймоси. Илмий – таҳлилий Аҳборот. – Тошкент: Тошкент ислом университети, 2003. – 34 б.

Умуман, тасаввуф фалсафасида шахснинг ижтимоий ва маънавий моҳияти масаласида марказий ўринни «комил инсон» ҳақидаги концепция ташкил қилади. «Тасаввуфда инсон ва унинг камолоти масаласи» китобида комил инсонга шундай таъриф берилган: «Комил инсон – тасаввуф фалсафасининг асосий тушунчаларидан бири. Ҳар жихатдан етук киши. Ахлоқий жихатдан олий покликка эришган, борлиқ ва Аллоҳни англашда тўлиқ билимга эга бўлган ва натижада туб моҳиятини тушунадиган инсон. Тасаввуф таълимотига кўра, Аллоҳ комил инсонда ўзининг барча хислат ва аломатларини бамисоли кўзгуда кўргандек кўриб туради. У борликнинг бир-бирига зид икки жихат: маънавий ва моддий жихатларини бирга қўшади. Унинг бутун олам учун бўлган фавкулудда аҳамияти ана шундан келиб чиқади, у – Коинотнинг ботиний ҳукмдори, Олам яратилишининг сабабчиси ва мақсадидир»²¹². Комил инсон ҳақидаги таълимот сўфий файласуф Ибн ал-Арабий томонидан яратилган, кейинчалик, унинг издошлари Ўрта Осиёлик Абдуҳолиқ Гиждувоний, Аҳмад Яссавий, Азизиддин Насафий, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий ва бошқалар томонидан комил инсон – одамзот орзу қилган жамийки эзгу хислатларнинг ифодачиси, у гўё мутлоқ илоҳ билан инсоният ўртасида восита бўлувчи хилқат сифатида тавсифланган.

Жумладан, комил инсон ким, унинг асосий фазилати нималардан иборат? – деган саволга Азизиддин Насафий шундай жавоб беради: «Билгилки, комил инсон, деб шариат ва тариқатда етук бўлган одамга айтадилар ва агар бу иборани тушунмасанг, бошқа ибора билан айтайлик: билгилки, комил шундай инсондирки, унда куйидаги тўрт нарса камолга етган бўлсин: яхши сўз, яхши феъл, яхши ахлоқ ва маориф».²¹³

Демак, ҳозирги кунда жамиятимиз тараққиётининг белгиловчи омили бўлган баркамол инсонни тарбиялаш борасидаги ниятимиз учун гоъвий мерос мавжуд. У ҳам бўлса, аждодларимизнинг сермазмун маънавий мероси, урф-одатларимизга хос маърифатга, ахлоқий етукликка эришиш каби хислатлар бўлиб, улар йиллар давомида шаклланган, сайқал топган. Бизнингча, тасаввуфдаги комил инсон ҳақидаги таълимотнинг ҳозирги давримиз учун юксак ижтимоий-маънавий аҳамияти ҳам ана шунда²¹⁴.

Баркамол шахсни тарбиялашда у билан боғлиқ моддий ва маънавий бойликларнинг фалсафий таҳлили ислом таълимотидаги фалсафий йўналишларида кенг ёритилган. Ислом фалсафаси бу масалаларнинг таҳлилида Қуръони карим ва пайгамбар (с.а.в) нинг суннатларига асосланади. Калом фалсафаси ақл кучига асосланса, муътазилийлар инсонда ирода эркинлигини таъминлашга эътиборни қаратади. Тасаввуфнинг нақшбандийлик тариқатида инсон ўзлигини англаш орқали Аллоҳга яқинлашиш, бунинг учун тўрт босқични (шариат, тариқат, маърифат, ҳақиқат) адо этиши зарур, деб қаралади. Тасаввуф фалсафасида Аҳмад Яссавий, Баҳоуддин Нақшбанд ва Нажмиддин Кубро тариқатлари шахс ва жамият муносабатлари маънавий гоъларни асослаганлар. Жумладан, Нақшбанднинг «Дил ба ёру даст ба кор» бош шиори бугунги кунда ҳам баркамол шахсни шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга бўлаётганлигини таъкидлаш зарур. Дин кишиларни ҳамиша яхшиликка, эзгу ишларга чорлаган. Жумладан, ота-боболаримизнинг муқаддас эътиқоди бўлган ислом дини ҳам юксак инсоний фазилатларнинг шаклланишига хизмат қилган. У туфайли халқимиз минг йиллар мобайнида бой маънавияти ва мероси, ўзлигини омон сақлаб келди. Бироқ сўнгги даврларда дунёда одамларнинг эътиқоди ва диний хиссиётларидан фойдаланиб, экстремист ва террорчилар томонидан ислом байроги остида содир этилаётган жиноятлар одамларни хушёр бўлишга ундамоқда ҳамда дин ва экстремизм бошқа-бошқа нарса эканлигини кўрсатмоқда. Айни пайтда, бундай жараёнлар кишиларни доимий огоҳ бўлишга, ҳақиқий диний кадриятларни уларнинг сохта ва гаразли талқинларидан фарқлашга ёрдам берадиган билимларни эгаллашга ундайди. Инсон онги ва қалби учун кураш глобал характер касб этган бир даврда бундай масалаларга эътибор берилиши бежиз эмас, албатта. Президентимиз Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек, «...ҳозирги вақтда дунё миқёсида ҳукм сураётган таҳликали вазият, сиёсий ва иқтисодий

²¹²Наврўзова Г.Н., Зоиров Э.Х., Юнусова Т.С. Тасаввуфда инсон ва унинг камолоти масаласи. – Тошкент: Фалсафа ва ҳуқуқ, 2006. – Б.9-10.

²¹³Комилов Н. Тасаввуф ёки комил инсон ахлоқи. Биринчи китоб. – Тошкент: Ёзувчи, 1996. – 147 б.

²¹⁴Қаранг: Абдулҳаким Шаръий Жўзжоний. Тасаввуф таълимотида комил инсон сиймоси. //Ж. Илмий – таҳлилий Аҳборот. – Тошкент: Тошкент ислом университети, 2003. – Б.34-40.

Г.Нуруллаева. Шайх Нажмиддин Кубро ва тасаввуф тариқати.//Ж. Илм сарчашмалари. УРДУ нашриёти, 2007. – №3.– Б.27-28.

инкирозлардан ташвишга 137 тушмаётган бирорта давлат ёки жамият йўқ, десак, ҳеч қандай муболаға бўлмайди. Айниқса, халқаро терроризм, экстремизм, наркотрафик, диний қарама-қаршилиқ, ноқонуний миграция, одам савдоси, экологик муаммолар, айрим минтақаларда иқтисодий ночорлик, ишсизлик, қашшоқлик кучайиб бораётгани бутун инсониятни қаттиқ хавотирга солмоқда”.

ЖАМИЯТ ВА ИНСОН ХАЁТИДА ИСЛОМ МАЪРИФАТИ ВА МАДАНИЯТИНИНГ ЎЗARO БОҒЛИҚЛИК ХУСУСИЯТЛАРИ

*Юлдашев Фаррух Абдурахманович,
Фарғона давлат университети ўқитувчиси*

Мамлакатимиз ўз мустақилликнинг қўлга киритган кунлардан бошлаб жамиятимиз аҳолисининг маънавий эҳтиёжларидан келиб чиқиб, ислом дини равнақида давлатимиз томонидан кенг йўл очиб берилди. Дин инсон ҳаётида юксак маданият ва маънавият қуроли, бекиёс ахлоқ мактаби сифатида баҳолашиб, эзгулик манбаи сифатида одамларга куч-қувват бағишлайди, иродасини мустаҳкам, бир-бирига меҳр-оқибатли қилади. Ўзбекистонда динга бўлган муносабат тубдан ўзгариб, инсонпарвар, демократик ҳуқуқий давлат қуриш йўлини танлаган жамиятимизда фуқароларнинг эътиқод эркинлиги қонун йўли билан кафолатланди. Ўзбекистон Конституциясида ҳар бир киши истаган динига эътиқод қилиши ёки ҳеч бир динга эътиқод қилмаслиги белгилаб қўйилган. Яъни диний эътиқод - ҳар кимнинг шахсий иши. Айни вақтда дин давлатдан ва давлат диндан ажратилган. Бу Ўзбекистонда қурилаётган фуқаролик жамияти ва дунёвий демократик давлат талабларига тўлиқ жавоб берадиган тамойилдир.

Таъкидлаш керакки, давлат ислом маърифати ва маданиятини, диннинг жамиятдаги маъқеи ва тарбиявий ролини, руҳий-маънавий тикланишидаги аҳамиятини ҳеч қачон четда қолдирмаган. Ушбу жараёни давлатимизнинг биринчи раҳбари: “Биз дин бундан буён ҳам аҳолини энг олий руҳий, ахлоқий ва маънавий кадрлардан, тарихий ва маданий меросдан баҳраманд қилиши тарафдоримиз”[1] деб таъкидлаб ўтганлигидан ҳам билиш мумкин. Давлатимизнинг изчил давом этаётган бундай оқилона ва одилона сиёсати мамлакатда диний бағрикенглик, сабр-тоқатлилик муҳитини яратиш, ижтимоий барқарорлик ва осойишталикни таъминлаб, ҳар томонлама тараққиётга эришишга сабаб бўлмоқда. Жумладан, “Халқимизнинг минг йиллик маънавий-ахлоқий юксалиш тажрибасини ўзида жамлаган Исломи маданиятини тиклаш” (И.Каримов) умуммиллий маънавий тикланишнинг ажралмас таркибий қисми сифатида узлуксиз давом этмоқда. Бу соҳада улкан ишлар амалга оширилди.

Шу билан бирга, ислом ғояларини ўзларига қурол қилиб олган экстремистик жангарилар, диний фундаментализм тарафдорларига қарши курашиш даврнинг энг долзарб вазифаси бўлиб турибди. Аҳолига ҳақиқий маърифий ислом билан экстремистларнинг зарарли, бузғунчи ғоялари орасидаги фарқни тушунтириш учун исломнинг ўзини яхши билиш лозим. Бугунги кунда ҳар бир фуқаро ислом маданиятини, диннинг маърифий моҳиятини яхши билиш, ўрганиш, амалий фаолиятда, маънавий ҳаётни юксалтириш ишларда ҳаётий зарурат сифатида фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Президентимиз Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек: “Муқаддас динимиз бундан буён ҳам халқимизни бирлаштириб, миллати ва тилидан қатъи назар, маънавий покланиш, одамларни тинчлик, эзгулик, бағрикенглик, ўзаро ҳурмат ва тотувликка ундайдиган, ўрнини ҳеч нарса боса олмайдиган восита бўлиб хизмат қилиши шубҳасиздир”[2]. Жамиятимизнинг маънавий янгиланиш мақсадларини рўёбга чиқаришда диний кадрлардан, ислом дини ривожини учун хизмат қилган буюк алломаларимизнинг меросидан унумли фойдаланиш зарурдир. Бу билан мамлакатимиздаги осойишталик, барқарор турмуш, юртимизнинг гуллаб-яшнаши, халқнинг хур ва фаровон ҳаётга эришуви, баркамол шахсни тарбиялаш, ижтимоий ва миллатлараро тотувлик, диний бағрикенгликни таъминлаган бўламиз.

Дин жамиятнинг маънавий-маърифий ривожига таъсир қилиб, одамлар қалби, ботиний олами, руҳияти билан бевосита алоқадор бўлади. Одамзоднинг ўз-ўзини англаши, ўзининг моҳияти, яратилиши, бу дунёдаги фаолияти, ахлоқий қарашлари кўп ҳолларда дин орқали амалга ошади. Шу билан бирга дин жумладан ислом дини инсонни савоб ишларга ҳидоят этиш, покланиш, руҳий-маънавий камолотга етаклаш баробарида улкан маданиятнинг вужудга келишига сабаб бўлди.

Дин фалсафасини, ислом илм-фани маданиятини ривожлантирган улуг мутафаккирларимиз томонидан муқаддас динимизнинг моҳияти, унинг инсонпарварлик гоялари, динга соғлом муносабат масалалари кенг тушунтириб берилган. Уларнинг таълимотларидан ислом динининг халқимиз ҳаётида нақадар чуқур илдизларга эга эканини, ислом биз учун ҳам эътиқод, ҳам қадрият, ҳам маънавият эканлигини ўрганамиз. Таъкидлаш керакки, дин дунёни ўрганишни инкор этмайди, шу каби дунёвий имлар динни чуқурроқ англашга ёрдам беради. Диний маърифатнинг аввало, дунё учун аҳамияти шундан иборатки, одамларнинг ахлоқини тузатишга, баҳамжихат ва оқилона яшашга ўргатади, қусурлар, иллатлардан қутулиш йўлини кўрсатади, дунёни обод қилиш, қалбларга нур бағишлаш, дунё ишларини адо этиш, яхшилик қилиш, ҳалол меҳнат орқали юртни яшнатишдир. Жамиятда маънавий камолот, миллий ахлоқ меъёрлар орқали ёшлар онгига қуръони карим, ҳадиси шарифларда баён этилган инсонпарварлик гояларини сингдириш, уларни умумбашарий гоялар билан уйғунлаштириб бориш, албатта, баркамол авлод тарбиясида катта ижобий самара беради.

Дин ва оила, дин ва маҳалла, дин ва шахс масалаларини ривожлантириш ҳам, ислом маданиятини кўтаради. Бунинг учун биринчи навбатда ахлоқий баркамоллик, маданий-маънавий етукликка эришиш лозим. Жамиятни яхшилаш учун аввало инсон ахлоқини яхшилаш керак. Барча дунёвий динлар ва айниқса, бугунги Ўзбекистон ҳудудида VIII асрдан буён яшаб келаётган ислом динининг тарқалиши, уларнинг инсонлар ҳаётига таъсири, оила ва жамиятнинг камол топиши, маданий ривожланиш ҳамда маънавиятидаги ўрни ҳақидаги билимлар билан ёшларни озиқлантириш муҳим аҳамиятга эга. Шу мақсадлардан келиб чиққан ҳолда дин ва жамият муносабатини тўғри англаш билан диннинг инсоният тафаккурига таъсирини оширишда қуйидаги масалаларга эътибор қаратиш лозим:

-диншунослик асосларини ўрганиш жараёнида илмийлик, тарихийлик ва холислик тамойилларига риоя қилиш;

-тингловчиларга жаҳон динлари тарихи, йўналишлари, динлар ва бошқа илмлар муносабати ҳақида маълумот бериш;

-муайян дин асослари оддий, юзаки баён тарзида эмас, муқаддас китоблардаги матнларни аниқ илмий ва амалий таҳлил қилиш асосида ўргатиш;

-маънавий-маърифий тарбия ишларини тизимли йўлга қўйиш, мактаб, коллеж, олий ўқув юртлари ўқитувчи-ҳодимлари ички ишлар идоралари билан ҳамкорликда талаба ёшлар билан диний-маърифий мавзуларга оид маъруза ва давра суҳбатлари ўтказиш. Бу каби тадбирлар жамиятда тинчлик ва осойишталикни яратиш, ислом маданиятини ривожлантиришда, ёшлар келажаги учун тўсиқ бўладиган турли диний оқимларни, ёт гояларни ва мафкуравий тажовузларнинг олдини олишда катта амалий ёрдам бўлади. Давлатимиз дин ва виждон эркинлигига катта эътибор бериб, халқимиз руҳиятига мос келадиган имон-эътиқод, адлу инсоф, диёнат, меҳру оқибат, ор-номус, покиза ахлоқ белгилари бўлган иффат, ҳаё, ҳалоллик, ростгўйлик каби эзгу фазилатларни ривожлантириш, мустаҳкамлашни асосий вазифа қилиб қўйди.

Ҳозирги кунда юртимизда ҳукм сураётган диний баҳрикенглик муҳити туфайли мамлакатимизда 2200 дан ортиқ турли диний ташкилотлар фаолият юритмоқда. “Турли дин вакиллари ўртасида ўзаро ҳурмат ва дўстона муносабатларни ривожлантириш, фуқаролар қайси дин ва эътиқодга муносабатидан қатъи назар, уларнинг тенг ҳуқуқчилигини таъминлаш бундан буён ҳам энг муҳим вазифаларимиздан бири бўлиб қолади”[3]. Диний конфессия уюшмалари ва давлат ўзаро муносабатда қуйидаги тамойилларга амал қилмоқда:

-диндорларнинг диний туйғуларини ҳурмат қилиш;

-диний эътиқодларни фуқароларнинг ёки улар уюшмаларининг хусусий иши деб тан олиш;
-диний қарашларга амал қилувчи фуқароларнинг ҳам уларга амал қилмайдиган фуқароларнинг ҳам ҳуқуқларини тенг кафолатлаш ҳамда уларни таъкиб қилишга йўл қўймаслик;

-маънавий тикланиш, умуминсоний ахлоқий кадриятларни қарор топтириш ишида турли диний уюшмаларнинг имкониятларидан фойдаланиш учун улар билан мулоқот қилиш йўллари излаш зарурати;

-диндан бузғунчилик мақсадларида фойдаланишга йўл қўйиб бўлмаслигини эътироф этиш. Мустақиллик қўлга киритилгандан кейин диний байрамлар – Рамазон ва Қурбон ҳайитлари кенг миқёсда мунтазам нишонланиб келмоқда. Давлат қўмағи билан қадимий обидалар, қадамжолар обод қилиниб, зиёратгоҳ жойларга айлантирилди. Буларнинг ҳаммаси диндан оқилона фойдаланиш, маърифий-маданий ишларда диний кадриятларни истифода этиш, дин фалсафасини чуқур ўрганиб, эзгу хулқ, эзгу сўз ва эзгу амал учун интилиш, ёш авлодга ислом дини ва унинг негизида шаклланган маънавиятни шу тарзда ўзлаштиришни ўргатиш зарурлигини тақозо этади. Ислом динининг мазмун-моҳиятида бағрикенглик ғояси ётади. Шунини ҳам айтиш жоизки, диний бағрикенглик миллатлараро дўстлик, маданиятлараро мулоқотликка ҳам ёрдам беради. Чунки дин миллий урф-одатларга таъсир ўтказиб келгани боис баъзан миллийлик билан динийликни бир-биридан ажратиш қийин. Шунингдек адабиёт ва санъатнинг асрлар давомида диний асотирлар, ғоялар, тушунчалар билан узвий боғлиқ ҳолда ривожланганини эътиборга олиш лозим.

Шунинг учун маданиятлараро мулоқот, ўзаро ҳамкорлик қилиш, идрок ва завқ халқларни бир-бирига яқинлаштирганидан ташқари диний чегараларни ҳам ҳатлаб ўтишга ёрдам беради. Шундай қилиб, диний бағрикенгликнинг пойдевори **маърифат** ва **маънавиятдир**. Маданий, маърифий диндорлик динлараро яқинлашишга йўл очса, жаҳолат таассубга, тарафкашликка тортади. Шу боис ақидапараст экстремистлар айнан маърифатга ва ундан ҳосил бўладиган бағрикенгликка қарши бўлгани бежиз эмас. Маърифий диндор одам фалсафа, тиббиёт, адабиётни севади, тафаккури кенг, нигоҳи очиқ бўлади. Ақидапараст эса фикри тор, зоҳирий нарсаларга ўч, илм-фан ютуқларини ҳазм қилолмайдиган одамдир. Шу боис киши маърифати ортган сари инсоният яратган жамики кадриятларни ҳурмат қиладиган бўлиб бораверади. Биз ёшларимизни ана шу руҳда тарбиялашимиз лозим. Юртимизда яшаётган халқларнинг ўтмиши, бугунги ҳаёти, келажак билан боғлиқ орзу-умидлари асрлар оша ёнма-ён яшаш жараёнида шакланган ҳамжихатлик, бағрикенглик, қардошлиқ туйғулари уйғунлашган тарзда намоён бўлади. Бу эса юртимизда осойишталик, тинч-тотув турмуш тарзини таъминлашда катта аҳамиятга эга. Инсоният тобора бирлашиб, ўзаро иқтисодий, ижтимоий-сиёсий масалалар ҳам мураккаблашиб, глобаллашиб бораётган экан, динлараро мулоқот, сабр-тоқат, толерантликни кучайтириш ҳар жиҳатдан долзарб ва фойдалидир.

Хулоса қилиб шунини айтиш керакки, ислом – маърифат, поклик, эзгуликдир. Ушбу тушунча билан жамият ҳаётида инсоф, диёнат ва маърифатни кенг ёйиш, ўз юртига садоқатли, ватанпарварликнинг миллий ва маънавий кадриятларини ҳурмат қилувчи фидойи, ватанпарвар ёшларни тарбиялаш керак. Бу улкан ва масъулиятли ишда ҳар биримиздан сабр-бардош, матонат, юксак маънавият, катта талабчанлик ва фидойилик талаб этилиб, бу имон-эътиқодли, илм-маърифатли, ақл-заковатли инсонгагина хос бўлган ҳаёт тарзи эканлигини унутмаслик зарурдир.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ислом Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. –Т.: “Ўзбекистон”, 1997, 44-бет
2. Ш.Мирзиёев Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз 1-том Т.:”Ўзбекистон” 2018 йил 31-бет
- 3.Ш.Мирзиёев Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз 1-том Т.:”Ўзбекистон” 2018 йил 47-бет

ИМОМ БУХОРИЙ ҲАДИСЛАРИ - МЕҲР САРЧАШМАСИ

Рўзигул Бозорова, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти Бухоро филиали Ижтимоий-гуманитар фанлар кафедраси ўқитувчиси

Аннотация: Мақолада Бухорои шарифнинг Ислом маданияти пойтахти деб эълон қилиниши, пайгамбаримиз ҳадислари талқини, ислом оламининг буюк муҳаддиси Имом Бухорийнинг саҳиҳ ҳадисларидаги меҳр тушунчасининг инсонпарварлик туйғуси сифатида қадриятларда намоён бўлиши ўз аксини топган.

Таянч сўзлар: Бухорои шариф, Қуббатул ислом, ислом, пайгамбар, маданият, саҳиҳ, ҳадис, таълим, меҳр, раҳм, шавқат, таълим, тарбия, одоб.

Бухорои Шариф 2020 йилнинг 1 январидан Ислом маданияти пойтахти деб эълон қилинди. “Фан, таълим ва маданият” ташкилоти (ISESCO) ҳар йили мусулмон мамлакатларидаги учта шаҳарни араб давлатлари, Осиё ва Африка мусулмон мамлакатларидаги шаҳарларни Ислом маданияти пойтахти деб эълон қилади. Ташкилот томонидан 2019 йил 18 декабрда Тунисда бўлиб ўтган 11-Ислом конференциясида **2020 йилда Бухоро, Қоҳира (Миср) ва Бамако (Мали) шаҳарлари** Ислом маданияти пойтахтлари сифатида тасдиқланди.²¹⁵

Бухорои шариф бир неча асрлар давомида ислом маданияти пойтахти сифатида намоён бўлиб келмоқда. Мусулмон оламида Бухоро бежизга «Қуббатул Ислом» ва «Гумбази Ислом» деб сифатланмайди, бу арабча ва форсчадан таржима қилинганда Ислом гумбази деган маънони беради. Шаҳарнинг ислом маданияти пойтахти ўлароқ эътироф этилиши шаҳар ва унда яшаб ўтган олимларнинг ислом цивилизацияси ривожига қўшган улкан ҳиссасининг яна бир тасдиғи сифатида баҳолаш мумкин.²¹⁶

Ислом дини Арабистон ярим оролида вужудга келган бўлса ҳам, Қуръони карим, Ҳадиси шариф китоб шаклида ислом маданияти мазмун моҳиятини ташкил этсада, ислом дининининг бутун дунё бўйлаб тарқалишига ҳисса қўшган зот бизнинг ватандошимиз Имом ал-Бухорийнинг ислом цивилизациясига қўшган ҳиссаси бениҳоя каттадир.

Имом ал-Бухорий умр давомида ҳадисларни тўплаш ва бир тизимга солиш билан шугулланганлар, шунингдек уларни саҳиҳ (тўғри, ишончли) ва гайри саҳиҳ (хато ёки заиф)га ажратганлар. Бу ишни ҳадис ровийларининг кечирган ҳаётлари, яшаш жойлари, таваллуд ва вафот этган саналари, бир-бирлари билан қилган ўзаро мулоқотларини ўрганиш билан боглик ҳолда олиб борганлар. Аллома олти юз мингга яқин ҳадис тўплаб, шундан юз минг «саҳиҳ» ва икки юз минг «гайри саҳиҳ» ҳадисни ёддан билганлар. Имом ал-Бухорий ўзларининг бундай ноёб қобилят ва қувваи-ҳофизасининг кенг мушоҳадалилиги билан ўз тенгқур ва илм аҳллари хайратда қолдирганлар.²¹⁷

Муҳаммад (с.а.в)нинг айтган сўзлари, қилган ишлари ёки у кишига берилган сифатларни ўзида мужассам қилган ривоятлар — ҳадислар деб аталади. «Ҳадис» сўзининг лугавий маъноси — “янги”, “хабар”, “ҳикоя”, “сўз” бўлиб, — ал-ҳадис ан-Набавий (Пайгамбар сўзлари)дир.

Ҳадиси Шариф – меҳр, шафқат, ҳиммат, эъзозу эътибор, багрикенгликнинг қиёси йўқ китоби, ёдгорлиги, бебаҳо хазинасидир.

Имом ал-Бухорий тўпламларига киритилган ҳадислар фақатгина шариат аҳкомларига оид умумий қоидаларни акс эттириш билан чекланиб қолмайди. Уларда меҳр-оқибат, саҳийлик, очиқ кўнгиллик, ота-она ҳурмати, олий ҳиммат, мурувват, ватанга садоқат, меҳнатсеварлик, ҳалоллик, дўсту биродарлик каби инсоний фазилатлар ўз ифодасини топган.

²¹⁵ <https://sof.uz/post/buxoro-2020-vilda-islom-madanivati-povtaxti-deb-elon-qilindi>

²¹⁶ <https://darvo.uz/k/2018/01/08/buxoro-islom-madanivati-povtaxti-boladi/>

²¹⁷ <http://muslim.uz/index.php/maqolalar/item/902-imom-bukhorij-fakhrimiz>

Меҳр барча замонлар ва маконларда ўзига хос аҳамият касб этган. Ислом динида пайғамбаримиз Муҳаммад с.а.в. бу борада ўрناк ҳисобланадилар.

Инсон зоти доимо меҳр-муҳаббатга эҳтиёжли бўлади. Айниқса, болалар бу нарсага жуда ҳам муҳтожлар. Меҳр-муҳаббат дини бўлмиш Ислом, шунинг учун ҳам болаларга меҳр-муҳаббат кўрсатишни ота-оналарга вазифа этиб юклаган.

Мусулмон одам ўз боласига меҳр кўрсатиб, унинг бошини силаб, кўнглини овутиб, тарбия маъносида қилган ҳаракатларига ҳам албатта ажр олади.

Демак, бола тарбияси учун қилинадиган ҳар бир ҳаракат ажрсиз, савобсиз қолмас экан. Боланинг бошини силашда одамнинг ўзи роҳат топади. Лекин шу нарса болага ҳам яхши таъсир қилганидан, Аллоҳ таоло бунинг учун ота-онага ажр-савоб берар экан. Ота-она боласининг бошини силагани учун ҳам ажр олар экан, уни едириб-ичиргани, кийдиргани, ўқитгани, Куръон ёдлатгани, одоб-ахлоқдан тарбия бериб қийналгани учун оладиган савоблари қанча бўлишини ўзингиз тасаввур қилаверинг.

Қизларга алоҳида ҳурмат ва меҳр билан муносабатда бўлиш ҳақида Расулulloҳ (с.а.в)нинг кўрсатмалари ҳам бор. Чунки қизлар меҳрга муҳтож, ўзлари ожиза бўлишади. Шу боис улар тарбиясида эътибор, меҳр-мурувват ва эҳтиёткорлик кўпроқ зарур бўлади.²¹⁸

Ҳусайн Марвазий ривоят қилган.

Бу ҳадис аввалги ривоятнинг бир оз кенгроқ баёни экан. Бу ерда ота ўз ҳузурига келган иккала фарзандининг ҳам бошини силагани ҳақида сўз кетмоқда, яъни иккисига бир хил меҳр кўрсатган. Фақат уларни ўтқозишда орада фарқ содир бўлган. Ана ўша нарса ҳам Набий саллаллоҳу алайҳи васалламнинг эътиборларидан четда қолмаган.

Тарбия ҳам ота-оналарнинг бурчи ва фарзандларнинг ҳаққидир.

“Тарбия” сўзи арабча “робба” феълидан олинган бўлиб, ўстирди, зиёда қилди, риоясига олди, раҳбарлик қилди маъноларини билдиради.

Мусулмон уламолар “тарбия”ни бир неча хил таъриф қилганлар.

Жумладан, имом Байзовий қуйидагича таърифлайди:

“Тарбия бир нарсани аста-секин камолига етказишдир”.

Роғиб Асфихоний тарбияга қуйидагича таъриф беради:

“Тарбия бир нарсани бир ҳолдан иккинчи ҳолга ўтказа бориб, батамомлик нуқтасига етказиш яъни комилликка етказиш. Тарбия маъноларидан бири инсоннинг диний, фикрий ва ахлоқий қувватларини уйғунлик ҳамда мувозанат ила ўстиришдир”.²¹⁹

Исломда болалар тарбияси ота-онанинг энг масъулиятли ва узоқ давом этадиган бурчларидир. Бошқа бурчлар баъзи ишларни қилиш ёки мулкни сарфлаш билан охирига етади. Аммо тарбия масъулияти бардавом бўлади. Зотан, ота-онанинг фарзанд неъматига ҳақиқий шукрлари ҳам айнан тарбия масъулиятини шараф билан адо этиш орқали юзага чиқади. Амалий шукр – берилган неъматни, неъмат берувчи зотни рози қиладиган тарзда тасарруф қилиш билан бўлади. Бинобарин, фарзанд неъматига амалий шукр қилиш ўша фарзандни Аллоҳ таолога итоат қиладиган банда қилиб тарбиялаш билан юзага чиқади.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

“Набий саллаллоҳу алайҳи васаллам:

“Ҳар туғилган бола фақат фитрат (соф табиат) ила туғилади. Бас, ота-онаси уни яҳудий ёки насроний ёки мажусий қилади. Бу худди ҳайвоннинг бус-бутун ҳайвон туғишига ўхшайди. Сиз унда кулоқ-бурни кесилганини ҳис қилганмисиз?” дедилар.

Сўнгра Абу Ҳурайра “Агар хахласангиз: “(Бу) Аллоҳ одамларни яратган асл фитратдир. Аллоҳнинг яратганини ўзгартириб бўлмас. Ушбу тўғри диндир”, деган оятни ўқинг”, дер эди.²²⁰

Пайғамбаримиз (с.а.в) яна бундай деганлар: “Авлодларингизни, биринчидан: “Аллоҳни севадиган қилиб тарбияланглар...” Чунки Аллоҳ таоло уни йўқдан бор этиб, ота-онани унинг дунёга келишига сабабчи қилди. Ва уларнинг қалбларига фарзанд меҳру

²¹⁸ Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Бахтиёр оила, “Ҳилол-нашр”, Тошкент.: 2014 йил, 333 бет.

²¹⁹ Ўша асар, 339 -бет.

²²⁰ Ўша асар, 340 -бет.

муҳаббатини солди. Агар Аллоҳ таоло фарзанд муҳаббатини қалбга солмаганида, уни бағрига босмасди, раҳм-шафқат қилмасди, кўчага ташлаб кетган бўларди. Шунинг учун фарзанд Аллоҳ таолони севиб, унга шукрлар қилиши лозим.

Иккинчидан:

“Аллоҳнинг Расулини севадиган қилиб тарбияланглар”. Чунки Аллоҳ таоло Расулulloҳни (с.а.в)ни халқ орасидан танлаб олиб, халққа пайгамбар қилиб юборган. Пайгамбаримиз инсонларга ота-онасидан ҳам меҳрибонроқ бўлган, дунёдаги барча яхшиликларни ўргатган зот, бутун дунё аҳлининг устози саналади.

Учинчидан:

“Аллоҳнинг Китобини севадиган қилиб тарбияланглар...”. Чунки китоб инсониятни хидоятга чорлайди.²²¹

Абу Ҳурайра розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

“Набий соллоллоху алайҳи вассаллам шундай дедилар: **“Туя минган аёлларнинг энг яхшиси Қурайш аёлларининг солихаларидир: болага кичиклигида жуда меҳрибон, эрнинг топган тутганида ниҳоятда риоялидир”**. Ҳадисдаги меҳрибон деб ўгирилган сўз “хунувун” феълининг ўзагидан олинган орттирма даража бўлиб, “хааниятун” сўзининг орттирма шаклидир ва унга ўзакдошдир. “Хааниятун” деб эри ўлгандан кейин сагир болаларини деб бошқа турмуш қурмаган аёлга айтилади. Шунга кўра, айрим шорихлар “Мазкур ҳадисда меҳрибонлиги мақталган аёллар ана шундай бева аёллардир”, дейишган.

Ҳадисда болага меҳрибонлик қилишни кичиклигига қайдлашдан мақсад шуки, бола меҳрга асосан кичик ёшда мухтож бўлади, катта бўлгач эса йўлини топиб кетаверади. Ёш болага меҳр кўрсатиш бегараз бўлади, катта бўлгач, манфаатларнинг эътибори ҳам аралашиши мумкин.²²²

Абу Ҳурайра розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

“Набий соллоллоху алайҳи вассаллам шундай дедилар: **Раҳм Раҳмондан олингандир. Аллоҳ: “Ким сени боғласа, боғлайман, ким сени узса, узаман”, деган”**.

“Раҳм” сўзи бу ерда қариндошликни билдириб, келиб чиқиши раҳм шавкат, меҳрибонлик мазмунидаги “роҳиман” ўзагидан олинган. Аллоҳнинг “меҳрибон” деган маънони билдирувчи исми – Раҳмон ҳам худди шу ўзакдан олинган. Бу икки сўзнинг ўзакдош бўлишидаги ташбеҳ қариндошликнинг Раҳмон таоло наздида қанчалар катта аҳамиятга эга эканини уқтириш, тасаввур қилдириш учундир. Аллоҳ таолонинг “Ким сени боғласа, боғлайман, ким сени узса узаман” дегани қариндошлик ришталарини боғлаган кишиларга У зотнинг раҳмату фазл билан боқиши, дуоларини қабул қилиши, силаи раҳмни узган кишиларга эса аксинча муносабатда бўлишини билдиради.²²³

Имом ал-Бухорийнинг ушбу ҳадислари ёзилганига қарийб 1000 йилдан ошган бўлганига қарамай, ўша даврдан то ҳозирги вақтгача ислом таълимотида Қуръони каримдан кейинги иккинчи ўринда турадиган асосий манба сифатида юқори баҳоланиб келиниши барчага маълум. Бугунга қадар «Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ» муҳим манба сифатида у қайта-қайта нашр қилинган.

Тарихдан маълумки, қадимдан бу китобни саёҳатчилар ҳам ўзлари билан доим олиб юрганлар. Шайх Абу Муҳаммад Абу Абдуллоҳ ибн Абу Ҳамза ёзадиларки: «Мен аҳли зуҳду тақволардан эшитдим: «Саҳиҳ ал-Бухорий» мушкул кунларда кишига нажот йўлини топишга ёрдам беради».

Имом ал-Бухорий ҳазратлари «Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ» китобини ёзиб тугатганларидан сўнг, айтган эканларки: «Бу китобни мен олти юз минглар чамасидаги ҳадислар орасидан саралаб олиб, ўн олти йил мобайнида ёзиб битириб, ўзим билан Аллоҳ таолонинг ўртасида хужжат қилдим».

²²¹ У.Алимов. Оилада фарзанд тарбияси. Тошкент “Мовороуннаҳр” 2014 йил, 59-60 бетлар. Электрон манзил: <http://www.muslim.uz>.

²²² Олтин силсила: 6 жуз: Саҳиҳул Бухорий - Тошкент, ҳилол нашр 2018.544 бет, 5082-ҳадис.

²²³ Олтин силсила: 7 жуз: Саҳиҳул Бухорий - Тошкент, ҳилол нашр 2018.412 бет, 5988-ҳадис.

Алломанинг бу ўчмас асарлари мусулмонларга ҳидоят йўлини кўрсатувчи, инсонларнинг меҳр-оқибатли, иймон, инсофли бўлишини таъминловчи манба сифатида асрлар оша ўз қимматини йўқотмайди.

Дунёнинг қайси бурчагига бормайлик, бизга Имом ал-Бухорийнинг ватандоши, авлодлари – бухорийлар деб катта ҳурмат ва эътибор билан муносабатда бўлишади, ҳавас қилишади. Имом ал-Бухорий барчамизнинг фахримиз, ифтихоримиз. Чунки, хайрли амалларни қилган, қалблари доимо Парвардигор зикри билан банд бўлган зотдирлар. Номи етти иқлимда машҳур бўлган зотга муносиб ворис бўлиш ҳар биримиздан катта масъулият талаб этади, албатта. Биз ана шундай алломалар юртида яшаётганимиздан фахрланамиз.

Фойдаланилган адабиётлар

1. <https://sof.uz/post/buxoro-2020-yilda-islom-madaniyati-poytaxti-deb-elon-qilindi>
2. <https://darvo.uz/k/2018/01/08/buxoro-islom-madaniyati-poytaxti-boladi/>
3. <http://muslim.uz/index.php/maqolalar/item/902-imom-bukhorij-fakhrimiz>
4. Ҳ.Йўлдошхўжаев, Д.Раҳимжонов, М.Комилов. Диншунослик, Тошкент — 2000 йил
5. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Бахтиёр оила, “Ҳилол-нашр”, Тошкент.: 2014 йил.
6. У.Алимов. Оилада фарзанд тарбияси. Тошкент “Мовороуннаҳр” 2014 йил, Электрон манзил: <http://www.muslim.uz>.
7. <https://islom.uz/maqola/1360>
8. Олтин силсила: Саҳихул Бухорий - Тошкент, “Ҳилол” нашр, 2018. 6-7 жузлар

СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ СИСТЕМЫ ПЛАНИРОВАНИЯ ТУРИЗМА НА ОСНОВЕ ИННОВАЦИОННЫХ МЕТОДОВ

Файзиева С.Қ.

Преподаватель Бухарского Государственного Университета

В условиях рыночных отношений планирование развития туризма являются обязательной основой обеспечения его успешного развития, но и то, что подходы к планированию туризма, определение его роли и места в развитии страны или региона должны рассматриваться в пределах широкого контекста общественного экономического развития. Тактическое планирование — это принятие решений о том, как должны быть распределены ресурсы организации для достижения стратегических целей. Тактическое планирование охватывает краткосрочный и среднесрочный периоды. {1}

Составления планов, или непосредственный процесс планирования, т. е. принятие решений о будущих целях организации и способах их достижения. Результатом процесса планирования является система планов. Деятельность по осуществлению плановых решений. Результатами этой работы являются реальные показатели функционирования организации (предприятия). Контроль результатов - происходит сравнение реальных результатов с плановыми показателями, а также создание предпосылок для корректировки действий предприятия в необходимом направлении. Тактическое планирование сосредоточено на том, какими средствами организация должна достигнуть поставленной цели. Оперативное планирование - планирование отдельных операций в общем хозяйственном потоке в коротком и среднем периодах (планирование производства, планирование маркетинга, составление бюджета организации). Основные этапы деятельности предприятия, связанной с планированием. Процесс планирования состоит из ряда этапов, следующих друг за другом:

1 этап – проводятся исследования внешней и внутренней среды организации, определяются главные компоненты организационной среды, выделяются те из них, которые действительно имеют значение для организации, проводятся сбор и отслеживание информации об этих компонентах, составляются прогнозы будущего состояния этой среды, производится оценка реального положения фирмы. {2}

2 этап - устанавливаются желаемые направления и ориентиры своей деятельности: видение, миссия, комплекс целей.

3 этап - стратегический анализ - фирма сравнивает цели (желаемые показатели) и результаты исследований факторов внешней и внутренней среды (ограничивающих достижение желаемых показателей), определяет разрыв между ними. При помощи методов стратегического анализа формируют различные варианты стратегии.

4 этап - производится выбор одной из альтернативных стратегий и ее проработка.

5 этап - подготавливается окончательный стратегический план деятельности фирмы.

6 этап - среднесрочное планирование - готовятся среднесрочные планы и программы.

7 этап - фирма разрабатывает годовые, оперативные планы и проекты.

8 и 9 этапы - определяют предпосылки для создания новых планов, которые должны учитывать: что организации удалось сделать, реализуя свои планы; каков разрыв между плановыми показателями и фактическим их выполнением.

Процесс планирования - замкнутый цикл с прямой (от разработки стратегии к определению оперативных планов до реализации и контроля) и обратной (от учета результатов выполнения плана к его переформулированию) связью. {3} Финансовый план связан со всеми экономическими показателями деятельности туристской фирмы и увязаны с основными разделами предпринимательского плана: производством туристической продукции; совершенствованием управления; повышением эффективности деятельности туристской фирмы, прибыли, рентабельности и экономического стимулирования. Процесс финансового планирования включает два этапа. На первом этапе анализируются финансовые показатели за предыдущий период. Для этого используются основные финансовые документы туристской фирмы - бухгалтерский баланс, отчеты о прибылях и убытках, о движении денежных средств. Второй этап предусматривает составление основных прогнозных документов, находящихся между собой в определенной взаимосвязи через показатели, которые в них содержатся. В состав прогнозных документов входят прогнозы:

- объемов продаж - дает представление о той доле рынка, которую туристская фирма предполагает завоевать своей продукцией. Прогнозы продаж выражаются как в денежных, так и в физических единицах и помогают определить влияние цены, объемов производства, инфляции и изменения соотношения валютного курса российского рубля на потоки наличных денежных средств туристской фирмы;
- движения денежных средств - баланс денежных потоков составляется в виде таблицы, в которой отражаются данные о наличии денежных средств на начало периода, их поступлении и расходовании в течение этого периода. Завершается таблица данными о наличии денежных средств на конец периода;
- отчета о прибылях и убытках - с помощью прогнозного отчета о прибылях и убытках определяется величина получаемой прибыли в предстоящем периоде.

При проведении прогнозного анализа прибыли на практике широко используется метод «издержки - объем - прибыль», который называют анализом безубыточности. Этот метод планирования прибыли базируется на принципе разделения затрат на условно-постоянные и условно-переменные и расчете маржинальной прибыли. Из выручки от реализации туристской продукции (без НДС, акцизов, таможенных пошлин) вычитаются условно-переменные затраты и получается маржинальная прибыль. Далее из маржинальной прибыли вычитаются условно-постоянные расходы и определяется финансовый результат (прибыль или убыток). Точка безубыточности - это такой объем выручки, при котором туристская фирма не получает ни прибыли, ни убытка. Точка критического объема производства показывает такой объем производства, при котором величина выручки от реализации равна ее полной себестоимости.

Список использованной литературы.

1. Лопушинская Г. К. Планирование в условиях рынка: Учеб. пособие. – М.: Дашков и Ко, 2011.
2. Рыжакина Т.Г. Интегрированные инструменты планирования в процессе реализации стратегии предприятия: монография. – Томск: Изд-во ТПУ, 2013. – 144 с. 8. Савкина Р.В. Планирование на предприятии: Учебник. – М.:

3. Дашков и К, 2013 г. 9. Ispravnikov A.A., Serkova N.V., Zeremskaya Yu.A. Planning of organizational changes // Journal of Economics and Social Sciences. – 2014. – № 4. – URL: jess.esrae.ru/6-86 (дата обращения: 01.10.2015).

РОЛЬ ТУРИЗМА В МИРОВОЙ ЭКОНОМИКЕ

Исомов Б.С.

Преподаватель Бухарского Государственного Университета

Сегодня туризм является мощной мировой индустрией. Американцы объединяют в этой индустрии все родственные отрасли экономики, специализирующиеся на обслуживании путешествующих людей через специализированные предприятия: отели, рестораны, туристические агентства, национальные парки, парки культуры и отдыха и т.д. В США эта индустрия является вторым по значению работодателем, обеспечивая рабочие места для более чем 10 млн. человек. Появление на рынке индустрии таких гигантов, как «Макдональдс», «Пицца Хат», «Марриот» и др. превратило гостинично-ресторанное дело из семейного бизнеса, как типично частного владения всей собственностью, в мощную индустрию. В этой индустрии доминируют транснациональные конгломераты, именуемые в русском языке «сетями». Глобализация индустрии сопровождалась развитием современных управленческих форм: приобретение лицензионных прав (франшизы), партнёрство, синдицирование, договоры на аренду (лизинг), управление по контракту и т.д.

За быстрые темпы роста он признан экономическим феноменом столетия. Во многих странах туризм играет значительную роль в формировании ВВП, создании дополнительных рабочих мест, обеспечении занятости. Туризм оказывает огромное влияние на такие ключевые отрасли экономики как транспорт, связь, строительство, сельское хозяйство, то есть выступает своеобразным катализатором социально-экономического развития. Туризм подвержен влиянию факторов сезонности, как следствия периодического изменения климатических условий в течение года. В высоких широтах - это наступление холодных периодов, в тропических и экваториальных - сезона дождей или чрезмерной жары.

Различаются высокий, средний и низкий сезоны. Высокий сезон характеризуется условиями наиболее полноценного использования туристами туристских ресурсов. По всем признакам жителям стран с относительно холодной зимой свойственно стремление отдыхать летом и преимущественно в туристских центрах с более теплым климатом. Курорты Средиземноморья имеют сезонный пик туристской загрузки в летние месяцы. Курорты Персидского залива, Красного моря, Таиланд и др. страны Юго-Восточной Азии привлекательны в зимние месяцы, когда климат более мягкий и менее жаркий. Большая часть континентов расположена в северном полушарии и можно утверждать, что там проживает значительная часть населения Земли. В странах, расположенных в южном полушарии, климатические изменения противоположны. С определенных позиций это достаточно удобно. Состоятельные туристы стран европейского и североамериканского континентов могут зимой посетить туристские центры Южной Америки, Южной Африки или Австралии, где наступает теплый сезон. Значение туризма, как источника валютных поступлений и расширения международных контактов, постоянно растет. Размер и степень влияния международного туризма в мире можно оценить по следующим показателям. В 1950 г. число международных туристов в мире составило 25 млн. человек, в 1996г. - 592 млн. человек, а поступления от международного туризма достигли 423 млн. USD. По прогнозам ВТО, к 2010 г. количество поездок составит 937 млн., а поступления от туризма возрастут до 1,1 трлн. USD. {1}

По данным ВТО, вклад туризма в мировую экономику составляет 10,9% мирового ВВП. К обслуживанию такого количества перемещающихся по всему миру людей привлекается еще большее количество специалистов многих смежных с туризмом отраслей, которые и составляют суть индустрии и инфраструктуры туризма. В туризме занято 130 млн.

человек

(каждый

15-й). {2}

Анализ доходности от туризма приводит к интересным сравнениям. Так, на каждого жителя США приходится в два раза больше туристов, чем на россиянина, а при равных примерно ценах на туристское обслуживание - доходность от туристской отрасли в США в 5 раз выше. Возможно, есть чему поучиться. Из 250 тыс. жителей курорта Санкт-Петербург (Флорида, США) 60 тыс. заняты в сфере туризма и обслуживают 5 млн. туристов ежегодно. Еще более парадоксально это положение в Андорре, где вся страна (50 тыс. жителей) работает на туризм, все жители стелют постели, готовят еду, поют и пляшут с утра до вечера на потребу туристу, продают им товары. {3} Последнее весьма привлекательно для туристов, поскольку Андорра является зоной беспошлинной торговли. Других видов деятельности в карликовой стране, расположенной в узкой горной долине, нет или они не имеют значительного веса в экономике государства.

В большинстве стран есть два выходных. И именно поэтому по статистике наибольшую долю занимает туризм выходного дня weekend holiday (2-3 дня), далее следуют недельные туристические поездки (6-7 дней), значительно меньшую долю занимают 8-12 - дневные туры, все остальные, более длительные туристские поездки выпадают из статистики по причине ничтожности своего удельного веса в общей массе.

Для того чтобы туризм стал массовым явлением и вовлек значительные слои населения, необходим достаток в средствах, позволяющий выделять из семейного бюджета некоторую часть средств на обеспечение отдыха. Как правило, на кратковременный отдых требовалось (и требуется сейчас) значительно больше средств, чем на обычное проживание и режим труда, что связано с расходами на перемещение, проживание в ином месте, питание и развлечение. Так, российский классик туризма Михаил Михайлович Маринин и Дж. Блейле предлагают вполне понятную формулу развития общества в Европе, способствующую интенсивному развитию туризма в послевоенные годы. В ходе экономического возрождения после Второй мировой войны европейцы пережили сначала волну «Вдоволь поесть», затем - «Нормально одеться», потом - «Свой дом и автомобиль» и, наконец, - «Туристскую волну». За последнее десятилетие определённая часть населения России быстро проходит эти этапы. Существует прямая связь между тенденциями развития индустрии туризма и общими экономическими, техническими и социальными достижениями. Растущий уровень жизни в развитых индустриальных странах мира ведет к росту продолжительности отпусков и достаточно высокому уровню пенсионного обеспечения, что также оказывает значительное влияние на развитие туризма.

В практике туристической деятельности различают страны-поставщики туристов и страны, принимающие туристов. К первым могут быть отнесены: США, Германия, Англия, Бельгия, Дания и т.д. Ко вторым - Франция, США, Испания, Италия, Венгрия и др. Туристы из наиболее развитых стран мира - США, Германия и Япония - тратят больше средств в зарубежных путешествиях, чем туристы из других стран. Эксперты ВТО указывают на то, что существует четкая связь между тенденциями развития туризма и общим состоянием экономики в стране. Динамика путешествий очень чувствительна к тому, находится ли экономика на подъеме или идет спад. Применительно к индустрии туризма существуют такие понятия, как «видимая и невидимая торговля», «видимый и невидимый экспорт и импорт». Видимая торговля имеет дело с экспортом и импортом товаров и сырья. При этом торговым балансом страны называется разница между стоимостью видимого экспорта и стоимостью видимого импорта.

Невидимый импорт страны составляют деньги, потраченные ее гражданами во время зарубежных поездок.

Разница между полным доходом страны от экспорта (видимого и невидимого) и полной стоимостью импорта (видимого и невидимого) называется платежным балансом. Платежный баланс может быть положительным и отрицательным. Все страны мира стремятся к увеличению доходов от туризма и предпринимают серьезные усилия для привлечения в страну иностранных туристов. Десять стран с положительным сальдо туристского баланса:

Испания, Италия, США, Франция, Турция, Мексика, Греция, Португалия, Австрия, Венгрия. Россия, обладая колоссальным туристским потенциалом, занимает скромное место на международном туристическом рынке. На ее долю приходится около 1% мирового туристского потока. {4} Невидимая торговля имеет отношение к импорту и экспорту сферы услуг. Невидимый экспорт - это доходы от прибывающих иностранных туристов, а также от продажи им билетов на отечественный транспорт и другие услуги в стране пребывания.

ЎЗБЕКИСТОННИ РИВОЖЛАНТИРИШ СТРАТЕГИЯСИ ВА ИСЛОМ ДИНИГА БЎЛГАН МУНОСАБАТНИНГ ЎЗГАРИШИ

Жахонгир. Д. А.

*Ўзбекистон Миллий университети Ижтимоий фанлар факультети
“Фуқаролик жамияти ва ҳуқуқ таълими” кафедраси таянч докторанти*

Кумуш. Х. Х.

Ўзбекистон Журналистика ва оммавий коммуникациялар университети магистранти

Маълумки, 2017 йил 7 феврал куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-4947-сонли фармони билан тасдиқланган 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси том маънода мамлакатни янги тараққиёт йўлига олиб чиқди. Республикада сўнгги уч йилда амалга оширилаётган модернизация жараёнлари барча соҳаларни камраб олган бўлиб, жадаллик билан олиб борилмоқда. Олиб борилаётган ислохотлар самарасини янада ошириш, давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама ва жадал ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ҳамда ҳаётнинг барча соҳаларини либераллаштириш бўйича устувор йўналишларни амалга ошириш мақсадида ишлаб чиқилган ушбу Стратегия мамлакатни модернизациялаш йўлидаги бош дастуруламал бўлди. Шу ўринда либераллаштириш деган тушунчага тўхталиб ўтсак.

Либераллаштириш – (лот. “эркинлик”) ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида эркинлик устувор бўлишини ... эътироф этувчи ва асословчи назария, амалиёт [1]. Демак, либераллаштириш демократия тамойиллари, яъни халқ ҳокимияти, кўпчилик овоз қоидаси, камчилик ҳуқуқлари, эркин ва адолатли сайловлар, асосий инсон ҳуқуқларининг кафолати, жумладан, виждон ва эътиқод эркинлигини амалга оширишдир.

Шу ўринда қайд этиб ўтиш жоизки, мамлакатда виждон эркинлиги ҳуқуқи 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 31-моддасида кафолатлаб қўйилгандир [2]. Шунингдек, 1998 йил 1 майда янги таҳрирда қабул қилинган “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни мамлакатдаги давлат ва дин муносабатлари тартибини белгилаб беради. Лекин, маълумки, жамиятнинг демократлашганлик даражаси мамлакат қонунларининг демократиклиги эмас, балки ўша қонунларнинг ижроси ҳолати билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикасида Шавкат Мирзиёев давлат раҳбарлигига келганидан сўнг бошланган кенг кўламли ислохотлар Ҳаракатлар стратегияси қабул қилинганидан сўнг тизимли тус олди. Мамлакатни миллий тикланишдан миллий юксалишга томон олиб чиқилиши кутилаётган ушбу стратегияда инсон ҳуқуқлари, хусусан, виждон ва эътиқод эркинлигини таъминлашга алоҳида эътибор берилган. Жумладан, Ҳаракатлар стратегиясининг 5.1.-банди бевосита “Хавфсизлик, диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувликни таъминлаш соҳасидаги устувор йўналишлар” деб аталиб, ушбу бандда белгиланган вазифалардан бири бу “фуқаролик, миллатлараро ва конфессиялараро тинчлик ҳамда тотувликни мустаҳкамлаш” [3] бўлиб, айнан ушбу вазифа давлатнинг дин, хусусан, ислом дини борасидаги стратегик сиёсатининг мезонини белгилаб беради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йил 19 сентябрь куни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқида ислом дини масаласига алоҳида тўхталиб ўтган эди [4]. Ўзбекистон Республикаси

Президенти ўз нутқида ислом дини ва бу борада мамлакатни ривожлантириш стратегияси асосидаги Ўзбекистон позицияси тўғрисида кўтарган масалаларни мавзуй жиҳатдан, жумладан, қуйидаги йўналишларга бўлиш мумкин:

- Ижтимоий-ҳуқуқий йўналиш – “Экстремизм ғоялари таъсирига тушиб қолган, тўғри йўлдан адашган фуқаролар ижтимоий реабилитация қилинмоқда, уларни соғлом ҳаётга қайтариш учун зарур шароитлар яратилмоқда”;
- Стратегик-позицион йўналиш – “Биз муқаддас динимизни азалий кадрларимиз мужассамининг ифодаси сифатида беҳад қадрлаймиз... Ислом дини бизни эзгулик ва тинчликка, асл инсоний фазилатларни асраб-авайлашга даъват этади”;
- Тарихий-маънавий йўналиш – “Марказий Осиё Уйғониш даврининг кўплаб ёрқин намояндаларининг ислом ва жаҳон цивилизациясига кўшган бебаҳо ҳиссасини алоҳида қайд этмоқчиман. Ана шундай буюк алломалардан бири Имом Бухорий ўз аҳамиятига кўра ислом динида Қуръони каримдан кейинги муқаддас китоб ҳисобланган "Саҳиҳи Бухорий"нинг муаллифи сифатида бутун дунёда тан олинган”;
- Институционал-маърифий йўналиш – “Бу улуғ зотнинг ғоят бой меросини асраб-авайлаш ва ўрганиш, маърифатий ислом тўғрисидаги таълимотини кенг ёйиш мақсадида биз Самарқанд шаҳрида Имом Бухорий номидаги Халқаро илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилдик. Тошкентда ташкил этилаётган Ислом цивилизацияси марказининг фаолияти ҳам шу мақсадга хизмат қилади”;
- Глобал-демократик йўналиш – Бугунги сессия иштирокчиларига БМТ Бош Ассамблеясининг "Маърифат ва диний бағрикенглик" деб номланган махсус резолюциясини қабул қилиш таклифи билан мурожаат қилмоқчиман. Бу ҳужжатнинг асосий мақсади – барчанинг таълим олиш ҳуқуқини таъминлашга, саводсизлик ва жаҳолатга барҳам беришга кўмаклашишдан иборат. Ушбу резолюция бағрикенглик ва ўзаро ҳурматни қарор топтириш, диний эркинликни таъминлаш, эътиқод қилувчиларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш, уларнинг камситилишига йўл қўймакликка кўмаклашишга қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан белгилаб берилган ислом дини борасида давлат сиёсатининг ушбу йўналишлари мамлакатни ривожлантириш Стратегияси асосида динга бўлган бутунлай янги сиёсатнинг тамойилларини кўрсатиб беради. 2017 йилнинг 2-12 октябрь кунлари Ўзбекистон ҳукумати таклифи билан республикага ташриф буюриб, қатор вилоят ва шаҳарларда бўлган, ҳукумат расмийлари, турли жамоат ташкилотлари, НТТ вакиллари ҳамда оддий фуқаролар билан учрашган БМТнинг дин ва эътиқод эркинлиги бўйича махсус маърузачиси Аҳмад Шаҳид ўз ташрифи якунига доир Ҳисоботида “мен тақдим этилган ислоҳотларни амалга ошириш учун улкан саъй-ҳаракатлар қилинаётганини қайд этдим” [5] деб, Ўзбекистонда Ҳаракатлар стратегияси асосида ислом динига бўлган муносабатнинг ўзгариши тенденцияларига алоҳида баҳо бериб ўтган эди.

2020 йил 24 январда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида “Мамлакатимизда **"жаҳолатга қарши – маърифат"** деган эзгу ғоя асосида ислом динининг инсонпарварлик моҳиятини, тинчлик ва дўстлик каби олижаноб мақсадларга хизмат қилишини тарғиб этиш кун тартибимиздаги доимий масалалардан бири бўлиб қолади” [6] деб таъкидлаб ўтди. Бу фикрлар давлатнинг ислом динига бўлган янги стратегияси тамойилларини ўзида тўла акс эттиради.

Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси асосида юқорида баён этилган ислом дини борасида давлат сиёсатининг йўналишларининг изчил амалга оширилиши мамлакатга қуйидаги муҳим натижаларни бериши мумкин:

- Жамиятда миллий ўзлиқни англаш жараёни кучаяди ва натижада миллий ғурур ортади;
- Халқнинг давлатга бўлган ишончи, яъни ҳокимият легитимлиги ошади;
- Инсон ҳуқуқларини юксак даражада амалга оширишнинг демократик механизмлари шаклланади;

- Мамлакатнинг халқаро имижига яхшиланади, бу эса ўз навбатида, республикага бўлган кизиқишни кучайтириб, унга кириб келаётган инвестиция ва туристлар оқимининг янада кўпайишига олиб келади;
- Ўзбекистонда динга бўлган муносабатнинг янги – демократик ва стратегик микёсда олиб борилиши нафақат республика, балки бутун Марказий Осиё минтақасидаги халқларнинг ўзаро бирлигини таъминлашга катта ижобий таъсир ўрсатади.

Юқоридаги фикрларни умумлаштириб шуни хулоса қилиш мумкинки, Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси асосида олиб борилаётган дин, хусусан, ислом дини борасидаги давлат сиёсатининг бош мақсади ҳам бошқа соҳалардаги сингари энг аввало инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини тўла таъминлаш имконини берадиган жамиятни шакллантиришдир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Фуқаролик жамияти фанидан тушунча ва атамалар лугати. / Тузувчилар: А.Ўтамуродов, А.Г.Муминов ва бошқ. – Тошкент: “Турон замин зиё”, 2017. 117-бет.
2. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2019. 13-бет.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6 (766)-сон, 70-модда. 29-бет.
4. <http://uza.uz/oz/politics/zbekiston-prezidenti-shavkat-mirziyev-bmt-bosh-assambleyasi-20-09-2017>
5. <https://www.ohchr.org/ru/NewsEvents/Pages/DisplayNews.aspx?NewsID=22224&LangID=r>
6. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси / <https://president.uz/uz/lists/view/3324>

О‘ЗБЕКISTONDA NOMODDIY MADANIY MEROS TURIZMINI RIVOJLANTIRISH ISTIQBOLLARI (JAHON TAJRIBASINI QO‘LLASH)

*E.A. Farmanov, Buxoro davlat universiteti o‘qituvchisi
Karimova Nilufar, Buxoro davlat universiteti talabasi*

Turizm bugungi kunga ko‘pgina rivojlangan va rivojlanayotgan davlatlarning muhim iqtisodiy sektoriga aylanib bormoqda. XXI asrga kelib, turizm kam xarajat sarf qilib, ko‘p foyda o‘l bilish imkoniyatini beruvchi iqtisodiy sohaga aylandi. Shu sababdan ham, ko‘pgina davlatlar ushbu soha rivojiga alohida e‘tibor qaratmoqdalar. Undan manfaatdor bo‘lishni istovchi davlat o‘zining ichki turistik resurslaridan kelib chiqib turistik salohiyatini oshirishga harakat qiladi va bunga erishish uchun o‘zining maqsadli strategiyalarini ishlab chiqadi. Davlatning etnik merosi, tabiiy resurslari, tarixi va bundan tashqari bugungi siyosiy ahvoli singari faktorlar unda rivojlantirish mumkin bo‘lgan turizm turini aniqlab bera oladi. Xususan, O‘zbekistonning boy imkoniyatlaridan kelib chiqib hududimizda qishloq turizmi, ekoturizm, ziyorat turizmi, ilmiy turizm va albatta madaniy turizmni rivojlantirish mumkin deb o‘ylaymiz.

Shuningdek, Turizmning jahon iqtisodiyotidagi ahamiyati kun sayin oshib bormoqdadir. Buning yaqqol isboti sifatida 2019-yilda Sayohat va turizmning global YaIMga to‘g‘ridan-to‘g‘ri qo‘shgan hissasi 2,893 milliard AQSH dollarini, jahon YaIMdagi umumiy hissasi esa 9,258 milliard AQSH dollarini tashkil etadi. Bu sohada ish bilan bandlik ko‘rsatkichi esa 2019-yilga kelib umumiy hisobda 328,208,000 kishini tashkil etib kelmoqda.²²⁴

Yuqoridagi statistik ko‘rsatkichlardan kelib chiqib, shuni ta’kidlash kerakki, turizmning boshqa yangi turlarini rivojlantirish hisobidan YaIMga salmoqli hissa qo‘shib kelmoqda. Hamda, 2003-yil YUNESKO ning nomoddiy madaniy merosni saqlash to‘g‘risidagi konvensiyasidan so‘ng jahon hamjamiyatida Nomoddiy meros turizmi salohiyati to‘g‘risida xabardorlik o‘tib bordi. 2008-

²²⁴ <https://www.wttc.org/-/media/files/reports/economic-impact-research/regions-2019/world2019.pdf>

yilda esa BMTning Rivojlanish dasturi bo'yicha ijro etuvchi agentligi hisoblanuvchi JTT(UNWTO) ham ushbu turizm turining keng salohiyatini tan oldi. "Nomoddiy meros va turizm" ("Intangible Heritage and Tourism") nufuzli ma'ruzasida JTT nomoddiy madaniy meros (ICH) ko'rgazmasini namoyish etish, bozorni yanada jozibador qilish uchun diqqatga sazovor joylarni yaratish va to'plash, shu qatorda festivallar va tadbirlarni tashkillashtirishda yoki ularni jonlashtirishda strategiyalarni o'rgandi.

Bunday turizm turining XXI asrga kelib rivojlanib borayotganligining asosiy sabablaridan biri asrimiz rivoji natijasida biz kun sayin jonsiz elementlar kuzatuvchisiga aylanib qolayotganimizdir. Har qanday istagimizdagi tomoshalarni texnika uskunalari, internet tarmoqlari bizga tasvirlarda namoyish qilib bermoqda. Natijada, biz jonlilikni, haqiqiylikni qumsab qolyapmiz. Ayniqsa, rivojlangan davlatlarning ko'pgina aholi qatlamlari globallashuv qobig'idan chiqib, tinch va sokin joylarga sayohat qilishni, ular uchun odatiy bo'lib qolgan zamonaviy ruhdagi elementlardan qochib milliylik ruhidagi muhitdan, jonli san'at turlaridan bahramand bo'lishni istashmoqda. Bunday ehtiyojlar nomoddiy madaniy merosning turizm bozoridagi ahamiyatini oshirib bormoqda.

"Tirik" merosni o'z ichiga olgan tajriba faoliyati sifatida nomoddiy meros sayyohlar uchun ulkan salohiyatga ega. Oxir oqibat, ko'plab sayyohlar tashrif buyurgan hududlarining "mahalliy rangi"ni his qilishlariga umid qilishadi. To'g'ri ishlab chiqilgan va boshqarilgan bo'lsa, mahalliy aholi a'zolari nomoddiy meros turizmidan foyda olishlari mumkin, ular iqtisodiy jihatdan ham, meros bilan bog'liq amaliyotni himoya qilishda ham foyda ko'rishlari mumkin. Qizig'i shundaki, nomoddiy meros an'anaviy xalq madaniyati bilan cheklanmaydi (qo'l mehnati san'ati, oshpazlik amaliyotlari, musiqa va marosimlar tadbirlari shular misolidan)"²²⁵.

Xususan, Rotterdamdagi G'arbiy Kruiskade kabi gavjum savdo ko'chasi, ko'p jihatdan, nomoddiy merosning turli xildagi ko'rinishlari namunalari unda to'planganligi bilan turistlar uchun ahamiyatlidir. Xitoyda esa nomoddiy meros turizmi ajdaho festivali kabi tadbirlar va festivallarni o'tkazadigan turli mahalliy tadbirkorlarning faoliyati natijasida kun sayin rivojlanib bormoqda. Shunga o'xshab, Yevropa mamlakatlaridagi turli xildagi raqs va musiqa paradlari yoki San-Fransisko ko'chalarida har yili o'tkaziladigan rang-barang namoyishlar endi cheklangan maqsadli guruhlar uchun festival emas, balki uzoqdan sayyohlarni jalb qiladigan keng bayramga aylandi.

Vatanimizda ajdodlarimizdan bizgacha yetib kelgan ko'pgina nomoddiy madaniy meros namunalari mavjuddir. Qadimiy hunarmandchilik turlari va hunarmandlarning ishlash texnikalari, an'anaviy mahsulotlarni tarixiy ishlab chiqarish texnikalari, milliy urf-odatlar, marosimlar, tadbirlar, ijrochilik san'at turlari kabi elementlar bizning nomoddiy merosimizga misol bo'la oladi. Turizmda bunday nomoddiy boyliklardan samarali foydalanishimiz mumkin.

Bugungi kunga kelib bizning ayrim nomoddiy madaniy meroslarimiz UNESCO tashkilotining "Insoniyatning nomoddiy madaniy merosi" ro'yxatidan joy olgan. Masalan: "Shashmaqom" va "Boysun tumanining madaniy Makoni" (2008), "Katta ashula" (2009), "Askiya" (2014), "Palov madaniyati va urf-odatlari", "Navro'z" (2016) hamda 2019-yilda esa Xorazm "lazgi" raqsi ham Insoniyatning nomoddiy madaniy merosi ro'yxatiga kiritildi.

Turizm maqsadlarida nufuzli tashkilot ro'yxatidan joy olgan madaniy meroslarimizni qo'llash bilan chegaralanib qolmay, biz o'z nomoddiy madaniy meroslarimiz ro'yxatini shakllantirishimiz kerak bo'ladi. Bu ro'yxatdan quyidagilar joy olishi mumkin: qo'l mehnati asosida ipakdan mato tayyorlash texnikasi (Marg'ilon); qo'l mehnati bilan sifatli qog'oz ishlab chiqarish san'ati (Samarqand); zardo'zchilik (Buxoro); tandir-go'sht taominining pishirilish texnikasi (Qashqadaryo); qo'lbola tandir tayyorlash yo'llari (O'zbekiston bo'ylab); Buxorcha raqs san'ati (Buxoro); Andijon polkasi (Andijon); Tanovor raqsi (Farg'ona); Surxoncha raqs (Surxondaryo); G'ijduvoncha kabob tayyorlash texnikasi (Buxoro); Samarqand nonining pishirilish texnikasi (Samarqand); Kurash san'ati (O'zbekiston bo'ylab); baxshichilik san'ati (Qashqadaryo, Surxondaryo); Vodiycha do'ppi tikish san'ati (Farg'ona vodiysi); mashhur Chust pichoqlarining tayyorlanish texnikasi (Namangan); qo'lbola qo'g'irchoq yasash usullari (O'zbekiston bo'ylab); miniatura san'ati (O'zbekiston bo'ylab); Kelinsalom marosimi (O'zbekiston bo'ylab); "Oq terak-

²²⁵ <http://www.ichnforum.org/call-presentations-intangible-heritage-tourist-destination/>

mi, ko'k terak" milliy o'yini (O'zbekiston bo'ylab). Shuni alohida ta'kidlab o'tish kerakki, ushbu ro'yxatda nomi keltirilganlar nomoddiy madaniy boyliklarimizning faqatgina bir qismidir.

Biz ushbu nomoddiy madaniy merosimiz namunalarini bir nechta tematik guruhlariga bo'lib ular aks etgan turistik turlar tayyorlashimiz mumkin. Turlarni tematik guruhlariga bo'lish ularning hudud bo'yicha taqsimlanishi orqali amalga oshiriladi; Farg'ona vodiysi bo'ylab tayyorlangan tur, Surxondaryo va Qashqadaryo viloyatlari bo'ylab tayyorlangan tur va boshqalar.

Bundan tashqari, O'zbekiston bo'ylab nomoddiy madaniy boyliklarimiz aks etgan turli xildagi festivallarni tashkillashtirishimiz mumkin; vodiycha do'ppi tikish festivali, G'ijduvoncha kabob festivali, qo'lbola qo'g'irchoq yasash festivali va boshqalar. Festivallarning yuqori saviyada o'tkazilishi, shuningdek, keng ommani o'ziga jalb qila olishi – ularning turizm uchun ahamiyatini va manfaatini oshiradi. Shuni ta'kidlash lozimki, festivallarning xalqaro saviyaga ko'tarilish va jahon bo'ylab turistlarni o'ziga jalb qila olish imkoniyati homiylarga va albatta, tashkiliy qo'mitaga bog'liq jarayondir. Agarda biz xalqaro sahnalarda aynan bir nomoddiy madaniy merosimizning jahon hamjamiyatidagi tarixiy ahamiyatini asoslab bera olsak, bunday turdagi festivallarga bir nechta jahon tashkilotlari ham homiy bo'la oladi.

O'zbekistonni dunyoga tanitish uchun bunday xildagi turistik loyihalar sonini oshirishimiz kerak deb o'ylaymiz. Bunday tashkiliy ishlar hududimizga nomoddiy madaniy meros turizmi ixlosmandlarini jalb qilish imkoniyatini yaratadi. Turistlar oqimining oshishi esa o'z navbatida, iqtisodiyot uchun ulkan ahamiyatga egadir.

1. <http://whc.unesco.org/en/list/?&type=cultural>
2. http://setoinstituut.ee/pdf/Oliver_Loode.pdf
3. https://ich.unesco.org/en/events?meeting_id=00806
4. <https://www.e-unwto.org/doi/book/10.18111/9789284414796>
5. https://en.wikipedia.org/wiki/UNESCO_Intangible_Cultural_Heritage_Lists
6. <https://www.statista.com/statistics/233223/travel-and-tourism--total-economic-contribution-worldwide/>
7. <https://www.wttc.org/-/media/files/reports/economic-impact-research/regions-2019/world2019.pdf>

TURIZM TA'LIM TIZIMIDA O'QITISH SAMARADORLIGINI OSHIRISH YO'LLARI *Yadgarova Z.J. Buxoro shahar 17 –maktab o'qituvchisi*

Mamlakatimiz ta'lim tizimida o'qituvchilarni mehnat va faoliyat samaradorligini oshirish murakkab jarayon bo'lib, uni oqilona amalga oshirish bo'lg'usi pedagog kadrning kasbiy yetukligini ta'minlashga xizmat qiladi.

Hozirgi taraqqiyot sharoiti bilim va tajribalarni oshirish natijasini baholashni talab qiladi, ya'ni vazifalarni ta'lim oluvchilar tomonidan o'zlashtirilishi qanday darajada ekanligini aniqlash muhim ahamiyat kasb etadi. O'zbekiston Respublikasi ta'lim sohasida ta'lim oluvchilar va talabalarni xorijiy til bilishlarini ta'minlashga qaratilgan islohotlar dolzarb hamda markaziy masalalardandir. Ushbu xulosa har bir ta'lim muassasasida oqituvchilarni malaka va tajribasini yuksaltirish uchun maxsus o'quv va ish obo'ktlariga yuborishni bildirmoqda. Talim muassasasi qo'llanilishi zarur bo'lgan joyda kerakli bilimlilikka erishish uchun o'qituvchilarni malakasini hamda tajribasini oshirish, ularni tayyorlash yoki boshqa zarur chora-tadbirlarni amalgam oshirishi lozim. Bunday vaziyat, talim muassasasida boshqaruv tizimini sifati, natijasi, yoki samaradorligini, baholash uchun yaxshi imkon tug'diradi. Talim muassasasi boshqaruvi va o'qituvchilari zaruriy bilim va malakaga yetishganlikning daliliga ega bo'lishi zarur. Bundan tashqari, sifat so'zi ishlatilgan bo'lsa, o'qituvchilar va boshqaruv xodimlari ta'lim olishining samaradorligini o'sishini ta'minlashlari lozim.

Boshlang'ich ta'limni boshqarish tizimini takomillashtirish, moliyalashtirishning shaffofligini va samaradorligini ta'minlashni taqozo etadi. Bundan tashqari samarali monitoring mexanizmlarni yaratish, manfaatdor shaxslarga ma'lumotlarni taqdim etish, muomalalar bilan ishlash tizimini takomillashtirish, chet el investitsiyalarini va grantlarini jalb qilish, me'yoriy kishi boshiga moliyalashtirishni birin-ketin tatbiq etish lozim.

Ammo har bir talim muassasasi rahbari o'qituvchi va xodimlarni malaka oshirish yoki qo'shimcha ta'lim olishga yubora turib, natijadan tashqari ta'limning samaradorligini ham talab qiladi albatta. Bundan kelib chiqadiki, xodimlar bilimligini oshirish bo'yicha chora-tadbirlarning samaradorligini baholash yoki baholamaslik- bu masalaning mazmuni, tushunchasini nimalardan tashkil topgan va uni baholashning biror bir usullari bormi degan savolni tug'diradi. Mutaxassislar fikrlari tahlili shuni ko'rsatadiki, xodimlarning ta'lim olishi va malakasini oshirish samaradorligi shundan baholanishi kerakki, olinadigan baholar asosida xodimlar bilimlarning boshqarish va o'qitish jarayonidagi ijobiy yoki salbiy darajasini belgilasin. Bundan tashqari, rivojlanayotgan davlatlar tajribasi shuni ko'rsatayaptiki, lavozim vazifalarini bajarish uchun ilm va tajriba yetarliligini bo'lishi kerak. Kadrlarni qayta tayyorlashga ketadigan xarajatlarning qoplanishi tasdiqlanishi lozim, xodimlar bilimligini baholashning kelajakdagi usullari, ta'lim va qayta tayyorlashning dasturlari va usullari takomillashishi muhim ahamiyat kasb etadi.

Hozirgi paytda o'qituvchi va xodimlarni tayyorlash masalasi doimiy taraqqiyotga, jamiyatda o'zining raqobatbardoshligini oshirishga, ijtimoiy foyda olishga intiluvchi har bir talim muassasasi uchun ustuvor masalalardan biri bo'lib qolmoqda. Jahonda ta'lim beruvchilar va xodimlarning zaruriy bilimdonligiga erishish maqsadida bir xil boshqaruv muassasalar ichki korporativ ta'lim tizimlarini yaratishsa, boshqalari vaqti vaqti bilan o'qituvchilar va treninglarini taklif qilgan holda seminar va treninglar tashkillashtirishadi, boshqalari esa o'z o'qituvchi va xodimlarini turli o'quv tashkilotlariga qisqa davrli malakani oshirish kurslariga yoki bir mavzudagi seminarlarga jo'natishadi.

Ta'lim olish haqiqiy foyda keltirishi va rostdan ham unga sarflangan mablag'larni oqlashi uchun, ta'limning maqsadlari va uni o'tib bo'lgandan keyingi kutilayotgan samarani aniq belgilab olish zarurdir. Tajribalar shundan dalolat berayaptiki ta'lim olishga bo'lgan talab qanchalik aniq tasvirlangan bo'lsa, natijaga erishishning ehtimoli shunchalik baland bo'lishi mumkin.

Trening yoki o'quv kursini, tanlashning asosiy mezoni-bu tizimni rivojlantirishga yo'naltirilganlik va alohida o'qituvchi- xodim va butun kollej faoliyatining samaradorligini va o'qitish jarayonini takomillash deb o'ylaymiz.

Ta'limning natijasi va samaradorligini baholashning dunyoda tan olingan bir nechta modeli mavjudir va ular quyidagilardir;

- O'quv dasturlarini baholash;
- Kirkpatrikning to'rtta darajasi;
- Filipsning investitsiyalarni qoplash;
- Taylarning maqsadli yondashuvi;
- Natijaga yo'naltirilgan Skrivens modeli va boshqalardir.


Bu tadqiqotlar va bunga o'xshash bir qator modellar mamlakatimiz kollejlari faoliyatida qo'llagan vaqtda, ularning amaliy samarasi seziladi. Kollejlarda ta'lim olish jarayonini baholashda eng taniqli va qulayroq baholash usullarni tahlil qilish juda katta ahamiyatga egadir.

Bir qator olimlar jumladan Donald Kirkpatrik va Jek Filips malaka oshirish va qo'shimcha o'qitishning jarayon sifatida o'rganib, bu jarayonning asosiy darajalarini aniqladilar Masalan, Donald Kirkpatrik modeli o'qituvchi va boshqaruv xodimlarini o'qitish bo'yicha mutaxisslar tomonidan foydalaniladigan klassik model o'qitish natijalarini baholashning to'rtta darajasini belgilaydi, ular baholash jarayoni ketma-ketligini aniqlaydilar va ustuvorlik darajasini ifodalaydilar.

Bu modelning birinchi darajasi taassurot sifatida belgilanadi. Bu jarayonda muammo yoki mavzuni o'qitish qatnashchilarni qiziqтира oladimi.

O'qitish jarayoni samaradorligi (1-chizma)

$$Q.K = \frac{\text{Xarajatlar}}{\text{Daromadlar}} * 100\%$$



Qatnashchilardan ular o'tgan o'quv kursi, dastur treningga baho berishni talab qilinadi. Mazkur model birmuncha oddiy ko'rinishi mumkin, ammo savollarni qo'yishning to'g'riligi va ularning muayyan qiyinligi nihoyatda katta qiymatga ega va aniq ma'lumot olish vaziyatini yaratadi. Bundan tashqari, kursga berilgan bahoni taqqoslash uchun o'quv kursini o'tamaganlardan ham shunga o'xshash savollarga javob olish juda muhimdir.

Bunday jarayon dasturdagi ma'lumotlarni ta'lim oluvchilarga berish davomida o'quv ma'lumotlarini o'zlashtirish qulayligini oshiradi hamda shaxsning tezkor fiklash qobiliyatini kuchaytiradi.

Umuman, o'quv kursini o'tagan qatnashchilarga savollar quyidagilar xususida bo'ladi:

- strategik maqsadlar ahamiyati;
- malaka oshirish kursning dolzabligi va qiziqarliyligi;
- zamonaviy interfaol mashg'ulotlar mavjudligi;
- -o'quv jarayonida ishtirokchilikning faolligi;
- o'quv mashg'ulotlarini kollejlarda qo'llash imkoniyatalri;
- -xarajatlarni qoplash imkoniyatlarini mavjudligi va boshqalar.

Tashkilotlarning birida xodimlar bo'yicha mutaxassis o'qitishni o'tkazishdan keyingi o'tkazilgan o'quv kursini sifatini va unda qatnashgan xodimlar uchun natijaliligini o'quv kursi qatnashchilari orasida quyidagi shaklda so'rovnomaga o'tkazish yordamida aniqlaydi;

Ikkinchi daraja bu o'zlashtirish ko'rsatkichlaridir. Ular ta'lim olish jarayonida yangi va foydali ma'lumotlar o'zlashtirildimi, maqsadlar qay darajada o'zgardi, bilimlar yaxshilandimi, ta'lim olish natijasida o'qituvchilar tomonidan faoliyatning qanday usullari, texnologiyalari o'zlashtirildi kabilardir .

O'zgarishlarni aniqlash uchunchi darajada ifodalanadi. O'qitish qatnashchisining xarakterlarida o'zgarishlar bormi, o'qitish jarayonini o'qituvchilar qanday yangi tajriba va bilimlarni bilan o'tkazmoqdalar.

Odatda bunday o'rganish ta'lim dasturi o'tkazilganidan keyin 3-6 oylar mobaynida amalga oshirilishi mumkin. Bu vaqt ichida o'qitilayotganlar yangi ko'nikmalarni ishda qo'llash imkoniyatiga ega bo'ladilar, rahbarlar esa ma'lumotlar qanday o'zlashtirilganligini tekshiradilar. Tadqiqot, xususan, maxsus o'zlashtirish darajasini belgilash uchun tayyorlangan test varaqalarini to'ldirish asosida amalga oshirilishi mumkin. Tadqiqotga ta'lim olishda ishtirok etgan o'qituvchi

ham, uning rahbari ham, ba'zi hollarda esa kadrlarga buyurtma beruvchilar ham qatnashishi mumkin.

Baholanishning asosiy diqqat markazida olingan bilimlardan foydalanish darajasi ijobiymi yoki salbiymi, o'qituvchilar saviyasi o'zgardimi, yo'qmi-shuni aniqlash lozim. Oliygoxda o'qituvchilar bilimlarini va bilim saviyasini tekshirishni modellari bo'lsa bu holda uchinchi daraja bo'yicha ta'lim olish natijalarini avtomatik tahlili vositasida amalgam oshirish maqsadga muvofiqdir.

TURIZM MENEJMENTINING SAMARADORLIGINI BAHOLASH MUAMMOLARI

Davlatova N. Buxoro iqtisodiyot va bank kolleji o'qituvchisi

Hozirgi paytda turizm menejmenti tizimining samaradorligini baholash muammosini echish asoslarining muhim uslublaridan biri, eng avval ishlab chiqarish samaradorligiga toifasini bozor munosabatlari sharoitida to'g'ri tushunishdan iboratdir. Bu masala mulohazalidir. «Xizmat ko'rsatish samaradorligi» tushunchasini aniqlash masalasida hozircha aniq fikr yo'q. Masalan, bir qator nashrlarda «ishlab chiqarish samaradorligi» ko'rsatilgan va bu jarayonning (jamoat ishlab chiqarishini, ya'ni tashkiliy-texnik tadbirkorlarini, mahsulot sifatini oshirishni, ishlab chiqarishni boshqarish va hokazolarni) faqat iqtisodiy tomoni tushuniladi. Biz bu kabi nuqtai nazarni notq'ri deb hisoblaymiz, chunki bu tushuncha faqat iqtisodiy jarayonni emas, balki mexanik, kimyoviy, biologik, ijtimoiy va boshqa jarayonlarni baholashda ham ishlatiladi.

Boshqa so'z bilan aytganda samaradorlik (eng keng ma'noda) bu ishni pirovard natijasi (harakat, faoliyat, hukm surish), u jamoat amaliyotining o'lchoviga aylanadi, ayniqsa ishlab chiqarishni. Ishlab chiqarish samaradorligi – bu ta'sirning mahsuli, masalan fan va texnikani oxirgi yutuqqaarini joriy qilish faqat iqtisodnigina emas, balki ijtimoiy, siyosiy va jamiyat hayotidan boshqa tomonlarini, mehnat jamoasini, hamda uning alohida a'zolarini o'z ichiga oladi. Shunga yarasha biz turizm menejmenti tizimining samaradorligi uning hukm surishi natijasida erishiladigan manfaatni aks ettiradi, deb hisoblaymiz. Ammo faqat xulosa natijalari asosida samaradorlik saviyasini aniqlash qiyin, chunki bu menejment harakatining oxirgi natijasi hisoblanadi, uni davrida ko'zlangan maqsadga aniq xarajatlar hisobiga erishish ta'min etiladi. Shunday ekan, ishlab chiqarish samaradorligi uning iqtisodiy samaradorligiga qaraganda kengroq va keng qirrali ma'noga ega. Shuning uchun menejment tizimida yaratish, joriy qilish, hukm surish, taraqqiy topish va takomillashishni iqtisodiy tomonini ko'rib chiqishda ishlab chiqarishni turli bo'ysunish tartibida biz «Iqtisodiy samaradorlik» tushunchasidan foydalanamiz.

Turizm menejment tizimining iqtisodiy samaradorligi ishlab chiqarish iqtisodida hukm suruvchi, farqlanuvchi xususiyat va har xil jarayonlarning ustunligi bilan tavsiflanadi. Ushbu tizimlarni taraqqiy topishi va takomillashuvini maqsadga muvofiqligi, uning alohida elementlaridan boshlab, ishlab chiqarishning eng quyi bo'ysunish darajasidan to uning eng yuqori saviyasigacha ijobiy ta'sir ko'rsatadi. Turizm menejment uchun taalluqqi qilib aytganda, bu shunday ma'noni bildiradiki: ko'rib chiqilayotgan tizimning iqtisodiy samaradorligi shundan iboratki, u to'g'ridan-to'g'ri va bevosita ishlab chiqarilayotgan mahsulotning hamma turi bilan son va sifatda zaruriy tabiatda ta'minlash va iqtisodiyotini taraqqiy toptirish va ilmiy-texnika taraqqiyotini, xalqni o'sib borayotgan moddiy va ma'naviy talabi qondirilishini amalga oshirishdan iboratdir.

Xo'jalik qurilishining zamonaviy sharoitida jamoat ishlab chiqarishini iqtisodiy samaradorligini baholashga yondashish uslubiy asoslarning jamoat manfaatlari yo'lida eng yuqori natijalarga eng kam xarajatlar hisobiga erishish talabini majburan qo'lga kiritish masalasini o'z ichiga olishi kerak. Ushbu asosiy qoidani amalga oshishi ishlab chiqarish resurslarini ham, olingan iqtisodiy samarani ham maqsadga muvofiq ravishda ishlatishni ko'zda tutadi.

Umumiy ko'rinishda menejmentning iqtisodiy samarali tizimi deb shuni tushunadilarki, mo'ljallangan maqsadga qisqa vaqt ichida ishlab chiqarish resurslarini maqsadga muvofiq ravishda erishishga aytiladi. Shunisi diqqatga sazovorki, olimlar va amaliyotchilar orasida «iqtisodiy

samaradorlik o'ldamlari» haqidagi tushunchani aniqlashda yagona fikr shu. Bir qator nashrlarda «o'ldam» tushunchasini «ko'rsatkich» tushunchasi bilan tenglashtiradilar.

Bizning fikrimiz bo'yicha esa menejmentning iqtisodiy samarasini o'ldhovlari muammosini echishda hal qiluvchi bqlib ishlab chiqarishning boshqaruvi haqidaga qoida hisoblanadi. Shuning uchun menejment tizimining iqtisodiy samarasini baholash asosan xalq xqjaligi qldamlari zaminida amalda oshirilmog'i lozim.

Turizm menejmentning iqtisodiy samaradorligi qldamlari mansabga kqra bqysunish tizimini tashkil qiladi. Ko'rib chiqilayotgan qldamlarni tanlashda ularning sonini maqbul miqdorga qisqartirishga, ular orasidagi qarama-qarshilikni tizim saviyasida va saviya ichida kamaytirishga ishlatish zarur. Shu bilan bir qatorda iqtisodiy samaradorlikning tqla va asosli baholanishini ta'minlash uchun kqrsatilgan tizimning asosiy omillarini hisobga olib ushbu qldamlarni organik o'zaro bir-biri bilan aloqador bqlgan kqrsatkichlar bilan tqldirmoq zarur.

Hozirga vaqtda iqtisodchilar orasida ishlab chiqarishning iqtisodiy samaradorlik qldhovini tanlashda yagona yondashuv yqq. Shu bilan birga «ishlab chiqarishning samaradorlik qldhovi» tushunchasini aniqlashda turli xil yondashuvlar bqlishiga qaramasdan, ularning mualliflari pirovard natijada eng kam xarajat hisobiga yuqori natijaga erishishning tarafdoridirlar. Bunday qarashlar xqjalik yuritish qonunini aks ettiradi.

Turizm menejmenti jarayonini uzluksiz va to'xtovsiz yaratish uchun hamda uning taraqqiy topishi va takomillashuvi uchun har qanday saviyada, umumdavlat manfaatlari yqlida qabul qilinadigan turli qonunlarni bir biriga tqg'ri kelishini ta'minlash zarur. Buni iqtisodiy samaradorlikning menejment tizimini o'ta ulkan va mahalliy qldhovlari ma'lum talablarga javob bersagina ta'minlash mumkin.

Iqtisodiy adabiyotda o'z tarkibi bilan turli talablarni uchratish mumkin, ularga xalq xo'jaligi va mahalliy iqtisodiy samaradorlik qldhovi javob bermog'i kerak. Ammo iqtisodiy samaradorlik qldhovlariga qqyiladigan menejment tizimining talablari unchalik aniq va tqla ifodalanmagan. Bu masalada iqtisodiyotda yagona fikr yo'q. Bu sohadagi mashhur mutaxassislarni turli nuqtai-nazarlarini kqrib chiqish, ularning nashr etilgan ishlarini tahlil qilish menejment tizimining iqtisodiy samaradorlik qldhovlarini quyidagi umumiy talablar rqxatidan aniqyaashga bizga imkon yaratadi.

ИСТОРИЯ ИСЛАМСКОЙ КУЛЬТУРЫ И ЕЕ ИЗУЧЕНИЕ В СОВРЕМЕННОМ МИРЕ

*Бозорова Низора Хакимовна БухГУ
кафедра русского языка и литературы*

Общеизвестно, что ислам – это всемирная и универсальная религия, охватывающая все аспекты человеческого бытия, материальные и духовные. Сам ислам – не культура. Он шире. Но его пронизывает (или при неверном понимании, не пронизывает) культура.

Что же такое культура? Думают, что это искусство, музыка или какие-то национальные и общественные традиции. Однако, это очень многозначное понятие. Аналог его в арабском языке звучит как «сакафа» и означает определённые черты поведения и мышления, которые люди, живущие в едином обществе, изучают, создают сами и разделяют друг с другом. *Культура – это то, что отличает одну группу в человечестве от другой.*

И ещё шире следует сказать - культура также отличает человечество от животного мира. Человеческая культура охватывает сферу верований, правил поведения, язык, обрядность, искусство, технологии, стиль одежды, питание, политическую и экономическую системы... буквально – как было сказано вначале – *пронизывает все сферы жизни.* И в самой глубине жизни невозможно разделить сферы веры, религии и её проявлений, воплощений через культуру! Всё в глубине слитно – а на поверхности...

Соотношение религии и культуры, может быть, стоит выразить таким афоризмом: *религия без культуры превращается в мракобесие* (радикализм, включая терроризм), *а культура без религии превращается в цинизм.*

В наши дни мы видим горькие плоды этого разлада между культурой и религией: где-то фанатики веры (отбросив свою культуру) превращаются в мракобесов и лже-мучеников, а где-то культура потеряла связи с моральными и религиозными ценностями, стала или «шоу-бизнесом» или «зеркалом агонии всего человеческого». Если первым отклонением страдают в основном восточные сообщества, предки которых были мусульмане, то второе отклонение распространяется в Европе и США, странах, которые всё более утрачивают свои былые корни в христианстве и иудаизме. **Парадокс – именно эти две «отклоняющиеся» группы и ведут друг с другом битвы** в СМИ и временами в реальном пространстве.

Но поскольку так развивалась наша цивилизация, что исконно слитные понятия «религия» и «культура» разошлись и даже стали... враждовать – нам необходим рациональный анализ: что же составляет особенности, характеристики культуры? В нашем случае – конкретно – исламской культуры

1 - Ислам – это отдельная специфическая культура, база которой в религии Единобожия. Вот почему она принципиально не является «арабской, ближневосточной» или просто «восточной». Она не монолитна, а богата разнообразием. Разумеется, в исламской культуре есть элементы фундаментальные, общие для всех мусульман, но есть и другие, отличающиеся от страны к стране и от народа к народу.

2 - Универсальные основы исламской культуры произрастают из Корана и Сунны, а особенные – из местных обычаев различных народов (по-арабски «аараф» или «адат»). Поэтому, всё-таки допустимо и можно говорить об арабской, индо-пакистанской, африканской, китайской, а также американской и европейской (и прочих) исламских культурах.

3 - В развитии собственной, мусульманской культуры, мусульмане должны также сотрудничать (и реально сотрудничают!) с людьми других культур. Культура ислама основывается на Коране и Сунне, но также и на великих знаниях и опыте всего человечества. Мусульмане извлекают пользу из опыта и знаний всего человечества, открытыми к нему – для того, чтобы сделать мусульманскую культуру сильнее и динамичнее.

4 - Теоцентричность. Вся исламская культура тео- или бого-центрична. Это принцип «таухида» (Единобожия), вера в Божественное наставление, переданное через всех Пророков, последним из которых является Мухаммад. Мусульмане верят в жизнь после смерти и в День Суда, делают акцент на молитву и на благочестивые деяния – пост, закят и хадж. Верят также и в то, что Аллах, как Создатель мира, дозволил человечеству одни вещи и запретил другие («халяль» и «харам»). **Без этих «богословских компонентов» нет никакой исламской культуры.**

5 - Равенство, терпимость и братство. Исламская культура особенно подчёркивает, что все люди равны. Мусульманин не приемлет любой дискриминации по расе, цвету кожи и т.п., подчёркивает ценность и достоинство всех людей пред лицом Бога. Муслим исповедует свободу для каждой личности и отсутствие принуждения в религии.

6 - Культура ислама ориентирована на мораль и достоинство человеческой личности - в подчёркивании таких ценностей, как правдивость, честность, скромность («хайя»), чистота («тахарат»). Мусульманство против расточительности, выставления себя напоказ, экстремизма. Исламская культура учит уверенности в себе и самостоятельности, подчёркивает милосердие и щедрость. Культура для мусульман – это культура семейных ценностей, особо подчёркивающая здоровые отношения между супругами, воспитание детей, любовь и уважение к старшим. Категорически отвергаются прелюбодеяние, блуд, гомосексуализм, азартные игры, употребление одурманивающих веществ - где бы ни жили последователи ислама, в любое время и среди любых народов.

7 - Исламская культура динамична и изначально прогрессивна, направлена в мир. Она подчёркивает социальную справедливость, устраняет угнетение и зло в общественных отношениях, в частности, в экономике и распределении мировых богатств. Она чётко призывает к обучению и получению знаний, не делая при этом противопоставления между «религиозным» и «светским» образованием. **Любое знание важно.** Подчёркивается

необходимость открытости разума новым знаниям и желание получать их из любого источника. Исламская культура поддерживает искусство, архитектуру, бережное отношение к здоровью и к окружающей среде.

8 - *Исламская культура ориентирована не на некий «эксклюзивизм», замкнутость и самодовольство - но на «дауат», то есть на призыв к исламу.* К исламу людей следует призывать без какого-либо принуждения. Исламская культура учит не спору и подавлению, а диалогу с другими. Изначальная человеческая природа – благая, и если дать возможность человеку познать ислам, как он есть, то он сам сможет найти в нём радость и удовлетворение. В конце концов Истина восторжествует, а ложь исчезнет. Сама культура ислама подчёркивает необходимость терпения и напоминает, что муслимсы всегда должны сохранять работоспособность и доверие к Аллаху и Творцу, Господу и Вседержителю миров. Только **укоренённость** культуры в глубинах религии, **неразрывность** теоретических понятий и жизненной практики, **синтез** религии и культуры – залог верного понимания самой «исламской культуры», также как и залог реализации принципов самого «ислама, как религии».

ЎЗБЕКИСТОНДА ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШДАГИ ИМКОНИЯТЛАР

*Болтаев. Б. Б. БухДУ, катта ўқитувчи
Шаринов. М. Б. ўгли 3-курс талабаси*

Ўзбекистон жуда катта туристик потенциалга эга давлат. Мамлакатимиз нафақат Марказий Осиёда, балки, бутун жаҳонда ҳам туризмнинг марказларидан бири ҳисобланади. Туристларни жалб этувчи қадимдан Хитой ва Европа мамлакатларини боғлаб турувчи Буюк ипак йўли ўтган ҳудудларда катта миқдордаги меъморий-тарихий обидалар мавжуд. Бундан ташқари “Гўзал географик ва табиий шароитлар республика ҳудудида экологик туризмни ривожлантириш учун гоаят қулайдир. Бу борада мамлакатнинг тоғли ҳудудларида жойлашган, замонавий жиҳозланган сайёҳлик мажмуаларида қишки ва ноёб сайёҳлик дастурлари ташкил этилган. Сайёҳликнинг янги йўналиши – йирик кўриқхоналар ва боғлар ҳудудида ташкил этилган табиатшунослик туризми ривожланмоқда.”²²⁶

Дунё туризмидаги ўсиш Ўзбекистон Республикаси туризмида ўсишга ҳам таъсир этди. Мустақиллик йилларидан бошлаб Ўзбекистон дунё туризм бозорига дадил қадамлар билан бориб, жаҳон туризмидаги ўз ўрнини эгалламоқда. Юртимизда хорижий туристларга асосан маданий туризм таклиф қилинмоқда. Уларнинг давомида тарихий, архитектура, диний обидалар ва зиёратгоҳлар билан таништирилади, маҳаллий аҳолининг турмуш тарзи ва маданияти кўрсатилади. Бундай турлар давомида асосан Самарқанд, Бухоро ва Хивадаги объектларга ташриф буюрилади. Мамлакатимизда туризмни ривожлантиришда қўлга киритилган ютуқларга назар ташлайдиган бўлсак, аввало ўлкамизга ташриф буюраётган хорижий меҳмонлар сонининг ошиб бораётганлигини инобатга олиш зарур деб ўйлаймиз. Шарқий Осиё мамлакатларида одатдан ташқари пневмония ва парранда гриппи каби касалликларнинг тарқалиши туфайли ташриб буюриш пасайиши кузатилмоқда. Чет элдан келаётган меҳмонлар сонининг 2001-йилдаги камайиши қўшни мамлакатда амалга оширилган антитолибон ҳарбий ҳаракатлари таъсирининг натижаси бўлди. Бунда кўплаб хорижий туристик фирмалар куз қиш ойлари учун Ўзбекистон меҳмонхоналаридаги жой бронларини зарурат бўлмаса-да, эҳтиёткорлик юзасидан бекор қилишди. Бу жойлар профиларининг миқдори 2000-йилга нисбатан анча кўп бўлганлиги, 2001- йилда туризм янада ўсиши мумкин эканлигидан далолат берарди. 2008 - йил кузига келиб, мамлакатимизга четдан келаётган хорижий туристларнинг сони оша бошлади. Таклиф этилаётган туристик маршрутларга эътибор берадиган бўлсак, чет эллик туристик ташкилотлар қандай турларни афзал кўраётганликларини кўриб таҳлил қилиш мумкин. Туристлик фирмалар томонидан энг катта қизиқиш Тошкент - Самарқанд - Бухоро - Урганч экскурсия-танишув маршрутига билдирилмоқда.

²²⁶ Халқ сўзи газетаси, 2007 йил 26 январь, №19

Ушбу йўналиш Ўзбекистоннинг энг муҳим тарихий ёдгорликлари билан танишиш, миллий анъаналар ва удумларни кузатиш ҳамда қадимий шаҳарлар ҳаётига қўшилиш имкониятини беради. Шаҳрисабз ва Термизга асосан Германия, Голландия, Франция, Япония, Белгия, Италия каби мамлакатлардан келган туристлар ташриф буюришади. Туроператорларнинг фикрларича, Термиз тарихи археологик марказ сифатида шуҳрат топган. Халқаро бозорда Ўзбекистон ўз туристик маҳсулотини «Буюк Ипак йўли» рекламаси орқали ҳам сотади. Бу лойиҳа бўйича энг кўп сотиладиган турлар қуйидагилар бўлди:

Тошкент - Самарқанд - Бухоро - Урганч - Тошкент;

Тошкент - Самарқанд - Шаҳрисабз - Бухоро - Урганч - Тошкент.

Ҳозирги даврда Ўзбекистонда туризм ривожланишини таҳлил қиладиган бўлсак, унда қуйидаги босқичларни ажратиш мумкин бўлади.

Биринчи босқич. Ўзбекистон Республикасининг мустақиллиги билан боғлиқдир. 1992-йилда Ўзбектуризм миллий компанияси тузилди. У Республикамизда туризмнинг ривожлантирилиши учун масъул бўлган ягона ташкилотга айлантирилди.

Иккинчи босқич. 1993 - 1994-йилларда туризм соҳасида иқтисодий ўзгаришлар содир бўлди. Бизнинг юртимизда айна шу иқтисодий ўсиш учун жуда қийин пайтида ва бошқаришнинг янги шакллари ва услубларини изланиш даврида туризмни ривожлантиришда ўзига хос янги модел ишлаб чиқарилди. 1994-йилда ишлаб чиқилган «Туристтик корхоналарни хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқариш дастури» чуқур тизимли ва институтционал ўзгаришларни амалга оширишда жуда катта аҳамият касб этди. 1994 - 1995 йиллар мобайнида «Ўзбектуризм» миллий компаниясининг 87,8% туристик объектлари хусусийлаштирилди ва давлат тасарруфидан чиқарилди. Кирилган ўзгаришлар ички туризмни қабул қилиш шаклини жадаллик билан ривожлантирди. 1993-йилдан 1995-йилгача туристларни қабул қилиш республикамизда 461 мингдан 499,3 минггача ўсди (шу жумладан, чет эл фуқароларини қабул қилиш 43 мингдан 92 минггача кўпайди). Туризмдан тушган чет эл валютаси миқдори 34,4 млн АҚШ долларидан 101,2 млн долларгача кўпайди. Шундай қилиб, қисқа давр ичида туризм хўжалигимизни юқори рентабелли тармоғига айланди. 1995-йилда ўртача рентабеллик 30% ташкил қилди (меъёр бўйича эса бу кўрсаткич 20% бўлганлиги етарлича деб ҳисобланади). Туризмдаги бундай ўзгаришлар ва Буюк ипак йўли туристик маҳсулотини тиклаш стратегик характерга эга бўлди. Бунга Тошкент - Ўш автомобил магистрали лойиҳасини мисол қилиб келтирса бўлади. Йирик лойиҳалардан яна бири - бу Қашқаргача қуриладиган темирйўли бўлса, бошқаси Эронга Афғонистон орқали ўтадиган йўлнинг қурилиши лойиҳасидир.²²⁷ Бу вазифалар кўп тармоқли, кўп қиррали ва кўп ташкилотларнинг ёрдами билан қилиниши мумкин деб ҳисобланди.

Учинчи босқич. 1998 - 2003-йилларда туризм соҳасидаги бозор муносабатлари узил-кесил йўлга қўйилди ҳамда дунё бозори бўйича рақобатбардош туристик маҳсулот яратила бошланди. Туризм тизимининг бошқарилишининг марказлаштирилишига чек қўйилди. Кўпчилик туристик объектлар ўзларини ўзлари бошқара бошлашди, бозорнинг рақобатлаша олмайдиган субектлари ёпилиб, самарали ишловчи янги корхоналарга ўрин очиб бера бошлашди. Туризмнинг яна бир хусусияти унинг мамлакатимиздаги бир қатор минтақаларнинг иқтисодиёти ва маданиятига фаол таъсир кўрсатишдан иборатдир. Туризм хўжалиқларининг ташкил қилиниши ва фаолият кўрсатиши транспорт тизимининг, туристларга савдо, ижтимоий - маиший, маданий, тиббий хизмат кўрсатишнинг ривожланиши билан яқиндан боғлиқдир. Ўзбекистонда халқаро туризмни ривожлантиришнинг асосий вазифаларидан бири хорижий туристларни қадимий тарихга эга бўлган Самарқанд, Бухоро, Хива ва Шаҳрисабз каби шаҳарларимиздаги тарихий обидалар, меъморчилик, диний ва маданий ёдгорликлар ҳамда республикадаги бошқа диққатга сазовор замонавий жойлар билан таништириш орқали уларга маданий-маърифий озуқа беришдир. Бундан ташқари, хорижлик туристларни республикамизнинг нафақат тарихий жойларини, балки гўзал табиати билан яқиндан таништириш, хордиқ чиқариш, даволаниш, спорт билан шуғулланиш каби 20 дан ортиқ туристик маршрутлар ҳам йўлга қўйиди. Яна шу нарсани

²²⁷ Тожиёва М. Иқтисодий туризм маърузалар матни, Услубий қўлланма. Т.:2010

айтиб ўтиш ўринли бўлардики, АҚШда 11-сентябрда бўлиб ўтган нохуш террорчилик воқеаси ва шундан кейин бизга қўшни Афғонистонда вужудга келган мураккаб вазият Ўзбекистонда туризмни ривожлантиришга сезиларли таъсир кўрсатиб, туристлар сони нисбатан сустрлашиб қолди.²²⁸

Бугунги кунда Ўзбектуризм миллий компанияси тизимида 96та корхона - ташкилот бор. Булардан ташқари туризм бозорида 450дан ортиқ туристик фирмалар, шунингдек, хусусий туристик ташкилотлар ассотсацияси фаолият олиб бормоқда. Ўзбекистонда хизмат кўрсатилган ҳар бир хорижий туристдан ўртача миқдорда 159 АҚШ доллари миқдорида даромад олинаётганлиги қайд этилган. Шу билан бир вақтда халқаро туризмни ривожлантиришда амалга оширилиши лозим бўлган ишлар қуйидагилардан иборат:

- Халқаро туризмда кичик ва ўрта тадбиркорлик фаолиятидан кенг фойдаланиш ва халқаро бозорларга чиқишга интилиш;
- Маҳаллий ахборот агентликлари орқали ривожланган мамлакатларни Ўзбекистоннинг туристик имкониятлари билан яқиндан таништиришга ҳаракат қилиш;
- Туризм соҳасида ишлайдиган мутахассисларни чет элларда бир йилда камида бир марта малака оширишга юбориб, ўқитиш, улар учун барча имкониятларни яратиш, туристларга сифатли хизмат кўрсатишни йўлга қўйиш;
- Республикамизнинг бу соҳа вакилларининг Европа мамлакатларида ўтказиладиган туристик ярмаркаларда доимий равишда иштирок этишини таъминлаш;
- Халқаро туристик ташкилотлар билан ахборот алмашилишни яхшилаш, биргаликда фаолият юрита оладиган давлатлар билан қўшма корхоналар тузиш ва улар фаолиятини кенг йўлга қўйиш;
- Ички туристик бозорда ўзаро рақобатни янада кучайтириш ва бошқа тадбирларни амалга ошириш муҳим аҳамиятга эгадир.

Демак, халқаро туризмни ривожлантириш Ўзбекистон иқтисодиёти учун гоятда зарур бўлиб, унинг имкониятларидан келиб чиққан ҳолда туризм соҳаси орқали аҳолининг моддий фаровонлигини яхшилаш, уларни иш билан таъминлаш учун янги иш ўринларини ташкил қилиш лозим бўлади. Халқаро туризм соҳаси Республикамиз иқтисодиёти учун гоятда зарур бўлган валюта тушумини таъминлайди. Туризмнинг юртимиз иқтисодиёти учун қанчалик зарур тармоқ эканлигини тушунган ҳолда, уни янада ривожлантириш, такомиллаштириш. Тажриба алмашилиш имкониятларини қўллаб мустаҳкамлаш зарур.

Адабиётлар рўйхати

1. Халқ сўзи газетаси, 2007 йил 26 январь, №19
2. Тожиева М. Иқтисодий туризм маърузалар матни. Услубий қўлланма. Т.:2010
3. Балабанов И.Т. Балабанов А.И. Экономика туризма. М. Финансы и статистика.2000 г

БУХОРОДА ТУРИЗМ МУХИТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ТАЪЛИМ ВА ТАРБИЯ ҲАМДА КАСБИЙ ТАРБИЯ УЙҒУНЛИҒИ

Halimova N.A Buxoro shahar 39 –maktab o'qituvchisi

“Фаровон ҳаёт-мукамал тарбиядан бошланади”

Ш.М. Мирзиёев

Жамият тараққиёти, миллий фаровонлик ҳамиша ёш авлоднинг таълим-тарбияси, замонавий билимлар, касб-хунарни чуқур эгаллаган ёшлар, уларнинг юксак малакаси билан боғлиқ бўлиб келган. Ҳозирги вақтда ёш авлодни тарбиялаш аниқ касб-хунарга йўналтириш муаммоси глобал характерга эга бўлиб келмоқда. Бунинг сабаби эса шахсга таъсир кўрсатувчи ва уни шакллантирувчи ахборот оқимларининг кўпайиши билан узвий боғлиқдир.

Мамлакатда ижтимоий ва иқтисодий барқарорликни, жамиятда тинчлик ва аҳилликни, миллатлараро тотувликни сақлаб қолиш, мустақилликнинг узок йилларга мўлжалланган

²²⁸ Балабанов И.Т. Балабанов А.И. Экономика туризма. М. Финансы и статистика.2000 г

ижтимоий-сиёсий тараққиёт йўлини белгилаб олиш, мустақиллигимизни ички ва ташқи хуружлардан асраб авайлаш, янги жамиятнинг юксак маънавиятли, мустақил фикрлашга кодир, айни чоғда, мамлакат, миллат тарихини яхши биладиган, улуғ аждодларимиз қолдирган илмий-маънавий меросдан бахраманд, юксак маънавиятли қатъий ҳаётий позиция, кенг дунё қарашга эга бўлган фидоий, ватанпарвар ёшларга таълим-тарбия бериш бугунги долзарб вазифалардан биридир. Охириги йилларда халқлар дўстлигини ва ҳамжихатлигини такомиллаштиришда туризмни ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда. Улуғ шоир ва алломаларимизнинг нафақат Марказий Осиё, балки бутун дунё халқларининг диққат-эътиборини ўзига жалб этиб келаётган маънавий мерослари, бебаҳо асарларининг таълим-тарбиявий аҳамияти беқиёсдир. Шарқ мутафаккирларидан бири Фаробий маърифатли етук одамнинг образини тасвирлар экан, бундай дейди: “Ҳар кимки илм ҳикматни ўрганаман деса, уни ёшлигидан бошласин, соғ-саломатлиги яхши бўлса, яхши ахлоқ ва одоби бўлса, сўзининг уддасидан чиққан, ёмон ишлардан сақлаган бўлса, барча қонун-қоидаларни билсин, билимдон ва нотик бўлсин, илмли ва доно кишиларни хурмат қилсин, илм ва аҳли илмдан мол дунёсини аямасин, барча реал моддий нарсалар тўғрисида билимга эга бўлсин”. Бу фикрлардан Фаробийнинг таълим-тарбияда ёшларни мукаммал инсон қилиб тарбиялашда хусусан, ақлий-ахлоқий тарбияда алоҳида эътибор берганлиги кўриниб турибди, унинг эътиқодича билим, маърифат, албатта яхши ахлоқ билан безанмоғи лозим, акс ҳолда қутилган мақсадга эришилмайди, бола етук бўлиб етишмайди. Алишер Навоий эса боланинг вояга етишида, камол топишида тарбиянинг кучи ва қудратига алоҳида эътибор беради.

Тарбия натижасида боланинг фойдали ва етук киши бўлиб ўсишига ишонади. Ёш боланинг жуда кичик ёшидан бошлаб тарбияламоқ зарур. Тарбия инсонга ўзида яхши одат ва фазилатлар ҳосил қилишга ёрдам беради. У одам шахси кишилар билан муносабатда, айниқса кишиларнинг бир бирига бўлган рухий маънавий таъсирлари натижасида таркиб топади деб, вояга етказишда асосий омиллардан бири тарбия эканлигини уқтиради. Мунис Хоразимийнинг асарларида баён этилган таълим-тарбияга оид фикрлар фақат у яшаган давр учун эмас, балки ҳозирги давр учун ҳам аҳамиятлидир. Шундай экан таълимга доир энг илғор, замонавий, халқимизга хос миллий-маънавий ва ахлоқий кадриятларга ҳамоҳанг усулларни топиш ва амалиётга жорий этиш шарқда қадимдан амалда бўлган принцип-таълим ва тарбияни бир-биридан ажратмаслик ва уларни ўзаро мутаносиблигига эришиш ғоя муҳим аҳамиятга эга. Таълим-тарбия ишининг ижтимоий аҳамияти ва мавқеини кўтариш малакали, фидоий танлаган касбига садоқатли инсонларни жалб этиш уларни ҳар жиҳатдан рағбатлантириш ва қўллаб қувватлаш муҳимдир. Чунки улар берадиган таълим жамият қурилишининг муҳим муаммоларини ҳал қилиш-жамиятнинг моддий-техника базасини яратиши, ижтимоий муносабатларни таркиб топтириб, янги кишини тарбиялашга ёрдам беради.

Касбий тарбия эса шахснинг касб маҳоратини юксак даражада оширишга, ахлоқий кифоаси, маънавияти, дунёқарашини шакллантиришга мақсадли таъсир кўрсатади. Касбий тарбия бўлажак ёш мутахассиснинг касбий маданияти стратегиясини, касбий фаолият усуллари ва кўникмалари, касбий ва шахсий сифатларини, шунингдек долзарб ижтимоий, касбий масалаларни ечиш қобилияти асосини ташкил этади. Умумий қилиб айтганда, касбий тарбия дейилганда, бўлажак мутахассисни шакллантириш, касбий қизиқиши ва касбий аҳамиятга эга сифатларини ривожлантириш тушунилади. Касбий сифатлар касбий билим, кўникма ва малакалар билан шакллантирилади. Бу эса ўртамаҳсус, касб ҳунар таълими ўқувчиларини касбий тарбиялаш жараёни мазмунини ташкил этади. Касбий тарбия бўлажак мутахассисларнинг ақлий ривожланишига имкон яратади. У таълим, тарбия ва касбий тайёргарликнинг барча элементларини ўзига қамрайди. Шундай қилиб, касбий тарбия шахс умумий тарбиясининг бир қисми бўлиб, уни нафақат касбий, балки ахлоқий ва маънавий жиҳатдан ҳам ривожлантиради, ўзининг ҳаётдаги вазифасини англашга ёрдам беради.

Бугун биз замонавий талаблар асосида жиҳозланган, барча шарт шароитларга эга ўқув бинолари, ўқув марказлари ўқув устахоналари билан ҳақли равишда фахрлана оламиз. Иқтидорли ёшларимизни ўқишда, илмий ижодкорликда, маданият, санъат ва спорт

сохаларида эришаётган ютуқлари қалбимизни фахр- ифтихор туйгулари билан тўлдирди . Улар замонавий технологияларни компютерда лойihalаштириш ва бошқариш илмини, бир неча тилларни мукамал эгаллаган ёшлардир. Бу эса таълим соҳасида танлаган йўлимизнинг нақадар тўғри эканлигини яққол исботлаб турибди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев айтганларидек:” Биз истеъдодли, фидоий фарзандларимизга билим ва касб чўкқиларини зарб этиши учун қанот беришимиз керак”. Шундай экан ёшлар тарбиясида таълим ва тарбия ҳамда касбий тарбия уйғунлиги мутаносиб бўлсагина биз ҳар томонлама, юксак маънавиятли катъий ҳаётий позиция, кенг дунё қарашга эга бўлган фидоий ва ватанпарвар ёшларни давлат ва жамиятимиз келажаги учун тарбиялай оламиз.

ЗАМОНАВИЙ МЕХМОНХОНА БИЗНЕСИНИНГ МАЗМУН МОҲИЯТИ

Негматова Д.М., Бухоро иқтисодиёт ва банк коллежи ўқитувчиси

Бугунги кунда дунёда 30 мингдан зиёд турли отеллар мавжуд. Аниқроғи, бу кўрсаткич “Reed Travel Group” нашриёти томонидан чоп этилган “Official Hotel Guide–96” каталогида кўрсатилган. Бу меҳмонхоналардаги умумий номерлар сони 12 млн. ни ташкил қилади.(1)

Европа минтақасида номерлар сони кўп. Иккинчи ўринда Америка ва ундан сўнг Шарқий Осиё туради. Меҳмонхоналар қуриш тобора авж олиб бормоқда. 1995 йилда АҚШнинг ўзида 82 минг ўринли меҳмонхоналар қуриб битирилди. Жадал қурилишлар туристлар кўп борадиган жойларда давом этапти. Бу Жануби – шарқий Осиё ороллари, масалан, Бали (Индонезия) ва Пхукет (Таиланд) дадир. Йирик меҳмонхона тизими томонидаи кизиқиш Мальдив Республикаси ва баъзи Африка мамлакатларидан ҳам кузатилмоқда.

Дунёдаги энг йирик отель Таиланднинг Патайя шаҳрида жойлашган “Ambassador City Jomtien” дир. У 5100 номерли бўлиб, 40 мт атрофидаги майдонни эгаллайди.(2) Ҳозирда жаҳон бўйича меҳмонхона ўринларнинг сони 17,5 миллиондан ортиб кетган. Уларнинг 37,8 фоизи Европада, 35 фоизи Америкада, 22,2 фоизи Осиё ва Океанияда, 2,8 фоизи Африкада ва 2,2 фоизи Ўрта Шарқ минтақасида жойлашган. Дунё мамлакатлари бўйича таҳлил қилинадиган бўлса, меҳмонхоналарнинг аксарияти АҚШ, Япония, Италия, Германия, Хитой, Франция, Мексика, Канада, Таиланд, Греция, Австрия, Индонезия, Австралия, Россия, Туркия ва Аргентина мамлакатларида жойлашган. қолган мамлакатларнинг бирортасининг эгаллик қилаётган ўринларининг сони дунё бўйича умумий кўрсаткичнинг 1 фоизга етмайди.(3)

Охириги йилларда Ўзбекистон Республикасида туризм соҳаси мустақил тармоқ сифатида ривожланиб бормоқда. Соҳанинг умумий ривожланиши учун вазирлик мақомига тенглаштирилган “Ўзбектуризм” миллий компанияси масъул бўлиб, у ўзбек миллий туристик корхоналарининг фаолият юритишларини рухсатномалар бериш, хизматларини сертификатлаш кабилар орқали назорат этади. Ўз навбатида, ўзбек миллий хусусий туристик корхоналари ҳам кўпроқ сифатли ва бозор томонидан талаб этилаётган турмахсулот яратишга, ҳамда сотувларни орттириш орқали ривожланишга ҳаракат қилишмоқда.

Туристтик, меҳмонхона хўжалиги ривожланишини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

- турмахсулотни мунтазам равишда журналлар, газеталарда, радио ва телевидение орқали реклама қилиб бориши;

- туризм соҳаси ходимлари иштирокида туризм мавзусига бағишланган маҳсус кўрсатувлар тайёрлаш, ҳар ҳафтада реклама мақсадларида туристик объектларнинг кўринишлари акс эттирилган видеотасмалар бериб бориш.

Меҳмонхона сектори ривожланишининг бозор модели қуйидаги тадбирлар орқали шаклланади:

- меҳмонхона бизнесида фаолият кўрсатувчи хусусий, қўшма корхоналар тузиш;

- бозор инфратузилмаси элементларини ривожлантириш;
- меҳмонхоналардаги туристик хизматларнинг нархлари ва тарифларини пасайтириш;
- юридик ва жисмоний шахсларнинг туризм соҳасида фаолият кўрсатиш учун лицензия олиш тартибини соддалаштириш, меҳмонхона хизматларининг алоҳида кўринишларига лицензияларни сотишни йўлга қўйиш;
- хорижий сармояларни жалб қилган ҳолда барпо қилинадиган қўшма корхоналар эвазига туризмнинг нодавлат секторини кенгайтириш;
- давлат-хусусий мулк шаклларидаги республика корхоналари, фирмалари ва компаниялари сонининг кўпайишига, ўрта ва кичик меҳмонхона бизнесининг ривожланишига хайрихоҳлик қилиш;
- меҳмонхона тадбиркорлиги бўйича антимонополия чораларини кўриш, бунинг асосида рақобатчилик муҳитини яратиш;
- Минтақавий меҳмонхоналарга тўлиқ мустақиллик бериш.

Меҳмонхона хизматлари маркетингини ташкил қилиш турли хизматларни яратиш ва уларни бозорда сотишгача бўлган барча жараёнларни ўз ичига олади: талаб катта бўлган хизматларни яратиш, реклама, таксимот, тушумдан маркетинг тадбирлари учун фойдаланиш. Меҳмонхона хизматлари маркетингининг кўп жараёнлари хали яхши ўрганилмаган. Ўзбекистонга келувчи чет эл ва МДХ давлатлари туристлари таркибини ўрганиш, уларни меҳмонхона тизимларига жалб қилиш бўйича маркетинг тадқиқотларининг асосини ташкил қилиши лозим.

Замонавий меҳмонхона бизнесининг халқаро даражада тан олинган ва энг кўп тарқалган муаммолари куйидагилардан иборат:

- Малакали кадрларнинг етишмаслиги;
- Қурилиш ишлари қийматининг ошиб бораётганлиги;
- Меҳмонхона технологияларининг мукамаллашиб бориши;
- Демографик ҳолат ва туристик бозор;
- Меҳмонхона бизнеси даромадлилик даражасининг пасайиши;
- Божхона ва иммиграция чекловлари;
- Янги брендларнинг пайдо бўлаётганлиги;
- Сотилган жараёнидаги кескин ўзгаришлар;
- Ўсиб бораётган истеъмол бозорлари;
- Капитал ресурслар.

Юқорида санаб ўтилган муаммоларнинг барчаси меҳмонхона бизнеси ривожларинишига турли даражада халақит қилиши мумкин. Ҳар бир давлат бу муаммоларни бартараф этиш йўллариини ўз хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда қидирадилар ва топадилар.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1999 - йил 20 - августдаги "Туризм тўғрисида"ги Қонуни.
2. Биржаков М.Б. Введение в туризм. Санкт - Петербург, 2000 г.
3. Воронкова Л.П. История туризма и гостеприимства. Учебное пособие. ГРИФ. 2004.

“БАДОЕЪ УС-САНОИЪ” – ИСЛОМ ФИҚҲИЙ ТАФАККУР ДУРДОНАСИ

Исақова. З. Р..

НамДУ Ўзбекистонда демократик жамият қуриши назарияси ва амалиёти кафедраси доценти, фал.ф.н.

Ғаппаров. Э. О.

НамДУ Миллий гоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими кафедраси ўқитувчиси

Ислом оламида кўп тарқалган ханафийлик мазҳаби²²⁹ шариатнинг айрим масалаларида бошқа мазҳабларга нисбатан мўътадиллиги ва эркинлиги билан фарқланадики, мазҳабга хос уч хусусият, яъни раъй²³⁰, қиёс²³¹, истихсон²³² бўлиб, шариат ҳукмларини ижтимоий ҳаётга мослаштириш имконини берган. Зеро, ханафийлик мазҳабининг ўзига хос хусусиятлари суннатга мустақил манба сифатида қаралиши, ижмоъ фақат саҳиҳ ҳадис ривоятчиларидан чиққан тақдирда ҳисобга олинishi, янги масалалар таққиқ қилинаётган вақтда бошқа ҳар қандай нуфузли уламоларнинг келишилган фикрлари қабул қилиниши, қиёс бўйича ҳукм ҳар қандай саҳиҳ манба асосида бўлиши, қиёс бўйича ҳукм зарарли ёки мавҳум натижага олиб келса, маҳаллий урф-одатларни ҳисобга олган ҳолда энг маъқул деб топилган йўл бўйича қарор қабул қилинишида акс этади.

Маълумки, Мовароуннаҳр 999-1212 йилларда қорахонийлар ҳукмронлиги остида бўлган. VIII аср охири IX аср бошларида Мовароуннаҳрда тарқалган “Аҳли сунна вал-жамоа”нинг ханафий мазҳаби таълимоти асосида Бухоро ва Самарқанд фикҳ мактаби шаклланди. Фақиҳлар миллий анъаналар, урф-одат ва расм-русумларни диний таҳлил қилиб, айрим ҳуқуқий меъёрларни маҳаллий шароит билан мувофиқлаштиришган ва мусулмон дунёсига шариатнинг мукамал қоидалари – фикҳий қўлланмалар, фатво тўпламлари, рисоаларни тақдим этишган. Шамс ул-аъимма Сарахсий (ваф. 1097 й.), Фахр ул-ислом Паздавий (ваф. 1089 й.), Ифтихориддин Бухорий (ваф. 1148 й.), Садр ул-Кабир (ваф. 1175 й.), Фахриддин Қозихон (ваф. 1196 й.) ўз даврининг етук фақиҳлари бўлишган. Ана шундай фақиҳлардан бири ханафий фақиҳи, муҳаддиси ва усулий олими Алоуддин Абу Бакр ибн Аҳмад Косоний (ваф. 587/1191 й.)дир.

Абу Бакр Косонийнинг ислом фикҳига оид “Бадоеъ ус-саноеъ фий тартиб аш-шароеъ”²³³ (Шариат қонунларини тартиблашда гўзал санъатлар) асари қарийб ўн асрдан буён мусулмон мамлакатларида нуфузли ва мукамал ҳуқуқий манба сифатида эътироф этилиб, ҳозирга қадар ислом ҳуқуқи бўйича дарслик сифатида ўқитилади.

“Бадоеъ ус-саноеъ” Абу Бакр Косонийнинг устози, Мовароуннаҳр фикҳ мактабининг йирик вакили, Ўрта Осиёда ханафийларнинг буюк имомларидан бири, ақида, тафсир, фикҳ, калом илми соҳиби Алоуддин Муҳаммад ибн Аҳмад Самарқандий (ваф. 1145 й.)нинг фикҳий масалалар жамланган “Тухфат ул-фуқоҳо” (Фақиҳлар учун туҳфа) китобига ёзган шарҳи бўлиб, унда ибодат ва муомалот масалалари санъат даражасида тартиб-интизом билан таълиф этилган. “Бадоеъ ус-саноеъ” ханафий мазҳабига оид асарлар ичида энг муфассал, мукамал ва бошқа мазҳаб эгалари ҳам тан оладиган, далил-ҳужжати мустаҳкам манбадир²³⁴.

Абу Бакр Косоний асар муқаддимасини Аллоҳга ҳамду сано билан бошлаган: Аллоҳ таоло: “У Ўзи истаган кишиларга ҳикмат беради. Кимга ҳикмат берилган бўлса, бас, унга кўп яхшилик берилибди”²³⁵. Сўнг фикҳ илми фазлига юксак баҳо берган: “Аллоҳни таниб, Унинг сифатларини билганимдан кейинги илмларнинг энг улуғи фикҳ илмидир. Фикҳ илми – ҳалол ва ҳаром илми, қонунлар ва ҳукмлар илмидир. Фикҳ мана шуларни ўргатадиган фандир. Барча пайғамбарлар Аллоҳ таолонинг шу буйруқларини етказиш учун юборилган. Демак,

²²⁹ Ханафийлик мазҳаби асосчиси ироқлик илоҳиётчи, фикҳшунос, муҳаддис, улуғ имом, ханафийлик мазҳаби асосчиси Нуъмон ибн Собит ал-Қуфий, Имоми Аъзам (699-767). Бу ҳақда яна қаранг: Ислом. Энциклопедия: А-Х / 3.Хусниддинов таҳрири остида. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2003. 15-бет.

²³⁰ Раъй – фақиҳнинг Қуръон ва ҳадис асосида қабул қилган мустақил ҳукмига асосан қарор чиқариш. Бу ҳақда яна қаранг: Ислом. Энциклопедия: А-Х / 3.Хусниддинов таҳрири остида. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2003. 127-бет.

²³¹ Қиёс – Қуръон ва суннатда берилмаган бирор ҳуқуқий масала ундаги шунга ўхшаш масала бўйича берилган кўрсатман таққослаш йўли билан шарҳлаш усули. Бу ҳақда яна қаранг: Ислом. Энциклопедия: А-Х / 3.Хусниддинов таҳрири остида. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2003. 127-бет.

²³² Истихсон – арабча сўз бўлиб, бир нарсани яхши деб ҳисоблаш, маъқуллаш деган маънони англатади. Раъй ва қиёс орқали ҳал бўлмаган масалаларда истихсон қўлланилган. Масалани ечишда маҳаллий одатлар ва удуллар эътиборга олинган. Бу ҳақда яна қаранг: Ислом. Энциклопедия: А-Х / 3.Хусниддинов таҳрири остида. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2003. 127-бет.

²³³ Алоуддин Косоний. Бадоеъ ус-саноеъ фий тартиб иш-шароеъ (Шариат қонунларини тартиблашда гўзал санъатлар). 1-китоб. Таҳорат. Арабчадан таржима ва шарҳ муаллифи Шайх Алоуддин Мансур. – Т.: Шарқ, 2018.

²³⁴ Шайх Алоуддин Мансур. Қомусий асар / Алоуддин Косоний. Бадоеъ ус-саноеъ фий тартиб иш-шароеъ (Шариат қонунларини тартиблашда гўзал санъатлар). 1-китоб. Таҳорат. Арабчадан таржима ва шарҳ муаллифи Шайх Алоуддин Мансур. – Т.: Шарқ, 2018. 4-бет.

²³⁵ Қуръони Карим. *Бақара сураси, 269-оят*. Ўзбекча изоҳли таржима. Таржима ва изоҳлар муаллифи Алоуддин Мансур. – Т.: Чўлпон, 1992. -бет.

пайгамбарлар – Аллоҳ элчиларининг асосий вазифаси одамларга фикҳни ўргатиш бўлган”²³⁶. Баъзи тафсирларда оятдаги “ҳикмат” сўзини фикҳ илмига йўйилган. Яъни, “ҳикмат – яхшилик берилди”, жумласини кимга фикҳ илми берилса (яъни динни англаса, ўзи қилаётган амални билиб қилаётган бўлса), шу одам Аллоҳ таолодан жуда катта яхшилик олган, бахтли одам бўлади, деб тафсир қилинади.

Абу Бакр Косоний Имом Бухорий, Абу Исо Термизий, Ибн Можжа ва бошқа муҳаддислар Ибн Аббос (р.а.)дан ривоят қилинган “Аллоҳга динда фақиҳ бўлишдак бирор нарса ила ибодат қилинмаган. Албатта, бир фақиҳ шайтон зиддига минг обиддан кўра шиддатлироқдир”²³⁷ деган ҳадисни келтирган.

Абу Бакр Косоний асрни ёзишдан кўзлаган мақсадини аниқ баён этган: “машойхлар шаръий ҳукмларни тартибга солишга кўп ҳам эътибор қаратмадилар. Бу ишга мендан олдин устозимгина аҳамият берди... Барча илмларда бўлганидек, талаб қилинган нарсаларга етишишни осонлаштириш. Бу мақсадга шаръий ҳукмларни маҳорат билан тартибга солиш орқали эришилади. Ушбу таърифнинг вазифаси ҳам шаръий масалаларни усталик билан маҳорат эгаларини мамнун қиладиган кўринишда тартибланиш ва таҳлил қилишдир”²³⁸.

Эътироф этиш ўринлики, Абу Бакр Косоний асарда аввалги шорихларнинг тартибга риоя этилмаганини эътибор олиб, аслнинг матнини сўзма-сўз келтириб шарҳ қилиш услубига эргашмай, боб ва фаслларни янгидан тартибга солган.

Ислом барча соҳада: иш-амаллар, истак-майлллар, орзу-ниятлар, рухоният, айникса, ибодат бобида, умуман, инсониятнинг бутун турмуш тарзида поклик барқарор бўлишига хизмат қилувчи дин”²³⁹.

Асарнинг биринчи жузи таҳорат масаласига багишланишида ҳам катта маъно борки, ҳар бир ишнинг муқаддимасида поклик ва тозалик мужассамдир. Инсоннинг ҳаққий тозалиги таҳорат олиш билан, яъни шариатда белгиланганидек, юз, қўл ва оёқларни ювиш билан ҳосил бўлади. Ҳадисга кўра, Ким таҳорат олсаю таҳоратини чиройлик қилса, унинг хатолари жасадидан, ҳаттоки, тирноқлари остидан ҳам чиқиб кетади.

Таҳорат қилаётганда юз тўлалигича, қўл чиганоги билан, оёқ тўпиқ билан қўшиб ювилади. Негаки, инсоннинг бу аъзолари доимо чанг-тўзон ва турли нопокликларга дучор бўлиб туради. Исломда айнан ана шу аъзоларни кунига бир неча бор яхшилаб ювиш ҳар бир мусулмонга фарз қилинган амал ҳисобланади.

Абу Бакр Косоний таҳорат одоблари, таҳорат шартлари, юзни ювиш, қўлни ювиш, бошга масҳ тортиш, оёқларни ювиш, таҳорат учун ишлатиладиган сувлар, мустаҳаб амаллар, гусл, хайз, нифос, таяммум, таяммум ҳолати, таяммум сифати, таяммумни бузувчи сабаблар, сув билан тозалаш шартларини тўлиқ баён этган.

Шу ўринда “пайпоққа масҳ тортиш” масаласига тўхталсак. Бугунги техника ва технология такомиллашган даврда юпқа латтадан бўлган замонавий пайпоқлар ишлаб чиқарилган. Уни “жавроб” дейилади. Баъзи бир одамлар ана шу “жавроб” ҳадисда зикр қилинган “жавроб” деб, унга ҳам “масҳ тортса бўлади” деб фатво беришмоқда. Абу Бакр Косоний наздида бу мутлақо нотўғри амалдир. Ким бу ҳақда эшитса, асло қабул қилмаслиги керак. Агар олдин билмай қабул қилса, энди ундан қайтиб, пайпоққа масҳ тортмаслиги керак: Агар пайпоқнинг усти ё таги чарм билан қопланган бўлса, унга масҳ тортиш мумкин. Бунга ҳеч қандай хилоф йўқ. Агар усти ё таги чарм билан қопланмаган, масҳ тортганда оёғи нам ўтадиган даражада юпқа бўлса, ҳамма мазҳаб имомлари бу хусусда, “масҳ тортиб бўлмайди” дейишган. Абу Ҳанифа “усту-таги чармланмаган қалин пайпоққа ҳам масҳ тортиб бўлмайди” деган. Абу Юсуф ва Муҳаммад “Агар пайпоқ қалин бўлса, усту-таги чармланмаса-да, масҳ тортиш мумкин” дейишган. Имом Абу Ҳанифанинг умри охирида шогирдларининг гапига қайтиб,

²³⁶ Алоуддин Косоний. Бадоеъ ус-саноеъ фий тартиб иш-шароеъ (Шариат қонунларини тартибланишда гўзал санъатлар). 1-китоб. Таҳорат. Арабчадан таржима ва шарҳ муаллифи Шайх Алоуддин Мансур. – Т.: Шарқ, 2018. 11-бет.

²³⁷ Алоуддин Косоний. Бадоеъ ус-саноеъ фий тартиб иш-шароеъ (Шариат қонунларини тартибланишда гўзал санъатлар). 1-китоб. Таҳорат. Арабчадан таржима ва шарҳ муаллифи Шайх Алоуддин Мансур. – Т.: Шарқ, 2018. 12-бет.

²³⁸ Шайх Алоуддин Мансур. Қомусий асар / Алоуддин Косоний. Бадоеъ ус-саноеъ фий тартиб иш-шароеъ (Шариат қонунларини тартибланишда гўзал санъатлар). 1-китоб. Таҳорат. Арабчадан таржима ва шарҳ муаллифи Шайх Алоуддин Мансур. – Т.: Шарқ, 2018. 12-бет.

²³⁹ Шайх Алоуддин Мансур. Қомусий асар / Алоуддин Косоний. Бадоеъ ус-саноеъ фий тартиб иш-шароеъ (Шариат қонунларини тартибланишда гўзал санъатлар). 1-китоб. Таҳорат. Арабчадан таржима ва шарҳ муаллифи Шайх Алоуддин Мансур. – Т.: Шарқ, 2018. 13-бет.

“калин пайпоққа масх тортса бўлади” деган сўзлари ҳам ривоят қилинган. Бу ўринда оддий жун пайпоқлар эмас, балки калинлиги бир сантиметрга яқин бўлган “жавроб” деб аталадиган пайпоқ назарда тутиляпти. Демак, мазҳабимизнинг ҳукми - пайпоққа масх тортиб бўлмайди²⁴⁰. Этика, маҳсига, пиймага, тери билан қопланган пайпоққа ва қалин жавробга масх тортса бўлади. Бу санаб ўтилган оёқ кийимлар масх тортишга яроқли бўлиши учун уларда кўп тешиклар бўлмаслиги керак²⁴¹.

“Бадоеъ ус-саноеъ”нинг иккинчи жузи диннинг устуниси ва “мўминнинг меърожи” бўлган намозга бағишланган²⁴². Абу Бакр Косоний муқаддимани “солат” (дуо) сўзининг лугавий маъносидан бошлаб, сўнг истилоҳий маъносини таҳлил этган: “жумҳур уламо “солат” деганда намоз, яъни, барчамизга маълум такбир, тасбиҳ, таслим, қиём, рукуъ, сужуд каби сўз ва феъллардан иборат ибодат тури тушунилишини таъкидлашган²⁴³.

Абу Бакр Косоний намоз фарз бўлишининг сабаби, намозлар саногии, рақъатлар сони, намоз рукнлари, рукнларнинг шартлари, намоз вожиблари, суннатлари, намозда мустаҳаб ва макруҳ саналган феъллар, намозни бузувчи сабаблар, намоз бузилганида ёки вахтидан кечикканида ё жамоатдан қолганда ёки ўз ўрнидан бошқа ерда ўқилгандаги намознинг ҳукмини Қуръон, сунна, ижмоъ, яъни тўрт мазҳаб фақиҳлари ҳукми асосида таҳлил этган. Намоз фарзлиги Қуръонда ҳам, суннатда ҳам, ижмоъда ҳам бор. Намоз банданинг Аллоҳ билан боғланиш воситаси, ютуқ ва нажот йўли, поклик рамзидир. Аллоҳ таоло айтди: “Намозни тўқис адо қилингиз”²⁴⁴, “Албатта намоз мўминларга (вақти) тайинланган фарз бўлди”²⁴⁵, “Барча намозларни ва хусусан ўрта намозни (аср намозини) сақланглар, ўз вақтларида адо қилинглар”²⁴⁶. Убода ибн Сомит (р.а.) ривоят қилинган ҳадисда Расулulloҳ (с.а.в.) дедилар: “Албатта Аллоҳ таоло мўмин бандаларига ҳар кеча-кундузда беш вақт намоз ўқишни фарз қилди. Кимки бу беш вақт намознинг бирор қисмини енгил санамасдан, ҳақларини зое қилмасдан (яъни, буюрилганидек) адо қилса, албатта Аллоҳ ҳузурини у киши учун Аллоҳнинг жаннатга киритиш аҳд-ваъдаси бор. Кимки бу беш вақт намозни адо қилмаса, энди унинг учун Аллоҳнинг ҳузурини аҳд-ваъда йўқ, агар (Аллоҳ хоҳласа, уни азоблайди, хоҳласа, жаннатга киритади”²⁴⁷.

Намознинг гуноҳларга, хатоларга, тойилишларга ва нуқсонларга каффорат экани ҳам намознинг фарзлигига ақлий далил бўлади. “Намоз аслида тўрт навга бўлинади: “фарз”, “вожиб”, “суннат”, “нафл”. Фарзнинг ўзи икки хил: “фарзи айн” ва “фарзи кифоя”. “Фарзи айн” – балогатга етган, шариатнинг буйруғи ва қайтариқларидан иборат ҳукмлари зиммасига юкланган ҳар бир кишининг бажариши фарз бўлган амаллар. Бу амал бир қисмини бажариб, бошқа қисмини тарк этиш билан адо бўлмайди. Токи у тўла адо қилинмагунча фарздан кўзланган мақсад юзага чиқмайди. Фарзни тарк қилган киши гуноҳкор бўлади ва охиратда жазоланади. Фарзи кифоя ҳар бир кишидан эмас, балки жамоатдан бажарилиши талаб қилинган амалдир. Яъни, бу фарзни жамоатдан бир киши қилса, қолганлардан уни бажариш соқит. Агар бу фарз амални ҳеч ким қилмаса, жамоатдаги болиғ ва мукаллаф (шариат таклифи бўйнига тушган) кишиларнинг барчаси гуноҳкор бўлади²⁴⁸.

²⁴⁰ Алоуддин Косоний. Бадоеъ ус-саноеъ фий тартиб иш-шароеъ (Шариат қонунларини тартиблашда гўзал санъатлар). 2-китоб. Намоз. Арабчадан таржима ва шарҳ муаллифи Шайх Алоуддин Мансур. – Т.: Шарқ, 2018. 82-83-бетлар.

²⁴¹ Алоуддин Косоний. Бадоеъ ус-саноеъ фий тартиб иш-шароеъ (Шариат қонунларини тартиблашда гўзал санъатлар). 2-китоб. Намоз. Арабчадан таржима ва шарҳ муаллифи Шайх Алоуддин Мансур. – Т.: Шарқ, 2018. 89-бет.

²⁴² Алоуддин Косоний. Бадоеъ ус-саноеъ фий тартиб иш-шароеъ (Шариат қонунларини тартиблашда гўзал санъатлар). 2-китоб. Намоз. Арабчадан таржима ва шарҳ муаллифи Шайх Алоуддин Мансур. – Т.: Шарқ, 2018.

²⁴³ Алоуддин Косоний. Бадоеъ ус-саноеъ фий тартиб иш-шароеъ (Шариат қонунларини тартиблашда гўзал санъатлар). 2-китоб. Намоз. Арабчадан таржима ва шарҳ муаллифи Шайх Алоуддин Мансур. – Т.: Шарқ, 2018. 3-бет.

²⁴⁴ Қуръони Карим. Анъом сураси, 72-оят. Ўзбекча изоҳли таржима. Таржима ва изоҳлар муаллифи Алоуддин Мансур. – Т.: Чўлпон, 1992. 146-бет.

²⁴⁵ Қуръони Карим. Нисо сураси, 103-оят. Ўзбекча изоҳли таржима. Таржима ва изоҳлар муаллифи Алоуддин Мансур. – Т.: Чўлпон, 1992. 103-бет.

²⁴⁶ Қуръони Карим. Бақара сураси, 238-оят. Ўзбекча изоҳли таржима. Таржима ва изоҳлар муаллифи Алоуддин Мансур. – Т.: Чўлпон, 1992. 43-бет.

²⁴⁷ Алоуддин Косоний. Бадоеъ ус-саноеъ фий тартиб иш-шароеъ (Шариат қонунларини тартиблашда гўзал санъатлар). 2-китоб. Намоз. Арабчадан таржима ва шарҳ муаллифи Шайх Алоуддин Мансур. – Т.: Шарқ, 2018. 12-бет.

²⁴⁸ Алоуддин Косоний. Бадоеъ ус-саноеъ фий тартиб иш-шароеъ (Шариат қонунларини тартиблашда гўзал санъатлар). 2-китоб. Намоз. Арабчадан таржима ва шарҳ муаллифи Шайх Алоуддин Мансур. – Т.: Шарқ, 2018. 4-бет.

Абу Бакр Косонийнинг фикҳ илмида юксак иқтидор эгаси экани унинг нозик масалаларда ҳам аниқ ва ишонарли манбага таяниб мулоҳаза юритишида акс этади. Аллома ҳар битта ҳолатга шу даражада аниқ асос ва кенг қамров билан ёндашадик, шарҳланаётган мавзулар энг чекка чегарагача саволга ҳожат қолмайдиган тарзда очилади. Абу Бакр Косоний ҳанафий мазҳабдан бошқа мазҳабларда амаллар фақат фарз ва суннатга бўлиниши, ҳанафий мазҳабида амаллар фарз, вожиб ва суннатга ажратилиши, бошқа мазҳабларда фарз билан вожибнинг ҳукми бир бўлиб, икки истилоҳ бир-бирининг ўрнида ишлатилиши, ҳанафий мазҳабида фарз билан вожиб алоҳида амаллар ҳисобланиши, вожиб суннатдан кучли нарса бўлиб, фарз бўлишига далилининг қуввати етмай қолган ҳукм эканини эътироф этган: “Имом Аъзам мазҳабидан бошқаларида фарз амал билан вожиб амал фарқланмайди. Имом Аъзам мазҳабида фарз амал бошқа, вожиб амал бошқа. Фарз – қатъий далил билан буюрилган амал. Вожиб – қатъий далилсиз буюрилган амал. Фарзни қлмаган киши ҳам, вожибни қилмаган киши ҳам гуноҳкор ҳисобланади. Аммо фарзни инкор этган кофир бўлади, вожибни инкор қилган кофир бўлмайди. Чунки вожибни қилиш зарурлигига қатъий далил йўқ²⁴⁹.”

Абу Бакр Косоний намоз рақъатлари сони намозхоннинг муқим ёки мусофир ҳолатига боғлиқлиги, суннат намозини қаср қилиб ўқиб бўлмаслиги, суннат ва нафл намозларни қаср қилиб ўқишга оят ва ҳадисдан далил-ҳужжат йўқлиги, аёл киши уч кунликдан озроқ масофага зарурат бўлса, маҳрамсиз чиқиши мумкин, чунки у мусофир эмас. Аммо уч кунда ёки ундан ортиқ масофадаги жойга дунёвий мақсадда бўладими ё ҳаж ибодати каби диний мақсадда бўладими, ёнида маҳрами бўлиши шартлиги, ният феълга, иш-ҳаракатга боғлансагина эътиборга олинishi, намоз учун таҳоратли бўлиш шартлиги, йўлларда намоз ўқиб бўлмаслиги, ҳаммомда намоз ўқиб бўлмаслиги, саждаи сахвнинг ўрни, намознинг вожиблари, мусофирнинг муқимга айланиши, муаззиннинг сифатлари, жамоат намози, тиловат саждаси каби масалаларнинг далили изчил текшириб, ихтилофли масалалар жиҳатлари атрофлича ўрганган ва ҳанафий мазҳаби далиллари билан бирга суннийликдаги бошқа мазҳаб асосида ҳам таҳлил этган. Шунинг учун ҳам, “Бадоеъ ус-саноеъ” баён услуби ва фикҳий масалалар ечимига кўра ўз даври етук уламулари томонидан юксак баҳоланган. Жумладан, Ҳожи Халифа “Кашф уз-зунун” асарида “Бу китоб исми жисмига монандир” деб таъкидлаган.

Асарнинг тарихий хизмати шундаки, сал кам минг йил муқаддам ўтган ҳамюртимиз Алоуддин Косонийнинг ўз давридаги ақидавий, фикҳий ихтилофларга барҳам бериш, ҳанафийларнинг мавқеи тикланиб, илм-маърифат ва барқарорлик таъминлаш, мўътазила ва бидъатчи тоифалар йўқ қилиш борасидаги саъй-ҳаракатлари натижасида мазҳаблар орасидаги бирдамлик, ҳурмат-эътибор ошишидадир.

Фикҳ илми қомуси бўлган “Бадоеъ ус-саноеъ” Шайх Алоуддин Мансур томонидан ўзбек тилига ўгирилиб, 2018 йилда “Шарқ” нашриётида чоп этилди. Мамлакатимизда илм-фан, маданият ва санъат соҳаларида дунё тамаддунига беназир хисса қўшган улуғ мутафаккирлар ҳаёти ва фаолияти ва бой маънавий меросни ўрганиш ва тарғиб этишга эътибор қаратилаётгани замирида баркамол авлод тарбияси мужассамдир.

Ўз ҳаётини дину диёнат поклиги, иймон-эътиқод устуворлиги, илм ва адолат рўёби йўлига бағишлаган мўътабар аллома, ўз даври афкор оммасининг “малик ул-уламо” деган юксак эътирофига сазовор бўлган Абу Бакр Косоний нафақат ўзбек халқи, балки бутун мусулмон оламининг фахр-ифтихоридирки, буюк ватандошимиз дунёга келган бу муборак заминдан яна косонийлар етишиб чиқажак.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар

1. Ҳанафийлик мазҳаби асосчиси ироқлик Нўъмон ибн Собит Абу Ҳанифа (ваф. 767 й.) асос солган.
2. Раъй – фақиҳнинг Қуръон ва ҳадис асосида қабул қилган мустақил ҳукмига асосан қарор чмқариш.

²⁴⁹ Алоуддин Косоний. Бадоеъ ус-саноеъ фий тартиб иш-шароеъ (Шариат қонунларини тартиблашда гўзал санъатлар). 2-китоб. Намоз. Арабчадан таржима ва шарҳ муаллифи Шайх Алоуддин Мансур. – Т.: Шарқ, 2018. 19-бет.

3. Қиёс – Қуръон ва суннатда берилмаган бирор ҳуқуқий масала ундаги шунга ўхшаш масала бўйча берилган кўрсатман таққослаш йўли билан шарҳлаш усули.
4. Истиҳсон – арабча сўз бўлиб, бир нарсани яхши деб ҳисоблаш, маъқуллаш деган маънони англатади. Раъй ва қиёс орқали ҳал бўлмаган масалаларда истиҳсон қўлланилган. Масалани ечишда маҳаллий одатлар ва удумлар эътиборга олинган.
5. Алоуддин Косоний. Бадоеъ ус-саноеъ фий тартиб иш-шароеъ (Шариат қонунларини тартиблашда гўзал санъатлар). 1-китоб. Таҳорат. Арабчадан таржима ва шарҳ муаллифи Шайх Алоуддин Мансур. – Т.: Шарқ, 2018.
6. Шайх Алоуддин Мансур. Қомусий асар / Алоуддин Косоний. Бадоеъ ус-саноеъ фий тартиб иш-шароеъ (Шариат қонунларини тартиблашда гўзал санъатлар). 1-китоб. Таҳорат. Арабчадан таржима ва шарҳ муаллифи Шайх Алоуддин Мансур. – Т.: Шарқ, 2018. 4-бет.
7. Қуръони Карим. Бақара сураси, 269-оят. Ўзбекча изоҳли таржима. Таржима ва изоҳлар муаллифи Алоуддин Мансур. – Т.: Чўлпон, 1992. -бет.
8. Алоуддин Косоний. Бадоеъ ус-саноеъ фий тартиб иш-шароеъ (Шариат қонунларини тартиблашда гўзал санъатлар). 1-китоб. Таҳорат. Арабчадан таржима ва шарҳ муаллифи Шайх Алоуддин Мансур. – Т.: Шарқ, 2018. 11-бет.
9. Алоуддин Косоний. Бадоеъ ус-саноеъ фий тартиб иш-шароеъ (Шариат қонунларини тартиблашда гўзал санъатлар). 1-китоб. Таҳорат. Арабчадан таржима ва шарҳ муаллифи Шайх Алоуддин Мансур. – Т.: Шарқ, 2018. 12-бет.
10. Шайх Алоуддин Мансур. Қомусий асар / Алоуддин Косоний. Бадоеъ ус-саноеъ фий тартиб иш-шароеъ (Шариат қонунларини тартиблашда гўзал санъатлар). 1-китоб. Таҳорат. Арабчадан таржима ва шарҳ муаллифи Шайх Алоуддин Мансур. – Т.: Шарқ, 2018. 12-бет.
11. Шайх Алоуддин Мансур. Қомусий асар / Алоуддин Косоний. Бадоеъ ус-саноеъ фий тартиб иш-шароеъ (Шариат қонунларини тартиблашда гўзал санъатлар). 1-китоб. Таҳорат. Арабчадан таржима ва шарҳ муаллифи Шайх Алоуддин Мансур. – Т.: Шарқ, 2018. 13-бет.
12. Алоуддин Косоний. Бадоеъ ус-саноеъ фий тартиб иш-шароеъ (Шариат қонунларини тартиблашда гўзал санъатлар). 2-китоб. Намоз. Арабчадан таржима ва шарҳ муаллифи Шайх Алоуддин Мансур. – Т.: Шарқ, 2018. 82-83-бетлар.
13. Алоуддин Косоний. Бадоеъ ус-саноеъ фий тартиб иш-шароеъ (Шариат қонунларини тартиблашда гўзал санъатлар). 2-китоб. Намоз. Арабчадан таржима ва шарҳ муаллифи Шайх Алоуддин Мансур. – Т.: Шарқ, 2018. 89-бет.
14. Алоуддин Косоний. Бадоеъ ус-саноеъ фий тартиб иш-шароеъ (Шариат қонунларини тартиблашда гўзал санъатлар). 2-китоб. Намоз. Арабчадан таржима ва шарҳ муаллифи Шайх Алоуддин Мансур. – Т.: Шарқ, 2018.
15. Алоуддин Косоний. Бадоеъ ус-саноеъ фий тартиб иш-шароеъ (Шариат қонунларини тартиблашда гўзал санъатлар). 2-китоб. Намоз. Арабчадан таржима ва шарҳ муаллифи Шайх Алоуддин Мансур. – Т.: Шарқ, 2018. 3-бет.
16. Қуръони Карим. Анъом сураси, 72-оят. Ўзбекча изоҳли таржима. Таржима ва изоҳлар муаллифи Алоуддин Мансур. – Т.: Чўлпон, 1992. 146-бет.
17. Қуръони Карим. Нисо сураси, 103-оят. Ўзбекча изоҳли таржима. Таржима ва изоҳлар муаллифи Алоуддин Мансур. – Т.: Чўлпон, 1992. 103-бет.
18. Қуръони Карим. Бақара сураси, 238-оят. Ўзбекча изоҳли таржима. Таржима ва изоҳлар муаллифи Алоуддин Мансур. – Т.: Чўлпон, 1992. 43-бет.
19. Алоуддин Косоний. Бадоеъ ус-саноеъ фий тартиб иш-шароеъ (Шариат қонунларини тартиблашда гўзал санъатлар). 2-китоб. Намоз. Арабчадан таржима ва шарҳ муаллифи Шайх Алоуддин Мансур. – Т.: Шарқ, 2018. 12-бет.
20. Алоуддин Косоний. Бадоеъ ус-саноеъ фий тартиб иш-шароеъ (Шариат қонунларини тартиблашда гўзал санъатлар). 2-китоб. Намоз. Арабчадан таржима ва шарҳ муаллифи Шайх Алоуддин Мансур. – Т.: Шарқ, 2018. 4-бет.
21. Алоуддин Косоний. Бадоеъ ус-саноеъ фий тартиб иш-шароеъ (Шариат қонунларини тартиблашда гўзал санъатлар). 2-китоб. Намоз. Арабчадан таржима ва шарҳ муаллифи Шайх Алоуддин Мансур. – Т.: Шарқ, 2018. 19-бет.

ИСЛАМСКАЯ КУЛЬТУРА: СУЩНОСТЬ И ПУТИ ЕЕ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ

Хикматова Дилрабо Пулатовна, БухГУ филологический факультет

Ислам сыграл огромную роль в истории и культуре не только арабов, но и всех народов ближневосточного региона, а также иранцев, турков, индийцев, индонезийцев, многих народов средней Азии, Кавказа, Поволжья, Балкан, значительной части населения Африки. В результате арабского завоевания и под прямым воздействием ислама складывались не только судьбы народов «исламского мира», но и их культурные традиции, идейный багаж, нормы быта морали, мифа - поэтические и эпические образы и предания, которые и сегодня во многом определяют их жизнь. Конечно, покоренные арабами страны и народы сохраняли и развивали собственные доисламские культурные традиции - и тем более это относится к странам, куда ислам проник мирным путем. Однако, на протяжении веков почти абсолютного господства ислама доисламские традиции либо безвозвратно уходили в прошлое, либо настолько преобразовывались, что практически свелись лишь к национально-культурной специфике. Разумеется, эта специфика весьма дорога каждому из народов исламского мира, так как отражает его лицо и придает ему оригинальный облик. И в этом смысле ее нельзя недооценивать, считать второстепенным. Однако, важно подчеркнуть, что у любого из мусульманских народов она с лихвой перекрывается комплексом норм и предписаний общего для всех них ислама.

Сегодня на земле ислам исповедуют около миллиарда человек. Поэтому ислам - наряду с христианством и буддизмом - называют мировой религией.

Основным кредо ислама является широко известная и часто употребляемая фраза: «Нет бога кроме Аллаха и Мухаммед пророк его». В этом изречении четко и определенно выражена идея монотеизма, доведенная до своего наиболее последовательного завершения именно в исламе. Только один Аллах - бог единственный и безликий, высший и всемогущий, мудрый и всемилостивейший, творец всего сущего и его верховный судья. Слово и волю Аллаха, его заповеди и суть учения донес до правоверных великий пророк Мухаммед.

Основные идеи и принципы Мухаммеда зафиксированы в Коране, основном источнике мусульманского вероучения. Согласно общепринятой в исламе традиции, текст Корана был поведен пророку самим Аллахом через посредство Джебрайла (библейского архангела Гавриила, служившего в качестве посредника между богом и людьми). Аллах не раз передавал свои священные заповеди через различных пророков - Моисея, Иисуса, наконец, Мухаммеда. Этим исламское богословие объясняет и многочисленные совпадения текстов Корана и Библии: переданный через более ранних пророков священный текст был искажен иудеями и христианами, которые многое в нем не поняли, кое-что упустили, извратили, поэтому только в своей последней версии, авторизованной великим пророком Мухаммедом, правоверные могут иметь высшую и бесспорную божественную истину.

Основных обязанностей мусульманина ислам насчитывает пять: исповедание, молитва, пост, милостыня и хадж.

Молитва - обязательный каждодневный пятикратный ритуал, от которого могут быть освобождены лишь больные, немощные и малые дети. Те кто не молится пять раз в день - не верные. Молитву полагается совершать на заре, в полдень, пополудни, при закате солнца и перед сном. Чаще всего ее совершают индивидуально, реже - группами, обычно в мечетях (не менее 40 мужчин, женщины в мечетях не молятся). Там же по пятницам и в дни праздников - торжественные богослужения, которыми руководят уважаемые в исламской общине руководители - имамы. Перед молитвой правоверный обязан провести обряд очищения. Если нет воды, например в пустыне, можно очиститься песком. Молитву совершают в одежде, в чистом месте на специальном коврике и обратившись в сторону Мекки.

Во время каждой из пяти ежедневных молитв мусульмане повторяют своего рода молитвенный ритуал (ракат) по два, а то и три, четыре раза. По пятницам число ракатов возрастает, а во время поста достигает подчас двадцати. Кроме пяти обязательных ежедневных молитв, правоверные совершают дополнительные - за умерших, по случаю вступления в брак, рождения ребенка, важного предприятия или начинания.

Чтобы правоверные за своими текущими делами не забывали о времени молитвы, в городах и селах воздвигаются высокие минареты при мечетях, а служители муэдзины громкими голосами возвещают о том, что время молитвы наступило. Если молитва совершается в мечети, пришедшие туда обязаны совершать омовение в специальном бассейне с проточной водой, установленном во дворе. При молитве в мечети все становятся лицом к специальной нише - михрабу, указывающей сторону Мекки, и совершают ракаты, повторяя все движения стоящего впереди них (тоже лицом к Мекке) имама.

Пост. У мусульман лишь один главный и обязательный пост, но зато он длится целый месяц. В арабских странах этот месяц называется рамадан, а в Турции, Иране, Афганистане несколько иначе - рамазан.

Мусульманский пост своеобразен: целый день нельзя ни есть, ни пить, ни тем более развлекаться, курить и т.п. Единственное, что разрешено глотать собственную слюну.

Шариат описывает правила поста до мельчайших подробностей. Нарушением воздержания считается не только намеренное введение или случайное попадание в рот, глотку, тем более в желудок малейшего количества пищи, воды или другой жидкости, а в горло - даже пыли, дыма или пара, но и принятие лекарств. Запрещены и медицинские процедуры, связанные с введением внутрь лечебных препаратов - уколы, клизмы и т.п.

Однако все перечисленные требования должны выполняться лишь днем. В темное время суток, с вечера до утра, пост прерывается. Коран так определяет суточное время поста: «Ешьте и пейте, пока не станет различаться перед вами белая нитка и черная нитка на заре, потом выполняйте пост до ночи».

В шариате перечислены уважительные причины, по которым можно отступить от соблюдения поста. Так, рамадан не обязателен для больных, престарелых и несовершеннолетних. От поста свободны беременные и кормящие грудью женщины. Однако все, кто пропустил пост, за исключением детей и неизлечимо больных, обязаны возместить его, когда отпадут эти уважительные причины: либо заплатить искупление путем раздачи милостыни беднякам, либо «отпоститься» в любой другой месяц, кроме рамадана.

Вечером об окончании дневного воздержания оповещают по радио и телевидению. Иногда по старой традиции в провинциальных городках об этом возвещает выстрел из пушки. Начинается вечернее разговение - ифтар. Летом это около восьми, зимой - около пяти вечера. Все, кто поститься заняты в этот час едой. Улицы пустеют.

Милостыня. Каждый имущий обязан раз в году делиться своими доходами, выделяя часть их в качестве милостыни в пользу бедных. Кроме обязательной милостыни, воспринимавшейся в качестве очистительного ритуала имущих и исчислявшейся обычно в несколько процентов их годового дохода, существует и дополнительная милостыня, выражавшаяся в виде воздаяния отдельным лицам, подаяния нищим, дарения на благоустроенные нужды - строительство мечетей, школ, больниц.

Хадж - пятый и последний из обязательных столпов веры, причем наименее обязательный из всех. Считается, что каждый здоровый мусульманин раз в жизни может посетить святые места в Мекке и поклониться Каабе.

Территория Мекки считается священной. Прежде чем вступить на нее, паломник должен привести себя в состояние «освещения» (ихрам). Он совершает омовение всего тела - облачается в особую одежду. Она состоит из двух кусков ткани; один служит поясной одеждой и оборачивается вокруг бедер - получается нечто вроде юбки до колен или чуть ниже. Другой кусок закрывает грудь и левое плечо, концы завязываются под мышкой на правом боку - это нечто вроде шали. Оба куска не должны иметь швов - «не знать, что такое

игла». Такая одежда существовала у арабов до ислама, она похожа также на одеяния древних евреев. Голова остается непокрытой. Обувью могут быть только сандалии.

Шариат означает «путь», «следование». По утвердившемуся в исламской литературе мнению, шариат определяется как совокупность обращенных к людям предписаний.

Шариат – это свод религиозных и правовых норм, составленный на основе Корана и Сунны, содержащей нормы государственного, наследственного, уголовного и брачно-семейного права. Мусульманское право едино: оно не подразделяется на гражданское, уголовное, религиозное. Тесно связанное с религией и определяемое в своих основных принципах авторитетами калама, это право, прежде всего, религиозное, учитывающее и нормы обычного права, адата.

Шариат опирается на Коран и Сунну, своего рода своды и кодексы исламского законодательства.

Предписания шариата многочисленны и строги. Они определяют все нормы взаимоотношений человека в семье и обществе, регламентируют почти все детали его быта и вместе с обычным правом (адатом) создают столь густую сеть обязательных предписаний, что это уже само по себе гарантирует конформность поведения правоверных.

Третьей ценностью ислама является собственность. Труд в исламе имеет очень важное значение. Именно результатом честного, добросовестного труда является собственность. Порицается пребывание в безделье; человек не должен быть обузой для остальных. Бесчестным поведением считается паразитирование в обществе. В исламе категорически запрещено попрошайничество. Согласно преданиям, которые подлежат неукоснительному исполнению, просить подаяние разрешено только лишь трем категориям людей: тому, кто находится в безвыходной ситуации, кто много задолжал и кто взял на себя долг и не может выплатить его. Трудоспособные лица должны сами зарабатывать себе на жизнь, а не существовать на чужие подаяния, что считается крайне постыдным явлением. В исламе не проводится разницы между видами работ. Любая общественно полезная работа уважаема. Главным критерием является законный характер труда. Каждый мусульманин должен зарабатывать себе на жизнь и создавать свою собственность только законным достойным способом. Незаконным и недостойным способом существования считается зарабатывать с причинением ущерба другим людям. Такой способ считается нечистым - харам, наоборот, честно и справедливо заработанное считается чистым - халал.

В исламе право собственности охраняется и гарантируется шариатом. В современных исламских государствах собственность подразделяется на две формы: частную и государственную. Посягательство на собственность карается достаточно сурово. Наказание в шариате классифицируется на: худуд, касас, дийат и тазир.

В исламе существует свой кодекс приличий. Особенно детально разработан он в отношении еды. Брать еду и питье полагается только правой рукой. Левая считается «нечистой» - ею сморкаются. Только правой рукой следует передавать блюда и другие приборы сотрапезникам. При еде пищу рекомендуется брать тремя (или больше) пальцами, но никак не двумя. Резать хлеб ножом запрещается нужно его ломать руками.

Широко известно, что в исламе существует как бы «сухой закон»: мусульманам запрещено употреблять спиртные напитки, и в этом есть своя логика: пьяный не может совершать намаз, ибо молитву нельзя начинать нечистым, к числу которых всегда относились и пьяные. Для мусульманина считается тяжким грехом не только употребление вина, но даже присутствие при пьяном застолье. Один из хадисов гласит: «Вино - источник грехов. Тот, кто выпил вина, теряет разум. Он не знает бога, не признает ни чьих прав, никого не уважает, даже своих родных и близких...» Существуют и пищевые запреты. Мусульмане не должны есть свинину, употреблять в пищу кровь и падаль. Запрещены также азартные игры: азарт сжигает человека и отвлекает его от обязанностей.

Итак, несмотря на наличие разных направлений, течений и сект, ислам в целом представляет собой достаточно цельную религиозную систему. Сложившаяся на стыке древних европейской и ближневосточной цивилизаций, впитавшая в себя все элементы

христианства и иудаизма, греческой философии и римского права, эта система оказалась сложным итогом многостороннего синтеза. Основой этого синтеза были арабская культура и арабская государственность.

Ислам показал себя одной из наиболее значительных сил среди мировых религиозных систем. Его сила состояла и состоит в том, что он пронизал все поры мусульманского общества, определил характер социально-экономических отношений, культуру и быт правоверных.

Таким образом, сила ислама заключается в основах, которые были заложены еще Мухаммедом. Ислам и сегодня живая, развивающаяся религия, которая активно вторгается в социально-политическую жизнь исламских стран и в мировую политику.

Литература:

1. Боронбеков Основные ценности ислама. Объекты охраны шариата// государство и право- 2003-№2 стр. 92-101.
2. Васильев Л.С. История религий востока. Учебное пособие для Вузов четвертое издание. 1999г.
3. Ельянов Е.В. Ислам: основные направления, течения и секты.// история (ПС)- 2001- №40 стр. 1-3.
4. Еремеев Д.Е. Ислам: образ жизни и стиль мышления.

ТУРИЗМ СОҲАСИДА МИҚДОР ВА СИФАТ КЎРСАТКИЧЛАРИГА ТАЪСИР КЎРСАТУВЧИ ОМИЛЛАР

*С.Сайфулло. Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти
ижтимоий фанлар кафедраси доценти
К.Б.Суюнова. Самарқанд Давлат Тиббиёт институти
ўқитувчиси*

Аннотация: Мамлакатимизда туризм инфратузилмаси, туристик хизматлар кўрсатишнинг сифати ҳамда даражаси, туризмнинг мамлакат иқтисодиётига қўшаётган ҳиссаси бугунги кунда асосий ўринлардан биридир. Давлатимиз томонидан ташкил қилинаётган бундай тадбирлар мамлакатимизда экспорт ва туризмни ривожлантиришда асосий манба бўлиб хизмат қилади.

Калит сўзлар: миллий иқтисодиёт, транспорт, транзит, автомобил йўллари, туристик хизмат.

2018 йил 22 июн куни БМТ Бош Ассамблеяси томонидан Марказий Осиё бўйича махсус резалюсия қабул қилинганлиги минтақавий ҳамкорликнинг янги босқичини бошлаб берадиган тарихий воқеа бўлди.

Марказий Осиёда барча мамлакатларнинг ҳамкорликка самимий интилишини ва умуман келажак учун масъулиятини ҳис этиши мамлакатимизнинг барқарор тараққиёти ва фаровонлигини мустаҳкам қафолатлайди.

Савдо – иқтисодий, энергетика ва маданий гуманитар, туризм соҳаларидаги ҳамкорлик янги суръатлар билан ривожланмоқда. Сув энергетика ресурсларидан оқилона фойдаланиш, давлат чегараларини делимитация ва демаркация қилиш масалаларида ўзаро мақбул қарорлар қабул қилишга эришилди. Транспорт соҳасидаги турли чеклов ва тўсиқларни бартараф этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Минтақа мамлакатлари ўртасидаги виза ва божхона тартиб – тамойиллари соддалаштирилди, қўшимча ўтказиш пунктлари очилди, автомобил, темирйўл ва хаво транспорти қатновлари тикланди ва бу борада ўнлаб янги йўналишлар йўлга қўйилди.

Энг йирик халқаро бозорларни ўзаро боғлаб турган Марказий Осиёнинг муҳим геостратегик жойлашувини ҳисобга олган ҳолда минтақамизнинг халқаро транспорт

йўлаклари тизимига интеграциялашувини жадаллаштириш мақсадида мамлакатимиз саъй-харакатларни бирлаштириш алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Бугунги кунда денгиз портларига тўғридан-тўғри чиқиш имконият-ларига эга бўлмаган минтақа давлатларининг транспорт – транзит харажатлари сезиларли даражада катта бўлиб, улар экспорт қилинаётган маҳсулот қийматининг 70 – 80 фоизигача етмоқда.²⁵⁰

Божхона тартиб тамойилларининг мукамал эмаслиги оқибатида юк ташувчилар товарларни етказиб беришга кетадиган вақтнинг 40 фоизигача бўлган қисмини беҳуда йўкотмоқда.

Шу муносабат билан Тошкентда ўтаётган конференция Марказий Осиёда янги интеграция жараёнларини бошлаш нуктаи назаридан муҳим роль уйнаши мумкин.

Мамлакатимиз олдида транзит салоҳиятини янада ривожлантириш ва миллий иқтисодиётлар таркибида транспорт соҳаси улушини ошириш вазифаси турибди.

Транспорт инфратузилмасига замонавий технологиялар ва харажат инвестицияларни жалб этиш, янги истиқболли транспорт йўлакларини шакллантириш мазкур вазифани амалий жиҳатдан ҳал этишга ёрдам беради.

БМТ экспертларининг ҳисоб-китобларига кўра, Марказий Осиё мамлакатларининг кооперация алоқаларини самарали йўлга қўйиш натижасида минтақа ялпи ички маҳсулоти ўн йилда камида икки баробар кўпайиши мумкин.

Шуни ҳисобга олиб Ашхабот битими доирасида Россия Қозоғистон – Ўзбекистон – Туркманистон – Ерон – Уммон – Ҳиндистон субминтақавий транспорт йўлагини шакллантиришни бошладик.²⁵¹

Биз Ўзбекистон – Қирғизистон Хитой темир йўли қурилиши тез фурсатда бошланишига катта умид билдирамиз. Истиқболли бу йўл “Шарқ-Ғарб” лойиҳаси доирасида Хитойдан бошланадиган, Қирғизистон ва Ўзбекистон орқали ўтадиган кейинчалик янги барпо етилган Боку-Тибилиси-Карс темир йўл магистралли орқали Жанубий ва Шарқий Европа, Яқин Шарқ мамлакатлари ва Ўрта ер денгизи портларига олиб чиқадиган янги транспорт йўлагининг муҳим буғини бўлиб қолади.

Минтақавий йўлакларни ривожлантириш ҳақида сўз борганда, ўша жараёнга Афғонистонни жалб этиш муҳим эканини қайд этиш лозим. Қуриб битказилган Хайратон – Мазори Шариф – Ҳирот магистралли, “Шимолий-Жанубий” лойиҳаси доирасида Ерон, Покистон ва Ҳиндистон темир йўлларига ҳамда Чоҳбахор ва Ғвадар портларига олиб чиқадиган янги транспорт йўлагини шакллантириш имконини беради.

Қайд этиш жоизки, сўнгги икки йил ичида жаҳон миқёсида автотранспорт воситасида юкларни ташиш ҳажми 50,8 фоиздан 70,6 фоизга ошган. Шундан келиб чиққан ҳолда транспорт транзит автомобил йўлларида самарали фойдаланиш ҳар қандай мамлакат учун катта даромад манбаидир.

Қўшни давлатлар билан ҳамкорликда янги автомобил йўлларини қуриш, у орқали хориж давлатларига йўл очиш, айна пайтда, автомобил йўлларини биргаликда тамирлаб, фойдаланиш каби ишлар ҳақида келишиб олинди. Бунинг натижасида юкларни автомобил йўллари орқали ташиш ҳамда транзит катнови йилдан – йилга ортиб бормоқда.

Бу ҳақда гап кетганда, ўтган йили ташкил этилган “Ўзбекистон-Қирғизистон-Хитой” халқаро транспорт қарвонини алоҳида келтириш зарур. Тошкентдан йўлга чиққан автомобил қарвони Андижондан қўшни давлат чегарасига, сўнг Уш ва Туркистон орқали Қашғаргача етиб боради. Умумий узунлиги 900 километр бўлган мазкур йўлдан халқаро аҳамиятдаги юклар ташиляпти.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда 10 та халқаро транспорт юналиши ҳамда ушбу йўналишлардаги автомобил йўларини таъмирлаш, қайта қуриш ва фойдаланиш бўйича

²⁵⁰ Шавкат Мирзиёев “Маразий Осиё халқаро транспорт йўлаклари тизимида: стратегик истиқболлар ва фойдаланилмаган имкониятлар” Халқаро конференция иштирокичиларига. Халқ сўзи 2018 йил, 21 сентябрь.

²⁵¹ Шавкат Мирзиёев “Маразий Осиё халқаро транспорт йўлаклари тизимида: стратегик истиқболлар ва фойдаланилмаган имкониятлар” Халқаро конференция иштирокичиларига. Халқ сўзи 2018 йил, 21 сентябрь.

ишлар олиб борилмоқда. Мамлакатимизда бу борада 11 та халқаро конференция аъзоси ҳисобланади. 29 давлат билан соҳага тегишли шартномаларга имзо чекилган.

Маълумотларга кўра, бугунги кунда Марказий Осиё мамлакатлари темир йўлларининг умумий узунлиги 22 минг километрга тенг. Шунинг 18 фоизи юртимиз ҳудудларидан ўтади. Эътиборлиси сўнгги пайтларда тизимда минтақа манфаатларига дахлдор бир қатор лойиҳлар рўйхати чиқарилмоқда. 2016 йилда Ангерен – Поп темир йўли очилгани, 2017 йилда эса Тошкент – Олмаота йўналиши бўйлаб тезюрар поездлар ҳаракати йўлга қўйилгани бунинг исботидир. Шунингдек ўтган йили Амударё орқали ўтадиган Туркманистон – Фароб янги темир йўл ва автомобил йўлининг очилиши юк ташиш ҳажмини 2,5 баробар ошириш имконини берди. 2018 йилнинг март ойида Галаба – Амузанг-Хошади темир йўл линиясининг ишга туширилиши ҳам транзит юкларини ташишда муҳим роль уйнайди.

Бугунги кунда “Ўзбекистон ҳаво йўллари Миллий авиакомпанияси томонидан Европа ва Осиёнинг 40 дан ортиқ шаҳарларига парвозлар амалга оширилаётган бўлса, жорий йилнинг октябр ойидан Мумбай ва Жиддага мунтазам қатновлар йўлга қўйилади.

Тибилиси, Меюнхен ва Корачига янги йўналишларни очиш бўйича муҳокама олиб борилмоқда. Мазкур халқаро конференциянинг асосий ташкилотчиларидан бири сифатида “Ўзбекистон ҳаво йўллари” миллий авиакомпанияси учун ҳам ниҳоятда фойдалидир. Чунки унда соҳа вакиллари “Чегара билмас Марказий Осиё” концепсияси асосида мулоқот бўлиб, авиаташувлар, аэронавигасия провайдерлари хизмати, ҳаво кемаларига техник хизмат кўрсатиш, ҳаво кенглигини муқобиллаштириш, мутахассисларни тайёрлаш соҳада ахборот технологияларини қўллаш каби масалаларни муҳокама қилишди.

Провардида 2018-2025 йилларда йўловчиларга хизмат кўрсатиш учун халқаро стандартларни жорий этиш “Навоий” халқаро интермдел логистика марказида юк ташувларни ривожлантириш, Марказий Осиё мамлакатлари авиасия субъектлари ўртасида ҳамкорлик қилиш ва бошқа масалалар, декларация, шунингдек, халқаро ҳаво транспорти уюшмаси билан тадбирар режаси имзоланди.

Шубҳасиз, мазкур халқаро конференция транспорт, транзит инфратузилмасини ривожлантириш, ҳуқуқи ва техник масалалар бўйича давлат ҳамда хусусий сектор вақллари мулоқоти, инвесторлар билан алоқаларни йўлга қўйиш учун муҳим майдон бўлди.

Халқаро конференцияда Марказий Осиё минтақасида транспорт соҳасини ривожлантиришга доир бир қатор ҳужжатлар қабул қилинди.²⁵²

Давлатимиз томонидан ташкил қилинаётган бундай тадбирлар мамлакатлар ўртасида экспорт ва туризмни ривожлантиришда асосий манба бўлиб хизмат қилади.

2017 йилнинг 11-12 май кунлари пойтахтимизда Шанхай ҳамкорлик ташкилоти форумининг XII йигилиши бўлиб ўтди. Форум ШХТ фаолияти кўмаклашиши ва уни илмий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида тузилган кўп томонлама жамоатчилик маслаҳатлашуви эксперт мустақил механизми ҳисобланади.

ШХТ доирасида савдо – иқтисодий, транспорт- коммуникация, инвестиция, туризм, илмий-техникавий соҳаларда шериклик ва бошқа масалалар бўйича муҳокамалар олиб борилиши кўзда тутилган.

Маълумки, ШХТ га аъзо давлатларнинг аксарияти азалдан Буюк Ипак йўли орқали бир-бири билан яқин савдо-иқтисодий ҳамда туристик ва маданий муносабатларни йўлга қўйган. ШХТ мамлакатларининг ҳар бири бой тарихий, маданий мероси билан ажралиб туради. Бу эса туризмни янада ривожлантириш учун енг муҳим омиллардан бири саналади. Хусусан, ташкилотга аъзо давлатлар аҳолиси деярли 1,6 миллиард кишини ташкил қилади, қолаверса, яқин келажакда Ҳиндистон ва Покистон давлатларини нуфузли тизимга аъзо бўлиши ҳисобига мазкур кўрсаткич қарийб 3,2 миллиард кишига етади. Табиийки, бу ушбу ташкилот доирасидаги туризм бозори қўламининг нақадар улканлигини кўрсатади.

Форумнинг навбатдаги йигилиши арафасида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги стратегик ва минтақаларо тадқиқотлар институти ходими Сухроб Юсупов

²⁵² Дилшод Улугмуродов. Марказий Осиё Жаҳон бозорларини ўзаро боғловчи муҳим минтақа. Халқ сўзи 2018 йил 21 сентябрь

билан ШХТ га аъзо давлатлар ўртасида туризм соҳасидаги ҳамкорликни тараққий топтириш истиқболлари, мамлакатимизда мазкур тармоқ равнақи йўлида амалга ошираётган ишлар тўғрисида суҳбатлашдик.

Мамлакатимиз жуда кўплаб маданий тарихий мероси, табиий шарт-шароитлари билан ҳам сайёҳлар эътиборини жалб этиб келади. Мисол учун, 7300 дан ортиқ “маданий-тарихий ёдгорликлар, миллий табиат қўриқхонаси, 106 та музей, 52 та театр, 187 та маданият ва истироҳат боғини ана шулар орасига киритиш мумкин.

Шунга қарамай, туризм инфратузилмаси, туристик хизматлар кўрсатишнинг сифати ҳамда даражаси, туризмнинг мамлакат иқтисодиётига қўшаётган ҳиссаси глобаллашув даврининг туризм бозоридаги жиддий рақобат шароитида замонавий талабларга жавоб беради, деб бўлмайди. Туризм ва сайёҳлик бутунжаҳон кенгаши маълумотларига кўра 2015 йилда соҳанинг иқтисодий самараси, агар тўғридан-тўғри таъсирини инобатга олсак, дунё микёсида бир триллион 810 миллиард АҚШ долларидан зиёдрокни ёки ялпи ички маҳсулотнинг 1,1 фоизини ташкил қилган²⁵³.

Матбуотларнинг берган маълумотларига қараганда Сингапур мамлакатига йилига 29-30 миллион киши келиб кетади, давлат бюджетининг 28-29 фоизи туризмдан. Бундай мисолларни Франция, Хитой мамлакатлари мисолида ҳам келтиришимиз мумкин.

Кўриниб турибдики, бу борада ҳали ишга солинмаган имкониятлар сақланиб келинмоқда. Шу ўринда қайд этиш керакки, ШХТ га аъзо давлатлардан бири Хитой бугунги кунда хорижий мамлакатларга сайёҳларни чиқариш бўйича етакчи давлатлардан саналади. Жумладан, 2016 йилда ушбу мамлакатдан хорижга 135 миллион нафар сайёҳ сафар қилган. Улар жами 261 миллиард АҚШ долларлик сарф-харажатни амалга оширган. Агар ушбу айланма маблағларнинг атига 1 фоизини Ўзбекистон туризм бозорига жалб этишга еришилса, иқтисодиётимизда туризмнинг улушини бир неча карра ошириш имконияти яратилади.

Қайд этиш жоизки 2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта стратегик устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясида туризм соҳасини тараққий эттириш иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланган.

Демак, мамлакатимизда туризмни ривожлантиришга доир чора-тадбирлар асосида кенг имкониятлар яратилмоқда.

Шунингдек 86 та мамлакат фуқароларига визасиз ва 57 та давлат фуқароларига соддалаштирилган виза режими жорий этилиши натижасида ўтган йили юртимизга 6,7 миллион нафар хорижий сайёҳлар ташриф буюрди. Бу 2016 йилга нисбатан 4,7 миллион нафарга ёки 3,3 баробар кўп демакдир.²⁵⁴

Мазур соҳани иқтисодиётнинг стратегик тармоқ сифатида жадал ривожлантириш борасида давлат даражасида олиб борилаётган чора-тадбирлар бугун халқаро экспертлар эътирофига сазовор бўлмоқда.

Хусусан, туризмни ривожлантиришнинг янги конституциясини шакллантириш ҳамда изчил амалга ошириш, туризмга иқтисодиётнинг стратегик сектори мақомини бериш соҳани барча ҳудудни ҳамда ўзаро боғлиқ тармоқларни комплекс равишда жадал раванк топтиришнинг етакчи кучига айлантириш, яратилаётган ялпи ички маҳсулотда, маҳаллий бюджет даромадларида туризмнинг улушини кўпайтириш, иш билан бандликни таъминлаш, аҳолининг турмуш даражасини ва сифатини ошириш бўйича тизимли чора-тадбирларни бажариш кўзда тутилмоқда.²⁵⁵

Туризм фаолияти соҳасида халқаро ҳамкорликни, биринчи навбатда, БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилоти (ЮНВТО), хорижий мамлакатларнинг туризм бўйича нуфузли халқаро ҳамда миллий ташкилотлари туризми хизматлари минтақавий ва жаҳон бозорларининг фаол

²⁵³ Зиёда Ашурова. ШХТга аъзо давлатларнинг туризмни ривожлантириш борасида мақсадлари муштарак. Халқ сўзи. 2017 й 7 май.

²⁵⁴ Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси. Халқ сўзи. 2020 йил 25 январь

²⁵⁵ Зиёда Ашурова. ШХТга аъзо давлатларнинг туризмни ривожлантириш борасида мақсадлари муштарак. Халқ сўзи. 2017 й 7 май.

иштирокчилари билан ҳамкорликни кенгайтириш, Ўзбекистоннинг соҳани тартибга солувчи универсал халқаро конференциялар ва битимларга иштироки, туризм фаолияти амалиётига халқаро ҳамда давлатлараро стандартлар ва нормаларни жорий қилиш каби вазифаларнинг белгиланганлиги мамлакатимизнинг халқаро туризм бозорига жадал кириб боришини таъминлайди.

Бу борада бошланган амалий ишларнинг аҳамияти нималарда кўринади деган саволга куйидагича жавоб бериш мумкин.

Туризм соҳасини ривожлантириш йўналишидаги амалий ишлар ҳақида сўз юритганда авваламбор. Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси фаолияти ташкил етилганлигини энг муҳим қарор сифатида эътироф этиш лозим. Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини ўрта муддатли истиқболда ривожлантириш концепсияси ҳамда 2017-2021 йилларда Концепсияни амалга ошириш юзасидан чора-тадбирлар дастури лойиҳалари ишлаб чиқилди, кенг муҳокамага куйилди. Эътиборга сазовор томони, унда ҳар йили гастрономик фестиваллар, миллий спорт уйинлари фестивалини ташкил қилиш, Устюртда экстремал маршрут бўйича авторалли ўтказиш, Бухоро вилоятида анъанавий, яъни халқ табобати комплексини, Фарғона вилоятининг Риштон туманида Сапол марзининг Маргилон шаҳрида хонатлас марказини, Наманган вилоятининг Чуст туманида темирчилик устахонаси музейини ташкил этиш каби қатор янги ташаббуслар илгари сурилган.

Бу саъий-ҳаракатлар мамлакатимиз иқтисодиётининг стратегик тармоғи сифатида турзмни иқтисоди ҳамда ташкилий ҳуқуқий шарт-шароит яратиш, худудларнинг улкан туризм салоҳиятидан янада тўлиқ ва самарали фойдаланиш, туризм тармоғини бошқариш тубдан такомиллаштириш, миллий туризм маҳсулотларини яратиш ҳамда жаҳон бозорларида тарғиб қилиш, соҳада Ўзбекистоннинг ижобий имконини шакллантиришга хизмат қилади.²⁵⁶

- ШХТ доирасида туризм соҳасида ҳамкорликни кенгайтириш истиқболлари қандай деган саволга куйидагича жавоб берилди.

2016 йил июлда Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган ШХТ га аъзо давлатлар раҳбарлари САММИТИ доирасида ШХТ га аъзо давлатларнинг туризм ҳақидаги ҳамкорлигини ривожлантириш дастури имзоланган эди. Ушбу ҳужжатда ШХТ га аъзо давлатлар мавжуд маданий, тарихий ва иқтисодий алоқалар негизида туристлар алмашинувини жадаллаштириш, соҳадан олинган даромадларни ошириш, янги иш ўринларини яратиш ҳамда мамлакатлар фаровонлигини юксалтириш учун умумий сайёҳлик маконини шакллантириш мақсадида туризм соҳасида икки ва кўп томонлама тенг ҳуқуқли ҳамда ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтириш ва ривожлантириш келишиб олинди.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш керакки, Ўзбекистоннинг туризмни ривожлантиришга қаратилган саъий-ҳаракатлари ШХТ доирасида соҳада ҳамкорликни кенгайтириш борасида еришилган келишувларга ҳамоҳангдир. Бу еса, ўз навбатида, юртимиз бозорининг ШХТ га аъзо давлатлар учун жозибadorлигини оширади. Қолаверса, пойтахтимизда бўлиб ўтилиши кўтилаётган ШХТ формумига навбатдаги йигилишда ҳам ташкилот доирасида иқтисодиётнинг турли тармоқлари қаторида туризм соҳасида ҳамкорлик масалалари ҳам муҳокама етилади. Ушбу муҳокамалар жараёнида соҳада ҳамкорликни янада ривожлантириш бўйича янги таклифлар билдирилиши кутилмоқда. Бу келгусида ШХТ мақомида туризм бўйича ҳамкорликнинг янги имкониятларини ишга солишга туртки беришига ишонамиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Шавкат Мирзиёев “Маразий Осиё халқаро транспорт йўлаклари тизимида: стратегик истиқболлар ва фойдаланилмаган имкониятлар” Халқаро конференция иштирокичиларига. Халқ сўзи 2018 йил, 21 сентябрь.
2. Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси. Халқ сўзи. 2020 йил 25 январь
3. Дилшод Улугмуродов. Марказий Осиё Жаҳон бозорларини ўзаро боғловчи муҳим минтақа. Халқ сўзи 2018 йил 21 сентябрь

²⁵⁶ Зиёда Ашурова. ШХТга аъзо давлатларнинг туризмни ривожлантириш борасида мақсадлари муштарак. Халқ сўзи. 2017 й 7 май.

4. Зиёда Ашурова. ШХТга аъзо давлатларнинг туризмни ривожлантириш борасида мақсадлари муштарак. Халқ сўзи. 2017 й 7 май

ТУРИЗМ СОҲАСИНИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНТИРИШДА БАНК КРЕДИТЛАРИНИНГ ЎРНИ

К.Ғ.Муҳаммадиев - Самарқанд иқтисодий ва сервис институти “Банк иши” кафедраси ассистенти

О.Ш.Жумақулов - Самарқанд давлат университети IV босқич талабаси

Аннотация. Банклар хўжалик субъектларини кредит маблағлари билан таъминлаб, ижтимоий сармояни қайта тақсимлаш жараёнида воситачи сифатида қатнашади ва жамият миқёсида умумий самарадорликни оширишга хизмат қилади.

Калит сўзлар: янги иш ўринлари, аҳоли даромадлари, турмуш даражаси, кредит тизими, кредит риси.

Дунё ривожланишининг асосий омили бўлиб тизимли ва барқарор характерга эга бўлган молиявий ресурсларни глобаллашув жараёни ҳисобланади. Дунё хўжалиги доирасида кўплаб халқаро товар, хизматлар ва капитал оқими юз бераётган жараёнда кредитнинг роли бекиёс саналади. Айниқса мамлакатимизда ва бутун дунёда кейинги 100 йилликда кредит дунё хўжалиги алоқалари ва ишлаб чиқариш кучларини глобал ривожланишини кенгайтириши ҳамда чуқурлашишида катта роль ўйнайди.

Иқтисодийликда таркибий ўзгаришларни янада чуқурлаштириш, корхоналарнинг фаолиятини жадаллаштириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта қуроллантириш ҳамда туризм соҳасини инновацион ривожлантиришда кредит линиялари ва улар орқали кириб келаётган инвестицияларнинг ўрни беқасдир. 2018 йилда Давлат дастури доирасида 21 триллион сўм ва 1 миллиард долларга тенг 76 мингта лойиҳани амалга оширганлиги мамлакатимизга илгор технологияларни татбиқ этиш, янги иш ўринларини яратиш ва шу асосда мамлакатимиз иқтисодийнинг барқарор ва бир маромда ривожланишини таъминлаш имкониятини яратмоқда деб уйлаймиз.

Аҳоли фаровонлигини ошириш мақсадида жорий йилда иш ҳақи, пенсия, стипендия ва ижтимоий нафақалар миқдори ўтган йилларга нисбатан сезиларли равишда оширилди. Хусусан, педагог ходимларнинг иш ҳақи сўнги 10 йилда биринчи марта 50 фоизгача кўпайтирилди. Кўрилган чора-тадбирлар туфайли аҳолининг реал умумий даромадлари 2017 йилга нисбатан 12 фоизга ошди.

Жаҳон банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Ислон ва Осиё тараққиёт банклари, бошқа халқаро молия институтлари билан ҳамкорликдаги инвестициялар ҳажми 8,5 миллиард долларни ташкил этди. Бугунги кунда Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар ва уларнинг натижаси жаҳондаги етакчи халқаро рейтинг агентликлари томонидан эътироф этилаётганини алоҳида таъкидлаш лозим. Шу ўринда дунёдаги нуфузли “**Fitch Ratings**” ва “**Standart & Poo’rs**” рейтинг агентликлари биринчи марта мамлакатимизнинг халқаро суверен кредит рейтингини белгилади. Ана шу рейтинг баҳолари “**Барқарор**” прогнозига эга бўлиб, бу яқин 12-18 ой давомида ушбу кўрсаткичнинг пасайиш эҳтимоли камлигини билдиради.

Шунда экан биз ҳозирги кунда замонавий иқтисодий муносабатлар мажмуасини банклар хизматисиз тасаввур қила олмаймиз. Чунки банклар хўжалик субъектларини кредит маблағлари билан таъминлаб, ижтимоий сармояни қайта тақсимлаш жараёнида воситачи сифатида қатнашади ва жамият миқёсида умумий самарадорликни оширишга хизмат қилади. Айнан шу жараёнда банк ва мижоз ўртасида қонун талаби ва меъёрий ҳужжатлар асосидаги, турли шакл ва усулга эга муносабатлар юзага келади. Бу муносабатлар жаҳон андозалари талабида шаклланиши ва ҳуқуқий тенглик асосида ривожланиб бориши давр талаби бўлиб, эндиликда банклар фаолиятининг ривожини бевоқиф мижозлар фаолиятига боғлиқ бўлиб

хисобланади. Бу борада, мухтарам Президентимиз Ш. Мирзиёев ўзининг 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида “Макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаб ва иқтисодий ўсишнинг юқори суратларини сақлаб қолиш энг муҳим устувор вазифамиздир. Кредит портфели жами маблағларининг 80 фоизга яқини ички манбалар улушига тўғри келмоқда. Айниқса, банк хизматларидан фойдаланиш даражасини алоҳида эътироф этиш ўринлидир. Масалан, юртимизда ҳар юз минг катта ёшдаги аҳолига 49,7 та банк муассасаси тўғри келаётгани, ҳар минг киши номига 1 минг 29 та банк ҳисобрақами очилгани халқаро нормалар бўйича «юқори» деган баҳо кўрсаткичига мос келади. Шу ўринда мамлакатимиздаги деярли барча тижорат банклари етакчи халқаро рейтинг агентликлари томонидан бериладиган «барқарор» рейтинг даражасини олишга эришганлигини мамнуният билан қайд этишни истардим ва шу фурсатдан фойдаланиб, бугунги мураккаб бир замонда айти шу ютуқларни қўлга киритишда хизмат қилган мутасаддиларга миннатдорлик билдираман»²⁵⁷, деб алоҳида таъкидлаб ўтдилар.

Маълумки, бугунги кунда мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришда банклар томонидан берилаётган кредитларнинг аҳамияти беқиёс даражада ошиб бормоқда. Аммо ҳар қандай тараққиёт жараёни қарама-қаршиликлар, муаммолар асосида мукамаллашиб боради. Мамлакатимизда фаолият олиб бораётган тижорат банклари кредит сиёсатини амалиётга жорий этиш орқали (одатда) қуйидагиларга эришиш режалаштирилса мақсадга мувофиқ булар эди.

Булар:

- иқтисодий жиҳатдан келажаги порлоқ, молиявий жиҳатдан ўзини – ўзи қоплаб фойда келтирувчи ҳамда банкнинг стратегик мақсадларига мос келувчи лойиҳаларни молиялаштириш учун кредитлар бериш;

- банк миқозлари билан узоқ муддатли ўзаро фойда келтирувчи муносабатларни ўрнатиш;

- банк амалиётида кредитлашнинг ўз-ўзини оқламаган турлари ва усуллари ҳамда муваққат ҳарактерга эга ва келажаги йўқ турларини амалда жорий этмаслик;

- бугунги кунда юқори сифатли банк кредит портфелини шакллантирилишини таъминловчи малакали кредит ходимларини тайёрлаш ишлари олиб борилса.

Тижорат банкларининг кредит сиёсатининг асосий йўналишлари - бу биринчи навбатда у хизмат кўрсатадиган халқ хўжалиги тармоғида фаолият кўрсатувчи хизмат кўрсатиш соҳалари, ташкилотлар, корхоналар, шунингдек халқ хўжалигининг бошқа тармоқлари, жумладан кичик бизнес субъектлари, яқка тартибдаги тадбиркорлар ва аҳолининг барча қатламларига ҳисоб-кредит хизматларини кўрсатиш, кредитлаш бўйича янги банк маҳсулотларини жорий этишдан иборатдир.

Бугунги кунда республикамиз иқтисодиётининг барқарор ривожланиши авваламбор, унда амалга оширилаётган ислохотлар натижалари билан чамбарчас боғлиқ. Банк тизимидаги ислохотларни янада чуқурлаштириш, иқтисодий соҳадаги устувор вазифаларнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Республикамиз банк фаолияти, тижорат банклари ривожланиши, уларнинг эркинлашуви жуда мураккаб муҳитда, яъни иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий рақобат муҳитида шаклланимоқда. Бугунги кунда банк фаолиятини эркинлаштириш шароитида банклараро рақобатнинг кучайиши ва унинг такомиллашуви заруриятга айланиб бормоқда.

Банк фаолиятида рақобатнинг характери бозор характери билан белгиланади. Кучли рақобат шароитида банкларнинг самарали фаолият олиб боришлари учун кучли кредит сиёсатига зарурат туғилади. Бугун иқтисодий жараёнлар республикамиз тижорат банкларида етарли ресурс маблағлар бўлишини, мавжуд маблағларни энг кам риск асосида

²⁵⁷ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг 2016 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. <http://uz.uz/oz/politics/30441>.

жойлаштириб, юқори даромад олиш имкониятига эга бўлишни кўзда тутди. Юқори даромад олиш эса, ўз навбатида, банклар олиб борадиган операцияларнинг рисклилик даражасини оширади, чунки банклар асосан четдан жалб қилинган ресурслар билан ишлайдилар. Улар бир томондан, ўз акциядорлари олдида жавобгар бўлсалар, иккинчи томондан, ўз маблағларини ишониб топширган ва банк хизматларидан фойдаланаётган мижозлар олдида мажбуриятга эгадирлар.

Тижорат банклари томонидан кредит операцияларини тўла-тўқис олиб бориш улар томонидан кредит сиёсатининг қай даражада ташкил этилганлигига боғлиқ. Ҳар бир банк сиёсий, иқтисодий, ташкилий ва бошқа жиҳатларни ҳисобга олган ҳолда, ўз кредит сиёсатини шакллантириши банк кредитлашининг муҳим жиҳати ҳисобланади. Бу кредитларни бошқаришнинг асоси ҳисобланади.

Оқилона кредит сиёсати банк кредит портфели сифатининг ошишишга олиб келади. Тегишли равишда, кредит сиёсатининг мақсади, ҳуқуқий тартибга солиш диапозони, маблағ олиш имконияти, энг юқори риск даражаси, ссуда портфели баланси, муддатлар бўйича мажбуриятлар ва активлар тузилмасини ҳисобга олиш керак. Шунингдек, кредит сиёсатини ишлаб чиқишда асосий тамойилларга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Тижорат банкининг оптимал кредит сиёсатини харажатларни қоплашга имкон берувчи ва маълум даражада фойда келтирувчи сиёсат сифатида тавсифлаш мумкин. Тижорат банклари кредит сиёсатини тўғри ташкил этиш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади, чунки кредит операциялари банк операциялари ичида асосий ўринни эгаллайди. Бундан келиб чиқиб, банк даромадининг асосий қисмини банк кредит операцияларидан келадиган даромад ташкил этади. Банк кредит сиёсатини тўғри ташкил этиш, кредит рискин камайтиришга хизмат қилади. Ўз навбатида эса, банк кредит портфелини бошқариш тартиби банк кредит сиёсати орқали белгиланади.

Ҳозирги кунда туризм соҳасини инновацион ривожлантириш тижорат банки кредит портфелини бошқаришнинг асосий вазифалари сифатида қуйидагиларга амал қилинса мақсадга мувофиқ булар эди деб уйлаймиз:

- ✓ кредит рисқи даражасига таъсир кўрсатувчи омилларни аниқлаш ва уларни баҳолаш;
- ✓ қарз олувчининг кредитга лаёқатлилиқ даражасини ва унинг молиявий аҳволининг, кредит рискин прогноз қилиш мақсадида ўзгариши эҳтимолини аниқлаш;
- ✓ яратилаётган захиранинг етарлилигини баҳолаш ва уни ўз вақтида тўғрилаб бориш;
- ✓ кредит қўйилмаларини диверсификация қилишни, уларнинг ликвидлилигини ва даромадлилилигини таъминлаш;
- ✓ банкнинг кредит сиёсатини ишлаб чиқиш ва уни кредит портфелининг сифати таҳлилига асосланган ҳолда тўғрилаб бориш.

Хулоса ўрнида алоҳида таъкидлашни лозим топди-ки, туризм соҳасининг ривожини учун қулай иқтисодий ва ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитларни етарли даражага кўтариш бу албатта кредит тизимини такомиллаштириш имконини яна бир марта кўриб чиқишимиз зарурлигини билдиради ва мамлакатимизда туризм соҳасида инновацион ривожланишга эришиш имкониятини яратади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг 2016 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устивор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. <http://uza.uz/oz/politics/30441>.
2. Ш.М.Мирзиёев. Демократик ислохотларни изчил давом эттириш халқимиз учун тинч ва осойишта, муносиб ҳаёт даражасини яратиш – барқарор тараққиёт кафолатидир. Халқ сўзи газетаси, 2016 йил 2 ноябрь.
3. Yo'ldoshev N.Q. va boshqalar. «Innovatsion menejment». Darslik. T.:TDIU, 2012 yil.

Bugungi kunda mamlakatimizda ma'naviy qadryatlar yuksalishida o'ziga xos o'rin tutgan tasavvuf ta'limotining shakllanish jarayoni, tarixiy o'rmini ko'rsatib berish bilan birga ziyorat turizmini rivojlantirishning tarixiy konsepsiyasini tuzish zarur masalaga aylandi. Bu borada ayniqsa Buxoroiy Sharifning alohida e'tiborga sazovor bo'lgan hudud sifatida e'tiborga olinayotganligi bejiz emas, albatta buning o'ziga xos tarixiy jihatlari hisobga olingan. Buxoro zaminida tug'ilib o'sgan buyuk allomalarimiz orasida islom dini kamolotiga katta hissa qo'shganlar safi kengligini bugun jahon hamjamiyati keng e'tirof etganligi birgina Bahouddin Naqshband (1318-1389) ning naqshbandiya ta'limoti orqali tanilgani va hozirda Bahouddin Naqshband ziyoratgohiga ziyoratga kelganlar sonidan ham bilish mumkin. Shu o'rinda Birinchi Prezidentimiz Islom Karimov "Bahouddin Naqshbandning muborak siymosi va uning hayotdan uzilmagan ta'limoti haqida alohida to'xtalib : ota-bobolarimiz ulug' avliyo Bahouddin Naqshbandga chin dildan ixlos qo'yib, uni "Bahouddin Balogardon" deb ta'riflab kelishida teran ma'no bor. Uning "Diling Allohda, qo'ling mehnatda bo'lsin", degan hayotbaxsh hikmati dinimizning olijanob ma'no-mohiyatini yorqin ifodalab, xuddiki shu bugun aytilgandek jaranglaydi"²⁵⁸ – deya ta'kidlaganliklarini alohida qayd etish joizdir. 1993-yil Bahouddin Naqshbandiy 675 yillik yubileyi keng miqyosda nishonlanganligi barchaga ma'lum. Prezidentimiz Sh.M.Mirziyoyevning 2017-yil 10-mart kuni Bahouddin Naqshband majmuasida bo'lib, bu yerni obod maskanga aylantirish, ziyoratchilar uchun zarur sharoitlar yaratish borasida mutasaddilarga tegishli ko'rsatmalar bergan edi. Buxoroning Jahon sivilizatsiyasi va Islom madaniyati rivojiga qo'shgan hissasi beqiyos. Bu zaminda ko'plab allomalar tavallud topgan va yashagan. Ularning boy merosini chuqur o'rganish va keng targ'ib qilish uchun bu yerda Toshkent islom universitetining maxsus fakultetini tashkil qilish kerak,²⁵⁹ degan edilar davlatimiz rahbari va ushbu masala ijrosi asosida "Islom tarixi va manbashunosligi" yo'nalishi ochilganligini qayd etish zarur. 2018-yil 16 – fevral kuni Prezidentimiz Shavkat Mirziyoyevning Buxoro viloyatiga tashriflari Bahouddin Naqshband majmuasidan boshlandi va tashrif chog'ida Prezidentimizning 2017-yil 11-iyul kuni qabul qilingan "Abdulkholiq G'ijduvoniylar tavalludining 915 yilligini va Bahouddin Naqshband tavalludining 700 yilligini nishonlashga tayyorgarlik ko'rish hamda uni o'tkazish to'g'risida" gi qarori ijrosi yuzasidan tizimli ishlar olib borilmoqda. Naqshbandiya tasavvufning eng katta hududlarda tarqalgan va hozirgacha izdoshlariga ega tariqat hisoblanadi. Dunyoning ko'plab mamlakatlarida Naqshbandiya tariqati davomchilari bor. Ushbu tariqatning zamon talabiga mosligi, barchaga xosligi uning keng tarqalishiga saba bo'ldi. Xususan, Osiyo, Yevropa kabi dunyoning katta qismini egallagan ushbu qit'alarda Naqshbandiya tariqati tarqalishi bir necha asrlik tarixga ega va bugungi kunda ham ushbu tariqatni o'rganuvchilar soni ko'pchilikni tashkil etadi.²⁶⁰ Buni quyidagi tarixiy ma'lumotlar isbotlaydi. Hindistonda Xoja Ahmad Foruh Sirhindiy (1563/64-1624) naqshbandiya ta'limotining XVII asrda Hindistonda keng tarqalishiga muhim hissa qo'shdi.²⁶¹ 1690-yilda Yaman va Hijozda Naqshbandiya – Mujaddidiya kirib keldi. Uning a'zolari Misrda tarqaldi. Hind jamoasining ikkinchi migratsiyasi Xoja Muhammad Ma'sum (XVII asr)ning shogirdlari Muhammad Murod al Buxoriy(vafoti 1729-yil) nomi bilan bog'liq. U jamoaning g'oyalarini Hjoz, Misr, Suriya, Turkiyada targ'ib va tashviq qildi. Uning vafotidan keyin Turkiyada Murodiya tekkesi vujudga keldi. U Hind shohasining markazi bo'ldi. Bu shoha Bosniya, Suriya, Falastinga tarqaldi. Iyerusalimda ularni zaviyalarini o'zbekiya deb ataganlar. Irlandiya, Iroq, Eron, Kurdistonda XIX asr boshidan Naqshbandiya faol tarqaldi. Bu voqea Xolid Bag'dodiy (1776-1827) nomi bilan bog'liq. 1811-yilda vataniga qaytdi va Naqshbandiyaning Xolidiya shohasini tashkil etgan. Xolidiyani XIX asrda Turkiyani Nashbandiya jamoasi sifatida tanidilar. Xolidiya shohasi Kurdistonda ham tarqaldi. Hijoz orqali bu shoha

²⁵⁸ Karimov I.A. "Yuksak ma'naviyat – yengilmas kuch" – T.:Ma'naviyat, 2008. – B.39.

²⁵⁹ "Barcha ezgu ishlarimiz xalqimiz farovonligini yanada yuksaltirishga yo'naltirilgan"// "O'zbekiston ovozi" 11.03.2017. - 30(32.245). –B.1.

²⁶⁰ Usmonov I. "Globallashuv sharoitida tariqatlar: ta'limot va uslublar tahlil va xulosalar". –T.: "Movaunnahr", 2014. -B. 208.

²⁶¹ Navro'zova G. Buxoroda Naqshbandiya – Mujaddidiya ta'limoti. –Buxoro. 2007. B.22.

Indoneziyaga (1840) yetib borgan, keyin u yerdan Malayziyaga, u yerdan Kilimanta orollariga va Mozambikka tarqalgan.²⁶² Shimoliy Turkiya hududidan Kavkazga tarqalgan. Yevropa, jumladan Buyuk Britaniyada pokistonlik, hindistonlik shayxlar tomonidan asos solingan naqshbandiya-mujaddidiya tariqatining hindistonlik shayxi Hazrat Ozod Rasul nomi bilan bog'liq bo'lgan tasavvuf markazi ochilgan.

Yuqorida qayd etilgan ma'lumotlar shuni ko'rsatadiki bugungi kunda Buxoro viloyatiga aynan Bahouddin Naqshband tarixiy-me'moriy majmua ziyoratgohini ziyorat qilish uchun kelgan va keladigan doirasi hudud jihatidan keng va millat tanlamaydi, ziyoratchilar orasida millati nemislar, hind, malayziyaliklar, indoneziyaliklar, amerikaliklar va umuman deyarli barcha yurtlardan aynan shu ziyoratgohni ziyorati uchun keluvchilar soni ko'pligi quyidagi dalillar orqali isbotlangan: 1996-yil 19-20-sentabr kunlari Olmoniyaning Konrad Adenauer fondi va O'zbekiston Musulmonlari diniy idorasi hamkorligida uyushtirgan "Shayx Bahouddin Naqshband ta'limotining diniy dunyoqarash borasidagi ahamiyati, axloq va siyosatga ta'siri" mavzusidagi Olmoniya va Markaziy Osiyo naqshbandshunos olimlar anjumani bo'lib o'tdi. Xalqaro Islom tashkiloti markazi direktori Abdulg'ani Abdullo, taniqli tasavvufshunos olimlardan bir, nemis kitob savdosi "Tinchlik" mukofoti sovrindori, professor – Annemari Shimmel xonimning 1996-yildagi tashriflari Buxoroga ikkinchi marta safarlari bo'lib, muqaddas qadamjolarni ziyorat qilganlar. Shu o'rinda Shimmel xonim ham "Naqshbandiya" gazetasiga bergan intervyularidan biri Buxorodagi Yetti pir ziyoratini amalga oshirish uchun sayyohlar uchun belgilangan yo'nalishlar ro'yxatiga kiritilmaganligini afsus bilan eslatib o'tib o'zlari mas'ul shaxslar yordamidagina Yetti pir ziyoratini ado eta olganliklarini aytib berganlar. Olmoniya tasavvufshunos olimlarining Hazrat Naqshband tariqatlariga qiziqishi katta ekanligining ifodasidir. Shuningdek, mehmonlardan – professor Yurgen Paul, Klaus Shats, Viilli Erl ma'ruzalari tarix sahifalaridan joy oldi. Markaziy Osiyo miqyosida o'tkazilgan bu anjumanda O'zbekiston va Tojikiston madaniyat tarix bo'limi mudiri Anvar Galliyev, Qirg'iziston Jahon tadqiqoti markazi direktor o'rinbosari Atirgul Alishevalarning²⁶³; 2002-yilda Malayziyadan Rajaf Amun, undan tashqari hatto bu davrda Amerika Oliy Islom kengashi raisi Muhammad Qabboniy janoblari ham tashrif buyurganliklarini alohida qayd etish lozim.²⁶⁴

Xulosa o'rnida shuni ta'kidlash joizki, Bahouddin Naqshband tarixiy me'moriy majmuasiga kelib ziyorat qilib ketuvchilar safi katta. Naqshbandiylikning keng geografik hududlarga tarqalgani, bag'rikenglik va halol mehnatga da'vat etishi bilan sayyohlar e'tiboriga tushib ular qalbida ushbu muqaddas qadamjoni ziyorat qilish istagini uyg'otishini esa bir necha asrlik katta tarixiy jarayonlar bilan bog'liqligini asoslashga harakat qildik. Zero, ziyorat uchun kelgan xorijiy mamlakatlar vakillari ko'pchilikni tashkil etishi yurtimizda ziyorat turizmi sohasini rivojlantirishga salmoqli hissa qo'shib kelmoqda va bu jihatni e'tiborga olgan holda prezidentimiz tashabbuslari bilan ziyorat turizmi konsepsiyasi yaratilib loyihalashtirishga kiritilganligi bu sohada yangi bosqichga ko'tarilishga zamin yaratdi. Bu esa 2017-2021-yillarda amalga oshiriladigan "Harakatlar strategiyasi" da belgilangan yo'nalishlarda amalga oshirilayotgan islohotlarning amaliy isbotidan biridir.

Adabiyotlar ro'yxati:

1. Karimov I.A. "Yuksak ma'naviyat – yengilmas kuch" – T.:Ma'naviyat, 2008. – B.39.
2. "Barcha ezgu ishlarimiz xalqimiz farovonligini yanada yuksaltirishga yo'naltirilgan"// "O'zbekiston ovozi" 11.03.2017. - 30(32.245). –B.1.
3. Usmonov I. "Globallashuv sharoitida tariqatlar: ta'limot va uslublar tahlil va xulosalar". – T.: "Movaunnahr", 2014. -B. 208.
4. Navro'zova G. Buxoroda Naqshbandiya – Mujaddidiya ta'limoti. –Buxoro. 2007. B. 22.
5. Usmon Turar. Tasavvuf tarixi. T.: Istiqlol, 1999. –B. 108.
6. Isroil Subhoni. Naqshbandiya millat tanlamaydi// Naqshbandiya; 1996, oktabr -B.2
7. Olis Amerikadan Bahouddinga// Naqshbandiya; 2002, oktabr –B. 1

²⁶² Usmon Turar. Tasavvuf tarixi. T.: Istiqlol, 1999. –B. 108.

²⁶³ Isroil Subhoni. Naqshbandiya millat tanlamaydi// Naqshbandiya; 1996, oktabr -B.2

²⁶⁴ Olis Amerikadan Bahouddinga// Naqshbandiya; 2002, oktabr –B. 1

МАМЛАКАТИМИЗДА ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ҲАМДА ХИЗМАТЛАР КЎРСАТИШ СОҲАСИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ ЙЎЛЛАРИ

*Самарқанд иқтисодий ва сервис институти ўқитувчиси
Каланова Мохизул*

Аннотация: Ушбу мақолада Ўзбекистонда жадал ва мутаносиб иқтисодий ўсиш, чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва иқтисодий диверсификация қилиш шароитида хизмат кўрсатиш корхоналарини самарадорлиги ва ривожланишининг асосий омиллари кўрсатиб берилган.

Калит сўзлар: иқтисодий ўсиш, туризм, самарадорлик, хизматлар бозори, фойда, моддий манфаатдорлик, молиявий ресурс.

Ўзбекистонда янги иш ўринларини яратиш, иқтисодий диверсификация қилиш, ҳудудларни жадал ривожлантириш, валюта тушумларини кўпайтириш, аҳоли даромадлари ва турмуш даражасини ошириш каби энг муҳим ижтимоий-иқтисодий вазифаларни яқин истиқболда ҳал қилиш учун кенг салоҳиятга эга бўлган туризм соҳасини ривожлантириш борасида изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шу маънода Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2018-2019 йилларда туризм соҳасини ривожлантириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори қабул қилиниши давлатимиз томонидан туризм соҳасида амалга оширилаётган сиёсатнинг мантиқий давоми бўлиб, туризм соҳасини жадал ривожлантириш учун қулай иқтисодий, маъмурий ва ҳуқуқий муҳитни яратган ҳолда, энг самарали тартибни жорий этиш, ҳудудларнинг иқтисодий салоҳияти ва даромадлари базасини кенгайтириш, янги иш ўринлари яратиш, юртимизга келадиган туристлар оқимини кўпайтириш, шунингдек, миллий туризм маҳсулотларини жаҳон бозорида фаол ва комплекс илгари суришга қаратилганлиги фикримизнинг яққол далили десак муболаға бўлмайди.

Туризм бугунги кунда жаҳон иқтисодиётида жуда тез суръатларда ривожланаётган иқтисодий соҳа ҳисобланади. Маълумотларга қараганда туризм фаолияти даромад келтириш бўйича дунёда нефт қазиб олиш ва автомобилсозлик саноатидан сўнг 3 ўринда туради. Мамлакатимизда ҳам туризм йилдан-йилга ривожланиб бормоқда. Туризм деганда кўпчиликнинг кўз ўнгида чет эл фуқароларининг Ўзбекистонга келиши пайдо бўлади, лекин сиз ва бизга маълумки, туризм географик принцип бўйича 2 турга бўлинади:

- ички туризм;
- ташқи туризм.


Маълумки ички туризм ўз давлати чегараларида доимий яшовчи фуқароларни вақтинчалик ташриф буюрувчи жойда туристик мақсадларда саёҳат қилиши тушунилса, ташқи туризм эса чет эл фуқароларининг давлатлараро саёҳати тушунилади.

Бугунги глобаллашув жараёнида Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш, унинг истиқболлини белгилаш билан боғлиқ бўлган масалаларга алоҳида эътибор қаратилиб, мамлакатимизнинг туристик салоҳиятидан самарали фойдаланиш йўллари шаклланмоқда. Бизга маълумки туризм хизмат кўрсатиш соҳасининг ажралмас қисми бўлиб, мамлакатимиз иқтисодиётида муҳим аҳамият касб этади. Кўрсатилаётган хизматлар ҳажми 2561,9 млрд. сўм, ёки ўсиш суръати 117,9 фоизни ташкил этиб, белгиланган прогнозга нисбатан (108,9 фоиз) 9,0 пунктга ортиғи билан бажарилган.

Шу билан бирга йирик корхоналарда хизматларнинг ҳажми 1197,1 млрд. сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг 1-ярим йиллигига нисбатан 32,7 %, кичик бизнесда 406,7 млрд. сўмни ташкил этиб 9,6 % ва норасмий секторда 958,2 млрд. сўмни ташкил этиб 6,5 % ошган. Жами хизматларнинг ҳажмида 46,7 % йирик корхоналарга, 15,9 % кичик бизнесга ва 37,4 % норасмий секторга тўғри келмоқда.

2019 йилнинг 1-ярим йиллигида қишлоқ жойларда 683,3 млрд. сўмлик хизматлар кўрсатилиб, жами хизматларнинг ҳажмида 26,7% ташкил этган.

Асосий 13 турдаги хизматлардан молия хизматларида (451,5 млрд. сўм, 181,5%), меморчилик хизматларида (50,4 млрд. сўм, 131,0%) ва таълим хизматларида (109,7 млрд. сўм, 120,3%) энг катта ўсиш суръатлари кузатилмоқда. Жами хизматларнинг ҳажмида энг катта улуш қуйидаги хизмат турларига тўғри келмоқда: транспорт хизматлари-26,9 % (689,2 млрд. сўм), савдо хизматлари 23,6 % (605,9 млрд. сўм) ва молия хизматлари 17,6 % (451,5 млрд. сўм).



1 – диаграмма. 2019 йилнинг 1-ярим йиллигида хизматлар ҳажмининг энг катта улишини ташкил этувчилари

Аҳоли жон бошига хизматлар ҳажми 1365,7 минг сўмдан тўғри келиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 16,2 фоизга ошган.

Бугунги кунда, иқтисодиётнинг асосий тармоқларидан бири товар ва хизматлар бозори ҳисобланиб, уни кенг тараққий қилдириш иқтисодий муносабатларни амалга ошириш асосида аҳолининг хилма-хил товарларга бўлган эҳтиёжини қондириш ҳамда турли хизматларни кўрсатиш орқали самарадорликни оширишни белгилайди.

Дарҳақиқат, товар ва хизматлар бозорида хизматлар кўрсатишни ташкил этиш ва амалга ошириш хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш орқали таъминланади ҳамда ушбу соҳада амалга оширилаётган ислохотларга янгича қарашни талаб қилади. Чунки, замонавий хизматлар кўрсатишнинг асосини янги технологияларни яратиш ва яратилган технологияларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш, “ноу-хау” намуна-ларини яратиш ва замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, яъни юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлаш бўйича тизимли чора-тадбирларни амалга оширишни ташкил этади.

Умуман олганда туризм соҳасида фаолият юритиш бугунги кунда нисбатан кам харажат қилиб юқори даромад олиш мумкин бўлган тармоқ ҳисобланади. Шу билан биргаликда туризм хизматини кўрсатиш, унинг сифатини ошириш маълум сарф-харажатларни талаб қилади. Ушбу харажатларни тўғри ҳисобга олиш ҳамда уларни самарадорлик даражасини ошириш муҳим масалалардан биридир. Туризм фаолиятининг республикамизда барқарор ўсиши учун туристларга бўлган хизмат турларининг сифатини ошириш заруриятини келтириб чиқаради. Шу билан биргаликда туристик хизматларни кўрсатувчи корхоналарда хизматлар таннархини тўғри ҳисобланганлиги, ҳамда савдо ва умумий овқатланишни ташкил қилиш харажатларининг самарадорлик даражаси муҳим масалалардан бири бўлиб қолмоқда.

Мамлакатимизда ҳар бир хўжалик юритувчи субъект сингари, туристик хизматларни кўрсатувчи ташкилотлар фаолиятининг ҳам бош мақсади фойда олиш бўлиб ҳисобланади. Фойда ўз навбатида иқтисодий тушунча сифатида туристик ташкилотлар томонидан олинган даромадлари ҳамда улар томонидан амалга оширилган сарф харажатларнинг ижобий фаркидан ташкил топади. Туристик хизматларни кўрсатувчи ташкилотларда соф фойданинг ошиши улар фаолиятининг самарадорлигини юқори бўлишини таъминлайди.

Шундай экан, туристик хизматларни кўрсатувчи ташкилотлар фаолиятни амалга ошириш жараёнида, унинг самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар тизимини белгилаш, уларни баҳолаш ва аниқлашни тақозо этади. Шунга мос равишда, туристик хизматларни кўрсатувчи ташкилотларда харажатлар самарадорлигини баҳолаш ҳам бугунги куннинг энг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади.

Самарадорлик – бу, фойдалилик, натижалиликдир. Маълумки, қандайдир натижа олиш учун меҳнат қилиш, ишлаш, маҳсулот ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш ва маълум миқдорда харажат қилиш керак.

Самарадорликни аниқлаш учун натижани шу натижага эришишга сарфланган харажатлар ёки ресурслар билан таққослаш керак. Демак, самарадорлик ишлаб чиқариш фаолияти натижалари билан уларга эришиш учун сарфланган меҳнат, моддий ва молиявий ресурсларнинг ўзаро нисбатидир. Туристик хизматларни кўрсатувчи ташкилотларда харажатлар самарадорлиги дейилганда улар томонидан амалга оширилаётган харажатларнинг натижавийлиги тушунилади. Бошқача айтганда, туристик хизматларни кўрсатувчи ташкилотларда харажатлар самарадорлиги туристик хизматларни кўрсатиш жараёнида содир этилган харажатларнинг олинган фойда билан қопланиш даражасини англатади.

Демак, хулоса қилишимиз мумкинки, Ўзбекистонда жадал ва мутаносиб иқтисодий ўсиш, чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва иқтисодиётни диверсификация қилиш шароитида хизмат кўрсатиш корхоналарини самарадорлиги ва ривожланишининг асосий омилларидан бири фойда кўрсаткичининг ошиши ҳисобланади. Унинг миқдори хизмат кўрсатиш корхоналарини ривожланишига жамғариш манбаи сифатида асос солади; мулкдорларни мулкни купайишини таъминлайди; акциядорларни даромадини (дивидендларни ортиши орқали) оширади; хизмат кўрсатиш корхоналарини молиявий барқарорлигини ва тўлов қобилиятини оширишга имконият яратади ва ниҳоят хизмат кўрсатиш корхоналарининг ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини оширишга имконият яратади.

Кўриниб турибдики, фойда хизмат кўрсатиш корхоналарини самарадорлигини ошириш билан бирга, уларнинг ривожланишида ҳам катта аҳамиятга эга. Шу нуқтаи назардан қуйидаги тавсияларга амал қилиш муҳим бўлиб ҳисобланади:

- хизмат кўрсатиш корхоналарида ходимларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш;
- хизмат кўрсатиш корхоналарининг ривожланиши учун молиявий ресурслар манбаини шакллантириш;
- хизмат кўрсатиш корхоналарига чет эл инвестицияларини жалб этиш;
- хизмат кўрсатиш корхоналарида фаолият юритаётган кадрлар салоҳиятини ошириш.

Фойдаланилган адабиётлар

- 1]. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 26 февраль “2016-2020 йилларда хизмат соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисида”ги қарори
- 2]. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб – интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак // “Халқ сўзи”, 15 январь 2017 йил.
- 3]. Тухлиев И.С. ва бошқалар. “Ўзбекистонда туризм хизмат бозорини ривожлантиришнинг ижтимоий – иқтисодий муаммолари” номли монография. Т.: “Иқтисодиёт” 2012.
- 4]. Сафаров Б.Ш. Минтақавий туризм хизмат бозорининг иқтисодий механизмининг такомиллаштириш // Монография. - Тошкент: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» давлат илмий нашриёти, 2013. - 150 бет.
- 5]. Сафаров Б.Ш. Миллий туристик хизматлар бозорини инновацион ривожлантиришнинг методологик-услубий асосларини такомиллаштириш /дис... и.ф.д. Самарқанд-2016.

ТУРИСТЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ ИЖТИМОЙЛАШУВИ

Иброҳим. Х. А.

Наманган давлат университети катта ўқитувчиси

Аннотация. Мақолада турист тушунчаси уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ва уларнинг амалга ошириш жараёнида ҳуқуқий ижтимоийлашуви масалалари ёритилган.

Калит сўзлар: турист, туризм, туристнинг ҳуқуқий ижтимоийлашуви, саёҳат, туроператор, турагент.

Бугунги глобаллашган даврда туризм муҳим ижтимоий, иқтисодий ва маданий омиллардан бирига айланмоқда. Ҳар бир давлат иқтисодиётнинг ушбу секторида умумий даромад ҳажми катта миқдорни ташкил этмоқда. Туризм нафақат савдо хизматларининг бир тури сифатида, балки бугун туризм бозорларининг барқарор ривожланиши янги ишчи ўринларни яратишга ва унга турдош бўлган тармоқларни ривожлантиришга имконият яратмоқда.

Шу туфайли туризм фаолиятини равнақ топтириш масаласи 2017–2021-йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишларида ҳам ўз аксини топгани бежиз эмас. Хусусан Ўзбекистон ҳам табиий-иқлим шароитларига, бой тарихий, маданий меросга ва айни пайтда ҳам ички, ҳам халқаро туризмни ривожлантириш учун юқори салоҳиятга эга мамлакат ҳисобланади.

Мамлакатни модернизациялаш босқичида туризм ва меҳмондўстлик индустрияси соҳасидаги ечимини кутиб турган масалалар қаторида, туризм индустрияси меҳнат бозорида ишловчи ходимларга қўйиладиган малакавий талабларга жавоб бера оладиган замонавий кадрларни тайёрлаш долзарб масала бўлиб турибди.

Туризм – саёҳатларнинг бир тури бўлса-да, бироқ ўзига хос жиҳатларига кўра, маълум бир тавсифга эга бўлиб, унда иштирок этувчи шахс турист деб номланади. Муҳими, туристни саёҳатчи дейишимиз мумкин, аммо саёҳатчини ҳар доим ҳам турист дея олмаймиз. Саёҳатлардан фарқли равишда, туризм иқтисодиёт ва сиёсатнинг кучли таъсирига учровчи соҳа бўлиб ҳисобланади. Туризм бу туристлар томонидан амалга оширилувчи, аниқ белгиланган туристик мақсадларга эга оммавий саёҳатлар тури бўлиб, туристнинг фаолияти ва бундай саёҳатларни уюштириш ва амалга ошириш бўйича махсус хизмат кўрсатувчи ташкилотлардан иборат. Бундай махсус хизмат кўрсатувчи ташкилотлар фаолияти авваламбор туристик фирмалар, меҳмонхоналар ва шу хизматлар билан боғлиқ бўлган турли хил бошқа тармоқлар томонидан амалга оширилади.

Туризм фаолияти асосан бўш вақтда амалга оширилади.

Туризм фаолиятини амалга ошириш учун учта омил бўлиши шарт:

- ✓ дам олишга ажратилган бўш вақт,
- ✓ тегишли маблағ
- ✓ хоҳиш-истак.

Узоқ вақт давомида туризм фақат бадавлат кишиларга мансуб бўлган. Ҳозирги пайтда аҳолининг турли қатламлари бўш вақтини ва жамгарилган маблағларини турли туристик сафарларга боришга бемалол сарфлай олиши мумкин. Шу ўринда туристнинг ҳуқуқий ижтимоийлашуви юзасидан фикр юритсак, Илмий адабиётларда қайд этилишича, «ижтимоийлашув» сўзи дастлаб иқтисодиётдан келиб чиққан. У сиёсий иқтисодиётда ер ва ишлаб чиқариш воситаларининг умумлашуви маъносини англатган[1].

«Ижтимоийлашув» атамасини инсонларга нисбатан биринчи бўлиб Америкалик социолог Ф.Г.Кеддингс қўллаган. У ўзининг «Ижтимоийлашув назарияси» номли китобида ижтимоийлашувни қуйидагича таърифлайди: «ижтимоийлашув – ижтимоий табиат ёки индивид характерини тизимли ривожлантириш, инсонни ижтимоий ҳаётга тайёрлашдир»[2].

Ижтимоийлашув – инсон томонидан ижтимоий тажрибани эгаллаш ва ҳаёт, фаолият жараёнида уни фаол ўзлаштириш жараёнидир. Бошқача қилиб айтганда,

ижтимоийлашув ҳар бир шахснинг жамиятга қўшилиши, унинг нормалари, талаблари ва таъсирини қабул қилган ҳолда, ҳар бир ҳаракати ва муомаласида уни намоён этишидир. Демак, ижтимоийлашув жараёни одамларнинг мулоқоти ва биргаликдаги фаолияти билан ажралмас боғлиқдир. Ҳуқуқий ижтимоийлашув – индивиднинг жамиятдаги ҳуқуққа оид намунали хулқли бўлиши, ижтимоий-ҳуқуқий норма, ҳуқуқий-руҳий механизм ва ҳуқуқий кадриятларни ўзлаштириш жараёни ҳисобланади.

Шу ўринда туристнинг ҳам ҳуқуқий ижтимоийлашувига қўйидагича таъриф бериш мумкин.

Туристнинг ҳуқуқий ижтимоийлашуви – туристнинг туристик жараёни амалга ошириш жараёнида ҳуқуққа оид намунали хулқли бўлиши, ижтимоий-ҳуқуқий норма, ҳуқуқий-руҳий механизм ва ҳуқуқий кадриятларни ўзлаштириш ва ҳурмат қилиш жараёнида ўзини тутиши ва белгиланган нормаларга амал қилиш жараёни ҳисобланади.

Турист – Ўзбекистон Республикаси ҳудуди бўйлаб ёки бошқа мамлакатга саёҳат қилувчи (доимий истиқомат жойидан туризм мақсадида жўнаб кетган) жисмоний шахс тушунилади[3].

Турист – туристик маҳсулот, товар, туристик хизмат, ишнинг истеъмолчисидир. У бирор жой, аҳоли пункти, ҳудуд ёки мамлакатда унинг фуқаролиги, миллати, жинси, тили, динидан қатъий назар ўша жойда 24 соатдан кам бўлмаган ва 6 ойдан кўп бўлмаган муддатда вақтинчалик турувчи ёки ўз мамлакатидан ташқарида гуруҳли ёқт якка тарзда камида бир марта ётишини амалга оширувчи, жойлашиш, хордиқ чиқариш учун сайёҳат қилиш, даволаниш, иш мақсадларини амалга оширувчи ва борган жойида ҳақ тўланадиган бирор фаолияти билан шугулланмаслиги керак.

Ўзбекистон Республикасининг “Туризм тўғрисида”ги Қонунга асосан турист — вақтинча бўлиш мамлакатидаги (жойидаги) манбалардан даромад олиш билан боғлиқ бўлган фаолият билан шугулланмаган ҳолда вақтинча бўлиш мамлакатига (жойига) йигирма тўрт соатдан кетма-кет ўн икки ойгача бўлган даврга борувчи ёки вақтинча бўлиш мамлакатида (жойида) камида бир кеча тунаб қолувчи жисмоний шахс тушунилади.

Шу ўринда туристларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларига тўхталиб ўтсак. Туристлар ва туризм соҳаси субъектларининг ҳуқуқлари, эркинликлари, қонуний манфаатларини ҳамда хавфсизлигини ҳимоя қилиш устуворлиги;

туризмни барқарор ривожлантириш ва бунинг учун қулай шарт-шароитлар яратиш; туризм соҳасида тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва рақобатни ривожлантириш; туризм соҳасида ошқоралик ва очиклик каби тамойилларга асосланади.

Туристлар қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- ✓ туристик хизматлар кўрсатиш шартномасида назарда тутилган хизматлардан фойдаланиш;
- ✓ саёҳат билан боғлиқ тўлиқ ва ишончли ахборот олиш, шу жумладан вақтинча бўлиш мамлакатига кириш ва унда бўлиш қоидалари, маҳаллий аҳолининг урф-одатлари, диний маросимлар, маданий мерос объектлари, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар ва туризм соҳасининг объектлари, атроф табиий муҳитнинг ҳолати тўғрисида ахборот олиш;
- ✓ шахсий хавфсизлиги ҳамда ўз ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш таъминланиши, шунингдек ўз мол-мулкининг бут сақланиши;
- ✓ шошилиш тиббий ёрдам олиш;
- ✓ туристик хизматлар кўрсатиш шартномаси бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаган тақдирда моддий зарарнинг ўрни қопланиши, шунингдек маънавий зиённинг компенсация қилиниши;
- ✓ агар турнинг умумий қиймати ошиши шартномада шартлашилган қийматидан ортиб кетса, туристик хизматлар кўрсатишга доир шартномани туроператорлар ва турагентларга етказилган моддий зарарнинг ўрнини қопламаган ҳолда бекор қилиш.

Туристлар турда иштирок этиш учун ўз соғлиги ҳолатининг ва ёшининг хусусиятларига боғлиқ чекловлар тўғрисидаги, ўз доимий яшаш жойидан ташқарига чиқиши ҳамда вақтинча

бўлиш мамлакатига кириши учун чекловлар ҳақидаги маълумотларни туроператорнинг ва турагентнинг талабига кўра тақдим этиши, туристик хизматлар кўрсатиш шартномаси шартларига ва вақтинча бўлиш мамлакатининг қонун ҳужжатларига риоя этиши, унинг сиёсий ҳамда ижтимоий тузилишини, маҳаллий аҳолининг анъаналарини, урф-одатларини, диний эътиқодини ҳурмат қилиши, вақтинча бўлиш мамлакатадаги атроф табиий муҳитга, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар ва маданий мерос объектларига зарар етказмаслиги, вақтинча бўлиш мамлакатадаги (жойидаги) божхона ва чегара назорати, шахсий хавфсизлик қоидаларига риоя этиши шарт. Мазкур ҳуқуқлардан фойдаланишда ва амалга оширишда туристнинг ҳуқуқий ижтимоийлашуви талаб этилади.

Туристларнинг ҳуқуқий ижтимоийлашуви мамлакатдаги демократик ислоҳотларни муваффақиятли кечишини, миллий туризмни фаол ҳаракатини ҳамда мамлакатимиз тараққиётини таъминлайди.

Мухтасар қилиб айтганда, туристларнинг ҳуқуқий ижтимоийлашув – нисбатан янги категория ҳисобланиб, унинг мазмун-моҳиятини тўғри талқин этиш, уни амалда тўғри қўллаш ўта долзарб аҳамиятга эга бўлиб, биринчидан ҳуқуқий тафаккур юксалишига хизмат қилса, иккинчидан миллий туризмнинг муваффақиятини таъминлайди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Эгамбердиева Н. Ижтимоий педагогика. –Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти. 2009. –Б. 85.
2. Василькова Ю.В., Василькова Т.А. Социальная педагогика. –М.: 2003. –С. 61.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Туризм тўғрисида”ги Қонуни// “Халқ сўзи” газетаси, 1999 йил.

ТУРИЗМ ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИНГ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШ ОМИЛЛАРИ

Шоҳзонова Ф. БухДУ Таълим сифатини назорат қилиш бўлими бош мутахассиси

Мамлакатимизда таълим тизимининг ривожланиб бориши малакали мутахассисларга талабнинг ошишини таъминловчи восита ҳисобланиб, мутахассисларнинг касбий тайёргарлиги эса уларнинг бозордаги мавқеи орқали баҳолана бошланди. Бугунги кунда вужудга келаётган замонавий ижтимоий-иқтисодий шароитларга битирувчиларда кўникмаларни ҳосил қилиш мақсадида таълим муассасалари янги стратегияларни ишлаб чиқишмоқда. Демак, таълим муассасалари билан ишлаб чиқариш субъектлари ўртасида ўзаро манфаатли, инновацион корпоратив ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш асосий вазифадир. Кескин ва тубдан янгиланиш ҳамда инновацион ривожланиш муҳитида малакали кичик ва етук кадрлар тайёрлашни самарали шакллантириш алоҳида аҳамият касб этади. Таълим тизими давлатимиз ривожланиши ва миллий кадриятлар сакланишини таъминлаш хизмат қилади. Таълим тизими ўзига хос хусусиятлари қуйидагилардир:

- натижадорлик, таълим хизматлари кўрсатиш муддатларининг узоклиги;
- сифатнинг ўзгариши ва субъективлиги;
- натижалар эскиришининг жадаллиги ва бошқа хусусиятлар.

Таълим тизими фаолияти хизматлар сифатида намоён бўлади. Таълим хизматлари ҳар қандай товар сингари реал амал қилади, яъни жами мавжуд ва потенциал харидорлар ҳамда товар сотувчилари сифатида тушунилади. Бу жараёнда таълим хизматлари бозори ўзида асосий хўжалик субъектлари (алоҳида шахслар, уй хўжаликлари, корхона ва ташкилотлар, давлат) томонидан таълим хизматларига талаб ва уларга турли ўқув юртлари томонидан таклиф ўртасида ўзаро таъсир этувчи бозорни намоён этади. Бу соҳада бозор муносабатлари қатнашчилари таркибида таълим хизматларини ишлаб чиқиш ва истеъмолчилардан ташқари иш билан бандлик хизмати, хусусий меҳнат биржалари, ўқув юртларини рўйхатга олиш, лицензиялаш ва аккредитациялаш органлари, таълим жамғармалари, ўқув юртлари ҳамда корхоналар ассоциациялари, ихтисослашган таълим

марказлари каби воситачиларнинг кенг доираси киради. Таълим жараёнини ресурс таъминоти бўйича қўллаб-қувватлаш таълим хизматларини сотишни ташкил этишда иштирок этиш, ахборот билан таъминлаш, маслаҳатлар бериш функцияларини бажариши мумкин.

Бундан ташқари, таълим хизматлари бозорининг фарқли жиҳати таълим тизимини давлат томонидан бошқаришнинг аҳамияти ҳамда ижтимоий-иқтисодий ва ташкилий жиҳатдан тартибга солишнинг ўзига хослигида намоён бўлади. Таълим соҳасида ўзига хос функциялар мавжуд ва улар куйидагилардир:

- таълим тизимидаги ўрта махсус ва олий субъектларнинг ижобий томони, мақбул ижтимоий фикрни қўллаб-қувватлаш ва мустақамлаш шарт-шароитларини яратиш;
- таълим инсонпарварлигини кафолатлаш, таълимнинг оммабоплиги ва мослашувчанлиги, ўқув юртларининг эркинлиги, муқобиллиги ва бошқаришни демократлашуви;
- таълимни молиялаштириш ва бу соҳада бошқа субъектларнинг узоқ муддатли инвестициялари учун кафолатларнинг тақдим қилиниши;
- мутахассислар тайёрлаш шакллари ва усуллари, устувор мутахассислар, шунингдек, бутун таълимни ривожлантириш мақсадида бозорни тартибга солишнинг у ёки бу шакллари ва солиқ имтиёзларини жорий этиш;
- хизмат ассортименти ва сифати бўйича дастурлар ҳамда ўқув юртларини лицензиялаш ва аттестация қилиш;
- таълим хизматларининг ахборот таъминоти;

Таълим жараёнидаги инновацион ўзгаришлар, тизимга ҳар қандай янгиликнинг киритилиши бевосита ўқитувчи фаолиятини янгилаш ва ўзгартириш орқали амалга оширилиши ҳам атрофлича ўрганилган. Инновацион фаолият – бу узлуксиз равишда янгиликлар асосида ишлаш бўлиб, у узоқ вақт давомида шаклланади ва такомиллашиб боради. Инновацион фаолият – янги ижтимоий талаблар билан анъанавий меъёрларнинг мос келмаслиги ёхуд амалиётнинг янги шаклланаётган меъерининг юзага келган меъёр билан тўқнашувчи натижасида вужудга келган қатор муаммоларни ечишга қаратилади. Инновациялар доимий равишда педагогик фаолиятга янгиликлар олиб кириш орқали таълим ривожига ҳисса қўшади, педагогик фаолиятга ижобий таъсир кўрсатади.

Таълим хизматлари бозори иқтисодий категория сифатида замонавий иқтисодиётда субъектларнинг қўшма манфаатларига талабни ҳисобга олган ҳолда инсоннинг муайян билим даражасини олишда иқтисодий эҳтиёжларни қондириш жараёнида субъектлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни ўз ичига олади. Таълим хизматлари бозорини инновацион ривожланишига тизимли ёндашиш тамойили ҳудудий даражада мазкур бозорни ягона тизим сифатида ҳудудий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда тадқиқ этиш имконини беради ва бу ҳолат асосан, давлатнинг ижтимоий-иқтисодий вазифалари моҳиятига боғлиқдир.

GASTRONOMIK TURIZMNI RIVOJLANTIRISHNING AHAMIYATI

Ruziyeva Maxbuba, Buxoro davlat universiteti magistranti

Oziq-ovqat turistik tajribaning ajralmas qismlaridan biridir. Shunga qaramay, tajribaning ajralmas qismi shunchaki so'nggi yillarda u mustaqil ravishda o'rganish mavzusiga aylandi. Bir qarashda, bu biroz kutilmagan ko'rinishi mumkin.

Dunyodagi ko'plab sayyohlar uchun gastronomiya ta'tib ko'rilgan va sinab ko'rilgan retseptlardan bahramand bo'lish uchun tanish joylarga qaytish yoki yangi va maxsus oshxonani qidirish uchun dala bo'ylab sayohat qilish uchun turizm tajribasining markaziy qismiga aylandi.

Xalqaro pazandalik turizm assotsiatsiyasining namoyishi insonning milliy taomlar orqali mamlakat madaniyati to'g'risida bilim olish qobiliyatini aks ettiradi: "Oziq-ovqat - bu millatning xususiyatlari, uning xarakteri va tarixi".[1]

“Gastronomik turizm bu mamlakatning milliy taomlari, mahsulotlar va taomlarni tayyorlash va tayyorlashning o'ziga xos xususiyatlari bilan tanishish, shuningdek kasbiy bilimlarni oshirish va o'qitish uchun qilingan sayohatdir.”[2]

Ko'pincha gastronomik sayohatlarga turli xil oshpazlik festivallari, tantanalar va yarmarkalarga tashrif buyurish kiradi.

So'nggi yillarda oziq-ovqat turizmi tobora ko'proq e'tibor qozonmoqda. Turistlar mahalliy mahsulotlarga jalb qilinmoqda va ko'plab destinatsiyalar o'z mahsulotlarini ishlab chiqarishni va marketingini shunga yo'naltirmoqda. Oziq-ovqat mahsuloti uning kelib chiqishi bilan chambarchas bog'liq bo'lganligi sababli, ushbu yo'nalish destinatsiyalarga o'zlarini noyob deb tan olish imkoniyatini beradi va lazzatlanish orqali o'z manzillarining bir qismini his qilmoqchi bo'lgan sayohatchilarni o'ziga jalb qiladi.

Jahon turistik tashkiloti (UNWTO) ning global hisobotida takidlanishicha, Gastronomiya - tovar belgilari va ularning manzillari imidjini aniqlashning strategik elementi. Oziq-ovqat tajribasi mahalliy rivojlanishga ham turtki bo'lishi mumkin, chunki oziq-ovqat turizmi yuqori mahsuldorlik turizmi bo'lib, turistik mavsumni kengaytirishi va qishloq iqtisodiyotini diversifikatsiya qilishi mumkin.[3]

Oziq-ovqat va gastronomiya ham ijodiy soha deb hisoblanishi mumkin, bu iste'molchini birgalikda yaratishga jalb qilish, global va mahalliy madaniyatlar (masalan, termoyadroviy ovqatlar, madaniyatlarni bog'laydigan oziq-ovqat yo'llari) va oziq-ovqat atrofida rivoyatlar yaratish orqali rag'batlantirish orqali innovatsiyalarni olg'a surishga yordam beradi. Shu ma'noda gastronomik turizmni «ijodiy turizm» shakli sifatida ko'rish mumkin.

Gastronomik turizm turizmning mustaqil yo'nalishi sifatida nisbatan yaqinda rivojlana boshladi. Turizmning ushbu turiga sayohatlarni ajratish uchun bir nechta ta'riflar mavjud. Adabiyotda "culinary tourism" - "pazandalik turizm", "food tourism" - "oziq-ovqat turizmi", "gastronomic tourism" - gastronomik turizm kabi tushunchalar mavjud. Gastronomik sayyohlar bu - odatiy sayyohlikdan zerikkan sayyoh, ovqatlanish ratsioniga o'zgartirish kiritayotgan sayyoh, Gurmanlar (oziq-ovqatlarni baholovchi va ta'tib ko'ruvchilar), kasbi gastronomiya bilan bo'g'liq mutaxassislar (restoratorlar, oshpazlar, umumiy ovqatlanish korxonalari xodimlari), sayyohlik agentlari (sayyohlik turlari tashkil qilishlari uchun, milliy taomlarni o'rganadiganlar. sharob, pivo va boshqalar - bularning hammasi gastronomik turizmning turli xil turlari.

“Culinary tourism” - "Pazandalik turizmi" atamasi birinchi bo'lib 1998-yilda Bouling-Grin universiteti (Ogayo shtati) xalq madaniyati dotsenti L. Long tomonidan mahalliy taomlar orqali odamlar boshqa madaniyatlar haqida bilib olishlari haqidagi fikrni bildirgan.

2003 yilda Erik Volf Xalqaro gastronomiya turizm assotsiatsiyasiga asos solgan va hozirda u prezidentdir. 2012 yilda oshpazlik turizmi atamasi gastronomik turizm atamasi bilan almashtirildi, chunki Xalqaro gastronomik turizm assotsiatsiyasi tomonidan o'tkazilgan tadqiqot amerikaliklarning aksariyati pazandalik turizm elita uchun mo'ljallangan deb o'ylagan. Shu sababli, uni ko'pchilik aholi uchun yanada qulayroq muddatga, oziq-ovqat do'konlari, ko'cha sotuvchilari, mahalliy aholi uchun pablar, vino zavodlari, bir xil turdagi restoranlarni bitta kontseptsiyada birlashtirishga qaror qilindi.

Shuningdek, Linkova A.A. va Maksimenko A.G. tomonidan ajratib ko'rsatilgan kontseptsiyani ta'kidlab o'tish lozim, gastronomik turizm qit'alar va mamlakatlarga mahalliy oshxonalarining o'ziga xos xususiyatlari, oshpazlik urf-odatlari bilan tanishish uchun tashrif buyurish, shuningdek, tashrif buyurgan inson uchun o'zgacha bo'lgan taomlar va mahsulotlarni sinab ko'rishdir.

Mavzuni ilmiy rivojlantirish darajasi pastligi sababli gastronomik turlarning yagona tasnifi hali mavjud emas, shuning uchun biz ularni shartli ravishda ikkiga ajratamiz.

1. Qishloq (yashil) gastronomik turizm
2. Shahar gastronomik turizmi

Qishloq gastronomik turizmi davomida turistlar tabiiy sharoitda yashab, qishloq hayoti madaniyati va hayotini o'rganishadi, fermerlarga qishloq xo'jalik ishlari bilan shug'ullanishda

ko'maklashishadi, ekologik toza mahsulotlarni tanovvul qilishadi, o'rmonda o'sadigan rezavor mevalar, uzumzorlarda uzum, fermalarda meva va sabzavotlar terishadi.

Shahar gastronomik turizmida juda mashhur, yuqori sifati, o'ziga xos taomlari hamda milliy yo'nalishi bilan tanilgan restoranlarga tashrif buyurishadi.

World Food Travel Association versiyasiga ko'ra hozirgi paytda gastronomik turizmni 12 ta kategoriyaga ajratish mumkin:

- Oshpazlik maktablari va mahorat darslari(master-klasslar);
- Oshpazlik ko'ngilochar dasturlari;
- Oshpazlik yo'nalishlari
- Oshpazlik ommaviy axborot vositalari
- Oshpazlik
- Gastronomik do'konlar
- Agentliklarning gastronomik turlari
- Gastronomik muassasalar
- Fermerlik bozori
- Gastronomik klublar
- Oziq-ovqat mahsulotlari ishlab chiqarish

Gastronomik turizmning yana bir jihatini, ya'ni sayohatni ushbu turini tanlaydigan sayyohni ham ko'rib chiqish lozim. Gastronomik turizmga qiziqishining darajasiga ko'ra 5 tipdagi turistlarni ajratish mumkin; ammo ularning faqatgina birinchi 2 tasi maqsadli auditoriya hisoblanadi.

1. Gastroturistlar : ekspertlar, gastronomik tanqidchilar;
2. Fudis: sifatli taomga, mahalliy ishlab chiqaruvchilarga, mavsumiy mahsulotlarga qiziquvchi ishtiyoqmandlar;
3. Qiziquvchan xaridorlar: taomlarni ta'til mobaynidagi qo'shimcha lazzat deb hisoblashadi. Ular taomni xech qanday qiziqishsiz tanovvul qilishadi.
4. Jalb qilinmaganlar: ovqatni ta'tilning muhim bir jihatini deb hisoblamaydiganlar;
5. "Sust iste'molchilar" – sayohat davomida yangi taomlarga xech qanday qiziqish ko'rsatmaydilar.

Gastronomik turizm - ma'lum bir hududning oshxonasini qisman yoki to'liq sinab ko'rishni yoki gastronomiya bilan bog'liq faoliyatni amalga oshirishni rejalashtirgan sayyohlar va mehmonlar ma'lum yo'nalishlarga tashrif buyuradigan turizm.

Boshqacha aytganda, gastronomik turizm bu mamlakatning milliy taomlari, mahsulotlar va taomlarni ishlab chiqarish va tayyorlashning o'ziga xos xususiyatlari bilan tanishish, shuningdek kasbiy bilimlarni oshirish va o'qitish uchun sayohatdir. Bugungi kunda gastronomik turizm, turizmning jadal rivojlanayotgan innovatsion yo'nalishlaridan biriga aylandi. Odamlar sayohat tajribasini mintaqaviy mutaxassislik va madaniyatga asoslanib izlamoqda. Gastronomik turizmni sayyohlarni jalb qilish obyekti sifatida oziq-ovqat va ichimliklarni rivojlantirish va ilgari surishga yo'naltirilgan turizm sohasi sifatida ham ko'rib chiqish mumkin.

UNWTO turizm eksperti Mariya Izabel Ramos Abaskalning so'zlariga ko'ra, bugungi kunda biz sayyohlarning xohish-istaklaridagi global o'zgarishlarga guvoh bo'lmoqdamiz va aynan gastronomik turizm ularning orasida yetakchiga aylanmoqda.

Gastronomik turizmning maqsadi oziq-ovqat va sharobni sevuvchilarga ta'lim berish va ilhom berish, ishtiyoqli sayohatchilarga turli yo'nalishlarni o'rganish va mahalliy oziq-ovqat tendensiyalari, pishirish usullari va mahsulotlar, taomlar va ichimliklar tarixi haqida ma'lumot berishdir.

Turistlar oziq-ovqat va ichimliklar orqali dunyoning turli joylari madaniyatini o'rganish tajribasida ishtirok etishlari mumkin. Gastronomik turlar, umuman olganda, pishirish, ovqatni tanlash, oziq-ovqat tendensiyalarini o'rganish, vinochilik va pishiriq bilan bog'liq keng qamrovli tadbirlarni o'z ichiga olishi mumkin.

Oziq-ovqat, sharob va pivo, taom tayyorlash yoki pishiriqlarga, shuningdek ba'zi ovqatlar va taomlarning tarixiga qiziqqan sayohatchilar bugun istagan turistik mahsulotni dunyoning ko'plab saytlarida taqdim etiladigan turistik yo'nalishlardan tanlashlari mumkin.

Masalan, fransuz oshxonasini sevuvchilar Parijda oshpazlik darslarini tanlashlari yoki fransuz oshpazlik maktabida mehmon bo'lishlari mumkin. Italiya, Ispaniya va O'rta Yer dengizining boshqa mamlakatlari o'z ta'tillarini qishloq uylarida o'tkazishni xohlaydiganlarga o'z xizmatlarini taklif etadilar: bu yerda siz nafaqat uzoq vaqt yashashingiz, balki mahalliy oshxonalar haqida bilib olib, taom tayyorlashni ham o'rganishingiz mumkin. Turistlar turli xil restoran, kafe va bistroga tashrif buyurganda, oshpazlar bilan uchrashganda va kulinar institutlar va o'quv yurtlarining oshpazlari tomonidan tashkil etiladigan pazandachilik seminarlarida yoki tadbirlarida ishtirok etishganda, ba'zi bir yo'nalishlar oshpazlik sayohatlari va maxsus kechki ovqatlarni taklif qiladi. Mahalliy sanoat, restoranlar, taom tayyorlashning yangi tendensiyalari va usullari haqida ma'lumot olishni istaganlar uchun dasturlar va tadbirlar taklif etiladi.

Italiya gastronomik turlar g'oyasini ishlab chiqargan birinchi mamlakat bo'lib hisoblanadi, chunki italiyaliklar birinchi bo'lib savdo va texnologik ishlab chiqarishni mazali va sog'lom ovqatlanish belgisi ostida sayyohlarni jalb qilish bilan birlashtirishgan. Bugungi kunda, Italiya Milliy Turizm Kengashining ma'lumotlariga ko'ra, sayyohlarning kamida 10 foizi gastronomik va vino turlarining barcha turlarida ishtirok etish uchun ushbu mamlakatga tashrif buyurishadi. Biroq, bu mamlakatda gastronomik turizm assotsiatsiyasi hali yaratilmagan.

Gastronomik tur – bu tanlangan oshpazlik dasturi bo'lib, unda taomlar va ichimliklarni tatib ko'rish, ularni tayyorlash texnologiyasi va jarayoni bilan tanishish, shuningdek professional oshpazlar bilan mashg'ulotlar o'tkaziladi. Safarning maqsadiga qarab, ekskursiya yuqoridagi barcha narsalarni, bir nechta tadbirlarni yoki oshpazlik turining bitta o'ziga xos qismini o'z ichiga olishi mumkin. Ko'pincha so'nggi yillarda gastronomik turlar turli xil oshpazlik festivallari, tantanalari va yarmarkalarga tashriflarni o'z ichiga oladi.

Gastronomik turizm - bu har qanday sayyoh uchun qulay bo'lgan ma'lum bir hududning an'anaviy taomlari bilan tanishishdir. Arxitektura, tasviriy san'at va hattoki tabiatning go'zalligi haqida o'ylashdan, zavqlanishdan ko'ra ko'proq odamlarga ovqatdan lazzatlanish imkoniyati mavjudligi sababli, kuchli gastronomik brendning yaratilishi sayyohlar oqimining ko'payishida jiddiy omil bo'ladi. Ovqat pishirish sayohatni tanlashning asosiy sababi bo'lishi mumkin.

Gastronomik brendlar (Golland pishloqlari, italyan makaroni, yunon mussakasi va boshqalar) mavjudligi sababli, hudud qo'shimcha mashhurlikka ega bo'ladi va markali mahsulotlar ma'lum bir hududning ajralmas qismiga aylanadi.

Gastronomik brendning tarkibiy qismlari bo'lib quyidagilar xizmat qiladi:

- gastronomiyaning yaxshi rivojlangan sohasi;
- an'anaviy restoran va oshpazlar bilan faol gastronomik hamjamiyat;
- an'anaviy oshxonada ishlatiladigan mahalliy ingredientlar;
- pishirishda mahalliy nou-xau;
- an'anaviy oziq-ovqat bozorlari va oziq-ovqat sanoati;
- gastronomik festivallar, mukofotlar, tanlovlar;
- Ta'lim muassasalarida gastronomiyani targ'ib qilish.

Jahon turistik tashkiloti (UNWTO) gastronomik turizm to'g'risidagi hisobotida tashkilotning amaldagi a'zolari (156 mamlakat) orasida o'tkazilgan so'rov natijalarini joylashtirdi. Ushbu so'rov natijalariga ko'ra, respondentlarning 88,2 foizi gastronomiyani mintaqaning brendi va imidjini aniqlashning strategik elementi deb bilishadi va respondentlarning atigi 11,8 foizi buni ahamiyatsiz jihat deb bilishadi. Shunga qaramay, respondentlarning faqat 67,6 foizi o'z mamlakatlarida noyob gastronomik brend shakllangan deb hisoblashadi, 32,3 foizi esa o'z mamlakati ushbu sohani rivojlantirish uchun katta imkoniyatlarga ega deb hisoblashadi.

Eng kuchli gastronomik brendlarga, shubhasiz, Yevropaning gastronomik markazlari sifatidagi obro'si tarixdan rivojlanib va mustahkamlanib kelgan Fransiya, Italiya va Ispaniya egalik qiladi.

O'zbek oshxonasining shakllanishi tarixdan asrlarga borib taqaladi. Xalqlari, madaniyati va san'ati singari, u ming yillar davomida shakllanib kelgan. O'zbekistonning Markaziy Osiyo mintaqasida istiqomat qiladigan boshqa xalqlarini hisobga olsak, bu ularning oshpazlik tajribasi. O'zbekiston tuprog'ida yetishtirilgan ekinlar, meva va sabzavotlar, shuningdek go'sht va sut mahsulotlarining mo'lligi tufayli respublikaning milliy taomlari dunyodagi eng boy va rang-barang oshxonalardan biri bo'lib kelgan. Bundan tashqari, hozirgi vaqtda Hindiston, Xitoy, Yaponiya, Tailand va boshqa sharqiy davlatlarning mashhur oshxonalari bilan bir qatorda butun dunyo bo'ylab tobora ommalashib bormoqda. Jumladan, kuni-kecha Hindistonda o'tkazilgan "Yosh oshpazlar xalqaro olimpiadasi – 2020" da yurtimizning yosh oshpazlari kuchli 10talikdan munosib o'rin egallaganligi yurtimizning gastronomik turizmini rivojlantirishning salohiyati yuqori ekanligidan darak beradi. Dunyoning ko'plab shaharlarida ham o'zbek restoranlari mashhur "O'zbekiston", "Buxoro", "Samarqand", "Xo'ja Nasreddin", "1001 tun" va boshqa kabi nomlar ostida faoliyat yuritib kelmoqda.

Xulosa qilib aytadigan bo'lsak, bugun biz yangi iqtisodiyot - gastronomik turizm bevosita bog'liq bo'lgan taassurotlar iqtisodiyoti haqida gapirishimiz mumkin. Zamonaviy jamiyatda xohish-istaklar o'zgarib, gastronomik turizm jadal rivojlanmoqda. Turizmning ushbu turi hududlarning ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishiga, shu jumladan qo'shimcha ish o'rinlari yaratilishiga, ayrim mahsulotlarni saqlash yoki ishlab chiqarishni tashkil etishga, shuningdek ularni sotishni yo'lga qo'yishga hissa qo'shadi, mintaqalarning brendlanishiga yordam beradi, turistik oqimlarni jalb qiladi.

ЭКОЛОГИК МУАММОЛАР ВА ТУРИЗМ

Юлдошева Бибиражаб Миржоновна

Бухоро давлат университети Жаҳон тарихи кафедраси ўқитувчиси

Ўзбекистон Президенти Ш. Мирзиёев 2020 йил 24-январ куни мамлакатимиз Парламентига навбатдаги мурожаатнома билан чиқди. Мурожаатномада атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва экологик ҳолатни яхшилашга эътиборни кучайтириш кераклиги ҳақида алоҳида тўхталиб ўтилди. Унда Ҳукумат томонидан саноат ривожининг экологияга таъсирининг олдини олиш бўйича 2025 йилгача мўлжалланган комплекс чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқилиши ва нуфузли халқаро экспертларни жалб этган ҳолда, жорий йил 1 октябрга қадар Экология кодекси лойиҳасини ишлаб чиқилиши лозимлиги таъкидланди. Бундан кўриниб турибдики, мамлакатимизда атроф-муҳитни яхшилаш ва юзага келган салбий оқибатларни бартараф этиш давлат аҳамиятидаги масаладир.

Туризм – бу иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, экологик маданиятнинг мураккаб симбиоз тизимидир. Унинг юқори маркетинг самарадорлигига эришиши учун туристик сектордаги турли ташкилотларни бир-бирига мувофиқлаштириш талаб этилади.

Экотуризм туризм фаолиятида нисбатан янги тушунчадир. Сайёҳлардан олинган сўровлар натижалари шуни кўрсатадики, саёҳатчилар табиат билан уйғунликда саёҳатни ташкил этишни исташади. Бутунжаҳон сайёҳлик ташкилотининг маълум қилишича, экотуризмнинг йиллик ўсиши 30 фоизни ташкил қилади. Сершовқин ва тезҳаракат шаҳар ҳаёти одамларни жисмоний ва руҳий толиқишига сабаб бўлади ва бу юқдан халос бўлиш учун аксарият кишилар табиат қўйнига, дарё ва кўл бўйларига, тоғ ва чўлларга борадилар.

Бухоро замини бебаҳо тарихий ва зиёрат манзилгоҳларига эга маскан. Худудни туристик салоҳиятидан тўла фойдаланиш ва сайёҳлар оқимини янада кўпайтириш учун мавжуд экологик муаммоларни бартараф қилиш ва худудни экотуристлик масканга айлантириш лозим.

Туризмнинг ривожланиши натижасида атроф-муҳит муқаррар ўзгаради. Туризмнинг худуд экологиясига ижобий таъсирини кўйида кўришимиз мумкин:

- Тарихий обидаларни муҳофаза қилиш ва тиклаш;
- Миллий боғлар ва қўриқхоналар барпо этиш;

- Худудни кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш;
- Табиий ҳудуларни биологик хилма-хиллигини сақлаш;
- Маҳаллий экологик муаммоларни ҳал қилишнинг фаоллаштириш;
- Табиат, жамият ва иктисодиёт ўртасидаги муносабатларни уйғунлаштириш;
- Аҳолини экологик маданияти ва дунёқарашини ошириш;

Президент Ш.М. Мирзиёев томонидан 2017-йил 19-майда “2017-2019-йилларда Бухоро вилояти ва Бухоро шаҳри туризм салоҳиятини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарор қабул қилинган. Мазкур қарорга биноан Бухоро вилоятида туризмни инновацион ривожлантириш доирасида худуднинг туристик салоҳиятидан самарали фойдаланиш ва уни янада ривожлантиришнинг давлат дастури ишлаб чиқилди.

Бухоро вилоятида кўп йиллар давомида шаклланган экологик муаммолар мавжуд. Мазкур муаммолар худуд туризмни самарали ривожлантиришга салбий таъсир ўтказди. Худуддаги мавжуд экологик муаммолар сирасига:

- Атмосфера ҳавосининг ифлосланиши;
- Тупроқ таркибининг бузилиши;
- Орол денгизининг қуриб бориши;
- Чўллашиш жараёнининг кучайиши ва иқлимнинг қуруқлашиши;
- Маданият ёдгорликларининг емирилиши;
- Қаттиқ чиқиндиларнинг (шу жумладан саноатнинг заҳарли чиқиндилари) тўпланиб қолиши;
- Ер ости ва ер усти сувларининг ифлосланиши;
- Аҳолини тоза ичимлик суви билан етарлича таъминланмаганлиги кабилар киради.

Вилоятдаги экологик муаммоларни бартараф қилиш ва атроф-муҳит мувозанатини сақлаш мақсадида Ҳукумат турли дастурларни амалга оширмоқда. Аммо ҳали етарли самарага эришилмади. Худуднинг экологик ҳолатини яхшилаш ва унинг тарихий қийматини сақлаб қолиш учун қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш керак:

- Бухоронинг тарихий бой мероси ва кўринишини сақлаб қолиш мақсадида тарихий-маданий объектлар жойлашган худудларда доимий тозалик, ободонлаштириш ва тиклаш ишларини олиб бориш;
- Худудни кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш ишларини изчил ва давомли йўлга қўйиш;
- Транспорт инфратузилмасини такомиллаштириш ва зарарсиз технологияларга ўтиш;
- Ноанъанавий энергия (қуёш, шамол, биогаз) манбаларини ишлаб чиқаришни рағбатлантириш ва амалиётда қўллаш;
- Бухоро заминини тарихий - экотуристтик худудга айлантириш;
- “Яшил қалқон” дастурини бажарилишини жадаллаштириш;
- Бухоро шаҳарсозлигида экодизайн услубидан фойдаланиш.

Тарихий қиёфаси, табиати, худудий хусусиятлари такрорланмас Бухоро вилоятида тарихий ва экологик туризмни уйғунлаштириш имкониятлари катта. Ушбу йўналишлардаги изланишларни мувофиқлаштириш ва самарали инновацион механизмларни ишга солиш орқали келгусида соҳада ижобий натижага эришилади.

Экология ва атроф-муҳит масалаларига багишланган халқаро ва республика миқёсидаги илмий-амалий учрашувларда муаммоларни ҳал қилиш ва табиий мувозанат барқарорлигини сақлаш бўйича ечимлар, инновацион лойиҳалар ишлаб чиқилмоқда. Фақат Ҳукумат ва мутасадди ташкилотлар уларни амалиётга қўллашни самарали ташкил қилиши ва доимий назорат олиб бориши лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси. 2020-йил 24-январ. uza.uz.politics.president.

2. БМТ Европа иқтисодий комиссияси (БМТ ЕИК). Атроф-муҳит ҳолатининг шарҳи. Ўзбекистон. Иккинчи шарҳ. (Атроф-муҳит ҳолати, 29-серия). – Нью-Йорк ва Женева, 2010. – 253 б.
3. Ўзбекистон Республикасида атроф-муҳит муҳофазаси ва табиий ресурслардан фойдаланишнинг ҳолати тўғрисида миллий маъруза (2002-2004 йиллар). Тошкент: ЧП “Хан Д.А.”, 2006. -166 б.

ЎЗБЕКИСТОНДА ТУРИЗМНИНГ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

*Ибраҳимов. Б. Б
НамДУ катта ўқитувчиси*

2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг “Иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишлари” деб номланган учинчи йўналишида туризм индустриясини жадал раванк топтириш бўйича дастурий вазифалар белгилаб берилган[1].

Юртимизда зиёрат туризмини жадал ривожлантириш, мавжуд улкан туризм салоҳиятидан янада тўлиқ ва самарали фойдаланиш, анъанавий маданий – тарихий туризмни ривожлантириш ҳисобига ҳудудларда янги туризм йўналишларини ташкил этиш, уларни паспортлаштириш, туризм йўналишлари ва туризм объектлари бўйича ягона миллий реестрларни шакллантиришга йўналтирилган ички, кириш ва чиқиш туризмини комплекс ривожлантиришнинг миллий ва ҳудудий дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишни мувофиқлаштириш;

Ҳорижий турдош ҳамкор ташкилотлар билан зиёрат туризми соҳасида манфаатли ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш, етакчи хорижий ташкилотлар делегацияларини юртимизга ташрифларини мувофиқлаштириш;

Ўзбекистонда зиёрат туризмини янада ривожлантириш, ушбу йўналишда мамлакатимиз жозибадорлигини ошириш ва халқаро рейтинглардаги ўрнини кўтаришга қаратилган чора – тадбирлар ишлаб чиқиш, халқаро рейтинг агентликлари билан амалий ҳамкорлик ўрнатилмоқда[2].

Ўзбекистонда Республикасининг “Туризм тўғрисида”ги қонуни қабул қилиниши республика ҳукумати ушбу соҳага катта эътибор қаратаётганлигини кўрсатди. Мамлакатимиз томонидан мамлакатимизда туризм салоҳиятини тубдан янгилаш, тизимда ягона давлат сиёсатини амалга ошириш, тарихий – маданий меросни кенг тарғиб қилиш, 2017 йилда мамлакатимизга келган хорижий ва маҳаллий сайёҳлар сони, 2018 йилда кутилаётган натижа, туризмни ривожлантириш борасидаги ҳуқуқий асослар, хавфсиз туризм концепцияси ва миллий туризм маҳсулотлари ва брендларини халқаро туризм бозорига кириб борилмоқда.

Миллий туризм сиёсати – давлат сиёсати даражасидаги ишлаб чиқилган чора – тадбирлар мажмуи бўлиб, булар туристик индустриясини ривожлантиришнинг шароитларини яратишни, туристик ресурсларидан рационал фойдаланишни, туристик тармоқларини иқтисодий самарадорлигини оширишни белгилайди. Давлатнинг туризм сиёсати миллий туристик маҳсулотни ҳаракатга келтириш яратиш концепциясида ўз аксини топган.

Қадимги Буюк Ипак йўли орқали кўплаб мамлакатларнинг туризм маршрутлари туташган халқаро чорраҳада жойлашган ўлкамизда сайёҳликнинг барча турини ривожлантириш мумкин. Улар орасида экотуризм энг истиқболли йўналиш ҳисобланади.

Бунинг учун гоят хилма – хил ҳамда бой ландшафт, табиий экотизим ва ресурслар, улкан рекреация – туризм салоҳиятига эгамиз. Қолаверса, юртимизнинг қуруқ субтропик иклими, фасллар ўз ўрнида алмашиши йил давомида, ҳар мавсумга хос ва мос экологик туризм хизматлари кўрсатиш имконини беради.

Ўтган давр мобайнида туризм соҳасининг қонунчилик асосини мустаҳкамлаш, соҳадаги муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш доирасида Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги “Туризм тўғрисида”ги Қонун лойиҳаси ҳамда 30та норматив – ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилган бўлиб, улардан 22таси қабул қилинди ҳамда амалга оширилмоқда.

2017 йилда республикага ташриф буюрган сайёҳлар сони 2 миллион 520 минг нафардан ортиқни ташкил этиб, 2016 йилга нисбатан 24,3 фоизга ошган.

Шу билан бир қаторда, ҳозирда туризм хизматлари экспорти 2016 йилга нисбатан 24 фоизга ошиб 1 миллиард 557 миллион АҚШ долларни ташкил этмоқда.

Ҳудудий дастурларда белгиланган Бухоро ва Самарқанд шаҳарларида “Қадимий Бухоро” ва “Самарқанд Сити” туризм зоналарини ташкил қилиш, умумий ҳисобда 450 тага яқин лойиҳаларни амалга ошириш, шу жумладан 50 та маданий мерос объектларини реставрация ва консервация қилиш, 50 тадан ортиқ меҳмонхоналар қуриш ва қайта тиклаш, 100 тага яқин умумий овқатланиш хизматларини кўрсатувчи объектларни барпо этиш бўйича ишлар олиб борилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий- иқтисодий дастурнинг энг муҳим устивор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузасида “Охирги йилларда туризмдек муҳим соҳа комплекс раҳбарининг зарур даражасида эътиборидан четда қолиб кетди. Бу хатони сўзсиз ва энг муҳими, натижали равишда тўғрилаш керак” [3].

Бундан ташқари, ўтган давр мобайнида жаҳон ҳамжамиятини мамлакатимизнинг туризм салоҳияти тўғрисида хабардор қилиш мақсадида 20 дан ортиқ давлатнинг ОАВ вакилларининг Ўзбекистонга ташрифлари ташкиллаштирилиб, уларнинг ташрифлари натижасида 1250дан ортиқ информацион материаллар босма ва электрон ОАВ нашрларида жойлаштирилди. Бугунга қадар 920дан ортиқ хорижий босма ва электрон ОАВ нашрлари билан ҳамкорлик йўлга қўйилган. Шу билан бир қаторда, туризм соҳасига тааллуқли бўлган барча масалалар бўйича тезкор ва аниқ маълумот олиш, туризм соҳаси субъектлари ва туристлар сўровларини тўлақонли қабул қилиш мақсадида 2017 йил 4 декабрида Қўмитанинг узлуксиз 24 соат фаолият юритадиган “Call Center” (маълумот маркази) ишга туширилди.

Сайёҳлик (туризм) соҳаси дунё иқтисодининг энг жадал ривожланаётган соҳаларидан биридир. Унинг кенг қамровли тараққиёти эса, кўплаб мамлакатлар учун катта даромад манбаига айланиб бормоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистонда илмий туристик гуруҳлар учун мўлжалланган ва Ўзбекистон тарихини кўрсатувчи, туризм учун янги бўлган “ Қоялардаги расмлар” буклетини инглиз тилида, “Ўзбекистонда туризм” журналининг инглиз, немис ва франциз тилларида, туризмнинг бутун дунёга маълум бўлган диний туризм соҳасига бағишланган “Ўзбекистонда ислом дини қадамжолари” реклама брошюрасини инглиз ва араб тилларида ҳамда “Ипак йўли” рўзномасининг инглиз тилида чоп этиш учун зарур ишлар амалга оширилган[4].

Бундан кўриниб турибдики, сайёҳлик соҳаси бугунги куннинг энг муҳим иқтисодий соҳаларидан бирига айланди. Шу боис дунёнинг кўплаб давлатлари ушбу соҳани янада ривожлантириш, бу борада тегишли инфраструктурани жаҳон стандартлари даражасида яратиш ва сайёҳлар оқимини ошириш бўйича барча чора – тадбир ларни амалга оширмоқда. Туризмнинг самарадорлик даражаси қуйидаги рақамларда ўз аксини топган:

2015 йилда энг кўп хорижлик меҳмонларни қабул қилишда Франция (83,7 миллион), АҚШ (74,8 миллион), Испания (65,0 миллион), Хитой (55,6 миллион) ва Италия (48,6 миллион) кучли бешликда туришибди. Германия, Буюк Британия, Россия ва Мексика кучли ўнталикдан жой олган. Бирок бу кўрсаткич бўйича Европа ва Осиёнинг бир нечта

шаҳарлари етакчилик қилмоқда. Бунга мисол қилиб Ҳонгконг (27,7 миллион), Лондон (17,4 миллион), Сингапур (17,1 миллион), Бангкок (16,2 миллион) ва Париж (15,0 миллион) сингари шаҳарларни келтириш мумкин.

Афсуски, Ўзбекистон бу соҳада ҳали анча орқада эканлигини кўриш мумкин. Хусусан, Бутунжаҳон туризм ва саёҳатлар бўйича кенгаши (БТСК) томонидан берилган баҳога кўра, Ўзбекистон сайёҳлар ташрифи бўйича дунё мамлакатлари орасида 150 – ўринни эгаллайди.

Мамлакатимиз Президентининг 2017 йил 4 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси консуллик йигимлари тарифларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қарори асосида яқка тартибдаги хорижий сайёҳлар учун 30 кун муддатга бериладиган ягона кириш туризм визалари жорий қилинди. Яқка тартибдаги хорижий туристлар учун кириш туризм визаларини расмийлаштириш нархи учдан бир қисмга камайтирилди. Туристлар гуруҳи визасини расмийлаштириш учун гуруҳларнинг куйи чегараси икки баробарга (10 нафардан 5 нафарга) камайтирилди.

Бугунги кунда Ўзбекистонда халқаро ҳамкорликни ривожлантириш, юртимизга ташриф буюришнинг тўсиқларсиз амалга оширилишини таъминлаш борасида қатор ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, қўшни давлатлар билан ҳамкорликда сайёҳлик йўналишлари, шу жумладан, Буюк Ипак йўли йўналиши бўйича туристик маршрутларни ривожлантириш чоралари кўрилмоқда.

Президентимизнинг 2018 йил 4 июлдаги қарори асосида Европа ва Осиё — Тинч океани минтақаси ўртасидаги савдо – иқтисодий алоқаларни оптималлаштириш мақсадида, республиканинг ягона географик жойлашувини инобатга олган ҳолда 101 мамлакат фуқароларига республиканинг аэропортларидан транзит саёҳатчи сифатида ҳаракатланаётганда 5 сутка мобайнида визасиз мамлакатда бўлиш имконияти берилди. Бундан ташқари, агротуризмни ривожлантириш, ҳудудлар кесимида туризм соҳасини ривожлантириш бўйича ҳам бир қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, бугунги кунга қадар республикамизнинг айрим ҳудудларида махсус туризм зоналари ташкил қилинмоқда. Президентимизнинг 2017 йил 5 декабрдаги Фармони асосида “Чорвок” эркин туристик зонаси, Вазирлар Маҳкамасининг “Сурхондарё вилоятида туризм соҳасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори доирасида Бойсун, Сариосиё ва Шеробод кичик туризм зоналари ташкил этилди[5].

Юртимиз жаҳон сайёҳлик бозорида ўз ўрнига эга бўлишига қарамасдан, туристларга қулай шароит яратиш, сервис хизматини яхшилаш, сайёҳлик обидаларининг жозибдорлигини ошириш ва рекламани кучайтириш даражаси жуда паст. Туризм бўйича рақобатбардош мамлакатлар рейтингда дунёдаги (маданий захиралар, арзон инфратузилма, сайёҳлик маҳсулотлари нархи, хавфсизлик даражаси, халқаро шаффофлик жиҳатидан) энг жозибдор 140 та сайёҳлик маскани қайд этилган бўлиб, ушбу рўйхатда Қозоғистон 85 – ўрин, Қирғизистон 116 – ўрин, Тожикистон 119 – ўринни эгаллаган, Ўзбекистон эса Марказий Осиё давлатлари ўртасида энг охириги ўринда турибди ва бу рейтингга киритилмаган.

Мамлакатимизда туризмни ривожлантириш борасида кенг кўламли ишлар амалга ошириляпти. Сайёҳлар оқимини янада ошириш, уларни оҳанрабодек жалб қилиш учун нима қилишимиз керак? Ўзбекистон катта тарихий – маданий меросга – 7300 дан ортиқ қадимий – меъморий ва археологик обидаларга эга. Уларнинг кўпчилиги Самарқанд, Бухоро, Хива, Шахрисабз, Термиз, Қўқон ва Тошкент шаҳарларида жойлашган. Юртимиздаги 200 дан зиёд тарихий ёдгорлик ва обидалар ЮНЕСКОнинг маданий мероси рўйхатига киритилган.

Биргина Франциянинг Париж шаҳрига йилига 15 миллион сайёҳ ташриф буюрар экан. Биз эса ҳар йили сайёҳлар сонини санашдан, ўтган йилдагидан биров кўпайган бўлса, уни баралла овоза қилишдан нарига ўтмаяпмиз. Рақамларда мамлакатимизга 1 миллион 800 минг нафар сайёҳ ташриф буюргани қайд этилган. Агар мамлакатимизда асосий сайёҳлик мавсуми март ойининг ўрталарида бошланса ва дастлабки мавсум якуни июнь ойи сўнгига қадар бўлса, шу давр мобайнида шунча сайёҳ келиб кетишини тасаввур қилиш қийин.

Қолаверса, бизда меҳмонхоналар етарли эмас, бори ҳам Европа мамлакатларининг меҳмонхоналари нархи билан деярли тенг ва ҳар йили нарх сезиларли даражада ўсиб бормоқда. Бу борада яна Парижга “мурожаат” қиладиган бўлсак, у ерда шаҳар ва унинг атрофидаги ҳудудлардаги меҳмонхоналар сони 4.260 тани ташкил этар экан. Бизда эса бу кўрсаткич республика миқёсида 4 ярим баробарга паст, яъни, юртимиз бўйича атиги 750 та меҳмонхона мавжуд.

Маълумотларга кўра, айна пайтда туризмнинг мамлакат ялпи ички маҳсулотигаги улуши 2 фоизни ташкил этади. Бу жудаям паст кўрсаткич. Туризм фаолиятини амалга оширган фирма ва ташкилотларнинг сони эса 433 тадан иборат.

Шунингдек, давлатимиз раҳбарининг 2016 йил 2 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони соҳада учраётган хато ва камчиликларни бартараф этиб, уни изчил ривожлантиришга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Президентимиз дунёнинг 33 та мамлакатига Ўзбекистон элчихоналари фаолият кўрсатаётган элчиларга қарата қилган онлайн мурожаатида Ўзбекистонга хорижий инвестиция ҳамда туристларни жалб қилишни, айниқса, ҳар бир элчига ҳар куни 10 нафар сайёҳ жўнатишга эътибор беришни таъкидлади. Яъни, турист ҳам инвестиция дегани, деган гоёни илгари сурди.

Шу соҳада хизмат қилаётганим боис, кўплаб хорижий сайёҳлар билан суҳбатда бўламан. Қолаверса, Европа мамлакатларида ижодий учрашувларда иштирок этиб келаман. Айнан шундай учрашувларда кўплаб шу каби кўплаб фикрлар билдирилади.

Дунё тамаддунига улкан ҳисса қўшган буюк саркарда ва давлат арбоби, соҳибқирон Амир Темур барпо этган қудратли Мавороуннаҳр салтанатининг довруги ўрта асрларда бутун дунёга машҳур бўлган. Шундай экан, ўша салтанатнинг бугунги замонавийлик касб этган кўрки ва тароватини янада кенгроқ тарғиб қилиш, тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш, хорижлик сайёҳларни янада кенгроқ жалб этиш бугунги куннинг энг долзарб масаласи ҳисобланади. Ушбу концепсия мамлакатимиз туризм соҳасининг янада ривожланишига янги суръат бахш этиб, унда белгиланган чора – тадбирлар ижросига хорижлик туристлар оқими ва туризм хизматлари экспортини кенгайтириш, тармоқда янги иш ўринлари яратиш асосида аҳолининг бандлик даражасини ошириш, меҳмонхоналар, сайёҳларни жойлаштиришнинг бошқа воситалари ва туризм фаолияти субъектлари сонининг кўпайишига хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг (бешта устивор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурини ўрганиш бўйича илмий услубий рисола. - Т.: Маънавият, 2017.Б-300.
2. Ш.М. Мирзиёев “Танкидий таҳлил. Қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик –ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак”Т.: Ўзбекистон,2017. Б-26
- 3.Ўзбекистон республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси расмий сайти маълумотномаси
- 4.meningfikrim.uz/uz/news/view/
- 5.//www.religions.uz/pages

ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИДА ТУРИЗМ ВА УНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

И.Атамирзаев, НамДУ катта ўқитувчиси

О.Усмонов, НамДУ 4-босқич талабаси

Аннотация. Мазкур мақолада Амир Темур ва Темурийлар даврида туризм соҳасига оид маълумотлар ва туризм ривожланишида давлат ислохотлари бўйича маълумотлар акс эттирилган.

Калит сўзлар: Туризм, сайёҳлик, Темур тузуклари, сулола, давлатчилик, тарихий ёдгорлик.

Давлатчилигимиз тарихида туризм тушунчаси пайдо бўлиш ўрни жуда катта тарихий даврни ўз ичига олади. Бу даврда тушунча айнан туризм номи билан аталмаган бўлсада, унинг ҳеч бир даврда ўз аҳамиятини йўқотмаганини тарихий манбалар асосида кўришимиз мумкин. Бунинг исботи сифатида: Давлатчилигимиз тарихида улкан аҳамиятга эга Темур ва Темурийлар даврини мисол қилиб олсак бўлади. Амир Темур (1336-1402) улкан маоказлашган тарихий давлат ва унинг сулолавий асосчиси ҳисобланади. У бир неча йиллик ҳарбий юришлари натижасида, ўз даврининг энг қудратли давлатларидан бирини ташкил этган эди. Бу даврда ҳам сайёҳлик(туризм) жадал тарзда ривожланиб борганини кўришимиз мумкин. Бунинг асосий омили сифатида Амир Темурнинг улкан давлат чегаралари уч китъага бориб тақалиши, шунингдек ягона давлат миқёсида ҳудудларнинг ҳавфсизлиги таъминлаганини тарихий манбалар асосида ёритилган асарларда кўришимиз мумкин. Амир Темур 1402 йилнинг ёзида Франция ва Англияга махсус элчилар орқали Қироллар Карл ва Генрих номларига номалар йўллади. Ушбу номада баён қилинишича "... биз томонимиздан сизларнинг фуқароларингиз дахлсизлигини таъминлаймиз ва улар бизнинг ҳудудларга эркин кириши ва алоқаларни ривожлантиришидан биз мамнун бўламиз"-дейилган эди. Бу ўз навбатида Европадан бизнинг ҳудудимизга келадиган сайёҳлик алоқалари ва ўз даврининг туризми ривожланишида айнан давлат томонидан берилган ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилган. Шунингдек, Темурийлар давлатида ўз даврининг ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилган "Темур тузуклари" асарида ҳам ушбу давр муносабатларини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинган.

Мазкур тарихий, ҳуқуқий манбада Амир Темир ўз ворислари ва масъул бошқарув шахсларга давлатлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар ва ҳар икки томонларнинг аҳолисининг эркинлиги ва дахлсизлиги, ўзаро эркин шаҳарларда ҳаракатланиш, савдо-сотик ва маданий алоқаларни ривожлантириш топширигини берган эди. Унинг ворисларидан Мироншоҳ Мирзо (1366-1408) ҳам отасининг йўлидан бориб, ўзаро алоқалар ва эркин туризмни таъминлашда улкан ишлар амалга оширган. Худди шу даврда Амир Темурнинг Англия кироли Генрих билан олиб борилган дипломатик муносабатларида туризм соҳасига ҳам дахлдор масалаларда гарбий вилоятлар ҳоқими Мироншоҳ ҳам фаол иштирок этганини кўришимиз мумкин.

Шунингдек Мироншоҳ Ғарбий Эрон, Ироқ, Озарбайжон, Арманистонни ўз ичига олган мулклар ҳоқими сифатида Амир Темурнинг кексайиб қолган даврида Ғарбий Европа ҳукмдорларининг диққат-эътиборини ўзига жалб этади. Бу даврда у Европа давлатлари билан ўзаро савдо ва туризм икки давлат фуқароларинг эркин ҳаракатини таъминлаш мақсадида Европа давлатларига хайрихоҳлик билдириб, савдогарларнинг дахлсизлигини таъминлаш борасида чора-тадбирларни амалга оширди. Шу сабабли Ғарбда Мироншоҳ тез орада шухрат қозонди. Бу эса албатта Европадан келадиган элчилик ва сайёҳлик алоқаларини янада ривожланишига катта таъсир кўрсатади.

Бунда айниқса Самарқанд ва Бухоро шаҳарлари алоҳида аҳамият касб этади. Шунингдек Темурийлар давлатида туризмнинг тараққий этишини биз, ушбу даврда, амалга оширилган улкан шаҳарсозлик ва тарихий обидалар, улкан меъморчилик ишлари ва уларни барпо этишдаги ҳаракатларда, турли давлатлар билан алоқалар ўрнатгани ва бунда улар ўзаро ҳамкорлик доираси амалий ишлар қилганлигини кўришимиз мумкин. Ушбу даврда қайтадан бўй кўрсатиб, ўз даврининг туризм шаҳарларига айлантилган Мовароуннахрнинг Самарқанд, Бухоро, Тошкент, Шохрухия, Термиз, Шаҳрисабз, Қарши ва бошқа кўпгина шаҳарларини эътироф этишимиз даркор. Айниқса, Самарқандда Бибиҳоним жоме масжидида Қуръонни қўйиш учун ўрнатилган улкан тош лавҳ, Ғўри Амирдаги нефрит қабртоши, Шохизинда ва бошқа жойлардаги сағаналарга жимжимадор нақшлар берилиб, ўймакор оятлар, марсиялар ва тарихий қайдномалар ёзилган. Шунингдек ушбу даврда Бухородаги кўплаб меморий обидалар ва ҳунармандчилик намуналари алоҳида ўрин тутди. Бу каби улкан бунёдкорлик ишлари бизнинг қадимий шаҳарларни нафақат Европа

давлатлари, балки бутун Шарқда ҳам улкан сайёҳлик ва туризм маркази эканлигини яққол намунаси сифатида эътироф этади. Амир Темур нафақат Мовароуннаҳр ва Туркистонни обод қилди, балки бўйсундирилган мамлакатларнинг шаҳарларини ҳам қайта қурдирди. Бағдод, Дарбанд ва Байлакон шаҳарлари шулар жумласидандир.

АМИР ТЕМУР ДАВЛАТИ ХАРИТАСИ

Хулоса сифатида Темурийлар даврида нафақат Бухоро балки бутун Мовароуннаҳр шаҳарлари улкан туризм марказига айланди ва Жаҳон миқёсида шаҳарларимиз Самарқанд “Дунёнинг хусни”, Бухоро эса “Ислом гумбази” дея улугланганини кўришимиз мумкин.



Умуман олганда, бизнинг қадимий шаҳарларимиз тарихан дунёнинг нафақат туризм ва маданий маркази ҳам ҳисобланиб келинган ва бу ҳеч қачон ўз аҳамиятини йўқотмайди. Чунки бугунги кунда Давлат раҳбари томонидан Туризм соҳасига қаратилаётган эътибор, ҳамда қабул қилинган норматив ҳуқуқий ҳужжатлар Ўзбекистон туризм соҳасидаги салоҳиятини янада ривожланишида асосий мезон бўлиб хизмат қилмоқда. Бинобарин, бундай эътибордан ҳамда ўз юртида шундай муқаддас қадамжолар, тарихий обидалар, асору атиқалар бор миллат вакиллари бундай катта ва бой илмий ва маданий меросдан ва уни асраб авайлашдан, дунё мамлакатларига кўз-кўз қилишдек фахрли ишдан мосуво бўлмасликлари керак. Бунда нафақат давлат органлари балки ҳалқимизнинг барча вакиллари бундай ифтихордан, жаннатмакон юртда яшаётганликларидан доимо шукроналик билан яшашлари лозим. Биз ёш авлодлар буюк тарихимиз вакиллари ҳамда улуг аجدодларимиз қолдирган меросни авайлаб асрашимиз, кегуси авлодга етказиш орқали буюк боболаримиз руҳига бўлган юксак ҳурматимизни намоён қилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. "Темур тузуклари" Тошкент 1997.
2. Миллий Архив "Дипломатик муносабатлар" асосга кўра.
3. Шохистахон Улжаева "Амир Темур дипломатияси" Тошкент 2017.

XVI АСР МОВАРОУННАХР ИЖТИМОЙ – СИЁСИЙ ҲАЁТИДА ШАЙХ ҲУДОЙДОДИ ВАЛИНИНГ ТУТГАН ЎРНИ

Музаффаров Наврўзхон

Самарқанд Иқтисодиёт ва Сервис институти ўқитувчиси

Буюк мутафаккирларимиз доимий ўзгариш ва ривожланишда бўлган жамиятнинг туб моҳиятини билишга, инсоннинг жамиятдаги ўрни ва ролини англашга ҳаракат қилганлар. Турли тарихий даврларда жамият моҳияти мифологик, диний таълимотлар орқали изоҳланган. Жамият моҳиятини илмий фалсафий билиш, жамиятнинг яхлит илмий манзарасини яратиш инсоният маънавий тараққиётининг буюк ютуғи бўлди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг **“Маълумки, қадимий маданият ва цивилизациялар чорраҳаси бўлган юртимиз заминидан ўрта асрларда минглаб олиму уламолар, буюк мутафаккир ва шоирлар, азиз-авлиёлар етишиб чиққан. Уларнинг аниқ фанлар ва диний илмлар соҳасида қолдирган бебаҳо мероси, бутун инсониятнинг маънавий мулки ҳисобланади²⁶⁵”** – деб таъкидлашлари бежиз эмас, албатта.

Ислом динининг қуввати бўлган Бухоро каби Карманадан ҳам кўплаб шайхлар, дин пешволари етишиб чиққан. Қосим Шайх Азизон, Мавлоно Ориф Деггароний, Мир Саид Баҳром, Темуршайх Азизон, Шайх устод Сулаймон ал-Карминий ва яна шу каби кўплаб алломалар жаҳон тарихи саҳифаларидан жой олган.

²⁶⁵ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси. 2017 йил

Шундай буюк инсонлардан бири XV асрнинг иккинчи ярмида Карманада тугилиб, вояга етган машхур аллома Шайх Худойдод Валидир.

Ул зотнинг XV-XVI асрларда тасаввуфдаги яссавия-жахрия тариқатининг ривожланишида кўшган хиссаси, адабий мероси, тариқатдаги силсилалари, авлодлари шажараси, пиру муридлари каби масалаларни ўрганиб, уни замондошларимизга ҳавола этиш бугунги ва келажак авлодлар учун муҳим маънавий озуқадир.

Мураккаб бир вазиятда вояга етган Шайх Худойдод Валининг маънавий фаолиятида ҳаётдан безиб, умидсизланган халқ оммаси, адолатсиз ҳукмдорлардан жабр кўрган меҳнаткаш халқнинг ҳаёти ўз аксини топган. Шайх Худойдод замона беклари, оқсуяклар, аскар бошлиқлари қаторида бўлмади, аксинча мазлум синфнинг орасида, улар билан ҳамнафас яшади. Меҳнаткашларнинг қайгулари билан йиглашга мажбур бўлди. Шайбоний ҳукмдорлар Шайх Худойдодга ўзлари учун мадад сўраб, кўплаб совга ва инъомлар юборсалар ҳам, ўз саройларига таклиф қилсалар ҳам Ҳазрат Худойдод уларни қайтариб, айримларини эса бева-бечораларга тарқатар эди. Шайх Худойдод “Ал-фақрун фахрун” яъни, “фақирлигим фахримдир”, деган нақлга доимо амал қилар эди.²⁶⁶

Шайх Худойдод Вали бева бечораларнинг тарафини олиш билан бирга ўз даврининг таниқли полвонларидан бўлган. Нақл қилишларича, бир куни Шайх Худойдод Вали Қарнаб даштига боради. Қарнаб бегининг халққа адолатсизлигини кўриб, жуда газабланади, қишлоқ оқсоқоллари билан кенгашиб, ҳокимга арз қилиш мақсадида Бухорои Шарифга боради. Ҳукмдор уюштирган сайлга қатнашиб, мамлакат полвонлари билан курашиб, барчасини енгади ва ҳокимнинг эътиборини қозонади. Шунда ҳоким Шайх Худойдод Азизонни қабул қилиб, орзу- тилагини сўрайди. Ҳазрат Қарнаб бегининг адолатсизлигини айтиб, халқни ундан халос қилишини сўрайди. Илтимосни қондирган ҳоким Қарнаб бегини жазолайди ва у ерда адолат ўрнатади.²⁶⁷

Шунга ўхшаш воқеа яна бир манбада келтирилади: Азизон Шайх Худойдод Вали 1490 йиллар атрофида Бухоро шаҳрида Ғулисурх мусобақасида Мовароуннухрнинг майдонга даъвогар жами эллик олти полвонини йиқитади. Шунда теурий ҳукмдор Муҳаммад Боқий Мирзо Шайх Худойдоддан тилак сўраганларида ҳозирги Нуробод тумани ўрнидаги Улус элатининг адолатсиз бегини вазифасидан озод этишни сўраган экан.²⁶⁸

Қирк ёшгача Карманада яшаган Ҳазрат Худойдод Самарқанднинг Ғазира масканида (ҳозирги Жомбой тумани) ҳам ўттиз йил яшаш асносида ўз меҳнати билан кун кўриб, ҳалол ва пок лўқма, покиза иймон ва кучли эътиқод билан умргузаронлик қилиб, ўз суҳбатдошлари-ю муридларини ҳам шунга даъват этади.

Шайх Худойдод Валининг содиқ муридларидан ҳисобланмиш Ҳазрати Олим Шайх каламига мансуб “Ламаҳот мин нафаҳот ул-қудс”(форсча, ЎзФА Шарқшунослик институтида уч нусхада сақланмоқда), Ҳофиз Таниш ал-Бухорий қаламига мансуб “Абдуллонома” тарихий асари (“Шарқ” нашриётида 1999-2000 йилларда тўлиқ нашр этилди), “Маноқиб Шайх Худойдод Вали”(форсча, ҳозирги кунда Ҳазратнинг Ғазирадаги авлодлари қўлида сақланмоқда), Абу Тохирхўжа Самарқандийнинг “Самария” асари (1991 йилда нашр этилган), Ҳасанхўжа Нисорийнинг “Музаккир ул-ахбоб” қўлёзмаси (форсчадан Исмоил Бекжон таржимаси, 1993 йилда Тошкентда нашр қилинган), Абдулгани Кашмирийнинг “Ривзат ул-ризвон” асари (XII асрда ёзиб тугатилган, асарнинг турли нусхалари мавжуд), Қози Мир Муҳаммад Вафо Карминагийнинг “Тухфаи ал-Хоний” тарихий асари (бу асар 395 бетдан иборат бўлиб, ЎзФА Шарқшунослик институтида 1359/ рақами билан сақланади), Муҳаммад Шариф Ҳусайний ал-Алавий ал-Бухорийнинг (XIX асрда яшаган) “Хужжат ул-зокирин” тазкираси (Самарқанд шаҳридаги музейда сақланади), Абдул Бақо ибн Хожа Баҳовуддин томонидан 1617 йилда ёзилган “Жомеъ ул-мақомот” асари (ЎзФА Шарқшунослик институтида сақланади), Фитратнинг

²⁶⁶ Иноятов С., Қандаҳоров А. Шайх Худойдод Вали – Кармана фарзанди. Т.: 2008. 4-бет

²⁶⁷ Валихўжаев Б., Ўринбоев Б. Худойдоди Вали. Самарқанд, 1995, 10-бет.

²⁶⁸ Бўлдиева С. Нурога. Эссе. Т.: “Шарқ” 2003, 122-бет.

асарлари ва бошқа шунга ўхшаш кўплаб рисола ва ҳужжатларда Ҳазрат Худойдод Вали шахсиятлари, ҳаёти ва фаолияти ҳақида маълумотлар келтирилади.¹

Ҳазрат Худойдоди Вали ўзининг яссавий-жаҳрияи султония тариқатидаги фаолияти билан бир қаторда шеъриятда ҳам қобилият соҳиби бўлиб, туркий ва форсий тилларда газал, хикмат ва фардлар битган. Бу шеърий мерос унинг ҳақидаги маноқиб таркибида бизгача етиб келган. Мавжуд шеърлар ёзма адабиётдаги газал, қасида жанрлари қонун-қоидаларига риоя қилинган ҳолда битилган бўлиб, мавзу жиҳатдан эса орифона ва насихатомуздир.

Маълумки, тасаввуф фалсафасининг етук намояндалари Хожа Аҳмад Яссавий, Сулаймон Боқиргонийлар ўзларининг бу соҳадаги ақидаларини шеърий шаклда ифода этиб, ўзларидан салмоқли мерос қолдирганлар. Ҳазрат Худойдод ҳам мана шу анъанани давом эттириб қатор шеърий тарзида ёзганлар. Шуни алоҳида уқтириш керакки, бу шеърлар тилининг раванлиги, бадиятнинг соддалиги, фикрнинг аниқ ифодаси, мусикийлиги билан ажралиб туради. Шу жиҳатдан олиб қараганда, Ҳазрат Худойдоднинг шеърий мероси XVI аср ўзбек адабиётидаги услубий ранг-барангликни, мавзу кўламининг кенглигини, бадият ва тилда тушунарлиликка интилишни чуқур таҳлил этишда яхши восита бўлиб хизмат қила олади. Шу нуқтаи назардан Ҳазрат Худойдодни XV аср охири ва XVI аср биринчи ярмидаги тасаввуфнинг вакили сифатидагина эмас, балки шу даврдаги бадий жараённинг ўзига хос намояндаси сифатида ҳам ардоқлаб, адабий жараён тарихига номини киритиш айни муддаодир. Бу эса шайх Худойдод Вали хотирасини ҳам мутасаввуф ҳамда шоир сифатида керакли даражада абадийлаштиришга асос бўла олади.

Адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси. 2017 йил.
2. Иноятов С., Қандаҳоров А. Шайх Худойдод Вали – Кармана фарзанди. Т.: 2008.
3. Валихўжаев Б., Ўринбоев Б. Худойдоди Вали. Самарқанд, 1995.
4. Бўлдиева С. Нурота. Эссе. Т.: “Шарқ” 2003.
5. Иноятов С., Ҳайитова О. Кармана тарих кўзгусида. Т. “Шарқ”. 2006.

РАҚОБАТБАРДОШ ЗАМОНАВИЙ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

*Имомназаров Ҳасан , Имомназаров Ҳусан
ФДУ Ижтимоий иш йўналиши талабалари*

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг тўртинчи устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида-меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мос юқори малакали кадрлар тайёрлаш сиёсатини давом эттириш долзарб масала сифатида кўрсатиб ўтилган. Иқтидорли ёшларнинг маънавий, илмий камолоти, уларнинг ўзлари танлаган мутахассисликлари бўйича олий таълим муассасаларида ўқишлари, мамлакатимизда 2019 йилга “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили” деб ном берилиши билан бевосита боғлиқдир. Чунки, инсон капиталига, унинг жамиятнинг янги босқичида ривожига қаратилган, шахснинг келажаги учун мўлжаллаб киритилган инвестициялардан самарали фойдалансагина мамлакат ижтимоий тараққиётда муайян ютуқларга эришиш мумкин бўлади. Бу жараён ўз навбатида салоҳиятли, чуқур билимга эга бўлган, қобилиятли ёшларнинг етакчи университетларда таълим олишига олиб келади ва ватанимиз тараққиётига зарур ва муносиб бўлган, унинг келажагини таъминлашга ўзининг муносиб ҳиссасини қўша оладиган юқори малакали мутахассислар тайёрланишига эришилади. Албатта, олий маълумотли кадрлар сонининг ошиб бориши, ижтимоий-иқтисодий тизимларда вужудга келаётган янги вазифалар, ижтимоий-иқтисодий мазмундаги муаммоларнинг ечимини малакали суръатда ҳал қилинишига олиб келади. Ушбу муносабат

¹ Қаранг: Иноятов С., Ҳайитова О. Кармана тарих кўзгусида. Т. “Шарқ”. 2006, 148-бет.

билан Ўзбекистон Республикаси Президенти янги тараққиёт босқичида инсон капиталига эътиборни кучайтириш, бунинг учун барча имкониятларни сафарбар этиш вазифасини кўяди.²⁶⁹

Рақобатбардош замонавий кадрлар тайёрлаш масалаларини ҳал этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 25 сентябрдаги фармони билан мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот қилиш бўйича "Эл-юрт умиди" жамгармаси ташкил этилди.²⁷⁰

Жамгарма чет элдаги иқтидорли ёшларни магистратура ва докторлик дастурлари, турли соҳалардаги мутахассислар малакасини ошириш, хориждаги юртдошлар билан доимий суҳбат куриш, мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, хорижий мамлакатлар билан юқори малакали кадрларни тайёрлашга кўмаклашиш мақсадида ташкил этилган. 2019 йилда ушбу дастурни амалга ошириш учун давлат бюджетидан 45 миллиард сўмни ажратиш режалаштирилган. 2017-2021 йилларга мўлжалланган олий таълим тизимини комплекс ривожлантириш дастури қабул қилинди. 2018 йилда мамлакатимизда 13 янги олий таълим муассасалари, шу жумладан хорижий олий ўқув юртлари филиаллари ташкил этилди.

Фанлар академиясининг илмий алоқаларини янада мустаҳкамлаш ва фанлар академияси фаолиятини такомиллаштирилиш, илмий инновацион фаолиятни бошқариш тартибга солишнинг ягона тизимини шакллантириш, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида фаннинг ролини кучайтириш мақсадида 2017 йил 17 февралда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Фанлар академияси фаолиятини янада такомиллаштириш, илмий тадқиқотларни ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришга доир чора тадбирлар тўғрисида"ги фармони қабул қилинди.²⁷¹ 2018 йилнинг ўзида давлат раҳбарининг илм-фан ривожига қаратилган 11та фармон ва қарорлари қабул қилинди. Мамлакатдаги илмий муассасаларининг роли оширилди, академиклар сони кенгайтирилди, янги илмий тадқиқот институтлари ва технопарклар фаолияти тикланди, қайта яратилди. Шундай қилиб, мамлакатда ёшларни олий таълим тизимига қамров ҳамда уларни молиялаштириш ва моддий-техник базасини мустаҳкамлаш даражаси сезиларли даражада ошди. Мамлакат тараққиётининг янги босқичи шароитида университетларнинг халқаро алоқаларини илмий-тадқиқот марказлари ва дунёнинг ривожланган мамлакатларидаги олий таълим муассасалари билан кенгайтириш мумкин бўлди.

2018-йил 24-май куни Ўзбекистон Президенти "Журналистика ва оммавий коммуникациялар университетини ташкил этиш тўғрисида"ги ва 2018 йил 28 июн куни "Буюк ипак йўли" номидаги халқаро туризм университетини ташкил этиш тўғрисида"ги фармонга имзо чекди. Янги олий ўқув юртларини ташкил этиш, профессионал кадрларни тайёрлаш, журналистика, халқаро сайёҳлик соҳасидаги илмий-ижодий ишларни олиб бориш, тарихий, маданий ва гуманитар алоқаларни янада ривожлантириш Ўзбекистон Республикасининг ташаббусидир. 2017-2021 йилларда илмий-тадқиқот институтлари инфратузилмасини мустаҳкамлаш ва инновацион фаолиятни ривожлантириш бўйича давлат дастури тасдиқланди.²⁷² Инновацион ривожланиш концепциясининг ва рақамли иқтисодиёт шароитида рақобатбардош кадрлар тайёрлашнинг амалий аҳамиятини ва унинг инсон камолотидаги ўрнига алоҳида эътибор бериш мақсадида "Ўзбекистонда умумтаълим ва ўрта махсус таълим масканлари битирувчиларини олий таълим билан қамраб олиш ўтган даврда 9-10 фоиз даражасида бўлиб келаётган эди. Сўнгги икки йилда қўрилган чора-тадбирлар туфайли, биз бу рақамни 15 фоиздан оширишга эришдик. Лекин бу ҳали етарли эмас. Чунки дунёдаги ривожланган давлатлар тажрибасига қарайдиган бўлсак, бу кўрсаткич уларда 60-70

²⁶⁹ Президент Ш.Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига мурожаатномаси. 2018 йил 29 декабрь. Халқ сўзи

²⁷⁰ 2019 йилда чет элда мутахассис кадрлар тайёрлаш учун 45 миллиард сўм ажратилди. kun.uz/ Ўзбекистон. 18.12.2018 436

²⁷¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Фанлар академияси фаолиятини янада такомиллаштириш, илмий тадқиқотларни ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштириш тўғрисида"ги қарори. Халқ сўзи 18.02.2017

²⁷² Ўзбекистонда илмий-тадқиқот институтлари инфратузилмасини мустаҳкамлаш ва инновацион фаолиятни ривожлантириш бўйича давлат дастури тасдиқланди. www.Sputnik.uz/ 01.11.2017.

фоизни ташкил этади. Шунинг учун 2019 йилда мамлакатимизда битирувчиларни олий таълим билан қамраб олиш даражасини 20 фоизга етказиш ва келгуси йилларда ошириб бориш – муҳим вазирамиздир”²⁷³

Шундай қилиб, олий таълимнинг янада тараққий этиши мамлакатнинг инновацион ривожланишида ва иқтисодийнинг барча тармоқлари, ижтимоий, бизнес сектори учун юқори малакали мутахассисларни тайёрлашда муҳим омил ҳисобланади. Тараққийнинг янги босқичи шароитида ва муваффақиятли ислохотлар самарасида ижтимоий ҳаётнинг кўплаб соҳаларида амалиётга тадбиқ этилаётган кучли интеллектуал салоҳият республиканинг миллий давлатчилиги -ва иқтисодий мустақиллигини мустаҳкамлаш учун асос бўлиб хизмат қилади. Корхоналар, муассасалар чекланган табиий ресурслар туфайли инновацион тараққийнинг ютуқлари, юқори малакали кадрларнинг маҳоратлари қанчалик кенг миқёсда амалга оширилаётганлиги билан белгиланади. Шунинг таъкидлаш керакки, Ўзбекистонда мамлакатнинг интеллектуал салоҳияти ва олий таълимига кўп асрлар илгари асос солинган бўлиб, чуқур илмий илдизларга эга. Асрлар мобайнида у халқимизга атроф-муҳитни билиш, ижтимоий ривожланиш ва бозор иқтисодиёти шароитида, рақобатбардош мутахассисларни тайёрлашда ишончли хизмат қилади.

INNOVATION PEDAGOGIK TEXNOLOGIYALARNING TA'LIM JARAYONIDAGI O'RNI

F.E.Jomonqulova, SamISI katta o'qituvchisi

Annotatsiya: Mazkur maqolada yoshlarni axborot xurujlaridan asrash, ularda axborot imunitetini shakllantirishda zamonaviy usullarning ahamiyati haqida so'z yuritilgan.

Kalit so'zlar: Ma'naviyat, yoshlar, taraqqiyot, globallashuv, zamonaviy usullar, axborot imuniteti, axborot texnologiyalari, innovatsion texnologiyalar.

Mustaqil O'zbekiston Respublikasida ta'lim sohasida olib borilayotgan islohatlar o'quv mashg'ulotlarini yuqori saviyada tashkil etishga xizmat qilmoqda. Shuni aytib o'tmoqchimanki, hozirda o'quvchi-talabalarning bilimni nazorat qilishda ushbu pedagogik texnologiyadan foydalanish ijobiy natija beradi.

Ushbu maqsadlarning ijobiy natijaga ega bo'lishi, eng avvalo, yosh avlodga ilmiy bilimlar asoslarini puxta o'rgatish, ularda keng dunyoqarash hamda tafakkur ko'lamini hosil qilish, ma'naviy — axloqiy sifatlarni shakllantirish borasidagi ta'limiy — tarbiyaviy ishlarni samaraliy tashkil etishga bog'liqdir. Zero, yurtning porloq istiqbolini yaratish, uning nomini jaxonga keng yoyish, ulug' ajdodlar tomonidan yaratilgan milliy — madaniy merosni jamiyatga namoyish etish, ularni boyitish, mustaqil Respublikamizning rivojlangan mamlakatlar qatoridan joy egallashini ta'minlash yosh avlodni komil inson hamda malakali mutaxassis qilib tarbiyalashga bog'liqdir. Uzbekiston Respublikasi Oliy Majlisining IX sessiyasi (1997 yil 29 avgust) da qabul qilingan hamda bugungi kunda g'oyalari amaliyotga keng ko'lamda muvaffaqiyatli ta'dbiq etilayotgan O'zbekiston Respublikasining «Ta'lim to'g'risida»gi Qonuni va «Kadrlar tayyorlash Milliy dasturi» mazmunida barkamol shaxs va malakali mutaxassisni tarbiyalab voyaga yetkazish jarayonining moxiyati mullaqotli ochib berilgandir.

O'qituvchi — pedagoglarning xususiy fanlar asoslarini o'qitishga yo'naltirilgan mashg'ulotlar jarayonini noan'anaviy shakllarda tashkil etish, ta'lim jarayonini mukammal andoza asosida loyihalashga erishish, mazkur loyixalardan oqilona foydalana olish kunikmalariga ega bulishi ta'lim oluvchilar tomonidan nazariy bilimlarni puxta, chuqur o'zlashtirilishi, ularda amaliy ko'nikma va malakalarning xosil bo'lishining kafolati bo'la oladi.

Yuqorida aytib o'tilgan pedagogik texnologiyani “Do'stinga xat” deb nomladim. Buni mazmuni shundan iboratki yangi pedagogik texnologiyalardan foydalanish natijasida o'quvchilarda qiziqish paydo bo'ladi. Ayniqsa u o'yinlar tarzda bo'lsa nur ustiga a'lo nur bo'ladi.

²⁷³ Президент Ш.Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига мурожаатномаси. 2018 йил 29 декабрь. Халқ сўзи

Bu texnologiyani qo'llash uchun biz birinchi navbatta har bir o'quvchining bilim darajasidan kelib chiqqan holda misol yoki masalalar tuzib chiqamiz va bittadan namuna tarzda ishlanmalar beramiz.

1. **Namuna.** Kvadrat tenglamani yeching:

$$2x^2 + 3x + 1 = 0$$

Yechilishi:

$$ax^2 + bx + c = 0$$

kvadrat tenglamaning umumiy ko'rinishi.

$$x_{1,2} = \frac{-b \pm \sqrt{b^2 - 4ac}}{2a}$$

kvadrat tenglamaning ildizlarini topish formulasi.

$$2x^2 + 3x + 1 = 0$$

$$a = 2, b = 3, c = 1$$

$$x_{1,2} = \frac{-3 \pm \sqrt{3^2 - 4 \cdot 2 \cdot 1}}{2 \cdot 2} = \frac{-3 \pm \sqrt{9 - 8}}{4} = \frac{-3 \pm \sqrt{1}}{4} = \frac{-3 \pm 1}{4};$$

$$x_1 = \frac{-3 + 1}{4} = -\frac{2}{4} = -\frac{1}{2};$$

$$x_2 = \frac{-3 - 1}{4} = -\frac{4}{4} = -1;$$

2. Kvadrat tenglamani yeching:

$$2x^2 + 5x + 2 = 0$$

So'ngra uni konvertlarga joylashtirib, konvert yuziga o'sha o'quvchining jurnalidagi nomerini yozib quyamiz. Demak tarqatma materialimiz tayyor. Endi uni qanday ishlatamiz? Degan savol tug'iladi. Dastlab o'qituvchi darsni boshlagandan so'ng yangi mavzuni o'quvchilarga tushuntirgandan so'ng, yangi mavzuni mustahkamlash uchun ushbu pedagogic texnologiyadan foydalanishi mumkin. Ya'ni tayyorlangan konvertlarni qutiuchaga ularni ko'rinmaydigan qilib, lekin olish imkoniyati bor qilib joylashtiramiz. Shunda birinchi konvertni o'qituvchining o'zi olib, kimning jurnalidagi nomeri yozilgan konvert chiqqan bo'lsa o'sha o'quvchi doskaga chiqib konvert ichidagi masala yoki misol shartlari bilan tanishib chiqadi va doskada namunada ko'rsatilgan tarzda ishlatyudi. Shunda javob chiqqandan so'ng o'sha o'quvchining o'zi qutichadan bitta konvertni oladi va konvertda yozilga raqamdagi o'quvchi doskaga chiqadi v.h.

Xulosa o'rinda shuni ta'kidlab o'tmoqchimanki, bugungi kun yoshlarini tarbiyalashda, biz pedagoglar avvalambor o'quvchi-talabalarni o'quv-mashg'ulotlarga jalb qilishda zamonaviy innovatsion pedagogik texnologiyalarni ishlab chiqish.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Yo'ldoshev J. G., Usmonov S. A. Zamonaviy pedagogik texnologiyalarni amaliyotga joriy qilish. — T.: Fan va texnologiyalar, 2008. 132–134 b.
2. Кларин М.В. Педагогические технологии в учебном процессе. – М.: Знание, 1989.
3. “Fizika, matematika va informatika” ilmiy-uslubiy jurnal. 4-son. Toshkent-2015
4. <http://pedagog.uz>.

САЙФИДИН БОХАРЗІЙ ЗИЁРАТ ТУРИЗМИ ОБЪЕКТИ СИФАТИДА

*Раунов С.С. БухДУ “Миллий гоё, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими” кафедраси доценти, т.ф.и,
Норова М.Ф. БухДУ “Миллий гоё, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими” кафедраси ўқитувчиси*

Туризмнинг жуда кўп йўналишлари бўлиб, бу йўналишлар орасида зиёрат туризми муҳим аҳамиятга эга. Бу туризм орқали кишилар муқаддас қадамжойларни зиёрат қиладилар, у ердаги архитектура ёдгорликлари билан танишадилар. Ислом оламининг буюк алломалари ҳаёти ва ижодини ўрганадилар.

Бухоро туризмини ривожлантириш учун катта имкониятларга эга. Чунки бу заминда жуда кўплаб муқаддас қадамжойлар бўлиши билан бир қаторда, Ислом оламида машхур бўлган кўплаб алломалар яшаб ўтганлар. Уларнинг ҳаёти ва ижодини зиёрат туризми орқали ўрганиш катта аҳамиятга эга. Ана шундай алломалардан бири Сайфиддин Бохарзийдир.

У кишининг тўлиқ исмлари Сайфиддин Абул Маъолий Саъид ибн Али Қоидий Бохарзийдир. Дамашқлик машхур тарихчи ва муҳаддис Шамсуддин Заҳабий (1274–1348) ўзининг “Машхур даҳолар сийрати” асарида маълумот беришича, Сайфиддин Бохарзий улуг авлиё, буюк тарбиячи, ўз даврининг етук устоди, воиз, тасаввуфнинг машхур шайхларидан бири, Кубравия тариқатининг намояндаси. Бу зоти шариф Эроннинг Бохарз (Найсобур билан Ҳирот ўртасидаги бир вилоят) шаҳрида 1190 йил (ҳижрий-586 йил шаъбон ойининг 9-куни) тугилиб, 1261 йил (ҳижрий-659 йил зулқаъда ойининг 20-куни) Бухорода вафот қилганлар. Қабрлари Бухоронинг Фатҳобод мавзеида жойлашганлиги ҳақида маълумотлар келтиради.

Унинг ҳаёти ва кароматлари, саховату қаҳрамонликлари ҳақида эл орасида кўплаб афсона ва ривоятлар мавжуд. Бу табаррук фарзандини халқимиз эъзозлаб, асрлар давомида номини хотирасида сақлаб келмоқда.

Тасаввуфга оид манбаларда Сайфиддин Бохарзийнинг ишлари, мартаба ва мўжизалари ҳақида сўз боради. Чунончи, Имом Шамсиддин Заҳабийнинг китобларида маълумот берилишича Ибн Фуватий “Муъжамул алқоб” китобларида Сайфиддин Бохарзийни қуйидагича таърифлаган: Бохарзий муҳаддис, ҳофиз, зоҳид, воиз, хайбатли шайх, ориф, такводор, фасохат соҳиби бўлиб, сўзлари дуру маржон каби эди[3].

Ибн Фуватийнинг фикрларидан маълум бўладики, Шайхул Олам номи билан маълум ва машхур Сайфиддин Бохарзий муҳаддис, яъни ҳадисшунос олим. Имом Бухорий ҳамда Имом Термизийлар каби муҳаддислардек Пайгамбаримиз Муҳаммад(с.а.в) сўзларини таҳлил қилганлар. Қуръони каримни ёд билганлар ва хуш овоз қироат қиладиган инсон бўлганлар. Зоҳид, яъни нафси тийиқ, такводор, дин йўлида риёзат чекувчи ва Оллоҳнинг зикрига халал берувчи барча нарсаларни тарк этишга ундайдиган киши бўлганлар. Кучли воиз яъни, у кишининг маърузаларини тинглаган кўпчилик аҳоли Ислом динини қабул қилган. Сайфиддин Бохарзий салобатли, кўркам инсон, тариқат йўлининг маърифат босқичини эгаллаган шайх, такво, шариат йўлида, Оллоҳнинг ҳукмларига мукамал бўй сунадиган инсон, илмлари жуда мукамал ва нутқлари жуда равон ва чиройли худди дуру маржон каби бўлганлар.

Бундан ташқари, Шайхул Олам ҳақларида Жомийнинг “Нафоҳатул унс”, Навоийнинг “Насоимул муҳаббат”, Яхъё ибн Аҳмад Бохарзийнинг “Аврод ал аҳбоб ва фусус ал адаб”, Носириддин Тўранинг “Тухфат аз зоирин” ва бошқа манбаларда маълумотлар берилган.

“Тухфат аз зоирин”да: “Ҳазрат Шайхул Олам олими боамал, муҳаддис Шайх Сайф ҳақ вад дин Абу ал Маоний Саъид бин ал Мутаҳар бин Саъид бин ал Бохарзий”[3] деб ёзилган. Бундай мисраларда Сайфиддин маъноси ҳақ динни қиличи мазмуни тушунилади.

Манбаларда таъкидланишича, Ҳазрат Шайх Сайфиддиннинг насаблари Ҳазрат Абу Бакр Сиддиққа бориб тақалади: Ҳазрат Шайх Сайфиддин Бохарзий ибн Муҳаммадхожа ибн Шариф Атохожа ибн Муҳйиддинхожа ибн Муваффақхожа ибн Аҳмадхожа ибн Саъидхожа ибн Муҳаммадхожа ибн Ишоқхожа ибн Абдулисломохожа ибн Муслимохожа ибн Нофеъхожа ибн Саъдхожа ибн Тафил (Туфайл)хожа ибн Утбахожа ибн Талҳахожа ибн Қосимхожа ибн Муҳаммадхожа ибн Ҳазрат Абу Бакр Сиддиқ разияллоҳу анҳудирлар [3].

“Насоимул муҳаббат”да таъкидланишича, Шайх Сайфиддин Бохарзий Шайх Нажмиддин Кубронинг хулафосидиндур (яъни шогирдларидир). Зоҳирий улум таҳсили ва такмилидин сўнгра Ҳазрати Шайх мулозаматиға мушарраф бўлди ва тарбият топди[1]. Кўриниб турибтики, Шайх Сайфиддин зоҳирий илмларни (яъни фикҳ, ҳадис, тафсир ва калом илмлар)ни Муаййид Тусий, Богдодда Али ибн Муҳаммад Мавсий, Абул Футуҳ Ҳусрий, Исмоил ибн Саъдуллоҳ ибн Ҳамдий, Мушриф Холисийдан, Найсобурда Иброҳим ибн Солор Хоразмийдан ўрганганлар. Ривоятларда айтилишича, у киши Богдодга келганларида 11 ёшда бўлганлар. Сўнг Шайх Нажмиддин Кубро хузурларига келиб, мурид бўлганлар. Сайфиддин Бохарзий зоҳирий илмларни Ҳирот ва Нишопурда олганликлари

манбаларда ёзилгандир. Демак, Шайх Сайфиддин ботиний илмни Ҳазрат Нажмиддин Кубродан ўргандилар.

Шайх ул-оламнинг бизгача араб ва форс тилларидаги “Аллохнинг гўзал исмлари шарҳи”, “Ишқ ҳақида рисола”, “Хилватдаги воқеа”, “Рубоиёт”, “Рўзнома”, “Васиятнома” ва бошқа асарлари ҳамда тўртликлари етиб келган.

У киши шариат илмларини ўрганиш баробарида тарикатдан хабардор бўлишга интилиб яшайдилар ва тасаввуфга иштиёқи баландлигидан қатор шайх, дарвешлар суҳбатидан ўтадилар. Сайфиддин Бохарзий комил инсон сифатида камол топишларида устозларнинг ўрни бекиёсдир.

Шайхлар тарбиясини олгач Бохарзий китоблардаги фикрларни такрорламас, ўз сўзларига эга, Исломининг ботиний моҳиятини теран идрок этадиган алломага айлангандилар. Шайх Нажмиддин Кубро Сайфиддинда валийлик аломатларини кўргач, 1218–1219 йилларда Бухорога боришни ва у ерда тарикатни жорий этишни буюрадилар. Бу давр Бухоронинг энг мураккаб, ўлкамиз тарихининг аянчли пайтларига тўғри келади. Чингизхон босқинидан сўнг шаҳар аёвсиз таланган, жабр-зулум кучайган бир давр эди. Сайфиддин Бохарзий мўғуллар зулми даврида Бухорода қарийб 40 йил яшайди ва юқори даражали лавозимда ишлайди. Бу инсоннинг шарофати билан Бухоро қайта тикланади. Шаҳарнинг кўркам миноралари яна карвонлар учун маёқ бўлиб хизмат қила бошлайди.

Сайфиддин Бохарзий халқ манфаатини кўзлаб, мўғуллар билан мурсою- мадорада яшаб, уларнинг Исломи динини қабул қилишлари ва бу диннинг улкан давлат динига айланишига хизмат қиладилар. Бунга қарши чиққан мўғул ҳукмдорларидан бири Сайфиддин Бохарзий томон 170 минг нафар қўшин тортиб келади.

Ривоятларга кўра, шайх душманга қарата бир олмани отганида қўшин лашкарбошисининг боши худди олмадек ерга думалаб тушади. Бунинг шоҳиди бўлган мўғуллар бу улуг зотнинг кароматпешалигига тан бериб, Исломи қабул қилган. Ва мўғул ҳукмдори Беркахон Шайх ҳазратлари ҳузурига ташриф буюриб, муридликни қабул қиладди. Унинг шарафига хонако, масжид ва мадраса барпо этилишига фармон беради. Шундай қилиб, Сайфиддин Бохарзийнинг буюк хизматлари билан бир томчи ҳам қон тўкилмай, Исломи дини давлат фуқароларининг расмий динига айланишига эришилади. Бундан хабар топган араб халифаси Сайфиддин Бохарзийга "Шайх-ул-олам" (Олам шайхи) унвонини, Бухорога эса "Шариф" ("Муқаддас шаҳар") мақомини бериш туғрисида ёрлик юборади ва Бухоро "шариф" унвонига сазовор бўлган учинчи шаҳар бўлиб қолади[4].

Сайфиддин Бохарзийнинг бизгача “Васиятҳои Сайфиддин Бохарзий” номи билан машҳур асарлари етиб келган. Бу асар аллома томонидан васият тарзида ўзидан кейинги авлодга ёзиб қолдирган асар сифатида ўрганилади. Бу асарнинг нуسخасини Хўжа Исмаил Бухорий масжидининг имом хатиби Гадовев Салоҳиддин лутф қилиб бердилар. Биз бу асарни таржима қилиб қуйида иқтибос бердик.

Асарда Сайфиддин Бохарзий инсоннинг нафсини тарбиялаш йўли билан уни маърифатга олиб чиқиш ва комил инсон даражасига етказишни мақсад қиладилар ва ўз тарбия усули жамланган фикрларини ўзларининг васиятларида ёзадилар ҳамда унда шундай фикрларни баён қиладилар: “Камтарлик энг яхши безак ва бахиллик энг ёмон нарса деб ишондим. Барча яхшиликларни қамраб олган сифатлар ичида энг яхшиси хулқ гўзаллиги ва барча ёмонликларни қамраб олган сифатлар ичида ёмони ҳасад экан” [5].

Сайфиддин Бохарзий фикрларидан шу нарса аён бўладики, камтар инсон одамийлик ва хушмуомалалик, багрикенглик, иззат-икромни билиш, дўст ва умуман ўзгаларнинг қадрига етишлик, ҳурмат қила олишлик ва маънавий поклик демақдир. Бахиллик бўлса, бировнинг ютугини кўролмаслик, шахсиятпараст, худбин ва кўнгли қора кишиларга хос хусусият бўлиб одамлар ўртасидаги ижтимоий-ахлоқий муносабатларга салбий таъсир қиладди. Жамиятдаги инсонпарварлик ва адолатга путур етказди, жаҳолатни кучайтиради. Бахил кишилар бировларни кўролмаганидан ташқари, уларнинг бахтсизлиги ва нотинчлигини истайди. Сайфиддин Бохарзий жамиятда бузгунчилик ва нотинчликни келтириб чиқарувчи асосий нарса бу бахиллик деб таърифлайди. Бахил кишилар

бироларнинг муваффақиятсизлигидан мамнун бўладилар. Қуръони Карим ва ҳадиси шарифларда ҳам бахиллик ҳамма ҳаром ва ёмон хулқнинг боши сифатида қораланади ва сахий, ҳимматли, мурувватли, феъли кенг инсон бўлишга даъват этилади.

Сайфиддин Бохарзий барча ёмон хулқларнинг ёмони бу- ҳасад эканлигини таъкитлайди. Чунки барча ёмонликлар замирида ҳасад ётади. Ҳасад – бу ёмон иллат ҳисобланади. Унга тескари араб тилида “гибто” сўзи мавжуд. Бунинг маъноси, бирор кишининг муваффақиятини кўриб унинг ўзида ҳам бўлишини хошлаш, ҳавас қилиш демакдир. Жумладан, Азҳарий: “Ғибто ҳасаднинг бир туридир, бироқ ундан енгилроқ деган”. “Лисонул араб” лугатида гибто ва ҳасаднинг фарқларини қуйидагича тушунтириб ўтади. “Ҳасад аслида “терисини шилмоқ”, гибто эса “бирон нарсани текшириб билмоқ” маъноларини англатади”. Агар дарахт пўстлоғи шилиб олинса, у қуриб қолади. Бу ҳасаддир. Агар унинг япроғи юлиб олинадиган бўлса, илдизи қуримаса ҳам унга зарар ётади. Бу гибтодир. [2]

Алломанинг фикрларича, барча яхшиликларни қамраб олган сифатлар ичида энг яхшиси хулқ гўзаллигидир. Пайгамбаримиздан дин нима? деб сўраганларида. Дин – бу гўзал хулқ даб жавоб берганлар. Пайгамбаримиз гўзал хулққа қуйидагиларни киритадилар:

- алоқани узган қариндоши билан боғланиш;
- бирор нарсани сендан қизганган кишига сен баҳам кўришинг;
- сенга зулм қилган кишини кечиришинг;
- доимо Оллоҳдан кўрқиниш;
- гўзал хулқ билан муомала қилишинг.

Бундан хулоса шуки, ҳар бир инсон жамият ўртасида меҳр – оқибатли, хушмуомала, адолатсизликдан қочиш, ўзаро муносабатларда зулмкорликка йўл қўймаслик, ҳар бир ишни ҳамжихатликда амалга ошириш ва ҳасаддан йироқ бўлишликка жидду – жаҳд билан ёндашиш керак ҳамда бунга доимо амал қилиш керак бўлади.

Дунё кезган шайх умрининг ярмидан кўпрогини Бухорои Шарифда ўтказди. Унинг Бухорога бўлган муҳаббати боқий шаҳарни “шариф” номига муяссар этди. У Ислом дини равнақи йўлида улуг ишлар қилди. Кексайганда ҳам кароматгўй устозига меҳри сўнмаган шогирд сўнгги йўлга шайхининг дарвишона кийимида кетди.

Сайфиддин Бохарзий ҳаёти ва ижодини зиёрат туризми орқали ўрганиш қадим шаҳримизнинг тарихини кенгроқ ўрганишга ва чет эл сайёҳларига юртимиз тарихини кенгроқ ёритиб беришга хизмат қилади.

Адабиётлар рўйхати

1. А.Навой, Мукамал асарлар тўплами, 17–том, Т., “Фан”-2001 йил, 295-саҳифа.
2. Ибн Мансур “Лисонул араб”. 5-жуз. 208-бет.
3. Имом Шамсиддин Заҳабий. Машҳур даҳолар сийрати (Сияру аъламин нубало) “Ҳилол нашр” Т.: 2017. 480. 153-бет.
4. Садриддин Салим Бухорий. Бухоронинг табаррук зиёратгоҳлари. “Дурдона”- 2012. 416. 145-бет
5. Сайфиддин Бохарзий “Сайфиддин Бохарзий васиятлари” араб ёзувида. Тошбосма нусха. 106-бет, Б.164.
6. Шайх Нажмиддин Кубро, “Жамолинг менга бас”, Т. Ғ. Ғулом нашриёти, 1994 й.

TRAINING AND DEVELOPMENT IMPORTANCE AND PROBLEMS FACED BY UZBEKISTAN HOTEL INDUSTRY

Khalimova Nigina Jafarbekovna
Master student of Economics and tourism faculty, BSU

Abstract. In the world of competitive arena, companies in tourism market are boosting in order to be on the top and give more unique and extraordinary services for their customers. However, mobile gadgets, up-to-date technologies and other systems seem to play their role

already, we are searching for new approaches to get the pick and have found it in people. This study examines overall importance of professional development in hospitality industry and today's problems that is facing industry in Uzbekistan.

Key words. *Hospitality, training problems, professional development, training benefits.*

Introduction. The significance and value of training has long been recognized. Consider the popular and often repeated quotation, "Give a person a fish and you feed him for a day. Teach a person to fish and you feed him for a lifetime." This simple but profound saying is attributed to the wisdom of Confucius who lived in the 5th century BC. Given today's business climate and the exponential growth in technology with its effect on the economy and society at large, the need for training is more pronounced than ever. [1] Yet, the entire workforce is a reflection of a hotel's hospitality culture, which is why everyone needs to be trained from top to bottom on certain specific values and standards.

Training is systematic planning and modification of behavior through teaching events, programs and instructions that enable individuals achieve levels of knowledge, skill and necessary competences in order to perform effectively. [2] hospitality staff training is the key task to help everyone in the company to be more united. Hoteliers could hire experienced employees or train employees to be skilled. When the hotel trains their own staff, by providing and forming a harmonious atmosphere, accurate work specification and the passion of work, team spirit will be built between employees and management team within the process.

Benefits of staff training:

Benefits the employee:

- Increases job satisfaction and recognition
- Moves employee closer to personal goals
- Helps the employee become an effective problem solver
- Allows the employee to become productive more quickly

Benefits the management:

- Aids in evaluating employee performance
- Aids in sustaining systems and standards
- Helps identify employees for promotions or transfers

Benefits the organization:

- Leads to improved profitability
- Reduces accidents and safety violations
- Aids in organizational development
- Reduces wastage and costly employee turnover. [3]

However, when it comes to Uzbekistan hotel industry, we are facing a lot of problems connected with hotel staff professional development programs. We can list them like follows:

- Government organization which is responsible for tourism training and development doesn't cover full industry companies and hotel departments. It includes training of guides, tour operators, hotel administrators and professional development of tour company, hotel and restaurant managers, guides, accountants and economists of tour companies, managers of transportation companies and employees of railway system ;
- Professional development programs are not obligatory and not controlled by government;
- Training lessons don't have exact schedule, program and timetable;
- Hotel owners and managers are not interested to train their staff by having viewpoint that they can have enough knowledge in working process.

In order to resolve these stated problems, we should organize exact scheduled career enhancement programs that are conducted by the help of governmental organizations. Programs should cover all hotel departments from the top to bottom.

References

1. Susan D. McClelland . A TRAINING NEEDS ASSESSMENT FOR THE UNITED WAY OF DUNN COUNTY WISCONSIN. American Psychological Association, 4th Ed.

2. Michael Armstrong 1992. Human Resource Management Strategy & Action. London. Kogan Page.
3. Yang Xiao. The importance of staff training in the hotel industry. Business economics and tourism. 2010, 15-17.
4. Mukhles M. Al-Ababneh. Employees' perspectives of service quality in hotels. Research in Hospitality Management 2016, 6(2): 189–193.
5. Sandeep Malik. Importance of training and development in tourism industry. International Refereed Journal of Reviews and Research 2018, vol.

ТУРИЗМ ТАЪЛИМИ МУАССАЛАЛАРИДА ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ЖАРАЁНИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ УСУЛЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Саидкулова Ф., Шоҗонова Ф. БухДУ

Таълим сифатини назорат қилиш бўлими бош мутахассислари

Бозор муносабатларининг ривожланиши, миллий анъаналаримизнинг ўзига хос хусусиятлари, узлуксиз таълим тизимининг олдидаги давлат ва ижтимоий буюртмалар унинг мақсад ва вазифаларини ҳисобга олган ҳолда иқтисодчи мутахассислар тайёрлаш сифатини яхшилаш, уларнинг маҳоратини юқори даражага кўтариш, кадрлар малакасини ошириш, уларни қайта тайёрлаш жараёнини такомиллаштириш учун қатор зарур шарт-шароитлар яратилди. Бўлажак иқтисодчи мутахассисларнинг касбий тайёргарлик даражасини ошириш кадрлар тайёрлаш тизими барча бўгинларининг ўзаро алоқаси ва изчиллигига боглиқ. Ўқитишнинг самарали шакл ва методларини излаб топиш, бўлажак иқтисодчи мутахассисларнинг касбий тайёргарлик фаолиятини кучайтириш, уларнинг маҳоратини ошириш шарт-шароитларини белгилаш бугунги кунда ҳал қилиниши лозим бўлган ишлардандир. Иқтисодиётга йўналтирилган таълим муассасаларида бўлажак иқтисодчи мутахассислар тайёрлаш, малакасини ошириш ва уларни қайта ўқитиш тизимини таҳлил қилишда, биз мутахассислар тайёрлаш тизимида ва фан соҳасида бўлаётган ўзгаришлар ҳақида фикримизни давом эттирмоқчимиз. Кадрлар тайёрлаш миллий модели салмоқли элемент сифатида бир қатор фанларни ўз ичига олади, бу соҳада:

- табиат ва жамият тараққиёти қонуниятлари тўғрисидаги янги фундаментал ва амалий билимлар шаклланади, кадрлар тайёрлаш тизимида оммалаштириш, ўрганиш ва фойдаланиш учун керакли илмий натижалар жумланади;
- олий малакали иқтисодчи мутахассислар тайёрлаш амалга оширилади;
- республикамизда иқтисодчи мутахассислар тайёрлаш жараёнини илмий-тадқиқот жиҳатдан таъминлаш инфратузилмаси вужудга келтирилади, таълимнинг ахборот тармоқларидан кенг фойдаланиш мақсадида билимларнинг турли соҳалари бўйича ахборот базаси шакллантирилади;
- мамлакатимиз илм-фанининг жаҳон илм-фанига интеграциялашуви чуқурлашиб, замонавий илм-фан ва технологияларнинг энг муҳим муаммоларини ҳал этиш учун илмий ютуқлар ва кадрларни халқаро миқёсда алмашинуви амалга оширилади.

Туризм факультетларида мутахассисларни тайёрлаш, уларнинг малакасини ҳар уч, беш йилда ошириш энг аввало, фан-техника соҳасидаги бугунги кундаги янгиликларни ўзида мужассам этган олий таълим муассасаларига боглиқдир. Шу нуқтаи назардан оладиган бўлсак, таълим муассасалари замонавий ахборот технологиялари билан узвий равишда богланган ҳолда бўлажак иқтисодчи мутахассисларни малакасини ошириш ва қайта ўқитиш тизимини шакллантириб олиб боришлари талаб этилади. Бугунги кунда бўлажак иқтисодчи мутахассислар ўз ихтисослигига оид билимлар билан бир қаторда муайян психологик билимларга ҳам эга бўлиши зарур. Шулар ёрдамида мутахассис ходимларни тарбиялаш ва мукамаллаштиришларига таъсир этувчи шакл ҳамда усулларнинг янада самаралилигини топиши мумкин. Олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида, тарбия жараёнида бўлажак иқтисодчи мутахассислар қуйидаги педагогик муаммоларни ҳал этиши керак: ақлий

ривожланиш (ходимларнинг умумий ва касбий маълумоти); маънавий бойиш (маданий тадбирлар ташкил этиш, этик муаммоларни ечиш); Бунда куйидаги педагогик тамойилларга риоя қилиш лозим: эзгу идеаллар билан машгул бўлиш; шахсий хислатларни такомиллаштириш.

Тарбиявий таъсир усуллари бошқарув педагогикаси ва психологиясининг асоси бўлиб ҳисобланади. Бошқарув тарбияси шаклларида куйидагиларни таъкидлаш зарур: - дунёқарашни кенгайтириш таълими, бу-иктисодий, ҳуқуқий, ахлоқий ва экологик таълимни ўз ичига олади, унинг кўлами раҳбар ёши, маданий савияси ва иш тажрибасига боғлиқ бўлади. Дунёқарашни шундай ўстириш туфайли маънавий замин барпо этилади; - меҳнат мусобақаси, бу - касбий мусобақалашув, малака оширишда кучли омил саналади. Бошқарув тарбиясининг бу шакли турли танловлар, рационализаторлик таклифлари ва ҳоказолар ёрдамида амалга оширилади; - бошқарувда иштирок этиш - бошқарувга оид қарорларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишга оддий ходимларни жалб этиш.

Меҳнат жамоаси шахс камолга етишадиган асосий ижтимоий муҳитлардан ва усуллардан биридир. Шахснинг шаклланиши ва камолга етишиш жараёни оила – таълим муассасаси - меҳнат жамоаси тизимида амалга ошади, бу унсурлар орасида шахсий хислат - ишбилармонлик сифатлари ижтимоий шаклланиши жараёнининг ворислиги ва узлуксизлигини таъминловчи жипс алоқа бўлиши керак. Меҳнат жамоаси раҳбари зиммасига салмоқли руҳий-педагогик оғирлик тушади. У жамоа билан оила ва ўқув юртида олган кўникма ва малакаларини мустаҳкамлаши, унинг аввалги шаклланиш жараёнида орттирган салбий хислатларини бартараф этиши ёки йўқотиши лозим. Меҳнат жамоасидаги тарбия касбий, ҳуқуқий, ахлоқий ва эстетик тарбияга бўлинади. Тарбиянинг бу турлари ходимлар жамоавий масъулиятини юзага келтиришга, шунингдек, ўз меҳнати натижаси бўйича шахсий жавобгарликни кучайтиришга йўналтирилади.

Бўлажак туризм соҳаси мутахассиснинг меҳнат жамоасига тааллуқлилигига куйидаги (объектив ва субъектив) омиллар таъсир этади:

- мутахассисликни тўғри танлаш;
- иш манфаати йўлида биргаликдаги ҳаракатни таъминлаш; соғлом норасмий муносабатларга қўшилиш;
- турли маслаҳатларни амалга ошириш;
- адолатли моддий ва маънавий рағбатлантириш;
- хизматдаги муваффақиятлар келажагини белгилаш.

Бу барча усуллар меҳнат жамоаси доирасида самарали ҳал этилади. Кўрсатиб ўтилган усуллар бўлажак иқтисодчи мутахассиснинг меҳнат жамоасига уйғунлашиб кетишига ҳам таъсир этади. Бундай уйғунлашишнинг бир неча тури мавжуд:

- касбий-технологик, бу-бўлажак иқтисодчи мутахассисни иш фаолиятининг мазмуни ва жамоанинг касбий мақсад ҳамда вазифасидан келиб чиқиб, буларни бажаришнинг ўзига хос томонлари билан таништириш;
- ижтимоий-руҳий, бу - бўлажак иқтисодчи мутахассисни анъаналар ва меҳнат жамоасидаги шахслараро муносабатлар тавсифи, норасмий етакчилар билан таништириш;
- хизмат одоби, бу - бўлажак иқтисодчи мутахассисни меҳнат жамоасида қабул қилинган ахлоқий қадриятлар ва муомала одоби қоидалари билан таништириш;
- бошқарув, бу - бўлажак иқтисодчи мутахассисни меҳнат жамоасини бошқариш органларининг тузилиши, муайян раҳбарнинг лавозим ваколати ва у билан бошқарув муомаласи қоидаси билан таништириш.

Туризм соҳаси мутахассисларининг мослашуви кўрсатилган муаммоларини ҳал этиш учун куйидагилар зарур: - жамоанинг унга хайрихоҳ муносабатда бўлиши; - касбни ўзлаштиришида мураббийлик ва ёрдамлашиш; - яхши жиҳозланган иш ўрни ва меҳнат интизومي қоидаларини аниқ тушунтириш; - уни жамоа ижтимоий ҳаёти турли йўналишларига жалб этиш; - ходимнинг ўз иши натижасидан қониқиш мониторинги кабилар. Бугунги кунда иқтисодчи мутахассис ўз олдига қўйган вазифаларга эришиш

мақсадида бўйсунувчиларга ўз таъсирини ўтказиш учун ишонтириш воситасидан фойдалана олиши лозим. Ишонтириш усули бажарувчи онгига, шундай қилса, яъни раҳбар хоҳлагандек, у ўз шахсий манфаатини ҳам қаноатлантирган бўлишини етказди, бугун бажарувчи манфаатдор шахсга айланади. Бу ҳақида образли қилиб М.Мескон шундай деган эди: «Бажарувчига нима қилиш кераклигини айтмайдиган, ишонтириш усули билан таъсир этадиган раҳбар унга нима қилиш зарурлигини «сотади». Шунда бажарувчи қандайдир гоёси ўзига ҳам тегишлилигини ҳис этади». Ишонтириш усули таъсир этиш тўрт турини ўз ичига олади: маълум қилиш, тушунтириш, исботлаш ва рад этиш.

Туризм соҳаси мутахассисларида бошқарувчилик сифатларини шакллантиришда самарали таъсир этиш учун қуйидаги тавсиялардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ:

1. Бажарувчи эҳтиёжини аниқ белгилашга ҳаракат қилиш.
2. Сухбатни шундай фикр билан бошлаш керакки, у бажарувчининг кўнглига мос тушсин.
3. Катта ишонч ва хотиржамлик туйғусини уйғотадиган образ яратишга ҳаракат қилинг ва дўстона муносабат кўрсатинг.
4. Ходимларнинг ўз фикрини айтиб олишига йўл беринг.
5. Диалогингизни шундай тузингки, ходим бошданок «ҳа» деб жавоб беришга мажбур бўлсин.
6. Шундай қилингки, ходим гоё ўзига тааллуқлилигини ҳис қилсин.
7. Ўз манфаатингизни кўзлаб эмас, балки ходимлар манфаати нуқтаи назарини фаҳмлаб гапиринг.
8. Агар бир неча хил фикр айтилса, кейин гапиришга ҳаракат қилинг, сизнинг далилларингиз ходимларга таъсири бўйича кўпроқ имкониятга эга бўлади.
9. Ўз гоёнгизга кўргазмалилик бахш этинг, уни намойиш қилинг.

Ҳар бир бажарувчининг шахсий кадр-қиммати - раҳбар учун дахлсиздир. Ўзаро муносабатларда бўйсунувчилар шахсиятига бирон-бир эҳтиёжсизликка йўл қўйиш, унинг фуқаролик ҳуқуқини чеклаш мумкин эмас. Бўлажак иқтисодчи мутахассислар ва бўйсунувчилар ўртасидаги расмий ва норасмий муносабатларнинг мустаҳкамлиги жамоа аъзоларининг биргалиқдаги меҳнат фаолиятидан қанчалик маънавий қониқиш ҳосил қилишларига боғлиқ. Агар улар ўзига нисбатан адолатли ва тўғри муносабат мавжудлигига ишонқирамасалар, унда бу уларнинг ўзаро муносабатларига салбий таъсир этади. Натижада раҳбар ўз фаолиятида муваффақиятга эриша олмайди ва низолар, келишмовчиликлардан четлаб ўта олмайди. Бўйсунувчилар билан ўзаро муносабат ижобий бўлиши учун ҳар қандай раҳбар, шу жумладан, таълим соҳасидаги, бошқарувнинг жаҳон тажрибаси асосидаги тавсияларга амал қилиши мақсадга мувофиқдир.

Республикамизда бозор ислохотлари талабларидан келиб чиққан ҳолда, иқтисодчи-мутахассислар тайёрлаш бўйича давлат, жамият ва инсон фаолиятининг барча соҳаларини камраб оладиган махсус миллий дастур ишлаб чиқилганлиги алоҳида эътиборга сазовардир. Мамлакатда туб ижтимоий иқтисодий ўзгаришлар, меҳнат ва таълим хизматлари шаклланаётганда бу жамиятни ривожлантириш муаммолари билан жипс боғлиқ жаҳон хўжалигига уйғунлашаётган, юқори рақобатбардошликка эга бозор иқтисодини иқтисодчи-мутахассислар билан таъминлаш давлатнинг стратегик мақсади бўлиб қолмоқда. Мустақил давлатимизнинг сиёсати, жамият ривожланишининг ҳозирги даражаси, унинг маданияти, фан ва техникаси, бозор иқтисодиётига ўтиш, олий мактаб олдида турган янги вазифалар фақат сифат жиҳатдан янги бўлган таълим мазмуни ва технологиясини, балки, республика иқтисодий ривожланиш динамикасини, тарихан шаклланган вазиятни хўжалик юритишнинг замонавий шароитларида ҳисобга оладиган бозор иқтисоди қонунларига риоя этадиган мутахассислар тайёрлаш ва бунга бўлган талаб йўналишини белгилашга янгича ёндашишни ҳам талаб этади. Бозор иқтисодиётининг моҳияти республикамизда яшаётган ҳар бир фуқаронинг ижодий ва меҳнат фаолиятини такомиллаштириш, ташаббускорлик ва тадбиркорликни ривожлантириш, ишлаб чиқаришни истеъмолчи манфаатига бўйсундириш, уларнинг маҳсулотга бўлган талабини аниқ ҳисобга олиб, шунга яраша тезлик билан иш тутиш, хўжаликда тежамкорликка эришиш, харажатларни камайитиришдан иборат.

THE ROLE OF YOUTH IN CREATING ECOLOGICALLY HEALTHY ENVIRONMENT

Any ideal man, during his life time, always tries to be spiritually, mentally and physically fit. Today, we can say the person may be able to hit the concept of “Healthy lifestyle” when only the individual is able to put his / her life in active motion mode, define the agenda consciously, correctly organize his / her diet, no matter at work or resting, follow hygienic rules, take care of the surrounding environment and also a person who has a culture of behavior that allows him / her to live closely with his / her close relatives and who first realizes that he / she is responsible for the birth of a healthy child in future. It is important for a person to live in a family and community with harmony like as he lives with nature in harmony. It is natural that the place where he lives is subject to the effects of lifeless natural elements, living things, and human factors for the survival, maturity, and development of his children. In fact, lifeless natural factors include air, water, soil, earth's magnetic field, temperature, humidity, light and the like. Different levels of these factors can have a positive or negative impact on the health of the family members. Therefore, hygienic normalization of lifeless natural factors creates a favorable environment in the home. Indeed, pure air, light, clean natural soil, mountains and wilderness landscapes, water reservoirs, natural phenomena give the impression to family members' emotions, and contribute to the well-being of the family in a spirit of mood and physical development as joy, tranquility, tolerance and mutual compromise climate is created among family members. Thus, the primary concepts that need to be appreciated and preserved in the family by inanimate nature are formed in this small family. By this way, our children realize a responsibility to keep the air, water, and the environment clean.

Live natural recourses include all living things: plants, animals, microorganisms. In our homes and courtyards, we participate in many activities involving flower growing, pets, and family-planning, and we bring up a sense of care for plants and animals in our children. As such children grow, they never break the horns of trees and do not throw stones at birds. Under these factors environmental consciousness is formed, and aesthetic feelings are also develop.

Working together on family farms, cultivate fruits and vegetables, and floral and animal care also contribute to the well-being of the family, the consolidation of family members, and the strengthening of the family's financial status.

All formations created by human beings are the things and phenomena associated with human activities. All social relationships, including family, have anthropogenic nature. Almost all things in family have changed because of human activity: furniture, equipment, bookshelves, foodstuffs, household goods and so on. They have been involved in the work of the human being and in accordance with his needs. But it doesn't mean he can do all his preference with nature, it says he should always take care of environment apart from hazarding it on behalf of his needs.

One more important process in the family is nutrition. Family members regularly gather together around the beautifully decorated dining table, and their food mixes them together. This habit strengthens the sense that each member has a role in the family and strengthens the confidence of the children in themselves.

The food is a strong environmental factor in the formation of an organism and in the development of physical and mental abilities. Therefore, it is important to reduce the amount of salt, sugar and animal fat you eat during your meals and preparing them, to eat more fruits, vegetables, greens, eat non-polluted fruits and vegetables, to eat only when you have a hunger, eat more boiled food and also it is necessary to pay attention to the fact that you do not have to eat after 6 pm 7pm at noon.

Magnetic and noise wave changes due to anthropogenic factors (transport, television, telephone, etc.) soil, water and air pollution under the influence of various household waste that affect the family members and their health. It is sad that such means, first of all, affect the growing organism. The younger the child, the more effectively impressed his well-being by the negative factors of the surrounding. The truth that does not require proof is that the children spend more time

in front of the computer, a mobile phone than normal, and as a result, they can get negative effects both physically and spiritually.

The Uzbek family's lifestyle, cultural environment, order discipline are shaped by historically formed traditions, and customs. But nowadays, the change in balance between nature and society shows that the abiotic, biotic, and especially the anthropogenic factors have a unique domain of influence on the full development of children in the family. The healthy environment in the family protects children from harmful habits (such as smoking, alcohol and drugs, taking away time in vain). The attitudes and outcomes of family members are the most effective tool for the full development of children. As the wise men say: "The bird does what it sees at home".

The alteration of ecological respects to the time in family lifestyle is vital earth-bound necessity. This need is the foundation for preparing the child for social life. Parents should not overlook the importance of building ecological skills in the family in maintaining harmony between society and nature. Water is a livelihood, a source of life. It is also desirable to provide water information to children along with teaching them how to save water in homes. For example, 70-80% of human body is water and our health depends largely on how much water we drink. The uniqueness advantage of drinking water in nature is vital importance. Short-term effect of cold water is its high curativeness. Washing, bathing is a guarantee of cleanliness and health. The most "healing" waters are springs, rainfall and snow water in natural basins which are environmentally friendly sites. By arranging trips along the natural fresh water banks, seeing how is the strength of water and the mystery of the water develops a sense of ecological consciousness and aesthetic feelings. Clean air and clean water are the most important factors in protecting people's health more than food and shelter.

In sum, it can be said that the spiritually healthy, harmonious and stable families are the backbone of the society. The more such families are, the more the state and the society are concerned with the well-being of its citizen. Environmental safety is a key factor in protecting the health of the population.

REFERENCES:

1. Учение В.И. Вернадского о биосфере №1, - 2012, - б. 29-32.
2. "Insonvatabiat" <http://taqvim.uz/ru/library/view/477>
3. "Экосистема Земли едина" Г. Зингер 1, с.64/.

СИТОРАИ МОХИ-ХОССА – ҚАДИМИЙ ЛИК ТИКЛАНМОҚДА.

Ҳасанова Нишона Нормуратовна, БухДУ магистри

Ситораи мохи хосса ансамбли қадимий Бухоронинг нодир архитектура обидаларидан биридир. Ситораи мохи хосса форсча сўз бўлиб, у "ер юзининг ою-юлдузи" деган маънони билдиради. Ситораи мохи хосса асосан Бухоро амири Насруллохон ҳукмронлиги даври (1826-1860) да қурила бошланган. Саройнинг асосий бинолари сўнгги Бухоро амири Мир Саййид Олимхон ҳукмронлиги даврида бунёд этилган. Исми жисмига мос бу нодир ёдгорлик қурилишида машхур наққош ва ганчкор уста Ҳасанжон Умаров ва уста Ширин Муродовларнинг хиссаси катта бўлган. Шунингдек, Тошкент, Петербург, Лодз ва бошқа шаҳарлардан усталар чақирилган. Сарой хавосини доимо бир хил мўътадил сақлаб туриш мақсадида унинг ҳовлисида мармар ҳовуз барпо қилинган. Сарой эски ҳамда янги саройларга бўлинган. Янги саройнинг рамиЙ қабулхонаси "П" ҳарфи шаклида қурилган. Саройнинг шимол томонида "Саломхона" деб аталувчи балинг айвон, гарб ва шарқ томонларида "Зиёфатлар зали", "Қутиш зали", "Тахтхона", "Ҳазинахона"лар жойлашган. Саройнинг бошқа заллари орасида бетакрор безаклари билан "Тахтхона" (Хонаи сафед) – оқ хона алоҳида ажралиб туради. Оқ уй XX аср бошларидаги миллий санъатимизнинг энг ажойиб, гўзал бадий меъморчилик намуналаридан биридир. Бир биридан гўзал хоналарни, ундаги нодир ёдгорликларни кўриб хайратда қоласиз.

Йиллар ўтиши билан бу гўзал бинонинг айрим бинолари таъмирга мухтож бўлиб қолган эди. Истиқлол йилларида Президентимиз ташаббуси билан республикамиздаги барча қадимий шаҳарларда бўлгани каби Бухорода ҳам ёдгорликларни таъмирлаш, зиёратгоҳларни обод этишга катта эътибор қаратилмоқда. Шу жумладан, Ситораи мохи хосса – ёзги саройида ҳам кенг кўламдаги таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “2017-2027 - йилларида Давлат музейлари фаолиятини такомиллаштириш ва моддий техник базасини мустаҳкамлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастурини тасдиқлаш тўғрисида” ги қарорига асосан таъмирлаш ишлари бошлаб юборилган.

Ҳозирда давлат бюджетидан жами 8 млрд сўм маблағ ажратилган бўлиб, “Маданий мерос таъмирлаш тиклаш давлат унитар корхонаси” буюртмаси асосида Барака Ризо қурувчи МЧЖ корхонаси жадал суръатлар билан иш олиб бормоқда. Жумладан сарой ҳовлиси тубдан таъмирланмоқда. Қабулхона биносининг орқа қисми, меҳмонхона биноси, ошхона биноси, ҳовуз ҳам тўлиқ қайта реставрация қилиниши кутилмоқда. Бундан ташқари, йўлақлар кенгайтирилиб, имконияти чекланганлар учун алоҳида йўлақлар ташкил этилмоқда.

Биринчи ва иккинчи ҳовлиларда томчилатиб сугориш иншоотлари ўрнатилди, ички сув қувурлари таъмирланди. Кейинчалик эса чет эллик сайёҳлар учун қатор қулайликлар яратилиши кутилмоқда. Жумладан: электрон машиналар жорий қилиниб, аудиогит хизмати йўлга қўйилади. Бу аудиогит хизмати уч тилда яъни ўзбек, рус, инглиз тилларида хизмат кўрсатади. Шунинг билан бирга болалар ўйин майдончаси, мусиқали фантан, кечки чироқлар ўрнатилиб, сайёҳлар ва меҳмонларга қатор қулайликлар ташкил қилинади. Музейдаги экспозициялар бойитилади.

Тарихий обидалар бизнинг бойлигимиздир. Уларнинг умри боқийдир. Улар янада сайқал топаверади.

Адабиётлар рўйхати

- 1) Аҳмад кизи Ҳ. “Хос саройнинг ноҳос аҳволи” Бухоро ҳақиқати. -1997. -1 ноябрь. – Б.2.
- 2) Жумаев Қ. “Ситораи мохи – хосса” Тошкент. 2010 й.
- 3) Жумаева Н. “Ситораи мохи – хосса бўйлаб” Тошкент. 2019 й.

TURIZMNI RIVOJLANTIRISHNING ZAMONAVIY MEKANIZMI

Abdug'aniyev. A. Sh.

O'zbekiston Milliy Universiteti Jizzax filiali talabasi

Ilmiy rahbar: t.f.d., professor, Axatov A.R.

Annotatsiya: Bugungi kunda hamma sohada webga yo'naltirilgan axborot tizimlarining o'z o'rni borligi kuzatilmoqda. Xususan, yurtimizda turizmni rivojlantirish uchun webga yo'naltirilgan axborot tizimidan foydalanish, yurtimizni jahonga tanitish uchun bir asos desak yanglishmaymiz. Webga yo'naltirilgan axborot tizimi mazmun mohiyati va qulayliklari maqolada keltirib o'tilgan.

Kalit so'zlar: innovatsion texnologiya, webga yo'naltirilgan axborot tizimi, zamonaviy mexanizm, qadimiy yodgorliklar.

O'zbekiston Respublikasining “Axborotlashtirish to'g'risida”gi qonunini bajarish maqsadida Xalq talimi, Oliy va O'rta maxsus talim vazirliklari tomonidan qator meyoriy xujjatlar va dasturlar ishlab chiqilib, qabul qilingan edi. Shuningdek axborot tarmog'ini shakllantirish, axborot resurslarini yaratish va axborot kommunikatsion va innovatsion texnologiyalarni qo'llash bo'yicha chora-tadbirlar amalga oshirildi. Buning natijasi sifatida keng ko'lamli islohotlarning muhim bo'g'ini innovatsiyalar ham bugun har bir sohada bo'lgani kabi web dasturlashda ham o'z afzalliklarini namoyon qilmoqda. Hozirgi vaqtda innovatsiya tushunchasi keng qo'llanilmoqda. Innovatsiya so'zi inglizcha innovatsion yangilik kiritish degan ma'noni bildiradi, yani tizim ichki tuzilishini o'zgartirish deb tariflanadi. Innovatsiya amaliyot va nazariyaning muhim bir qismi bo'lib, ijtimoiy - madaniy obyekt sifatlarini yaxshilashga yo'naltirilgan ijtimoiy subyektlarning harakat tizimidir[1].

Shu maqsadda innovatsion texnologiyalardan foydalangan holda turizm sohasini yanada rivojlantirish kerak. Turizm-iqtisodiyotning muhim tarmoqlaridan biri. Sayyohlik (turizm) sohasida dunyo iqtisodining eng jadal rivojlanayotgan sohalaridan biri hisoblanadi. Uning keng qamrovli taraqqiyoti esa, ko'plab mamlakatlar uchun katta daromad manbaiga aylanib bormoqda. Turizmni rivojlantirish sayti yuqori sarmoyaga ega bo'lgan va yangi turistlarning doimiy oqimini ta'minlaydigan samarali ish vositasidir. Boshqa tomondan, webga yo'naltirilgan axborot tizimi orqali mijozlarga xizmat ko'rsatish turizm faoliyatida o'rtacha vaqtni 2 soatgacha kamaytirish imkonini beradi. Webga yo'naltirilgan axborot tizimida quyidagi funksiyalarni amalga oshiriladi.

Esda qolarli va individual. Bu yerda birinchi navbatda dizayn haqida gap boradi. Tayyor shablonni qo'llash eng kamxarajat variantdir. Albatta, hech qanday dizayner kichik xizmat haqiga yangi noyob dizaynni yaratishmaydi. Lekin oldindan tayyorlangan andozalar yordamida, biznes o'ziga xosligini ifodalash uchun mijozlar oqimini olib kelishi juda qiyin. Ammo har qanday holatda, turizmni rivojlanishi saytining dizayni axborot mazmuniga nisbatan ikkinchi darajali ro'l o'ynaydi[2].

Informativlik va foydalilik. Foydalanuvchilar ma'lumot uchun webga yo'naltirilgan axborot tizimiga tashrif buyurganda ularga imkon qadar ko'proq ma'lumot berishga harakat qiling. Ekskursiyalar, tarixiy yodgorliklar haqida ma'lumotlar, mehmonxonalar, turli mamlakatlar haqidagi maqolalar, hudud haqidagi ma'lumotlar, urf odatlari, sayohatga oid maslahatlar, odatiy savollarga javoblar. Eng muhimi – ma'lumot berishda mas'uliyat bilan yondashish. Webga yo'naltirilgan axborot tizimiga eng kerakli ma'lumotlarni berish faqat foydalanuvchilar tomonidan turistlarga ishonch darajasini oshiradi. Shuningdek yaratilgan webga yo'naltirilgan axborot tizimida qidiruv tizimlari(Google, Yandex, Bing, WWW.UZ) mexanizmlari tomonidan indekslanishi uchun foydalanuvchilarga unikal va foydali ma'lumotlarni berib borish kerak. Turizmni rivojlantirishda webga yo'naltirilgan axborot tizimini sayohatlar katalogida mehmonxonalar, valyuta kurslari, dam olish, ob-havo va boshqalardan foydalanish mumkin[3].

Tushunarlilik. Webga yo'naltirilgan axborot tizimi ko'p tilli qilinishi rejalashtirish juda katta foyda berishi mumkin. Webga yo'naltirilgan axborot tizimi ning Facebook, Instagramm, Twitter va boshqa ijtimoiy tarmoqlardagi sahifalari sohadagi yangiliklar va zaruriy ma'lumotlarni tarqatishda muhim vositalaridan biri bo'lib xizmat qilishi kerak. Aynan ijtimoiy tarmoqlardagi sahifalar sayyohlik xizmatlarini dunyo bozoriga targ'ib qilish, turistlar oqimini yanada kengaytirish uchun muhim omillardan biri hisoblanadi. Unda tashkillashtiriladigan yangi bo'limlar, texnik jihatdan takomillashtirilgan webga yo'naltirilgan axborot tizimi turistlarda ko'plab qo'layliklar yaratadi. Shuni alohida ta'kidlash joizki, sayyohlar dam olish kunlarini zamonaviy texnologiyalarisiz tasavvur qilishi qiyin. Ushbu webga yo'naltirilgan axborot tizimida turistlar uchun ushbu hududlar to'g'risidagi barcha ma'lumotlar, yo'l ko'rsatkichlar, mobil ilovalari, tarixiy obidalarining to'liq tasniflari turli tillarda berilishi lozim.

Qulaylik. Sayohat agentligi webga yo'naltirilgan axborot tizimini loyihalashda maqsad mohiyati yangi sayohat maskanlarini izlash bo'lishi kerak, bu mantiqan, chunki ko'pchilik sayyohlar aynan shuning uchun keladi. Ammo foydalanuvchilar uchun boshqa bo'limlarga va funktsiyalarga ham osonlik bilan kirishni ta'minlash muhimdir. Shuning uchun navigatsiya oddiy va tushunarli bo'lishi kerak[4].

Ijtimoiylik. Bugungi kunda ijtimoiy tarmoqlar ajoyib resurs va reklama xarakteriga ega va webga yo'naltirilgan axborot tizimini yaratishda foydalanmoqchi bo'lgan ko'plab yangi xususiyatlarni ochib beradi. Ijtimoiy tarmoqlar uchun "Like" tugmasining qo'llanilishi muhim ahamiyatga ega. Ijtimoiy tarmoqlar orqali avtorizatsiya funksiyasini yaratish foydalanuvchi uchun qulaylik yaratadi. "Like", "Share" va "Subscribe" tugmalari sizning original materiallaringizni ijtimoiy tarmoqlarda ommalashishiga va takrorlanishiga yordam beradi. Webga yo'naltirilgan axborot tizimida e'lon qilinadigan barcha ma'lumotlarni smartfon va planshetlar orqali o'qishlari imkoniyatini yaratish mumkin. Bu kabi chora-tadbirlarning amalga oshirilishi webga yo'naltirilgan axborot tizimiga kiruvchilar sonini sezilarli oshishiga sabab bo'ldi. OS va Android platformalarning mobil qurilmalari uchun axborot ta'minotlarning tashkil etilishi, mobil ilovalardagi, tarixiy obidalarining tarixi, ularning arxitekturasidagi o'ziga xosliklar, muzeylar, milliy taomlar

tayyorlanish uslublari, turlar va sayyohlik kompaniyalarining yagona foto-galeriyalari to'g'risidagi ma'lumotlar App Store va Google Play Marketlarga joylashtirilishi mumkin. Bugungi kunga kelib, O'zbekiston Respublikasi axborot texnologiyalari va kommunikatsiyalarini rivojlantirish bo'yicha Vazirliklar bilan hamkorlikda davlat interfaol onlayn xizmatlarini rivojlantirish bo'yicha bir qancha chora tadbirlar amalga oshirilmoqda. Hukumat portalidagi sayyohlik bo'yicha ma'lumotlarni doimiy ravishda yangilab borish bo'yicha ham zaruriy chora-tadbirlar amalga oshirilmoqda. AKTni takomillashtirish va rivojlantirish bo'yicha olib borilayotgan ishlar mamlakatimizda ushbu sohada ko'rsatilayotgan xizmatlarni sifatini oshirish bo'yicha xizmat qilib, mamlakat sayyohlik salohiyati to'g'risida jahon ahlining xabardorligini oshirishga xizmat qiladi.

ТУРИЗМ ВА РЕКРЕАЦИЯДА ГЕОИНФОРМАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН Фойдаланиш

*Байхонов Б.Т, Абдулхакимов З.Т, Р.Ш.Рахмонжонов
Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва саноат вазирлиги қошидаги
прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти, гуруҳ раҳбари и.ф.д,
Наманган муҳандислик-технология институти, катта ўқитувчиси Наманган
муҳандислик-технология институти талабаси*

Дунё хўжалигидаги жиддий таркибий ўзгаришлар даврида туризм ва рекреацияда виртуал саёхатлардан кенг фойдаланиш кенгайди. Бундай саёхатларни ташкил этишда геоинформацион технологияларга катта эҳтиёж сезилади ва кўплаб хорижий тилларда тайёрланади. Шу орқали ташриф буюрувчисидан мамлакатдаги туристик-рекреацион объектлар, фаолият тўғрисида дастлабки тасаввурлар шакллантирилади. Бугунки кундаги кўплаб амалга ошириладиган лойиҳаларда виртуал саёхатларни ташкил этишда бир қатор геоинформацион технологиядан (масалан Яндекс Карталар, виртуал саёхатларни ташкил этишда Google Maps) кенг фойдаланилмоқда. Шу билан бирга бундай лойиҳаларда интернет-лойиҳаларни ўрни юқорилашмоқда. Виртуал саёхатларни ташкил этишда йирик музейлар ва диққатга сазовор бўлган объектларни инобатга олинади.

XX асрнинг 70 йилларда компьютер технологиялардан фойдаланиш орқали туристик-рекреацион фаолиятдаги самарадорлик юқорилиги таъминланади. Бугунки кунда персонал компьютерлар орқали виртуал саёхатлар амалга оширилмоқда.

Шундай амалий ишлар Наманган вилоятида ҳам амалга оширилмоқда. Хусусан, Наманган вилоят хокимининг 2016 йил 16-февралдаги 66-сонли қарори билан тасдиқланган “Наманган вилоятида 2016-2017 йилларда туризм соҳасини ривожлантириш дастури” ишлаб чиқилган. Вилоятдаги маданий меросларни қайта таъмирлаш, экотуризмни ривожлантириш, ҳудудда янги меҳмонхоналар қуриш, хизмат кўрсатиш инфраструктураси даражасини ошириш мақсад қилинган. Шунингдек, вилоятнинг сайёҳлик имкониятларини акс эттирувчи брошюралар (йилига 1,0 минг дона), сайёҳлик хариталарини (йилига 1,0 минг дона) туристлар келувчи жойлада бепул тарқатиш, вилоятнинг миллий сайёҳлик порталидаги маълумотларни 10 та хорижий тилларга таржима қилиш, интернет тармоғига симсиз (Wi Fi) уланиш зоналарини кенгайтириш ишлари амалга оширилди¹. Компьютер технологияларида маълумотларни сақлаш, жўнатиш рақамли кўринишда тақдим этиш ва ихтисослашган тематик текреацион объектлар бўйича маълумоларни кенг тарқатиш имкониятига эга бўлади. Геоахборот технологиялар булар янги, ривожланиб бораётган компьютер ва рақамли технологияларга асосланган, кўп омилли ахборотларни қайта ишлаш ва тарқатиш учун ишлаб чиқилган геоахборот технологиялар ҳисобланади. Геоахборот маконда кўплаб ахборотларни ннтеграциялашуви, мониторинг қилишда, ҳудудларни моделлаштириш, ҳудудлардаги ижтимоий-иқтисодий жараёнларни техлил қилишда, иқтисодий жараёнларни аномацион шакллари кенг ривожлантирилади.

Геоахборот технологияларни қуйидаги характерли белгилари мавжуд:

1. Геоахборот технологияларни таҳлил қилишда аниқ объектлар мисолида кўриб чиқиш талаб қилинади, ҳамда терминлар бўйича аниқлик киритиш зарур бўлади;
2. Худудлардаги туристик-рекреацион объектларни таҳлил қилишда геоахборот технологияларидан мақсадли фойдаланиш;
3. Фойдали геоахборот дастурларида кўп босқичли ахборотлардан фойдаланилади;

Мамлакат иқтисодиётининг дунё хўжалигига интеграциялашуви ва жаҳон хўжалигининг глобаллашуви шароитида иқтисодиётнинг барча тармоқ ва соҳаларида замонавий инновация шаклларида кенг фойдаланиш талаб этилади. Шу билан бирга инновацион ривожлантиришда туризм соҳасини ҳар томонлама фаолиятини ташкил этиш мақсад қилинади. Шундай тизимлардан бири геоахборот тизимлар (ГАТ) ҳисобланади³.

1-расм. Наманган вилоятидаги рекреацион объектлар²⁷⁴



²⁷⁴ Манба: Муаллиф ишланмаси

1-расмда Наманган вилоятидаги рекреацион объектлар бўйича карта орқали маълумотлари берилган. Наманган вилоятидаги рекреацион объектларни картадаги кўриниши акс эттирилган. Мавжуд фаолият кўрсатаётган рекреацион объектлар берилган бўлиб, уларга Чодак тоғ массивида 2014 йилда ташкил этилган дам олиш зонаси, Мунчоктепа археологик тепалиги, Чуст истироҳат парки, Шаханд санаторийси, Ахсикент археология ёдгорлиги, Исҳоқхон Ибрат мажмуаси, Косонсой санаторийси, Ғулшан санаторийси, Чортоқ санаторийси, Ниҳол санаторийси, Шайх Кароний зиёратгоҳларини киритишимиз мумкин. Янги ташкил этилаётган рекреацион объектларга Муғтепа археология мажмуаси, Афсона Наманган парки, Наманган-Сити, бир қатор туманлардаги зиёратгоҳлар қайта таъмирланмоқда ва келгусида бу жойлар энг гавжум рекреацион объектларга айланади. Янгидан ташкил этилиши кутилаётган рекреацион объектларга Нанай кичик рекреацион зонаси, Чортоқ тиббиёт кластери, Косонсой тиббиёт кластери, Шаханд тиббиёт кластери, Ахсикент тарихий-археологик парки, Чуст шаҳар кластери, Ғовасой кичик рекреацион зонаси, Парда Турсун кичик рекреацион зонаси, Ғойиб Ёронлар зиёратгоҳлари киритилади. Рекреацион объектларнинг жадал ривожланиши натижасида бу объектлар рекреацион фаолиятдаги ривожланиш марказларига (PM) айланади. Шу тариқа мамлакатда, хусусан, Наманган вилоятида барқарор туристик-рекреацион индустрия шаклланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Наманган вилоят хокимининг 2016 йил 16-февралдаги 66-сонли қарори билан тасдиқланган “Наманган вилоятида 2016-2017 йилларда туризм соҳасини ривожлантириш дастури”
2. Кирюхин И.В, Шарова И.С, Безуглова М.С. Российский опыт применения виртуальных путешествий как рекламной технология в туризме.
3. 5.Тўхлиев И.С, Амриддинова Р.С, Абдухамидов С.А, Аблокулов А.А. Туризмда геоахборот тизимлари. Ўқув кўлланма. Самарканд 2018 йил, 3-б.

ФАЛСАФИЙ ТАЪЛИМНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ИСЛОМ ОЛАМИ МУТАФАККИРЛАРИНИНГ РОЛИ

Мухтаров Ў.М., Андижон давлат университети таянч докторанти

Бугунги кунда амалга оширилаётган таълим соҳасидаги ислохотларнинг асл моҳияти – миллий кадрларнинг устуворлигини таъминлаш эмас, балки, жаҳон илм-фани ҳамда таълим тизими соҳасида эришилган улкан ютуқлар ва миллий ўзликни юксалтириш асосида, янги давр ривожланиш тараққиётини асослаб берадиган таълим тизимини яратишдан иборат. Бу борада, фалсафани ўқитиш ва ёшларда фалсафий тафаккурни юксалтириш муаммосини янгича парадигмалар асосида ҳал этиш зарурати юзага келади. Шу боис, асрлар давомида жаҳон фалсафаси, хусусан миллий фалсафий кадрлар асосида ёшларда фалсафий мушоҳада, тафаккур этиш кўникмаларини шакллантиришни узлуксиз таълим тизимида киритиш, назаримизда, миллий менталитетимизнинг миллий гоё асосида янада юксалтиришга хизмат қилади. Шунинг учун, фалсафий таълимни янада ривожлантиришда жамиятимиз тараққиётига муносиб хисса қўшган ислом олами алломаларини илмий-фалсафий меросини ҳар томонлама ўрганишга алоҳида эътибор бериш долзарб аҳамиятга эга. Шу маънода Президент Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек, “Фундаментал тадқиқотларни янада ривожлантириш масаласи бироз эътиборимиздан четда қолгани бугун яққол намоён бўлмоқда. Чунки фундаментал тадқиқотлар жадал ривожланаётган мамлакатлар иқтисодий тараққиёт бўйича бошқа давлатлардан сезиларли равишда илгарилаб бораётганини кўриб турибмиз. Дунёда илм-фан соҳасидаги ютуқлар айнан фундаментал тадқиқотлар йўналишида қўлга киритилгани тасодифий эмас. Шунинг учун эндиликда фундаментал фанларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, соҳани иқтидорли ёш кадрлар билан таъминлаш давлатимизнинг муҳим вазифаларидан бири сифатида кун тартибига қўйилмоқда.” [1. Б. 171]

Ўзбекистон ўз мустақиллигига эришгандан сўнг фалсафанинг ўрганиш объекти кенгая бошлади. Шу кунгача фалсафа ҳар бир даврнинг ўзига хос хусусиятини ва уларнинг ривожланиш тарихини ўрганган бўлса, бугунги кун фалсафаси эса мустақил Ўзбекистоннинг ислом маданияти ривожланиш босқичларини ўрганишини ўз олдига мақсад қилиб қўйиши керак. Чунки, мамлакатимиз ҳудудида яшаб, ўзининг билими ва дунёқараши билан асрлар давомида жаҳон илм-фани тараққиётига бекиёс хисса қўшиб келган мутафаккирларимизнинг фаолиятини фалсафий жиҳатдан яна бир бор кўриб чиқиш фойдадан холи бўлмайди.

Жамият ҳаётида фалсафий, диний, дунёвий таълимотлар, гоёлар уйғун бўлиб, бир-бирини бойитиб, тўлдириб борсагина маълум бир натижаларга, ҳаттоки, буюк кашфиётларга эришиш мумкинлигини IX — XII асрда Шарқ мамлакатларидан етишиб чиққан алломалар фаолияти ва илмий меросида кузатиш мумкин.

Хусусан, X-XI асрларда Шарқ фалсафасининг шаклланиши бевосита қадимги дунё фалсафаси, аввало Арасту ва Афлотуннинг ижтимоий-фалсафий қарашлари таъсирида юз берган. Шунинг учун ҳам фалсафий адабиётларда “Шарқ перипатетизми” терминига алоҳида эътибор қаратилади. Шарқ перипатетизми вакиллари қаторига Абу Али ибн Сино, Абу Наср Форобий, Абу Райхон Беруний, Ибн Туфайл ва Ибн Рушд каби файласуфларни киритиш мумкин. Айнан шу буюк файласуфлар томонидан ёзиб қолдирган асарлари орқали ўрта асрларда Ғарб фалсафий тафаккури ўзининг ривожланиш даврини бошлаган.

Масалан, X-асрда Абу Наср Фаробий фалсафага қўйидагича таъриф берган эди: “Мавжудот ҳақидаги билим қўлга киритилса, шу ҳақда таълим берилса, мавжудотдан бўлган нарсанинг зоти билинса, нарсанинг маъноси тушунилса, ишончли далил-ҳужжатлар асосида шу нарса ҳақида мияда бир турли ишонч ва тасаввур пайдо бўлса, мана шу маълумотга доир фанни фалсафа деймиз” [2. Б. 183-184].

Форобий ўзининг “Ал-хуруф” (Ҳарфлар) асарида: “Агар дин барча умумий жиҳатлари билан такомиллашадиган фалсафага итоат этса, унда у ҳақ ва тўғридир. Аммо агар дин тўғри таҳлилий фалсафа ҳали шаклланмай, балки халқ тафаккури, гоёси бўлган риторика (балогат санъати, сўзамоллик), диалектика (бахс) ва софистика (ҳар қандай восита билан бўлса ҳам рақибни сўзда лол қолдириш) билан банд бўлган даврда пайдо бўлса, бундай фалсафага бўйсунган дин ҳам ёлгон ва хатолардан холи бўлмайди. Кўп ҳолларда у бошидан охиригача нотўғри бўлиб чиқади. Фалсафа динга нисбатан ҳам бирламчи мавқега эга, чунки фалсафа – мағз, дин – пўстлоқ, аниқроғи – фалсафанинг қуролидир” деб таъкидлаб ўтади. [3. Б.67]

Шунингдек, Ибн Сино фикрига кўра, барча фалсафий илмлар икки қисмга бўлинади: назарий ва амалий. Бунда назарий қисмнинг мақсади – ҳақиқатни билиш; амалий қисмнинг мақсади – саодатга эришишдир. Фалсафий фанлар, Ибн Синонинг фикрича, икки турга бўлинади: биринчиси бизнинг шахсий хатти-ҳаракатимиз билан таништиради ва у “амалий илмлар” деб номланади. Чунки бу билимларнинг фойдаси, биз бу дунёда нажот топишга умид қилишимиз учун, ундаги ишларимиз тартибли бўлиши учун керак бўлади. Иккинчиси эса бизни руҳиятимиз шаклланиши ва бу дунёда бахтли бўлишимиз учун нарсалар оламининг ҳолатини бизга англатади. Ўз ўрнида тушунтириладиган бу илм назарий деб номланади [4. Б.104].

Мазкур тадқиқотлар таҳлили шуни кўрсатадики, фалсафий таълим тушуниш қийин бўлган билимлардан иборат соҳа эмаслигини айнан ислом файласуф олимлари ўзларининг нафақат илмий қарашлари орқали балки амалий фаолиятлари асосида ҳам исботлашга ҳаракат қилганлар.

Бугунги кунда бир қатор мамлакатларда ислом дини фалсафасини ўрганиш ривожланмоқда. Жумладан, Араб-ислом давлатларида ислом дини фалсафасини ўрганиш, уни тадқиқ қилишда улкан ишлар амалга оширилган ва оширилмоқда. Масалан, Миср Араб Республикаси Қоҳира университетининг Ислом фалсафаси факультети ҳар йили Ислом фалсафасининг турли долзарб муаммоларига багишлаб халқаро анжуманлар ўтказиши ва анжуман материаллари мунтазам равишда тўплам ҳолида чоп этилади. Ислом фалсафасидаги муҳим тадқиқот асарлардан бири ҳисобланган М.Фахрийнинг «Ислом фалсафаси тарихи» асари 1983 йили Насрулло Пур Жаводий таржимасида Техронда форс тилида нашр этилган.

Ислом фалсафасига доир илмий тадқиқотлар Туркия Республикасида ҳам амалга оширилган бўлиб, улар орасида профессорлар М.Байрақдар ва И.Абдулҳамидларнинг монографиялари алоҳида ўринга эга [5. Б.28].

Шунингдек, Англиянинг Бирмингем шаҳрида Ислом ва Ўрта Шарқ тадқиқотлари маркази ташкил этилган бўлиб, ушбу марказ Ислом дини фалсафий асосларини ўрганишга ихтисослашган. Ушбу марказ Англиядаги Бирмингем университетининг “Фалсафа ва диншунослик бўлими”да жойлашган бўлиб, мазкур марказда Шарқ қўлёмалари бўлими ҳам мавжуд. Бу ерда Ислом динининг муқаддас китоби Қуръони Каримнинг энг қадимги қўлёмаси сақланади. Қўлёманинг ёшини билиш учун Оксфорд лабораториясида радиоуглерод усули ёрдамида тадқиқ қилган олимлар қўлёмма 568-645 йиллар орасида ёзилганини аниқлашга эришганлар. Бу эса Қуръоннинг қўлёмма шаклида ёзилган энг қадимий нусхаларидан бири шу давргача яхши сақланиб қолганлигидан далолат беради. Ушбу марказда илмий тадқиқотлар олиб боришга асосланган магистратура йўналиши очилган бўлиб, мазкур йўналишда илмий тадқиқот олиб боришни хоҳловчи тадқиқотчилар учун етарлича имкониятлар яратилган. Ушбу ўқув дастурларида ислом билимларини ўрганиш ҳамда тадқиқ этиш билан бирга ислом тарихи ва фалсафий таълимотлар чуқур ўрганилиб борилади. Бу борада ўрта аср Шарқ алломаларининг фалсафий таълимотлари Ғарб илм-фани тараққиётига ўзининг ижобий таъсирини ўтказганини сезиш мумкин.

Мазкур тадқиқотлар таҳлили шуни кўрсатадики, фалсафий таълим тушуниш қийин бўлган билимлардан иборат соҳа эмаслигини айнан ислом файласуф олимлари ўзларининг нафақат илмий қарашлари орқали балки амалий фаолиятлари асосида ҳам исботлашга ҳаракат қилганлар.

Хулоса қилиб айтганда, инсоннинг амалий фаолияти, илм-фаннинг ривожланиши ҳеч қачон фалсафий тафаккурга бўлган эҳтиёжни заифлаштирамаган, аксинча, яна ҳам кучайтирди. Инсон бу тафаккур орқали ўз моҳияти, жамият, табиат, тафаккур ҳақида тизимли билимлар кўникмасини ҳосил қилиш билан чекланмай, улар асосида илмий тафаккур ривожини, амалий фаолияти учун муҳим бўлган умумий хулосалар чиқаришга ҳам интилади. Оқибатда фан учун янги кашфиётлар дунё юзини кўради. Бу эса фаннинг такрорланмас ютуғидир. Сир эмаски, ҳозирги даврда фалсафа фанига бўлган қараш кескин ўзгариб бормоқда. Ёш авлоднинг, тафаккурини шакллантириш, уларнинг дунёқарашини тарбиялаш уларнинг ўзи ва дунёга муносабати такомиллаштириб бориш бу куннинг долзарб масалалари қаторига киради.

Шунинг учун ҳам бугунги кунда Шарқ мутафаккирларининг илмий-фалсафий меросини мукамал даражада ўрганиш мамлакатимизда фалсафий таълимни ривожлантиришда муҳим асос бўлиб қолади.

Адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. –Т.: Ўзбекистон, 2017. -592 б.
2. Абу Наср Фаробий. Фозил одамлар шаҳри. –Т.: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993.
3. ۱۹۹۷، ص. ۶۷. // *المعاصر، الاذسان ب ناء و الاسلامية الفلاسفة*. // Муаллифлар жамоаси. Ислом фалсафаси ва ҳозирги замон кишисининг асли. –Қоҳира, 1997.
4. Камилов А.Ш. Физические труды ар-Рази и Ибн Сины (Ар-Розий ва Ибн Синонинг физикага оид асарлари). –Душанбе, 1991.
5. Сайдахмедова А. Ислом фалсафасида гносеологик масалалар талқини // Фалс. фан. ном. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2009.

ISLOM MADANIYATI: MOHIYATI, O'ZIGA XOSLIGI VA UNI TAKOMILLASHTIRISH YO'LLARI

*Davronov I.O., Buxoro davlat universiteti o'qituvchisi
Muxammadova. R, Buxoro davlat universiteti talabasi*

Islom dini-jahonda keng tarqalgan uch dindand biri. Jahonda qariyb 1,5 milliard kishi Islomga e'tiqod qiladi. Musulmonlarning 2/3 qismidan ko'prog'i Osiyoda yashaydi va bu qit'a aholisining 20% idan ortiqrog'ini tashkil etadi.

Yurtimiz azaldan insoniyat tamadduni, jumladan islom madaniyati rivojida alohida o'rin tutadi. Buyuk ajdodlarimizning ilm-fan va madaniyatning ko'plab sohalari taraqqiyotiga qo'shgan beqiyos hissasini dunyo tan olgan, barcha xalqaro tashkilotlar e'tirof etgan.

O'zbekiston butun islom olami uchun muhaddislar, olimu ulamolar yetishtirib bergan muqaddas yurt sifatida dunyoda shuhrat qozongan. Islom dini garchi Arabistonda qaror topgan bo'lsa-da, u o'zbek zaminidan quvvat olganini dunyo musulmonlari yakdil e'tirof etishadi. Qadimdan Samarqand Buxoro shaharlaridagi madrasalarda diniy hamda dunyoviy fanlardan birdek saboq berilgani bois bu yerga kelib o'qishni islom olami yoshlari orzu qilishgan. Toshkent, Termiz, Nasaf kabi shaharlarda ham ilm-fan, ma'naviyat va ma'rifat, adabiyot, san'at ilohiyotshunoslikka yo'g'rilgan holda gurkurab rivojlangani haqida tarixiy ma'lumotlar guvohlik beradi.

O'zbekiston rahbari Shavkat Mirziyoyev BMT Bosh Assambleyasining Nyu-York shahrida bo'lib o'tgan 72-sessiyasida so'zlagan nutqida islom dinining dunyo miqyosidagi o'rniga yuksak baho berdi hamda "Ma'rifat va diniy bag'rikenglik" deb nomlangan maxsus rezolyutsiyani qabul qilish tashabbusini ko'tarib chiqdi. Ta'kidlash o'rinliki, O'zbekistonda mazkur yo'nalishda aniq maqsadga yo'naltirilgan ishlar amalga oshirilmoqda. Samarqandda Imom Buxoriy nomidagi xalqaro ilmiy-tadqiqot markazi, Toshkentda Islom sivilizatsiyasi markazi tashkil etildi. O'zbekiston tomonidan ilgari surilgan, ilmning hamma uchun ochiqligini ta'minlash, din masalasidagi jaholatga barham berishni ko'zda tutuvchi "Jaholatga qarshi ma'rifat" prinsiplial yondashuvi o'rnak olsa arzigulik.

O'zbekiston istiqloлга erishgach, ajdodlar qoldirgan boy madaniy merosni tiklash va yanada rivojlantirishga alohida e'tibor qaratildi. Respublikamizda buyuk alloma va aziz avliyolarimiz muqaddas qadamjolarini ta'mirlash va obodonlashtirish, ularning boy ilmiy-madaniy merosini o'rganish borasida ulkan ishlar amalga oshirildi. Imom Buxoriy, Imom Termiziy, Bahouddin Naqshband, Imom Moturidiy, Burhoniddin Marg'inoniy singari benazir allomalarning muborak nomlari qayta tiklanib, ularning merosini o'rganishga e'tibor kuchaydi. Masjidi Kalon, Shohi Zinda, Ko'kgumbaz kabi ko'plab masjid va madrasalar qayta ta'mirlandi. Bu o'zgarishlar xalqaro jamoatchilik tomonidan e'tirof etilmoqda va yuqori baholanmoqda.

Shuningdek, "Yer yuzida Buxoroning ta'rifini eshitmagan, uni bilmagan, uni umrida biror marta o'z ko'zi bilan ko'rishni orzu qilmagan ma'rifatli odam yo'qdir"- degan edi O'zbekiston Respublikasi Birinchi Prezidenti Islom Karimov. Buxoro azaldan islom olamida ulug'lanib kelingan. Buxoroning e'tirofi bugungi kunda ham davom etmoqda. Buxoro siyosiy-iqtisodiy, madaniy-gumanitar, diplomatik munosabatlar va aloqalarni har tomonlama izchil yo'lga qo'yib kelgan qadimiy shaharlar sirasidan joy oladi. Islom Hamkorlik Tashkiloti(IHT)ning ta'lim, fan va madaniyat bo'yicha tuzilmasi (ISESCO) tomonidan 2019-yil 16-sentabr kuni Marokashning Rabot shahrida madaniyat vazirlarining IX konferensiyasida Qohira(Misr), Bamako(Mali) shaharlari qatori Buxoro ham 2020-yilda "Islom madaniyatining poytaxti" deb e'lon qilindi.

ISESCO tomonidan Islom madaniyati poytaxtlarini tanlashdan bir qator maqsadlar ko'zlangan. Avvalo, musulmon mamlakatlari o'rtasidagi madaniy aloqalarni rivojlantirish, islom madaniyatiga oid ilmiy-ma'rifiy, tarixiy-me'moriy merosni o'rganish, tiklash va targ'ib qilish, dinlararo va sivilizatsiyalararo muloqotni kuchaytirish, turli mamlakatlarning bu boradagi sa'y-harakatini qo'llab-quvvatlash hamda rag'batlantirish kabilar nazarda tutilgan. ISESCOning nizomi 1982-yil Fes shahridagi Ta'sis konferensiyasida qabul qilingan bulib, nizomda shaharlarni islom madaniyati poytaxti deb e'lon qilishda quyidagi talablar joriy etilgan:

- qadimiy yodgorliklari va me'moriy obidalar borligi;
- islom madaniyatiga hissa qo'shgan ilmiy-madaniy asarlar mavjudligi;
- ilmiy tadqiqot markazlari, qo'lyozmalar markazlari va arxeologik markazlar tashkil etilganligi;
- madaniy muassasalar o'tkazgan festivallar, madaniy tadbirlar, kitoblar, rasmlar, videoroliklar, tajriba ishlari va nashrlarining yo'lga qo'yilganligi;

Buxoroga yuksak martaba berilishi natijasida muqaddas dinimiz soflik va poklikka erishmoqda. ISESCO bosh direktori Abdulaziz bin Usmon at-Tuvayjiriy ta'kidlaganidek, - "Biz olimlardan islom dini va madaniyatini o'rgandik. Bu ilmlar islom sivilizatsiyasining asosini tashkil etadi. Buxoro – buyuk insonlar yurti. U foydali va manfaatli ilmni ixlos bilan tarqatdi".

Shuningdek, 2019-yil 22-fevralda Birinchi Xalqaro ziyorat turizmi forumi doirasida ziyorat turizmi bo'yicha Buxoro Deklaratsiyasi qabul qilindi. Bunda aholi turmush darajasini yuksaltirish va jamiyatning o'zgarishiga ijobiy ta'sir ko'rsatish jihatini qo'llab-quvvatlash ko'zda tutilgan va ziyorat turizmining barqaror rivojlanishi butun dunyo bo'ylab madaniy va insonparvarlik aloqalarini rivojlantirish bo'yicha ulkan salohiyatga ega ekanligi e'tirof etildi. Shuningdek axborot texnologiyalarining ziyorat turizmiga, ayniqsa reklama, marketing, turizm mahsulotlarini differentsiatsiya qilish va ixtisoslashtirish sohasiga o'zgarishlar olib kirishi alohida ta'kidlandi.

O'zbekiston musulmonlari idorasida Prezidentimiz Shavkat Mirziyoyevning 2018-yil 16-apreldagi "Diniy-ma'rifiy soha faoliyatini tubdan takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi farmoniga muvofiq jamiyatda vijdon erkinligi kafolatlari va diniy-ma'rifiy muhit barqarorligini ta'minlash bo'yicha soha uchun mas'ul organlarning mustahkam va doimiy hamkorligini nazarda tutuvchi yangi tizim joriy etilishi ko'rsatilgan. Din sohasidagi davlat siyosatining asosiy maqsadi, vazifalari va prinsiplarini keng jamoatchilikka tushuntirish, vijdon erkinligi kafolatlari buzilishi holatlariga nisbatan tezkor choralar ko'rish yangi tizim doirasidagi hamkorlikning ustuvor yo'nalishlaridan etib belgilangan.

Buxoro shahri O'rta asrlardayoq "Islom olamining quvvati" deb nom olgan. O'sha zamonning ilg'or dorilfununlari sanalgan madrasalarda tahsil ko'rgan yoshlar keyinchalik ulug' olimu fuzalolar bo'lib yetishishgan. Ular tafsir, fiqh va boshqa diniy ilmlar qatorida riyoziyot, handasa, jug'rofiya, ilmi nujum singari dunyoviy bilimlarda ham yuksak kamolot kasb etishgan. Mirzo Ulug'bek Buxoro hamda Samarqandda o'zi bunyod qilgan madrasalar peshtoqlariga barcha zamonda ibrat olsa arziydigan oyatlar va hadislarni o'z davrining mashhur xattotlari tomonidan yozdirib qo'ygani ham bejiz emas. Bu yozuvlar bugungi O'zbekiston yoshlari uchun ham ibratdir. Yuksak san'at darajasidagi ushbu yozuvlar mazmun-mohiyatining o'zi islom madaniyatini dunyoga sof hamda tiniq tarzda ko'rsata olishga arziydi.

Shu bilan birgalikda, Prezidentimiz "2017-2021-yillarda O'zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo'nalishi bo'yicha Harakatlar Strategiyasi"ning beshinchi bandining birinchi "Xavfsizlik, diniy bag'rikenglik va millatlararo totuvlikni ta'minlash sohasidagi ustuvor yo'nalishlar" bandida ham davlatimizning mudofaa qobiliyatini mustahkamlash, diniy bag'rikenglik va millatlararo totuvligini ta'minlash, mamlakatning xalqaro munosabatlarining teng huquqli subyekti sifatidagi o'rni va rolini oshirish, ahil qo'shnichilik muhitini shakllantirish singari bir qator chora-tadbirlar amalga oshirilishi ko'zda tutilgan.

Allohga shukronalar bo'lsinki, Prezidentimiz ma'naviyatning yuksalishiga, milliy hamda madaniy qadriyatlarni asrab-avaylashga katta e'tibor qaratmoqdalar hamda kelajakda Islom madaniyatining ravnaq topishiga keng yo'l ochib bermoqdalar.

Xulosa qilib aytish mumkinki, islom madaniyatining o'ziga xosligi va uning mohiyatini ochib berish, hozirgi zamonda turizmni rivojlantirish va ularni takomillashtirishda innovatsion loyihalarni o'rni va ahamiyati yuqori ekanligiga shak-shubhasiz aminmiz. Xususan, Buxoro hududida turizmni rivojlantirishda, uning qadimiy binolar, avliyolari, pirlari, ziyoratgoh qadamjolarini innovatsion loyihalar asosida amalga oshirish orqali Buxoroda turistlarni kelish oqimini yillar mobaynida keskin oshirish imkoniyatiga egamiz.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. <https://www.mfa.uz>-O'zbekiston Respublikasi Tashqi ishlar vazirligi

2. <https://uza.uz › society › islom-madaniyati-buyuk qadriyat>
3. <https://uza.uz/uz/documents/diniy-ma'rifiy soha faoliyatini tubdan takomillashtirish>
4. <https://uza.uz/uz/society/islom-tinchlik va ezgulik dini>

O'ZBEKISTONDA ETNO-TURIZMNI RIVOJLANTIRISH ISTIQBOLLARI

Nosirov B.G., O'zbekiston Milliy Universiteti 1-kurs magistri

Bugungi kunda dunyoning ko'plab mamlakatlari uchun turizm iqtisodiyotning istiqbolli sohasi bo'lib, unga yirik korporativ biznes, xususiy kompaniyalar va davlat idoralari vakillari, joylarda xizmat ko'rsatadigan mahalliy aholi katta qiziqish bildirmoqda. Bu borada yetarli darajada boy tabiiy, tarixiy va madaniy salohiyatga ega bo'lgan O'zbekiston ham ilgari surilgan davlatlar va mintaqalar bilan raqobatlasha oladigan turistik salohiyatga ega.

Sayyohlarni jalb qilish uchun nafaqat zamonaviy infratuzilma va mamlakatda barqaror siyosiy vaziyatga ega bo'lish, balki turistlar tomonidan doimiy talab yuqori bo'lgan turistik mahsulotni taqdim etish kerak. 1994 yildan buyon Jahon sayyohlik tashkilotining (JST) xalqaro dasturi ishlarida, u barcha mamlakatlarga yangi sayyohlik mahsulotini - Buyuk Ipak yo'li o'tgan hudud bo'ylab sayohat qilishni taklif etadi va bu katta tarixiy va madaniy qiziqish uyg'otib, mamlakatimizda sayyohlar oqimining birmuncha oshishiga zamin yaratmoqda. 2008 yil oxirida dunyoga mashhur Discovery Channel (Buyuk Britaniya) ning bir qator ko'rsatmalarida nashr etilgan ajoyib "Buyuk Ipak yo'li" qo'llanmasi buni tasdiqlaydi²⁷⁵. Kitob birinchi marotaba ingliz tilida nashr etildi va 430 sahifada chiroyli tasvirlangan matn Buyuk Ipak yo'lida joylashgan barcha davlatlarni qamrab oldi. Shu nuqtai nazardan qadimiy Samarqand, Buxoro, Xiva shaharlari cheksiz salohiyatga ega va uzoq vaqt davomida tarixiy va ma'rifiy turizm O'zbekistonda asosiy yo'nalishlardan biriga aylandi. Turizm bozorida sayyohlar uchun asosiy "magnit" sifatida tanilgan ushbu mahsulotdan foydalanib, chet ellik va mahalliy iste'molchilarga deyarli ma'lum bo'lmagan narsani ularni bir turda birlashtirgan holda taklif qilish kerak²⁷⁶.

Ilgari turizm yangi davlatlarni kashf etish va sayyohlarning dunyoqarashini kengaytirishga xizmat qilar edi, bugungi kunda ushbu sohaning ko'p qirralari bor. Turizmning barcha yangi, ko'pincha kutilmagan turlari paydo bo'ldi. Bugungi kunda ko'plab chet ellik sayyohlar milliy muhitga kirib borishni, oila yoki qishloq hayotida qatnashish orqali odamlarning hayoti va madaniyatini bevosita his qilishni xohlamoqda. Etno-turizm - bu kognitiv sayohatlarning bir turi bo'lib, uning asosiy maqsadi ushbu hududda doimo yashab kelayotgan xalqlar, etnik guruhlarning me'morchiligi, madaniyati, urf-odatlar va hayotini o'rganish uchun obyektga tashrif buyurishdir²⁷⁷. Etnografik turizm bu mintaqaning tarixiy va adabiy merosini bilish shakli bo'lib, bu potensial iste'molchining odamlarning asl hayotiga bo'lgan qiziqishi, xalq an'analari, urf-odatlar, ijodi va madaniyati bilan tanishishga asoslangan. Turizmning ushbu turi bugungi kunda qiziqish uyg'otmoqda va kelajakda o'ziga xosligi tufayli katta talablarga ega bo'ladi, chunki hozirgi vaqtda etnik xilma-xillik biologik xilma-xillik yo'qolish darajasi bilan mos keladigan darajada kamaymoqda. Etno-turizmni an'anaviy iqtisodiyotni saqlash va rivojlantirishning mumkin bo'lgan strategik yo'nalishlaridan biri sifatida ko'rib chiqish mumkin. Etno-turizmni rivojlantirish madaniy merosni saqlashga hissa qo'shishi va istiqomat qiladigan hududlarning barqaror rivojlanishining omili bo'lishi kerak.

O'zbekiston uchun hali ham yangi bo'lgan etnografik turizm asta-sekin ommalashmoqda. Buning shartlari - bu mamlakatning boy tarixiy va madaniy salohiyati, avlodlar avlodga o'tib kelayotgan barqaror xalq an'analari, milliy ruhni, ajdodlar urf-odatlarini va turmush tarzini saqlaydigan turli etnik qishloqlar (tojik, qozoq, o'zbek, qirg'iz va aralash) mavjudligi mintaqaga xorijiy mehmonlarni jalb qilishi mumkin.

²⁷⁵ www.uzbektourizm.uz

²⁷⁶ X. Abulqosimov. "O'zbekistonda turizmni rivojlantirish muammolari va istiqbollari". Magistrlilik dissertatsiyasi. TDIU. 2005

²⁷⁷ Wikipedia.ru

Etno-turizm doirasida sayyohlik kompaniyalari tomonidan ishlab chiqilgan loyihalar yilning istalgan vaqtida mamlakatning mehmonlariga mahalliy xalqlarning bepoyon madaniyati, urf-odatlar va kundalik hayoti bilan tanishish, shu jumladan milliy uylarga tashrif buyurish, turli millatlardagi oilalarda istiqomat qilish, milliy bayramlarda va boshqa tadbirlarda qatnashish uchun qiziqarli dam olish dasturini taklif etadi. Bayramlar, mahalliy hunarmandchilik, san'at va hunarmandchilik bilan tanishish. Etnografik turizm sayyohlarni qabul qiladigan oilalarning va turmushning yaxshilanishiga yordam beradi. Mahalliy aholining sayyohlarni qabul qilishiga kiritilishi uni o'z urf-odatlarini saqlash va ona yurtining tabiatini saqlashga qiziqish uyg'otadi, tashrif buyuruvchilarga qo'l san'atlari va qo'l san'atlari ishlab chiqarish va sotish, shuningdek, mahalliy aholining moddiy farovonligining ishonchli manbaidir. Mamlakatda etno-turizmni yanada muvaffaqiyatli rivojlantirish uchun quyidagi vazifalarni hal qilish zarur:

1. Etno-turizm sanoatini shakllantirishning maxsus qonunlari va ularning huquqiy mexanizmlarini ishlab chiqish;
2. Etno-turizm sohasidagi fan, ta'lim va amaliyotning nazariy asoslarini ishlab chiqish;
3. Etno-turizm orqali aholining madaniyatini oshirish;
4. Etno-turizm yordamida mahalliy aholini ijtimoiy himoya qilish masalalarini hal qilish;
5. Etno-turizm bo'yicha mutaxassislarni tayyorlash va qayta tayyorlash;
6. Etno-turizm ob'ektlari va ularning kadastrini har tomonlama baholash;
7. Etno-turizm monitoringi va istiqbollarni yaratish;
8. Boshqa mamlakatlar va jahon hamjamiyatining etno-turizm sohasidagi taktik rejalari, strategik dasturlari va tadbirlarini o'rganish;

Etnik va ekologik turizmning bitta to'plamda uyg'unlashuvi istiqbolli, chunki xalqlarning madaniyati, urf-odatlar va kundalik hayotiga ta'sir qilmasdan mamlakatning himoyalangan burchaklariga sayohat qilish mumkin emas. Mamlakatimiz uchun yangi bo'lgan etnografik turizm allaqachon mashhur bo'lib bormoqda. Turizmning bu turi sayyohlarning xalqlarning asl hayotiga, xalq an'analari, marosimlari, ijod va madaniyat bilan tanishishga bo'lgan qiziqishiga asoslangan. O'zbekistonda nafaqat qadimiy shaharlar uchun asos yaratildi. Bugungi kunda, O'zbekistonning sayyohlik kompaniyalari etnografik tur doirasida an'anaviy klassik marshrutdan farq qiladigan dasturni taklif qilmoqda. Turistlarga qishloq sharqona voqelikka moslashish uchun noyob imkoniyat beriladi, bu yerda odamlar doimo mehmondo'st bo'lishadi. Qishloq mehmonxonalar va o'tovlarda yashash bizga g'arbdan biosfera rezervatlari yaratish g'oyasi bilan birga kelgan. Masalan, Jizzax viloyati Forish tumanidagi Uxum, Hayat va Majerum qishloqlaridagi Nurota qo'riqxonasi va Navoiy viloyati Nurota tumanining Sentob qishlog'ida bir nechta mehmon uylari jihozlangan. Ular Nurota tog'larida joylashgan bo'lib, unga avtomobil orqali yetib borish mumkin.

Bu sayyohlik agentliklariga "Inson-tabiat" uyg'unligiga e'tiborni qaratgan holda, O'zbekistonda sayohatlarni rivojlantirishga imkon beradi, ammo buning uchun har ikki yo'nalishni yaxshi biladigan, shuningdek sayyohlarga malakali xizmat ko'rsatadigan mutaxassislar yoki xodimlarni tayyorlash kerak. Sayyohlik agentliklari shuni yodda tutishlari kerakki, paketni tuzishda va sayyohlarni qabul qilish uchun bazani tayyorlashda, yo'riqchilar uchun ham, qo'riqlanadigan tabiiy hududlar xodimlari uchun ham, qishloq aholisi uchun ham o'quv-axborot komponenti bilan ishlashni boshlash muhimdir. Bu etnik va ekologik turizmni rivojlantirish bo'yicha barcha loyihalar uchun asos bo'lishi kerak.

Mamlakatda etnik turizmni rivojlantirish uchun shart-sharoit va zamin (professional kadrlar, qishloqlarda va tabiat qo'riqxonalarida o'quv dasturlari, turistik turlarning ushbu turiga yo'naltirilgan turli sayyohlik agentliklari) va davlat tomonidan qo'llab-quvvatlanishini hisobga olgan holda, turizm haqiqatan ham O'zbekiston uchun alternativ daromad manbasiga aylanishi mumkin. Etno-turizmni yanada rivojlantirish maqsadida quyidagi yo'nalishlarda etnografik marshrutlar ishlab chiqilgan bo'lib, ulardan ba'zilari:

- Farg'ona vodiysi (Rishton, Quva qishloqlari)
- Nurota tizmasi (Hayat, Uxum, Mejerum qishloqlari)
- Aydarko'l ko'li (Yangigazgan, Dongelek qishloqlari)
- Boysun (Rabat, Derbent, Pedang, Koferun qishloqlari)

- Tyan-Shan etaklari (Xumson, Burchmulla qishloqlari)

Turistik firmalar tomonidan taklif etilayotgan xizmatlar mamlakatimizga tashrif buyurayotgan turistlar ehtiyojlarini to'la qondira olishi, ularni yana O'zbekistonga tashrif buyurish ishtiyoqini oshirishga erishishimiz turizm sohamizdagi asosiy muammolardan bir bo'lib qolmoqda. Bu borada davlatimiz tomonidan olib borilayotgan islohotlar o'z samarasini berishi va mamlakatimizning turistik imkoniyatlari yildan yilga yuksalib borishiga ishonamiz.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. www.uzbektourizm.uz.
2. X. Abulqosimov. "O'zbekistonda turizmni rivojlantirish muammolari va istiqbollari". Magistrlilik dissertatsiyasi. TDIU. 2005.
3. Wikipedia.ru

АҲМАД ЗАКИ ВАЛИДИЙНИНГ ИСЛОМ МАДАНИЯТИ ВА МИЛЛИЙ-МАЪНАВИЙ ТАФАККУР ТАРАҚҚИЁТИ ҲАҚИДАГИ ТАДҚИҚОТЛАРИ

Барнохон Исомиддинова

*Фаргона вилояти, Бешариқ тумани ХТБ тасарруфидаги
26-умумий ўрта таълим мактаби тарих фани ўқитувчиси*

Ўзбекистоннинг янги тараққиёт босқичида диннинг жамият равнақидаги ўрни, унинг ёшларни тарбиялашдаги роли нафақат эътироф этилди, айни пайтда унинг ривожланишига кенг имкониятлар яратилди. Жамият маънавий ҳаётини модернизациялаш жараёнида диннинг ўрни ва вазифасини қайтадан белгилаш ва бунда ислом динининг нафақат ўзбек халқи маданиятининг бўлаги сифатида талқин этиш, балки унинг жамият руҳиятига таъсир қилиши мумкин бўлган ижтимоий таъсирини эътиборга олиш шарт. Шу боисдан ҳам Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16 апрельдаги «Диний – маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5416-сон фармонида «ислом ва жаҳон цивилизациясига бебаҳо ҳисса қўшган аждодларимизнинг бой маданий меросини чуқур ўрганиш асосида ёшларнинг онгу тафаккурини шакллантириш»¹ мамлакатимизда устувор вазифа эканлиги белгилаб берилди. Бу ҳолатлар кўзда тутилмаса, турли диний ақидапарастликка йўл очилиши осон кечади. Ваҳоланки, ислом дини миллий урф-одатлар каби халқ маънавиятини тиклашга ёрдам беради. Шу боисдан ҳам Аҳмад Заки Валидий (1890-1970) ўз қарашлари орқали ислом динининг маърифий аҳамиятини асослашга ҳаракат қилади.

Аҳмад Заки Валидий ислом кадриятларининг ижтимоий ҳаётдаги ўрнига алоҳида эътибор берган. Жумладан, у мусулмон оламининг аросатдан халос бўлишининг ягона йўли илм фанни ривожлантириш, диний бағрикенгликни барқарор қилишдан иборатдир, деган хулосага келди. Унинг «Хотиралар», асарларида дунёвий ва диний илмларнинг мутаносиблиги, исломнинг маънавий кадриятлари тўғрисида фикр юритилади. Хусусан, Фитратнинг «Мунозара» асарида миллатпарварлик, халқпарварлик кенг ёритилди.

Аҳмад Заки Валидий араб адабиётини ўрганишни Маҳмуд аз-Замахшарийнинг арабча девони ва Садиддин Тафтазоний билан Сайид Шариф Журжонийнинг мунозараларига оид рисоласидан бошлайди. Валидий Шаҳобиддин Маржонийнинг илмий фаолиятини ўрганар экан, ислом дини гоёларини инсон тарбиясига таъсири, ислом динини илм олиш, дунёвий билимларни фаннинг турли соҳаларида фаолият кўрсатишни ҳар томонлама қўллаб - қувватлашини, Қуръони Каримдаги суралар орқали асослашга ҳаракат қилади. Бунинг учун Заки Валидий Қуръони Каримнинг «Мужодала» сураси 11-оятдаги Аллоҳ таоло: «Аллоҳ сизлардан иймон келтирган ва илм ато этилган зотларни (баланд) даража мартабаларга

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16 апрелдаги «Диний – маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони. <http://uza.uz/-16-04-2018>.

кўтарур», «Тоҳо» сураси 114-оятдаги Аллоҳ таоло: «Парвардигорим, илмимни янада зиёда қилгин, деб айтинг», «Анбиё» сураси 7-оятдаги: «Бас, ўзларингиз билмайдиган бўлсангизлар, (биладиган) аҳли илмлардан сўранглар» каби оятларни кўрсатиб ўтади.

Заки Валидийнинг Марказий Осиёда исломгача ва ислом тарихига оид илмий ишларида эрон ва туркий халқлар алоқалари ўртасидаги қизиқарли маълумотлар берилган. Олим ўзининг «Г.Ришар «Форс мутасаввифи Жалололдин Румий» сарловҳали мақола тақризида ислом динини кенг ва билим доирасини «фундаментал асос» деб кўрсатади.

Валидийшунос олима Гульнора Хусаинова «А.З.Валидий Тўгон»²⁷⁸ номли мақоласида Валидийни шарқшунос олим бўлиб етишишида Туркистонга илмий сафари катта аҳамиятга эга бўлганлигини таъкидлайди. Шунингдек, Гульнора Хусаинова Валидийнинг Туркистондаги илмий сафари давомида кўлөзма, кутубхоналар билан ишлаб, дин, маданият, маънавият, тарих, этнография, география, тил, адабиёт каби фанларга қизиқишини янада ортганлигини «Алишер Навоий», «Беруний», «Амударё», «Наливкин Фаргона хотинлари тўғрисида» каби мақолалари ва «Таворихи гузида», «Нусратнома», «Тарихи Рашидий» асарлари орқали асослашга ҳаракат қилади.

Туркистондаги дастлабки сафарида Валидий Тошкентда отасининг тасаввуф силсиласида муҳим ўрин тутган Шайх Убайдуллоҳ Ахрорнинг аждоди Шайх Хованд Тахурнинг ҳаёти, сири (сийрати)га оид шу кунгача номаълум бўлган форсча ва туркий шеърларини халққа маълум қилади.

Заки Валидий Алишер Навоийнинг «Мажолисун нафоис» асарининг Машҳад нусхасини Қобул нусхасидан фарқи борлигини кўрсатиб ўтади. Уни Европа шарқшунослари усулида таҳлил этиб, баъзи ривоят ихтилофларини кўрсатиб ўтади. Валидий Бошқирдистондаги ўз даврининг мадрасаларида фақат ислом эътиқоди асосида ўқитилишини танқид қилади ва бу таълим муассасаларида дунёвий фанларнинг ҳам ўқитилиши кераклигини қайд этади. Ислом уламоларининг фалсафа ҳақида қарашлари ортодоксал характерга эга эканлигини ва тасаввуф суфийлари ҳақидаги баъзи зиддиятли тасаввурлар борлигини ҳам кўрсатиб ўтади.

Заки Валидий диний билим асосларини шакллантиришда муқаддас китоблар, масалан Қуръони Карим, Ҳадиси шариф кабиларни ўқиб, ўзлаштириш, унинг асл моҳиятини тушуниб етган ҳолда иш кўришни ўзи камлик қилишини инсон ўз билимини мукамал даражага олиб чиқиши учун дунёвий илмларни ҳам чуқур ўзлаштириши кераклигини турли ҳаётий мисоллар орқали асослашга ҳаракат қилади. Қуръон сураларида кишилар Аллоҳ номидан эзгуликка, ҳалолликка, покликка даъват этилади. Бунга амал қилганларга жаннатда ҳузур-халоватда абадий яшаш ваъда қилинади. Ёвузлик йўлидан қайтмаган кишилар учун дўзах азоби муқаррарлиги эслатилади. Бу кишиларни ёмон хулқлардан ўзини тийишга, яхшиликка ундайди. Айни шу маънода, А.З.Валидийнинг мулоҳазалари фақат назарий эмас, балки амалий характерга ҳам эга эди.

Заки Валидий 1968 йилги Равалпинди шаҳридаги анжумандаги маърузасида исломий давлатларда Қуръони Каримни замонавий илмий асосларга таянадиган илмий муассасалар ташкил қилишни таклиф қилади. У Манчестер университети араб кўлөзмалари каталоги билан танишади. Шарқий туркчадаги муқаддас Қуръон Каримнинг таржимасини ўқиб, бу кўлөзманинг 14 томлик фотонусхасини олади. Нусха яхши сақланган бўлиб, биз олдимизга Қорахонийлар даври XI-XII асрлардаги Қошгар шевасида Шарқий Туркистондаги ва Қуръони Каримнинг туркий ва форсий тиллардагисини қиёсий таққослаб тадқиқ қилади. Бу борада форс, Хоразм-туркийча, шарқий туркийда сўзлашувчи ўғузлар, аргу шеваси, қарлуқлар, шошлик туркийлар шеваларининг имкониятларини ажратади. Заки Валидий 1914 йил май ойида Туркистондаги илмий сафари чоғида туркий тилда ёзилган Қуръони Каримнинг қадимий нусхасини топади ва китобнинг X- асрга оид Насаф нусхаси эканлигини аниқлайди.

²⁷⁸ Хусаинова Г. А.З Валиди Тоған // Ватандаш. – Уфа: 2000. №12.

Маърифатпарвар олим сифатида Заки Валидий янги замонавий мактаб, демократик тараққиётнинг илгор усул ва йўлларини ёқлаб чиққан, маърифат, балки жамият ҳаётининг барча соҳаларини ислоҳ қилиш, мавжуд тартибларни ўзгартириш йўлидан борган. Заки Валидий ижодидаги айни шу мазмундаги қарашлар миллий-озодлик гоёларини илгари суриш, миллий ўзлигини англаш, ватанпарварлик туйғуларини ривожлантириш, мутаассибликка қарши чиқиш, маърифат, ижтимоий ислоҳотчилик масалаларини ишлаб чиқиш, жаҳон цивилизациясига кириб бориш, ёшларни янгича тарбия қилиш, уларга замонавий таълим бериш каби фикр-мулоҳазаларида янада яққол намоён бўлган.

Заки Валидийнинг диний-фалсафий қарашларидан келиб чиққан ҳолда таъкидлаш мумкинки, жадидларнинг ўзига хос миллий таълим модели ўзликни англаш ва маданияти юксалишига, шубҳасиз, ижобий таъсир кўрсатди. Ўлка мустамлакачи маъмурияти қўйган тўсиқларга қарамай, бу ерда илм-фан секин-аста ривожланди, илмий кадрлар шаклланди, улар ёшлар орасида илмий билимларни ёйишга кўмаклашишди. Бу, сўзсиз, маҳаллий ёшлар қобилияти намоён бўлишига кўмаклашди. Туркистоннинг иқтисодий ва сиёсий ҳаётидаги ўзгаришлар жамиятнинг маънавий тараққиётига таъсир этмай қолмади.

Заки Валидийнинг диний-фалсафий қарашлари асосида ислом тафаккури тараққиётининг конструктив жиҳатларини шарқ файласуф олимларининг ижодий фаолияти орқали асослашга уринган шунингдек, диний тарбиянинг маънавий-ахлоқий хусусиятларига доир концептуал қарашларни илгари сурган. Валидийнинг диний ва этник бағрикенглик ҳақидаги гоёси бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Олим нафақат бошқирд халқининг миллий ўзлигини англашдаги етакчи сифатида, балки бутун жаҳон мусулмонларини ислом маърифатпарварлигига ундаган шарқшунос олим бўлиб танилган. Унинг миллий давлатчилик ҳақидаги қарашлари бугунги кунда ҳам Бошқирдистон Республикаси давлат тизимини мустаҳкамлашда устувор аҳамият касб этган.

Бугунги кун Заки Валидийнинг диний-фалсафий меросини ўрганиш ҳаётий ҳақиқатлар ва реал воқеликка амал қилишни, ижодкорнинг бой маънавий маданий меросини объектив тадқиқ этишни, уларга ёпиштирилган ҳар қандай мафкуравий, сиёсий ва гайриилмий иллатлардан тозаланишни тақозо этади. Бунинг қатор сабаблари бор. Биринчидан, Заки Валидий туркий халқларининг ижтимоий-тарихий тараққиёт йўли билан яқиндан таниш бўлиб, бу жараёнда бевосита ва билвосита иштирок этди. Иккинчидан, Валидий жадидларнинг гоёларини халқни илмсизликдан маърифатга, тобеликдан эркинликка томон бошловчи ҳаракат деб билди, унинг миллатпарвар олим сифатида шаклланишига ана шулар муҳим таъсир кўрсатди. Учинчидан, Валидий ислом динининг инсонпарвар гоёлар билан сугорилган шоҳ асарларидан баҳраманд бўлди, янги миллий тафаккур тараққиёти учун қайгурди. Тўртинчидан, у бевосита Бехбудий, Мунаввар Қори, Фитрат сингари жадидчилик ҳаракатининг илгор вакиллари билан яқиндан алоқада бўлди ва уларнинг миллий маънавий тараққиёт ҳақидаги қарашларини миллий фалсафа тилида ифодалашга ҳаракат қилди. Масалан, Заки Валидий Бехбудийнинг 1917 йил апрелда Тошкентда бўлиб ўтган Туркистон мусулмонларининг 1-курултойидаги нутқи ўлка зиёлиларининг фикрини миллий ўзликни англаш томон буриб юборганини алоҳида қайд этади.

Заки Валидийнинг жадидчилик фаолияти ва унинг асарлари халқ орасида кенг тарқалди, газета ва журналлар пайдо бўлди, китоб ва дарсликларни чоп қилиш кенг тус олди, миллий ўтмиш, маънавий мерос ва бошқа халқлар маданияти, таълим-тарбия усулларини ўрганишга бўлган қизиқиш кучайди. Шубҳасиз, буларнинг ҳаммаси инсонларда миллий онгнинг шаклланиши, сиёсий ва маънавий уйғониш, мустақил тараққиётга интилишга олиб келди. Олим мусулмон зиёлилари орасидан етилган, тарихан ечилиши зарур бўлиб қолган бир қатор ижтимоий-иқтисодий ва маданий-маърифий масалалар учун ўзини масъул деб билган Ватан ва миллат фидойиси бўлган.

BUXORODA ISLOM MADANIYATI RIVOJIDA MADRASALARNING O'RNI

Qalandarov H.H., Buxoro davlat universiteti o'qituvchisi

Har bir mamlakat taraqqiyotida ta'limning o'rni beqiyosdir. Mamlakatimiz mustaqillikka erishgach, barcha jabhalarda, jumladan ta'lim sohasida keng ko'lamli islohotlar o'tkazildi. "Ta'lim tog'risidagi qonun", Kadrlar tayyorlash bo'yicha Milliy dasturini ishlab chiqishda rivojlangan mamlakatlarning tajribasidan, zamonaviy metodlar bilan bir qatorda xalqimizning asrlar davomida shakllangan an'anaviy ta'lim tizimi tajribalaridan ham foydalanilgan. XX asrgacha o'lkamizda mavjud bo'lgan ta'lim tizimida madrasalar faoliyati muhim o'rin tutadi. Madrasalar, ayniqsa, Buxoro madrasalari nafaqat o'lkamiz, balki butun islom olamiga yetuk daholarni tarbiyalab bergan. Buxoro azal-azaldan ilm-fan, madaniyat markazi bo'lib kelgan.

O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M.Mirziyoyev ta'kidlaganidek, "Buxoroyi sharifning ilm-ma'rifat, madaniyat va san'at daryosi hech qachon to'xtagan emas. Bu ko'hna yurtida tug'ilib ijod qilgan ko'plab ma'rifat fidoiylarining ibratli hayoti bugungi kunda ham yurtimizda yangi jamiyat barpo etish, barkamol avlodni tarbiyalash, ma'naviyatimizni yuksaltirishda bizga beqiyos kuch bag'ishlab kelmoqda"²⁷⁹.

Biz ushbu maqolada Buxoro madrasalarining faoliyati, ularning me'moriy yechimi, madrasalarning ijtimoiy hayotdagi o'rni masalalarini yoritishni lozim topdik. Muammoning tarix fanida hozirgacha o'zining chuqur ilmiy va xolisona bahosini olmaganligi, ushbu muammoga oid ko'plab tarixiy manbalar hanuzgacha o'rganilmaganligi, ular orqali ijtimoiy, ma'naviy voqelikning ko'plab masalalariga oydinlik kiritishga erishish mumkinligi yoritilayotgan mavzuning dolzarbligini asoslab beradi.

Madrasa so'zi arabcha so'z bo'lib, lug'aviy jihatdan "dars o'qitiladigan joy", "bilimgoh"²⁸⁰ degan ma'noni bildiradi. Madrasalar G'arb universitetlarining Sharqdagi ko'rinishlari hisoblanadi. Madrasalarda o'qitiladigan o'quv fanlarning tarkibi, an'anaviy tarzda tashkil topishi bilan birga, talabalarning fakultativ, ya'ni ixtiyoriy ravishda o'rganadigan ilmlardan ham tashkil topgan. Buxoro qadimdan ilmiy bir markaz sifatida nom chiqarib kelgani bois madrasalarda islom olamida mashhur bo'lgan kitoblarning barchasini topish mumkin edi.

Ma'lumki, ta'lim sohasi madaniy-ma'naviy hayotning shakllantiruvchi kuchi, uning muhim poydevoridir. Shunday ekan, o'tmishda ajdodlarimizning savodxonligi, madaniy-ma'naviy hayot darajasiga baho berish, o'z navbatida, maktab va madrasalar faoliyati, ularning aholi kundalik turmush tarzida tutgan o'rini tadqiq etishni talab qiladi. Vatanimiz dunyoga nafaqat ilmu-ulamolar yurti sifatida, balki madrasalari bilan ham dong taratgan. Madrasalar IX-XIII asrlarda xalifalikning madaniy-ma'naviy hayot rivojlangan ko'plab hududlarida, jumladan, O'rta Osiyoda tarqaldi. Abu Bakr Muxammad Narshaxiyning "Buxoro tarixi" asarida keltirilishicha, Buxorodagi ilk madrasalardan biri –Farjak madrasasi 937-yilda shaharda yuz bergan yong'inda zarar ko'rgan edi²⁸¹.

Shuni alohida ta'kidlash joizki, Buxoroda amal qilgan an'anaviy ta'lim muassasalari bo'lmish madrasalar savod chiqarish o'chog'i sifatidagina emas, balki sud tizimi, davlat muassasalari uchun kadrlar tayyorlash maskani sifatida, diniy-axloqiy qadriyatlarni shakllantirish, jamiyatning ma'naviy qiyofasini belgilashda ham muhim ahamiyat kasb etgan. Ular asrlar davomida bu borada katta tajriba maktabiga ega bo'lish bilan bir qatorda o'ziga yarasha muammo va kamchiliklardan ham xoli bo'lmagan. Buxoro madrasalarida nafaqat O'rta Osiyo, balki butun islom olamidan, shuningdek, Rossiyaning turli o'lkalaridan kelgan musulmon aholisi vakillari ham ta'lim olar edilar²⁸².

XX asrning boshlariga qadar ham Buxoro madrasalarining islom dunyosidagi mavqei va nufuzi ma'lum darajada saqlanib, jamiyat taraqqiyoti darajasidan kelib chiqib, o'sha vaqtda davlatning

²⁷⁹ Mirziyoyev.Sh.M. Buyuk kelajagimizni mard va oliyjanob xalqimiz bilan quramiz. -Toshkent : O'zbekiston - B.146

²⁸⁰ Керенский О.М. Медресе Туркестанского края. – СПб., 1892. – С.3.

²⁸¹ Абу Бакр Мухаммад ибн Жаъфар Наршахий. Бухоро тарихи / Форс-тожик тилидан А.Расулов таржимаси. – Тошкент: Фан, 1966. – Б. 84.

²⁸² Хўжаев Ф. Танланган асарлар. – Тошкент: Фан, 1976. I том. – Б. 88.

hukmron siyosati va islom ta'limotiga xizmat qilgan. Buxoro madrasalari nafaqat o'quv yurti, balki o'ziga xos me'moriy yodgorlik obidalari ham edi.

Buxoro madrasalari o'z hashamati, pishiqlik va puxta qurilganligi bilan me'moriy jihatidan o'rta asr arxitekturasi eng nodir namunalari sifatida hozirgacha saqlanib qolgan. Buxoro madrasalari nafaqat o'quv yurti, balki o'ziga xos me'moriy inshoot ham edi. Buxorodagi Ulug'bek, Mir Arab, Nodir Devonbegi, Ko'kaldosh, Abdullaxon va Abdulazizxon madrasalari bebaho va nodir me'moriy yodgorlik sifatida hozirgi kunda ham mashhurdir. Buxoroda eng mashhur va nufuzli oliy o'quv yurti bu Mir Arab madrasasi bo'lgan. Madrasaning nomi ham uni qurdirgan shayx nomi bilan bog'liq bo'lib, uning to'liq ismi Mir Arab Abdulloh al-Yamaniy bo'lgan.

Madrasalar qurish ishi bilan asrlar osha shug'ullanilganligi bois, bu borada boy tajriba ham shakllangan. Buxoro amirligida ta'lim tizimi hokimiyatning nazaridan chetda bo'lmay, o'z oldiga qo'yilgan vazifalarni mamlakatning taraqqiyot darajasiga mos ravishda bajarib kelgan. Qozikalon xalq ta'limining ahvoli, tarbiyaviy ishlar, islomiy aqidalarni amalga oshirish vazifalariga mas'ul hisoblanib, bu holat ta'limga e'tibor qaratilganidan dalolat beradi²⁸³.

Buxoro madrasalarining soni haqida turli manbalarda va asarlarda turlicha ma'lumot qayd etiladi. N.Xanikov madrasalar sonini 180-200 ta, talabalar sonini esa 15-16 ming nafar deb ko'rsatgan²⁸⁴. XIX asr oxiri va XX asrning boshlarida Buxoro amirligidagi madrasalar sonini o'sha davrda yashagan Abdurauf Fitrat va Sadridin Ayniy 200 ta, Sadr Ziyoyev 204 ta, Muhammad Ali Baljuvoni esa 400 ta deb ko'rsatadi. Xullas, turli ma'lumotlar umumlashtirilganda ushbu davrda Buxoroda 200 dan 400 tagacha madrasa mavjud bo'lgan. O.A.Suxarevaning fikricha, birgina Buxoro shahrining o'zida 133 madrasa bo'lgan²⁸⁵.

- turizmning yangi salohiyat turlari –ziyosat qilish, ekologik, ma`rifiy, etnografik, sport, davolash, qishloq, sanoat, ishbilarmonlik, bolalar, yoshlar va oilaviy turizmni jadal rivojlantirish;
- turizm sohasida xalqaro va milliy tashkilotlar, yirik xorijiy brendlar va kompaniyalar bilan hamkorlikni kengaytirish, turizm xizmat ko`rsatishning ilg`or jahon sifat standartlarini joriy etish;
- respublika mintaqalarida turizm infratuzilmasining zamonaviy obyektlari, eng avvalo mehmonxonalar, transport tuzilmalari jadal rivojlantirish, ushbu maqsadlar uchun xorijiy investitsiyalarni keng jalb etish;
- raqobatbardosh turizm mahsulotlarini ishlab chiqarish, mintaqalarda yangi turizm yo`nalishlarini yaratish, ularni jahon turizm bozorlariga olib chiqish;
- turizm tarmog`i uchun malakali kadrlarni sifatli tayyorlash tizimini tubdan takomillashtirish;

Har qanday sanoatda ham mamlakat hukumati xususiy tarmoqni rivojlanishi yuzasidan rag`bantlantirib borishi lozim. Turizm sohasida ham xususiy tarmoqlarni rivojlantirish, shu jumladan turistik firmalar faoliyatini takomillashtirish eng asosiy omillardan sanaladi. Turistik firmalarni rivojlantirishda asosan biznes rejalarni tuzishga katta ahamiyat beriladi. Chunki mukammal tuzilgan biznes reja kelajakda ushbu firmaning yo`lini belgilab beradi. Turistik firmalar o`z mahsuloti rivojlanishining dastlabki bosqichida mashhur turizm maskanlari hukumatdan o`z faoliyatini yuritishga, transport va hokazolar kabi infratuzilmaning boshqa elementlariga egalik huquqi shaklida imtiyoz oladilar va ayni paytda hukumat ham turizm infratuzilmasini rivojlantirish maqsadida xususiy tarmoqlarga imtiyozlar beradi.

Agar turizmni samarali rivojlantirishga erishsak: mamlakatimizning yalpi milliy mahsulotlari ko`payadi, davlat budjeti daromadlari oshadi, chet el kapitali ortadi hamda valuta tushumi ko`payadi, ish bilan ta`minlash o`sadi, yangi ish o`rinlari yaratiladi, turizm sanoati rivojlanishi taminlanadi, turizm rivojlanishi orqali boshqa sohalar rivojlanishiga erishiladi.

Turizm nafaqat iqtisodiy, balki muhim ijtimoiy soha hamdir. Buning iqtisodiy samaradorligi bilan birga ma`naviy, ruhiy va intellektual ahamiyati ham juda katta. Shu tufayli ushbu sohaga davlat alohida e`tibor berib kelmoqda va ma`lum imtiyozlar ham belgilamoqda. Insonlar bu imtiyozlardan faqat turist bo`lganliklari uchun foydalanadilar. Bu ham turizmning o`ziga xos xususiyati va katta ijtimoiy-iqtisodiy ahamiyatidan dalolat beradi. Imtiyozlar turistlarning bojxona postlaridan o`tishda, soliq to`lashda, chetga chiqishida passportiga ruxsat berishda, avia va temir yo`l transpotiga chipta olishda, ularni rasmiylashtirishda namoyon bo`ladi. Turizmning mahalliy aholi uchun katta foydasi bor. Aholi turli millat vakillari bilan muloqotda bo`ladilar va ularning turli an`an avaqadriyatlarini bilan tanishadilar, mahsulotlarni sotish imkoniyatiga ega bo`ladilar, mahalliy

aholi imkon qadar o'zlarining an'ana va qadriyatlarini namoyish qilish uchun uni saqlab qoladilar, unitilganlarini qayta tiklaydilar, mehmon kutishning jozibador an'analari tiklash bilan birga mehmondorchilik an'analari takomillashtirib boradilar. Oxir oqibatda milliy aholining dunyoqarashi, madaniy saviyasi ham mutassil o'sib boradi.

Xulosa qilib aytganda, turizm- iqtisodiyotning strategik sohasi sifatida qarar ekanmiz, hududlar iqtisodiyotining, qolaversa, ular bilan birga mamlakat iqtisodiyotining rivojlanishida mavjud imkoniyatlardan foydalangan holda turizmga oid kompleks chora-tadbirlarni amalga oshirsak, yaratilayotgan dasturlar va konsepsiya doirasida ishlar ketma-ketligini sifat va muddat doirasida bajarsak, albatta ko'zlangan maqsadga erishamiz!

TURIZM SOHASIDA MALAKALI MUTAXASSISLAR TAYYORLASH OMILLARI

*Iroda Nurmatova, Farg'ona davlat universiteti o'qituvchisi
Imomnazarov Gulzoda, Farg'ona davlat universiteti talabasi*

Turizm sohasi butun jahon xo'jaligi yoki alohida bir mamlakat misolida olmaylik, iqtisodiyotning eng muhim tarmoqlaridan biri hisoblanadi va shunga monand jahon va ko'pchilik mamlakatlar yalpi ichki mahsulotida turizmning ulushi kundan kunga oshib bormoqda.

Hozirgi kunda turizm yuqori daromad keltiruvchi va jadal rivojlanib borayotgan tarmoqlardan biridir. Turizmning mamlakat makroiqtisodiy ko'rsatkichlaridagi ulushi, ya'ni mamlakat Yalpi ichki mahsuloti, valyuta zahiralari, aholi bandligi va mahalliy byudjetni ijobiy saldo bilan chiqishida ahamiyati juda ham katta. Shuningdek turizm boshqa ko'pchilik tarmoqlardan farqli o'laroq, kam xarajat va kam tabiiy resurs talab qiladigan ammo yuqori daromad keltiradigan hamda jahon xo'jaligidagi keskin o'zgarishlarga kam ta'sirchanligi bilan alohida ahamiyat kasb etadi. Oxirgi yillarga kelib jahonda tashrif buyuruvchi xorijiy turistlar sonining o'rtacha yillik o'sish sur'atlari 3,41 foizni tashkil etmoqda.

Turizm sohasining O'zbekiston Respublikasining ijtimoiy-iqtisodiy taraqqiyotidagi ahamiyati, turizmning mamlakatimiz mustaqillikka erishgandan keyin bosib o'tgan yo'li, uni bugungi ahvoli va kelajakdagi ijobiy salmog'i yurtimiz rivojida beqiyos o'rin tutadi. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyev parlamentga Murojaatida barcha sohalar qatorida turizm sanoati borasida quyidagi fikrlarni bildirdi:

«Hozirgi kunda milliy iqtisodiyotga yuqori daromad keltiradigan istiqbolli tarmoqlardan biri – bu turizmdir. O'zbekiston turizm sohasida dunyo bo'yicha ulkan salohiyatga ega bo'lgan davlat hisoblanadi. Yurtimizda 7300 dan ortiq madaniy meros obektlari mavjud va ularning qariyb 200 tasi YUNESKO ro'yxatiga kiritilgan.

Shu bilan birga, mamlakatimizning betakror tabiati, go'zal dam olish maskanlari imkoniyatlaridan foydalanib, yangi turistik yo'nalishlar ochish mumkin. Bu sohaga jahon brendlarini faol jalb etgan holda, biz ziyorat turizmi, ekologik, ma'rifiy, etnografik, gastronomik turizm va bu sohaning boshqa tarmoqlarini rivojlantirishga alohida e'tibor qaratishimiz zarur. Bu borada davlat-xususiy sheriklik munosabatlarini qo'llash sohani taraqqiy ettirishda keng imkoniyatlar ochishini hisobga olishimiz lozim.

Samarqand, Buxoro, Toshkent shaharlaridagi muqaddas qadamjolar va yodgorliklarni ziyorat qilish dasturini rivojlantirish va jadallashtirish zarur. Ichki turizm sohasidagi katta imkoniyatlarni ham to'liq ishga solish lozim».

Shuningdek, davlatimiz rahbarining 2016 yil 2 dekabrda «O'zbekiston Respublikasining turizm sohasini jadal rivojlantirishni ta'minlash chora-tadbirlari to'g'risida»gi Farmoni sohada uchrayotgan xato va kamchiliklarni bartaraf etib, uni izchil rivojlantirishga qaratilgani bilan ahamiyatlidir.

Yuqoridagilardan kelib chiqqan holda turizm sohasini yanada taraqqiy qildirish, mamlakatimizga xorijiy sayyohlarning tashrifi sonini oshirish hamda turizm bilan bog'liq barcha xizmat turlari sifatini jahon standartlariga olib chiqish oldimizda turgan eng ahamiyatga molik masalalardan biri hisoblanadi. Bunga erishishda eng yuqori ta'sirga ega bo'lgan omillardan biri bu yetuk malakaga va tajribaga ega bo'lgan professional kadrlarni tayyorlash, hamda mahalliy

aholining turizm sohasiga bo'lgan qarashlarini yanada boyitish, bir so'z bilan aytganda turizm madaniyatini shakllantirish lozim.

Hozirgi paytda mamlakatimizning 5 ta oliy o'quv yurtlarida, shu jumladan mintaqamiz turizm salohiyatan kelib chiqqan holda, Urganch Davlat universitetida ham turizm va mehmonxona xo'jaligi sohasiga professional kadrlar yetkazib berilmoqda. Yildan-yilga ta'lim berish jarayonlarini zamonaviy talablar darajasida tashkillashtirish masalalari va muammolari yechilmoqda.

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 4 maydagi "2017-2021 yillarda Xorazm viloyati va Xiva shahrining turizm salohiyatini kompleks rivojlantirish Dasturi to'g'risida" gi PQ-2953-son qarori, O'zbekiston Respublikasi Bosh vazirining 2017 yil 5 maydagi №02/1-970-son topshirig'i hamda O'zbekiston Respublikasi Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirining 2017 yil 6 maydagi №293-son buyruqlaridan kelib chiqqan holda Turizm va iqtisodiyot fakulteti qoshida Koreys va Xitoy tillari o'qitilishi, shuningdek turizm sohasi bilan bog'liq turli qisqa muddatli o'quv kurslari yo'lga qo'yildi, hamda gidlarni tayyorlash markazi tashkillashtirish masalalari o'z yechimi topmoqda.

Yuqoridagi yutuqlarimiz bilan bir qatorda, turizm va mehmonxona xo'jaligiga professional kadrlarni tayyorlash bilan bog'liq oldimizda turgan bir qancha muammolar va o'z yechimi kutayotgan masalalar salmog'i katta.

Eng e'tiborga molik masalardan biri bu prezidentimiz Sh.Mirziyayev ta'lim sohasi vakillari bilan uchrashganda, ta'lim va amaliyot bir biridan ajralib qolganligini, yuqori malakaga ega bo'lgan kadrlarni tayyorlash uchun amaliyot va ta'lim integratsiyasini shakllantirish lozimligini bir necha bor ta'kidlab o'tdilar. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 20 arelidagi "Oliy ta'lim tizimini yanada rivojlantirish chora-tadbirlari to'g'risida" gi qarorida ham ushbu masala yechimi belgilab berilgan.

Turizmni o'qitish bilan bog'liq xorij tajribasiga to'xtaladigan bo'lsak ham ushbu ta'lim va amaliyot integratsiyasi yaxshi yo'lga qo'yilganligiga guvoh bo'lamiz. Jumladan, Xitoy Xalq Respublikasida turizm sohasi uchun kadrlarni tayyorlashda dastlab nazariy bilimlar chuqur o'rgatilib o'quv bosqichning oxirgi 1 yoki 2 yili imkon qadar xorijda yoki mahalliy brend bo'lgan turistik tashkilotlarda to'liq amaliy ishlash orqali ko'nikma hosil qilinadi. Yevropaning ko'pchilik mamlakatlarida shu jumladan Ispaniyada turistik tashkilotlar va o'quv muassasalari bilan hamkorlikda o'quv mashg'ulotlari asosan "Field trip" ya'ni kundalik mashg'ulotlardan ajralgan holda joylarga tashrif buyurib amaliy ko'nikmalarni hosil qilish orqali tashkillashtiriladi. Amerikaning Kornell universiteti turizm yo'nalishi bakalavr darajasining birinchi va ikkinchi bosqichda nazariy qism va oxirida qisqa muddatli "Field trip", uchunchi bosqichda to'liq tashkilotlarda va to'rtinchi bosqichning birinchi bosqichida amaliy ko'nikmalar tahlili va ikkinchi qismda dissertatsiyani tayyorlash va himoya qilish belgilab berilgan. Shuningdek, Madavalabu universitetining turizm yo'nalishi talabalaridan o'tkazilgan so'rov natijalari quyidagicha bo'lgan:

**Dars mashg'ulotlarida talabalar tomonidan qanday o'qitish uslubi afzal ko'rilishi
jadvali**

O'qitish uslubi	Juda qiziqarli(%)	Qiziqarli(%)	Farqi yo'q(%)	Qiziqarli emas(%)
Leksiya	17.4	34.8	13.0	34.8
Field trip	52.2	43.5	4.3	4.3
Diskussiya	52.2	43.5	4.3	4.3
Rol o'ynash	26.1	47.8	17.4	8.7
Savol-javob	13.0	39.1	30.4	17.4
Aqliy hujum	34.8	34.8	21.7	8.7
Individual taqdimot	21.7	52.2	17.4	8.7
Namoyish	17.4	65.2	17.4	0
Muammoli vaziyat	39.1	43.5	8.7	8.7
Keys stady	13.0	56.5	26.1	4.3

Mustaqil ta'lim	4.3	21.7	60.9	13.0
-----------------	-----	------	------	------

Yuqoridagilarni inobatga olgan holda yuqori malakaga ega bo'lgan, yetuk kadrlarni mamlakatimiz turizm va mehmonxona xo'jaligi sohasiga yetkazib berish uchun turizm ta'lim berish tizimi yaxshi yo'lga qo'yilgan xorijiy mamlakatlar tajribalaridan andoza olishimiz, uni mamlakatimiz ta'lim tizimiga moslashtirishimiz lozim. Buning uchun quyidagilarni amalga oshirish turizm sohasidagi malakali kadrlar bilan bog'liq muammolarni yechishda yordam beradi:

- Turizm yo'nalishida tahsil olayotgan talabalarni o'qishga kirishdan oldin suhbat o'tkazgan holda turizmga qiziqishi yuqori bo'lgan abituriyentlar orasidan tanlab olish;
- Dars mashg'ulotlarini asosan amaliy jarayonlar bilan bog'lagan holda tashkil etish;
- Xuddi xorij mamlakatlaridagi kabi uchinchi va to'rtinchi bosqichlarni to'liq joylarda ish bilan bog'lagan holda amaliy mashg'ulotlarda qatnashish yoki to'rt yil mobaynida to'liq mashg'ulotlarni haftaning 4 kuni universitetda 2 kunini turistik korxonalarda tashkil qilish;
- Universitet va turistik korxonalar o'rtasida o'zaro shartnoma asosida ish o'rinlarini oldindan kelishgan holda kvotalarni tashkil etish;
- Har bir turistik korxonada va tashkilotlarda oliy ma'lumotli turizm mutaxassislari sonini kamida 50% qilib belgilash;
- Magistratura bosqichida tahsil olayotgan turizm yo'nalishi magistrarlari mashg'ulotlarini to'liq joylarda tashkil etish va boshqa shu kabi choralarni yo'lga qo'yish lozim.

Bularni hammasini inobatga olgan holda, turizm va mehmonxona xo'jaligi sohasiga yetuk kadrlarni yetkazib berish maqsadida mashg'ulotlarni amaliy jarayonlar bilan bog'lagan holda tashkillashtirishimiz, Prezidentimiz ta'kidlaganlaridek ta'lim va amaliyot integratsiyasini yo'lga qo'yishimiz lozim. Bunga erishmasdan turib haqiqiy turizm sohasiga malakali mutaxassislarni yetkazish nafaqat qiyinchilik tug'diradi balki mamlakatimiz turizmi rivojiga o'z aks ta'sirini o'tkazadi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi. - T.: O'zbekiston, 1993
2. O'zbekiston Respublikasining "Turizm to'g'risida"gi qonuni. 1999.08.20
3. Tuxliyev.I.S, Qudratov.G'.H Turizm iqtisodiyoti. Samarqand, Sam -ISI 2007.
4. Tuxliyev.I.S, Qudratov.G', Pardayev.M.Q Turizmni rejalashtirish. Darslik. T.: Iqtisod va moliya. 2008
- 5 O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2012-yil 12-maydagi "2012-2016 yillarda O'zbekiston Respublikasida xizmat ko'rsatish sohasini rivojlantirish dasturi to'g'risida"gi PQ1754-sonli qaror

БУХОРОИ ШАРИФДА ИСЛОМ МАДАНИЯТИ

**Тошкент ирригация ва кишлок хўжалигини
механизациялаш муҳандислари институти**

**Бухоро филиали Ижтимоий-гуманитар
фанлар кафедраси ф.ф.н доц А.Ҳасанов,
ассистент Р.Бозорова, БухДУ,**

Туризм мутахассислиги 2-босқич магистанти Ш.Алимова

Ислом фақат диний таълимот эмас, у маълум турмуш тарзи, ҳаётий қонун-қоида, нафақат мусулмонлар, балки, динга бефарқ қарайдиган кишилар онгига ҳам сингиб кетган диний урф-одатлар мажмуаси ҳамдир.

Одамлар улар ҳақиқатдан ислом қонун қоидаларига тўла риоя қилганликлари учун мусулмон деб аталмайди, балки, улар ислом дини тарқалган давлатларда тугилиб ўсганликлари, ўша мамлакатларнинг маданий ва тарихий ўтмишига ислом билан боғланганлиги, оилавий ва ижтимоий ҳаётда юз бераётган кўплаб воқеалар ислом маданияти асосида олиб борилиши туфайли мусулмон деб аталади.

Ислоннинг Марказий Осиёда тарқалиши туфайли бу ерда жуда кўп маҳаллий ислом олимлари ҳадисшунос (муҳаддис) ва ислом дини қонун қоидалари, йўл йўриқлари билан шуғулланувчи юзлаб машҳур, мусулмон дунёси тан олган олимлар етишиб чиқдилар.

Булар ислом дини борасида жаҳон фанига ўзларининг улкан ҳиссаларини кўшиб кетдилар. Бу олимларнинг раҳнамоси аллома, имомлар имоми ал-Бухорийдир.

Имом ал Бухорийнинг машҳур китоблари 15 та бўлиб, “Ал-жомеъ ас- саҳиҳ” алломанинг энг буюк, энг машҳур асаридир. Имом ал-Бухорий тўплаган ҳадисларда фақат ислом дини таълимотига оид ҳадислар акс эттирилибгина қолмай, улар меҳр-муҳаббат, ҳалоллик, поклик, саҳийлик, ота-она, катталарга ҳурмат, етим-есир, бева-бечораларга мурувват, ватанга муҳаббат каби олийжаноб инсоний фазилатлар жамланмасидир. Китобда нима яхши, нима ёмон, нимани қилиш керак, нимани қилмаслик лозимлиги ҳақидаги замонамиз аҳли, айниқса бугунги ёш, навқирон авлод учун катта тарбиявий аҳамиятга эга бўлган йўл йўриқлар, панду насиҳатлар ва ўғитлар ўз аксини топган. Бухородан фан ва маданият олами ривожига ҳисса қўшган файласуф, тарихчи, адиб, ҳуқуқшунос, тилшунос олимлар етишиб чиққан.

Бухоролик машҳур тарихчи Муҳаммад Амин ибн Муҳаммад Замон Бухорийдир (XVII аср). Унинг “Муҳит ат-таворих” (Тарихлар океани) асари уни ислом дунёсига машҳур қилган. Асар Бухоронинг аштархонийлар давригача бўлган воқеаларни ўз ичига олган. Энг кизиги тарихнавис китоб охирида ўз давридаги машҳур адиблар, шоирлар, рассомлар, Марказий Осиёда, айниқса Бухорода бунёд этилган ислом обидалари ҳақида маълумотлар берган.

Мавлавий лақаби билан машҳур бўлган яна бир Бухорий олим Муҳаммад Шариф “Даврийлик ҳақида рисола” китобини ёзиб, ислом маданияти ривожига ҳисса қўшган. Унинг шеърӣ девони ҳам бизгача етиб келган. Муҳаммад Шариф Бухорий асарларида дин, шариат, фикҳ, илоҳиёт, шеърӣят ва тасаввуфнинг муҳим жиҳатлари ёритиб берилган.

Абдулҳаким Бухорий эса, жуда кўп мамлакатларга саёҳат қилган ва “Марказий Осиё тарихи” номли китобини ёзиб, дипломатия тарихига асос солган. Асарда Бухоро, Хива, Қўқон, Тибет ва Кашмирда бўлиб, ўтган жунгу жадаллар, тарихий воқеалар ва ўша давлатларнинг жўғрофӣ жиҳатлари, ижтимоӣ, сиёсий аҳволи баён этилган.

Тарихчиларнинг эътироф этишича бу китоб Марказий Осиё тарихшунослиги учун жуда муҳим ёзма мабаадир.

Маълумки, араб истилосидан кейин Марказий Осиё исломлаштирилди. Дин билан бир қаторда бу ерга араб ёзуви ҳам кириб келди ва бу ердан исломдан аввал бўлган қадимий уйгур, Урхун Енисей, сугд, хоразмӣ ёзувларини қисиб чиқарди.

Араб ёзуви VIII асрдан бошлаб ўрта Шарқ, шу жумладан, Марказий Осиё халқлари учун илм фан ва давлатни бошқариш ишларига ягона ёзув сифатида қўлланилди.

Араб ёзувининг гўзаллигига алоҳида эътибор берилгани ва унинг турли туман шаклларда дид ва нафосат билан ишлатилиши сабабли, араб хати маъно ташиш воситасигина эмас, балки кишиларга юксак эстетик завқ берувчи санъат нумунаси сифатида мушҳурдир. Бундай ажойиб санъат, ҳуснихат (картография) номи билан бутун мусулмон оламида шуҳрат қозонган. Китоб кўчириш – китобот маҳсус касб ҳунар ва санъат ҳисобланган.

А.Муродовнинг “Ўрта Осиё ҳаттотлик санъати тарихидан” китобида 133 та бухоролик машҳур ҳаттотлар номи зикр этилган. [2] Яна бир муҳим ҳақиқат, марказий Осиёда бунёд этилган бутун архитектура ва санъат обидалари ислом дини туфайли бунёд этилган.

Марказий Осиёлик олимлар ислом динини ўрганиш, Қуръон ва ҳадисларни талқин қилиш ва оммага етказиб бориш соҳасида араблар қилолмаган ишларни бажариб, ислом оламини ҳайратга қолдирдилар.[3] маданияти ривожӣ йўлида жонбозлик қилган муҳаддис, муфассирлар ва айрим ҳукмрон шахслар (шоҳ, амир, султон ва хонлар) қабрларига макбаралар қуриш ўрта асрларда авж олди.

Бир вақтлар маърифатпарвар жадидлар Бухорони келажакда обод бўлишини, ислом пойтахти бўлишини орзу қилганлар. Бу орзу “Турон” газетасининг 1912 йил декабрдаги

сонида Т.К.имзоси остида шундай ёзилган: “Бухоро ҳақиқатан тижорат маркази, ҳақиқатан тижорат маркази бўлажак, Бухоро катта бўлажак, Бухоро масъуд бўлажакдир.”

Бугун ана шу асрий орзулар амалга ошмоқда.

Президентимиз Мирзиёев.Ш.М фармон-фармоишларига асосан, Абдулхолик Гиждувоний таваллудининг 915 ва Баҳовуддин Нақшбанд таваллудининг 700 йиллигига хозирлик кўрилмоқда.

Мусулмонлар оламида доврукли Еттипир зиёратгоҳларининг янгидан қурилганлиги, ободонлаштирилганлиги зиёрат, тижорат туризмнинг марказларидан бирига айланаётгани, энг қувонарлиси Ислом ҳамкорлик ташкилотининг таълим, фан ва маданият масалалари бўйича тузилмаси ISESCO томонидан 2020 йилда Бухоро шаҳрининг “Ислом маданияти пойтахти” деб эълон қилинган маърифатпарвар зиёлилар орзусининг амалга ошганидан далолатдир.

Дарҳақиқат, Бухоро кўхна ва боқий шаҳар. Бу ердаги қадимий обидалар. Осори-атикалар, халқимизнинг бетакрор қадриятлари, бекиёс анъаналари асрлар оша яшаб келмоқда. Биз бундан унумли фойдаланишимиз керак.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг ПҚ-3217 сонли “2018-2019 йилларда туризм соҳасини ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар Тўғрисида”ги Қарори
2. А.Муродов. “Ўрта Осиё хаттотлик тарихидан”, Т.: “Фан”, 1971 й, 35 бет.
3. Х. И.Абдуллоҳ “Марказий Осиёда ислом маданияти”, Т.: “Шарқ” нашриёти, 2005 й, 324 бет.
4. “Маърифатпарвар аждодларимиз орзусининг рўёби”, Бухоронома газетаси, 7 сон, 2020 й.
5. <https://www.xabar.uz/madaniyat/buxoro-islom-madaniyati-poytaxti-deb-elon-qilindi>

ВАЖНОСТЬ СОСТАВЛЕНИЯ МНОГОЯЗЫЧНЫХ СЛОВАРЕЙ-РАЗГОВОРНИКОВ ДЛЯ ТУРИСТОВ

Абдуманнонов Х.А.,
Студент факультета Иностранных языков, АГУ, Андижан
Абдуманнонов А.А.,
Ученик 10-класса Школы №22, Бустанский район, Андижан

«Возможно, что туризм станет одним из самых прибыльных секторов нашей экономики»

Азиз Абдухакимов (заместитель Премьер-министра)

Аннотация: Одним из главных, потенциально прибыльных секторов народной экономики, на сегодняшний день является сектор туризма. Он является вторым по экономическим рейтингам после нефтяной промышленности. Эта статья посвящена одному из проблем сферы туризма т.е. вопросам составления словарей-справочников.

Ключевые слова: Туризм, турист, лингво-культурология, указ, постановление, словарь, справочник, реалия.

На сегодняшний день туризм, во всем мире, рассматривается как один из самых прибыльных секторов государственной экономической политики. Как и во всем мире, в Узбекистане тоже, на сегодняшний день, в ускоренном виде, развивается данная область. Количество иностранных посетителей, приезжающих на нашу страну и их интерес все больше и больше увеличивается год за годом. Как доказательства послужат цифры. Если в 2017 году количество пришедших туристов составляло 2.7 млн. чел., то к концу 2018 года это число почти удвоилось и составляло уже более 5 млн. чел. (согласно статистике Государственного Комитета Республики Узбекистан по развитию туризма). [1]

Особое внимание для развития сферы уделяет глава государства и правительственные органы. Таковую заботу можно увидеть в указах и постановлениях Президента Республики

Узбекистан, таких как “Об организации деятельности Государственного Комитета Республики Узбекистан по развитию туризма” от 02.12.2016 г., № ПП-2666; “О первоочередных мерах по развитию туризма на 2018-2019 годы” от 16.08.2017 г., № ПП-3217; “О дополнительных организационных мерах по созданию благоприятных условий для развития туристского потенциала Республики Узбекистан” от 03.02.2018 г., № УП-5326 и другие.

В связи с происходящими в настоящее время изменениями в области туризма и во исполнение ряда вышеуказанных указов и постановлений правительства, перед представителями данной и других сфер деятельности стоят, решение ряда задач. К числу таких проблем можно отнести: а) Обновление туристической инфраструктуры государства; б) Постоянное усовершенствование сферы обслуживания туристов; в) Привлечение профессионалов и переквалификация служащих кадров в данной сфере, гидов и переводчиков и другие. [2; 3]

Одним из таких серьезных проблем также является языковой барьер, стоящий перед многими иностранными туристами. В свете решения контекста данного вопроса, нам кажется, в срочном порядке необходимо составлять различного типа мобильных, кратких-карманных многоязычных словарей и разговорников.

Лексикографической науке известны, что за последние годы были созданы множество подобного рода справочников в помощь гидам, переводчикам и самим туристам. К числу таких работ можно отнести Узбекско-Англо-Русский разговорник (К. Шадманов, Д. Абдуллаева и др.); Китайско-Узбекский краткий тематический словарь (И. Касимов); и множество мобильных приложений (в основном на базе Android OS) к примеру Узбекско-Русский справочник; Англо-Узбекский разговорник; Узбекско-Турецкий разговорник; Узбекско-Французский разговорник и т.д.

Указанные выше пособия в той или иной мере восполняют требования нынешней ситуации туристического потенциала государства, но не все. Поэтому предлагается прежде всего составить двух-, трёх- и многоязычные словники на основе азиатских и ближневосточных языков, учитывая что большее количество туристов (80%) приходится именно на жителей стран СНГ, Ближнего и Дальнего Востока. Например, создание кратких и мобильных словарей разговорников типа Индийско-Узбекско-Русский; Японо-Узбекский; Корейско-Китайско-Узбекский; Арабско-Узбекский и другие. Учитывая что 20% от общего количества туристов приходится на жителей Европы и стран Дальнего Запада, составление словарей-справочников является до востребованным. Например, Англо-Немецко-Французско-Русско-Узбекский; Бразильско-Англо-Русский; Итальяно-Узбекский; Испанско-Узбекский и другие.

При составлении подобного рода словарей, перед лингвистами-лексикографами стоят ряд задач для решения. Прежде всего, важно составить словарь куда необходимо подобрать самые частотные слова, встречающиеся как во всем Узбекистане, так и в определенной области. Например, Краткий Узбекско-Русский частотный словарь туризма, Частотный словарь экотуризма (этнотуризма, агротуризма, полонического туризма, и др.), куда будут включены слова и дефиниции, отражающие сегодняшнюю реальную туристическую карту Узбекистана. Здесь необходимо найти активные и повседневно употребляемые слова и термины. Еще одним камнем преткновения является перевод своеобразных реалий-уникалий узбекского народа. Например, реалии узбекского быта как *tandir*, *do'ppi*, *alla*, *o'lan*, *sumak*, *beshik*, *kelin salom*, *maqom*, *chopon*, *osh-palov* и многие другие.

В заключении хотелось бы подчеркнуть, что в связи с развитием многомасштабных связей нашей Республики с зарубежными странами, расширением возможностей, предоставляемых правительством области туризма как внешнего, так и внутреннего, одним из актуальных и востребованных задач, стоящий перед работающими в данной сфере и учёными филологами-лексикографами является создание вышеотмеченных словников. Надеемся, что в недалёком будущем будет решена нами затрагиваемая проблема сферы.

Литература:

1. www.Uzbektourism.uz
2. Мирзаев Р. Туристические жемчужены Узбекистана. – Ташкент : ИПАК Шарк. 2005.
3. Александрова А.Ю. . Международный туризм. М. Аспект-пресс.

ТУРИЗМНИ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Тоғжибоева Д., ТошДАУ талабаси

Ўзбекистода сўнги йилларда туризмни ижтимоий-иқтисодий ривожлан-тириш борасида бирқанча тадбирлар амалга оширилмоқда. Уларни янада ривожлантириш мамлакатимизга кўшимча даромад ва маданиятимизни ўртак сифатида нқмоён қилишда хизмат қилади. Туризм бугунги кунда тез ривожланаётган ва даромади бўйича етакчи соҳалардан бири ҳисобланади. Ҳозирги кунда саёхат инсоният мақсадларининг асосини ташкил қилиб келмоқда.

Туризм бугунги замон иқтисодиётида катта ўрин тутаети, қолаверса, кун сайин такомиллашиб янгилашиб бормоқда. Ҳозирга келиб инсон ўзининг қизиқиш соҳаларини кўриб улгуриш ,қониқиш ўрганиш танлаш хусусият-лари ва имконият даражаларидан тўғри фойдаланиш учун ишлаб-чиқариш соҳаларини табиий биологик ресурсларни, инсонларнинг яшаш тарзларини алоҳида-алоҳида туризм соҳасига айлантирди. Туризмнинг ҳозирги ҳолатини баҳолаб эканмиз, шуни қайд этиш муҳимки, Ўзбекистонда инфратузилманинг ривожланиш даражаси чет эллик туристларнинг эҳтиёжларини тулиқ қондира олмаяпти. Инфратузилманинг ривожланмаганлигига рақобат ва такомиллаштириш рақобатлаштириш имконини бермаган аввалги маъмурий бўйруқбозлик тизими сабабчи ҳисобланади. Инфратузилма етарлича ривожланмаган тақдирда туристлар оқимини купайтириш ва шунга мос равишда валюта тушумини купайтириш мумкин эмас. Бундан келиб чиққан ҳолда инфратузилманинг аҳоли туризмнинг ривожланиши ва мамлакат маданиятини шакллантиришга бевосита таъсир курсатади.

Туризм иқтисодиётнинг таркибий қисми сифатида туристлар қабул қилувчи мамлакатга даромадни келтиради, юқори валюта тушумини таъминлайди, аҳолини иш билан бандлик даражасини оширади. Туристларга хизмат қилиш учун меҳмонхона керак бўлади. Бу ерда улар овқатланиши лозим .Турли томошаларга кирадилар ва уларда қатнашадилар. Кўп ҳолларда агар улар хорижий туристлар бўлса, валюта тушумининг кўпайишини таъминлайди. Туризм нафақат иқтисодий, балки муҳим ижтимоий соҳамадир. Бунинг ижтимоий самарадорлиги билан бирга маънави, руҳи ва интеллектуал аҳамияти ҳам жуда катта.

Шу туфайли ушбу соҳага давлат алоҳида эътибор бериб, маълум имтиёзлар ҳам белгилайди. Одамлар бу имтиёзлардан фақат турист бўлганликлари учун фойдаланадилар. Бу ҳам туризмнинг ўзига хос хусусияти ва катта ижтимоий-иқтисодий аҳамиятидан далолат беради. Имтиёзлар туристларнинг божхона постларидан ўтишда солиқ тўлашда, четга чиқишда паспортга руҳсат беришларида ,авиа ва темир йўл транспортларига чипталар олишда, уларни расмийлаштиришларида намоён бўлади.

Ўзбекистон Республикаси президенти Шавкат Мирзиёев 8 январь кунини инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилишида туризм ривожини бўйича режалар ҳақида гапирди. Президент матбуот хизмати хабарида маълум қилинишича, йиғилишда 2019 йил туризм ривожини туб бурилиш йили бўлиши ҳақида айтилган. Давлат раҳбари, жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг ижтимоий комплексига оид вазифаларга ҳам тўхталиб, туризм соҳасига тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этишни кучайтириш зарурлигини таъкидлади. «Туризм учун босқичма-босқич ҳамма шароитларни яратяпмиз, инвесторларга, ишбилармонларга кенг имкониятлар беряпмиз. 2019 йил туризм ривожини туб бурилиш йили бўлади»³⁰²

³⁰² Замин.уз. Шавкат Мирзиёев. Ўзбекистонда туризм

Статистик маълумотларга эътибор қаратсак, мамлакатимизга хорижий сайёҳларнинг ташрифи 2017 йилда 32 фоизга, 2018 йилда эса 100 фоизга ўсган. Лекин, масаланинг бошқа жиҳати бор. Туризм соҳасини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳали ҳануз мукамал эмас, меҳмонхоналарнинг ва зарур инфратузилманинг етишмаслиги эса бу йўналишни жадал тараққий этишига имкон бермаётган эди. Давлатимиз раҳбарининг “Туризм тармогини жадал ривожлантиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори муаммоларга ечим топади. Ушбу ҳужжат билан Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини ривожлантириш концепцияси ҳам тасдиқланди. Шунингдек, чет эллик сайёҳлар учун виза режими янада соддалаштирилади. Ҳозирда 30 кунлик виза режими асосида 19 та давлат фуқаролари Ўзбекистонга ташриф буюраётган бўлса, жорий йилнинг 1 февраль кунидан бу рўйхатга яна 45 та давлат қўшилади. Қолаверса, 76 та давлатнинг фуқаролари Ўзбекистонга электрон кириш визасини олиш имкониятига эга бўлади.³⁰³

Бугунга келиб туризм соҳаси тезкор ривож масалаларини ўрганиш бўйича Республика гуруҳи тузилган ва уч ишчи гуруҳларга ажратилган. Ноябрь ойи давомида маҳаллий вазирлик ва идоралар мутахассисларига туристик сектор экспертлари ҳамда вакиллари билан бирга вазиятни яхшилаб ўрганиш ва туризм ривожига тўсқинлик қилаётган муаммолар ечимини топишга доир аниқ таклифлар ақс этган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари ишлаб чиқилади. Фурсатдан фойдаланиб, туристик сектор вакиллари ва мамлакатимизда туризм ривожига бефарқ бўлмаган кишиларни яна бир бор туризмни ривожлантириш бўйича янги комплекс чора-тадбирлар режасини тайёрлашда иштирок этишга ва ўзларининг асосли таклифлар ҳамда гоёларини йўллашга чорлаб қоламиз³⁰⁴

Туризмни ривожлантиришда бир қатор ишларни амалга ошириш лозим масалан маданий объектларга кириш чипталарини харид қилиш ва назорат қилиш тизимини автоматлаштириш ҳамда уларнинг электрон шакллари йўлга қўйиш, шунингдек уларнинг хизматларини монетизациялаш вақти келди. Бундай объектлардан рационал ва самарали фойдаланиш ҳамда аҳолида уларга нисбатан эҳтиёткорона муносабатни шакллантиришга йўналтирилган амалий механизмларни белгилаш кўзда тутилмоқда. Сувенир маҳсулотлар ассортименти, уларни сотиш нуқталарининг аҳволи, ишлаб чиқариш ва етказиб беришдаги муаммоларга алоҳида эътибор қаратилади. Сайёҳлар томонидан талабгор янги сувенир маҳсулотлари ишлаб чиқаришини йўлга қўйиш зарур. Шу билан бирга, хунармандчиликни қўллаб-қувватлаш ҳам устувор аҳамият касб этади. Бунда нафақат хунармандчиликнинг мавжуд йўналишларини сақлаб қолиш ва ривожлантириш, балки унинг йўқолган ёки йўқолиш хавфи остида бўлган турларини қайта тиклашга эътибор қаратилади. Бунинг учун эса хунармандчилик мактаблари очилади, сайёҳлар учун маҳорат дарслари нуқталари ташкил қилинади.

Туризмнинг маҳаллий аҳоли учун ҳам катта фойдаси бор. Улар иш билан таъминланади, турли миллат, элътат ва халқ вакиллари билан мулоқотда бўладилар ва уларнинг турли анъана ва кадрятлари билан танишадилар, доимий даромад олиб ,туриш имкониятига эга бўладилар, маҳсулотларни сотиш имкониятига, маҳаллий аҳоли имкон қадар ўзларининг анъана ва кадрятларини намоён қилиш учун уни сақлаб қоладилар.

TURIZMNI RIVOJLANISHIDA REKREATIONS RESURSLARNING AHAMIYAT (FARG'ONA VILOYATI MISOLIDA)

Omonov Baxodirjon Odiljon o'g'li, O'zMU magistranti

Barchamizga ma'lumki bugungi kunda ko'ngilochar faoliyat iqtisodiy faoliyatning turfa xil turiga aylanmoqda. Hozirgi kunda iqtisodiyotning deyarli barcha tarmoqlari dam olish va davolanish xizmatlarini ko'rsatishda ishtirok etmoqda. Transport, qishloq xo'jaligi, qurilish va

³⁰³ Замин.уз. Ўзбекистонда туризм

³⁰⁴ Замин.уз. Шавкат Мирзиёев. Ўзбекистонда туризм

ta'mirlash, kommunal xizmatlar, sog'liqni saqlash, ijtimoiy yordam va boshqalar kabi ko'plab joylar har yili dam olish va turizm sohasida o'z faoliyatini kengaytirmoqda. sanoatlashgan davrda inson salomatligi va ishlash qobiliyatini tiklashga bo'lgan ehtiyoj kuchayib bormoqda. Bu esa o'z navbida rekeatsiya resurslariga nisbatan alohida etibor qaratishni talab etadi.

Bu borada, bugungi kunda, O'zbekiston respublikasida ham bir qator ishlar amalga oshirilmoqda. Buni yaqqol misoli sifatida, Prezidentimizning 2017 yil 16 avgustdagi «2018–2019 yillarda turizm sohasini rivojlantirish bo'yicha birinchi navbatdagi chora-tadbirlar to'g'risida»gi qarorining qabul qilinishini olishimiz mumkin. O'tgan davr mobaynida davlatimiz rahbari topshiriqlari asosida Xorazm, Buxoro, Samarqand, Surxondaryo, Qashqadaryo, Jizzax va Farg'ona viloyatlarida turizm infratuzilmasini yaxshilash, yangi sayyohlik yo'nalishlari tashkil etish hamda hududlarning turizm salohiyatini keng targ'ibot qilishga qaratilgan dasturlar qabul qilindi. Bu esa o'z navbatida, qadimdan yuksak madaniyati va ilm-fani, me'moriy obidalari bilan ko'pchilikni hayratga solib kelgan yurtimizni istiqloq sharofati bilan zamonaviy sayyohlik markaziga aylantirmoqda.

Turizm va rekreatsiya jahon mamlaktlarining bugungi kundagi asosiy daromad manbaiga aylanmoqda. Rekreatsiya faoliyati mamlakatimiz aholisi salomatligini mustahkamlashda hamda turizmni rivojlantirishda muhim o'rin tutadi. Mustaqillikning dastlabki yilaridanoq aholining dam olishi va xordiq chiqarishiga alohida etibor qaratila boshladi, mahalliy rekreatsiya kompleksi bozor munosabatlariga qo'shilib sanatoriya va kurort hududlarini rivojlantirishda muhim rol o'ynay boshladi.

“Rekreatsiya” (lotincha. Dam olish - tiklanish) - bu mehnat jarayonida inson sarflagan kuchlarni tiklash, shuningdek jismoniy va intellektual salohiyatni yanada rivojlantirish uchun inson organizimining yangi kuchlarning ma'lum bir zaxirasini to'plash, shu bilan birga, sog'lik va mehnat qobiliyatini tiklashda uydantashqarida dam olish, ya'ni uyushgan yoki uyushmagan sayohatlarga qatnashish yoki ixtisoslashtirilgan dam olish maskanlarida (sanatoriyalar, dam olish uylari va h.k.) ta'tilni o'tkazish orqali amalga oshirilishi kerak bo'ladigan jarayon. [Д.В.Николаенко 2001y]

Rang —barang tabiatga ega bo'lgan O'zbekiston respublikasi rekreatsiya resurslariga boy xisoblanadi. Rekreatsiya resurslari faqatgina aholi salomatligini saqlash, tabiatdan oqilona foydalanishda muhim ahamiyatga ega bo'lib qolmasdan, balki turizmni rivojlantirishda, turistlar oqimini ko'paytirishda, mintaqaning turistik jozibadorligini oshirishda ham katta o'rin tutadi. Binobarin, xalqaro turistlar oqimining katta qismi ham ko'proq tabiiy rekreatsiya yo'nalishi bilan bevosita bog'langan. Shu sababdan har bir hududning rekreatsiya turistik salohiyatini tadqiq qilish va baholash muhim ilmiy-amaliy ahamiyatga ega.

Bu borada ayniqsa Farg'ona viloyati ham o'zining rekreatsion salohiyatiga ko'ra nafaqat O'zbekiston, balki jahonda ham alohida ahamiyat kasb etadi. Ayniqsa, uning tog'oldi va tekislik qismlari xilma xil tabiiy rekreatsiya resurslariga boy. Viloyatning o'ziga xos geografik o'rni, orografik turli tumanligi, turli xil landshaft rekreatsiya resurslarining vujudga kelishiga asos bo'lgan.

REKREATSION FAOLIYAT TURLARI

№	Dam olish faoliyati turlarining nomi	Boshlang'ich dam olish faoliyatiga misollar
1	Iqlimterapiya	Ochiq havoda sayr, havo hammomlari, toza havoda uxlash, qisqa va uzoq masofalarga piyoda yurish.
2	Balneologik	Mineralli suvli vannalar va balchiq bilan davolash
3	Uydagi passiv harakatlar	O'qish, televizor, filmlar, suhbat, passiv o'yinlar, ma'ruzalar, teatr, va boshqalar.
4	Diqqatga sazovor joylarga sayr	Istirohat bog'lari, hayvonot bog'lar turli xil festivallar va boshqalar.
5	Sport o'yinlari va mashqlar	Xokkey, futbol, chang'i sporti, tez yurish,

		voleybol, suzish, sporting boshqa turlari bilan xavaskor sifatida shug'ullanish
6	Sayr qilish	O'rmonda yurish, qo'ziqorin, rezavor mevalarni terish va hk.

Shuni ham e'tiborga olish lozimki, sayohat davrida bir turist bir necha mamlakatlarga sayohat qiladi. Rekreatsiya sog'lom turmush tarzining uzviy tarkibiy qismidir. Jahon xalqlari madaniyati, turmush tarzini o'rganish barobarida o'z milliy madaniyati, qadriyatlarini namoyish etish orqali, jahon hamjamiyatiga qo'shilish o'z navbatida rekreatsiyaning asosiy vazifalari qatorida turadi.

Hozirgi paytda viloyatda 15dan ortiq sanatoriyalar axoliga va chet ellik sayyohlarga xizmat ko'rsatib kelmoqda. Shunday sanatoriyalardan biri bu: Chimyon sanatoriyasi xissoblanadi xozirgi kunda ushbu maskan 550 dam oluvchiga mo'ljallangan bo'lib, zamonaviy tibbiyot jixozlari bilan ta'minlangan. Bundan tashqari Fargona dam olish uyi, Qiziltepa sog'lomlashtirish maskani shular jumlasidandir.

Farg'ona viloyatida ham rekreatsiya resurslaridan oqilona foydalanish borasida keng ko'lamli ishlar amalga oshirilmogda. Sayyohlarning tabiat qo'ynida maroqli hordiq chiqarishi, go'zallikdan bahra olishi, nabotot va hayvonot olamining nodir namunalari bilan tanishishi uchun qulay sharoitlar yaratilgan.

– Go'zal va betakror tabiat, noyob o'simlik va hayvonot dunyosi, diqqatga sazovor tarixiy-madaniy obidalar rekreatsiya xo'jaligini jadal rivojlantirishda muhim omil bo'lmoqda. Viloyat turizm qo'mitasi tomonidan turizmni rivojlantirishda muhofaza etiladigan tabiiy hududlar, tabiiy va tarixiy, me'moriy va arxeologik yodgorliklarni hisobga olish, ularni muhofaza qilish alohida ahamiyatga ega. Bu borada viloyatda ishlab chiqilgan maxsus rejaga ko'ra, 100 dan ortiq hudud va obyekt tanlab olinib, cho'l, adir va tog' mintaqalarining o'ziga xos geohududlari o'rganildi. "Sirdaryo daryosi to'qayzorlari" sayyohlik yo'nalishi shulardan biridir. Daryoning chap sohilidagi 58 kilometr ga cho'zilgan to'qayzorlarni o'z ichiga olgan mazkur yo'nalish rang-barang o'simlik va hayvonot dunyosi bilan ajralib turadi. O'z navbatida, bu hududda muhofaza qilinadigan o'rmonlar, Sariqamish ovchilik, Beshariq va Dang'ara baliqchilik xo'jaliklari, Gumxona, Qayroqqum kabi tabiat yodgorliklari mavjud. Sirdaryo sohili va uning orollaridagi o'rmonlar, tabiiy o'rmonlarni qayta tiklash, dorivor o'simliklarni ko'paytirish jarayonlari bilan yaqindan tanishish xorijlik sayyohlarga o'zgacha zavq bag'ishlaydi.

Farg'ona viloyatida turizmni hududlar bo'yicha rivojlantirish, mexmonxonalar sonini ko'paytirish va sifatini yaxshilash evaziga mintaqaga kelayotgan sayyoxlar sonini ko'paytirishga erishish mumkin;

Viloyatdagi sanatoriylar va dam olish maskanlarning shifobaxsh davolovchi xususiyatlarini ko'paytirish xisobiga, nafaqat maxalliy xalqni balki butun respublika turist va rekreatantlarini viloyatga jalb qilsa bo'ladi;

Maxalliy aholining dam olishini ta'minlash maqsadida, qishloq va shaxarlar atrofida joylashgan maxalliy axamiyatga ega turistik obektlarni: ziyoratgoxlar, qadamjolar, maqbaralar (Kamol qozi madrasasi, Miyon Xazrat yoki Miyon Axat madrasasi, Modarixon xazirasi, Norbutabiy madrasasi) va istiroxat boglarini qayta ta'mirlash zarur. Chunki, aksariyat axoli uzlari yashab turgan joydagi ob'ektlarga ko'proq tashrif buyurishadi va dam olishadi;

Xorijiy va maxalliy sayyoxlarni Farg'ona viloyati bo'ylab sayoxat qildirish uchun mukammal marshrutlar dasturini ishlab chiqish lozim. Viloyatdagi ushbu maskanlarda sayyohlikni rivojlantirish uchun infratuzulmani yaxshilashga alohida etibor qaratish lozim.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 16 avgustdagi «2018–2019 yillarda turizm sohasini rivojlantirish bo'yicha birinchi navbatdagi chora-tadbirlar to'g'risida»gi qarori
2. Farg'ona viloyatida turizm va dam olish sohasi rivojlanishining asosiy ko'rsatkichlari. Farg'ona viloyati statistika boshqarmasi.

3. <https://www.farstat.uz/uz/432-analiticheskie-materialy-uz/2022-O'zbekiston-respublikasidaturizm-va-dam-olish-sohasi-rivojlanishining-asosiy-ko-rsatkichlari>

4. Д.В.Николаенко. Рекреационная география - М.: ВЛАДОС, 2001. - 288 с.

ЎРТА ОСИЁ ВА ҚОЗОГИСТОН МУСУЛМОНЛАР ДИНИЙ ИДОРАСИНИНГ ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАРИ

Турсунова Ю.Б.,

Мирзо Улугбек номидаги ЎзМУ тарих факультети магистранти

Илмий раҳбар – т.ф.н., доц. Исмоилов М.М.

1943 йил иккинчи жаҳон уруши кетаётган бир даврда, мусулмонлар саъй-ҳаракати билан Ўрта Осиё ва Қозогистон мусулмонлар идораси ташкил этилади. Бу идора ташкил этилгандан кейин ўлкада кўпгина хайрли ишлар қилина бошлайди. Жумладан, Совет Иттифоқи қўшни давлатлар билан халқаро алоқаларни ўрната бошлайди. Собик Иттифоқидаги бошқа диний ташкилотлар билан биргаликда Ўрта Осиё ва Қозогистон мусулмонлар идораси ҳам халқаро ҳамкорлик алоқаларини ўрнатилишида муҳим воситачилик ролини бажаради. Бундай алоқалар, асосан, Яқин Шарқ мамлакатлари Миср, Сурия, Марокаш, Иордания, Судан, Тунис ва Ливия давлатлари билан олиб борилган.

Дастлабки алоқалар Ўрта Осиё ва Қозогистон мусулмонлар диний идораси ва бошқа СССР мусулмон диний идора вакилларининг Саудия Арабистонига, Маккага ҳаж сафари билан боғлиқ бўлган. 1944 - 1946 йиллардаги ҳаж сафарига Муфтий Абдулмажидхон Эшон ибн Бобоҳон, муфтий ўринбосари Зиёвутдин Бобоҳонов бошчилигидаги бир гуруҳ мусулмонлар ҳаж амалларини адо этиш учун Саудия Арабистонига Эрон, Ироқ, Миср орқали борган. Ўрта Осиё мусулмонлар идораси вакиллари биринчи бор бу мамлакатлар мусулмонлари ва уларнинг диний ташкилотлари, масжидлари раҳбарлари билан мулоқотда бўлган³⁰⁵.

Шундан кейин, Ўрта Осиё ва Қозогистон мусулмонлари диний назоратига мусулмонлар диний урф-одатлари билан танишгани мусулмон мамлакатлари ва айрим дин арбобларининг келиши йилдан-йилга кўпайиб борган.

1950-1970 йилларда мустамлака тузумидан озод бўлган Осиё ва Африка давлатларининг бир нечтаси социалистик ривожланиш йўлини танлаганлар. Бунинг натижаси сифатида СССР 1943 йилнинг августида Миср, 1944 йилда Франция мустамлакасидан озод бўлган Ироқ, Сурия, Ливан, 1955 йилда Ливия, 1958 йилда Марокаш, 1960 йилда Тунис давлати билан, кейинги йилларда бошқа араб мамлакатлари, жумладан, Иордания, Кувайт, Судан, Мавритания, Сомали ва 1971 йилда Бирлашган Араб Амирликлари билан дипломатик муносабатларни ўрнатган³⁰⁶.

Яқин Шарқ мамлакатларининг совет давлати билан олиб борган дипломатик муносабатлари, унинг Ўрта Осиё диний бошқармаси билан ҳам алоқаларининг ўрнатилишига, ўзаро муносабатларнинг ривожланишига олиб келган.

Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архивида Ўрта Осиё ва Қозогистон мусулмонлари диний назорати (ЎОҚМДН) ва масжидларга ходимлар тайёрлаш масаласига оид хилма-хил ҳужжатли материаллар сақланган. Бу ҳужжатлар орасида Марказий Олий ҳокимият, директив органи - СССР Халқ Комиссарлар Совети (ХКС) нинг "Мир Араб" ва "Бароқхон" мадрасаларини очиш тўғрисидаги фармойиши, СССР ХКС қошидаги Диний ишлар бўйича кенгаш кўрсатмалари, топшириқлари, хатлари муҳим ўрин тутлади.

Шунингдек ЎЗРМДАда ЎОҚМДН нинг хорижий давлатлар билан алоқалар бўлими йиллик ҳисоботлари ва навбатдаги йилга режасини тасдиқлаш масаласига бағишланган

³⁰⁵ ЎЗРМДА, Р-2456 – жамгарма, 1-рўйхат, 537 – йигмажид, 43-44 – варақлар.

³⁰⁶ История дипломатии. В 5-ти томах. М.: Политиздат. 1959-1979 гг. 5-том. Глава 2. – С. ; Ахмадуллин В.А. Политика советского государства по отношению к мусульманской религии в 1917-1945 гг.: Дисс...канд. Ист.наук: - М., 2002.- 241с.; Барышев А.П. «СССР в борьбе за справедливое ближневосточное урегулирование» 1985 г. // <http://WWW.barichev.ru/arithv/bv6.htm>

ЎОҚМДН Президиуми мажлисининг айрим баённомалари ва қарорлари сақланган. ЎОҚМДН хорижий давлатлар билан алоқалар бўлимининг йиллик ҳисоботларида, ахборотларида Диний назоратнинг хорижий давлатлар мусулмон ташкилотлари билан алоқалари тўғрисида батафсил маълумот беради. Архивда хорижий давлатлар мусулмон диний арбоблари, диний ташкилотлари журналлар редакциялари билан ЎОҚМДН раиси, муфтийнинг ёзишмалари мавжуд. ЎОҚМДН раиси, аъзоларининг хорижий давлатларга сафарлари якуни тўғрисида маълумотномалари бор. ЎОҚМДН дан чиққан ҳужжатлар орасида унинг Ўзбекистон Диний ишлар бўйича кенгаш вакили билан ёзишмалари, унга юборган маълумотлар ва бошқа ҳужжатлар мавжуд³⁰⁷.

Алоҳида бир гуруҳ Ўрта Осиё ва Қозогистон мусулмонлари диний назоратининг совет давридаги халқаро мусулмон ташкилотлари билан алоқалари тарихини икки даврга бўлиш мумкин: Биринчи давр 1943- 1960 йиллар Ўрта Осиё мусулмонлар идораси ташкил этилганидан то 1961 йилгача ва иккинчи давр 1961- 1991 йили Ўрта Осиё ва Қозогистон мусулмонлар идорасининг халқаро алоқалар бўлими ташкил бўлганидан то СССР парчаланиб, Ўзбекистон мустақилликка эришгунигача бўлган йилларни ўз ичига олади³⁰⁸. Ҳужжатларни СССР Министрлар Совети қошидаги Диний ишлар бўйича кенгашнинг хорижий давлатлар мусулмон делегацияларини қабул қилиш тартиби тўғрисидаги кўрсатмалари, Ўзбекистон Диний ишлар бўйича кенгаш вакилининг СССР кенгаши билан ёзишмалари ташкил қилади.

Биринчи даврда ЎОҚМДНнинг хорижий давлатлар мусулмон ташкилотлари билан алоқаси деярли кам бўлган. ЎОҚМДН нинг хорижий давлатлар билан алоқалар бўлимининг фаолияти тўғрисида 1972 йилда ёзилган маълумотномада кўрсатилишича, 60- йилларгача Диний назоратнинг таклифи билан Ўзбекистонга айрим мусулмон делегациялари ва ислом динининг арбоблари сафарга келган. Дастлабки мусулмон делегацияси Албаниядан бўлган. Покистондан Совет Иттифокига, жумладан, Ўзбекистонга ЎОҚМДН таклифи билан "Мусулмон жамияти" раиси йирик дин арбоби Мавлоно ал-Бадаюнӣ ал-Қодирий раҳбарлигида мусулмон делегацияси келган³⁰⁹. Диний назоратнинг Ўзбекистон диний ишлар бўйича кенгаш вакилига 1956 йили 14 ноябрда ёзган ахборотида Шайх Мухаммад Саид Киан раҳбарлигидаги Индонезия мусулмонлари делегациясининг Ўзбекистон мусулмонлари ҳаёти ва тарихий ёдгорликлари, жумладан, Бухородаги Исмоил Бухорий мазори ва бошқалар билан танишганлиги батафсил баён этилган³¹⁰.

Шунингдек, 50-йилларда Совет Иттифоки, жумладан, Ўзбекистон мусулмонлари ҳаёти билан танишгани Суданнинг таниқли диний ва сиёсий арбоби ташқи ишлар министри Али Абдурахмон келган. Ливаннинг йирик мусулмон диний арбоби Нажим Жиср ҳам Ўзбекистонда бўлган. 1958 йилда Суриянинг мусулмон делегацияси бош муфтийси, доктор Абу Юсер Обидин раҳбарлигида Ўзбекистонда сафарда бўлган³¹¹. ЎОҚМДНнинг Шарқ мамлакатлари диний ташкилотлари билан мана шундай алоқалари 50-йилларда оз бўлсада, бўлиб турган.

Ўрта Осиё ва Қозогистон мусулмонлари Диний бошқармасининг халқаро миқёсдаги алоқалари расман 1961 йилда бошқарма таркибида "Хорижий мамлакатлар билан алоқалар" бўлимининг ташкил этилиши билан бошланган.

Диний назорат таклифи билан ҳар йили 5-10 та чет эл мусулмонлари делегациялари, ислом дини арбоблари, Ўрта Осиёга, жумладан, Ўзбекистонга келиб, тарихий ислом ёдгорликларини, авлиёлар кадамжоларини зиёрат қилганлар ва совет мусулмонлари ҳаёти билан танишган.

³⁰⁷ ЎзР МДА, Р- 2456- жамғарма, 1-рўйхат, 290-йиғмажилд, 56- варақ; Бабаханов Ш. Муфтий Зиёвуддин ибн Бабахан жизнь и деятельность. - Т.: Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси, 1999. - С. 211

³⁰⁸ Юсупов Р.М. Ўзбекистонда ХХасрнинг 40-80 йилларида мусулмон диний ташкилотлари ва уламолар фаолияти. Тарих фан. ном. ...дисс.автореферат. - Т., 2008. - Б.25.

³⁰⁹ ЎзР МДА, Р- 2456- жамғарма, 1-рўйхат, 537-йиғмажилд, 42 - варақ.

³¹⁰ ЎзР МДА, Р-2456- жамғарма, 1-рўйхат, 188- йиғмажилд, 48-52- варақлар.

⁷ ЎзР МДА, Р-2456- жамғарма, 1-рўйхат, 537- йиғмажилд, 42-43- варақлар.

⁸ ЎзР МДА, Р-2574- жамғарма, 1-рўйхат, 93- йиғмажилд, 4-5- варақлар.

Биргина 1965 йилда, Совет Иттифоқи мусулмон делегацияси жуда кўплаб диний конференцияларда қатнашди. 1965 йил 7-14 март кунлари Совет Иттифоқининг мусулмон делегацияси Индонезияда бўлган Африка ва Осиё Ислом Конференциясида, 1965 йил 15-28 майда муфтий З. Бобохонов ва ташқи алоқалар бўлими бошлиги Шокиров Қохирада Исломшунослик академиясининг иккинчи Ал-Азҳар конференциясида³¹², 1965 йил июл ойида муфтий З. Бобохонов Совет Иттифоқини ҳимоя қилиш қўмитаси аъзоси сифатида Хелсинки шаҳрида бўлиб ўтган Умумжаҳон тинчлик конгрессида, 1965 йил апрел ойида ЎОҚМДН Хелсинкида бўлиб ўтган навбатдаги Умумжаҳон Тинчлик конгрессида иштирок этдилар³¹³. Бу конференцияларда ўзаро дўстлик, ҳамкорлик, алоқалари ўрнатилган. Шунингдек ўқитувчи, талабаларни хориж олийгоҳларига жўнатиш, кадрлар малакасини ошириш йўлида сезиларли ишлар амалга оширилган.

Ўрта Осиё ва Қозогистон мусулмонлар бошқармаси араб давлатлари билан ҳам ўзаро ҳамкорлик алоқаларини олиб борган. Араб давлатларидан совет давлатига ташриф буюрган турли делегацияларга совет давлатининг эришган ютуқлари, аҳолининг яшаш тарзи ва диний эркинликни амалга ошириш тадбирлари, бу борада давлат томонидан яратилган шарт-шароитлар намоёни этилган.

1965 йил апрел ойида Совет Иттифоқининг 18 кишидан иборат мусулмонлари (шу жумладан 10 киши Марказий Осиё Республикасидан) Саудия Арабистонига хаж сафарига боришди³¹⁴.

1974 йил 20-23 августда Самарқанд шаҳрида буюк ислом олими ва мутафаккири мусулмон дунёсида машҳур, Қуръондан кейин турувчи "Саҳиҳ ал-Бухорий" китоби муаллифи Мухаммад ибн Исмоил ал-Бухорий таваллудининг 1200 йиллигига бағишланган юбилей конференцияси ишини ёритувчи бир неча архив ҳужжатлари, жумладан, ЎОҚМДН хорижий давлатлар билан алоқалар бўлимининг 1974 йилдаги ишлари тўғрисидаги ҳисоботи, шу бўлимининг конференция якуни тўғрисидаги маълумотномалари сақланган. Ушбу тадбир Совет Иттифоқининг Шарқ мамлакатлари, жумладан, араб мамлакатлари билан алоқаларини мустаҳкамлашга ёрдам бериши мумкин эди. Шунинг учун илгари қаровсиз ётган Имом Бухорий қабри, масжиди таъмирланди, ободонлаштирилди. Қисқа вақт ичида "Саҳиҳ ал-Бухорий" ва "Суласиёти Бухорий" асарлари меҳмонларга тарқатиш учун нашр қилинди³¹⁵. Конференцияга таклиф қилиб мусулмон мамлакатлари ислом арбобларига таклифномалар юборилган эди. Конференцияга 25 мамлакатдан 57 нафар машҳур дин арбоблари келган³¹⁶.

Ўрта Осиё ва Қозогистон мусулмонлар идорасининг хорижий давлат мусулмон ташкилотлари билан алоқалари йилдан йилга кенгайиб борган. Хорижий давлатлар билан алоқалар бўлимининг 1982 йил бўйича ҳисоботида кўрсатилишича, ЎОҚМДН вакиллари Совет Иттифоқи делегациялари таркибида 5 та мусулмон мамлакатларида бўлган. 1987 йилда Ўрта Осиё ва Қозогистон мусулмонлари диний бошқармаси вакиллари 14 мамлакатда сафарда бўлдилар.

Табиатни эъзозлаш ойдин кечалардаги дарё, қўл суви жилваларини, субҳидамда эсган майин шабодани, саҳролар сукунатини, шабнам қўнган яйловларнинг хушбўй исларини, кийгос гуллаган мевазорлар жамолини нозик ҳис этишдан, чуқур мушоҳада қилишдан бошланади. Сукрот таъбири билан айтганда “Дунёда буюк кучлар кўп, лекин табиатда инсондан қудратлироқ куч йўқдир”. Шунинг учун ҳам она заминимизни келажак авлодга тоза, мусаффо ҳолда қолдириш, ёшларимизни юксак экологик маданиятли этиб тарбиялаш ҳар бир фуқаро учун ҳам фарз, ҳам қарзидир.

Инсон саломатлиги ва экотуризм маданият жамиятимиз равақининг асосий омили бўлиб хизмат қилади.

Адабиётлар рўйхати:

1. Абу Али Ибн Сино “Тиб қонунлари” I - V китоблар. 1980 й, Тошкент. Медицина нашриёти.
2. Абу Али Ибн Сино “Тиббий рисоалар” 1987 й Тошкент. Медицина нашриёти.
3. Ю.Нуралиев. Лукмони ҳаким. 1991 й. Душанбе.Ирфон нашриёти
4. Табобат дурдоналари. 1993 й. Тошкент.
5. Ҳамиджон Зоҳиров.Канзи шифо. 1991 й Душанбе.Ирфон нашриёти
- 6.Ф.Э.Нурбоев “Ибн Сино таълимоти” Бухоро 2010 й

СОЦИАЛЬНО-ЭКОНОМИЧЕСКОЕ РАЗВИТИЕ ТУРИЗМА В БУХАРЕ

*Салихова Замира Аминовна, преподаватель кафедры
русского языка и литературы БухГУ*

Развитие туризма в Бухаре занимает ведущее место. Стоит произнести слово Бухара и представляется удивительной красоты город, покоряющий туристов своей таинственностью и живой сказкой.

Бухара завоёвывалась разными государствами, но покоряла всех завоевателей особой атмосферой. Здесь формировался особый колорит восточной культуры, философии и языка. За свою долгую историю Бухара пережила многое. Она не раз становилась свидетелем великих политических событий. Здесь творили поэты и философы, великие мастера строители и ювелиры. [1, с 8]

За свою многовековую историю Бухара переживала множество завоеваний, начиная от Александра Македонского и заканчивая вхождением в состав Российской империи. Жители города во все времена продолжали его строить и развивать, бороться с захватчиками за свою свободу. Много пережил город, но оставался известным культурным центром. С зарождением ислама и приходом арабов, культура Бухары получила новый мощный толчок. Начинается строительство огромного количества мечетей, медресе. Наиболее известная и поражающая своей красотой мечеть Каляна и мавзолей Исмаила Самани. Последний даже перенёс столицу в Бухару. Этому во многом способствовало то, что через Бухару проходил Великий шёлковый путь и на средства, поступавшие в городскую казну, развивалась исламская архитектура. Развивалась и городская торговля. Известные на весь мир восточный базар, где можно купить абсолютно всё. Запахи специй и вид восточных сладостей заставят любого покупателя полюбить это место. Современная Бухара является культурным памятником ЮНЕСКО. Это жемчужина мировой культуры, которая и сегодня предлагает туристам окунуться в таинственную восточную сказку. [5, с 310]

К настоящему времени туризм в Бухаре превратился в один из ведущих секторов мировой экономики. В этой связи в Бухаре уделяется особое внимание модернизации туристической индустрии, разработке и совершенствованию нормативно-правовой базы для устойчивого развития отрасли, организации обслуживания зарубежных гостей в соответствии с международными стандартами. В годы независимости наша страна сделала существенный прорыв в этой области вкупе с сохранением и приумножением историко-культурного наследия народа, возрождением национальных традиций и обычаев, восстановлением и обустройством достопримечательностей республики.

В целях создания современного высокоэффективного и конкурентоспособного туристического комплекса в республике сформирована прочная нормативно-правовая база. Действуют программы адресных мероприятий по совершенствованию туристической инфраструктуры, в том числе привлечению инвестиций, диверсификации туристских продуктов, активизации мероприятий познавательно-ознакомительного характера, подготовке и повышению квалификации специалистов сферы. [2, с 89]

Структура координирует деятельность отраслевых организаций, занимается подготовкой соответствующих кадров, способствует притоку внутренних и внешних инвестиций в создание новой и расширение существующей материально-технической базы, стимулирует развитие всех видов туризма, активно участвует в зарубежных мероприятиях, организует крупные международные форумы. [8, с 59]

Результатом предпринимаемых в данном направлении мер является увеличение туристов, прибывающих в наш прекрасный город. Так, ежегодно Бухару посещают миллионы человек из разных уголков мира. География зарубежных гостей широка. Особенной популярностью наша страна пользуется у граждан Германии, Франции, Италии, Республики Корея, Японии, КНР, Малайзии, России, Индии.

Узбекистан с первых лет независимости активно наращивает сотрудничество с международными организациями, регулярно выступает с инициативами по углублению сотрудничества в данном перспективном направлении.

О возможностях нашей страны свидетельствует наличие тысяч объектов материального культурного наследия разных эпох и цивилизаций, в том числе включенные в Список объектов всемирного наследия ЮНЕСКО исторические центры Бухары, Хивы, Самарканда и Шахрисабза. Всемирно известные исторические памятники, современные города, неповторимая природа Узбекистана, уникальная национальная кухня, а также непревзойденное гостеприимство нашего народа притягивают любителей путешествий. [4, с 84]

Усилиями руководства республики туристическая инфраструктура в последние годы поднята на довольно высокий уровень.

В последние годы в Узбекистане активно внедряются новые виды путешествий, в том числе экологический туризм. Наличие в республике заповедников, национальных парков,

питомников, заказников, природных памятников, биосферного резервата превращает экотуризм в весьма перспективное направление.

В Бухаре набирает популярность и гастрономическое направление туризма, развитие которого позволили сделать плов и другие национальные блюда узнаваемым брендом страны.

Первое и одно из важнейших направлений — совершенствование законодательной базы и внедрение международных норм и стандартов с учетом опыта, достигнутого в прошлом году, а также наработок других стран. [3, с 39]

Важное направление — совершенствование системы подготовки специалистов: гидов, сотрудников и администраторов гостиниц и других.

Для реализации концепции утвержден план мероприятий на 2019 год (такие планы будут утверждаться ежегодно), первым пунктом в котором значится обеспечение безопасного туризма. Планируется создание специализированных подразделений органов внутренних дел по обеспечению безопасного туризма в регионах и их оснащение современными техническими и транспортными средствами. [1, с 90]

Предусмотрено создание уличной инфраструктуры (подъездных путей, тротуаров, малых архитектурных форм) с учетом современных международных стандартов, безбарьерной среды, внедрение унифицированной системы навигации, инфокиосков, установка уличных афиш, выпуск каталогов, брошюр, буклетов, туристских карт, в том числе электронных.

Земельный участок, выделенный для строительства гостиницы, после его завершения может быть реализован инвестору на праве собственности (за исключением территории и охранной зоны объектов материального культурного наследия, а также земель сельскохозяйственного назначения).[5,с337]

Литература:

1. О мерах по ускоренному развитию туристского потенциала города Бухары и Бухарской области на 2017–2019 годы ПП-2980 19.05.2017 г.

2. О первоочередных мерах по развитию туризма на 2018–2019 годы ПП-3217

3. Пугач И. Экспортный потенциал туризма в Узбекистане. //Ж: Экономическое обозрение. – 2005.

4. Таксанов А. Туризм как фактор стабилизации экономики. // Рынок, деньги и кредит. –1998.

5. Дусенко С.В. Структура и функция социального пространства туризма (социологический анализ): дисс. ... д-ра наук. – Хабаровск, 2014. – 337 с.

6. Дусенко С.В. Современный туризм: основные проблемы, состояние и тенденции развития : монография / С.В. Дусенко.– Курск, 2012. – 310 с.

7. Хамроев Х.Р. О необходимости создания свободной экономической зоны в Узбекистане //Тезисы и доклады международной научно-практической конференции на тему: «Социально - экономические проблемы переходной экономики» (опыт, обобщения, закономерности). Санкт-Петербург. 3- 4 июня 2005 г. –

MEANS OF DEVELOPING TOURISM INDUSTRY IN UZBEKISTAN

R. Norova, Bukhara engineering technological institute

“Tourism is like a fire; you can cook your soup in it; but you can also burn down your home with it.” (Moli).

Tourism is a travel for recreational, leisure or business purposes. The World Tourism Organization (WTO) declared that tourism is presently the world’s largest industry. Many attempts have been made to define tourism. Mathieson and Wall have defined it as, “the temporary

movement of people to destination outside their normal places of work and residence, the activities undertaken during their stay in those destinations, and the facilities created to cater to their needs". Many emerging nations are enjoying rapid growth in revenues from the hospitality industry, tourism and business travel, yet there is often room to go faster and better. Firstly, we have to find the solutions to the following questions: What is the future of tourism, travel and hospitality industries in developing countries? What steps should governments take to encourage sustainable development of tourism? Here we are going to share the ways of developing tourism industry in Uzbekistan. We need to keep in mind that tourist travel is all about shared experiences, sensations, new foods, emotions, connections, passions, explorations, learning, discoveries and above all about creating wonderful, lifelong memories.

The main important issues are following:

1) Strengthen the national tourist board

- with authority to drive change at every level, combining efforts of hotels, museums, heritage sites, national marketing and visa departments. Ensure the tourist board has a reasonable budget for international promotion, but remember the most important place for tourism marketing is now online.

2) Make visas easy and cheap to obtain

- study competing countries and make sure there is a great welcome at all places of entry, paying special attention to reducing waiting time on arrival in airports. First tourist impressions really matter. Consider a welcome card that is inserted into every passport on entry by immigration officials, with useful tourist information and phone numbers.

3) Set up national quality assurance

- for hotels, hostels, museums, tour guides and so on, with official inspections and grading systems. Promote it widely with badges of recognition, on national tourist websites. Give special honour to hotels that trully reflect the national culture, rather than offering a standardised, anonymised international tourist experience.

4) Faciliate annual and regional tourist industry conferences

- which pull together all key players in tourist support, to discuss opportunities and challenges, and strengthen joint planning on every aspect of tourism. Use these conferences to drive improvements in customer experience, profiling great tourist case studies, with high-profile national awards.

5) Increase government profile, with high-level speeches and media interviews

- showing public commitment to excellence in travel, hospitality industry and tourism.

6) Locate spare capacity and encourage discount marketing

- to help balance demand throughout the year for instance: hotels combined with flights and tour guides.

7) Encourage tourism by own citizens within the country

- exploration of our own national resources.

8) Review every aspect of the tourist experience

- through the eyes of typical types of international visitors for example: American back-packers, recently retired Europeans, young couples from Asia, business people taking extra days for sight-seeing, corporate hospitality and events, cruise ships, river tours and so on.

9) Ensure good, clear signage in English and any other important tourist in the region.

Make sure all writing in museums and heritage sites are translated fully and professionally. Think about what tourists from that language group are likely to be interested in, and write additional materials or guide-books.

10) Commission city, region and national tourist guides

- if existing ones are out of date or are a poor reflection of reality.

11) Make sure all promoted tourist sites are open

- at times tourists are likely to want to visit. For example, closing for two hours at lunch time is a disaster for tourists who may take until late morning to have breakfast, get into a coach and arrive at the destination.

12) Ensure that museums and important public sites have clear layout, are welcoming - and that their state of upkeep fits the image of your nation. Ensure good, clean toilet facilities (some nations are particularly sensitive to this).

13) Make huge efforts to promote a large number of tourist destinations online – every good restaurant, every hotel, every sight-seeing opportunity. Most visitors will do most of their research online before deciding where to book a holiday.

Remember that social media comments are more important than any official copy so pay close attention to key sites like TripAdvisor. Encourage hotels and restaurants to reply to comments or criticisms in a positive way. Enter search terms into Google that potential visitors might think of, in different, and check what comes up in listings.

that information on influential sites like Wikipedia is up to date.

14) Ensure good real estate planning in all key resorts and destinations, paying close attention to all that are environmentally sensitive. Introduce strict planning controls or your greatest asset could soon become your greatest embarrassment. Finally, remember that your greatest marketers are those who have recently visited and have had a wonderful, life-changing experience – their Facebook comments, photos on personal blogs, Twitter commendations and online reviews. Success brings success. Happy tourists will influence hundreds (or through social media tens of thousands) of others.

List of literature:

1. Jantan, Norhayati and Hartini Yaacob. “Sampling Design for Domestic Tourism Survey, Malaysia.” (n.d.): Pp. 15-32.
2. Kris, McIntyre. “Bhutan: A MODEL FOR SUSTAINABLE TOURISM DEVELOPMENT.” International Trade Forum (April 1, 2011): Pp. 15-20.
3. Herbert, David. “Literary Places, Tourism and the Heritage Experience.” Annals of Tourism Research (Volume: 28, No. 2, 2001): Pp. 312-333.
4. Norova Malika. Sayfiddin boharziy as an object visiting tourism. Indonesian Journal of Education Methods Development. Vol 9 No 1 (2020)

ЎЗБЕКИСТОНДА ЗИЁРАТ ТУРИЗМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ТАРИХИЙ АСОСЛАРИ

*Мирзарахимов Бахтиёр Хошимович
Фаргона давлат университети ўқитувчиси*

Мамлакатимизда халқаро туризмни янада ривожлантиришга қаратилган «Зиёрат туризми»ни яратиш ва шу асосда ўзбек халқининг буюк тарихий, маданий меросини ташвиқот қилишдир. Мазкур йўналишда хорижий сайёҳларга ўтмишнинг архитектура ва археологик ёдгорликлари, Буюк ипак йўли ўтган қадимий шаҳарлар, шунингдек тарикат алломаларининг Ўрта Осиё маънавий ҳаётида тутган ўрни, уларнинг умуминсоний кадриятлари, меҳнатсеварлик, багрикенглик гояларини, ўзбек халқининг бой тарихий обидалари, маданияти билан яқиндан танишишга имкониятлар тугдиради.

Ўзбек туризм маданияти турли хил тарихий обидаларга бойлигига, халқимизнинг багрикенглиги ва меҳмондўстлиги, ёшларнинг ўлкашунослик билимларининг ривожланиши, зиёратгоҳларнинг маънавий-руҳий таянч бўлиши омиллар орқали шаклланиб келган.

Зиёрат – бирор жойга бориш, деган маънони англатади. Зиёрат, моҳиятан, муқаддас жойларга, азиз-авлиёларнинг мазорларига, қабристонларга бориб, муайян маросимларни бажариш, демакдир [1]. Масалан, мусулмонлар учун Саудия Арабистонида – Каъба, Макка, Мадина, Самарқандда Имом ал-Бухорий, Термизда – Ҳаким ат-Термизий, Туркистонда Хожа Аҳмад Яссавий, Бухорода – Ҳазрат Баҳовуддин Нақшбанд, Хивада – Ҳазрат Паҳлавон Маҳмуд сингари авлиёларнинг макбараларини зиёрат қилиш муқаддас ният ҳисобланади. Бундай жойлар нафақат ватандошларимиз, балки чет элликлар учун ҳам зиёратгоҳдир.

Зиёратга покланиб (тахорат билан) бориш, қабрларни оёкости қилмаслик ва зиёрат одобига риоя қилиш талаб этилади. Ҳозирда “зиёрат” сўзининг маъноси жуда кенг маънога эга. Ўтганларни зиёрат қилиш билан бирга, тирикларнинг кадр-қимматию ҳурматиюни жойига қўйиш, дуоларини олиш ҳар бир ватан фарзандининг муқаддас бурчидир. “Дунёдаги энг улуг зиёратгоҳ – инсон қалби”, деган гап бор. Ҳақиқатан ҳам, инсон қалбидек дур-жавоҳирга тўла тубсиз уммон, хазинаю дафина ёруғ оламда йўқ.[2]

Зиёрат – Исломнинг туристик асосидир. “Ҳожагон” таълимоти асосчиси Ҳожаи Жаҳон Абудуҳолик Ғиждувонийнинг **“Сафар дар ватан”** тариқатига мувофиқ инсон ўз юртига сафарга чиқиб туриши лозим. Яъни, вужуд ичида турган ҳолда руҳнинг моддийлик балчигига боттирмаслиги, ҳақ иродаси моддий ҳою-ҳавасларнинг гаразидан холи равишда руҳида ҳуқумрон булиши даркор. Бу шуни англатадики, йўловчи ўз сафарини яратилган томонидан Яратган томонга амалга ошириши керак. А.Ғиждувоний фикрича Ватанга сафарнинг ташқи ва ички турлари мавжуд. Биринчиси – бу ер юзи бўйлаб Мукамал йўл Бошловчисини излаш учун ҳаракатланишидир. Ташқи сафар ўз навбатида ички сафарни амалга оширишда кўмаклашади. Ички сафар жараёнида инсондан ёмон ахлоқдан воз кечиб хушфелликка ҳаракат қилишни талаб этилади, токи инсон қалбидан барча дунёвий армонларни чиқариб ташласин. Натижада, у нопоклик ҳолатидан поклик ҳолатига кўтарилади. Инсон қалбини тозалаб, кундалик ҳаётда унга керак бўлган, асл ҳолатини ифодалайдиган: сувдай соф, биллурдек шаффоф, ойнадай силлиқ кўнгилни яратади.

“Ҳожагон-Нақшбандийлик” таълимотининг “сафар дар ватан” ва “дил ба ёр” тариқатларига ҳамда психолог олимларнинг инсон фаолиятнинг икки қисмга: ташқи ва ички турларига бўлиниш [3] гоъсияга таянган ҳолда, биз “зиёрат” атамасининг **ботиний** ва **зоҳирий** жабҳаларини мавжудлигини тан олиб, зиёратни ички ва ташқи шакллари аҷратишни тавсия этамиз.

Ички зиёрат бу инсоннинг ўз қалбига руҳий ва маънавий сафаридир. У “Сафар дар Ватан” ва “Дил ба Ёр” суфийлик тариқатлари йўлида инсоннинг тафаккур, хаёл, фикрлаш, дунёсидаги сафаридир. “Сафар дар ватан”- ҳар қадамда асл мақсадга – ҳақ томонга юриш, ватан бўйлаб қалбан сафар қилиш, ҳаёт оламига кириб ҳаётда учрайдиган барча қийинчилик ҳамда лаззатларни кўра билиш, ҳис этишидир. Инсон ўз ичида саёҳат қила олиши лозим. У ўз табиатини, жумладан: мижози, феъл-атвори, истак-ҳоҳишлари, характери, ирода ва дидини, Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанднинг **“Дил ба Ёр”**(“Кўнглинг Оллоҳда”) суфийлик тариқати йўлида сайъ-ҳаракат қилган ҳолда, ички дунёсида сафар қилиб яхшигина ўрганиши лозим.

Қалбга сафар қилиш учун инсонга маънавий озука керак бўлиб туради. Ички зиёрат манбалари сифатида Қуръони карим; Шариф ҳадислар; буюк диний ва дунёвий аломаларнинг тарбиявий хусусиятга эга бўлган адабий ва илмий асарлари; маънавий юксак инсонларнинг панду насиҳатлари; ота-оналар; устоз ўғитлари, ўқитувчи ва мураббийлар хизмат қилади.

Ички зиёратнинг ўзига хос хусусияти сафарни ноанъанавий йўл билан босиб ўтишдир. Инсоннинг ўз маънавий баркамолликка эришиш йўлида хилватда китобларни ўқиб туриш, маърифий-тарбиявий тадбирларда қатнашиб сабоқ олиш, илм ўрганиш, билим олиш каби сайъ-ҳаракатларни, бизнинг фикримизча, **ички сафар воситалари** қаторига киритиш мумкин.

Ташқи зиёрат эса диний расм-русумларни бажариш билан бирга амалга оширадиган инсоннинг турли муқаддас маконлар бўйича сайру саёҳатидир. У кишининг доимий яшаб турган манзилдан узоқлашган ҳолда сажда қилишга асосланган диний ёки дунёвий муқаддас жойларга зиёрат қилишини назарда тутди. Зиёратчи муқаддас жой ва нарсалар олдига бориб сажда қилган, уларни эъзозлаган ҳолда зиёратни амалга оширади. Зиёратнинг ташқи шакли зиёрат туризмнинг асоси сифатида хизмат қилади. Чунки, зиёрат саёҳати жараёнида зиёратчилар муқаддас жойларни зиёрат қилиш мақсадида сафарга чиқадилар. Зиёратнинг бу шакли одамларни маънавий ва жисмоний камолотга эришишига кўмаклашади. Чунки, инсонлар доимий яшаш манзилларидан узоқлашган сари ўпкалардаги хавони алмаштириш эвазига соғлиқларини анча яхшиланадилар. Улар турли-туман

масканларга бориш-келиш вақтида хилма-хил одамлар билан кизиқарли суҳбатларда бўладилар, янги муқаддас жой ва нарсалар билан танишадилар ва улардан маънавий озуқа оладилар, ҳар хил ҳодисаларга гувоҳ бўладиларки, буларнинг барчаси зиёратчиларнинг дунёқарашини кенгайтиради ва баркамолликка етишга кўмаклашади.

Шундай қилиб, “зиёрат” атамасининг ботиний ва зоҳирий жиҳатларини ошқор қилиш эвазига уни туризм маданиятининг муҳим объекти сифатида шаклланиш босқичларини аниқлаш мумкин.

ФҲЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ

[1] Усмон Ҳосил. Одатнома. – Тошкент: “О’ЗБЕКИСТОН” НМИУ, 2016. – Б. 268

[2] Маҳмуд Саттор. Ўзбек удумлари. – Т.: Адолат, 2004. – 208 б.

[3] Ҳожа Абдухолик Ғиждувоний. http://naqshband.uz/index.php?option=com_content&view=article&id=50&Itemid=83.

THE EFFECTIVENESS OF HUMAN RESOURCE MANAGEMENT IN THE HOTEL INDUSTRY

*Xalikova Lola, Doctor of philosophy, docent of Samarkand Institute of Economics and Service
Yuldashev.B., Student of Samarkand Institute of Economics and Service*

Annotation: Hospitality efficiency is determined on the basis of the system of the number of visitors served, the implementation of hotel services to foreign visitors, the volume of services, and the costs of tourists made in a particular region or country.

Key words: hotel business, human resources, foreign currency account, taxes, economic effect, services, social efficiency

The specificity of the hotel business is that this type of activity is, first of all, the sale of services, the quality of the provision of which depends on the contractor, and on the hotel staff. Analysis of the current state of the human resources of enterprises in the hotel business sector shows that the problem of assessment, rational and effective use of them becomes paramount. In the personnel management of hotel business enterprises, the subject and object of management are distinguished. Thus, the subjects of personnel management include state and municipal government bodies, public associations (primarily trade unions), as well as the direct management of hotels that perform the corresponding management functions. The object of management is personnel with appropriate qualification, age and gender characteristics. It should be noted that according to the sociological approach, the goal of the process of interaction between the subject and the control object is to achieve not only economic, but also social efficiency of the enterprise. In the scientific literature, considerable attention is paid to the issue of efficiency, since this problem is one of the key in various areas of society, especially in production and management. Efficiency in the hospitality sector is determined on the basis of the system of the number of visitors served, the sale of hotel services to foreign visitors, the volume of services, and the costs of tourists made in a particular region or country. A separate system of indicators characterizing the effectiveness of personnel has not yet been developed. Since each hotel service has both economic and social significance, it is necessary to develop and implement indicators of economic and social efficiency of personnel.

$$\text{Econ.Eff. staff} = \frac{\text{Amount of proceeds from the sale of hotel services}}{\text{Hotel expenses for staff maintenance}}$$

Accounting for services sold to foreign visitors requires the opening of a foreign currency account for foreign economic activity. Most hotels in modern conditions operate on the basis of private property, and this creates the opportunity for accounting and taxation according to a simplified scheme. These organizations pay a single tax, which is determined on the basis of gross revenue

from the sale of services, a single land tax and a fixed tax on certain types of entrepreneurial activity. Therefore, the numerator of this indicator includes the amount of tax revenues to the budget. The higher it is, the greater the economic effect of a particular tourist product for the organization. The larger the denominator of the indicator, the lower the economic effect for the hotel, but the profitability of related industries and, accordingly, the effectiveness of tourism for the region or destination will increase.

We propose to determine the social efficiency of personnel by the sum of created social funds from the sale of individual services, i.e. this shows how much of the income from the sale of a particular service, minus the costs of the organization, is spent on social activities of the organization - employment, medical support for staff, staff insurance, material assistance to staff, subsequent employment and assistance to low-income people, and other social problems of society. The numerator of this indicator can be determined on the basis of the data of the account "Reserves of forthcoming accounts and expenses".

$$\text{Soc. personnel} = \frac{\text{Reserves and social funds of the hotel}}{\text{Amount of revenue} - \text{Hotel costs}}$$

The analysis allows us to formulate the following definition: the social efficiency of personnel management the organization of the hotel business is the level of achievement of the ultimate goal of the hotel organization, which is measured, on the one hand, by the degree of customer satisfaction with the quality of the services provided, and on the other, by the degree of satisfaction and loyalty of the enterprise employees. The ultimate goal of a hotel company is to make a profit by satisfying the needs of travelers.

This definition reflects, firstly, the essence of efficiency in a broad sense - the achievement of a final, positive result for a company. Secondly, it is social in nature, since the level of achievement of this result is measured not from an economic, but primarily from a social point of view, by the degree to which the individual's needs are satisfied. Thirdly, this definition takes into account not only the internal side of the enterprise (employees), but also the external (traveling).

In general, based on the foregoing, it can be stated that Samarkand's hotel industry is characterized by a low level of social efficiency of personnel management. The low level of social efficiency is manifested, first of all, in the low level of achievement of the final goal: making a profit by satisfying customer needs. Improving customer satisfaction is directly dependent on the work of employees who work directly with them. An employee will work more productively only if the organization where he works meets his needs for self-realization, career growth, and a decent standard of living. This should be a priority for hotel managers, as any organization relies primarily on human resources. After all, all organizations have access to the same sources of capital. Any necessary technologies are introduced by hand.

The list of references used

1. Higher School of Economics - National Research University
Reported with the World Bank - Moscow - 9-12 April.
2. "History of Economic Education" Asatullayev X, Djumonov D, Allabergenova Z, Husanova D. Tashkent -2014.

ISLOM SIVILIZATSIYASINING MUHIM BO'G'INI BO'LMISH ALLOMALAR VA AVLIYOLAR ZAMINI BUXORO

*Narzullayeva G.S., Buxoro davlat universiteti o'qituvchisi
Xamidova Z.X., Buxoro davlat universiteti talabasi*

Viloyatlar ichinda mulki amniyat Buxorodur,
Bahori rahmat ichra gavhari qimmat Buxorodur,
Sharifu ham Latifu afzali mulkat Buxorodur,
Charoki koni ilmu taqvoyu toat Buxorodur.

O'zbek shoiri va tasavvuf adabiyotining yetuk namoyondasi Boborahim Mashrabning Buxoro haqida bitilgan bu misralarida takidlanganidek chindan ham sharif shaharning betakrorligi bir necha asrlardan beri o'zining navqironroligi yoqotmay kelyotganligi haqida bitilgan. Bugungi kunda mamlakatimizda 2700 tadan ortiq yodgorlik, shu jumladan , 2500 ta me'moriy obida, 2700 tadan ortiq monumental san'at asarlari davlat muhofazasiga olingan. Bulardan 200 dan ortig'i YUNESKO ro'yxatida. Islom madaniyati obidalarini asrab-avaylash va tarixiy obidalarga boy davlat sifatida O'zbekiston 9-o'rinni egallab turibdi. Shunday tarixiy yodgorliklarning asosiy qismi Buxoro viloyatida ham joylashgan. Uch ming yildan ziyod tarixga ega Buxoro jahon tamadduniga beqiyos hissa qo'shgan shaharlardan biri. Buxoro hududida esa o'zining jozibali, tarixiy va madaniy meros obidalarini o'zining o'tmishidagi umumiy ma'noni bildiradi. Qadimdan ilmu ma'rifat, madaniyat maskani bo'lgan bu go'sha ta'rifi butun olamga yoyilgan. Buxoro qadim-qadimdan avliyolar, pirlar shahri sanalgan. Shahar va uning atrofida 160 ta avliyolik darajasiga sazovor bo'lgan mashhoixlar, olimlar, donishmandlar va shoirlarning qabrlari va qadamjolari mavjuddir. Ushbu makonda ziyorat turizmini rivojlantirish orqali ham mahalliy ham xorijiy sayyohlarni jalb qilish mumkin bo'ladi.

Buxoroning nomlanishi ham bir tarixdir. Buxoroi Sharif (Sharofatli Buxoro) – qadimdam Buxoroning keng tarqalgan nomlaridan biri. Buxoro qadimdam turli nomlar bilan atalib kelgan. Ayniqsa , Arab xalifaligi va somoniylar davrida shahar yuksalgan. Buxoroning nomlaridan “Foxira” (“Faxrli shahar”) atamasi Narshaxiyning ta'rifi bo'yicha islom dinining barqarorligi yo'lida qon to'kkan shahidlar sharafiga nisbatan qilib berilgan. Shahar islomni targ'ib qilish va qaror toptirish yo'lida ham muhim rol o'ynagan. Buxorodan islomiyat va hadis ilmlarining yirik targ'ibotchilari va tasnifchilari (Imom Buxoriy va b) yetishib chiqdi. Buxoroning islom dini, musulmon axloqi, madaniyati va huquqshunosligining Sharqdagi kuchli markazlaridan biriga aylanishi tufayli unga 9-asr boshlaridayoq “Qubbat ul-islom” – “Islom dinining gumbazi” degan sifat ham beriladi. Buxoro, Islom dini markazi va O'rta Osiyoning diniy poytaxti hisoblansada, Payg'ambar avlodlari va islom avliyolari dafn etilgan joy doimo boshqa ko'plab dinlarga boshpana bo'lib kelgan.

Bugungi kunda Buxoroning boy me'moriy merosi o'zbek jamiyatining, xalqining, millatining, madaniyatining barcha shakllari va xilma-xilligi asosidir. Me'moriy meros tabiat va jamiyat bilan birga, O'zbekistonning asosiy boyligidir, bu turli davlatlardagi me'morchilikning yigirma besh asrlik rivojlanishini noyob ko'rinishidir. Buxoro bugungi kunda respublikada hunarmandchilik, ma'naviyat va turizm markazi hisoblanadi. Buxoro viloyati yoshlari ilmiy salohiyati, ma'naviy yetukligi va mehnatsevarligi bo'yicha respublikada yetakchi o'rinni egallaydi. Buxoro, boshqa ko'plab O'zbekiston shaharlari singari, Eski shahar va Yangi shaharga bo'lingan. Biroq, boshqalar bilan taqqoslaganda, aniq afzalliklarga ega. Masalan, agar ba'zi shaharlarda shaharning eski qismi aniq muzey-tarixiy xususiyatga ege bo'lsa, unda faqat qadimiy arxitektura yodgorliklari mavjud va deyarli aholi yoq, lekin Buxoro shahrining Eski shahar qismida bunday emas ya'ni u yerda asrlar davomida avvalgidey xalq yashaydi.

Biz bilamizki 2018-yilning 21-23- fevral kunlari Buxoro shahrida “Birinchi Xalqaro ziyorat turizmi ” forumi o'tkazildi. Nufuzli anjumanga soha mutaxasislari, sayyohlik kompaniyalari, taniqli olimlar va boshqalar qatnashdilar. Bu forumdan ko'zlangan asosiy maqsad Ziyorat turizmini rivojlantirishda, xalqaro hamkorlikni kengaytirish, bu turizm yo'nalishuga investitsiyalarni jalb qilish, Ozbekistonni dunyodagi eng katta ziyoratchilik turizmi markazlaridan biriga aylantirish va halol turizm yo'nalishida jahon standartlaridan, tajribalaridan o'rganib uni o'z mamlakatimizda qo'llashd. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyev tashabbuslari bilan mamlakatning xalqaro maydondagi ziyorat turizmi bo'yicha mavqeini oshirish maqsadida o'tkazildi. Tadbir Turizmni rivojlantirish davlat qo'mitasi, Vazirlar mahkamasi hududidagi Din ishlari qo'mitasi, O'zbekiston musulmonlar idorasi, “ Vaqf ” xayriya jamg'armasi, Tashqi ishlar vazirligi, Buxoro viloyati hokimligi, ISESCO va UNWTO hamkorligida tashkil etildi. Ziyorat turizmi bo'yicha I xalqaro forum doirasida Bosh vazir o'rinbosari Aziz Abduhakimov xorijiy mutaxassislar bilan qator ikki tomonlama uchrashuvlar o'tkazdilar. Masalan, Tatariston Respublikasi Bosh vazir o'rinbosari Vasil Shayxraziyev, Dehli markaziy masjidida bosh imomi Said Buxoriy, Misr Vakillik palatasining ijtimoiy hamdardlik, oila va nogironlar qo'mitasi raisi

Abdulahdiy Al-Kasabiy, MATTA (Malaziya turistik kompaniyalari va turoperatorlar uyushmasi) vitse-prezidenti Oqil Yusuf, Gunadarma universiteti rektori, O'zbekistonning Indoneziyadagi turistik brend elchisi Eko Shri Margianti va Tri Ways Treveland Tour (Singapur) xalqaro kompaniyasi bosh menejeri Ahmad Hamid bilan muzokaralar o'tkazildi. Ushbu forum hamda O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyev say harakatlari natijasida 2019 yil 16 sentabr kuni Marokashning Rabot shahrida madaniyat vazirlarining IX konferensiyasida Qohira (Misr), Bamoko (Mali) shaharlari qatorida Buxoro sharif ham 2020 yilda "Islom madaniyati poytaxti" deb e'lon qilindi. Tahlillarga ko'ra, ISESCO tomonidan Islom madaniyati poytaxtlarini tanlashda musulmon mamlakatlari o'rtasidagi madaniy aloqalani rivojlantirish, islom madaniyatiga oid ilmiy-ma'rifiy, tarixiy-me'moriy merosni o'rganish, tiklash hamda targ'ib qilish, dinlararo muloqotni kuchaytirish, turli mamlakatlarning bu boradagi sa'r-harakatlarini qo'llab-quvatlash, rag'batlantirish kabilar nazarda tutilgan.

Buxoro shahrining Islom madaniyati poytaxti deb elon qilingandan so'n eng avvalo islom o'chog'i bo'lmish tarixiy obyektlarga, avliyolar ziyoratgohlariga va asosiysi "7 Pir" ziyoratgohlariga bo'lgan ehtiyoj kuchayadi. Hozirgi kunda Buxoro viloyati hududida "7 Pir" mahalliy ziyoratchilar va turistik yo'nalishi yo'lga qo'yilgan. Mustaqillik davrida qadimiy obidalar, ziyoratgohlarni tiklashga bo'lgan e'tibor yanada kuchaydi. Bugungi kunda ularning bir qanchasi muhim ziyorat maskanlariga aylanmoqda. Shunday bo'lsada, ular to'g'risidagi ma'lumot xalq orasida keng tarqalgan. Bu yo'nalish "Islom dini gumbazi" bo'lgan Buxoro Sharifda karomatga ege bo'lgan yettita avliyolarni ziyoratidan tarkib topgan. Ushbu yo'nalishni Buxoro viloyati bo'ylab yo'lga qo'yilishi bir qator ijobiy natijalarni keltirib chiradi: Milliy tariximiz ildizlari qayta tiklanadi, aholi orasida targ'ibot-tashviqot ishlari olib boriladi. Ziyorat obyektlariga boorish uchun infratuzilma yaxsgilanadi. Mavjud resurslardan foydalangan holda yangi turistik yo'nalish yaratiladi. Ichki turizm rivojlanadi. Mahalliy sayyohlar soni oshishi hisobiga hududagi turistik mavsumni uzaytirishga erishiladi.

Xulosa qilib aytganda, Buxoro – O'zbekiston Respublikasining sayyohlik markazidir. Ziyorat turizmi Islom dini gumbazi bo'lgan Buxoro Sharifda istiqboli eng yuqori bo'lgan yo'nalishlardan biri sanaladi. Shaharda chet ellik mehmonlarga qulay bo'lishi uchun barcha zarur shart-sharoitlarni yaratish uchun ushbu sohani rivojlantirish uchun ko'p kuch va katta mablag' sarflanayapti. Va shuni aytishimiz mumkinki, bunga investitsiya qilingan kuchlar behuda sarflanmadi. Axir, tashrif buyurgan mehmonda qulayliku shaharni faqat yaxshi taassurotlar bilan tark etishining asosiy kafolatlaridan biridir.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1. Yo'ldoshev N Buxorodagi ayrim avliyolar tarixi. Buxoro: "Buxoro" nashriyoti.
2. Mirzayeva M. A, Aliyeva M. T "Turizm asoslari" Toshkent 2011y
3. Kun.uz jurnalidan. Electron manba [https://kun.uz/uz/news/ 2019/02/25/buxoro-deklaratsiyasi-ziyorat-turizmi-xalqaro-forumi-yakunilari]

**ХІХ АСР БИРИНЧИ ЯРМИДА ҚЎҚОН ХОНЛИГИ ДИПЛОМАТИК
АЛОҚАЛАРИДА ДИН ВАКИЛЛАРИНИНГ ЎРНИ (РОССИЯ ВА ТУРКИЯ
ЭЛЧИЛИКЛАРИ МИСОЛИДА)**

Икромов И.И., Андижон Давлат Университети магистранти

Ташқи сиёсат ҳар бир давлатнинг халқаро мавқеи, далавлараро статусини белгилаб берувчи муҳим омиллардан ҳисобланади. Қўқон хонлиги ҳам ташкил топганидан сўнг ўзоқ ва яқин қўшни давлатлар билан алоқалар олиб борди. Ушбу сиёсий-диломатик алоқаларда хонликнинг мамлакат ичкараси ва ташқарисиди ҳам обрў-эътибори юқори диний уламо вакилларининг иштироки хонлик учун муҳим аҳамият касб этарди.

Умуман олганда, Қўқон хонлигида Марказий Осиёда жойлашган бошқа давлатлар сингари Ислон дини вакиллари, тариқат шайхларига ҳар қачон эътибор юқори бўлиб, давлатнинг муҳим ишларида ҳукмдорлар улар билан келишиб иш кўрганлар. Бунди Қўқон

хонлигида давлатларнинг муҳим ички ва ташқи масалалари бўйича Олий Кенгашда мингбоши мансабидаги шахс билан бир қаторда шайхулислом унинг доимий аъзоси бўлиши, шунингдек, қозикалон ва ҳарбий ишлар бўйича икки судья – қози аскар ҳам кенгашда иштирок этганларидан билишимиз ҳам мумкин.³²² Қўқон хонлари чет давлатларга дипломатик вакил тайинлар эканлар, аввало, уларнинг дипломатик маҳорати, обрў-эътиборини ҳам ҳисобга олганлари тайин. Бундан ташқари, хонликнинг ташқи алоқалари географиясининг асосан мусулмон давлатлари эканлигини ҳисобга олсак, дипломатик вакил сифатида диний уламоларнинг тайинланиши анчагина самарали натижалар келтирган. Қўқон хонлиги ташқи сиёсатидаги асосий давлатлар қаторида Россия ва Усмонли турк давлати алоҳида қайд этилади. Олимхон тарафидан Тошкент ва унинг атрофидаги ерлар егалланиши орқали Россия билан алоқалар жадаллашган бўлса, Умархон даврида Бухоро билан минтақадаги етакчиликда хонликнинг нуфузи ортиб, ўзини бутун мусулмон халқлари хомийси ҳисобловчи Усмонли турк далаги билан фаол муносабатлар олиб боришга ҳаракат қилинади.

XIX аср бошларида хонликнинг ташқи сиёсатига эътибор берсак, аввало, минтақада устун мавқега эришиш, халқаро аҳволини яхшилаш масалалари асосий ўринда турган бўлса, кейинчалик Шарқий Туркистон масаласида Хитой, қозоқ даштларида Россия ва Хўжанд, Ўратепа сингари ҳудудлар учун Бухоро билан азалий рақобат асосий ўринга чиқади. Бундай мураккаб жараёнларда Қўқон ҳукмдорлари Россия билан мувозанатларни барқарор ҳолатда олиб бориш, Усмонли турк ва Хиндистон билан мамлакатнинг ҳарбий-сиёсий қудратини ошириш мақсадларини кўзлаб сиёсат юргизганлар. Ушбу алоқаларда диний уламо вакиллари Қўқон хонларига ўз мақсадларини амалга оширишларида ҳар томонлама ёрдам берганлар. Улардан бири Ҳожи Мир Қурбондир. Олимхон тарафидан 1820-йилда Усмонийлар давлатига юборилган дастлабки элчилик бошчиси сифатида унинг номи тилга олинади.³²³ Қўқон хонлиги тарихига оид “Мунтахаб ут-таворих”, “Тухфат ут-таворихи хони”, “Анжум ат-таворих” каби асарларда ҳам 1820-йилда амалга оширилган элчилик ҳақида маълумотлар берилди.³²⁴ Лекин, ушбу манбаларда элчилик ҳақида қисқа тўхталиниб, элчи ҳақида тўлиқ маълумот берилмайди. Жумладан, “Анжум ат-таворих” асарида куйидагилар баён қилинади: “Шу вақтда (Ўратепа фатҳидан сўнг) хони олийшон фармойиши билан муҳтарам муъин уддин ал-ислом, халифайи расули аном, аъло ҳазрат султон Махмудхон жаннатмакон номига фасоҳат рақамли муншийлар ихлос баён этувчи бир нома ёздиртириб, элчи Ҳожи Мир Қурбон орқали хилофат маркази Истамбулга юборилди”.³²⁵ Аммо, Туркидаги Бошбоқонлик давлат архивлари ва бир неча бошқа манбаларни ўрганиш Ҳожи Мир Қурбон фаолияти ва элчиликдан кўзланган бошқа мақсадлар ҳақида бирқанча маълумотлар беради. Ҳожи Мир Қурбоннинг диний соҳа вакили эканлиги бир неча ҳужжатларда қайд этиб ўтилади. Бу ерда унинг исмига “Ҳожи” нисбасининг қўшиб айтилиши ўз-ўзидан тушунарли ҳолат. Аммо унинг айнан қандай мансабда фаолият юритганлиги бошқа бир мактубдан маълум бўлади. Муҳаммад Алихоннинг 1831-йилда Петербургга юборган хатида ушбу мактубни олиб боровчи Ҳожи Мир Қурбон судур Муҳаммад Қосим ўгли номи қайд этиб ўтилади.³²⁶ Бу ерда Мир Қурбон номи билан ёнма-ён келадиган судур диний унвонини унинг вақф мулкларининг даромадлари ва ҳисоб китобига жавобгар шахс эканлигидан далолат бериб турибди.³²⁷ Маълумки, Қўқон хонлиги ташкил топганидан сўнг минтақада Бухоро билан Қўқон ўртасида доимий курашлар кечади. Ҳисао Комацу ўз тадқиқотларида турк султони томонидан Бухоро амири Ҳайдарга 1813-йилда юборган хатини таҳлил қилиб, султон Мовароуннаҳр, Қўқон, Дашти Қипчоқ, Хоразм ҳудудларини бошқаришни аввалдан Бухоро

³²² Махмудов Ш.Ю. Қўқон хонлигининг маъмурий-бошқарув тизими(1709-1876): Тарих фанлари номзоди. ...дисс. – Т., 2007. 68-бет

³²³ Абдыкулова Р. XIX к. Осмон мамлекети менен Кокон хандыгынын ортосундагы дипломатиялык байланыштар тууралуу архивдик материалдар. *Sosyal bilimlar dergisi*. Sayi:15. 2006.

³²⁴ *батафсил қаранг:* Бейсембиев Т.К. Кокандская историография: Исследование по источниковедению Средней Азии XVIII-XIX веков. Алматы: ТОО «Print-S», 2009

³²⁵ Худойрхонзода. Анжум ат-таворих. *Fan va texnologiya*. 2014: 212 б

³²⁶ Ишқуватов В.Т. Қўқон-Россия дипломатик муносабатлар тарихшунослиги. Тошкент – 2009. 37 б

³²⁷ Махмудов Ш.Ю. Қўқон хонлигининг маъмурий-бошқарув тизими(1709-1876): Тарих фанлари номзоди. ...дисс. – Т., 2007. 94 б

хукмдорларига тегишди эканлигини, ўз навбатида султон Бухоро орқали бу ҳудудларни ўз қўл остига олмақчилигини баён қилиб ўтади.³²⁸ Минтақада Бухородан “юқори”роқ мавкега эришиш мақсадида ҳам Туркияга элчи жўнатган ва бу ҳақда махсус ёрлик жўнатилишини сўраган. Усмонли турк давлатига бундай муҳим масала бўйича дастлабки элчиликка жўнатилган Мир Қурбоннинг таржимайи ҳоли ҳақида ҳам етарли маълумотлар мавжуд эмас. Аммо, унинг Қўқон хонлари томонидан яна бир неча маротаба Туркия ва Россияга жўнатилиши ва кейинги элчилик фаолиятлари унинг сиёсий-дипломатик тажрибаси ҳақида хулоса чиқаришга ёрдам беради. Гарчи биринчи элчиликдан Умархоннинг асосий мақсади амалга ошмасда, Ҳожи Мир Қурбон юксак ҳурмат-эҳтиром билан кузатилиб, муносиб совга-саломлар билан жўнатилади. Элчи билан юборилган совгалар орасида қилич, тўппонча, соат, телескопик асбоб ва ёрлик ҳам бўлган.³²⁹ Ҳожи Мир Қурбоннинг элчилик фаолиятини Муҳаммад Алихон даврида Россияга жўнатилган элчиликлари мисолида ҳам билишимиз мумкин. Хусусан 1828 ва 1831-йиллар давомидаги миссиясида Ҳожи Мир Қурбон ўз “характер”ини кўрсата олади.

Ушбу даврда Қўқон хонлигининг Россия билан алоқаларида муносабатларнинг совуқлашиш ҳолати қайд этилади. Чунончи, Маъдалихон 1828-йилда Мир Қурбон ва Турсунхўжа элчилиги орқали қозоқларнинг Қарқарали, Кент, Ку, Қизилрей жойларида руслар томонидан қалъалар қурилишига изоҳ сўраган бўлса, иккинчи элчилик Қўқон-Хитой муносабатлари билан боглик эди. Маълумки, бу даврда хонликнинг Син империяси билан алоқалари Шарқий Туркистон туфайли кескинлашиб кетади. Маъдалихон Хитой бўлаётган рақобатда Россия ёрдамига таянишни режалаштирган эди. Аммо ушбу даврда Хитой билан дўстона алоқаларини ёмонлашишини хохламаган рус ҳукумати элчиларни Тобольск шахрида ушлаб қоладилар. Пойтахтда вабо касали тарқалганлиги ва унинг хонлик элчиларига ҳам юкишини баҳонаси билан уларни шу ернинг ўзидаёқ қайтаришга ҳаракат қиладилар.³³⁰ Ҳожи Мир Қурбон эса бу гапларни қабул қилмайди. Хон томонидан императорга совга тариқасида олиб кетилаётган иккита фил ва хатни рус маъмурларига топширишдан бош тортади. У пойтахтдадаги вабо касалини тугашини Тобольскда икки йил бўлса ҳам кутишини, асосийси хон томонидан унга юклатилган вазифаларни бажариши шарт эканлигини таъкидлайди. Аммо, Мир Қурбоннинг бу қатъияти ҳам ҳукуматнинг Қўқонга нисбатан позициясига таъсир эта олмайди. Мир Қурбон судурнинг элчилик фаолиятидаги ижобий ҳолатлардан яна бири 1851-йил яна бир бор Туркиядаги миссиясида намоён бўлади. Туркия давлати архивидаги Усмонли давлати Олий кенгаши буйруқлари жойлашган 9114 рақамли ҳужжатдан маълум бўлишича Маккага Каъба зиёрати учун кетаётган Мир Қурбонга айни вақтда элчилик вазифаси ҳам тайин этилади.³³¹ Туркия Молия вазирлигиги томонидан буйруққа биноан Мир Қурбоннинг 1852-йил 9-августдан икки ой мобайнида кунига эллик қоруш миқдорида маблаг билан таъминлаб турилганлиги нафақат Қўқон хонининг ҳурмати юзасидан, балки Ҳожи Мир Қурбон судурнинг мавқеидан ҳам келиб чиқади. Яна шунингдек, бу элчиликдан хоннинг Туркия мадади билан ўз ҳарбий аҳволини мустаҳкамлашни ҳам кўзда тутган эди. Муҳаммад Азиз Маргилонийнинг ушбу фикрлари элчиликнинг муваффақиятли яқунланганидан далолат беради: “Худоёрхон саллотлари сонини жуда кўпайтирди ва яхши тўпларни мавжуд қилиб, милтиқларни Исламбулдан олдириб келди”.³³² Турк султонлари томонидан Қўқон элчиларга кўрсатиладиган бундай илтифотлар биргина шу эмас. Муҳаммад Алихон томонидан юборилган 1831-йилги Абдурахмон шарбатдор ва Домла Эрназар охунд элчилиги ҳам ижобий яқунланади. Элчилар султон томонидан юксак эҳтиром билан қабул қилиниб, уларга қайтишида пайгамбаримиз Муҳаммад (с.а.в) нинг иккита тирноқ парчаси ва

³²⁸ Komatsu H. Kokand and Istanbul. An Ottoman Document Relating to the Earliest Contact between the Khan and Sultan. — Barukan Shouajia Kenkyu(Balkan and Asia Minor Studies), No. 15,1989, 966- 6

³²⁹ Komatsu H. Kokand and Istanbul. An Ottoman Document Relating to the Earliest Contact between the Khan and Sultan. — Barukan Shouajia Kenkyu(Balkan and Asia Minor Studies), No. 15,1989, 969- 6

³³⁰ Ишқуватов В.Т. Қўқон-Россия дипломатик муносабатлар тарихшунослиги. Тошкент – 2009. 35 б

³³¹ Абдыкулова Р. XIX к. Осмон мамлекети менен Кокон хандыгынын ортосундагы дипломатиялык байланыштар тууралуу архивдик материалдар. Sotsyal bilimlar dergisi. Sayi:15. 2006. 4 б

³³² Муҳаммад Азиз Маргилоний. Тарихи Азий/ Нашрга тайёрловчилар Ш.Воҳидов, Д.Сангирова. - Т.: Маънавият, 1999. 15 б

бир дона соч толалари совгалар қаторида юборилади.³³³ Қўқондан Туркияга юборилган ислом диний уламолари вакилларида яна бири Ҳожи Муҳаммад Зоҳид хўжадир. Туркия архивидаги Ҳатти Хумоюн фондида 657/ 32100 D рақами остида ушбу элчиликка оид хужжат ҳам сақланади. Унда Жўйборий шайхлари вакили бўлмиш Муҳаммад Зоҳид хўжанинг султонга олиб борган ҳадялари рўйхати ҳам келтирилган бўлиб, рўйхатда 1 дона Мусхафи шариф, 8 шол, 7 тўп шойи, 5 тўп Хитойда ишланган қора силон мато, 7 та от кабилар қайд этилади.³³⁴ Ушбу элчиликдан мақсад ҳам асосан Қўқон хонлигининг ҳарбий-сиёсий аҳволи хусусида эди. Шунингдек, турк султони Муҳаммад Зоҳид хўжадан хонликнинг қайси давлатлар билан дўстона алоқалар олиб боришлиги ҳақида ҳам маълумотлар сўраган. Хужжатларда қайд этилишича султон Муҳаммад Зоҳид хўжага Қўқоннинг Ҳиндистон билан ва у орқали Британия билан муносабатларини мустаҳкамлашни ҳам тақлиф этган.³³⁵

XIX аср биринчи ярмида Россия билан олиб борилган муносабатларнинг асосини дастлаб фаол савдо алоқаларини ўрнатиш, карвон қатновларининг мунтазамлигини таъминлаш уларнинг хавфсизлигини таъминлаш каби вазифалар турган бўлса, кейинчалик чегара масаласи, ҳар икки тарафнинг ҳам қозоқ ерларига ўз таъсирини ўтказишлик, рус ҳукуматининг хонлик чегараларида ҳарбий истехкомлар қуришга киришиши каби масалалар асосий воқеиликка айланади. Қўқон хонлари бу жараёнларда дипломатик йўл билан муносабатларни барқарорлаштиришга ҳаракат қилган бўлсалар, Россия томонидан менсимаслик, Марказий Осиё хонликларига паст назар билан қараш, кейинчалик босим ўтказиш ҳоллари намоён бўла бошлайди. Айниқса, Қўқон-Хитой муносабатлари кескинлашган XIX асрнинг 30-йилларида хонлик учун Россия билан алоқалар ҳар қачонгидан муҳим аҳамият касб этади. Лекин, юқорида кўриб ўтилганидек Россия Хитой билан ўрнатилган дўстлик алоқаларини йўқотмаслик учун ҳам Қўқон элчиларига бир неча бор совуқ муносабатда бўлади (1828, 1831-йиллар). Қолаверса, қозоқ ерларида рус қалъаларининг қурилиши вазиятни янада кескинлаштириб юборади. Ана шундай вазиятда Маъдалихон тарафидан муносабатларни барқарорлаштириш учун 1841-йилда Муҳаммад Ҳалил Соҳибзода бошчилигидаги элчилик миссияси жўнатилади.

Қўқон хонлигининг дипломатик алоқаларида нақшбандия-муҳаддибия оқимининг бошчиси бўлган Имом Раббоний Аҳмад ал-Сирҳиндий авлодларидан Муҳаммад Ҳалил Соҳибзоданинг ушбу фаолияти алоҳида ўрин тутаети. Қўқон хонлиги тарихига доир манбаларда Соҳибзода Ҳазрат, Ҳазрати Соҳиб, Ҳазрати эшон Соҳибзода, Миён Ҳалил Соҳибзода каби номлар билан қайд этилади. Аммо архив хужжатларидан маълум бўлишича бу зотнинг тўлиқ исми Муҳаммад Ҳалил Соҳибзода бўлиб кўпроқ аҳоли Миён Ҳалил Соҳибзода ёки бу кишини авлодларини Миёнлар деб аташган. Маълумки Муҳаммад Ҳалил Соҳибзода Маъдалихон ташаббуси билан 1826-йилда Қўқонга келаети. Унинг Қўқонга айнан қайердан келишлари тўғрисида аниқ маълумотлар бўлмасаети, хонликдаги нуфузлари юқори бўлиб, нақиб унвонига ҳам эга бўлганлар. Муҳаммад Алихон императорга юборган мактубида у зотни “Нақиб Али Ашраф Эшон Муҳаммад Хўжа Ҳалил Сафронюл” деб мурожаат қилгалар.³³⁶ Хон тарафидан айнан Ҳалил Соҳибзоданинг танланишига тўхталсак шуни таъкидлаш лозимки, унинг Қўқонга келишига қадар ҳам бошқа нуфузли диний уламолар ва тасаввуф етакчилари ҳам мавжуд бўлиб, Хожа Аҳрор ва Маҳдуми Аъзам авлодлари хонлик бошқарувида тизимида фаолият юритганлар. Ш.Маҳмудовнинг фикрича, Қўқон хонлари Маҳдуми Аъзам сулоласига мансуб бўлган Ортиқхўжа набиралари орқали Шарқий Туркистонда Хитой билан ўзаро муносабатларда бўлганлар. Айнан Қўқон-Хитой муносабатларига таъсир ўтказмаслик учун ҳам уларнинг Шарқий Туркистондаги

³³³ Бейсембиев Т.К. “Тарихи Шоҳрухий” как исторический источник. – Алма-Ата: Наука, 1987. 107 б

³³⁴ Маҳмудов Ш. Қўқон хонлигининг дипломатик алоқаларига доир архив хужжатлари (Усмонли архиви фондидаги хужжатлар таснифи) // Турон тарихи N 2-3. 2012. 40 б

³³⁵ Маҳмудов Ш.Ю. Қўқон хонлиги ва Ҳиндистон ўртасидаги дипломатик алоқалар. Фаргона водийси тарихи янги тадқиқотларда. Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. Андижон – 2015. 133 б

³³⁶ Бобобеков Ҳ.Б. Қўқон тарихи. – Т.: Фан, 1996. –29 б

фаолиятлари билан чекланганлар.³³⁷ Муҳаммад Алихоннинг бу зотга ихлоси баланд бўлган. Қолаверса, бу даврда нафақат Қўқон хонлигида, балки Ўрта Осиё хонликлари ҳамда Россия империяси ҳудудида яшаган аҳолининг мусулмон қатлами ва Усмонли турк давлатида ҳам нақшбандия мужаддия етакчиси Имом Раббоний Аҳмад Сирҳиндий яхши маълум бўлган. Қўқон элчиларининг Петербургдаги қабули фикрларимизни яна бир бор тасдиқлайди. Манбаларда қайд этилишича Эрон, Хива ва бошқа давлатлардан келган элчиларга нисбатан Қўқон элчиларига алоҳида эҳтиром кўрсатилади. Шунингдек, Муҳаммад Халил Соҳибзодани Петербургда эътиборга лойиқ бўлган жойлар билан таништирлади. Хусусан, технология институти, зарбхона, кутубхона, ботаника боғи, чинни ва ойна заводи, Осиё музейи ва бошқа жойлар. Албатта бу Қўқон хонлигининг Россия империяси билан бўлган дипломатик алоқаларида бунга қадар ҳам бундан кейинги элчиликларда ҳам бу каби муносабат бўлмаган.³³⁸ Элчиликдан кўзланган мақсад эса ўзаро савдо алоқаларини қайта фаоллаштириш, Макагага ибодат учун борётган хонлик фуқароларига Россия орқали ўтишга рухсат олиш, Сибир йўли бўйлаб ҳаракатланувчи савдогарларга хомийлик қилиш ва ҳатто Қўқонга кон муҳандислиги бўйича мутахассисларни юбориш қабилар қай этилади.³³⁹ Шунинг ҳам қайд этиш лозимки, элчиларнинг барча илтимосларига Россия ҳукумати томонидан ижобий жавоб қайтарилади. Аммо, бу элчилик давомида эришилган натижаларнинг амалга ошишига Бухоро амири Насруллохоннинг 1842-йилги босқини тўсқинлик қилади. Қўқондаги исёнлар, ўзаро курашлар элчиларнинг узоқ вақт давомида Семипалатинск шаҳрида қолиб кетиши, энг муҳими миссия давомида эришилган ютуқларнинг бесамар кетишига олиб келади.

Кейинги даврларда олиб борилган дипломатик алоқалар Қўқон хонлиги учун деярли самарасиз бўлиб, ижобий натижани кутиш ҳам мумкин эмас эди. Чунки бу даврда Россия империяси Қўқон хонлиги ҳудудини бирин кетин босиб олишга ҳаракат қилаётганлиги боис ҳам бу икки давлат ўртасидаги дипломатик алоқалар хонлик учун ҳеч қандай самара бермаслиги аниқ эди. Усмонли турк давлати томонидан ўзаро ҳарбий-сиёсий ёрдам олишга қаратилган элчиликлар ҳам, Туркияни ўзининг огир ижтимоий-сиёсий ички ва ташқи аҳволи орқали бирон-бир аниқ натижаларга олиб келмайди. Лекин, шунинг алоҳида қайд этиш лозимки хонликда фаолият юритган дин уламолари ва тасаввуф шайхлари диний-маданий соҳадан ташқари сиёсий-дипломатик жабҳаларда ҳам Қўқон хонларининг ҳар томонлама таянчи бўлиб хизмат қилганлар.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Бобобеков Ҳ.Б. Қўқон тарихи. – Т.: Фан, 1996.
2. Бейсембиев Т.К. “Тарихи Шохрухий” как исторический источник. – Алма-Ата: Наука, 1987.
3. Абдыкулова Р. XIX к. Осмон мамлекети менен Кокон хандыгынын ортосундагы дипломатиялык байланыштар тууралуу архивдик материалдар. *Sosyal bilimlar dergisi. Sayi:15.* 2006.
4. Бейсембиев Т.К. Кокандская истиография: Исследование по источниковедению Средней Азии XVIII-XIX веков. Алматы: ТОО «Print-S», 2009
5. Ишқуватов В.Т. Қўқон-Россия дипломатик муносабатлар тарихшунослиги. Тошкент – 2009.
6. Маҳмудов Ш.Ю. Қўқон хонлигининг маъмурий-бошқарув тизими(1709-1876): Тарих фанлари номзоди. ... дисс. – Т., 2007.
7. Маҳмудов Ш. Қўқон хонлигининг дипломатик алоқаларига доир архив ҳужжатлари (Усмонли архиви фондидаги ҳужжатлар таснифи) // Турон тарихи N 2-3. 2012.
8. Маҳмудов Ш.Ю. Қўқон хонлиги ва Ҳиндистон ўртасидаги дипломатик алоқалар. Фаргона водийси тарихи янги тадқиқотларда. Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. Андижон – 2015.

³³⁷ Маҳмудов Ш. Муҳаммад Халил Соҳибзода ва унинг элчилик фаолияти // Имом ал-Бухорий сабоқлари.2/2011. 137 б

³³⁸ Маҳмудов Ш. Муҳаммад Халил Соҳибзода ва унинг элчилик фаолияти // Имом ал-Бухорий сабоқлари.2/2011. 140 б

³³⁹ Ишқуватов В.Т. Қўқон-Россия дипломатик муносабатлар тарихшунослиги. Тошкент – 2009. 40 б

9. Махмудов Ш. Муҳаммад Халил Соҳибзода ва унинг элчилик фаолияти // Имом ал-Бухорий сабоқлари.2/2011.
- 10.Ишқуватов В.Т. Қўқон-Россия дипломатик муносабатлар тарихшунослиги. Тошкент – 2009.
11. Муҳаммад Азиз Маргилоний. Тарихи Азизий/ Нашрга тайёрловчилар Ш.Воҳидов, Д.Сангирова. - Т.: Маънавият, 1999.
12. Komatsu H. Kokand and Istanbul. An Ottoman Document Relating to the Earliest Contact between the Khan and Sultan. — Barukan Shouajia Kenkyu(Balkan and Asia Minor Studies), No. 15,1989,
13. Худоёрхонзода. Анжум ат-таворих. Fan va texnologiya. 2014.

ME'MORIY YODGORLIKLARNI ASRASHNING KONSTITUTSIYA VA QONUN HUJJATLARIDAGI AKSI

*U.X.Yo`ldashev, U. O`Turopov
Toshkent viloyati Chirchiq Davlat Pedagogika Instituti talabalari*

O'zbekiston mustaqillikka erishgach, ajdodlarimizdan qolgan madaniy merosga e'tibor kuchaydi, tarixiy yodgorliklar davlat nazorati ostiga olindi. Mustaqillik yillarida Buxoro, Samarqand, Termiz, Xiva, Toshkent, Qo'qon, Shahrisabz kabi shaharlarda ulug' ajdodlarimizning yuksak iste'dodi va tafakkuri bilan bunyod etilgan obidalar o'zining haqiqiy qadr-qimmatini topdi, ularni ta'mirlash va asl qiyofoasini tiklash davlatimiz siyosatining ustuvor yo'nalishlaridan biriga aylandi.

Tarixiy obida, ziyoratgoh, me'moriy ob'ektlarni asrash insoniylik hamda O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasida mustahkamlab qo'yilgan fuqarolik burchlaridan biri hamdir. Bu O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasining II bo'lim, XI bob, 49-moddasida quyidagicha ko'rsatilgan:

"Fuqarolar O'zbekiston xalqining tarixiy, ma'naviy va madaniy merosini avaylab asrashga majburlar.

Madaniyat yodgorliklari davlat muhofazasidir".

Bu moddaning hayotdagi talqini sifatida quyidagilarni ko'rsatish mumkinki, O'zbekiston Respublikasidagi qadimiy shaharlarning yubileylari, jumladan, 1997-yilda Buxoro va Xiva shaharlarining 2500 yilligi, 2002-yilda Termiz shahrining 2500 yilligi, 2003-yilda Shahrisabz shahrining 2700 yilligi, 2004-yilda Qarshi (Naxshab) shahrining 2700 yilligi, 2007-yilda Samarqand shahrining 2750 yilligi, Marg'ilon shaxrining 2000 yilligi, 2009-yilda Toshkent shahrining 2200 yilligi munosabati bilan mazkur shaharlardagi tarixiy me'moriy obidalar ta'mirlandi, madaniy meros ob'ektlari qayta tiklandi.

Shuni aytib o'tish lozimki, O'zbekiston Respublikasi hududida joylashgan tarixiy obidalar nafaqat O'zbekiston Respublikasi Davlat muhofazasiga olingan, balki 4000 dan ziyod moddiy-ma'naviy obidalar umumjahon merosining noyob namunasi sifatida YUNESKO ro'yxatiga ham kiritilgan. O'zbekiston Respublikasidagi bu ro'yxatga kirmagan moddiy-ma'naviy obidalar bilan hisoblaganda ro'yxat ancha kengaygan bo'lar edi. Bu O'zbekiston oldidagi hal etilishi lozim bo'lgan masalalardan biridir.

Birgina Andijon viloyatining o'zida mahalliy va respublika ahamiyatiga molik 371 ta tarixiy va madaniy meros ob'ektlari ro'yxatga olingan. Ulardan 114 tasi arxeologik, 66 tasi me'moriy yodgorlik, 117 tasi mahobatli san'at yodgorliklari- haykallar hamda 74 tasi diqqatga sazovor joylar va ziyoratgohlardir.

O'zbekiston Respublikasining "Madaniy meros ob'ektlarini muhofaza qilish va ulardan foydalanish to'g'risida" gi va Vazirlar Mahkamasining 2002-yil 29-iyuldagi "Madaniy meros ob'ektlarini muhofaza qilish va ulardan foydalanishni yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida" gi qarori tarixiy-madaniy obidalarga bo'lgan e'tiborni yanada kuchaytirdi.

Hozirgi kunda O'zbekiston YUNESKO ning 1972-yil 16-noyabrdagi "Umumjahon madaniy va tabiiy merosini muhofaza qilish umumjahon Konvensiyasi" ga qo'shilgan bo'lib, O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi 49-moddasi ham xalqaro huquq normalariga to'liq javob beradi.

2005-yil 25-26-noyabr kunlari Toshkentda Ikuo Xirayama nomidagi xalqaro karvonsaroyda "Markaziy Osiyo mintaqasida tarixiy madaniy merosni tiklash muammolari, Rivojlantirishning asosiy tamoyili" deb nomlangan xalqaro anjuman bo'lib o'tdi. Anjuman Fond Forum, O'zbekiston badiiy akademiyasi YUNESKO, "Chegarasiz restavratlar" xalqaro tashkiloti hamkorligida o'tkazildi. Maqsad esa tarixiy-madaniy merosni tiklash sohasida jahon tajribasini o'rganish, mazkur sohadagi yangi yo'nalishlarni kashf etish, Markaziy Osiyo hududida mintaqaviy restavratsiya markazini tashkil etish, shuningdek, sohada hamkorlik aloqalarini rivojlantirish. Anjumanda jahonning turli mamlakatlardan soha mutahassislari, ular orasida Gretsiya, Turkiya, Fransiya, Bolgariya, Rossiya, Qozog'iston va boshqa mamlakatlarning xalqaro tashkilotlari rahbarlari va olimlar ishtirok etishdi. Anjuman yakunlariga ko'ra, Markaziy Osiyo mintaqasida restavratsiya markazini Toshkentda ochish bo'yicha deklaratsiyaga imzo chekildi.

Davlat tarixiy va madaniy obidalarni muhofaza qilish bo'yicha butun tadbirlar majmuini amalga oshirmoqda. Bu ularni hisobga olishni tashkil qilish, ulardan foydalanish va muhofaza qilishni nazorat etish, yodgorliklarni yo'q qilish, buzish va shikast yetkazishning oldini olishga qaratilgan chora-tadbirlar, shuningdek, tarmoq qonunlarida tarixiy, ma'naviy va madaniy qadriyatlarni saqlash bo'yicha majburiyatlarni buzayotgan muassasalar, korxonalar va tashkilotlar, yuridik shaxslar, mansabdor shaxslar va fuqarolarning javobgarligini belgilab qo'yish hamdir. Masalan, O'zbekiston Respublikasi ma'muriy javobgarlik to'g'risidagi kodeksining 64- moddasida tarixiy yoki madaniy yodgorliklarni muhofaza qilish va ulardan foydalanish qoidalarini qasddan buzish fuqarolarga eng kam ish haqining bir baravaridan uch baravariga, mansabdor shaxslarga esa uch baravaridan besh baravarigacha miqdorda jarima solishga sabab bo'lishi belgilab qo'yilgan.

Basharti, shaxs davlat muhofazasiga olingan tarixiy yoki madaniy yodgorliklarni qasddan nobud qilish, buzish yoki ularga shikast yetkazishni shunday harakatlar uchun ma'muriy jazo qo'llanilganidan keyin qaytadan sodir etgan bo'lsa, u holda unga nisbatan Jinoyat kodeksi 132-moddasining 1-qismi bo'yicha eng kam oylik ish haqining ellik baravarigacha miqdorda jarima yoki uch yilgacha axloq tuzatish ishlari yohud olti oygacha qamoq jazosi bilan jazolash belgilanadi.

Basharti, bu harakatlar natijasida ko'p miqdorda, ya'ni eng kam oylik ish haqining o'ttiz barobari va undan ko'p miqdorda shikast yetkazilgan bo'lsa, shaxs oldin ma'muriy jazoga tortilgan-tortilmaganidan qat'i nazar, Jinoyat kodeksi 132-moddasining 2-qismiga binoan jinoiy javobgarlikka tortiladi. Bunday qilmishlar uchun eng kam oylik ish haqining ellik barobaridan yuz barobarigacha miqdorda jarima yoki uch yilgacha ozodlikdan mahrum qilish jazosi nazarda tutilgan.

Tarixiy, ma'naviy va madaniy yodgorliklarni muhofaza qilish maqsadida fuqarolik-huquqiy choralar ham qo'llaniladi. Masalan, Fuqarolik kodeksining 190-moddasiga muvofiq, agar mulkdor o'ziga qarashli tarixiy va madaniy yodgorliklarga xo'jasizlarcha munosabatda bo'lsa va uning yaxshi saqlanishini ta'minlamasa, zimmasida yodgorliklarni saqlash vazifasi bo'lgan davlat organlari mulkdorni yodgorlikka xo'jasizlarcha munosabatda bo'lishni to'xtatish to'g'risida ogohlantiradilar. Agar ogohlantirish natija bermasa, sud tegishli organlarning da'vosiga binoan yodgorlikni olib qo'yish haqida qaror chiqarishi mumkin va bu yodgorlik davlat mulkiga o'tadi.

O'zbekiston xalqining madaniy merosini saqlash bilan bog'liq munosabatlarni tartibga solish, madaniy boyliklarni noqonuniy ravishda olib chiqib ketish va olib chiqishdan himoya qilish maqsadida 1998-yil 29-avgustda O'zbekiston Respublikasining "Madaniy boyliklarni mamlakatdan olib chiqish va olib kirish to'g'risida"gi qonuni qabul qilindi.

O'tmishimizni avaylash, tarixiy obidalarni e'zozlash, osori-atiqalarni, qolaversa, xalqimizning buyuk o'tmishi, yashayotgan ijtimoiy hayoti va kelajagi bilan bevosita bog'liqdir.

Bu xususiyatlar millatimiz va xalqimizning milliy qadriyati bo'lib, azaldan ularning qon-qoniga singib ketgan. Milliy davlatchiligimiz tarixni o'zida aks ettirgan va kelajak avlodlarga moziydan habar beruvchi bunday arxeologik yodgorliklarni, tarixiy-madaniy obidalarni asrash har bir fuqaroning burchidir.

Foydalanilgan adabiyotlar.

1. O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasiga sharh. Toshkent "O'zbekiston" 2001. 260-bet
2. YUNESKO tashkilotining xalqaro aloqalarni takomillashtirishdagi roli va ahamiyati (O'zbekiston Respublikasi misolida) Nukus 2013. 49-bet
3. O'zbekiston milliy ensklopediyasi. 1998. 144-bet.
4. O'zbekiston va YUNESKO hamkorligi izchil rivojlanmoqda. Ma'rifat gazetasi. 2012-yil 3-noyabr, N87(8528), 2-4-betlar.

IZLAGANIM SENSAN – ONA BUXORO!

V.T.Babayeva BuxDU katta o'qituvchi

L.T.Babayeva 25-maktab, o'qituvchisi

D.Kamolova 4-2 MEH-17 guruh talabasi

O'zga yerlarda osmondan nur yog'ilsa, osmon Buxoro zaminidan nur emar ekan (xalq so'zi)

Har bir xalq o'z tarixini avaylab keladi, bu tarix ne'matlari bo'lmish merosdan kelajak sari ildam yo'l bosish uchun kuch kuvvat oladi. Siz bizning Vatanimiz bo'lgan bu tuproq tarixi buyuk taraqqiyot yo'li, ilmu urfondagi iste'dodi olamgirlik qilgan buyuk olimlar, qalamining kuchi toshni yig'latgan shoirlar faoliyati, daholik qudratlar tufayli bu o'lka shon-shuhratini olamga yoygan daholar ma'rifati tarixidir. Zero tarixidan bexabar xalq – mazlum xalq, tarixi yolg'on bilan yozilgan xalq – mahkum xalq, tarixini asragan va bilgan xalq – qudratli va tenglar ichida teng xalqdir.

Ko'hna va boqiy Buxoro nech asrlardirki o'z sha'n-shuhi, izzatu sharafi, ko'rku salobati bilan butun dunyo xalqlari e'tiborini o'ziga jalb etib, mo'tabar va sehru sinoatga boy maskan sifatida qadr topib kelmoqda.

Quyida keltirilgan suratda Buxoroning geografik joylashuvi, qadimiy darvozalari, turli nomlari, minoralari, Islom madaniyati rivojiga hissa qo'shgan "Ulug' Buxoriylar" - Etti pir, Buxorolik tarixnavislar aks ettirilgan.



Xuroson shaharlaridan birontasi ham Buxorochalik ko'p nomga ega emas. Buxoro nomlari xususida Buxorolik tarixnavis Abu Jafar Narshaxiy "Buxoro tarixi" asarida quyidagi

ma'lumotlarni keltiradi: - "Ahmad ibn Muhammad ibn Nasr Buxoro ko'p ismlarga ega deydi va o'z kitobida **Numijkat** degan ismni keltiradi. Yana boshqa bir joyda men uni **Bumiskat** deb keltirilganini ko'rdim. Boshqa bir joyda arab tilida "**Madinat us-sufriya**", ya'ni "**Mis shahar**" va yana boshqa bir joyda arab tilida "**Madinat ut-tujjor**", ya'ni "**Savdogarlar shahri**" deb yozilgan. Buxoro degan nom u nomlarning barchasidan mashhurroqdir. Bir hadisda Buxoro nomi **Foxira** bo'lib kelgan. Hoja imom, voiz Muhammad ibn Ali Nujobodiy rahmatli Salmoni Forsiydan bir hadis rivoyat qilgan. Salmonning aytishicha:" Payg'ambar, - xudo unga o'z rahmat va salomini yo'llasin,- shunday degan: "Jabroil aytganki, kun chiqish tomonda bir joy bor. Uni Xuroson deydilar, uning uchta shahrini qiyomat kuni yoqut va marjon bilan ziynatlab keltiradilar, ulardan nur chiqib turadi. Bu shaharlarning har birida yetmish mingdan bayroq, har bir bayroq tagida yetmish mingtadan shahid yotgan bo'ladi va har bir shahidning sharofati bilan forscha so'zlovchi yetmish ming kishi azobdan qutuladi. Hazrat payg'ambar: Ey, Jabroil! U shaharlarning nomlarini menga ayt, dedi. Jabroil: Shaharlarning birini arab tilida Qosimiy, forschada Yashkard, ikinchisini arabchada Samaron, forschada Samarqand, uchinchisi arabchada Foxira, forschada Buxoro deydilar, - deb javob berdi. Payg'ambar so'radi : - Ey, Jabroil! Nega **Foxira** deb ataydilar? Jabroil: - Shuning uchunki, **qiyomat kuni Buxoro shahri o'zida shahidlarning ko'pligi bilan faxr qiladi**, - deb javob berdi. Payg'ambar xitob qilib: - Ey Xudo! Foxiraga barakat bergin, uning xalqlari dillarini taqvo bilan pok etgin, ishlarini pokiza qilgin va ularni mening ummatimga marhamatli qilgin! - dedi. Ana shu ma'ni tufayli buxoroliklarning rahmdilliklariga , ularning e'tiqodlilik va pokliklariga kun chiqish va kun botish guvohlik beradi". (Narshaxiy "Buxoro tarixi". 102- 103- betlar)

Buxoro viloyatida Xoja imom Abu Hafs Kabir Buxoriyga teng biror kishi bo'lgan emas. U Buxoroning mutaaxxirlari jumlasidan bo'lib, ham zohid, ham olim edi. Buxoro o'sha kishi tufayli "**Qubbat ul-islom**"-"**Islom dinining gumbazi**" deb atalgan. Buxoro aholisining ilmi bo'lishiga, Buxoroda ilm keng tarqalishi va imomlar, ulamolarning hurmatli bo'lishlariga u kishi sabab bo'lgan. Hojilar karvoni hajdan qaytib kelayotganida ularning ulamolari Xoja imom Abu Hafs oldiga kelib undan masala so'rar edilar. Shunda Abu Hafs: - "O'zingku Iroqdan kelayapsan, nima uchun Iroq olimlaridan so'ramading?" - deb so'rar, u olim esa: "Bu masalada Iroq olimlari bilan munozara qildim, ular javob bera olmadilar va menga Buxoroga borganingda bu masalani Xoja imom Abu Hafs Kabir Buxoriydan yoki uning farzandlaridan so'ra" - dedilar deb javob berar edi. Ana shundan keyin Abu Hafs bu masalaga to'g'ri javob berar ekan. (Narshaxiy " Buxoro tarixi" 130-bet).

Abu Hafs Kabir Buxoriy haqidagi quyidagi rivohat ham xalq orasida juda mashhurdir.

Rivoyat qilishlaricha, Buxoroda islom olamida mashhur ulug' bir donishmand yashab o'tgan ekan. U Turkiya , Eron, Iroq mamlakatlariga safar qilibdi. Safar chog'ida ilm o'rganibgina qolmay, madrasalarda tolibi ilmlarga saboq berib, halol ishlab topgan pullariga nodir va bebaho kitoblar sotib olib, Buxoro tomon yo'l olibdi. Karvon Buxoroga yetib kelgan paytda shahar tun qo'ynida mudrab yotgan ekan. Donishmand shahar darvozasiga yaqinlashib, uning zulflarini ohista chertib, qorovulni chaqira boshlabdi. Sal o'tmay qorovul ovoz beribdi. Shunda donishmand o'zini Abu Hafs Kabir deya tanishtirib, "Buxoroliklarga, ona xalqimga tuyalarga ortilgan ilmu ziyo xazinasini olib kelmoqdaman",- debdi. Qorovul donishmandning so'zlari mag'zini chaqar ekan, donishmanga "Hazrat, komil iymon chist?" ya'ni "Komil iymon nedir?"- deya savol beribdi. Hazrati Imom uzoq o'ylanib qolibdilar. So'ng darvozaga yaqinroq kelib, "Komil iymon sabrdir"- deya javob qaytaribdilar. Bu javobni eshitgan qorovul : "To'g'ri, komil iymon sabrdir. Shuning uchun ham salgina kuting, darvoza kalitlari qorovulboshida. Tong otib, darvozalar ochilgach, bemalol shaharga kiraverasizlar . "Abu Hafs Kabir esa Buxoro xalqining nechog'lik bilimdon va zukko ekkanligiga yana bir bor iymon keltirib, savoli bilan uni shoshirib qo'ygan qorovulning aql-farosatiga, zukko ekkanligiga yana bir bor iymon keltirib, savoliga javobidan o'zi qoyil qolibdi. (I.Muxsinov, M.Muxsinova "Go'zallikning boqiy umri" 6- bet)

Har bir shahar o'tmishini o'rganish, etnografik tomondan bilishda unung rastayu guzarlari haqidagi bitiklar alohida ahamiyatga ega. Ko'hna Buxoro turar-joylari tarixini o'rganish mo'ysafid shaharning o'zi singari qadimiydir. Bu haqda o'tmish qo'lyozma manbalari, harbiy topograflar Parfenov va Feninning ilmiy ishlarida qiziqarli ma'lumotlar yozib qoldirilgan. Ularning ilmiy mulohazalaridan Buxoro guzarlarida istiqomat qiluvchi aholining milliy qatlami, tili, urf-odatlar, kiyimi, rasmu-rusumlari, kasbu-kori, me'morchilik san'atiga doir nodir ma'lumotlarni toposhimiz mumkin.

Quyidagi suratlarda turli davrlarda o'zbek va rus olim-u, tarixshunoslari tomonidan Buxoro guzarlarini o'rganishga doir ilmiy izlanish natijalari umumlashtirilgan holda keltirilgan.

1. Buxoro guzarlari tarixi bo'yicha manbalar.



A.Kun va L.I.Rempel	<ul style="list-style-type: none"> • XIX asrda Buxoroda • 197ta guzar
G.Yu.Astanova	<ul style="list-style-type: none"> • XXasr boshlarida • 200ta guzar, 25000 hovli
M.Parfenov	<ul style="list-style-type: none"> • XXasr boshlarida • 220ta guzar

Buxoro guzarlarining mavzalar bo'yicha nomlanishi.



Buxoro guzarlari to'g'risida tahliliy ma'lumot

№	Mavzelar nomi	Manbalarda guzarlar soni	1927 yilda guzarlar soni	1929 yilda guzarlar soni
1	Shayx Rangrez	18 ta	17ta	4 ta
2	Turki Jandi	20 ta	13 ta	4 ta
3	Jo'ybor	20 ta	18 ta	7 ta
4	Chashmai Ayub	19 ta	19 ta	4 ta
5	Registon	19 ta	12 ta	5 ta
6	Xiyobon	18 ta	15 ta	4 ta
7	Murdasho'yon	15 ta	9 ta	---
8	So'fiyon	12 ta	11 ta	2 ta
9	Gavkushon	20 ta	17 ta	3 ta
10	Shahriston	20 ta	11 ta	7 ta
11	Iskandarxon	19 ta	17 ta	5 ta
12	Kalobod	20 ta	20 ta	5 ta

Buxoro haqida o'tmish allomalaridan biri: "Buxorodan chiroyliroq shaharni ko'rmadim. U erda osmon ko'k gilam ustida turgan zangori g'altakka, ular oralig'idagi qasrlar esa osmondagi yulduzlarga o'xshaydi..." deb yozganidek, bu o'lka hozirda va bundan keyin ham ana shunday samo yulduzlariga hamohang, mangu inoq do'stlikka asoslangan, ilm-fan, ijod, bunyodkorlik va nafosat maskani bo'lib qolgusidir. Islom ta'lim, fan va madaniyat tashkiloti tomonidan 2019 yil 18 dekabrda Tunisda bo'lib o'tgan XI Islom Konferensiyasida 2020 yilda Buxoroning Islom madaniyati poytaxti sifatida tasdiqlanishi ham firkimizning yaqqol tasdiqlaydi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati

1. Abu Bakr Muhammad ibn Jafar an-Narshaxiy. Buxoro tarixi. Toshkent. Kamalak. 1991.
2. S.Raxmatova, H.Qurbonov. Buxoro guzarlari tarixidan lavhalar. Buxoro.1995.
3. L.I.Rempel. Dalyokoe I bliskoe (Buxarskie zapisi). Toshkent. 1981
4. I. Muxsinov, M.Muxsinova. Go'zallikning boriy umri. Buxoro. 2011

ИСЛОМ МАДАНИЯТИ РИВОЖЛАНИШИДА ИЛМИЙ КОММУНИКАЦИЯНИНГ АҲАМИЯТИ

Илёсжон Сиддиқов
ФарДУ фалсафа кафедраси ўқитувчиси
Асқарова Адолатхон
ФарДУ Ижтимоий иш кафедраси ўқитувчиси

Ахборот асрини инсоният тамаддунининг учинчи босқичи деб таърифлаш одатга айланмоқда. Америкалик олим Элвин Тоффлер «Учинчи тўлқин» китобида мазкур уч асосий даврга қуйидагича таъриф беради: «Ўзгаришларнинг биринчи тўлқини – қишлоқ

хўжалигидаги инқилоб – тугагунигача мингйилликлар керак бўлди. Иккинчи тўлқин – саноат цивилизациясининг юксалиши – бор-йўги 300 йилни эгаллади. Бугунги кунга келиб тарих янада тезлашиб кетди ва Учтинчи тўлқин бир неча ўн йилликлар давомида тарихдан ўтиб кетиши эҳтимоли бор»¹. Муаллиф Учтинчи тўлқин деганда ривожланган ахборот жамияти даврини назарда тутди. Мазкур ўн йилликларга ахборотнинг жамиятдаги ролини янгича тушунишни акс эттирадиган дастлабки китоблар чоп этилган муддатни қўшганда (Норберт Винер, «Кибернетика», 1948 й.), барибир ривожланган ахборот жамиятининг даври жами бир асрдан ошмайди. Бу давр «ахборот асри» деб ном олди.

Мазкур мақолада IX асрдан XVI асргача бўлган ораликдаги давр ўрганилмоқда. Ахборот асри нима билан тугаши, у ер аҳолисини охир-оқибатда нимага олиб бориши ҳали номаълум. Аммо ўрта асрларда инсоният қандай юксак натижаларга эришгани ҳаммага аён. Бу давр тарихга «Мусулмон Ренессанси» номи билан кирди ва унда инсоният тарихида санокли бўлган буюк юксалишлардан бири юз берди, ислом маданияти ўзининг юқори чўккисига кўтарилди. Мазкур замон Имом ал-Бухорийдан Алишер Навоийгача атокли шахслар даври бўлди. Бу асрларда Форобий, Беруний, Ибн Сино, Амир Темур, Бобур каби олимлар ва ёзувчилар, жамият ва давлат арбоблари етишиб чикди. Маълумки, Мусулмон Ренессанси вакиллари Европа Ренессансининг пайдо бўлиши ва ривожланишига салмоқли хисса қўшдилар. XIV–XVI асрларда Европа университетларининг шаклланишига асосий сабаб бўлган табиий ва фалсафий фанларнинг негизида Ибн Сино (Авиценна) ва Ибн Рушд (Аверроэс)ларнинг илмий концепциялари ётган.

Ҳозирги даврнинг мураккаблиги – замонавий халқаро ва миллий оммавий ахборот воситалари таъсирида – кўп асрлар давомида шаклланган кадрятларга маълум маънода путур етказётганида ҳам ўз ифодасини топмоқда. Шунинг учун ҳозирги муҳим вазифалардан бири – ўша даврлар тажрибасига яна бир бор мурожаат этиб, минг йиллик синовлардан ўтган ижобий натижа ва маданий бойликларни тўлароқ ўзлаштириш, инсонпарварлик гоёларидан самарали фойдаланишдир.

IX–XVI асрларда яшаган одамлар, бугунгилар каби, яхши сўз қадрига ета билганлар. Адам Мец келтирган фактда хат орқали бўладиган мулоқот бошқа ҳар қандай кўмакдан юқори қўйилган: «Яхши сўзнинг савобига ҳеч нарса етмайди»¹.

Ўрганилган даврдаги асарларда бевосита таълим ва тарбия мавзуларига багишланган фикрлар жуда кўп. Жумладан, таълимнинг асосий шаклларида бири кутубхоналар ҳисобланарди. Адам Мец халифа ал-Азиз хусусида кейинги авлодлар унинг кутубхонасидаги китоблар миқдорини билишга қизиқганини, китоблар сон-саногини 160-120 минг жилд оралигида бўлганини ёзади. Ибн ат-Турбатий айтишича, кутубхоналар ички бўлиниш (ҳозирги каталог)ларга эга бўлиб, кичик-кичик хоналардан таркиб топиб, ҳар бир кичик хонанинг олдида эса эшикча ўрнатилган эди. Олим ўрта асрларда Осиёда кутубхоналар кенг ривожланганлиги ва Европадан анча илгарилаб кетганини таъкидлайди. Қиёс тариқасида айтиш мумкинки, Европанинг Констанца шаҳридаги кутубхонасида IX асрда 356 жилд, Бенедиктбеурендаги кутубхонада (1032 йил)да 100дан бир оз кўпроқ, Бамберг (1130 йил) кутубхонасида атиги 96 жилд асар бўлган².

IX–XVI асрларда подшоҳ ва амирлар ўз обрўсини кўтариш ёки маърифат тарқатиш мақсадида тарихчиларни, олимларни саройларда йигиб, бадий ва илмий давралар қурган, машҳур китобларни, шеърларни, илмий тадқиқотларни кўчиртирган.

Марказий Осиёда яшаган мутафаккир Абу Али ибн Сино тиббиётга багишланган китобида бундай ёзган: «Бухоро амири ибн Нух Масъуддан унинг кутубхонасини кўришга рухсат сўрадим ва шу кутубхонада бор китобларни кўриб чикдим... Менга энг таъсир қилгани шу бўлдики, ҳеч қачон номини одамлар эшитмаган китоблар ҳам бор эди»³.

¹ Тоффлер Э. Третья волна. – М.: ООО «Издательство АСТ», 2004. – С. 32-33.

² Мец, А. Мусульманский Ренессанс. – М.: «Наука», 1973. – Б. 202.

³ Мец А. Мусульманский Ренессанс. – М.: «Наука», 1973. – С. 149.

³ Абу Али. Ибн Сино, Жизнеописание // Медицинские взгляды. – Т.: «Медицина», 1983. – С. 11.

Давр олимлари учун таълим олиш маърифатли бўлиш саналган. Ўрта асрларда ижод қилган тарихчиларнинг китоблари давлат арбоблари, дин пешволари ва кенг оммани адолатли бўлишга, доноликка даъват этган. Кишиларда ақл-фаросат ва билим бўлса, улар қандай шароит бўлмасин, ўз одамгарчилигини йўқотмайди. Давлат раҳбарлари, подшоҳлар, халифалар маърифатли кишиларни кадрлаганлар.

«Хоразмшоҳ Абдулаббос ўша давр фанининг намояндаси сифатида Берунийни жуда каттиқ хурмат қилган»¹, Багдод халифаси Муътадид олим Собит бин Куррага нисбатан шундай муносабат билдирган, деб ёзади Байхақий. Унинг асарида: «Қалам қиличдан ўткурдур»², деган фикр бор. Масжид, мадрасалар ўша даврларда етакчи таълим марказлари ҳисобланган, университетларни эса «мадрасаи олия»³, деб атаганлар. Мадрасалар фаолиятини яхши йўлга қўйишга нафақат подшоҳ, султон ва дин арбоблари, шу билан бирга ўша даврлардаги зиёлилар ҳам бел боғлаганлар.

Мусулмон Шарқда таълим ва илмнинг асосий ўчоқлари бўлган масжидлар, мадрасаларда илмий мулоқотлар турли тартибларда олиб борилган. Ҳукмдорлар ва сарой аъёнлари маълумотли ва маърифатли бўлишни ўзлари учун шараф деб билганлар, ҳатто подшоҳларнинг кўпчилиги шоир ёки шеърят мухлиси бўлган.

Мусулмон Ренессанси бекорга шу номни олмаган. Ўрта асрларда мусулмон Осиёсининг йирик шаҳарларида кўплаб илм ва маънавият ўчоқлари фаолият кўрсатган. Ушбу марказларда эса анчагина олимлар ижод қилган, халқнинг маърифатини юксалтирган. Масалан, бухоролик олимлар сони ҳақида Наршахийнинг шундай гаплари бор: «Бу китобнинг мусаннифи (Наршахий – И.С.) айтади: Агар Бухоро олимларининг ҳаммасини зикр қилсак, бир нечта дафтарни ташкил этади»⁴. Мазкур факт, ушбу ҳудудда илмий фаолият тизимининг ўша даврда яхши йўлга қўйилганини англатади.

Маълумотларни етказиш эса ўша вақтларда бугунгидек кўп жиҳатдан хабар берувчининг билими ва савиясига боғлиқ эди. Абу Райхон Беруний бу ҳақда қуйидагича ёзади: «Одатда бўлиши мумкин бўлган нарса ҳақида берилган хабар бир хилда – рост ва ёлгон бўлаверади; хабар, хабар берувчилар сабабли ростлик ва ёлгонлик тусини олади. Чунки одамларнинг мақсадлари хилма-хил; халқлар ўртасида тортишиш ва талашиш кўп»¹.

Ҳақиқат баҳсда тугилади, деган нақл қадим вақтлардан бери кўпчиликка маълум. Абу Райхон Беруний хабарда жумлаларнинг тўғрилиги ва ишончли фикрлар асосида рост хабар етказмоқ зарурлигини баён этади. Илмий коммуникация сифатида ёзма манбаларнинг ахамияти бениҳоя каттадир. Бундай манбалар шаклланиб, турли коммуникатив усулларда бугунги кунгача етиб келди. Байхақий ёзадики: «Бошқа тарихчилар асарларида бизга ҳос батафсиллик йўқ, чунки уларнинг муаллифлари воқеалар ҳақида ўта содда гапирадилар. Мен эса тарихни тўлалигича акс эттирмоқчи бўлдим»². Муаллиф асарни тайёрлашда ўша давр муҳити ҳақида тўла билимга эга бўлиб, мавжуд воқеликни аниқ далил ва манбаларга асосланиб ёзсагина, бу асар илмий манбага айланади, деб ҳисоблайди. IX–XVI асрларда, сарой девонларида китоб, рисола ва ҳужжатларга эътибор, уларни сақлаш, авлоддан-авлодга етказиш, улардан самарали фойдаланиш анъаналари мавжуд эди. Замонавий давлат тартиботини (яхши маънодаги бюрократияни) айрим мутахассислар Ғарб мамлакатларининг ихтироси, дея ҳисоблайди. Бу фикрга қўшилиш кийин. Чунки Багдод халифалари томонидан бир неча асрлар давомида яратилган давлат тизими ниҳоятда пухта бўлган ва самарали ишлаган, бу эса китоблар, турли расмий ҳужжатлар намунали сақлангани ҳамда улардан унумли фойдаланиш натижасидир. Ўша замонда китоб ва ҳужжатлар билан ишлаш яхши йўлга йўлга қўйилиб, қозғоқ ҳужжатларни матога елимлаб ўраб, шу ҳолда архивда сақлар эдилар. Ёзма маълумотлар жуда эҳтиёт қилинган ва тарқатилган, бу эса ўша даврлар коммуникациясининг муҳим талабларидан ҳисобланган.

¹ Байхақи, Абу-л-Фазл. История Масъуда. – М.: «Наука», 1969. – С. 810.

² Байхақи, Абу-л-Фазл. История Масъуда. – М.: «Наука», 1969. – С. 813.

³ Валихўжаев Б. Мадрасаи олия. // «Мозийдан садо». 2002. №2. – Б. -31-34.

⁴ Наршахий, Абу Бақр. Бухоро тарихи. – Т.: «Камалак», 1991. – Б. 90.

¹ Беруний, Абу Райхон. Ҳиндистон. // Танланган асарлар. Т. 2. – Т.: «Фан», 1996. – Б. 25.

² Байхақи, Абу-л-Фазл. История Масъуда. – М.: «Наука», 1969. – С. 80-81.

Ушбу усулдан ўрта аср олимлари кенг фойдаланган. Бу ҳақда Абу Райҳон Беруний шундай ёзади: «Агар биз Байтулмуқаддаснинг Бухтанассар томонидан аввалги вайрон этилиши билан Искандар даври ўртасидаги (муддатни) билмоқчи бўлсак, Эрон тарихларидан биринчи қисмининг жадвалларида у муддатни уч юз қирқ саккиз йил, калдоний подшоҳларининг жадвалларида икки юз тўқсон уч йил эканини кўрамиз, яҳудийларнинг эса (у муддатни) бир юз ўн йил деб гумон қилганликларини учратамиз»³. Бу каби жиҳатлар ислом маданиятини вужудга келишида муҳим аҳамият касб этган.

КЛАСТЕР ТУРИЗМ РИВОЖЛАНИШИДА МУҲИМ ЙЎНАЛИШ

А.Бозоров, М.Қурбонова, Н.Бадалова
ҚарДУ Туризм 2-босқич магистрантлари

Туризмни ривожлантиришда бугунги кунда бир қатор омиллар ечимини кутаётган бўлиб, бу омилларни ечимда кластер имкониятларидан фойдаланиш замон талабидир.

Туризм ривожланишига тўсқинлик қилаётган омиллар сифатида қуйидагилар қайд этилди:

- туристик инфратузилманинг паст даражаси;
- ички ташувларда транспорт харажатларининг юқорилиги;
- туристларни жойлаштириш воситалари, жойлари ва дам олиш масканлари етишмаслиги;
- кўп туристик объектлар ҳолатининг қониқарсизлиги;
- туризм инфратузилмасининг барча секторларида хизмат кўрсатишнинг сифати халқаро талаблардан паст даражадалиги;
- мамлакатнинг деярли барча автомагистралларида сифатли йўллар инфратузилмасининг йўқлиги;
- худудларимизда ва хорижда сайёҳлик имкониятларимиз ҳақида маълумотларнинг етарли эмаслиги.

Минтақада туризмни ривожлантириш учун тармоқларни кластерлаш йўли орқали амалга оширилиши мумкин бўлган комплекс ёндашув ва комплекс таҳлилдан фойдаланиш керак. Айрим туристик объектларнинг (нафақат худудий) ўзаро боғлиқлиги ва мавжудлиги ушбу объектларни кластерларга бирлаштиради, кейинчалик улар алоҳида туристик - рекреацион уюшмалари сифатида кўриб чиқилиши мумкин.

Туристик соҳада кластерлар ўзаро муносабатдаги туристик маҳсулотларни ишлаб чиқиш, ишлаб чиқариш, тарғиб қилиш ва сотиш билан, шунингдек туризм ва рекреацион хизматлар билан биргаликда фаолият юритадиган корхона ва ташкилотларнинг маълум бир худуд доирасида тўпланиши ҳисобланади.

Туристик-рекреацион кластерларни яратишдан мақсад синергетик натижалар - кластер таркибига кирувчи ташкилот ва корхоналар фаолиятининг самарадорлиги ошиши, инновациялар рағбатлантирилиши, янги йўналишларни ривожлантириш рағбатлантирилиши орқали туристик бозорларда худуднинг рақобатбардошлигини оширишдан иборат.

Туристик кластерларни яратиш амалий жиҳатдан худуднинг жойлашувини аниқлаб, минтақа обрўининг шаклланишига таъсир кўрсатади.

Бу ҳолат бўйича туризм соҳасини ривожлантиришни режалаштираётган худудда транспорт - логистик тизимини ривожлантиришнинг бир қатор ижобий томонлари аниқланди. Ўз навбатида, минтақа туристик соҳасининг кластерли модели кластернинг технологик негизини яратувчи камида тўртта технологик гуруҳларнинг бирлашишини назарда тутади.

³ Беруний, Абу Райҳон. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар. // Танланган асарлар. Т. 1. – Т.: «Фан», 1965. – Б. 149.

Биринчидан, илгор илмий лабораториялар – янги технологиялар асосини яратувчи тажрибали корхоналар, бизнинг ҳолатда бу минтақавий туризм ривожланишини тартибга солиш бўйича Идоралараро мувофиқлаштирувчи кенгаш.

Иккинчидан, ишлаб чиқувчилар маркази – муниципал тузилмаларда туризм бўйича ижтимоий мувофиқлаштирувчи кенгаш.

Учинчидан, саноат ва технологик гуруҳлар – ишлаб чиқариш ускуналаш ишларини амалга ошириб, улар корхона ёки ассоциация ҳисобланади.

Тўртинчидан, маркетинг гуруҳлари – товар ва хизматларни жадаллаштириш ва барқарор талаб, туристик ва реклама агентликларини яратишга қодир.

Кластерлар инновацион тизимлар бўлиб, улар минтақаларнинг самарали иқтисодий ривожланиши учун негиз бўлиши мумкин. Кластерли ёндашув маълумотларни бирлаштиришнинг янги шакллари яратиш учун жуда катта салоҳиятга эга асос ҳисобланиб, инновацион илмий-техник йўналишлари пайдо бўлиши ва уларнинг тижорий таклифларини рағбатлантиради, таълим, фан ва бизнес соҳасини билвосита қўллаб-қувватлайди.

Туристтик кластерларни, айниқса кичик тадбиркорлик тузилмаларининг бирлашуви асосида ташкил этилган кластерларни яратиш ва улар фаолиятини олиб бориш шартлари инновацион технологиялар асосида истиқболли лойиҳаларни инвестициялаш шартлари бўлиши ҳам мумкин. Бу ерда, —инновацияли тушунчасини, биринчидан инновацион фаолиятнинг ривожланиши ва самарадорлигига ҳисса қўшадиган янгилик сифатида, туризм соҳасида кластерлашни ташкил этиш, тарқатиш ва фойдаланишдан иборат ривожланаётган комплекс жараёнларини ўзида намоён этувчи махсус иқтисодий ёндашув, иккинчидан эса, мажмуавий кластернинг ўз-ўзидан пайдо бўлиши, бу – минтақанинг иқтисодий тизими доирасидаги янгилик бўлиб, ижтимоий амалиётда сезиларли ўзгаришларга олиб келади.

Таъкидлаш лозимки, фаолиятнинг маълум бир соҳаси атрофида тўпланадиган тармоқ кластерлари ҳамда тармоқлараро кластерлар мавжуд. Масалан, туристик-рекреацион кластер бевосита қуйидагиларни ўз ичига олади:

- туризмни ташкил этиш (турагентлар, турбюро ва бошқалар);
- меҳмондўстлик саноати корхоналари (кемпинг, отел ва бошқалар);
- умумий овқатланиш (ресторан, кафе, барлар);
- транспорт (темир йўл, ҳаво, автомобил ижараси);
- реклама ва бошқа соҳа муассасалари, шунингдек туризм инфратузилма тоифасига кирувчи ва унга йўлдош бўлган компаниялар ва бошқалар.

Туризм учун, шунингдек маълум бир йўналишдаги (худуд, корхона ва бошқ.) кластер тизимининг таркибий қисмлари (звенolari) шаклидаги бошланғич туристик кластер каби тушунчага эга. Кластерларнинг шаклланиши ва ривожланиши минтақада барқарор бизнес ривожланиши стратегиясининг муҳим омилларидан бири ҳисобланади.

Умуман олганда, бизнес учун кластер ўз рақобатбардошлигини таъминлаш учун, яъни беш-ўн йил ва ундан кўпроқ даврда корхоналарни ривожлантириш бўйича узоқ муддатли стратегияни яратиш учун ҳақиқатий имкониятдир. Бу ерда муваффақиятга эришишнинг асосий омиллари бизнес раҳбарларининг фаол позицияси ва минтақадаги турли ташкилий гуруҳларнинг манфаатлари орасидаги ижобий ҳамкорликдир. Шундай экан, кластернинг муваффақият калити бўлиб тараккий этган рақобат, раҳбарларга йўналтирилганлик ва минтақа маъмурияти томонидан кўрсатиладиган кўмак ҳисобланади.

Кластер тизимларини ривожлантириш ва уни рағбатлантириш асосида минтақавий иқтисодий ривожланиш бизнес фаоллиги ва ташаббуси, шунингдек бизнес ва ижро этувчи, қонун чиқарувчи кучларнинг биргаликдаги саъй-ҳаракатини ўз ичига олади. Туристтик кластерларни яратиш ва ривожлантиришда ишбилармонлар ва ҳукуматнинг аҳамияти турлича, лекин ўзаро бир-бирини тўлдириб боради. Кластерларни ривожлантириш йўлларида бири, турли даражадаги маъмурий тузилмаларнинг иқтисодий ва ижтимоий дастурлари ҳисобланади.

Бугунги кунда бу жараён республикамизнинг, айниқса, эркин туристик зоналарида кузатилмоқда. Минтақаларни ривожлантиришнинг бу каби иқтисодий стратегияси худуднинг маданий-тарихий ёдгорликларига зарар етказмайдиган туризм саноати ва меҳмондўстлик корхоналаридан иборат кичик ва ўрта корхоналар бирлашуви унинг ривожланишининг белгиларига айланишини англатади.

Туристтик-рекреацион кластер уюшмаларини яратиш ташаббуси билан кичик тадбиркорликни намойиш этиш мақсадга мувофиқдир. Ўз навбатида, кластерларни ташкил этиш ва ривожлантириш барча миқёсда, корхонадан тортиб минтақа миқёсидаги тузилмалар учун бир қанча устунликларни яратади.

Мисол учун, туризм кластери пайдо бўлишида бизнес соҳасида ижобий томонлари бўлиб, куйидагилар ҳисобланади:

-кластер доирасида талабларни бирлаштириш туфайли бозорга олиб чиқувчи тўсиқларни камайтириш имконияти;

-хизмат кўрсатиш ходимларини уюшган ҳолда ўқитиш самарадорлигига эришиш имкониятининг пайдо бўлиши;

-ускуналар, жиҳозлар ва ахборот технологиялари маҳсулотларини харид қилиш самарадорлигини ошириш;

-буюртмаларга (мижозларга) кириш имкониятини осонлаштириш ва ошириш;

-кластернинг ижобий мавқеини (брендини) унинг иштирокчиларига ўтказиш;

-минтақадаги касбий таълим тизимларининг (бюджетдан молиялаш ҳисобидан) кластер корхоналари эҳтиёжларига мослаштириш имконияти пайдо бўлиши;

-минтақада амалга оширилаётган минтақавий инновацион ва бошқа турдаги дастурлар кластер манфаатларини ҳисобга олиши мумкин.

Иқтисодиётда изоляцияланган компания ва тармоқлар эмас, балки кластерларнинг устунлиги ўзаро алоқадаги географик жиҳатдан юқори тўйинган тармоқларга эга минтақавий иқтисодиёт учун ҳам жуда муҳимдир. Бу ерда кластерлар ривожланишининг ижобий томонлари ҳам мавжуд. Биринчидан, аҳоли бандлигини оширишни таъминлайди, иккинчидан, малакали мутахассисларни жалб қилади, учинчидан, иқтисодиёт ва хизматлар соҳасида аралаш секторларнинг ривожланишини таъминлайди.

Муайян бир шаҳар ёки минтақа иқтисодиёти учун кластерлар пайдо бўлиши билан боғлиқ бўлган муҳим натижа тадбиркорлик тузилмаларида фаолият юритадиган кишиларнинг иш ўринлари билан таъминланишлари кафолатланган бўлади. Бундан ташқари, кичик тадбиркорликда банд бўлганлар сонининг ортиши, солиқ базасини сақлаб қолиш ва ошириш, ишсизлик бўйича нафақаларни қисқаритиш ва ҳоказолар.

Умуман давлат иқтисодиёти учун кластерлар ички бозорнинг ўсиш нуқталари ролини бажаради. Кластер тузилмалари алоҳида компанияларнинг рақобатбардош устунликларини оширишга, шунга мувофиқ муайян иқтисодий таъсирга эришиш имконини берувчи тузилмаларга боғлиқ. Кластерлар алоҳида корхона ёки тармоқлар учун ўрганиш ва прогноз қилишда муқобил объект сифатида намоён бўлиб, шу билан бир вақтда, минтақавий ривожланиш стратегияси доирасида қўллаб-қувватловчи объект ҳисобланади.

Кластерлар ривожланишининг иккита ўзаро бир-бирини тўлдирувчи стратегияларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

-мавжуд кластерлардаги билимлардан фойдаланишни оширишга йўналтирилган стратегия;

-кластерлар ичида янги ҳамкорлик тармоқларини яратишга йўналтирилган стратегия.

Туризмни ривожланган мамлакатларда самарали фаолият юритаётган кластерлар стратегик инвесторлар ва йирик капитал қўйилмаларининг пайдо бўлишида истиқболли тузилмага айланмоқда. Кластерли тузилмалар маркази бўлиб, одатда бир қанча йирик компаниялар ҳисобланиб, бунда улар ўртасида рақобатбардош муносабатлар сақланиб келмоқда, лекин, айтилган пайтда кластерлар кичик корхоналарнинг ривожланишига ҳам олиб келади. Шунингдек, ташкилотларнинг кластерли шакли инновацияларнинг махсус — умумий инновацион маҳсулот шаклининг яратилишига олиб келади.

Бундан ташқари вертикал интеграцияга асосланган кластерлаш турли хилдаги илмий ва технологик кашфиётларнинг ўз-ўзидан жамланишини эмас, балки янги билим ва технологиялар тарқалишинининг тузилмавий тизимларини шакллантиради. Бу ерда инновациялар бўйича гоёларнинг, рақобатдош устунликларда эса инновацияларнинг самарали трансформациясининг асосий шарти бўлиб, кластернинг барча иштирокчилари ўртасида барқарор алоқалар тармогининг шаклланиши ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш Давлат қўмитаси маълумотлари. www.uzbekturizm.uz
2. www.lex.uz. Ўзбекистон Республикасини Президентининг “Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги Фармони”.
3. “Ўзбекистон сайёҳлар эътиборида”. Халқ сўзи. № 264. 2018 йил декабрь.
4. Б.Ш.Сафаров. “Миллий туризм хизматлари бозорини инновацион ривожлантиришнинг методологик асослари”. Монография. Тошкент. “Фан ва технология”. 2016 й.
5. Файзиева Ш.Р. “Ўзбекистонда туризмни ривожланишининг иқтисодий механизмини такомиллаштириш”. Номзодлик диссертацияси. Тошкент. ЎЗМУ.
6. www.stat.uz. Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

ИСЛОМ ТАМОЙИЛЛАРИ АСОСИДА ЭКОТУРИЗМНИ ТАШКИЛ ЭТИШ МАСАЛАСИ

*Қодиров Д.Х., БухДУ ўқитувчиси
Қодиров Туронбек, БухДУ талабаси*

Глобаллашув жараёнида Ислом дини дунё аҳолиси орасида кенг ёйилиб бормоқда. Бунинг натижасида мусулмонларнинг дам олишлари учун ҳалол туризмга эҳтиёж пайдо бўлади. Мусулмон сайёҳларнинг ҳам ўз навбатида ўзига яраша талаблари ортиб, дидлари нозиклашиб бормоқда. Шу туфайли ҳозирда сайёҳларни ҳайратга солиш ва эҳтиёжларини қондириш осон эмас. Саноат ва техниканинг ривожланиши, ҳаёт учун қулай шароит ва шаҳарлашиш инсоннинг цивилизация неъматларига кўникиб, ёввойи табиатдан узоқлашишига олиб келди. Энди одамзод табиатга қайтишни истади. Албатта, шундай ибтидоий роҳатни экологик туризм таклиф эта олишини туризм соҳаси мутахассислари англаб етдилар.

Экологик саёҳат йўналиши охириги пайтларда жудаям оммалашиб бормоқда. Сайёҳлар қулай ва дабдабали меҳмонхоналардан, транспорт воситалари ва турли хил инсон яратган ихтироларидан юз ўгириб, оддий ҳаёт ва сокин табиат билан ёлғиз қолишни афзал биладилар.

Экотуризмнинг яна бир номи яшил туризм ҳисобланади. Мусулмонлар табиат ва инсон орасидаги муносабатни илоҳий ҳисоблайдилар ва Аллоҳ олдида табиатни асраб-авайлашлари, тоза ҳамда гўзал тутишга масъулдилар. Уламолар: “Аллоҳни севмоқ у яратган махлуқотларни: табиат, инсон, ҳайвонот ва ўсимлик дунёсини севиш деганидир” дейдилар. Муҳаммад алайҳиссалом ҳадисларида, сув, далалар ва туз ҳамманикидир дейдилар. Яна бир жойда у зот: “табиатни сўкманг, чунки у Парвардигорига бўйсунди” деб, айтганлар.

Шундай экан экотуризмни ташкил қилиш ҳам исломий қоидалар асосида бўлиши ва табиатга зарар келтирмаслиги лозим. Мутахассислар экотуризмнинг бир қанча турини ажратиб кўрсатадилар. Замонавий экотуризм турли мақсадларни кўзлашига қараб бир нечта йўналишларни ўз ичига қамраб олади:

1. Илмий экотуризм – табиатни ўрганиш, дала тадқиқотлари ва турли кузатишларни олиб боришга йўналтирилган;
2. Фаол экотуризм – пиёда сайр-саёҳат, альпинизм ва велосипеҳат;

3. Тарихий экотуризм – миллий ўзликни ва турмуш тарзини ўрганади, маданий анъаналар билан таништиради;
4. Табиат резерватларига саёхат – турли кўриқхона ва миллий паркларга уюштирилади;
5. Агротуризм – мегаполис аҳолиси ўртасида актуал саналади. Шаҳар аҳолиси қишлоқ, табиат кўйнидаги оромгоҳ ва ўрмонларга саёхат қилади, шунингдек фермер хўжаликларига бориб мева теради ёки деҳқончиликни ўрганади.

Экотуризм саёхатнинг бошқа турларидан фарқ қиладиган ўзига хос хусусиятларга эга.

Унинг концепцияси қуйидагиларни ўз ичида мужассам этади:

- Табиатга салбий таъсир кўрсатишга қаршилик;
- Очиқ ва тоза ҳавода дам олишни оммавийлаштириш;
- Она ер маданиятини ўрганиш;
- Табиатни асрашга доир тадбирларни ўтказиш ва қўллаб-қувватлаш;
- Экологик таълимни ёшлар ва аҳоли орасида тарғиб этиш;
- Сайёҳлар учун алоҳида регионлар жозибadorлигини оширишни назарда тутати.

Таъкидлаш жоизки, туризм тушунчаси билан боғлиқ масалага ойдинлик киритилгани билан, “эко” атамаси билан боғлиқ тушунчалар ҳали тўлиқ ечимини топмаган. Ҳамма “яшил” нарса мода сифатида кенг тарқалаётган бир пайтда онгимиз турли кодли сўзлар ва рамзларга мослашиб кўникма ҳосил қилмоқда.

Оддий бир мисол, яшил япроқлар ва “эко” сўзи турли хил бир марталик идишлар ва химиявий воситаларга, пластик пакетлар ва экологик тоза бўлмаган буюмларга ҳам ёрлик сифатида урилмоқда. Шунинг учун ҳамма рекламага ҳам ишониб бўлмайди. Мутахассислар экотуризмни масъулиятли саёхат деб қарайдилар. Бунда экотуризм орқали табиат ҳимоясига, маҳаллий аҳолининг турмуши ва фаровонлигига ёрдам бериш лозим. Экотуризмга айнан шундай таърифни Халқаро экотуризм ташкилоти беради. Шунингдек, экотуризмни Халқаро ёввойи табиат фонди (WWF) ҳам белгилаб беради.

Экотуризм – бу табиатга йўналтирилган туризм бўлиб, ўз ичига экологик таълим ва маърифат дастурларини олади ҳамда экологик барқарорлик тамойилларига мувофиқ амалга оширилади. «Экологик туризм – бу табиат масканларига маҳаллий маданият ва табиий муҳитни чуқур тушуниш мақсадидаги аниқ йўналишга эга саёхат бўлиб, экотизим яхлитлигини бузмайди ҳамда маҳаллий аҳоли учун табиий ресурсларни ҳимоя қилишни фойдали қилади. «Экотуризм – бу табиий туризмнинг барқарор шакли бўлиб, биринчи навбатда ёввойи табиатдаги ҳаётга ва уни билишга қаратилгандир ҳамда атроф муҳитга таъсирни, истеъмол ва харажатни камайтириш учун ахлоқий меъёрлар асосида ташкил этилиб, маҳаллий даражага йўналтирилган бўлади (назорат, афзалликлар ва кўлами нуктаи назаридан). Одатда бундай туризм шакли кўриқланадиган ҳудудларда ривожланади ва ушбу ҳудудларни асраб қолишда ҳисса қўшиш учун чакирилган.

Олимлар ҳозир Ер юзида 2 миллиондан ортиқ ҳайвон турлари борлигини айтадилар. Бу ранг-баранг ҳайвонот олами илоҳий бир тартибга бўйсунди. Уларнинг барчаси таажжуб ва ҳайратга соладиган ақл ҳамда шуур билан яратилган. Шунинг учун уларни ўрганиш, инсониятнинг ва ҳаётнинг ажралмас қисми эканлигини англаш, асраш ва ҳимоя қилиш мусулмонлар учун фарз ҳисобланади. Шу ўринда экотуризмни ривожлантириш орқали нафақат мусулмон сайёҳларни юртимизга жалб этиш, балки ёшларимизда табиатга нисбатан тўғри муносабатни шакллантириш ҳамда экологик тарбияни сингдириш мумкин бўлади.

Адабиётлар:

1. «Nature-based tourism that involves education and interpretation of the natural environment and is managed to be ecologically sustainable.» (Commonwealth Department of Tourism (1992), Australian National Ecotourism Strategy, Canberra.)
2. It typically occurs in natural areas, and should contribute to the conservation and preservation of such areas.» Fennell, D. (1999), Ecotourism, Routledge.

БУХОРО ТАРИХИЙ ОБИДАЛАРИ НЕГИЗИДА ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Авлиякулова Н.М., Бухоро давлат университети ўқитувчиси

Ғаффуров Б.О., Бухоро давлат университети талабаси

Ҳозирги кунда миллий иқтисодиётга юқори даромад келтирадиган истиқболли тармоқлардан бири- бу туризмдир. Туризм бугун дунёда жадал ривожланаётган, даромад келтираётган соҳа бўлиб қолмасдан, ижтимоий-иқтисодий ҳамда маданий-маънавий алоқаларни мустаҳкамлашга катта ҳисса қўшиб келмоқда.

Ўзбекистон туризм соҳасида улкан салоҳиятга эга бўлган давлат ҳисобланади. Республикамиз Президенти Ш.М.Мирзиёев 2018 йилнинг 28 декабрида Олий Мажлисга мурожаатномасида " Туризмни ривожлантириш, соҳага инвестициялар жалб этиш, кадрлар салоҳиятини ошириш бўйича комплекс чоралар кўришимиз зарурлигини, республикамизда туризм кўпинча қадимий шаҳарларимиз, тарихий-маданий ёдгорликлар доирасида чекланиб қолаётганлигини таъкидлаб" ўтди.

Шу жиҳатдан олиб қараганимизда Республикамизда туризм соҳасининг кўпроқ ривожланганлигини ва уни амалий жиҳатдан тадқиқ этиш, келгусида истиқболли фаолиятини амалга оширишга қаратилган ёндашувларни белгилаб бериш шу куннинг долзарб вазифаси ҳисобланади.

Тошкент, Самарқанд, Бухоро, ва Хоразм каби маданий туризм ривожланган вилоятларнинг ҳар бирида туризм бўйича эришилаётган рентабеллик кўрсаткичлари чет элдан келаётган сайёҳлар ҳисобига кейинги йилларда сезиларли равишда ортди. Биргина 2018 йилда сайёҳлар сони 1,5 миллиондан- 4 миллионга ортганлиги буни яққол кўрсатиб беради.

Туризм борасида сўз юритилар экан, илмий муҳитда маданий туризмнинг бошқа туризм турларидан нимаси билан фарқ қилишини аниқ асослаб бериш масаласи кўтарилди. Шу сабабли, маданий туризмни маҳаллий шарт- шароитларни инобатга олган ҳолда атрофлича ўрганиш шу куннинг долзарб вазифаси ҳисобланади.

Инсон ёшлигиданоқ туризмга қизиқа бошлайди. Масалан, Ўзбекистон шароитида ҳам аксарият болалар ўз дўстлари, синфдошлари ёки ота-оналари билан яқин атрофдаги маданий ёдгорликлар ва табиатнинг сўлим оромгоҳларига сайру- саёҳатлар уюштириб турадилар. Тоғу- тошлар ва денгиз бўйларига сайёҳатлар давомида ёшлар жисмонан чиникиб, ўз билим ва кўникмаларини ривожлантирадилар. Катта ёшдагилар эса, бундай туристик фаолият давомида ўз меҳнат қобилиятларини қайта тиклаб, маданий эҳтиёжларини қондирадилар

Қадим ўтмишимиздан сўзловчи тарихий ёдгорликларни кўриш, бой меросимизни ўрганиш ёшларда миллий ўзликни англаш, анъана ва қадриятларимизга ҳурмат туйғусини юксалтиради. бу ҳудуднинг табиати мафтункор, шаҳар қадимий обидаларга бой. Бугун тобора чирой очиб, замонавий қиёфа касб этаётган Бухорои шарифга келишни кўпчилик орзу қилади.

Бухоро ўзининг бетакрор тарихий обидалари, осори-атиқалари, асрлар оша давом этиб келаётган миллий хунармандлик анъаналари билан юртимиз туристик жозибадорлигини оширишда улкан салоҳиятга эга.

Давлатимиз раҳбари вилоятга ўтган йилги ташрифи чоғида Бухоро шаҳрининг сайёҳлик инфратузилмасини янада ривожлантириш мақсадида унинг тарихий қисмида хунармандлар мавзеси қуриш, Ҳақиқат ва Хўжа Нуробод кўчаларини кенгайтириб сайлгоҳга айлантириш, Пойи Калон ва Мир Араб мадрасаларини қайта таъмирлаш бўйича топшириқлар берган эди.

Шавкат Мирзиёев эски шаҳар қисмининг туризм инфратузилмасини ривожлантириш дастурлари билан танишар экан, ушбу ҳудуд том маънода Бухоронинг юраги бўлиши кераклигини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбарига шаҳарнинг тарихий қисмидаги маданий мерос объектларини таъмирлаш ва тиклаш, улардан самарали фойдаланиш, тарихий обидаларни қамраб олган Бухоро шаҳар кичик халқа йўли ҳамда пиёдалар йўлаклари қуриш, муҳандислик-коммуникация тармоқларини реконструкция қилиш, "Ўзмиллийбанк" томонидан мамлакатимизда замонавий кинотеатрлар тармоғини барпо этиш лойиҳалари ҳақида маълумот берилди.

Мамлакатимизда тарихий бинолар таъмирланаётганда унинг асл кўринишини сақлаб қолиш муҳимдир. Бунда қайта таъмирлаш баҳонасида бинонинг ташқи безакларини бутунлай кўчириб, бу безакларни янги қурилиш материаллари билан қайтадан яратиш бинонинг тарихий қадрини тушириб юбориши мумкин. Чунки, маданий туризм ихлосмандларини айнан маданий туристларни эски усулда қурилган янги бино эмас, айнан эски бинонинг ўзи кўпроқ қизиқтиради. Шусабабли, таъмирлаш ишларини амалга оширганда, бу каби хатоларга йўл қўйилишининг олдини олиш мақсадга мувофиқдир.

Туристларни жалб этувчи табиий бойликларимизни сақлаб қолиш ҳам муҳим масаладир. Юртимизда бу борадаги ишлар давлат сиёсати даражасида ҳал этилаётганлиги таҳсинга сазовордир. Шу билан бирга, мамлакатимизнинг бетакрор табиати, гўзал дам олиш зоналари имкониятларидан фойдаланиб, янги туристик йўналишлар очиш мумкин. Бу соҳага жаҳон брендларини фаол жалб этган ҳолда биз зиёрат туризми, экологик, маърифий, этнографик, гастрономик туризм ва бу соҳанинг бошқа тармоқларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратишимиз зарур. Бу борада давлат-хусусий шерикчилик муносабатларини қўллаш соҳани тараққий эттиришда кенг имкониятлар очишни ҳисобга олишимиз лозим.

Самарқанд, Бухоро, Хива, Тошкент шаҳарларидаги муқаддас қадамжолар ва ёдгорликларни зиёрат қилишдан иборат бўлган ички туризм соҳасидаги катта имкониятларни ҳам тўлиқ ишга солишиш зарур деб ҳисоблаймиз.

Юқоридагилардан кўришиб турибдики, Ўзбекистонда маданий туризмни янада ривожлантириш имкониятлари мавжуд бўлиб, унинг ривожланиши Ўзбекистоннинг ҳалқаро алоқалари ривожланишига ўз ҳиссасини қўшади. Халқимизни бошқа миллатлар билан янада яқинлаштиради, бу эса, ўзаро ҳамкорликни кучайтиради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Халқ сўзи газетаси. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси 28.12.2018 й.
2. Ердавлетов С.Р. География туризма, история, теория, методи, практика. Алматы, 2000 год.
3. <http://journalpro.ru/archive/evraziyskiy-nauchnyy-zhurnal-5-2019/>

ГЛОБАЛЛАШУВ ДАВРИДА ЁШЛАРНИ ВАТАНПАРВАРЛИК РУҲИДА ТАРБИЯЛАШ МАСАЛАЛАРИ

*Тиллаев Бобомурод Абдувахобович,
Наманган давлат университети катта ўқитувчиси*

Инсоният бугун XXI асрда шахдам қадамлар билан одимламоқда. Илм-фан, тиббиёт, техника соҳаларида амалга оширилаётган кашфиётлар, янгиликларга қарамасдан таълим-тарбия масаласи янада долзарблашиб бормоқда. Халқимиз қадимдан таълим-тарбия масаласига алоҳида эътибор билан ёндошган. Қомусий олим, дунёга "Муаллим ус-сомий" унвони билан машҳур бобокалонимиз Абу Наср Фаробий "Фозил одамлар шаҳри", "Бахт соадатга эришув тўғрисида", "Ихсо-ал-улум", "Илмларнинг келиб чиқиши", "Ақл маънолари тўғрисида" каби асарларида таълим-тарбия тўғрисидаги қарашларини баён қилган. Фаробий таълим ва тарбияга биринчи марта таъриф берган олим саналади. Таълим деган сўз инсонга ўқитиш, тушунтириш асосида назарий билим бериш; тарбия-назарий фазилатни, маълум

хунарни эгаллаши учун зарур бўлган хулқ нормаларини ва амалий малакаларини ўргатишдир, дейди олим.[1].

Ватанимиз тарихининг қайси даврига назар солмайлик таълим-тарбия масаласи доим муҳим масала ҳисобланиб келинган. Жумладан, буюк саркарда, Соҳибқирон Амир Темур даврида ҳам таълим тизими, илм-фан ва маданият ривожига алоҳида эътибор қаратилиб, Самарқанд ва Хирот шаҳарлари маданият, илму-маърифат марказига айланди. [2]. Амир Темур ва Темурий шахзодалар томонидан кўплаб мадрасалар қурилишига, олим-фузалоларга ҳомийлик қилиниши илм-фан тараққиётига замин яратди. Мадрасаларда таълим тўрт босқичдан иборат бўлиб, ҳар бир босқич муддати 8 йилдан жами 24 йилни ўз ичига олган. Таълим-тарбияда диний дунёқарашни шакллантириш билан бир қаторда диний-ахлоқий тарбия, ҳуқуқий тарбия ва ҳарбий-жисмоний тарбия ишлари олиб борилган. Темур Тузукларида “Амр қилдимки, вазирлар тоза насллик, ақл фаросатли, халқ аҳволидан хабардорлик, уларга нисбатан хуш муомилалалик, сабр чидамлилиқ, тинчликсеварлик ва ёшлар тарбиясига, уларнинг ҳаётига бефарқ бўлмаган вазирларга тўрт имтиёз: ишонч, эътибор, ихтиёр ва иқтодор берилсин” деб таъкидлаб ўтилган [3].

Амир Темур азму шижоат, мардлик ва донишмандлик рамзи бўлган бу мумтоз сиймо буюк салтанат барпо этиб, давлатчилиқ борасида ўзидан ҳам амалий, ҳам назарий мерос қолдирди, илму фан, маданият, бунёдкорлик, дин ва маънавият ривожига кенг йўл очди [4]. Буюк саркарда ҳаёти ва фаолияти бугунги кунда ёшларни ватанпарварлик, ватанга муҳаббат, инсонпарварлик туйғуларида тарбиялашда, уларда ватан тақдирига маъсуллик, фидойилиқ, уларни яратувчанлик ишларига даъват этишда муҳим аҳамиятга эга.

Барчамизга маълумки, шарқ фалсафасига кўра таълим-тарбия жараёни биргаликда амалга оширилган. Миллий педагогикамиз асосчиларидан, маърифатпарвар Абдулла Авлонийнинг “Тарбия биз учун ё ҳаёт-ё мамот, ё нажот-ё ҳалокат, ё саодат-ё фалокат масаласидир” фикрларида миллат келажигида тарбиянинг роли яққол очиб берилган.

Афсуски, коммунистик мафқуранинг кучини курсатиш учун совет даврида Ўрта Осиё халқлари, шу жумладан, ўзбеклар ҳам бутунлай саводсиз бўлган, деган фикрлар илгари сурилган. Ваҳоланки, совет тузимидан илгари ҳам кўпчилиқ аҳоли ёзиш-ўқишни билишган. Барча қишлоқ ва маҳалла мачити қошида савод чиқарадиган бошланғич мактаблар, катта-кичик шаҳарларнинг бозорларида китоб сотадиган раста ёки дўконлар фаолияти йўлга қўйилган. [5]. Ота-она томонидан фарзанднинг илм олиши билан бир қаторда хунар ўрганишига эътибор қаратилиб, айниқса, ўғил болалар ёшлиқ давриданоқ хунармандга шогирдликка берилган. “Устоз-шогирд” анъаналари асосида касб ўргатилган.

Чоризм мустамлакаси ва совет даврида халқ маъорифи соҳасида бир қанча ўзгартиришлар қилиниб, бу ислохотлар мустамлака маъмуриятига ҳамда рус ҳукмдорларига зарур амалдорлар, хизматкорларни етиштириб бериш мақсадида амалга оширилган эди. Тарихий ҳақиқатнинг тикланиши, халқимизнинг асрлар давомида мустақиллик ва эрки учун кураши натижасида мустақилликнинг қўлга киритилиши муҳим тарихий воқеа бўлиб, халқимиз эртанги кунини ўзи белгилаш ҳуқуқига эга бўлди.

Ўзбекистон халқининг туб манфаатлари, юксак орзу-умидлари, эзгу ниятлари ва буюк ишларини амалга ошириш келажак авлод кўлида. Шу сабабли ёшлар масаласи доимо давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири бўлиб келмоқда. Жумладан, мустақилликнинг илк кунлариданоқ иқтисодий қийинчиликларга қарамасдан таълим тизимини ислоҳ этишга давлат бюджетининг асосий қисми қаратилди. Мактаб, таълим-тарбия масаласи давлат ва жамият назоратида бўлиши асосий қонунимизда белгилаб қўйилган.

Шарқда қадимдан тарбия ўчоги оила ҳисобланган. Ҳар қайси миллатнинг ўзига хос маънавиятини шакллантириш ва юксалтиришда, ҳеч шубҳасиз, оиланинг ўрни ва таъсири бекиёсдир. Чунки инсоннинг энг соф ва покиза туйғулари, илк ҳаётий тушунча ва тасаввурлари биринчи галда оила бағрида шаклланади.

Жамиятимизнинг асосий бўғинларидан бири бу ёш авлод ҳисобланади. Унинг келажакда қандай фазилатларга эга бўлиши, чинаккам баркамол инсон бўлиб улгайиши, халқ

учун нафи тегадиган, Ватани учун муносиб хизмат қиладиган шахс бўлиб етишишида таълим-тарбия асосий ўринни эгаллайди. Бу таълим-тарбиянинг негизида эса, албатта, кадрият деган тушунча ётади. Кадриятнинг ўзи нима деган савол тугилиши табиий ҳол. Фалсафий қарашларга кўра, кадриятлар бутун бир инсоният учун аҳамиятли бўган эркинлик, тинчлик, ижтимоий тенглик, ҳақиқат, маърифат, гўзаллик, ҳаётда ва табиатда бўладиган яхшилик, эзгулик каби жамики ҳислату-фазилатлар йигиндисидир. Илмий-педагогик нуқтаи назардан эса кадриятлар инсоннинг маънавий эҳтиёжлари асосида пайдо бўлган. Амалий фаолиятда давр синовидан муваффақиятли ўтиб, ўз шакл ва мазмунида у ёки бу халқнинг маънавий-ахлоқий оламини ифода этган, асрлар давомида халқнинг маънавий маданиятини шакллантириш манбаи сифатида кадрланиб келинган жамики маънавий ҳамда руҳий жиҳатлар мажмуи сифатида изоҳланади.

Оила жамиятнинг асосий бўғини ва у тарбия ўчоги саналади. Миллий кадриятларимизнинг давомийлиги ва уларнинг шаклланиб боришида ҳам оила муҳим ўринга эга. Муҳтарам биринчи Президентимиз И.А.Каримов оиланинг ёш авлодда тарбия ва маънавият тушунчаларини шакллантиришдаги аҳамияти ҳақида шундай фикрларни айтиб ўтган эди: “Ҳар қандай миллатнинг ўзига хос маънавиятини шакллантириш ва юксалтиришда, ҳеч шубҳасиз, оиланинг ўрни ва таъсири бекиёсдир. Чунки инсоннинг энг соф ва покиза туйғулари, илк ҳаётий тушунча ва тасаввурлари биринчи галда оила бағрида шаклланади. Боланинг характерини, табиати ва дунёқарашини белгилайдиган маънавий мезон ва қарашлар-яхшилик ва эзгулик, олижаноблик ва меҳр-оқибат, ор-номус ва андиша каби мукаддас тушунчаларнинг пойдевори оила шароитида қарор топиши табиийдир. [6]. Айниқса ватанга муҳаббат, ватанпарварлик тушунчалари, инсоний туйғулар дастлаб она сути, алласи ва ота меҳри орқали боланинг мурғак қалбида шаклланиб боради. Бу туйғулар маҳалла ва таълим тизимида янада юксалтириб борилади. Бугунги кунда кўплаб оилаларда ота-она асосан турмуш ташвишлари билан банд бўлиб, фарзанд таълим-тарбияси масаласини таълим тизимига зиммасига юклаб қўйишган. Глобаллашув жараёнлари тезлашиб бораётган бу даврда таълим тарбия борасида оила, маҳалла ва таълим муассасалари ўртасидаги ҳамкорлик муҳим аҳамиятга эга. Баъзи бир ёшларимиз ўз тарихини яхши билмаслик туфайли ота-боболари, аجدодлари тарихий мероси, урф-одатлари ва маданиятидан узилиб қолаётгани, охир-оқибатда улар турли кучлар таъсирига тушиб қолиш хавфи кучайиб бораётгани кузатилмоқда. Айрим носоглом кучлар, гуруҳлар ва оқимлар тарихни маънавий ва мафкуравий қуролга айлантириб, ўз манфаати йўлида зарарли гояларни ёйишга уринаётганлиги сир эмас.”

Ёшларимизни турли бузгунчи ва ёт гоялардан йироқ тутиш, уларнинг маънавиятини кенгрок даражада шакллантириш, миллий кадриятларимиз, урф-одат ва анъаналаримизни асраб-авайлашда халқ ҳаётининг кўзгуси бўлган маҳалланинг ўрни ва аҳамияти бекиёсдир. Ана шунинг учун ҳам юртимизда ўзини ўзи бошқариш тизимини ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари бўйича “Ҳаракатлар стратегияси”нинг биринчи устувор йўналишида “Маҳалла институтининг жамият бошқарувидаги ўрни ва фаолиятининг самарадорлигини ошириш”га катта аҳамият берилганлиги ҳам бежиз эмас, албатта. Шу боисдан ҳам яқин йиллар ичида маҳалла институтлари, юқорида айтиб ўтганимиздек, ёшларни турли бузгунчи ва ёт гоялардан асраш, уюшмаган ёшлар билан ишлаш мақсадида “Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи” билан ҳамкорликда кўплаб чора-тадбирларни амалга ошириб келмоқдалар. Юртбошимиз Шавкат Мирзиёевнинг: “Маҳалла халқ билан давлат ўртасида кўприк бўлмоғи лозим”, - деган сўзларининг замирида ҳам катта моҳият бор.

“Биз маънавий ҳаётимизни, миллий онг ва кадриятларимиз, эътиқод ва тафаккуримиз, урф-одат ва анъаналаримизни асраб-авайлаш, маънавий оламимизни юксалтиришга интилар эканмиз, буларнинг барчаси маҳалла идорасига янада кўпроқ имконият бериш, унинг ҳуқуқий ва амалий ваколатларини кенгайтириш билан бевосита алоқадор эканини ўзимизга яхши тасаввур қиламиз. Шу орқали биз ўзимизнинг эзгу мақсадимиз бўлмиш эркин фуқаролик жамияти барпо этиш йўлида, ҳеч шубҳасиз, улкан қадам қўйган бўламиз”.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизнинг буюк келажаги, эртанги кунимиз, эркин ва фаровон ҳаётимиз, Ўзбекистоннинг XXI асрда жаҳон ҳамжамиятида қандай ўрин эгаллаши буларнинг барчаси биринчи галда янги авлод, униб ўсиб келаётган фарзандларимизнинг қандай инсонлар бўлиб вояга етишига билан боғлиқ.

Фойдаланилган адабиётлар

1. "Таълим-тараққиёт гарови". Анъанвий илмий-амалий конференция материаллари.Т.: 2014.
2. Азамат Зиё "Ўзбек давлатчилиги тарихи" Т.: 2002.
3. "Темур тузуклари" Т.:2011.
4. Каримов И.А. "Юксак маънавият енгилмас куч" Т.:2008.
5. Жаббаров И."Ўзбеклар" Т.:2008 й.
6. Тарихий хотира ва мустақиллик. Тўплам.-Т.: 2016.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида" ПФ-4947-сонли фармони

ИСЛОМ ДИНИ МИЛЛАТЛАРО ТОТУВЛИК ВА ТИНЧЛИК МАДАНИЯТИ СИФАТИДА

Абдуллаев Ш.Р., Наманган давлат университети катта ўқитувчи

Миллатнинг шаклланиши ва ривожланишида моддий омиллар муҳим аҳамиятга эга бўлсада, аммо улар миллат тараққиётини таъминлашнинг асосий имконияти бўлмай, балки ривожланиш учун зарурий шарт ҳисобланади. Миллатнинг абадийлиги, унинг барқарорлигини таъминлашнинг асосий омили унинг ички маънавияти – рухий салоҳияти ва соғлом эътиқодидир. Дин, маданият, халқлар тарихи, миллий онглилик, миллий тил ва урф-одатлар- буларнинг барчаси халқнинг халқ эканлигини белгилайдиган асосий омиллардандир. Инсоният тарихи "соф" миллий анъанани билмайди. Зеро, ҳеч бир халқ, ҳеч бир миллат маҳдуд ҳолда мавжуд бўлган эмас. Аксинча, ўзаро алоқада ва таъсирлашувда бўлибгина ўз ривожланишини таъминлай олган. Жамият шундай тузилганки, ундаги буюк куч-қудратнинг рўёбга чиқиши, унинг моддийликка айланиши учун бунёдкор гоё ва таълимотлар зарур. Бутун жаҳонда, қолаверса, Марказий Осиёдаги халқлар ўртасидаги ўзаро ишонч, тинчлик ва осойишталик ўрнатилишга ўз моҳият йўналиши билан ислом дини беминнат хизмат қилди ва қилмоқда.

Ушбу дин барча жаҳон динлари сингари "йўлдан чиққан инсониятни залолатдан халос этишнинг батамом янги йўлини тарғиб қилган, халқлар ўртасига нифоқ солиш гоёсидан умуман йироқ бўлган"[1]. Жамият аъзоларининг маданиятли ва маънавиятли бўлиб вояга етишларида ислом динининг таъсири кучли бўлиб, кишилар қандай тилда гаплашишларидан, қандай одатларга амал қилишларидан қатъий назар тенгдирлар, деб таъкидлаб келган. Динлараро бағрикенглик гоёси-хилма-хил диний эътиқодга эга бўлган кишиларнинг бир замин, бир Ватанда яхши ниятлар йўлида ҳамкор ва ҳамжихат бўлиб яшашини англади. Асрлар мобайнида дин аксарият маънавий кадриятларни ўзида мужассам этиб келмоқда. Шу нуқтаи назардан даниялик олим Н.Хенкель қаламига мансуб бир фикр ёдга тушади. У буюк аждодларимиздан бири Жалолиддин Румий ҳамда тасаввуф фалсафаси намоёндалари ҳақида сўз юритиш асносида фикрини давом эттириб, "Румий ўз шогирдлари, муридларига ўзларини компасга қиёс қилишга, яъни бир оёғи билан ислом аҳкомларида маҳкам туриб, бошқаси билан жумлаи жаҳонни, унинг муаммоларини рамзий чизик билан қамраб олишга чақирган экан. Бу аналогия сўфийликнинг кўплаб тариқатлари, йўналишларига хос хислат, яъни маданияти ва географиясидан қатъи назар барча тўсиқлар ва номаълумликларга парво қилмай, ислом аҳкомларини маҳкам ушлаб дунёдаги халқларни ўрганиш, барча тўсиқлар оша уларнинг орасига кира билишдек ноёб хусусиятни англашга ёрдам беради"[2], – деб таъкидлаган экан. Марказий Осиё , хусусан Ўзбекистонда чуқур

илдиз отиб , кўп жиҳатдан ушбу худуддаги халқларнинг ижтимоий идеаллари, хулқ – атвори ,хатти-харакатига мувофиқ бўлган қатъий мезон ва меъёр даражасига кўтарилган ҳанафий мазхабининг моҳият йўналишини юқоридаги фикрга ҳамоханглигини биз тарихдан жуда кўп мисоллар ёрдамида кўришимиз мумкин. Демак, инсон маънавиятининг ажралмас қисми бўлган дин ва динийлик, миллат ва миллийлик билан мураккаб ўзаро боғлиқликни ташкил этади. Шундай алоқадорлик туфайли дин миллий ҳаётда кечаётган жараёнларга фаол таъсир кўрсата олади. Бу диний тоқатсизликнинг этник муносабатларнинг кескинлашуви, диний багрикенгликнинг эса миллатлараро тотувликнинг қарор топишига хизмат қилишида яққол кўринади.

Миллатлараро муносабатлар одамларнинг турмуш тарзи, дунёқараши, онги, фикрлаш тарзи билан боғлиқ бўлган мураккаб воқелиқдир. Тотувлик-жамиятда турли хил ижтимоий қатлам ва гуруҳларнинг турли миллат,ирқ ва динга мансуб кишиларнинг ўзаро муносабатларида , уларнинг муайян давлат сиёсатига бўлган муносабатларида ҳамфикрлилик тамойили асосидаги умумийликни англатувчи тушунчадир[3].

Қатор минтақаларда бўлиб ўтган миллий можаролардан хулосалар чиқарган ҳолда мамлакатимизда яшаётган барча миллатлар, элатлар тинч тотувликни таъминлаш чора тадбирлари кўрилди. Ўзбеклар доимо ўз атрофида яшаб келаётган миллат ва элатлар вакилларига нисбатан дўстлик, биродарлик, ҳамкорлик, яхши кўшничilik муносабатларида бўлиб келганлар. Бу багрикенглик ва тинчлик маданиятини миллат менталитетида шаклланишида ислом таълимотининг аҳамияти беқиёсдир. Миллатлараро ва динлараро муносабатлар инсонпарварлик йўналишида қарор топиш ва муомала маданиятида катта тарихий тажриба тўплаган ўзбекларда миллий ва диний багрикенглик миллат шаъни учун курашнинг бир шакли сифатида намоён бўлади. Барча динлар, жумладан ислом дини қадриятларини чуқур ўрганиш, уларнинг имкониятларидан миллатлараро тотувликни таъминлаш йўлида самарали фойдаланиш миллий уйғониш, миллий тикланиш жараёнининг муҳим томонидир.

Диний қадриятлар миллий, умуминсоний қадриятлар билан чамбарчас боғланиб кетган. Инсонпарварлик, адолатпарварлик, кўшничilik, бошқа миллат вакилларига ҳурмат билан қараш ҳақидаги диний қадриятларнинг замини ижтимоий ҳаётнинг ўзидадир. Ҳар қандай қадрият инсон қалби ва онгига чуқур сингиши, унинг эътиқодига айланишининг муҳим шартидир. Абдулла Авлоний инсонни улуглайдиган, безайдиган яхши хулқлардан ҳисобланган одамгарчилик, инсонпарварлик туфайли оламга маданият, маърифат, адолат уруғлари ёйилади, дейди. «Одамгарчиликка, инсонийликка путур етса, - дейди Абдулла Авлоний, - мусулмонларнинг дилига иттифоқ ўрнига нифок, адолат ўрнига зулм, муҳаббат ўрнига адоват, гайрат ўрнига атолат (муртадлик), мурувват ўрнига газаб, саҳоват ўрнига бухл (бахиллик), тавозеъ ўрнига кибр, садоқат ўрнига ифтиро (бўхтон, тухмат), шафқат ўрнига ҳасад, ҳурмат ўрнига хусумат, қаноат ўрнига тамаъ, сабр ўрнига гурур, иқтисод ўрнига исроф, авф ўрнига даҳшат, саъй ўрнига сафоҳат (нодонлик), гайрат ўрнига хуруфот аралашади»[4].

Қадимий илдизларига эга бўлган халқимизга хос диний багрикенглик республикамизнинг дин соҳасидаги сиёсатининг асосини ташкил этмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқида “Маърифат ва диний багрикенглик” деб номланган махсус резолюцияни қабул қилишни таклиф этди ва “Биз бутун жаҳон жамоатчилигига ислом динининг асл инсонпарварлик моҳиятини етказишни энг муҳим вазифа, деб ҳисоблаймиз. Биз муқаддас динимизни азалий қадриятларимиз мужассамининг ифодаси сифатида беҳад қадрлаймиз. Биз муқаддас динимизни зўравонлик ва қон тўкиш билан бир қаторга қўядиганларни қатъий қоралаймиз ва улар билан ҳеч қачон муроса қила олмаймиз. Ислом дини бизни эзгулик ва тинчликка, асл инсоний фазилатларни асраб-авайлашга даъват этади”[5], деб таъкидлаганида ислом динининг мамлакатимиз халқлари ҳаётида қанчалик муҳим ўрин тутиши ва аҳамиятининг беқиёслигини ифодалаб бера олган. Шунингдек Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йил ноябрь ойида Тошкентда бўлиб ўтган Марказий

Осиё давлат раҳбарларининг иккинчи маслаҳат учрашувида “Бир саёҳат билан – бутун минтақа бўйлаб” тамойили асосида қўшма дастурларни илгари суриш учун Халқаро туризм конференциясини ташкил этиш таклифига долзарбдир[6].

Сабаби зиёрат туризми мамлакатни жаҳонга танитишда жуда катта аҳамиятга эга бўлиб, Ўзбекистон ва Қозоғистон республикалари расмийларининг Туркистон – Самарқанд – Бухоро йўналиши бўйлаб зиёрат туризми ташаббуси билан чиқиши мамлакатларимизни маънавий ва моддий салоҳиятини янада ошишига катта таъсир кўрсатади. Ўз навбатида фуқароларнинг аксариятини ягона диний эътиқодга мансублик яъни Ислом дини омили Марказий Осиё минтақасидаги диний идоралараро ҳамкорликни мустаҳкамлашга ҳам ўз хиссасини қўшмоқда. Жумладан, 2018 йилнинг март ойида Тошкентда Қозоғистон Муслмонлар диний бошқармаси раиси Олий муфтий Серикбай хожи Ораз Сатибалдиули ва Ўзбекистон Муслмонлар диний идораси раиси Усмонхон хожи Алимовлар томонидан имзоланган Меморандумга кўра, томонлар диний байрамларни Ҳижра, яъни муслмон ой тақвими бўйича нишонлаш, шунингдек, замонавий актуал диний масалалар бўйича умумий қарор, фатволар чиқариши шартлиги белгиланди. Диний ахлоқ ҳамда ҳуқуқни моҳияти ва мезонларининг чуқур ўрганиш, уларни ҳаётга жорий этиш комил инсонни тарбиялашга бевосита ижобий таъсир кўрсатади. Зеро, “одамлар эндиликда кучга эмас, кўпроқ гоёларга бўйсунушади”[7].

Юқоридаги фикрлардан кўриниб турибдики, ислом динида тинчлик, диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувлик гоёлари ўзаро чамбарчас боғлиқ бўлиб, жамият тарихий тараққиёти жараёнида шаклланган ва ривожланган, ўтмишда, ҳозирги кунда ва келажакда ҳам ижтимоий тараққиётга ижобий таъсир этадиган, кишилар онгига сингиб, ижтимоий аҳамият касб этган маънавий бойликдир. Эътиқод эркинлиги учун барча шароитларнинг яратилгани эса ислом динининг бунёдкорлик ва йўналтирувчилик кудратини жамиятимиздаги ижтимоий ҳамкорлик, фуқаролараро ҳамжихатлик ва миллатлараро тотувликни таъминлаш учун сафарбар қилишга хизмат қилмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Кандаманцев В. Параллели христианства и буддизма. Вопросы философии. №3.2001.С. 168.
2. Будущее Азии и её роль в мировом развитии в XXIвеке // РЖ. – 2012. – №2. – С 9.
3. Фалсафа қомусий лугат. Т.2004.Б.402.
4. Абдулла Авлоний. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. -Т.: 1967. –Б. 31.
5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқи // Халқ сўзи. 2017, 20 сентябрь
6. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Марказий Осиё давлат раҳбарларининг маслаҳат учрашувидаги нутқи // Халқ сўзи. 2019, 30 ноябрь
7. Купер.Р. Постмодерновое государства и мировой порядок. Полис.№ 6, 1998, С.40.

УМАР ХАЙЁМ ФАЛСАФАСИДА РУҲИЙ ИШҚНИНГ ТАСАВВУФИЙ ТАЛҚИНИ

Шодиев Жаҳонгир Жўрақулович
Бухоро муҳандислик-технология институти ўқитувчиси

Биз шиддатли замонда яшамоқдамиз. Бу эса барчамиздан билимдонлик ва тезкорликни талаб этади.

Олимлар “одамдаги ахлоқлар инсон яратилишида қўшиб яратиладими ёки киши кейин ўрганадими?”, деган саволга турлича жавоб беришган. Баъзилар: яхши ёки ёмон ахлоқ инсон яратилиши билан қўшиб яратилади, десалар. Бошқа олимлар: Инсон тугилгандан кейин пайдо бўлади, дейдилар.

Яна бошқа гуруҳ олимлар: Ота-онадаги баъзи ахлоқлар инсонга она қорнидаёқ ўтади. Аллоҳ бандани яратиш чоғида ахлоқ қобилиятини ҳам қўшиб яратади. Инсон катта бўлиш

жараёнида тарбия, муҳит ва одатланиш натижасида у ёки бу ахлоқни ўзида такомиллаштиради ёки йўқотиб юборади, дейдилар.

Шундай экан, инсон ўз хулқини яхши томонга ривожлантиришга ислом алоҳида эътибор беради ва ҳар бир мусулмон учун бу иш шарт ҳисобланади.

Исломда инсон хулқи ҳақида асосий манба Қуръон карим ҳисобланади. Шамс сурасида "Ким у (нафс)ни покласа ютукка эришади, ва ким у (нафс)ни кир қилса, ноумид бўлди" (9-10 оятлар), дейилган.

Соғлом эътиқодни тарбиялашда Шарқ мутафаккирларининг ахлоққа оид илгор гоёлари ҳам Қуръон оятлари ва ҳадислар билан сугорилган.

Жаҳон маданияти ва маънавияти тарихида ўчмас из қолдирган буюк жамиятшунос олим, машҳур аллома ва мутафаккир ўзининг ижтимоий ва фалсафий фикрлари билан ажралиб турадиган тожик классик адабиётининг намояндаси, ўз рубойлари билан бутун Шарқ ва Ғарбда машҳур бўлган математика, астрономия, фалсафа ва бошқа фанлар соҳасида бир қанча илмий масалаларни ҳал қилиб, бу фанлар тараққиётига катта ҳисса қўшган, бугунги кунгача ўз кучини йўқотмаган фалсафий фикрлари-ю гениал рубойлари билан инсонлар қалбининг нозик-нозик торларига таъсир қилувчи ва бугунги кунгача бу рубойлари ва шеърлари билан машҳур бўлган ва унинг бутун дунё бўйича тарқалишида катъий иродалилик кўрсатган улуг зот, орифий илмлар соҳиби Фиёсиддин Абулфатх Умар ибн Иброҳим Хайёмдир.³⁴⁰

Ёшлигиданок ажойиб истеъдод эгаси эканини намойиш қилган Умар Хайём ҳисоб, хандаса, физика, жуғрофия, илми хайъат, илми нужум, фалсафа, илоҳиёт, Қуръон талқини, тарих, форс адабиёти, араб тали ва адабиёти каби фанларни кунт билан ўрганади ва тез орада бу фанларнинг ҳаммасини яхши эгаллаб олган олим бўлиб етишади. Унинг илмий меросини ўрганишга оид бўлган тадқиқотлар шундан далолат берадики, олим ўрта асрларда Яқин ва Ўрта шарқ мамлакатларида ривож топган ушбу фанларнинг деярли барча соҳасида чуқур илмий изланишлар олиб борган ва ўзидан катта илмий аҳамиятга эга бўлган маънавий мерос қолдирган. Тарихий манбаларнинг кўрсатишича, салжуқийлар салтанатининг асосчиси Малик шох Исфохонда Расадхона қурдирган ва уни керакли асбоб-усқуналар билан жиҳозлаб берган. Расадхонага Хайём бошчилик қилган.

Аммо шуни айтиш жоизки, ўрта аср манбаларида ҳам, ҳатто, яқин кунларгача бўлган илмий тадақиқотларда ҳам Умар Хайёмнинг маънавий мероси ҳақида гап кетганда, у аввало, улуг ҳаким, математик, астроном сифатида намоён бўлади. Ғарчи Умар Хайём улух олим бўлиши билан бир қаторда машҳур шоир сифатида бутун дунёга донг таратган бўлсада, унинг бу шуҳрати яқин кунларгача унинг олимлик шуҳрати олдида нисбатан сояда қолиб кетган эди. Холбуки, унинг дунёқарашининг, айниқса, ҳозирги давримиз учун муҳим маънавий аҳамиятга эга бўлган томонларини, хусусан, унинг ҳурфикрлигини, рационализмни, инсонпарварлигини ифодалайдиган меросларидан бири унинг рубойларидир. Шу муносабат билан Ш.Шомухамедовнинг “Ҳазиналар жилоси” китобида келтирилган украин шарқшунос олими А. Кримскийнинг Хайёмнинг Эронда шоир сифатида машҳур бўлмаганлиги ҳақида келтирган ушбу таъкидини келтириш мумкин: “1913 йил октябрида мен яна бир бор ишонч ҳосил қилдим, ҳозир (яъни, 1914-1915 йилларда -Ш.Ш.) Эрон Ташқи ишлар Вазирлигининг хизматчиси бўлмиш Мирза Ҳамид у вақтларда (яъни 1913 йилда - Ш.Ш.) Москва Давлат университетиде билимини такомиллаштирар эди. Эронда жуда мукамал билим олган бу киши менга чин кунгилдан эътироф қилиб, ҳозирги форслар унинг (Хайёмнинг - Ш.Ш.) шеърларини ўқиганларида уни Хўжа Насриддинга ўхшаган хушчақчақ, масхарабоз киши сифатида тасаввур қиладилар. Ҳиндистонда эса уни авлиё - суфий санаб нашр этадилар. Мен то “Эрон ва Эрон адабиёти тарихи” китобини рус тилида мутолаа қилмагунимча, Умар Хайёмнинг улуг олим, теран фикрли файласуф, донишманд эканлигини хаёлимга ҳам келтирмаган эдим”, деди.

Умар Хайёмнинг буюк шоир сифатидаги сиймоси айрим ўрта аср манбаларидан мустасно тарзда, асосан, ўзидан бир неча аср кейин, даставвал Европа мамлакатларида тарқалди. Кўпчилик Ғарб тадқиқотчилари унинг илмий асарларидан ҳам хабардор бўлган ҳолда, асосан унинг рубойлари ҳамда тадқиқотлар олиб бордилар.

³⁴⁰ Аҳадова М. Умар Хайём математик олим. “Ўзбекистон” нашриёти Тошкент – 1972 й. 3 бет.

Шу муносабат билан бир масала ҳақида тўхталиб ўтмоқчимиз. Маълумки, Қуръони Карим оятларида инсонга муносабат масаласида икки хил ёндошув мавжуд. Чунончи, унинг жисмоний ҳолатини назарда тутган ҳолда ўнта физиологик ҳолат нуктаи назаридан қаровчи оятлар мавжуд бўлиши билан бирга, унинг рухий ва маънавий томонини назарда тутган ҳолда унга ижтимоий моҳият сифатида қаровчи оятлар ҳам мавжуд. Инсонни физиологик моҳият сифатида талқин қилинган оятларда инсон бошқа махлуқоту мавжудотлардан ҳеч қандай афзаллиги йўқ. Чунки у ҳам бошқа махлуқот сингари Аллоҳ томонидан тупроқдан, лойдан, балчиқдан, умуман, моддий унсурдан яратилган ва яна шундай унсурга айланади. Аммо бунга айрим ислом мухолифлари, атеистлар таъкидлаганидек, инсонга нисбатан ҳақорат, инсонни камситишга қаратилган оятлар, деб қарамаслик керак. Энг аввало, ушбу оятларнинг ахлоқий ва тарбиявий томонига эътибор қаратмоқ зарур. Чунки, инсоннинг ҳам ибтидою интихоси бошқа махлуқлар сингари моддий унсурларга бориб тақалар экан, унинг манманликка, кибр-ҳавога, такаббурликка юз тугишига ҳеч қандай маънавий асос йўқ. Шундай экан, у ўзини имкони борича камтар, камсуқум, хокисор тутмоғи зарур. Бунда подшою гадонинг, бою камбағалнинг, амалдору фуқаронинг бир-биридан афзаллиги йўқ, уларнинг интиҳодаги тақдири бир хилдир. Айтиш мумкинки, Умар Хайёмнинг рубоийларида ушбу масала буйича айтган фикрлари, ғоялари Қуръони Карим оятларига ҳамоҳангдир:

Бозорда бир кулол кўрсатиб ҳунар,
Бир бўлак хом лойни тепиб пишитар.
Лой инграб айтади “Хой секинроқ теп,
Мен ҳам кулол эдим сендек, биродар”.

Шу муносабат билан яна бир нарсани таъкидламоқ зарурки, Хайёмнинг илгари дин пешволари ва раҳнамоларининг кирдикорларини фош қилувчи, деб талқин қилинган рубоийларининг аксарият ҳам асосан ҳар бир инсоннинг ким бўлишидан қатъий назар ўз жинсдошларига қилаётган зулми ва адолатсизликларини коралаш, деб ҳам қарамок мумкин.

Муфти сандан кўра пуркоррокдирмиз,
Ўта маст бўлсак ҳам хушёррокдирмиз.
Биз ток қонин ичамиз, сен-одам қонин,
Инсоф кил, кайсимиз хунхоррокдирмиз.

Умар Хайём, ҳатто, тасаввуф адабиётида Аллоҳга бўлган ишқ рамзи сифатида ифодаланадиган май тимсолидан ҳам айрим рубоийларида инсондаги такаббурлик, манманлик ва худбинликни коралашда фойдаланади:

Май ичаман, мастлик килмайман асло,
Қадахдан ўзгага бўлмайман бало.
Бода ичишликдан менинг ғаразим-
Ўзимга сен каби қуймаслик бино.

Энди инсонни ижтимоий моҳият сифатида талқин этувчи Қуръони Карим оятларига келсак, унинг асосий тамойили “Лақақ каррамно бани одама” (“Биз одам зотини албатта ҳурмат-эҳтиромли қилдик”) деган оятда ўз ифодасини топган. Шу нуктаи назардан инсон ҳамма махлуқотнинг энг афзали, худонинг ердаги халифаси ҳисобланади. Чунки, Аллоҳ инсонга буюқ неъмат бўлган ақлни берган. Инсон мана шу неъмат туфайли ҳайвондан фарқ қилади. Шу нуктаи назардан инсонга ҳамма махлуқотлар сажда қилмоғи керак. Бунинг исботи сифатид Қуръони Каримнинг бир неча оятларида, ҳатто, фаришталарнинг ҳам Одамга сажда қилганлиги ва фақат шайтонгина кибр-ҳавога берилиб, инсонга сажда қилишдан бош тортганлиги ва бунинг учун лаънатланиб, жаннатдан қувилганлиги ҳақидаги оятларни келтириш мумкин. Бу оятларнинг тарбиявий аҳамияти шундаки, кибр-ҳаво фақат шу қуйга тушиб қолган одам учунгина катта фалокат бўлиб қолмасдан, балки бутун инсоният учун ҳам катта фалокат эканлиги таъкидланади. Чунки, шайтон лаънатланиб, жаннатдан ҳайдалгандан кейин бутун одамзотнинг душманига айланди. То қиёматгача одамларни васвасага солиб, ёвузликка ундайди.

Шу маънода ҳам Умар Хайём май тимсолидан гедонистик адабиётда талқин қилинганидек, айши ишрат, ҳирс-ҳаловат манбаи сифатида эмас, балки рамзий маънода, яъни, Аллоҳ томонидан

яратилган инсонга ҳамма мавжудотларнинг сажда килишига олиб келувчи бир восита сифатида қарайди:

Ичкилик кеккайган бошни қилур ҳам,
Майдан ечилмаган бир тугун кам.
Бир қултум май ичган булсайди шайтон,
Минг сажда қиларди одамга ул ҳам.

Бу ерда мутафаккир юқорида эслатиб ўтганимиз, тасаввуф адабиётида майни Аллохга бўлган мухаббат талқинидан фойдаланган ҳолда, бу мухаббат, аввало, Аллох томонидан яратилган мавжудотлари ичида энг афзали бўлган инсонга бўлган мухаббат бўлмоғи зарурлигини таъкидламоқдадир.

Умумбашарият маданий ва маънавий хазинасига қимматбаҳо дурдона бўлиб қўшилган Умар Хайёмнинг рубойларида тараннум этилган гоёлар ҳозирги давримиз учун ҳам катта тарбиявий аҳамият касб этиши шак-шубҳасиздир.

1. Матн таржимаси Ш.Шомухамедовнинг “Хазиналар жилоси” китобидан олинди. 1981. — Б. 38.
2. Шомухамедов Ш. Хазиналар жилоси. Б.70.
3. Умар Хайём. Рубойлар. Ш.Шомухамедов таржимаси. -Т., 1989. - Б.38.
4. Умар Хайём. Рубойлар. -Б.75.

ДИНДОРЛИК ТИПЛАРИ ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Р.Э.Шукуров

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат бошқаруви академияси қошидаги Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрлар тайёрлаш институти “Бошқарув психологияси ва лидерлик” кафедраси таянч докторанти

Бугунги кунда мамлакатимизда ислом дини маданиятини, унинг ўзига хослигини такомиллаштириш ва унинг моҳиятини англаб етиш мақсадида жуда кўплаб ишлар амалга оширилмоқда. Чунки, азалдан она диёримиз ислом маданиятининг ўчоғи сифатида ном қозониб келинган. Жуда кўплаб алломаларимиз ислом динига оид асарлар ёзиб қолдирган ва унинг тараққий этиши учун ўз ҳиссаларини қўшишган. Ҳозирги вақтда ҳам мазкур анъаналарга содиқ қолган ҳолда ватанимизни ислом маданиятининг пойтахти сифатида дунёга танитмоқдамиз. Бунга мисол тариқасида, 2007 йил январда Ислום конференцияси ташкилоти таркибидаги муассасалардан бири – Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича халқаро ислом ташкилоти (ISESCO) Тошкентни ислом маданиятининг пойтахти, деб эълон қилинганлиги ва Ислום таълим, фан ва маданият ташкилоти 2019 йил 17-18 декабр кунларида Тунисда бўлиб ўтган XI-Ислום конференциясида 2020 йилда Бухоро шаҳрини Ислום маданияти пойтахтларидан бири сифатида тан олиншини келтиришимиз мумкин.³⁴¹ Буларнинг барчаси давлатимиз томонидан ислом дини маданиятини ривожлантириш борасидаги саъй-ҳаракатлари юқориликдан дарак беради.

Авваломбор дин, диндорлик, диндорлик типлари ва даражалари тушунчалари тўғрисида кенг қамровли тасаввурларга эга бўлиш учун психологик, социологик, фалсафий ва диний ёндашувларни ўрганишни талаб этади. Шу сабабли мазкур ишимизда биз бир нечта олимларнинг илмий тадқиқот ишларида келтириб ўтилган диндорлик типлари тушунчаси ва уларнинг хусусиятларини психологик жиҳатдан ёритишни мақсад қилдик.

Замонавий давр тараққиётида инсонларнинг динга бўлган қизиқишлари тоборо ортиб бормоқда. Олимлар эса бу жараёни инсон дунёқарашининг шаклланиши ва ривожланиши

³⁴¹ 11th Islamic Conference of Culture Ministers “Toward the Development of Current Cultural Policies in the Islamic world”, Tunis, Republic of Tunisia: 17-18 December 2019/ Resolution ICCM-11/2019/R.1.1

билан боглигини таъкидлаб ўтади. Чунки, ҳозирги жамиятда ўзини шахс сифатида билувчи ҳар бир инсон динга боглик бўлган тушунча ва фикрлардан қочиб кета олмайди, ҳаттоки бу инсонлар ҳаётининг асосий мазмуни ҳам бўлиб қолади. Шахсларнинг динга бўлган кизиқишлари уларда диндорлик типлари ва уларнинг хусусиятларини шакллантиради.

Бугунги кунга келиб, шахсларда диндорлик типлари, даражалари ва уларнинг хусусиятлари фалсафа, дин психологияси, диншунослик, тарих, социология ва антропология в.б. фанларнинг предмети ҳисобланади. Мазкур муаммога ҳар бир фан эса ўзининг қараши билан ёндошади.³⁴²

Замонавий дин психологиясида диндорлик, унинг типлари ва хусусиятлари боглик тушунчаларнинг ривожланиши Г.Олпорт томонидан илгари сурилган гоёлари билан бошланади. Унинг концепциясининг асосий тушунчаси динга ички ва ташқи йўналганлик бўлиб, бу динга мақсад ва восита сифатида ёндошишни англатади. Ушбу тушунча дин психологиясида йигирма йилдан ортиқ вақтдан бери муҳим аҳамият касб этиб шу кунгача назария ва амалиётда қўлланилиб келинмоқда.³⁴³

Олим шахснинг қайси динга эътиқод қилишидан қатъий назар, диндорлик типларига бўлинишининг асосий усулларини тавсифлади ва ўз назариясини киритди. Дастлаб у иккита тушунчадан фойдаланди:

1. "Ички" (ҳақиқий) диндорлик типи;
2. "Ташқи" (ривожланмаган) диндорлик типи

Шу асосга кўра олим одамнинг диндорлик типларини икки гуруҳга ажратди.

Ташқи диндорлик типи – шахс моддий ва маънавий эҳтиёжларини кондиритиш мақсадида диндан восита сифатида фойдаланишга ҳаракат қиладилар. Яъни, ташқи диндорлик типига мансуб шахслар ўзларини жамият орасида иложи борича диндор қилиб кўрсатишга уринади. Кўпроқ шариат доирасида кийинади ва атрофдаги инсонлардан ажралиб туришни лозим топади. Бу типдаги инсонлар бу каби хатти-ҳаракатларининг асосий сабаби жамиятда ўз ўрнини топиш, сақлаш ёки обрў эътиборга сазовор бўлиш эҳтимоллини беради.

Ички диндорлик - шахс учун дин энг юқори қадрият ҳисобланади. Ўз хатти-ҳаракатларини диний нормалар ва қоидаларга бўйсундиришга ҳаракат қиладилар. Ички диндорлик шахсларда интегратив функцияни бажаради ва ажралмас ахлоқий сифатларни шаклланишига таъсир кўрсатади.

Г.Олпортдан фарқли равишда 1950-йиллар атрофида яна бир америкалик социолог олим Г.Ленский ўзининг эмпирик тадқиқотларига асосланиб, диндорликнинг икки асосий турини аниқлади:

1. Ижтимоий диндорлик типлари;
2. Маънавий диндорлик типлари.

Ижтимоий диндорлик – шахслар жамиятда мавжуд бўлган ижтимоий муносабатлар ва маълум бир ташқи таъсирларга богликлик жиҳати билан ажралиб туради. Уларнинг диндорлиги онгли равишда ички рухий эҳтиёжлар билан паст богликлик кўрсаткич даражаларини беради. Бу турдаги диндор шахслар мамлакатимиз аҳолисининг кўплаб қисмини ташкил этиши мумкин.

Маънавий диндорлик – диндорларнинг ўзларининг диний ҳис-туйгуларини чуқур равишда англаб етишлари, Аллоҳга яқинлигини ҳис этишлари ва бошқа диндорлар билан яқин диний биродарлик ҳислари билан тавсифланади. Ушбу типга мансуб диндор шахс учун дин унинг ҳаётида шубҳасиз, энг муҳим аҳамият касб этади.

³⁴² Религия. Общество. Человек. материалы I Международных научных чтений, Симферополь – Партеинт, 27-29 апреля 2018 г. – Симферополь. 8-9 с

³⁴³ Р. С.Титов Психология. . Интернализация религиозности и ее диагностика в теории самодетерминации // Журнал Высшей школы экономики. 2013. Т. 10. № 2. С. 138

Файласуф олим Дж. Фихтер³⁴⁴ эса шахсларнинг диндорлик типларини куйидаги типларга ажратади:

1. Диний ташкилотлар фаолиятида фаол иштирок этадиган диндорлар;
2. Расмий диндорлар;
3. Оралик турдаги диндорлар;
4. Дин ишларида нофаол мўминлар.

Юқоридаги маълумотлардан кўриниб турибдики, олимлар ўз тадқиқот ишларига асосланган ҳолда шахсларнинг турли хил диндорлик типларини келтириб ўтган. Келтириб ўтилган далиллар замонавий дин психологияси ривожини учун асос бўлиб хизмат қилган.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, ҳар қандай илм-фан исбот ва далилларни талаб қилади. Мазкур далиллар эса олиб борилган тадқиқот натижаларидан олинади. Психологияда шахсларнинг диндорлик типлари ва даражалари билан боғлиқ аниқ натижалар эмпирик тадқиқот ишларига таянади. Юқорида келтириб ўтилган олимлар ҳам эмпирик тадқиқот натижаларига асосланган ҳолда ўз қарашлари ва назарияларини яратган.

Биз ҳам ўз илмий ишимизда диндорлик типларини ҳам назарий ҳам амалий жиҳатдан ўрганишни мақсад қилиб қўйганмиз. Чунки, ҳар бир диндорлик типига ва даражаларига мансуб шахсларда ислом динининг моҳияти ва у борасидаги тасаввурлар турли хил кўринишларда шаклланади. Бу тўғридан-тўғри ислом дини маданиятига ривожига таъсир қилади. Мазкур назариялар ва илмий тадқиқотлар эса юртимизда психология, диншунослик, фалсафа, социология в.б. фанларнинг ривожланишига асос бўлиб хизмат қилади. Ушбу фанларга янгилик олиб киради. Уларни аниқлаш учун фойдаланадиган тестлар ва анкета сўровномалари юртимиз аҳолисининг характер хусусиятларини янада чуқурроқ ўрганишга таянч восита бўлиб хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Титов Р. С. Интернализация религиозности и ее диагностика в теории самодетерминации // Психология. Журнал Высшей школы экономики. 2013. № 2. С. 184
2. Религия. Общество. Человек. // материалы I Международных научных чтений, Симферополь – Партенит, 2018. С.559.
3. Осипов.Г.В. Социология сегодня. Проблемы и перспективы. — М.: Прогресс, 1965. — С. 684.

АЛИШЕР НАВОИЙ ЭПИК ДОСТОНЛАРИ ТАРЖИМАЛАРИДА ҲОЛ ВА ВАҚТ МУНОСАБАТДОШЛИГИНИНГ БАДИИЙ ИФОДАСИ

*Шукурова Зилола Содиковна,
Самарқанд давлат чет тиллар институти*

Ислом маданиятини ёшлар орасида ривожлантириш ва чет мамлакатларда тарғиб этишнинг самарали йўлларида бири -мумтоз адабиётимиз намуналарида бадиий ифода этилган исломий истилоҳларни тўғри талқин этиш ва бундай асарларнинг дунё тилларига таржималарини амалга ошириш ҳисобланади. Мақола доирасида мумтоз адабиёт намуналарида тасаввуф билан боғлиқ тарзда англашиладиган замон категориясининг Алишер Навоий достонларидаги бадиий ифодасини ва русча таржималарда қайта яратилишини кўриб ўтамиз.

Адабиётшунос олим И.Ҳаққулнинг ёзишича, “Шарқнинг кўп буюк санъаткорлари сингари Алишер Навоийнинг Вақтга доир қарашлари, муносабат тарзи ва ундан кўзда тутган мақсадлари ҳам тасаввуф маслаги билан чуқур алоқадордир”. Навоийнинг Вақт, Ҳол, Нафас баҳсидаги фикр-туйғуларининг бадиий ифодасини таҳлил қилар экан, олим лирик қаҳрамоннинг ҳол даражаларини навбатма-навбат эгаллашидаги ҳиссий идрок ва завкий

³⁴⁴ Осипов.Г.В. Социология сегодня. Проблемы и перспективы. — М.: Прогресс, 1965. — С. 135.

мушоҳадаси меърожида Вақт ва Ҳолнинг муносабатдошлигини кўрсатиб беради. [16:196.] Унинг таъкидлашича, “Вақт олдидаги масъуллик у билан алоқа ўрнатишнинг ўзига хос “мақом”ларини эгаллашни талаб қилади. Вақтга фақат маънавий-руҳий ҳаракат ва маърифий фаолият ила юзлашиш лозим. [15: 67.]

Ё.Исҳоқов “Нақшбандия таълимоти ва ўзбек адабиёти” рисоласида Нақшбандия сулукининг ёзма адабиётга таъсирини ёритиб, бевосита Навоий эпик дostonларида тасаввуфий категориялар-макон ва замоннинг бадиий ифодасига тўхталади: “сафар дар ватан”, “хуш дар дам”, “хилват дар анжуман” ибораларининг “Садди Искандарий” дostonи контекстидаги диний ва дунёвий талқинини шарҳлаб, дунёвий мазмуннинг устунлигини таъкидлайди. [4:67-70.] Навоийшунос Ш.Сирождидиновнинг “Ўзбек мумтоз адабиётининг фалсафий сарчашмалари” монографиясида қадимги давр манбалари ҳамда ислом илмида диний-фалсафий таълимотлар моҳияти кенг ёритилган. Муаллиф келтирган фактлар ичида Вақт категориясига бўлган муносабатнинг турли даврларда турлича эканлиги эътиборни тортади. Масалан, Форобий вақтни абадий деб билар, ҳаракатни белгилловчи ўлчов деб қарар эди. Ғаззолийнинг фикрича: “Вақт яратилган. У инсонлар тафаккурида пайдо бўлган. Бунга оламдаги ўзгарувчанлик сабабдир.” У баҳс мавзусига олиб чиққан асосий масалалардан бири – Олам, замон ва маконнинг азалийлигидир. Файласуфлардан фаркли равишда, у оламнинг вақтда чекланганлик гоҳсини илгари сурди. Шу билан бирга, Ғаззолий файласуфларнинг вақт тушунчасини ҳам теран таҳлил этади: Арасту вақтни абадий ва узлуксиз ўзгарув, ҳаракатлар силсиласи, деб ҳисоблаган, яъни, вақт бошқа барча ҳаракатларни сон жиҳатдан ўлчовчи ягона ҳаракат эканлигини исботлашга уринганлигини ҳам назардан ўтказди. [10:111-138]

С.Жумаеванинг “Вақт ва ҳол уйғунлиги тасвири” мақоласида тасаввуфий истилоҳ сифатида Вақт ва ҳолнинг ўзаро муносабатдошлиги очиб берилган, аммо масалага замонавий лингвوماданий нуқтаи назардан ёндашилмаган. [3:60-62] Ваҳоланки, Тасаввуфий истилоҳлар шарҳида ҳолнинг “руҳий-психологик ҳодиса”, эканлиги қайд этилган. [11:216.] Вақтнинг тасаввуфий истилоҳ сифатидаги талқини куйидагича: “мозий ила истиқбол орасидаги замон. Кулнинг қалбида ворид бўладиган илоҳий воридот ва Раҳмоний тажаллий вақти. Солик устидан ҳокимликка етишган маънавий ҳол. Сўфий ибнул вақтдир.” [13: 215]

Кўриб ўтганимиздек, шарқ мумтоз адабиётидаги психологик вақт тасвири бевосита тасаввуф таълимоти билан боғлиқ. Жон Уильям Дан “Вақт эксперименти” асарида (1920й.) пайгамбарларнинг тушларини таҳлил қилар экан, шундай хулосага келади: Вақтнинг бир инсон учун камида икки ўлчови мавжуд. Бирида у бўлади, иккинчисини идрок этади. Айнан ана шу иккинчи вақт ўлчови маконга хос, у орқали ўтмишга ва келажакка ҳаракатланиш мумкин. Бу вақт тафаккур ўзгариши ҳолатида, яъни ақл инсонга тазйиқ ўтказмаган пайтда, кўпинча тушда содир бўлади. [9:29]

Ҳол ва Вақт муносабатдошлигининг бадиий ифодаси сифатидаги психологик вақт тасвирини Навоий эпик дostonларида кўплаб учратиш мумкин. Бунда шоир макон ва замон ўлчовлари асосида яратилган бадиий оламнинг ўз мақсадларини амалга ошириш учун керакли ўлчамларини танлайди. Н.К.Ғейнинг ёзишича, “...бадиий-конструктив вазифани бажарувчи макон ва замон “координата”лари тасвирланаётган воқеълик кўламини кенгайтириб, ҳаракат динамикасини белгилайди”. [1:265]

Бинобарин, Навоий “Хамса”да маънавий –руҳий замон ва макон конструкциялари асосида маълум мақсадга йўналтирилган кенг бадиий олам картинасини яратади. Ўйлашимизча, эпик дostonлар таркибида келтирилган меърож ҳодисаси ана шундай психологик вақтнинг образли ифодаси сифатида талқин қилиниши мумкин.

Зеро, меърож тасаввуф лугатларида вақт билан боғлиқ тарзда кечадиган “руҳнинг юксалиши, маънавий йўловчилик”, деб изоҳланади. [11:368] Шоир лирикасида меърож талқинини З.Ғаффорова, К.Муллахўжаева ва б.нинг ишларида кўриш мумкин, аммо чексиз маконда жуда қисқа вақт ичида содир бўлган буюк ҳодиса замон ва макон мезонлари асосида текширилмаган. [14:12-13; 5:37-39]

Вахоланки, шоир газаллари ва эпик дostonларининг кириш қисмида анъанавий тарзда келтирилган наътлардаги меърож билан боглиқ бадий лавҳалар вақт ва макон категориялари билан бевосита боглиқ. Бу ҳақда Шайх Нажмиддин Кубро шундай маълумот беради: “Пайгамбаримизга Меърож кечаси нурдан нарвон бахшида этилган бўлиб, бу кадам кўтарилишнинг эмас, жазбанинг тимсоли эди. Сурат ва жасад билан меърожга юксалиш узоқ вақт талаб қилади, меърож эса тайи замон ва тайи макондир. Олами малакут билан олами мулкни қиёслаб бўлмайди. Малакут оламида руҳ билан, жабарут ва лохутда эса сир билан сайру саёҳат қилинади”. [13:77]

Алишер Навоийнинг лирик ва эпик асарлари таржимони, туркийшунос олим С.Иванов асл нусхани шарҳлаш тажрибасида ёзишча, “Тасаввуф рамзийлигининг бутун ўзига хослигига қарамай, шоирда бу образлар содда, ҳатто равшан ифодаланган, дейиш мумкин: аслида рамзийликнинг ифодаси эмас, балки унинг ўзи мураккаб”. [12:215] Афсуски, ана шу мураккаблик ва собиқ тузум идеологияси билан боглиқ сабабларга кўра, дostonларнинг Ҳамд, меърож ва наътлардан иборат кириш қисмлари таржимада (ҳатто ўзбекча нашрларда ҳам! –З.Ш.) тушириб қолдирилган. Бундай аёвсиз қисқартиришларга нисбатан рус тилида Навоий асарларининг 10-томлик академик нашри чикқанидан ўн йил ўтиб, Н.Владимирова, Л.Сериковаларнинг матбуотдаги очикча эътирозлари ўз даврига нисбатан ўта шижоат билан айтилган фикр эди, дейиш мумкин.[12:76-78; 113-123] Афсуски, орадан ярим аср вақт ўтган бўлсада, ханузгача Навоий дostonларининг русча таржималарида тушириб қолдирилган ўринларини тўлдириш масаласи оксамоқда. Фақат 2015 йилга келиб, “Фарҳод ва Ширин” дostonининг кириш қисмларини Қ. Эргашевнинг насрий таржимаси асосида В.Васильев бадий таржимасини амалга оширди. Аммо бу таржимани дostonнинг асосий қисмини рус тилига ўгирган Л.Пеньковский таржимаси билан тенглаштириб бўлмайди. Ўйлашимизча, меърож билан боглиқ образли контекстни таржима қилишда “Лисон-ут тайр” дostonини тўлиқ таржимасини амалга оширган С.Иванов таржимаси асос бўла олади.

Алишер Навоий “Лисон-ут тайр” дostonининг 4-бобида меърож ҳодисасини образли тасвирлар экан, психологик вақтни чексиз макон параметрларига нисбатан қўллайди:

Ул кечаким (дискрет вақт)

Шаҳи гардунмаком (Муҳаммад Пайгамбар)–гардунхиром– буроқи барқхез –рокиб ўлким – гарди роҳинг айла бу фируза тоқ –рахш узра –хумоюн маркаби қилди ҳаво – макдамидин(кадам) чарх эли топти наво– қамарга мавкибидин етти кадр /ул куёш ташрифидин ой бўлди бадр –иккинчи авж уза урди алам/ Дурфишон бўлди Аторудга қалам – учинчи сахн /Зухра хунёгарлик айлаб чекти лаҳн –Сурди чун тўртинчи айвонга асос, /Шоҳи анжум айлади нур иқтибос –Солди чун бешинчи айвон сори от, /Наҳси Асгар Саъди Акбар бўлди бот –Саъди Акбар сори қилди гузар –Қилди чун бешинчи торамга убур(ўтмоқ) /Ҳиндуи мазлум (Сатурн) деди Оллоҳи нур –Икки води қилди уруж (кўтарилмоқ)/Зоҳир ўлди куббаи зотилбуруж –Фарридин топти кўзи кўчқорлиг, /Сарвга етти Асадқирдорлиг – Хидматига боглади Жавзо қамар, /Бўлди Саратон ростравлиққа самар –Арслон итдек оёгига тушуб, /Хўша(Бошоқ) тухми дур бўлурга ёвушиб –Каффа(Тарозу) жон мезонлигин айлаб аён, /Заҳрини тарёк этиб андин Чаён – Ёни айлаб қоши таъзими ҳилол, /Макдамидин Жадий ўлуб заррин гизол –Далв олиб нуктасидин жон суйи, /Хут топиб нуткидин ҳайвон суйи – Борчасидин юқори маркаб суриб –Арши Курсига уруб фаррух алам –Ломакон майдонида жавлон қилиб –Борғаҳи курб(якийн) аро топиб мақом –Ли маъ Оллоҳ остонин ёстониб, /Қоба қавсайн иттиҳодин қозғониб –Тарфатульайн ичра англаб билгани, / Турфақим бир онда бориб келгани.6:16-19]

Контекстдан англашиладиган самовий юксалишнинг “бир он” да содир бўлиши ёруглик тезлигидаги вақт ва чексиз маконни сигдира оладиган онгда кечган тафаккур оқими эканлигига шубҳа йўқ. Меърож ҳодисасининг тун, коинот, осмон жисмлари билан муносабатдошлиги эса тафаккурнинг олий даражаси билан белгиланади. Зеро, тасаввуф таълимотига кўра, “олий идрок коинот билан боглиқ: куёш, ой, юлдузлар, бурж белгилари ва яна бошқа бир қисмини кўриб мушоҳада этиш мумкин бўлган нарсаларнинг барчаси Унга

(Худога) тегишлидир. Агар сен улар ҳақида фикр юрита олсанг, билки, ўша жавҳарлардан сенинг танигда мавжуд қисми тозаланган...” [13:136]

С.Иванов таржимада вақт (тезлик) ифодалар экан муқобил грамматик конструкцияларни қўллайди: вознес в выси (скаун)- шаги –бег скакуна –летя –взвился до предела –пригнал скакуна –пустил коня –направил шаг –миновал –горный полет –настиг –бег коня устремил выше –вital –В двух луках пространства увидел он бога –Все постиг и узнал он в мгновение ока, /И мгновенно вернулся, вознесшись высоко [7:17-21].

Кўриб турганимиздек, таржимада вақт тасвири тадрижий ривожланиб боради: шаги/ кадам –бег/ югуриш–летя /учмоқ – миновал/ўтиб кетмоқ – горный полёт/ юсак парвоз – настиг /етиб бормоқ – устремил /жадал олдинга сурмоқ- vital /1.мавжуд бўлмоқ; 2.хаёл осмонида учмоқ; лексеманинг ҳар иккала маъноси ҳам контекст мазмунига мос тушади, лекин диққат қилинса, осмоннинг энг юсак нуктасини кўз очиб юмгунча забт этиш “тафаккур оқими” ҳодисаси, яъни психологик вақтнинг фавқулоддаги тасвири. Қоба қавсайн –икки ёй, икки қош оралигидаги масофа, Навоий асарлари лугатида кўрсатилишича: икки ёй орасида ёки ундан ҳам яқинроқ оятига ишора.[8: 348]

“Тарфатульайн” – бир киприк қоккунча ўтган вақтни билдиради. С.Иванов таржимада “В двух луках пространства”, “мгновение ока” каби архаик лексикани қўллаб, давр колоритини сақлаган. Айтиш мумкинки, таржимада вақт билан боғлиқ лексик бирликлар мазмун ва ифода режасига кўра симметрик танланган.

Доимий ҳаракатда бўлган макон тасвирида таржимон қуйидаги лексемаларни қўллайди: Оседлай этот свет – да будет стезею тебе небосвод – выси - поднебесной лазури – до третьего предела –четвертый чертог –пятому слою –седьмому пределу –два неба сверх мрака –высот Зодиака –двинулся круг –скрижали небес –в бескрайнем пространстве небесном –И вели его к вечным пределам дороги. [7:18-21]

Навоийга эргашган Иванов ҳам Пайгамбар Муҳаммад томонидан оний бир лаҳзада мушоҳада этилган доимий ҳаракатдаги коинотнинг образли тасвирини қайта яратишга эришади, яъни психологик вақт(макон)ни қайта тиклайди: Скаун благодатный –От солнца того(Муҳаммад) /стала полной луна / Он, летя, осыпал жемчугами Меркурий / Венера ему песнопения пела / Марс промчался, Юпитер прошел стороною / предстал Овен горнем полёте / настиг Тельца, словно лев на охоте / склонились Близнецы для услуг / Рак распрямился и двинулся круг / Лег к ногам его Лев, как собака, покорно / Колосья, как жемчуг, рассыпали зерна / Весы равновесье / отраву убил скорпион в своем жале / Полумесяцем лук свой поставил Стрелок / Золотою газелью предстал Козерог / Водолей взял в речах его влагу живую / И для рыб в них журчали живящие струи.

Хуллас, айтиш мумкинки, тасаввуфий мазмундаги психологик вақт таржима матнда ҳам фавқулодда улкан бадий –семантик вазифани ўтаган. А.В.Жучкованинг ёзишича: “Бундай тафаккурдан тўхтовсиз равишда ўтадиган ва хотирада чуқур ўрнашиб қоладиган сенсор таассуротларни замонавий психология онг остининг асосий ресурси ҳисоблайди”. [3:50-57]

Адабиётлар:

1. Гей Н.К. Художественность литературы. Поэтика. Стиль. М.: Наука,1975.-265б.
2. Жумаева С. Вақт ва ҳол уйғунлиги тасвири /Алишер Навоий ижодий ва маънавий меросининг оламшумул аҳамияти. Халқаро илмий-назарий анжуман материаллари.-Т: “Ўзбекистон”,2011.
3. Жучкова А.В. Концепция времени в романе Е.Водолазкина «Лавр»././ Филологические науки. Научный журнал, №2,2015(март).
4. Исҳоқов Ё. Нақшбандия таълимоти ва ўзбек адабиёти.-Т.:“Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти”,2002,120б.
5. Муллахўжаева К. Алишер Навоий газалларида меърож талқини / Алишер Навоий ижодий ва маънавий меросининг оламшумул аҳамияти. Халқаро илмий-назарий анжуман материаллари.-Т: “Ўзбекистон”, 2011.

6. Навоий, Алишер. Лисон ут-тайр (Насрий баёни билан)–Т.: Гафур Гулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2009. -472б.
7. Навои Алишер. Сочинения в десяти томах. Язык птиц Т.8. (Перевод С.Иванова). –Т.: “Фан”, 1970. -342б.
8. Навоий асарлари учун қисқача лугат./ Тузувчи: Ҳасанов Б. –Т.: “Фан”, 1993. -374б.
9. Руднев В.П. Словарь культуры 20века. Ключевые понятия и тексты.-М.:“Аграф”, 1997.
10. Сирожиддинов Ш. Ўзбек мумтоз адабиётининг фалсафий сарчашмалари /Монография.-Т.:“Янги аср авлоди”, 2011.- 200б.
11. Sulayman Uludag. Tasavvuf terimleri sozlugu.-Istambul, 1995. S.368.)
12. Таржима санъати (Мақолалар тўплами).-Т.:Адабиёт ва санъат нашриёти,-1978,4-китоб,328б.
13. Шайх Нажмиддин Кубро “Тасаввуфий ҳаёт”/Таржимон ва нашрга тайёрловчилар: И.Ҳаққул, А.Бектош, Т.: “Мовароуннаҳр”, 2004.-263б.
14. Гаффорова З. Навоийнинг ҳамд ва наът газаллари –Т.: “Маънавият”, 2001.–64б.;
15. Ҳаққул И. Тасаввуф ва Навоий шеърляти ҳақида / Навоийнинг ижод олами. Т., 2001.
16. Ҳаққул И. Навоийга қайтиш.-Т.: “Фан”, 2007.
17. Фарҳод ва Ширин достонидан. Қ. Эргашев насрий таржимаси. // Жаҳон адабиёти 2015 йил, январь, февраль, март, апрель, май сонлари.
18. Фарҳад и Ширин. Фрагменты поэмы. /Перевод В.Васильева / Жаҳон адабиёти 2015йил, июнь сони.

ИСЛОМ МАДАНИЯТИНИНГ МУҲИМ ТАМОЙИЛИ БЎЛГАН ДИНИЙ БАГРИКЕНГЛИК ТАФАККУРИНИ ЁШЛАРДА РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ-ПЕДАГОГИК АСОСЛАРИ

Салимжон Эватов

ФарДУ фуқаролик жамияти кафедраси ўқитувчиси

Ҳозирги вақтда мамлакатимиз аҳолисининг 32 фоизини ёки 10 миллионини 30 ёшгача бўлган ёшларимиз ташкил этади¹. Ёшларнинг иродали, иймон-эътиқодли, мустақил ва эркин фикрли, ҳар қандай хуружларга дадил қарши бора олишга қодир инсон бўлиб етишишларида таълим муассасаси, оила, маҳалла ҳамкорлиги, миллий ва умуминсоний кадрятларга асосланган маънавий-мафкуравий тарбиянинг аҳамияти катта.

Мамлакатимизда ёшларнинг ҳар жиҳатдан баркамол инсонлар бўлиб етишиши учун ташкилий-ҳуқуқий ва ижтимоий-маънавий шарт-шароитлар яратилмоқда. Ўзбекистон Республикасида ёшлар камолоти борасида “умумхалқ ҳаракатига айланиб бораётган беш ижобий ташаббуснинг мазмуни ва аҳамиятини чуқур тушуниш”², унда илгари сурилган “ёшлар маънавиятини юксалтириш улар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш бўйича тизимли ишларни ташкил этиш”³га алоҳида эътибор қаратиш, “улгайиб келаётган ёш авлоднинг илм эгаллашга бўлган иштиёқи ва интеллектуал салоҳиятини ошириш”⁴, “ёшларимизга муносиб таълим бериш, уларнинг илм-фанга бўлган интилишларини рўёбга чиқариш”⁵ мамлакатни ривожлантиришнинг устувор вазифаси сифатида белгиланган. Шу билан бирга, ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишни ташкил этиш долзарб масала ҳисобланади. Ёшлар қанчалик маънавий баркамол бўлса, турли ёт иллатларга қарши

¹ Мирзиёев Ш. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. - Тошкент: “Ўзбекистон”, 2017. –Б. 13

² Мирзиёев Ш.М. Нияти улуг халқнинг иши ҳам улуг, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. 3-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2019. – Б.384.

³ <http://www.uzdaily.uz/uz/post/5328>. Президент: ёшларни тарбиялашдаги муҳим 5 та ташаббус. 20/03/2019. 03:02

⁴ <http://www.lex.uz/docs/4320713>. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 майдаги ПҚ-4306-сон “Иқтидорли ёшларни аниқлаш ва юқори малакали кадрлар тайёрлашнинг узлуксиз тизимини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарори.

⁵ Мирзиёев Ш.М. Нияти улуг халқнинг иши ҳам улуг, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. 3-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2019. –Б.10.

иммунитети ҳам шунча кучли бўлади. Ёшларнинг толерант дунёқарашини шакллантириш масаласи ҳам бугунги кунда ижтимоий фанлар олдида турган муаммолардан биридир.

Багрикенглик тафаккури динларга бўлган холис муносабат, бирор динни бошқасидан устун қўймаслик, уларни ажратмаслик, уларни бир-бирига қарши қўймаслик, инсон диний эътиқодига ҳурмат билан қараш, шу билан бирга бошқа дин гоёларини зўравонлик билан сингдиришга уринмаслик, яъни миссионерлик фаолияти билан шугулланмаслик, динсизлар ҳуқуқларининг ҳурмат қилиниши каби моҳиятан зарур бўлган масалаларни ўз ичига қамраб олади.

Ёшлар тафаккурига қаратилган турли таҳдидларнинг ортиши эса, айнан талабалик йилларида ёшларни толерантлик асосида тарбияланишини муҳим ижтимоий-сиёсий вазифага айлантиради.

Ёшларда багрикенглик тафаккурини шакллантириш масаласи ҳамда унинг таълим тизимига жорий этиш жараёнида қуйидаги тамойилларга риоя этиш талаб этилади:

- демократик ва фуқаролик, дунёвий жамият кадриятлари, умумбашарий ва миллий мезонлар уйғунлигига таяниш;

- “гоёга қарши гоё, жаҳолатга қарши маърифат” гоёси талабларини бош йўналиш қилиб танлаш;

- миллий гоё, миллий манфаатлар ва миллий мафкура гоёларини ёшлар тафаккурида узлуксиз шакллантириш тизимини яратиш;

- “кучли давлатдан, кучли жамият сари” гоёсининг таълим ва тарбия жараёнининг барча босқичларида узлуксиз шакллантиришга эришиш;

- ёшларнинг ижтимоий йўналтирилган фаоллиги, миллий ва умумбашарий кадриятларни ўрганишга бўлган эҳтиёжини ҳисобга олиш;

- ёшларни шахс сифатида камол топдириш фаолиятига давлат ва жамият ривожининг келгуси такомил асоси сифатида қараш;

- ёшларни жамият ривожининг истиқбол заҳира бойлиги сифатида англаш.

Ёшлар тафаккурида багрикенглик тафаккурини шакллантириш вазифаси педагоглар олдида турган долзарб масалалардан бўлиб, унинг ижобий ечими ёшларни дунёвий илмлар асосида тарбиялашнинг муҳим талабларидан биридир.

Багрикенглик тушунчасини ёшлар тафаккурида шакллантириш жараёнида уларнинг билим савияси ва тафаккуридаги толерантлик бўйича билим даражасини белгилаб олиб, сўнг барча гуруҳлар савиясини назарий ва амалий билимлар билан бойитиб бориш муҳим аҳамият касб этади. Мазкур педагогик жараён ёшларнинг ёш хусусиятлари, уларнинг ўз фикрига эга бўлишга интилиши, уларнинг мулоқот олиб бориш, баҳс қилиш, ўз фикрини бировларга ўтказиш маданиятлари даражаларини ҳам инobatга олиш зарур. Чунки бағрикенглик инсоннинг умумий билим ва маданият даражасини белгиловчи асосий кўрсаткичлар доирасига кирувчи кадриятлардан ҳисобланади.

Багрикенглик тушунчаси ва тафаккури ёшлар онгида ислом маданияти асосида жамиятда ўзини тутиш ва ўз фикрини бошқаларга ўтказиш борасида қуйидаги кўникмаларнинг шакллантирилишини талаб этади:

- дунёдаги ирқ, миллат, элат, маданият, дин, тил ва давлатларнинг турли-туман, ранг-баранг ва ўзига хослигини қабул қилиш ва ҳурматлаш;

- ўзга ирқ, миллат, элат, маданият, дин, тил ва давлатлардаги инсонларнинг ўзига хос кадриятлари тизими, урф-одатлари, мантикий фикрлаш жараёни, турмуш тарзи мавжудлигини тан олиш, англаш, мана ҳолатнинг табиий эканлигини тушуниш;

- ўзга бир инсоннинг унинг ирки, миллати, элати, маданияти, дини, тили ва давлатидан қатъий назар, бизга нисбатан фарқли томонларининг борлигини қабул қилиш ва мана шу фарқлар тизимига ижобий муносабатда бўлиш;

- ҳар қандай инсонга бўлган муносабатда унинг эмоционал-ҳиссий жиҳатларини баҳолашда умумбашарий гуманитар мезонларга таяниш, ўзга инсон ички дунёсини баҳолашга уриниш, ўзга инсон кадрлаган хис-туйғуларни баҳолаш.

Шу билан бирга ёшларга куйидаги йўналишларда умумбашарий ва миллий кадриятлар тизими доирасидаги билим ва кўникмаларнинг бериб борилиши талаб этилади:

- бағрикенглик тушунчасининг илмий-назарий ва тарихий илдизларини билиш;

- “мультикультурализм”, “полиэтнилик”, “мономаданият” ва “полимаданият”, “маданиятлараро диалог” каби тушунчаларнинг мазмуни ва моҳиятини тўғри англаш;

- геноцид, расизм, ксенофобия, экстремизм, этноцентризм, фундаментализм, радикализм, миллатчилик, миллий худбинлик, гуруҳли худбинлик, диний ақидапарастлик ва диний риекорлик каби толерантликка қарши бўлган тушунчаларнинг мазмунини тўғри англаш ва баҳолашга ўрганиш, уларга қарши бўлган бағрикенглик тафаккурига таянишга ўргатиш;

- дунёвий давлат ва дин муносабатлари, эътиқод эркинлиги тушунчаси, инсон ва диний эътиқод, дахрийлар ҳуқуқлари масалалари бўйича миллий истиқлол гоёсига асосланган билимлар ва кўникмаларни шакллантириш;

- мафкуравий зиддиятлар ва қарама-қаршилиқлар, мафкуравий кураш жараёнларида ёшлар тафаккурини “сохта демократиялар”, “рангли инқилоблар”, “привентив революциялар” ва бошқа турли мафкуравий таҳдидлардан асрашга ўргатиш;

- талаба-ёшларни ўзаро мулоқот ва муомала маданиятига, баҳс олиб бориш, етакчилик қилиш, конфликтларнинг ижобий ечимини топиш, ўзгалар ҳуқуқларини ҳурматлаш маданиятига ўргатиш;

- ҳар бир шахс ноёб ҳодиса, такрорланмас воқелик эканлигини чуқур англаш, ўзгаларга зарар етказмаслик, ўзгалар билан инсоний муносабатга киришиш маданиятини, инсонлараро коммуникативлик кўникмаларини шакллантириш.

Ёшларда бағрикенглик тафаккурини шакллантиришнинг асосий мақсади ислом маданиятида қадимдан илгари суриб келинаётган дунёвий ва диний бағрикенглик, ўзга дин ва миллат вакилларига ҳурмат, ўзга маданиятларни қадрлаш, миллий бойликларга ҳурмат билан қараш, сабр-тоқатли бўлиш, дўстлик муносабатларини ўрната олиш ва қадрлаш, оила ва жамиятда бардошлилик кўникмаларини кўрсата олиш, биродарлик, ҳамдардлик, ҳурфикрлилик, садоқат, эъзоз, бировларни камситмаслик, ўзгалар хатолари устидан кулмаслик, ўзгаларни хўрламаслик, ўз кучига ҳаддан зиёд ишонмаслик, тинчлик ва тотувликни қадрлаш, инсонларни барқарорликка сафарбар эта олиш каби кўникмаларни тарбиялашга қаратилгандир.

Талаба-ёшлар онгида бағрикенглик тафаккурини шакллантириш ёшларда куйидаги умумий ва изчил кўникмаларнинг тарбияланишини назарда тутди:

- жамиятда тотувлик, ҳамжиҳатлик ва ҳамкорликка асосланган толерантлик муносабатларини ҳар жабҳада ўрната олувчи етук шахс;

- бағрикенгликка ёт бўлган муносабатларга қатъий қарши чиқа оладиган фаол шахс.

- бағрикенглик кадриятларини кенг тарғиб ва ташвиқ эта оладиган, ўз гоёлари атрофида ёшларни мусажжам этиб, уларни бунёдкорлик фаолиятига жалб эта оладиган етакчи шахс.

Шундай қилиб, талаба-ёшлар тафаккурида бағрикенглик тафаккурини шакллантириш ислом маданияти асосидаги толерантлик бўйича умумбашарий ва миллий кадриятлар мажмуасини тўлиқ эгаллаган етук, фаол ва етакчи шахс тарбиясига қаратилмоғи даркор.

YASSAWI AND HIS DOCTRINE

Sharipova D.Sh., (BSU, ESP Teacher)

Gaybullayeva M.A., (the teacher of 25th school in Bukhara)

Adizova Zarina (the teacher of 60th school in Gijduvan)

Abstract: In the article Ahmad Yassawi's biography, his followers and his doctrine described widely. His aphorism is translated from Uzbek into English. The history of Yassavia tarikh and its reflection on today's youth moral is also studied in the article.

Key words: mysticism, honest, Yassavia tarikhah, Nakshbandia tarikhah, a kennel, followers, doctrine, a manuscript

Immediately after the advent of Islam, the mystical teachings that emerged within it, in accordance with the teachings of the Koran and Hadith, began to be widely spread in Movarounnahr in the X-XI centuries. Mysticism is one of the most complex, contradictory, and important events in the spiritual life of the Middle East peoples, for saking it, abandoning the worldly riches and pleasures, living a pure, honest, hard work in pursuit of Allah; voluntary poverty is calculated as a characteristic.

The emergence of mystic doctrines in Central Asia is associated with the name of Yusuf Hamadani (1048-1140). Yusuf Hamadani built a house and madrasah in Merv and Bukhara, and trained many Turkic and Persian followers. Hasan Andaki, Abdullo Baraki, Abdukholiq Gijduvani and Ahmad Yassawi were the best followers in Bukhara. Later, these four talented students continued their schooling successfully.

“Yassavia” and “Nakshbandia” tarikhahs were formed on the basis of Hamadani doctrine.

Khoja Ahmad Yassawi, the founder of the first Sufi teaching in Central Asia in the XII century, was born in 1105 in Sayram, in the family of Sheikh Ibrahim. The date of his death is written 1167 in many manuscripts. At a young age, his mother died and then his father left him. He was brought up by his grandfather, Arslanbob. Ahmad received his first teaching at Yassi by the famous scholar Shahobiddin Isfijobi. Then he went to Bukhara under the instruction of his grandfather Arslanbob and Yusuf Hamadani taught him there. Ahmad Yassawi himself acknowledged that he was 23 years old when he came to his mentor Yusuf Hamadani. There he studied mysticism, and then returned to Turkestan, where he began to teach his tenet and make followers.

According to legends, when he was 63 years old, he built a subterranean kennel and spent the rest of his life there praying, writing priceless wisdom, and practicing hypocrisy.

He is known as the first Turkic-speaking poet in the history of culture in Central Asia. His poems in Turkic poetry, which spread mysticism, quickly became popular among people with the closeness of his language and its tone.

Khoja Ahmad Yassawi brought up and educated a great many educated men. It is well known that after the “Yassaviya” tarikhah, there appeared two major sects in Central Asia such as “Nakshbandiya” (Khojagon) and “Bektoshiya”.

All the doctrines of the “Yassaviya” tarikhah are described in detail in the “Wisdom” (“Hikmat”), the main work of Ahmad Yassawi. It is an excellent example of Turkish poetry of the XII century, it has influenced profoundly on Turkic literature in recent times. In his work “Wisdom” he expressed cleanliness, truth, honesty, compassion, earning with self-hand and hard work, the inner and outer improvement of the human as progressive universal values to reach the beauty of Allah in “Yassavia” tarikhah.

Some of his aphorisms show that Yassawi, like his pious high priest Sheikh Yusuf Hamadani, had no interest in accumulating wealth, and he was poor and loved the poor. Yassawi rashly criticized for greedy people who have become rich in wealth and engaged in gathering wealth:

Know that the world will pass of all nations,
Don't believe your wealth, one day you will lost it,
Where had gone your mother, father, relatives, think of it,
A four-legged horseback one day will reach you.

Indeed, Khodja Ahmad Yassawi is the founder of the first mysticism in Central Asia – Yassavia, a well-known poet and humanist, well known in the spiritual history of the Turkic speaking peoples. Each of his work has valuable secrets that everybody is impressed by; they teach us to be an ideal person with honest character being beautiful inner not outer, doing only goods and fighting for truth.

Ahmad Yassawi made considerable efforts to spread Islam throughout Central Asia and had numerous students in the region. Yassawi's poems created a new genre of religious folk poetry in Central Asian Turkic literature and influenced many religious poets in different countries.

References:

1. O'zbekiston Respublikasi Fan va texnologiyalarni rivojlantirishni muvofiqlashtirish qo'mitasi, Toshkent Islom Universiteti, "YANGI NASHR", 2011. Shosh.uz>Bosh sahifa>Allomalar.
2. WikipedaA
3. "Encyclopedia Britannica (2007): Related Articles to "Ahmed Yesevi, or Ahmad Yasawi, or Ahmed Yasavi (Turkish author)", accessed March 18, 2007". Britannica.com. Retrieved 2013-04-09.
4. John L. Esposito, ed., The Oxford Encyclopedia of the Islamic World, Volume 1, New York: Oxford University Press, 1995, p.271.

ZIYORAT TURIZMINI RIVOJLANTIRISH

Mavlonova U.Kh., (BSU, Senior Lecturer)

Halimova M.N., the teacher of 25th school in Bukhara

Raupova Mokhinur, the teacher of 60th school in Gijduvan

Annotatsiya: Ushbu maqolada ziyorat turizmining ma'nosi ochib berilgan, uni rivojlantirish uchun muhim faktlar o'rganilgan va ziyoratchilar ehtiyojlari tahlil qilingan.

Tayanch so'zlar: ziyorat turizmi, sayohat, ziyoratgoh, ziyorat turizmi bozori, ziyoratchilar ehtiyoji, e'tiqod, sayyohlik

"Sayohat – u sizni lol qoldiradi va hikoyachiga aylantiradi" Ibn Battuta

Ziyorat sayohati turizmning eng qadimgi va eng muhim shakllaridan biri bo'lib hisoblanadi. E'tiqodga asoslangan bu turizm Hindistondan Meksikagacha, Isroildan Saudiya Arabistonigacha butun dunyoda mavjud. Injil davridan beri ziyoratchilar nafaqat ma'naviyatga chaqiruvchilar, balki qalbga ta'sir qiluvchi, shuningdek, cho'ntak daftariga ham ta'sir qiluvchi yirik iqtisodiy haydovchilar bo'lgan. Injilda Bibliyadagi yig'im-terim bayramlariga yiliga kamida uch marta Quddusga borish haqida aytilgan. Xuddi shuningdek, Islom dunyosi Makkaga haj yoki ziyorat bilan mashhurdir.

Ko'p ming yillar davomida odamlar turli shaharlarga, ziyoratgohlarga, daryolarga, tog'larga ziyorat qilishdi. Dunyo bo'ylab shaharlar nafaqat sayyohlik markazlarini, balki mo'jizalarga boy bo'lgan joylarda, masalan, Portugaliyadagi Fotima va Fransiyadagi Lourdesda diniy turizmni rivojlantirdilar.

Bundan tashqari, ziyoratlar, odatda, diniy marosimlar yoki mashhur yodgorliklarga tashrif buyurish shaklida bo'lishi mumkin. Masalan, millionlab odamlar Moskvaga Leninning qabriga ziyoratga borishgan, AQShda esa millionlab kishilar Vahington va Vashington punktini kesib o'tgan yodgorliklarni ziyorat qilishgan.

Ziyorat turizmi ko'p jihatdan tadbir turizmining boshqa shakllariga o'xshashdir. Ilohiy shifo yoki minnatdorchilikni xohlash kabi ma'naviyatning biror bir shakli sayohatni ilhomlantiradi, ammo ko'p hollarda turizmning boshqa shakllarining ko'pgina xususiyatlarini yo'qotadi. Ushbu diniy obidalarni ziyorat qilgan kishi zamonaviy ziyorat turizmi duvosida bu joylar ikkilamchi industriyani keltirib chiqarishini tez sezadi. Shunday bo'lsa, ziyoratgoh joylar atrofida estalik sovg'alar industriyasi yoki mehmonxona industriyasi yoxud shunga o'xshash bir qator industriyalar tez rivojlanadi.

Ikkinchidan, turizmning boshqa ko'plab shakllarida bo'lgani kabi, tashrif buyuruvchi ham ziyoratgohga ixlos qilishi kerak.

Uchinchidan, asosiy maqsadi e'tiqodga asoslangan kishining ziyorati bilan asosiy maqsadi ma'naviylik bo'lmagan kishining ziyorati farq qiladi. Bunday kishilarni ziyorat turizmiga

asoslangan kishilar deb tasniflash mumkin, biroq ular ma'naviy ziyoratchilar emas. Shunday qilib, diniy ziyorat maskanlari dunyosiga kirish fikrlashdan ko'ra ko'proq ma'naviy hissiyot mashqidir.

Barcha ziyoratlar e'tiqodga asoslangan sayohat bo'lsa-da, e'tiqodga asoslangan turizmning hammasi ham ziyorat emas. E'tiqodga asoslangan sayohat hayot siklidagi voqealar, missionerlik faoliyati yoki gumanitar qiziqish loyihalari va diniy anjumanlar uchun o'tkazilishi mumkin. Ijtimoiy psixologiya nuqtai-nazaridan ziyoratlar hissiyotga asoslangan bo'lsa-da, e'tiqodga asoslangan turizm katta biznes hisoblanadi.

Statistik ma'lumotlarga qaraganda, faqatgina AQShda sayohat qiluvchi jamoalarning 25 foizi haj yoki diniy turistik turlarga qiziqish bildirmoqda. Agar bunga diniy e'tiqodga asoslangan anjumanlar va to'ylar, bardavom marosimlar yoki dafn marosimlariga boradigan odamlar soni qo'shilsa, ularning soni g'oyat katta bo'ladi. Bugungi kunda diniy sayohat dunyo bo'ylab eng tez rivojlanayotgan segmentlardan biridir. Diniy sayohat qiymati 300 million sayohatchilarga 18 milliard AQSh dollarida baholangan. Isroil, Italiya va Saudiya Arabistoni kabi asosiy dinga e'tiqod qiluvchi manzillar ziyoratda kishilarni xizmat turlari bilan ta'minlovchi yirik industriyalarni rivojlantirgan.

Ziyorat guruh yoki individual turizmning bir shakli sifatida sodir bo'lishi mumkin. Ayniqsa yoshlar orasida (e'tiqodga asoslangan tashrif buyuruvchilarning uchdan bir qismini tashkil etadigan) ta'tillari uchun ma'naviy ozuqa izlovchi juda ko'p kishilar bo'ladi.

Ziyorat sayohatchilari ko'pincha bozorda ro'y berayotgan iqtisodiy tangliklarga, ya'ni bozor sharoitidagi baland-pastliklarga e'tibor qilishmaydi. E'tiqodga asoslangan sayohatchilar sodiq sayohatchilardir, chunki ular iqtisodiy ahvolga qaramay, ushbu diniy tajribalar va sayohatlar uchun tejashga harakat qilishadi. Ziyorat sayohatchilari sayohat uchun turli xil sabablar topishga intilishadi. Masalan, ular diniy majburiyatning bir qismi yoxud ma'naviy vazifasini bajarish uchun sayohat qilishadi. Bunday sayohatchilar mahalliy turizm iqtisodiyotiga barqaror daromad keltirishi mumkin.

Haj yoki ziyorat sayohati bozorining o'ziga xos afzalliklari mavjud, barcha yoshdagi va barcha millatdagi kishilar bir-biri bilan o'zaro munosabatda bo'lishi mumkin. Sayyohlik bo'yicha mutaxassislar ushbu bozor yaqin besh yil ichida ikki baravar ko'payishi mumkinligini bilishlari kerak. Shuningdek, ziyorat sayohatchilari yakka tartibda emas, balki guruh bo'lib sayohat qilishni afzal ko'rishadi.

Ziyorat turizmi mutaxassislari bu bozorni rivojlantirish uchun qo'lidan kelgancha harakat qilishlari kerak. Aviakompaniyalardan boshlab mehmonxona mutaxassislarigacha diniy ehtiyojlarga sezgir bo'lishlari lozim. Bu ehtiyojlar sirasiga ovqatlanish turlari, ijro etiladigan musiqa turlari yoki tashkil qilinadigan tadbirlarni kiritish mumkin. Turizmning boshqa turlarini o'rgangandek, ziyorat turizmi bozorini ham chuqur o'rganmoq muhimdir. Masalan, vegetarian taomlarini o'z menyusiga kiritmagan aviakompaniyalar dinida ma'lum bir oziq-ovqat cheklavlari bo'lgan ziyorat turizmi bozorining bir qismini yo'qotishi mumkin.

Qo'llab-quvvatlash industriyalari ziyorat qilish siklini va ehtiyojlarini muvofiqlashtirishlari kerak. Tashrif buyuruvchilar izlaydigan ma'naviyat ko'p hollarda yo'qolyapti. Ziyorat turizmi jarayonida mehmonxona va restoranlar san'at va madaniyat jamoatchiligi bilan o'zaro kelishgan holatda ish olib borishi kerak, ziyoratchilar ehtiyojini o'rganib, ularni yo'qotmaslikka harakat qilishlari lozim. Haj va ziyorat sayohatlari uchun yangi va qiziqarli manbalardan xabardor bo'lib turish kerak.

References:

1. Morinis, A. Sacred Journeys: the Anthropology of Pilgrimage, Santa Barbara: Praeger, 1992.
2. Pilgrimage Tourism and its Economic Dimensions. <https://www.ukessays.com/essays>
3. Dr.Peter E.Tarlow. Pilgrimage Tourism is Fast Developing Branch. Texas, USA, 2011. <http://www.tourismandmore.com>
4. <https://link.springer.com>

O'ZBEKISTONDA FRANCHAYZING BIZNESNI TASHKIL QILISHNING YANGI SHAKLI SIFATIDA

BuxDU, Tadjiyeva S.U., 2-bosqich talabasi Sayidova Shaxzoda

O'zbekistonning biznes sohasini rivojlanayotgan davrda franchayzing tizimini tashkil etish muhim ahamiyatga ega. Chunki, korxonalar franchayzing tarmoqlarini tashkil etish orqali boshqaruv harajatlari kamayadi, korxonalarni yangilash uchun juda katta investitsiyalar yo'naltiriladi, yangi qurilishlar quriladi, so'nggi zamonaviy texnologiyalar kiritiladi, yangi xizmatlar ishlab chiqiladi.

Franchayzing tadbirkorlikda tuziladigan boshqa kelishuvlarga, shu jumladan, agentlik, distribyutorlik, listenziyaga va nou-xauga oid boshqa kelishuvlarga yaqin.

1-jadval

Franchayzing ishtirokchilarning manfaatlarini³⁴⁵

FRANCHAYZING – BU O'ZARO FOYDALI ALMASHINUV	
FRANCHAYZI NIMA OLADI?	FRANCHAYZER NIMA OLADI?
<ul style="list-style-type: none"> • Savdo belgisi va/yoki texnologiyaga huquq; • Biznes rivojlanishiga va ulg'ayishiga ko'mak; • Bozor haqida ma'lumot, ishlab chiqarish va mijozlar bilan ishlash usullari. 	<ul style="list-style-type: none"> • Savdo belgisi va/yoki texnologiyasidan foydalanganlik uchun mukofot; • Franchayzer biznesining mintaqalarda tarqalishi; • Mahalliy bozorlar haqida ma'lumot, mijozlar talabiga asoslangan xolda o'zgaruvchanlik

O'zbekistonda franchayzing munosabatlarini tartibga soluvchi asosiy hujjat Fuqarolik Kodeksi, xususan uning 50 bobi (franchayzing) hamda 59, 62, 64, 65 boblari (intellektual mulk) hisoblanadi.

O'zbekiston Respublikasi Fuqarolik Kodeksida franchayzing haqidagi kelishuv **kompleks tadbirkorlik listenziyasi shartnomasi** deb ataladi; franchayzer – **kompleks listenziar**, franchayzi – **kompleks listenziat**; mukofot evaziga beriladigan favqulodda huquqlar – **listenziya kompleksi deb** yuritiladi. **Listenziya kompleksi** tarkibiga listenziarning firma nomidan va himoyalangan tijorat ma'lumotidan, va shu bilan birga, shartnomada belgilangan boshqa maxsus ob'ektlardan (savdo belgisi, xizmat ko'rsatish belgisi va boshqalar) foydalanish huquqi kiradi.

Kompleks tadbirkorlik listenziyasi haqidagi shartnoma franchayzerning listenziya kompleksini, tijorat tajribasi va nomini ma'lum hajmda muayyan faoliyat turini amalga oshirish uchun (franchayzerdan olingan mahsulotni sotish, xizmat ko'rsatish, ishlarni bajarish va h.k.) qo'llashni nazarda tutadi. Shartnomada amal qilish muddati belgilangan yoki belgilanmagan bo'lishi mumkin, shuningdek, franchayzi faoliyat yuritadigan hudud belgilangan yoki belgilanmagan bo'lishi mumkin. Taraflar munosabatlarida noaniqliklarga duch kelmaslik uchun, ushbu masalalarni shartnomada aniq belgilab qo'yish maqsadga muvofiqdir.

Kompleks tadbirkorlik listenziyasi haqidagi shartnoma taraflari sifatida faqat tijorat tashkilotlari va tadbirkor sifatida ro'yxatdan o'tgan fuqarolar ishtirok etishlari mumkin.

Franchayzi franchayzerga mukofotni miqdori belgilangan to'lovlar (bir marotabalik yoki davriy), tushumdan ajratmalar, franchayzer bergan mahsulotning ulgurji narxiga qo'shimchalar yoki shartnomada belgilangan boshqa shaklda to'lashi lozim. Franchayzing shartnomasi shartlari soha, faoliyat turi, ishlab chiqarish xususiyati, va boshqa ko'p omillarga bog'liq bo'ladi.

Qonunga muvofiq, **franchayzer quyidagilarni bajarishi shart:**

- ✓ franchayziga texnik va tijorat hujjatlarni berish va kompleks tadbirkorlik listenziyasi haqidagi shartnomaga asosan franchayziga beriladigan huquqlarni amalga oshirish uchun zarur boshqa ma'lumotlarni berish, ushbu huquqlarni
- ✓ amalga oshirish masalalari bo'yicha franchayzi va uning xodimlariga maslahat berish;

³⁴⁵ Пекова А. Л., Ерохин С. Г. Развитие франчайзинга как фактор поддержки малого бизнеса в современных условиях // Молодой ученый. — 2017. — №8. — С. 186-189.

- ✓ shartnomada belgilangan listenziyalarni belgilangan tartibda rasmiylashtirib, franchayziga berish;
- ✓ franchayziga doimiy ravishda texnik va konsultativ ko'maklashish, shu jumladan, ishchilarni o'qitish va malakalarini oshirishga yordam berish.

Shartnomada franchayzerning boshqa majburiyatlari ham belgilanishi mumkin.

Franchayzi majburiyatlari:

- ✓ shartnomada belgilangan faoliyatni amalga oshirganda, franchayzerning firma nomidan kelishilgan tarzda foydalanish;
- ✓ shartnoma asosida ishlab chiqarilayotgan mahsulot, taqdim etilayotgan xizmat yoki bajarilayotgan ish sifatini bevosita franchayzer tomonidan ishlab chiqarilayotgan mahsulot, taqdim etilayotgan xizmat yoki bajarilayotgan ish sifatiga mosligini ta'minlash;
- ✓ listenziya kompleksiga kiruvchi favqulodda huquqlardan foydalanish standartlarini ta'minlash maqsadida franchayzer tomonidan berilgan barcha yo'riqnoma va ko'rsatmalarga rioya qilish, shu jumladan, franchayziga berilgan huquqlarni amalga oshirishda ishlatilayotgan tijorat joylarining ichki va tashqi bezatish bo'yicha berilgan ko'rsatmalarni aniq bajarish;
- ✓ buyurtmachilarga (xaridorlarga) mahsulot (xizmat, ish) bevosita franchayzerdan sotib olinganda taqdim etiladigan qo'shimcha xizmatlar mavjud bo'lsa, franchayzi o'z faoliyatida xuddi shunday qo'shimcha xizmatlarni taqdim etishi shart;
- ✓ franchayzerning ishlab chiqarish sirlarini va undan olingan boshqa tijorat ma'lumotlarni oshkor etmaslik;
- ✓ agar shartnomada aniq belgilab o'tilgan bo'lsa, kelishilgan miqdorda sub-listenziyalar berish (unga taqdim etilgan listenziya kompleksidan foydalanish huquqlarini yoki ushbu huquqlarning qismini boshqa shaxslarga berish);
- ✓ xaridor (buyurtmachilar)ga eng tushunarli tarzda firma nomi, savdo belgisi, xizmat ko'rsatish belgisi yoki boshqa identifikatsiya vositasidan kompleks tadbirkorlik listenziyasi asosida foydalanayotganligi haqida ma'lumot berish.

Shartnomada franchayzining boshqa majburiyatlari ham belgilanishi mumkin.

Kompleks tadbirkorlik listenziyasi shartnomasida **cheklovchi (eksklyuziv) shartlar** belgilangan bo'lishi mumkin, jumladan:

- ✓ franchayzer tomonidan franchayzi faoliyat ko'rsatuvchi hududda faoliyat ko'rsatish huquqini beruvchi kompleks listenziyalarni boshqa shaxslarga bermaslik majburiyati yoki franchayzer ushbu hududda bevosita mustaqil faoliyat ko'rsatmaslik majburiyatini o'z zimmasiga olishi mumkin;
- ✓ kompleks tadbirkorlik listenziyasi qo'llaniladigan hududda franchayzining franchayzer bilan raqobatlashmaslik majburiyati;
- ✓ franchayzer raqobotdoshlaridan franchayzi tomonidan boshqa kompleks tadbirkorlik listenziyalarini olmasligi;
- ✓ shartnoma bo'yicha franchayziga berilgan favqulodda huquqlarni amalga oshirish uchun ishlatiladigan xonalar joylashishi va ularning ichki va tashqi bezatilishini franchayzer bilan kelishish majburiyati.

Cheklovchi shartlar natijasida quyidagi holatlar vujudga kelsa, ular qonunga muvofiq kuchga emas deb e'lon qilinadi:

- ✓ franchayzer franchayzi mahsulotiga, yoki franchayzi tomonidan bajarilayotgan ishlar (xizmat) narxini belgilashga haqli bo'lsa yoki narxning yuqori va quyi chegaralarini belgilasa;
- ✓ franchayzi faqat ayrim toifadagi xaridor (buyurtmachi) larga mahsulot sotishi (xizmat ko'rsatishi) mumkin, yoki faqatgina shartnoma bilan belgilangan hududda joylashgan xaridor (buyurtmachi)larga mahsulot sotishga (xizmat ko'rsatishi) haqli bo'lsa.

Bozordagi ahvol va tomonlarning iqtisodiy holatlarini inobatga olganda, cheklovchi shartlar monopoliyaga qarshi qonunchilikka zid kelsa, ular kuchga ega emas deb e'lon qilinishi mumkin. Kompleks tadbirkorlik listenziyasi haqidagi shartnoma asosida franchayzi ishlab chiqarayotgan (taqdim etayotgan, bajarayotgan) mahsulot (xizmat, ish) sifati talabga javob bermasligi bo'yicha franchayziga qo'yilgan talablar bo'yicha franchayzer subsidiary **javobgarlikka** tortiladi. Ya'ni,

agar franchayzi mijoz da'vosini qondirishdan bosh tortsa, yoki mijoz o'zining talabiga ma'lum muddat ichida javob olmasa, franchayzer javobgarligi vujudga keladi. Bunday holatda mijoz e'tirozi franchayzerga yo'naltirishi mumkin.

Agar kompleks tadbirkorlik listenziyasi shartnomasi amalda bo'la turib, listenziya kompleksiga kiruvchi favqulodda huquqning amal qilish muddati tugasa, yoki bunday huquq boshqa asosga ko'ra bekor qilinsa, bekor qilingan huquqqa tegishli qoidalarni istisno qilgan holda shartnoma amalda qoladi, franchayzi esa, boshqa holat shartnoma bilan belgilanmagan bo'lsa, franchayzerga to'lanadigan mukofot miqdorini tegishli ravishda qisqartirishni talab qilishga haqli.

Franchayzer o'z firma nomini o'zgartirsa, franchayzing shartnomasi o'z kuchini yo'qotmaydi va, agar franchayzi shartnomani bekor qilishni talab etmasa, yangi firma nomiga nisbatan amalda bo'ladi. Shartnoma amalda qolgan taqdirda, franchayzi franchayzerga to'lanadigan mukofot miqdorini tegishli ravishda qisqartirishni talab qilishga haqli.

Kompleks tadbirkorlik listenziyasi shartnomasiga nisbatan **Fuqarolik kodeksining intellektual mulk to'g'risidagi qoidalari** qo'llaniladi. Franchayzing shartnomasida foydalanish huquqlari belgilanishi mumkin bo'lgan intellektual mulk ob'ektlari sifatida quyidagilar ko'riladi:

- ✓ Elektron hisoblash mashinalar uchun dasturlar va ma'lumot bazalari;
- ✓ Ixtirolar, foydali modellar, ishlab chiqarish namunalari;
- ✓ Oshkor etilmaydigan ma'lumotlar, shu jumladan ishlab chiqarish sirlari (nou-xau);
- ✓ Firma nomi;
- ✓ Savdo belgilari (xizmat ko'rsatish belgilari);

Qonunchilikda belgilab berilgan hollarda, intellectual faoliyatning boshqa natijalari va individuallashtirish vositalari.

Shartnoma yozma ravishda tuzilishi shart. Bundan tashqari, shartnoma franchayzerni ro'yxatdan o'tkazgan **davlat organida** ro'yxatdan o'tkazilishi kerak. O'zbekiston Respublikasida xo'jalik yurituvchi sub'ektlarni ro'yxatga olish, ularning tashkiliy-huquqiy shakli, amalga oshirayotgan tadbirkorlik faoliyati va xorijiy kapital ishtirokidan kelib chiqqan holda turli davlat organlari tomonidan amalga oshiriladi. Agar shartnoma asosida berilayotgan favqulodda huquqlar majmuasiga ixtiroga **patentlangan huquqlar**, foydali modellar, ishlab chiqarish namunalari, savdo belgilari kiritilgan bo'lsa, bunday shartnoma patent idorasida ro'yxatdan o'tkazilishi shart.

Kompleks tadbirkorlik listenziyasi shartnomasi tomonlar kelishuviga ko'ra yoki tomonlarning birontasi shartlarni qo'pol ravishda bo'zgan holda yoxud shartnoma tuzishda tomonlar kelib chiqqan sharoit keskin o'zgarib ketgan bo'lsa, sud qaroriga asosan **o'zgartirilishi yoki bekor qilinishi** mumkin. Qo'pol ravishda shartlarni buzish deb tomonlarning biri shartnoma shartlarini bajarmaganligi oqibatida ikkinchi tomonga keltirilgan zarar miqdori, u ko'zlagan foydaning muhim qismi yo'qolishiga olib kelishi tushuniladi. Sharoit o'zgarishi natijasida vujudga kelgan sharoitlar avval bo'lganida, ushbu shartnoma umuman tuzilmasa yoki sezilarli darajada farqli shartlarda tuzilsa, bunday o'zgarishlar keskin deb tan olinadi.

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИДА ТУРИЗМ СОҲАСИДА ТАЛАБНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВА СОТИШНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ

У.Х.Қаландаров – СамИСИ катта ўқитувчиси.

К.Х.Шодиярова – СамИСИ ассистенти

Аннотация: Ушбу мақола меҳмонхона хўжаликлари корхоналарида хизматлар рақобатбардошлигини баҳолаш муаммоларини ёритишга қаратилган бўлиб, унда сифат – объект рақобатбардошлигининг муҳим омили сифатида олиб қаралган. Мақолада меҳмонхона корхоналарида хизматлар рақобатбардошлигини баҳолашнинг эксперт, омилли ва параметрик усуллардан фойдаланилган ва талабларни шакллантириш, ҳамда сотиш масалалари кўриб чиқилган.

Калит сўзлар: Сифатни таъминлаш, рағбатлантириш, сотиш, хизмат кўрсатиш, сифат тизими, усуллар мажмуаси, корреляцион таҳлил, сифатнинг техник ва функционал қиймати, “кирувчи”, “чиқувчи” “умумий” ва “хусусий” омиллар, хизмат кўрсатиш сифати, доимийлик, ишончлилик, аниқлилик, таниқлилик, ахборот узатиш тезлиги, нарх ва сифат мувофиқлиги.

Миллий меҳмонхона корхоналари ўзида бозор муносабатларини тўлиқ ўзлаштирган ҳолда изчил ривожланиш даврида фаолият олиб боришмоқда. Рақобатнинг бозор механизми сифатидаги кескин таъсири меҳмонхона корхоналари олдига замонавий маркетинг арсеналлари билан қуролланган бошқарув тизимини яратишни тақозо этмоқда.

Шунга кўра, маркетингнинг бугунги кундаги такомиллашуви замирида миқдорий таҳлил усулларини мунтазам амалиётга жорий этиб бориш заруратини илғари сурмоқда.

Туризм соҳасида маркетинг тизимининг олдида турган долзарб йўналишлардан бири - меҳмонхона корхоналарининг муҳим кўрсаткичи ҳисобланган яъни, уларнинг рақобатбардошлик кўрсаткичини (уни белгиловчи асосий параметрларини) аниқлаш муаммосидир.

Меҳмонхона корхоналарининг келгусидаги ривожланиши қўйидаги амалларга боғлиқ бўлади:

- маҳсулот ва хизматларни ишлаб чиқариш ҳамда сотиш учун зарур бўлган шароитларни таъминловчи, маркетинг асосида менежментни самарали ташкил этиш;
- корхона фаолиятининг рақобатбардошлигини ҳамда даромадни таъминловчи самарали сифат тизимини ўрнатиш.

Меҳмонхона корхоналарида хизматларни таклиф этишнинг бир қатор муҳим томонлари мавжуд:

Биринчидан, хизматни олди – сотди жараёнида истеъмолчи бевосита иштирок этади, яъни моддий товар ишлаб чиқариш соҳасидан кўра, ишлаб чиқарувчи билан яқиндан ўзаро муомалада бўлади.

Иккинчидан, истеъмолчининг талаб ва эҳтиёжларидан келиб чиқиб, меҳнат ута индивидуаллашган бўлади.

Учинчидан, хизматларни таклиф этишда меҳнат сарфи моддий товар ишлаб чиқаришдаги юқори малакалари қул меҳнатига тенглаштириш мумкин.

Ушбу хизматларнинг бозор объекти сифатида таъкидланган уч жиҳати унинг самарадорлигини ҳамда фаолият рақобатбардошлигини таъминлашда корхонани бошқариш жараёнининг мураккаб кечишини эътироф этади. Ҳақиқатан, харидор билан сотувчи ўртасидаги алоқалар даражаси қанча юқори бўлса, меҳнатнинг индивидуаллашиш даражаси ҳам шунча юқори бўлади, жараён қанчалик меҳнатталаб бўлса, юқори даражадаги сифат ва иқтисодий самарадорликка эришиш шунчалик қийин кечади.

Шундай бўлсада, бундай шароитда фаолият юритаётган меҳмондўстлик индустрияси корхоналарининг хизматлар силжитиш самарадорлигини аниқлашда бир қатор усуллар қўлланилиб келинмоқда. Шундай усуллардан бири - хизмат кўрсатиш рақобатбардошлигини сифат тизими асосида оширишга қаратилган усуллар мажмуасидир.

Бугунги кунда меҳмонхоналар раҳбарлари меҳмонхона қувватларидан фойдаланишни ҳамда рентабеллик даражасини оширишда сифатни бошқариш тизимини комплекс жорий этиш зарурлигини тушуниб етмоқдалар.

Шу билан бирга, хизматлар яратиш ва уни бозорда силжитишда меҳмонхоналардаги биргина техник шароитларнинг мавжудлиги (хоналарнинг шинамлиги, майший хоналар, юқори технологик жиҳозлар) сервис сифати ва мутатдил фойдани кафолатлай олмаслигини тажрибалар кўрсатиб турибди.

Демак, бугунги кунда сифат муаммосини ҳал этиш, унинг нархни оптимал ўрнатишда ва рақобатбардошлигини оширишда меҳмонхона корхонаси бизнес фаолиятининг муҳим соҳаси сифатида қаралишини талаб этади.

Сифатни таъминлаш деганда истеъмолчиларнинг эҳтиёжларини улар кўтганидан ҳам тўлароқ қондира олишга қодир бўла оладиган даражадаги меҳмонхона товар ва хизматларнинг тавсифи ҳамда хоссаларини шакллантириш тушунилади.

Шунинг учун меҳмонхона жамоасининг асосий мақсади улар томонидан таклиф этилаётган хизматлар даражасини юқори савияда ташкил этиш орқали мижозлар эҳтиёжини максимал қондиришга эришишдир.

Бизнес – таҳлили амалиётида кўп ҳолларда изланаётган омилларнинг ўзаро таъсирлари даражасини аниқлаш талаб этилади. Ушбу мақсадда қулланиладиган усуллардан бири корреляцион таҳлил ҳисобланади.

Корреляцион таҳлил ўзгарувчан белгилар ўртасидаги алоқаларнинг зичлигини ўлчаш, натижавий белгиларга кўпроқ таъсир кўрсатувчи омилларни баҳолаш ҳамда мавҳум таъсирлар боғлиқлигини аниқлашда, боғланиш шакллари ўрнатишда, регрессия функцияларини аниқлашда фойдаланиш билан бир қаторда ўлчовга эга бўлмаган кўринишдаги иккита туркум кўрсаткичларнинг ўзаро боғлиқлигини миқдорий баҳолаш учун ҳам қўлланилади. [2, 3]

Мазкур мақолада таҳлилнинг ўлчами мавҳум бўлган иккита туркум кўрсаткичларнинг ўзаро боғлиқлигини миқдорий баҳолаш усули асосида хўжалик субъектининг рақобатбардошлигини аниқлаш масаласи амалий жиҳатдан кўриб чиқилган.

Шунга мувофиқ, кўйида муайян ҳудудий туристик марказда меҳмонхона хизматлари билан шугулланаётган ва ўзаро рақобатда бўлган бир типли “А,Б,В,Г” меҳмонхона корхоналарининг туркум параметрларини таққослаш орқали рақобат устунлигини аниқлаш масаласи кўриб чиқилади.

Бунинг учун маълум амаллар асосида экспертлар гуруҳи танланиб, ҳисоб-китоблар ўтказилгандан сўнг (10 баллик тизимда) унинг натижаларига кўра корреляцион текширув амаллари бажарилади.

Дастлабки босқичда меҳмонхона хизматлари сифатига таъсир этувчи омиллар экспертлар томонидан баҳоланади ва танланади. Жаҳон амалиётида хизматлар сифат даражасини аниқлашда параметрлар таркибини “кирувчи ёки “чиқувчи”, баъзи адабиётларда “умумий” ёки “хусусий” параметрларга ажратиб ўрганилади.

Шунга мувофиқ экспертлар эътиборига меҳмонхона сервис сифатини эътироф этувчи кўйидаги параметрлар тавсифи келтирилган. Корреляцион таҳлил натижаларини яхлит ҳолда кўйидаги жадвалда келтирилган. Корреляцион таҳлил ўтказиш жараёнида нафақат корреляция коэффицентини қўллаш, балки илмий асослаш мумкин бўлади.

1-жадвал

Рақиб меҳмонхоналар рақобатбардошлигини баҳолаш

Ахамиятлилик даражаси %	Сифат кўрсаткичлари	А рақиб	Б рақиб	В рақиб	Г рақиб
35	Сервис сифати даражаси	6	5	4	6
25	Доимийлик	6	6	3	4
20	Ишончлилик	5	3	2	5
15	Аниқлилик	5	3	5	1
5	Сервис ва ахборот олиш жадаллиги	2	5	5	5
	Ўртача вазн баҳоси	5,5	4,6	3,7	4,3
	Ҳақиқий нарх ш.б	290	210	150	220
	Бозордаги улуш %	27	45	20	8

Кўйидаги жадвалда хизмат кўрсатиш сифати, доимийлик, ишончлилик, ҳақиқий нарх, бозордаги улуш каби тадқиқ қилинаётган омилларнинг корреляция жуфтлиги коэффицентлари келтирилган.

2-жадвал

Корреляция жуфтлиги коэффициентлари

Кўрсаткичлар	Сервис сифат даражаси	Доимийлик	Ишончлилик	Аниқлилик	Сервис ва ахборот олиш жадаллиги	Хақиқий нарх \$	Бозордаги улуши %
Сервис сифат даражаси	1,00	0,53	0,93	-0,42	-0,55	0,88	-0,21
Доимийлик	0,52	1,00	0,41	0,06	-0,56	0,76	0,70
Ишончлилик	0,99	0,41	1,00	-0,41	-0,56	0,84	-0,36
Аниқлилик	-0,45	0,06	-0,41	1,00	-0,52	0,02	0,32
Сервис ва ахборот олиш жадаллиги	-0,52	-0,56	-0,56	-0,52	1,00	-0,84	-0,09
Хақиқий нарх, \$	0,86	0,76	0,84	0,02	-0,84	1,00	0,11
Бозордаги улуши, %	-0,23	0,70	-0,36	0,32	-0,09	0,11	1,00

Жадвалда белгиланган рақамлар жуфтлиги таҳлил қилинаётган омиллар билан сезиларли боғлиқлик мавжудлигини англатади. Бундай ҳолларда корреляция коэффициенти қиймати (0,5 – 1) оралиқда бўлади. Агарда ушбу коэффициент 0,5 дан кичик бўлса жуфт белгилар ўртасидаги боғлиқлик кучсиз бўлади, «манфий» ишора омиллар ўртасида тескари боғлиқлик мавжудлигини англатади. Яъни бир омил қийматининг ортиши иккинчисининг камайишига олиб келади.

Юқорида таъкидланганидек, рақобатбардошликнинг белгиловчи омилларни таҳлил этишда уларни шартли равишда «кирувчи» ва «чиқувчи» омилларга ажратиб ўрганиш мақсадга мувофиқ бўлади. «Кирувчи» ёки «хусусий» омилларга қуйидагилар тегишли бўлади: хизмат кўрсатиш сифати, доимийлик, ишончлилик, аниқлилик(таниқлилик), ахборот узатиш тезлиги, нарх. Бу омиллар меҳмонхонанинг бошқарув тузилмалари билан тўғридан-тўғри бошқарилади.

Ушбу кўрсаткичлар ичида бозор улуши натижавий кўрсаткич бўлиб, «чиқувчи» параметр ҳисобланади. Меҳмонхона бошқарув органи бозор улушининг нарх ва сифатга боғлиқ бўлганлиги боис уни бевосита ўзгартира олмайди. Бирок, амалиёт шуни кўрсатадики, хизмат кўрсатиш сифатининг ортиши, нархнинг пасайиши каби «кирувчи» омилларни яхшилашга қаратилган тадбирлар «чиқувчи» омиллар ҳисобланган бозор улушининг ўсишини рағбатлантиради.

Рақобатбардошлик омилларининг корреляцион таҳлили «А» ва «Г» меҳмонхоналар учун қуйидаги хулосаларни олишга имкон берди:

1. Айнан бир танлаб олинган омилнинг натижага таъсири(бизнинг мисолимизда бозор улуши) 1-жадвалга кўра сезиларсиз экан. Кўпгина кўрсаткичлар учун корреляция коэффициенти қиймати 0,5 кичик бўлиб уларнинг бозор улушига таъсири кучсиз эканлигидан далолат беради.

2. Бозор улушига сезиларли таъсир кўрсатадиган омил доимийлик бўлиб, унинг корреляция коэффициенти 0,7 яъни функционал боғланишга яқин. Шундай қилиб меҳмонхоналарнинг бозордаги мувофаққияти кўп жиҳатдан уларнинг доимийлиги – истеъмолчиларнинг ишончини ҳар қандай вазиятда оқлашига боғлиқ.

3. Доимийлик ўз навбатида нарх ва хизмат кўрсатиш сифати балан боғлиқ бўлиб жадвалнинг «доимийлик» устунисида мос равишда 0,76 ва 0,52 га тенг. Бошқача сўз билан

айтганда истеъмолчиларнинг кутиши нарх ва хизмат кўрсатиш сифати нуктаи-назаридан доимо оқланиши керак. Хизмат кўрсатиш сифати рақобатбардошлик тизимида ҳал этувчи қийматга эга. Бироқ, ушбу мисолимизда харид жараёнида қарор қабул қилишни белгилаб берувчи асосий омил сифатида нарх доминант белги бўлиб қолмоқда. ($r=0,76$). Агарда нарх ва хизмат кўрсатиш сифати истеъмолчиларнинг кутишини оқласа, уларнинг такрор харид қилишларини рағбатлантиради. Ўз навбатида истеъмолчиларнинг такрор харид қилиши сотиш ҳажмини оширади ва бозордаги улуши ортиб боради..

4. Нарх хизмат кўрсатиш сифати, доимийлиги, ишончилиги(таниқлилиги) каби омиллар билан узвий боғлиқ (мос равишда $r=0,87; 0,79; 0,83$). Нарх истеъмолчилар томонидан кутилган қийматни ҳамда меҳмонхона хизматининг ишончилигини доимо оқлаши керак.

5. Хизмат кўрсатиш сифати ва ишончилик омиллари ўртасида боғлиқлик кучли бўлиб функционал боғлиқликка яқин ($r=0,93$) ҳолда, меҳмонхона тизими ва унинг барча хизмат кўрсатувчи тузилмаларини қамраб олади. Ишончилик ўз навбатида бизнинг мисолимизда кўзда тутилмаган ишлаб чиқариш ва технологик омиллар, меҳмонхоналарнинг бино, жиҳоз ва иншоотларининг техник ҳолатига ҳам боғлиқ.

Шундай қилиб, сервис сифатининг доимийлик ва ишончилилик параметрларининг жуфтлиги меҳмонхона корхоналарининг бозор улушининг кенгайишига шунингдек, улар рақобатбардошлигининг ошишига ҳамда нархнинг оптимал шаклланишига сезиларли равишда таъсир этади.

Сифатнинг доимийлик даражасини барқарор таъминлаш асосида миқдорлар сонидан қатъий назар, улар билан бўладиган бевосита хизматлар жараёнидаги мулоқат алоқаларини тўғри ташкил этиш ётади.

Хизматлар сифатини таъминлаш муаммосини кўриб чиқишда унинг техник томонларини аниқлаш билан бирга сифатнинг функционал жиҳатларини ўзаро боғлиқликда ва яхлитликда қараш мақсадга мувофиқ бўлади. Сифатни баҳолаш мезони бўлиб, кутилган ва реал тақдим этилган хизматни таққослаш ҳисобланади. Агар тақдим этилган хизматнинг сифат даражаси кутилгандан ортиқ бўлса ёки кутилганликка мувофиқ бўлса эҳтиёж қондирилган ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Басовский Л.Е., Протасьев В.Б. Управление качеством: Учебник. – М.: ИНФРА-М, 2010. 65-69 ст.
2. Пардаев М.Қ. Функционал қиймат таҳлилини такомиллаштириш йўналишлари. Монография. Т.:фан ва технология, 2013 й. 38-47 б.
3. Справочник по функционально-стоимостному анализу /П.П.Ковалев, Н.К.Моисеева, В.А. Сысун и др.; под ред. М.Г.Карпунина, Б.И.Майданчика.- М.: Финансы и статистика, 2012. 18-23ст.
4. Фатхутдинов Р.А. Стратегический менеджмент: Учебник. – 6-е изд., испр и доп. М.: Дело, 2013. 71-73б.

ЖИСМОНИЙ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ МАШҒУЛОТЛАРИ ЖАРАЁНИДА ТУРИЗМНИНГ ЎРНИ

*М.А.Ҳотамов, И.Р.Турақулов, Ш.Н.Тўхтамулатов
СамДУ Жисмоний маданият факультет ўқитувчилари*

Туризмда қўлланиладиган турли ҳил жисмоний машқлар, уларни ташкил қилишнинг шакл ва усуллари аҳолини, айниқса, ўқувчи ёшларни жисмоний ва маънавий камолотини тарбиялашда муҳим омилларидан бири ҳисобланади. Шунинг учун ҳукуратимиз томонидан қабул қилинаётган «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида» (1992 й. 14 январ), «Таълим тўғрисида» (1997 й. 29 август), «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури » каби чиқарилаётган қонунлар ёш авлодни маънавий, жисмоний камолотини оширишга қаратилган.

Ҳозирги пайтда жисмоний меҳнат қилиш ҳаммага ҳам хуш келавермайди. Бунинг боиси, биринчидан, унга одатланмаслик оқибати, иккинчидан, соғлиқни мустаҳкамлашга доир амалий тадбирлар, назарий тарғибот ва ташвиқот ишларининг камлигидир. Инсоннинг жисмоний камолоти омиллар кенг қамровли бўлиб, туристик походларда спортча чамалаб топиш, волейбол, баскетбол, футбол, кўл тупи, енгил атлетика ва халқ миллий ўйинларидан кенг фойдаланилади. Туризмнинг техник тушунчалари походга тайёргарлик шартлари, юриш, тўсиқлардан ўтиш, туристик жихозларидан фойдаланиш, туристик турмуш шароитларини билиш ва улардан фойдаланиш кенг тушунилади. Туристик тактика тушунчаси эса компас, карта, схема ва бошқа асбоблар ҳамда тиббий шароит воситалари орқали туристик поход, саёхатларга қўйиладиган мақсад ва вазифаларга эришиш, топшириқларни адо этиш демакдир.

Бизга маълумки қадим замонлардан бери одамлар ўз соғлиқларини мустаҳкамлаш учун қуёшни илиқ нурларидан ва ҳар-хил саёхатлар жараёнида, тоғ, денгиз, дарёларни, боғу далаларнинг бағрида ўз организмларини чиниқтириб табиатнинг ҳаётбахш сувидан, тоза хавосидан кенг фойдаланиб келганлар.

Одам организми ташқи муҳит билан доимий ва чамбарчас алоқадор бўлади. Йилни тўрт фаслларида ҳаво ҳароратининг кескин ўзгариши иссиқ, совуққа, атмосфера босимини ўзгариб туришига мунтазам саёхат ва сайрлар ҳамда бадан тарбия, жисмоний маданият ва спорт билан мунтазам шугулланиб юрган кишиларнинг организмни тезда ташқи муҳитнинг нохуш таъсирларига қаршилик кўрсатиш имкониятига эга бўлиб, қолмасдан балки ақлий ва жисмоний қобилиятларини шаклланишига асосий воситалардан бири ҳисобланади.

Ташқи муҳитнинг зарарли таъсиротларига, ҳар хил стересорларига, шунингдек юқумли, шамоллаш касалликларига организмнинг чидамлилигини оширишда туризм ва саёхатларни аҳамияти жуда катта. Бундан ташқари саёхатлар жараёнида нафас олиш, қон айланиши ва овқат ҳазм қилиш аъзоларининг иш фаолияти яхшиланади.

Кишилар саёхат-сайрлар жараёнида хушманзара жойларда мириқиб ҳордиқ чиқаришлари, шу билан бирга ўзи тугилиб ўсган ва яшаётган жойларни тарихий ва маданий обидалари ҳамда атроф-муҳитни сирларини ўрганибгина қолмай, балки саломатлигини яхшилаш, жисмоний камолотини ривожланиши, маънавий оламини бойитиш дунёқарашини кенгайтиришга ҳизмат қилади.

Сайёҳлар таълим муассасаларида ва бошқа ташкилотлардан умумий сайёҳ сифатида ўқитилади ва тайёргарлик кўради. Бу касб эгалари (туризм бошлиги инструкторлар, туристик база ва клуб) саёхатда фаол иштироки ва саёхатни ижобий натижасига кўра уларнинг туризм тоифаси оширилади. Саёхатлар махсус мослама, қуроллар ёрдамида касаба уюшма ҳамда мутахассис ташкилотлар маслаҳати билан ўтказилади.

Туризм-саёхат дам олиш, ўлкани ўрганиш, организмни жисмоний ривожлантириш ва чиниқтиришдир. Сафарлар ташкилий равишда гуруҳ-гуруҳ бўлиб, пиёда, велосипед, чанги, қайиқ ва шу каби воситалар ёрдамида жисмоний ривожлантириш ва чиниқиш, ўлкани ўрганиш, ижтимоий фойдали меҳнат қилиш мақсадида уюштирилади.

Хаваскорлик саёхатлари-бунда жисмоний маданият жамоалари, спорт, туризм, маданият бирлашмалари, сайёҳлар оромгоҳлари, базалари, болалар туризм марказлари, мактаблар ва мустақил алоҳида сайёҳлар мустақил равишда ўз маршрутларини тузадилар, сафар жараёнида ўз-ўзларига хизмат қиладилар.

Республикамиз вилоятларида оромгоҳ, хавоси танга роҳат берувчи саёхатбоп жойлари жуда кўп. Айниқса, тарихий обидалар, сеҳрли горларию-булоқлари, шифобахш гиёҳларга бой жойлар ўқувчиларни ва талаба ёшларни, шунингдек барча ёшдаги кишиларни ҳар томонлама жисмоний баркамол бўлиб шаклланишига ёрдам беради ва Республикамизда етарли даражада ўрганилмаган бой манбаларини ўрганишларида асос бўлади.

Ислом маданиятида илм ўргатувчи гўёки пайгамбарлар меросхўри сифатида отадан ҳам юқори ўринга қўйилади. Уламоларимиз “отани меҳридан кўра устознинг қаҳри афзал” деган ҳикматли сўзни ҳам бежиз айтмаган. Устозларни газабланиши ҳам толиби илмнинг фойдасига, манфаатига хизмат қилиши мумкин экан. Жамиятда ота-оналардан то фарзандларгача барча бараварига устоз ҳурмати жойига қўйиш учун ҳаракат қилмоғи лозим. Биз илм тарқатувчи каддини, зулматда нур сочувчи шамчироқ сингари ҳис қилмоғимиз лозим. Шундагина илм ислом цивилизациясини такомиллаштиришимиз мумкин.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки ислом цивилизацияси тараққиётида илм ва унга бўлган эътиборни кучайтириш лозим. Бунинг учун қуйидаги чора-тадбирларни амалга оширишни тавсия қиламиз:

-биринчидан, ҳар бир ёш онгида илмга нисбатан ижобий муносабатни шакллантириш ва бунга эришиш йўлида ислом дини, хусусан, Қуръони каримда келтирилган оятлар ҳамда ҳадислардан самарали фойдаланиш. Буни эса оиладан, гўдакликдан бошлаш лозим;

-иккинчидан, илм ва уни тарқатувчи муаллимга, унинг жамиятидаги мақомига бўлган муносабатни ўзгартиришимиз ҳамда бу йўлда ислом ахлоқшунослигидан унумли фойдаланишимиз зарур.

ТУРКИСТОНДА БАҒРИКЕНГЛИКНИНГ НАМОЁН БЎЛИШИ ВА ҲОЗИРГИ ЗАМОН ИСЛОМ АҚИДАПАРАСТЛАРИ НАФРАТИ ЙЎНАЛИШИНING САБАБЛАРИ

*БухМТИ “Кимё” кафедраси ассистенти Тўраева Ҳ.Т.,
БухМТИ 202-19 НГТ талабаси Зойиров Ж.Ў.,*

Шарқда эзгулик ва бағрикенгликни ифода этувчи дастлабки ёзма манба “Авесто” китоби бўлиб, унда қайд этилишича, ерга ва ҳайвонот оламига алоҳида эътибор бериш инсоний мезонга айланган. Ерга уруг сепиш, ҳайвонларни уйда боқиб кўпайтириш, оила қуриб, болалар тарбияси билан шугулланиш ҳар бир кишининг муқаддас вазифаси ҳисобланган. Бунинг намоён бўлиш тарзи сифатида ҳар бир хонадоннинг уй мўрисида тутун чиқиб туриши, яъни ҳар доим оловни сақлаш зарурияти таъкидланган.

“Авесто” нинг таъбиқатга доир қисмида табиғат ҳақ тўлаш мезонлари санаб ўтилган масалан, агар табиб шаҳар бошлигини даволаса, иш ҳақи сифатида унга от – арава бериши, агар бойроқ оила бошлигини даволаса, қўй бериши, агарда бечораҳол одамни даволаса, иш ҳақи сифатида “рахмат” айтиши тавсия этилган. Демак, бечораҳол одамга бағрикенглик нуқтаи назаридан самимий муносабатда бўлиш уч минг йиллик тарихга эга бўлган аждодларимиз китоби бўлмиш “Авесто” да ҳам зикр этилган. Кейинчалик ўлкамизда мусулмончиликнинг ёйилиши муносабати билан бу анчага кучайса кучайдики, аммо унутилмади. Масалан, исломда закот деган тушунча бор. Закот – эҳтиёжманд мусулмонлар

фойдасига солиқдир. Мусулмон ҳуқуқшунослари “закот” атамасини “тозалаш” (мусулмоннинг ўз бойлигидан фойдаланишда қилган гуноҳини закот тўлаш “тозалайди”) маънода талқин этадилар. Европа тадқиқотчилари уни қадимги яҳудий тилидаги “закот” (хайрли иш) атамасидан олинган, деб фикрлайдилар. Аммо Христиан динида бўлган араблар орқали сурия тилидан олинганлиги ҳам инкор этилмайди.

Закотнинг келиб чиқиши исломдан олдинги қабилалар орасида расм бўлган, қўлга киритилган ўлжани бўлиш вақтидаги ўзаро ёрдам мақсадида келажак учун тузиладиган ўзига хос “жамгарма” билан боғлиқдир.

Лекин даҳшатли очарчилик Туркистон аҳолисини ҳам камраб олаётганлиги туфайли бу ўлкада ҳам озик – овқат маҳсулотлари етишмасди, борини озик – овқат отрядлари тортиб олаётган эди. Шундай шароитда Волгабўйи, Уралолди, Татаристон республикасидан аҳоли бошқа ҳудудларига, жумладан, Туркистон ўлкасига зудлик билан, уюшган ҳолда кўчирма бошланди. У амалда 1921 йилнинг бошидан бошланди.

Туркистон республикаси багрикенглик анъаналарига содиқ қолиб, Россиянинг очлик ҳукм сурган ҳудудларидан 320 минг кишини қабул қилиши мумкинлигини билдирди. Туркистон марказий Ижроия Қўмитаси ва Халқ комиссарлар Қўмитаси ўлкага келтириляётганларнинг 50 фоизини мусулмонлар: татар, бошқирд, қозоқлардан иборат бўлишини Марказдан сўраган. Сабаби, келаятганлар, асосан, қишлоқлардаги аҳоли ҳовли-жойларига, аксарияти, туркий тилда сўзлашувчи, ислом динига эътиқод қилувчилар орасига жойлаштирилиши мўлжалланган эди.

Туркистонларнинг ўзлари ҳам иқтисодий жиҳатдан ночор бўлса-да, бу ўлкада багрикенглик, раҳм-шафқат, ўзгалар дардига лаббай деб ҳамдард бўлиш туйғулари юксакрок бўлган. Бундай фазилатларни аниқ кўрган Россия Марказий Ижроия Қўмитаси қошидаги очларга ёрдам марказий комиссияси (ОЁМК) 1921 йил акция жараёнини муҳокама қилиб, Туркистон МИК дан яна 30 минг мусулмонни ўз қарамоғига олиб, очлик туфайли бўладиган ўлимдан қутқариб қолишни сўради. 1921 йилнинг кузига келиб эвакуация қилинганлар ва уюлмаган оч-қочқин ҳолда ўз элини тарк этганлар сони 500 минг нафардан ортик кишини ташкил қилган. Очлик сабабли Туркистонга кўчиб келганлар қаторида руслар, украинлар, татарлар ва қозоқлар суронли йилларда ўзбек халқининг меҳр ва мурувватидан, меҳмондўстлигидан, болажонлигидан, багрикенглигидан баҳраманд бўлганлар.

Марказий минтақалардан юртимизга поезд эшелонларида, пароходларда келтирилган чакирув ёшидаги йигит - қизлар ёрдам комиссияларида, турли ширкат ва хўжаликларда ҳамда аҳоли ўртасида хайрия тариқасида пул, озик – овқат, иссиқ кийим – кечак йигиб бериш ишларини авж олдириб юборди. 1921 йил октябр ойида Наманган уезди Волга бўйи ва Урал ҳудудларидан келтирилган йигит – қизларга ёрдам сифатида ҳар ойда энг камида бир марта спектакль ва концертлар кўрсатиш, меҳнат билан банд бўлган ҳар бир ярми халқ вакилидан 10 фунтдан ун, гуруч, озик – овқат солиқ тариқасида ундириш белгилаб қўйилган. Шунингдек, мажлис қарорига биноан ярми аҳоли ўртасида хайрия тадбирлари ўтказиш зарурлиги ҳамда 18 ёшгача бўлган маҳаллий ёшлардан бир кунлик иш ҳаққини Туркистонга келтирилган тенгдошларига ёрдам тариқасида ўтказиш кераклиги алоҳида таъкидланди.

Кўхна тарихимизнинг қисқа бир даврида содир бўлган ушбу воқеалар ҳам халқимиз маънавиятининг таркибий қисми бўлиши миллатимизнинг олижаноб фазилати эканлигини исботлайди.

Аммо ҳозирги вақтда анъанавий багрикенг минтақа бўлган яқин ва Ўрта Шарқда мусулмонлар орасида нафрат учкунлари ҳам намоён бўлмоқда. Савол тугилади ушбу нафратнинг боиси нима? Кўп тадқиқотчилар фикрича, ислом ақидапарастларининг ҳозирги Ғарб мамлакатларига нисбатан кучли нафратини кўзгатаётган нарса шуки, Ғарб ўзининг барча воситаларини ишга солиб, ўз тасавуридаги ҳаёт кечириш тарзини Шарққа тикиштирмоқда. Натижада мусулмон анъаналарини бузилишига олиб келмоқда. Шарқ халқлари учун иззат – нафсга тегадиган энг кучли нарса оила ва аёлларнинг ҳаёт тарзидир. Мусулмонлар орасида оила – никоҳ муносабатлари жуда жиддий тизимга асосланган бўлса, Ғарбда никоҳдагиларнинг бир – бирига хиёнатига нисбатан енгилтаклик мавжуд. Америка

аҳолисининг деярли ярми никоҳсиз, фуқаролик мақомидаги ҳаёт тарзида яшайди. Ер юзининг бошқа нуқталарида ҳам нафрат тугдирадиган, уларнинг ички ишларига фаол аралашилар мавжуд. Бу ҳолат ички қаршилик тугдириб, “ бизни ўз ҳолимизча яшашимизга кўйинг!” каби низолар янграмоқда.

Ҳозирги вақтда ҳар бир кишида шундай ҳис – туйғу борки, у ҳам ҳозирги маърифатли дунёнинг тарихий ва ирқий жихатдан ҳам тенг ҳуқуқли аъзоси. Эришилган барча ютуқларда унинг ҳам ҳиссаси бор. Шунинг учун уни қайтадан тарбиялаш ёки паст назарда қараш уни ҳақоратлаш билан баробар. Иккинчидан Ғарб шундай тезлик билан ривожланмоқдаки, уни қувиб етиш Шарқ учун эришиб бўлмайдиган орзу бўлиб қолмоқда.

ИСЛОМ МАДАНИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЁШЛАР КАМОЛОТИДА ЗАМОНАВИЙ ИЖТИМОЙ-ПЕДАГОГИК АҲАМИЯТИ

Камола Тохирова

Фаргона вилояти, Бешариқ тумани ХТБ тасарруфидаги 48-мактаб ўқитувчиси

Мустақилликка эришганимиздан кейин маънавий ҳаётимизда “тасаввуф”, “мутасаввиф”, “илоҳиёт”, “ирфон” каби тушунчалар ҳам кенг қўллана бошлади. Маълумки, узок ўтмишда шаклланган диний-фалсафий оламнинг ҳодисаси ҳисобланадиган тасаввуф таълимоти асрлар мобайнида мураккаб ва зиддиятли тараққиёт йўлини босиб ўтди. Энг муҳими, бу таълимотда ҳамиша эзгулик гоёлари илгари сурилиб, инсоннинг ахлоқий, маънавий-руҳий камолот йўли ва даражалари хусусида мулоҳаза юритилди. Қисқача айтганда, тасаввуф комил инсонни тарбиялаш таълимоти бўлиб, у инсон руҳияти, эрки, маърифий интилишларини ифодалаб, Шарқ, жумладан, Ўзбекистон халқлари фалсафий тафаккурида муҳим ўринни эгаллаган, маънавиятимизни бойитишга улкан ҳисса қўшган эзгу гоёлар, чуқур маъноли ҳикматлар силсиласидир.

Исломи дини замирида вужудга келган тасаввуф моҳиятининг тарихий-фалсафий томонларини тадқиқ қилишда айни пайтда унда ижтимоий адолат, ёмонликка, зўравонликка, урушларга, диний экстремизмга, фанатизмга қарши, ижтимоий барқарорликни, одамлар ва бутун халқлар орасида дўстлик муносабатларини ўрнатишни қўллаб-қувватловчи жуда кўп гоёлар ва фикрлар мужассамлашганлигини назарда тутмоқ зарур. Давлат сиёсатининг диний масалаларга муносабати Биринчи Президентимиз И.А.Каримовнинг “Давр шу куннинг зарур муаммоларини ҳал этишга интилиш баробарида она тарихнинг илгор анъаналаридан сабоқ олишни ҳам тақозо этади”¹ деган сўзларида ўз ифодасини топган. Бу мавзунини таҳлил қилиш – илмий, маънавий ҳамда маданий нуқтаи назар билан бир қаторда муҳим ижтимоий - сиёсий аҳамият касб этади. Биз диндор мутасаввиф миллатмиз. Маданиятимиз тасаввуф билан йўгрилган. Ҳар бир нарсамизда: меъморчилигимизда, санъатимизда, сўз-муомаламизда, урф-одатларимизда тасаввуфнинг таъсири бор¹.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда Ислам динининг буюк маърифатпарвар кучини халқимиз орасида янада кенг ёйишга, жумладан тасаввуфнинг инсон маънавий камолотидаги аҳамиятига ҳукумат даражасида эътибор қаратиб келинмоқда. **2017 йил 10 ноябрь куни** Бухоро вилоятида жойлашган Мир Араб олий мадрасаси ҳузурида Баҳоуддин Нақшбанд тасаввуф илмий мактабининг очилиши фикримизнинг далилидир. Президентимиз Шавкат Мирзиёев ўзининг кўпгина чиқишларида муқаддас Ислам динимизнинг софлигини ва янада ривожини таъминлаш борасида, унинг ёшлар маънавий камолотидаги ўрни масаласига катта эътибор қаратиб келмоқда. Бу борада Президентимизнинг: “Азалий кадрларимиз ва ахлоқий фазилатларни ўзида мужассам этган муқаддас динимизни асраш

¹ Каримов И. Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида. Т.: Ўзбекистон, 2011. –Б.250

¹ Жўшон М.А. Ислам, тасаввуф ва ахлоқ. Т.:Истиқлол, 2000.-Б.59

ва кадрлаш ҳар биримизнинг шарафли бурчимиздир. Ислому – ҳақиқатни англаш демакдир, у одамзодни эзгу амалларни бажаришга ундайди, ҳар биримизни яхшилик ва тинчликка чорлайди, ҳақиқий инсон бўлишни ўргатади.

Биз ислом динидан зўравонлик ва хунрезлик мақсадларида фойдаланишга уринаётган кимсаларни кескин қоралаймиз ва улар билан ҳеч қачон муроса қила олмаймиз. Муқаддас динимизни доимо ҳимоя қиламиз”², - деган фикрлари айниқса эътиборлидир.

Айни пайтда мамлакатимизда комил инсонни шакллантиришга қаратилган кенг камровли, тизимли ишлар миллий ва маънавий тамойиллар ҳамда умуминсоний кадриятлар уйғунлиги асосида амалга оширилмоқда.

Шарқ фалсафаси ва ислом таълимотида раҳм-шафқат, мурувват, одамийлик каби фазилатлар доимо улугланиб, мадҳ этилиб келинган. Шунинг учун ўсиб келаётган ёш авлодни ота-боболаримиз томонидан яратилган ва халқимиз томонидан кўз қорачигидек сақланиб келинаётган маънавий меросимиз бўлган дин ва диний кадриятларимизга бўлган муносабатни шакллантириш ёшларнинг дунёқарашини кенгайтиради. “Биобарин, дин одамларда ишонч хиссини мустаҳкамлаган. Уларни поклаб, юксалтирган. Ҳаёт синовлари, муаммо ва қийинчиликларни енгиб ўтишларида куч бағишлаган. Умуминсоний ва маънавий кадриятларни сақлаб қолиш ҳамда авлоддан-авлодга етказишда ёрдам бериб келган”³.

Бугунги кунда тасаввуфга бошқача нуқтаи назар ва қизиқиш, ўзгача эҳтиром билан қарай бошладилар. Тасаввуфда жорий қилинган маънавий-руҳий таҳлиллар, авваломбор, инсон тақдирига, уларнинг соғлом турмуш тарзига эътиборни қаратар экан, хуррият, эркинлик, тенглик каби гоёлар унинг асоси эканлиги таъкидланади.

Ёш авлодни эътиборини ахлоқий кадрият масалаларига қаратар эканмиз, буюк тариқатчиларнинг гўзал ахлоқ сирлари, нафс, руҳ ва қалб тавсияларидан оқилона турмуш тарзини шакллантиришда асосий омил сифатида фойдаланиш муҳимлигини кўрсатиб ўтиш зарур.

Оқилона турмуш тарзини таъминлайдиган инсоний фазилатларни тавсифлар эканмиз, унинг дунёқараши ва шахс сифатидаги қобилиятларини назарга олишимиз керак. Шунингдек, жамиятнинг ҳар бир аъзоси ўзининг руҳий маънавий, ахлоқий жиҳатдан таъминланган бўлиши зарур.

Оқилона турмуш тарзи халқимизнинг анъана, урф-одат, исломий кадриятлари билан узвий боғланган бўлиб, унинг бутун моҳиятини тасаввуфий таълимотлар ўз ичига олади.

Билим ва заковатнинг қиммати, жамият тараққиёти ва шахс маънавий-ахлоқий камолоти оқилона турмуш тарзи учун аҳамияти шу қадар каттаки, уни таърифлашни адо қилиб бўлмайди.

Ахмад Яссавийнинг “Девони Ҳикмат”, Нажмиддин Кубронинг “Фавйиқ ул-жалол”, Алишер Навоийнинг “Хамса” каби жаҳонга машҳур асарларидаги бир-биридан муҳим ва сермазмун фикрлардан унумли фойдаланиш ҳам соғлом турмуш тарзини шакллантиришда ёрдам беради. Айниқса, Навоийнинг “Маҳбуб ул -қулуб” асаридаги муҳаббат, камтарлик, тавозеъ ҳақидаги фикрлар ижтимоий тарққиёт жараёнида ахлоқий кадрият сифатида ўзига хос ўринга эга.

Жамиятнинг маънавий заминларини мустаҳкамлашда тасаввуфий таълимотлар ва диний кадриятлардан одоб, ахлоқ борасида шунингдек, соғлом турмуш тарзини шакллантиришда исломий имкониятлардан, ижодий фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Умумбашарий кадриятлардан бири бўлган инсон кадр-қимматини юксак даражага кўтарадиган соғлом турмуш тарзини яратишда тасаввуф таълимотларидан оқилона фойдаланган ҳолда ўтиш даврининг қийинчиликларини бартараф этиш, буларни меҳнат ҳамда ижтимоий фаолият билан таъминлаш бугунги куннинг муҳим вазифаларидан биридир.

² Мирзиёев Ш. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Т.1., -Тошкент: “Ўзбекистон”, 2017.-Б.30

³ Каримов И.А. Ўзбекистон ХХІаср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. –Тошкент: Ўзбекистон, 1997.-Б.35

Бинобарин, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг туб мақсади ҳам инсон, унинг манфаат ва эҳтиёжларини қондиришга қаратилган.

Демак, оқилона турмуш тарзини шакллантиришда мутафаккирларнинг тасаввуфий таълимотларини ҳамда куйидаги фикрларини тавсия этамиз.

1. Оилада мутасаввуф олимларнинг таълимотларидан ахлоқий тарбияни шакллантиришда меъёрий тарзда фойдаланиш.
2. Ёшларда диний ва дунёвий кадриятларга оқилона қарашни шакллантириш.
3. Тасаввуфий маслак тизимида оиланинг мукаддаслигин эътироф этувчи жиҳатлардан ижодий фойдаланиш.
4. Ёшларга комил инсон бўлиб шаклланишида “Дил ба ёру, даст ба кор”, хотиржамлик, илоҳий ишқ, халол меҳнат, адолат каби гоёлари моҳиятини тушунтириш;
5. Оқилона турмуш тарзини қарор топтиришда аёл ва эркакнинг ўзига хос сифатларини шакллантиришга эътибор қаратиш.
6. Харом лукмаларнинг асорати, халол лукмаларни фазилатини тавсифлаш.
7. Гийбат, гараз, ҳасад, тухмат каби балоларни оқилона турмуш тарзига ёт эканлигини англаш.
8. Никоҳ деб аталмиш мукаддас тушунчани турмуш тарзининг асоси деб билиш.
9. Соғлом жамият соғлом оила яратади, деган фикрни ёшлар онги ва қалбига сингдириб бориш.

Тасаввуфнинг ёшлар тарбиясидаги замонавий ижтимоий-педагогик аҳамиятини куйидагилар билан ифодалаш мумкин:

1. Мустақиллик туфайли ўзбек халқининг кўп асрлик илмий, маданий, диний мероси, шу жумладан, тасаввуф таълимоти асосларини ўрганиш ва ўқувчи-ёшлар маънавиятини шакллантиришда мазкур гоёлардан самарали фойдаланиш учун кенг кўламдаги ижтимоий-сиёсий ҳамда педагогик имкониятлар вужудга келди. Ҳукуматимиз томонидан мазкур имкониятларнинг ижтимоий-ҳуқуқий меъёрлари шакллантирилди. Чунки, ўзбек халқининг маънавияти тасаввуф таълимоти билан бевосита боғлиқ бўлиб, мазкур маънавий негизлар бугунги кунда жамият ва шахс маънавияти тараққиётининг асосини ташкил этади. Кўп йиллик тарихий тажрибалар давомида шу нарса аниқланганки, шахс ва жамият тараққиёти, келажакдаги фаровон ҳаёт, илм-фан ва маданият раванқи, маърифат, шахс ақл-идроқи ва тафаккурининг ривожига бир сўз билан айтганда, диний (тасаввуфий), дунёвий илм, кучли салоҳиятга эга бўлган кадрларга кўп жиҳатдан боғлиқ.

2. Шу нуқтаи назардан қараганда, таълим муассасалари ўқувчи-ёшларини юксак маънавиятли мутахассислар даражасида етиштиришда аввало ўқитувчи-профессорлар тасаввуф таълимоти ва унинг вужудга келиши, тараққиёт йўли, тариқатлари ва мазкур тариқатларнинг ҳар бирида ифодаланган маънавий таълим-тарбияга оид гоёларни билишлари ва уларни таълим-тарбия жараёнида ўқувчи-ёшларга етказа олишлари лозим.

3. Ўқувчи-ёшларнинг баркамоллик сифатларини эгаллашларида тасаввуф таълимоти ва унинг йўналишларида ифодаланган гоёларни бугунги кундаги миллий гоё талаблари нуқтаи назаридан ёндашган ҳолда, чуқур таҳлил қилиш ва баҳолаш, уларда ифодаланган илгор маънавий-ахлоқий ҳамда дидактик қарашларни ажратиш, таснифлаш ва муайян ўқув фанлари мазмуни ва аудиториядан ташқари таълим-тарбия мазмунига сингдириш йўллари кўрсатиш алоҳида дидактик аҳамиятга эга.

4. Тасаввуф таълимоти гоёлари пайдо бўлганлигига қарийб 13 аср бўлган бўлсада, унинг бугунги кунда миллий гоё билан уйғун жиҳатларини аниқлаш ва педагогик жиҳатдан таҳлил қилиш ҳамда ўқувчи-ёшлар маънавиятини шакллантиришда улардан фойдаланиш ижтимоий-педагогик заруриятга айланганлигини назарий жиҳатдан асослаш талаб этилмоқда. Зеро, ақл-заковатли, юксак маънавиятли, имон-этикодли, билимдон ўқувчи-ёшларни тарбияламасдан туриб, мустақилликни мустаҳкамлаш билан боғлиқ бўлган мураккаб ва ўта масъулиятли вазифаларни муваффақиятли равишда ҳал қилиб бўлмайди.

5. Тасаввуф таълимоти ва унинг вужудга келиши жамият аъзолари маънавиятини шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, унда акс этган педагогик гоёлар бугунги кунда ҳам умуминсоний ва миллий хусусиятларга эга бўлган таълим-тарбия жараёни мазмунининг негизини ташкил этади.

6. Юксак маънавиятли ўқувчи-ёшлар, касб-хунар эгаларини етиштириш соҳасида муваффақиятга эришишда ўзининг илгор ҳаётбахш гоёлари билан ҳисса қўшаётган тасаввуф таълимоти қарашларидан муҳим педагогик восита сифатида таълим-тарбия амалиётида фойдаланилиши тақозо қилинмоқда. Шунинг учун ҳам мазкур гоёларни олий ўқув юртлари ўқув дастурлари, дарслик ва қўлланмаларнинг мазмунига сингдириш талаб этилади.

7. Таълим жараёнида тасаввуф таълимоти гоёларидан тизимли тарзда фойдаланиш таълим мазмунига ўқувчи-ёшлар маънавиятини шакллантиришга хизмат қиладиган тасаввуфий билимларни сингдириш ва уларни ўқувчи-ёшлар онгига етказиш шакл ва методларини аниқлаш заруриятини кўймоқда. Шу зарурият туфайли тегишли фанларнинг ўқув дастурлари мазмунига шариат, тариқат, маърифат ва ҳақиқатга оид маънавий билим ва тушунчаларни сингдиришга эришиш лозим.

8. Тасаввуф таълимоти йўналишлари: шариат, тариқат, маърифат, ҳақиқатдан иборат бўлиб, улар бугунги кунда ўқувчи-ёшлар маънавиятини шакллантиришга хизмат қиладиган гоёларнинг асосий манбаидир.

Жумладан:

– Шариат – зоҳирий билимлар мажмуи бўлиб, ўқувчи-ёшларни маънан етук, жисмонан бақувват бўлиб етишишлари учун муҳим педагогик восита бўла олади;

– Тариқат эса, тасаввуфнинг амалий кўринишидир. У ўзига хос таълим-тарбия усуллари ёрдамида инсонни, шу жумладан, ўқувчи-ёшларни баркамолликка ундайди;

– Маърифат – инсоннинг баркамолликка эришиш йўлида ўзлигидан кечиши, ўз манфаатини ўзгалар манфаатидан устун қўймаслик, ахлоқ меъёрларидан ташқарида бўлган шахсий хоҳиш-истакларини ақл-идрок ва билим ёрдамида жиловлай олиш, ўзининг энг зарур эҳтиёжлар даражасини белгилай билишдан иборатдир;

– Ҳақиқат – Ҳақнинг иродаси ва ўз меҳнати билан илм сирларини пухта эгаллашдан иборатдир. Бундай инсонларнинг асл қиёфаси улар эгаллаган билимлар билан сифатланиб, баркамоллик мақомига эришадилар.

EKOLOGIK TURIZMNI RIVOJLANTIRISHNING IQTISODIYOTDAGI O'RNINI

Fozilova Mohinur Baxtiyor qizi, Buxoro davlat universiteti talabasi

G'arb mamlakatlarida ekoturizmga iqtisodiy soha jihatidan qaraladi, chunki chet ellarda jadal sura'ltlar bilan rivojlanib borayotgan ekoturizm iqtisodiy foyda keltiruvchi turizmning eng istiqbolli turlaridan biri hisoblanadi.

Ekspertlarning ta'kidlashlariga binoan, ekoturistlar ko'pincha o'rta yoki o'rtadan yuqori sarmoyaga ega bo'lgan, har tomonlama ta'minlangan sayohatchilardan iborat. Sayyoramizda inson oyog'i yetmagan yovvoyi tabiat juda kam qolganligi sababli, odatda bunday hududlarga sayohat qilish cheklangan, hamda ularga sayyohat qilish ham sezilarli darajada qimmat. Shu sababli, ekoturizmdan tushgan daromad turizmdan tushgan daromadlardan bir necha marotaba ko'pdir. Hozirgi kunda ekoturizm turizm va ekskursiya qilish jahon kengashining (WTTC) va jahon turistik tashkiloti (WTO) ma'lumotlariga ko'ra, jadal sur'atlar bilan rivojlanib borayotgan turistik industriyalardan biri hisoblanadi.

Ekspertlarning ta'kidlashicha, hozirda turizm industriyasida ekoturizm tarmog'iga kiruvchi tabiiy va sarguzasht turizmi tarmog'i jadal sur'atlar bilan rivojlanib bormoqda. Masalan, Kanada davlatida yovvoyi tabiatga sayohat, turizmning umumiy hajmi ichki turizmdan tushgan daromadning 25 % ini tashkil etadi. Kanada hukumati, faqatgina ekoturizmdan tushgan soliq hisobidan har yili 1,7 mlrd. AQSH dollarida foyda oladi. Bu esa, hukumat tomonidan yovvoyi

tabiatni muhofaza qilish dasturiga ajratilgan mablag'dan (300 mln. dollar) 5 baravar ko'pdir. Demakki, ekoturizm tabiatni muhofaza qilish tadbirlarini amalga oshirishga katta iqtisodiy hissa qo'shadi, hamda bunday tadbirlarni to'la-to'kis o'tkazishga katta moliyaviy ko'mak beradi.

BMT va JTT tashkilotlarining ma'lumotlari bo'yicha, oxirgi 20 yil ichida endi rivojlanib borayotgan mamlakatlarda ekoturistlar soni ko'payib va undan olinadigan daromadlar yildan-yilga o'sib bormoqda. Masalan, har yili ekoturizmdan Keniya - 1,4 mlrd. Nepal - 1,5 mlrd. AQSH dollarida daromad oladilar. qayd qilish lozimki, ushbu mamlakatlarning ekoturizmdan olgan daromadi davlat ichki yalpi mahsulotining 70-80 % iga teng. Keltirilgan ma'lumotlardan quyidagi xulosalar kelib chiqadi:

1. Respublikamizda ekoturizmni rivojlantirishning iqtisodiy isbotlari ishlab chiqilmagan. Bu vaziyatning asosiy sababi - ekoturistlarning tashrifi haqida va qaysi ekoturizm resursiga tashrif qilganligi haqida statistik axborotlar jamlanmagan. Ikkinchidan, hozirgacha respublikamizning tabiiy hududlari bo'yicha qaysi ekologik turizm resurslaridan foydalanish ro'yxati ham tuzilmagan.

2. Ekoturizmni rivojlantirish bo'yicha "O'zbekistonda ekologik turizmni rivojlantirish Kontseptsiyasi" qabul qilingan. Ushbu "Kontseptsiya" ning 1.4. bandida - ekoturizmning ijtimoiy-iqtisodiy masalalari echimini topishi lozim bo'lgan dolzarb masalalar sifatida qayd qilingan. Ular quyidagilar:

- Ekoturizm ob'ektlarida aholini ish bilan ta'minlash, ijtimoiy muhofaza qilish muammolarini hal qilish;

- Ekoturizm qadamjoylarida kichik va o'rta biznesni rivojlantirish orqali qo'shimcha ish o'rinlarini yaratish, turistik infratuzilmalarni hosil qilish;

- Ekoturizmning jahon talablariga javob beraoladigan moddiy - texnik, axborot - tahliliy bazasini yaratish xizmat ko'rsatish va servis sohasini rivojlantirish;

- Ekoturizm maskanlarini elektr energiyasi va issiq suv bilan ta'minlash masqadida ekologik toza, qayta tiklanuvchi muqobil energiya qurilmalari yordamida foydalanishni keng yo'lga qo'yish.

Ekoturizmning faqat foyda keltiradigan soha deb hisoblash mumkinemas. Bu faoliyat turi agar maqsadga muvofiq doiradaamalgaoshirilmasa, uning qoidalari va talabalariga rioya qilinmasa tabiatga jiddiy salbiy ta'sir qilishi va noxush oqibatlariga olib kelishi tabiiy. Uning salbiy oqibat vanatijalari nimalardan iborat bo'lishi mumkin. Eng avvalo, osimliklar nobud boladi, osimliklar payxon qilinadi, yer opiriladi va zichlashib ketadi, Hayvonlar bezovtalanadi, qochishga tushadi, bola ochishga xalaqit beriladi, ov natijasida yoq qilinadi, ovqatlanish tarzi o'zgaradi, turlari ayniydi, suvda yashaydigan hayvonlarning hayot tarzi o'zgaradi, suv o'simliklariga ziyon yetadi, oziq moddalarning yemirilishi va yo'qolishiga olib keladi (togli joylarda, o'rmon yongini xavfi), suvning ifloslanishi yuz beradi, noyob turlar kamayadi, hayvonlarning hayot tarzi o'zgaradi, qoyalar yemiriladi, tashqi qiyofa xunuklashadi, marjon qoyalar shikastlanadi, baliqlar turi kamayadi, suv havzalari qirgoqlaridagi o'simliklar payxon bo'ladi, qirg'oqdagi tuproq o'piriladi, zichlashadi, o'simliklar nobud bo'ladi, tasodifan hayvonlar shikastlanadi, hayvonlar turmush tarzi o'zgaradi. Demak, ekoturizm doimo davlat, jamoat tashkilotlari nazoratida bo'lishi, unga doir qonunchilikka ogishmay amal qilishi lozim.

Turizmning global axloq kodeksida ta'kidlanishicha, —...turistik infrastruktura ob'ektlari va turistik faoliyat turlarini shunday rejalashtirish kerakki, ekosistemalar va biologik turli-tumanlikni tashkil qiluvchi tabiiy merosni himoya qilish ta'minlansin hamda yo'qolib ketish xavfi bo'lgan fauna va flora turlari muhofaza qilinsin; turistik jarayonlarning ishtirokchilari va ayniqsa, professional xodimlar o'zlarining faoliyatlariga qo'yiladigan ayrim cheklashlar va me'yorlarga ko'nikishlari lozim. Bu gaplar asosan tabiiy parklar yoki qo'riqlanadigan qo'riqxonalar va alohida nozik joylardagi faoliyat turlariga tegishli.

Ekoturizmning maqsadlaridan biri noyob faunani asrab-avaylash, kelgusi avlod uchun saqlashdan iborat. Yo'qolib borayotgan hayvon turlari, qushlar, reptiliyalar, baliqlar, o'simliklar va hatto, hashoratlarga bo'lgan talab, tabiiyki, taklifning shakllanishiga olib keldi. Iqtisodiyotning yangi xufiyona sohasi paydo bo'ldi. Nafaqat an'anaviy soha, masalan, Afrika uchun karkidon shoxi, fil suyagi, sherlarning tishlari, balki m Qizil kitobga kiritilgan to'tiqushlar, lochinlar, gekkonlar,

ilonlar, tropik baliqlar, shuningdek, o'rgimchaklar, qo'ngizlar, chayonlar ham kantrabanda ob'ektlari bo'lib qoldi. Bularning hammasiga Yevropalik kolleksionerlarda ham, ba'zi Osiyo mamlakatlarining do'kondorlarida ham talab kuchaydi.

Ekzotik tovarlarning narxi qora bozorda ancha yuqori: Angola pitoni 65 ming AQSh dollari, kamyob Afrika qo'ngizi — kolofong 15 ming dollar va hokazo. O'rgimchaklar va tropik baliqlarning noyob turlari ham qimmat baholanadi. Tabiiyki, bunday maqsaddagi sayohat hech bir mamlakatda ma'qullanmaydi va turizmning bunday sohasi jinoiy qonunchilik bilan ta'qib qilinadi.

Shunday qilib, tabiat turizmi va ekologik turizm noyob va yo'qolib borayotgan turlarni muhofaza qilish bilan uzviy bogliq. Chunki ularning ko'pchiligi ekzotik hisoblanadi va ekoturizmlarning ob'ektlariga aylanadi. Bu gap faqat hayvon va o'simliklargagina emas, balki umuman ekosistemalar va tabiiy komplekslarga ham taalluqli. Boshqa tomondan, notogri rejalashtirish tufayli turistik yukning oshib ketishi, yovvoyi tabiat sovgalarining o'ziga xosligi va qimmatbaholigi ba'zi turlarning yo'qolishi va tabiat omillarining buzilishiga sabab bo'lmoqda. Hududlarning noyob turlari va ekosistemalarini mahalliy jamoalar uchun hayotiy resurs deb qarash mumkin, shuning uchun ularni muhofaza qilish mahalliy madaniyatni himoya qilish bilan uzviy bogliq.

ИСЛОМ МАДАНИЯТИ НАМОЁНДАСИ ИБН МИСКАВАЙХНИНГ "ТАҲЗИБ УЛ-АХЛОК" АСАРИДА БАҒРИКЕНГЛИК ҒОЯСИ

Махаммадалиев Лутфилло, ФарДУ Тарих факультети талабаси

Маълумки, Мовароуннаҳр турли маданият, динлар эмин-эркин мулоқот қиладиган юрт, бағрикенглик замини бўлгани ва бу анъана ҳозирга қадар сақланиб келгани диққатга сазовардир. Халқимизнинг минг йиллардан бери авлоддан-авлодга ўтиб келаётган инсоний фазилатлари ичида унинг бағрикенглигини алоҳида таъкидлаш лозим. Шу жумладан, халқимизнинг қатор фазилатлари ҳамда илм-фан тараққий этгани ҳам муҳим аҳамият касб этади. Турли дин ва конфессиялар фаолият кўрсатиб келаётган бугунги ўлкамизда ҳам улар неча-неча юз йиллардан буён бир-бирларига ҳурмат-эътибор билан муносабатли бўлиб келмоқдалар. Исломи дини юртимизга кириб келгач, мазкур жиҳат ислом таълимоти билан уйғунлашиб, янги кўринишга эга бўлди, яъни диний бағрикенглик халқимизнинг азалий кадриятларига ҳамоҳанг равишда ривож топиб, бошқа маданиятлар учун ибрат тимсолига айланди.

Мустақилликка эришганимиздан кейин кўп соҳалар қаторида динга муносабат ҳам тубдан ўзгарди. Ўзбекистон заминида истиқлол шарофати натижасида барча диний кадриятлар ўз ўрнини топмоқда. Масжид-мадрасалар, зиёратгоҳ-хонақоҳлар қайта тикланиб халқимизга қайтарилди. Мана шундай ижобий ислоҳотлар, эришилган ютуқлар ичида виждон эркинлиги бўйича қонун қабул қилингани алоҳида таъкидни талаб қилади. Бу йўлдаги саъй-ҳаракатлар Ўзбекистоннинг халқаро саҳнада нуфузи ортишига сабаб бўлмоқда. Ўзаро бағрикенглик асосида динларнинг бир-бирлари билан мулоқот қилиши инсоният тараққиётига ҳисса қўшишга хизмат қилиши исбот талаб қилмайдиган ҳақиқатдир.

Тарихдан маълумки, ислом дини ҳам кишиларни эзгулик, бир-бирлари билан муомала, тинчликка чақирувчи диндир. Қуръони Каримда “**Динда зўрлаш йўқдир**” дейилади. Демак, исломнинг ўзи бағрикенглик динидир. Дарҳақиқат, бошқа динлар каби ислом дини ҳам тинчликка, ўзаро тотувликка чақирувчи диндир. Давлатимизнинг шу йўналишда олиб бораётган изчил сиёсати, халқаро миқёсда ҳам амалга оширилмоқда. Айниқса, Ўзбекистоннинг диний бағрикенглик ғоясини илгари суришдек хайрли ишда нуфузли халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлиги амалда ўз ифодасини топмоқда.

Шуни қайд этиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси 1993 йили 26 октябрда ЮНЕСКО халқаро ташкилотига аъзо бўлиб киргандан буён ушбу ташкилот кўплаб илмий-маърифий анжуман ва форумлар уюштириб, юртимизда ҳамкорликда қатор тадбирлар ўтказиб келмоқда.

Булар орасида диний багрикенглик, динлараро мулоқотга багишланган учрашувлар албатта келажакда ўз самарасини бермоқда. Масалан, ЮНЕСКО билан ҳамкорликда ўтказилган **“Тинчлик маданияти ва динлараро багрикенглик”** мавзусидаги халқаро конгресс, **“Сўфизм ва данлараро багрикенглик”** мавзусидаги халқаро семинар, **“Марказий Осиёда маданият ва дин”** мавзусидаги халқаро форум, Тошкент ислом университетида ЮНЕСКО-нинг **“Жаҳон динларини қиёсий ўрганиш”** кафедрасини расман очилиши, **“Имом ал-Бухорий, Аҳмад Фарғоний цивилизациясининг яратилиши”** CD-RW дискини тайёрлаши, **“Марказий Осиё цивилизациялари тарихи”** ва **“Ўзбекистон мозий эътиқодлар тарихи”** китобларининг нашр қилиниши фикримизнинг далилидир.

XX аср охирида вужудга келган биродарқушлик, қўпоровчилик ҳаракатларининг олдини олишда, дунёда тинчлик, аҳлик каби умумин-соний манфаатларни ўзида акс эттирадиган ушбу анжуман ва мулоқотлар ҳар бир халқ ва дин вакилининг эзгу нияти эканлиги сир эмас. Шунингдек, Президент фармони билан очилган Тошкент ислом университети юртимизда жаҳон динларининг қиёсий ўрганилиши, дунё цивилизацияларининг бир-бирлари билан мулоқотлари учун ва умуман, жаҳон динларини илмий ўрганиш учун очилган дастлабки эшикларидандир.

Санаб ўтилган фикрлардан сўнг шундай мантиқий хулосага келиш мумкин. Жаҳон ҳамжамиятини тинч-тотувлик, тараққиётга чорловчи диний багрикенглик сиёсати ва шу йўлдаги саъй-ҳаракатлар Ўзбекистоннинг дин соҳасидаги мустақам мавқеини белгилаши билан бирга бошқа халқлар орасида ҳам ҳурмат эътиборини ошириб, хорижликларнинг диққатларини жалб қилмоқда. Албатта, диний багрикенглик тамойилларининг ривожининг минтақадаги долзарб муаммолардан бўлмиш –тинчликни таъминлашга хизмат қилиши муқаррардир.

Динлар асл моҳиятига кўра, эзгулик гоёсига асосланади ва тинчлик, яхшилик, дўстлик каби хусусиятларга таянади. Одамларни поклик, ҳалоллик, меҳр-шафқат, биродарлик ва багрикенгликка даъват этади. Инсон ҳаётининг асл мақсади инсон ва табиатига нисбатан одилона, оқилона муносабатда бўлиш, доимо яхши, савобли ишларни амалга оширишдан иборатлигини таъкидлайди. Хилма-хил диний эътиқодда бўлган кишиларнинг олижаноб гоё ва ниятлар йўлида ҳамкор ва ҳамжихат бўлиб яшаши, кишилик жамияти равнақи йўлида хизмат қилишларининг замирида юртимиз халқларининг диний багрикенглик борасида катта тажрибалари ётади.

Ахлоқ илмининг билимдони "Муаллим ас-салис" номи билан шуҳрат қозонган Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Мискавайх (вафоти 1030)нинг "Таҳзиб ул-ахлоқ" ("Ахлоқни сайқаллаштириш") асарида ислом дини билан муштарак багрикенглик гоёлари мавжуд. "Инсонлар ўз табиатига кўра маданий бўладилар. Уларнинг ҳаёти фақатгина ўзаро ҳамкорлик билангина мукамал бўлади"³⁵⁷, деб фикр юритади. Бу эса ўз навбатида Қуръони Каримдаги, "Эй инсонлар, дарҳақиқат, Биз сизларни бир эркак ва бир аёлдан яратдик, ҳамда бир - бирларингиз билан танишишингиз (дўст - биродар бўлишингиз) учун сизларни турли - туман халқлар ва қабила - элатлар қилиб қўйдик"³⁵⁸, деган оятида ҳам диний гоёлардаги тотувлик, ўзаро ҳамжихатликнинг ёлқин намунасини кўришимиз мумкин.

Ибн Мискавайхнинг фалсафий қарашлари унинг ўша тарихий давр сиёсатидан келиб чиққан ҳолда ахлоқий, сиёсий ва эстетик идеали билан уйғунлашиб келган. Унинг ахлоқий қарашларида муҳим масалалардан бири бу адолатнинг биринчи ўринга қўйилишидир. Унинг фикрига кўра, фақат чин адолатли инсон барча фазилатларнинг чўққисига эриша олади, одамларнинг энг яхшиси ҳам ўзида адолат фазилатини тарбия қилганидир³⁵⁹.

Ибн Мискавайх моддий бойликни тўпловчиларни ҳам, унга хирс қўйганларни ҳам қоралайди: "Кимки ўз мол-мулкини ҳаддан ташқари яхши кўрса, унга интилса, адолат мартабасига муносиб бўлмайди. Инсон агар мол-дунёни тўплашга хирс қўйса, бу нарса унинг ҳамдадрлик қилишга, ҳақни адо этишга, вожиб нарсаларни амалга оширишга

³⁵⁷ "Tahzib ul-akhloq" Ibn Miskaweyh. Bayrut, 1964. p.111.

³⁵⁸ А. Мансур. Қуръони Карим таржимаси. Хужрот сураси. 13-оят

³⁵⁹ Ibn Miskaweyh. Tahzib ul-akhloq. Bayrut, 1964. p 20-33

тўскинлик қилади. Инсонни ҳиёнатга, ёмонликка, қалбакичиликка ва зўравонликка ундайди"³⁶⁰. Худди шу гоёни биз дунё динлари бўлган буддавийлик, насронийлик ва ислом динларида учратишимиз мумкин.

Ибн Мискавайҳнинг амалий фалсафасига кўра, инсон танҳо ҳолда бахт-саодатга эриша олмайди. У ўз эҳтиёжларини бошқа жамият аъзолари билан ҳамкорликда амалга ошириши ҳақида фикр юритиб, "инсон барча мавжудотлар орасида ўзини мукаммаллаштиришга уринар экан, албатта бу борада фақат ўз нафси билан кифояланмайди, ҳатто қоникмайди, бунда унга жамиятнинг кўплаб бошқа аъзоларининг ҳамкорлиги қўл келади, инсоний яхшиликлар ва нафсадаги малакалар беҳисоб бўлганлиги боис уларнинг барчасини бир одам ўз зиммасига олиб адо этиши асло мумкин эмас. Шунинг учун ҳам кўп одамлар биргаликда йигилиб, жамият тарзида уларнинг барчасини адо этадилар. Бинобарин, бу борада шахсларнинг кўп бўлиши, муайян бир замонда ушбу муштарак саодатни қўлга киритиш ҳамда ўзаро ҳамкорликда бир-бирларини мукаммаллаштириш йўлида жамият барпо этишлари лозим бўлади. Шунда яхшиликлар ҳам улар орасида муштарак, саодат эса барчага баробар бўлади. Улар ўз ораларида яхшиликлар ва саодатни тарқатиб, ҳар бири кичкина бўлса ҳам ҳисса қўшган ҳолда жамиятни ҳамкорлик воситасида мукаммал қилади. Зеро, улар бу билан инсоний камолот ва биз тартиб китобида шарҳлаб ўтган учта саодатни қўлга киритадилар. Шу боисдан ҳам инсонларнинг ҳар бири ўзга одамнинг камолотини кўриш учун бир-бирларини севишлари лозим. Агар шундай бўлмаганида эди, ушбу саодат ҳам мукаммал бўлмаган бўлар эди. Демак, ҳар бир инсон ўзгалар билан гўёки баданнинг аъзоларидек бўлиши ҳамда қолган барча аъзоларни мукаммал қилиш йўлида қайгуриши лозим"³⁶¹, дея таъкидлайди.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, ҳар бир диннинг моҳияти турлича изоҳланса-да, унинг асосида ишонч, эътиқод, адолат, тинчлик ва яхшилик туйғуси ётиши деярли барча жамият аъзолари томонидан тан олинади. Бундан келиб чиққан ҳолда шуни айтиш керакки, ҳақиқий диний қарашлар ортида, диний бағрикенглик ётади. Хозирги кунда диний бағрикенглик, эзгулик йўлида Мискавайҳ эътироф этганидек, бутун жамият аъзоларининг ҳамкорлигини назарда тутаяди, тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашнинг муҳим шартини ҳисобланади.

БУХОРО ШАҲАР ТУРИЗМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ЛАБИ ҲОВУЗ АНСАМБЛИНИНГ АҲАМИЯТИ

Н.З.Ҳаётова, Бухоро давлат университети ўқитувчиси

Мусулмон дунёсининг йирик маданий ва диний марказлардан бўлмиш Бухоро Ўрта Осиёдаги қадимги ва Буюк Ипак йўлидаги савдо марказларидан бири ҳисобланган. Бухоронинг Шарқ маданияти бешигига айланиши биринчи навбатда унинг географик ўрни билан белгиланади. Бир томонда Самарқанд, Шаҳрисабз, Тошкент, иккинчи томондан Ҳирот, Богдод, Техрон йўлагидаги Буюк Ипак йўлининг мана шу чорраҳасида жойлашуви туфайли Бухоро Шарқ ва Ғарбда кучли таъсирга эга бўлиб, китъалараро ўзига хос кўприкка айланди.

Мустақиллик йилларида кўхна ва музей-шаҳар ҳисобланган Бухоронинг ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маданий ҳаётида жуда катта ўзгаришлар бўлди. Шаҳарнинг кун сайин чирой очиб, ўтмиши ва бугуни уйғунлашган мўъжизакор қиёфаси касб этиши жаҳон аҳлини, минг-минглаб сайёҳларнинг эътиборини тортмоқда. Ўтмиш авлодлар қолдирган буюк мероснинг энг ноёб дурдоналари меъморий ёдгорликларда мужассамлашган. Пойи Калон мажмуи, Исмоил Самоний, Сайфиддин Боҳарзий мақбаралари, Магоки Аттарон, Улугбек мадрасаси, Намозгоҳ масжиди, Арк қалъаси, Лаби ҳовуз ансамбли ва яна юзлаб бошқа

³⁶⁰ Ўша асар 27-б.

³⁶¹ Ibn Mikhaweyh. Takhzib ul-akhloq. Beyrut, 1964. p 18

обидалар шарқ меъморчилик мактабининг нодир намуналари сифатида оламга машҳур. Марказий Осиёдаги бирорта қадимий шаҳар осори-атиқалари Бухородаги ёдгорликларга тенглаша олмайди. Уларнинг умумий сони қариб 400 га яқиндир. Қадим Бухоронинг сарой ва масжидлари, мақбаралар ва миноралари бугунги кунда ҳам бутун дунёдан ташриф буюрган, қадимги абадий гўзалликдан баҳраманд бўлишга, ўтмишга ошно этиб, ўтган кунлар меъморлари ва қурувчиларнинг буюк маҳоратини баҳолашга жазм этган сайёҳларни ўзига ром этмоқда. Ана шундай Бухоронинг меъморий обидалари ичида ажралиб турадиган Лаби ҳовуз ансамбли ҳозирги кунга қадар чет эллик меҳмонларимизнинг севимли маконидир.

Лаби ҳовуз 1620 йилда қурилган савдо майдончаси бўлиб, ансамбль учта маҳобатли бинодан ташкил топган: шимол томондан –шаҳардаги энг йирик Кўкалдош мадрасаси (1568-1569 йиллар), ғарбда Нодир Девонбеги хонақоҳи (1620 йил) ва шарқда Нодир Девонбеги мадрасаси (1620 йил)дан иборат. Кўкалдош мадрасаси –XVI асрда, Абдуллахон II ҳукмронлиги даврида бунёд этилган. Бу Бухородаги энг катта мадраса бўлиб, икки қаватли, 160 та хужрадан иборат. Мадрасанинг анънавий тарзда бунёд этилган пештоқлари сирланган кошинлар билан безатилган. Мадрасанинг Лаби ҳовузга қараб турган бош тарзи кираверишда масжид ва дарсхона жойлашган. Мадраса ичкарасида пишиқ гиштдан ёки ганчдан ўйиб ишланган турли шаклдаги мураккаб тўрсимон- юлдузсимон нақшлар билан безатилган, марказий қисмнинг беаги елим ва михсиз бажарилган. Мадрасадаги хоналар тигиз, йўлаклар, тор пиллапоялар, хужралар номутаносибдек таассурот қолдиради. Мадраса меъморий ечимининг энг яхши сақланган унсури-масжиднинг асосий иккита хонаси ва дарсхона беаги ҳисобланади. Кўкалдош мадрасасининг ўймакор эшиги Бухоро ёғоч ўймакорлиги санъатининг шоҳ асари ҳисобланади. Нафис нақш билан тўлдирилган ўнта нурли гирх дарвозага улугворлик бахш этган.

Ўрта Осиёнинг энг номдор олий ўқув юрти ҳисобланган Кўкалдош мадрасасида Залилий, Шуқурий, Абдулқодир Савдо, Махтумқули, Садриддин Айний, Эргаш Жуманбулбул, Берди Кербобоев, Жалол Икромий каби адиблар ўқишган.

Ҳозирги кунда мадраса биносида Бухоро давлат музей қўриқхонаси “Бухоро адабиёти тарихи” музейи кўргазмаси, С.Айний ва Ж.Икромий музей хужралари ташкил қилинган.



Кўп хужралар ҳунармандларга ижара сифатида берилган бўлиб, бу ерда миллий ҳунармандчилик турлари, жумладан каштачилик, тикувчилик, наққошлик, дурадгорлик, кандакорлик билан шугулланувчи ҳунармандлар фаолият юритиб, туристларга хизмат кўрсатиб келмоқда. Лекин шуни ҳам айтиш жоизки, бугунги кунда Кўкалдош мадрасаси таъмирга талаб бўлиб, ўз чиройини йиллар ўтган сари йўқотиб бормоқда. Айниқса, мадрасанинг орқа қисми нураб, яқин орада жойлашган аҳоли яшаш манзилларига хавф тугдирмоқда. Мадрасанинг иккинчи қаватидаги хужралар ҳам таъмир талаб ҳолатда бўлиб, гиштларнинг жойидан кўчиши, деворларни ёрилишини кузатиш мумкин. Зеро, Бухоро

тарихий обидаларини сақлаш, келажак авлодга етказиш ҳар бир фуқаронинг бурчи ҳисобланади.



Лаби ҳовуз ансамблининг иккинчи нодир иншооти Нодир Девонбеги хонақоҳидир. Сўфийлар учун қурилган даргоҳ-хонақоҳлар Бухоро меъморчилигида алоҳида ўрин тутди. Хонақоҳ арабча сўздан олинган бўлиб, хонқаҳ- сўфийлар, дарвешлар (каландарлар), зиёратчилар даргоҳи, ҳар хил диний маросимлар, зикр маросимларини, баҳслар ўтказиш ва шу билан бир қаторда илм ўрганиш маскани бўлиб хизмат қилган. Хонақоҳлар X асрлардан бошлаб ўзининг олдинги фаолиятларини сақлаб келган ҳолда сўфийларнинг “Устоз ва шогирд” (пир-мурид) илм олиш даргоҳи ҳисобланган. Хонақоҳнинг асоси унинг марказий гумбазли катта хонаси, унинг атрофида зиёратхона, қуръон мутуола қилиш хужраси, хонақоҳда доимий яшовчи сўфийлар, зиёратчилар хужралари, ошхона ва омборхоналардан иборатдир. Нодир девонбеги хонақоси Лаби ҳовуз майдонида XVII асрнинг иккинчи ўн йиллигида барпо этилган.

Иншоот улкан гумбазли, пештоғи ҳашаматли, равоғи анча баланд ва икки томони гулдастали қилиб безатилган бўлиб, хонақоҳ гумбазли, атрофида икки қаватли хужралар жойлашган. Унда бой меъморий безакли меҳроб бор. Пештоқ равоғидаги 3 тобадонни ганч панжаралар беаган. Олд томон икки бурчагида салобатли гулдаста қад кўтарган. Асосий пештоқдан ташқари икки ён томондан ҳам кириладиган эшиклар бўлган. Иншоотни ён томон фасадлари бир неча бор қайта қурилган бўлиб, охири таъмирлаш ишлари 1914 йил Амир Олимхон ҳукмронлиги даврида ўтказилган. Иншоотнинг меҳроб ва гумбаз билан кесишув қисмлари Бухоро наққошлик мактабига хос бўлган исломий, хаттотлик саъати, муқарнаслар, шарафалар ва гулдасталар билан безатилган. Жойлашган ўрни, шунингдек яхши акс-садога эга катта хона туфайли Нодир Девонбеги хонақоҳи асрлар давомида Бухоронинг маданий ва диний марказларидан бири бўлиб келган. Ҳозирги кунда хонақоҳда Бухоро давлат музей кўрикхонасига қарашли “Қадимги Варахша ва кулолчилик тарихи” музейи фаолият кўрсатмоқда. Нодир Девонбеги хонақоҳининг олд қисмида бугунда таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда.

Манбаларда кўрсатилишича, Нодир девонбеги ушбу бинони тиклашдан аввал унинг олдида катта тош ҳовуз қуришга қарор қилган. Аммо ўша жойда бир бева аёлнинг ҳовлиси бўлганлиги ва аёл амалдорларнинг бошқа уйга кўчиш таклифларини рад қилгани қурилиш ишларини кечиктирган. Шунда Нодир девонбеги аёлнинг уйи остидан ариқ ўтказишга фармон берган. Оқар сув беванинг уйини чўктиргандан сўнг у бошқа жойга кўчишга мажбур бўлган. Шу сабабли бу ҳовуз тарихга “Ҳавзи базўр” яъни “Зўрлик ҳовузи” номи билан кирган. Бу иборанинг арабча ёзувидан 1620 рақамини, яъни ҳовузнинг барпо этилган санасини ҳам чиқариш мумкин³⁶².

³⁶² А.Халилов. Обидалар асрлар ва наслар бойлиги. Бухоро ҳақиқати. 1997 йил 18 апрель.

Ансамблининг марказий қисмида жойлашган ҳовуз Марказий Осиёдаги қадимги ва энг катта ҳовузлардан бири ҳисобланади. Ҳовуз узунлиги 42 метр, кенглиги 36 метр ва чуқурлиги 5 метрни ташкил қилади. Ўрта асрларда шу ҳовуздан сув ташувчилар тош зиналардан тушиб сув олганлар ва аҳолини сув билан таъминлаганлар. Совет даврида яъни 1950-йилларда ушбу ҳовуз суви қуритилиб, тубида волейбол майдончаси барпо этилган эди. 1960 йилга келиб, жамоатчилик талаб ва истаклари асосида ҳовуз қайтадан тўлдирилди³⁶³.

Лаби ҳовуз ансамблининг учинчи иншооти бу Нодир Девонбеги мадрасаси ҳисобланади. Дастлаб мадраса, карвонсарой сифатида қурилган бўлиб, бироқ уни очиш пайтида Имомқулихон (1611-1642) сўфий шайхларнинг маслаҳати билан ўз вазири Нодир Девонбегини Аллоҳ йўлида қурилган бино бунёд этилиши муносабати билан қутлаган ва қутилмаганда бу бино мадраса эканлигини эълон қилган³⁶⁴. Шундан сўнг Нодир Девонбеги карвонсаройни мадрасага айлантиришга мажбур бўлган. (1630) ва асосий олд томонида пешаймон, пештоқ ва икки бурчагида гулдасталарни, шунингдек иккинчи қаватда талабалар яшаши учун хужралар қўшган. Бироқ дарсхона қурилмасдан қолган. Ёдгорлик томонларининг жойлашуви, пештогидаги ислимий нақшлар, қуёшга интилаётган афсонавий хумо қуши ва бугунинг ўтлаб юрган тасвири билан бошқа обидалардан ажралиб туради. Нодир Девонбеги мадрасасининг пастки қисми- 31 та хужрасининг барчасида ҳозирги кунда хунарманд устолар фаолият кўрсатиб, ўз маҳсулотлари билан чет эллик сайёҳларни жалб қилмоқдалар. Мадрасанинг иккинчи қаватида 2 та туристик ахборот маркази фаолият кўрсатади³⁶⁵. Ҳар йили март ойидан бошлаб, мадраса ичкарасида сайёҳлар учун Бухоро санъат усталари томонидан концерт берилади, Ўзбекистонда табиий матолардан ишлаб чиқилган миллий кийимлар кўргазмалари ўтказилиб турилади.

Лаби Ҳовуз ансамбли 1970 йилларда қисман ва мустақилликдан кейингина 1997 йилда ЮНЕСКО раҳбарлигида шаҳарнинг 2500 йиллик юбилеи тантаналари арафасида самарқандлик устолар жалб қилинган ҳолда таъмирлаш ва ободончилик ишлари олиб борилган. Кейинги йилларда Бухорода туризм соҳасига эътибор, хусусан, давлатимиз раҳбарининг 2016 йил 2 декабрдаги Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида³⁶⁶ги Фармони ҳамда 2017 йил 19 майдаги “2017-2019 йилларда Бухоро шаҳри ва Бухоро вилоятининг туризм салоҳиятини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги” қарори изчиллик билан ҳаётга татбиқ этилаётгани туфайли Бухоро сайёҳлик индустрияси тараққиётининг янги босқичига кўтарилди. Ислом Ҳамкорлик ташкилотининг таълим, фан ва маданият масалалар бўйича ташкилоти - ISESKO томонидан Бухоро шаҳри 2020 йилда Ислом маданияти пойтахти, деб эълон қилиниши³⁶⁶ ҳам Бухоро шаҳрининг туристик салоҳиятини оширишга яна бир имкон бўлди.

Хулоса қилсак, ўзига хос меъморий ечим ва қурилиш технологиясига эга Бухоро тарихий обидалари жаҳон цивилизациясида алоҳида ўрин тутди. Айниқса Лаби Ҳовуз ансамбли Бухорога келган ҳар бир турист зиёрат қиладиган макон ҳисобланади. Туризм соҳасида олиб борилган ишлар натижасида 2019 йилда жами ўртача ҳисобда 3 640 818 нафар сайёҳлар ташриф буюриб, шундан 603 084 нафар хорижий сайёҳлар, 3 037 834 нафарни маҳаллий сайёҳлар ташкил этди³⁶⁷. Бугунги кунда Бухоро шаҳрига ташриф буюрадиган сайёҳлар вақтини янада мазмунли ташкил этиш ва уларнинг қолиш муддатларини узайтириш мақсадида турли хил оммавий тадбирлар, театрлашган томоша ва концерт дастурлари айниқса, Лаби ҳовуз мажмуида ташкил қилинмоқда. Лаби ҳовуз мажмуаси атрофида халқ сайли, миллий хунармандчилик, қандолатпазлик ярмаркаси ўтказилиб келинмоқда. Шу сабабли, Лаби ҳовуз ансамблидаги бунёдкорлик ишлари туризм ривожланишига таъсир қилмай қолмайди.

³⁶³ Ўша ерда

³⁶⁴ Ўзбекистон. Шаҳарлар ва афсоналар. Тошкент, “Давр нашриёти”, 2014.-96 б.

³⁶⁵ Бухоро шаҳар ҳокимлиги маълумотлари

³⁶⁶ Ислом маданияти байрамига тараддуд. Бухоронома, 2019 йил 13-ноябрь (№ 92), 2 б.

³⁶⁷ Ўша ерда

ЎЗБЕКИСТОНДА ТУРИСТИК ЖОЗИБАДОРЛИКНИ ОШИРИШДА СУВ РЕСУРСЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ

Тажибоев Комилжон Қурбанович, Наманган давлат университети

Республикамызда кейинги йилларда туризм соҳасини ривожлантириш борасида катта ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса туризм соҳасини ривожлантириш учун нафақат ички балки ташқи инвестицияларни жалб қилиниши қисқа вақт ичида республикамызда туристик индустрияни жаҳон талаблари даражасида ривожланиб бориши учун имконият яратмоқда. Туризм мамлакатга валюта тушимини оширадиган асосий иқтисодий тармоқларидан ҳисобланади. Ўз навбатида туризмни ривожланиши янги ишчи ўринларини яратади ва инфратузилмани тармоқларини яхшиланишига олиб келади. Туризмдан ривожлантириш мақсадда ҳар бир давлат ўзининг ижтимоий-иқтисодий сиёсатларидан бири бўлган туризмни ривожлантириш йўл хариталарини ишлаб чиқади.

Мамлакатимизда туризмни ривожлантириш учун катта туристик ресурсларимиз бор. Шу ресурслардан бири сув ресурсларидир. Сув инсон ҳаётида катта роль ўйнайди. Шунинг учун инсон ҳаёти давомида тоза сув ва ҳаво сари интилиб яшайди. Республикамызда туристларни жалб қилишда сув ресурслари катта аҳамият касб этади. Қолаверса дунёнинг эътиборга сазовор туристик минтақалари айнан сув ресурсларига бой жойлар ҳисобланади. Мисол учун океан бўйи минтақаларида кўплаб туристик курортлар Гавайи, Флорида, Қора денгиз бўйи, Ўрта ер денгизи бўйи, Хинд ва Тинч океани қирғоқларида дунёга машҳур туристик зоналар жойлашган. Чегаралари океан ва денгизлар билан ўралмаган мамлакатларда туризмни ривожлантиришда сув ресурсларига унча аҳамият қаратилмайди. Лекин айнан шу минтақаларда мавжуд сув ресурсларидан фойдаланган ҳолда туристларни жалб қилиш катта аҳамиятга эга. Жумладан Ўзбекистон Республикаси ҳеч қандай океан билан чегараланмаганлиги туристларни жалб қилишда Ўзбекистонда мавжуд ички сув ресурсларидан самарали фойдаланишни тақозо этади. Маълумки Ўзбекистон иқлими кескин континентал эканлиги ёз ойларининг иссиқ бўлишига сабаб бўлади. Бу ҳолда одамларни кўпчилиги сув манбалари томон интилиши ортади. Шу ўринда Антуан де Сент Экзюперининг қуйидаги сўзларини келтириш ўринли “Сув - сени на таъминг, на рангинг, на хидинг бор, сени тассавур қилиш ҳам қийин. Сени нималигингни билмай туриб лаззат оласан киши. Сен нафақат яшаш учун зарурсан, сен ўзинг ҳаётнинг ўзисан. Сенинг ила бутун мавжудод баҳра олар. Сен куч ва жисмимизни қайта тиклайсан. Сенинг меҳрибонлигинг ила сўнган юрак чашмаси яна қайта эшигин очар”.

Ўзбекистонда туристик жозибаторликни оширишдаги мавжуд сув ресурсларидан самарали фойдаланиш мумкин. Туристик мақсадларда нафақат табиий сув манбаларидан, балки сунъий ташкил этилган сув манбалари – сув омборларидан кенг фойдаланиш имконияти бор.



Чорвоқ сув омбори



Охангарон сув омбори

Ўзбекистон Республикасида 509 та табиий кўллар ва сув омборлари мавжуд бўлиб республика худуди бўйича тарқоқ ҳолда жойлашган. Булардан 426 таси майдони 1 км²дан

кичик сув объектлари ҳисобланади. Атиги 12 та майдони 50 км²да катта бўлган йирик кўллар мавжуд. Ўзбекистонда жойлашган кўлларнинг умумий майдони — 9 673,20 км² бўлиб, сувнинг умумий ҳажми — 47 км³ни ташкил этади. Бундан ташқари улардан энг кўп тоғли кўллар ҳисобланиб денгиз сатҳидан 2000 дан 3000 метр баландликда жойлашган. Бу эса тоғли кўл киргоқларида ёзги мавсумда туристик ресурс сифатида кенг фойдаланиш имкониятини беради.

Ўзбекистонда кўплаб сунъий кўллар ташкил этилган. Улар дарё ва сойларнинг мавсумий оқими тартибга солиш ва ирригация мақсадида барпо этилган. Ўзбекистон Республикасида 51 та сув омборлари мавжуд.



Чорвоқ бўйида



Кўл музликлар Ўрта осмон кўл (3900).



Кўл Боттом музликлар кўл. Пскем.

Ўзбекистонда асосан дарёлар Тянь-Шан тоғларида, Ҳисор-Олой ва Помир тоғ музликлари ва ёгинлардан тўйинадиган дарёлар ҳисобланиб ўзига хос хусусиятга эга. Тоғ дарёларининг ўзига хос экзотикаси тоғ дарёлари бўйлаб туристик маршрутлар ташкил этиш орқали кўплаб туристларни жалб этиш имкониятлар бор. Бундан ташқари тоғ дарёлари бўйлаб экстремал туризмни ташкил этиш бу кўп миқдорда экстремал туризм ишқибозларини айниқса ёшларни жалб этади.

Тоғ дарёлари қор ва музликлардан тўйинганлиги сабабли айни май ва июн ойларида тўлиб оқади. Йилнинг бу фаслида Ўзбекистонда ҳаво ҳарорати юқорилаб бориши одамларнинг кўл ва дарёлар бўйларига етаклайди. Ёз ойларида Ўзбекистонда асосий туристлар кўл ва дарё, айниқса тоғ дарё ва кўллари атрофи томон интиладилар.

Шундай қилиб, мамлакатимизда сув ресурсларидан туристларни жалб қилишда фойдаланиш натижасида:

- Янги турмаҳсулотлар вужудга келади;
- Республикасига пул оқимларини ошириш, жумладан чет эл валютаси оқимларини кириб келиши;
- Сув хавзвлври яқинида жойлашган аҳоли учун янги ишчи ўринларини яратиш;
- ялпи миллий маҳсулотни ўсиши;
- ҳам туристлар, ҳам маҳаллий аҳоли томонидан фойдаланиши мумкин бўлган дам олиш тарқибини шакллантириш;
- капитални жумладан чет эл капиталини жалб қилиш;

Сув хавзалари яқинида туристик масканларни пайдо бўлиши сув ресурсларидан оқилона фойдаланишда янада хушёрликни оширишни талаб қилади. Яъни сув ресурслари ва атроф муҳитни муҳофазасига катта эътибор қаратиш лозим. Келажакда аҳоли сонининг янада ошиши билан ер усти ва ер ости сувларидан ичимлик суви сифатида фойдаланиш янада кучаяди. Шу сабабли ҳам яқин йилларда аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш энг долзарб муаммолардан бири бўлиб қолади. Мухтасар айтганда сувни тежаш, ундан оқилона фойдаланиш ва келгуси авлодга етказиб бериш ҳар биримизнинг бурчимиздир.

АДАБИЁТЛАР:

1. Тўхлиев И.С., Ҳайтбоев Р., Сафаров Б.Ш., Турсунова Г.Р. «Туризм асослари» Тошкент 2014 й.
2. А.М.Абдувоҳидов, М.Т.Алиева, Ф.С.Қутлимуротов «Туризм иктисодиёти» Тошкент 2007 й.
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 2 декабрь «Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-4861 қарори .

ESTABLISHMENT AND USE OF SMALL ECO-ZONES IN THE DEVELOPMENT OF RECREATIONAL ACTIVITIES

Z.T. Abdulhakimov

Namangan Engineering-Technological Institute, Senior teacher

The rapid growth of the tourist-recreational crust and the acceleration of the tourist flow have intensified in recent years as a result of the high rates of growth in the world economy. Tourism and recreation are now one of the leading sectors of the world economy. According to the World Tourism Organization (UNWTO), "... tourism is the third in terms of profitability, fourth in the export of goods and services, and its share in the gross domestic product is 10% ..." ¹. Tourism is a complex multifaceted socio-economic system. This system evolves in complex interconnection and interdependence under a variety of factors. Tourism is a powerful catalyst for the socio-economic development of not only developed but even developing countries and regions." Taking this into account, new areas of local budget revenues will be created to create more inexpensive, convenient jobs compared to other sectors.

The tourism economy should be viewed as a multi-tiered system and should be taken into account when studying economic processes. These stages include mega-level (world economy), macro-level (national economy), macro-level (regional economy), micro-level (tourism industry organizations). Mechanics Greek means messos- mean. Gelvanovskiy M, Zhukovskaya V, Trofimova Ilar studied the conglomerate⁷ forms of firms in the form of the economic entities and corporate associations in the form of a freeze. In an economy with a wide range of services, the tourism industry is beginning to develop in a specific direction. High levels of recreational activity have made it possible to revitalize physical, mental, and psychological strengths that a person loses during his or her work. even more.

Today tourism and recreation is not only a form of commercial services, it also requires sustainable development of the tourism and recreation sector, the creation of new jobs and the comprehensive development of related industries.

A number of scientific researches are carried out to improve the theoretical-methodological basis of development of the market of tourist-recreational services in the world. "At the same time, the treatment and health of recreation includes the process of restoring the health of people and the loss of their ability to work. In this area, on the basis of traditional climatic, balneological and therapeutic mud spa, new forms of health - SPA, wellness, fitness have been formed. Modern sanatorium and resort organizations provide check-up services".




Figure 1. Small ecotopic objects

Because in the 1990s, with the need to regulate working vacations in the United States, the focus on recreation was on the rise. Also, the establishment of large tourism and recreation zones, clusters in the People's Republic of China, and rapid development of tourism and recreation activities in countries such as Korea, Japan, Spain, Italy, Germany, and France. ”⁴ The development of eco-friendly, scientific, sports tourism and active, passive recreational ecotourism is a priority in specially protected areas. “One of the issues is the creation of new ecotopic zones in a new protected area.” ² Examining the experiences of foreign countries, the two small ecotopes formed in the Altai Nature Reserve in the Russian Federation are the Baygazan and Karatash ecotopes.

They have their own special ecotometrics and are guided by the individuality of the landscape. The Baygazan ecotrophies introduce the unique flora of Lake Telets. The organization of small ecotopes should pay attention to the originality, presence of recreational objects, reproduction of the natural sun, exposure of sunlight, protection by the environmental watchdog. should have markers, fans. At the same time, phytonutrients should be located, with areas of herbs that can be used as therapeutic, soothing, decorative, and food. They reveal the essence of the information banners and decorative elements. There are also photo exhibitions in ecotopes. It serves to fully cover ecotopic life and activities. Research in this area will be possible. Scientific innovative technologies will be introduced into ecotopic activity. In 2009, an automatic geomagnetic variation station was built on the Baygazan ecotope. The station conducts research on the magnetic forces of the ionosphere and the globe and is transmitted by radio communications through satellite communications. During this process, there is a separate hydrometeorological station.

The meteorological station identifies a number of meteoparameters:

1. Atmospheric pressure;
2. Wind speed and direction;
3. Temperature and humidity;

4. The effect of sunlight;
5. Water temperature and salt content.

Since 2007, the eco-tropics have been using unusual sources of energy - solar panels.

There are many regions in Uzbekistan, especially in the Namangan region. One of the new activities in recreational activities in the modern world is the use of recreational facilities. When designing the micro-ecotropic organization, first of all, it is required to have wildlife, to avoid development, to conserve natural resources and the diversity of nature. Reorganization of the tourist-recreation zone "Parda Tursun" in the mountain village of Parda Tursun surrounded by high mountains in Pop district of Namangan region, at the altitude of 1500-2300 meters. ecotropic ecosystems. To achieve the above objectives it is necessary to pay attention to the following:

1. Preparation of proposals to the Government of Uzbekistan on creation of small ecotropic zones and creation of recreational zones, such as "Burguttog", "Ibn Sno", "Sosartag" in tourist-recreation zone "Parda Tursun" and zone;
2. Development of the concept of development of the zone and small ecotropes for 2020-2030;
3. Development and launching of a tourist route Tursun-Arashanbulak;
4. Development of 3D model and layout of the tourist-recreation zone "Curtain Tursun" and the exterior architectural landscape of the small ecotropes "Burguttog", "Ibn Sno", "Sossartog";
5. Creation of e-commerce programs or website reflecting the activities of the Parda Tursun tourist-recreational zone and small ecotropes Burguttog, Ibn Sno and Sossartog to attract local and foreign investors.

One of the above mentioned ecotropic ecosystems, the Sovsartog Ecotropic Area, is the Ibn Sino forestry grazing area. There is an area of 200-300 hectares in the Zarafshan and Tyanshan junipers listed in the Red Book of Uzbekistan. "The peculiarity of the Zarafshan fir is that it produces about 30 tonnes of phytocyanide, which kills microbes that are detrimental to human health." At the same time, the Parda Tursun Climatic Balneological Sanatorium (500 seats), which specializes in post-TB treatment in the small tourist-recreation zone "Parda Tursun". It is a clean air that is unique to the area. The area will have a tourist-recreational industry that will be able to revitalize its workforce by building clean, well-planned campgrounds, public or individual dining establishments, recreational areas and tourist routes.

References

1. Official website of the World Tourism Organization (UNWTO) UNWTO World Tourism Annual Report 2018.
2. Saxneevich M.B. Ecological tourism in Altayskom zapovednike na primitive mini-ecotropic. Tourism and Recreation: Innovations and Technology / Materials VIII International Scientific and Practical Conference-Astrakhan.Russia. 2016 d.
3. Abdulxakimov Z.T, Ismailova M.I. Gravity Modeling of Recreational Tourism (In the Exemple of Namangan Region of the Republic of Uzbekistan) / International Journal of Engineering and Advanced Technology (IJEAT) December, 2019. <http://www.ijeat.org/download/volume-9-issue-2/>.
4. Abdulhakimov Z.T. The use of recreational facilities, bases and gravity models in the region. Nauka i Practice / FGBOU VO «REU im G. Plekhanova» № 1 (33). 2019 d.
5. Alimova M.T. Regional Tourism Market Development Features and Trends. (For example, Samarkand region) dissertation for the degree of Doctor of Philosophy. –S,: SamISI, 2017.- 16 p.
6. Bogdanov Yu.V. Tourism industry as a factor of social-economic economy in the region (not the main in St. Petersburg and Leningrad region) - St. Petersburg, 2004.4 p.
7. Gelvanovsky M, Zhukovskaya V, Trofimova I. Konkurentosposobnost in micro-meso and macrourovnevom izmeryaniyax // Rossiyskiy economic journal.-1998 g, №3.
8. Kenjaeva D. The beauty of the kingdom of the mountains. - "Jamiyat" newspaper, February 18, 2011, №7 - 9 p.

ИСЛОМ МАДАНИЯТИДА ХАДИСЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ - ПЕДАГОГИК АҲАМИЯТИ

Махлиё Бозорова

*Фаргона вилояти, Бешариқ тумани ХТБ
тасарруфидаги 48-умумий ўрта таълим мактаби*

Таълим тизимида амалга оширилаётган чора-тадбирлар, жумладан, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланган вазифаларни рўёбга чиқариш стратегик мақсад сифатида ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг пойдеворига айланмоқда. Ушбу мақсадга эришиш жамиятни демократлаштириш, янгилаш, модернизация ва ислоҳ қилиш билан бевосита боғлиқдир.

Бу йўлда ислом маданияти намоёндаларининг мазмунга бой, кенг қамровга эга бўлган тарбиявий меросидан тўғри ҳамда оқилона фойдаланиш, ундан намуна олиш мақсадида турли йўналишдаги ўқув-тарбия жараёнига татбиқ этиш ижтимоий-педагогик аҳамиятга эгадир. Зеро, Президентимизнинг 2017 йил 10-11 ноябрь кунлари Самарқандда БМТ шафелигида ўтказилган "Марказий Осиё: ягона тарих ва умумий келажак, барқарор ривожланиш ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик" мавзусидаги халқаро анжуманда сўзлаган нутқида қуйидагиларни таъкидлади: "Бизнинг тажрибамиз шуни кўрсатмоқдаки, биринчи галда ёшларни илм-маърифатга ўргатиш, уларга ислом динининг инсонпарварлик моҳияти, ислом маданиятининг асл қадриятларини етказиш экстремизмга қарши курашишнинг энг самарали воситаси ҳисобланади"¹.

Ўзбекистоннинг ислом маданияти ва илми олдидаги хизматлари учун 2007 йилда Тошкент шаҳри, 2020 йилда эса Бухоро шаҳри ислом маданияти пойтахти деган юксак унвонга сазовор бўлди.

Ислом маданияти шаклланишининг ички ва ташқи манбалари, тамойиллари, аҳкомлари, муносабатлари аста-секинлик билан ривожлана борди, шунингдек таълим-тарбия соҳасига оид ўзаро муносабатлар, устоз-шогирд муносабатлари пайдо бўла бошлади.

Ислом маданиятини шакллантиришда муҳаддислар Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий, файласуф-тарихчи Абу Наср Форобий, араб тили грамматикаси асосчиларидан бири Аз-Замахшарийлар яшаб ижод қилдилар ва фанлар ривожига катта хизмат қилдилар. Биринчи Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, "Буюк мутафаккир ва алломаларимизнинг ислом маданиятини раванқ топтиришга қўшган бетакрор ҳиссаси ҳақида сўз юритганда, энг аввало, ҳақли равишда мусулмон оламида "муҳаддислар султони" дея улкан шуҳрат қозонган Имом Бухорий бобомизнинг муборак номларини хурмат-эҳтиром билан тилга оламиз. Бу мўътабор зот меромининг гултожи бўлмиш – "Ал жомеъ ас-сахих" китоби Ислом динида Қуръони каримдан кейинги иккинчи муқаддас манба бўлиб, аҳли Ислом эътиқодига кўра, у башарият томонидан битилган китобларнинг энг улуғи ҳисобланади"¹. Бу улуг алломанинг ижодини ўрганиш бутун мусулмон оламини доимо кизиқтириб келган. Ушбу олимлар қаторида яна бир аллома, сўфийлик тариқати асосчиларидан бири Абу Абдулло Муҳаммад ибн Али ибн Ҳасан ибн Башр Ҳаким Термизий кизгин маънавий фаолият кўрсатади.

Ал-Ҳаким ат-Термизийнинг бебаҳо асарларидан бири "Масоил аҳли Сарахс"дир. Олим ўз умрининг асосий қисмини Термизда яшаган бўлса-да, унинг илмий салоҳияти ва нуфузи юқори бўлгани сабабли минтақадаги яқин шаҳар ва ўлка уламолари ҳам замоннинг долзарб масалалари бўйича ундан маслаҳатлар сўраб мурожаат этар эдилар. Шулар қаторида Сарахс аҳлидан тушган саволларга ал-Ҳаким ат-Термизий диний-маърифий асосларга таяниб жавоб берган".²

¹ www.uza.uz. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Самарқанд шаҳрида ўтган "Марказий Осиё: ягона тарих ва умумий келажак, барқарор ривожланиш ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик" мавзусидаги халқаро анжуманда сўзлаган нутқи

¹ Каримов И. Юксак маънавият – энгилмас куч. – Тошкент: "Маънавият", 2008. – Б. 38.

² Термизий, Муҳаммад ибн Али Ҳаким. Нодир масалалар /араб тилидан таржима/. Муқаддима, таржима ва изоҳлар муаллифи И.С.Усмонов. – Т.: Мовароуннаҳр, 2007. – 88 б.

Ал-Ҳаким ат-Термизийнинг тасаввуф тариқатига оид илмий меросини ўрганишда ва тадқиқ этишда олмон олими Бернд Радтке ҳам муҳим ўрин тутди. “Мистик (сўфий) ал-Ҳаким ат-Термизий”, “Ал-Ҳаким ат-Термизий – IX аср ислом дини пешвоси”, “Хуросон ва Трансоксания (Мовароуннахр)лик илоҳиёт пешволари ва мистик (сўфий)лар” каби асар ва мақолалар унинг қаламига мансубдир³.

1992 йилда Б.Радтке масъуллигида “Термизий Ҳаким, термизлик илоҳиётчининг уч асари” сарлавҳасида “Китоб сийрат ал-авлиё” (“Авлиёлар сийрати ҳақида китоб), “Жавоб ал-масоил аллати салоҳи аҳл сарахс анҳа” (Хато масалаларга тўлиқ ва тўғри ҳамда муносиб жавоб”), “Жавоб китоб Усмон бин Саъйид мин ар-райй” (Раёлик Усмон бин Саъйид мактубига жавоб”) каби рисоалари араб матнида эълон қилинади¹.

Ҳижрий учинчи аср (мелодий тўққизинчи) ҳадис илмининг ривожда олтин давр ҳисобланиб, дастлаб бу даврда яшаб ижод қилган Имом ал-Бухорий, Имом Муслим каби алломаларнинг сермахсул фаолияти катта аҳамият касб этди. Пайгамбар алайҳиссалом суннатларининг мана шу даврдан бошлаб тадвини ривожланиб, бу ҳолат ҳадис илми тараққиётида катта роль ўйнади. Чунки пайгамбар алайҳиссалом ҳадиси шарифлари бирваракайига тўпланиб қолмасдан, балки улар сараланиб, тоифаларга бўлина бошлади. Улар саҳийх (тўғри, ишончли), ҳасан (яхши, маъқул), заиф (бўш) каби гуруҳларга бўлиниб, чуқур тадқиқ қилинган ҳолда илмий тарзда тартибга солина бошланди.

Аллоҳ элчисининг ибратли ишлари, маърифат, эътиқод, адолат, холислик, поклик ва бошқа инсоний фазилатларига тегишли ибратли сўзлари, панд-насихатлари унинг номи билан боғлиқ ҳадисларда мужассам бўлди.

Имом ат-Термизий томонидан ёзилган “Аш-Шамоил-ан-набавия” асарининг иккинчи қисмида келтирилган ҳадиси шарифлар эса пайгамбар алайҳиссаломнинг ички дунёси ва ахлоқий фазилатларини баён қилади. Бу ҳадислар билан танишар эканмиз, Муҳаммад алайҳиссаломнинг ахлоқий жиҳатларидан намунавий, мукамал бир зот эканлигини, муомалада унинг катталару-кичиклар, аёллару-эркаклар, бойлару-камбағаллар билан ўзини бир хилда тутиши, рўзгор ва оила юмушларида ўз хотинларига астойдил кўмаклашиб ёрдам бериши, башарти бирор гуноҳ қилиб қўйган киши узр сўраса, унинг гуноҳини кечириши, барча одамлар билан ўта латофат билан муомалада бўлгани, йўлида учраган барча кишиларга биринчи бўлиб салом бериб, ҳол-аҳвол сўрашганлигини билиб оламиз.

Абу Исо ат-Термизий ёзиб қолдирган “ал-Жомеъ ас-Саҳийх”, “Аш-Шамоил ан-набавия” каби асарларида келтирилган ҳадиси шарифлар катта тарбиявий аҳамиятга эга бўлиб инсонларни ҳалол, адолатли, эътиқодли, диёнатли, покиза, меҳнатсевар, мурувватли, раҳм-шафқатли, ота-она, аёлларга нисбатан ҳурматда ва эътиборли бўлишга чорлайди.

Бу ибратли панд-насихатлар ва ўғитлар ҳозирги жамиятимиз аҳлини, айниқса, ёш авлодни тарбиялашда беқиёс аҳамият касб этади. Ат-Термизийнинг асарлари фақат диний илмлар мажмуасига оид бўлиб қолмасдан, балки, дунёвий илмларга оид маълумотларга ҳам бойдир. Масалан, унинг бош асари бўлган “ал-Жомеъ ас-саҳийх”да тарих, мантиқ, ҳуқуқшунослик, табобат, зироат ва бошқа қатор фанларга оид кўплаб маълумотларни ҳам учратамиз.

Ат-Термизийнинг баъзи ҳадисларида инсон илми, ақли-заковатининг таҳлилига оид бўлган фикрлар мавжуд. Имом Термизийнинг улуг имом мақомига етишишларида юқори ахлоқий сифатларга эгалликлари ҳам муҳим омил бўлган. Шунингдек, юқори даражада такво ва эҳтиётлилик, ўз дини ҳамда обрўси учун ўзини шубҳалардан сақлагани ва дунё мол-матосига бепарво қарашлари, охиратнинг гамини қилишлари Термизийни барча мусулмонларнинг пешвоси даражасига кўтарди.

Имом ат-Термизий ҳадисларни йигишда тарбияга оид бўлган масалалар ечимини излаш учун ўз олдига асосий изланишлар мақсади қилиб қуйидагиларни белгилайди:

³ Radtke, Bernd. Theologen und Mystiker in Hurasan und Transoxanien. Zeitschrift der Deutschen Morgenlandischen Gesellschaft. 136, Stuttgart, 1986. pp. 47-48.

¹ Чориев З. ва бошқалар. Ал-Ҳаким ат-Термизий. – Т.: Янги аср авлоди, 2008. – Б. 20-21.

биринчидан, ижтимоий-сиёсий иқлимга ижобий таъсир қилиш, мамлакатда мавжуд бўлган маданий муҳитни кучайтириш;

иккинчидан, таълим-тарбиянинг ўзига хос услуби, ҳадислар ёрдамида инсон тарбиясига таъсир кўрсатиш масалаларини ривожлантириш;

учинчидан, ҳадисларни ажратиб олишнинг махсус механизмларини ишлаб чиқиш;

тўртинчидан, ислом дини таълимотида тарбиявий воситаларнинг ролини аниқлаш орқали инсоннинг маънавий салоҳиятини рўёбга чиқариш ишларини муҳим деб билган.

Инсонпарварлик ва демократизм гоялари ҳадисларнинг туб мазмунида юқори ўрин эгаллайди. Шунингдек, у тўла маънода тарбиявий манфаатларни ифодалаб, бошқа барча педагогик фикрлар ва тарбиянинг услуб ҳамда воситаларини тарғиб қилади. Ҳадислар - бутун тарбиявий жараёни қамраб олиб, уларни халқ тарихи, халқ фалсафаси ва халқ тиббиётидан, тафаккури ва ўйларидан алоҳида ажратиб олинган ҳолда тасаввур қилиб бўлмайди.

Ҳадислардан ижтимоий-педагогик жараёнда фойдаланиш бугунги кунда бизга уларни ўрганишнинг қўйидаги мавзуларини вужудга келтиради:

- ҳадисларни таҳлил этиш юзасидан олиб борилган педагогик тадқиқотлар, тажрибаларнинг ролини ошириш;

- ҳадислар ёрдамида тарбиялаш жараёнининг ижобий томонларини тавсифлаш;

- ҳадисларда мавжуд бўлган инсонпарварлик тарбияси сифатларини аниқлаш ва ўрганиш;

- ҳадисларнинг тарбиявий имкониятини аниқлаш;

- ҳадислардан таълим-тарбия жараёнида фойдаланиш бўйича тарбиялаш услубларини, воситаларини аниқлаш;

- ўқувчи ва талабаларда маданий дунёқарашни шакллантиришда ҳадислар педагогик восита эканлигига таълимнинг барча бўғинларида катта эътибор қаратиш, махсус ўқув-методик қўлланмалар яратиш лозим.

Бизнинг ўқув-тарбиявий жараёндаги ва дарсдан ташқари тадбирлардаги кузатишларимиз шуни кўрсатадики, ёшларда фақатгина халқимизнинг эмас, балки бошқа халқларнинг ҳам диний қадриятлари, одатлари, анъаналари, байрамлари, халқ оғзаки ижоди катта қизиқиш уйғотади.

Миллий байрамлар, урф-одатлар, анъаналар, диний қадриятлар асосида эса таълим-тарбиянинг кўп асрлик услуб ва воситалари мавжудлигини кўриш мумкин. Хулоса қилиб айтганда, буюк боболаримизнинг ҳаёти ҳамда уларнинг бой илмий, маънавий меросини чуқур ва ҳар томонлама ўрганиш ижтимоий-педагогик жиҳатдан катта аҳамиятга эгадир.

МУСУЛМОН ШАРҚИ АГИОГРАФИК АСАРЛАРНИНГ ИСЛОМ МАДАНИЯТИ РИВОЖИДАГИ АҲАМИЯТИ

Холматова Матлуба

Фаргона вилояти Бешариқ тумани ХТБ

тасарруфидаги 26-умумий ўрта таълим мактаби ўқитувчиси

Агиография грекча *αγιος* (муқаддас) ва *γραφο* (ёзаман) деган сўзлардан таркиб топган бўлиб, у муқаддас хулқли кишилар — авлиёлар, руҳонийлар ҳақидаги тарихий-маданий ва диний адабиётлар ҳақидаги билимлар тизимидир. Бу фан тўғрисида ҳозиргача республикамизда чоп этилган лугат, қомус ва маълумотномаларда қисқа таърифдан бошқа хабар учрамайди. Мустақилликдан сўнг ёзилган илмий тадқиқотларда Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари халқларининг агиографик меросига мурожаат қилинаётгани сезилади. Бироқ христиан ва мусулмон агиографияси манбалари бўйича битилган асарлар жуда оз миқдорни

ташқил этади. 2000 йили нашр этилган “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”нинг биринчи томида ҳам “Агиография” термини ҳақида маълумот берилмаган.

Шарқда мамлакатларида араб, форс, турк, ўзбек, тожик, хитой, ҳинд, япон, корейс каби халқларнинг ўз дини ва муқаддас қадриятлари, эзгу хулқли инсонлари –пайгамбарлар ва авлиёлар ҳақидаги асарлари жуда кўп. Улар рисола, қисса, тазкира, манокӣб, мақомот, эсдаликлар тарзида бизгача етиб келган бўлиб, турли истилоҳ ва тушунчалар билан изоҳланган. Европа шарқшунослари эса уларнинг ёзилиш мақсади ва мазмуни, ички тузилишига кўра (ўз манбаларига қиёсан) агиографик асарлар деб тасниф этишган³⁶⁸.

Фариддин Атторнинг “Тазкирату-л-авлиё”³⁶⁹, Алишер Навоийнинг “Насойиму-л-муҳаббат”³⁷⁰, Фаҳриддин Али Сафийнинг “Раҳоҳоту айни-л-ҳаёт”³⁷¹, Ҳасанхожа Нисорийнинг “Музаққир аҳбоб”³⁷², Муҳаммад Сиддиқ Рушдийнинг “Тазкирату-л-авлиё” ва “Рисолаи Қодирия”³⁷³, Гулом Сарвар Лоҳурийнинг “Хизонату-л-асфиё”³⁷⁴, Абулмуҳсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Алининг “Манокӣби Баҳоуддин Нақшбанд”³⁷⁵, Исҳоқ Богистонийнинг “Тазкираи қаландарон” манокӣблари ва халқ китоби саналмиш “Қиссаи Машраб” каби асарлар шарқона агиографиянинг энг муҳим манбалари саналади. “Агиографик манба” атамаси жаҳон илм-фанида барчага тушунарли бўлиб улгурган. Ўзбекистон Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида яратилган кўпжилдлик “Ўз ФА Шарқ кўлёмалари рўйҳати”да диний-тасаввуфий асарлар “Агиография” номи остида берилгани ҳам бунинг исботи дейиш ўринлидир.

Биз бу мақолада Шарқий Туркистонда XVIII асрда яшаб ўтган Муҳаммад Сиддиқ Рушдий қаламига мансуб “Рисолаи Қодирия” асари асосида агиографик жанр ҳақида муайян тасаввур беришни мақсад қилдик. Бу асар 1079 йили Эроннинг Гилон шаҳрида тугилиб, 1166 йили Бағдодда вафот этган улуг суфий, Шарқда “Ғавсул Аъзам”, “Ғавсус сақалийн”, “Султонул авлиё” номлари билан машҳур бўлган Саййид Абдулқодир Гилоний тўғрисидаги манокӣбдир. Маълумки, Абдулқодир Гилоний тасаввуфдаги қодирия сулуқининг халқабошиси ҳисобланади. Шайх Бағдод шаҳрида 33 йил давомида ўз мадрасасида (13 та фандан) мударрислик қилган³⁷⁶. Абдулқодир Гилоний ҳақида Шарқда бир неча агиографик рисолалар яратилган³⁷⁷.

“Рисолаи Қодирия” ўз даври манокӣб ёзиш анъаналарига мувофиқ услубда таълиф этилган бўлиб, муқаддимада авлиёлар кароматини баён этишнинг сабаб ва фойдалари таъкидланиб, уларга одамлар ишониши учун оят ва ҳадисдан далиллар келтирилади. Кейин эса рисола мундарижаси берилади. Мундарижа тушунтириш усулида ёзилган. Эътиборлиси шундаки, асарнинг ички тузилиши бугунги илмий тадқиқот ёзишдаги тамойилларга ўхшаб кетади. Асар икки қисм бўлиб, биринчи қисм тўрт бобдан иборат. Боблар фаслларга бўлинган. Иккинчи қисм эса бобларга бўлинмаган, балки беш фаслдан иборат. Беш фасл ичида бир неча нақллар келтирилади.

Биринчи бобда Абдулқодир Гилонийнинг куняси ва лақаблари, насаби, сурат ва сийратлари баён этилган. Иккинчи бобда Гилонийнинг тугилиши, болалик чоғлари, учинчи

³⁶⁸ Тримингэм Ж.С. Суфийские ордена в исламе. М.: Восточная литература. 1989.

³⁶⁹ Аттор, Фариддин. Тазкирату-л-авлиё. (Туркчадан Мирзо Кенжабек таржимаси.) Т.: Мовароуннахр. 1997.

³⁷⁰ Алишер Навоий. Насойиму-л-муҳаббат. МАТ. 17-жилд. Т.: 2001. Б.374-375.

³⁷¹ Фаҳриддин Али Сафий. Раҳоҳоту айни-л-ҳаёт. Т.: Фан, 2006.

³⁷² Ҳасанхўжа Нисорий. Музаққир аҳбоб. Т.: Ғафур Гулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1993.

³⁷³ Рушдий, Муҳаммад Сиддиқ. Тазкирату-л-авлиё. 1780 йили ёзилган кўлёмма. Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети кутубхонаси фонди.Кўздан кечирув рақами 14582. Ўша муаллиф. Ғавсул Аъзам. Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1992. Б. 92.

³⁷⁴ Гулом Сарвар Лоҳурий.Хизонату-л-асфиё(форсий).. Литография. Т., 1895.

³⁷⁵ Абулмуҳсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Али. Баҳоуддин Балогардон. Т.: Ёзувчи, 1993.

³⁷⁶ Қодирия тарикати ҳақида қаранг: Ислам. Энциклопедический словарь. М.,1991.; Бертельс Е.Э. Суфизм и суфийская литература. М.,1965.

³⁷⁷ Жумладан: Мусо ибн Юнусий. Манокӣби Шайх Абдулқодир ал-Жийлоний; Нуриддин Али ибн Юсуф Ибнул Жавзий аш-Шаттанайфий. Баҳжата-л-Асрор ва Маъдан ул-анвор. Қоҳира, ҳиж. 1304; Муҳаммад ибн Яхё ал-Тодафий. Қавонд ал-Жавоҳир фий манокӣби шайх Абдулқодир ал-Жийлоний. Қоҳира, ҳиж.1303; Муҳаммад Дилоий. Натижат ал-таҳқиқ. Фос.ҳиж. 1309 (мил. 1903); Мулуқшоҳ Сиддиқий ал-Қодирий. Манокӣби гавсия. Т., 1902.; Жамийу кароматил-авлиё, 2-жилд, Истамбул. 1989; Абдурахмон Жомий. Нафаҳот ул-унс. Тошкент: Порцев матбааси, 1915. Б. 488-491.

бобда Ғилондан Бағдодга сафари, илм олиб камолатга етиши билан боглиқ эсдалиқлар келтирилади. Тўртинчи бобда у кишининг хулқи баён этилади.

Иккинчи қисмда ҳазрати Ғавсул Аъзамнинг кароматлари, хаворик одатлари зикр этилади. Асар охирида Ғилонийнинг фарзандлари номи келтирилади, уларнинг ҳар бири муфассир, ҳадис ва фикҳ, улуми зоҳирий ва улуми ботинийда етук аллома бўлганликлари эслатиб ўтилади.

Рушдий шайхнинг маънавий портретини, яъни хулқларини шундай тасвирлайди: “Ул зот комил инсон – Муҳаммад (с.а.в.) хулқларига интилиб ёшлик чоғидан яхши одоб соҳиби бўлиб етишдилар. Очик юзли, ширин сўзли, саҳийқалб эрдилар. Аҳд-паймонга содиқликда, дўстларига вафодорликда беназир эрдилар. Ожиз-нотавонларга шафқат кўрғазиб, қарияларни иззат-хурмат қилар, кичикларга улардан аввал салом берар эрдилар. Таом есалар меҳмонсиз таом емас эрдилар. Асҳобларидан бирор киши суҳбат ёки зиёфатга келмай қолса, сўраб-суриштиришни қанда қилмас эрдилар. Асҳобларнинг суҳбатида ҳеч кимнинг сўзини кесиб чиқмас, ўз илмларини намойиш этмас эрдилар. Бемор кўришга вақтларини қизганмас эрдилар. Айни маҳалда агниё ва аҳли давлатларга қаттиқ гаплар билан насиҳатлар қилур эрдилар”³⁷⁸.

Муаллиф шайхнинг сиймосини тасвирлар экан, одамларнинг унга бўлган муносабатига эътиборни қаратади: “Ул ҳазрат баланд минбар узра чиқиб, ўткир овоз билан ваъз айтар, сўзлари маъноли, таъсирли, қабул қилишлик эрди. Жума куни Жомеъ масжидига бораётганларида йўлларига одамлар чиқиб зиёрат қилар, бозорларда ул ҳазратни шафеъ келтириб Ҳақ таолодан ўз хожатларини сўрар эрдилар”³⁷⁹.

Рушдий Ғавсул Аъзамнинг тарбия усули моҳияти хусусида тўхталиб, қодирия сулуқининг асосий шиори “Машгуллик ила фориғлик” эканини таъкидлайди. Ғавсул Аъзам даврида ҳам зоҳидлар, риндлар, харобатийлар бор эди. Ҳазрат дунё иши билан лозим ҳолатда машгул бўлиш ҳам имонни саломат сақлаб, Ҳақ таоло даргоҳига ёруғ юз билан бориш мумкин, деб ҳисоблар эди. Унга кўра, касб-корингдан оладиган моддий ва маънавий лаззат ҳам дунё билан машгул бўлиб, дунёпараст бўлмаслиқдан ҳосил бўлади. Бировга сўзи ва кўли, моддий неъмат билан ёрдам бериб, бундан хузур-ҳаловат топиш, савоб умид қилиш ҳам машгуллик ила фориғликдир. Дунё иши учун гам емаслик ҳам машгуллик ила фориғлик ҳисобланади.

Ғавсул Аъзам ҳазратлари бошига бир мусибат тушган одамга аввало, моддий томондан, агар бунинг иложи бўлмаса руҳий томондан кўмак беришга доимо тайёр туради. “Маноқиб қодирия”да шундай дейилган: “Саййид Абдулқодир Ғилоний ҳазратларининг фитратларида Юсуф Сиддикуллоҳнинг ҳусни малоҳатлари, Ҳазрати Расулуллоҳнинг хулқи фасоҳатлари, ҳазрати Сиддиқи Акбар (Абу Бакр) разияллоҳу анҳунинг сидқу хаёлари, ҳазрат Умар Форукнинг гайрат ва адолатлари, ҳазрати Усмон Зуннурайннинг ҳукму ифбатлари, ҳазрати Али Муртазонинг илм ва шижоатлари мавжуд эрди”³⁸⁰. Бу тавсиф Ғилонийнинг қудсий портрети учун кифоя қилади. Ғавсул Аъзам маноқиб қўпгина шоирларга илҳом бергани кузатилади. Туркий ва форсигўй шоирлар унинг жоҳу жалолати, кашфу каромати, хулқу одоби тўғрисида бир неча газал, қасида, мадҳия битиб қолдиришган. Жумладан, Мирмаҳмуд Қорийнинг XIX асрда яратилган мухаммасини намуна сифатида эслатиб ўтиш мумкин:

Зиҳи маҳбуби Субҳоний сифоти жонга марҳамдур,
Валоят тахтига зебанда, султони мукаррамдур,
Бўлиб фарзанди хоси Мустафо, дурри муаззамдур,
Ҳақиқат баҳрига гаввосу асрорига маҳрамдур,
Тилим васфига ожиз, исми поки Ғавсул Аъзамдур.

Рисоланинг бошқа фаслларида шайхнинг кароматлари нақл этилган. Уларни келтиришдан мақсад ҳам авлиё зотнинг қудсий фазилатларини баён этишдан иборат.

³⁷⁸ Рушдий, Муҳаммад Сиддиқ. Ғавсул Аъзам. Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти (Нашрга тайёрловчи И.Остонақулов). 1992. 92 б. Б.17.

³⁷⁹ Ўша асар. Б.12.

³⁸⁰ Ўша асар. Б.13.

Қисқаси, Рушдийнинг бу рисоласини агиографик адабиётнинг энг яхши намуналари қаторига киритиш мумкин.

“Рисолаи Қодирия”га асосан айтиш мумкинки, агиографик асарлар бу инсондаги қудсият, яъни ҳалол-поклик, тўғрисўзлик, камтарлик, сахийлик, ўзгалар манфаати учун фидойилик, кечирувчанлик, мулойимлик, махлуқотларга меҳр-шафқат, ожиз-нотавонларга ёрдам қўлини чўзишга тайёр туриш, ёмон йўлга кирганларни тўғри йўлга бошлаш, ижтимоий адолат учун курашиш каби фазилатларни тарғиб этиш мақсадида ёзилган асарлардир.

Шарқ агиографияси қаҳрамонлари қудсий хусусиятларга эга бўлган пайгамбарлар, авлиёлар, дарвишлар, шоирлар, алломалар, абдоллар, қаландарлардир. Маноқиб, манқаб, мақомот, тазкира, рисола ва қиссалар эса қудсиятномалярдир. Агиографик асарларда баён этилувчи одатдан ташқари содир бўлган воқеалар кашф-қароматлар деб юритилади ва улар инсонлар нафсини тарбиялаш учунгина нақл этилади.

Агиографик асарларга хос бўлган энг муҳим белгилар сифатида қуйидагиларни таъкидлаш мумкин:

— Маълум бир динга эътиқод қилувчи, ҳудожўй сифатида танилган кишининг гўзал ва ибратли хулқ-атвори, муомаласи, инсоний хислатлари (ростгўйлиги, сахийлиги, раҳмдиллиги) васф этилади. Одатда васф этилаётган шахс ҳақидаги нақл ва ривоятнинг ким томонидан айтилгани қайд этиб ўтилади. Ундан содир бўлган гайриоддий, одатдан ташқари ишлар Худо томонидан унга берилган яхшилик (қаромат) сифатида эмоционал бир тарзда ҳикоя қилинади.

— Авлиё деб эътироф этилган киши вафот этгандан кейин унинг болалиги, билим олиши, ота-онаси, устозлари, ёшлигидаёқ намоён бўлган истеъдоди қайта ёдга олинади, тикланади. Бу эса кейинчалик эришилган муваффақиятнинг пойдевори вазифасини ўтаганлигига ишора ҳисобланади. Агиографик асарлар алоҳида сюжетга эга бўлган воқеалар баёнидан, нақл, ривоят, ҳикоятлар тўпламидан иборат бўлади.

— Агиография қаҳрамони бўлган кишига тегишли воқеа нақл ёки ривоят даражасига етмаган бўлса, улар қайдлар, лутф, раҳша (томчи, шингил) тарзида (Масалан, “Рашаҳоту айнил ҳаёт”) келтириб ўтилади.

— Айрим маноқиблар композицион жиҳатдан бир-бирига боғлиқ ҳолда баён этилиб, яхлит қисса даражасига кўрарилиши мумкин (Масалан, “Қиссаи Машраб”, “Қиссаи Иброҳим Адҳам”).

— Агиографик асарлар хотиралар ва зикрлар тарзида ёзилиши кузатилади. Айрим тазкираларда авлиённинг доно сўзидан намуна келтириш усулидан ҳам фойданилади. Бунда “Унинг сўзикаим”, “Дебдур” калималари аниқловчи сифатида келтириб ўтилади.

— Агиографик асарларнинг бош мақсади яхши инсонлар хулқини ибрат қилиб кўрсатиш орқали кишиларни савобли ишлар қилишга чақиритиш ҳисобланади. Буни амалий амри маъруф деб аташ ҳам мумкин.

— Агиографик асарларнинг етакчи мақсади авлиё риёзат билан эгаллаган маънавий ҳол, мақом орқали инсон нафсини тарбиялашни кўзлайди. Агар қаромат деб тақдим этилаётган нақл ёки ривоят тарбиявий қимматга эга бўлмаса, у агиографик жиҳатдан ноқис саналади.

Шарқ агиографик асарларининг ўзига хос хусусиятларидан бири конкрет тарихий шахслар ҳаётидан олинган амалий мисоллар орқали диний тарбия ва тасаввуф таълимоти тарғиб этилади.

Агиографик асарлар қаҳрамонлари адабий образлар учун прототип вазифасини бажариб, унинг учун тарихий таянч, хом ашё, илҳом манбаи бўлиб хизмат қилади. Машҳур кишилар ҳақидаги замондошлар хотиралари, эссе ва тарихий қиссалар ва романлар ҳам маълум маънода агиографик асарлар қаторига қиради. Агиографик асарлар илмий асарлар учун ҳам тарихий манба сифатида қимматга эга бўлади.

Дин арбоблари, авлиёлар, муршидлар ҳаёти ва олижаноб фазилатлари масаласини ўрганувчи агиографияни ҳамда жамият ва табиатдаги муқаддас саналувчи моддий ва маънавий-абстракт қадриятлар ҳақидаги агиологияни биргаликда ўзбек тилида

қудсиятшунослик деб аташ мумкин. Агиография ва агиология манбалари аксиология (қадриятшунослик) фани учун манба бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Агиографик асарлар ислом маънавияти, маданияти ва бадиий адабиётни ривожлантириш учун фавқуллодда аҳамиятга эга бўлган адабий-тарихий манбалар бўлиб, бугунги кунда жаҳон халқлари агиографик манбаларини қиёсий ўрганиш вақти келди. Зеро, бундай асарлар инсонпарварлик ва диний багрикенглик гоёларини тарғиб этишда муҳим вазифани бажаради.

ТАСАВВУФҲИЙ ҚАДРИЯТЛАР ВА УНИНГ ИСЛОМ МАДАНИЯТИ МОҲИЯТИ БИЛАН УЙГУНЛИГИ

Мадолимов Акмалхон

Фаргона вилояти Кува тумани 9-умумтаълим мактаби ўқитувчиси

Тасаввуф таълимотини ривожлантиришда ва унинг инсонпарварлик моҳиятини ўрганишда Юсуф Ҳамадоний (1048–1140), Абдуҳолик Ғиждувоний (1103–1179), Аҳмад Яссавий (вафоти 1166), Нажмиддин Кубро (1145–1221), Азизвдцин Насафий (XIII аср), Баҳовуддин Нақшбанд (1318–1389), Хожа Аҳроп (1404–1490) ва бошқаларнинг асарлари муҳим аҳамиятга эга.

Айниқса, Ғиждувонийнинг асарларида инсонпарварлик гоёси кучли акс этган. Бу борада мутасаввифнинг «Одоби тариқат» ёки «Рисолати васойо» («Насихатлар китоби»), «Хожа Юсуф Ҳамадоний мақомати», «Ғиждувонийнинг айтганлари ҳақида китоб», «Васиятнома» рисолалари эътиборга моликдир.

Абдуҳолик Ғиждувоний «Одоби тариқат» асарида ўзининг маънавий фарзанди ва шогирди Авлиёи Кабирга қилган панду насихатларида, солиқнинг қандай хулқ–одоб қоидаларига риоя қилиши, қандай инсоний хислатларни эгаллаши, хайрли ва савоб ишлар билан машгул бўлиб, ярамас одатлардан қочиши ва ҳидоят йўлини танлаши зарурлиги ҳақида қимматли фикрларни илгари суради. У «доимо адабли бўл. Барча ҳолатда яхшига ҳам, ёмонга ҳам лутфу марҳамат билан муомала қил», деб ўғлига насихат қилади. У солиқларни яхши хислатларни эгаллашга, касб–хунар билан машгул бўлишга, мухтожларга ёрдам беришга, бечора ва заифларга меҳр–шафқатли ва саховатли бўлишга даъват этади. Мутасаввиф нафсни тийиш ҳақида эътиборга лойиқ фикрларни илгари суради. Унинг нафсни жиловлаш ҳақидаги фикрлари ўз моҳият эътибори билан бойликка ҳирс қўйишга, очкўзлик ва таъмагирликка қарши қаратилгандир. «Нафсинг иштиёқ қилса рўза тут, дейди Ғиждувоний. Амалга интилмагинки, кимки амалпараст бўлса, тариқат йўлига лойиқ эмас. Доимо нафсингни қийна, фақир йўлида маҳкам тур. Бойликка интилма, диёнатли ва тақволи, олим ва парҳезгар бўл»³⁸¹

Ғиждувонийнинг фикрича, нафсни тийиш инсондан қийинчиликларга бардош беришни, риёзат чекишни, машаққатларни мардонавор енгишни талаб қилади. Бунинг учун инсон фақрликни ихтиёр айлаши, таъмагирлик қилмаслиги, ҳалол ва пок бўлиши, залолатга берилмаслиги, қабих ишлардан узокда юриши даркор.

Ғуманистик фикрлар яссавийлик тариқатининг асосчиси Аҳмад Яссавийнинг диний–ирфоний қарашларида ўз инъикосини топган. Мутасаввифнинг «Ҳикмат» асарида инсоннинг бу дунёда яшашидан мақсади, ҳалол ва пок бўлиши, гариб ва бева–бечораларга ёрдам бериши лозимлиги, нафсининг қулига айланмаслиги, нодонлик ва жоҳиллик, зулм ва истибдод, адолатсизлик, такаббурлик, ёлгончилик, таъмагирлик каби иллатларга салбий муносабатда бўлиши, уларни қоралаш кераклиги тўғрисида қимматли фикрлар илгари сурилади.

³⁸¹ Абдуҳолик Ғиждувоний. Одоби тариқат. Хожа Абдуҳолик Ғиждувоний. Сўз боши ва изоҳлар муаллифи Маҳмуд Ҳасаний. Т.: «Ўзбекистон». 2003–йил.99–бет.

Мутасаввиф «кўнгли синук», «мазлум», «гариб», «фақир, етимлар» ни гамига малҳам бўлишга, уларни кўнглини овлашга, ёрдам қўлини чўзишга, огир қисматини энгиллаштиришга чақиради:

Ғариб, фақир, етимларни қилгин шодмон, Халқалар қилиб азиз жонинг айла қурбон, Таом тобсанг, жонинг бирла қилгил меҳмон, Ҳақдан эштиб бу сўзларни айдим мано. Ғариб, фақир, етимларни ҳар ким сўрар, Рози бўлур ул бандадин парвардигор, Эй беҳабар, сен бир сабаб, ўзи асор, Ҳақ Мустафо пандин эштиб, айдим мано.

Ясавий ўзининг тасаввуфий қарашларида, худди бошқа мутасаввифлар сингари, нафс масаласига ҳам тўхталади. Нафсга эрк бериш, унингча, очкўзлик, таъмагирлик, бойликка ҳирс қўйишга, бошқаларни менсимасликка, қабих ишлар қилишга ундайди. У нафсни тия олмаслик инсонни оловга ташлашини, уни «расво қилиши» ни, гадога айлантиришини, иймонидан айиришини, дин йўлидан қайтаришини алам билан ёзади. Ясавий сабр–қаноат нафсни жиловлашнинг асоси деб ҳисоблайди:

Нафсдан кечиб, қаноатни пеша қилган, Ҳар ким тепса рози бўлуб, бўйун сунган, Яхшиларга хизмат қилиб, дуо олган, Андог ошиқ махшар қуни армони йўк.

Ясавийнинг инсонпарварлиги яна шунда билинадики, у меҳнат қилмай текинхўрлик билан шугулланувчи дайди сўфийлар, бойликка ҳирс қўйган эшону шайхлар, инсонийликни унутган золим ҳукмдорлар, ўзларини олим деб, аслида эса жоҳил ва нодон кимсаларни қоралайди.

Ясавий нафсга берилган, бировлардан назир–ниёз умиди билан яшайдиган бошқалар қайғу аламларига бефарқ, ўзгаларни молдунёсига кўз тиккан, «сўфиман деб лоф урувчи», аслида эса тасаввуф коидаларини бузувчи кишиларни танқид остига олади.

Мутасаввиф замона бузилиб кетаётганлигидан, дунёда золим, бадбахтлар, мунофиқ ва нодонлар кўпайиб, ҳақиқий инсонлар камайиб бораётганлигидан нолийди. У ҳукмдорларни адолатли бўлишга, раият гамини ейишга, гариб, бечора ва етим–есирларга раҳмдил, меҳр–шафқатли бўлишга, инсонийликни унутмасликка даъват этади.

XIV асрда яшаган машҳур мутасаввиф, нақшбандийлик сулуқининг асосчиси Баҳоуддин Нақшбанднинг фаолияти инсонни улуглашга, уни фазилатларини юксакликка кўтаришга бағишланган.

Мутасаввифнинг гуманистик тамойили унинг «зоҳирда халқ билан, ботинда Ҳақ билан», «Дил ба ёру, даст ба кор» (Дилинг Аллоҳда, қўлинг меҳнатда бўлсин) деган шиорларида мужассамлашгандир. Бунда инсоннинг ботиний ва зоҳирий дунёси бирбиридан айри ҳолда кўрилмайди. Инсоннинг бу дунёда қилган ишлари охирачун тайёргарлик бўлиши керак... Айни пайтда солиқ бу дунёда Аллоҳни эсдан чиқармагани ҳолда, ҳалол меҳнат қилиши, ярамас ва ҳаром–ҳариш ишлар билан машгул бўлмаслиги, доимо покланиб бориши, камтар ва хокисор бўлиши, муҳтожларга ёрдам бериши, оз нарсаларга қаноат қилиши, нафсга берилмаслиги даркор, чунки ҳар қандай ноз–неъмат «ҳаёт улови»дир, холос¹.

Баҳоуддин Нақшбанд бутун умри давомида юқоридаги ахлоқий ва инсонийлик коидаларига амал қилди.

Баҳоуддин Нақшбанд ўзининг тасаввуфий қарашларида нафсга, ҳирсу ҳавасга берилишни солиқ учун катта гуноҳ, тубанлик деб билади. Шунинг учун ул зот нопок иллатлардан тозалашни Аллоҳдан илтижо қилиб сўрайди: «Аллоҳ! Сендан баднафс, кўп беҳуда сўзловчи бўлиш, кибр, ҳирсу ҳавас, ҳасад, дунёга берилиш, ёмон гумонли бўлиш, тамаъ, кўполлик, май ичиш, бемаҳал марг, фитна, қаттиқ ва огир яшашдан паноҳ сўрайман!».

Хуллас, нақшбандийлик инсон фазилатларини шарафловчи, меҳнатни улугловчи, бунёдкорлик руҳи билан сугорилган таълимот бўлиб, унда нафсни тарбиялаш коидалари,

¹ Ҳ.Алиқулов. Гуманистик мерос ва шахс маънавий камолоти. Фалсафа ва ҳуқуқ институти. Тошкент–2006йил. 28–бет.

сабр–токат, софдиллик, халоллик, инсонпарварлик, камтарлик, комилликка интилиш гоялари ўз ифодасини топган.

СОВРЕМЕННЫЕ МЕТОДЫ ПОДГОТОВКИ КАДРОВ В ТУРИСТИЧЕСКОЙ ОТРАСЛИ УЗБЕКИСТАНА

Балтабаев Махмуд Ташпулатович
Преподаватель Наманганского государственного университета

Аннотация: Автор статьи поднимает вопросы подготовки кадров в развитии туризма Узбекистана, её значимости и изучения передовых опытов ведущих стран мира.

Ключевые слова: подготовка кадров, кадры, традиционный подход, современный подход, сфера, специалисты, гостеприимство.

Туризм – это не только важная отрасль экономики, но и важная часть жизни людей. Он охватывает отношения человека с окружающей его внешней средой.

20.08.1999г. введен в действие Постановлением Олий Мажлиса Республики Узбекистан Закон №831-1 «О туризме». Целью настоящего Закона является правовое регулирование отношений в сфере туризма, развитие рынка туристических услуг, а также защита прав и законных интересов туристов и субъектов туристической деятельности. Потому что туризм стал экономическим чудом. Доходы от международного туризма США достигают около триллиона долларов в год. Каждый восьмой человек на земном шаре трудиться в туристическом бизнесе.

В послании президента Узбекистана Олий Мажлису от 24 января 2020г. было определено *превратить индустрию туризма в стратегическую отрасль экономики*³⁸².

Развитие туризма требует скорой подготовки высококвалифицированных кадров.

В настоящее время, когда конкуренция на рынке все возрастает, хорошая профессиональная подготовка является практически обязательным условием при трудоустройстве работников сферы туризма услуг и сервиса. Безусловным козырем будет профессиональное высшее образование. Важным условием профессиональной подготовки специалистов сферы туризма и сервиса является сочетание методов, позволяющих повысить не только мотивацию к обучению, но и эффективность всего учебно-воспитательного процесса.

Указом Президента Республики Узбекистан «О дополнительных мерах по ускоренному развитию туризма в Республике Узбекистан» от 5 января 2019 г. за № УП-561, утверждена концепция развития сферы туризма в Республике Узбекистан в 2019 — 2025 годах, в которой указано на совершенствование системы подготовки, переподготовки и повышения квалификации кадров для туристской отрасли. Пункт 7, 3-ей главы. «Основные направления развития туризма» концепции предусматривает:

- ❖ проведение оценки квалификации кадров и выпускников профессиональных образовательных учреждений в сфере туризма;
- ❖ создание единой многоуровневой системы непрерывного образования в сфере туризма, отвечающей международным требованиям;
- ❖ внедрение модернизированных образовательных стандартов, учебно-методических программ, передовых информационно-коммуникационных технологий с ориентацией образования на практику;
- ❖ разработку стандартов, устанавливающих обязательные квалификационные требования к работникам туристской отрасли, непосредственно оказывающим туристские услуги (гиды, инструкторы-проводники, работники субъектов

³⁸² Из послания президента Республики Узбекистан Ш.Мирзиёева Олий мажлису

туристской деятельности, организаций общественного питания, транспорта и другие) в сфере въездного и внутреннего туризма;

- ❖ разработку и внедрение системы обучения работников туристской сферы правилам проведения инструктажа по безопасности и информационной работы с туристами;
- ❖ совершенствование системы повышения квалификации кадров в сфере туризма путем привлечения зарубежных специалистов в процесс образования, а также увеличение количества образовательных учреждений для организации системы повышения квалификации кадров в сфере туризма, в том числе в регионах страны;
- ❖ открытие филиалов ведущих международных высших учебных заведений для подготовки специалистов в сфере туризма.

Реализация вышеуказанных мер позволит создать интегрированную систему подготовки профессиональных кадров, повысить качество образования и оказания услуг, удовлетворить спрос на высококвалифицированных менеджеров, администраторов, операторов, портье, поваров.

Указом Президента Республики Узбекистан «О мерах по дальнейшему развитию сферы туризма в Республике Узбекистан» 13 августа 2019 г. за № УП-5781 установлено: создание на базе ГУП «Учебно-консалтингового центра туризма» Института развития туризма при Государственном комитете Республики Узбекистан по развитию туризма и определены основные направления деятельности института:

- ❖ осуществление научно-исследовательской деятельности в сфере туризма, координацию научных исследований и научно-прикладных разработок в данной сфере, выявление системных проблем и разработку предложений по их решению;
- ❖ разработку и внедрение новых образовательных программ и форм обучения, направленных на совершенствование системы подготовки кадров для туристской отрасли;
- ❖ организацию переподготовки и повышения квалификации работников сферы туризма с привлечением зарубежных специалистов и преподавателей;
- ❖ научно-методическую координацию деятельности образовательных учебных заведений, осуществляющих подготовку кадров для туристской отрасли, поддержку деятельности консалтинговых и учебных центров;
- ❖ выдачу квалификационного сертификата гидам, экскурсоводам и инструкторам-проводникам на основе единой системы тестирования.

В целом рекомендации исследователей в области туризма сводятся к одному тезису «Людям, определяющим политику развития туристической отрасли, нужно учитывать, что выгоду приносит не только сам туризм, но и то, что работает на туризм. А то, что работает на туризм, должно управляться квалифицированно подготовленными кадрами в области туризма.

Сфера туризма включает в себя разные отрасли и виды деятельности, принадлежащие к материальному производству и непромышленной сфере. Как правило, выделяются такие составляющие сферы туризма как размещение, реализация услуг, трансферт, питание, транспортное обслуживание, оздоровление, лечение, досуг и развлечения.

Сфера туризма межотраслевой хозяйственный комплекс, который основывается на создании турпродукта, удовлетворяющий потребности населения.

Гостеприимство в сфере туризма играет немаловажную роль, то есть это лояльность по отношению к гостям, которую должен оказывать весь персонал туристического бизнеса. Поэтому уровень подготовки кадров играет значительную роль в сервисном обслуживании, как населения, так и приезжих туристов. В последние несколько лет наблюдается подъем в подготовке кадров в сфере туризма. Подготовка кадров является одним из главных достоинств в организации туризма, так как качество предоставляемых услуг напрямую зависит от квалификации кадров, а удовлетворение гостей в сфере туризма достигается компетентностью персонала. Сфера туризма обслуживается различными кадрами, начиная

швейцарцами и кончая управляющими. Поскольку туризм связан с обслуживанием клиентов, необходимо чтобы все как единое целое подчинялись стандартам сервиса.

В сфере туризма можно выделить два типа подготовки кадров: традиционный и современный. Традиционными методами обучения являются семинары, лекции, наставничество, обучение на рабочем месте и т.д., который может проходить на спецкурсах либо практикоориентированных тренингах.

К современному методу подготовки персонала можно отнести аутсорсинг и аутстаффинг.

Аутсорсинг – (от англ. *outsourcing*: (outer-source-using) использование внешнего источника и/или ресурса) — передача организацией, на основании договора, определённых видов или функций предпринимательской деятельности другой компании, действующей в нужной области. К примеру, передать на аутсорсинг кадровым агентам оценку и подбор персонала.

Аутстаффинг – (англ. out — «вне» + англ. staff — «персонал») это метод, содействующий оптимизации определенных профессиональных навыков, знаний и опыта, пользующихся спросом при выполнении краткосрочных так и долгосрочных проектов, при необходимости увеличения гибкости процесса приема сотрудников на временные и сезонные работы.

Сегодня услуги аутсорсинга и аутстаффинга в Узбекистане находится на стадии зарождения, а в западных странах обычное дело. На западе многие владельцы организаций и предприятий сферы туризма приглашают для работы специалистов компании – провайдера используют услуги горничных официантов, поваров.

Развитие туризма в современных условиях нуждается в применении более эффективных методов и компетентного подхода в подготовке кадров.

Миссия современного подхода – привести образование в соотношение с потребностями рынка труда. Современность данного подхода заключается в культуре самоопределения, то есть способности и готовности самореализовываться, самоопределяться и саморазвиваться.

Будущему специалисту необходимо развивать в себе умения, которые помогли бы ему приспособиться к изменяющейся ситуации на рынке труда и новым требованиям. Отличие компетентного специалиста от квалифицированного состоит в том, что компетентный специалист владеет не только конкретными знаниями, навыками и умениями, но и может применять их в своей работе.

Обучение в сочетании традиционными формами (лекции и семинары) и современными активными методами обучения (кейс-стади, деловые игры, мастер классы, стажировки, презентации проектов) способствует применению методов моделирования и прогнозирования в профессиональной деятельности, разработке иных способов разрешения проблем и т.д.

Специфика туристического образования заключается в его разносторонности, подверженный постоянной модернизации, что позволяет вводить инновационные программы и активнее использовать передовой зарубежный опыт для подготовки туристических кадров.

ЛИТЕРАТУРА:

1. Послание президента Республики Узбекистан Ш. Мирзиёева Олий Мажлису от 24 января 2020г
2. Постановление Олий Мажлиса Республики Узбекистан Закон №831-1 «О туризме» от 20.08.1999г.
3. Указ Президента Республики Узбекистан «О дополнительных мерах по ускоренному развитию туризма в Республике Узбекистан» от 5 января 2019 г. за № УП-561.
4. Концепция Развития сферы туризма в республике Узбекистан в 2019-2025годах ПРИЛОЖЕНИЕ N 1 к Указу Президента РУз от 05.01.2019 г. N УП-5611

5. Морозов В.Ю., Поправкина А.А. «Особенности подготовки кадров в сфере туризма и гостеприимства в России: традиционный и современный подходы». Москва Российская федерация

ЎЗБЕКИСТОН МУЗЕЙЛАРИДА ЗАМОНАВИЙ ИННОВАЦИЯЛАРНИНГ ЖОРИЙ ҚИЛИНИШИ

Болтаев Бобир Бахтиёрович - БухДУ, катта ўқитувчи

Бугунги кунда “Музей ва томошабин” масаласини ҳал этишда замонавий музейшуносликда “Ақли сервис” йўлга қўйила бошланди. Яъни, музейларда аудиогидлар, сенсор киосоклар, интерфаол мониторлар, голограммалар жорий қилина бошланди.

Кўпинча махсус қурилмалар негизидаги аудиогидларни йирик музейларда учратиш мумкин, чунки бунда жиҳозларни сотиб олиш ва техник хизмат кўрсатиш, асбоб-ускуналарни ижарага бериш пунктларини ташкил қилиш, қувват олдириш ва таъмирлаш каби масалаларни ҳал қилиш билан боғлиқ сезиларли харажатлар музей зиммасига юклатилади. Музейларда аудиогидлар ташриф буюрувчилар учун кўрсатиладиган хизматлардан бири бўлиб, улар алоҳида ҳақ эвазига тақдим этилади. Оммалашиб бораётган мобиль аудиогидларнинг ташриф буюрувчилар смартфонларига ўрнатилиши мумкинлиги музейдан сарф-харажат, ижара, техник хизмат кўрсатишни талаб қилмайди. Шу билан бир қаторда, музейдан ўз мобиль иловасини ишлаб чиқиш ва турли мобиль платформаларга мослаб мунтазам янгилаб бориш талаб этилади³⁸³.

Сенсор киосоклар ва интерфаол мониторлар эса томошабинга керакли маълумотни хошишига кўра танлаш, кўргазмада фаол иштирок этиш, реал кўргазмада намоёиш этилмаган ашёлар ва тарихий жараёнлар билан танишиш, музей оламида ўзини эстетик ва маънан эркин ҳис қила олиш имконини беради.

XXI аср музейларида кўргазмаларни намоёиш этишда замонавий информацион технологияларнинг татбиқ этилиши ва бу орқали томошабинларга маълумотларни етказиш асосий ўрин эгалламоқда. Ривожланган мамлакатлар тадқиқотчиларининг бу борадаги тажрибаси шуни кўрсатадики, музей ходимлари кўргазмаларни ташриф буюрувчиларнинг онгига таъсир этишидан аввал уларни нимадан таъсирланишини билишлари зарур, инсонлар мавзуга эмас, кўпроқ буюмларга қизиқадилар ва уларни кўришга кўп вақтларини сарфлайдилар. Қайси ашё уларда кўпроқ қизиқиш уйғотса, шу буюм тўғрисида кўпроқ маълумот олишга интилишлари ва бунда информацион технологиялардан фойдаланиш самарали натижа бериши маълум бўлди³⁸⁴.

МДХ ва Осиё мамлакатларида сўнгги йигирма йил ичида музей соҳасида коммуникациянинг янгича йўналиши – аудиовизуал коммуникация вужудга келди. Бу 1990 йилларда вужудга келган “информацион портлаш” кўрсаткичларидан бири сифатида намоён бўлди. Музейлардаги аудиовизуал коммуникация санъат оламининг янги шакли бўлиб, анъанавий огзаки коммуникация учун замонавий имкониятларни очиб берди. XX аср инсоният учун бугунги кунда энг яққол тарихий манбани; санъатнинг ва тарихнинг аудиовизуал артефактини тақдим қилди. Музейларнинг аудиовизуал коммуникацияси асосида аудиовизуал артефактлар ва уларнинг намоёиш этилиши ётади. Бунда ҳужжатларнинг ва тарихий ашёларнинг чексиз намоёиши фойдаланади. МДХ мамлакатларида, хусусан Россияда олиб борилган илмий изланишлар натижасида аудиовизуал коммуникация ҳақидаги тадқиқотлар XX асрнинг 20 – 30 йилларида ривожланганини кузатишимиз мумкин. Бу музейлардаги экспозиция ва экскурсия иши жараёнларида киноматериаллар ва фоноёзувлардан фойдаланиш билан боғлиқдир. Замонавий музей коммуникацияси Осиё музейларида ҳам ўз аксини топганини кўришимиз мумкин. Озарбойжондаги Қобустон

³⁸³ Аудиогид [электрон ресурс]// <https://ru.wikipedia.org/wiki/Аудиогид>.

³⁸⁴ <http://kulturologia.ru>.

ёдгорлигида қурилган Қобустон Миллий музейи янги виртуал музейлар сирасига киради. Музей экспозицияси асосан тош даври ёдгорликларини ўз ичига олган. Музейнинг энг ахамиятли томони шундаки, унда тарих, археология билан боглиқ ҳар бир моддий манба инновацион технологиялар орқали намоиш этилади. Бу барча томошабинлар учун музей экспонатларининг таъсирли ва қизиқарли бўлишига олиб келади. Хусусан, музей хоналарини айланганда хоналардаги қадимги ҳайвонлардан архар, зубр ва бошқаларнинг тасвири мультимедик эффектлар орқали полда ўз аксини беради.

Экспозицияда тош давридаги одамларнинг турмуш тарзи акс эттирилган. У ерга ўрнатилган сенсор киоск ёрдамида томошабин камон отиб кўриши мумкин. Музей тарихий билимларни инновацион тарзда оширишга хизмат қилади³⁸⁵.

Кўриниб турибдики, коммуникация музей фаолиятида турли категориядаги аудитория вакиллари билан ишлаш шаклини кенгайтиришнинг муҳим усули ҳисобланади. Бу жараёнда информацион ва интерактив технологияларни қўллаш музейни маданий, сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётда фаол иштирок этишга чакиради.

Ўзбекистонда туризмни инновацион асосда ривожлантириш, сайёҳларнинг тарихий шаҳарларга бўлган қизиқишини кучайтиришда виртуал намоишлар, мультимедик дастурлардан фойдаланиш йўлга қўйиб борилмоқда. Соҳани ривожлантиришда айнан инновациялар билан боглиқ бир қанча имкониятлар амалга ошаётгани Ўзбекистонда фаолият юритаётган туристик фирмаларнинг Интернет саҳифасига³⁸⁶ тарихий шаҳарларимиз ҳақидаги маълумотларнинг киритилгани билан изоҳланади. Таъкидлаш жоизки, сайёҳлик фақат маълум бир маданий объект ёки тарихий обидалар ҳисобига ривожланиб қолмайди, балки соҳа тараққиёти инфратузилмалар, шарт-шароит ва эътиборга ҳам бевосита боглиқдир. Мамлакатимизнинг Буюк ипак йўли чорраҳасида жойлашгани улкан салоҳиятга эга эканлигимиздан далолат беради.

Ўзбекистон музейлари Ўзбекистон мустақиллигига эришганидан сўнггина ўзининг ҳақиқий фаолиятини бошлади. Ўзбек халқи тарихи, маданияти ва кадриятларига эътибор мустақил Ўзбекистоннинг давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Мустақиллик шарофати билан ўзбек халқининг асрлар давомида бутун цивилизацияси тараққиётига кўшган ҳиссаси музей экспозицияларида ўзининг аксини топди³⁸⁷.

Музейшунослик – жамиятнинг таъсир доирасидаги маърифат, таълим, тарбия ҳамда маданиятнинг умумлашган ривожланиш босқичини ўтовчи соҳасидир. Музейларни давр талабидан келиб чиққан ҳолда янада такомиллаштириш, уларнинг қиёфасини, экспозициясини халқаро стандартларга мослаштириш, фондларини бойитиш, ашёларини илмий ўрганиш, асраб-авайлаган ҳолда замонавий услубда таъмирлаб келажак авлодларга етказиш, жаҳонга намоиш этиш йўллари бир тизимга солиш муҳим масалалардан ҳисобланади³⁸⁸.

Ушбу соҳадаги олиб борилаётган илмий тадқиқотларни янада жонлантириш ва такомиллаштириб бориш ҳозирги даврнинг энг долзарб ва асосий масалалардан бирига айланмоғи лозимдир.

Адабиётлар рўйхати

1. Процесс создания экспозиции: Гобустанский музей петроглифов. – YouTube. Ddstudiotv. 31.05.2013.
2. Исмоилова Ж. Замонавий музейшунослик асослари. – Тошкент, 2016. – Б.4.
3. Ҳабибуллаев Н. Музей ва фан-таълим / Ўзбекистон музейлари истокболлари. – Тошкент, 2013. – Б.7.
4. Аудиогид [электрон ресурс]// <https://ru.wikipedia.org/wiki/Аудиогид>
5. <http://kulturologia.ru>.
6. <http://www.discoverger.uz>, <http://www.trevalstory.uz>, <http://www.asia-travel.uz>.

³⁸⁵ Процесс создания экспозиции: Гобустанский музей петроглифов. – YouTube. Ddstudiotv. 31.05.2013.

³⁸⁶ <http://www.discoverger.uz>, <http://www.trevalstory.uz>, <http://www.asia-travel.uz>.

³⁸⁷ Исмоилова Ж. Замонавий музейшунослик асослари. – Тошкент, 2016. – Б.4.

³⁸⁸ Ҳабибуллаев Н. Музей ва фан-таълим / Ўзбекистон музейлари истокболлари. – Тошкент, 2013. – Б.7.

ИСЛОМ МАДАНИЯТИДА МЕХНАТГА МУНОСАБАТНИНГ ФАЛСАФИЙ- ПЕДАГОГИК ТАҲЛИЛИ ВА УНИНГ ЗАМОНАВИЙ АҲАМИЯТИ

Мўйдинова Ш.Т.,

Тошматова Н.К.,

ФарПИ академик лицейи ўқитувчиси

Мустақилликнинг қўлга киритилиши ўзбек халқининг тарихан шаклланиб келаётган меҳнат анъаналарини сиёсий ва мафкуравий занжирлардан халос бўлиш ва юсак тараккиёт омилига айланиши учун қулай шароит яратди. Бинобарин, Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш. Мирзиёев алоҳида таъкидлаб айтганидек, “Сизларга яхши аён, юртимиз қадим-қадимдан бунёдкорлик анъаналари билан дунёга донг таратиб келган”¹.

Халқимиз меҳнатни бош тарбиячи деб атайди. Сабаб инсон тарбиясини асосан меҳнатга бўлган муносабатларига қараб белгиланиши бежиз эмас. Меҳнат – ҳаёт демакдир. Меҳнат тарбияси эса тарбиянинг магзини, мазмунини ташкил этади. Меҳнатга ўргатмасдан туриб жамият учун баркамол шахсни тарбиялаш мумкин эмас. “Меҳнат тарбияси – тарбиянинг муҳим тури, шахсни шакллантиришнинг зарур шартларидан бири бўлган педагогик жараён. Меҳнат тарбияси шахсни ривожлантиришнинг ажралмас қисмидир. Меҳнат тарбияси кишидан ижтимоий фойдали меҳнатга ички эҳтиёж, интизом, батартиблик, ташкилотчилик, ташаббускорлик, ишчанлик, ишнинг кўзини билиш сингари сифатларни қарор топтиришга хизмат қилади”². Ўқувчилар касб-хунарга оид билимлар ва малакаларни фақат ўзлаштирибгина қолмай, балки амалий ҳаётда ўзлари ва жамият учун фойдали эканлигига ишонч хусусиятларини ҳам шакллантиришлари лозим. Педагогнинг ўзи намуна бўлиб, ўқувчиларга касб-хунар учун керакли бўлган шахсий сифатларни такомиллаштириш, гўзал одатларга ўргатмоқ ва бу одатларни севиб бажармоқ ҳолига келтириш лозим. Ўқитувчининг ўзи ўқувчиларнинг ўқув ёки ишлаб чиқариш вазифаларини уларнинг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда тақсимлаши керак. Педагоглар ўқувчиларнинг қизиқишларини, ишда юқори кўрсаткичларига эришиш йўлидаги қийинчиликларини енгишга қаратилган хоҳишларини, мувафаккиятга қаратилган ишончлилик, қатъиятлилиқ сингари сифатларини таркиб топтириши керак. Қишлоқ хўжалик касб-хунар коллежлари ва академик лицейларда ўқувчилар ўртасида меҳнатга, касб-хунарга оид турли-туман тадбирларни ташкил қилиш, ҳамда уларнинг касбхунар бўйича қўлга киритган ютуқларини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириб бориш лозим.

Динимиз инсонларни ҳалол меҳнат, касб-хунар билан турмуш кечиришга чақирган. Дангасалик, ишқмаслик, бекорчилик, нопок йўллар билан тирикчилик қилиш Исломда қаттиқ қораланган. Ўтмишда момоларимиз эрларини пул топиб келишга жўнатишиб, фақат ҳалол йўл билан, меҳнат орқали пул топишни тайинлашган ва: «Биз йўқчилик ва очликка чидаймиз, аммо дўзах оташига чидай олмаймиз», деб насиҳат қилишган.

Буюк мусулмон мутафаккир олими Ибн Сино одамнинг яшаши учун энг зарур нарса бу фойдали меҳнат жанги, деб таъкидлайди. Унинг фикрича, ота-оналар ўз болаларига ёшлигидан маълум бир касб-хунар ўргатишлари лозим. Бола касб-хунарни маълум даражада ўзлаштириб бўлгандан сўнг уни касб-хунаридан фойдаланишга, яъни ҳалол меҳнат билан мустақил ҳаёт кечиришга ўргатиш керак. Мутафаккир бу ишнинг болалар учун икки хил тарбиявий аҳамиятига эга эканлигини таъкидлайди:

1. Бола ўз касб-хунари туфайли мустақил турмуш кечириб, унинг дастлабки манфаатини кўргандан кейин, ўз хунарига янада маҳкам боғланиб, унга нисбатан муҳаббат орттиради ва уни такомиллаштиришга интилади.

2. Мустақил яшаш масъулияти зиммасига юклатилгандан кейин ўз касб-хунарига одат ҳосил қилади.

¹ Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-том. - Тошкент: Ўзбекистон, 2018. – Б. 436.

² Тарбия энциклопедия. –Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” давлат илмий нашриёти, 2010. – Б. 278.

Демак, Ибн Синонинг таълим беришича, илм-маърифат ва касб-хунар эгаллашда киши ҳар қандай мушкулоти дадиллик билан енгади ва у хунари туфайли ҳеч ҳам хор бўлмайди. Шунинг учун ҳам: «Ёшларга илм бера бориб, - деган эди улуг олим Ибн Сино, - уларга хунар ўргатмоқ муҳим масъулиятли ишдир. Хунар ўрганиш бирга ёшлар ҳар қандай ноҳўя хатти-ҳаракатлардан холи бўладилар, - деб таъкидлайди. Ибн Синонинг ўз даврида ёшларни хунарли бўлишга чорлаган қуйидаги дурдона насихатлари ҳозирги кунда ҳам ўзининг маърифий-тарбиявий аҳамиятини йўқотгани йўқ: Олтин олмагину ўргангин хунар, Хунарнинг олдида хасдир олтин, зар.

Хожа Самандар Термизий (XVII аср) «Дастур ал-мулук» асарида меҳнат ва касб-хунар аҳлини тарбиялашни тарғиб этар экан, истеъдод (касб-хунар) эгаларининг тарбияси шундай бир кишидирки, қора тупрокни тоза олтинга, ноқис тошни эса айбсиз гавҳарга айлантиради, деб ажойиб фикрлар баён қилади:

Тарбиятдан тупроқ гавҳар бўлади.

Ноф ичра кон мушки асгор бўлади.

Қийматсиз қора бир темирни иксир,

Тарбия айлагач соф зар бўлади.

Таълим муассасаларида меҳнат таълими ва тарбиясини олиб бориш махсус дастур асосида амалга оширилади. Меҳнат таълими дастури намунавий хусусиятга эга. Унда мактаб, ўқитувчи ва ўқувчилари меҳнат фаолиятини баҳолаш бўйича таълим ва тарбия натижасига нисбатан давлатнинг минимум (энг қуйи) талаблари акс этади.

Меҳнат тарбиясига нисбатан янгича ёндашиш ўқувчилар томонидан эгалланган билимларни амалиётда қўллай олишларини таъминлашга олиб келади. Бугунги кунда меҳнат тарбиясининг таркибий тузилмаси ҳам ўзгармоқда, у ўзида техника ва технологияларни тушуниш (тасаввур қилиш), амалий вазифаларни ҳал этиш кўникмаси ҳамда ҳолатларни ифода этади.

Мусулмон Шарки алломалари ва мутафаккирлари ёш авлодни касбга йўналтириш бўйича тенги йўқ фикр, гоёларни илгари сурганлар, таълимотлар яратганлар. Манбаларда баён қилинишича, азал-азалдан фарзандларини касб-хунарга йўналтиришга, уларнинг илм-фан, маърифат сирларини эгаллашига аждодларимиз катта эътибор беришган. Меҳнат, меҳнат тарбияси, устоз-шогирд аънаси, касб-хунарнинг моҳияти, касб-хунарни эгаллашнинг жамият ва ёш авлод учун аҳамияти, касб-хунарларнинг кишига кўядиган талаблари каби масалалар Муҳаммад Хоразмий, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Юсуф Хос Ҳожиб, Маҳмуд Қошгарий, Амир Темур, Алишер Навоий, Жалолиддин Давоний, Ҳусайн Воиз Кошифий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби улуг бобокалонларимизнинг тарихий меросидан жой олган.

Имом Бухорий тўплаган ҳадислар китоби – “Ал жомеъ-ас саҳиҳ”да ҳам ёшлар келажаги учун муҳим касб-хунарни ўрганиш, меҳнат қилиш ва унинг афзаллиги тўғрисида кўплаб ҳадислар келтирилган. Эътиборлиси шундаки, мазкур тўпламда “Тўқувчи ҳақида”, “Темирчи ҳақида”, “Тиқувчи ҳақида”, “Савдо ишлари ҳақида” боблар мавжуд бўлиб, уларнинг касбий одоби билан боғлиқ масалалар ҳам ўз аксини топган. Булар она диёримизда ёш авлодни касбга йўналтириш ишини олиб боришда муҳим манба бўлган.

Мусулмон аллома Абу Райҳон Беруний инсоният тарихида биринчилардан бўлиб болаларни кичик ёшидан меҳнат қилишга ўргата бориш, катталар меҳнатини эъзозлайдиган қилиб тарбиялаш, болани илм ва касбга ўргатиш оиланинг диққат марказида бўлиши кераклиги ҳақида фикр билдирган. Аллома оилада бошланган меҳнат тарбиясини мактабда таълим билан бирга хунар ўргатишга боғлаб давом эттириш лозимлигини алоҳида таъкидлаган¹.

Улуг мутафаккир меҳнат ва касб-хунар ворислик асосида авлоддан-авлодга мерос бўлиб ўтишини синчковлик билан ўрганган ва инсонларнинг хунарамандчилик фаолиятларини юқори баҳолаган.

¹ Беруний. Танланган асарлар. 1-жилд, - Т.: Фан.1968. –Б .106.

Ўз-ўзидан равшанки, серқирра фаолият мураккаб меҳнатни, чуқур билимни талаб қилиш баробарида хунарманд усталар орасида ихтирочиликнинг кенг тарқалишига замин яратган.

Абу Райҳон Беруний таълим ва тарбияни амалга оширишда боланинг мойиллиги, қобилятини ҳисобга олиш зарурлигининг туб моҳиятини педагогика-психология фанлари тарихида илк бор кўрсатиб берган.

Тарихий манбалардан маълумки, хунар эгаллаш кўлами ривожланиши юқори поғонага кўтарилган. Натижада халқимизнинг хорижий давлатлар билан иқтисодий-маданий алоқалари авж олган. Айрим манбаларга асосланиб шуни айтиш мумкинки, 32 хил хунар тури мавжуд бўлган аҳоли яшайдиган жойни шаҳар деб аташган. Соҳибқирон Амир Темур ҳам Самарқандни ўз салтанатининг пойтахти этиб танлашида юқорида кўрсатилган қоидага амал қилганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Илк уйғониш (Ренессанс) даври фани ва педагогик фикрлар тараққиётига катта ҳисса қўшган донишманд Юсуф Хос Ҳожиб “Қутадгу билиг” асарида ҳар бир киши ижтимоий ҳаётнинг фаол иштирокчиси сифатида хунар ўрганмоғи, ўз хунари билан халқига, Ватанига хизмат қилиши зарурлигини уқтиради. Дарҳақиқат, хунар ўрганишга ва меҳнат қилишга интилиш ҳар бир инсон учун ҳаётий эҳтиёж бўлмоғи керак. Шу боис улуг мутафаккир ўз болаларини фойдали меҳнатга ўргатмасдан ортикча эркалатиб, бу билан уларнинг келгусида нолойиқ хатти-ҳаракатлар қилишига тўғридан-тўғри айбдор бўладиган ота-оналарни қаттиқ қоралаб, “Қимнинг ўғли ёки қизи талтайтириб юборилган бўлса, бунинг учун у охири қаттиқ йиглайди”, деб таъкидлайди. У ҳаётдаги неъмат ва меҳнат соҳибларига қарата шундай дейди:

Э неъмат идиси шукр қил эгил

Э меҳнат идиси сабур қил эгил

Мазмуни:

Эй неъмат соҳиби, шукр қил, егин,

Эй меҳнат соҳиби, сабр қил, эгил¹.

Яна бир ўринда аллома куйидагиларни таъкидлайди: жоҳил қорни тўйғач, унинг машғулоти ҳўкиздеқ аганаб ётиш ва беҳуда сўзларни сўзлашдан иборат. Билимли, донолар эса танни ижтимоий меҳнат билан “қойитиб”, билим билан овунадилар, бунинг ҳисобига эса жон семиради. “Жоннинг семириши” бу ўринда маънавий завқ туйғулари билан чулганиш деган маънога эга. Ахир:

Тананинг улуши томоқдан кирар,

Жон улуши — сўз қулоқдан кирар.

Маҳмуд Кошгарий “Девони лугатит турк” асарида “Илмли, ақлли одамларга яхшилик қилиб сўзларини тингла. Илмларни, хунарларни ўрганиб, амалга ошир”, дейди. Алломанинг ушбу фикри кишиларни меҳнат қилишга, яхшиликка ундайди, ёмонликни қоралайди. Илм ва хунар соҳибларини эъозлаб, кишиларни улардан ибрат олишга чақиради.

Юқорида баён қилинганлардан кўринадики, буюқ алломалар ва мутафаккирлар касбга йўналтиришнинг ижтимоий-иқтисодий, маънавий-ахлоқий, педагогик-психологик жиҳатларига, ота-она, мактабнинг роли, касб танлашда ёш авлоднинг ҳаёт, меҳнат йўлини мустақил танлашига алоҳида эътибор билан қарашган. Болани хунарга йўллашда унинг қизиқиш, мойиллиги, қобилятини ўрганиш, бундай ҳолатда уларнинг онглилик, изчиллик ва ворисийлик, ёш ва индивидуал хусусиятларини ҳисобга олиш зарурлигини қайд этган. Болаларнинг меҳнатга муҳаббат қўйиб ўсишида оиладаги руҳий ҳолат, муҳит жуда катта рол ўйнайди. Меҳнат тарбияси болалиқдан бошланади. Мутафаккир Афлотун таъкидлайдики, “Мен шуни айтиб, тасдиқлайман ҳамки, қандай бўлмасин бирор ишда етук бўлишни истаган одам бунга таалуқли бўлган барча нарсада ёшлигидан гоҳ ўйин сифатида, гоҳида жиддий машқ қилиши керак. Масалан, яхши деҳқон ёки бинокор бўлишни хоҳлаган одам болалиқ

¹ Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадгу билиг / Ҳозирги Ўзбек тилида баён қилувчи Боқижон Тўхлиев. -Т.: Юлдузча, 1990. -Б. 30...

ўйинларида ё ерга ишлов бериш ёхуд ўйинчоқ уйларни куриши керак. Мураббий уларнинг ҳар бирига ҳақиқийсисига ўхшаган мўъжаз, кичкина асбоб-ускуна бериши зарур”².

Бу каби мисоллар ажодларимизнинг касб танлаш назариясини шакллантиришга муносиб ҳисса қўшганидан далолат беради. Умумтаълим мактабларида касбга йўналтириш жараёнида ажодларимизнинг бой илмий меросидан унумли фойдаланиш ижобий самара бериши шубҳасиздир.

Инсон омилининг фаоллик даражаси – шахснинг яратувчанлик, меҳнат қобилияти, билими ва касбий малакаси, илгор дунёкараши, сиёсий-ижтимоий, иктисодий фаоллиги, жамиятдаги ҳуқуқий мезон, одоб-ахлоқ қоидаларини, инсонпарварлик гояларини билиши ва унга амал қилиши ҳамда жамият манфаати учун ҳалол меҳнат қилишга интилишни ўзида мужассамлаштиради.

Жамиятда инсон омили, айниқса ёшларнинг ташаббускорлигига ва эркинлигига кенг йўл очадиган ижтимоий тузилма мавжуд бўлгандагина моддий ва маънавий бойликларни яратиш, янги техника ва технологияларни ривожлантириш мумкин. Шу сабабли фалсафа фанининг предмети – инсон омили бўлиб, унинг объекти инсон фаолияти, қобилияти, борлик ва руҳият оламига ижодий муносабати, тафаккури тадқиқидан иборат. Бизнинг фикримизча, инсон омили, бу – тирик инсонда намоён бўладиган жисмоний иш кучигина эмас, балки чексиз қобилиятлар соҳиби, ажодлари тажрибаси эгаси, илм ва салоҳиятни ўзида акс эттирган инсоннинг ўзлигидан, яъни файласуфона тарзда айтадиган бўлсақ, «мени»дан иборатдир. Инсон омили, бу – инсондаги юксак фазилатлар, улуг мақсадлар, салоҳияти, имкониятлар ва қобилиятларнинг муштарак ифодавий кўринишидир.

Ўзбекистонда ҳамма нарса инсон учун, унинг келажаги учун деган тамойилни амалга ошириш барча соҳалар учун доим энг муҳим устувор вазифа бўлиб келган ва инсон омили категорияси учун муаян даражада методологик аҳамият касб этади. Бироқ, инсон омилининг концептуал жиҳатларини таҳлил қилишда фалсафанинг методологик аҳамияти айрим тадқиқотчилар томонидан инкор этилиши ушбу параграфда фалсафий таҳлил қилинади.

ЁШЛАРДА МАФКУРАВЙ ИММУНИТЕТНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ИСЛОМ МАДАНИЯТИНИНГ ЎРНИ

*Ҳайдарова Зулфия Орифжоновна
Наманган вилоят ХТХҚТМОХМ катта ўқитувчиси*

Мамлакатимизнинг истиқболи ёш авлодимиз қандай таълим-тарбия олишига, қандай маънавий фазилатлар эгаси бўлиб вояга етишига, фарзандларимизнинг ҳаётга нечоғлик фаол муносабатда бўлишига боглиқ эканлигини ҳамиша ёдда тутмоғимиз керак.

Ёшларда соғлом гоявий қарашлар, интилишлар, ота-она ва ҳар бир кексага нисбатан меҳр-муҳаббат, ҳурмат-эҳтиром ва гамхўрлик руҳини шакллантириш, ҳар бир воқеи-ходисага тўғри баҳо бериш ва хулоса чиқариш малакасини шакллантириш ҳамда уларда миллий мафкурамизни ҳосил қилишда китоблар, айниқса, шарқ алломаларининг ўғитлари, Қуръони Карим, Ҳадиси шарифдан самарали таълимий ва тарбиявий манба сифатида фойдаланиш аҳамиятлидир. Ўзбекистоннинг биринчи Президенти И.Каримов таъкидлаганидек, инсон қалбига йўл, аввало, таълим тарбиядан бошланади.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий ва иктисодий ислохотлар натижасида халқимиз учун аҳамиятли бўлган миллий-маданий анъаналар ва кадриятлар, улар билан боглиқ тушунчаларни тадқиқ ҳамда таҳлил қилиш, келажак авлодга етказиш борасида кенг имкониятлар яратилмоқда.

Дин маънавият ва маданиятнинг устунларидан бири бўлиб барча замонларда миллий гоя ва мафкура диний қарашлар билан уйғун тарзда ривожланиб келган. Дин ўз моҳиятига кўра поклик, меҳр-оқибат каби эзгу туйғулар орқали миллий мафкуранинг гояларини

² Афлотун. Қонулар. – Тошкент: “Янги аср авлоди”, 2002. – Б. 30.

юртдошларимиз қалби ва онгига сингдиради. Муқаддас ислом динимизга соғлом ва мўътадил муносабатни шакллантириш бу борадаги энг муҳим мафкуравий вазифадир. Миллий кадриятларимизнинг одамлар онгига таъсир этишида, эллараро ва мамлакатлараро машҳур бўлиб кетишида асосий диний манба ҳисобланмиш ҳадисларнинг хизмати улкан.

Мустақиллик шароитида ислом дини ривожланиши учун яратилган ҳуқуқий ва моддий асослар уни яна маънавиятимизнинг ажралмас қисмига айлантирди. Яъни, динимиз ҳам этник бирлигимизга хос хусусиятларнинг қайтадан тикланишида муҳим рол ўйнамоқда. Ҳадиси ширифда: “Ибодатнинг энг юқориси билим олишдир, эҳсоннинг энг юқориси бошқаларга билим беришдир” дейилгани, одоб-ахлоқ, сабоқ олишга катта эътибор берилгани “Бешиқдан қабргача илм изла”- деб уқтирилгани бежиз эмас, албатта.

Таълим- тарбия жараёнида Авесто, Забур, Таврот, Инжил, Қуръони карим, ҳадислардан бугунги кунда ўқувчилар маънавиятини юксалтириш мақсадида фойдаланамиз. Чунки, бизнинг алломаларимиз бу манбаларни инсониятнинг маънавий асоси деб билишган. Хусусан, Абу Райхон Беруний, Махмудхўжа Бехбудий, Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий, Абу Наср Форобий, Абу Али ибн Сино, Унсурулмаолий Кайковус, Умар Хайём, Соҳибқирон- Амир Темур, М.Т.Улугбек, Азизидин Насафий, А. Яссавий, А.Жомий, З. М. Бобур, Оғаҳий, Маҳтумқули, Аҳмад Дониш, Абдулла Авлоний ва бошқа алломаларимизнинг ўғитлари ислом маданияти намуналари сифатида ниҳоятда қимматлидир.

Шунингдек, мустақил юртимизда пок ақида ва мусаффо Исломга интилиш, Қуръон ва суннатни ўрганиб амал қилиш, исломий маърифат тарқатиш, кенгбағирлик ва биродарлик руҳини тарқатиш, диний саводсизликни тугатиш ва бу орқали мутаассиблик ва бидъат-хурوفотни йўқотиш борасида хизматлари бекиёс бўлган Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуфнинг “Рухий тарбия”, “Ҳадис ва ҳаёт”, “Мўминнинг меърожи”, “Бахтиёр оила”, “Соғлом бола”, “Ижтимоий одоблар” каби асарлари ҳам кишиларда турли ёт гоёлар ва мафкуравий таҳдидларга қарши иммунитетни шакллантиради. Айниқса, “Ижтимоий одоблар” китоби ёшларда информациявий таҳдидларга қарши мафкуравий иммунитетни ҳосил қилишда аҳамиятли бўлиб, китобда бугунги кунда глобал муаммоларни келтириб чиқараётган мобил телефонлари, компьютер ўйинлари ва интернет сайтлари борасида ҳам ухровий ҳам дунёвий шарҳлар берилганки, бу албатта, биз педагогларга асосли манба бўлиб хизмат қилади.

Тинимсиз ўз илмини ошириб, изланиб бориш ҳар бир инсондан мунтазам мутолаа қилишни талаб қилади. Ҳозирда зиё масканлари-кутубхоналар, китоб савдо масканларида китобхонлар учун барча имконият ва шароитлар яратилган. Кишиларни ҳар томонлама қаноатлантирадиган ва қизиқишларини қондира оладиган илмий, диний, бадий ва оммабоп асарлар бисёр. Масалан, Б.Зиёмухамедовнинг “Комилликка элтувчи китоб”, М.Қуроновиқнинг “Болам бахтли бўлсин, десангиз”, Абу Ҳомид Ғаззолийнинг “Эй, фарзанд”, Кайковуснинг “Қобуснома”, Алишер Навоийнинг “Ибратли ҳикоятлар ва ҳислатли ҳикматлар” каби сонсаноксиз асарлар борки, ҳар бир киши ўз диди ва қизиқишига қараб танлаб ўқиши, ўз гоёвий қарашларини кенгайтириши мумкин.

Таълим-тарбия жараёнида ҳар бир педагог, алломаларимиз ўғитларидан, ислом маданияти манбаларидан фойдаланса, ҳалқимизга хос анъана ва урф-одатлардан кенг фойдаланиб, ўқувчилар онгига сингдира олса, уларда меҳнатсеварлик, ҳалоллик, меҳр-окибат, ўзгаларга ҳамдардлик, илму-хунар, ота-онага ва кексаларга ҳурмат, қариндош-уруғчилик, инсонпарварлик, камтарлик, жамоатчилик фикрини ҳурмат қилиш, маърифатга интилиш, ҳалқпарварлик, мустаҳкам эътиқодлилиқ, ватанпарварлик, миллатпарварлик каби фазилатларни таркиб топтира олади. Бу эса ёшларда турли иллатларга қарши тура олиш хусусиятини, яъни ёмон иллатлар ва гоёларга, уларга қилинаётган таҳдид ва тажовузларга қарши гоёвий иммунитетни ҳосил қилади.

Ёшларимизни ислом маданиятининг нафақат гоёвий-илмий асослари, балки моддий ва маънавий мерослари билан ҳам яқиндан таништириш уларни ҳар томонлама камол топишларида муҳим ҳисобланади. Жумладан, кўхна Самарқанд, Бухоро, Хива, Хоразм, Шаҳрисабз, Қўқон каби азиз ва мўътабар зиёратгоҳлар, обидалар, қадамжоларга ёшлар

ташрифларини уюштириш орқали уларни ислом маънавияти ва маданияти намуналари билан яқиндан таништириш мумкин бўлади. Эскурсия ва саёхатлар давомида ёшларни халқимизнинг бой маданий мероси, ўтмиш тарихи, ислом маданияти ва маънавияти ҳамда ўзбек халқининг турмуш тарзини ўрганиш, тасаввур этиш ва англаш, уларни хурмат қилиш ва асраб-авайлаш каби ҳисларини тарбиялашга эришиш мумкин бўлади.

Ҳозирда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар, халқимизнинг бой маданий ва маънавий меросига бўлган алоҳида эътибор, қайта тиклаш ва реставрация қилиш, модернизациялаш ва замонавий технологияларни жорий этиш, туризмни ривожлантириш каби ишлар ўз самарасини кўрсатмоқдаки, бу муқаддас динимизнинг халқаро майдонда обрўси, мавқеининг ошганлиги, дунёхамжамияти томонидан эътироф этилаётганлиги, кун сайин жаҳон мамлакатларидан ташриф буюрувчиларнинг сони ортиб бораётганлигида ўз аксини топмоқда.

Ислом таълим, фан ва маданият ташкилоти 2019 йил 18 декабрда Тунисда бўлиб ўтган XI-Ислом конференциясида 2020 йилда Кохира, Бамако шаҳарлари каторида Бухоро шаҳрини Ислом маданияти пойтахтлари сифатида тасдиқлади. Бу эса халқимизни, айниқса, ўсиб келаётган ёш авлодни Ислом маданияти ва маънавияти орқали фахрланиш ва ифтихор туйғуларини шакллантиришга кўмак беради.

Ёшларда мафкуравий иммунитетни мустаҳкамлаш мақсадида таълим-тарбиянинг барча босқичларида алломалар ўғитларидан, ислом маданияти ва унинг моҳияти акс этган манбаларидан унумли ва ўринли фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси.–Т.“Ўзбекистон”, 2020
2. Каримов И.А. Юсак маънавият – енгилмас куч –Т.: “Маънавият” 2008.
3. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Ижтимоий одоблар.-Т. “Ҳиллол-нашр” 2016

СУЩНОСТЬ ИСЛАМСКОЙ КУЛЬТУРЫ, ПУТИ ЕЕ РАЗВИТИЯ И УСОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ

*Иминова Максуда Рустамбек кизи
Студентка Андижанского государственного университета*

Ислам – это всемирная, универсальная религия, охватывающая все стороны человеческого бытия. Прекраснейшим аспектом ислама является его культура, об основных характерных чертах которой пойдет речь ниже. Что такое культура? Многие думают, что это искусство, музыка или какие-то национальные и общественные традиции. Однако это очень многозначное понятие. Аналог его в арабском языке звучит как «Сакафа» и означает определенные черты поведения и мышления, которые люди, живущие в едином социуме, изучают, создают сами и разделяют друг с другом. Культура – это то, что отличает одну группу людей от другой, а также человечество от животного мира. Человеческая культура охватывает сферу верований, правил поведения, язык, обрядовость, искусство, технологии, стиль одежды, питание, политическую и экономическую системы.

Ислам – это отдельная специфическая культура. Она не является арабской, ближневосточной или просто восточной. Она не монолитна, а богата разнообразием. Разумеется, в исламской культуре есть элементы фундаментальные, общие для всех мусульман, но есть и другие, отличающиеся от страны к стране и от народа к народу. Универсальные основы исламской культуры проистекают из Корана и Сунны, а особенные – из местных обычаев различных народов (араб. «аараф» или «адат»). Поэтому, можно говорить об арабской, индо-пакистанской, африканской, китайской, а также американской и европейской исламских культурах. В развитии своей собственной, мусульманской, культуры мы должны сотрудничать с людьми других культур. Наша культура основывается на Коране и Сунне, но также и на великих знаниях и опыте всего человечества. Необходимо извлекать пользу из

опыта и знаний всего человечества, быть открытыми к нему, для того, чтобы сделать мусульманскую культуру сильнее и динамичнее. Но одновременно нужно иметь в виду те основные черты, характерные именно для исламской культуры, а именно: 1. Богоцентричность. Вся наша культура богоцентрична. Мы неукоснительно придерживаемся принципа «таухида» (единобожия), верим в Божественное наставление, переданное через всех пророков, последним из которых является Мухаммад (мир ему и благословение). Мы верим в жизнь после смерти и в День суда, особенный акцент делаем на молитву и благочестивые деяния – пост, закят и хадж. Мы верим также и в то, что Аллах дозволил нам одни вещи и запретил другие («халаяль» и «харам»). 2. Равенство, терпимость и братство. Исламская культура особенно подчеркивает, что все люди равны. Мы не приемлем любой дискриминации по расе, цвету кожи, а также подчеркиваем ценность и достоинство всех людей пред ликом Всевышнего. Мы исповедуем свободу и отсутствие принуждения в религии. 3. Культура ислама ориентирована на мораль и достоинство человеческой личности, подчеркивании таких ценностей, как правдивость, честность, скромность («хайя»), чистота (тахарат). Мы против расточительности, выставления себя напоказ, экстремизма. Исламская культура учит уверенности в себе и самостоятельности, подчеркивает милосердие и щедрость. Наша культура – это культура семейных ценностей, особо подчеркивающая здоровые отношения между супругами, воспитание детей, любовь и уважение к старшим. Мы категорически отвергаем прелюбодеяние, блуд, гомосексуализм, азартные игры или употребление одурманивающих веществ, и где бы мы ни жили, мы должны защищать эти ценности. Невозможно быть истинными мусульманами, если наша культура идет на компромиссы по этим принципам. 4. Исламская культура динамична и прогрессивна, направлена в мир и отрицает аскетизм. Она подчеркивает социальную справедливость, устранение угнетения и зла, четко призывает к обучению и получению знаний, не делая при этом противопоставления между «религиозным» и «светским» образованием. Любое знание важно. Мы акцентируем внимание на необходимости открытости разума новым знаниям и желании получать их из любого источника. Исламская культура поддерживает искусство, архитектуру, бережное отношение к здоровью и окружающей среде. 5. Наша культура ориентирована не на некий «эксклюзивизм», но на «дауат» (призыв к исламу). Мы убеждены, что к исламу людей следует призывать без какого-либо принуждения. Исламская культура учит диалогу с другими. Мы верим, что изначальная человеческая природа благая, и если дать возможность человеку познать ислам, то он сможет найти в нем радость и удовлетворение. Мы твердо верим в то, что однажды Истина восторжествует, а ложь исчезнет. Наша культура подчеркивает необходимость терпения и напоминает, что мусульмане должны сохранять работоспособность и доверие к Аллаху – Творцу, Господу и Вседержителю миров. Все эти черты исламской культуры, о которых упомянуто в статье, выводятся из аутентичных первоисточников нашей религии. Мы должны постоянно подчеркивать их ценность, пытаться устранить любые недостатки, где бы мы их не обнаружили...

Говоря уже о путях усовершенствования исламской культуры, мы смело можем сказать, что Узбекистан в будущем видит себя как центр исламской культуры.

Сотрудничество между правительством, имамами, старейшинами, религиоведами, правоохранительными органами и киноиндустрией уже дает результаты.

ТАШКЕНТ -- В рамках активизации усилий по борьбе с экстремизмом среди молодежи Узбекистан предпринимает шаги по укреплению своей репутации как центра исламской культуры и образования.

Президент Узбекистана Шавкат Мирзиёев в прошлом месяце призвал к "совместной работе" старейшин махаллей (районных ассоциаций), полицейских инспекторов, имам-хатибов и консультантов по вопросам религиозного просвещения, чтобы предотвратить радикализацию молодежи.

"Мы должны всемерно укреплять в стране мир и стабильность, усиливать нашу деятельность по борьбе с различными угрозами безопасности", – сказал он 23 декабря во время обращения к парламенту, согласно 1news.uz.

Одним из способов, с помощью которых правительство планирует предотвратить радикализм, является развитие Узбекистана в качестве центра исламской культуры и образования.

По всей видимости, эти усилия набирают обороты. Строительство объекта для Центра исламской цивилизации в Ташкенте идет полным ходом, и город Бухара готовится стать в 2020 году мировой столицей исламской культуры для Азиатского региона. Ташкенту в 2007 году было присвоено такое же звание, которое ежегодно назначается Исламской организацией по вопросам образования, науки и культуры в Рабате, Марокко. Каждый год организация выбирает три мировых столицы исламской культуры.

"Тот факт, что город Бухара был признан столицей исламской культуры, вновь подтверждает выдающийся вклад этого города и его ученых в развитие исламской цивилизации", – сказал Аъзамджон Абдурахмонов, преподаватель Ташкентского исламского университета, согласно сообщению пресс-службы ДУМУ (Духовного управления мусульман Узбекистана) от 6 января.

Еще одно усилие, направленное на повышение статуса Узбекистана как центра исламской культуры – это общенациональный конкурс чтения Корана.

По словам Президента Шавката Мирзиёева, кинематограф также может быть использован для борьбы с экстремизмом, в том числе, снимаемый фильм о жизни исламского ученого 9-го века и уроженца Бухары, имаме аль-Бухари.

Как сообщил 12 января информационный сайт Anhor.uz, кинорежиссер Рустам Сагдиев начал работу над двухсерийным фильмом об имаме аль-Бухари. Правительство финансирует фильм, а создатели планируют выпустить картину в мировой прокат.

"Если понадобится, то мы купим самую современную технику в Голливуде, – сказал Сагдиев в интервью Anhor.uz. – Мы пригласим международных кинозвезд принять участие в фильме».

Согласно сообщению пресс-службы ДУМУ, фильмы об исламских ученом могут транслироваться в мечетях и служить инструментом воспитания, сказал президент.

"Сегодня, когда во всем мире усиливается борьба идей и идеологий за сознание и мировоззрение людей, особенно молодежи, мы должны эффективнее использовать огромные возможности самого массового вида искусства", – сказал Мирзиёев 29 декабря в Ташкенте на совещании с представителями киноиндустрии.

"Имам аль-Бухари – это ... один из самых известных исламских ученых и коллекционеров хадисов", – сказал "Каравансараю" Отабек Мамарасулов, постоянный прихожанин Малой мечети в Ташкенте.

"Если Узбекистан продолжит развивать свое наследие, тогда сюда будут приезжать все больше и больше паломников, и все больше мусульман откроют для себя истинное лицо страны, и это будет способствовать взаимопониманию", – сказал он.

"ДУМУ планирует организовать небольшое паломничество для мусульман из разных стран, чтобы они могли посетить Бухару и места, связанные с имамом аль-Бухари", – сказал он.

Список литературы:

1. Древние цивилизации. — М.: Мысль, 1989.
2. История Узбекистана. — Т., 2004.
3. Холигитова Н. Х. Эпоха мусульманского ренессанса IX-XII веков в Центральной Азии // Молодой ученый. — 2014. — №9. — С. 397-398.

ИСЛОМ БАҒРИКЕНҒЛИК ДИНИ

Хўжамбердиев Ж.О., ФДУ талаба

«У зот сизга диндан Нуҳга тавсия қилган нарсани ва Сенга (эй Муҳаммад) ваҳий қилган нарсани, Иброҳимга, Мусо ва Ийсога тавсия қилган нарсамизни шарият қилиб: «Динни барпо қилинглар ва унда тафриқага тушманглар, дедик», дейди. «Шўро» сураси (13 оят)

Албатта барчамизга малумки дин тушунчаси инсониятни бир мақсад ва эътиқод асосида бирлаштириб келувчи куч ҳисобланади. Масаланинг яна бир томони борки бази динни англаб етмаган кимсалар диннинг ичида ҳам турли тафриқалар келтириб чиқаришга уринмоқдалар ваҳоланки инсоният ҳам ўзи қўяётган тузоқга ўзлари илинмоқдалар. Бугунги кунда бундай гуруҳларнинг мақсадлари ўлароқ одам зод орасида жанжал тўполон, кўпорчиликлар юз беришига сабаб бўлмоқда. Балки энди янги бир давр бошланишида, англаманлик тушунчасини шакллантириш даври келгандир. Бағри кенгликни амалиётга тадбиқ қилишни бошлаш даври етиб келмадимикан. Исломи дини поклик устига қурилган диндир у яхшиликни, покликни севади, хокисорлик, ва ростгўйликни тарғиб қиладиган дин. У ёлгонни ёқтирмайди, фитнани қоралайди. Ўзаро бирликни бағрикенгликни тарғиб қилади ва холанки «Бағрикенглик» сўзи диярли барча тилларда бир хил ёки бир-бирини тўлдирувчи мазмунга эга. Уларни умумлаштириб «бағрикенглик» чидамлилик, бардошлик, тоқатлилик, ўзгача қарашлар ва ҳаракатларга ҳурмат билан муносабатда бўлиш, мурувватлилик, ҳимматлилик, кечиримлилик, меҳрибонлик, ҳамдардлик каби маъноларга эга дейиш мумкин³⁸⁹. Аллоҳнинг расули Муҳаммад (с.а.в) ҳам фақат ва фақт сабирлилик бардошлик, тоқатлилик, ўзгача қарашлар ва ҳаракатларга ҳурмат билан муносабатда бўлиш, мурувватлилик, ҳимматлилик, кечиримлилик, меҳрибонлик хусусиятларига эга бўлган бир зод бўлгандир.

«Ва маа арсалнаака иллаа роҳматал лил олабийн» («Эй Муҳаммад алайҳиссалом! Биз сизни оламларга фақат раҳмат қилиб юбордик») ³⁹⁰ ояти сўзимизнинг далилидир.

Эътибор қилсак, бу оятда Аллоҳ таоло «оламларга» деган. Нима учун «оламлар» дейилган? «Олам» деб Аллоҳ субҳанаҳу ва таолодан ўзга ҳамма нарсага айтилади. Ҳар бир жинс, ҳар бир тоифа бир оламдир. Шунинг учун олам сўзи кўплик шаклида ишлатилган. Инсоният олами, ҳайвонот олами, фаришталар олами, жинлар олами ваҳоказо оламлар бор. Демак, ҳазрати Пайгамбар алайҳиссалом фақат мусулмонларга эмас, бутун башариятга, балки бутун оламга, бутун борлиққа раҳмат ўлароқ юборилганлар³⁹¹.

Инсоният тарихида инсонлар орасидаги эътиқодий жанжалларга сабаб бўлган омиллардан бири бир дин вакиллариининг бошқа бир дин вакилларига диний айримчилик асосида қарашидир. Ўз динига бўлган тарафкашлик туйғуси, ўзга диндаги кишиларга бошқача назар билан қарашга олиб борган

Ўз-ўзидан Исломи бу масалага қандоқ қараган, деган савол пайдо бўлади. Баъзи кишилар, саволга ўрин йўқ, ҳамма нарса маълумку, дейиши мумкин. Нима маълум? десангиз, Исломи мусулмонларга гайри динларни ўлдиришни фарз қилган, жиҳод фарз, мусулмон одам қаерда гайри динни кўрса ўлдириши керак, ҳозирги тинч-тотув яшаш ҳақидаги гаплар замоннинг зайли билан айтилаётган гаплар холос, дейишади.

Ҳақиқатдан шундоқми? Келинг, бир холисона ўрганиб чиқайлик. Аллоҳ таоло «Исро» сурасининг 70-оятда: – «Батаҳқиқ, Биз Бани Одамни азизу мукаррам қилиб қўйдик», дейди³⁹².

³⁸⁹ Раҳматуллоҳ САЙФУДДИНОВ, Исломи – тинчлик ва бағрикенглик динидир мақоласи.

³⁹⁰ Қурон тавфсир. Алоуддин Мансур

³⁹¹ Islom.uz

³⁹² Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Тафсири Ҳилол

Ҳадиси шарифларда ҳам худди шундай. «Кимки...» деб бошланган барча ҳадисларда мутлақ инсон кўзда тутилади. Масалан, «Кимки бир дарахт экса ва ундан хайвонми, қушми, ҳашаротми, одамзотми еса, уни эккан одамга савоб бўлади», деган мазмундаги ҳадисни олайлик³⁹³. Бу ерда ҳар қандай инсон назарда тутилган, унинг дини ёки бошқа жиҳати қайд қилинмаган.

Яна бир ҳадиси шарифда Пайгамбаримиз алайҳиссалом: – «Одамларга раҳм қилмаганга Аллоҳ ҳам раҳм қилмайди», деганлар. Бу ерда ҳам мусулмонлар эмас, умуман ҳар бир инсон, ҳар қандай одам тушунилади³⁹⁴.

Мана шу каби оят-ҳадисларда биз динимизнинг багрикенглигини кўраимиз. Исломи дини «Самовий динларнинг барчасини асли бир, ҳаммаси Аллоҳдан»³⁹⁵ деб эълон қилди.

Аллоҳ таоло «Шўро» сурасида: «У зот сизга диндан Нухга тавсия қилган нарсани ва Сенга (эй Муҳаммад) ваҳий қилган нарсани, Иброҳимга, Мусо ва Ийсога тавсия қилган нарсамизни шарият қилиб: «Динни барпо қилинлар ва унда тафриқага тушманлар, дедик», дейди³⁹⁶. (13 оят).

Демак, Нух, Иброҳим, Мусо ва Ийсо алайҳиссаломларга дин юборган Аллоҳ, Муҳаммад алайҳиссаломга ҳам дин юборган. Уларни пайгамбар қилиб танлаб олган. Шу билан бирга Аллоҳ томонидан юборилган мазкур пайгамбарларга Аллоҳ томонидан бир хил фармон ҳам бўлган. У фармон, «Динни барпо қилинлар, унда тафриқага тушманлар», деган амри илоҳийдан иборат бўлган.

Шунингдек, мусулмон инсон Аллоҳ таоло томонидан юборилган пайгамбарларнинг барчасига, уларга нозил қилинган китоб ва саҳифаларга бирдек иймон келтирмоғи, улардан бирортасини фарқлаб четга чиқариб қўймаслиги лозимлиги қаттиқ таъйинланган.

Аллоҳ таоло бу ҳақда мусулмонларга хитоб қилиб «Бақара» сурасида: «Аллоҳга ва бизга туширилган китобга ва Иброҳим, Исмоил, Исҳоқ, Ёқуб, ва ўша уруг авлодга нозил қилинган нарсаларга инарсага, Мусо ва Ийсога берилган нарсага ва пайгамбарларга Роббиларидан берилган нарсага иймон келтирдик. Уларнинг орасидан биронтасини ажратиб қўймаймиз ва биз фақат У Зотга (Аллоҳ таолога) унга бўйсунувчилвормиз», деб айтинлар³⁹⁷. (136 оят)

шу ўринда яна бир маълумотга эътибор берсак: Тадқиқотчи Жоржия Исломи ҳукмрон бўлган даврдаги бошқа самовий дин асҳоблари ҳақида шундай ёзади: «Ҳижратнинг тўққизинчи йилига келиб, Исломи дини бутун араб жазирасини қамраб олган бўлса-да, Муҳаммад алайҳиссалом яҳудий ва насороларни ўз динига киришга мажбур қилмаганлар, чунки улар аҳли китоб эдилар. Муҳаммад алайҳиссалом ўзларининг Нажрон бош епископи Абулҳорисга ёзган мактубларида Исломи келгач, араб жазирасида насороларнинг аҳволи яхшиланганини айтиб, жумладан, шундай сўзларни айтганлар:

«Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм! Аллоҳнинг Расули Муҳаммаддан Нажроннинг бош епископи Абулҳорисга ва унинг барча руҳонийлари ва епископларига. Аммо баъд. Бош епископга, унинг руҳонийлари ва бошқа епископларга маълум бўлсинки, сизларнинг черковларингиз, ибодатхоналарингиз қандай бўлса, шундайлигича қолдирилади. Сизлар ўз ибодатларингизда ҳур ва эркинсиз. Биронтангиз ўз мансаби ва мақомидан четлаштирилмайди. Диний маросимларингизда ҳеч нарса ўзгартирилмагани каби, мазкурлардан ҳам ҳеч нарса ўзгартирилмайди. Модомики, епископлар аҳдга, яъни ўзларининг асл инжилларига содиқ қолсалар ва ундаги таълимотларга, яъни насроний динининг таълимотларига амал қилсалар, Аллоҳнинг ва Расулининг зиммасида, яъни ҳимоясида бўлади. Ким уларни бу нарсадан тўсса, у Аллоҳнинг ва Расулининг душмани бўлади»³⁹⁸.

³⁹³ Раҳматуллоҳ Сайфуддинов, Исломи – тинчлик ва багрикенглик динидир мақоласи.

³⁹⁴ Имом Бухорий. Ал Жоме Ал Саҳих

³⁹⁵ Курон тавфсир. Алоуддин Мансур

³⁹⁶ Курон тавфсир. Алоуддин Мансур

³⁹⁷ Курон тавфсир. Алоуддин Мансур

³⁹⁸ Shosh.uz

Кўриб турганингиздек бугунги кунда нафақат бир дин ичида балки балки бутун динлар аро фитналарни йўқ қилиш зарурлигини исботлаш билан биргаликда, ўзаро алоқаларни йўлга қўйиш айб эмаслигин кўрсатиб бермоқда. Юқорида келтирилган далилларнинг барчасида далолат шуки ислом дини ҳақиқатдан ҳам сўнги тугал дин эканлигини исботлайди. Шунинг учун ҳам Ислום дини ҳақ диндир унинг яна жуда кўб далилларини топишипиз мумкун.

«Эзгулик ва такво (йўли)да ҳамкорлик қилингиз, гуноҳ ва адоват (йўли)да ҳамкорлик қилмангиз!..», (Моида сураси 2 – ояти) деб марҳамат қилган. Мустақиллик йилларида ўзининг таркиби ва мазмуни жихатидан хилма-хил миллат, маданиятлар бирлигидан ташкил топган жамиятимизда ҳам миллатлараро тотувликни сақлаш, фуқароларнинг ҳамжихатлиги ва бағрикенглигини таъминлаш соҳасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Зотан, хайрли ишларда ҳамкор ва ҳамжихат бўлиб яшаш, Яратганнинг талабидир. Манашундай амалий ишлар натижаси ўлароқ

Бугунги кунда малакатимизда Ислום таълим, фан ва маданият ташкилоти 2019 йил 18 декабрда Тунисда бўлиб ўтган XI-Ислום конференциясида 2020 йилда **Бухоро, Қоҳира (Миср) ва Бамако (Мали)** шаҳарлари Ислום маданияти пойтахтлари деб тан олинди бу катта ходиси Ислום маданияти пойтахти бўлган бу ҳудуд бугунги кунда Ислום маданиятини ўзида сақлаб қолган бир маскан сифатида тан олинганлигинин дарак беради. Шундай экан бу шаҳарни бугунги кунда барча учун бирдай хизмат қиладиган масканга айлантириш лозим.

- айнан ҳар бир зиёратгоҳлар олдида кичкина кутубхона, шаҳар унинг тарихи, Ислום дини моҳияти, бошқа динларнинг адабиётларини ҳам ўз ичига олган кичик кутубхоналар сифатида фаолият ташкиллаш зарур.

- бошқа дин вакилларини ҳам ўзига жалб қилиш учун, уларнинг таомлари тайёрланадиган ошхоналар, қўнимгоҳлар ташкил этиш лозим

Шу борада бир воқеани айтиб берсам биз зиёрат учун самарқандга бордик ва Шохи Зинда зиёратгоҳига кирдик у ерда турли миллат вакиллари томоша қилиш билан банд эди. Биз ҳам жамоамиз билан биргаликда бир масжидга кирдик ва мен ўтириб тиловат қилишга тушдим шу ҳолатда қизиқарли воқеа содир бўлибди, бкни менга шу жойда ўтирган дўстим айтиб берди. Айтишича мен тиловат бошашим билан миллати немис (динини билмадик лекин мусулмон эмас) аёл суратга олаётган телефонини ўчириб турган жойида ўтириб жим эшитибди токи биз қурон ўқиб, дуо қилганимизча ўша жойда хурмат қилиб турибди гарчи кўлини биздай дуога очмасада. Бунини эшитиб хурсанд бўлдим. Шунинг учун ҳам Биз ўзга динлар хурматсизлик эмас ўз динимизга муҳаббатимизни кўрсатиб, зиё тарқатиб шундай масканларни ташкиллайлик. Зотан, биз бағри кенг халқмиз диний бағрикенгликни ҳам биз мустахкамлаймиз.

ИСТОРИЯ СТРОИТЕЛЬСТВА ПЕРВОЙ МЕЧЕТИ В БУХАРЕ

Гадов Д.Х., Гулова А.А.,

Бухарский государственный университет

Преподаватель факультета истории и культурного наследия

Аннотация. В статье рассказывается об одном из самых древних памятников народной архитектуры Бухары-первой мечети, а также о том, что арабский полководец Кутайба ибн Муслим построил первую мечеть джоме в Бухаре, а также о процессе строительства мечети. В нем рассказывается о походах арабов-завоевателей. Были освещены меры Кутайбы по распространению ислама.

В Бухаре издавна развивалась наука. Этот город не зря называют "Садом науки". В Бухаре было много ученых, знатоков, праведников. В X веке его называли "Куббат уль-ислам". Город Бухара также известен как "Балдат ул-омон" (город Мира) и "Фохира" (гордость). Здесь было много святых и великих людей. Шариатские науки, такие как из тафсира, хадиса, фикха, каляма, усул, сарф и нахф очень развиты. Поэтому в 2020 году

Бухара была переименована в столицу Исламской культуры. Бухара-исламский город, в котором мечети занимают особое место в жизни жителей Бухары. Мечеть рассчитана на пять раз молитвы в течении суток.

Во второй половине VII века арабы вторглись в Среднюю Азию.

Убайдулла ибн Зиед, посланный халифом Муавой в 674 году, первым из арабов вторгся в Среднюю Азию, осадил и победил Пойкенда. Имя царицы Бухары в источниках не сохранилось, и она вошла в историю как «мать Тугшоды». (Тугшода-правитель Бухары в период арабского завоевания.) Мать Тугшоды управляла Бухарой 16 лет. Каждый раз, когда арабские военачальники приходили в Бухару и воевали летом, а зимой возвращались. Кто из арабов прибыл в Бухару, женщина немного сразилась с ними, а потом установила перемирие. По причине того, что его сын был маленьким, каждый из его родственников был занят этой страной. Бухархудот сражался в Бухаре. Во многих исторических изданиях, созданных до сих пор, в Бухаре приводится очень мало информации о первом этапе арабского завоевания.

Кутайба ибн Муслим, один из крупнейших исламских завоевателей, родился в 669 году, в 703-04 годах во время халифата Абд уль-Малик ибн Марван был назначен Хаджжад ибн Юсуфом правителем Хорасан. Кутайба покорил Чагониян, Тохаристан, Бухару, Самарканд, Фергану. В 715 году, когда Кутайба поднял восстание против Сулеймана ибн Абд уль-Малика в Фергане, со своими 11 близкими был убит Ваки ибн Хассаном. Каждый раз, когда приходили арабы, жители Бухары были мусульманами, а когда арабы возвращались, они снова возвращались в свою религию. Кутайба ибн Муслим трижды принял их мусульманство, и они снова были неверующими. Когда Кутайба пришел в четвертый раз, он завоевал Бухару, после многих трудностей жители Бухары перешли в ислам. А жители Бухары, поверхностно принявшие ислам, на самом деле были язычниками. Арабам стало известно, что некоторые лицемеры, принявшие ислам, продолжали молиться старым богиням и поклонялись им в тайных местах и подвалах. По этой причине Кутайба приказывает арабам покинуть половину своего дома арабам, думая, что они будут мусульманами от безысходности, если они будут знать об их поведении, стоя вместе с бухарцами в одном доме. Проживавшие в доме жителей Бухары арабы обучали своих хозяев исламскому шариату и следили за соблюдением ими исламской нравственности. Таким образом Кутайба установил в Бухаре мусульманство и заставил их выполнять шариатские приговоры.

В Бухарской арке Кутайба была построена первая Джамии мечеть в девяносто четвертый год (25 ноября 712 года - 713 года), а возле Арки-мечеть, где читается молитва Хаита. Это место раньше было капищем. В предисловие к исламу в Бухарской арке располагалась крепость Санам-бутхана. Здесь трудно сказать, следует ли понимать крепость, которая свойственна язычеству или огнепоклонничеству. В Бухарской арке, помимо кухандиза, было еще одно место, где проходил местный языческий ритуал, связанный с легендарной Сиявушом. Это означает, что кухандизцы-это поселения местных правителей, расположенные внутри истома. Арабы потеряли произведения невежества и огнепоклонства. Кутайба приказал наказать тех, кто совершил проступок при исполнении шариатских приговоров. Кутайба ибн Муслим приказал людям читать пятничную молитву в мечети Джамии. Кутайба уделял большое внимание распространению ислама. Сначала дал различные привилегии тем, кто вновь принял ислам, прежде всего освободил Хирой – земельный налог и дань, которую он получил с самого начала, но эта работа не была строго регламентирована, поскольку она не приносила пользы в интересах захватчиков. Кутайба велел жителям Бухары каждую пятницу собираться там; так, каждую пятницу он через джарчи призывал: "я дам два дирама каждому, кто придет на пятничную молитву". Бухарцы читали Коран на персидском языке в молитве, когда они впервые приняли ислам. В этой мечети, построенной в Регистане, также был киям, руку, поклонения, опираясь столба молитвы, то есть на имама.

Мухаммад ибн Джафар Наршахи дает такие показания в своей книге. "Я видел Бухарскую Джамии мечеть, на которой были установлены двери с фотографией, лицо которой было расчесано, а другие места были оставлены без присмотра. Я спросил у своего учителя,

почему это произошло. Он сказал, что бухарцы исповедуют мусульманство на показ, и тайно кланяются в идола. За пределами города было семьсот Дворцов, в которых жили богачи, и многие из них не приходили в мечеть Джами, потому что они были непослушными, каждый, кто приходил на пятничную молитву, был заинтересован в двух монетах, поэтому приходили только бедные, чтобы получить две монеты, но богатым эти деньги были неинтересны. Сторонники старой религии противостояли несколько периодов религии, предложенной им. Данные того времени свидетельствуют о том, что бухарские мусульмане на протяжении десятилетий носили оружие на своих боках, когда шли в Мечеть. Однако коренным народам не разрешалось носить оружие, хотя они приняли ислам. Между тем, часто возникали разногласия. В частности, источники описывают, что пожилое население Бухары было более устойчивым. Бухарские старики ответили, бросив камни, когда их пригласили в мечеть. Это обращение разозлило арабов, поэтому они напали на этих пожилых людей, разрушили их дома и разграбили их имущество. Домашнее оборудование было передано на принудительный ремонт мечетей. После того, как вышеперечисленные процедуры не дали ожидаемого результата, город Бухара был взят из рук местных жителей, и арабы управляли им между собой.

Кутайба ибн Муслим приказывает мусульманам прийти с оружием к молитве хайта из-за опасности нападения неверных (в целом, не допускается приходить с оружием к молитве). Однажды в пятницу мусульманы надоедали призываям дверям дворцов и призывая их пятничной молитве, а богатые, стоя на крыше дворца, били мусульман камнями, возник большой спор, мусульманы победили в этом малом бою, и они перенесли двери богатых замков и доставили их в Бухару. Они были использованы. В то время, когда мечеть была расширена как Джами, двери были использованы в мечеть Джоми, чтобы двери не были испорчены, мастера оставили другие места без расчеса, стерев лицо идолов у дверей, чтобы двери не были испорчены. Ахмад ибн Мухаммад ибн Наср говорит: "В настоящее время одна из этих дверей сохранилась, а другая-дверь, которая была сохранена, если вы оставите первую дверь, которая находится недалеко от дворца эмира Хорасана, на дороге, ведущей от крыши к двери мечети Джами. В нем все еще видна работа по расчесыванию". Кутайба построил мечеть в хисоре в Бухаре (что означает Бухарская арка), в которой люди молились. Мусульманство стало широко распространяться, и когда симпатии людей к исламу со дня на день становились увеличивалось, они не сместились в эту мечеть. Эта ситуация продолжалась до периода правления Фазля ибн Яхья ибн Халида. Он был хорасанским эмиром в эпоху Хорун ар-Рашида. Народ Бухары собрался и в сто пятьдесят четвертый год (12 декабря 770 года) выкопал бассейн сточных вод хисора и также построил мечеть Джами между хисором и шахристаном. Потом начали читать пятничную молитву в мечети Джами в мечети Хисор. После того, как мечеть Джами устарела, и мечеть Хисор стала пустым храмом, в Девоне, никто не прилагал столько усилий, сколько благодать-ибн Яхья ибн Халид Бармаки, он потратил много денег на эту работу.

Затем до эпохи Исмаила Самани все расширяли эту мечеть. Амир Исмаил купил много домов и расширил мечеть Джами на две трети. Тот, кто первоначально приказал поставить свечи в мечети во время Рамадана, был такой же добродетель ибн Яхья ибн Халид пальцем. Во время правления эмира Саида Насра Ибн Ахмада ибн Исмаила, когда в пятницу в месяц Рамазан была заполнена народная мечеть Джами, мечеть внезапно была захвачена, многие люди там погибли, во всем городе были совершены покаяния. Когда некоторые из тех, кто остался под мечетью, были извлечены, они все еще дышали, но через некоторое время отдавали душу, а некоторые из них сломали руки и ноги. После этого события город Бухара практически опустел. Горожане еще раз проявили упорство в перестройке мечети, каждый из приближенных султана помогал этому, покойный Абу... Кози руководил этим делом, в конце концов мечеть Джом была построена в течение одного года. В следующем году он снова сломался; обе стороны киблы рухнули. Но людей там не было. В течение пяти лет мечеть была восстановлена.

В заключение следует сказать, что мункинцы придавали большое значение строительству мечетей в завоеванных арабами городах. В большинстве случаев, не возводя новых зданий для мечетей, они приспособили храмы зороастризма (так было в Бухаре, Самарканде, Марве и других городах). Распространение ислама сопровождалось большими трудностями. Даже крестьяне, перешедшие на службу арабам, оставались “невеждами” на своем языке. В качестве яркого доказательства этого будущий зять прозаика ибн Сайора бухархудот Тугшод, несмотря на то, что он во всех отношениях разбил арабов, не хотел читать молитвы, был похоронен в соответствии с местной зороастрийской живописью, когда он умер в Тугарше. Оба его сына до конца жизни жили вдали от ислама. К концу VIII века Ислам полностью вошел в четвертую часть Средней Азии, и на этих землях люди перешли к неукоснительному исполнению исламских веревков. Мечеть стала священным местом поклонения Аллаху для всех мусульман.

Список литературы

1. Abu Bakr Muhammad ibn Jafar Narshaxiy. Buxoro tarixi. – Т.: “Sharq bayozi” 1993.
2. Ahmad inb Mahud Buxoriy. Tarixi Mullozoda. – Т.: “Yangi asr avlodi” 2009.
3. Barakaev J, Haydarov Y. Buxoro tarixi. – Т.: “O‘qituvchi” 1991. – В. 20-21.
4. Buxoro sharq durdonasi. – Т.: “Sharq” 1997. – В. 35-36.
5. O‘zbekiston xalqlari tarixi. I jild. – Т.: “Fan” 1992. – В. 78-79.
6. Buxoro. – Т.: “O‘zbekiston” 1981.

ИНВЕСТИЦИОННОЕ ЗНАЧЕНИЕ КАРАВАНСАРАЙИ БУХАРЫ

*Ходжаева Санобар Насруллаевна, преподаватель Бухарский филиал
Ташкентского института ирригации и инженеров механизации сельского хозяйства*

В Бухаре было много караван-сараев для паломников и торговцев. Караван-сарай - это Рабат и дворцы, где караваны останавливаются и проводят ночь. Города Ближнего Востока, Центральной Азии и Кавказа построены на торговом пути. Караван-сарай обычно находится в центре большого внутреннего двора, окруженного одноэтажными или двухэтажными этажами, с возвышающейся башенной крепостью, построенной на торговых центрах и ряде городских рынков. В 9-м и 18-м веках рост городов и рост торговли караванами привели к многочисленным строениям караван-сараев. По словам арабского путешественника Ибн Хавкала, в Моваруннахре было более 10000 караван-сараев. В результате развития железнодорожного и другого современного транспорта караван-сарай утратили свое значение.

В начале 20-го века в Бухаре было почти 150 караван-сараев.

Караван-сарай Пои Остона Хамид ходжа был расположен в квартале Пойи остона, в центральной части старого города Бухары – на территории древнего шахристана, относился по методологии О.А.Сухаревой к джарибу Шахристон. Квартал Пойи остона («Святой порог») состоял из 65—70 домов. Занятием большинства жителей была торговля. Здесь жило также много мулл, среди которых имелись и мударрисы – преподаватели медресе. Квартал Пойи остона был одним из торговых центров Бухары. На крытом базаре торговали красками, размещались и мастерские красильщиков, местных евреев, окрашивавших шелковую и бумажную пряжу в синий цвет, бойня (кушхона) и лавки мясников. Торговля красителями велась и в караван-сарае этого квартала, там же находились склады таких товаров. Один из караван-сараев – караван-сарай Бузгунжи Писта Султони служил складом и рынком бузгунча. Здесь же шла торговля кошенилью и анилиновыми красками, привозившимися в Бухару из Европы через Афганистан и Индию. Красками торговали афганские купцы, которые, приезжая, останавливались в караван-сараях этого квартала. Здесь же находились склады белой кожи (меши) – речь идет о караван-сарае Меши Султони. Всего в квартале было четыре караван-сарая, в одном из них – в караван-сарае Пои Остона производилась торговля рабами. В кирпичном караван-сарае Пои Остона до 1885 года находился рынок, где

торговали рабами – группами и в одиночку. Лишь по настоянию русской общественности эмир Ахадхан вынужден был прикрыть это учреждение. Караван-сарай Пои Остона упомянут в книге русского учено-ориенталиста, члена-корреспондента Петербургской Академии наук – Н.В.Ханыкова (1822-1878) «Описание Бухарского ханства» (СПб., 1843): «Всего в Бухаре Караван-сараев 38, из них 24 каменных в 14 деревянных; некоторые из них принадлежат частным людям, некоторые же казне и отдаются ею на откуп.

Караван-сарайи Ходжаи Хурд были расположены в центральной части старого города Бухары – на территории древнего шахристана, относились по методологии О.А.Сухаревой к джарибу Шахристон. МЕНЮ Поиск Бухарские базары складывались из торговых рядов, специальных зданий-пассажей (тим и ток), площадей, на каждой из которых производилась торговля определенными товарами, и каравансараев. В караван-сараях располагались иногда специальные торговые ряды, где производилась розничная торговля, чаще здесь совершались крупные торговые сделки купцами, которые имели собственные или брали в аренду отдельные кельи караван-сарая, превращая их в свои конторы.

Каравансарай Ражаббек был расположен вдоль дороги ведущий от торгового купола Токи Тельпакфурушон к торговому куполу Токи Заргарон. В сторону Токи Заргарон, за куполом Токи Тельпак, размещались в шести нишевых сводах, по обе стороны улицы, меняли и ростовщики (саррофы). Следующие шесть ниш занимал базар ножей (бозори корд). Между ними вклинивался довольно большой магазин бумаги (дукони когозфуруши). За сводчатым проездом располагались далее, по обе стороны улицы, вплоть до бань, ряды шелка в мотках (растай бозори – абрешим).

Довольно значительную группу среди пришлого временного населения старого города Бухары составляли индийцы. Как и в других городах Средней Азии, в большинстве это были ростовщики. Везде они жили в особых каравансараях. Каравансарайи где жили индийцы принадлежали казне, которая извлекала немалые доходы от сдачи их в аренду индийцам. Судя по занимаемым помещениям, индийцев, проживавших в Бухаре, было около двух тысяч. Одним из них был каравансарай Хинду (Хиндиён), который находился между тимом Абдуллахана и торговым куполом Токи Заргарон, с западной стороны медресе Абдулазизхана.

Караван-сарай Мушки Субханкулихан (или Сарай Карши) был расположен в центральной части старого города Бухары – на МЕНЮ Поиск территории древнего шахристана, относился по методологии О.А.Сухаревой к джарибу Шахристон. Раньше довольно значительную группу среди пришлого временного населения Бухары составляли индийцы. Как и в других городах Средней Азии, в большинстве это были ростовщики. Везде они жили в особых караван-сараях. В Бухаре индийцы занимали два караван-сарая. Одним из них был – Мушки Субханкулихан (Сарой Карши). Караван-сарай, помещавшийся на месте выстроенного позже русскими фирмами первого торгового пассажа, состоял из 60 худжр, в каждой из них жили один-два человека. Караван-сарай принадлежал казне, которая извлекала немалые доходы от сдачи их в аренду индийцам. Данный караван-сарай упомянут в книге «Записки о Бухарском ханстве (Отчеты П.И.Демезона и И.В.Виткевича). В этой книге опубликованы архивные документы-записки о поездках в Бухару в 1830-х годах русского филолога-ориенталиста, исследователя Средней Азии, барона П.И.Демезона (1807-1873) и российского офицера, востоковеда путешественника И.В.Виткевича (1808- 1839): «Многочисленные караван-сарайи Бухары построены по единому плану. Это большие квадратные двухэтажные здания, их наружные стены, как почти и всех зданий города, не имеют окон. Первый этаж занят тесными глубокими кладовыми, двери которых выходят во двор; на втором этаже живут приезжие купцы, ремесленники, индийцы, бухарцы или татары. Свет в кладовые, так же как и в комнаты второго этажа, проникает через двери или через маленькие окошечки, пробитые над дверью. В Бухаре насчитывается 25 караван-сараев. В 1912-м году на территории караван-сарая Мушки Субханкулихан (Саройи Карши) был выстроен 1-й пассаж, где в том числе, находилась службы почты и телеграфа царской России.

Каравансарай Биринжи Мири Араб или другое название этого каравансарая Саройи каппони биринж (каравансарай, в Бухаре сарой) был складом сельскохозяйственных продуктов, а именно складом для оптово-розничной торговли рисом («биринж» – рис). В Бухаре некоторые, например зерновые продукты, складывались для оптово-розничной торговли под просторными навесами – каппанами, средняя приподнятая часть которых опиралась на расставленные по кругу столбы. Каравансарай Биринжи Мири Араб был деревянным. Деревянные каравансарайи имели крытый двор, по сторонам которого устраивались худжры. В средней части двора стояли высокие столбы на которых покоилось балочное перекрытие, что давало возможность освещать крытый двор боковым светом. Каравансарайи этого по назначению не отличались от кирпичных, но были постройками конструктивно более облегченного типа. К большому сожалению, нам не удалось найти точное месторасположение этого каравансарая. Из самого названия каравансарая видно, что он располагался возле медресе Мири Араб, т.е. в одном из трех сторон этого медресе: в южном, восточном или северном. Именно в какой стороне, нам пока этого не удалось разгадать. Интересен материал, который приведен в книге востоковеда, доктора искусствоведения, профессора Л.И.Ремпеля «Далекое и близкое. Страницы жизни, быта, строительного дела, ремесла и искусства старой Бухары»: «Полукольцо базаров от Токи Заргарон, через бозори Кали Фарход и до Лаби хауза, было мало оживленно, а местами и вовсе прерывалось. Главная магистраль базара поворачивает от Токи Заргарон на запад, к Регистану. Уже рядом с Токи Заргарон мы находим большой рисовый каппан (каппани гурундж – бириндж), а затем по обе стороны дороги, шли под стенами медресе Мири Араб довольно мелкие лавочки (растай кассоби Пои Минор) и дуконы продавцов чугунных изделий (дуконы дегфуруши, офтобаи чўён). Кроме котлов, чугунных офтоба здесь торговали пищевыми продуктами – рисом, зеленью, фруктами, мороженым». Каравансарай скорее всего был разрушен в начале 50-х годов прошлого столетия.

Каравансарай Джаннат-макони («Джаннат макони» – «тот, кому уготовано место в раю», эпитет эмира Шах-Мурада, эмира из МЕНЮ Поиск династии мангытов, правившего Бухарским эмиратом с 1785 по 1800 гг.) был построен и принадлежал эмиру Шах-Мураду. Каравансарай Джаннат-макони, расположенный неподалеку от хонако Нодира Девонбеги, представлял собой двухэтажное здание, состоявшее из 32 келий (худжр): 18 – в первом этаже и 14 – во втором. Кельи нижнего этажа арендовали более состоятельные торговцы чаем и москательными товарами (чойфуруши, аттори), имевшие лавки в расположенных поблизости в рядах. В каравансараях они держали запасные товары и заключали там оптовые торговые сделки; кельи служили им также местом отдыха, здесь совершали они в положенное время намаз, приглашали гостей-мужчин, иногда устраивали пирушки. Второй этаж был занят мастерскими тулупников (пустиндуз); в нескольких кельях жили приезжие (мусофир). Одну из келий нижнего этажа занимал сторож (саройбон), который следил за чистотой каравансарая. Каравансарай скорее всего был разрушен в начале 30-х годов прошлого столетия.

СПИСОК ЛИТЕРАТУРЫ:

1. Л.И.Ремпеля «Далекое и близкое. Страницы жизни, быта, строительного дела, ремесла и искусства старой Бухары» Т.: Изд. Лит. и искусства, 1981. — 304 с., ил.
2. «Записки о Бухарском ханстве (Отчеты П.И.Демезона и И.В.Виткевича)
3. Н.В.Ханыкова «Описание Бухарского ханства» (СПб., 1843)
4. Национальная энциклопедия Узбекистана. Государственное научное издательство. Ташкент - 2002.
5. В.А.Шишкин . К вопросу о древней культуре Бухарского оазиса. Москва-1943.
6. О.А.Сухарева. Бухара XIX — начала XX вв.: позднефеодальный город и его население.Москва-1963.
7. Пугаченкова Г. А., Р е м п е л ь Л. И., Очерки искусства Средней Азии, М., 1982.

ИСЛОМ МАДАНИЯТИДА САНЪАТ ВА АХЛОҚ УЙГУНЛИГИГА ДОИР ҚАРАШЛАРНИНГ ЭСТЕТИК ТАҲЛИЛИ

*Махамадалиев Лутфилло
ФарДУ Тарих факультети талабаси*

Баркамол инсонни тарбиялашда санъат, ахлоқ ва диннинг ўзаро уйғун компонентидан унумли фойдаланиш бугунги замонавий тарбиянинг долзарб масалаларидан бирига айланди. Санъат ва динга ахлоқийлик руҳида ёндашув инсоннинг маънавий-ахлоқий камол топишига хизмат қилади, жамият маънавий-ахлоқий равнақида муҳим аҳамият касб этади. Машҳур немис файласуфи И. Кант айтганидек, ҳар қандай ахлоқ динга эмас, аксинча ҳар қандай дин ахлоққа асосланмоғи лозим.

Санъат, ахлоқ ва диннинг бош мавзуи – инсондир. Санъат воқеликни инсоннинг мақсад-манфаатлари, фикр-мулоҳазалари, ҳис-туйғулари, ички кечинмалари нуктаи назаридан акс эттирса, ахлоқ ва дин инсоннинг ижтимоий алоқалари ва муносабатлари маъзига сингиб кетади. Ҳаётда, муайян жамиятда ахлоқ-одоб ва дин меъёрларига алоқадор бўлмаган бирор воқеа-ҳодиса содир бўлмайди. Одамларнинг ўзаро муносабатлари ва муаммолари ахлоқ ва диннинг бевосита объекти бўлиб хизмат қилдаи.

Ҳаққонийликка асосланган санъат доимо эзгуликка хизмат қилади. Айни пайтда санъат ёвузлик ва ахлоқсизликнинг хунук ва пасткаш эканлигини фош этиш орқали ҳам эзгуликка хизмат қилади. Ҳамда шу орқали эзгулик, поклик, ростгўйлик, ҳалоллик каби инсоний фазилатлар улугланади. Санъат яхши ва ёмон ҳодисаларни ибрат қилиб кўрсатиш асосида ахлоқий покликка, раҳм-шафқатга, дардқашликка, айни вақтда ахлоқий камолотга даъват этади.

Санъат қадим даврлардан дин билан узвий боглик ҳолда ривожланиб келган. Санъат ва дин ижтимоий онгнинг анъанавий-амалий шаклларида бўлганлиги боис ақидавий яхлитликни ташкил этади. Шуни таъкидлаш жоизки, санъат ва дин заминиде ётган ҳис-туйғулар бир хил маънога эга эмас. Масалан, санъатда ҳам, диний тафаккурда ҳам хаёл суриш мумкин. Диний хаёл воқеликни мавҳумий, қиёсий тарзда, санъатдаги хаёл эса рамз-тимсолларга асосланган ҳолда юз беради, дин кўпроқ илоҳий моҳиятга, санъатда эса дунёвийликка суянади. Гарчанд санъат асарларида илоҳийлик рамзлари бевосита бадий тасвир объекти қилиб олинса ҳам, барибир унда дунёвийлик руҳи сезилиб туради. Санъат асари қайси динга мансуб ижодкор томонидан яратилгани ҳақидаги масала ҳам муҳим аҳамиятга моликдир.

Буддизм, яҳудийлик, насронийлик ва ислом каби жаҳон динларининг барчаси санъат билан бевосита богликдир. Диний ибодатлар, маросимлар санъат билан тамсил этилиб, инсон онгига, ҳис туйғусига кучли таъсир ўтказади.

Христиан динининг мавқеи юқори бўлган мамлакатларда одамларнинг маънавий эҳтиёжларини қондиришда унинг эстетик қадриятларидан фойдаланилиб келинганлиги маълум. Дарҳақиқат, Европа санъатининг машҳур асарлари диний ибодат жараёнларини бадий акс этдирган, улар сизиниш объекти, диний маросимларни ўтказиш ифодаси сифатида хизмат қилган. Масалан, Рублевнинг «Авлиёлар» суратлари, Рафаэлнинг «Сикстин мадоннаси» расми, Бахнинг оратория ва хорлари, Моцарт, Берлиоз, Вердининг марсиялари шундай асарлар жумласига киради.

Бу асарлар илоҳий ва дунёвий ҳис-туйғуларни уйғунлаштира олганликлари билан эстетик қийматга эгадир. Европа Уйғониш даври санъаткорларининг диний мазмундаги «Авлиё-она» (Мадонна), «Хочдан ечиб олиш», «Муқаддас оила», «Сирли кеча» картиналарида аслида инсон ҳис-туйғулари, фикр-мулоҳазалари, кечинмалари, шунингдек инсон ва у яратган нарсаларнинг гўзаллиги фавқулодда маҳорат билан акс эттирилган. Ҳозирги пайтда ҳам санъатнинг дин билан алоқадорлиги сақланиб қолган, лекин у янги жаҳатлар касб этиб бормоқда.

Ислом маданиятида ҳам қадрият мазмунига эга бўлган тушунчалар миниатюра тасвирларида тасвирланган. Масалан; Алишер Навоийнинг кўпгина асарларида комил инсон гоёси берилган бўлиб, комил инсон ҳақидаги гоёларни Камолиддин Бехзод ўз миниатюраларида тасвирлаган. Мусаввирнинг “Тогда Зоҳид ҳузурда” (1455)³⁹⁹ миниатюрасида ислом дини қадриятларига кўра тасвирланиб, хатто Искандар подшоҳ ҳам донишмандни зиёрат этгани унинг тарки дунё қилган маскани бўлмиш тоғ қўйнига келганлиги кўрсатилган. Асар мажозий усулда тасвирланиб, донишманд сиймосини нур сочиб тургандай тасвирлаган. Нур сурасининг “35-оятда Аллоҳ осмонлар ва Ернинг “нури”дир. Аллоҳ ўзининг (бу) нурига ўзи хоҳлаган кишиларни ҳидоят қилур”² дейилган. Демак, мусулмон динида Аллоҳнинг мавжудлиги, борлигини табиат, инсоннинг маънавий гўзаллигини қудратини тасвирлаш орқали амалга оширилади. Яъни сифатланиши, Унинг сифатлари 99 та исмида берилгандир.

Табиат ҳам рамзий тасвирланиб, тоғ чўққиси-зоҳиднинг илоҳий маърифат йўлидаги машаққати, риёзатлари, қоронги ғор-бу ёлғизликда тарки дунё қилиши, зоҳиднинг юзидаги ёруғ нур илоҳий файз, маърифат, каромат, хикмат, илм барчаси Аллоҳдандир, бу илоҳий нурнинг комил инсондаги тимсоли мазмунида берилгандир. Аллоҳ гўзалдир ва гўзалликни севади дейилади ҳадисларда, Гўзаллик бу Аллоҳнинг сифатидир, шунингдек табиатнинг гоёят гўзал рангларда тасвирланиши ҳам илоҳий гўзалликдандир деб таълим беради.

Тадқиқотчиларнинг фикрича, тасаввуф маънавияти тизимида ҳам гўзаллик «вахдатул вужуд» категорияси орқали тушунтирилади. Алоҳида (жузь) нарса-ҳодисалар гўзаллигининг ранг-баранг аломатлари умумийлик (Ақликулл)нинг илоҳий гоёси асосида қараб чиқилади. «Ақликулл», яъни Аллоҳ-умумийлик «жамоли мутлоқ» ва «камоли мутлоқ»нинг соҳибидир, реал воқеликдаги нарса-ҳодисаларнинг гўзаллиги эса нисбий, номукамал, ноқисдир. Аллоҳнинг гўзаллиги абадий, ўзгармас, доимий бўлиб, инсонга чексиз шодлик, умид, эътиқод ва маънавий куч-қудрат бахш этади. Модомики, гўзалликнинг асоси Умумийлик-Аллоҳ экан, борлик унинг ифодаси экан, моддий оламнинг гўзаллиги Аллоҳнинг тажаллусидан бошқа нарса эмас, деган мантиқий фикр келиб чиқиши мумкин.

Тасаввуф маънавиятининг яна бир муҳим эстетик жиҳати Аллоҳ гўзаллиги ҳақида сўз борганда, уни нафосат ижодкори бўлган санъаткорга муқояса қилишдир. Оламини ягона мақсадга даъват этадиган бадиий асарнинг ижодкори Аллоҳдир. Фаридиддин Атторнинг ёзишича, «бутун борликнинг вужуди Унинг ҳазратининг соёси, Унинг қудратининг изи - асари, ижоди, санъати»¹ дир.

Тасаввуф маънавий-эстетик жиҳатдан инсонни табиат ҳодисалари орасидаги энг гўзал моҳият сифатида эътироф этади. Инсоннинг гўзаллиги унинг жони ва руҳи, олий ишлари орқали намоён бўлади. Унинг ташқи гўзаллиги муҳим бўлса-да, гўзалликни белгилашда у бош мезон эмас. Тасаввуфда маънавий гўзаллик асосий ўринга қўйилади, бироқ у ижтимоий-эстетик мотивлар билан эмас, балки кўпинча мистик-гносеологик мақсадлар орқали тавсифланади.

Тасаввуф тамойилларига кўра, инсон, энг аввало, «фаришталар сифотидиндур»². Бироқ дунёвий воқеалар таъсирида унинг руҳ билан бўладиган бевосита алоқасига путур етган. Инсон мушоҳада йўли билан «ўз мени»га барҳам бериши керак, мутлоқ гўзаллик билан қўшилишни олий мақсад қилиб қўймоғи зарур. Шу маънода тасаввуфнинг эстетик идеали, профессор А.Қурбанмамадов таъкидлаганидек, маънан ва жисман яхлит комилликка эришган шахсина эмас, балки маънавийлик билан жисмонийлик ўртасидаги курашни мужассам этадиган инсон ҳамдир³.

Тасаввуфда «инсонни комил» идеали ижтимоий маънони эмас, аксинча, шахснинг маънавий эркинлигини ифодалайди. Шубҳа йўқки, эстетик ва психологик маънода ички

³⁹⁹ Қаранг: Илова. Полякова Е.А., Раҳимова З.И. Искандар Зоҳид ҳузурда. Шарқ миниатюраси ва адабиёти. –Т.: Ғ. Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1987. -45 б.

² Қуръони Карим маъноларининг таржима ва тафсири. Абдулазиз Мансур. –Т.: Тошкент ислом университети, 2007. -354 б.

¹ Аттор Фаридиддин. Илоҳийнома.-Т.: Ёзувчи, 1994, 7 бет

² Ғаззолий Зайниддин Муҳаммад. Кимийи саодат.-Т.: Камалак, 1994, 20 бет

³ Қурбанмамадов А. Эстетическая доктрина суфизма.-Душанбе: Дониш, 1987. С.17-18

эркинлик нечоғлик хаёлий бўлмасин, барибир, инсонга тенглик туйғусини бахш этади, маънавий гўзалликни устун қўяди, инсонни руҳий қулликдан, бойликка, шон-шухратга хирс қўйишдан сақлайди.

Тасаввуфнинг маънавий ақидалари тизимида гўзалликнинг уч даражаси-мутлак, ўзгармас, илоҳий гўзаллик; уни ифода этадиган моддий оламнинг ранг-баранг нарсаси-ходисалари гўзаллиги; инсон фаолияти билан боғлиқ ботиний-маънавий гўзаллик тўғрисида фикрлар мужассамлашади.

Тасаввуфда санъатнинг асосий вазифаси илоҳийликка хизмат қилишдан иборат деб қўрсатилади. Санъат асарларида моддий асослар эмас, балки маънавий, эмоционал асослар устувор аҳамиятга эга бўлиши лозим.

Тасаввуфда санъатнинг таъсирчан-эмоционал, эстетик хусусиятларини ҳар томонлама изоҳлаганда, асосий эътиборни назарий эмас, балки амалий жиҳатларга қаратади. Маънавий, руҳий ҳаёт бадий таъсир ва эстетик идрок предмети ва объекти ҳисобланади.

Санъатнинг вазифаси инсоннинг маънавий ва жисмоний азоб-уқубатларини бадий инъикос этишдан иборатдир. Аллоҳ билан қўшилишни кўзда тутадиган ҳар қандай санъат тури (музыка, қўшиқ, ракс) тасаввуфнинг эстетик меъёрларига мувофиқ келади.

Юқоридагилардан хулоса қилиш мумкинки, инсон руҳий оламидаги ижобий фазилатлар маънавият ҳисобланиб, бу тушунчалар, меъёрлар санъат ва динда ҳам қадрият даражасига кўтарилди. Ана шу илоҳий қадриятлар, меъёрлар диний санъат асарларида шахс камолотида муҳим омил бўлиб хизмат қилди ва ахлоқан баркамол инсонни тарбиялашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

БУХОРОДАГИ ДАСТЛАБКИ МАСЖИДЛАР ҲАҚИДА АКАДЕМИК В.В. БАРТОЛЬДНИНГ ҚАЙДЛАРИ

Худойқулов Тўймурод Бекмуродович

*Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти
Бухоро филиали, ўқитувчи*

Ислом динининг Бухорога кириб келиши ва бу ерда бунёд этилган дастлабки масжидлар ҳақида академик В.В.Бартолд(1869-1930) асарларида қимматли маълумотлар мавжуд. Олим тадқиқотларида Бухоронинг ислом маданияти маркази сифатидаги аҳамиятини тадқиқотларида алоҳида таъкидлаб ўтади. Шунингдек, тадқиқотчи Бухоронинг илк масжидлари тўғрисида ёзишда асосан қўлёзма манбаларга таянган ҳолда ўзининг таҳлилий муносабати акс этувчи илмий қарашларини илгари суради.

В.В.Бартольд Наршахийга таянган ҳолда Бухородаги биринчи масжид Сарой (Арк. буддавийлар ибодатхонаси ўрнида)да 713-йил Қутайба ибн Муслим томонидан қурилганини маълум қилади. Исмоил Сомоний атрофидаги уйларни сотиб олиб масжидга қўшади ва уни кенгайтириб қайта қурдиради. Олим Макдисийнинг ёзишмаларида шу фикрга ҳамоҳанг қарашларни учратади: “Масжид бир неча шинам ҳовлилардан иборатдир. Унинг ёнида шаҳарнинг бош тикув устахонаси жойлашган. Нух ибн Наср ҳукмдорлиги даврида масжид икки маротаба 914, 943-йилларда қулаб тушган ва қайта таъмирланган. Унинг минораси 918-йилда Абу Абдуллоҳ Жайхоний ҳисобидан қурилган”. Шунингдек, амир Нух ибн Насрнинг Самтин қишлоғи йўлида масжид қурдиргани, аммо унинг жойи бугунги кунгача номаълумлиги ҳақида ҳам олим асарларида қайдлар мавжуд.

Исломшунос олим тадқиқотларида 1068 йилда Тамгачхон Иброҳим ўғилларининг тахт учун кураши натижасида Сомонийларнинг асосий масжиди ёниб кетгани, ва бир йилдан сўнг миноранинг устки қисмини пишиқ гиштдан қайта тиклангани ҳақида маълумот беради. Бундан ташқари, саройдан узокроқда, қурилган янги масжид биносининг максура, минбар ва меҳроби Самарқанддан келтирилганини ҳам таъкидлаб ўтади. Олимнинг хабар беришича Арслонхон Муҳаммад томонидан шахристонда янги масжид қурилади. Бу ҳашаматли масжид 1121 йилда қуриб битказилган. У Чингизхон истилосига қадар фаолият қўрсатган.

Бухоронинг қадимий жойларидан Исхижкентда қишлоқ фуқароларидан Хонсолор деган киши XI асрда бу ерга қуббали масжид қурдиради. Бухоро имомларининг қаршилиги туфайли бу масжидда фақат бир маротаба намоз ўқиш мумкин бўлган. XII асрда Арслонхон Муҳаммад Исхижкентда работ, Шаргда қуббали масжид қурадиргани ҳақида В.В.Бартолд маълумот беради. шунингдек, Бухорода сурияликларнинг ҳам асжиди бўлиб, у “Масжиди аш-Шом” дея номланган.

Қадимий масжидлардан бири Исмоил Сомоний томонидан Жўйи Мўлиёнда бунёд этилади. Ҳукмдор бу ерларни, Хасан ибн Муҳаммад ибн Талутдан сотиб олган. Ердан келган фойдани масжид қурилишига эҳсон қилинган. Жўйи Мўлиён саройи ва масжиди Сомонийлар сулоласининг охиригача сақланиб қолган.

Олим асарларида Варахшадаги қуббали масжидининг меҳроби ўзининг олтин ва қиммат баҳо тошлар билан безатилганлиги сабаб нафақат Мовароуннаҳр балки бутун дунёга машхур бўлгани қайд этилган.

В.В.Бартольд Нур қишлоғида (ҳозирги Нурота) масжид бунёд этилгани ҳақида Наршахий батафсил маълумот берганини таъкидлайди. Шунингдек, олим Мақдусийнинг “Афсона қишлоғида Қутайба масжид қурдирган ва мана шу масжид билан ҳам бу қишлоқ машхур эди”- деган маълумотига эътибор қаратади. Бундан ташқари Мақдусий кўлёмаларида Зармитанда (Зарметон) кўрғон ва қуббали масжид бўлгани ҳақида қимматли маълумотлар борлигини олим таъкидлаб ўтади. “Мақдусийнинг айтишича, Бухороликларнинг масжид қуришга халифат ҳукмдорларидан рухсат олишлари осон кечмаган. Масалан, Пойкент аҳолиси масжид қуриш учун рухсатномани жуда қийинчилик билан қўлга киритишган”- дея ёзади В.В.Бартольд

Бозор номи дарвозадан шаҳарга кириш йўлининг чап томонида жойлашган христианлар черковини кейинчалик бану-ханзола қабиласи вакиллари масжидга айлантирган. Шахристоннинг шимоли-ғарбида Ҳақроҳ дарвозаси яқинида Имом Абу Хафс Кабрнинг қабри жойлашган бўлиб қурайш Муқотил ибн Сулаймон шу жойда масжид (у Қутайба ёрдамчиларининг сафдошларидан бўлган) қурдирган. Халқ орасида масжид Қурайшлар номи билан танилган - дейди В.В.Бартольд.

Шаҳарнинг жанубий-шарқий қисмида, Моҳ номи ҳукмдор ўз этиқодини исломга ўзгартириб, ибодатхонасини масжидга айлантиргани ҳақида олим асарларида маълумот мавжуд. Тадқиқотчи ушбу қарашларга ҳамоҳанг фикрни тарихчи Самъоний келтирган ривоятда учратади. Унга кўра: “Ҳукмдор Моҳ Халқни қизиқтириш мақсадида бозорга тахти билан келиб, савдони кузатган. Аҳоли ҳам савдо билан шугулланган, ҳам шу ердаги оташхонада ибодат қилган. Моҳ оловга сизинган, аммо кейинчалик у ислом динини қабул қилган ва ўз уйини масжидга айлантирган”. Бу тўғрисида Наршахийда ҳам батафсил маълумот мавжуд.

Халқ орасидаги ривоятга кўра: “Кунлардан бир кун қаср аҳли ва мусулмонлар ўртасида тўқнашув бўлган ва натижада қаср вайрон этилиб, унинг жиҳозлари қуббали масжид қурилишига ишлатилган. Қасрнинг ҳар бир эшигида уй эгаси сигинадиган санам тасвири туширилган. Мана шу тасвирлар масжид дарвозасида ҳам сақланган, фақатгина уларнинг юз, бош қисми ўчирилган. XII асрга келиб, улардан фақатгина буддалар сурати туширилган эшик сақланган” дея маълумот беради олим.

В.В.Бартольд асарларини таҳлил қилиш натижасида билиш мумкинки, Бухородаги дастлабки масжидларнинг аксарияти аввалги ибодатхоналар ўрнида бунёд этилган. Бунинг асосий сабабларидан бири араб истилосининг дастлабки босқичларида халқни тўлиқ исломлаштириш гоёсининг етакчилик қилганида. Бухородаги дастлабки масжидлар тарихининг таҳлил этилиши ислом маданиятининг муҳим бир қисми сифатида аҳамиятли ҳисобланади.

1. Abu Rayxon Beruniy., Qadimgi xalqlardan qolgan yodgorliklar. G'.G'. Tanlangan asarlar. U.-T., "Fan", 1968.
2. Asqarov A.A., Buxoroning ibtidoiy davr tarixidan lavhalar. T., 1973
3. Бухоро Шарқ дурдонаси/ Муаллифлар жамоаси.-Тошкент: “Шарқ” 1997

4. Бартольд В.В. Соч. -Т.II, -Ч.1, -Москва, 1963.
5. Бартольд В.В. Бухара. Соч. -Т.III, -Москва, 1965
6. Бартольд В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. Соч., Т.I, М., 1963
7. Бартольд В.В. Бухара. Её памятники и их судьба. Соч. -Т.IV, -Москва, 1966
8. Бартольд В.В. Сочинения. -Т.IV, -Москва, 1966.
9. Вамбери А., «История Бухары или Трансоксании» (перевод Павловского, СПб., 1873);
10. Eversmann E., Reise von Orenburg nach Buchara. Берлин, 1823. также Russian Missionsin to the interior of Asia, Лондон, 1823
11. Наршахий. Бухоро тарихи, -Тошкент, 1991.
12. Некрасова Е.Г., О нескольких старых планах Бухары. В сб. Из истории культурного наследия Бухары. Вып.10.-Бухара. 2006.
13. Қосимов Ф.Х., Бухоро тарихшунослиги. -Бухоро: 1996
14. Тўраев Х., «Бухоро тарихининг илк ўзбекча таржимаси» Имом-Бухорий сабоқлари, 2015/2. 54-56 б.
15. Тўраев Х., Маҳаллий ўлкашунослар илмий меросида тарихий топография ва меъморий обидалар. -Бухоро, 2019.

ЎЗБЕК ЖАДИД МУТАФАККИРИ АБДУЛЛА АВЛОНИЙНИНГ ИСЛОМ МАДАНИЯТИГА АСОСЛАНГАН ТАБИАТГА МУНОСАБАТ ҲАҚИДАГИ ҚАРАШЛАРИ ТАҲЛИЛИ

Назираҳон Сиддиқова
Фарғона тумани ХТБ тасарруфидаги 26-умумий
ўрта таълим мактаби ўқитувчиси

Мамлакатимизда барқарор экологик вазиятни, табиий атроф-муҳит мусаффолигини сақлаш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланишнинг муҳим субъектив омили бўлган экологик онг ва маданиятни янада юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. “Энг муҳим масала – аҳолининг экологик маданиятини ошириш ҳақида жиддий бош қотиришимиз зарур. ...бунга ёш авлод қалбида она табиатга меҳр-муҳаббат, унга дахлдорлик ҳиссини тарбиялаш орқали эришиш мумкин”¹. Шу сабабли республикаимизда экология соҳасида таълим-тарбия ва тарғибот-ташвиқот ишлари аҳволини яхшилаш билан бир қаторда ўзбек халқ экологик маданияти анъаналарини тиклаш ва ривожлантириш тенденцияларининг илмий-назарий асосларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириб бориш бугунги кунда объектив зарурат ҳисобланади.

Ҳар қандай тарихий даврда инсониятнинг экологик дунёқараши табиатга эстетик муносабатни шакллантириши билан муҳим ижтимоий функцияни бажариб келган. Лекин, бир томондан, тоталитар коммунистик мафкура ҳукмронлиги даврида табиатни санъат асарларида бадиий ифодалаш ҳам муайян сиёсий мақсадларга бўйсундирилган ёки унинг талқинида мавжуд тизимга ошқора маддоҳлик бўлса ҳам, иккинчи томондан, табиат ҳақида яратилган санъат асарларида Она-заминга инсоний муносабат “чақириги” баралла кўриниб ва эшитилиб турар эди. Бу эса, шахснинг санъатдаги “табиат борлигига” эстетик муносабати характерини белгилайдиган интеллектуал салоҳиятига ва уни баҳолаш мезонларига боғлиқдир.

Инсоннинг комиллиги ва маданияти табиатга бўлган муносабати билан ҳам белгиланади. Олмон олими И.Кант табиатни инсон ахлоқи билан боғлаб тушунтираркан шундай дейди: «кимники бевосита табиат гўзаллиги қизиқтирса, бу унинг фикрлаш тарзида, йўқ деганда, ахлоқийликка, эзгуликка қобилияти мавжудлигидан далолат беради»¹.

¹ Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга қўтарамиз. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017.- Б. 570.

¹ Кант И. Сочинения в 6 т. Т.5. М., «Мысль», 1966. – С. 314.

Марказий Осиё худудидаги халқлар, шу жумладан ўзбек халқи ҳар қандай шароитда ҳам тежамкорлик маданиятига амал қилади. Бу – меҳнат сарфланадиган барча маҳсулотларга, кундалик ҳаётга тегишлидир. Халқ орасида бу маданиятни қисқача, «увол» деб номлайдилар. Табиат ресурслари бўлмиш сув, тупроқ, ўсимликлардан бемақсад, ҳаддан ташқари фойдаланиш ҳам увол ҳисобланади. Ахлоққа зид ҳаракатлар, яъни одамнинг ҳаддан зиёда еб-ичиши, табиат ашёларидан қатта бойлик орттириш йўлида беаёв фойдаланиши, ўт-ўланларни пайҳон қилиши – буларнинг ҳаммаси увол ҳисобланади. Шунинг учун ўз вақтида жадид мутафаккири Абдурауф Фитрат барчани огоҳликка чакириб шундай ёзган эди: «Вакиллари исроф касаллигига йўлиққан миллат, шубҳа йўқки, нобуд бўлади. Агар олам тарихига назар солсангиз, дунёдаги қавмларнинг нобуд бўлиш сабабларидан бири шу исрофгарчиликдир»². Ҳозирги пайтда борган сари кам ишлатилаётган бу тушунча одамларнинг ким бўлишларидан қатъи назар, барча қатламлари учун баб-баробар тааллуқли. Увол қилмаслик, ҳаддан ошмаслик, тежамкор бўлиш, баъзилар ўйлаганчалик хасислик белгиси эмас. Тежамкорлик юксак даражадаги маънавий маданият белгисидир.

Бу борада халқимизнинг атоқли фарзанди А. Авлонийнинг ҳам она табиатга нисбатан ўсиб келаётган ёш авлодда оқилона муносабат маданиятини шакллантириш зарурияти ҳақидаги қарашлари ҳозир ҳам ўз аҳамияти йўқотмаган.

Абдулла Авлоний меросида табиатга муносабат масаласи ҳам алоҳида аҳамият қаб этиди. Авлоний ўзининг 1904 йилда усули жадид мактабини очади. Ушбу мактабда эса б ойда ўқиш-ёзиш, география, ҳисоб, табиатни ўргатиш йўлга қўйилган³. Авлоний ўз мактабида ёшларга табиатга оқилона муносабатни шакллантириш муаммосни ҳам назардан қочирмаган. Лекин, жоҳилларнинг Авлонийнинг прогрессив қарашларини тушуна олишмаган ортидан унинг мактабини 1908 йилда ёптиришди. Ушбу мактабнинг ёпилиш сабабларини мутафаккирнинг ўзи шундай хотирлаган эди: “Мактабимда ер, одамлар, тоғ-тошлар, дарё, осмон ҳақинда суҳбатлар ўтказмоққа ҳаракат қилганимни Миробод жоҳил кишилари билишиб, мени кофир бўлдинг деб, мактабимни ёпдилар...”⁴. Бу фикрлардан англаш мумкинки, мактабнинг ёпилиши Авлонийнинг табиатшунослик масалаларига ёшларнинг эътиборини кўпроқ жалб қилганлиги билан изоҳланади.

Абдулла Авлоний ватанпарварлик, ватан туйғуси ҳақидаги мулоҳазаларида ҳам инсонларнинг бирор жойга муқим жойлашиб, унга муҳаббат ҳиссини туйиши, ватанининг иқлими, табиати қандай бўлса уни бутун борлиги билан севишини содда, лекин чуқур фалсафий мазмун билан ёритиб беради: “Биз туркистонликлар ўз ватанимизни жонимиздан ортик суйдигимиз қаби, араблар Арабистонларини, қумлик, иссиқ чўлларини, эскимўлар Шимол тарафларини, энг совуқ қор ва музлик ерларини бошқа ерлардан зиёда суярлар. Агар суймасалар эди, ҳавоси яхши, тириклик осон ерларга ўз ватанларини ташлаб, ҳижрат қилурлар эди”¹. Ушбу фикрлар ҳозирги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Шу боис бугунги кунда ҳар бир фуқарода халқимизнинг табиат унсурларига бўлган азалий эҳтиром ва меҳр-мурувватни тиклаш ишини йўлга қўйиш; сувга, ерга, ўсимлик ва ҳайвонот оламига меҳр ва шафқатни ҳар бир ёш фуқарода инсоний маданият тарзида мужассам этиш учун ҳаракат бошлаб юбориш; табиат ва инсонлар эҳтиёжлари асосида пайдо бўлган Наврўз, Меҳржон байрамларини янада мукамал савияга кўтариш, Сув сайили ва Сада байрамларини замонавий ўзанда тиклаш ишларини олиб бориш; Гул байрами ва кушлар байрамини мунтазам, юксак замонавий савияда ўтказишни ташкил этиш; деҳқонларнинг соҳа байрамларини миллий анъаналар асосида, мукамал дастур билан мунтазам ўтказишни йўлга қўйиш; мактабларда экологиядан сабоқ бериш ва бу дарсларда халқимизнинг табиат билан боғлиқ қадимий маданий тадбирлари, анъаналари чуқур ўргатиш; табиатни муҳофаза қилиш жамиятлари, давлат кўмиталари ва экологияга оид барча ташкилотлар бевосита

² Фитрат, Абдурауф. Танланган асарлар: 6 жилдлик. – Т.: Маънавият, 2010. – 136 б.

³ Авлоний А. Танланган асарлар. 2-жилдлик. 1-жилд. – Тошкент: “Маънавият”, 2006. –Б.6

⁴ Абдулла Авлоний. Адабиёт ёхуд миллий шеърлар, ифодаи маҳсуса. 1-жуз, 1-табъ, Ильин литогр., 1909, 1-3 бетлар

¹ Авлоний А. Танланган асарлар. 2-жилдлик. 1-жилд. – Тошкент: “Маънавият”, 2006. –Б.36

фуқаролар билан амалий иш олиб бориши; табиатнинг тўрт муқаддас унсури – ер, сув, нур ва ҳаво доим инсон эъзозиди бўлишига эришиш зарур.

Шунингдек, Абдулла Авлонийнинг ҳар бир миллат ўз тараққиётини таъминлаши учун ўз ватанининг табиий имкониятларидан илм-фан ютуқлари асосида фойдалан олиши муҳим аҳамиятга эга эканлигига ҳам алоҳида диққат қаратиб шундай ёзади: Америкаликлар бир дона бугдой экуб, йигирма кадоқ бугдой олурлар. Ёврополиклар ўзимиздан олган олган беш тийинлик пахтамызни кетуриб, ўзимизга 25 тийинга сотурлар!”². Ушбу фикрларнинг бугунги кундаги аҳамиятини қуйидагилар билан ихохлаш мумкин. Ижтимоий-экологик муаммолар ечимида замонавий инновацион ёндашувлар билан бир қаторда маҳаллий аҳолининг табиатдан фойдаланиш анъаналарига асосланган этноэкологик ёндашувнинг аҳамияти ҳақида республикаимиз Президенти Ш.М.Мирзиёев шундай ёзади: «Халқларимизнинг табиатга унинг бойликларини асраб-авайлаган ҳолда муносабатда бўлиш ва умумий сув ресурсларидан биргаликда фойдаланиш борасида кўп асрлик анъаналарига суянган ҳолда биз ҳақиқатан ҳам улкан натижаларга эришамиз»⁴⁰⁰. Бундан ташқари, БМТнинг 2030 йилгача барқарор ривожланиш бўйича халқаро дастурида белгиланган 17 та «максад»лардан бири «Қуруқлик экосистемаларини муҳофаза қилиш ва тиклаш, улардан оқилона фойдаланиш, ўрмонларни рационал (оқилона) бошқариш, чўлланишга қарши курашиш, ерларнинг деградациясини тўхтатиш ва биологик хилма-хиллик йўқолишининг олдини олиш» вазифалари ечимига йўналтирилган⁴⁰¹. Мазкур вазифалар ечими демографик юки оғир, табиатга кўрсатилаётган антропоген босим миқдори юқори бўлган минтақаларда янада долзарб аҳамият касб этмоқда.

Абдулла Авлонийнинг лирик меросида ҳам табиатга мулоаббат масаласи ҳам кенг ўрин олган. Жумладан, мутафаккирнинг “Баҳор”, “Ёз”, “Куз”, “Қиш”, “Гулистондан бир нарса”, “Баҳор келди” каби шеърларида ватан табиати, ундаги фаслларнинг жозибадорлиги жуда юксак поэтик маҳорат билан тасвирлаб берилган. Шунингдек, Авлоний “Иккинчи муаллим” китобини “Йилнинг фасллари”, “Ёз фасли”, “Куз фасли”, “Қиш фасли”, “Баҳор фасли” кичик бўлимларида йил фаслларининг ўзига хос хусусиятларини болалар учун содда тилди баён этади³.

Авлоний экологик ҳолатнинг инсон ва ҳайвонот олами генофони учун муҳимлиги ҳақида ҳам ўзининг қисқа, лекин лўнда мулоҳазаларини баён этган. У шундай таъкидлайди: “Ифлослик балосидан поклик давоси ило қутулмоқ керак. Балиқнинг ҳаёти сув ила ўлдиги каби, инсоннинг саломатлиги ҳаво иладир”⁴. Ушбу фикрлар ҳам бугунги кун учун ҳоятда долзарбдир. Зеро, кейинги йилларда энг оғриқли глобал экологик муаммолардан бири сифатида ҳаво муҳитининг ифлосланиб, иқлимнинг ўзгариб бориши муаммоси юзага келди. Шунингдек, бугунги кунда инсониятга чучук сув захираларининг камайиб бориши, Орол денгизининг қуриши, экиладиган ерларнинг эрозияга учраши, ўрмонларнинг кесилиши, биологик хилма-хилликнинг йўқолиб кетиши, дарёлар, денгизлар ва океанлар сувларининг шафқатсизларча ифлослантирилаётгани каби глобал экологик хавфлар таҳдид солмоқда. Бу каби камчиликлар атроф-муҳитнинг ҳолатига салбий таъсир этиб, экологик мувозанатнинг бузилишига олиб келмоқда. Мана шу сабаблар нафақат табиий муҳитни, балки ижтимоий муҳитни ҳам ёмонлаштирмоқда.

Кундалик ҳаётимизда кўпинча локал экологик муаммоларнинг юзага келишига экологик норма ва меъёрларнинг кўпол равишда бузилаётгани, экологик маданият даражасининг пастлиги сабаб бўлмоқда. Оламдаги барча мавжудотларнинг соғломлиги, барқарор тараққий этишида ҳаво, сув, тупроқнинг мусоффолиги муҳим ўрин тутаети. Мамлакатимиз миқёсида ҳар учала табиат ҳодисасига хос локал экологик муаммолар

² Авлоний А. Танланган асарлар. 2-жилдлик. 1-жилд. – Тошкент: “Маънавият”, 2006. –Б.36

⁴⁰⁰ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Турманистоннинг Туркманбоши шаҳрида бўлиб ўтган Оролни қутқариш халқаро жамғармаси таъсисчи давлатлар раҳбарлари кенгашининг мажлисидаги нутқи. Халқ сўзи газетаси, 2018 йил 25 август, № 173 (7131).

⁴⁰¹ Повестки дня в области устойчивого развития на период до 2030 года //Электронный доступ: <http://www.uz/undp/org/content/uzbekistan.ru>

³ Авлоний А. Танланган асарлар. 2-жилдлик. 2-жилд. – Тошкент: “Маънавият”, 2006. –Б.24-25

⁴ Авлоний А. Танланган асарлар. 2-жилдлик. 2-жилд. – Тошкент: “Маънавият”, 2006. –Б.44

мавжудлигини кўришимиз мумкин. Шунингдек, статистик маълумотлардан мамлакатимиз фуқароларининг атроф-муҳитга ўтказаетган босимининг салбий натижаларини сезиш, англаш қийин эмас.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, жадид мутафаккири, маърифатпарвар бобомиз Абдулла Авлоний ўзининг ижтимоий-фалсафий, педагогик қарашларида ўз аксини топган ёш авлоднинг табиатшунослик борасидаги билимларини ошириш, уларнинг табиат қонуниятларига монанд фаолият олиб бориш, табиат-жамият-инсон муносабатларини теран англаш, жамиятнинг экологик онги ва маданиятни юксалтириш муҳим вазифа эканлиги борасидаги фикрлари бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган.

ИСЛОМ МАДАНИЯТИНИ БЕЛГИЛОВЧИ АЙРИМ ТАМОЙИЛЛАРИ ХУСУСИДА

Насиба Эхсонова

*Фаргона вилояти, Беширик тумани ХТБ тасарруфидаги
48-умумий ўрта таълим мактаби ўқитувчиси*

Ислом маданияти ўз мазмуни, моҳияти ва назарияси билан нафақат дунё динларини охиргисигина эмас балки мукамал диний-фалсафий системадир. Ислом маданияти инсонни ижтимоий маданий ҳаёт борлигини муайян модели ҳисобланади. Шу жиҳатдан Ислом ҳар бир мусулмон учун этиқод бўлиб қолмасдан, балки турмуш тарзи, тафаккур соҳаси, яшаш усули ҳамдир. Сиёсий соҳада Ислом давлатчилик шаклини, ижтимоий устқурмасини ифодалайди. Ҳозирги даврда унинг воқелиги: “Ислом давлатчилиги”, “Ислом фуқаролик жамияти”, “Ислом демократияси” феноменлари, тушунчаларида намоён бўлмоқда. Ҳуқуқий муносабатлар жиҳатидан Ислом давлатчилиги фундаментал ҳуқуқий асосларга эга бўлиб, шахсни ижтимоий ҳаётдаги ҳуқуқ ва бурчларни тартибга солувчи восита ҳисобланади. Албатта, Ислом маданиятида муайян ахлоқий тизимлардан иборат ва уларнинг таркибида ахлоқ, маънавий, ҳулқ атвор меъёрлари, турли хил тақиқлар шаклланган.

Ислом динини бундай қабул қилиш учун қатор ўзига хос асослар мавжуд:

1. Исломни эътиқод сифатида нисбатан ёшлиги-янгилиги бошқа жаҳон динларига нисбатан анча кейин вужудга келган бўлсада: биринчидан, у ўтмишдаги кўплаб динларнинг гоёларини ўз ичига сингдириб олди, балки уларни синтезлаштирди, иккинчидан, Ислом ўзининг барча имкониятларини батамом ишлатиб бўлгани йўқ, у юксалиш ва кўтарилиш босқичида турибди.

2. Исломнинг дин сифатида ҳаётийлиги. Бу дин диндорларни марказлашган ташкилотига ёки “черкови”га эга бўлмаган ҳолда у тарқалган халқлар ва маданиятларнинг урф-одатлари ва анъаналари билан қўшилиб-уйғунлашиб кетган.

3. Исломни оммавийлиги. Ислом эътиқод қилувчиарни ҳаётий фаолиятини ҳамма соҳаларини қамраб олган на фақат эътиқод сифатида, балки иқтисодий, сиёсий, ижтимоий қурилма ҳисобланади. Ислом турмуш тарзи сифатида, амалда одамларни дунё қараши ва ҳулқ-атворини бутунлай белгилайди.

4. Ислом динини оддийлиги ва ҳаммабоб тушунарлиги. Исломни оддий соддалиги, биринчидан, ибодат қилишнинг тушунарли ва соддалиги, иккинчидан, сизинишнинг ҳаммабоб халқпарварлиги Ислом, имкони борича, мумкин қадар маҳаллий шароитларни ва индивидуал имкониятларни ҳисобга олади.

5. Ислом динида Оллоҳни ягоналиги гоёси. Ислом ақидаларга биноан, ўтмишидаги ҳамма пайгамбарлар ва муқаддас китоблар эътироф қилинади, шу билан бирга Муҳаммад (с.а.в.) Оллоҳ томонидан охирги пайгамбар ва у инсониятга бузук гоёлардан тозаланган илоҳий ҳақиқатни етказди. Исломни бошқа динларга нисбатан алоҳида ҳолати шундан келиб чиқади.

6. Ислом диний таълимотини мусулмон шахси билан батомом мувофиқ қилиши. Мусулмонлар, ўзи яшаётган мамлакат қаерда бўлишига тили ва маданият қарамасдан, эътиқот бўйича биродарлар ҳисобланади.

7. Исломни ахлоқийлиги Ислом маънавий-ахлоқий таълимот сифатида юзага чиқади, унга барча ахлоқий ва маънавий меёрлар сингиб кетган, уларга мусулмон киши албатта риоя қилиши керак.

8. Адолатпарварлик ижтимоийликни моҳияти сифатида Ислом динида алоҳида ўрни тутади. Ислом ҳамма соҳаларда инсон ва жамиятни антологик борлигини бошланиши сифатида адолатпарварлик принципига амал қилиши зарур.

9. Исломни ҳалқпарварлиги. “Исломда биринчидан, дунёқараш сифатида, диндорларни тенглиги, эркинлиги ва ҳуқуқларга роия қилиш принципларига асосланади, иккинчидан эса, - динда мажбур қилиш йўқ” деган тамойилни, яъни виждон эркинлиги тамойилини эълон қилади.¹

Ҳозирги замон исломшунослари, аввало Қуръон, сунна, шариатга таянган ҳолда Исломни замонавийлаштиришга интилоқдалар. Ҳуқуқ, ахлоқ, дин ва бошқа соҳалар билан бир қаторда иқтисодий-тадбиркорлик борасида ҳам ислохатлар ўтказиш зарурлиги тўғрисидаги диний-фалсафий қарашлар ривожланиб бормоқда.

Мисол учун иқтисодий соҳада Исломнинг банк тизимига ва савдо ҳамкорлиги, жамиятни ривожлантириш учун молиявий маблағлардан фойдаланиш борасида Ислом тараққиёт банки фаолиятини кўрсатиш мумкин.

Ҳозирги ислом фалсафаси ва тадбиркорлиги тарафдорлари тадбиркорлик маслагини жуда кенг тарзда шарқлашга интиладилар. Масалан “арабизм фалсафаси”нинг вакили соти ал-Хуср бу ҳақда шундай ёзади: Биз учун барча соҳаларда тез суратда янгиланиш зарур аъмаънавий, моддий, шунингдек ижтимоий йўналишларда ислохатлар талаб қилинади, деб ёзади у. Янгиланиш ҳамма соҳаларда: тил ва адабиётда, тарбия ва ҳуқуқда, фан ва санъатда, сиёсат ва маданиятда, қишлоқ хўжалигида, саноат ва савдода амалга оширилиши керак. Ҳамма жойда янгиланиш -уйда ва мактабда, қишлоқ ва шаҳарда кўчада ва ҳавлида. Бир сўз билан айтганда, янгиланиш ҳамма вақта ва ҳамма жойда бизнинг шиоримиз бўлиши даркор. Бунинг учун ҳар бир инсон тадбирли, ишда ва юришда ақлли, фаолиятда тадбиркор бўлиш талаб қилинади, деб ёзади ал-Хури. Шу билан бига, ал-хуср, янгиланиш йўлини диний ислохатчилардан фарқли равишда, бу йўлни самарали йўли на фақат исломни модернизациялашдангина иборат эмас, балки гарб цивилизацияси ютуқларини ўзлаштириш, гарб тадбиркорлигини эгаллаш, унинг энг илгор, прогрессив шакллари ва энг яхши манбаларини ўрганиш ва тадбиқ этишдан иборат бўлиши лозим.¹

Ҳақиқатдан ҳам, ҳозирги исломшунос тадқиқатчилар қайд қилаётганларидек, исломни ичдан ва ташқаридан тадқиқ қилиш зарур. Ҳақиқатдан ҳам, агар Исломга қандайдир ижтимоий-иқтисодий, сиёсий доктрина ёки диний концепция деб қаралса уни модернизациялашуви ва трансформациялашувининг диний-гоявий манбаини кўраимиз.

СТАРТ ИСЛАМА КАРИМОВА - СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ КУЛЬТУРЫ ПУТЁМ ИННОВАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ ИСЛАМСКОГО ОБРАЗОВАНИЯ - БАЗА НЫНЕШНИХ ДНЕЙ

*Галиева А.И., 3-курс обучения по направлению
«Организация и управления учреждениями искусств и культуры»
Научный руководитель - Юлдашева М.Б.,
доцент и преподаватель кафедры «Организация и управление
учреждениями искусств и культуры», ГИИКУЗ, г.Ташкент*

Аннотация. В статье даётся значение исламского образования с ракурса инновационных технологий, сменившие облик с обретением независимости, процессу

¹ Жданов Н.В. Ислом на пороге XXI века. - М.: 1989. -С.57

¹ Сейд Мухаммад Хатами. Диалог цивилизаций: - М.: 1992. -С. 104

которого дал начало И.Каримов. В работе есть анализ современного религиозного образования, дающий объяснение новому веку информированности и технологий. Также излагаются нововведения исламском образовании новейшей истории.

Ключевые слова: толерантность, независимость, культурное образование, высококвалифицированные кадры, ремесло, инновация.

«Необходимо мобилизовать силы и помочь просвещенному, толерантному исламу самому противостоять тем воинствующим фанатичным силам, которые пытаются доминировать в исламе» - первый президент Узбекистана **Ислам Абдуганиевич Каримов**.

Одной из главных заслуг Ислама Каримова с первых лет независимости Узбекистана принято считать спасение и сохранение Республики и системы управления. На всём периоде своего правления он занимался укреплением силовых подразделений, на этом был большой ракурс его опоры. Этим он поднимал силу мощи управления многонациональным в регионе государством. В этом понимании особенно широко осмысливается фактор защиты государства, а окруженное защитой государства – это та, стабильность, которая проявляется в здоровом мышлении граждан: здравоохранение, финансовое состояние, образование и другое.

Президент страны следующим образом озвучил позицию государства по отношению к исламу: «Мы высоко ценим нашу священную религию и исламскую культуру как неотъемлемую часть мировой цивилизации, истории развития всего человеческого, как основной фактор и критерий духовного очищения, укрепления в сознании людей таких вечных ценностей, как стремление к мирной и спокойной жизни, толерантность в межнациональных и межрелигиозных отношениях, чувства взаимного уважения и согласия» [1].

Касательно образованности населения, то в данной статье пойдет речь о культурном образовании, ведь в первую очередь культурное образование – это духовное просвещение и общекультурный уровень образованности страны.

Теперь немного об исламском образовании, умеренном конструктором которого стал И. А. Каримов.

С приходом независимости почти при каждой мечети создавались «курсы по изучению Корана» или иные религиозные школы. Общее число исламских учебных заведений (медресе) по Узбекистану в 1992 г. превышало 100. Из них только 20 находились в непосредственном ведении Управления мусульман Узбекистана [2].

На сегодняшний день в конфессиональном образовании и просвещении ведётся начало совершенствования подготовки кадров в условиях таких формаций Узбекистана как: социально-культурные, экономические и политические. Вопросы нравственно-духовной самореализации молодёжи страны в современном узбекском понимании не отстают от былых лет. Первоосновой этого хорошего показателя является первый президент Республики Узбекистан Ислам Каримов. Да, предотвращение идеологических угроз и поддержания святой веры передалось с молоком матери юному поколению и, теперь, уже будучи самореализованным и независимым государством молодёжь тянется непосредственно к исламскому образованию. Это в свою очередь отражается на численности вероисповедующих.

Конечно же, рост количества верующих подразумевает под собой обучению исламом, а это значит - возвеличивание несколько больших цифр учебных заведений и увеличение преподавательского сегмента. Для реализации этой структуры первостепенно необходимо подготовить очень мобильных (а в свою очередь это предполагает высококвалифицированных) кадров. Они должны соответствовать прерогативам современности для реализации ориентации непосредственно конфессиональной, которая диктуется в развитии и эволюции современного общества.

Как можно было бы заметить, проблема ограниченности компетентных религиозных служащих в сфере образования, появившаяся из-за хаотичного реформирования религиозных организаций (медресе и мечетей) является невозможностью высокоорганизованного сопротивления возникновению религиозных экстремистских идеологий.

Во время правления Ислама Абдуганиевича Каримова особое внимание уделялось сопоставлению организационной постройки общеустановленной модели ислама с непринятыми идеологиями и, опять же осуществлению масштабного разъяснительного лозунга населению, передающего, с одной стороны, направленность и сущность нравственно-духовной аксиологии ислама, а с другой стороны - изъянов экстремистской идеологии, что и ослабляло позиции ислама и культурного возрождения в целом.

Независимый Узбекистан стал соблюдать два критерия (две позиции) при проведении религиозной политики:

1. Знатность государства; 2. Толерантное обращение со всеми религиями, устремлённость к построению с религией созидательного общения.

В упорядочении религиозной структуры особенным сдвигом стало проведение национальной перерегистрации абсолютно всех религиозных учреждений и, конечно же, в их числе конфессиональных учебных организаций.

Новшества в религиозном контексте явили нации довольно таки не малое количество религиозных, компетентных кадров высококвалифицированного профиля.

Конечно же, в любом современном государстве должны быть женские учебные заведения. И в независимом Узбекистане они есть. Например, Ташкентский исламский институт, в котором два из десяти среднеспециальных исламских учебных заведений являются женскими. На сегодняшний день особо популярным учебным заведением является Высшее медресе «Мир Араб» в г. Бухаре, которое было открыто по инициативе нынешнего президента страны Шавката Мирзиёева в 2017 г.

Безусловно, студентов исламских учебных заведений нужно обучать всесторонне. Это достигается путём обучения их национальным промыслам и искусным ремёслам - художественному орнаменту, резьбе по дереву, золотошвейному искусству, ковроделию, каллиграфии, кройке, шитью и многим другим. В первую очередь это развивает творческий потенциал учащихся, а далее влияет на мышление и успеваемость в целом.

Библиотеки оснащены нужной литературой. Это: книги о религии, политике, научные и просветительские пособия.

Начиная периода правления Ислама Каримова пошло внедрение технических средств, для процесса обучения, а материально техническая база мобилизовывалась изо дня в день. С огромным размахом начали внедряться классы с компьютерами, что в первую очередь повлияло на техническую мобилизованность и грамотность молодёжи. Приумножилось проведение олимпиад всех дисциплин с 2002/03 учебного года [3]. И сейчас благодаря Исламу Каримову мы имеем высокоорганизованное светское государство, эстафету правлением которого взял Шавкат Мирзиёев, усилиями которого также продолжился возрождающийся интерес к современному обществу у молодого поколения. Возвышающийся интерес к религиозной образованности характеризуется переменой политической точки зрения, реализованной Шавкатом Мирзиёевым, который не менее толерантно относится к верующим.

Как наблюдается, наше общество (расположено в зоне яркого совершенствования информатизации и технической мысли) испытывает ограниченность в доброте, сострадании, толерантности. Межнациональные споры, конфликты и распри, недопонимая в семье, в социуме, противоречия в руководстве, конкурентная нестабильность, неуважение и агрессия с соседями – вот то, что не может компенсировать высокотехнологичное, инновационное образование, это то, что ни на есть полное отсутствие толерантности в социальных взаимоотношениях. Почему возникает такое проявление? Оно появляется по разным причинам. Обычно, люди таким способом пытаются продемонстрировать своё величие над согражданами, возвыситься в глазах общества. Современной учёбе идёт тенденция

самоутверждения за место ближних, но это возвращается законом бумеранга. Правильная личность не допустит опущения кого-либо ниже себя и, уж ни в коем случае не возвысит своё самоощущение за счет другой личности. Вот что значит настоящее образование ислама.

Несмотря на усиление влияния религии на общественные процессы и активизацию роли исламской социальной педагогики, большинство жителей Узбекистана предпочитают светскую форму образования для собственных детей и всего подрастающего поколения.

Целью изучения богатого историко-культурного и духовного наследия ислама в светских учебных заведениях Узбекистана является не удовлетворение своих национальных амбиций и не сохранение отсталых традиций и обычаев, а возрождение и развитие тех созидательных принципов, которые способствуют прогрессу и объективному осмыслению прошлого и настоящего.

В эпоху глобализации представители ислама Узбекистана не против диалога с представителями других культур и конфессий, не против полезных для общества заимствований, но за сохранение индивидуальности и самобытности [4].

Обобщая вышесказанное нужно сказать, что ключевой позицией в структуре государственного развития является религия, образование. Это продемонстрировал первый глава узбекского государства Ислам Каримов, тем что адекватные взаимоотношения власти государства и религиозной направленности граждан играют главенствующую роль в стабильного развития своего народа. Конечно же, это отразилось и в исламском образовании, которое на сегодня стоит на развитии духовного бытия узбекской молодёжи, да и молодого поколения за рубежом.

Список используемой литературы:

1. Каримов, И. А. Либерализация общества, углубление реформ, повышение духовности и уровня жизни народа - критерий и цель всей нашей деятельности. Т. 15. Ташкент : Узбекистан, 2007. С. 171.
2. История исламской культуры // arzamas.academy URL: <https://arzamas.academy/courses/58> (дата обращения: 09.02.2020). Управление мусульман Узбекистана (на узбекском, английском, русском, арабском языках). – Ташкент, 2014. – С. 78–93
3. Управление мусульман Узбекистана (на узбекском, английском, русском, арабском языках). – Ташкент, 2014. – С. 78–93
4. ИСТОРИЯ ИСЛАМСКОЙ КУЛЬТУРЫ И ЕЕ ИЗУЧЕНИЕ В СОВРЕМЕННОМ УЗБЕКИСТАНЕ // cyberleninka URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/istoriya-islamskoy-kultury-i-ee-izuchenie-v-sovremennom-uzbekistane> (дата обращения: 02.09.2020).

ИСЛОМ МАДАНИЯТИДА ИНСОН БАРКАМОЛЛИГИ МАСАЛАЛАРИ

Нематуллаев Давлатилло, ФарДУ талабаси

Ҳозирги вақтда ўтмиш авлод–аждоларимиз колдирган маънавий–ахлоқий мерос ва кадриятларни назарий–фалсафий жихатдан ўрганиш, ва уларни ёшлар онгига сингдириш долзарб вазифалардан биридир. Зеро, XXI асрда инсониятга хавф тугдирувчи таҳдидлар кучайиб бораётганлиги ҳеч кимга сир эмас. Ядро қуроли хавфининг олдини олиш, турли экстримистик чиқишлар, ақидапарастлик, мутаасиблик, терроризм, гиёҳвандлик, бузгунчи ва вайронкор гоёларга қарши курашиш бугунги кундаги энг долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Республикамизнинг бир тузумдан иккинчисига, яъни мустақил, адолатли тузумга ўтиши билан боғлиқ қийинчиликлар, вақтинчалик иқтисодий танглик ва бошқа объектив ва субъектив сабаблар туфайли одамларнинг муайян қатламида меҳр–шафқат, одамийлик, раҳмдиллик, ўзаро ёрдам меҳр–оқибатнинг бирмунча сусайиши кузатилмоқда, нафсга берилиш, алдамчилик, фирибгарлик голатлари

тез–тез учраб турибди. Бу ҳол, табиийки, одамлар орасида жиддий ташвиш тугдирмоқда⁴⁰². Айниқса, Ғарб мамлакатларида шахсиятпарастлик, фақат ўз манфаати ва фаровонлигини ўйлаш устуворлик қилмоқда. Буларнинг барчаси инсонпарварлик анъаналарини ёшлар орасида кенг тарғиб ва ташвиқ қилишни кучайтиришни тақозо этмоқда. Тарихга назар солсак, ислом дини инсон ва инсонпарварлик масаласига алоҳида эътибор қаратади. Қуръони Каримда инсонни Аллоҳ томонидан яратилганлиги, унинг яшашдан мақсади, бошқа жонзотлар ичида халифа эканлиги, унинг бу дунёда қиладиган хайрли ишлари, солиҳ амаллари, инсонпарварлиги, мусулмонларнинг бир–бирига ўзаро ёрдами, салбий иллатларни қоралашва шу каби кўплаб масалалар ҳақида фикр юритилади. Ислом динининг муқаддас китобида айтилишича, Оллоҳ инсонни ер юзида халифа қилиб яратган, барча фаришталар, иблисдан ташқари, тирик мавжудотлар ва жониворлар унга бўйсунди. “Дарҳақиқат, (Биз) Одам фарзандларини (азиз ва) мукаррам қилдик ва уларни қуруқлик ва денгизга (от–улов ва кемаларга) миндириб қўйдик ҳамда уларга пок нарсалардан ризқ бердик ва уларни ўзимиз яратган кўп жонзотлардан афзал қилиб қўйдик”⁴⁰³. Худо нафақат тирик жониворлар, барча жонзотлар, балки Еру осмонда мавжуд бўлган қуруқлик ва денгизларни одам измига бўйсундириб қўйди. Борлик ва табиатда Аллоҳ нимаики яратган, бунёд қилган бўлса, ҳоҳ сайёралар бўладими, буларнинг ҳаммаси Инсон ва унинг фаровонлиги, солиҳ амалларни бажариши учун кўзланган. Модомики шундай экан, у ношукур бўлмаслиги, қуфр ва гуноҳ ишларни қилмаслиги, бошқаларга озор етказмаслиги, раҳмдил ва меҳр–шавқатли бўлиши даркор. “У сизлар учун Ерни пайондоз, осмонни “бино” қилб қўйди ва сизларга ризқ сифатида мевалар ундирди. Бас, билиб туриб Аллоҳга (ибодатга) бошқа (сохта маъбуда)ларни тенглаштирмангиз”⁴⁰⁴. Умуман олганда, Қуръони Каримда дунёвий масалаларга катта эътибор берилади. Инсон охиратда дўзах азобларидан фориғ бўлиб, жаннатда роҳат ва фарогатда бўлишни истаса, такводор, иймонли ва эътиқодли бўлиш билан бирга инсонпарварлик, эзгулик, яхши ва солиҳ амаллар билан машғул бўлиши, хайр–эҳсон қилиши, мухтож ва гарибларга ёрдам бериши, ўзгалар билан ҳамжиҳатликда, тинчликда яшаши лозим. Қуръони Каримда яхши ва солиҳ амаллар 31 марта, эзгу ишлар 12 марта, хаёр–эҳсон, садақа, меҳр–шафқат 40 марта, ҳидоят йўли 5 марта тилга олинади. Шулардан кўриниб турибдики, ислом динида инсонпарварлик, одамийлик, хайр–эҳсон, меҳр ва мурувват ишларига асосий эътибор қаратилади.

Умуман олганда, ислом маданиятида одамларнинг феъл–атвори, қилиқлари, жамиятга келтирган фойда–зиёни, катталарга, ота–онага муносабати, нафсини тийиши ёки тамагирлиги, очкўз ва баднафслиги, хушмуомалалиги, меҳр–оқибатлилиги, хулқ–одоби, билимдонлиги ёки нодонлиги, одамийлиги ёки ситамгарлиги, ростгўйлиги ёки фирибгарлиги, олийҳимматлиги ёки пасткашлиги, сахийлиги, бойликка ружу қўйиши, фаҳм–фаросатлиги, аёлларга муносабати, багрикенглиги, ҳасадчи ва гийбатчилиги ва бошқа ҳатти–ҳаракатига қараб яхши ва ёмонга бўлинади.

Диёримизда ҳадис илмининг йирик вакиллари, муҳаддислар етишиб чикқан. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал–Бухорий (810–870), Абу Исо Муҳаммад ибн Исо ат–Термизий (824–892), Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Абд ар–Раҳмон ад–Доримий ас–Самарқандий (797–868) ча бошқалар ҳадисшуносликка катта ҳисса қўшганлар.

Ҳадисларда ўз даромадидан бева–бечораларга эҳсон қилувчи, хокисор, камтар ва ифбатли кишилар, умуман ўзида бутун инсоний хислатларни тўплаганлар яхши ҳисобланади. «Нуксонсиз бўла туриб камтарин, ўзини ўта мискин тутмаган ҳолда паст тутувчи, ҳалол йўл билан тўплаган молларидан эҳсон қилувчи, ифбатли, илму ҳикмат аҳли билан аралашиб юрадиган, мискин ва бевабечораларга раҳму шафқат қиладиган одамга кўп яхшиликлар бўлур. Ўзини камтарин олиб юрувчи; ҳалол касб қилувчи, қалби пок, кўриниши ёқимли, одамларга ўз ёмонлигини етказмай юрадиган кишилар нақадар

⁴⁰² Ҳ. Алиқулов. Гумвнистик мерос ва шахс маънавий камолоти. Фалсафа ва ҳуқуқ институти. Тошкент–2006йил. 4–бет.

⁴⁰³ Қуръони Карим маъноларининг таржимаси. “Ал–Исро” сураси. –Т.; Тошкент Ислом университети нашриёти, 2001. 289–бет.

⁴⁰⁴ Ўша китоб. “Бақара” сураси. 4–бет

яхши! Илмга амал қиладиган, ортиқча дунёсидан хайру эҳсон қиладиган, беҳуда гапдан тилини тиядиган кишилар нақадар яхши кишилардир».

Ислом маданиятига оид қимматли фикрлардан яна бири бу етим–есирларга меҳр ва мурувват, хайр–эҳсон кўрсатиш ва ёрдам беришдир. Бу инсонпарварлик ва одамийликнинг юксак кўринишидир. Қуръони Карим ва ҳадисларда етимнинг молига кўз одайтириш қаттиқ қораланади ва гуноҳи азим ҳисобланади. Аксинча, етимлар, бева–бечораларни парвариш қилиш, уларни қўллаб–қувватлаш ва ёрдам бериш савобли ва солиҳ амаллар сирасига киради.

Ислом динида эътибор берилган масалалардан бири фарзандларнинг ота–онага муносабатидир. Ушбу масала Қуръони Каримнинг бир неча сураларида ўз аксини топган. Ота–она қариб қолганида уларга қараб «уф» тортиш ёки уларни сўзларини қайтариш катта гуноҳдир. Аксинча, уларга меҳрибонлик қилиш ва ҳақларига дуо қилиш эзгу ва хайрли ишлар сирасига киради. Ота–она фарзанд томонидан доимо эъзозланиши, уларни ризолигини олиши Аллоҳ томонидан амр этилади. Қуръони Каримдаги фикрлар ҳадисларда ҳам такрорланади. «Ота–онангга итоат қил, агар улар дунёдан воз кеч, десалар ҳам ҳурматлари учун буйруқларини ижро қил!», дейилади Имом Бухорий тўплаган ҳадисларда. Ат–Термизий ҳадисларининг бирида шундай дейди: «Баҳз ибн Ҳаким айтишича, унга отаси, бобоси шундай ривоят қилган: «Ё расулуллоҳ, дедим, кимга эзгулик қилай?» Расулуллоҳ: «Онангга», дедилар. «Яна кимга?», деб эдим, «Онангга», дедилар. «Яна кимга?», дедим. «Отанга», дедилар, ундан кейин барча яқинларга», дедилар».

Ислом маданиятида билимдонлик, илм–маърифатни эгаллашга алоҳида эътибор қаратилади. Чунки, у яхшилик, одамийлик ва доноликнинг белгисидир. Қадимдан инсонлар илм–маърифатга интиланлар, жаҳолатпарастлик, нодонлик ва саводсизликни қоралаганлар. Умуман олганда, олимларнинг ҳисоблашича, Қуръони Каримда илм тушунчаси 750 марта, ақл атамаси 50 марта ва ақл эгалари тўғрисидаги фикр 10 марта такрорланади.

Юқоридаги фикрлардан шуни хулоса қилиш мумкинки, ислом тафаккури тарихида, Қуръон ва ҳадисларда инсонпарварлик, эзгулик, солиҳ амаллар, одамийлик, багрикенглик гоёларига кенг ўрин берилган. Уларда ёвузлик, зулм, истибдод, жаҳолат ва нодонлик, ҳақсизлик ва адолатсизлик каби инсонийликка зид ҳатти–ҳаракатлар қораланган. Тарихга назар солар эканмиз, буюк алломаларимизнинг баркамол инсон ва уни тарбиялаш ҳақидаги бебаҳо фикрларини инсонпарварлик гоёларида кўришимиз мумкин.

СПОРТ-ТУРИЗМНИНГ АСОСИЙ ТУРЛАРИ ВА УЛАРНИ САМАРАЛИ ҚЎЛЛАШ ИМКОНИЯТЛАРИ

Ахмедов Низом Иззатович

Бухоро шаҳридаги 17-умумтаълим мактаби ўқитувчиси

Спорт туризми- туризм соҳасининг сўнгги вақтларда анча катта аҳамият касб этиб бораётган йўналишларидан бирига айланиб бормоқда. Уни кўпинча спорт-соғломлаштириш туризми деб ҳам номлашади.

Рельефнинг турли-туманлиги, иқлим шароитлари, табиий ландшафтлар спорт-соғломлаштириш рекреацион туризмнинг асоси сифатида хизмат қилади. Уларнинг айримлари оммавий характерга, масалан, чўмилиш-пляж туризми, айримлари эса махсус жисмоний тайёргарликка ва йўналишга эга бўлган спорт турлари билан шугулланиш имкониятини берувчи хусусиятга эга бўлади. Бунақа туризм кўпинча ҳаёт учун хавфли бўлиши ҳам мумкин. Шу сабабли ҳам уни саргузашт ва авантюра туризми деб қаралади. Бирорта бошқа туризм шаклида спорт-саргузашт туризмида бўлганидек ўзбошимчалик кузатилиш эҳтимоллиги жуда камдир.

Унинг таркибида махсус қурилмалар ва хизмат кўрсатиш жуда қимматбаҳо бўлганлиги сабабли ҳам, уларни элитар, сердаромад миқозларга йўналтириладиган туризм

шакли алоҳида ажралиб туради. Масалан, **чўмилиш-пляж туризми** дунёда машхур 3 та дам олиш турларидан бири ҳисобланади. Туристларнинг 3/4 қисми ўз таътилларини сув яқинида-дарёлар, кўллар, денгиз бўйида ёки денгизда сузиш шаклида ўтказишни маъқул кўришади. Сувда дам олиш турлича рекреацион машгулотлар: чўмилиш, куёш ваннаси қабул қилиш, соҳилда саёҳат қилиш, спорт ўйинлари, сёрфинг, қайиқда, катерда, сув чангиси ва велосипедларида сузиш, сувостига шўнгиш, балиқ ови ва бошқалар кўринишида амалга оширилиши мумкин. Сувости туризми ҳам, қурилмалари нархи қиммат бўлишига қарамай, анча оммабоп туризм тури ҳисобланади. Бунда сувости дунёси билан танишиш, фотооув, сувости ови, денгиз организмларини, чиганоклар, маржон ва марваридларни териш назарда тутилади. Аквалангда сувостига шўнгиш дайвинг деб номланади.

Спорт-саргузашт туризмнинг яна бир оммалашган йўналиши- бу соғломлаштиришни, жисмоний чиниқишни кўзда тутувчи **саёҳат** ҳисобланади. У пикник-туризм, табиат пейзажларини томоша қилиш ва улардан баҳраманд бўлиш қабиларни ўз ичига олади. Унда кўзикорин, гуллар, денгиз моллюскалари, кораллар, қимматбаҳо минераллар ва тошлар, табиатнинг турли бойликларини териш, капалаклар, кўнгизлар тутиб, коллекциялаш, гербарий тузиш қабилар кўзда тутилади.

Маршрутли туризм- малакали ва ишқибозлик асосида бўлиши мумкин. Маршрут туризми авваллари 4 турни қамраб олар эди: пиёда юриш, чангида учиш, сув маршрути ва велосипедли маршрутлар. Кейинчалик улар қаторига мото- ва автотуризм ҳам қўшилди. Бу туризм шаклида кўпинча текисликда ва тоғларда амалга ошириладиган саёҳатларни фарқлантирилади. Тоғ туризми қоялар, горлар пейзажининг юқори эстетиклиги билан, бироқ қийинчиликлари, жисмоний юкламанинг юқорилиги билан ҳам жозибадордир. Туризмнинг бу турида инсон томонидан кам ўзлаштирилган, шовқин-суронли шаҳарлардан анча узоқда бўлган территориялар анча жозибадор ҳисобланади.

Ов туризми-турли кўринишда амалга ошириладиган, асосий мақсад нафақат жониворларни овлаш, балки фото-кино ёки видеоов турларини ҳам қамраб олади. Жониворларни овлаш жараёни айнан табиатга зарар етказмаслик қондасига риоя этишни талаб қилади. Бунда албатта лицензиялаштириш тизими амал қилади. Ов-туризмнинг ўртача нархи бир овчи-туристга 200 АҚШ долларига тўғри келар экан.

Тоғ чангиси туризми сўнгги уч ўнйилликда жуда катта тезликда ривожланмоқда. У кишда энг кенг фойдаланиладиган ягона оммавий спорт ва дам олиш тури ҳисобланиб, модага айланиб улгурди.

Ҳатто кишки олимпиада ўйинларининг айнан тоғ зоналарига бой бўлган ҳудудларда ташкил этилишини яхши биламиз.

Альпинизм- тоғ туризми тури бўлиб, чўққиларга интилиш ва чиқишни қамраб олади. У иштирокчилардан яхшигина жисмоний тайёргарликка эга бўлишни талаб қилади. У 1786 йилда Альп тоғларининг баландлиги 4807 метр бўлган Монблан чўққисини забт этган швейцарияликларнинг фаолияти билан боғланади. Альпинизмнинг хатарлилик даражаси юқорилиги сабабли ҳам уни оммавий туризм турига киритишмайди.

Шунингдек, горларни тадқиқ этувчи **спелеотуризм** ҳам машхурдир. У кўпинча горларни илмий жиҳатдан тадқиқ этишни кўзда тутувчи фаолият тури билан параллел олиёуб борилади. Кўплаб горлар қадимда одамларнинг яшаш жойлари бўлганлиги, диний маросимлар ўтказиладиган ҳудуд бўлганлиги ва асосан улар томонидан турли ёзувлар, расмлар тарихий ёдгорлик сифатида қолдирилганлиги учун ҳам машхурдирлар.

Биз юқорида айнан жозибадорлиги билан ажралиб турадиган спорт-соғломлаштириш туризми турлари билан танишдик. Аслида уларнинг турлари жуда кўп.

Республикамизда уларнинг ҳамма турини ривожлантириш имконияти мавжуд. Бироқ, истеъмолчиларни тайёрлаш, уларни туризмнинг мазкур турлари имкониятларидан самарали фойдаланишлари учун авваламбор қизиқтира олиш, тарғибот ишларини олиб бориш, саёҳатларни аввал нисбатан арзонроқ, кейинчалик эса юқорироқ нархларда ташкил этиш масаласига эътибор қаратиш лозим.

Бу борада бир неча таклифлар тизимини ишлаб чиқдик:

- 1) Ўзбекистон Республикаси, жумладан, Бухоро вилоятининг рекреацион туризм имкониятларидан самарали фойдаланиш учун турли ташкилотлар, таълим муассасалари ходимлари ва ўқувчилари учун махсус шартлар яратиб бериш керак. Бунда иштирокчилар ҳам дам олишлари, ҳам тадқиқотлар олибборишлари мумкин бўлади.
- 2) Таълим муассасаларида нафақат жисмоний тарбия фанининг, балки бошқа ўқув фанларининг ҳам ҳеч бўлмаганда 10 фоизини синфдан ташқарида, очик хавода, ўрмонлар, яйловлар, дарахтзорлар, боглар, сув бўйларида ўтказиш ташкил этилиши ўқувчиларнинг ҳам саломатлигига, шунингдек, табиат билан ўртоқлашишига ёрдам берган бўлар эди.
- 3) Чўллар, кўрикхоналар имкониятларидан фойдаланиш мумкин. У ерларда ҳам экскурсия, ҳам дарсларнинг ташкил этилиши кутилмаган ижобий натижаларни беради.
- 4) Ов туризмини ривожлантиришда ҳам сув омборлари, кўрикхоналардан тўлов асосида лицензиялаштрилган фаолиятни малаг ошириш мумкин.
- 5) Хорижлик туристларни нафақат қадимги тарихий ёдгорликларга, балки табиий туристик дестинацияларга ҳам жалб этиш зарур бўлиб, тур-пакетларга уларни киритиш лозимдир.
- 6) Спорт туризми, экстремал туризм бўйича махсус тренер-мутахассисларни тайёрлаш тизимини шакллантириш лозим.

Юқорида қайд этиб ўтганимиз тақлиф ва тавсиялар амалга оширилиши Ўзбекистонда спорт-экстремал туризм ривожига ўз хиссасини кўшади, деб ҳисоблаймиз.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Глушко А.А., Сазыкин А.М. География туризма. Издательство Дальневосточного университета, Владивосток, 2002 .
2. Драчева Е. Л. Специальные виды туризма. Лечебный туризм. М.: КНОРУС, 2015.

BUXORODA ZIYORAT TURIZMNI RIVOJLANTIRISH IMKONIYATLARI

Sobirova Sojida Solijon qizi

Jahondagi globallashuv sharoitida turizm muhim ijtimoiy, iqtisodiy va madaniy omillardan biriga aylandi. Iqtisodiyotning ushbu sektorida umumiy daromad hajmi trillionlab dollami tashkil etmoqda, har yili butun dunyoda bir milliarddan ziyod kishi sayohat qilmoqda. Turizm nafaqat savdo xizmatlarining bir turi sifatida, balki bugun turizm bozorlarining barqaror rivojlanishi yangi ishchi o'rinlarni yaratishga va unga turdosh bo'lgan tarmoqlarni rivojlantirishga imkoniyat yaratmoqda.

Shu tufayli turizm faoliyatini ravnaq toptirish masalasi 2017- 2021-yillarda O'zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo'nalishlari bo'yicha Harakatlar strategiyasining iqtisodiyotni rivojlantirish va liberallashtirishning ustuvor yo'nalishlarida ham o'z aksini topgani bejiz emas. O'zbekiston zamonaviy turizm industriyasini rivojlantirish uchun barcha zaruriy manbalarga ega bo'lib, Buyuk Ipak yo'li ustida joylashgan.

Vatanimiz – qulay tabiiy-iqlim sharoitlariga, boy tarixiy, madaniy merosga va ayni paytda ham ichki, ham xalqaro turizmni rivojlantirish uchun yuqori salohiyatga ega. Buxoro Buyuk Ipak yo'lining yirik tijorat markazi bo'lib hisoblangan. Buxoro O'rta asrlarga mansub 140 dan ortiq arxitektura yodgorliklariga ega bo'lgan «muzey-shahardir». Poyi Kalon, Qo'shimdarsa, Minorai Kalon, Ismoil Somoniy maqbarasi kabi ko'plab yodgorliklar bundan ming yillar oldin qurilgan bo'lib, hozirgi kunda ham mehmonlarni o'ziga jalb etmoqda.

Buxoroning mashhurligini al-Buxoriy, Narshaxiy, Rudakiy, Daqiqiy, Abu Ali ibn Sino va Bahouddin Naqshband kabi siymolar yanada sharafdashgan. Islom dunyosida Buxoroning ismiga «Sharif» ya'ni «Muqaddas» qo'shimchasi qo'shib ishlatilgan. X asrda Buxoro eng yirik ilmiy va madaniy markaz bo'lgan. Mag'oqi Attori, Namozgoh masjidi, Chashmai Ayub kabilar ushbu davrdan yodgor bo'lib qolgan. Sitorai Mohi Xosa oxirgi Buxoro Amirining yozgi saroyi, u hashamatli arxitekturaning eng yorqin namunalaridan biridir.

Labi Hovuz (XVI–XVII asrlar), Xo‘ja Nasriddin haykali, Nodir Devonbegi madrasasi, Devonbegi xonaqosi, vaqtida Markaziy Osiyodagi yetakchi bo‘lgan Ko‘kaldosh madrasasi (Abdullaxon tomonidan bunyod etilgan) shaharning o‘ziga xos diqqatga sazovor joylari hisoblanadi. Ismoil Somoniy maqbarasi shahardagi yaxshi saqlanib qolgan eng qadimiy bino bo‘lib, nafis arxitekturaga ega. Poyi Kalon ansambli (XII–IV asrlar) shaharning markazidan o‘rin olgan. Shu yerdan piyoda Ark binosiga, Chorminorga o‘tish mumkin. Shahar atrofidagi Varaxsha xarobalaridan janglar va ov marosimlarini aks ettiruvchi ko‘plab rangli lavhalar, qimmatli buyumlar topilgan va muzeylarga topshirilgan.

Buxoro qorako‘li xalqaro bozorda e‘tirof etilgan. Bundan tashqari Buxoro zardo‘zlik san‘atining Vatani ham hisoblanadi. Qadimiy obidalar, muqaddas ziyoratgohlar, tarixiy va madaniy yodgorliklar bilan bir qatorda, betakror madaniyati va an‘analari, xushmanzara tabiati hamda fayzli go‘shlari bilan sayyohlarni o‘ziga rom etib kelayotgan mamlakatimizda ushbu yo‘nalishda amalga oshiriyotgan sa‘y-harakatlar turizm industriyasi hamda infratuzilmasini yanada rivojlanishda muhim ahamiyatga ega. Buni Jahon sayohat va turizm kengashi(WTTC) tomonidan “ Sayohat va sayyohlik sanoatining iqtisodiy natijalari” bo‘yicha o‘tkazilgan tadqiqotlarda respublikamiz sayyohlik jadal tarqiy topayotgan besh davlatning biri sifatida qayd etilgani misolida yaqqol ko‘rish mumkin.

O‘zbekistonning boy tarixiy va madaniy merosini turizm orqali o‘rganish madaniyatlararo aloqalar, tinchlik va millatlararo aloqalar, do‘stlik rishtalarini mustahkamlashda muhim omil hisoblanadi.

Ziyorat turizmi- turizm sohalarining jadal rivojlanib borayotgan va XXI asrning yetakchi trendiga aylantotgan yo‘nalishlaridan biri bo‘lib, xalqlar orasida tinchlik va do‘stlik aloqlarini mustahkamlashga xizmat qiladi. Ziyorat turizmi shaxslarni individual o‘shishi va asosiy ijtimoiy normalar va milliy qadriyatlarni mustahkamlaydi. Ziyorat turizmi bo‘yicha mamlakatimizning salohiyati juda yuqori. Bu yo‘nalishda zarur qulayliklar yaratish maqsadida Din ishlari bo‘yicha qo‘mita tarkibida Ziyorat turizmni qo‘llab-quvvatlash bo‘limi tashkil etildi. Malayziya, Turkiya, Indoneziya kabi davlatlar uchun vizasiz rejim joriy qilindi.

Bugungi kunda Ziyorat turizmini rivojlantirishdagi asosiy muommalardan biri- bu qarovsiz qolgan maqbaralar va qadamjolarini obod qilish va tarixiy joylarga sayyohlarni jalb qilishdir. Masalan, turli viloyatlarda Naqshbandiya tariqatini targ‘ib qilgan 12 ulamoning qabri bor. Hozir ularning 8tasi ya‘ni Buxorodagi “Yetti pir” va Samarqandagi “Xo‘ja Ahror Valiy” ziyorathohlaridir. Lekin hozirda Surxondaryodagi Muhammad Zohid Buxoriy, Alouddin Attor va Qashqadaryodagi Muhammad Darvesh, Muhammad Imganakiy maqbaralari ta‘mirga muhtoj.

Ziyorat turizmi ikki asosiy yo‘nalishni o‘z ichiga oladi: ekskursiyaviy – ma‘rifiy va diniy turizm. Islom dunyosining eng qimmatbaho Qur‘oni karim namunalaridan biri- Xalifa Usmon Qur‘on kitobi saqlanuvchi Hazrati Imom majmuasi, buyuk islom imomi Muhammad Al- Buxoriy maqbarasi, Naqshbandiya tariqati izdoshlari qabrlari va shu kabi ko‘plab boshqa diniy markazlar mavjud. Bunday tarixiy qadamjolariga ziyorat va sayohat qilish uchun har yili dunyoning turli burchaklaridan minglab sayyohlar O‘zbekistonga tashrif buyuradi.

O‘zbekistonning ziyorat turizmi yo‘nalishidagi jozibasini oshirish bo‘yicha qator chora-tadbirlar amalga oshirilmoqda. Prezidentning 5611-sonli farmoniga ko‘ra, 2019yil 5-yanvardan boshlab O‘zbekistonning madaniy-tarixiy va daniy- ma‘naviy merso va an‘analarini o‘rganish uchun tashrif buyuruvchi xorij fuqarolariga 2 oygacha bo‘lgan muddat bilan beriluvchi Pilgrim vizasi joriy etildi. Bugungi kunda 45ta davlat fuqarolari uchun 30 kungacha vizasiz tartib joriy etilgani sayyohlarning mamlakatimizga, xususan, Buxoro, Samarqand, Shahrisabaz kabi shaharlarga qiziqishi yanada ortmoqda. Sayyohlar orasida islom madaniyati obidalari, buyuk allomalarimizning qadamjolarini ziyorat qiluvchilarning soni ko‘payib bormoqda.

Ziyoat turizmini rivojlantirish uchun xalqaro forumlar tashkil etilmoqda. Bu esa O‘zbekistonga xalqaro ziyoratchilarning oqimini tobora oshishiga olib keladi. Ilk bor o‘tkazilayotgan forumlardan asosiy maqsad esa yurtimizning ziyorat turizmi borasidagi salohiyatini xalqaro miqyosda keng targ‘ib qilishdan iborat. Zero, keying yillarda sayyohlatning qadimiy shaharlarimizgs bo‘lgan qiziqish ortib bormoqda. Ular orasida ziyoratchilar ko‘pchilikni tashkil qilmoqda. Xususan, Malayziya, Indoneziya, Turkiya va hatto, Yevropa davlatlaridan islom diniga

e'tiqod qiluvchilar atayin kelib, muqaddas qadamjolarini ziyorat etishmoqda, buyuk ajdodlarmiz qodirgan boy ma'naviy-ma'rifiy merosni o'rganmoqda.

Bugungi kunda ziyorat turizmini rivojlantirishda Buxoro viloyati yetakchi o'rinni egallaydi. Buxoro shahri o'zining buyuk mutafakkirlari, betakror madaniy meroslari, muqddas qadamjolari bilan dunyoga mashhur bo'lgan qadimiy shaharlardan biridir. 2020-yil 24-yanvarda Prezidentimizning Oliy Majlisga Murojaatnomasida ham ziyorat turizmini rivojlantirish va sayyohlar sonini oshirish masalalari keying yil davlat dasturiga kiritildi. Bundan tashqari, Buxoro 2020 yil 1 yanvardan Islom madaniyati poytaxti unvonini qabul qilib oldi. Islom ta'lim, fan va madaniyat tashkiloti (ISESCO) har yili musulmon mamlakatlaridagi 3 ta shaharni Islom madaniyati poytaxti deb e'lon qiladi. Ularning biri arab davlatlari, boshqasi Osiyo va uchinchisi Afrika musulmon mamlakatlaridagi shaharlardir. Tashkilot madaniyat vazirlari 2019 yil 18 dekabrda Tunisda bo'lib o'tgan 11-Islom konferensiyasida 2020 yilda Buxoro, Qohira (Misr) va Bamako (Mali) shaharlari Islom madaniyati poytaxtlari sifatida tasdiqlashgan edi. Buning natijasida Buxoro viloyatiga sayyohlar oqimni ko'payishiga yordam beradi. Shuning uchun bugungi kunda Buxorodagi qadimiy qadamjolarida sayyohlar uchun qulay sharoitlar yaratilmoqda. Buxoro shahri qadimiy, tarixiy yodgorliklarga boy shahar bo'lib, qadimiy davrdan boshlab ko'plab sayyohlarni o'ziga jalb etadi.

Turizm qadim zamonlardan boshlab sayyoramiz xalqlari o'rtasida do'stlik rishtalarini mustahkamlashga xizmat qilgan. Odamlar yangi o'lkalarni kashf etish, dunyoni ko'rish va bilish, savdo-sotiqni rivojlantirish, madaniy va diplomatik aloqalarni o'rnatish maqsadida sayohatga chiqqanlar. Savdo karvonlari yo'llari kesishgan, madaniyatlar va sivilizatsiyalar tutashgan chorrahada joylashgani uchun Markaziy Osiyo mintaqasi bu jarayonda muhim o'rin tutgan.

СТАНДАРТЫ СЕРВИСА В РЕСТОРАНЕ: КАК УЛУЧШИТЬ КАЧЕСТВО ОБСЛУЖИВАНИЯ

*Преподаватель БухГУ кафедра
«Туризм и гостиничное хозяйство» Файзиева С.К.,
Толибов Файрат, студент, БухГУ*

Если проводить аналогию с фразой "самые лучшие новости — это плохие новости", то в ресторане самый запоминающийся момент — это плохое обслуживание, а не качественная еда. Работа всех сотрудников полностью сосредотачивается в руках официанта, и тот не имеет права на ошибку. Рассмотрим, как наладить и контролировать стандарты обслуживания в ресторане так, чтобы гость уходил только с приятными воспоминаниями и желанием вернуться снова.

Во многих ресторанах города Бухары встречается не качественное обслуживание в ресторанах, следствием является то что работают не профессионалы. Главной задачей для улучшения обслуживания являются высокие требования к работникам в этой сфере со стороны руководства, подбор персонала, проведения тренингов, повышение квалификации персонала.

Не переборщить. Чем выше уровень ресторана, тем жестче требования должны быть к качеству обслуживания. В первую очередь, это касается оперативности реагирования на пожелания гостя. Хоть современных посетителей ресторанов и называют чересчур требовательными и привередливыми, их замечания — лучший стимул для рестораторов. Когда гость приходит в обеденное время, чтобы заказать бизнес-ланч, ему важна скорость подачи блюд. Когда же он располагает временем, то, возможно, гостю нужен собеседник. Самая правильная стратегия — это "близость к потребителю", которая предполагает индивидуальное отношение к каждому гостю. Официант обязан поддержать разговор обо всем на свете, будь то меню, история кухни или просто погода. Желательно иметь готовые речевые модули, сформулированные в соответствии с концепцией заведения, которые официант может использовать в качестве шпаргалки. Но здесь важно не переборщить: кому-

то нравится обслуживание в формате "свой парень", а у кого-то такой свободный стиль общения, наоборот, вызовет дискомфорт.

Все дело в концепции. Каким бы прекрасным ни было обслуживание, самое страшное — это безразличие. Если официант совершенно не заинтересован в госте, то его равнодушие затмит даже самый безупречный сервис. Предположим, гость не знает что заказать и просит помощи у официанта. Нужно порекомендовать посетителю несколько выигрышных позиций, сопроводив рассказ особенностями приготовления и вкусовыми качествами предлагаемых блюд. Приемы аргументации могут быть следующими: необычная история происхождения блюда, положительное мнение большинства гостей, быстрое приготовление. Если же официант ответит, что все блюда одинаково хороши, то посетитель увидит лишь безразличие. Чтобы подобных ситуаций не возникало, важно правильно подобрать персонал. Ценности, которые несет концепция ресторана, должны быть близки всему коллективу, от директора до официанта. Согласитесь, создавать и продвигать семейное заведение проще с теми, кто любит детей, а молодежное кафе — с современными молодыми людьми, обладающими хорошим чувством юмора.

Не ошибается тот, кто...

Одна из самых распространенных ошибок официантов — путать заказ или что-то забывать. Конечно, если пользоваться блокнотом, то можно не разобратся в собственных записях! Во избежание подобных недоразумений стоит воспользоваться мобильным терминалом официанта. Полноценный POS-терминал Tillypad в руках официанта позволяет мгновенно отправлять заказ на кухню или оформлять дозаказ прямо у столика, не отходя от гостей.

Ресторанный сервис — главный критерий успеха

«Плохой сервис существует сам по себе, он не требует от Вас больших усилий, хорошее же обслуживание необходимо налаживать».

Джим Салливан

Современным предприятиям питания, чтобы быть успешными, необходимо постоянно выделяться атмосферой, интерьером, кухней, развлекательными программами и качеством сервиса. Завоевать лояльность гостя вкусными блюдами, акциями и скидками стало сложнее. Разборчивый, придирчивый и притязательный гость реагирует сразу на все составляющие ресторанного предложения. Блюда в меню должны быть вкусными и свежими, интерьер красивым, мебель удобной, а персонал доброжелательным и услужливым. Сухое «здрасьте», брошенное у входа, может испортить все впечатление о заведении. Невнимание или грубое обслуживание запомнится клиентам больше, чем остывший суп. Сервис играет чуть ли не главную роль в сфере ресторанного бизнеса и гостеприимства. Необходимо сделать все, чтобы Ваши гости остались довольны. Ресторанный сервис — это не только обученный персонал и стильная фарфоровая посуда для ресторанов. Это сочетание искусства общения, правил этикета, традиций, психологических приемов.

Виды ресторанного сервиса

На разных предприятиях питания используются разные типы ресторанного обслуживания.

- *Русское обслуживание в ресторане* — весь ассортимент блюд подготавливают на кухне. Мясо и мясные изделия, птицы и рыба кусочками нарезают порционно и выкладывают на блюдо с гарниром. Тарелка подается к столу и официант обязательно в перчатках при помощи специальной вилки и ложки накладывает еду. Размер порции определяется каждым

гостем самостоятельно. Русский формат обслуживания удобен для проведения вечеринок и банкетов.

- *Английский сервис* — гостям подаются блюда с приставного сервировочного столика. Официант подносит тарелку справа. Если необходима добавка к порции, используется только новая посуда и столовые приборы для ресторанов. Обслуживание в английском стиле рекомендовано заведениям с большой площадью, чтобы столики находились на дальнем расстоянии друг от друга, а официантам было где развернуться. При подобном обслуживании в ресторане достигается отличный контакт между посетителями и работниками ресторана.

- *Обслуживание во французском стиле.* Заказы подаются к столу строго порционно. Сервируют их на больших блюдах и ставят рядом на специальных столиках. Изысканные блюда сначала демонстрируют гостям, а после официант располагается по левую руку от гостя и выкладывает еду в тарелку. Сервис по-французски предполагает большой штат сотрудников: старший официант (chef de rang), официант по винам (sommelier), метрдотель (maitre d'hotel), помощник старшего официанта (demi chef de rang) и прочие, а также надежное оборудование ресторанов. Французский стиль обслуживания может с успехом использоваться на банкетах.



Немецкое обслуживание. Здесь все довольно просто. Блюдо целиком сервируют и ставят на стол перед гостями. Порцию каждый определяет для себя сам. Для немецкого обслуживания требуется различная ресторанная посуда.

- *Сервис по-американски* — все блюда подготавливают и сервируют на кухне. Американский вариант сервисного обслуживания в ресторане пользуется большой популярностью благодаря скорости подачи угощений на стол. Размер порций здесь строго ограничен, а общение клиентов заведения с официантами минимально.

Отличный сервис — высокие продажи

Главное правило хорошего ресторана: отличная еда, прекрасная атмосфера и высокий уровень сервиса. Примечательно, что именно уровень обслуживания, а не разнообразие меню будет для гостей заведения памятен, о чем они непременно расскажут своим знакомым, родным и друзьям, создадут Вам лучшую рекламу. А вот посетители, столкнувшиеся с невниманием со стороны официантов, вряд ли придут к Вам снова. Второго шанса произвести первое впечатление у Вас не будет. Именно поэтому радушный прием и обслуживание — то, к чему следует стремиться всем ресторанам и кафе.

Философия ресторанного сервиса основывается на нескольких простых правилах.



Гости — вот кто самый главный в Вашем заведении. Приветливо улыбайтесь им. В ресторан, кафе или бар приходят, чтобы отдохнуть и поднять настроение. Угрюмый бармен или официант оттолкнет посетителей, а улыбчивый персонал наоборот расположит к себе.

- Необходимо общаться с гостями, задавать вопросы и предлагать свою профессиональную помощь в выборе напитков и блюд, знать все позиции в меню, без промедления отвечать на вопросы об ингредиентах.

- Старайтесь запомнить постоянных посетителей. Если Вы запомните вкусовые предпочтения клиентов, то они по-особенному будут чувствовать себя, оценят отношение к ним и возвратятся к вам снова.

- Учитывайте различные типы посетителей и деликатность работы с «трудными» клиентами.

Персонал должен знать, что точно необходимо делать для повышения уровня обслуживания. Проводите всевозможные тренинги, программы обучения, поощряйте, вознаграждайте сотрудников. Пусть они станут примером для всех. И помните о том, что только ресторан, сумевший предоставить отличный сервис, получит конкурентное преимущество — лояльных гостей и стабильный финансовый приток.

Заключение. Хотелось бы отметить то что на сколько сервис необходим для качества ресторанного обслуживания, Все описанное выше необходимо бы использовать всем предприятиям общественного питания. Если кроме подготовленного интерьера, оборудования в торговом зале, соблюдения всем правил санитарии и гигиены и всех стандартов обслуживания уровень работы ресторана будет на высоком уровне.

АГРОТУРИЗМ ВА ЭКОТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ БУГУНГИ КУНДАГИ АҲАМИЯТИ, МУАММОЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ

Хожабоева Л.И., Йўлдошев О.А., ТошДАУ талабалари

Бугунги кунда мамлакатимизда туризм соҳасига катта эътибор қаратилмоқда. Мамлакатимизнинг халқаро ва минтақавий туризм ташкилотларида иштирокини фаоллаштириш, хорижий давлатлар билан яқин шартномавий ҳуқуқий алоқаларни кенгайтириш ҳамда туризм соҳасидаги миллий қонунчиликни халқаро нормаларга мувофиқ равишда такомиллаштириш бўйича муҳим чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, «туризм республика иқтисодиётининг стратегик секторига» айланганлиги белгиланиб, «туризм фаолияти соҳасидаги норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, туризмни ривожлантириш мақсадида қулай шароитлар яратишга қаратилган халқаро меъёр ва стандартларни имплементация қилиш»⁴⁰⁵ мазкур соҳани жадал ривожлантиришнинг вазибаларидан биридир. Шу билан бирга агротуризм ҳам ривожлана бошлади⁴⁰⁶. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 январдаги ПФ-5611-сон «Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-

⁴⁰⁵ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2016 йил 2 декабрдаги ПФ-4861-сонли Фармони.

⁴⁰⁶ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг туризмни жадал ривожлантиришга қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2019 йил 5 январдаги ПФ-5611-сонли Фармони. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 06.01.2019 й., 06/18/5611/2430-сон

тадбирлар тўғрисида”ги Фармонига мувофиқ, қишлоқ жойларда агротуризмни жадал ривожлантириш, туризм айланмасига фермер ва дехқон хўжаликларини, қишлоқ жойлардаги маҳаллий аҳолини кенг жалб қилиш, ҳудудларнинг туристик салоҳиятидан самарали фойдаланиш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг қарори қабул қилиниши ҳам соҳа ривожига катта хисса қўшмоқда. Бугунги кунда мамлакатимизнинг кўплаб ҳудудларида агротурлар, агротуристтик фестиваллар ва кўрғазмалар ўтказилмоқда. Жумладан: 2019 йил сентябр ойида илк бор Қашқадарё вилоятининг Китоб тумани Варганза қишлоғида ўтказилган “Анор” халқаро агротуристтик фестивали бўлиб ўтганлиги бунинг яққол исботидир. Бундай фестивал ва кўрғазмаларни ўтказишдан мақсад туризм салоҳиятидан самарали фойдаланиш, бой маданий меросимиз ва тарихий анъаналаримизни тўлиқ сақлаб қолиш ва кўпайтириш, миллий хунармандчилик ва богдорчилик билан шугулланувчи фуқароларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва шу асосда ҳудудда агротуризмни ривожлантиришга қаратилгандир. Мамлакатимиз аҳолисида хусусан аграр соҳада фаолият олиб боровчи қишлоқ хўжалиги ҳодимларининг аграр соҳадаги билимини ва агротуристтик салоҳиятини ошириш мақсадида аграр соҳада етакчи бўлган ривожланган мамлакатларга турли хил агротурлар уюштирилмоқда. Хусусан 2017 йил август ойида бир қатор аграр соҳа ҳодимлари ва тадбиркорлар билан Туркия давлатининг Ешилқўй ва Кемалпаша ҳудудларида ўтказилган агротур қишлоқ хўжалиги соҳаси ривожига хисса қўшди. Мазкур агротур давомида қишлоқ хўжалиги ҳодимларимиз соҳа мутахассислари хусусан богдорчилик ва сугориш ишлари бўйича 25 йиллик тажрибага эга мутахассислар билан тажриба алмашиб ўз малакаларини ошириб қайтишди. Бундай агротурларнинг кўпайиши Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигини ҳар томонлама ривожланишига улкан хисса қўшмоқда.

Бугунги кунда нафақат агротуризм балки экотуризм ривожига ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Масалан: Ўзбекистонда тарихий, маданий ва зиёрат туризмни ривожлантириш билан бир қаторда мазкур соҳанинг бошқа турлари, хусусан, экотуризмни ривожлантиришга ҳам жиддий эътибор қаратилмоқда. Янги таҳрирда қабул қилинган **“Туризм тўғрисида”**ги қонунда экотуризм мазкур соҳанинг алоҳида турларидан бири сифатида белгилаб қўйилган. Бундан ташқари, Вазирлар Маҳкамасининг **“Экотуризмни ривожлантириш чора-тадбирлари ва сув омборларининг сув сақланадиган зоналарида ер майдонларини ажратиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”**ги қарори ҳам қабул қилинди. Ушбу йўналишни жадал ривожлантириш, мазкур қонун ва қарорларни амалиётга татбиқ қилиш мақсадида Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси таркибида Экологик ва агротуризмни ривожлантириш бўлими ташкил этилди.⁴⁰⁷ Бу эса бевосита мамлакат иқтисодиёти ривожига таъсир кўрсатади. Экотуризм ривожлантириш маҳаллий аҳолининг фаол ижтимоий-иқтисодий иштирокини ва мазкур фаолият туридан даромад олишини ҳам таъминлайди. Бундан ташқари йўқолиб бораётган ёхуд йўқолиб кетиш хавфи остида турган ноёб флора ва фаоналарни асраб авайлашга ва уларга бўлган эътиборни ортишига хизмат қилади ва ноёб фаона ва флораларни асраб авайлашда маҳаллий жамиятнинг иштирокини оширишга ҳам хизмат қилади десак муболага бўлмайди. Экотуризмнинг табиатга етказиши мумкин бўлган зарари олдини олишда, аввало, давлат назорати ҳамда жамиятдаги экологик билимлар аҳамияти бекиёс. Давлат назорати эса зарур норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштиришга асосланади. Такومиллаштиришда халқаро стандартлар ҳамда хорижий давлатлар тажрибасидан фойдаланилиши зарур. Бу борада Ўзбекистон Республикасининг табиат муҳофазасига оид бир неча халқаро конвенция ва шартномани имзолагани аҳамиятлидир. Бироқ мамлакатимиз ҳозирга қадар экологик туризмга оид халқаро шартномаларга қўшилгани йўқ. Бевосита туризм ва у сабаб келиб чиқиши мумкин бўлган салбий оқибатлар олдини олишда давлат, нодавлат ташкилотлари ва сайёҳларнинг ўрнини белгиловчи БМТ Бутунжаҳон туризм ташкилотининг **“Туризм этикаси тўғрисида”**ги ҳадли конвенцияси ҳамда **“Экотуризм тўғрисида”**ги Квебек

⁴⁰⁷ Ўзбекистонда экотуризм истиқболлари ва имкониятлари 2018 йил 18 июль

декларациясини бунга мисол қилиб келтириш мумкин. Мазкур халқаро шартномаларда табиат ва экотуризм таракқиётини туризмнинг салбий таъсиридан ҳимоя қилиш, табиий ва маданий меросни инновацион дастурларнинг ёмон оқибатларидан муҳофаза қилиш билан боғлиқ ахлоқ-одоб принциплари ҳамда экотуризм таракқиётини белгилашда давлат ва нодавлат секторининг роли, шунингдек, соҳа ривожига оид бошқа муҳим масалалар акс этган. Шу сабабли, Ўзбекистонда экологик ва агротуризм ривожига эш бўладиган зарур ҳуқуқий ва ташкилий вазифаларни белгилаб олишда экотуризм бўйича Квебек декларацияси меъёрларини қўллаш тавсия этилади.⁴⁰⁸

Мамлакатимизда агротуризмни ривожлантиришда имкониятлар билан бир қаторда бир неча муаммолар ҳам мавжуд. Жумладан биргина ташкиллаштиришнинг ўзида муаммолар талайгина. Масалан оддий деҳқон ёки фермер бошқа мамлакатлардан ташриф буюрган агротур ёки фестивал қатнашчиларига етиштираётган маҳсулоти ҳақида маълумотни етказиш учун уларга албатта таржимонлар керак бўлади. Бу эса ўз навбатида ортиқча харажатларни келтириб чиқаради. Бундай кичик кўзга кўринмас бўлиб кўринадиган муаммоларни бартараф этиш катта ютуқдир. Бундай муаммоларни ҳал этишда фермер ва деҳқонларни халқаро муҳитга тайёрлаш, чет тилларини ўргатиш дарсларини ва чет эл тажрибаларини ўргатиш маҳорат дарслар, малака оширувчи дарслар жорий этилиши орқали яхши натижага эришиш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2016 йил 2 декабрдаги ПФ-4861-сонли Фармони.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг туризмни жадал ривожлантиришга қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2019 йил 5 январдаги ПФ-5611-сонли Фармони. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 06.01.2019 й., 06/18/5611/2430-сон

ТУРИЗМ СОҲАСИ УЧУН КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИДА ИЛҒОР ТАЖРИБАЛАР ВА УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ЙЎЛЛАРИ

Қ.Б.Дилмонов, Бухоро давлат университети ўқитувчиси

Қачонки ўша олиб келган нарсасини мажбурликдан бир сабабга кўра қайтариб олиб келса, уни савдогар қайтиб олиши мустаҳаб, лекин олинган нарса унинг сифатига таъсир қиладиган айби бўлса савдогар алмаштириб бериши керак бўлади.

Пайгамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам айтадилар: “Аллоҳ таолонинг раҳмати бўлсин шундайларгаки улар сотганда ҳам, олганда ҳам, гапирганларида ҳам одамларга марҳаматлидир”.

Кечиримли бир икки дона қўшиб беради, олувчи бўлиб кўкат олиб келган деҳқон арзон сотади. Лекин растада 2 баравар, маҳсулоти яхши, лекин уни арзон сотиб тезроқ кетмоқчи баъзида. 100 сўм деса олувчига, олувчи эса: “2 тадан беринг” деб пастга уради. Ундай қилманг. Тижоратнинг иши жуда қийин, чунки ҳар бир маҳсулотда бировнинг ҳақи устида туради.

Шунинг учун Пайгамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Ростгўй, омонатдор тижоратчи, набийлар, сиддиқлар ва шаҳидлар билан биргадир”, дедилар.

Юқоридаги фикрларнинг исботи сифатида қуйидаги жумлаларни айтиб ўтамиз. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Пайгамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: “Бозорга келаётган уловликларнинг бозорга етмасларидан олдин йўлини тўсиб уларнинг нарсаларини кўтарасига сотиб олманглар. Бирингиз савдолашиб турганда бошқангиз унинг савосини бузиб устига савдо қилмасин. Харидорни алдаш мақсадида нархни кўтарманг. Шаҳарликлар (даллол бўлиб) қишлоқликларнинг молини сотмасинлар.

⁴²⁰ <http://shosh.uz/juma-mavizalari-savdoda-halollik-mezoni/>

Кўйларнинг елими устидан (боласи эммасин, елими шишиб, серсутга ўхшаб кўринсин деб) боглаб кўйманг. Кимки шу каби согин кўйни сотиб олса, соғиб кўргач ихтиёрлидир. Ёктириб қолса олиб қолади, агарда ёктирмаса эгасига қайтарадида ва бир соъ (4 кг) хурмо ҳам кўшиб беради”, дедилар.

Савдода ҳалоллик тақвонинг аълосидир:

Имом Абу Ҳанифа раҳимахуллоҳнинг машҳур шогирди Имом Муҳаммад раҳимахуллоҳдан: “Тақво ҳақида бир китоб ёзсанг” деб илтимос қилганларида, у киши “ёзиб кўйганманку” деб жавоб бердилар. Шунда: “Қайси китоб?” дейишганда “Китоб байъ” (тижорат китоби) деб жавоб қилган. Бу буюк зотнинг тижоратни ким тўғри қилса, шу ўзига тақво деганидир. Зеро, асосий, энг катта тақво, инсон луқмасининг ҳалол бўлишидир.

Демак тижорат амалларини бажаришда албатта ҳалоллик, тўғрилиқ, ростгойлик каби яхши амалларни имкон қадар кўпайтириш, савдо жараёнларини ўтказиш жараёнида ёмон иллатлардан йироқда бўлиш тавсия этилади.

Зеро, Ислом динида ҳам Оллоҳ таоло савдони кишилар ўртасидаги товарлар ва хизматлар айирбошлаш воситаси сифатида яратган. Уни ўзбошимчалиқ билан қонунлар яратиш ва ёмон иллатларни содир этиш катта гуноҳлардан бири эканлигини ҳар биримиз чуқур таҳлил қилиб, қалбимизга сингдириб олишимиз зарур.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. - Т., “Ўзбекистон”, 2014 й
2. Ўзбекистон Республикасининг қонуни “Рақобат тўғрисида” 2012 йил 6 январь, ЎРҚ-319-сон// “lex.uz”.
3. Ўзбекистон Республикасининг қонуни “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида” 2012 йил 2 май, ЎРҚ-328-сон// “lex.uz”.
4. Котлер Ф. 300 ключевых вопросов маркетинга. – М.: Олимп-Бизнес, 2006. - 198 с.
5. Хожи Исмадуллоҳ Абдуллоҳ. Марказий Осиёда Ислом маданияти. “Шарқ” Т., 2005 .355-б.
6. Muhammad Kamol . Paygʻambarlar tarixi. Т., “Yangi asr avlodi” 2003. 4-bet.
7. Маматқулова Ш.Ж., Холмаматов Д.Ҳ. Тижорат фаолияти. Ўқув қўлланма. Самарқанд-2018 й.

ГАСТРОНОМИК ТУРИЗМ РИВОЖИДА ГИД-ТАРЖИМОНЛАР ФАОЛИЯТИ: ТАКЛИФ ВА МУЛОҲАЗАЛАР

Тоғжибоева М.Т., Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети магистри

Мамлакатимиз туризм индустрияси жадал ривожланиши учун қулай шароит, иқтисодий, маъмурий ва ҳуқуқий муҳит яратиш [1.1.] мақсадида ишлаб чиқилган 2018-2019 йилларда туризмни ривожлантириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар дастурида белгиланган вазифалар ичида туризмнинг янги соҳаларига алоҳида эътибор қаратилган. Зеро, туризм соҳаларини янада ривожлантириш иқтисодий соҳадаги устувор вазифалардан биридир [2.24.]. Туризм соҳасидаги 30% харажатларни гастронимик туризм ташкил этади [3.252.]. Гастронимик туризм сайёҳликнинг оммавий тури бўлиб, мамлакатнинг маданияти, тарихи, дини, фалсафаси, маънавияти, урф-одати, маросимлари, менталитетининг ўзига хос нозик жиҳатлари миллий таомларида акс этади.

“National Geographic Traveler Awards-2018” танловида мамлакатимизнинг “Гастронимик туризм” йўналиши бўйича биринчи ўринни эгаллаши бежиз эмас. Гастронимик туризм орқали сайёҳлар мамлакатимизнинг пазандачилик маданиятидан баҳраманд бўлиш, энг лаззатли таомлари билан танишиш, хилма хил ўзбек миллий таомларини тановул қилиш, шарқона ичимлик ва шарбатларни татиб кўриш, маҳаллий рецептлар асосида тайёрланган ширинликларни ичиш, зираворлар атторлик дўконларига ташриф буюриш, чойхоналарга кириш, меҳмонхонада нонуштани ширчай, нонвой нон ва

каймоқ билан, тушлик ва кечки овқатни машҳур миллий таомлар ресторанларида тановул қилиш имкониятига эга бўладилар. Бу сайёҳларнинг энг мазали ва эсда қоларли саёҳатлари бўлади.

Гастрономик туризм ривожини азалдан меҳмондўст миллатимизнинг ажойиб фазилатини сайёҳлик индустрияси, хизмат кўрсатиш соҳасини такомиллаштириш (янги сайёҳлик йўналишларини очиш, меҳмонларни тарихий обидалар, миллий хунармандлик ва халқ амалий санъати намуналари билан таништириш учун қулай шароит яратиш, ош маркази, норин маркази, миллий таомлар маркази очиш) орқали яққол намоеън этади [4.256.].

Гастрономик туризм замонавий ва истикболли йўналиш бўлиб, шарқона лаззатни туйишни истаган сайёҳ минглаб километр йўлни босиб келишдан эринмайди, аксинча, БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилоти маълумотида кўра, сайёҳларнинг 80% гастрономик тадбирлар ва маҳаллий таомлар кўргазмаларига бағишланган тадбирлар мавсумида саёҳат қилишни афзал билишади. Ҳар уч сайёҳдан бири анъанавий миллий таомлардан баҳраманд бўлиш истагида саёҳатга чиқади [5.32.] . Европа миллий таомлари билан Шарқ миллий таомлари ўртасида катта фарқ бор, албатта. Гастрономик туризмнинг бошқа туристик маршрутлардан афзаллиги шундаки, мамлакатнинг кўҳна ва хушманзара жойларини томоша қилган сайёҳ миллий таомларни татиб кўрганида саёҳати янада ёқимли ва таассуротларга бой бўлади.

Туризмнинг Ўзбекистон иқтисодиёти ривожига қўшадиган ҳиссасини ошириш, тарихий ва маданий қадриятларимизни тарғиб қилиш, валюта захиралари тўлдириш бўйича аниқ чора-тадбирлар билан кучайтирилиши зарур [5.38.]ки, мамлакатимизда туризмни жадал ривожлантиришга тўсиқ бўлаётган сабаб ва уларга ечим топиш бугуннинг долзарб вазифасидир.

Бугунги кунга келиб гид-таржимонлик туризм соҳасида етакчи ўринда турадиган касблардан бирига айланди [6.182.]. Ваҳоланки, авваллари туризм таржимонлиги хорижий тил ўқитувчилари, музей ходимлари зиммасида бўлиб, тор доирада шаклланган. Туристик хизмат кўрсатиш соҳаларига “турлидер”, “гид-таржимон” каби янги касблар киритилди. Бу, албатта, олий таълим тизимида туризм соҳасида янги йўналишлар очилишига имкон яратди.

Бугунги кун гид-таржимон қандай бўлиши керак?

Биринчидан, гид-таржимон она тилидан ташқари камида тўрт ёки бешта тилда эркин сўзлаша олиши лозим. Бугунги кунда жаҳон тиллари ичида энг кўп истеъмолда бўлган инглиз, араб, рус, форс, испан, немис, француз, итальян, япон, хитой тилларидир. Гид-таржимон ўз устида ишлаш (мухит, вазият тақозоси билан) жараёнида яна бошқа кўплаб тилларни ўзлаштириши мумкин.

Иккинчидан, гид-таржимон руҳий мувозанаги кучли, иродали, ҳар қандай мушкул вазиятдан енгил чиқиб кета оладиган, топқир, удабурон, мурасасоз, мослашувчан, янгиликка интилувчан, юқори маънавият ва маданиятга эга, гид-таржимон касбий сирларини пухта ўзлаштирган бўлиши лозим [7.185.].

Учинчидан, гид-таржимон мамлакатимиз тарихи, фалсафаси, маданияти, географияси, урф-одатлари, маросимлари, қадриятлари, зиёратгоҳлари ҳақида етарли маълумотга эга бўлиши, қўшимча савол тугилиб қолса, бошқа гид-таржимонлар билан алоқа боғлаб, саволни жавобсиз қолдирмаслиги, таристларни юртимизнинг гўзал гўшалари, ўлмас удумлари, ҳикоят ва ривоятлари, бебаҳо қадриятлари, лаззатли таомлари, хушманзара жойлари, шифобахш булоқлари ҳақидаги маълумотлар билан лол қолдириши лозим.

Гид-таржимонларга қўйилаётган талаблар эсиддий характерга эга. Талабларни рўёбга чиқариш учун нималар қилиш керак?

Биринчидан, гид-таржимоннинг асосий фаолияти экскурсия хизматини ташкил этиш билан боғлиқлиги эътиборга олинса, олий ўқув юртларида гид-таржимонлик мутахассисларини тайёрлаш мақсадга мувофиқ. Гид-таржимон тарих ё география ёки адабиёт мутахассиси бўлиши билан бирга бир неча тилда эркин сўзлаша олиш малакасига эга бўлса, сайёҳлар юртимизнинг тарихи, халқимиз маданияти, маънавияти ҳақида етарли маълумот олади.

Иккинчидан, инсон маънавий олами, халқлар маданиятини белгилайдиган манбаларни асраб-авайлаш ва бойитиш бугунги кунда ҳар қачонгидан ҳам муҳимдир [8.30.] Гид-таржимон нафақат гид, балки у миллатнинг юзи, тирик инсон. Гид-таржимоннинг ҳар бир хатти-ҳаракати, муомаласи, сўзларни ўз ўрнида қўллаши сайёҳларда юртимиз ҳақидаги таассуротини шакллантиради. Бир ҳафта ёки бир неча ҳафта сайёҳлар билан яқин муносабатда бўлган гид-таржимон юртимиз ҳақида ҳикоя қилувчи тирик рекламага айланади. Овқатланиш, харид қилш, маданий тадбирларда ташаббускорлик қилиш, одамлар билан мулоқот қилиш, низоларни ижобий ҳал этиш, фавқулодда ҳодиса, сайёҳнинг бемор бўлиши, бахтсиз ҳодисада биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш лозим бўлганида миллий ва хорижий этикетга амал қилиши лозим.

Учинчидан, гид-таржимонлар учун энг зарур ва ҳар доим истеъмолда бўлган бир неча тилларнинг жамланган универсал сўзлашув лугатини тайёрлашдир. Гид-таржимон инглиз тилини мукамал билгани ҳолда италиялик ёки арабистонлик сайёҳ инглиз тилини билмаслиги табиий ҳолдир. Бу вазиятдан чиқиш учун кўп тилли лугатдан инглиз тилидаги керакли жумлаларни италян ёки араб тилига ўгириб, сайёҳларни куттириб қўймаслик, уларни ранжитмаслик, саволига тез жавоб бериб ижобий натижага эришиш, вақтдан ютиш мумкин.

Тўртинчидан, юртимизнинг ҳар бир туристик йўналишлари бўйлаб бир неча тилда мужассамланган илгор инновацион харита ва йўриқномалар ишлаб чиқиш, меъморий обида ёки зиёратгоҳ ҳақида уч ёки тўрт тилли буклетлар тайёрлаш, ҳар бир туристик объектга экскурсия хизматларини намунали ташкил этиш лозим. Сифатсиз туристик хизмат кўрсатиш, гид-таржимонларнинг ўз хизмат вазифасига масъулиятсиз ёндашиши натижасида сайёҳлар оқими сустлашишига олиб келади. Бунинг олдини олиш учун гид-таржимонлар салоҳиятига жиддий эътибор бериш лозим.

Хуллас, мамлакатимизнинг бой тарихи, қадимий ёдгорликлари, мўътадил иқлими ҳамда меҳмондўст халқи, масъулиятли, жонкуяр гид-таржимонлари хорижликларни ўзига жалб қилиши табиий. Айниқса, юртимизда ҳукм сураётган тинчлик, барқарорлик, ўзаро меҳр-оқибат ришталари, миллатлараро багрикенглик муносабатлари ўрнатилгани туризм янада ривожланишига замин бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг “2018-2019 йилларда туризм соҳасини ривожлантириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори. Халқ сўзи газетаси. 2017 йил 17 август. 1-бет.
2. Мирзиёев Ш. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимидаги киришиш тантанали маросимида багишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқ. – Т.: Ўзбекистон, 2017. 24-бет.
3. Туризм: назария ва амалиёт. Муаллифлар: М.Болтабоев, И.Тухлиев ва бошқ. – Т.: Баркамол файз медиа нашриёти, 2018. 252-бет.
4. Туризм: назария ва амалиёт. Муаллифлар: М.Болтабоев, И.Тухлиев, Б.Сафаров, С.Абдухамидов. – Т.: Баркамол файз медиа нашриёти, 2018. 256-бет.
5. Всемирная туристическая организации ООН. ЮНВТО, Исследование Global Report on Food Tourism. 2018. 32-стр.
6. Мирзиёев Ш. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилда мўнжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига багишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруза. 2017 йил 14 январь. – Т.: Ўзбекистон, 2016. 38-бет.
7. Туризм: назария ва амалиёт. Муаллифлар: М.Болтабоев, И.Тухлиев ва бошқ. – Т.: Баркамол файз медиа нашриёти, 2018. 182-бет.

8. Туризм: назария ва амалиёт. Муаллифлар: М.Болтабоев, И.Тухлиев ва бошқ. – Т.: Баркамол файз медиа нашриёти, 2018. 185-бет.
9. Мирзиеёв Ш. Таълим ва маърифат – тинчлик ва бунёдкорлик сари йўл. Ислом ҳамкорлик ташкилоти Ташқи ишлар вазирлари кенгаши 43-сессиясининг очилиш маросимидаги нутқ. 2016 йил 18 октябрь / Мирзиеёв Ш. Миллий таракқиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2018. 30-бет.

ШАХС МАСЪУЛИЯТИНИНГ ИСЛОМ МАДАНИЯТИ ТИЗИМИДАГИ МОҲИЯТИ ВА ФАЛСАФИЙ-АКСИОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ

*Н.К. Тошматова, Д.Т. Ашурова, Д.З. Абдужабборова
ФарПИ академик лицези ўқитувчиси*

Масъулият оилавий, фуқаролик, жамият ва шахсий хизматларни бажараётганда вужудга келади»⁴²¹. Психолог олим Н.С.Сафоев масъулиятни ҳаёт қонуниятининг муҳим қонидаси⁴²² сифатида баҳолайди. Бизнинг фикримизча, «шахс масъулияти – фалсафий категория сифатида ижтимоий воқелиқда инсон томонидан анланган ҳатти-ҳаракатлар мажмуини ифодалайди. Масъулият шахснинг ижтимоий, маънавий, жисмоний, руҳийоламини қамраб олиб, ўз зиммасига юклатилган жавобгарликни виждонан ҳис этган ҳолда амалга оширилиши тарзда намоён бўлади.

Инсонни ҳайвонот олампидан фарқловчи жиҳати бу унда масъулият ҳиссининг мавжудлигидадир. Мана шу масъулият туйғуси орқали инсон ўзининг маънавий мавжудот эканлигини англаб боради. Инсон ўзининг маънавий қамолот имкониятларини юзага чиқариш лозимлигини англаб етган сари ўзлигини англай бошлайди. Ҳар қандай инсонни биз шахс деб атай олмаймиз. Шахсга ижтимоийлик хусусиятлари хос. Инсонлар шахс бўлиб дунёга келмайдилар, ижтимоийлик хусусиятлари наслдан наслга ўтмайди, балки кишилар ижтимоий муҳитда, жамиятда шахс бўлиб шаклланадилар. Инсон жамиятдаги кишилар билан мулоқот жараёнида ижтимоий муносабатларга киришади ва унда аста-секин индивиддан шахсга айлана бориш имконияти юзага келади. Ижтимоийлашув сабабли инсонда янгидан янги шахсий хислатлар пайдо бўлади, яъни ўзининг ҳатти – ҳаракатлари учун жавоб бериш, ўзини ўзи назорат қилиш, ўз-ўзини тарбиялаш, ижтимоий фаоллик, мустақкам эътиқодга, ўз дунёқарашига эғалик, мустақил қарорлар қабул қилиш ва ўз фикрларини эркин баён этиш шахсга хос хусусиятдир. Инсон қачон ўзининг миллат олдидаги, Ватан олдидаги, жамият олдидаги ва албатта оила олдидаги масъулиятини ҳис этса, у том маънодаги ҳақиқий шахс ҳисобланади. Демак, шахс масъулияти инсоннинг ҳақиқий моҳиятини белгилар экан.

«Масъулият» араб тилидан олинган бўлиб, «жавоб бермоқ» «жавобгар бўлмоқ» деган маъноларни англатади. Масъулият тушунчаси илк бора фалсафий адабиётларда XIX асрнинг 2-ярмидан бошлаб қўлланила бошланган. Маккионнинг таъкидлашича, «масъулият» тушунчаси биринчи марта фалсафага 1859 йилда Альфред Бэн томонидан киритилган⁴²³.

Психолог олима Н.Д.Сагиндикова бу тушунчага «масъулият ўзи ва бошқалар, жамоа олдидаги ўз ҳатти – ҳаракатлари учун масъулликни бўйнига олиб, шахснинг ўзини бошқариши ва хулқ – атворини шакллантирувчи энг асосий характер сифатидир»⁴²⁴-дея таъриф беради.

⁴²¹Эргашев И. С. Шахс маънавий қамолотида эркинлик ва ижтимоий масъулият уйғунлиги. номз. дисс. Автореферати. - Тошкент: 2011, -Б. 15.

⁴²²Сафоев Н.С. Психологические особенности национального самосознания студенческой молодежи. Автореф. Дисс. ... док. псих. наук. – Ташкент: 2005, -С. 14.

⁴²³Сагиндикова Н.Д. Талабалар ўқув фаолиятида масъулиятнинг гендер хусусиятлари. (PhD)док. дисс. . - Тошкент: 2017, -Б. 11.

⁴²⁴Сагиндикова Н.Д. Талабалар ўқув фаолиятида масъулиятнинг гендер хусусиятлари. (PhD)док. дисс. Автореферати. - Тошкент: 2017, -Б. 12.

Ўз ўрнида масъулиятни шакллантириш омилларида бири бўлган исломий кадрятлар – инсонларни ҳаётда тўғри йўлга солишда, ҳалол ва покликни тарғиб қилишда муҳим аҳамият касб этади. Хусусан, Қуръони Каримда, «Дарҳақиқат, (Биз) Одам болаларини (азиз ва) – мукаррам қилдик ва уларни..... Ўзимиз яратган кўп жонзотлардан афзал қилиб қўйдик»⁴²⁵- дейилади. Яъни, инсон исломий кадрятлар негизда энг олий мавжудот сифатида талқин этилади. Шу билан бирга Саёрамизда инсониятга Халлоқи Олам ўз Каломлари орқали улкан масъулият юклаганлигини кўришимиз мумкин. Ер сайёрасини асраб авайлаш ва ундаги ҳаёт занжирини давом эттириш инсоннинг Оллоҳ олдидаги энг юксак масъулиятидир.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси чуқур таҳлил этилса унда фуқароларнинг бурч ва мажбуриятлари тегишли боб ва моддаларда аниқ кўрсатилган.(Ўзбекистон Республикаси Конституцияси IX боб, 47-52 моддалар). Бу дунёвий қонун-қоидаларга риоя этиш шахсдан юксак фуқаролик масъулиятини талаб этади. Бизнинг фикримизча, масъулият ҳиссини юксалтириш диний ва дунёвий қоидалар ва қарашлар бирлигига асосланади.

Шахсдаги масъулият туйғуси бугунги кунга келиб янада долзарб муаммога айланганлигини, кейинги йилларда мамлакатимизда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишларида одамлар тафаккурида маргиналлик⁴²⁶ кайфияти кўпроқ кўзга ташланганлигида намоён бўлмоқда. Зеро, юртга садоқат, фидоийлик, меҳнатсеварлик ва жамоавийлик масъулиятини кенг тарғиб этиш мамлакат аҳолисини нафақат маънавий юксалишини таъминлайди, шу билан бирга халқаро микёсдаги мавқеини ҳам мустаҳкамлаб боради.

Диннинг жамият олдидаги асосий вазифаларидан бири инсон ва унинг маънавий, ахлоқий дунёсини юксалтиришдан иборатдир. Учинчи минг йиллик инсоният онгида догматик қарашга чек қўйишни тақозо этмоқда. Бу атрофимизда рўй бераётган диний, этник зиддиятларни бартараф этишда муҳим аҳамиятга эга. Бу боради Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг «Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонида, «...дунёда рўй бераётган воқеа-ҳодисалар ва ижтимоий-сиёсий вазиятнинг таҳлили диний-маърифий соҳадаги фаолият самарадорлигини оширишни ва малакали кадрлар тайёрлашнинг яхлит тизимини яратишни тақозо этмоқда»⁴²⁷ – дейилади. Маънавий таҳдидларга қарши курашишда натижакор фаолият бу исломий тафаккур ва кадрятларни кенг тарғиб этиш десак муболага бўлмайди. Зеро, Қуръони Каримнинг «Мужодала» сурасининг 11-оятда: «Аллоҳ сизлардан иймон келтирганларнинг ва илмга берилганларнинг даражаларини кўтарур»⁴²⁸ - деб таъкидланади.

Исломий кадрятлар жамият ҳаётида катта ижтимоий-сиёсий, фалсафий, тарбиявий аҳамиятга эга. Исломий кадрятлар – охириги ва мукамал илоҳий китоб бўлмиш Қуръони Карим мазмунини ифодалаган умуминсоний, илоҳий гоёлардан иборат маънавий кадрятлар тизими бўлиб, ислом дини ва исломий кадрятлар моҳиятан бир-бирини узвий тақоза қилади. Ислом динида шундай ажойиб гоёлар, қарашлар, таълимотлар, фалсафий-ахлоқий қоида ва ўғитлар мавжудки, уларга амалий фаолиятда асосланиш, суяниш фақат мусулмонларгагина эмас, мусулмон бўлмаганларга ҳам, умуминсониятга ҳам муҳимдир. Шунинг учун ҳам ота-боболаримиз, аجدодларимиз ислом дини қуруқ ақидалар йигиндиси эмас, балки ҳам иймон, ҳам ахлоқ, ҳам диёнат, ҳам юксак маданият, маънавият ва маърифат эканлигига катта ишонч ҳосил қилиб келганлар. Исломнинг вужудга келиш жараёни шарқ

⁴²⁵Қуръони Карим. /Таржима ва изоҳлар муаллифи Шайх Абдулазиз Мансур. –Тошкент; 2007, -Б. 289.

⁴²⁶Маргналлик – (лот. *marginalis* – чеккада, чегарада туриш) – бирор шахс ёки гуруҳнинг жамиятда муайян ижтимоий гуруҳ, табақа, қатламга мансуб бўлмасдан улар ораллигида ўрин эгаллаб туриш. Маргналлик жамиятда бўлаётган ҳодиса ва жараёнларда ўзини чеккага олиш, кузатиб туриш ва дахлдорлик ҳисси бўлмаган шахсга нисбатан ҳам қўлланилади.

⁴²⁷ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони. 2018 йил, 16 апрель.

⁴²⁸ Қуръони Карим. Шайх Абдулазиз Мансур таржимаси. –Тошкент: “Шарқ”, 2007, -Б. 543.

олами учун буюк ўзгаришлар замони, ҳар соҳада юксалиш даврининг бошланишига сабаб бўлди. Натижада, Ер сайёрасининг исломий кадриятлар эътироф этилган ҳудудларида ҳалол билан ҳаромни, иймонсизлик билан иймон–эътиқодни, диёнат билан диёнатсизликнинг қатъий чегараларини аниқ белгилаш имкони тугилди. Бизнинг фикримизча мана шу ҳалоллик, иймон-эътиқод ва диёнат каби қатъий ахлоқий чегаралар ислом дини кадриятларнинг ўзагини ташкил қилади. Ислом таълимотида ахлоқ мезонлари мукамал берилгани билан ажралиб туради. Зеро, инсон ўз моҳиятини сақлаб қолишда ахлоқ асосий заруриятдир. Чунончи, Густав Лубон: «Қуръони Каримдаги ахлоқ асослари бошқа барча таълимотлардан устун туради»⁴²⁹-деб таъкидлайди. Қуръонда келтирилган барча ахлоқий масалалар инсоният маънавий оламини бойитиш, ҳаётларини мазмунли амаллар билан банд этишни тарғиб этади.

Бугун инсоннинг асл моҳияти ва табиатига ёт ва бегона, ахлоқ мезонларига тескари, Ғарбдаги айрим кучлар манфаатига мос одатларнигина «инсон эрк»ининг мезони сифатида кўпчилик ҳаётига тикиштирилишига қаратилган зўраки уринишлар иймон-эътиқодли инсонларни ўйлантириб, ташвишга солмоқда. Одамзод маданияти ва ахлоқига заррача алоқаси бўлмаган бундай таҳдидлар инсониятнинг бугунги ва келажак ҳаётига тўғридан – тўғри хавф солмоқда. Масалан, шу пайтга қадар барча дин ва ахлоқий қарашлар, эзгулик гоёларига асосланган мафкуралар яқдиллик билан қоралаб келган ҳаёсизлик ва андишасизликни оммавий маданият ва муомала мезони сифатида тарғиб қилиш, бир жойда ниш урган қандайдир ақидаларни иккинчи бир жойга экспорт қилишга ҳаракат – гарб оламида чуқур илдиз отиб, дин ва миллат танламасдан, борича қитъа ва минтақаларга ҳам шиддат билан ёппасига ёйилиб бораётган маънавий разолатларнинг асосини ташкил этмоқда⁴³⁰. Бундай маънавий разолатларнинг сабаби эса ўзимизнинг миллий, диний кадриятларимизни билмаслик, уларни англашга нисбатан масъулиятнинг йўқлиги бу борадаги асосий муаммоларимиздан бири ҳисобланади. Ёшлар масъулияти тўғрисида файласуф олим Ғ.Л.Тулъчинский шундай таъкидлайди: «Ёшларни айрим вақтларда белгиланган вазифани масъулият билан бажара олмаслиги уларни гоёвий жиҳатдан қуролланмаганлигида, омадсизликнинг сабаби ҳам мана шунда. Билим, ақл, малака билан қуролланган ёшлар масъулиятни тўғри тушунади ва фаолиятини шунга йўналтиради»⁴³¹. Дарҳақиқат, ҳар тарафлама сифатли таълим тарбияга олган, билимга интилган ёшлар ўз масъулиятини чуқур англаб этади. Бу эса жамият, мамалакат келажакнинг ривожига бевосита таъсир кўрсатади.

Маҳаллий олимлардан М.Имомназаров масъулиятни такомиллашишида илм билан иймоннинг уйғунлигига куйидагича таъриф келтиради: «Илм ва имон инсонга масъулият юкини юклайди»⁴³². Юқорида келтирилган талқинлардан кўриниб турибдики, шахс масъулияти тўғрисида Ғарб ва Шарқ фалсафий қарашлари ўзига хос хусусиятларга эга. Таъкидлаш жоизки, Шарқ ахлоқи негизида ислом кадриятлари ётади.

Хулоса сифатида айтишимиз мумкинки, исломда яхши ахлоқ асоси бўладиган қоида-қонунлар, қарашлар жамланмаси илоҳий тусга эга бўлиб, инсоният амал қиладиган ахлоқий кадриятлар асосан илоҳий китоблар орқали сингдирилган. Шундай экан, исломдаги жуда кўп қарашларнинг эзгуликка йўналтирилганлиги ва умумбашарий инсонпарварлик, бағрикенглик гоёларига тутшиб кетиши табиий ҳол. Бу ҳам ислом динининг маърифий моҳияти ва унинг шахс масъулиятини юксалтиришга хизмат қилувчи жиҳатларини кенг тарғибот қилиш зарурлигини кўрсатади.

⁴²⁹Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Иймон.–Тошкент: «Ҳилол нашр» нашриёти, 2013,-Б. 275.

⁴³⁰Эргашев И.С. Шахс маънавий камолотида эркинлик ва ижтимоий масъулият уйғунлиги. Фалсафа фанлари номзоди дисс...-Тошкент. 2011. – 137 б.

⁴³¹Тулъчинский Г. Л. Разум, воля успех. О философии поступки. – Ленинград: ЛГУ, 1990. – 102 с.

⁴³²Имомназаров М. Миллий маънавиятимиз асослари. –Тошкент; 2006, -Б. 266.

ЎЗБЕКИСТОНДА ЁШЛАР ТУРИЗМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ШАРОИТЛАРИ

Тургунова Насиба Туйчиевна, ИИВ Академияси ўқитувчиси

Туризм соҳаси дунё иқтисодининг энг жадал ривожланаётган соҳаларидан биридир. Унинг кенг қамровли тараққиёти эса, кўплаб мамлакатлар учун катта даромад манбаига айланиб бормоқда. Кўп мамлакатлар ушбу тармоқдан ўринли фойдаланган ҳолда иқтисодий ривожлантиришнинг асосий омили сифатида қарамоқда.

Туризм самарадорлиги оширилишида кўйидаги рақамларга назар ташласак: 2015 йилда энг кўп хорижлик меҳмонларни қабул қилишда Франция (83,7 миллион), АҚШ (74,8 миллион), Испания (65,0 миллион), Хитой (55,6 миллион) ва Италия (48,6 миллион) кучли бешликни эгаллашган. Германия, Буюк Британия, Россия ва Мексика кучли ўнталиқдан жой олган. Бироқ бу кўрсаткич бўйича Европа ва Осиёнинг бир нечта шаҳарлари етакчилик қилмоқда. Бунга мисол қилиб Гонгконг (27,7 миллион), Лондон (17,4 миллион), Сингапур (17,1 миллион), Бангкок (16,2 миллион) ва Париж (15,0 миллион) каби шаҳарларни келтириш мумкин[1].

Бундан ташқари туризм бўйича рақобатбардош мамлакатлар рейтингда дунёдаги (маданий захиралар, арзон инфратузилма, сайёҳлик маҳсулотлари нархи, хавфсизлик даражаси, халқаро шаффофлик жиҳатидан) энг жозибадор 140 та сайёҳлик маскани қайд этилган бўлиб, ушбу рўйхатда Қозоғистон 85-ўрин, Қирғизистон 116-ўрин, Тожикистон 119-ўринни эгаллаган, Ўзбекистон эса Марказий Осиё давлатлари ўртасида энг охириги ўринда турибди. Бундан кўриниб турибдики, сайёҳлик соҳасида бизнинг оғрикли нуқталаримиз кўп. Шунинг ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 августда “2018-2019 йилларда туризм соҳасини ривожлантириш бўйича навбатдаги чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2018 йил 7 февраль кундаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ички туризмни жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-3514-сонли Қарорлари қабул қилинди. Мазкур қарорлар доирасида туризм соҳасидаги бир қатор ислохотларни ўз ичига олган “2018-2019 йилларда Туризмни ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар дастури” тасдиқланди. Бунга кўра мамлакатимиз ҳудудларида замонавий туризм инфратузилмасини яратишга алоҳида эътибор қаратилган[2]. Қолаверса, президентимизнинг 2019 йил 13 августдаги “Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонида биноан, ёшлар туризмни ривожлантириш концепцияси ишлаб чиқилмоқда.

Шу нуқтаи назардан, давлатимиз раҳбарининг ушбу Фармони билан Ўзбекистонда ёшлар туризмни ривожлантириш масаласига алоҳида эътибор қаратилиб, бу борада амалга оширилиши лозим бўлган биринчи навбатдаги чора-тадбирларни аниқ белгилаб олиш ҳамда уларни изчил амалга ошириш вазифаси белгилаб берилди.

Ўзбекистонда ёшлар туризмни ривожлантириш Концепциясининг ишлаб чиқилиши мамлакатимизда туризм турларини янада диверсификациялаш, юртимизга ёш туристларни фаол жалб қилиш бўйича устувор мақсад ва вазифаларни белгилаш, ёш туристлар оқимини янада ошириш, кўрсатилаётган туризм хизматлари сифатини яхшилаш ҳамда ёш туристларга мўлжалланган туризм инфратузилмасини яратилишини таъминлайди[3].

Шу ўринда мамлакатда ёшлар туризмни ривожлантиришнинг яхлит концепциясини шакллантирувчи ва амалга оширувчи “Ёшлар Туризмни ривожлантириш бўлими” ташкил этилди. Бу бўлим Ёшлар туризмнинг ташқи ва ички бозорларида маркетинг тадқиқотларини олиб боради. Ёшлар орасида Ўзбекистоннинг тарихий-маданий меросини кенг тарғиб қилиш орқали уларда юртсеварлик туйғусини оширади ва ўтмиш тарихий дурдоналари билан таништиради.

Ёшлар туризми агентлигининг статистик маълумотида кўра, 2018 йил ва 2019 йилнинг январь-апрель ойларида жами 2 миллион 882 минг 823 ёш саёҳатга чиққан. Шундан 2 миллион 178 минг 405 нафари вилоятлараро, 704 минг 418 нафари туманлараро саёҳат қилган. Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари, кам таъминланган ва боқувчисини йўқотган

оилалар фарзандлари ҳамда ёшларнинг фаол қатламларидан иборат жами 1 минг 785 ёш учун бепул саёҳат ташкиллаштирилган. Мамлакатимиз аҳолисининг 60 фоиздан кўпрогини ёшлар ташкил этишини инобатга оладиган бўлсак, қамров у қадар катта эмас[4].

Бундан ташқари, 2018 йилда Ўзбекистонга 5,3 миллион нафар сайёҳ ташриф буюргани, бу кўрсаткич 2017 йилга нисбатан 1,96% га ўсганини кўришимиз мумкин[5]. Лекин мамлакатимизнинг ҳозирги туризм ҳолати асосан тарихий шаҳарлар ва классик услубдаги обидалар, диний муқаддас қадамжоларга бой бўлганлиги сабабли ташриф буюрувчилар сони асосан катта ёшлиларни ташкил этмоқда. Бундан кўришиб турибдики, биз бу масалага жиддий ёндашишимиз зарур бўлган ҳолат, бу ёшлар туризмни ривожлантиришда ёшларимизнинг ролини ва иштирокини ошириш, “тенгдошга-тенгдош” тамойили билан иш юритишимиз керак.

Хўш, бугунги кунда жадал суръатлар билан ривожланаётган “Ёшлар туризми” нима?

- Ёшлар нимани хоҳлайди?

- Улар учун қандай турдаги хизматлар ва маршрут йўналишларини таклиф қилиш керак?

- Ушбу маршрутлар нархи қанча бўлиши керак?

Ёшлар туризми – бу саёҳатнинг ҳар-хиллиги, бунда ёшлар бир мақсадда ва дунёни билиш истаги билан ўзларининг ўртоқлари билан дам олишади. Саёҳат буюк истикболни, турли мамлакатлар маданияти, тарихи ва кўп янги нарсаларни ўрганиш имконини беради. Ёшлар учун тез-тез маълум чегирма ва бонуслар қилишади ва улар бундан катта мамнуният билан фойдаланишади. Халқаро талаба картаси мавжуд бўлса, бу уй-жойга пул тежашга ёрдам беради, чунки талаба ётоқхонада тунаши мумкин. Ҳаво ва темир йўл транспортга талаба ва ёшлар учун берилган бонус саёҳатчилар учун ҳам жозибадор, ҳамда уларнинг ота-оналари учун ҳам, шунингдек, транспортга тўлов - бу катта миқдордаги сафар харажатларига олиб келади. Ёшлар ҳар доим қийинчиликни енгиш, чидамлилиқни ўрганиш ва ташқи дунёдан завқланиш ҳамда ўзларининг мақсадларига эришиш учун бир неча муаммоларни бартараф қилишлари керак. Ахир, ёшлар учун саёҳат - бу ҳаёт тарзидир.

Ёшлар туризми туризмнинг махсус турларидан бири сифатида ўсиб келаётган ёш авлоднинг тарбияси, таълими, маънавияти, маданияти ва жисмоний ривожланишидаги муаммоларини ҳал қилишда муҳим омил сифатида баҳоланиб, ёшларнинг иқтидор ва қобилиятлари очилишига, ватанпарварлик туйғуларига таянувчи умуммиллий кадриятларнинг мустаҳкамланишига ёрдам беради.

Ёшлар туризмни тараққий эттиришнинг асосий ижтимоий вазифаси шундаки, у ёшларга хос типик қизиқишларни қондирибгина қолмай ёшларнинг касбга йўналишини ва келажакда ўз касбининг устаси бўлиши учун ҳаётини неъмат сифатида хизмат қилади. Ёшлар туризми бунинг учун шахснинг ижтимоийлашуви, унда ватанпарварлик умуминсоний кадриятларнинг ҳосил қилиниши каби ҳаётини муаммоларни ҳал қилиш учун кенг имкониятлар эшигини очиб беради. Ёшлар туризмнинг ҳолати ва тараққиёт даражаси туризм соҳаси назариясини билиш услубияти ва жорий амалиёт ҳолати билан боғлиқдир. Туризм соҳасида тадқиқотларнинг олиб борилишида мазкур жараёнга тажрибаси катта бўлган мутахассисларни жалб қилиниши ва симпозиумлар, семинарлар, ишбилармонлик давра суҳбатларининг ташкил этилиши ёшлар туризмни янада тараққий эттириш имкониятларини оширади.

Туризм дунёдаги энг тез ривожланаётган бизнес турларидан бири бўлиб ҳисобланади. Шундай қилиб, унинг ҳозирги босқичида ёшлар туризми фаолликдадир. Бундан кўришиб турибдики, ёшлар учун турпакетларни яратишда қуйидаги омилларни ҳисобга олиш лозим:

1. Туристнинг шахсий афзалиги (дам олишдан нимани кўзламоқчи, нимани томоша қилмоқчи, қанақа категориядаги меҳмонхонада тунамоқчи);

2. Гуруҳнинг таркиби (ёшлар тенгдошлари билан мулоқот қилишни хуш кўришади, шунинг учун, бу ёш гуруҳ категорияси тахминан бир хил даражада бўлишини таъминлаш зарур);

3. Қизикарли дастур ва хиссий сайёҳлар жамгармаси (бу ерда дастур шундай мўлжалланган бўлиши керакки, бунда ёшларни умуман бир дақиқа бўлсада бўш қўймаслик керак, шу билан биргаликда шунинг учун ҳам ёш сайёҳлар гуруҳи осонлик билан кўпаяётганлигини таъкидлаш лозим, бундан ташқари, гуруҳ ичида муносабатлар муҳим хисобланади, қулай муҳитни яратиш ҳамма учун зарур);

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, ҳозирги кунда олиб борилаётган ислохотлар замирида халқ манфаати ва ватанимиз иқтисодиётини ривожлантириш ётибди. Хусусан, Ўзбекистонда эришилаётган муваффақиятлар замирида иқтисодиётни либераллаштиришни чуқурлаштириш, мамлакатни модернизациялаш, барча соҳаларни, хусусан, хизмат кўрсатиш соҳасида етакчи тармоқлардан бири бўлган туризм соҳасини ҳам барқарор ривожлантириш ва бу соҳада ташаббускор ёшлар ролини ошириш муҳим аҳамият касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. <https://www.gazeta.uz2018/2019>
2. O‘zA-“Ichki turizmni jadal rivojlantirishni ta’minlash chora tadbirlari to‘g‘risida”gi PF-5326 sonli Farmon.
3. <https://uzbektourism.uz/cyrl/newnews/view?id=662>
4. <http://uza.uz/oz/society/zbekistonda-yeshlar-turizmi-uchun-sharoit-yaratilmagan-11-09-2019>

РАЗВИТИЕ ТУРИЗМА В УЗБЕКИСТАНЕ

Бабаева В.Т., БухГУ ст.преп.

Мавжуда Махмурова БухГУ преп.

Гулноза Назарова БухГУ преп.

Жафарова Ферузобону студентка группы 14-5 МТ-19

Туризм является одной из интенсивно развивающихся и приносящих высокий доход отраслей в мире, который способствует укреплению международных социально-экономических, культурно-духовных связей. В последние годы туризм превращается в крупную экспортную промышленность мировой экономики, доля от мирового ВВП которой составляет в среднем 11 %. За последние 40 лет число туристов, выехавших в другие государства, возросло почти в 20 раз, а доход от туризма — в 60 раз, поступления от международного туризма составляют более 400 млрд. долларов. Индустрия туризма обеспечивает работой 192 млн. человек, что составляет 8 % от населения в мире. Международный туризм способствует диверсификации экономики, создавая отрасли, обслуживающие сферу туризма.

В настоящее время мировой туризм почувствовал оживление и за последние время глобальные доходы от туризма увеличились на 4,5 % и это является хорошей предпосылкой для того, чтобы подготовить туристическую отрасль нашей страны для более интенсивного развития. Абсолютно очевидно, что уровень развития туризма в Узбекистане в настоящее время не соответствует богатому культурно-историческому наследию, являющимся достоянием мировой цивилизации. Эффективное использования имеющего потенциала по перспективному развитию туризма может стать локомотивом для расширения сферы услуг и создания новых рабочих мест, обслуживание одного туриста создает рабочие места для 4–7 обслуживающего персонала принимающей стороны. Объективно оценивая ситуацию, следует отметить, что наше государство уделяет значительное внимание развитию туризма. За годы суверенного развития в Узбекистане создана правовая база и инфраструктура туризма.

За годы суверенного развития Узбекистана было сделано главное: наши исторические города Самарканд, Бухара, Хива, Термез были признаны очагами древней цивилизации, которые внесли достойный вклад в развитие мировой культуры, науки и политики, являются местом притяжения туристов. Была заложена правовая база для развития туризма и создана

туристическая инфраструктур. Все это дает основания считать, что в Узбекистане есть хороший потенциал для дальнейшего развития туризма.

Однако, изучение и анализ этого вопроса подняло широкий пласт проблем связанным с развитием туризма. Дело в том, что современная туристическая индустрия — многогранная деятельность, объединяющая в себе историко-образовательную, культурную, бизнес-сферы, сервис, поэтому уровень туризма и его доходность зависит от нескольких факторов в совокупности.

К настоящему времени туризм превратился в один из ведущих секторов мировой экономики. В этой связи в Узбекистане уделяется особое внимание модернизации туристической индустрии, разработке и совершенствованию нормативно-правовой базы для устойчивого развития отрасли, организации обслуживания зарубежных гостей в соответствии с международными стандартами. В годы независимости наша страна сделала существенный прорыв в этой области вкупе с сохранением и приумножением историко-культурного наследия народа, возрождением национальных традиций и обычаев, восстановлением и обустройством достопримечательностей республики.

В целях создания современного высокоэффективного и конкурентоспособного туристического комплекса в республике сформирована прочная нормативно-правовая база, основу которой составляет Закон «О туризме», принятый 20 августа 1999 года. Действуют программы адресных мероприятий по совершенствованию туристической инфраструктуры, в том числе привлечению инвестиций, диверсификации туристских продуктов, активизации мероприятий познавательного-ознакомительного характера, подготовке и повышению квалификации специалистов сферы.

Важным шагом в формировании национальной модели туризма стало создание в 1992 году Национальной компании «Узбектуризм» Указом Президента Ислама Каримова. С тех пор структура координирует деятельность отраслевых организаций, занимается подготовкой соответствующих кадров, способствует притоку внутренних и внешних инвестиций в создание новой и расширение существующей материально-технической базы, стимулирует развитие всех видов туризма, активно участвует в зарубежных мероприятиях, организует крупные международные форумы.

Результатом предпринимаемых в данном направлении мер является увеличение туристов, прибывающих в наш прекрасный край. Так, ежегодно Узбекистан посещают более 2 миллионов человек из разных уголков мира. География зарубежных гостей широка. Особенной популярностью наша страна пользуется у граждан Германии, Франции, Италии, Республики Корея, Японии, КНР, Малайзии, России, Индии.

Узбекистан с первых лет независимости активно наращивает сотрудничество с международными организациями, регулярно выступает с инициативами по углублению сотрудничества в данном перспективном направлении.

Важной вехой в летописи отечественного туризма стало вступление республики в 1993 году во Всемирную туристскую организацию ООН (ЮНВТО). В рамках сотрудничества с ней в 1994 году 19 странами мира была принята Самаркандская декларация о туризме вдоль Шелкового пути. В 1999 году была принята Хивинская декларация по туризму и сохранению культурного наследия, поддержанная ЮНВТО, ЮНЕСКО и Советом Европы. В 2002 году – Бухарская декларация по туризму вдоль Шелкового пути, которая подчеркивает преимущества устойчивого туризма и определяет конкретные шаги по стимулированию культурного и экологического туризма на этом направлении.

Более того, в знак признания особого места республики в мировой туристической индустрии в 2004 году в Самарканде был открыт региональный офис ЮНВТО по координации развития туризма на Шелковом пути. Следует отметить, что такой офис существует лишь в двух странах — в Японии и Узбекистане. Его основная функция — обозначение направлений в развитии не только регионального, но и международного туризма.

О возможностях нашей страны свидетельствует наличие свыше 7 тысяч объектов материального культурного наследия разных эпох и цивилизаций, в том числе включенные в Список объектов всемирного наследия ЮНЕСКО исторические центры Бухары, Хивы, Самарканда и Шахрисабза. Всемирно известные исторические памятники, современные города, неповторимая природа Узбекистана, уникальная национальная кухня, а также непревзойденное гостеприимство нашего народа притягивают любителей путешествий.

Усилиями руководства республики туристическая инфраструктура в последние годы поднята на довольно высокий уровень. В стране, в частности, успешно функционируют 1176 туристских организаций, включая 621 туроператора, 555 гостиничных хозяйств. Разветвленная сеть отелей на более чем 25 тысяч мест соответствуют современным международным стандартам.

За годы независимости благодаря поистине масштабным работам по строительству и реконструкции объектов инфраструктуры в Узбекистане 11 аэропортов получили статус международных гаваней. Современные комфортабельные самолеты Национальной авиакомпании «Узбекистон хаво йуллари», состоящие из авиалайнеров производства Boeing и Airbus, выполняют регулярные рейсы в более чем 40 городов стран Европы, Азии, Ближнего Востока и Америки. В 2016 году парк гражданской авиации страны пополнится двумя современнейшими «лайнерами мечты» - Boeing Dreamliner.

Посещающие Узбекистан туристы имеют возможность добраться до достопримечательностей республики и посредством железнодорожного транспорта. Так, помимо обычных и скоростных составов, между Ташкентом, Самаркандом и Карши ежедневно курсируют и высокоскоростные поезда «Афросиаб» производства испанской компании Talgo, которые значительно повысили качество обслуживания гостей и сократили время поездки. Кроме того, в июне 2016 года мир стал свидетелем очередного прорыва в развитии туристско-транспортной отрасли Узбекистана – состоялась церемония открытия электрифицированной железнодорожной линии «Ангрен-Пап», которая соединила живописную Ферганскую долину с остальной частью страны.

В последние годы в Узбекистане активно внедряются новые виды путешествий, в том числе экологический туризм. Наличие в республике заповедников, национальных парков, питомников, заказников, природных памятников, биосферного резервата превращает экотуризм в весьма перспективное направление.

Помимо этого, в нашей стране свое развитие получили геотуризм, медицинский туризм, а также альпинизм и рафтинг. В регионах строятся зоны отдыха и комфортабельные инфраструктурные объекты. К примеру, в спортивно-оздоровительных центрах «Чимган», «Бельдерсай» и «Чарвак», расположенных в Ташкентской области, созданы необходимые условия для занятий горнолыжным и другими зимними видами спорта. Здесь построены горные трассы разных типов протяженностью от 300 до 3 тысяч метров. Отдыхающие могут подниматься по канатной дороге с помощью специального подъемника.

В Узбекистане набирает популярность и гастрономическое направление туризма, развитие которого позволили сделать плов и другие национальные блюда узнаваемым брендом страны.

Современная динамика роста туристической отрасли подтверждает необходимость модернизации системы подготовки кадров для нее с учетом существующих реалий и перспектив. Созданию ряда учебных заведений для подготовки квалифицированных специалистов в данной сфере способствовали Указ Президента страны «О подготовке квалифицированных кадров для сферы туризма в Узбекистане» от 30 июня 1999 года и Постановление Кабинета Министров «О мерах по дальнейшей поддержке и развитию сферы туризма в Республике Узбекистан» от 10 октября 2012 года.

На сегодняшний день в стране действуют 5 высших учебных заведений, выпускающих специалистов в данной сфере: Самаркандский институт экономики и сервиса, Ташкентский государственный экономический университет, Бухарский и Ургенчский государственные университеты, а также Сингапурский институт развития менеджмента в Ташкенте. Ежегодно

более 500 студентов, окончивших вузы по данной специальности, получают дипломы бакалавров, а свыше 40 – магистров. Кроме того, более 3,5 тысячи кадров выпускают 12 специализированных профессиональных колледжей.

Значительную роль в обеспечении ускоренного развития туристического сектора Узбекистана, формировании и поддержании имиджа страны на мировом рынке играют регулярно проводимые в республике крупные мероприятия. Одним из важнейших ежегодных событий является Ташкентская международная туристическая ярмарка «Туризм на Шелковом пути». Сегодня это – крупнейший в Центральной Азии форум, где встречаются профессионалы индустрии, ведутся переговоры в различных форматах, в том числе business-to-business, реализуется программа Hosted Buyers для покупателей национального туристического продукта, проводятся конференции по актуальным вопросам развития туристической индустрии в Узбекистане и мире в целом.

Представители нашей страны также регулярно участвуют в проводимых за рубежом международных ярмарках и выставках с целью презентации туристического потенциала республики. Участие в них позволяет находиться в курсе последних тенденций мирового рынка туризма, заключать деловые контракты, развивать сотрудничество с иностранными партнерами.

Таким образом, интенсивное развитие туристической отрасли Узбекистана, в том числе бережное отношение к историко-культурному наследию, создание инфраструктуры, полностью соответствующей международным стандартам, укрепление международных связей превратили наш край в один из самых посещаемых стран в мире.

Туризм — отрасль глобальной экономики и его развитие, подъемы и падения корректируют и интенсивностью глобализационных процессов. Именно поэтому, прежде всего, необходимо акцентировать внимание на международную составляющую этого вопроса.

Опыт управления туризмом в развитых странах мира (США, Франция, Великобритания, Австрия, Испания) свидетельствует о высокой эффективности развития туристической отрасли при четком определении функций органов государственного управления этой сферой.

Следует отметить, что требует серьезного совершенствования институциональная структура управления туризмом в Узбекистане. До сих пор не определена четкая государственная политика и перспективная стратегия государства в сфере туризма ее основные приоритетные направления, отсутствует межотраслевая и межрегиональная координация туристической деятельности; привлечение иностранных кредитов и инвестиций в сферу развития туризма ведется весьма пассивно, нет постоянного мониторинга двухсторонних соглашений и договоров; не ведется системная работа по подготовке, переподготовке и повышению квалификации кадров для сферы туризма. Отсутствуют серьезные разработки по развитию отраслевой туристической науки в Узбекистане. Главное, нет должной координации для обеспечения комфортного пребывания иностранных туристов в Узбекистане между Национальной компанией «Узбектуризм», Министерством иностранных дел, культуры и спорта, внутренних дел, Таможенным комитетом, национальными компаниями «Узбекистон хаво йуллари», «Узбекистон темир йуллари», и другими структурами.

Обобщая изложенное, объективно оценивая ситуацию, следует отметить, что туризм в Узбекистане претерпевает качественные изменения и имеет большие перспективы для развития об этом свидетельствуют международные туристические выставки и конференции. Для дальнейшего развития туризма, на наш взгляд, целесообразно выполнить следующие рекомендации:

Следует, в первую очередь, разработать и подготовить пакет предложений по совершенствованию законодательства по развитию туризма в Узбекистане. Причем концепция нового законопроекта должна основываться на формировании «туристического продукта», который является центральным и определяющим понятием туристической

инфраструктуры, включая формирование пакета туристических услуг не только основными, но и дополнительными и сопутствующими туристическими услугами.

Пришло время совершенствовать институциональный механизм государственных органов, уполномоченных регулировать отношения в сфере туризма, главной функцией которых должен стать определение государственной стратегии в области туризма в виде Национальной программы дальнейшего развития туризма, проведение государственной политики в области туризма и контроль всех структур за качественным предоставлением услуг в сфере туризма. Рассмотреть вопрос продажи в частный сектор гостинично-хозяйственный комплекс «Узбектуризма».

Необходимо акцентировать внимание на международную составляющую туризма разработать комплекс мер по соответствию туристической инфраструктуры всем международным требованиям в области туризма. Активизировать сотрудничество со Всемирной туристической организацией, в том числе и в рамках программы «Технического сотрудничества». Отрастить правила, принятые ЮНВТО в национальном законодательстве Узбекистана. Для этого следует совместно с Агентством по стандартизации, метрологии и сертификации разработать новые национальные стандарты для туристического сервиса с учетом международного опыта по туризму международной организации по стандартизации ИСО. Провести инвентаризацию объектов туристической инфраструктуры и разработать деление на категории по уровню сервиса в соответствии с международными стандартами

Улучшить координацию для обеспечения комфортного пребывания иностранных туристов в Узбекистане между Национальной компанией «Узбектуризм», Министерствами иностранных дел, культуры и спорта, внутренних дел, Таможенным комитетом, национальными компаниями «Узбекистон хаво йуллари», «Узбекистон темир йуллари» и другими структурами задействованных в предоставлении услуг туристам. Усилить популяризацию туризма, особенно, через всемирную сеть Интернет, поддерживая широкое распространение бренда «Великий шелковый путь», разработать новые туристические бренды Узбекистана.

Литература:

1. Каримов И. А. Мировой финансово-экономический кризис, пути и меры по его преодолению в условиях Узбекистана. – Т.: 2009 г.
2. Постановления Президента Республики Узбекистан «О дополнительных мерах по ускорению развития сферы услуг и сервиса в Республике Узбекистан в период до 2012 года».
3. Статистический сборник об основных итогах экономического и социального развития Республики Узбекистан в годы независимости и прогнозных показателях на 2011–2016 гг. – Т.: Узбекистан.
4. Итоги социально-экономического развития, оценка хода экономических реформ 2015 года и задач на 2016 год. – Т.: Народное слово. Январь 2016 г.
5. Райимбердиева О. Р. Особенности развития туризма в Узбекистане. Молодой ученый. — 2017.
6. Информации НК «Узбектуризм»

ХАТТОТЛИК САНЪАТИНИНГ ИСЛОМ МАДАНИЯТИДА ТУТГАН ЎРНИ

*Равшанов Ўқтамали Рустам ўгли,
Бухоро давлат музей-қўриқхонаси
Арк ўлкашунослик музейи Тарих бўлими бошлиғи*

Ёзувнинг ихтиро қилиниши инсонларга ўз фикрларини моддий жихатдан сақлаб қолишга имкон берди. Асрлар давомида турли халқлар турлича ёзувларни кашф қилишди. Ўрта Осиё халқлари ҳам тарихан бир неча турдаги: сўғд, руний, форс, араб, крилл ва лотин ва бошқа ёзувлардан фойдаланишди. Шулардан энг узок вақт давомида

фойдаланилгани ва аждодларимиз тарихи битилган ёзув араб ёзувидир. Ўрта асрлар диний маданиятининг кўпгина соҳалари ва шаклларида, шу қаторда хаттотчиликда - бадиий ёзув санъати аниқ, чиройли ва равшан бўлиб борди. Тасвирларни ишлаш ижоди таъқиқланган мусулмон мамлакатларида хаттотчилик рухий таъсирчанлигининг асоси турли хил нақшли безаклар ва бир мақомдаги шакллар тузилишидаги бадиий асарлар бўлган. Бадиий хаттотчилик усталари тўғрисидаги маълумотлар 2 турдаги манбалардан олинган: трактатлар - таржимаи ҳол ҳақида маълумотлардан иборат. Лугатлар - махсус хаттот, миниатюрист, безакли муқаваловчи ва нафис қўлёзма китоб яратувчи усталарга багишланган. Бадиий ёзув санътига багишланган трактатлар, яъни илмий асарлар шу соҳа билан шугулланувчи, истеъдодини ҳамма тан олган машҳур ёзувчи-хаттотлар томонидан барпо қилинган.

Хаттот чап ёки ўнг томондан хонтахта устига асбобларини жойлаштириб, қалин кўрпача ёки гиламчага ўтириб, тиззаси устидаги варақ остига текис силлиқ тахтачани қўйиб ишга киришган. Айрим пайт қулай бўлиши учун хаттот оёғи остига кенгрок паст курсини қўйган.

Ҳиротлик машҳур хаттот Абдуллоҳ Хирави Таббаахнинг (1468 йилда вафот этган) таржимаи ҳолида келтирилишича, у ёлғиз чиройли ёзувни ўрганиш ниятида шу каби мактабларга борганида, машгулотлар билан банд бўлган бир гуруҳ йирик савдогар ва задагонларнинг ўғилларини кўради. Ўқиш ниятида қилган илтимосига жавобан: “бу ерда бойларнинг болалари таҳсил олишади, сен эса камбағал” деб рад этишди. Шогирдлар алоҳида ҳарфларни ёзишнинг асосий негизларини ва ўзига хосликларини ўзлаштириб, жуда узоқ ва синчковлик билан ўрганишган, қўллари ва қаламлари ҳаракати ром бўлишига эришиш учун устозларининг кузатишлари остида шеърларни юз ва минг марталаб ҳар хил ёзувда кўчиришган. Ҳар бир хаттот ҳар хил ёзув услубларини амалий ўзлаштириш учун XIV асрдан кейинги даврда камида 3 хил асосий ёзувни билиши керак бўлган: насх, сулс, настаълик (музей-қўриқхонанинг қўлёзмалар фондида X-XI асрда хати “магрибий”да кўчирилган ва сарлавҳаси “куфи” хатида битилган Қуръони Каримнинг “Кохф” сураси сақланган).

Хаттотлар ўз ишларини аждодлари томонидан ишлаб чиқилган қоида бўйича бошқарганлар. Ёзув ўргатишда одатда 2 хил машгулотдан фойдаланилган: қалами ва назари. Қалами - бу усул шогирднинг каттиқ ва тўғри қўлларининг сабр-тоқати ва синчковлигини, ишга диққатини ошириш мақсадида машҳур хаттотлар томонидан ишлаб чиқилган ёзув намуналарининг кўп марталаб кўчирилишидир. Айрим ёзувчилар кўчириш вақтида эпчиллик ва моҳирликка эришганлар, ҳаттоки йирик қалам усталари ёзувларини ҳам сохталашига эришганлар.

Машгулотнинг 2-тури назарий - бу услуб йўналиши ёзув тури намуналарини бевосита устоз бошчилигида такқослаб, уларни танлаб, таҳлил қилади. Бу усул ўрганувчиларга усталарининг ёзувда шу ва бошқа ҳарфлар бирикмаси ва элементларидан фойдаланишини кўрсатади. Бу узоқ матонатни ва оғир меҳнатни талаб қилувчи касб бўлгани сабабли ҳамма ўрганувчилар ҳам машҳур хаттот даражасига ета олмаган. Лекин машҳур тарихчилар ўз асарларида бадиий ёзув усталарини тилга олганларида уларнинг меҳнаткашлиги ва камолотга интилишини таъкидлашган.

Уста хаттотлар шогирдларга ҳуснихатни беш босқичда ўргатишган:

- Муфрадот - бирлик ҳарфлар;
- Мураккабот – иккита ҳарфни қўшиб ёзиш;
- Қитъаот – чорбайт, маснавий, рубоийларни йирик қаламда ёзиш;
- Муншаот – хафий қаламда ёзиш, иншо ёзиш;
- Китобат – хафий ва жалий қаламда китоблар ёзиш.

Моҳир хаттот бўлиб етишиш учун илми толиб икки турли, яъни жалий (йўгон) ва хафий (ингичка) қаламда ёзишни бирдек ишлата олиш керак бўлган. Бир қитъада айнан иккала қаламдан фойдаланиш маҳорат белгиси ҳисобланган. Бундай қитъаларни янада

жозибали кўринишида уларни XIX аср охири - XX аср бошларида абрибахор гулли коғозларига битишган⁴³³.

Катта мактабларни бошқаришда бошқарувчига ўринбосарлари - халфалар ёрдам беришган. Одатда бундай лавозимни севимли ва жуда истеъдодли шогирдлар эгаллаган. Имтиҳон ишларини тугатгандан кейин, хаттот мустақил ишлаш учун устозидан рухсат олган ва ўз меҳнати билан ризку-рўзини ишлаб топган.

Хаттотлик намуналари тез ва матнларнинг аниқ-равшанлигини сақлаган ҳолда кўчириш санъати хаттотлар орасида юқори баҳоланган. Хаттотлар жуда тез ва тоза ёзишган. Хаттот буюртмачи талабини инобатга олиб, худди шундай ўз ишини амалга оширган. Хаттотлар кўпинча буюртмачиларнинг талаблари сабабли ва хаттотлик анъанасини давом эттириш мақсадида Қуръони Каримнинг маълум бир суралари ва оятларини турли хатларда кўчиришган. Сура, қитъа ва бошқа мазмундаги хатларни янада мазмунан бойитиш мақсадида уларни турли миниатюралар билан безатишган. Ёки тескариси, ажойиб миниатюралар турли ёдномалар билан тўлдирилган. Бунда асосан XIX асрга келиб литография услубидаги миниатюралар танланган. Миниатюраларга Макка, Мадина шаҳарлари тархи, Масжид ал-Харам, Каъба тасвири акс этган. Шунингдек, тасвирларда ислом динининг шиа йўналиши тарафдорлари эъзозлашадиган 12 имом ва уларнинг макбаралари ҳам кенг тарқалган. Аммо бундай услублар Бухоро хаттотлик мактабида кузатилмайди. Шундай хаттотлик намуналаридан бири йирик ҳажмдаги Машҳаднинг бош наққошбошиси Мир Ҳусайн Мусовий томонидан Бухоро қушбегисига совгаси бўлиб, унда саккизинчи имом ал-Ризонинг макбараси ички қисми мукамал тасвирланган, имом Ҳусайн мазорларининг 1890 йилда олинган тасвири, Хазрати Али қўлларида зулфиқор билан тасвирланган миниатюра ва у кишига мадҳ битилган.

XIV асрда хат юбориш ишлари билан шугулланувчи котиб Муҳаммад Ҳиндуллох Нахичеванинг моҳир хаттотлар иши ҳақида ёзишича: “Хаттот иши учун айрим асбоблар зарур бўлган, масалан: қамишдан қилинган қалам, қалам тарашлаш учун пичоқ, сиёҳдон, сиёҳни аралаштириш учун аралаштиргич ва коғоз. Бу асбобларнинг ҳар бирини хаттотнинг ўзи тайёрлаши керак бўлган, вақтинчалик бошқа хаттотнинг асбобларидан олиб фойдаланиш тавсия қилинмаган, аммо бошқа хаттот сендан илтимос қилса, унга рад жавобини бермаслик керак, деб ҳисоблашган. Хаттот қаламининг учи доимо ўткир бўлиши шарт. Қаламтарашлайдиган пичоқни фақат ўткир сақлаш, ундан сиёҳни аралаштиришда фойдаланмаслик керак. Сиёҳдан хушбўй ҳид таралиши учун сиёҳдонга озгина мушқдан ва пушти ранг сувдан қуйиш керак, қаламнинг учини артиб туриш учун махсус кичкина мато бўлиши шарт. Хаттот ёзув вақтида чарчаб қолмаслиги учун сиёҳ қуюқ эмас, балки оқувчан бўлиши зарур. Шуниси қизиқарлики, жуда узоқ вақт давомида бу эсдалик ҳеч қандай ўзгаришсиз сақланиб қолган. Машҳур хаттот, кўплаб ишлари дунё музейлари фондларида сақланган Самарқандийнинг литография шаклидаги 1916 йилда “куфи” хатида битилган Қуръони Каримнинг “Каҳф” сураси ҳам бизгача етиб келган.

Ҳар бир хаттот маълум бир ёзув турида мукамалликка эришган. Фақатгина санокли котиблар барча хатларда (ҳижозий, муҳаққак, мағрибий, куфи, ёкутий, тавқеъ, риқоъ, райхоний, сулс, насх, таълиқ, настаълиқ, девоний) китобат қила олишган⁴³⁴.

Юқоридагиларнинг асосан етти тури кенг тарқалган бўлиб, мазкур хат турлари хаттотлар тилида “*Ал-хутут ас-сабъа*”, яъни “етти хат” деб юритилади. Ушбу хат турларининг ҳар бири махсус ўринларда қўлланилган. **Кўфий хати** нақшин безак ўрнида фойдаланилган, **насх хати** асосан китоб матнларини кўчиришда, **сулс хати** ёдгорлик обидалар пештоқ ёзувлари ва лавҳаларда, **тавқеъ хати** имзода, **риқоъ хати** мактубларда ишлатилган. Бу етти хат услубининг ҳар бири ингичка – **хафий** ва йўгон – **жалий** қаламларда ёзилишига кўра, ўн тўрт хил хатни ташкил этади. Настаълиқ “насх” ва “таълиқ” атамаларининг бирикувидан ташкил топган. Мир Али Ҳиравий ҳамда Мир Али Табризий

⁴³³ Бухорий А.Р. Ҳуснихат дурдоналари. -Т.: “Мовароуннаҳр”, 2008. -Б.6.

⁴³⁴ Муродов А. Ўрта Осиё хаттотлик санъати тарихидан – Т.: “Фан”, 1971.Б.3.

мазкур икки услуб асосида настаълиқ хатини кашф этганлар. Бундан ташқари, XII-XIII асрларга оид “ёкутий” хатидаги китъалар музей кўргазмаларидан ўрин олган⁴³⁵.

Аждодларимиздан турли расм-русум ва одатлар бизгача етиб келган. Ушбу одатлар котиблар орасида ҳам мавжуд бўлган. Хунармандлар турли мақсадларда мушқули осон бўлиши учун, фарзанд умидида, ёинки ўз ишининг устаси бўлганлигини кўрсатиш мақсадларида ўз ишларининг мукаммалини махсус “Салтанати Олия” учун тайёрлаганлар. Хаттотлар орасида ҳам шундай одат бўлган. Шунингдек, турли байрамлар учун, хусусан Наврўз байрамига атаб яқинларига деворий безак (гулкоғоз) совга қилишган. Улар эса қоларли бўлиши ва доимо хона интерьерининг бир қисмига айланиши учун мохир хаттотлар уларга буюртмачининг тилақларини ёзиб беришган 1894 йилда Аркка (хукмдорга) аталган хаттотлик намунаси ва Наврўз байрамига багишланган китъа ўрин олган.

Анъанага кўра, китъа, чорбайт (тўртлик), рубойи, газал, насихатомуз шеърлар асосан жалий қаламда абри баҳор қоғозида тўрт қатор ёки ундан кўпроқ қилиб, атрофлари бир неча хил гуллар, тилла сувли нақшлар билан безатилиб ёзилган ва муракка (альбом) ҳолида сақланган ёки шишали чорчўп (рамка)ларда мехмонхона деворига илиб қўйилган. Бу китъалар бир неча юз тилла танга нарҳида баҳоланган. Баъзи китъаларнинг олд ёки орқа томони миниатюра, атиргул, рангли безаклар билан безатилган.

Эрамизнинг VIII асрларидан бошлаб Ўрта Осиёда қоғоз тайёрлайдиган асосий жой Самарқанд, Бухоро ва Қўқон бўлган. Ёзув қоғози бир неча навларда ишлаб чиқарилган, энг кўп тарқалган нав бу “қоғози нимкатони” бўлган. Қоғоз тайёрлашда хом ашё сифатида каноп толасидан фойдаланилган. Қоғоз ишлаб чиқариш жараёни қийин ва кўп вақтни, кучни талаб қиладиган касблардан бири бўлган. Ишни бошлашдан аввал хом ашёни яхшилаб сув билан ҳаракатлантирилган асбоб ёрдамида ёзиб майдалашган. Ҳосил бўлган массани ювиб, қисиб олиб, унга тенг миқдорда ишқор ва оҳак қўшишган. Кейин бу аралашмани қуритиб, яна янчишган. Бу жараён бир неча марта такрорланган кейин қоғоз қуйиш жараёни бошланган. Қоғоз қуйиш формаси панжара ва майин тўрдан иборат: панжара тут дарахтининг майин танасидан таркиб топган ва бир бирига параллел жойлаштирилиб, от сочининг толалари билан боғланган. Варақни қуйиш вақтида панжара устига тўрни қўйиб, массага чўктирилган. Қуритилган қоғоз варақларини ажратиб олиб, махсус пичоқ билан кесиб олинган. Ялтиратиш учун эса қоғознинг икки томонидан бугдой унидан тайёрланган крахмал елим билан қопланган. Қуригандан кейин варақнинг 2 томони ўзига хос нок дарахтидан қилинган тахтачадаги ўйиқ чуқурчалар ёрдамида пардоз берилган. Қўлёмалар учун тайёрланган қоғозлар ҳар хил рангларда бўялган. Бундай қоғозлар рангларининг тайёрланиш усули қийин ва турли хил бўлган. Лекин бу рангли қоғоз қоида бўйича бадий безатилган қўлёмаларда ишлатилган. Оддий қўлёмалар асосан қалин қулранг қоғозларда ёзилган. Ёзув қуроли - қалам (қамишдан қилинган) ва қора сиёҳдан фойдаланишган. Бу қора сиёҳ қурумдан ва сиёҳ ёнгогидан тайёрлашган. Хаттотликда яхши ҳолатда сақланадиган сиёҳларни тайёрлаш усули жуда мураккаб бўлган ва кўп таркибий қисмдан ташкил топган. Яхши, сифатли сиёҳларни пухталиқ ва диққат билан тайёрлашган. Масалан, Бухорода фақат битта машҳур сиёҳ тайёрлаш усулидан фойдаланган мутахассислар кам бўлган.

Муқовалаш – китобнинг асосий таркибий қисмларидан иборат бўлиб, улар алоҳида тайёрланган. Ўрта Осиёда муқовалаш санъати ўзининг қадимий анъанасига эга. Шу давр Ўрта Осиёдаги китоб муқовалари тарихнинг йирик билимдони А.А.Семеновнинг сўзларига қараганда жуда пишиқ ишланган ва Шарқнинг бирон жойида бундай моҳирона муқовалаш қилинмаган. Ўрта Осиёнинг китоб муқовалаш услуби шакли ва қилинган матоси жиҳатдан ҳар хил бўлган: теридан, турли хил дарахтдан, қуйма қумуш ва қоғоз бўтқасига гипс ва елим аралаштирилган қаттиқ моддадан тайёрланган. Тери муқоваларнинг 2 хили фарқланади: бутун тери, яъни картон пўстлоқ билан ўралган, усти эса бутун тери бўлагидан иборат ва иккинчиси ярим тери муқовалардир. Ярим тери муқовалар Ўрта Осиёда кенг тарқалган усул бўлган, бундай муқовалашда китобларни ёпиштириш учун эшак терисидан фойдаланилган

⁴³⁵ Бухоро давлат музей-кўрикхонаси фондидан. Инв.3174/16.

ва одатда ёзув варақларини ёпиштириш йўли билан амалга оширилган. Картондан қилинган муқоваларни ёгли бўёқ ва лак билан бўяб, чиройли медальонлардек босма нақшлар солиб безатилган. Китобларни муқовалашнинг асосий марказлари Бухоро, Самарқанд, Қўқон, Тошкент ва Хива шаҳарлари бўлган.

Қўлёзмаларнинг нархи унга сарф қилинган маҳсулотларнинг нархидан келиб чиққан (коғоз, сиёх, бўёқ, тери, муқова учун картон, устаннинг тер тўккан меҳнати ҳисобга олинган). Бозордаги вазият ва талаб ҳам бунга катта таъсир кўрсатган. Бозорда эркин муомалада бўлган қўлёзма китобларнинг нархига ҳаммага маълум турли хил омиллар таъсир кўрсатган: ижод маҳсулининг камёблиги, рўйхатнинг ёши, қўлёзманинг сақланиши ва ёзувнинг номи, “Қалам ва қилич” нишонасининг борлиги таъсир кўрсатган. Моҳир хаттотларнинг ишлари бир неча ўн тилло тангага баҳоланган.

Қитъалар ҳар томонлама қизиқарли бўлган: хаттотлик санъатини юксалтириш билан бир қаторда, у ахлоқий характерга эга, муҳаббатга бағишланган шеърят ва эркин фикрга эга бўлган чақириқдан иборат бўлган. Шунингдек, кўплаб қитъаларда давр маънавий ҳаётдан келиб чиқиб тасаввуфий ва фалсафий мазмундаги байтлар ҳам битилган. Хатларни тўғри ва тўрли ўлчамларда ёзиш учун “мистар”лардан фойдаланишган⁴³⁶.

Хаттотлик билан нафақат китобат билан шугулланадиган котиблар, балки косиблар ҳам шугулланишган. Турли металл буюмлардан оддий ёғочгача эсдалиқлар туширилган. Бундай буюмлар, асосан маҳсус буюртма учун масжидларга вақф қилиб берилган. Шунингдек, Қуръон оятлари туширилган тақинчоқлар юқори қийматга баҳоланган ва харидоргир бўлган. Бу моҳир косиб-котибларнинг маҳоратларидан далолатдир. Музей фондларида садафга, чиганоққа ва турли қимматбаҳо тошларга ишланган хаттотлик намуналарини ҳам сақланган. Ҳозирги кунда музейларда сақланаётган ашёлар халқ тарихини, этнографиясини, маданияти ва бошқа жиҳатларни ўрганишда бебаҳо маскан бўлиб келмоқда.

Ўрта Осиёда бешта йирик хаттотлик мактаблари олдинма-кетин вужудга келган. Булар Бухоро, Хоразм, Фарғона, Самарқанд ва Тошкент хаттотлик мактабларидир. Ушбу мактаблар асосан темурийлар даври Ҳирот мактабидан сўнг вужудга келган. XIV–XV асрларда илм-фан, маданият ва санъатнинг барча соҳаларида бўлгани каби хаттотлик санъатида ҳам мисли кўрилмаган юксалиш кузатилди. Шу даврдан бошлаб Ўрта Осиёнинг турли минтақаларида бир неча хаттотлик мактаблари пайдо бўлди.

Ўрта Осиё, шу жумладан, Бухоро хаттотлик санъатининг бой тарихи мавжуд. XIV–XIX асрларда хаттотлик санъатига алоҳида қизиқиш бўлган, бунинг сабабларидан бири ушбу даврда китоб чоп этадиган босмахоналар мавжуд бўлмаганлигидир. XVI асрда Шайбонийлар сулоласи хонлари саъй-ҳаракатлари билан асос солинган *Бухоро хаттотлик мактаби* Мирали Ҳиравий (вафоти 1557 йил), Мир Убайд Бухорий (ваф. 1601 й.), Мир Ҳусайн Кўланкий Бухорий (XVI аср), Саййид Абдуллоҳ Бухорий (вафоти 1647), Ҳожи Ёдгор (вафоти 1663), Пирмуҳаммад Сўфи Бухорий, Мирза Бухорий, Султон Муҳаммад Бухорий, Абдурахмон Баркий Мунший (XV аср), Иноятилло Котиб (XVII аср), Мирза Абдурахмон (XVIII аср), Фозил Девона (XIX аср) Аҳмад Дониш (1826–1897), домло Бобобек (XIX аср боши), Абдул Фаттоҳон Мирза Маҳдихон (XIX–XX аср боши) каби вакиллари билан шуҳрат қозонди⁴³⁷.

Бухородан неча асрлар давомида юзлаб моҳир хаттотлар етишиб чиққан. Уларнинг аксарияти ўз мактабларини ҳам ташкил этишган.

Бухоро давлат музей-қўриқхонаси қўлёзмалар фондида кўплаб хаттотларнинг иш намуналари сақланиб қолган. Жумладан Мир Али Ҳиравий, Домло Бобобек, Шаҳобиддин Маҳдум Фозилжон ўғли, Аҳмад Дониш, Мирзо Сиддиқхон тўра Ҳишмат, Мирзо Абдул Карим, Муҳаммад Ражаб Балхий, Ҳикматулло Ҳўжа Маҳдум, Султонмурод Намадий, Муҳаммад Ризо, Муҳаммад Ҳўқандий, Камтарий, Арабшоҳ Бухорий, Мирзо Маҳдум

⁴³⁶ Аҳмедов А., Равшанов Ў. Муқаддас китоб талқини. Б.: “Дурдона”, 2019. -Б.16.

⁴³⁷ Муродов А. Ўрта Осиё хаттотлик санъати тарихидан – Т.: “Фан”, 1971.Б.7.

Самарқандий, Ақобир Қайфий Бадахший, Саййид Нуриддин, Мирзо Содик Жондорий, Мирзо Абдуллои Савдо, Дабирий, Ғуломжон Мирзо Қобил мирохўр, Муҳаммад Шариф Садри Зиё, Махдихон котиб, Абдулфаттоҳ бин Махдихон, Ҳожи Мир Бақо ва шу каби кўплаб котибларнинг хаттотлик ишларидан намуналари мавжуд. Уларнинг аксарияти Арк қалъасининг Жомеъ масжидида жойлашган “Хаттотлик санъати” номли кўрғазмадан ўрин олган.

Хаттотлик устаси Мир Харави Фатхободийнинг 1554-45-йиллардаги қитъаси бизгача етиб келган⁴³⁸. У ўз трактатларида хаттотларни шахсий ижод малакаларини қўллаган ҳолда ўрганиш жараёнида хаттот ҳақиқий ҳуснихатга эга бўлиши учун олдинги усталарнинг ютуқларидан фойдаланиши кераклигини уқтирган, кўр-кўрона кўчириб қўймаслиги учун хаттотларни шунга ундаган.

XVI аср иккинчи ярми-XVII аср бошлари Бухорода фаолият кўрсатган хаттотлардан бири Боязид Туронийдир. Бу инсон Бухорода 1514 йилда қурилган Масжиди Калон меҳробини чиройли хатлар билан безаган. Меҳробни ён томонидаги безаклар орасига унинг номи битилган.

Саййид Нафас - XVIII асрнинг охири-XIX асрнинг биринчи ярмида ижод этган бухоролик йирик хаттот. У Алишер Навоийнинг «Хамса» асаридаги «Хайрат ул-аброр» достонини 1839–1840-йилларда алоҳида кўчириб, китобат қилган хаттотдир.

Яна бир моҳир хаттот Абдулвоҳид (арабий таҳаллуси - Саририй Балхий, 1810-1886) - Бухоро сарой шоири ва тилшунос ҳам бўлган. Амир Музаффархоннинг «Мақолаи истиқбол» асари, Али Сафий ибн Ҳусайн Воиз Кошифий ёзган Нақшбандий шайхларининг таржимаи холи ва панд-насихатларига оид «Рашаҳот айн ал-хаёт» асарининг Абдулвоҳид қўли билан кўчирилган нусхалари бор. Ҳозирда ЎзФА Шарқшунослик Институти қўлёзмалар фондида Абдулвоҳиднинг Ўрта Осиё маданияти ва тарихига оид ўндан ортиқ хат ва асарлари сақланмоқда.

XIX аср Бухоро хаттотчилиги санъатига салмоқли ҳисса қўшган хаттотлардан бири бухоролик хаттот Абдулваҳҳоб Мирзо (1860 – 1870 йилларда Китоб шахрида вафот этган). У араб ва форс тилларидаги 100 га яқин қўлёзмаларни шикаста ва настаълик хатида кўчирган. Абдулваҳҳоб Мирзо кўчирган асарларидан баъзилари (Жалолиддин Румийнинг Маснавийлари ва Нозим Хиравийнинг «Юсуф ва Зулайхо» каби) ЎзФА Шарқшунослик Институти Қўлёзмалар фондида сақланмоқда.

Муҳаммад Латиф ибн Муҳаммад Шариф – XIX асрда Бухорода яшаб ижод этган йирик хаттот. У Алишер Навоийнинг “Хамса” асаридаги “Сабъаи-сайёр” достонини XIX асрда алоҳида нусхада кўчириб, уни китобат қилган.

Шундай моҳир хаттотлардан яна бири Абдул Фаттоҳхон (1337-1914-1915 йй.). Ҳаммага маълумки, Мирза Абдул Фаттоҳхон Мирза Махдихоннинг ўгли бўлган. Мирза Махдихон эса XIX-XX асрларда Бухородаги машҳур хаттотлар мактабининг асосчиси домулло Бобобекнинг шогирди ҳисобланади⁴³⁹.

Юқоридаги котиблар кўчирган қитъаларнинг умумий кўриниши очиқ мовий, улардаги оқ ранг устида қора рангда ёзилган ёзувлар аниқ ажралиб турибди. Бухорода юқори мазмун ва чиройли хатлар учун махсус абрибаҳор (абр - булут, яъни “баҳор булут”) дан фойдаланишган. Абрибаҳор қогозларни тайёрлаш ҳақида 1608 йилда ёзилган “Рисолаи тартиби абру” асари ҳам ҳозиргача сақланган. Абрибаҳорнинг тарама, кел-кет, шоли, булбул уяси, сомаки абру каби бир неча хиллари мавжуд бўлган⁴⁴⁰. Ушбу қогоздан дастлабки намуналари XVI асрга тегишли бўлиб, XIX асрга тааллуқли намуналари кўплаб сақланиб қолган. Ушбу қогозни безашда тўртбурчак идишга дарахт елими ва турли ранглар тўқ рангдан оч рангга томон навбатма-навбат солиб борилади. Махсус тароқ ёки таёқча ёрдамида идиш устидаги суюқликка турли шакллар берилади. Кейин идиш юзаси қогоз

⁴³⁸ Бухоро давлат музей-қўриқхонаси фондидан. Инв. 26039/11.

⁴³⁹ Бухорий А.Р. Ҳуснихат дурдоналари. -Т.: “Мовароуннаҳр”, 2008. Б.10.

⁴⁴⁰ Худойберганов Р. Абру безаги: анъаналар ва новаторлик.//Мозийдан садо. 2010. №4. Б.39.

билан тўлиқ ёпилади. Қогоз оқисталик билан идиш юзасидан олинади ва суюкликлар оқиб тушиши учун маълум бир муддат осиб қўйилади. Шундан сўнг қогоз соя жойда қуритилади. Уларга махсус таёкчалар ёрдамида турли гул ва миниатюралар ишланган. Моҳир усталаргина бир нақшни иккинчи маротаба такроран чиқара олишган.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, хаттотлик санъати нафақат хати балки барча элементлари билан мукамал ҳисобланган. Унинг ёзуви, мазмуни, қогози, миниатюраси, хошияси ва бошқа-бошқалар ушбу санъатнинг кенг тарқалишига замин яратган. Шунинг учун ҳам бугунги кунда баъзи хаттотлар ушбу санъатни давом эттиришга бел боғлаб келишмоқда.

ЎЗБЕКИСТОНДА ЭКОЛОГИК ТУРИЗМНИНГ РИВОЖЛАНТИРИШИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ

*Қамбаров Абдужаббор Бохролиевич
Наманган давлат университети ўқитувчиси*

Сўнги тадқиқот натижаларига кўра тор маънода *экотуризм* – кишиларни организмлар яшайдиган табиий муҳитига саёҳатларидир. Кенг маънода эса у – шахсларнинг доимий яшаш жойларидан муайян муддатга дам олиш, спорт билан шугулланиш, соғломлашиш, маърифий-маънавий(умумтарбиявий) тадбирларни олиб бориш каби мақсадларни кўзлаган ҳолда атроф табиатга ёки муайян табиий объектларга қиладиган *экологик йўналишдаги (характердаги) саёҳатлари*. Бу ўринда биз экотуризмни айнан экологик мақсадларни кўзлаган тарздаги туризм эканлигини алоҳида уқтириб ўтмоғимиз лозим. Зеро, турли экотуристлик компаниялар ташкил этилаётган, экотурлар ишлаб чиқиляётган ва туристик бозорга олиб чиқиляётганда, солиқ ва божхона тўловлари амалга ошириляётган, режа ва дастурлар ишлаб чиқиляётганда унинг асл мазмуни ва моҳиятини акс эттирувчи мақсадли ҳаракатлар талаб даражасида эмас. Экотуризм билан табиий туризм, спорт туризми, агротуризм, тарихий ёки диний туризм аралаштириб юборилмоқда.

Хусусан, Президентимиз Ш.М.Мирзиёевнинг “Ўзбекистон республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”[1] амалга ошириш бўйича муҳим вазифа ва чораларни белгилаб берилди.

2018 йил 1 мартга қадар “Миллий PR-маркази” ДУК учун замонавий ва юқори технологик суратга олиш ускуналари, автотранспорт воситалари, шу жумладан юқори ўтиш қобилиятига эга бўлган автотранспорт воситаларини сотиб олишни ўз ичига олувчи зарурий моддий-техник базаси яратилишини, шунингдек, ижара тўловисиз зарурий хоналар ажратилиши ва шакллантирилган ижодий ва суратга олиш гуруҳларининг сценарийлар ва суратга олиш ишлари концепциясини ишлаб чиқиш, республика ҳудудларига ижодий экспедициялар ва хизмат сафарлари, шунингдек, мамлакатнинг туризм салоҳиятини тарғиб қилиш бўйича материалларни тайёрлайдиган бошқа ижодий гуруҳлар фаолиятини доимий асосда, шу жумладан аутсорсинг орқали молиялаштирилишини таъминланиши белгилаб қўйилди.

Экотуризмнинг мақсади – ҳозирги ва келажак авлодларнинг экологик хавфсизлиги ва барқарор ривожланишини таъминлаш учун табиатдан туристик йўналишда оқилона фойдаланишдир.

Ўзбекистонда фуқароларни ва чет эл сайёҳларни ўз эътиборига тортиши мумкин бўлган бетакрор гўзал табиати, ландшафтлари, ноёб ўсимлик ва ҳайвонат дунёси, нодир дунё ахамиятига эга бўлган археологик топилмалари, палеонтологик қолдиқлар, дунёда кам учрайдиган геологик кесмалар мавжуд. Аниқроғи мамлакатимизда 8000 дан ортиқ табиий ёдгорликлари, 38 млн. гектардан ортиқ овчилик – балиқчилик ерлари, Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига кирган ўтхўр ҳайвонларнинг 24 тури, қушларнинг 48 тури, судралиб юривчиларнинг 10 тури, балиқларнинг 18 тури, 78 турдаги умуртқасизлар,

Ўсимликларнинг 270 тури фақатгина бизларда учрайди. Республикамизда алоҳида муҳофаза этилаётган табиий ҳудудлардан майдони 2164 км² ташкил этган 9 та давлат қўриқхонаси, 6061 км² майдондаги 2 та миллий бог, ноёб турларга кирувчи ҳайвонларни кўпайтириш Республика жайрон экомаркази, 12186 км² майдонда 11 та давлат буюртма қўриқхоналари мавжуд. Буларнинг ҳаммаси 20 520 кв.км, ёки Ўзбекистоннинг 5,2 % ҳудудини ташкил этади [2].

Юртимизда экотуристлик хизмат кўрсатишнинг турли мулк шакллари кенгайтириш ва унда тадбиркорлик фаолиятини кўллаб қувватлаш ҳамда экотуризм билан шугулланувчи шахсларни имтиёзли кредитлаш, солиққа тортиш, божхона тўловларини амалга ошириш масалаларини замон талабига мослаштириш зарур. Унинг учун экотуризмга оид норматив–ҳуқуқий тизимни атрофлича ва чуқур таҳлил қилиш, уларни такомиллаштириш, тегишли кўшимчалар ҳамда ўзгартиришлар киритиш ҳамда экотуристлик-ҳуқуқий механизмини яратиш лозим.

Дунё тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, мамлакатимизда экотуризмни ривожлантириш учун биринчи навбатда *экотуристик фан, таълим, тарбия ва тарғибот*ни йўлга қўйиш керак бўлади[3].

Бугунги кунда дунё аҳолисининг саёҳат ва туризмнинг жозибадор турлари, хусусан, экотуризмга талаб ошиши туризм соҳасидан олинаётган даромадлар миқдорининг доимий ўсиши ва ушбу соҳанинг жаҳон иқтисодий тараққиётининг ҳаракатлантирувчи воситаларидан бирига айланишига олиб келди. Жаҳон амалиётида экологик туризмни ривожлантириш, унинг ижтимоий-иқтисодий аҳамиятини ошириш, хусусан табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш борасида илмий тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Юқори суръатлар билан ривожланиб бораётган экологик туризмга талабнинг ошиб бориши, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар – табиат резерватлари, миллий боглар, табиат ёдгорликлари тизимини барпо этиш жараёнини сезиларли даражада фаоллаштирди.

Экотуризмнинг бошқа туризм турларидан фарқи шундаки, унда гид ва гуруҳ йўлбошловчиси туристларга табиатни муҳофаза қилиш масалаларида маслаҳатчи вазифасини бажаради. Улар экологик саёҳатларда анъанавий қулайликни биринчи ўринга қўйишдан воз кечиб, табиатни муҳофаза қилишни биринчи ўринга қўяди, “дала” шароитида яшаш ва қулайликни чеклаш афзалликларини меҳмонларга амалиётда намоёйиш этади.

Осиё ва Тинч океани минтақасида биз Япония, Корея Республикаси ва бошқа давлатлар билан иқтисодиёт, инвестициялар, фан ва технологиялар, таълим, соғлиқни сақлаш ва туризм соҳаларида ҳамкорлик муносабатларини янада ривожлантиришга устувор даражада аҳамият берамиз [4].

Барча турфирмалар юқорида кўрсатилган икки даражага тааллуқли барча тадбирлар, яъни туризмни ривожлантиришнинг республика ва минтақавий дастурларини шакллантириш, ички ва ташқи дунё туризм бозорида туризм маҳсулотларини сотишда иштирок этади, энг муҳими, янги туризм маҳсулоти ва хизматларини яратади, булар туризм соҳасининг фаолияти ва ривожланишининг асоси ҳисобланади. Айнан шу даражада тадбиркорлик ташаббускорлиги намоён бўлади, булар аҳоли турмуш даражасига ижобий таъсир кўрсатади [5].

Экотуризмни барқарор ривожлантиришга йўналтирилган стратегияни ишлаб чиқиб амалга оширишга муҳим асос бўлмоқда. Стратегиянинг асосий мақсади – МЭТҲлари турли категорияларининг рекреация-экотуризм ресурси салоҳиятидан самарали фойдаланишга асосланган экотуризмни барқарор ривожлантиришни бошқаришнинг узоқ муддатли устувор йўналишларини белгилаб берувчи стратегияни шакллантириш, соҳанинг миллий иқтисодиётга қўшадиган улушини кўпайтириш, асосий муаммолар ечимини топиш йўналишларини аниқлаш ва бошқарувнинг тегишли экологик-иқтисодий мақбул стратегияси йўналишларини амалга оширишдан иборат. Стратегияни шакллантиришнинг амалий ва ташкилий жиҳатлари ва элементларини дунё амалиётида кенг қўлланилаётган методологик ёндашув ва принципларга таяниб амалга ошириш лозим. Шу муносабат билан Ўзбекистонда

экологик туризмни ривожлантиришни бошқариш стратегиясини ишлаб чиқиш куйидаги тамойилларга асосланиши мақсадга мувофиқ:

- миллий манфаатларнинг устуворлиги, мамлакатнинг ягона экотуризм макони ва экотуризм бозорини барпо этиш;
- мамлакат экотуризмнинг комплекслиги, табиат муҳофазаси, экологик ва экотуризм хавфсизлиги, экологик ва экотуризм назоратининг ўзаро боглиқ ва мувозанатлашган тизимини маҳаллий шарт-шароитлар ва истеъмолчилар (ташриф буюрувчилар) ҳамда маҳаллий аҳоли талаб ва эҳтиёжларини ҳисобга олиб ташкил этиш ва бошқариш;
- МЭТХларда экотуризмни ривожлантиришни бошқаришда ландшафт ва биологик хилма-хилликдан экотуризмда фойдаланиш жараёнида уларни асраш ва муҳофаза қилиш, маҳаллий маданият ва анъналарни ҳурмат қилиш, тарихан шаклланган миллий ҳунармандчилик ва ишлаб чиқаришни қўллабқувватлашни бошқариш тузилмаси таркибига киритиш;
- экология ва экотуризм хавф-хатарларни ҳисобга олиш ва уларни бартараф этишни бошқариш;
- маҳаллий кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш, экологик тоза хизмат кўрсатиш соҳалари ва ишлаб чиқаришни ривожлантириш;
- экологик туризмни маҳаллий, минтақавий, миллий иқтисодиёт тизимларига интеграциялаш асосида унинг мамлакат иқтисодиёти самарадорлигига қўшадиған хиссасини ошириш, маҳаллий аҳоли манфаатларини ҳисобга олиш [6].

Стратегияни ишлаб чиқишда экотуризмни ривожлантиришни бошқариш фаолиятининг барча шакллари, экотуризм ресурсларидан самарали фойдаланиш, уларни асраш ва муҳофаза қилиш, тежашни ўз ичига олади.

Ўтказилган таҳлиллар натижаларидан келиб чиқиб, хулоса қилсак, фикримизча, *экотуризм* – ижтимоий масъулиятли ва экологик барқарор ривожланишни, табиий ва маданий меросни сақлашни, муҳофаза қилишни таъминловчи туристик фаолият, биохилма –хиллик ва маҳаллий аҳоли ўртасидаги синергетик муносабатларга асосланган табиатга саёҳат қилишни кўзда тутувчи туризмнинг сердаромад инновацион йўналишидир [7].

Бундан шундай хулоса қилиш мумкин, мамлакатимизда ҳали экотуризм салоҳиятидан ва бу борадаги мамлакат имкониятларидан етарли даражада фойдаланилаётгани йўқ. Қайд килинганлардан хулоса қилиш мумкинки, мамлакатимизда экологик туризмни ривожлантириш миллий туризм индустриясини ривожлантиришда кун тартибида турган энг долзарб масалалардан ҳисобланади.

Фойданилган адабиётлар рўйхати:

1. <http://www.lex.uz/docs/3550279>
2. Хайитбоев Р., Матякубов У. Экологик туризм. Самарканд, 2017 -Б.80
3. Ҳамидов О.Ҳ. Экотуризмни бошқариш механизмини такомиллаштириш-туризм соҳасини стратегик ривожлантиришнинг муҳим йўналиши // “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. №2, апрель, 2017 йил
4. Мирзиёев, Шавкат Миромонович Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. - Тошкент: «Ўзбекистон» НМИУ, 2017 . Б-18.
5. Ҳамидов О.Ҳ. Экотуризмни бошқариш механизмини такомиллаштириш-туризм соҳасини стратегик ривожлантиришнинг муҳим йўналиши // “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. №2, апрель, 2017 йил
6. Хайитбоев Р., Саттаров А., Туризм маршрутларини ишлаб чиқиш технологияси. Самарканд, 2008, Б-28.
7. Ледовских Е.Ю., Моралева Н.В., Дроздов А.В. Экологический туризм на пути в Россию: принципы, рекомендации, российский и зарубежный опыт. Тула. “Гриф и К”, 29 с.

ЎЗБЕКИСТОНДА ИСЛОМ МАДАНИЯТИ РИВОЖИ: ЎТМИШ ВА БУГУН

Юлдашбоев М. - Фаргона вилояти Бағдод тумани 35-умумий ўрта таълим мактаби маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари

Маълумки, бир асрдан ортиқ давом этиган мустабид тузум даврида маънавий илдиларимиздан айириш, динни жамият ҳаётидан сиқиб чиқаришга уринишлар бўлди. Натижада, маънавият ва маърифат ўрнини маълум даражада жаҳолат эгаллаб, юртдошларимиз фикр, тафсир, ҳадис, тасаввуф илмлари ҳақида ҳатто умумий тушунчага ҳам эга бўлмай қолдилар. Шунини таъкидлаш жоизки юртдошларимиз орасида ҳатто, “ислом дини, мусулмончилик нима?” деган саволларга жўйали жавоб бера оладиганларнинг сони ҳам озчиликни ташкил этиб қолди. Моварауннаҳр диёри азалдан дин-у-диёнат ўчоги, олим-у фузалолар юрти эканлагини унутиб қўйдик.

Истиклолнинг дастлабки кунлариданоқ диёримизнинг барча фуқаролари ҳақиқий эътиқод эркинлигини ҳис эта бошладилар. Бугунги кунда Ўзбекистонда турли дин вакилларининг ҳуч қандай тўсиқларсиз ўз динларига эътиқод қилишлари учун барча шароитлар яратилган. Собиқ шўро даврида республикаимизда бор-йўғи 87 та масжид ва иккита мадраса фаолият кўрсатган бўлса, ҳозир Ўзбекистон мусулмонлари идораси бошқаруви остида расмий рўйхатдан ўтган, барча қулайликлар яратилган 2244 дан ортиқ масжид, 10 та мадраса ва Тошкент Ислом институти фаолият кўрсатиб турибди. Мустақиллик йилларида 110 мингдан ортиқ мусулмонлар ҳаж сафарига ва 80 мингдан ортиқ Умра сафарини амалга оширишди.

Шунингдек, мамлакатимизда истиқомат қилаётган 130 дан зиёд миллат ва элат вакиллари ҳам ўзлари эътиқод қилаётган динларида эмин-эркин ибодат қилмоқдалар. Бугун республикаимизда 16 турдаги 170 дан зиёд ноисломий диний ташкилотлар расман фаолият кўрсатмоқда. Булар жумласига: 157 та христианлик, 8 та яҳудий, 6 та баҳаи, 1 та кришнаитлар жамоаси ва 1 та буддавий ибодатхоналар киради.

1999 йил 7 апрел куни Давлатимиз биринчи президенти И.А.Каримов Фармонига асосан Тошкент Ислом университети ташкил этилди. Ҳар йили мазкур олийгоҳ ислом тарихи ва фалсафаси, диний қонунчилик, иқтисод ва табиий фанлар факултетларига 100 дан ортиқ талабаларни қабул қилади. Университет қошида Исломшунослик илмий тадқиқот маркази, манбалар хазинаси ҳамда академик лицей фаолият кўрсатмоқда.

Таъкидлаш жоизки, ҳар қандай мамлакатда жамият ҳавфсизлиги ва мамлакат барқарорлигини таъминлашда энг аввало, диний маърифий ва бағрикенглик конфессиялараро ҳамкорлик муҳим аҳамият касб этади. Хусусан, мазкур омиллар юртимизда ўзига хос ёндашувни тақозо этиб, кўп миллатли мамлакатимизда тинчлик, хотиржамлик ва барқарорликни таъминлаши орқали осуда ҳаётни ҳукм суришига замин яратади. Ўтмишдан маълумки, юртимизда азалдан зардуштийлик, буддавийлик, насронийлик, монийлик ҳамда ислом дини вакиллари ўзаро иноқ ва тинч-тотувликда истиқомат қилишган. Бу ҳақда, фикр юритганда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев қайд этганидек: “Маълумки, бизнинг қадимий ва саховатли заминимизда кўп асрлар давомида турли миллат ва элат, маданият ва дин вакиллари тинч-тотув яшаб келган. Меҳмондўстлик, эзгулик, қалб саховати ва том маънодаги бағрикенглик бизнинг халқимизга доим хос бўлган ва унинг менталитети асосини ташкил этади”.

Дунёдаги энг инсонпарвар дин бу албатта, ислом дини саналади. Сабаби исломда инсонлар ирқи, келиб чиқиши, мансаби, жинсидан қатъий назар улар Аллоҳ олдида бирдирлар. Худди шу принцип ислом динида инсон омили қанчалар юксак эканлигини кўрсатиб беради. Ислом дини юзасидан гапирадиган бўлсак инсоннинг ҳар бир қилган ҳаракати саволдир ва севинч ёки қайғуси жавоб бўлади. Гўзал жавоб учун Аллоҳга шукрона келтириш, ёмон жавоб учун эса, Аллоҳга тавба қилиш лозим.⁴⁴¹

⁴⁴¹ Жалололдин Румий. Ичингдаги ичиндадур.-Т. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти. 2018.

“Бизнинг балойимиз етганда ҳам тазарру қилмадиларми?!(Албатта, тавба-тазарру қилишлари лозим эди,) лекин уларнинг диллари қотиб қолган”⁴⁴², - дея буйрулганидек, улар жавобнинг саволга мувофиқлигини тушунмадилар. Яъни буни шундай изоҳлашимиз мумкинки, инсонлар ўз саволларига берилган жавобларга қараб: бу хунук жавоб саволга лойиқ эмасдир, - дейишлари мукин. Бунга шундай мисол келтириш мукин. Тутун ольдан эмас, балки ўтиндан эканлиги. Бу эса, ўтин қанча қуруқ бўлса, тутун ҳам шунча оз бўлади. Ёки бўлмаса, гул богидан ёмон хид келса, айб гулдами? Йўқ асло! Бу ерда айбдор факат богбондир.

Кўриниб турибдики инсонда юзага келадиган турли хил саволларга жавоб излашда беихтиёр динга мурожаат қилади. Инсонлар қайси динга эътиқод қилишларидан қатъий назар улардаги барча саволларга ечим ҳар доим ҳам топила вермайди. Биз инсонмиз шундай экан бизнинг ожиз томонларимиз ҳам мавжуд. Инсондаги бу ожизлик агар динда бўлса у ўзи билмаган ҳолда турли хил кўнгилсиз ҳолатларга тушиб қолиши мумкин. Билиб-билмай кимларнидир камситиш ҳолатлари ҳам бўлиши мумкин. Бу борада инсонга ўз дини бўйича агар тўғри таълим ва тарбия берилмаса унда йўлдан адашиш юзага келади.

Ислом дини қарийб минг йиллардан бери Марказий Осиё халқлари ҳаётининг ажралмас қисмига айланган. Орадан асрлар ўтиб, минтақада ҳукмронлик диний гоялардан холи дунёвий давлатлар қўлига ўтган бўлса-да, исломий асосга эга урф-одатлар, дунёқараш ва маданият оддий халқ ҳаётидан, хусусан, диний амаллардан узоқ дунёвий одамлар турмушидан ҳам мустаҳкам ўрин олган.

Сўнгги йилларда минтақанинг диний ҳаётини ўрганишга қаратилган илмий изланишлар сони ортди. Исломнинг, асосан, сиёсий жихатига эътибор қаратувчи тадқиқотчилар, кўпинча, диндорлар сонининг ошишини радикализм ва экстремизмнинг кучайиши билан боғлашади. Питсбург университети тадқиқотчи Девид Монтгомерига кўра, бундай қараш юзаки бўлиб, ислом ва мусулмонларга ҳақиқий баҳо бериш имконини йўққа чиқаради.

“Марказий Осиёда зўравон исломий экстремизм жуда кам учрайдиган ҳолат. Динни ўрганишда унинг давлат тартибига алоқадор бўлмаган бошқа жихатларини ҳам ўрганиш муҳим”, - дейди олим.

Муқаддас динимизнинг тинчлик, бағрикенглик ва эзгулик дини эканини аҳоли, айниқса, ёшлар орасида тарғиб қилишда ушбу соҳа вакилларининг зарур билим ва салоҳиятига эга бўлиш муҳим аҳамият касб этади. Айниқса, бугун дин ниқоби остида турли бузгунчи гуруҳлар томонидан дунёда ёвуз ҳаракатлар содир этилаётган мураккаб вазиятда бу ўта долзарб масала бўлиб қолмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Носируддин Бурхонуддин Рабгузий. «Қиссаси Рабгузий».
2. Лернер М. Развитие цивилизации в Америке. Образ жизни в Соединенных Штат сегодня.
3. Мухтаров О. Глобаллашув шароитида ахборот-психологик хавфсизликни шакллантириш масалалари.
4. Жалолиддин Румий. Ичингдаги ичиндадур.

ЎЗБЕКИСТОНДА ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ЗИЁРАТ ТУРИЗМИНИНГ ЎРНИ ВА РОЛИ

Бойматов Фарҳоджон Зиёдқўзи ўғли
ЎзДЖТУ 2 босқич таянч докторанти (PhD)

Ҳозирги глобаллашаётган бир даврда кўплаб дунё мамлакатлари сингари Ўзбекистон ҳам ўзининг туристик имкониятларини тўлиқ намойиш этиб, дунё

⁴⁴² Қуръон, 6-сура, 43-оят

мамлакатларининг туристик рейтингда ўз ўрнини мустаҳкамлаб бормоқда. Зеро, ҳозирги кунда туризм нафақат мамлакат иқтисодиётига таъсири ортмоқда, балки, унинг сиёсий обриси кўтариб бормоқда.

2019 — 2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини ривожлантириш концепсиясида Ўзбекистон Республикасининг хилма-хил ҳамда йилнинг турли фаслларида жозибадор ва рақобатбардош туристик маҳсулотлари, шу жумладан мамлакат ҳудудларида тематик туристик зоналари ва кластерларни яратиш орқали ҳамда туризмнинг истиқболли турлари (зиёрат, маърифий, экологик, этнографик, гастрономик, спорт, даволовчи-соғломлаштирувчи, қишлоқ, саноат, ишбилармонлик ва бошқаларни) ҳисобга олган ҳолда, янги туризм дастурларини ишлаб чиқиш⁴⁴³ туризмни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари сифатида белгиланди.

Мамлакатимизнинг бой табиий, маданий ва тарихий меросидан, мавжуд ресурслари ва имкониятларидан самарали фойдаланиш, инновацион гоялар ва технологияларни жорий этиш орқали мамлакатимизда туризм салоҳиятини янада ривожлантириш, айниқса зиёрат туризми ривожлантириш учун кенг имкониятлар яратилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида: “Бизда туризм кўпинча қадимий шаҳарларимиз, тарихий-маданий ёдгорликлар доирасида чекланиб қолмоқда. Ваҳоланки, мамлакатимизнинг бетакрор табиати, миллий қўриқхоналар, тоғли ҳудудларда туризмни ривожлантириш учун катта салоҳият мавжуд. Айниқса, тиббиёт туризми, зиёрат туризми ва экотуризмни ривожлантириш нафақат иқтисодиёт, балки ижтимоий соҳалар ривожига ҳам ката туртки беради”, деб таъкидлаб ўтгандилар.

Ҳозирги кун учун маданий тарихий туризм энг оммабоп туризм шакли бўлиб қолмоқда. Зиёрат туризми соҳасида амалга оширилаётган ишларни самарали бардавом бўлиши ҳамда бу соҳада фаолият юритаётган юртдошларимизга эркинликлар яратиш мақсадида бу соҳада турли хилдаги қонунлар, қарорлар қабул қилинмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 январдаги “Ўзбекистон республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5611-сон фармонида чет элдан ташриф буйурувчи туристлар учун Ўзбекистоннинг маданий-тарихий ва диний мероси, анъаналарини ўрганиш мақсадида ташриф буйурувчи хорижий фуқаролар учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита ва туристик фаолият субъектларининг аризасига кўра 2 ойгача бўлган муддатга **“Pilgrim visa”** зиёрат визаси⁴⁴⁴ бериш жорий этилди. Бундан кўзланган асосий мақсад туристларни мамлакатимизга кўпроқ жалб этиб, диний зиёрат объектларимизни жаҳон оммасига танитишдан иборатдир. Шу ишлар баробарида ички туризм соҳасини ҳам янги босқичга олиб чиқиш керак. Самарқанд, Бухоро, Тошкент шаҳарларидаги **муқаддас қадамжолар ва ёдгорликларни зиёрат қилишдан иборат бўлган “кичик хаж” дастурини ривожлантириш ва жадаллаштириш** зарур. Ички туризм соҳасидаги катта имкониятларни ҳам тўлиқ ишга солиш лозим⁴⁴⁵.

Республикасида зиёрат туризмни янада ривожлантириш учун амалга оширилаётган ишлар билан бир қаторда янги халқаро туризм кластерларини ташкил этиш лозим деб ўйлаймиз. Жумладан, Бухорои шариф сингари жами еттита шариф шаҳарлар мавжуд бўлиб, улар ўртасида туристлар қатновини йўлга қўйиш лозим. Бу шаҳарлар қуйидагилар Макка, Мадина, Мозори шариф, Бағдод, Қуддус, Дамашк, Бухорои шариф. Ўрта асрларда бу шаҳарлар диний марказ сифатида шуҳрат қозонганликлари учун “Шариф” унвони берилган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 январдаги ПФ-5611-сон фармони <https://lex.uz/docs/4143188>

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 январдаги ПФ-5611-сон фармони <https://lex.uz/docs/4143188>

⁴⁴³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 январдаги ПФ-5611-сон фармони <https://lex.uz/docs/4143188>

⁴⁴⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 январдаги ПФ-5611-сон фармони <https://lex.uz/docs/4143188>

⁴⁴⁵ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. Т. Ўзбекистон. Б. 61

THE IMPORTANCE OF MANAGEMENT DECISIONS IN TOURISM DEVELOPMENT IN THE INVESTMENT CLIMATE

*Rustamova Sayyora Xatamovna,
PhD student, Andijan state university*

Uzbekistan is a country with a very ancient history, with its great ancestors. It is clear from the experience of developed countries that tourism promotes huge economic benefits to the national economy. Unique ways to promote the country to the world community are its sporting achievements, cultures and, of course, historical monuments and places to see. In this regard, our independent Uzbekistan is no longer a country. Al-Bukhari, At-Termizi, Muhammad al-Khorezmiy, Ibn Sino, Amur Temur, Z.B. Bobur and the great statesmen of our recent past: the first President IA Karimov, Sheikh Muhammad Sodiq Hazrat and other cultural and spiritual world The prosperity of their nomadic people certainly attracts people interested in history. Our mayor, Mirziyoev Sh.M., talked about the important factor of attraction of tourism in the meeting held on December 22, 2017 with deputies of Oliy Majlis.

The history of the country's first President I.A.Karimov in the years of independence has been improved. As a proof of our opinion, we can see that the level of tourist services is growing, and the flow of tourists is growing every year. In the first nine months of 2017, Uzbekistan will receive about \$ 1 million. 800 thousand tourists visited. Which is 17% more than in 2016. Exports of tourist services increased by 17% to \$ 1 billion. 86 million \$. [1]

According to the Decree of the President of the Republic of Uzbekistan Shavkat Mirziyayev "On measures to ensure accelerated development of the tourism industry in the Republic of Uzbekistan" dated December 2, 2016, the strategic role of the economy in tourism is an important factor in its effective utilization. Over the past period 16 regulatory legal acts have been adopted. In order to ensure compliance of the international organization with standardization of the tourism sector of the country to the requirements of the international standards, two new state standards have been developed and approved for the requirements of tourism terminology and hotel safety.

Presidential Decree on August 16, 2017 "On Priority Measures for the Development of Tourism in 2018-2019" raised the work to a new level. As part of the decision, the Coordination Council for the Development of Tourism was established. Within the framework of the program it is planned to adopt separate programs on tourism, medical, recreation, agro and ecotourism.

In February 2018, four more industry-critical decisions were made. Tourism departments have been opened in the regions. In order to popularize the national cultural heritage of our country abroad, attract foreign tourists to our country and develop domestic tourism, our country's tourism organizations are organizing exhibitions and exhibitions in Madrid, Riga, Berlin, Paris, Tokyo, London, Moscow, Istanbul and participate in international exhibitions. According to the decree of the President of the Republic of Uzbekistan Sh.M.Mirziyoev from January 1, 2021, for traveling to the Republic of Uzbekistan for a period not exceeding 30 days in accordance with the Decree of the President of the Republic of Uzbekistan of December 2, 2016 "On measures to ensure accelerated development of tourism in the Republic of Uzbekistan", Australia, Austria, Great Britain, Germany, Denmark, Spain, Italy, Canada, Luxembourg, the Netherlands, the Republic of Korea, Singapore, Finland, Switzerland, and Japan, as well as the entry into force of the visa regime with the Kingdom of Belgium, Indonesia, ayyohlik structure of the groups), Malaysia, the US, Vietnam, Portugal and the Czech Republic in a period not more than 30 days, the tourist visit to the Republic of Uzbekistan for the purpose of cancellation of visa regime for citizens over the age of 55, we can see the mechanism to promote rational use in the field. Citizens of these countries will pay entry fee of \$ 50 upon entrance to Uzbekistan. These funds will be transferred to the state budget and will remain a confirming document. [2]

Unlimited access to the tourism industry is gaining momentum. The country's economy is expected to rise to enormous heights by visiting tourism, domestic tourism, agro-tourism, foreign tourism, and so on. 180 million Indian traders have been interested in travel tourism. All tickets were purchased in Israel only within two days following the expiry of 30 days without visa to Japan, Singapore, Israel, South Korea, Turkey. The elimination of border issues with neighbors also contributed to the entry of tourists from neighboring countries. In 2017, 2,700,000 tourists visit our country, of which 2,000,000 are in the care of 500,000 to visit their relatives. Starting from July 1, 2018, the electronic visa regime will be introduced. The cost of air tickets has been lowered. The aim of the hotel services development is to increase their number. In order to create convenience for tourists, it was suggested to open guest houses by fixing houses. The organizers of such houses are provided with tax incentives and up to 200 times the minimum wage. Moreover, we can see that the guest houses are set up at the cost of 200 soums per person, not for the electricity, but for the cost of electricity. The cost of such hotels is set at 1,000 soums per day. [3]

The Decree of the President of the Republic of Uzbekistan of December 5, 2017 "On Creation of a Free Economic Zone Charvak" was signed. According to it, the first free tourist zone in Uzbekistan will be organized on the territory of Chimgan-Charvak Recreation Area. The period of validity of the zone is set at 30 years with subsequent prolongation. All the benefits provided to free economic zones are envisaged. The Fund for Reconstruction and Development of Uzbekistan has been provided with a \$ 100 million soft loan line covering favorable loan and interest rates. Currently, there are 120 companies serving domestic and foreign tourists in Tashkent region: 15 of them are tour operators, 45 hotels, 71 sanatoriums and rest houses with 2440 tourists a day. Tourism services totaled \$ 44.6 million, which is 109.2% of growth. [4]

In general, through the development of tourism, the range of service points has been intensively developed:

1. The number of hotels and its quality improves, and the increase in tourist flow affects the price factor;
2. Road construction is of great importance;
3. The transport system, in particular, the provision of taxi services and internet services in the airports
4. Along with the development of the system of public catering, the level of service is quite high.
5. There is a broader basis for home-based business development, and demand for handmade waterline products is growing.
6. Qualification in the field of tourism also increases.

World Tourism and Travel Experts predict that Uzbekistan will be among the five countries that are expected to increase in the near future and that the country's tourism industry will grow by more than 7% in the next ten years, indicating the future of this sector in the country. In general, tourism is one of the major steps forward as a major area of service that brings the state budget to a higher level.

КОНФЕССИЯЛАРАРО БАГРИКЕНГЛИКНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ДИНИЙ- МАДАНИЙ ЖИХАТЛАРИ ВА ЗАМОНАВИЙ АҲАМИЯТИ

Қувонч Пулатов

ФарДУ фуқаролик жамияти кафедраси ўқитувчиси

XX аср охири ва XXI аср бошларидаги жаҳонда вужудга келган муҳит, глобаллашув, юқори техник ва технологик тараққиёт юзага келтирилган мисли кузатилмаган ижтимоий-маданий тезланиш, юқори ахборот коммуникациялар тез ривожланишини фалсафий таҳлил қилар экан, Ю.А.Шрейдер беихтиёр ушбу жараёнлар “умумий махражи” – инсон омили унга толерантликни беқиёс таъсирини эътироф этади. У шундай дейди: “Бугун инсониятга хавф тугдираётган хавфлардан энг даҳшатлиси – инсониятни Ер юзида жисмонан йўқ бўлиб

кетишига сабаб бўлувчи атом, иссиқлик ва ҳ.к.лар эмас (балки бутун жонзотни), балки антропологик, яъни инсонда инсонийликни йўқ бўлишига олиб келувчи хавфдир. Қандай қилиб табиатни асраш, урушдан, офатлардан ҳимоя қилиш йўлларини қидиришдан аввал қандай қилиб ақлли, англовчи, яъни виждонли инсон бўлиб қолиш йўлларини қидирмоқ лозим⁴⁴⁶ деб, фалсафий хулоса қилади. Бундай хулосада жон бор, албатта. Агар инсон ва инсониятда ўзаро бир-бирини тушуниш учун етарли тоқат, етарли сабр-қаноат етишмас экан у миллий, этник, диний, сиёсий, ҳуқуқий, маданий ва маънавий ҳамжиҳатликка, унинг асоси багрикенгликка (толерантликка) эриша олмаслиги аниқ. Бугунги илмий ва сиёсий адабиётда диний толерантликка кўпроқ эътибор берилади.

Бунинг боиси маҳаллий, минтақавий ва глобал миқёсда динлараро ўзаро багрикенглик масаласи ижтимоий тараққиётни белгиловчи муаммо даражасига кўтарилганлигидир. Ер шарининг турли ҳудудларида кузатилаётган фуқаролар қиргинбарот урушлари, қон тўкилишлар, ижтимоий беқарорликлар замирида кўпроқ диний, эътиқодий мурсасизлик муносабатлари яширинганлиги кўпчиликка аён.

Ижтимоий-фалсафий позициядан ёндошилганда, конфессиялараро толерантликни таъминлаш масаласи миллатлараро ҳамжиҳатлик, дўстлик ва багрикенгликсиз мумкин эмаслиги аниқланади. Бунинг сабаби қуйдагича:

- этимологик жиҳатдан бугунги кунда “дин” ва “миллат” тушунчалари мазмунан бир-бирига мос келмайди;
- диний эътиқод миллий идентликка нисбатан кенгрок бўлиб, у полиэтник табиатга эга;
- диний толерантликни таъминлаш полиэтник жамиятларда ўзига хос стратегияни тақозо этади.

Ушбу тезислар нафақат ижтимоий-фалсафий, яъни методологик, балки ижтимоий-стратегик мазмун ва табиатга эга. Маълум даражада уларни ушбу тадқиқотнинг “ишчи” гипотезаси деб олиш мумкин.

Конфессиялараро толерантлик муаммога доир мавжуд бой илмий материалларни ўрганиш, таҳлил ва тадқиқ қилиш ушбу гипотезани амалда исботлашни, қай даражада уни объектив реалликка, яъни воқеликка мос келишини аниқлашни талаб қилади.

Таъкидлаш лозим – мазкур масала юзасидан илмий адабиётда қатор ёндошувлар мавжуд. Ушбу ёндошувлар учун муайян асос вазифасини диний эътиқод масаласи ташкил этади. Масалан, Ғарб тадқиқотчиларидан Ф.Руффин, Л.Дж.Хэммени, М.Конша ва рус таниқли файласуфи М.Мчедлов ёндошувларини олиш мумкин.

Ф.Руффини толерантликни фақат диний соҳа, диний муносабатлар доираси билан чеклаб тадқиқ қилади⁴⁴⁷.

Хемени Л.Дж эса конфессиялараро толерантликни эзгуликнинг алоҳида кўриниши⁴⁴⁸ деб баҳолайди. Уларга нисбатан илмий жиҳатдан муҳумроқ ёндошувни М.Конше ифодалар экан “толерант муносабатларни ифодаловчи модел сифатида интеллектуал эркинлик ва ҳар қандай фикрга нисбатан муроса мавжуд бўлган жамият”⁴⁴⁹ ни тушунади.

Рус тадқиқотчиси М.Мчедлов эса конфессиялараро толерантликни давлат ва дин муносабатлари табиати билан боғлайди⁴⁵⁰.

Юқорида тилга олинган ёндошувларни илмий характерда эканлигин, қисмад бўлса-да “толерантлик” тушунчасининг этимологик, ижтимоий-фалсафий ва методологик мазмун-моҳиятини акс эттиришини эътироф этган ҳолда мазкур масала бўйича бизнинг позициямиз ва тушунчамизни баён қилиш мақсадга мувофиқ. Зотан, полиэтнизм ва поликонфессионализм ёки мултиконфессионализм жаҳоннинг деярли барча мамлактларида кузалинса-да, ҳар бир аниқ ижтимоий муҳит, айнан давлат сиёсати, қолаверса аҳоли менталитети, унинг ахлоқий, сиёсий, ҳуқуқий, бир сўз билан ифодалаганда маънавий маданияти ҳолати, савияси ва

⁴⁴⁶ Руффини Ф. Религиозная свобода. История идеи. - М.: ИВИ РАН, 1995. - С 187.

⁴⁴⁷ Руффини Ф. Религиозная свобода. История идеи. - М.: ИВИ РАН, 1995. 145 с. - С 58.

⁴⁴⁸ Хэммени Л.Дж. Религиозная традиция и границы толерантности // Человек: образ и сущность толерантности и орхитектоника эмоций. - М.: ИНИОН, 1996, 90 с. - С. 79.

⁴⁴⁹ Конша М. Какая философия нужна завтра? // Философия обшество. М, 2004., №2 С. 175.

⁴⁵⁰ Толерантность. Под ред. М.П.Мчедлова. - М.: Республика, 2004, 416 с. - с. 10.

даражаси билан узвий боглик. Шу маънода, бизнингча, конфессиялараро ўзаро толерантлик, багрикенглик ва ҳамжиҳатликни таъминлаш юқорида эслатиб ўтилганидек муайян, конкрет ҳуқуқий асослар билан боглик. Бундай ҳуқуқий ва сиёсий ҳужжат сифатида бугунги куннинг бош стратегик ҳужжати – Ўзбекистон Республикасининг янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси хизмат қилади.

Ҳозирги кунда Ҳаракатлар стратегиясининг юзасидан давлатва жамият ҳаётининг барча соҳаларини риволантиришга қаратилган 15 та қонун ва 700 дан ортиқ бошқа норматив ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди⁴⁵¹.

Ушбу йўналтирувчи ҳужжатлар ҳаётда ўз тасдигини топиши кўп жиҳатдан уларни акс эттирувчи ижтимоий-фалсафий методологияга илмий принцип ва парадигмага узвий боглик.

Қонунчилик амалиётимизнинг фожиаси шундаки, кўп ҳолларда қонунни реаллаштирувчи, ҳаётга тадбиқ қилишга кўмаклашувчи восита – уни қарор топтиришга йўналтирилган, хизмат қиладиган амалий механизм яратилмайди. Натижада қонунлар самарадорлиги пасаяди.

Шу ўринда “Ҳаракатлар стратегияси”, унинг бешинчи устувор йўналиши ҳам ҳаётда қарор топиши учун муайян реаллаштиришга қаратилган илмий парадигмани талаб қилади.

“Толерантлик” концептига оид мавжуд ёндошувларни таҳлил қилишдан кўзланган мақсад ҳам шу – Ҳаракатлар стратегиясининг бешинчи устувор йўналиши – конфессиялар ва миллатлараро тотувликни таъминлаш билан бир қаторда чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий руҳдаги ташқи сиёсат юритишни йўлга қўйишга қаратилган ижтимоий-фалсафий парадигмани яратишдир.

Конфессиялараро толерантликка эришиш бўйича мавжуд илмий манбаларни ўрганиш натижада шундай парадигмани лойиҳасини яратиш имконини беради.

Ушбу парадигма мазмунан қуйидагича:

- мамлакатда конфессиялар фаолиятига кенг ҳуқуқлар бериш билан бирга улар ўртасида ўзаро диалог, Ўзбекистон миллий манфаатлари йўлида бирлашиш ишини йўлга қўйиш;

- конфессиялараро муносабатларни ўзаро уйғунлаштириш учун конфессиялараро мулоқот ва муносабат маданиятини шакллантириш;

- жамиятда миллий ва диний плюрализм муҳитини шакллантиришга йўналтирилган таълим тизимига ўтиш;

- миллий ва диний плюрализм ва тенг ҳуқуқликни ёшлар онгига сингдириш ва шу руҳда тарбиялаш.

Мазкур парадигмани ҳаётда қарор топтириш ўта мушкул ва машаққатли вазифалардан бири. Буни мавжуд илмий манбалар ва конфессиялар мутасаддилар билан бўлган суҳбатлар яъни, социологик методлар орқали аниқлашга муваффақ бўлинди. Масалан, мавжуд диний конфессияларнинг ҳеч бир мутасаддиси бошқа эътиқод вакили ҳақида салбий фикр билдирмаган муқаддас диний китобларда (Забур, Таврот, Инжил, Қуръон) гайридин вакилларига нисбатан муросасизлик гоёси акс этмаган. Бироқ масаланинг қалтис ва нозик томони шундаки, амалиётда нафақат динлар, конфессиялараро толерантлик, ҳатто бир диний конфессия доир динларда ҳам ўзаро толерантлик мавжуд эмас.

Масалан, Шимолий Ирландияда (Бельфест) католик ва протестантлар ўртасида Яқин Шарқда (Ироқ, Сурия) эса суннийлар ва шиалар ўртасида биродаркуш тўқнашувлар, диний эътиқод масаласи бўйича ҳатто қон тўкишлар бу фикрни амалда тасдиқлайди.

Муаммонинг ижтимоий-фалсафий ва методологик жиҳати шундаки, ижтимоий воқеъликда бугун кузатилаётган конфессиялараро толерантлик, ижтимоий барқарорлик усти сокин, туби шиддат билан оқаётган дарёга ўхшайди. У ўзида ўзаро диний, эътиқодий зиддиятларни, қарама-қарши эътиқодлар ўзаро курашиш диалектикаси жараёнини ўзида акс эттиради. Бундай зиддият ва қарама-қаршилиқ, диний конфессиялар вакиллари ўртасида

⁴⁵¹ Халқимизни Ҳаракатлар стратегиясини амалга оширишга сафарбар қилишда маънавий-маърифий ишларнинг роли /Рисола/: Маматқобилов Турсунмурод, Мусаев Мансур, Жўраев Хамик –Т.: “Sano-standart” нашриёти, 2017 йил. – 36 б. – 14-б.

инсоний, ўзаро ҳурмат шаклида мавжуд бўлса-да, ички эътиқод, иймон нуқтаи назаридан улар ўзаро антогонизмга асосланади.

Буни рус православ черковининг мулозими ва мутафаккири Иван Илгин қуйидагича ифода этади: “ҳар бир эътиқодли инсон ўз эътиқодини одатда ягона ҳақиқий (онгли ва англамаган тарзда) деб ҳисоблаб, бошқа эътиқоддаги кишилар нотўғри диний эътиқодда деб ҳисоблайдилар. Дин тарихидан бизга маълумки, бундай ҳолат айрим тарихий даврларда шунчалик кескин тушунишларгача олиб келганки, ҳатто “жоҳилликка” қарши қон тўкишига, жоҳилларни “жоҳиллигига” олиб келган”⁴⁵².

Юқоридаги парадигмага биноан конфессияларарогино эмас, балки бир конфессия ўртасидаги ўзаро диалог ҳам кўп ҳолларда конфронтацияга асосланади, яқдиллик кузатилмайди. Мусулмон оламидаги йўналишлар шиалар ва суннийлар ўртасидаги ҳамда ханафийлик, ханбалилик, шофийлик ва моликийлик мазҳаблари ўртасидаги эмас балки мавжуд ўнлаб исломий оқимлар ўртасидаги диний кадрятлар бўйича зиддият буни исботлайди.

ИСЛОМ МАДАНИЯТИНИ ТАРГИБ ҚИЛИШДА ЖАДИДЛАРНИНГ РОЛИ ВА УЛАР АСАРЛАРИНИНГ ЁРИТИЛИШИДА “САДОИ ФАРГОНА” ГАЗЕТАСИНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

*Қодирова ГўзалТошкенбоевна
ТошДУТАУ магистранти*

Туркистон тараққийпарварлари халқни жаҳолатдан қутқаришда матбуотнинг аҳамиятини англаб, ўз саҳифаларида буни халққа тушунтиришга ҳаракат қилган. Хусусан, «Садои Фаргона» дастлабки сонларидан бирида «газета бутун дунёдаги маданий миллатларнинг тирикчилик йўллари, оламдаги даражалари ва ҳам олам инсониятининг тараққийси учун лозим бўлган саъй-ҳаракатлари тўғрисида бир-бирлари билан маслаҳатлашмоқ ва кенгашмоқ учун лозим бўлган бир воситадир»⁴⁵³, деб таъриф беради. Унда ислом дини нуқтаи назаридан газетанинг лозимлиги ҳақида мулоҳаза қилинган ҳамда унинг зарурияти сабаблари кўрсатиб берилган.

Муаллифнинг ёзишича, биринчидан, жамият аъзолари, ким бўлишидан қатъий назар, норози бўлган ишларини далиллар билан газета воситасида халққа етказиши салбий воқеаларнинг олдини олишга ёрдам беради. Иккинчидан, ислом динида мусулмонларга саёҳат қилиш буюрилганлиги, шунинг учун бошқа хорижий мамлакатларда кўрган таассуротларни газета орқали ўқувчилар билан бўлишса, яхши ишдан ибрат олинади ва, аксинча, ёмон ишлардан тўғри хулоса чиқарилади. Учинчидан, мусулмонларга ҳар ишни машварат (маслаҳат) билан қилиш амр қилинган. Газета эса жамият аъзоларига турлича фикрлар билдириш ва биргаликда умумий бир қарорга келишига ёрдам берувчи чора, деб ҳисобланган.

Туркистон ўлкаси қадим замонлардан илм-маърифат маркази бўлганлиги барчамизга сир эмас. Бу заминда Ибн Синодек, Бухорийлару Фаробийдек зотлар етишиб чикқан. Дунё илм-фани тамаддунига ўз ҳиссаларини қўшган олимларга бешик бўлган бу замин. Мужоҳидлар маърифа улашиш йўлидан боришди. Ана шундай зиёлиларимиздан бири XIX аср 2-ярми XX аср бошларида яшаб ўтган ватандошимиз Исҳоқхон Тўра Ибратдир.

Бугунги кунда мамлакатимизда туризмни ривожлантиришга алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Туризмга бўлаётган қизиқиш, сайёҳлар оқимининг асосий қисми мусулмон мамлакатларидан эканлиги ўлкамизда ислом маданиятини модернизациялаш ва туризмни барқарор ривожланишини таъминлашни талаб этади.

⁴⁵² Илгин И.А. Аксиомы религиозного опыта. - М.: 1993. - С. 120-121.

⁴⁵³ О.Маҳмудов. Газета надур, на учун лозим? “Садои Фаргона” газетаси, 1914 йил 10 апрель

Муҳтарам юртбошимиз Ш.М.Мирзиёев 2016 йил 2-ноябрь куни Наманганлик сайловчилар билан учрашувда жадид, ёзувчи, таржимон, тарихчи, маърифатпарвар ва тараққийпарвар Исҳоқхон Тўра Жунайдулло хўжа ўгли Ибрат хақида алоҳида тўхталиб ўтди. Унинг халқимиз маънавий-маърифий юксалиши йўлидаги бекиёс хизматларига эҳтиром рамзи сифатида унинг номини абадийлаштириш, у кишига атаб бог яратиш, ёдгорлик мажмуаси ва “Ибрат мактабини” ташкил қилиш ташаббусини илгари сурди. Айни дамда Наманганнинг Тўрақўргон туманида Ибрат номидаги сўлим бог ёшларнинг сеvimли масканидир. Ушбу комплексда Ибрат хайкали ўрнатилган бўлиб, босмаҳона, чет тилларига ихтисослаштирилган мактаб-интернат, музей ҳам ушбу комплексдан ўрин олган.

Бугунги кунда ушбу маскан нафақат юртдошларимизни балки хорижий сайёҳларнинг ҳам эътиборини тортмоқда. Ибратнинг ҳаёт йўлига назар ташлайдиган бўлсак, у умрининг асосий қисмини ислом мамлакатларида саёҳатда ўтказганлигини кўришимиз мумкин. Саёҳат даврида хорижий тилларни ва кўплаб билимларни пухта эгаллаганлиги маълумотларда келтирилган. Бугунги кунда мамлакатимизга саёҳат қилаётган маҳаллий ва хорижий сайёҳларни Наманган вилоятида жойлашган Исҳоқхон Ибрат мемориал комплекси билан яқиндан таништириш мақсадга мувофиқ бўлади. Ибрат нафақат ўлкамизда, балки бошқа мамлакатларда ҳам ислом маданияти ва маърифатини тарғиб қилганлигини кўришимиз мумкин.

Ибрат 1862 йил Наманганнинг Тўрақўргон қишлоғида таваллуд топди. У зиёли оилада вояга етди, ёшлигиданоқ хат-савод чиқарди. Мадрасаларда савод олди. Шарқ олимлари асарларини мутолаа қилди, шоирлар ижоди билан яқиндан танишди. 1886 йил Қўқон мадрасасини тугатгач она қишлоғи Тўрақўргонга қайтади ва маърифат тарқатиш йўлида фаолият юритади. Эски усул мактабларида савод чиқариш қийинлигини билгани учун бундай мактабларни ислоҳ қилади ва жадид мактабларини очишга киришади. Лекин бундай мактаблар таъқиққа учрайди.

Ибрат 1887 йил 25 ёшида онаси Хурибиби билан Ҳаж зиёратига отланади. Аммо онасига ватанига қайтиш насиб этмайди, Жидда шаҳрида вафот этади. Исҳоқхон Тўра Ибрат Қобул, Истанбул, Жидда, Макка, Мадина каби шаҳарларда бўлади. Ҳиндистонга бориб, бир муддат Калькутта, Мумбай, Дехли шаҳарларида яшайди. Ғарб мамлакатларидан Булгория – София, Афина, Рим каби шаҳарларда бўлади. У ерлардаги ҳаёт тарзи билан яқиндан танишади. Сафари давомида ҳинд, урду, араб, форс, инглиз тилларини ўрганади.

1896 йил ватанига қайтади. Бой тажриба самараси ўлароқ олти тилли лугат “Лугати ситта ал-сина” яратилади. Ибрат бошқа халқлар тили ва ёзувини ўрганиш зарурлигини алоҳида таъкидлайди: “Дорихона борганда лотинча зарур. Ҳиндистонга хат қилинса, инглизча бўлмаса олмайду. Эронистонга франсавий. Биз Туркистонликларга биринчи заруримиз русия хатидурки, муни қози ва мударрислар инкор қилмаслар”, деб ёзади.

Бошқа замондошлари сингари Ибрат ҳам халқининг турмушини яхшилашга ҳаракат қилади ва бунга биринчи галда илм олиш билангина эришиш мумкинлигини яхши биларди. Шу мақсад йўлида 1908 йилдаёқ “Матбааи Исҳоқия”ни ташкил этди. Оренбурглик Ғауфман деган матбаачидан литографик ускуна сотиб олади. Бу машинани Қўқонгача поездда, Тўрақўргонга туяларга юклаб олиб келади. Ушбу матбаада илмий, тарихий, бадиий асарлар билан бирга, замонавий мавзулардаги илм-маърифат ва маънавият ривожига хизмат қилишга йўналтирилган кўплаб китобларни чоп этади. Бир неча китоб дўконлари ташкил этиб, бу китобларни арзон нархларда сотилишини ташкил этади.

Бошқа жадидлар сингари халқни янгиликлардан боҳабар қилиб боришни мақсад қилиб кўяди. Бу мақсадни амалга ошириш учун эса матбуот даркорлигини яхши биларди. Шу сабаб 1913 йилда “Ал-тижор ал-Наманган” номли газета чиқаришга рухсат беришни сўраб ҳукуматга илтимоснома ёзади, лекин унинг бу хайрли ишига рухсат беришмайди. Лекин шундай бўлсада, ўлкада чоп этиладиган газеталар билан мунтазам танишиб борди,

мақола ва шеърлари билан иштирок этди. Ибрат маънавий-маърифий қарашларини тарғиб қилишда Фаргона водийсининг илк қалдирғоч газетаси “Садои Фаргона”нинг аҳамияти улкан. У ўз қарашларини, фикрларини шу газета саҳифалари орқали ёритиб борган. Буни “Садои Фаргона” газетасининг 1914 йил 20-апрел(7 жумодил охир1332)даги 6-сонда эълон қилинган “Табрик Намангондин” шеъри мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Қуйида ушбу шеър матни билан тўлигича танишамиз:

Табрик Намангондин

Эшитилди “Садои Фаргона”,
Келмагон эрди то шу бу она.

Ҳақ муваффақ этуб муродина,
Эшитилсун бу самъ инсона.

Бир жароид эй биза алзам
Келмагон эрди ҳеч имкона.

Дастрас ўлди нўмер: аввал,
Ўқудук дафъатан фархалона .

Энди табриклар эрур лозим,
На учунким, бу шугул мардона.

Халқимиз ўз-ўзига овора,
Хоҳ ўзидур ва ёки бегона.

Бизга энди бисотдур бу газет,
Муддаони демокқа иқрона.

Хусн-иқбола нозил этсун Ҳақ,
Чикса шояд давом майдона.

Хидмат миллат этмади ҳеч ким
Чикмади мамлакатда бир дона.

Миллатимиз тили жароиддур,
Сўзлар энди булар далирона.

Миллатимиз тараққийга тарғиб,
Айласун сўзни қилмай афсона.

Исми ноширки Обиду Махмуд,
Чикса шояд муваффақиятона.

Йўқ бу вақтида ҳеч носихлар,
Қилса то панд ҳар мусулмона.

Анбиёни юборди хидмат учун,
Солмоққа элни роҳ яздона.

Фузало яхши фикрлар ёзсун,

Хошиши бўлса халққа эхсона.

Ўқур энди газетни ҳар ерда,
Хоҳ масжиду ёки хоҳ майхона.

Илму ахлоқ ҳам фунуни макол,
Алзам ўлди бу аҳду паймона.

Қалбан энди таважжуҳи лозим,
Шунчалик ходим мусулмона.

Пойдор айласун буни нашрин,
Мутамоди бу давру даврона.

Зийнат учун муборакон тавом,
Айладук бу “Садои Фаргона”.

Ибрат олсун бу халқимиз бундин,
Кирди бир руҳ жисми бежона.⁴⁵⁴

Балки Ибрат бу шеър орқали ўзи эриша олмаган орзуларини куйлагандир. Обиджон Маҳмудовни табриклар бу ишига муваффақият тилайди. Миллатимиз тараққийига тарғиб учун шундай жариди зарурлигини, шу пайтгача бунга имкон бўлмаганлигини таъкидлайди. Газетни давомий чиқишига умид қилиб, фозилларни бу газета орқали яхши фикрлар ёзишга даъват этади. Ибратнинг юқоридаги сатрларидан билиш мумкинки, бу газета халқ орасида қисқа вақтда оммалашиб улгурган.

“Садои Фаргона” газетаси саҳифаларида Ибрат ва бошқа ўзбек зиёлиларининг асарларини кўплаб учратишимиз мумкин. Ушбу газетанинг илк сони эсдалик тариқасида Маргилон шаҳрида махсус ипакдан тўқилган оқ, ҳарир шоҳи матоларга чоп этиб тарқатилган. Ушбу қимматли манба бугунги кунда ҳам Қўқон маданияти тарихи музейида сақланмоқда. Қимматбаҳо экспонат орадан 106 йил ўтган бўлса-да, ёрқинлигини йўқотмаган. Музейга ташриф буюрган сайёҳлар эътиборини тортиб келмоқда.

Шу ўринда яна бир маълумотни келтириб ўтмоқни жоиз деб биламиз. 1929 йилгача мамлакатимизда араб алифбосига асосланган эски ўзбек ёзувидан фойдаланганмиз. Табиийки, “Садои Фаргона” газетаси ҳам араб алифбосига асосланган эски ўзбек ёзувида О.Маҳмудов босмаҳонасида Ашурали Зоҳирий муҳаррирлигида нашр этилган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017-йил 13-апрелдаги “Наманган вилояти Тўрақўрган туманида атоқли маърифатпарвар Исоқхон Ибрат ёдгорлик мажмуасини ташкил этиш тўғрисида”ги 208-сонли қарори.
2. Ибрат. “Табрик Намонгондин” “Садои Фаргона” газетаси 1914 йил 20-апрель 6-сон 2-саҳифа.
3. У.Долимов, Н.Жабборов. Исоқхон Тўра Ибрат. Танланган асарлар. Т.:2015.
4. О.Маҳмудов. Газета надур, на учун лозим? “Садои Фаргона” газетаси, 1914 йил 10 апрель 2-сон 1-саҳифа.

⁴⁵⁴“Табрик Намонгондин”. Ибрат. “Садои Фаргона” газетаси, 1914 йил 20-апрель, № 6

ТУРИЗМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ДОИР АЙРИМ МУЛОХАЗАЛАР

*Атамирзаев И.Х., НамДУ катта ўқитувчи
Мирсаидов Б.М., НамДУ 2-босқич талабаси*

Мамлакатда иқтисодий ўсиш даврига ва уй хўжаликлари даромадларининг ўсишига қарамадан, ривожланаётган бир даврида ички туризмни ривожлантириб бўлмайди. Аммо туризм ва меҳмондўстликни муваффақиятли ривожлантириш бўйича дунё тажрибаси мавжуд ва ички туризмни ривожлантиришда юқори натижаларга эришган давлатлар ҳам бор. Ушбу тажрибани ўрганиш ва энг муҳими, Ўзбекистоннинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қўллаш ички туризм ва меҳмондўстлик саноатининг муваффақиятли ривожланиши учун жуда муҳимдир. Туризм ва меҳмондўстликнинг айрим жиҳатларини ривожлантириш бўйича хорижий тажрибани ва уни Ўзбекистон Республикасида қўллаш имкониятларини қриб чиқиш ўз ўрнида мавзунини ёритишнинг долзаблигини белгилайди.

Туризм индустриясини ривожлантириш учун бошлангич нуқта ички туризмдир. Ички туризмга талабнинг юқори даражаси халқаро туризмни ривожлантириш учун қулай муҳит яратмоқда. Мамлакатда замонавий, сифатли турар жойлар барпо этилмоқда, сайёҳлик марказлари, кўргазма ва кўнгилочар масканлар ривожланмоқда. Натижада халқаро туризмни ривожлантириш учун замин яратилди. Яъни, ички талабни қондира оладиган давлатлар халқаро талабни қондиришга тайёр. Ички туризм соҳасида марказий ўринни меҳмонхона корхоналари эгаллайди. Айнан улар маълум бир сайёҳлик йўналишидаги туристик маҳсулотнинг асосий хизматларидан бири бўлиб, агар улар сифатли хизмат кўрсатса ва бир қатор ўзига хос хусусиятларга эга бўлса, унинг рақобатдошлигига таъсир қилиши мумкин. Хорижий мамлакатларнинг меҳмондўстлик ва сайёҳлик саноатида (АҚШ, Япония, Буюк Британия, Франция, Германия ва бошқалар) амалиёти нафақат иш билан таъминлаш ва минтақавий бюджетларни тўлдиришни таъминловчи соҳа сифатида ички туризмни ривожлантиришнинг кўплаб афзалликлари ва имкониятларидан далолат беради.

Ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, тадбиркорликни, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш йўналишлари, ҳудудий инфратузилмани ривожлантиришга, маҳаллий аҳолининг ҳаёт сифатини яхшилашга, фуқароларнинг фаол ва фойдали дам олишга, соғлигини яхшилашга ва маданий қадриятларга қўшилишга асос бўлади.

Сўнгги бир неча йил ичида макроиқтисодий кўрсаткичларнинг ижобий ўзгариши истеъмол бозорларидаги ижобий динамикага, аҳоли даромадлари даражасининг мунтазам ўсишига ва шунга мос равишда пулни дам олиш ва хордиқ чиқариш учун сарфлаш мойиллигининг ўсишига олиб келди. Шу билан бирга, Россияда туристик саёхатларга фаол талаб асосан ташқи туристик бозорда мавжуд. Ички ва ички туристик оқимнинг мутлақ кўрсаткичларининг мунтазам равишда ошишига қарамай тургунлик ва нисбий кўрсаткичларнинг пасайиши кузатилмоқда.

Мамлакатнинг табиий бойликлари бешинчи ўринда ва дунё маданий мерос обьектлари 29- ўринни эгаллади. Шундай қилиб, туризм ва рекреацион салоҳиятдан ноқилона фойдаланиш, Ўзбекистоннинг жаҳон туристик хизматлар бозорида рақобатбардошлигининг паст даражаси, биринчи навбатда, ички ва ички туристик турларининг ривожланишидаги сезиларли кечикишлар билан боғлиқ. Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда меҳмондўстлик объекти юқори маънавий ва жисмоний эскирган маълумотларига кўра, 2011 йилда асосий воситаларнинг эскириши ўртача 47,1% ни ташкил этган. Бу туристларнинг талабларига мувофиқ хизматлар кўрсатишга имкон бермайди.

Шу билан бирга, Жаҳон сайёҳлик ташкилотининг ҳисоб-китобларига кўра, Ўзбекистоннинг фундаментал имкониятлари туризм саноатининг тегишли ривожланиш даражаси билан йилига 20 миллионга яқин чет эллик сайёҳларни қабул қилишига имкон беради ва 2020 йил охирига келиб 30 та энг йирик мезбон давлатлар орасида мустаҳкам ўринни эгаллайди.

Аввал кўриб чиқилган тарихий ретроспективлик ва мамлакатда туризм саноатини ривожлантириш бўйича стратегик режанинг йўқлиги Ўзбекистонга туристик қизиқишнинг

пасайишига ва хизмат кўрсатишнинг паст даражасига эга бўлган қиммат туристик марказ имиджининг шаклланишига олиб келди. Ўзбекистонликларнинг хорижий саёҳатларга бўлган қизиқиши тобора кучайиб борди, бу ерда Россиядан саёҳатчилар ва дам олувчиларни қабул қилиш учун сифатли база шакллантирилди. Хорижий ва маҳаллий саёҳатчилар томонидан қизиқишнинг йўқлиги кўп жихатдан чет элликларнинг Ўзбекистонга сафарлар уюштиришга қизиқишининг пасайишини, шунингдек сайёҳлик агентликлари томонидан ички туризмга қизиқишнинг йўқлигини белгилаб қўйди.

Хорижий тажриба шуни кўрсатадики, ҳозирги вақтда меҳмондўстлик ва туризм саноатида мижозлар билан муносабатларни бошқаришнинг асосий мақсади мижоз ва меҳмонхона компанияси ўртасида ўзаро манфаатли алоқаларни ўрнатишдир. Бундай муносабатларнинг аҳамияти меҳмонхонада янги истеъмолчини топиш қийинлашиб бораётгани билан белгиланади. Мижозларнинг эҳтиёжларини ўрганиш ва уларнинг ўзгаришларига тезкорлик билан жавоб бериш жараёни кўплаб муваффақиятли меҳмонхоналар корпорацияларининг юқори мақсадларига эришиш учун асос бўлди. Бу ҳолда меҳмонхона хизматларини сотиш сотувчи ва харидор ўртасидаги муносабатларнинг охири эмас, аксинча, уларнинг бошланиши ҳисобланади.

Мижозлар билан муносабатларни бошқариш ривожланишидаги кучли тенденциялардан бири. Бу барча истеъмолчиларнинг эҳтиёжларини қондиришдан ҳар бир ўзига хос мижозни қониқтиришга йўналтирилган тўлақонли муносабатлар ва истеъмолчилар тармоғини яратишга ўтишдир. Ушбу жараён биринчи навбатда меҳмонхона компанияси ва мижоз учун узоқ муддатли ўзаро манфаатли ҳамкорликка қаратилган. Бундай ҳамкорлик меҳмонхона корхоналари мижозларини узоқ муддатли қадриятлар билан таъминлашга имкон берадиган чуқурроқ ўрганишга қаратилган. Бу ҳолатда муваффақият мезони узоқ вақт давомида мижозларнинг юқори қониқиш даражаси ҳисобланади.

Меҳмонхона компаниялари учун мижозлар билан муносабатларни бошқаришнинг мақсади, улар билан ўзаро фойдали, ишончли ва узоқ муддатли муносабатларни ўрнатиш орқали меҳмонхона хизматларини истеъмолчиларни содиқ мижозларга айлантиришдир. Ушбу мақсадга эришишда мижозларнинг меҳмонхона хизматларидан қониқиши муҳим рол ўйнайди. Мижозларнинг эҳтиёжларини қондириш тўғрисида аниқ маълумотларга эга бўлмасдан, менежерлар мижозларни тежаш учун меҳмонхона маҳсулотлари ва хизматларида яхшиланиши керак бўлган нарсалар тўғрисида самарали қарор қабул қила олмайдилар. Ўзаро муносабатларни бошқариш жараёнида қониқиш мезонидан бевосита фойдаланиш учун у мавҳум категория бўлмаслиги керак. У миқдорий жихатдан ўлчанадиган миқдор бўлиши керак. Қониқиш даражасини баҳолаш учун турли хил моделларни кўриб чиқишда нафақат мижозлар меҳмонхона компаниясини қандай баҳолаши ҳақидаги саволга жавоб бериши, балки мижознинг қониқиш даражаси ва бошқа муҳим кўрсаткичларни яхшилаш учун меҳмонхона нима қилиш кераклигини тушуниш керак.

Хорижий меҳмонхоналар корхоналари амалиётида "муҳимлик - қониқиш" модели қўлланилади. У график тасвирлашга асосланган бўлиб, унда белгиларнинг аҳамияти ва мижозлар эҳтиёжини баҳолашнинг бутун майдони тўртта тўртликка бўлинади.

Таъкидлаш жоизки, меҳмонхоналар корхоналарининг мижозлар эҳтиёжини қондиришнинг ҳар хил миқдорий баҳоси ва корхоналарнинг муваффақиятининг асосий омиллари ҳисобланадиган миллий индексларига қизиқиши ортиб бормоқда. Бундай баҳолаш мустақил ташкилот томонидан доимий равишда мамлакат маълумотларини тўплаш орқали олинади. Мижозларнинг қониқиш кўрсаткичлари миллий кўрсаткичлари яқинда (1980-йиллар охири - 90-йилларнинг бошларида) ишлаб чиқиладиган бошланди ва ҳозиргача фақат Швеция, Норвегия, Австрия, Германия ва АҚШда қабул қилинган. Уларнинг тушунчалари, ҳисоблаш усуллари, турли мамлакатларда фойдаланиш тажрибаси ҳар хил.

Ҳозирги бозор шароитида Ўзбекистон шароитида меҳмонхона саноатининг жаҳон тажрибасидан вақолатли фойдаланиш алоҳида аҳамиятга эга.

Ўзбекистон меҳмонхоналари компаниялари доимий равишда мижозларнинг эҳтиёжларини қондириш ва ишлашни яхшилашга интилишлари керак. Мижозларга

йўналтирилган ривожланишнинг бундай йўналиши мавжуд мижозлар базасини кўллаб-қувватлашга, корхоналар учун стратегик рақобатдош устунликларни яратишга ва бозорнинг кўпроқ улушини олишга йўналтирилган бўлиши керак.

Халқаро стандартларни Ўзбекистон шароитларига мослаштириш, уларни маҳаллий меҳмонхона корхоналарининг рақобатбардошлигини ошириш стратегияси билан боғлаш ва менежментнинг кўп қирраларини қамраб олган маркетинг, функционал, кўпайиш ва бошқалар каби илмий ёндашувлар билан тўлдириш учун катта аҳамиятга эга.

Ўзбекистонги меҳмонхоналар саноатининг жаҳон бозорига қўшилиши билан кучли бренд бизнеснинг локомотивига айланиб, унинг рентабеллигини оширади, фаолият сиёсатини белгилайди ва меҳмонхона корхоналарини ривожлантиришда мижозларга йўналтирилган ёндашувни амалга ошириш учун шароит яратади.

Яқинда миллий меҳмонхоналар брендлари пайдо бўла бошлаган Ўзбекистон бозори учун уларни яратиш ва кучайтириш учун барча ҳаракатларга ёндашувни қайта кўриб чиқиш керак.

Меҳмонхона брендини яратиш - реклама, хизмат кўрсатиш бўйича тадбирлар мажмуи - энг кичик тафсилотларга мувофиқ ва тасдиқланган бўлиши керак. Пухта ишлаб чиқилган дастур, шу жумладан мижозларга юбориш, мақсадли почта орқали юбориш ва бошқа бир қатор ҳаракатлар, брендинг эсга олинишини сезиларли даражада ошириши мумкин, бу табиий равишда унинг тан олиниши ошишига олиб келади.

Меҳмонхона саноатида муваффақиятли брендга фақат меҳмонхонанинг қиймати мижозларнинг кадриятлари билан мос тушганда эришиш мумкин. Ушбу йўналишда ишлаш учун пухта ўйланган стратегия нафақат молиявий даромад келтириши, балки брендни ривожлантириш учун истиқболли йўналишларни ҳам белгилаши мумкин. Натижада, меҳмонхона компаниялари барқарор бозор позициясини, ижобий брендни англашни, маолумотларнинг ошқоралигини ва натижада даромаднинг ошишини таоминлайдилар. Йўналтирилган брендни ривожлантириш узоқ муддатли муваффақиятли бизнес учун стратегик устунликдир.

Юртимизда туризм ҳамда туристик хизматларнинг тобора ривожланиб бориши натижасида сўнгги йилларда унинг ноанъанавий турлари - экотуризм, агротуризм, археологик, этнографик, диний туризм, экстремал шароитлар туризми ва бошқалар шакллана бошладики, бугунги кунда мазкур йўналишлар мутахассислар томонидан тез тараққий қилаётган соҳалар сифатида баҳоланмоқда. Айниқса, бугун кўпчиликнинг диққат-эътиборида бўлаётган ва туризмнинг энг истиқболли турларидан бири экотуризм жадал ривожланмоқда.

Шунингдек, туризм ягона тизим сифатида ривожланмоқда ва мамлакатимиз бюджетига салмоқли даромад келтиради ҳамда ушбу соҳада кўпчилик туристик хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ жисмоний ва юридик шахсларга ёрдам кўрсатади. Туризм фақат энг йирик ва иқтисодиётнинг энг динамик ҳолатда ривожланаётган секторларидан биридир. Унинг тез суръатларда ўсиши билан юз йилликнинг иқтисодий феномени сифатида тан олинган. Дарҳақиқат, минтақамизда туристик хизматларга ўсиб бораётган талаб, энг аввало ижтимоий-иқтисодий сабаблар билан изоҳланади. Буларнинг жумласига транспорт тараққиётидаги ўсиш ва унинг арзонлашиши, валюта чекловларининг камайтирилиши ёки бекор қилиниши ва виза режимининг либераллаштирилиши кабиларни киритиш мумкин.

Шунингдек, Республикамиз туризмни ривожлантиришнинг йўналишлари ва хусусиятлари ўз навбатида вилоятларда туризм соҳасини ривожлантиришнинг ҳозирги ҳолати таҳлили, туризмни ривожлантиришда инфратузилма тармоқларининг тутган ўрни ҳамда туризмни ривожлантириш йўналишлари ва истиқболларига ажратилиб тадқиқ қилинди.

Умуман олганда, юртимизнинг туризм салоҳиятини ривожлантиришда инфратузилма тармоқлари ҳам алоҳида ўринни эгаллайди ҳамда бу туристик маҳсулотларнинг ишлаб чиқаришдаги умумий шартларининг бирлашган мажмуаси ҳисобланади. Натижада, ушбу

ўзгаришлар минтақада туризмни ривожлантириш йўналишларини белгилаш ва истиқболларини аниқлашга олиб келади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. - Т.: Ўзбекистон, 2009
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Буюк Ипак Йўлини қайта тиклашда Ўзбекистон Республикасининг иштирокини авж олдириш ва республикада халқаро туризмни ривожлантириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида» ги Фармони. // «Халқ сўзи» газетаси, 1995 йил 3 июнь.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида халқаро туризмнинг замонавий инфраструктурасини барпо этиш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Қарори. // «Халқ сўзи» газетаси, 1995 йил 4 июнь
4. Ўзбекистон Республикасининг «Туризм тўғрисида»ги қонун // «Халқ сўзи» газетаси, 1999 йил 14 сентябр.
5. Қудратов Ғ.Х., Тухлиев И.С. Туризм иқтисодиёти. Қўлланма. Сам ИСИ. 2007. 86 б.

ИСЛОМ МАДАНИЯТИДА ИЛМ-ФАН ВА МАЪРИФАТГА МУНОСАБАТ

Умида Усмонова

Фарғона вилояти, Бешариқ тумани ХТБ

масарруфидаги 48-умумий ўрта таълим мактаби ўқитувчиси

2017-2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантириш ҳаракатлар стратегиясида хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликка алоҳида эътибор қаратилга¹. Бу эса, ўз ўрнида талаба ёшларда диний кадриятларнинг асосини билимга интилиш ташкил қилишини аниқлаш ва уларда бағрикенглик фазилатларини шакллантиришни тақозо қилади.

Инсоният тарихида эзгуликка йўғрилган диний кадриятлар ривожиди IX-XII асрларда фаолият кўрсатган Марказий Осиё алломаларининг бекиёс ўрни бор. «Шарқ Европанинг муаллимидир», деганда олмон олими, Ғарб мутафаккири Ҳермер IX-XII асрларда юртимиздан етишиб чиққан мутафаккирлар фаолиятини назарда тутган эди. Бу даврда халқимиз маданияти ва маънавияти гоят даражада ривожланиб, бутун жаҳонга ўз таъсирини ўтказган кадриятлар дунёга келди.

Марказий Осиёдаги илк ўрта асрлар фалсафасининг жаҳоншумул тараққиёти бир томондан ислом дини таъсири остида рўй берган бўлса, иккинчи томондан халқимизнинг тарихий, маънавий илдизлари бақувват эканлигидан, неча асрлардан кейин ҳам буюк халқ авлодларининг бутун дунёга таъсир қилиши ворисийлик жараёнининг амал қилганидан далолат беради.

Адолатли жамият тўғрисидаги сиёсий гоялар, ахлоқий қарашлар, диний кадриятлар, ҳикмат ва ривоятлар Шарқда эрамиздан аввалги замонларда юзага кела бошлаган. Жамият аъзоларининг бир оила шаклида бирлаштириб, уларнинг тотувлигига эришиш, ижтимоий муносабатларни умуминсоний ахлоқ қоидалари асосида йўлга солиш маънавий кадриятлар асоси ҳисобланган.

Ўрта асрлар Шарқ фалсафасида комил инсон даражасига етиш учун аввало илми бўлиш кераклиги уқтирилиб, муқаддас Қуръони Карим, ҳадислар ва ислом илми намояндлари таълимотларида илм-маърифатга асосий кадрият сифатида қаралади. Қуръони Каримнинг «Зумар» сураси 9- оятида «Биладиган кимсалар билан билмайдиганлар баробар бўлурми?!», «Мужодала» сураси 11-оятида «Аллоҳ таоло сизлардан иймон келтирганларни ва илми бўлганларнинг даражасини кўтаради», дейилса, Ол-и Имрон сураси 18-оятида

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида. //Халқ сўзи. 2017 йил, 8 февраль.

Аллоҳ ўзининг ягоналигига фаришталар қаторида илмли кишиларни ҳам гувоҳ қилган. Исломда Аллоҳни таниш орқали ўзини билиб бориш асосий илм йўли ҳисобланган.

Шунингдек, Қуръони Каримда бир нарсага эришиш учун ўша нарса қиёсий ўрганилиб, кейин ҳукм чиқариш кераклигига алоҳида эътибор қаратилади. «Менинг бандаларимга сўзга кулоқ тутиб, унинг энг гўзалига (яъни нажотга элтгувчи рост Сўзга) эргашадиган зотларга хушxabар беринг! Ана ўшалар Аллоҳ ҳидоят қилган зотлардир. Ва ана ўшаларгина ақл эгаларидир» («Зумар» сураси, 18-оят).

Жаҳон цивилизацияси ва маданиятига ҳисса қўшган юртдошларимиз Хоразмий, Фаргоний, Форобий, Беруний, Ибн Сино каби мутафаккирларимизнинг ҳаёти ва фаолиятида Ислом динининг асоси бўлган Қуръони Карим ва ҳадислар катта роль ўйнайди.

Шарқда, хусусан, Марказий Осиёда илмий кадриятларга нисбатан диний кадриятлар кўпроқ кадрланар, кадрият тушунчасига диний-илоҳий мазмун берилар, диний билим олий кадрият ҳисобланар, дунёвий илм ахиллари етарли шарт-шароитларга эга бўлмаганликлари ҳам маълум. Бундай муҳитда дунёвий илм ахиллари ўз юртларидаги биқик муҳитни тарк этиш, илм-фан билан ўзга юртларда шугулланишга мажбур бўлардилар. IX-XII асрларда Марказий Осиёда етишиб чиққан, жаҳон илм-фани ва маданияти ривожига салмоқли ҳисса қўшган улуг аждодларимиз кўпинча ўзга юртларда ижод қилганликлари тарихдан маълум.

Марказий Осиёлик таниқли олимлар ўз илмий-фалсафий асарларини диний кадриятлар доирасида яратган. Уларнинг олдида ҳеч қачон "кадрият нима?" деган муаммо кўндаланг бўлиб турмаган, чунки Қуръони Каримда бу муаммо идеал даражада ҳал этилган, деб ҳи-соблаганлар. Дарҳақиқат, ислом дини ва унинг гоёлари кадриятли онг ривожидида жуда муҳим роль ўйнаган. Ислом динида Қуръоннинг биринчи марта Муҳаммад алайҳиссаломга нозил бўлган кунининг "Лайлатул кадр", яъни "кадр кечаси" деб аталиши, ҳозирга қадар рамазон ойининг 27 кунига ўтар кечасининг мусулмонлар томонидан мўъжиза содир бўлган кун сифатида нишонланиши асло бежиз эмас.

Қуръонда илмга катта эътибор қаратилиб, илмнинг боши имонда эканлиги таъкидланади. Имоннинг ўзига хос мезони сифатида саховат, жасорат, сабр - қаноат, хушмуомалалик, тўғрилиқ, вафодорлик ва содиқлик улугланади. Қуръонда инсонни ахлоқий камолга етказишга зид хусусиятлар: манманлик, қиморбозлик, ёлгончилик, бошқаларни камситиш, бадгумонлик, чақимчилик, гийбатчилик, ҳасадгўйлик, очкўзлик кабилар хусусида ҳам ибратли фикрлар билдирилган.

Ислом манбаларидан бири «Ҳадис» «суннат» сўзлари билан бир маънода қўлланиб, Муҳаммад пайгамбарнинг айтган сўзлари, феъл-атворлари, яъни ҳаёт йўлларини англатади. Ҳадисларда таълим-тарбия масалалари оддий инсоний муносабатлар тизимида берилиб, улар инсон руҳияти, маънавиятига ўта яқинлиги билан ажралиб туради. Ҳадислар ҳам Қуръони Карим каби ислом дунёсида шаклланган ҳақиқат ва маърифат, дунёвий маданият ҳамда ижтимоий тараққиётнинг ажралмас қисмидир.

Ҳадисларда кишиларни илмли ва донишманд бўлишга даъват этувчи ўғитлар мажмуаси талайгина. Ҳадисларда икки хил илм, яъни мусулмонларга ҳар қандаи вазиятда ўзини қандаи тутиши лозимлиги ҳақида йўл-йўриқ кўрсатувчи ҳуқуқий-диний илмлар (фикх) ва дунёвий илмларнинг имон мустаҳкамлиги, ҳаёт фаровонлиги, эл-юрт тотувлиги учун аҳамияти тўғрисида фикр юритилади. Илм асосларини эгаллаш ибодатдан ҳам афзалдир, деган гоё илгари сурилади¹. Билимли киши ўз билганларини албатта билмаганларга ўргатиши, тарқатиши керак, "зеро, илм сир тутилмас экан, ҳалокатга учрамайди"².

Демак, Исломда илм энг аввало, имон, эътиқоддир. Имон билан илм эгизак. Ҳар қандай илмли одам ўз илмига амал қилиши, илмидан келиб чиқиб, кишиларга тўғри йўлни кўрсатиши, маслаҳат бермоги лозим. Ҳадисларда илмни кадрлаш, унга содиқлик, фидойиликка катта эътибор берилади. «Кимки табобат илмини билмай туриб, табиблик

¹ Ахлоқ-оодда оид ҳадис намуналари. - Т.: Фан, 1990.

² Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал Бухорий. Ал – Жоми ас-сахих (нишончли тўплам) 1-т. – Т.: Қомуслар Бош таҳририяти. 1991. 35-38-б.

килса, у золимдир», «Кимки олимларга мақтаниш учун, нодонлар билан тортишиш, ёхуд одамларнинг дилларини ўзларига мойил қилиш учун илм олса дўзахга тушади», «Илмга ҳар бир нарса истигфор айтади, ҳатто денгиздаги балиқлар ҳам», «Бешиқдан қабргача илм изла», «Илмни ҳатто Чин Мочиндан бориб бўлса ҳам ўрган» каби ҳадислар кишиларни илмга чорлайди.

Зеро, юксак маданиятга эга бўлган халқимиз ислом динига холис баҳо бериб, унинг гоёлари эзгуликка хизмат қилишини теран англади. Адабиётшунос олим У.Уватов таъкидлаганидек, «Ислом дини диёримизда қарор топгандан кейинги даврдаги илм-фан ва маданият таракқиёти алоҳида бир босқични ташкил қилиб, у бевосита исломий илмлар билан чамбарчас боғлиқдир»¹.

Хулоса ўрнида таъкидлаш лозимки, ислом илоҳиётининг давомчилари сифатида юртдошларимиз ва уларнинг издошлари халқимизнинг қадриятларини бойитганлар. Дунёвий илм-фан ва Ислом таъсирида не-не тафаккур даҳолари, чинакам миллатсевар, ватанпарварларни дунёга ҳадя этган буюк Туркистон халқлари Аллоҳ олдида шоҳу гадо тенгдир, сахийлик, ҳалоллик, инсоф ва адолат каби умуминсоний ахлоқий фазилатлар муқаддасдир деб, диёнат, инсоф, адолатни қадрлаганлар. Ҳаётда диний қадриятларнинг ўрни ва аҳамияти бениҳоя катталиги асрлар давомида исботланган. Зеро, маънавий мерос сифатида қадриятга айланган ислом дини халқимиз томонидан ҳам миллий, ҳам умуминсоний қадрият сифатида эъзозланиб келинмоқда.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ БЎСТОНЛИҚ ТУМАНИНИНГ ТУРИЗМ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Йўлдашев Умирзоқ Хамза ўғли

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти талабаси

Туризм индустрияси XX асрнинг сўнгги чорагида хизмат кўрсатиш соҳасининг энг муҳим тармоқларидан бирига айланди ва унинг аҳамияти кун сайин ортиб бормоқда. Замонавий туризм индустрияси – иқтисодиётнинг тез ривожланаётган ва сердаромад тармоқларидан биридир. Унинг ҳиссасига дунёдаги ялпи даромаднинг қарийб 10 фоизи тўғри келади⁴⁵⁵. Бутун дунё туризм ташкилоти маълумотларига кўра, дунё бўйича банд аҳолининг 8 фоизи туризм соҳасида фаолият юритади. Шунингдек, туризм соҳасига ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш тармоқларига ажратилган инвестицияларнинг 7 фоизи, умумий истеъмол харажатларининг 11 фоизи тўғри келади⁴⁵⁶. Туризмнинг ривожланиши ҳар қандай мамлакат иқтисодий инфратузилмасининг шаклланишига сезиларли ижобий таъсир кўрсатади ва валюта тушумлари ҳажмининг ўсишига олиб келади.

Жаҳонда «инсон капитали», «сунъий интеллект», «меҳнат омилкорлиги» йўналишлари устувор ҳисобланади. Бунда меҳнат анъаналари асосида ижтимоий фаолликка интилаётган мутахассисларни тайёрлаш жамият истиқболининг асоси ҳисобланади. Бу масала мустақил Ўзбекистонда ҳам долзарб бўлиб, бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёев қуйидагиларни таъкидлайди: “Буюк аллома Нажмиддин Кубро ҳазратлари “Муваффақиятни - саъй-ҳаракатда, муваффақиятсизликни лоқайдлик ва дангасаликда кўрдим” деб бежиз айтмаганлар. Ҳақиқатан ҳам, биз фақат фаол

тадбиркорлик, тинимсиз меҳнат ва интилиш орқали тараққиётга, фаровон ҳаётга эриша оламиз»¹.

Мамлакатимизда ҳар томонлама камол топган, юксак касб-хунар маданиятига, ижодий, ижтимоий фаолликка эга бўлган, жамият, давлат, оила олдида ўз жавобгарлигини ҳис этадиган шахсларни тарбиялаш масаласи амалга оширилаётган ислохотларнинг асосий мақсадидир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев бу ҳақда қуйидагиларни таъкидлайди: «Ёшларимизнинг ҳаётий муаммоларига янада кўпроқ эътибор қаратиш, уларга мос бўлган замонавий иш ўрниларини кўпайтириш, эзгу интилиш ва ташаббуслари, инновацион гояларини қўллаб-қувватлаш, ёш авлодимизнинг ижтимоий-маиший шароитларини яхшилаш бундан буён ҳам барча даражадаги давлат идораларининг энг асосий, ҳал қилувчи вазифаси бўлиб қолади»². Хусусан, Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича 2017 – 2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясининг қабул қилиниши фаол, меҳнат анаъаналари асосида меҳнат маданияти юксак мутахассисларни тайёрлаш орқали халқнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётини фаровон қилиш борасида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда.

Меҳнатга оқилона муносабатни шакллантириш учун ёшлардан билим, савия, замондан хабардорлик талаб этилади. Булар асосан икки йўналишда бўлиб, бири ўзи танлаган соҳасини яхши билиши, иккинчиси давлат сиёсатидан, тегишли қонун-қоидалардан, бозор иқтисодиёти асосларидан хабардор бўлиш билан боглиқдир. Исломшунос А.Азимов шу ҳақда сўз юритар экан, араб олими Муҳаммад аш Шаранинг «Исломда ижтимоий қафолат» номли асаридан қуйидаги парчаларни келтиради: «Меҳнат муқаддас иш бўлиб, ислом унга жиддий муносабатда бўлишга даъват этади. Одам меҳнати унинг ақли ва танаси фаолиятидир»¹.

Шуни айтиш керакки, меҳнатга оқилона муносабатни шакллантириш инсоният тараққиётининг барча босқичларида ўзига хос ўрин тутиб келган, бинобарин, бозор иқтисодиёти шароитида ривожланишни унингсиз тасаввур этиб бўлмайди. Чунончи, исломда бундай анъаналарнинг илк куртаклари Муҳаммад (с.а.в) ҳаёти ва фаолиятига бориб тақалади. Маълумки, Муҳаммад (с.а.в) ёшлигида бой савдогар аёл Ҳадича бегим қарвони билан савдо-сотик ишларида қатнашган. Ёш Муҳаммад ўзининг икки фазилати билан Ҳадича бегим ҳурматида сазовор бўлади: биринчиси-чаққонлик, уддабуронлик, ўйлаб иш қилиш бўлса, иккинчиси-ҳалоллик, инсоф, диёнат.

Муҳаммад пайгамбар (а.с) ҳадисларида меҳнат маданияти, талаблари акс этган: Ўзимдан кейин қоладиган умматларим учун уч нарсадан-нафсу ҳавога берилиб, йўлдан озишдан; нафсоний ва шаҳвоний ҳиссиётга берилиб кетишдан; илму маърифатга эга бўла туриб, гофилларнинг ишини тутишдан қўрқаман. Қуйидаги ахлоқий меъёрлар меҳнат маданиятининг асоси сифатида ҳар бир инсон учун муқаддас вазифалар саналган: ҳаром нарсалардан сақланинг-одамлар ичида ибодатлироғи бўласиз; Аллоҳнинг тақсим қилган ризқига рози бўлинг-одамларнинг бойроғи бўласиз; қўшнингизга яхшилик қилинг-тинч бўласиз; ўзингиз севган нарсани одамларга ҳам раво кўринг-саломат бўласиз.

Ҳадислардан келтирилган юқоридаги ибратли ақидаларда меҳнат маданиятининг тўртта муҳим томони таъкидлаб ўтилган: ҳаромдан ҳазар қилишлик; ризқни ҳалоллик билан топишлик; қўшнилари рози қилишлик; бойликни бошқалар билан бирга баҳам кўришлик. Булар фақат панд-насихатлар эмас, балки ҳаёт ҳақиқати, нафақат ахлоқий меъёрлар, шу билан бирга ундан келиб чиқадиган оқибатлар ҳамдир.

«Касбларнинг энг яхшироғи (покроғи) кишини ўз қўли ила ҳосил қилганидир», дейилган қисқа ҳадисда меҳнат маданиятининг туб моҳияти акс этган. Шундай қилиб, меҳнат маданияти соҳибининг фазилати унинг меҳнатсеварлигида ва меҳнатга муносабатида ёрқин намоён бўлади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 28 декабрь 2018 йил. – Тошкент: Ўзбекистон, 2019. – Б. 19.

² Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-том. - Тошкент: Ўзбекистон, 2018. – Б. 495.

¹ Азимов А. Ислом ва ҳозирги замон.-Т.: Ўзбекистон, 1991. – Б. 56.

Тарих зарварақларини кўздан кечирсак меҳнат маданияти Марказий Осиёда, жумладан, Ўзбекистон худудида ҳам юксак қобилият белгиси сифатида эъзозланиб келинган. Дехқончиликда, хунармандчиликда, савдо-сотикда, амалий санъатда, хуллас, ҳаётнинг ҳамма соҳасида тадбиркорлик, тадбиркор одамлар хурматга сазовор бўлган.

Марказий Осиё халқларининг бутун иқтисодий тафаккури тизимида меҳнатга оқилона муносабатни шакллантиришга доир гоёлар алоҳида ўрин тутганлигининг боиси ана шундадир. «Қобуснома»да ёзиладики, «хунарсиз, гайратсиз киши билан дўстлик қилмагил... Эй фарзанд, огоҳ бўлки, хунарсиз киши ҳамиша фойдасиз бўлур ва ҳеч кишига нафъ еткурмас»¹. «Тузуқлар»да ёзилишича, буюк Амир Темур одамларга касб бериш, уларни иш билан таъминлашга алоҳида аҳамият берган, тадбиркорлик фаолияти билан, тижорат ишлари билан машгул бўлувчиларга етарли сармоя, уй-жойлар қуриб бериш ҳақида қайгурган². Қишлоқ хўжалиги, тоғ-кон ишлари, хунармандчилик, савдо, чорвачилик соҳасида ишбилармонларни ва тадбиркорларни яқиндан қўллаб-қувватлайди³.

Алишер Навоий «Махбубул қулуб» асарида мазкур масала билан боглиқ учта хулосани берган эди. Биринчидан, савдо, бозор, тижорат, тадбиркорлик, муомала жараёни иқтисодиётни ривожлантиришда етакчи аҳамиятга эгадир. Иккинчидан, тадбиркорлик асосида амалга ошадиган савдо давлат бюджет даромадининг манбаи, мамлакат иқтисодий қудрати таянчларидан биридир; учинчидан, тижорат аҳли, шаҳарда олиб сотарлар, бозор қосиблари ҳақида сўз юритар экан, буюк мутафаккир уларни инсофга чакиради. Бу ахлоқий меъёрларни бузган тижоратчида «йўқ хирад ва қушдин нишон», қосибда «йўқ зарра уят», олиб сотарнинг дўқонида «барча матоъ мавжуд, гайри инсоф», деб ёзади⁴.

Ёшларда меҳнатга оқилона муносабатни шакллантириш йўлида субъектив ва объектив тўсиқларнинг мавжуд бўлиши табиийдир. Субъектив тўсиқлар ёшларнинг онг-тушунчаси, билими, дунёқараши, тажрибаси билан, объектив тўсиқлар ташқи таъсир қилувчи кучлар билан, чунончи, давлат идоралари, солиқ тизими, банк ва бошқа тизимлар соҳасидаги масъулиятсизлик, виждонсизлик каби иллатлар билан боглиқдир. Субъектив тўсиқлар асосан ёшларнинг ўзига дахлдор бўлади, объектив тўсиқлар ташқи таъсир қилувчи кучлар томонидан кўрсатиладиган тамагирлик иллатларида кўзга ташланади.

Меҳнат маданиятининг энг муҳим ахлоқий-маънавий талаблари қуйидагилардан иборат:

Биринчидан, ҳалоллик тамойили. Меҳнат фаолиятининг бош мақсади-тобора кўпроқ фойда олишга эришишдан иборат эканлиги ҳақида юқорида айтиб ўтилди. Буни инкор этиш мумкин эмас. Аммо масаланинг энг муҳим жиҳати бунга қандай йўллар билан эришишдадир. Бинобарин, «фойда топмоқ тартиби ақл асосига қурилмоғи»¹ зарур.

Ёшларнинг бир қисми тинимсиз меҳнат, изланиш, ташаббус натижасида катта фойдани қўлга киритса, аксинча, бошқалари бунга ҳақиқий меҳнат маданияти асосида эмас, балки гайриахлоқий, тўғрироғи, гайриқонуний йўлдан бориб эришишга интилади. «Бозор иқтисодиётига ўтиш босқичида ўгирлик, порахўрлик, муттаҳамлик ва бошқа гайриахлоқий кирдикорлар билан боглиқ бўлган турли муаммолар келиб чиқиши мумкинлиги равшан»². Бунинг сабаблари кўп, албатта, иллатларнинг энг асосийси – меҳнат фаолияти билан шугулладиган айрим кишиларнинг маънавий қашшоқлиги, жамият тақдирига бефарқлиги, уларнинг меҳнатга оқилона муносабатни шакллантиришда маънавий тамойил ва меъёрларнинг етарли даражада намоён бўлмастлигидир. Ҳолбуки, меҳнатга оқилона муносабат - ўзи, оиласи, шу билан бирга жамият, одамлар манфаати учун бирор бир соҳани танлаш ва шу бўйича моддий ва маънавий неъматлар етиштириш, инсонийлик

¹ Кайковус. Қобуснома.-Т.: Мерос, 1992,21-6.

² Темур тузуқлари. Т.: Фан, 1993, 67-6.

³ Темур ва Улуғбек даври тарихи.-Т.: Қомуслар бош таҳририяти,1996, 113-160-б..

⁴ Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами, 14-т.-Т.: Фан, 1998, 34-35-б.

¹ Кайковус. Қобуснома. – Тошкент: “O’qituvchi”НМИУ, 2018. – Б. 107..

² Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3-т. – Б. 280-281.

тамойилларига амал қилиб, ташаббус кўрсатиб ҳаракат қилиш, бутун жисмоний ва ақлий қобилиятни ишга солиш билан узвий боғлангандир.

Иккинчидан, ташаббускорлик тамойили. Инсон фаолиятининг самарадорлиги, ижтимоий аҳамият касб этиши негизида нафақат объектив шарт-шароитлар, балки шахснинг ташаббускорлик қобилияти ҳам ётади.

Ўзбекистоннинг янги тараққиёт босқичида меҳнатга оқилона муносабатни шакллантириш жараёнида ўзбек халқи характеридаги бундай сифатлар муҳим аҳамиятга эгадир. Педагог олим М.Қуронов бу масалада мутахассисларнинг маънавий-ахлоқий мезонлар ҳақидаги фикрларини келтирар экан, уларнинг сўзсиз ижобийлигини эътироф этгани ҳолда, янги давр, ислохот талаблари асосида «ҳар бир фуқаронинг давлат даражасида фикр юритиши», бунинг учун «буюк ислоқот характери»ни шакллантириш, шу асосда халқимизнинг анъанавий маънавий-ахлоқий фазилатларини кучлантириш зарурлиги гоёсини илгари сурадики¹, бу фикр шахс меҳнат маданияти тамойиллари шаклланишига ҳам тўла тадбиқ этиш мақсадга мувофиқдир.

Учинчидан, мақсадни аниқ-равшан қўя олиш тамойили. Яқин орадаги, навбатдаги, келажакдаги мақсад ўзаро узвий боғланган бўлиши лозим. Мақсадлар ҳаёлдаги орзулар эмас, балки аниқ ҳисоб-китоб натижаси-реал имкониятларга эга бўлиши зарур. Мақсадни аниқлаётганда объектив ва субъектив омиллар ҳисобга олиниши зарур. Объектив омиллар-булар бозордаги вазият, унинг стратегик ўзгариб бориш эҳтимоли, сиёсий барқарорлик, ижтимоий тараққиётдаги энг муҳим тенденциялардир. Субъектив омиллар-билим, тажриба, қобилият даражаси ва уларни ривожлантириш имкониятлари, бу ўринда инсоннинг молиявий қувватидир.

Объектив ва субъектив омиллар чуқур таҳлил этилиб, мақсад аниқланади. Мақсадни аниқ белгилаш, унга эришишнинг усул ва воситалари муайян ишончга асосланади. Бинобарин, ишонч инсонга куч-қувват беради, унинг барча ҳаракатларини муайян мақсадни амалга оширишга сафарбар этади.

Тўртинчидан, интизомийлик тамойили. Ёшлар давлат, жамият, халқ олдидаги ўз бурчини аниқ ҳис қилиши, унга юксак масъулият билан ёндашмоғи лозим. Меҳнатга оқилона муносабатни шакллантириш қонунчиликка риоя этиш одобини ўз ичига олади. Бунинг учун ёшларда иқтисодий масъулият билан ҳуқуқий маданият узвий алоқадор бўлиши зарур.

Бешинчидан, хушмуомалалик тамойили. Ёшларнинг жамият, табиат, одамларга муносабати унинг нафақат умумий, шу билан бирга меҳнат маданиятининг ҳам ифодасидир. Шу маънода ёшларнинг муайян даражадаги менежментлик қобилияти муҳим ўрин тутди. Бу соҳада миллий ва умумбашарий кадриятларни ўзида мужассамлаштириш талаб этилади. Табиийки, ёшларнинг инсоний фазилатлари, маданияти, инсон руҳининг нозиклигини эътиборга олиш лаёқати моддий манфаатдорликдан ҳам муҳимроқ аҳамият касб этади.

Олтинчидан, маркетинг саводхонлиги тамойили. Маълумки, ёшлар ишлаб чиқаришнинг қандай соҳасида фаолият кўрсатишидан қатъи назар бозор талабларига жавоб берадиган маҳсулот етиштиришни бош мақсад қилиб қўяди. Бу жараёнда маркетинг саводхонлиги муҳим маънавий омил ҳисобланади.

Юқоридаги фикрларга асосланиб айтиш мумкинки, шахснинг меҳнатга оқилона муносабатни шакллантириш таркибини маънавий етуклик, интизом ва меҳнатга бўлган кадриятли муносабат, билим, ташкилотчилик қобилияти, бошқаришда самарадорлик каби белгилар ташкил этади. Шахснинг бу фазилатлари қуйидаги ахлоқий-маънавий мезонлар билан характерланади: довураклилик, яхши ниятлик, соғлом шубҳа, камтарлик, самимийлик, хушмуомулалик, раҳмдиллик, хушхулқлик, қаноатлилик, обрў, меҳнатсеварлик, ташаббускорлик ва х.к. Шахснинг замонавий жараёнлардаги меҳнатга оқилона муносабатни шакллантириш мазмунини одоб, иймон, инсоф, адолат, иқтисод каби

¹ Қуронов М. Ўзбек характери ва миллий ғоя.-Т.: Маънавият, 2005. –Б. 50.

маънавий тамойилларнинг шунчаки кўриниши эмас, балки уларнинг узвий ҳолда иқтисодий фаолиятда амал қилиши ташкил этади.

Ҳалол меҳнати, омилкорлиги, ташаббускорлиги билан мамлакатимизнинг ҳар бир ёш фуқароси ўз ватани тараққиётига ҳисса қўшишни ўйлаб яшамоғи лозим.

ИСЛОМ МАДАНИЯТИДА ЗИЁРАТ ВА МЕҲМОНДЎСТЛИКНИНГ МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ АСОСЛАРИ

Шахноза Абдуназарова
Фарғона вилояти, Бешариқ тумани ХТБ тасарруфидоғи
29-умумий ўрта таълим мактаби ўқитувчиси

XXI асрда дунёда туризм ва барқарор ривожланиш мақсадларига эришишнинг ўзаро мутаносиблиги мазкур соҳадаги муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишда тобора долзарб аҳамият касб этмоқда. Бирлашган Миллатлар Бутунжаҳон Туризм Ташкилоти (БМБТТ) томонидан 2017 йил «Туризм этикаси тўғрисида» илк маротаба қабул қилинган ҳадли конвенциясида «туризмни ривожлантиришдан мақсад иқтисодий тараққиёт, халқаро ҳамжихатлик, тинчликни таъминлаш ҳамда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳар қандай чекловларсиз ҳурмат қилишга ҳисса қўшиш»¹ эканлиги қайд этилди. Шу нуқтаи назардан, туризм этикаси, унинг маданий асослари, турист хулқ-атвори каби муҳим категорияларни фалсафий таҳлил қилиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Дунё фалсафий тадқиқотларида туризм этикаси, маданий туризм, турист одоби, туристлик маданияти каби тушунчалар борасида бир қатор изланишлар олиб борилмоқда. Хусусан, йилдан-йилга кўпайиб бораётган туристлар оқими нафақат иқтисодий ходиса, балки маънавий-маданий воқелик ка айланмоқда. Бу эса дунё файласуф олимларидан туризм фалсафаси, жумладан туризм маданияти юзасидан илмий тадқиқотларнинг амалга оширилишини талаб этмоқда. Бу борада туризм маданияти тушунчасининг фалсафий асосларини таҳлил этиш, туризм маданиятига оид ижтимоий-маданий ва глобал муносабатларнинг ижтимоий-фалсафий жиҳатдан тадқиқ қилиниши, туризм маданиятининг туризм сифатига ижобий таъсири бўйича илмий изланишлар олиб борилиши алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимиз туризм соҳасида улкан салоҳиятга эга Ўзбекистон ўзининг қадимий обидалари, муқаддас зиёратгоҳлари, хушманзара табиати ва файзли гўшалари билан сайёҳларни ўзига ром этмоқда. Маълумотларга кўра юртимиз сайёҳлик кўлами ва тарихий жойлар кўплиги бўйича дунёдаги етакчи ўн мамлакат қаторида туради. «Шу асосда 2025 йилда юртимизга ташриф буюрадиган хорижий сайёҳлар сонини 7 миллион нафарга, туризм экспортидан келадиган йиллик даромадни эса 2 миллиард долларга етказиш лозим»¹. Бу мақсадларни амалга оширишда туризмнинг нафақат миллий иқтисодиётимизда тутган ўрни, балки унинг ижтимоий фаолият ва онг шакли сифатидаги маданий хусусиятларни халқимиз онгида қарор топтириш муаммосини ҳам тадқиқ қилиш долзарб аҳамият касб этади. Хусусан, «туризм республика иқтисодиётининг стратегик секторига»² айланганлиги белгиланиб, биз тадқиқ қилаётган муаммонинг ечимини асосида «туризм инфратузилмасини ривожлантириш ҳамда мақбул ва қулай туризм муҳитини яратиш»³ муҳим вазифаларидан биридир.

¹ Framework Convention on Tourism Ethics. http://cf.cdn.unwto.org/sites/all/files/docpdf/framework_conventionontourismethics-esdt101117.pdf (охирги мурожаат: 08.10.2017).

² Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 28 декабрь 2018 йил. – Тошкент: Ўзбекистон, 2019. – Б.39.

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2016 йил 2 декабрдаги ПФ-4861-сонли Фармони.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг туризмни жадал ривожлантиришга қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2019 йил 5 январдаги ПФ-5611-сонли Фармони. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 06.01.2019 й., 06/18/5611/2430-сон.

Ҳозирда “зиёрат” сўзининг маъноси жуда кенгайиб кетган. Ўтганларни зиёрат қилиш билан бирга, тирикларнинг кадр-қимматию хурматини жойига қўйиш, дуоларини олиш ҳар бир ватан фарзандининг муқаддас бурчидир. “Дунёдаги энг улуг зиёратгоҳ – инсон қалби”, деган гап бор. Ҳақиқатан ҳам, инсон қалбидек дур-жавохирга тўла тубсиз уммон, хазинаю дафина ёруг оламда йўқ⁴.

“Зиёрат” (арабча زيارتي зияра) сўздан олинган бўлиб “томоша қилиш”, “кўришга бориш (келиш)” маъноларни билдиради. Мусулмонларда “зиёрат”- бу пайгамбарлар, диний муқаддас жойларни зиёрат қилишдир¹.

Зиёрат – Ислоннинг туристик асосидир. “Ҳожагон” таълимоти асосчиси Ҳожаи Жаҳон Абдуҳолик Ғиждувонийнинг “Сафар дар ватан”³ тариқатига⁵ мувофиқ инсон ўз юртига сафарга чиқиб туриши лозим. “Ҳожагон-Нақшбандийлик” таълимотининг “сафар дар ватан” ва “дил ба ёр” тариқатларига ҳамда психолог олимларнинг инсон фаолиятнинг икки қисмга: ташқи ва ички турларига бўлиниш⁶ гоёсига таянган ҳолда, биз “зиёрат” атамасининг **ботиний** ва **зохирий** жабҳаларини мавжудлигини тан олиб, зиёратни ички ва ташқи шакллари ажратишни тавсия этамиз.

Ички зиёрат бу инсоннинг ўз қалбига руҳий ва маънавий сафаридир. У “Сафар дар Ватан” ва “Дил ба Ёр” суфийлик тариқатлари йўлида инсоннинг тафаккур, ҳаёл, фикрлаш дунёсидаги сафаридир. “Сафар дар ватан”- ҳар қадамда асл мақсадга – ҳақ томонга юриш, ватан буйлаб қалбан сафар қилиш, ҳаёт оламига кириб ҳаётда учрайдиган барча қийинчилик ҳамда лаззатларни кўра билиш, ҳис этишдир.

Ташқи зиёрат эса диний расм-русумларни бажариш билан бирга амалга оширадиган инсоннинг турли муқаддас маконлар бўйича сайру саёҳатидир.

Мамлакатимизга халқаро туристларни кенг оммасини жалб этишга алоҳида эътибор қаратилаётганлигини инобатга олган ҳолда маҳаллий аҳолини туристик онги ва маданиятини шакллантириш, миллий анъаналаримизни ривожлантириш, меҳмондўстлик каби миллий қадриятларимизни юксак даражага олиб чиқиш йўналишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос меҳмондўстлик анъаналари мавжуд бўлиб, бу анъаналар туристларга ўзгача завқ багишлаши тарихан бизга маълум. Бу каби миллий анъаналаримиз мамлакатимизга халқаро туристлар оқимини кўпайишига сабаб бўлади.

Меҳмоннинг иззат-икромини жойига қўйишда мусулмонларга тенг кела оладиган миллат йўқлигига дўст ҳам, душман ҳам тан беради. Мусулмонларнинг бу фазилатлари тилларда дoston бўлиб кетган. Ислон адабиётига кўз ташласак, бу ҳақиқатни яна ҳам равшанроқ англаб етамиз. Бу нарсаларнинг ҳаммасига динимиз таълимотлари, ушбу ва келажакда ўрганадиган ҳадиси шарифларимизга ўхшаш кўплаб ҳадислар сабаб бўлган. «Меҳмон – атои Худо», «меҳмон отангдай азиз» каби ҳикматли сўзлар ҳам ана ўша таълимотлар таъсирида айтилган. Биз, мусулмонларнинг кейинги авлодлари ҳам бу улкан фазилатни ўзимизга сингдириб, унга огишмай амал қилиб боришимиз лозим.

Зиёрат мусулмон кишининг ўз биродари зиммасидаги ҳақидир. Ҳанафий, моликий ва шофеъий мазҳаблари зиёратни суннат, ҳанбалийлар вожиб дейишган.

Халқимиз меҳмондўстлиги, меҳмоннавозлиги билан шуҳрат қозонган. Бирор ўзбек хонадони, оиласи йўқки, меҳмонни хурсандчилик билан кутиб олмаган, уйдаги бор неъматларни унинг дастурхонига келтириб тўкмаган бўлсин.

⁴ Маҳмуд Саттор. Ўзбек удумлари. – Т.: Адолат, 2004. – 208 б.

¹ Зиярат. <http://ru.wikipedia.org/wiki/Зиярат>.

³ Ҳожа Абдуҳолик Ғиждувоний. http://naqshband.uz/index.php?option=com_content&view=article&id=50&Itemid=83.

⁵ Тариқат – бу ахлоқ-одоб қондалари ҳамда инсонларни қомилликка даъват этиш йулларидир. Uzbekistan Today. Межнациональное и межконфессиональное согласие: опыт Узбекистана http://www.ut.uz/rus/obshestvo/mejnaionalnoeimejkonfessionalnoesoglasieopit_uzbekistana.mgr.

⁶ Леонтьев А.Н. "Деятельность. Сознание. Личность". /<http://azps.ru/hrest/59/6979041.html>) 04.04.10; Ломов Б.Ф. К проблеме деятельности в психологии. - Психол. журн., т.2, №5, 1981, с.3-22; Внешние и внутренние детерминанты личности в процессе ее социализации/ <http://www.nauka-shop.com/mod/shop/productID/26893/>) 04.04.10.

Меҳмоннавозлик одобимизнинг, хулқимизнинг энг муҳим кўринишларидандир. Хабарда: «Меҳмондўст бўлмаган одамдан яхшилик кутилмайди», деб келган. Буюк панднома муаллифи Кайковус меҳмондўстлик ва меҳмонга муомала ҳақида қуйидагиларни ёзади: “Ҳар вақт меҳмонларинг уйингга қадам қўйсалар, сен барча одамларинг била уларнинг олдиларига чиққил ва яхши сўз била мулоқот қил, то улар сенинг шукрингни айтсинлар”¹.

Анас ибн Молик эса: «Меҳмон кирмаган уйга фаришталар ҳам кирмайди», деганлар. Пайгамбар Иброҳим алайҳиссаломни меҳмонларнинг отаси, деб аташарди. У кишининг уйида тўртта эшик бўлиб, қайси эшикдан бирор меҳмон кириб келаркин, деб қараб ўтирар эди.

Ҳикоя қилишларича, бир пайтлар уч юз асирни амир Мўъмин ибн Зоиднинг олдига келтиришди. Амир асирларнинг барини ўлимга ҳукм қилди. Шу пайт асирлар орасидан бир йигит отилиб чиқди-да, амирга: «Эй амирим, сизни Худога топширдик, айтинг, ўлимимиз олдидан сув беришсин», деди. Амир асирларга сув беришни мулозимларига амр қилди. Шунда ўша йигит яна ўрнидан туриб, амирга куллуқ қилди ва: «Эй улуг амир, бугун энди сизнинг меҳмонингиз бўлди, меҳмонга мурувват ва иззат-икром кўрсатиш эса мезбоннинг бурчи. Сиз бурчингизга содиқ бўлинг», деди. «Рост сўзладинг, йигит», деди амир ва барча асирларни озод қилиб юборди. Ибн Батута деган араб сайёҳи от ва карвонлари билан Онадўли (Туркия)ни кезиб юрар экан, Денизли шаҳрига кираверишда бир шопмўйлов одам отининг жиловидан тутиб: «Кетдик, юр» дейди. Сайёҳ туркчани, у одам эса арабчани билмас эди. Араб сайёҳининг ўтакаси ёрилади, чунки унинг оту туялари, орқасидаги хачирларда унга совга қилинган ноёб гиламлар, турли-туман ҳадя моллар бор эди. У: «Эвоҳ, подшоҳлар совга қилган молларим қўлдан кетди», деб кўрқади. Шу ҳолатда турганида яна бир шопмўйлов одам келиб, жиловни бошқа томонга тортади. Ўрталарида тортишув бошланади. Сайёҳнинг нима бўлаётганига ақли етмайди. Тортишув сабаби бундай эди: Жиловни биринчи ушлаган одам: «Меҳмон атои Худо, уни биринчи бўлиб мен кўрдим, шунинг учун уни уйимга олиб бориб, едириб-ичиришим, меҳмон қилишим керак», дейди. Иккинчи тарафдан тутган киши айтадики: «Тўғри биродар, лекин бу ерлар бизнинг еримиз саналади, бизнинг жойга келган меҳмонни сен бошқа ерга олиб кетсанг инсофданми, уят бўлмайdimи? Такдир уни бизга насиб қилибдим, уни биз меҳмон қиламиз». Машхур олимимиз Абу Лайс Самарқандий айтади: «Агар бир меҳмондорчиликка, зиёфатга борсангу агар шу зиёфат ҳаром бўлмаса, унга фикс-фужур аралашмаган бўлса, боришингдан зарар йўқ. Агар акси бўлса, норози эканингни билдириб, бормай қўявер. Зиёфатга борсангу аммо у ерда бир ёмон (мункар) ишни кўрсанг, у ердагиларни бу ишдан қайтар, агар қўнишмаса, ўша зиёфатни тарк қил. Бордию сен улар билан ўтираверсанг, улар сени ҳам шу ишдан рози экан, деб ўйлашади ва уни давом эттиришаверади».

Меҳмонга боришнинг алоҳида одоблари ва тартиблари бор. Энг аввало, чақирилган жойга албатта боринг, чунки айтилган ерга бормасангиз, гуноҳкор бўласиз, таклиф қилган кишига азият етказасиз, жамият муносабатларига раҳна соласиз. Ҳалол касб қиладиганларникига меҳмонга бориш, фосиқ, ўзгалар ҳақидан ҳазар қилмайдиган кимсалар зиёфатига боришдан тийилиш, шариатга хилоф ишлар бўладиган давралардан ўзни тортиш лозим.

Ҳусайн Воиз Кошифий меҳмондорчилик одобларини ўн тўртта (баъзи манбаларда ўн битта)¹ деб санаган: меҳмонга ҳалол ва покиза таом тортиш; меҳмон кутишда бирор гаразли мақсад ёки риё бўлмаслиги; меҳмонни илтифот билан кутиб олиш ва яхши жойга ўтказиш; меҳмон қаршисида очиқ чехра билан хушнуд ўтириш; меҳмон қанча кўп келса ҳам ранжимаслик; чақирилмаган меҳмонни кўпроқ ҳурмат қилиш; бахиллик қилмаслик ва меҳмондан ҳеч нарсани қизганмаслик; ясама илтифот кўрсатмай, қўлдан келганича самимий бўлиш; меҳмондан қайси таомни ёқтиришини сўрамаслик; меҳмон учун ўзи энг яхши кўрган

¹ Кайковус. Қобуснома. – Тошкент: “O‘qituvchi”НМИУ, 2018. – Б. 68

¹ Шайх Муҳаммад Слдиқ Муҳаммад Юсуф. Ижтимоий одоблар. – Тошкент: “HILOL-NASHR”, 2016. – Б. 266

таомни тайёрлаш; овқат ейишга ҳадеб зўрламаслик; меҳмон агар ташқарига чикса бирга бошлаб чиқиш ва камида етти қадам бирга юриш; ўзини кўрсатиш учун ҳадеб узрхонлик қилмаслик; миннат қилмай, дастурхонидан нон еганига хурсанд бўлган ҳолда шукр қилиб, миннатдорчилик билдириш».

Меҳмон учун ортиқча такаллуф (зиёфат учун ҳаддан зиёд уриниш, дастурхон безаш) одобимизда ман қилинган. Шунингдек, меҳмон ҳузурида мезбон газабини, жаҳли чиққанини, бирор нарсадан ҳафалигини ёки ташвишдалигини, ҳатто бошига тушган мусибатни билдирмайди, бўлар-бўлмасга тажанглик қилавермайди.

«Фавоқиҳул-жуласо» китобида ёзилишича, меҳмонга борганда уй эгасидан туз ёки сувгина сўраб олинади, бошқа нарса сўралмайди, ортиқча юмушлар буюриб, уни уринтирилмайди. Булар беодоблик саналади.

Маҳмуд ибн Муҳаммад бундай дейди: «Меҳмон келгач, ундан нима ейишини, кўнгли нима тусаётганини сўраса бўлади. Агар унинг истаги инобатга олинса, меҳмон хурсандчилиги зиёда бўлади. Бироқ меҳмондан: «Бирор нарса ейсизми, бирор нарса олиб чиқайми» каби саволларни сўраш гирт одобсизликдир. Шунинг учун уйда борини унинг олдига қўйиш керак». Бир улуг кишини меҳмонга чақиришганида: «Таклифингни уч шарт билангина қабул қиламан. Биринчиси – бозордан атайлаб нарса сотиб олмайсан. Иккинчиси – уйингда борини яширмай олдимга қўясан. Учинчиси – аёл ва болаларингнинг ҳақини менга едирмайсан», деган экан.

Меҳмондорчилик тартибларини Қайюм Носирӣ бундай таърифлайди: «Меҳмонга борсанг, уй эгаси кўрсатган жойга ўтир. Нимани келтирса индамай е. Мезбон ташқарига чикса, ўрнингдан турма, рухсатсиз нарса қидирма. Гоҳ у нарсани, гоҳ бу нарсани ушлайверма. Аммо хонада китоблар бўлса, кўриш мумкин». Маҳмуд Қошгарӣ: «Бефаҳм меҳмон уй эгасини хижолатга қўяди», деган.

Қуйида Шарқда жорий бўлган меҳмондорчилик одоблари билан танишинг:

Меҳмондўстлик яхши одамларнинг ибратли фазилати саналади, меҳмондўст бўлмаган одамдан яхшилик кутилмайди.

Бой-камбагал деб ажратмасдан ҳамма барабар меҳмон қилинади. Бир уйдан меҳмонга таклиф этилса, хонадон соҳибининг катта ўгли ёки меҳмони бўлса уни ҳам қўшиб чақирилади.

Айтилган жойга, айниқса никоҳ зиёфатига албатта борган маъкул. Мабодо шаръий узри бўлсагина бормаслиги мумкин.

Меҳмонга таом кечиктирмай олиб келинади. Нон дастурхонга егулик микдорда қўйилади, синдирилгани бўлса яна ушатилади.

Мезбоннинг баъзида «олинг, енг» деб туриши савобли иш, бу уч мартагача айтилади. Аммо меҳмонни хижолат қилиб ҳадеб таомга зўрлайвериш одобсизлик саналади.

Таом келтирилгач, уй соҳиби (мезбон) тановулга изн беради, агар меҳмон бегона бўлса, аввал уй эгасининг ўзи таомга қўл узатади ва ҳаммадан кейин тортади. Яқинлари ва биродарлари бўлса, ҳурмат юзасидан улардан олдин қўл чўзмайди.

Мезбон лаззатли ва латиф таомни меҳмонига илинади, ўзи бундайрогини ейди. Агар таом оз бўлса ёки меҳмоннинг очлиги сезилса, ўзи камроқ еб, меҳмонга кўпроқ колдиради. Уйда нима яхши таом, мева-чева ва бошқа неъматлар бўлса, аввало меҳмонга тортилади. Меҳмон келтирилган таомнинг айбини топмасдан, нима келтирилса мактаб ейиши зарур. Агар дастурхон атрофида ёши улуг киши бўлса ундан олдин таомга қўл узатилади. Меҳмоннинг овқат келадиган томонга ҳадеб ўгирилавериши яхши эмас.

Меҳмондорчиликда очкўзлик ва хирс билан таом емаслик учун уйда бироз тамадди қилиб олган маъкул. «Тўйга борсанг, тўйиб бор», деган мақол бекорга тўқилмаган.

Чақирилмаган жойга меҳмонга борилмайди. Агар икки киши барабар айтган бўлса, яқинроқ қўшниникига борилади. Иккови ҳам яқин бўлса, ошно ва дўстрогиникига борилади.

Мезбон (зиёфат эгаси)нинг изнисиз чақирилмаган одамни бошлаб бормайсиз. Мабодо бирор киши эргашиб бориб қолса, мезбон эшигига келганда ҳолатни тушунтириб, ундан ижозат оласиз.

Агар бир жамоани меҳмонга чақирсангиз, улар озчилик бўлса бирга ўтирсангиз зарар қилмайди. Чунки уларга дастурхон устида хизмат қилиб туриш керак бўлади. Бордию улар кўпчилик бўлса, ташқарида хизмат қилиб турган маъкул.

Меҳмон мезбоннинг рухсатисиз дастурхондан насиба олмайди, ёнидагиларга лукма узатмайди, гадо, ит-мушукларга таом бермайди.

Меҳмон риоя қилиши лозим бўлган одоблардан яна бири шуки, меҳмон мезбонга иш буюрмайди, чунки бу унга малол келиши мумкин. Мезбон қандай овқат қилиш ҳақида сўраса, меҳмон енгил таомни танласин.

Мезбон меҳмони билан узоқ вақт жим ўтирмайди ёки кўп вақтга якка ташлаб чиқиб кетмайди, кўпроқ муддатга келган меҳмонга ҳожатхона ва таҳорат жойини кўрсатиб, намоз вақтини эслатиб туради.

Ўтмишда келган меҳмоннинг от-уловига ҳам ем беришган, ҳозирда эса унинг машинасига бензин қуйиб берсангиз, олий ҳиммат кўрсатган бўласиз. Меҳмон кетар чоғида мезбон билан «Ассалому алайкум» деб хайрлашади, хонадон ҳақкига дуо қилиб, меҳмондорчилик учун миннатдор бўлганини билдиради.

Уламолар ушбу мавзунини батафсил ўрганиб, унинг одобларини тартибга солишган. Қуйида бундай одобларнинг хулосасини тақдим этишга ижозат бергайсиз.

Мезбоннинг одоблари:

1. Мезбон гўзал суҳбат қилиб, ҳолатга мос қиссаларни айтиб туради.
2. У очик чеҳра билан туради.
3. Хонага кириб-чиқаётганда хурсандлигини зоҳир қилади.
4. Ўзини қийнайдиган такаллуфни қилмайди.
5. Меҳмонни таомга таклиф қилиб туради. Аммо бу ишда ҳаддидан ошмайди.
6. Меҳмон ҳузурида сукутни чўзиб юбормайди.
7. Меҳмон олдидан узоқ вақтга гойиб бўлмайди.
8. Меҳмоннинг ҳузурида ходимларини сўкмайди.
9. Мезбон меҳмонга ўзи хизмат қилади.
10. Мезбон меҳмонни унга ёқмайдиган кишилар билан бирга ўтказмайди.
11. Меҳмон изн сўраса, унга изн беради.
12. У меҳмонни кузатиб чиқади.
13. Мезбон меҳмонга уловига минишга ёрдам бериб кузатиб кўяди.

Меҳмоннинг одоблари:

1. Меҳмон ўзига кўрсатилган жойга ўтиради.
2. У ўзига тақдим қилинган нарсадан рози бўлади.
3. Тақдим қилинган таомдан тезроқ тановул қилиш меҳмоннинг одобидандир. Агар у таомдан емаса, мезбонга ҳурматсизлик бўлади.
4. Меҳмон фақат мезбоннинг изни билан ўрнидан туради.
5. Меҳмон мезбоннинг ҳақида дуо қилади.
6. Меҳмон мезбонникида уч кундан ортиқ турмайди.

Ўзбекистонда азалдан турли урф-одат, маданият, тил, турмуш тарзига эга бўлган, хилма-хил динларга эътикод қилувчи бир-бирига ўхшаш бўлмаган бир неча халқлар яшаган ўлкадир. Ўзбекистон Буюк ипак йўли чорраҳасида жойлашгани, кўплаб давлатлар билан иқтисодий, маданий алоқалар ерли халқнинг диний ва маданий ҳаётига катта таъсир кўрсатган. Миллати ва диний қарашидан қатъий назар, меҳмондўстлик, инсонни ардоқлаш ва ўзгаларни қадрлаш, катталарга ҳурмат ва бошқаларни иззат қилиш каби туйғулар Марказий Осиё халқларининг юксак сифатларидир. Айнан шу омиллар халқимизнинг нафақат маънавий-маърифий, балки диний бағрикенглигининг маънавий асосини ташкил этади. Бу сифатлар бугунги кунда ҳам давом этиб келмоқда. Бунинг натижасида, бугунги кунда, Ўзбекистонда ҳам диний туризм, айниқса, бошқа динлар муқаддас қадамжоларига бўлган қизиқиш туристларда ортиб бормоқда.

МУСУЛМОН АЛЛОМА БЕРУНИЙНИНГ ДИНИЙ БАҒРИКЕНГЛИК ВА МИЛЛАТЛАРАРО ТОТУВЛИККА ДОИР ҒОЯЛАРИНИНГ ИСЛОМ МАДАНИЯТИ БИЛАН УЙҒУНЛИҒИ

*Шакатжон Каримов
Фарғона вилояти, Бешариқ тумани ХТБ тасарруфидаги
48-умумий ўрта таълим мактаби ўқитувчиси*

Дин азалдан инсон маънавиятининг таркибий қисми сифатида одамзоднинг юксак идеаллари, ҳақ ва ҳақиқат, инсоф ва адолат тўғрисидаги орзу-армонларини ўзида мужассам этган, уларни барқарор қоида шаклларида мустаҳкамланиб келаётган гоё ва қарашларнинг яхлит бир тизимидир. Айниқса, кўп асрлар мобайнида халқимиз қалбидан жой олиб, ҳаёт маъносини англаш, миллий маданиятимиз ва турмуш тарзимизни, кадриятларимиз, урф-одат ва анъаналаримизни безавол сақлашда муқаддас динимиз қудратли омил бўлиб келаётганини алоҳида таъкидлаш лозим. Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганларидек, - “Ислом динимизнинг бағрикенглик ва инсонпарварлик гоёларини тараннум этиш, унинг тинчлик ва барқарорлик, динлар ва миллатлараро тотувлик тамойилларига асосланган дин эканлигини тарғиб қилиш, мусулмон мамлакатларининг бирдамлигини мустаҳкамлаш, умумий ислом меросини асраб-авайлаш йўлида ҳамкорликни кучайтиришдан иборат”⁴⁷⁷.

Диннинг ижтимоий, маънавий-ахлоқий моҳиятига давр ижтимоий-иқтисодий ва маданий-маънавий шароити нуқтаи- назаридан ёндошиш, унинг кадриятларини реал ҳаёт шароитларига тадбиқ қилиш Марказий Осиё халқлари ижтимоий-фалсафий фикрлари тарихида илк ўрта асрлардаёқ ўзининг бой анъаналарига эга бўлган. Уларнинг, жамият учун асосий хизмати, энг аввало фуқароларни юксак ахлоқийлик руҳида тарбиялаш, ўзаро тотувлик ва ҳамжиҳатликка даъват қилиш ва оқибатда жамиятда барқарорлик, одамлар ўртасида тинчлик-омонлик ва тотувликни таъминлаш ҳисобланган. Улар халқлар ва мамлакатлар ўртасида ўзаро ишончсизлик, адоват ҳис- туйғуларининг кучайишига сабаб бўлувчи диний мутаассиблик ва гаразни қаттиқ қоралаб, диний бағрикенглик ва муросасозлик гоёларини илгари сурганлар. Динга бундай ёндошув анъаналари ўрта асрларда ушбу гоёларни ижтимоий ва маданий-маънавий ҳаётда амалий қўллашга ҳаракат қилиш билан яна ҳам мустаҳкамланган

Халқлар ўртасида тинчлик-тотувлик ўрнатиш, ҳамкорлик ва ҳамжиҳатликда яшаш гоёсини изчил ишлаб чиққан ва уни назарий-фалсафий асослашга ҳаракат қилган буюк мутафаккирлардан бири ватандошимиз Абу Райҳон Беруний (973-1048) дир. Беруний ўзининг кўпгина асарларида, инсонларнинг жамият бўлиб яшашга, бирор кишилик жамоасига бирлашиш сабаби уларнинг қайси ирқ, миллат ёки динга мансублиги эмас, балки ўзаро ёрдам, ҳамкорлик ва ҳамжиҳатликка муҳтожлиги билан изоҳланиши шарт эканлигини таъкидлайди.

Бу борада Беруний маънавий мероси, асарларининг қиммати, билдирган фикр-мулоҳазаларининг илмий аҳамияти аввало шундаки, у Буюк Ипак йўлида жойлашган Ватанимиз худудида ва халқимиз характерида миллий ва диний бағрикенглик юксак даражада ривож топганлиги хусусида тарихий маълумотлар келтиради. Чунончи, Беруний ўз асарларида Урганч шаҳрида бундан минг йиллар бурун ҳам яҳудийлар маҳаллалари, христиан черковлари, араб, ҳинд, хитой, славян халқлари уюшиб истиқомат қилган алоҳида маҳаллалар мавжудлигини айтиб ўтган. Берунийнинг таъкидлашича, одамлар бир-бирларига ёрдам бериши, турмушга зарур бўлган нарсаларни яратиш, ҳар қандай офатлардан сақланиш, ҳамкор, ҳамдард, ҳамдаст бўлиши ва хавф-хатарсиз яшаш учун жамиятга уюшганлар. Инсон жамоаларининг вужудга келишининг асосий сабаби ҳам ана шу ўзаро ёрдам, ҳамдардлик, ҳамнафасликдир. Шу билан бирга Беруний инсонпарвар мутафаккир сифатида бу ҳолат ва

⁴⁷⁷ Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. –Т.: Ўзбекистон. Т.1. 2017. Б-416-417

тартиб кейинчалик турли гонатчилик, талончилик, душманликлар натижасида бузилганлигини кўрсатади.

Биз таҳлил қилаётган мавзу бўйича Беруний маънавий мероси ва дунёқарашининг гоёвий аҳамиятини ёритиб беришга хизмат қиладиган масалалардан бири – энг аввало, Беруний дин деганда нимани тушунганлигини аниқлашдир. Бу ҳақда тадқиқотчилар А.Б.Холидов ва Б.Т.Эрманлар қуйидаги фикрни айтадилар: «Динга Беруний ўша давр қарашларидан келиб чиқиб, кенг маъно беради ва уни маънавий ҳаётнинг бутун мажмуи, ҳатто инсон амалий ҳаётининг кўп соҳалари деб тушунади».¹

Мазкур тадқиқотчиларнинг ушбу фикрларига ўз муносабатини билдирар экан, Беруний фалсафий қарашларининг йирик тадқиқотчиси А.Ж.Шарипов: «Ҳиндистон» асарига сўз боши ёзган муаллифлар ўз таърифлари билан динни англашда Берунийнинг рационалистик тенденцияларини таъкидламоқчи бўлишгандир. Агар бундай маънода бўлса, улар тамомила ҳақлар»,¹ - деган хулосага келади.

Биринчи Президентимиз И. Каримовнинг «Жамият ҳаётининг бир қисми бўлган дин ижтимоий ҳаётнинг бошқа соҳалари билан муқаррар равишда муносабатда бўлган. Уларга таъсир ўтказган ва ўзи ҳам бошқа соҳаларнинг таъсирига дуч келган» деган фикрларини эсласак кўп нарса ойдинлашади. Шунингдек, Марказий Осиёда ўзида диний дунёқараш билан қомусий билимдонликни мужассам этган арбоблар кўп бўлганлиги ҳақидаги фикрларини назарда тутсак, юқоридаги тадқиқотчиларнинг хулосалари маълум даражада асослидир. Зеро, ҳамма вақт жамиятда юз берадиган ижтимоий воқеа ва муносабатларнинг мазмун-моҳиятини илмий ва тарихий асосини излашга интиланган Берунийдек қомусий олим ва мутафаккир ўша даврда динда, шу жумладан ислом динида маънавий ҳаётнинг барча соҳалари мужассам эканлигига ишонч ҳосил қилган бўлиши мумкин. Шундай экан, унингча диний ақидапарастлик ва мурасасизлик асосида келиб чиқувчи адоват, низо-жанжал ва қонли урушлар олим томонидан қаттиқ қораланган. У диний ақида ва кўрсатмаларга ақл тарозиси нуқтаи- назаридан ёндашишни таъкидлаш билан бирга, бошқа динларга, уларнинг кўзлаган мақсад ва маънавий моҳиятига ҳолисона баҳо беришга даъват қилади. Шу муносабат билан барча динларнинг моҳиятига ҳолисона баҳо беришга интиланган ўрта аср олимларидан бири Абул Аббос Эроншаҳрий ҳақида фахр билан қуйидагиларни ёзади: «Абул Аббос Эроншаҳрийдан бошқа оғишмай ва иккиюзламачилик қилмай, тўғри ҳикоя қилган бирон кишини билмайман. Чунки, у киши ўз китобида биронта ҳам динга тарафдорлик ёки қаршилиқ қилмаган. Балки динлар ҳақида асар ёзишда ўзича бир йўл ихтиро қилган ва бундай асар ёзмоқчи бўлган бошқа кишиларни ҳам шу йўлни тутишга чақирган. У яҳуд ва насороларнинг динларини, Таврот ва Инжилнинг мазмунини яхши ҳикоя қилган»².

Энди Берунийнинг бошқа динларга эътиқод қилувчи халқларга ва уларнинг маънавий-ахлоқий ҳаёт тарзига бўлган муносабатини ифодаловчи бир фикрини келтириб ўтмоқчимиз. Беруний насроний (христиан) динидаги несторианлар мазҳабида илк ўрта асрларда одат бўлиб қолган гайрияхлоқий бир хатти-харакатни қоралаган ҳолда, умуман насроний динидаги қавмларнинг мақтовга сазовор ҳаёт тарзи ҳақида шундай ёзади: «Биз Оллоҳдан дўст ёки душман бўлишидан қатъи назар бирон кимсани ҳақорат қилишдан сақлашни сўраймиз Шу жумладан, ҳаёт тарзлари камтарлик, ҳақгўйлик ва барчага нисбатан меҳр-мурувват ҳислари билан йўғрилган насронийларни ҳам ҳақорат қилишдан сақлашни сўраймиз»¹. Ҳақиқатан ҳам бу ўзга динга эътиқод қилувчиларга нисбатан бўлган чуқур ҳурмат-эҳтиромнинг юксак намунаси дир. Бу динлараро ўзаро ишонч, муросасозлик, маънавий юксалиш томон ҳаракат қилиш гоёларини тарғиб қилувчи даъват дир.

Беруний буюк инсонпарвар сифатида бир халқни бошқа халқдан афзал кўриш ва бу билан уларни бир-бирига қарши қўйиш гоёсини қаттиқ қоралайди. Масалан, у «Ўтмиш халқлардан қолган ёдгорликлар» асарида арабларни эронликлардан устун қўйишга уринган

¹ Холидов А.Б., Эрман Б.Т. Предисловие к «Индии» Беруни // Индия. Т. II. М., 1963. С.47.

¹ Ўрта Осиё халқлари хурфикрлиги тарихидан. Тошкент. 1990. 96-бет.

² Юқоридаги манба: 27-бет.

¹ Беруни. Избранные произведения. VI том. Ташкент. 1979. С. 140

бир ўрта аср тарихчисининг фикрини шундай баҳолайди: «Унинг (юқорида) китобида айтиб ўтилган гапи у билан эронликлар орасида душманлик ва гиналар борлигидан далолат беради. Чунки, у «араблар эронликлардан афзал» дейиш билан қаноатланмай, ҳатто уларни энг хор, энг паст, энг тушқун миллат деб, худо «тавба» сурасида саҳройи арабларни ёмон тавсиф этганидан ҳам баттароқ ёмонлаган ва уларга турли қабихликларни нисбат берган. Агар у эронликлардан афзал қилиб кўрсатган миллатни (халқнинг) аввалини (тарихини) озгина фикрлаб, эслаганда эди, бу икки халқ ҳақида чегарадан ўтиб гапирганларининг аксарига, албатта, ўзини-ўзи ёлгончи қилган бўларди»².

У турли халқларнинг тарихи, фани, дини, маданияти ва умуман маънавий қадриятларига нисбатан менсимаслик муносабатида бўлиш, уларни инкор қилишни гайритабиий, гайриахлоқий бир ҳодиса деб билади. Масалан, «Ҳиндистон» асарида бошқа халқлар маънавий қадриятларига мана шундай муносабатда бўлган бир гуруҳ ҳақида афсус билан шундай ёзади: «Ахлоқлик, давоси йўқ бир касалликдир; шундайки, уларнинг эътиқодича, дунёда ўз ерларидан бошқа ер йўқ, ўз жинсларидан бошқа халқ, ўз бошлиқларидан бошқа подшоҳлар йўқ, ўзларидан бошқа илм ва динларидан бошқа дин йўқдир. Ўзларини юқори тутиб, бемаъни ҳаракат қиладилар ва кибрлашиб билимсиз қоладилар»³.

Кўриниб турибдики, мутафаккир миллий ва диний чекланишни инсон ақлига зид, тузатиб бўлмайдиган даражадаги бир нодонлик, жоҳиллик деб ҳисоблайди. Шу муносабат билан юқорида эслатиб ўтганимиз тадқиқотчи А.Д. Шарипов ҳозирги замон ҳинд олимларининг Беруний «амалда халқлар ўртасида ўзини-ўзи тақдирлаш тамойилини қўллаб-қувватлаганлиги» ҳақидаги фикрларини келтиради.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, халқимизга хос бўлган бошқа миллатларнинг вакилларига ҳурмат-эҳтиром, кенг феъллилик ўзининг қадимий анъаналарига эга бўлган ва бунинг назарий-фалсафий асослари Форобий, Беруний ва бошқа илк ўрта аср мутафаккирлари асарларида ёрқин намоён бўлган. Биринчи Президентимиз И.А.Каримовнинг таъкидлашича: «Бу соф инсоний туйғу, масалан, ўзбекларда шу қадар ривожланганки, миллий-маънавий кенг феъллик уларнинг умумий маданияти ва руҳиятининг ажралмас қисмига айланиб кетган»¹.

Мутафаккир фикрларининг ҳозирги давримиз учун ҳам ижтимоий-сиёсий аҳамияти шундаки, багрикенглик ва ҳамжихатлик тамойиллари устувор бўлган жамиятда ҳар томонлама мустаҳкам ижтимоий-сиёсий барқарорлик вужудга келади. Бундай шароитнинг вужудга келиши эса, жамиятда иқтисодий ва маънавий равақига йўл очади. Бу омилнинг Биринчи Президентимиз И.А.Каримов томонидан назарий асосланганлиги жиддий эътиборга лойиқ: «...Кўп миллатли ва кўп тилли мамлакатларда ўз давлатларига ном берган асосий миллат билан бу мамлакатларда истиқомат қилувчи этник озчилик ўртасидаги ўзаро муносабатлар ички сиёсий барқарорлик ва миллий хавфсизликнинг ҳал қилувчи шартларидан бири бўлиб қолмоқда.

Ички сиёсий аҳволнинг барқарорлиги, миллий хавфсизлик ва ижтимоий-иқтисодий ривожланиш динамикаси кўп миллатли давлатда яшаётган бошқа миллатлар вакилларининг сиёсий хайрихоҳлигига бевосита боғлиқ бўлади»².

Жуда кўп миллат ва элат вакиллари, турли динга эътиқод қилувчи халқларни ўз бағрига олган юртимиз учун мутафаккирнинг юқоридаги гоялари долзарб аҳамиятга эга. Фаробийнинг ўлмас гоялари аввало юртимизда сиёсий барқарорлик ва ижтимоий-иқтисодий ривожланишни таъминлашга фуқаролар учун гоявий даъват бўлиб хизмат қилса, иккинчи томондан, диний фундаментализм ва терроризмнинг вужудга келишида гоявий ва сиёсий манба бўлиб хизмат қилиши мумкин бўлган буюк давлатчилик шовинизми ва агрессив миллатчилик хавфига қарши курашда ҳам кучли гоявий қуроли воситасини ўйнаши мумкин.

² Абу Райҳон Беруний. Танланган асарлар. I том. Тошкент, 1968. 283-бет.

³ Шарипов А.Д. Великий мыслитель Буруни. Ташкент, 1972. С. 144.

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва таракқиёт қафолатлари. 80-бет.

² Юқоридаги асар. 69-70-бет.

Мамлакатимизда асрлар давомида шаклланган ватанпарварлик, инсонпарварлик, бағрикенглик, меҳр-оқибатлилиқ каби қадриятлар халқимизнинг тарих синовларидан ўтишида муҳим аҳамият касб этган. Айниқса, ўзбек халқи маънавий меросида бағрикенглик маданиятини қарор топтиришга қаратилган қадриятлар ўзининг чуқур тарихий илдизларига эга.

Биринчи Президентимиз таъкидлаганларидек, “Муқаддас китобларимиз ва қадриятларимиз, буюк мутафаккир аждодларимиз мероси бизни доимо ҳалол меҳнат билан яшашга, мардлик, саховат ва камгарликка чақиради”¹.

Ўрта Осиё минтақаси, хусусан, Ўзбекистон азалдан турли урф-одат, маданият, тил, турмуш тарзига эга бўлган, хилма-хил динларга эътиқод қилувчи бир-бирига ўхшаш бўлмаган бир неча халқлар яшаган ўлкадир. Ўзбекистоннинг жўгрофий нуқтаи назардан муҳим савдо йўллари чорраҳасида жойлашгани, кўплаб давлатлар билан иқтисодий, маданий алоқалар қилгани ерли халқнинг диний ва маданий ҳаётига катта таъсир кўрсатган.

Айнан шу омиллар халқимизнинг нафақат маънавий-маърифий, балки диний бағрикенглигининг маънавий асосини ташкил қилади.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон заминида қадим замондан ислом билан бошқа динлар, маданиятлар ёнма-ён яшаб, ривожланиб ва бу жамиятнинг маънавий юксалишига муайян ҳисса қўшди.

“Асрлар давомида йирик шаҳарларимизда масжид, черков ва синагогаларнинг мавжуд бўлиши, турли миллат ва динга мансуб қавмларнинг ўз диний амалларини эркин адо этиб келаётгани бунинг тасдиғидир. Тарихимизнинг энг мураккаб, оғир даврларида ҳам улар ўртасида диний асосда можаролар бўлмагани халқимизнинг диний бағрикенглик борасида катта тажриба тўплаганидан далолат беради”⁴⁷⁸.

Бу борада Архиепископ Владимирнинг фикрлари ўринлидир: “XIX асрда Россиянинг марказий минтақаларидан мажбурлаб кўчирилган деҳқонлар ночор аҳволга тушиб қолганда, маҳаллий аҳоли уларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатган. Ўша давр воқеаларини кўрган иеромонах Харитон “маҳаллий аҳоли ночор кўчманчиларга раҳмдиллик билан муносабатда бўлдилар, бусиз уларнинг кўпчилиги очлик ва муҳтожликдан ўлиб кетган бўлар эдилар”, – деб гувоҳлик берган”³.

XXI асрнинг энг долзарб муаммоларидан бири бу – халқлар ва динлар ўртасидаги бағрикенглик, толерантлик гоёсидир. Ушбу тушунча атрофида ер қуррасининг барча халқлари, элатларининг тўпланиш, жипслашиш зарурияти тугилди. Чунки фақат бағрикенгликгина дунёни ҳалокатдан, бўлажак фожеалардан асрайди. Шу боисдан ЮНЕСКО 1995 йили Парижда «Бағрикенглик тамойиллари Декларацияси»ни қабул қилди. Бирлашган миллатлар ташкилоти томонидан эса 16 ноябр куни «Бағрикенглик куни» деб эълон қилинди.

Хулоса қилиш мумкинки, Ўзбекистон ҳудудида зардуштийлик, буддавийлик, ислом ва христианлик динлари эзгулик, бағрикенглик асосида фаолият юритиб, дунёвий ва диний қадриятлар уйғунлигини намоён этган. Азалдан миллатлар ва динлараро тотувлик, бағрикенглик ўлкаси бўлмиш Ўзбекистоннинг бу соҳадаги тажрибаси дунё олимлари эътиборини ўзига қаратмоқда.

ЎЗБЕКИСТОНДА ИМОМ АЛ-БУХОРИЙ ИЛМИЙ МЕРОСИНИ ЎРГАНИШНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧГА КЎТАРИЛИШИ – ИСЛОМ МАДАНИЯТИ ТАРАҚҚИЁТИДА МУҲИМ ОМИЛ

*Шахноза Нуриддинова
Фаргона вилояти, Бешариқ тумани ХТБ тасарруфидаги
26-умумий ўрта таълим мактаби ўқитувчиси*

Қарийб ўн икки асрки, буюк ватандошимизнинг табаррук номи бутун ислом дунёсида алоҳида ҳурмат ва эътибор билан тилга олинади. Таъбир жоиз бўлса, у то қиёматгача

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. – Б. 21.

⁴⁷⁸ Миллий истиқдол гоёси: асосий тушунча ва тамойиллар. – Т.: Ўзбекистон, 2000. – Б. 61.

³ Архиепископ Владимир. ...А друзей искать на Востоке. – Т.: 2000. – С. 43.

бизларнинг бошимизни баланд кўтариб кетди. Шу боисдан ҳам дунёнинг қай бурчагига бормайлик, биз ўзбекистонликларга имом Бухорийнинг ватандошлари, унинг авлодлари дея чуқур эҳтиром билан қарайдилар, бизларга ҳавас қиладилар. Биринчи Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, “Буюк мутафаккир ва алломаларимизнинг ислом маданиятини раванқ топтиришга қўшган бетакрор хиссаси ҳақида сўз юритганда, энг аввало, ҳақли равишда мусулмон оламида “муҳаддислар султони” дея улкан шухрат қозонган Имом Бухорий бобомизнинг муборак номларини ҳурмат-эҳтиром билан тилга оламиз. Бу мўътабор зот меромининг гултожи бўлмиш – “Ал жомеъ ас-саҳиҳ” китоби Ислом динида Қуръони каримдан кейинги иккинси муқаддас манба бўлиб, аҳли Ислом эътиқодига кўра, у башарият томонидан битилган китобларнинг энг улуғи ҳисобланади”¹. Бу улуг алломанинг ижодини ўрганиш бутун мусулмон оламини доимо қизиқтириб келган.

1974 йили Ўрта Осий ва Қозоғистон мусулмонлари диний бошқармаси ташаббуси билан юртимизда биринчи марта ислом дунёси вакиллари иштирокида аллома таваллудининг 1200 йиллиги (ҳижрий ҳисобда) нишонланган эди. Унинг шоҳ асари ҳисобланмиш «ал-Жомий ас-саҳиҳ» ва «ал-Адаб ал-муфрад» китобларининг Тошкентда қайтадан нашр қилиниши имом Бухорий меросини ўрганишда катта аҳамият касб этган эди.

Истиклол шарофати билан буюк ватандошимиз яна юртимизга қайтди. Тошкент ислом институтининг имом Бухорий номи билан аталиши ҳам буюк муҳаддисга чуқур ҳурмат-эътибор рамзидир. Имом Бухорийнинг Самарқанд яқинидаги Хартанг қишлоғида жойлашган мақбараси обод ва кўркем қадамжолардан бири бўлиб, табаррук зиёратгоҳга айланди.

1992 йил апрель ойида мамлакат раҳбариятининг таклифи билан Биринчи Президентимиз Ислом Каримов бошчилигидаги Ўзбекистон вакиллари Саудия Арабистонига ташриф буюрган эди. Саудия Арабистони халқи, хусусан, икки муқаддас масжид ходими, подшоҳ Фахд ибн Абдулазиз ол-Сауд ҳазратлари иззат-икром билан қарши олади ва камоли эҳтиром ифодаси сифатида Биринчи Президентимизга Каъбатуллоҳнинг устига ёпиладиган қисванинг (каъбапўш) бир бўлагини ҳадя қилади. Ўша йили Қурбон ҳайити муносабати билан Президентимиз ушбу каъбапўшни имом ал-Бухорий мақбараси мажмуасига тортиқ этилган.

Доктор Муҳаммад Али Донавийнинг «Ал-Умма» журналида нашр этилган мақоласидан куйидаги жумлаларни келтириб ўтмоқчимиз: «...Дарҳақиқат, ислом уммати кўпгина фазилатлар, илм ва ҳидоят эвазига Бухорийдан қарздордирлар. Бу уммат зиммасига юклатилган вазифа шуки, улар ўз фарзандларига мактабларда, университетларда ва мажлисларда имом ал-Бухорий ҳазратларининг ким эканини ўргатмоқлари лозим».

Ана шундай буюк зотга муносиб ворислар бўлиш бизлар учун ҳам улкан шараф, ҳам катта масъулиятдир.

Имом Бухорийнинг асарлари сони йигирмадан ортиқ бўлиб, «ал-Жомий ас-саҳиҳ», «ал-Адаб ал-муфрад», «ат-Тарих ас-сағир», «ат-Тарих ал-кабир», «ат-Тарих ал-авсат», «Китоб ал-илал», «Бирр ал-волидайн», «Асмой ус-саҳоба», «Китоб ал-куна» шулар жумласидандир. Улардан энг машҳури алломанинг шоҳ асари — «Саҳиҳ ал-Бухорий» бўлиб, тўлиқ номи «ал-Жомий ас-саҳиҳ ал-муснад ал-мухтасар мин аҳадиси Росулиллаҳ (с.а.в.) ва сунаниҳи ва айямиҳи»дир.

Истиклол шарофати билан Бухорийнинг ўлмас мероси Эл-юрти бағрига қайтди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Имом ал-Бухорий таваллудининг хижрий-қамарий тақвим бўйича 1225 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги қарори (1997 йил 29 апрел) асосида Бухорийнинг илмий меросини ўрганиш ва тарғиб қилиш, хотирасини абадийлаштириш борасида катта ишлар қилинди.

1998 йил 23 октябрда Самарқанда юбилей туй-тантаналари бўлиб ўтди. Аллома абадий кўним топган Челақ туманидаги Хартанг қишлоғида улкан ёдгорлик мажмуи очилди. Бухорийнинг бой маънавий меросини чуқур ўрганиш ва кенг тарғиб қилиш мақсадида

¹ Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: “Маънавият”, 2008. – Б. 38.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримовнинг ташаббуси билан Имом ал-Бухорий халқаро жамгармаси тузилди.

Жамгарманинг асосий вазифаси Куръони карим ва Бухорийнинг «ал-Жомий ас-сахих»и таржималарининг академик нашрларини тайёрлаш, буюк исломшунослар илмий меросини тадқиқ этиш, диний-фалсафий мавзуларда илмий анжуманлар ўтказиш ва улар ёрдамида ёш авлодни миллий анъаналаримизга садоқат руҳида тарбиялашдан иборат.

2000 йилдан бошлаб мазкур жамгарма ўзининг маънавий-маърифий, илмий-адабий «Имом ал-Бухорий сабоқлари» журналини нашр эта бошлади. Журнал халқимизни миллий маънавий меросимиздан бахраманд этиш, миллий, диний кадриятларнинг соғлом идрок этилишига ёрдам беришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Ўзбекистонда Бухорийнинг хотираси муносиб тарзда абадийлаштирилган. Тошкент Ислому институтига Бухорий номи берилган. Бухорийнинг ҳаёти ва ижодига бағишлаб бир неча тилларда китоб-альбом, 2 қисмли фильм, «Ҳадис илмининг султони» 4 қисмли кино қисса яратилган.

Имом Бухорий халқаро маркази 2008 йилнинг 23 майдаги Вазирлар Маҳкамасининг 875-сон Қарорга мувофиқ ташкил этилган бўлиб, асосан, икки йўналишда фаолият олиб боради:

1. Имом Бухорий, Имом Термизий, Маҳмуд Замахшарий, Бурхонуддин Маргиноний каби юртимиздан етишиб чиққан кўплаб буюк алломаларнинг илмий-маънавий, диний ва маданий меросини илмий асосда чуқур ўрганиш ҳамда улардан кенг халқ оммаси, айниқса, ёшларни хабардор қилиш, бу йўналишда хорижий мамлакатлардаги илмий марказлар, олим ва тадқиқотчилар билан яқин ҳамкорлик ўрнатиш.

2. Республикаимизнинг турли шаҳар ва вилоятларидаги жоме масжидларида имом хатиблик қилаётган диний ходимлар билан дунёвий ва диний билимлар соҳасидаги ўқув-машгулотлари ташкил этиш.

Бундан ташқари, яқин келажакда Имом Бухорий халқаро марказида Имом Бухорий мероси ва ҳадис илмини ўрганиш борасида халқаро ҳамкорлик ишларини йўлга қўйиш асосий мақсад қилиб қўйилган.

Айтиш ўринлики, шу пайтга қадар Марказга замонамизнинг йирик санъат, маданият, давлат арбоблари иштирокида 60 (олтмиш)дан зиёд кизикарли учрашувлар ташкил қилинди.

Марказда йигирмадан ортиқ илмий-оммабоп китоб ва монографиялар нашр қилинди.

- 3000 (уч минг) бетдан зиёд араб тилидаги турли манбалардан ўзбек тилига таржима қилинди ҳамда уларнинг аксар қисми нашр этилди.

- 400 дан ортиқ илмий, илмий-оммабоп мақолалар республика миқёсидаги турли газета ва журналларда чоп этилди.

- ОАВ - радио ва телевидение орқали кўплаб учрашув ва суҳбатлар олиб борилди.

- Марказда “Ўзбекистон - буюк алломалар юрти” илмий-амалий лойиҳаси устида тадқиқотлар амалга оширилиб, юртимиздан етишиб чиққан 40 (қирқ)та аллома ҳаёти ва меросига бағишланган “Ўзбекистон – буюк алломалар юрти” (биринчи китоб) ўзбек ва инглиз тилларида, буюк муҳаддис Имом Бухорий ҳазратларининг ибратли ҳаёт йуллари ва беқиёс илмий-маънавий мероси ёритилган “Имом ал-Бухорий” ва “Ҳадис илмининг султони”, Мовароуннаҳр заминидан етишиб чиққан буюк аллома Абдуллоҳ ибн Муборак Марвазийнинг ибратларга бой ҳаёт йуллари ва юксак инсоний фазилатларига бағишланган “Буюк донишманд” китоблари, “Шаҳобуддин Умар Сухравардий” рисоласи, “Абдулҳамид Кеший ҳаёти ва илмий мероси” ва “Абу-л-Муин Насафий” илмий монографиялари, Абу-л-Муин Насафийнинг “Баҳру-л-калом” асарининг таржима ва изоҳи “Калом илмида сўзлар денгизи” ҳамда “Адашган ва адаштирувчи фирқаларга раддиялар китоби” китоблари нашрдан чиқарилди. Жумладан, шу яқин йилларнинг ўзидаёқ, Шайх Абдулазиз Мансур таҳририда 2008 йилда “Саҳиҳи Бухорий”нинг ўзбек тилига таржимаси, Абдусалом ал-Муборакфурийнинг “Имом ал-Бухорий” китобининг профессор профессор У. Уватов томонидан қилинган таржимасини кенг жамоатчилик эътиборига тақдим этилиши фикримизнинг далилидир. Шунингдек, олдимизда бу китобга ёзилган “Уммадул-Қори”,

“Фатхул-Борий” каби шарҳларни таржима қилиб, кенг жамоатчиликка тақдим қилиш каби улуг вазифалар турибди¹.

Имом Бухорийнинг ижодий мероси ўзининг ҳажми, замонасининг диний ва ижтимоий фанларини тўла-тўқис камраб олганлиги билан кишини ҳайратга солади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йилнинг 14-15 апрель кунлари Самарқанд вилоятига қилган ташрифи чоғида Имом Бухорий ёдгорлик мажмуи қошида халқаро илмий-тадқиқот марказини қуриш таклифини билдириб, шундай деган эди: “Буюк мутафаккир бобомиз, барча муҳаддислар пешвоси Имом Бухорий мангу қўним топган ушбу масканда ўзига хос маънавий-руҳий муҳит мавжуд. Мажмуага зиёратга келган одам бу марказга ҳам кириб, ўзига катта озуқа олсин, боболаримиз ҳикматларидан ўрганиб кетсин. Шунда уларнинг қалбида улуг аждодларимиз билан фахрланиш туйғуси ривож топади, айти пайтда шундай буюк зотларнинг авлоди масъулиятини ҳис этади”.

Президентимиз Ш. Мирзиёевнинг 2017 йил 27 мартдаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ бугунги кунда мазкур марказ қурилиши жадал давом этмоқда. 6 гектар майдонни эгаллаган ҳудудда ҳадисшунослик олий мактаби ҳам барпо этилмоқда. Марказ биносида ҳадис, калом ва қироат илмини ўрганишга мўлжалланган хоналар, қўлёзмалар кутубхонаси, музей ташкил этилади.

Президентимизнинг 2017 йил 10-11 ноябрь кунлари Самарқандда БМТ шафелигида ўтказилган “Марказий Осиё: ягона тарих ва умумий келажак, барқарор ривожланиш ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик” мавзусидаги халқаро анжуманда сўзлаган нутқида қуйидагиларни таъкидлади: “Бизнинг тажрибамиз шуни кўрсатмоқдаки, биринчи галда ёшларни илм-маърифатга ўргатиш, уларга ислом динининг инсонпарварлик моҳияти, ислом маданиятининг асл қадриятларини етказиш экстремизмга қарши курашишнинг энг самарали воситаси ҳисобланади”¹.

Хусусан, ислом оламида “Ҳадис илмининг султони” номи билан эъзозланадиган Имом Бухорий, суннат илми денгизи Имом Термизий, ақида имомларининг буюги Имом Мотуридий, тасаввуф оламининг ёрқин чироқлари Абдулҳолик Гиждувоний, Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Аҳрори Валий, ислом ҳуқуқшунослиги забардаст устунларидан Бурҳониддин Маргиноний, аниқ фанлар устозлари Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад ал-Фаргоний, Мирзо Улугбек каби аждодларимизнинг хотирасини абадийлаштириш мақсадида улар қўним топган масканлар ободонлаштирилиб, халқимизнинг сеvimли зиёратгоҳларига айлантирилмоқда.

Давлат раҳбарининг бевосита ташаббуси билан Қорақалпоғистон Республикасида “Имом Эшон Муҳаммад” масжиди, Хоразм вилоятида “Оҳун бобо” масжидини реконструкция қилиниб, халқимиз ихтиёрига топширилиши, Қашқадарё вилоятидаги “Абу Муин Насафий” мажмуасини тубдан янгилаш, Сурхондарё вилоятида Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази, Самарқанд вилоятида Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази, Бухоро вилоятида “Мир Араб” Олий мадрасасининг очилиши, Тошкент шаҳрида “Ўзбекистондаги Ислom цивилизацияси маркази”ни ҳамда “Ўзбекистон Ислom академияси”ни ташкил этилиши ҳамда “Қуръони карим мусобақаси”нинг туман (шаҳар), вилоят ва республика босқичларини юқори даражада ўтказилаётгани диний соҳада олиб борилаётган ислоҳотларнинг амалий ифодаси ҳисобланади.

Диний таълим соҳасидаги ислоҳотлар қаторида Бухоро вилоятида “Мир Араб” Олий мадрасаси ҳамда Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Ислom академияси фаолиятининг бошланиши,

¹ “Марказий Осиё ва Ислom цивилизацияси” мавзусидаги ёш тадқиқотчи ва талабаларнинг республика анжумани тўплами. – Тошкент: Ўзбекистон халқаро ислом академияси нашриёт-маъбаа бирлашмаси, 2018. –Б. 6

¹ www.uza.uz. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Самарқанд шаҳрида ўтган “Марказий Осиё: ягона тарих ва умумий келажак, барқарор ривожланиш ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик” мавзусидаги халқаро анжуманда сўзлаган нутқи

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 мартдаги қарори асосида Самарқанд вилоятидаги Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази ҳудудида янги олий диний таълим муассасаси – “Ҳадисшунослик” мактаби ташкил этилаётганини алоҳида қайд этиш зарур.

Бу каби ташаббус ва илгор гоёлар Мухтарам Президентимиз Ш.Мирзиёев томонидан нафақат юртимиз доирасида, балки халқаро майдонларда ҳам илгари сурилмоқда. Жумладан, Юртбошимиз БМТ Бош ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқида *“Биз муқаддас динимизни азалий қадриятларимиз мужассамининг ифодаси сифатида беҳад қадрлаймиз. Биз муқаддас динимизни зўравонлик ва қон тўкиш билан бир қаторга қўядиганларни қатъий қоралаймиз ва улар билан ҳеч қачон муроса қила олмаймиз. Исломи дини бизни эзгулик ва тинчликка, асли инсоний фазилятларни асраб-авайлашга даъват этади”* деб таъкидлаб ўтдилар.

Албатта, дин соҳасининг асосий шиори сифатида “жаҳолатга қарши маърифат”, бугунги кунда халқимиз, айниқса ёшларимизни диний экстремизм, ақидапарастлик ва терроризм каби иллатлардан ҳимоя қилиш, ёт гоёлар таъсиридан асраш ҳамда олдини олишга қаратилган маърифатпарвар ҳаракат асосида амалга оширилаётгани муҳим аҳамият касб этмоқда.

Халқимизнинг миллий ва диний қадриятларга ўта садоқатли ва эътиборли экани дунёга маълум. Зеро, бугунги кунга қадар асарлари машҳур бўлиб келаётган Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Насафий, Имом Марғилоний, Имом Замахшарий ҳамда бошқа буюк олим ва мутафаккирларимиз айнан шу заминдан етишиб чиққанлар.

Дин соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар бугунги кунда юртимиз ҳамда халқаро миқёсда кенг жамоатчиликда катта қизиқиш уйғотмоқда. Шу муносабат билан жорий йилнинг 14 апрель куни Ўзбекистон мусулмонлари идорасида “Ўзбекистон диний маърифат ва қадриятлар юрти” мавзусида матбуот анжумани ташкил этилди.

Дин ишлари бўйича қўмита томонидан ташкил этилган ушбу тадбирда Ўзбекистон мусулмонлари идораси, Ўзбекистондаги ислом цивилизацияси маркази, Ўзбекистон ислом академияси, Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази, Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази, диний илмий марказлар раҳбар ва вакиллари иштирок этдилар.

Айтиш жоизки, 2017 йил 15 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Ижтимоий барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимизнинг софлигини асраш – давр талаби” мавзусидаги анжуманда сўзлаган нутқида диний ходимларга алоҳида эътибор қаратиб, бугунги кунда жамиятни турли маънавий иллатлардан ислоҳ қилиш, халқимизнинг маънавиятини кўтариш борасида катта ишонч билдирилди ва тегишли тавсиялар берилди.

2017 йил 15 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси президентининг “Ўзбекистон Ислам академиясини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарор [ЭҲЛОН ҚИЛИНДИ](#). Ўзбекистон Ислам академияси ҳузурида магистратура (2 йил), таянч докторантура (3 йил) ва докторантура (3 йил) фаолият юритади.

Албатта, юқорида айтилган ишлар фақат маърифатли, юксак билим ва кўникмага эга бўлган диний соҳа мутахассиси, олимлар ёрдамидагина амалга оширилиши мумкинлиги эътироф этилди.

Юртимизда диний таълим соҳасини муносиб даражага кўтариш, салоҳиятини ошириш, диний соҳада етук кадрларни тайёрлаш, улуг аждод уламоларимизнинг бебаҳо илмий меросини ўрганиш, илмий тадқиқот ва изланишлар олиб борилиши учун қулай шароитларни яратиш мақсадида заминимиз узра Ақида, Ҳадис, Ислам фикҳи, Калом илми ва Тасаввуф илмий мактаблари ўз фаолиятини бошлади.

Ўзбекистоннинг диний илмий салоҳиятини, халқаро миқёсда ошириш борасида ишлар давом этмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республика Президенти ташаббуси билан Тошкент шаҳрида Ўзбекистон ислом академияси ташкил этилди. Мазкур олий ўқув юртида ислом илмлари бўйича магистр, таянч докторантура ва докторантура бўйича йўналишларида кадрлар тайёрланиши кўзда тутилган.

Ушбу эзгу ишлардан кўзланган пировард мақсад халқимиз учун қадимдан анъанавий бўлиб келаётган диний-маънавий меросга садоқатни мустаҳкамлаш, шу орқали юртдошларимиз, хусусан ёшларда миллий гурур, Ватанга муҳаббат, бунёдкорлик туйғуларини шакллантириш, уларни миллий қадриятларга содиқлик руҳида тарбиялашга амалий хисса қўшиш ҳамда маърифий исломнинг асл қадриятларини сингдиришдан иборатдир.

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИНИНГ ТАБИИЙ РЕКРЕАЦИОН САЛОҲИЯТ ВА УНИНГ ҲУДУДИЙ ТАРКИБИ

Жумаев Хайрулла Хайитович, Қариши давлат университети

Аннотация: Қашқадарё вилоятининг табиий рекреация ресурслари салоҳияти, рекреация ресурсларини табиий жиҳатларини тадқиқ қилиш, унинг ҳудудий таркиби миқёсида таҳлил қилинган.

Таянч сўзлар: рекреация, ресурс, рекреация ресурси, сайёҳлик салоҳияти, шифобахш балчиқ, геотермал, радонли, бромли, радиация, ҳарорат.

Турли минтақа ёки ҳудудларнинг сайёҳлик – рекреация салоҳиятини тадқиқ қилишдан аввал, уларнинг замонавий мазмуни, таркиби ҳамда ривожланишининг географик жиҳатларини аниқлаб олмоқ муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади. Аввало, салоҳият тушунчаси ҳақида тўхталар эканмиз, у турли манбаларда кўпроқ заҳира, имконият, восита маъносига эга эканлигини, қайсидир бир мақсад ва вазифани хал қилишда фойдаланиш мумкинлиги таъкидланади. Шулар билан бирга, салоҳият тушунчасининг моҳиятини моддий асоссиз тасаввур қилиб бўлмаслигини ҳам таъкидлаш жоиз. Кўпчилик муаллифлар томонидан ҳудудларнинг туристик-рекреацион ресурслар салоҳияти уч гуруҳга (табиий, маданий-тарихий, ижтимоий-иқтисодий) ажратилса, В.И.Кружалин ва бошқалар томонидан 4-чи яъни ахборот туристик-рекреацион ресурслар гуруҳи ҳам ажратилади.

П.Г. Царфис фикрича, рекреация географиясининг зиммасида, энг аввало, қуйидаги масалаларни ечиш ётади: чарчоқнинг моҳиятини очиб бериш, турли касалликлар ривожланишининг механизмини ечиш ҳамда ҳудудий рекреацион тизимлар (ХРТ) ва кишининг дам олиши ва давланиши учун бундай рекреацион тизимдан тўғри фойдаланиш истиқболларини ишлаб чиқиш масалалари ётади.

Бугунги кунгача Ўзбекистонда рекреация ресурсларини географик жиҳатдан комплекс таҳлиliga асосланиб ўрганиш билан шугулланаётган мутахассислар илмий тадқиқотлар олиб боришмоқда. Бу соҳадаги илмий тадқиқотлар Г. Зокиров (1990), А.Юсупов (1995), Р.Усмоновлар (2001) ишларида ёритилган.

Қашқадарё вилояти мамлакатимизнинг жануби-ғарбий қисмида жойлашган бўлиб, 1943 йил 20 январда ташкил этилган. Вилоят ҳудуди 28,57 минг км.кв.ни (6,3 %) ташкил қилгани холда, аҳолиси 3213,3 минг кишига (9,6 %) тенг. Вилоят маъмурий ҳудудий жиҳатдан 13 та қишлоқ тумани, 12 та шаҳар ва 117 та шаҳарчалардан иборат.

Қашқадарё вилояти шимоли-ғарбда Бухоро, шимолда Самарқанд ва қисқароқ масофада Навоий вилоятлари, жануб ва жануби-шарқда Сурхондарё вилояти билан чегарадош, шунингдек, ғарб ва жануби-ғарбда Туркменистон, шарқда Тожикистон Республикаси билан чегараланади.

Қашқадарё ҳавзасини геоморфологик жиҳатдан О.Ю. Пославская (1959) учта асосий геоморфологик минтақага ажратади:

1) тоғ минтақаси; 2) тоғ олди ва паст тоғлар минтақаси; 3) текислик минтақаси.

Тоғ минтақаси Зарафшон, Қашқадарё ва Сурхон - Шеробод водийлари оралигида жойлашган Зарафшон ва Ҳисор тизмаларига мансуб бўлган ўртача баланд ва баланд тоғларни ўз ичига олади. Қашқадарё ҳавзасининг чекка шимоли-шарқида Зарафшон тоғ тизими Сумсар - Шертоғ ва Тагиматмон тоғлари орқали Ҳисор тизмасининг тоғлари билан боғланиб туради.

Ҳисор тизмаси Ўзбекистон худудидаги энг баланд тоғ тизмаси бўлиб, ундаги кўпгина чўккиларнинг баландлиги 4000 м дан ортади. Унда жойлашган Хўжа Парирах чўққисмининг баландлиги 4654 м бўлиб, мамлакатимиздаги энг баланд тоғдир (Сурхондарё вилояти худудида). Ҳисор тизмасининг Қашқадарё вилояти худудида жойлашган Ғова тоғи (4145 м) вилоятимизнинг энг баланд тоғи бўлиб, баландлигига кўра Ҳисор тизмасининг бешинчи чўққисидир.

Ҳисор тизмаси Қашқадарё ҳавзаси доирасида Сумсар – Шертоғ (2500 – 2800 м), Ҳазратисултон (4000 м), Яккабоғ (Осмонтарош, Бешнов, Эшакмайдон, Хонтахти, Тойталаш, Курек, Майдоноқ), Чақчар ва Бойсун тоғларининг тармоқларидан иборат.

Ҳазратисултон тоғлари Ҳисор тизмасининг энг шимолий ва баланд тармоғи бўлиб, Оксув ва Тўпалангдарёнинг сувайиргичини ҳосил қилади. Бу тоғларнинг ёнбағрлари тик, серқоя бўлиб, энг юқори қисмлари қорлар ва музликлар билан қопланган.

Бир-биридан чуқур дарё даралари ва водийлари билан ажралиб турадиган Осмонтарош, Бешнов, Эшакмайдон, Хонтахти, Тойталаш, Курек ва Майдоноқ тоғлари (3500-3700 м) умумий ном билан Яккабоғ тоғлари деб аталади. Бу платосимон юзада баландлиги 2800 - 3000 м бўлган ўткир қиррали тоғ қоялари (Арратош, Москара, Чакмонкуйди ва б.) қад кўтариб туради.

Яккабоғдарё ва Катта Урадарёнинг юқори оқимлари оралигида Чақчар тоғлари (Хўжа Ахчабурун тоғи, 3700 м) қад кўтариб туради. Чақчар тоғлари асосан мезозой оҳақтошларидан тузилган. Дарёлар оҳақтош қатламларини ювиб, тор даралар ҳосил қилган. Қалаишерон тангисида Ўзбекистоннинг энг узун горларидан бири - машҳур Амир Темур гори (умумий узунлиги 815 м) жойлашган. Катта Урадарё ва Лангар оралигида парчаланган, юқори қисмида ясси рельефга эга бўлган, палеогеннинг бўрсимон оҳақтошларидан ташкил топган Лангар - Қораэл тоғлари жойлашган.

Ҳисор тоғларининг жануби-гарбий тармоқларининг бир қисмини шимолда Катта Урадарё, жанубда эса Кичик Урадарё водийси билан чегараланган Бобосурхон - Қорасирт тоғлари ҳосил қилади (Екшибаров, 1959).

Бобосурхон-Қорасирт тоғларининг ўртача баланд минтақасини баландлиги 1500 - 2600 м бўлган тоғлар ҳосил қилади. Улар Совуқбулоқ довонидан шарқда жойлашган. Бу минтақада тўлқинсимон ясси сувайиргичлар, эгарсимон, тик ёнбағирли қоятошли даралар, карст воронкалари ва горлар хилма - хил рельеф шакллари ҳосил қилади.

Бобосурхон-Қорасирт тоғларининг паст тоғлар минтақасига Совуқбулоқ довонидан гарб томонда жойлашган, баландлиги 900-1500 м бўлган қисми киради.

Яккабоғ тоғларидан шарқроқда ва унга ёндош ҳолга баланд Бойсун тоғлари (4424 м) чўзилган бўлиб, уларнинг шимоли-шарқий қисми Кўштанг (3273 м), ўрта қисми Кетмончопди (3168 м), жанубда Сувсизтоғ массиви дейилади. Бойсун тоғларининг жануби-гарбий қисмини ўртача баландлиги 2100 м, энг баланд жойи 3 137 м бўлган Кўҳитанг тоғлари ҳосил қилади.

Кичик Урадарё водийсидан жануби-гарбда ўртача баландликдаги Оқбоштоғ жойлашган. Унинг максимал баландлиги 2172 м га етади. Дехконобод шаҳарчасидан гарбдаги Одамтош тоғ массиви (1279 м) Кўҳитанг тоғларидан шарқроқда бошланиб, Қарши чўли томон аста-секин пасайиб борадиган паст тоғлар (Модин, Қорабаланд, Элликбош, Тепакутон, Кесик, Малик, Сакиртма, Оқкултоғ ва б.) орасида энг баланрогидир.

Тоғ олди ва адирлар минтақаси Қоратепа тоғларининг этақларидан бошланиб, Ғузор туманининг тоғли қисмигача чўзилади. Адирлар палеоген, неоген ва тўртламчи даврларнинг жинсларидан тузилган бўлиб, Қашқадарё ҳавзасининг ички ва гарбий текислик қисмини ўраб туради. Адирлар жойланишига кўра Қоратепа, Мироқи, Яккабоғ адирларига ажратилади (Маматов, 1994).

Зарафшон тизмасининг Тахтиқорача довонидан гарбда Зарафшон ва Қашқадарё водийларини туташтириб турувчи Жом йўлагигача бўлган қисмини ўртача баландлиги 1000-2000 м бўлган Қоратепа тоғлари ҳосил қилади. Бу тоғларнинг энг баланд нуқтаси Камкутон тоғидир (2196 м).

Текислик минтақаси Қашқадарё ҳавзасининг катта гарбий қисмини ўз ичига олади. Минтақанинг асосий қисми Қарши чўлининг қия текислиги билан банд. Қарши қия текислиги Қизилқум чўлининг жануби-шарқий чеккаси ҳисобланади (Маматов, 1994). Минтақа доирасида абсолют баландликлар 280 м дан 600 м гача ўзгаради.

Қашқадарё вилоятининг бундай географик ўрни туризмни ривожлантиришга катта имконият яратади. Бугунги кунда бу ҳудуддан маҳаллий ва халқаро автомобиль, темир йўл ҳамда ҳаво йўлларининг кесиб ўтганлиги дам олиш ва сайёҳатни ташкил этиш ва ривожлантиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Вилоят маркази – Қарши шаҳри Қашқадарёни чап соҳилида жойлашган, қадимий шаҳарлардан биридир. Қарши шаҳри кўп асрлик тарихи эга эканлиги ва ривожланишига унинг иқтисодий географик ўрнининг қулайлиги катта аҳамият таъсир кўради. Шунингдек, шаҳарда маданият, санъат, фан, савдо-сотик ва ҳунармандчиликнинг ривож топиши ҳамда тарихий ва меъморий обидаларнинг вужудга келиши (шаҳарда 59 дан ортиқ ноёб тарихий-меъморий обидалар мавжуд) ҳам бевосита унинг иқтисодий географик ўрнининг ниҳоятда қулай бўлганлигидан далолат беради. Дам олишни ташкил этиш, туристик маршрутлар, экскурсияларни уюштириш, аввало, қулай табиий шароитнинг мавжудлигини талаб қилади. Чунки, ўзига хос рельеф, иқлим ва турли-туман экзотик ландшафт манзаралари кишиларни ўзига тортади. Қарши шаҳри қадимий цивилизацияси ўчоқларидан бири сифатида, дунёвий ва диний билимлар, маънавият-маърифат ва маданият маркази бўлиши билан ажралиб туради. Қашқадарё вилояти табиий шароити, ер усти тузилиши шимол ва шимолий-шарқ ҳамда шарқ томонларининг тоғ ва тоғликлардан иборатлиги ҳам рекреацияда аҳамиятлидир.

Тоғли минтақада карст жараёнлари ҳам (воронкалар, карст горлари) ривожланган. Улар Чақилкалон тоғларининг шимолий- гарбида айниқса яққол ифодаланган. Аммо Қоратепа тоғларида ва Ҳисор тизмасига мансуб бўлган тоғларда бироз камроқ тарқалган. Вилоятнинг тоғли қисмининг хушманзаралиги рекреация турларини ривожланишида анча қулай, айниқса рекреация мақсадларида Бешнов, Осмонтараш, Шертоғ, Сумсар, Чақчар тоғларидан фойдаланиш имкониятлари катта. Доимий қор ва музликлар, трог ва дарёлар, шаршаралар (Сувтушар, Татар, Хўқизбурун ва б.), сой водийлари, табиий ёдгорликлари, карст шакллари, горлар (Амир Темур, Хўқиз-Камар, Кийик-Камар, Каптархона, Темир гори ва б.), даралар (Қалаишерон, Қизилсув, Сувтушар, Танхоз, Оқсувдара (АҚШдаги Гранд Каньоннинг Ўрта Осиёдаги андозаси сифатида қарашади) даралари ва б.), ажойиб экскурсия объектлари ҳисобланади, тоғолди, тоғларида треккинг туризмни, Ҳисор тизмаларида альпинизмни туризмни ривожлантириш имкониятлари катта. Бу ҳудудларни рекреация бойликларини эътиборга олган ҳолда, бир қанча замонавий дамолиш масканлари, оромгоҳлар, даволаниш масканларини ташкил қилиш мумкин.

Иқлимий курортлар ҳам иқлимнинг ўзи сингари хилма-хилдир. Ўрмон, яланглик, тоғ, денгиз бўйи, иқлим-қимиз-даво каби ноёб иқлим – об-ҳаво омиллари (ҳарорат, атмосфера босими, қуёш нурланиши ва х.к.) бебаҳо шифодир.

Қашқадарё ҳавзасининг рекреация ресурслари атрофлича ўрганилмаган тоғ, тоғолди ва текислик геотизимларининг дам олиш ва соғломлаштириш учун қай даражада қўлайлиги илмий жиҳатдан асосланмаган. Бу борада А.Х.Юсуповнинг (1995) “Ўзбекистоннинг жанубий районлари иқлимий шароитларидан дам олиш ва даволаш учун баҳолаш” ишидан бошқа чуқурак ишланма мавжуд эмас. Шунинг учун вилоятнинг рекреация имкониятларини ўрганиш ва янги ҳудудий рекреацион тизимни бунёд этиш масаласи долзарб ҳисобланади. Қашқадарё вилояти нафақат мамлакат, Ўрта Осиё, балки дунё аҳамиятига эга шифохоналар ва дам олиш масканларини ташкил қилиш учун рекреация ресурсларига эга.

Қашқадарё вилоятининг ўзига хос иқлимий хусусиятлари унинг географик ўрнига боғлиқ. Вилоятда рекреацияда энг фойдали иқлим омилларидан қуёш радиацияси миқдори $6700-7000$ мж/м² ни ташкил этади. Қуёшли кунлар 2600-3000 соатга тенг (Абдуллаев ва бошқа. 1994).

И.С.Кандрор ва бошқалар (1974) тадқиқотлари натижаларига кўра, об-ҳаво таъсирида инсон организмда маълум иссиқлик режими вужудга келади ва унинг терморегуляторлик

механизмини маълум даражада мураккаблаштиради. Ҳаво ҳарорати дам олувчиларнинг физиологик ҳолатини белгилайди. Маълумки, ўртача энг қулай (комфорт) ҳаво ҳарорати 17-21 °С (Н.В.Виноградов, В.Ғ.Надеждин, 1954, Е.А.Котляров, 1978) ҳисоб-китобига кўра жами қуёш радиациясининг миқдори минутига ҳар см² да 0,8 ккалдан шамол тезлиги 0,2 м. Бўлган шариятда булутлик 0-3 балл, энг қулай ҳаво ҳарорати 12-24 °С бўлади.

Рекреацион объектларда дам олувчиларни физиологик ҳолати жойнинг ҳаво ҳароратига боғлиқ. Е.А.Котляров (1978) маълумотига кўра, кишиларнинг соғлиги учун энг қулай ҳарорат, ўртача суткалик ҳарорати +10+22 °С атрофида бўлган ҳароратдир.

Вилоятда йиллик ўртача ҳарорат текислик, тоғолди районларида шимолда 15 °С (Китоб), жанубда 16,1 °С (Ғузор) бўлиб, рельефга боғлиқ ҳолда шарқ томон пасаяди. Энг совуқ ойнинг ўртача ҳарорати 0 °С дан паст жойлар фақат Қарши шаҳри атрофидадир. Июлнинг ўртача ҳарорати 28,4-29,5 °С бўлсада, аммо куз кунлари ҳарорат 36-37 °С гача кўтарилди. Вилоятнинг тоғли қосмида рельеф таъсири катталигидан текисликка нисбатан анча салқин. Жазирама иссиқ 3-4 кундавом этади. Кейин салқин ҳаво билан алмашиши натижасида ҳарорат бироз пасаяди (Балашева ва бошқа. 1962). Тоғ ва тоғолди ҳудудларида иқлимий хусусиятлар юмшоқроқ бўлади. Иқлим ресурсларининг қулайлиги ҳудудда рекреациянинг истиқболли йўналишларини ташкил этишга имконият яратади.

Қашқадарё вилояти ҳудудида атмосфера ёғинларининг мавсумий ва ҳудудий тақсимланиши жуда хилма-хил. Вилоят ҳудудининг ғарбий чеккаси унинг энг қурғоқчил жойларидир. Муборақда йиллик ёғинларнинг миқдори атиги 131 мм. Шарққа ва шимоли - шарққа томон баландлик ортиб боришига боғлиқ ҳолда йиллик ёғинларнинг миқдори ҳам кўпая боради. 350-370 м дан 600-650 м гача бўлган баландликларда эса ёғинларнинг миқдори ҳар 100 м баландлашганда шимолда 50-60 мм га кўпаяди (Бабушкин, 1959). Йиллик ёғинларнинг миқдори текисликларда 175-300 мм, ўртача баланд тоғларда 630-650 мм ни ташкил этади. Баланд тоғларда атмосфера ёғинларининг миқдори 545 - 580 мм (Северцев музлигидаги Шут станцияси). Ғарброкдаги пастроқ тоғларда ўртача йиллик ёғинлар миқдори 277-408 мм.

Вилоятнинг барча иқлимий имкониятларидан йил бўйи ва мавсумий имкониятларидан инсонлар саломатлигини мусқаҳкамлаш йўлида ва туризм ва рекреацияни ривожлантиришда самарали фойдаланиш имкониятлари каттадир.

Вилоятининг гидрологик ёдгорликлари, жумладан, тоғ этаклари ва тоғ оралиги сойларида табиий равишда ҳосил бўлган табиат манзаралари, яъни тоғ шакллари, чуқурликлар, ғорлар, булоқлар, чашма сувлари ва хоказолар минтақа туризми имкониятларини оширади.

Сув объектларини рекреация мақсадида И.С.Кандрор, Й.С.Василев, В.А.Кукушкин, А.В.Авакян ва бошқалар ўрганишган. Сув рекреацияда энг муҳим ресурс ҳисобланади (Атишов, Чонотоев., 2001). Дам олишнинг кўнгина турлари сув ҳавзалари билан боғлиқ. Шифобахш сув ичимлик сифатида турли касалликларни даволашда, термал ва родонли сув ванна сифатида қабул қилинади, ер усти сувлари сайр қилишда, чўмилишда, сузишда, спорт ўйинларини ўтказишда, шаршаралар дам олиш, асаб хасталикларини даволашда асқотади, тоғ кўллари нафақат чўмилиш, шунингдек табиатдан лаззат олиш, табиат тавоти ва гўзаллигини томоша қилиш, шу билан асабни тинчлантириш, чарчаган организмни дам беришда анча аҳамиятли. Шу жиҳатдан сув ресурсларини атрофлича ўрганиш ва фойдаланиш мумкинлиги тўғрисида илмий хулоса чиқариш зарур.

Қашқадарё ҳавзасининг гидрологик режимини В.Л.Шульц ва Л.И.Шалатова (1959) томонидан мукамал ўрганилган. Қашқадарё дарёси қадимий ва рекреация объектларига бой яхлит ҳудудий рекреацион мажмуа ҳисобланади. Қашқадарё ҳавзасининг деярли ҳамма дарёлари тоғлардан бошланади. Қашқадарёнинг чап соҳилидаги ирмоқлар Жиннидарё, Оксударё, Танхоздарё, Қизилсув, Лангардарё, Ғузор, Катта ва Кичик Урадарёлари ирмоқлардан иборат. Қашқадарёнинг ўнг соҳилидаги ирмоқлар (сойлар) Қоратепа тоғларининг жанубий ёнбағирларидан бошланади, уларнинг сув йиғиладиган майдонлари унча катта эмас. бу ерда 18 та йирик сой ва кўплаб майда сойлар оқали (Шултц, 1959 й.). Бу

сойлар бирлашиб 4 та хавзаси – Шўробсой, Макридсой, Оёқчисой ва Қалкамасой хавзаларини ҳосил қилади.

Қизилсув дарёси дараси, Қалаи Шерон дараси, Сувтушар шаршараси, Ажойиб ва гўзал манзарали табиат ёдгорликлари бўлган шаршаралар (Кўкбулоқ, Қизилтом, Бошдарё, Хўкизбурун, Терес, Мудин, Сувтушар, Зармас) кишига завқ багишлайди. Табиати нақадар чиройли бўлга ҳудудларда катта-кичик булоқлар таркиб топган бўлиб, буларга Ғилон, Сарчашма, Сиёб, Хазрати-Бешир, Сайроб каби булоқлари, Оксув, Қорасув, Ғилондарё, Наушур, Тамшуш ва бошқа сойлар, водийлари бўйлаб кўп кунлик сайёҳатлар уюштириш имкониятлари бор.

Вилоятда тоғли минтақаларда бир қанча майда кўллар учрайди. Танхоздарё бошланадиги Ғозикўл, Катта Урадарёнинг юқори оқимида Туроббобо ва Кичик Урадарё бошланишида Хўжабулгур кўллари карст жараёни натижасида ҳосил бўлган. Чўл минтақасида Хўжамсайёд, Сичанкўл, Ачинкўл кўллари ҳисобланади. Вилоятда туризмни ривожлантиришда, жумладан, тоғлардан оқиб тушувчи шаркироқ дарёларда рафтинг туризмни ривожлантириш имкониятлари ҳам каттадир.

Вилоятда ер ости сувлари текислик ва тоғолди ҳамда паст тоғларда сайёҳларни ичимлик суви билан таъминлашда хизмат қилади. Жойлада фойдали кимёвий элементларга бой бўлган арезиан сувлардан термал, шунингдек. Минераллашиш даражаси турлича бўлган минерал сувлар (сульфидли, радонли, йодли, бромли, темирли, кремнийли)дан бир қатор касалликларни даволашда кенг фойдаланилади (Масудов, Зокиров,1976; Сабиров ва бошқа.1999).

Қашқадарё вилоятида жуда кўп шифобахш минерал сув манбалари бор. Ҳозирги кунда улардан 20 яқини текширилган. Даволаш жиҳатидан карбонат ангидрид, сульфидли, радонли ва азот термал газли сувларга катта аҳамият берилади. Қашқадарё вилоятида бир қанча шифобахш булоқлар бўлиб, улар текислик қисмида Майдажой, Хўжақудук, Қорабайир, Жанубий Муборак уларнинг минераллашув даражаси анча юқори (80 г/л гача), тоғли ҳудудларда Кўкбулоқ, Ўгин, Қорабулоқ, Ҳайдарбулоқ, Қайнарбулоқ, Хўжа Инкан, Камол булоқ ва бошқа минерал булоқларни мавжудлиги кўплаб курорт-санатория муассасаларини ташкил этиш имкониятларини яратади.

Қашқадарё вилоятидаги Шимолий Майманок минераллашган булоғи, Дехқонобод туманидаги Хўжаипок водород-сульфидли минерал булоқларидир. Уларнинг таркибида корбонат кислота, водород сульфид, йод, бром, водород-олтингургурт ионлари каби кимёвий элементлар мавжуд. Шу боисдан катта тиббий аҳамият касб этади. Бу ҳолат эса ушбу нукталар сари туристик оқимнинг кучайишига сабабчи бўлмоқда.

Вилоятда шифобахш балчиқлар тури ва миқдори етарличадир. Шурсой ва Консой туз конлари шулар жумласидандир. Консой Дехқонобод тумани янги марказидан 16 км. жанубий-шарқда, магистрал йўлдан 16 км узоқликда жойлашган. Кўлнинг сув сарфи секундига 1,5-2,0 литр, минераллашиши даражаси 266 грамм, сувнинг таркиби хлорид-натрийли, ҳарорати 34 °С. Бу сувдаги балчиқдан Қизилтепа санаторияларида фойдаланиш йўлга қўйилган. Шўрсой вилоятни шимолида жойлашган. Бу кўлдаги балчиқнинг хусусиятлари ўрганилмоқда.

Бугунги кунда минтақаларда соғломлаштириш объектларини куриш кенг миқёсда олиб борилмоқда. Куёшли кунларнинг кўп бўлиши, атмосфера ҳавосининг мусаффолиги ва кислороднинг юқорилиги, шифобахш минерал сув ва балчиқлар инсон саломатлигини тиклашда бальнеологик, иқлимий курортлар тизимини яратишни талаб қилади. Натижада, рекреация ресурсларидан самарали фойдаланиш айрим ҳудудларнинг иқтисодий ва ижтимоий тараққиётини белгилаб беради.

Қашқадарё вилояти наботот ва ҳайвонот оламига бой ҳудуд ҳисобланади. С.Х.Чеврениди ва С.М.Мустафаевнинг маълумотларига кўра Қашқадарё вилояти ҳудудида ўсимликларнинг 1184 тури ёки Ўзбекистон флораси вакилларининг 40% ига яқини тарқалган. Қашқадарё вилояти шароитларида ўрмон ўсимликлари табиий географик омил сифатида оқимнинг шаклланишида ва тупроқларни эрозия жараёнларидан сақлашда муҳим

ахамиятга эга. Вилоятда 64.5 минг га. ўрмонли майдон бўлиб, улардан 64,3 минг га. ни табиий тоғ ўрмонлари (арчазорлар, ёнғоқзорлар) ташкил этади. Арчазорлар Ҳисор ва Зарафшон тизмаларининг ёнбағирларида 1500-3000 м баландликларда, ёнғоқзорлар эса 800-2500 м баландликларда тарқалган. Тоғ ўрмонларида асосан pista, ёнғоқ, олма, олча, бодом, дўлана ва бошқа мевали дарахтлар ҳам ўсади.

Қашқадарё вилоятининг текислик (чўл зонаси) қисмида саксовулзорлар учрайди. Ўтмишда саксовулзорлар анча катта майдонларда тарқалган бўлган. Ҳозирги пайтда саксовулзорларнинг майдонларини кенгайтириш учун анча ишлар амалга оширилмоқда. Қашқадарё вилояти ҳудудида қушларнинг 228, сут эмизувчиларнинг 70 га яқин, судралиб юрувчи ҳайвонларнинг 40 ва балиқларнинг 24 тури ҳисобга олинган. Мўйна ва гўшт тайёрлаш учун ҳайвонларнинг 29га яқин тури, қушларнинг 25 дан ортиқроқ тури ва балиқларнинг 8 тури фойдаланилади (овланади).

Ўсимликлар ва ҳайвонларнинг табиий тадрижий ривожланишини, табиий комплексларнинг тузилмаси, динамикаси ва ривожланишини ўрганишда, фауна ва флоранинг ноёб ва йўқолиб бораётган вакиллари саклаб қолиш ва кўпайтиришда, табиатнинг ноёб жойлари ва ёдгорликларини асраб қолишда кўриқхоналар жуда катта илмий-амалий ахамиятга эга.

Ҳисор кўриқхонаси Ҳисор тизмасининг ғарбий ёнбағирларида 1750 м дан 4349 м гача бўлган баландликларда жойлашган. Майдони 76889 га Кўриқхона Ғарбий Ҳисор тоғларининг юқори минтақаларининг ва Қашқадарё сув йиғиш ҳавзаси юқори қисмининг табиий комплексларини ўз ичига олади.

Ҳисор кўриқхонасининг табиати Ўрта осие тоғлари ва тоғликлари табиий географик ўлкасига мансуб бўлган Ғарбий Помир-Олой учун хос бўлган хусусиятларга эга. Тоғларнинг ёнбағирларида ландшафтларнинг баландлик минтақаланиши яққол намоён бўлади. Қор чизиги 4100 м баландликда ўтади. Кўриқхона ҳудудида Ўзбекистондаги энг катта Северцев музлиги (узунлиги 3.5 км га яқин) жойлашган. Реликт музлик ландшафтлари учраб туради. Кўриқхона ҳудудида 10750 га майдон ўрмон билан қопланган. Тойталаш, Чакманкуйди, Хўжаахчабурун, Улоқуйнар тоғларининг шимолий ён бағирлари ҳақиқий тоғ ўрмонлари деса бўлади. Ўрмонлар учун дарахт ва буталарнинг 60 га яқин тури хос. Ўрмонларда Зарафшон ва ярим шарсимон арчадан ташқари Туркистон ва Семёнов заранги, Суғдиёна шумтоли, Понтия дўланаси, шарқ олчаси, майда баргли жийда шунингдек ёввойилашган дарахтлар ва буталар (тол, терак, ёнғоқ, қайрағоч, жийда ва б.) ўсади. Ғарбий Помир-Олой учун хос бўлган ксерофит буталар ва бутасимон дарахтлардан Кавказ туғдонаси, Регел ноки, Бухоро бодоми, асл pista, Паулсен торилиси, Королков учқати ва бошқалар учрайди. Арчазорларда шунингдек тобулғи, қизилча, наъматак, зирк, чой ўт (далачой) ўсади. Кўриқхона ҳудудида фақат найчали ўсимликларнинг 800 дан ортиқроқ тури ҳисобга олинган. Бу ерда астрагалларнинг 70 тури ҳисобга олинган бўлиб, улардан уч тури фақат Ҳисор кўриқхонасида учрайди.

Ҳисор кўриқхонасининг ҳайвонот дунёси хилма-хилдир. Бу ерда палеарктика, Ўрта денгизбўйи, Эрон-Турон, Ўрта Осие, Ҳинд-Малайя ва Шарқий Осие фаунасининг вакиллари тарқалган. Кўриқхонада сут эмизувчиларнинг 30 тури, қушларнинг 100 дан ортиқроқ тури, рептилияларнинг 9 тури ва балиқларнинг 2 тури ҳисобга олинган. Сут эмизувчилардан ирбис (қор қоплони), оқ-тирнокли айик, латча, суғур, силовсин, жайра, тўнғиз ва бошқа ҳайвонлар муҳофазага олинган бўлиб, улардан айримлари табиатни муҳофаза қилиш Халқаро уюшмаси ва Ўзбекистоннинг “Қизил китоб”ига киритилган.

Ҳисор кўриқхонаси ҳудуди ноёб табиий объектларга бой. Кўриқхонанинг жанубий қисмида денгиз сатҳидан 2937 м баландликда Ўрта Осиенинг энг йирик ғорларидан бири Амир Темур ғори жойлашган. Ғорнинг узунлиги 815 м. бўлиб, унда сталактитлар, сталагмитлар ва бошқа оҳакли қуймалар кўп. Ғор ичида узунлиги 30 м, кенлиги 14 м. ва чуқурлиги 2.5 м бўлган кўл бор.

Китоб геологик кўриқхонаси (майдони 5378 га) 1979 йилда ташкил этилган бўлиб, унда бундан 300-400 млн. йил илгари Ерда мавжуд бўлган ҳаёт муҳирланган ётқизиклар очик

холда учрайдиган тоғ ландшафтлари муҳофаза қилинади. Қўриқхонанинг ноёб геологик ёдгорликлари бой ўсимлик ва ҳайвонот олами билан мужассамлашган. Бу ерда Ўзбекистон “Қизил китоби” га кирган кўплаб нодир ва йўқолиб бораётган турлар мавжуд бўлганлиги сабабли барча табиий комплекслар муҳофаза қилинади.

Ҳозирги пайтда Китоб геология қўриқхонасининг 52% майдонини (2793 га) ўрмонлар ташкил қилади.

Бундан миллион йиллар илгари қўриқхона ўрнида улкан денгиз бўлган. Кейинги геологик давларда тоғларнинг кўтарилиши натижасида денгиз чекинган, денгиз жониворлари ўз аксини дастлаб кумларда, кейинроқ эса тошларда “муҳрлаган”. Очиқ қолган тоғ жинслари ётқизиклардаги қазилма органик қолдиқлар девон даврининг денгизларида қандай жониворлар тарқалганлигидан гувоҳлик беради. Ҳозирга қадар 16 туркум тошқотган ҳайвонларнинг қолдиқлари, 57 оилага мансуб бўлган умурткали ҳайвонлар, 121 турдаги ўсимликлар ўрганилган. Китоб геология қўриқхонаси сарҳадларида ҳозирча 60 оилага мансуб бўлган 328 турдаги найчали ўсимликлар ҳисобга олинган. Қўриқхонада учрайдиган ўсимликларнинг 12 тури Ўзбекистон “Қизил китоби” га киритилган. Бу ерда доривор ўсимликларнинг 35 тури, манзарали ўсимликларнинг 20 тури тарқалган.

Қашқадарё вилоятида унинг табиий шароитларининг ранг-баранглиги туфайли жуда кўп табиат ёдгорликлари мавжуд. Лекин уларнинг катта қисмининг муфассал илмий тавсифномаси тузилмаган. Шу сабабли бундай ноёб табиат ёдгорликларини муҳофаза қилиш учун ҳисобга олиш лозим. Бундан ташқари табиат ёдгорликлари рекреация учун экскурсия-саёҳат объектларига айлантирилмоғи керак. Горлар, карст воронкалари, даралар, шаршаралар, ўтмиш геологик даврларнинг ўсимлик ва ҳайвонларининг тошқотган қолдиқлари ана шундай объектлар бўлиб хизмат қила оладик, бу ерда туризм-рекреацияни ривожлантиришда жуда катта имкониятлар мавжуд.

Адабиётлар рўйхати

1. Назаров М.И., Жумаев Х.Х., Умарова М.Х. “Қашқадарё вилоятида тарихий-маданий туризмни ривожлантириш салоҳияти”. Ўзбекистон География жамияти ахбороти 56-жилд, 2019 йил. 67-68 бетлар.
2. И.С. Тухлиев ва бошқалар. Туризм асослари.: Ўқув қўлланма – Самарқанд, 2010й.-75 бет).
3. Усмонова Р. “Рекреацион география”. Монография.”Қашқадарё кузгуси ОАВ” нашриёти. Қарши 2015 йил.85-110 б.
4. В.И. Кружалин и др. География туризма. Учебник. - М.: Федеральное агентство по туризму, 2014. Ст.55-61.
5. Х.Т. Назаров. Самарқанд вилоятининг рекреация ресурслари ва улардан фойдаланишни географик жиҳатлари. Монография –Самарқанд: СамДЧТИ.2016.7-27 б.

BUXORO MADANIYATI KELAJAK KO`PRIGI

*Achilova R.A., Buxoro davlat universiteti o`qituvchisi
Dilbar Abduraxmonova., Buxoro davlat universiteti talabasi*

Madaniyat bir qator ilmiy fanlarda o'rganish va aks ettirish mavzusidir. Asosiy madaniy tadqiqotlar orasida madaniyatshunoslik, madaniy antropologiya, madaniy falsafa, madaniyat sotsiologiyasi va boshqalar. Madaniy jarayonlarni tadqiq qilishning keng tarqalgan fanlararo sohasi madaniy tadqiqotlardir. Madaniy antropologiya insoniyat madaniyati va jamiyatning xilma-xilligini o'rganadi va uning asosiy vazifalaridan biri bu xilma-xillikning sabablarini tushuntirishdir. Madaniyat va uning hodisalarini sotsiologiyaning metodologik vositalari orqali o'rganish va madaniyat va jamiyat o'rtasidagi bog'liqlikni o'rnatish madaniyat sotsiologiyasiga tegishli . Barcha hayotni madaniyat g'oyalariidagi - zamonaviy dunyoni qutqarishga yo'naltirish. Madaniyat hayot, faoliyat, ijodkorlik, tafakkur - inson hayotining barcha jabhalari uchun ideal bo'lganligi uchun emas, balki avvalambor, haqiqiy madaniyatning yo'li inson hayotini yagona mavjudot qonunlari bilan

uyg'unlashuvidir. Tabiiyki, ba'zi bir asrlar boshqalari bilan almashtiriladi va har bir yangi sahifa o'zining rivojlanishi uchun yangi, yuqori, kuch va vazifalarni olib boradi. Parchalanishga uchragan, insoniyatning ham, texnikaning ham barcha sohalarida inqirozlarni boshdan kechirayotgan zamonaviy insoniyatning fojiali holati, bu davrning o'zgarishi davrida majburiy qonun emas, balki aniq, chunki u hayotning yangi vazifalariga immunitetga ega. Evolyutsiyaning yangi energiyalariga.

Buxoro madaniyati Sharqning eng yorqin va o'ziga xos madaniyatlaridan biridir. Bu betakror milliy musiqa, raqslar va rasm, noyob milliy oshxona va kiyim-kechak. Buxorcha milliy musiqasi rang-barang mavzular va janrlar bilan ajralib turadi. Qo'shiqlar va cholg'u funktsiyalari va foydalanish shakllariga ko'ra ikki guruhga bo'linishi mumkin: muayyan vaqt va muayyan sharoitlarda ijro etiladi va istalgan vaqtda ijro etiladi. Birinchi guruhga urf-odat va an'analar, mehnat jarayonlari, turli marosimlar, teatrlashtirilgan ko'ngil ochish namoyishlari va o'yinlar kiradi. Bu esa insonning ma'naviy his-tuyg'ulari rivojlanib borishi uchun hayotni qurishda, bilimda, ijodda, insoniy hamkorlikda yanada yuqori, yanada mukammal shakllarni o'rnatish uchun doimiy ravishda ichki, nozik, ruhiy energiya oqimini o'tkazishga, fidoyi insoniy fikr, iroda, ruhiy tuyg'ularning qizg'in faoliyatini yaratishga olib keladi. Shu tarzda to'plangan ma'naviyatning ichki va tashqi faoliyat shakllari Buxoro madaniyatning mohiyati va shakllarini tashkil etadi. Shuning uchun madaniyat tushunchasi yorug'lik - olov, tafakkur, ma'rifat tushunchalariga eng mos keladi. Madaniyat bu bajarilgan, jonli, ijodiy ma'naviyatdir. Ko'pgina ilmiy lug'atlarda noto'g'ri yozilganidek, madaniyatni inson mehnati bilan yaratilgan hamma narsa deb atash mumkin emas. Madaniyat faqat eng yuqori go'zallik - nurga bo'lgan ehtiyojdan kelib chiqqan va yuqori fikr va yuqori ma'naviyat bilan yaratilgan narsadir. Har bir asrda tafakkur daholari, san'at daholari, ma'naviy bilish daholari birgalikda madaniyatning yaxlit g'oyasini yaratdilar, ular insoniyat evolyutsiyasi uchun, mehnatlari natijasi sifatida bo'lishning yuqori kuchlarini to'pladilar. Jamiyat hayotidagi eng yaxshi yutuqlar: shaxsning erkinligi, ijtimoiy adolat g'oyasi, intellektual mehnatning ahamiyati yuqori darajadagi mehnat va boshqalar. Bularning barchasi Madaniyat g'oyasi va Madaniyat energiyasining ta'siridir. Sintetik Madaniyat g'oyasi u yoki bu faoliyat yoki ijod sohasidan chiqib ketishi bilanoq, bu sohada regress paydo bo'ladi. Shunday qilib, madaniyatni ilmiy bilimlardan, ta'limdan madaniyatdan ustun qo'ygan holda, insoniyat cheklangan intellektualizmga, bilim va tadqiqot faoliyatida "mashina" texnologiyalarining mas'uliyatsiz kashfiyotiga ega bo'ldi. Madaniyat idealiga ergashishning natijasi intellektual faoliyatning yuqori turlarini, ma'naviy yoritilgan intellektual fikrlarni ag'darish edi, buning natijasida yangi, yangi bilim sohalariga kirib borish amalga oshirildi. Milliy rasmning rivojlanishi ko'p asrlar ilgari boshlangan. XVI-XVII asrlarda Buxoro va boshqa bir qator shahar markazlarida qo'lyozma va majburiy san'at san'ati katta yutuqlarga erishdi. Qo'lyozmaning bezatilishiga nozik xattotlik, suv bo'yoqlari va maydonlardagi nozik naqshlar kiritilgan. Samarqandda va ayniqsa Buxoroda O'rta Osiyo miniatyura maktabi katta muvaffaqiyatga erishdi va uslubning turli yo'nalishlari rivojlantirildi. Ulardan biri, masalan, Behzodning maktubni yumshoq uslubi va me'moriy elementlari bilan ajralib turadigan an'analari bilan bog'liq.

Madaniyat g'oyasi san'atdan ustun bo'lganida, inson tasavvurida Go'zallik shakllari paydo bo'lishni to'xtatdi, dunyo esa inson ongini kamsituvchi vositalar bilan to'ldirildi. Va bu aniq sababning tabiiy natijasidir: ong yuqori ma'nolarga va energiyaga erishishga intilmasa yoki harakat qilmasa, unda yaratishni istagan istak buzila boshlaydi. Madaniyat davlatlar va mamlakatlarning idealiga aylandi. Va dunyo katta inqirozga yuz tutdi. Inqiroz - bu mavjudot qonunlarining global buzilishining natijasidir: quyi qismdan yuqori energiyaning ustuvorlik qonuni, Go'zallik qonuni, muvofiqlik qonuni ... Mehnat qiymati odamlar farovonligi bilan almashtirilsa, evolyutsiyaning radiusi, mehnat foyda uchun keladi, keyin Go'zallik kerak emas, yuqori ma'lumotga ehtiyoj yo'q. Oliy dunyo bilan aloqada bo'lishning hojati yo'q.

Hayotning barcha hodisalariga, shu bilan birga yuqori kontseptsiyalarga, shu jumladan madaniyat tushunchasiga energiya bilan yondashish Yangi asrga to'g'ri keladi, bu asrda insonning yuksak tafakkuri rivojlanib, ma'naviyat hayotning barpo etuvchi kuchiga aylanadi. tug'ma inson instinktidan yashashning, o'ylashning, mavjudotning yuqori rejalari bilan to'liq birlikda yaratish uchun xudbinlikdan foydalanishning barcha shakllari. Ushbu tug'ma diniy tuyg'uni anglash uchun

odamga faqat beg'araz yurak va borliqning mohiyatini chuqur bilish kerak. Madaniyat g'oyasini tiklash - insoniyatning butun hayot tarzida yuqori kuchlarni to'plash sifatida, 15 aprel - yorug'lik bayrog'i - birdamlik bayrog'i bo'lgan kun Madaniyat kunini tasdiqlash bilan yordam beradi. er yuzidagi va er osti dunyosi - sayyoradan balandda ko'tarilgan. Milliy, diniy bo'linmasdan, yorug'lik haqida o'ylash, yorug'lik haqida orzu qilish - odamlar uchun go'zallik Yagona kosmik mavjudot qonunlariga muvofiq yangilangan, toza va birlashtirilgan hayotga ko'prik qurishga qadam bo'ladi. . Ammo Madaniyatning ma'nosini, madaniyat usulini faol va maqsadga muvofiq ravishda tasdiqlash uchun, madaniyat kunini tasdiqlash bilan bir vaqtning o'zida ushbu yuksak tushunchaning ma'nosini tozalash va ko'tarish uchun harakat qilish kerak. Inson tafakkurining inqirozi, shuningdek, dunyoqarashning asosini tashkil etuvchi ko'plab yuqori tushunchalar paydo bo'lganligi, ong va hissiyotlarning madaniy holati natijasida paydo bo'lganligi, nafaqat o'zgartirilibgina qolmay, balki intellektual kinizm tomonidan buzilganligi ham ta'sir ko'rsatdi. . Madaniyat kunida faqat eng toza, eng ulug'vor hodisalar Madaniyatga, eng fidoyi fikrga, eng insoniy faoliyatga, eng yuqori go'zallikning quvvatini oladigan san'atga tegishli ekanligi hammaga tasdiqlansin. Yangi davr yangi qurilish vazifalariga mos keladigan, yangi, g'ayratli, dunyoqarash asosida shakllangan yangilangan madaniyat g'oyasiga mos keladi. Madaniyat g'oyasi butun hayotning ideali sifatida, mavjudotning yuqori va nozik energiyalariga ehtirom bilan bog'langan, hayotning har bir lahzasida bu yuqori kuchlarni amalga oshirish istagi eng buyuk mutafakkir va ijodkor N.K. tomonidan shakllantirilgan. Rerich faoliyati, ijodiy va jamoatchilik, butun dunyo miqyosida butun insoniyat ongini yuksaltirishga va yangi asr va yangi asrda hayot qurishning asosiy poydevori sifatida Madaniyatni o'rnatishga bag'ishlangan edi. Buxoro amaliy san'ati uslublar, materiallar va bezaklarga nisbatan juda xilma-xildir. Ipak, kulolchilik va paxtachilik, tosh va yog'och o'ymakorligi, metall o'ymakorlik, terini shtamplash, hattotlik va miniatyura rasmlari qadimgi zamonlardan beri mavjud bo'lgan ba'zi janrlardir. O'tmishda har bir mintaqa o'ziga xos madaniy va etnik an'analarga ega edi, ularning o'ziga xos xususiyatlari mahalliy gildiyalar tomonidan yaratilgan bo'lib, ular ushbu xususiyatlarni san'atlari orqali mustahkamladilar.

Adabiyotlar:

1. Abu Rayxon Beruniy. «qadimgi ajododlardan qolgan yodgorliklar». Tanlangan asarlar. 1-jild, T.; «Fan». 1968.
2. Asqarov A. «O'zbekiston tarixi» (Eng qadimgi davrlardan milodning V asrigacha). T. «Ukiguvchi» 1994.
3. G'ulomov YA. «Qadimgi madaniyatimiz izlaridan». T. «Fan»1960.
4. Abu-bakr Narshaxiy "Buxoro tarixi"

BUXORODA ISLOM MADANIYATINI MODERNIZATSIYALASH VA TURIZIMNI BARQAROR RIVOJLANTIRISH ISTIQBOLLARI

Umida Sulaymonova Pulat qizi

O'zbekiston jurnalistka va ommaviy kommunikatsiyalar universiteti talabasi

Buxoro islom madaniyati markazi hisoblanadi. Shu sababli islom madaniyati ezgu g'oyalarini keng targ'ib qilish, uning asil mohiyatini yosh avlodga tushuntirish va uni moderizatsiyalash vazifasi bugungi kunda ham dolzarb mavzu bo'lib kelmoqda.

Allohga ming shukurlar bo'lsinki, istiqloq tufayli imkoniyatlar eshigi ochildi. Qadriyatlarimiz qayta tiklandi, ko'plab masjidlar qurilib zamon talabiga mos jihozlandi. Minglab yurtdoshlarimiz haj safariga borib, haj ibodatlarini ado etib qaytdilar. Ona diyorimiz kundan kunga gullab-yashnab chiroy ochmoqda. Qad rostlayotgan masjid-u madrasalar obod etilayotgan ziyoratgohlar yurtimizning ko'rkiga ko'rk qo'shmoqda. Tarixga bir nazar tashlaylik, qadim Buxoroiy sharifda xalq orasida mashhur bo'lgan „Mir Arab“ madrasasi bor. Bu madrasani hijriy 936-942 yillari Buxoro amiri Ubaydulloxon inom etgan mablag' hisobiga Shayx Mir Arab qurdirgan. Bu madrasada Afg'oniston, Eron, Markaziy Osiyo mamlakatlari, Rossiya va Xitoydan ham juda ko'p talabalar ta'lim olgan. Bugungi kunda bu madrasada

savodli imom-xatiblar yetishib chiqib, qablarga islom nuri ziyosini sochmoqdalar. Biz yoshlar uchun ulug' ajdodlarimiz merosini o'rganish ham qarz ham farz. Bu borada mening bir taklifim bor. Buxorada hadis ilmini o'rgatuvchi Imom Al Buxoriy maktabi tashkil etilsa maqsadga muvofiq bo'lar edi. Shuningdek, Buxoro tadbirkorlar yurtidir. Islom madaniyatini moderzitasiyalash har bir insonning alloh bergan tinch va farovon hayotda to'g'ri yo'l tanlashi, umr mazmunini anglashi, avvalom, bor ruhiy poklanishi, yaxshilik va ezgulikka intilib, baxtli yashashi demakdir. Eng avvalo, islom madaniyatining rivojlaniga betakror hissa qo'shgan „Muhaddislar sultoni“-deya ulkan shuhrat qozongan Imom Buxoriy bobomizning muborak nomlarini hurmat-ehtirom ila tilga olamiz. Bu zot merosining gultoji bo'lmish eng ishonchli hadislar kitobi, „Al jome as-sahih kitobi“ islom dinida qu'roni karimdan keyingi ikkinchi manba bo'lib ahli islom e'tiqodiga ko'ra bashariyat tomonidan bitilgan kitoblarning eng ulug'i hisoblanadi. Bu kitob ko'plab insonlar qalbini imon nuri bilan munavvar etib, xaq va diyonat yo'liga chorlab kelmoqda. Qu'roni karim 114 sura, 6236 oyatdan iborat. Buxoroda butun dunyoda ma'lum va mashhur bo'lgan aziz avliyolarimiz orasida Abduxoliq G'ijduvoni va Bahuddin Naqishbandiyni siymosi alohida ajralib turadi. Ota-bobolarimiz ulug' avliyo Bahuddin Naqishbandga chin dildan ixlos qo'yib, uni „Bahouddin balogardon“-deb ta'riflab kelishida teran ma'no bor. Uning „Dilining allohda, qo'ling mehnatda bo'lsin“-degan hayotbaxsh hikmati dinimizning oliyjanob ma'no-mohiyatini yorqin ifodalab, xuddiki, shu bugun aytilgandek jaranglaydi.

Muqaddas Buxoro - ko'p asarlik an'analar va qadimgi urf-odatlarini o'zida saqlab kelgan shahar aynan shunday ataladi. Rivoyatlardan birida aytilishicha, barcha musulmon shaharlari muborak nurga munosibdir, biroq Buxoro ustidagi nur osmonlarga ko'tariladi. Islom ulamolarning eng ko'p maqbaralari, qabrlar va masjidlar aynan shu yerda. Shahar tom ma'noda Islom dini ustuni hisoblanadi.

Buxoro- nodir diqqatga sazovor joylar mujassamlashgan shahardir. Bu yerda qad ko'targan qadimiy yodgorliklar va qurilmalar butun dunyoga mashhur. Ularning ko'pchiligi UNESCO vasiyigidadir. Buxoroda Ark qa'asi, Poyi Kalon ansabli, Bahouddin Naqshbandiy majmualari bor. Bular ajdodlarimizning me'moriy mohirligi juda yuqori darajada bo'lganini namoyish etuvchi qadimgi me'morchilik yodgorliklarining ayrim namunalar xolos.

So'ngi yillarda Buxoro viloyatida xalqaro va mahalliy turizm oqimining barqaror ravishda oshib borayotganligi kuzatilmoqda. 2013-yil oxiriga kelib, xorijlik sayyohlar soni 100mingni tashkil etgan bo'lsa, ushbu ko'rsatkich, yildan- yilga oshib bormoqda. Sanatoriya - kuror tashkilotlari hamda dam olishni tashkil etuvchi boshqa korxonalaridagi, turizm sektori tomonidan bevosita yaratilgan ish o'rinlari, turizmning viloyatda ish bilan bandlik ko'rsatkichlariga qo'shayotgan salmoqli hissasi namoyon bo'ladi.

Zamonaviy turizm industiyasini rivojlantirishda internet tizmining o'rni beqiyos. Talabalar va professor o'qituvchilar viloyat turizm korxonalarida internet texnologiyalaridan foydalanish borasida maslahat- konsalting xizmatlari faoliyat ko'rastmoqda. Viloyatning turizm salohiyatini yanada kengroq namoyish qilish maqsadida talabalar tomonidan ijtimoiy tarmoqlarda, „Other Bukhara“ „Bukhara open your fairyland“ kabi nomlar osida sahifalar yuritilmoqda.

Bozor munosabatlariga o'tish davrida respublikamizda ro'y beratoygan milliy iqtisodiyotning muhim va istiqbolli sohalaridan biri bo'lgan turizm faoliyatida ham o'z ifodasini topmoqda. O'zbekiston xalqaro turizimini rivojlantirishda o'zining salohiyatiga va yuqori raqobatbardoshlikni ta'minlashda nisbiy ustunliklarga ega bo'lgan mamlakatlar qatoriga kiradi. O'zbekiston Respublikasining Birinchi Prezidenti Islom Karimov „O'zbekiston sayr-u sayohatlarni rivojlantirishda ajoyib imkoniyatlarga egadir. Samarqand, Buxoro, Xiva kabi o'zbek shaharlari butun dunyoga mashhur. Respublikamiz hudidida to'rt mingdan ko'proq me'morchilik yodgorliklari bor. Tabiat- iqlim sharoitlari qishin-yozin sayohlarni qabul qilish imkoniyatiga egadir.“ -deb ta'kidlab o'tgan edilar. Turizmning asosini noyob tabiiy shart-sharoitlar qadimdan O'rta Osiyoda yashab o'tgan xalqlarning uyg'onish davridan boshlab madaniy va etnik merosini tashkil etuvchi ko'p sonli tarixiy- arxitektura yodgorliklari, sayr-

sayohat obyektlari tashkil etadi. Respublikamiz Birinchi Prezidenti Islom Karimov turizm sohasini rivojlantirish va uning imkoniyatlaridan samarali foydalanish dolzarb vazifalardan biri ekanligini alohida ta'kidlab „ Turizm sodda qilib aytganda dunyoni tushunib , dunyoni anglash, shu bilan birga dunyo sahniga chiqish demakdir. Toshkent, Samarqand, Buxoro va Xiva kabi shaharlarimizning 2500-3000 yillik tarixi bor. Bu juda katta ma'naviy boylik. Uni sayyohlikni rivojlantirish yo'li bilan moddiy boylikka aylantirish mumkin.” Turizm sohasi uchun jadal rivojlanish xos bo'lib, qator mamlakatlarda yillik o'sish sur'atlari yuqoriligi 24%gacha tavsiflangan. Davlatimiz rahbari 2019-yil 29-mart kuni Buxoro viloyati G'ijduvon tumaniga tashrifi davomida Abduxoliq G'ijduvoniy maqbarasi ziyorat etdi va maqbarada amalga oshirilgan qurilish - ta'minlash ishlarini ko'zdan kechirdi. Bu yerga imom-xatiblarni jalb etib, ularga allomalar ma'naviy merosini to'g'ri va chuqur o'rgatish, xalqqa yetkazish bo'yicha topshiriqlar berdi. Prezidentimiz islom hamkorlik tashkilotining Ta'lim, fan va madaniyat bo'yicha tashkilot - ISESCO tomonidan Buxoro shahri 2020 yila Islom madaniyat poytaxti deb e'lon qilindi. Yurboshimiz Abduxoliq G'ijduvoniy tavalludining 915 yilligi va Bahouddin Naqishbandiy tavalludining 700 yilligi bilan hamohang nishonlash , xalqaro ilmiy konferensiya o'tkazish bo'yicha ko'rsata berganlari, biz yoshlarni juda quvontirdi. Buxoro o'zining betakror tarixiy obidalari, osori-antiqalari, asrlar osha davom etib kelayotgan milliy hunarmandchilik an'analari bilan yurtimiz turistik jozibadorligini oshirishda ulkan salohiyatga ega.

Menday shunday buyuk bobolarimizning ibratli hayoti va faoliyati, betakror ilmiy ishlarini o'qir ekanman, Buxoroda islom madaniyani rivojlantirishga qo'shgan hissasi bilan butun dunyo ahlini hayratga solayotganidanidan g'ururlanaman. Buxoriylar izdoshlari bo'lganligimdan faxrlanaman.

ТОЛЕРАНТЛИК ТУРИЗМИ ВА УНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИҚТИСОДИЙ ЖИҲАТЛАРИ

Хасанов Абдувоҳид

Фарғона вилояти Қува тумани 9-умумтаълим мактаби ўқитувчиси

Бугунги кунга келиб, туризм индустрияси энг сердаромад соҳа сифатида иқтисодиёт секторининг энг муҳим жабҳаларидан бирига айланиб улгурди. Шунинг учун ҳам, БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 2017 йилни “Халқаро туризм йили” деб эълон қилинган бежиз эмас эди. Бу борада қабул қилинган резолюцияда барча давлатларда барқарор иқтисодий тараққиётни рағбарлантириш ва тезлаштириш, қашшоқликка барҳам бериш воситаларидан бири сифатида туризмни ривожлантиришга алоҳида аҳамият бериш зарурлиги кўрсатиб ўтилди. БМТ ва Бутунжаҳон туризм ташкилоти (БТТ) маълумотлари шунини кўрсатмоқдаки, ҳар йили бир миллиарддан ортиқ киши бошқа мамлакатларга саёҳат қилмоқда. Бу ўз навбатида туризм жаҳон иқтисодиётининг етакчи тармоқларидан бирига айланиб бораётганлигидан далолатдир. Туризмнинг жаҳон ялпи ички маҳсулотларларининг ўн фоизи ва умумий дунё экспортининг олти фоизи айнан туризм соҳасига тўғри келиши бунинг ёрқин мисолидир.

1970 йил 27 сентябр куни Испаниянинг Торремолино шаҳрида Бутунжаҳон туризм ташкилотининг Устави қабул қилиниб, унинг Бош Ассамблеяси томонидан мазкур сана халқаро туризм куни сифатида нишонлаб келинмоқда. Бундан кўзланган асосий мақсад, туризмни тарғибот қилиш, унинг жаҳон иқтисодиётига қўшаётган хиссасини оммавий ахборот воситаларида янада кенгроқ ёритиш, турли мамлакатлар аҳолиси ўртасидаги ўзаро муносабатларни янада яхшилашдан иборат⁴⁷⁹. Шунингдек, ҳар бир инсон ўзини сайёҳ сифатида хис қилиб, она сайёрамизнинг гўзал, бетакрор табиати, тарихий, маданий ва

⁴⁷⁹Бутун жаҳон туризм ташкилоти. Международный туризм сохраняет сильные позиции несмотря на неопределенность в экономике. Мадрид, 05 Ноября 2012.

табiiй ёдгорликларини ўрганиши, уларни асраб-авайлашга ўз хиссасини кўшишга рағбатлантиришдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси биринчи Президент И.Каримов БМТнинг бутунжаҳон сайёҳлик ташкилоти ижроия кенгаши Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган 99 сессиясида сўзлаган нутқида туризмга таъриф берар эканлар қуйидаги фикрларни билдирганлар: “Халқаро туризмнинг пайдо бўлиш ва шаклланиш тарихини таҳлил қилар эканмиз, савдо муносабатларини ўрнатиш, дам олиш ва саёҳат билан бир қаторда, дунё халқларининг тарихи, маданияти, урф-одат ва анъаналарини ўрганиш, билиш ва бунинг натижасида одамлар, халқлар ўртасида ҳамжиҳатлик, бағрикенглик фазилатларини мустаҳкамлаш ҳам туризмнинг муҳим таркибий қисми бўлганига яна бир бор ишонч ҳосил қиламиз”⁴⁸⁰

Бугунги бозор иқтисодиёти шароитида Ўзбекистон Республикасида мавжуд туристик ресурслар ва бу борадаги имкониятлар, давлатимиз томонидан туризм соҳасини ривожлантириш учун яратилаётган қулай шарт-шароитлар натижасида туризм соҳаси ҳам аста секинлик билан иқтисодиётнинг етакчи секторларидан бирига айланиб бормоқда. Туризм соҳасини Ўзбекистон Республикасида ривожланиши ўз навбатида бошқа хорижий давлатлар билан интеграциялашувини тезлашишида ҳам муҳим воситалардан бирига айланиб бормоқда. Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, туризм соҳасини ривожланиши ўз навбатида мамлакат хазинаси учун зарур бўлган валюта тушумини таъминлаш, янги иш ўринларини яратиш ва шу билан бир қаторда аҳолининг фаровонлик даражасини ошишига ҳам хизмат қилади албатта. Ўзбекистон Республикаси туризм имкониятлари юқорилиги, хорижий ва маҳаллий туристларга яратилган шарт-шароитлар, шу билан бир қаторда миллий ва диний бағрикенглик тамойилларининг устуворлиги, мамлакатда тинчилик деган улуғ неъматнинг бардавомлиги, туристларнинг ҳуқуқлари нафақат халқаро нормалар шу билан бир қаторда миллий қонунчилик базасида мустаҳкамланганлиги билан ҳам хорижий туристларни ўзига ром қилиб келмоқда. Ўзбекистон Республикаси бугунги кунда нафақат “Буюк ипак йўли” бренди доирасида нодир тарихий архитектура ва археологик ёдгорликларига турстларни жалб қилмоқда. Ўзбек халқи ўзининг бетакрор миллий анъана ва қадриятларига эга бўлган меҳмондўст халқ ҳисобланади. Буларнинг барчаси хорижлик туристлар эътиборини ўзига тортмоқда. Аммо туризм тараққиёти даражасини юқори босқичга олиб чиқишда ҳали кўп ислохотларни амалга ошириш, кечиктириб бўлмас чораларни белгилаш ва уларни жадаллик билан ҳаётга тадбиқ этиш лозим⁴⁸¹.

Ўзбекистон Республикаси жаҳон ҳамжамияти билан ҳамкорлик қилаётган бир шароитда турли диний конфессия вакиллари билан ўзаро мулоқот қилишнинг юксак маданиятига эришишга ҳам катта аҳамият бермоқда. Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикасида 16 диний конфессия фаолият олиб бормоқда. Бугунги кунда туризм тармоқлари орасида энг сердаромад туризм тури албатта диний туризмдир. Жумладан, ҳозирги кунда Францияда туризмдан олинадиган даромаднинг 60 % айнан диний туризмга тўғри келаётганлиги бу соҳанинг қай даражада истиқболли эканини кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Республикаси сингари кўпдинлилик устувор бўлган давлатларда жамият ва дин ўртасидаги муносабатларда мувозанатни сақлаш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Зеро, диннинг жамиятда ўзига хос ўрни мавжуд. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов томонидан айтилган қуйидаги сўзлар ниҳоятда муҳимдир: “Дунёвий ва диний қадриятлар ўртасидаги нозик муносабатларнинг моҳиятини ҳар томонлама тўғри тушунтиришимиз керак. Тарих ва ҳаёт тажрибаси шундан далолат берадики, дунёвий ва диний қадриятлар бир-бирини тўлдирмас экан, бугунги куннинг оғир ва мураккаб саволларига тўлақонли жавоб топиш осон бўлмайди”⁴⁸².

Ўзбекистон Республикасида нафақат бугунги кунда диний бағрикенглик тамойиллари устувор аҳамиятга эга бўлди. Шу билан бир қаторда мозийга назар ташласак, қадимдан

⁴⁸⁰ И.А. Каримовнинг БМТ нинг Бутунжаҳон Сайёҳлик ташкилоти 99-сессиясида сўзлаган нутқи

⁴⁸¹ А. Абдувоҳидов. “Халқаро туристик ташкилотлар” Тошкент, 2012. –Б.36

⁴⁸² Каримов.И.А. Юксак маънавият – энгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. – Б. 96.

юртимизда турли динларга мансуб ахоли бир худудда эмин эркин яшаганликларини кўришимиз мумкин. Жумладан, hozirgi кунда топиб ўрганилган қадимги Термиз, Ерқўргон, Самарқанд, Бухоро, Қува, Хоразмда олиб борилган археологик тадқиқотлар ва ёзма манбалар шундан далолат бермоқда. Дунёдаги динларнинг барчаси эзгулик гоёларига асосланади ва шу билан бирга яхшилик, тинчлик, дўстлик каби қадриятлар улугланади. Дин одамларни ҳалоллик ва поклик, меҳр-шафқат ва бағрикенгликка даъват этади. Шу нуқтаи назардан қараганда, юртимизда конфессиялараро муносабатлар, уларнинг мазмуни жамиятдаги мавжуд ижтимоий муносабатларнинг ҳарактерини белгилаб берувчи омил ҳамдир.

Шуни инобатга олган ҳолда диний туризмнинг янги тармоги сифатида илк маротаба алоҳида тур сифатида толеранлик туризмни ҳам ривожлантириш бугунги кунда муҳим аҳамиятга эга бўлади албатта. Ўзбекистон Республикаси бу борада ҳам улкан салоҳитга эга давлатлардан бири ҳисобланади. Диний туризм тараққиёти жаҳон таҷрибасига эътибор берадиган бўлсак бу бордаги илмий тадқиқотларда асосан мамлакатда яшаётган аҳолининг ҳуқуқрон бўлган динлар доирасидагина ривожлантиришга аҳамият беришмоқда. Жумладан, гарб давлатлари асосан христиан дини билан боғлиқ зиёратгоҳларга алоҳида аҳамият берилса, аҳолисининг асосий қисми мусулмонлар бўлган давлатларда диний туризм бу бевосита ислом билан боғлаш аънамага айлаганлигини кўришимиз мумкин. Лекин мустасно тариқасида, Хиндистон, Мексика, Россия, Греция, Миср каби кўплаб давлатлар қадимда мавжуд бўлган ҳозирда йўқ бўлиб кетган диний қарашлар билан боғлиқ бўлган зиёратгоҳларни асраш ва уни туризм индустриясининг муҳим тармоғига айлантирганликлари диққатга сазовордир. Бугунги кунда айнан диний туризм доирасида саёҳатга чикувчи сайёҳлар ўзлари учун аънавий аҳамиятга эга бўлган машҳур зиёратгоҳларга бориш билан бир қаторда эзотик аҳамиятга эга бўлган янги муқаддас жойларни кашф этиш, ўтмиш халқларининг диний қарашлари билан боғлиқ жойларни кўришга бўлган интилиш сигменти юқори эканлиги амалга оширилган тадқиқотлардан маълум бўлмоқда. Диний толерантлик туризмни ривожлантириш натижасида биргина Ўзбекистон Республикасида исломий обидалар билан бир қаторда, мавжуд қадимий будда, зардуштийлик, монийлик, христианлик ва яҳудийлик дини билан боғлиқ кўплаб археологик ёдгорликлар худудида туризм инфратузилмасини ривожлантириш орқали, диний толерантлик туризмни ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга.

Бундан ташқари диний толерантлик туризмни ривожлантириш мамлакат иқтисодиётига катта даромад олиб келувчи соҳа бўлиш билан бир қаторда миллий хунармандчиликни ривожланишида ҳам катта аҳамиятга эга бўлади. Ҳар бир зиёратчи ўзи ташриф буюрган зиёратгоҳдан ёки шаҳардан эсталик учун турли диний ва миллий аксесуарлар харид қилиши бошқа туризм турларидан кўра кўпроқ диний туризм доирасида кўзга ташланади. Диний туризм доирасида амалга оширилган саёҳатлар бошқа туризм турларидан фарқли ўлароқ туристларни мамлакат худудида қолиши энг камида 10 кунни ташкил этади. Шунинг учун ҳам бу борада махсус йўлланмалар тайёрлаш, ҳариталаштириш ишларини амалга ошириш, ахборот хизматларидан фойдаланган ҳолда тарғиб қилиш бугунги куннинг устувор вазифаларидан бири ҳисобланади.

Айнан диний толерантлик туризмни ривожлантиришда зиёратчилар диний қарашлари ва эътиқодидан келиб чиққан ҳолда озиқ овқат ва меҳмонхона хизматларини ташкиллаш ёки бўлмаса махсус чодир лагерларини ташкил қилишга ҳам алоҳида аҳамият бериш зарур. Бу борада Хоразмнинг Аёзқалъа ва Тупроққалъа ёдгорликларида амалга оширилган ишлар албатта таҳсинга сазовор ҳисобланади.

Диний толерантлик туризмни ривожлантиришда мавжуд диний зиёратгоҳларни очиқ осмон остидаги музей кўриқхоналарига айлантирилса тарихийлик қиймати сақланган бўлар эди албатта. Шу билан бир қаторда, музей кўргазмаларини мунтазм ташкил этиш ҳам туризм ривожидида муҳим аҳамиятга эга. Бу туристларда унутилмас таъсуротлар уйғотади. Кўплаб динларда бошқа дин вакилларини муқаддас қадамжоларига ташрифида маълум чекловлар мавжуд. Жумладан, мусулмонлар учун муқаддас ҳаж маросимларини амалга

оширувчи шаҳарлардан Макка шаҳрига бошқа динга эътиқод қилувчи туристларнинг кириши таъқиқланади. Айрим динларда диний маросимларда иштирок этиш ва муқаддас қадамжоларга зиёрат қилишда маълум ёшларни иштироки чекланади. Агарда бугунги кунда Ўзбекистон Республикасига ташриф буюрадиган туристларнинг ёш хусусиятига эътибор қаратадиган бўлсак, асосан 50-60 ёш оралигидаги сайёҳлар ташкил этади. Демак, улар тўлақонли диний таълимотлар ҳақида етарли маълумотларга эга бўлган, шу билан бир қаторда зиёрат одобларидан воқиф бўлган шахслар ташкил этади.

Диний туризмни ривожлантиришда сайёҳларнинг ёш хусусиятини ва молиявий имкониятларини инобатга олмаслик мумкин эмас. Жумладан, иқтисодий фаол ёш сайёҳлар (25-44 йил), иқтисодий фаол ўрта ёшлилар (45 - 64 ёш), ота-оналари билан саёҳатга чиққан ёшлар (15-24), ёши катта зиёратчилар (65 ёшдан катталар) каби ёш хусусиятларга ажратиб, уларнинг бевосита қизиқишларидан келиб чиқиб диний туризм маршрут лойиҳаларини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Диний туризм инфратузилмасида транспорт тизими, тоза ичимлик суви, иситиш тизими, меҳмонхона ва сервис хизматлари, гид таржимонлар билан таъминланганлик даражасининг қай даражада эканлиги билан белгиланади.

Диний туризм ҳаж мақсадида амалга ошириладиган фаолият туридан кескин фарқ қилади. Жумладан, ҳаж маросимлари йилнинг маълум ойларида амалга оширилса, диний туризм ўз навбатида мутлақ мавсум танламайди. Диний туризмни ривожлантиришда диний байрамлар, диний фестиваллар, ва маросимлар ҳам муҳим рол ўйнайди. Бундан ташқари мавжуд муқаддас зиёратгоҳларнинг оммавий ахборот воситалари томонидан ташкилланган рекламаси ҳам диний ва диний толерантлик туризмни ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади. Саудия Арабистони, Исроил, Туркия, Ватикан, Италия, Франция каби давлатларда диний туризм билан махсус шугулланувчи тур операторлик компаниялари фаолият олиб бормоқда. Бу ўз навбатида, бугунги бозор иқтисодиётига асосланган жамиятда тур операторлар ўртасидаги кескин рақобатни ҳам келтириб чиқармоқда.

Диний ва диний толерантлик туризмни ривожлантиришда яна шуни ҳам инобатга олиш керакки, биргина Ўзбекистон Республикасидаги кўплаб исломий ва бошқа динлар билан боглиқ зиёратгоҳларнинг аксарияти табиат қўйнида жойлашган. Бу ўз навбатида туристларни эко туризм имкониятлари билан ҳам таништириш имкониятини беради. Диний ва диний толерантлик туризмни ривожлантириш, давлат иқтисодиётининг барқарорлигига, туристик инфратузилмани жадал ривожланаётганлиги, миллий хунармандчилик соҳасига бўлган эътиборнинг юқорилиги билан боглиқ.

Ўзбекистонда азалдан турли урф-одат, маданият, тил, турмуш тарзига эга бўлган, хилма-хил динларга эътиқод қилувчи бир-бирига ўхшаш бўлмаган бир неча халқлар яшаган ўлкадир. Ўзбекистон Буюк ипак йўли чорраҳасида жойлашгани, кўплаб давлатлар билан иқтисодий, маданий алоқалар қилгани ерли халқнинг диний ва маданий ҳаётига катта таъсир кўрсатган.

Миллати ва диний қарашидан қатъий назар, инсонни ардоқлаш ва ўзгаларни қадрлаш, катталарга ҳурмат ва бошқаларни иззат қилиш каби туйғулар Марказий Осиё халқларининг юксак сифатларидир. Айнан шу омиллар халқимизнинг нафақат маънавий-маърифий, балки диний бағрикенглигининг маънавий асосини ташкил этади. Бу сифатлар бугунги кунда ҳам давом этиб келмоқда. Бунинг натижасида, бугунги кунда, Ўзбекистонда ҳам диний туризм, айниқса, бошқа динлар муқаддас қадамжоларига бўлган қизиқиш туристларда ортиб бормоқда.

КЛАСТЕРЛАРНИНГ ТУРИСТИК МУАММОЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШДАГИ АҲАМИЯТИ

Ш.Б.Холлиев

ҚарДУ “Иқтисодиёт ва сервис” кафедраси ўқитувчиси

Бизга маълумки, кластер тизимларини ривожлантириш ва уни рағбатлантириш асосида минтақавий иқтисодий ривожланиш бизнес фаолиги ва ташаббуси, шунингдек бизнес ва ижро этувчи, қонун чиқарувчи кучларнинг биргаликдаги саъй-ҳаракатини ўз ичига олади. Туристлик кластерларни яратиш ва ривожлантиришда ишбилармонлар ва ҳукуматнинг аҳамияти турлича, лекин ўзаро бир-бирини тўлдириб боради. Кластерларни ривожлантириш йўлларида бири, турли даражадаги маъмурий тузилмаларнинг иқтисодий ва ижтимоий дастурлари ҳисобланади.

Бугунги кунда бу жараён республикамизнинг, айниқса, эркин туристик зоналарида кузатилмоқда. Минтақаларни ривожлантиришнинг бу каби иқтисодий стратегияси ҳудуднинг маданий-тарихий ёдгорликларига зарар етказмайдиган туризм саноати ва меҳмондўстлик корхоналаридан иборат кичик ва ўрта корхоналар бирлашуви унинг ривожланишининг белгиларига айланишини англатади.

Туризмни ривожлантиришда бугунги кунда бир қатор омиллар ечимини кутаётган бўлиб, бу омилларни ечимида кластер имкониятларидан фойдаланиш замон талабидир.

Туризм ривожланишига тўсқинлик қилаётган омиллар сифатида қуйидагилар қайд этилди:

- туристик инфратузилманинг паст даражаси;
- ички ташувларда транспорт харажатларининг юқорилиги;
- туристларни жойлаштириш воситалари, жойлари ва дам олиш масканлари етишмаслиги;
- кўп туристик объектлар ҳолатининг кониқарсизлиги;
- туризм инфратузилмасининг барча секторларида хизмат кўрсатишнинг сифати халқаро талаблардан паст даражадалиги;
- мамлакатнинг деярли барча автомагистралларида сифатли йўллар инфратузилмасининг йўқлиги;
- ҳудудларимизда ва хорижда сайёҳлик имкониятларимиз ҳақида маълумотларнинг етарли эмаслиги.

Туризм ривожланишидаги мавжуд камчиликларнинг таҳлили тадқиқотларимиз кўрсатишича, туризм миллий иқтисодиётнинг юқори даромад келтирадиган, аҳоли турмуш даражасини яхшиловчи, фуқароларнинг соғлиғини мустаҳкамловчи, қариялар ва ёшларнинг дам олишлари бўйича эҳтиёжларни қондирувчи тармоқ сифатида ички туризмнинг ривожланиши бўйича биринчи навбатда кўриб чиқиладиган чора-тадбирлар белгилаб олиш кераклиги маълум бўлди.

Туризм – иқтисодиётнинг асоси, ҳар қандай минтақа ва барча мамлакатларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг катализаторидир.

Ўзбекистон Республикасининг деярли барча минтақаси катта туристик салоҳиятга эга, лекин ундан фаол фойдаланиш даражаси, кўп ҳолларда, минтақавий туризмнинг инновацион ривожланиш даражасига боғлиқдир.

Туризмни инновацион ривожлантириш – тармоқ ривожланишида янгиликлар билан фарқландиган ва ижобий бурилиш ясовчи тизимли тадбирлардир. Туризмда инновациялар ўзига хос ёндашувни ишлаб чиқишни, янги ресурсларни излаб топиш билан бир вақтда мавжуд ресурслардан фойдаланишнинг янги йўлларида излаб топиш тақозо этади.

Туризм соҳасида инновацион фаолият янги маҳсулот яратиш ёки мавжуд маҳсулотни алмаштириш, транспорт, меҳмонхона ва бошқа хизматларни такомиллаштириш, янги бозорларни ўзлаштириш, етакчи ахборот ва телекоммуникацион технологияларни ва ташкилий-бошқарув фаолиятнинг замонавий шаклларида жорий этишга йўналтирилган.

Бизнинг мамлакатимизда кейинги йилларда маълум бир муаллифларнинг ишлари туризм соҳасидаги инновацион янгилашни йўлларига бағишланмоқда.

Албатта, кластерлар – ҳамкорликда фаолият юритадиган фирмаларнинг оддий бирлашувига қараганда жуда мураккаб тузилма бўлиб, у чуқур технологик ҳамкорликни камраб олади. Корхоналар нафақат кластер доирасида бирлашадилар, балки муайян соҳаларда ҳам бир-бирлари билан рақобатлашишда давом этадилар. Булар маҳсулот ишлаб чиқаришнинг барча омиллари самарадорлигини оширишга йўналтирилган доимий маҳсулот ва технологик инновацияларнинг ҳаракатлантирувчи кучи бўлиб, инновацияларнинг тез кенг миқёсда тарқалишини таъминлайди.

Шундай қилиб, туристик кластер – туристик хизматлар истеъмолчиларининг руҳий ва хиссий кечинмалари учун шароит яратиш ва фаолияти шаҳарнинг маҳаллий ва халқаро туристик бозорларининг рақобатбардошлигини оширишга йўналтирилган йирик шаҳарлар иқтисодиётининг турли тармоқлари ҳудудий ва ўзаро боғланган тадбиркорлик тузилмаларининг мажмуидир.

Ҳар қандай ҳудудий даражада кластерларни шакллантириш зарурлигининг асосий сабаби барча иерархия даражаларда мамлакат, минтақа, шаҳар, тармоқ ва тадбиркорлик тузилмаларининг рақобатбардошлигини оширишдан иборат. Туристик кластер тушунчасининг моҳиятини аниқлашда албатта ушбу ҳолатларни ҳисобга олиш керак. Бундан ташқари, шуни ҳам назарда тутиш жоизки, туризм рақобатбардошлик даражаси мижоз-туристларнинг мамнуниятлик даражасига боғлиқ. Бунда замонавий туристик маҳсулот деганда нафақат туристик хизматлар (жойлаштириш, экскурсия қилиш, овқатланиш), балки истеъмолчиларнинг руҳий, хиссий завқ олишлари, туристга ўрганилмаган муҳитда сувга тушиш орқали ноодатий шароитларда бўлиш тажрибаси ҳам тушунилади.

Хизмат кўрсатувчи тадбиркорлик тузилмалари – меҳмонхоналар учун мебель ва инвентарларни, ресторанлар учун маҳсулотлар ва ускуналар, транспорт ташкилотлари учун турли хил техникаларни ва бошқаларни етказиб берувчилар, шунингдек туристик маҳсулотларни сотиш ва рағбатлантиришга масъул бўлган айрим корхоналарга нисбатан ҳудудий фарқланиш мавжуд. Ишонч билан айтиш мумкинки, катта шаҳарларда туризм тармоғи ўзида ташаббускор кластерни ифодалайди.

Амалиётнинг кўрсатишича, иқтисодий кластер маълум бир ҳудудда бирор-бир фаолият турининг тарихий ривожланиши натижасида табиий равишда ёки бирор-бир мақсад йўлида – шундай кластерни яратиш бўйича саъй-ҳаракатлар натижасида шаклланади.

Юқори туристик жозибадорликка эга минтақалардан иборат биринчи кластерга 4 та минтақани киритамиз. Бу минтақаларда меҳмонхона хўжалиги устун бўлиб, туристик юклама ва хорижий туристларнинг улуши ўртача даражадан юқори. Бу кластерга Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хоразм кириб, уларда меҳмонхона турида жойлаштиришнинг жамоа воситалари улуши 100 %га тенг. Бу ерга хорижий туристлар сайёҳлик мақсадларидан кўра кўпроқ хизмат доирасида ташриф буюрадилар.

Минтақавий кластерлар минтақа таркибига кирувчи фирмаларнинг самарадорлигини сезиларли даражада ошириши мумкин.

Бу эса қуйидагилар билан изоҳланади:

- улар учун ҳамкорликдаги фаолиятни мувофиқлаштириш масалалари енгиллашади;
- ахборот алмашинуви ва янгиликларнинг жорий этилиши кучаяди;
- хизмат қилувчи инфратузилмавий объектлардан ҳамкорликда фойдаланиш ва йирик таълим тузилмаларида ходимларни тайёрлаш имкони пайдо бўлади.

Юқоридаги фикр ва мулоҳазалардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, кластер шаклидаги корхона, ташкилот ва муассасалар ўзаро муносабатларининг иқтисодий ва ижтимоий мақбуллигини тадқиқ этиш долзарблигини белгилаб беради. Шу боис, туризмни ҳудудий ташкил этишни ўрганиш бўйича улардан фойдаланиш мақсадида кластерли-мантикий – тузилмавий моделларни ишлаб чиқиш ва жорий этишнинг илмий-услубий асосларга эҳтиёж сезилиб қолмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш Давлат қўмитаси маълумотлари. www.uzbekturizm.uz
2. Туризм тармоқларини жадал ривожлантиришга оид чора-тадбирлар тўғрисидаги қарори. Халқ сўзи, 2018 йил 18 январь.
3. www.lex.uz. Ўзбекистон Республикасининг Президентининг “Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги Фармони”.
4. З.Э.Усмонов. “Туристтик-рекреацион хизматларнинг самарадорлигини баҳолаш кўрсаткичлари”. Монография. Тошкент 2012.
5. www.uza.uz. Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги маълумотлари.
6. www.stat.uz. Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

ЭКОТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ УЧУН ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ХУДУДИ ҚУЛАЙЛИГИНИ БАҲОЛАШ

*Тобиров Одилжон Кобилжон ўғли
Ўзбекистон миллий университети 2-босқич магистри*

Аннотация: Ушбу мақолада Фарғона вилояти ҳудудининг экотуризмни ривожлантириш учун қулайлиги баҳоланди. Баҳолаш жараёнида Фарғона вилоятининг ҳар бир маъмурий-ҳудудий бирликлари белгиланган кўрсаткичлар бўйича алоҳида ҳудуд сифатида баҳоланди. Баҳолаш натижалари умумлаштирилиб, Фарғона вилоятининг экотуризм учун яроқлилиги аниқланди.

Калит сўзлар: экотуризм, когнитив, дарё зичлиги, муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар, иқлим, ёгин, транспорт, баҳолаш.

Ушбу мақолани ёзишда О.А.Остапенко (2006) ва Н.Т. Шамуратовалар (2011) томонидан ишлаб чиқилган ҳудудни экотуризм учун яроқлилигини баҳолаш методологиясидан фойдаланилди. Ҳудудни баҳолашда квалиметрик таҳлил тамойиллари асосида баҳолаш усулидан фойдаланиб уни ГИС дастурига тадбиқ этилди.

Экотуризм учун ҳудуднинг салоҳиятини баҳолашда уларни тавсифловчи хусусиятларини белгилайдиган кўрсаткичлар аниқланди. Ушбу рўйхат экотуризмни ташкил этишда табиий комплексларга бўлган талабларни таҳлил қилиш орқали аниқланди, кейин улар иккита қисмга бўлинди: табиий ва ижтимоий-иқтисодий шароитлар. Шундан сўнг, барча кўрсаткичлар таҳлил қилиниб тартиблаштирилди.

Қуйидаги кўрсаткичлар энг катта аҳамиятга эга. Табиий шароитларда: ландшафт, иқлим ҳамда когнетив қулайлик. Ижтимоий-иқтисодий шароитлар бўйича: транспорт ва транспорт магистрали билан таъминлаш, экологик ҳолат.

Барча ҳудудлар беш гуруҳга ажратилди: 1) экотуризм учун «жуда қулай» 2) экотуризм учун «қулай» 3) экотуризм учун «ўртача қулай» 4) экотуризм учун «камроқ қулай» 5) экотуризм учун «қулай эмас». Сўнгра ҳар бир алоҳида гуруҳга 2 дан 10 баллгача экотуризмга қулайлигини тавсифловчи балл берилди.

Баҳолаш усули экотуризмда ҳудудларни баҳолаш кўрсаткичларидан фойдаланган ҳолда, баҳолаш натижасида ҳудудларга яроқлилик кўрсаткичларини беришни ўз ичига олади. Тадқиқот натижаларига кўра 11 та кўрсаткич таҳлил қилинди, шунга кўра Фарғона вилоятининг ҳар бир маъмурий-ҳудудий бўлинмасига баллар берилди. Умумий баллар асосида ҳар бир ҳудуднинг экотуризмни ривожлантиришга яроқлилиги тўғрисида яхлит баҳо берилган.

Баъзи кўрсаткичлар очик манбалардан тўпланган маълумотлар, хусусан: ўртача йиллик ҳаво ҳарорати, ёгингарчилик, транспорт тури бўйича аниқланди ва баҳоланди.

Кўрсаткичларнинг яна бир қисми учун маълумотни йиғиш ва қайта ишлаш, шунингдек, картографик ва маълумотномаларни рақамлаштириш, шунингдек, компьютер

ГИС технологиялари ёрдамида ҳар бир кўрсаткич учун ҳудудларнинг яроқлилигини ҳисоблаш зарур эди. Бундай параметрларга қуйидагилар кириди: гидрографик тармоқнинг зичлиги, ҳудуднинг сув миқдори, қўрикланадиган ҳудудлар ва табиат ёдгорликлардан узоқда, магистрал йўлдан узоқлиги.

Ҳудуднинг экологик туризмни ривожлантириш учун яроқлилиги параметрларининг биринчи гуруҳи табиийга тегишли. Унга қуйидаги омилларнинг кичик гуруҳлари кириди: ландшафт қулайлиги, иқлим қулайлиги, когнитив қиймат.

Ҳудуднинг ландшафт қулайлигини баҳолаш учун биз ҳудуддаги гидрографик тармоқнинг зичлик кўрсаткичларини, шунингдек, сув билан таъминланганлигини ўрганиб чиқдик.

Гидрографик тармоқнинг зичлик индексини баҳолаш учун Фарғона вилоятидаги барча сув оқимлари рақамлаштирилди (мелиоратив ҳолатлардан ташқари). Дастурий таъминот ёрдамида уларнинг узунлиги ҳар бир туман миқёсида ҳисоблаб чиқилган ва уларнинг ҳар бирига экотуризмни ривожлантириш учун яроқлилик баҳоси берилган (1-жадвал).

1-жадвал.

Фарғона вилоятининг маъмурий-ҳудудий бирликлари ичидаги «гидрографик тармоқ зичлиги» нуқтаи назаридан экотуризмни ривожлантиришга яроқлилигини баҳолаш натижалари.

Маъмурий-ҳудудий бирлик	Умумий майдон, км ²	Сув оқимининг узунлиги, км	Гидрографик тармоқ зичлиги	Балл
Богдод	365,27	233,07	6,4	10
Ўзбекистон	678,47	220,08	3,2	8
Бешариқ	736,23	301,62	4,1	8
Сўх	281,60	95,41	3,4	8
Фарғона	1125,06	464,84	4,1	8
Риштон	336,39	140,63	4,2	8
Олтиариқ	646,31	336,39	5,2	10
Учкўприк	279,74	144,69	5,2	10
Қувасой ш.	2,28	0	0,0	4
Фарғона ш.	33,14	18,99	5,7	10
Қўкон ш.	46,66	18,80	4,0	8
Фурқат	273,89	145,06	5,3	10
Қўштепа	376,09	140,46	3,7	8
Бувайда	273,92	71,85	2,6	4
Данғара	451,67	167,87	3,7	8
Ёзёвон	398,80	143,87	3,6	8
Қува	436,59	234,44	5,4	10
Тошлок	231,45	131,39	5,7	10
Марғилон ш.	16,85	4,64	2,8	4

Баҳолаш натижаларига кўра, экотуризмни ривожлантириш учун Богдод, Олтиариқ, Учкўприк, Фурқат, Қува, Тошлок туманлари ва Фарғона шаҳар ҳудудлари «жуда қулай» деб баҳоланди ва 10 балл олди. Ўзбекистон, Бешариқ, Сўх, Фарғона, Риштон, Қўштепа, Данғара, Ёзёвон туманлари ҳамда Қўкон шаҳар ҳудудлари «қулай» деб баҳоланди ва 8 балл олди. Бувайда тумани, Марғилон ва Қувасой шаҳарлари эса 4 балл билан гидрографик тармоқ зичлиги бўйича «камроқ қулай» деб баҳоланди (1-2-расм).



1-расм. Фарғона вилояти дарё тўри картаси



2-расм. Фарғона вилояти дарё тўри зичлигини баҳолаш картаси

Ҳудуднинг сув билан таъминланишини (қўл ва сув омборлар мисолида) баҳолаш учун Фарғона вилоятидаги (вилоят ҳудудида яқин бўлган қўшни вилоятдаги қўл ва сув омборлар) барча қўл ва сув омборлар рақамлаштирилди. Ҳар бир қўл ва сув омборларининг периметри бўйлаб 2 км гача, 2 дан 4 км гача, 4 дан 6 км гача, 6 дан 8 км гача ва 8 км дан ортиқ бўлган буфер зоналар яратилди. Буфер зонага кирадиган ҳудудлар қўл ва сув омбор киргоқлари масофасига қараб экотуризмни ривожлантириш учун яроқлилик даражаси билан белгиланди. У мос равишда 10, 8, 6, 4 ва 2 баллни ташкил этди.

Бундан ташқари, ҳар бир туман ва шаҳар ҳудуди учун буфер зонага киритилган ҳудуднинг майдони ҳисоблаб чиқилган, ҳар бир бундай зона ҳудуднинг умумий майдонига нисбатан фоиз нисбати ҳисоблаб чиқилган ва унинг умумий баллари аниқланган. (2-жадвал)

2-жадвал.

Фаргона вилоятининг маъмурий-ҳудудий бирликларида экотуризмни ривожлантириш учун "Қўл ва сув омборларининг когнитив қиймат" кўрсаткичи бўйича ҳисоб-китоблар натижалари.

Маъмурий-ҳудудий бирлик	Балл	Маъмурий-ҳудудий бирлик	Балл
Богдод	4	Қўқон ш.	4
Ўзбекистон	6	Фурқат	2
Бешарик	6	Қўштепа	6
Сўх	4	Бувайда	6
Фарғона	6	Данғара	2
Риштон	2	Ёзёвон	6
Олтиарик	6	Қува	4
Учкўприк	6	Тошлоқ	4
Қувасой ш.	2	Марғилон ш.	10
Фарғона ш.	8		

Баҳолаш натижаларига кўра, Фарғона вилоятидаги Фарғона ва Марғилон шаҳарларининг ҳар бири 8 баллдан тўплаб, экологик туризмни ривожлантириш учун «қулай» деб баҳоланди. Бувайда, Қўштепа, Ёзёвон туманларининг ҳар бири 6 баллдан тўплаб, экологик туризмни ривожлантириш учун «ўртача қулай» деб баҳоланган бўлса, Богдод, Ўзбекистон, Бешарик, Сўх, Фарғона, Олтиарик, Учкўприк, Данғара, Қува ҳамда Тошлоқ туманлари 4 баллдан тўплаб, экологик туризмни ривожлантириш учун «камроқ қулай» деб баҳоланди. Экологик туризмни ривожлантириш учун «қулай эмас» деб 2 балл билан Риштон, Фурқат туманлари ҳамда Қувасой ва Қўқон шаҳарлари баҳоланди (3-расм).



3-расм. Фарғона вилояти ҳудудидаги қўл ва сув омборларининг когнитив қиймат картаси

Ҳудуднинг иқлим қулайлигини баҳолаш учун ҳарорат ва ёгингарчиликнинг ўртача йиллик кўрсаткичлари ҳисобга олинди.

Ушбу элементар хусусиятларни ёгингарчиликнинг тарқалиши контурлари ва ўртача йиллик ҳароратнинг изотермалари бўйича баҳолаш учун Фарғона вилояти ҳудудларга бўлинди, уларнинг ҳар бири рейтинг шкаласи бўйича экологик туризмни ривожлантириш учун яроқлилиқ кўрсаткичлари бўйича балларга эга бўлди. Олинган маълумотларга асосланиб, ҳар бир маъмурий-ҳудудий бирликлар «жуда қулай», «қулай», «ўртача қулай», «камроқ қулай», «қулай эмас» каби ҳудудлар фоизи ҳисоблаб чиқилган. Бундан ташқари, ушбу нисбат ҳар бир минтақанинг экоиуризмни ривожлантириш учун яроқлилиги бўйича умумий балл билан қўйилди. (3—4-жадваллар).

3-жадвал.

Фаргона вилояти маъмурий-худудий бирликларининг "ўртача йиллик ҳаво ҳарорати" нуктаи назаридан экотуризмни ривожлантиришга яроқлилигини баҳолаш натижалари.

Маъмурий-худудий бирлик	Ўртача йиллик ҳаво ҳарорати, °С	Балл
Боғдод	14,5	6
Ўзбекистон	14,4	6
Бешарик	14,7	6
Сўх	11	6
Фарғона	12	6
Риштон	14,4	6
Олтиарик	14,4	6
Учкўприк	14,5	6
Қувасой ш.	12,8	6
Фарғона ш.	13,7	6
Қўкон ш.	14,5	6
Фурқат	14,6	6
Қўштепа	14,2	6
Бувайда	14,5	6
Данғара	14,5	6
Ёзёвон	14,3	6
Қува	14,1	6
Тошлоқ	14,1	6
Марғилон ш.	14,1	6

Ҳавонинг ўртача йиллик ҳарорати каби элементар индикаторига мувофиқ, Фарғона вилоятидаги барча маъмури-худудий бирликлар бир хилда 6 баллдан тўплаб, экотуризмни ривожлантириш учун «ўртача қулай» деб баҳоланди.

4-жадвал.

Фарғона вилояти маъмурий-худудий бирликларининг "ўртача йиллик ёгингарчилик" нуктаи назаридан экотуризмни ривожлантиришга яроқлилигини баҳолаш натижалари.

Маъмурий-худудий бирлик	Ўртача йиллик ёгингарчилик, мм	Балл
Боғдод	125	4
Ўзбекистон	75	2
Бешарик	100	4
Сўх	250	8
Фарғона	225	8
Риштон	150	4
Олтиарик	150	4
Учкўприк	125	4
Қувасой ш.	225	8
Фарғона ш.	175	6
Қўкон ш.	125	4
Фурқат	100	4
Қўштепа	150	4
Бувайда	150	4
Данғара	150	4
Ёзёвон	150	4
Қува	200	6
Тошлоқ	175	6
Марғилон ш.	150	4

